# Дейл КАРНЕГИ

Мувафаққият калити

ДЎСТ ОРТТИРИШ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ОММА ОЛДИДА СЎЗЛАШ САНЪАТИ

БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ СИРЛАРИ

# Дейл КАРНЕГИ

Мукаммал шахсият калити

ДЎСТ ОРТТИРИШ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ОММА ОЛДИДА СЎЗЛАШ САНЪАТИ

БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ СИРЛАРИ

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi
У-8934/21

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2021

**УЎК: 159.9**
**КБК: 88.53**
**К-24**

**Карнеги, Дейл.**
«Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. Безовталикдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари» (Сўзбоши муаллифи ва таржимон: Фатҳулла Намозов). — Т.: Янги аср авлоди, 2021. — 720 бет.

ISBN 978-9943-27-325-2

Дейл Карнеги жамиятдаги муносабатларнинг нозик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади. Инсонларнинг ўзаро муомала маданияти, ўзини тутиш, мулозамат, бошқаларни ҳурмат қилиш, ишларини юқори баҳолаш орқали обрў-эътибор топиш мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлашнинг турли йўлларини очиб беради. Тиятловчини қизиқтириш, яхши маъруза ўқиш, хотирани мустаҳкамлаш ва бошқа мавзуларда ҳам қимматли маслаҳатларни тавсия этади. Безовталикнинг омиллари, ечими баробарида турфа инсонлар ҳаётидаги турли ҳолатлар, Карнеги анъанасига кўра, мисоллар тариқасида келтирилади.

Ушбу тўплам Дейл Карнегининг "Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида", "Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати" ва "Безовталикни тарк этиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари" китобларининг яхлит кўринишидир. Кўплаб китобхонларнинг талаб-истаклари асосида чоп этилган мазкур туҳфа кутубхонангиз жавонидан муносиб жой олади, деган умиддамиз.

Ўқинг, ўқинг, қўлланг. Ана шунда ҳаётингизда янги саҳифалар очилганига ишонч ҳосил қиласиз.

**УЎК: 159.9**
**КБК: 88.53**

**Сўзбоши муаллифи ва таржимон:**
Фатҳулла НАМОЗОВ

ISBN 978-9943-27-325-2

© Дейл Карнеги. «Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. Безовталикдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

## ТАКАЛЛУФЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ

Дейл Брекенриж Карнегей (1922 йилдан кейин Карнеги деб ўзгартирилган) — америкалик педагог, ёзувчи. У ўз замонасининг руҳшунослари илмий тажрибаларини амалий жиҳатдан ўрганиб, ўзаро муносабатлар назариясини яратган, ихтилофсиз ва муваффақиятли муомала санъатини ишлаб чиққан. Ўз-ўзини камолга етказиш билан боғлиқ курслар очиб, шахсий муносабатларни шакллантириш, сўзга чиқиш ва бошқа мавзуларда махсус тизим яратган. Карнегининг китоблари ҳозирги кунга қадар оммабоп саналади.

Дейл Карнеги 1888 йилнинг 24 ноябрида Миссури штатида туғилган. У Жеймс Уильям Карнегей ва Аманда Элизабет Харбисоннинг иккинчи ўғли эди. Оила ночорликда кун кечирарди. Фермер ота ичмас, чекмас, эрталабдан кечгача тиним билмай ишларди. Шунга қарамай, нуқул зиён кўрарди. У талаб бўлмаган чорва молларини кўпайтиришни ўйлар, экин майдонида эса нархи тушган бошоқли ўсимликларни етиштириш билан овора эди. Оила баъзида йилига йигирма доллар атрофида даромад кўрарди, холос.

Ўсмир ёшида Дейл сигирларни соғиш учун тонгги соат тўртда уйғонишга мажбур эди. Шунга қарамай, у Уоренсбургдаги педагогик коллежга ўқишга кириб, яхшигина маълумот олди. Ўшандаёқ нотиқлик санъати билан қизиқиб, мунозара-тортишувларда фаол қатнашарди. Ўқитувчилар Дейлнинг чиқишимли эканлигини илғаган эдилар. Дейл коллежда ўқир экан, уларнинг оиласи ётоқхона учун пул тўлашга қурби етмас, шу боис йигит ҳар куни отда олти миль йўл босиб, ушбу илм даргоҳига қатнар эди *(1 географик миль — 7420 метр)*. Қолаверса, Дейл фермадаги турли-туман ишлардан бўшаган пайтидагина машғулотларга қатнарди. Шу боис коллеждаги кўплаб тадбирларда иштирок эта олмас, бунга вақти ҳам, тузукроқ уст-боши ҳам йўқ эди: унинг битта-ю битта одмироқ костюми бор эди, холос.

1908 йилда йигирма ёшга тўлган Дейл доимий равишда оч-наҳор юрарди.

Таҳсилдан кейинги илк фаолияти ранчо эгаларига сирт дан дарс бериш бўлди. Небраскада ҳужжат ташувчи, чопар бўлиб, кейин эса Нью-Йоркда актёр сифатида ишлай бош-

лади ва нотиқлик санъати бўйича сабоқ олишга бел боғлади. Машғулотлар муваффақиятли ўтиб, у шахсий амалиёт сари қадам ташлашга қарор қилди. Дейл футбол жамоасидан жой олишга ҳаракат қилди, бироқ вазни енгиллиги сабабли тренер уни қабул қилмади. Боланинг кўнгли ўксиб, ўзига нисбатан норасолик тушунчаси шаклланиши мумкин эди. Онаси буни тўғри англаб, унга мубоҳаса тўгарагига боришни маслаҳат берди. Бир неча марталик уринишдан сўнг Дейл мазкур тўгаракка қабул қилинди.

Тўгарақдаги чиқишлар ҳақиқатан ҳам Дейлнинг ўз кучига ишонч, нотиқлик борасида муайян амалиёт пайдо қилди ва муваффақиятга эриша бошлади. Бир йил ичида Дейл нотиқлик бўйича ўтказилган танловларда юқори ўринларга сазовор бўлди. У мунтазам равишда муносабатлар коммуникасининг улкан таълим тизимини шакллантириб борди. Мазкур тизим шу қадар ўзига хос эдики, Карнеги муаллифлик ҳуқуқини ҳам расмийлаштиришга қарор қилди. Иш жараёнида у Лоуел Томас билан ҳамкорлик қилди ва 1934 йилда уларнинг "Таниқли кишилар ҳаётидан унча маълум бўлмаган саҳифалар" номли китоби нашр этилди. Ўқитиш, маърузалар ва публицистика Карнегини танитибгина қолмай, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос тизимини такомиллаштиришига ҳам сабабчи бўлди. Карнеги астойдил изланиш олиб бориб, бир нечта рисола чоп эттирди, унинг асарлари тингловчилар томонидан ташналик билан ўқила бошланди. Ташкил этган курси эса янада оммалашиб, бир дарси учун одатдаги икки доллар ўрнига унга ўттиз доллардан тўланарди. Ёш мураббийнинг муваффақияти ҳақида эшитган бошқа профессионал клублар Карнегига илтимосномалар билан мурожаат эта бошладилар.

1933 йилда "Саймон энд Шустер" нашриёти бошқарувчиси Леон Шимкин Дейл Карнегининг Ларчмонтдаги муаллифлик курсида тингловчи сифатида иштирок этди. Бу сабоқ Шимкинда катта таассурот қолдирди. У Карнегига тингловчиларга берган манбаларини китоб шаклида чиқаришни маслаҳат берди. "Дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш ҳақида" китоби шу тариқа дунё юзини кўрди. Бир йил мобайнида мазкур китоб миллион нусхада сотилди (кейинчалик — муаллиф ҳаётлик чоғидаёқ Американинг ўзида беш миллион

нусхада сотилди). 1948 йилда Дейл Карнегининг "Безовталикдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари" номли китоби нашрдан чиқди. "Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати" ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди. Дарвоқе, Дейл Брекенриж 1922 йилдан эътиборан фамилиясини Карнегейдан Карнеги деб ўзгартирган. Афтидан, у машҳур Эндрю Карнегининг шон-шуҳратидан фойдаланишни кўзлаган.

Карнеги энди Нью-Йоркда ўзининг уй-жойига эга, обрў-мартабаси зиёда эди. У яратган институтнинг доврўғи тобора кенг ёйиларди. Бу пайтга қадар Карнеги ноқулай аҳволга тушган эди. Педагогик фаолиятида намуна бўлиш учун у уйланишга қарор қилди...

Лолита Бокер ўзининг граф сулоласидан эканлигини бот-бот таъкидларди. Унинг никоҳ маросимидан кейинги сўзлари шундай бўлди: "дарвозабонга чойчақа бердингми?"

Луиза эрининг оддий халққа мансублигидан жунбишга келар, уйда доимий равишда ғавғо кўтарарди. Айни шу пайтларда Карнеги "бахтли турмуш учун етти қоида" акс этган китобини ёза бошлади. Орадан ўн йил ўтиб, китоб тайёр бўлди, муаллифнинг сабр-тоқати эса тугаган эди.

Махфий равишда ажралишга тўғри келди. Қўлёзма "Дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш ҳақида" деб номланганди. Муаллифнинг ўз оиласидан ажралганлиги ҳақидаги матбуотда бериладиган хабар эса китоб ададига нуқта қўйиши мумкин эди.

Мамлакат иқтисодий таназзулни бошдан кечирар, зудлик билан ҳаммабоп омад формуласига муҳтожлик сезиларди. Ишсизлар сони уч миллионгача ошиб кетди.

Карнеги китоби учун ўзаро келишув асосидаги сотувдан бериладиган 25 фоизли тўлов, яъни юз эллик минг долларни қўлга киритди. Ўша пайтда бу пулга Нью-Йоркдан ўнталаб уй олиш мумкин эди. Мазкур китоб ўнта миллий бестселлер рўйхатига киритилиб, ҳозирги кунгача мавқеини йўқотмаган. Дейл Карнеги кечки мактаб муаллимидан йилига бир неча миллион доллар олиб келадиган тизим эгасига айланган эди.

Ўтган асрнинг қирқинчи йиллари охирида ҳар бир штатда Карнеги институтининг филиали иш олиб борган. Менежерлар, котибалар, уй бекалари ва адвокатлар ўз яқинлари билан муносабат кўникмасини амалда қўллашарди. Карне-

ги таълими ҳар бир соҳада асқотарди. Унинг довруғи достон бўлди. Китоблари қайта-қайта нашр этиларди. Дейл Карнеги "Жиггс ва Мэгги жамиятда" фильмида роль ҳам ўйнаб, ўзини ижро этди.

Кейинчалик Карнеги ишдан деярли узоқлашди. У мутолаа билан машғул бўлар, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар, завқ-шавқ ила гуллар экар ва болалар билан ўйнар эди. Бахтли тасодиф туфайли омадли кечган иккинчи никоҳидан бениҳоя роҳатланарди. Унинг иккинчи рафиқаси собиқ тингловчиларидан бири эди.

Дейл Карнеги 1955 йил 1 ноябрда хожкин касали туфайли вафот этди. Унинг вафоти деярли билинмади. Ҳеч ким Дейл Карнегининг муайян шахс эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмасди. Кўпчиликнинг фикрича, бу ном остида ўз касбининг устаси бўлган руҳшунослар, менежер ва файласуфлардан иборат институт бор эди, холос. Карнеги ишини рафиқаси Дороти давом эттирди. У мазкур марказ президенти ва бош ижрочи директор сифатида фаолият олиб борди. Дороти Карнеги раҳбарлиги остида компания муваффақиятли равнақ топиб, етмишга яқин мамлакатда марказлар иш бошлади ва беш миллион битирувчини ўзида қамраб олди.

Дороти Карнеги эрининг ўлимидан йигирма икки йил ўтиб, 85 ёшида Нью-Йоркда вафот этди.

Дейл Карнеги таълими бўйича, ёмон одамлар йўқ, балки кўнгилсиз вазиятлар бўлиб, унга қарши курашиш керак. Бунинг учун эса асло сиқилмаслик, кайфиятни бузмаслик лозим. У ўз тингловчиларини табассум қилиш, суҳбатдошни диққат билан тинглаш, қизиқиш уйғотиш ва шу каби жуда кўплаб сабоқлар бериш орқали муваффақият қозонишга ўргатди. Энг муҳими, самимият, дилкашлик, ўзгаларни ранжитмаслик, аксинча улар қалбини забт этиш кераклигини уқтирди. Албатта, Карнеги ғояларини танқид қилганлар ҳам бўлди. Айрим руҳшунослар уни ёлғон, ҳийла-найранг аралаш такаллуфлар тарғиботчиси сифатида тилга олишган. Шахсий манфаат учун ҳар тусга кириш инсоннинг ўзлигини йўқотади, деб ҳисоблашган. Аммо, кўпчиликнинг фикрича, ҳар қандай нозик масалаларда ҳам Карнеги тамойиллари устун келади ва у "1-рақамли руҳшунос" сифатида қолади.

***Фатҳулла НАМОЗОВ***

# Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида

*Карнеги инсонларнинг ўзаро муомала маданияти, ўзни тутиш, мулоқотга, илтифот кўрсатиш, бошқаларни ҳурмат қилиш, ишларини юқори баҳолаш орқали обрў-эътибор топиш мумкинлигини таъкидлайди. Ҳаётда рақиб, душман тонишдан кўра, дўст орттириш ва ўзгаларда ҳуш таассурот қолдириш ҳар қандай кишини муваффақият сари элтишини турли ҳаётий мисоллар билан исботлайди.*

## БУ КИТОБ ҚАНДАЙ ВА НИМА САБАБДАН ЁЗИЛДИ?

Кейинги ўттиз беш йил давомида Америка нашриётлари икки юз мингдан ортиқ турли китобларни босиб чиқарди. Уларнинг аксарияти ҳаддан зиёд зерикарли бўлиб, кўпчилиги эса молиявий томондан ўзини оқламас эди. Мен «кўпчилиги» деб айтдимми? Дунёдаги энг йирик нашриётлардан бирининг бошқарув раиси яқинда менга иқрор бўлиб бир гапни айтди. Унинг етмиш беш йиллик компанияси етарли тажрибага эга бўлса-да, ҳар саккизта нашр қилинган китобнинг еттитаси зарар кўради.

Шундай экан, мен нима учун мулоҳаза қилиб кўрмай, яна бир китобни ёзмоқчи бўлдим? Ва нима учун бу китобни ёзиб бўлгач, сиз ўзингизни уринтириб, уни ўқиб чиқишингиз керак?

Юқоридаги ҳар иккала савол ҳам ўринли бўлиб, уларга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Бу китоб нима учун ва қандай ёзилганини изоҳлаш учун, афсуски, Лоуэлл Томас томонидан ёзилган кириш сўзида келтирилган айрим далилларни, сизга маълум бўлса ҳам, такрорлашга тўғри келади.

1912 йилдан бошлаб мен Нью-Йоркда ишбилармон доира вакиллари ва мутахассислар, эркак ва аёллар учун курс машғулотларини олиб бордим. Дастлаб менинг курсим фақат нотиқлик санъати билан чегараланиб қолган ва ўз олдига ёши катта кишиларнинг фикрини тезроқ жамлаш ҳамда уни баён этишга — иш билан боғлиқ суҳбатларда, кенг аудитория ҳузурида аниқ, равшан, ишонарли ва ўзига ишонган ҳолда ўргатишни мақсад қилиб қўйган эди.

Вақт ўтиши билан бу одамлар омма олдида сўзга чиқишга шунчалик муҳтожлик сездиларки, энди одамлар билан нозик муомала қилиш, унда иш юзасидан бўладиган учрашувлар ва шахсий мулоқотларда унинг аҳамиятини

кўпроқ англаб бошладилар. Мен буни аста-секин тушундим.

Ўзим ҳам ана шундай тайёргарликка муҳтож эканлигимни англай бошладим. Ўтган шунча йиллар аро ортга қайрилиб қарасам, ҳайратга тушаман: менинг ўзим керакли меъёр ва шароитни ҳисобга олиш соҳасидан узоқлашиб кетибман. Бундан йигирма йил муқаддам ихтиёримда шундай китоб бўлишини қанчалик истаган эдим-а? Бу мен учун нақадар бебаҳо мукофот бўларди?

Атрофдаги одамлар билан мулоқот, шубҳасиз, ишбилармонлар дунёсидаги кишилар олдига ҳар қандай муаммоларни юзага келтиради. Бу ҳол уй бекаси учун ҳам, меъмор, муҳандис учун ҳам бирдек заруратдир. Бир неча йил муқаддам Карнеги фонди ҳимоясида ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида ўтказилган тадқиқот муҳим ва кўп қиррали далилни очиб берди. Бу кейинчалик Карнеги технологик институти томонидан ўтказилган тадқиқот туфайли тасдиқланган эди. Мазкур тадқиқотларнинг кўрсатишича, молиявий муносабатда ва унинг тармоқлари ҳисобланмиш иқтисод ва машинасозликда, ҳатто мутахассислар ҳам фақат ўзларидаги техникага доир ўн беш фоиз билимлар туфайли, қолган 75 фоизи ҳамкасб билан муомала қилиш, яъни одамлар билан мулоқот қилишда, раҳбарликда муваффақиятга эришар экан.

Мен узоқ йиллар мобайнида ҳар йили Филадельфиядаги муҳандислар клубида, шу билан Нью-Йоркдаги Америка муҳандис-электриклар институтида курс машғулотлари ўтказдим. Умуман айтганда, курсларим орқали деярли бир ярим минг муҳандислар билан мулоқотда бўлдим. Ушбу курсларимдан ўтишларига сабаб шуки, улар кўп йиллик тажриба асосида бир нарсани тушундилар. Гарчи катта маош олиб ишлаб, техника соҳасида етук мутахассис бўлсалар-да, айрим томонларни бошқаришга ноқислик сезганлар. Масалан, эллик ёки етмиш беш долларни ҳар ҳафта тўлаб оддий муҳандис, ҳисобчи, меъмор ёки бошқа соҳадаги мутахассисни дарров топиш мумкин. Бундай мутахассислар ҳамиша тўлиб-тошиб ётади. Аммо техник билимларни эгаллаш билан бирга шу қобилияти ёнига раҳбарлик ролига эга бўлиб, одамларда ғайрат-шижоатни

туғдирадиган бундай одам доимо энг юқори маош олиб ишлайди.

Фаолияти энг гуллаб-яшнаган даврда Жон Ж.Рокфеллер Мэтью Брашга шундай деган эди: «*Одамлар билан муомала қилиш укуви ҳам бамисоли мол-маҳсулотга ўхшайди, уни ҳам биз худди қанд ёки қаҳва каби сотиб оламиз... Мен худди шундай укув учун дунёдаги бошқа ҳамма нарсадан кўпроқ ҳақ тўлайман*».

Мамлакатнинг ҳар бир коллежи ўз дастурига бизнинг дунё учун зарур бўлган қобилиятларни ўрганишни киритиши табиий эмасми? Ҳозирча менга бу курснинг ёши катталар учун мўлжалланган амалий курси жилла қурса, мамлакатнинг битта коллежида ташкил этилганида ҳам яхши бўлар эди.

Чикаго университети ва бирлашган мактаблар шўъбаси тадқиқот ўтказиб, ёши катталар ҳақиқатан ҳам нимани ўрганмоқчи бўлишганини аниқлади.

Мазкур текширув ишлари икки йил давом этди ва йигирма беш минг долларга тушди. Унинг якунловчи қисми Коннектикут штатидаги Мериденада ўтказилди. Бу шаҳар Америка учун хос шаҳар сифатида танланган эди. Мериденнинг ҳар бир фуқароси 156 та саволга жавоб бермоғи лозим эди: «Сиз нима билан шуғулланасиз ва касбингиз нима?», «Маълумотинг қандай?», «Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?», «Даромадларингиз қанча?», «Хоббингиз нимадан иборат?», «Нимага интиласиз?», «Муаммоларингиз нималардан иборат?», «Сиз ҳаммадан кўра қайси предметларни ўрганишни хоҳлайсиз?» ва ҳоказо... Бу сўровлар ва текширишларнинг кўрсатишича, ёши катталарни ҳаммадан кўпроқ соғлиғи қизиқтирар экан. Уларнинг одамларга қизиқиши иккинчи ўринда туради; улар билан қандай тил топишиш мумкин; одамларга ёқиш учун нималар қилиш керак, уларни ўз нуқтаи назарингизга мойил этишда қай тарзда иш тутиш зарур каби масалалар туради.

Якунида ушбу масала билан шуғулланган қўмита катталар учун Мериденда тегишли курс машғулотлари ўтказишга қарор қилди.

Қўмита аъзолари мазкур масала бўйича амалий қўлланма ёки дарслик ахтаришди, аммо барча ҳаракатлари зое

кетди. Ниҳоят улар катталарни ўқитиш соҳасида машҳур бўлган ғоят баобрў кишилардан бирига мурожаат қилиб, бирорта қўлланма йўқми, бу гуруҳ одамларининг талабини қондирадиган бирон дарсликни тавсия эта олмайсизми, деб сўрашди. *«Йўқ*, — деган жавоб бўлди, — *биламан, бу одамлар нимани хоҳлашади. Аммо бундай қўлланмани ҳали ҳеч ким тузган эмас»*.

Шахсий тажрибамдан шуни биламанки, бундай баёнот ҳақиқатга мос, чунки менинг ўзим бир неча йил давомида амалий, барча талабларга жавоб берадиган, одамлар ўртасидаги муносабатлардан баҳс этувчи дарсликни излаш билан шуғулландим.

Бундай дарслик мавжуд эмас эди, шу боис уни ўзим ёзишга киришдим, ундан курсларимда фойдаланмоқчи бўлдим. Мана ўша китоб. Умид қиламанки, у сизларга маъқул бўлади.

Китоб устида ишлашда ушбу мавзуга доир нимани топсам, барини қайта ўқиб чиқдим, Дороти Дикс асарларидан тортиб, «Ота-оналар учун журнал»даги никоҳи бекор қилинган жараёнлар баённомасигача, профессорлардан Овестрит, Альфред Адлер ва Уильям Жеймснинг илмий ишларигача — барини кўздан кечириб чиқдим. Шу билан бирга бир ярим йил кутубхоналарда ишлаб, мен улгура олмаган психологияга доир юзлаб газета мақолаларини ўқиб, фикрларини жамлаган тажрибали илмий ходимни ҳам таклиф этдим. Ва дунёдаги барча даврларнинг улуғ кишилари бошқалар билан қандай мулоқот қилганларини ўрганиб чиқдим. Биз барча давр даҳоларининг таржимаи ҳолларини ўргандик. Юлий Цезардан Томас Эдисонгача бўлган машҳур шахсларнинг ҳаётий ёзишмалари билан танишиб чиқдик. Шуни эслайманки, фақат Теодор Рузвельтнинг юздан ортиқ таржимаи ҳолларини ўрганган эканмиз. Тўла-тўкис қатъият билан биз вақтни ҳам, маблағни ҳам аямай асрлар давомида дўстлар орттириш ҳамда атрофдаги одамларга таъсир ўтказишга доир амалий усулларни баён этишга интилдик.

Менинг ўзим муваффақият қозонган жуда кўплаб кишилар билан шахсан суҳбатлашдим. Улар орасида Маркони, Франклин, Делано Рузвельт, Оуэн Д.Янг, Кларк Гайбл,

Мэри Пикфорд, Мартин Жонсон каби шахслар бор эди. Мен улар атрофидаги кишилар билан муомалада бўлишда қандай усуллардан фойдаланишганини изоҳлашга ҳаракат қилдим.

Ушбу материаллар асосида мен қисқача суҳбатлар мажмуини тайёрлаб, уни «Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш ҳақида» деб номладим. Мен «қисқача суҳбатлар» дедим. Даставвал у ҳақиқатан ҳам қисқа эди, энди эса маърузага айланиб, бир ярим соатни ўз ичига олади. Бир неча йиллар давомида мен бу маърузани катта ёшдаги кишилар учун Нью-Йоркдаги Карнеги институти курсларида ўқидим.

Мен ушбу маърузани ўқир эканман, унинг талабларини тингловчилар амалиётга синаб кўришлари, ўз мутахассисликлари доирасида, иш жараёнида, танишлар билан бўлган муомала, муносабатда текшириб кўришларини, сўнгра синфга қайтиб, ўз тажрибалари ҳақида гапиришлари ҳамда қўлга киритилган натижалар тўғрисида ҳикоя қилиб беришларини талаб қилиб туриб олдим. Нақадар қизиқарли топшириқ! Ўз-ўзини камолга етказишга ниҳоятда чанқоқ бу одамларни иш истиқболи мутлақо янги типдаги лаборатория — яъни лаборатория тарихидаги биринчи ва яккаю ягона, одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммолари билан машғул бўлган лаборатория ўзига қаратиб олди.

Мазкур китоб оддийгина сўзда айтилгандек, осон ёзилгани йўқ. Худди чақалоқ ўсиб-улғайганидек, у ҳам ўса борди. У минглаб одамларнинг тажрибаси асосида ўзига хос бўлган лабораторияда ўсди, ривожланди.

Бир неча йил муқаддам биз ўз фаолиятимизни почта хатжилдидан унча катта бўлмаган карточкага ёзилган қатор қоидаларни ишлаб чиқиш билан бошлаган эдик. Кейинги йил бу карточкани каттароқ ҳажмда чиқардик, сўнг варақа, сўнг рисолалар серияси шаклида чиқардик. Уларнинг ҳар бири ҳажми ва ўлчами тўхтовсиз равишда ошиб борди. Ва, мана, ўн беш йиллик тажриба, тадқиқот эвазига бу китоб дунё юзини кўрди.

Биз томонимиздан баён этилган қоидалар бутунлай назарий муҳокамалар ҳамда ўйлаб топилган фикрлардан иборат эмас. У мўъжизавий таъсирга эга. Гарчи бу унчалик ишонарли жарангламаса-да, уни амалга ошириш туфайли

кўпгина кишиларнинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетганини кўрдим.

Буни мисол билан тушунтираман. Ўтган йили курсимизга бир киши келди. Унинг қўл остида ўттиз тўрт хизматчи ишлар эди. У илгари бир неча йил давомида таҳлилсиз, ҳисоб-китобсиз ўз хизматчиларининг барини таъқиб этиш, танқид ва ҳақорат қилиш билан шуғулланиб келган. Ширин сўзлар, мақтов ва рағбатлантириш бирор марта бўлсин, оғзидан чиқмаган. Ушбу китобда таҳлил этилган қоидаларни ўрганганидан сўнг бу тадбиркор ўзининг ҳаётий фалсафасини тубдан ўзгартирди. Энди унинг ташкилотида янги муҳит, унинг учун янгича ғайрат-шижоат, шунгача хаёлига келмаган жамоавийлик ҳукм сурмоқда. Ўттиз тўртта ашаддий душман ўттиз тўртта дўстга айланди. Гуруҳ машғулотларидан бирида у мағрур ҳолда туриб, шундай деган эди: *«Агар илгари корхонага киргудек бўлсам, ҳеч кимнинг мен билан рўпара келгиси келмас эди. Хизматчиларимга яқин келсам, юзларини терс ўгиришарди. Энди эса улар менинг дўстларимга айланишган, ҳатто дарбон ҳам менинг исмимни айтиб, мурожаат қилади».*

Ҳозир бу тадбиркорнинг даромади ҳам анча ошган, унинг дам олиш вақти етарли, бу жуда муҳим, албатта; у ўзини ишда ва оилавий доирада жуда бахтли ҳис этади.

Мазкур тамойилларни қўллаган сон-саноқсиз тижоратчилар ўзларининг савдо операцияларини кескин равишда кенгайтирдилар, уларнинг аксарияти банкда янги ҳисоб рақами очди, ваҳоланки, шу пайтгача уни очишга беҳуда уриниб юришган эдилар. Маъмурий ходимларнинг эса обрўси ва маоши ошди. Ўтган йили бир раҳбар ходим йиллик даромади беш минг долларга ошганини маълум қилди. У бунга курсда тилга олинган қоидаларга риоя қилгани туфайли муяссар бўлганлиги ҳақида гапириб берди. Филадельфиядаги «Гэс уоркс компани»нинг масъул ходими одамлар устидан раҳбарликни етарли таъминлай олмагани ва муроса қила олмагани учун мансабини пасайтиришни ўйлаб қолишган эди. Бизнинг курсларда таълим олиш олтмиш беш ёшли бу кишини мансабини пасайтиришдан қутқарибгина қолмай, балки уни янада юқори маош тўланадиган амалга кўтаришга сабабчи бўлди.

Курснинг йиллик якунланиши муносабати билан ҳар йили ўтказиладиган зиёфатда тингловчиларнинг хотинлари менга уларнинг оилавий ҳаётлари янада яхшиланган, бу ҳол эрлари курсларга қатнагандан кейин рўй берганини гапириб берардилар.

Айрим тингловчиларни янги муваффақиятларга қандай эришишгани, янги муваффақиятни қандай эгаллагани ҳайрон қолдиради. Буларнинг бари уларнинг назарида худди сеҳргарликка ўхшаб кўринади. Шундай воқеалар ҳам рўй бердики, улар ҳаяжонга тушиб, якшанба куни уйимга қўнғироқ қилишар, эришган муваффақиятлари ҳақида навбатдаги машғулотда гапириб бериш учун 48 соатни қандай кутамиз, дейишарди.

Ўтган йили бир тингловчимиз тилга олинган тамойиллар тўғрисидаги баҳсга азбаройи киришганидан, бошқа тингловчилар билан бирга ярим кечагача қолиб кетди. Эрталаб учда бари уй-уйларига тарқалишди, у эса ўзининг йўл қўйган шахсий хатоларидан хижолат бўлган ва рўпарасида турган янги, янада кенгроқ истиқболлардан ҳаяжонга тушиб, айнан шу кеч ухлай олмади. У ўша тунда ҳам, кейинги тунда ҳам асло кўз юма олмади.

У ким эди ўзи? Соддадил, кам маълумотли, янги пайдо бўлган ҳар бир назарияга сафсата сотадиган кишими? Мутлақо ундай эмас. Аксинча, у тажриба ва ишда обдон чиниққан, санъат асарларини оладиган, икки университетни чет элда битирган аслзода одамдир.

Ушбу бўлим устида тер тўкаётганимда, битта немис аслзодасидан мактуб олдим. У эски тартиб тарафдори, уларнинг ота-боболари Гогенцоллернахлар даврида доимий хизматдаги офицер бўлиб хизмат қилишган. Трансатлантика аро пароходдан ташланган бу хатда у диний пафос билан сўз юритар экан, бизнинг қоидаларга риоя қила бошлаганини баён этган эди.

Бизнинг бошқа тингловчимиз — Гарвард университетини тугатган, Нью-Йорк шаҳрининг эски фуқароси, бойбадавлат (унинг гилам ишлаб чиқарадиган фабрикаси бор) киши бўлиб, исми аслзодалар рўйхати битилган каталогда каттагина ўрин олган. Унинг айтишига кўра, у коллежда тўрт йил ўқиганидан кўра бизнинг янги ўқитиш тизимимиз

ёрдамида ўн тўрт ҳафтада кўпроқ нарсани, яъни одамларга нозик таъсир этиш сирларини ўрганган. Бу бемаъниликми? Кулгилими? Ҳаётийми? Тўғри, сиз бу таъкидлашни гумон остига қўйишингиз мумкин, ўрингa ўзингизга ёққан сифатлашни қўйишингиз мумкин. Мен эса Гарвард университетини муваффақиятли тугатган консерватив кайфиятдаги битирувчисининг сўзларини келтираман. У 1933 йил 23 февралда Нью-Йоркдаги Йэлдаги 600 киши йиғилган клубда ушбу сўзларни айтган эди:

*«Биз қандай бўлишимиз билан солиштирилганда,* — дейди Гарвард университетининг машҳур профессори Уильям Жеймс, — *ҳали ярим мудроқ тарзда бўламиз. Биз ўзимизнинг жисмоний ва ақлий ресурсларимиздан ҳали жуда кам фойдаланамиз. Умуман айтганда, одам ўзининг имконият даражасига мувофиқ яшамайди. У ҳар биримиз деярли фойдаланмайдиган турли хилдаги қобилиятларга эга».*

О, «бу деярли фойдаланилмайдиган» қобилиятлар-а? Китобимнинг ягона мақсади — ана шу очилмаган, сиз назар-писанд қилмайдиган қадриятларни баён этиш, ривожлантириш ва самара билан ўзи учун фойдаланишига ёрдам беришдан иборатдир.

Принстон университетининг собиқ президенти Жон Хиббен: *«Маълумот ҳар қандай тирикчилик вазиятларида тўғри ҳаракат қилиш кўникмаси демакдир»*, деб айтган эди.

Агар сиз ушбу китобнинг уч бўлимини ўқиганингиздан сўнг тирикчилик талаб қилган ҳар қандай вазиятларда яхшироқ ҳаракат қилмайдиган бўлсангиз, гарчи гап сиз тўғрингизда борса ҳам, мен уни бефойда, деб ҳисоблайман. Ҳолбуки Герберт Спенсер шундай деган эди: *«Илмнинг буюк мақсади, бу — фақат билим эмас, балки ҳаракатдир»*. Бу китоб эса ҳаракатлар китоби ҳисобланади.

*БИРИНЧИ ҚИСМ*

# ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

*Биринчи бўлим*

## «АГАР АСАЛ ЙИҒМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, АСАЛАРИ ҚУТИСИНИ УЛОҚТИРМАНГ»

1931 йил 7 майда Нью-Йорк энг йирик полиция тинтувининг энг шов-шувли якуни шоҳидига айланди, бу эски шаҳар шу пайтгача бундай воқеани бошдан кечирмаган эди. Бир неча ҳафталик таъқиб давомида Кроули Икки Тўппонча жуда оғир вазиятга тушган, уни Уэст-Энд-авеньюдаги маъшуқасининг уйида пайқаб қолган эдилар.

Юз эллик полициячи ва изқуварлар уни юқори қаватдаги пана жойда қамал қилиб олишди. Томдан туйнук очиб, бу «полициячилар қотили»ни кўздан ёш оқизадиган газ билан ҳайдаб чиқармоқчи бўлишди. Сўнг улар қўшни уйда пулемёт ўрнатишди. Бир соат вақт давомида Нью-Йоркнинг ажойиб турар-жой кварталларидан бири тўппончадан узилган ўқлар ва пулемётнинг тўхтовсиз отишмаларидан ларзага келиб турди. Вазмин оромкурсида яшириниб олган Кроули ҳам тўхтовсиз равишда полициячиларга қарата ўқ отарди. Фиғони фалакка чиққан ўн минг томошабин бу томошанинг гувоҳи бўлди. Нью-Йорк кўчаларида шу пайтгача бундай можаро рўй бермаган эди.

Кроулини қўлга туширишгандан кейин полиция комиссари Малруни баёнот бериб, бу каллакесар Нью-Йоркнинг бутун тарихида энг хавфли жиноятчиларидан бири эканлигини айтди. «У ҳеч қандай сабабсиз ҳам одам ўлдираверади», деди комиссар.

Аммо Кроули Икки Тўппонча ўзини ўзи қай тарзда кўрар эди? Бу каллакесар яширинган жойни полиция ўққа тутар экан, у «бу кимга тааллуқли бўлса, ўшанга» деган мазмунда

хат ёзганки, биз мазкур хат орқали Кроулини билиб оламиз. У хат ёзар экан, яраланган жойларидан оққан қон қоғозга сачраб, эгри-бугри из қолдирарди. Хатда Кроули, *«Менинг кўксимда ҳориб-чарчаган, аммо одамларга асло ёмонликни раво кўрмайдиган олижаноб юрак уриб турибди»*, деб ёзган эди.

Бунга қадар Лонг-Айлендга олиб борувчи шаҳар ташқарисидаги йўл чеккасида Кроули машинасида ўз маҳбубасини қучоқлаб ўтирган. Машинага полициячи яқинлашган ва ундан ҳайдовчилик гувоҳномасини сўраган.

Бир оғиз сўз демай Кроули тўппончасини чиқарди ва полициячига қарата ўқ ёғдирди. Полициячи йиқилар экан, Кроули машинадан сакраб тушди-да, унинг қинидан тўппончасини суғуриб олди-ю, чўзилиб ётган жасадга қарата яна ўқ узди. Бу — *«Менинг кўксимда ҳориб-чарчаган, аммо одамларга асло ёмонликни раво кўрмайдиган олижаноб юрак уриб турибди»*, деган қотил эди.

Ҳамма гап шундаки, Кроули Икки Тўппонча ўзича ҳеч қандай айбни тан олмайди.

Агар сиз бу воқеа жиноятчилар орасида урфга айланмаган десангиз, унда давомини эшитинг: *«Мен ҳаётимдаги энг яхши йилларни одамларга хушчақчақлик бахш этиш ва уларнинг вақтларини кўнгилли ўтказиш учун сарфладим. Буларнинг бари учун мен қандай мукофотга сазовор бўлдим? Фақат ҳақорат, таҳқирлаш ҳамда инсон ҳаёти учун тузоқ қўйиш бўлди, холос»*.

Бу гапни Аль Капоне айтган. Ҳа, ўз вақтида жамиятнинг биринчи даражали душмани деб ҳисобланган, Чикагони қачонлардир ҳаммадан кўпроқ террор қилган гангстерларнинг энг хавфли раҳнамоси бўлган одамнинг гапи бу! Аль Капоне ўзини мутлақо қоралагани йўқ. Аслида у ўзини жамиятнинг мурувват кўрсатувчи валинеъмати деб билар эди, бу валинеъмат баҳоланмаган ва мужмал деб ҳисобланган эмиш.

Голландиялик Шульц ҳам ўзига айнан шундай деб қарайди. У Ньюаркда гангстерлар отган ўқлар туфайли ҳалок бўлган эди. Газетага берган интервьюсида Нью-Йоркнинг ўтакетган ярамас бу кишиси ўзини жамиятнинг валинеъмати деб ҳисоблайди. Бунга ишонади ҳам.

T D P U
kutubxonasi
У-8934/21

Юқоридаги масала юзасидан мен билан Синг-Синг турмаси бошлиғи Лоуэс ўртасида қизиқарли ёзишма бўлган эди. Унинг таъкидлашига кўра, *«Бу қамоқхонанинг жуда озчилик жиноятчилари ўзларини ёмон кишилар деб билишади. Ушбу маҳбусларнинг нуқтаи назарига қараганда, улар ҳам сизу биздай одамлар эмиш. Шу томондан улар нимани-дир далиллаб кўрсатиш, ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлашга ҳаракат қилишади. Нима учун сейфни бузишга ёки ўқ узишга мажбур бўлишганини сизга тушунтиришга интилишади. Улардан кўпчилиги турли-туман хато ёки мантиқий мулоҳазалар ёрдамида ўзини жамиятга қарши бўлган хатти-ҳаракатларини оқламоқчи, ҳатто шу асосда уларни турмага тиқиш асло мумкин эмаслигини астойдил исботламоқчи бўлишади».*

Агар Аль Капоне, Кроули Икки Тўппонча, голландиялик Шульц ва турма, девори ортидаги каллакесарлар шунчалик даражада ўзларини бирор жиноятда айбдор эмас, деб ҳисоблар экан, биз дуч келган, тўқнашган одамлар тўғрисида нима дейишимиз мумкин?

Жон Уэнемейкер бир куни шундай деб иқрор бўлган эди: *«Бундан ўттиз йил муқаддам мен ҳадеб нолийвериш аҳмоқликдан бошқа нарса эмаслигини тушунган эдим. Менинг шахсий камчиликларим тўлиб-тошиб ётибди. Шундай экан, Худойи таоло одамлар ўртасида ақлий қобилиятларни тенг тақсимламаганлигидан асабийлашиб ўтириш тўғри бўлармикан?»*

Уэнемейкер буни жуда эрта фаҳмлаган эди. Менинг ўзим чорак кам бир аср давомида бу кўҳна дунёда пайпаслаб юриб, ниҳоят шунга амин бўлдимки, одамлар юздан тўқсон тўққиз ҳолатда ноҳақ бўлишларига қарамасдан ўзларидан мутлақо ўпкаламайдилар, ўзларини айбдор санамайдилар.

Танқид шунинг учун фойдасизки, у одамларни ўзини ҳимоя қилишга ёки, одатда, оқлашга мажбур этади. Танқид шунинг учун хавфлики, унинг иззат-нафсига зарба бўлиб тушади, унинг ғурурига тегади, унда ранж-алам қўзғайди.

Немис армиясида аскарнинг у ёки бу ҳодиса рўй берганида зудлик билан шикоят қилиш ёки унга нисбатан танқидий мулоҳазалар билдиришга рухсат берилмайди. Даставвал у ухлаб олиши ва бироз ўзига келиши керак. Агар у

дарҳол шикоят қилса, уни ўша заҳоти жазолашади. Худо ҳаққи, бу қоида доимий жавраб турадиган ота-оналар, жанжалкаш хотинлар, инжиқ иш берувчилар ва танқидга тоқат қилолмайдиган фуқаролар ҳаётида ҳам татбиқ этилса бошқача бўларди.

Сиз тарихий асарлардан беҳуда танқидга доир минглаб саҳифаларни ғиж-ғиж топишингиз мумкин. Масалан, Теодор Рузвельт билан президент Тафт ўртасидаги бир тийинга қиммат бўлган низони олиб кўринг. Бу республикачилар партиясини парчалаб, Вудро Вильсонни Оқ уйга олиб келди, жаҳон урушига сезиларли таъсир этиб, тарих йўналишини ўзгартириб юборди. Аслида ишнинг моҳиятини қисқача кўриб чиқайлик. 1908 йилда Теодор Рузвельт Оқ уйни тарк этиб, Тафт президент бўлиб олгач, Африкага шерларни овлаш учун жўнаб кетди. Қайтиб келганидан сўнг у қизғин фаолиятга берилди: «Миллий прогрессив партия»га асос солди, сал бўлмаса республикачилар партияси фақат икки штат — Вермонт ва Юта томонидан қўллаб-қувватланганди, холос. Бу эски партия ҳеч қачон бундай қақшатқич зарбага учрамаган эди.

Теодор Рузвельт ҳаммаси учун Тафтни айблади, аммо президент Тафт ўзини айбдор деб билармиди? Албатта, йўқ. Кўзларида ёш билан Тафт: *«Мен бундан бошқача қандай йўл тутишни мутлақо тушунмайман»*, деганди.

Ким айбдор эди? Рузвельтми ёки Тафтми? Очиғини айтсам, мен билмайман, бу мени қизиқтирмайди ҳам. Энг муҳими, мен исботлайдиган нарса шуки, Теодор Рузвельтнинг барча танқидий мулоҳазалари Тафтнинг ҳақ эмаслигига ишонтира олмади. Улар фақат унинг ўзини оқлашга мажбур этар, у эса кўзида ёш билан яна ва яна бир бор такрорлар эди: *«Мен бундан бошқача қандай иш тутишни мутлақо тушунмайман»*.

Ёки Типот-Доумадаги нефть захиралари билан боғлиқ оммавий жанжални олиб кўринг. Эсладингизми? Газеталар бир неча йил аразгўйлик билан шу ҳақда ёзди. Бу ғавғо бутун мамлакатни безовта қилди. Ҳеч ким бундай оммавий жанжал Америкада мутлақо учраганини эслай олмайди. Мана ушбу низо билан боғлиқ далиллар: Гардинг Альберт Фолл ҳукуматида ички ишлар вазирига Элк-Хилл ва Ти-

пот-Доума ҳудудларида давлатга қарашли нефть захираларини ижарага бериш вазифаси топширилган эди. Бу захиралар ҳарбий-денгиз флоти эҳтиёжлари учун қолдирилган эди. Вазир Фолл рақобатли савдони ташкил этдими? Йўқ, у бу ишни қилмади. Фолл дарҳол мазкур мутлақо фойдали шартномани ўзининг дўсти Эдвард Л.Догенига топширди. Догени қандай иш тутди? У молия вазири Фоллга «қарз» деб аташга журъат қилиб, бу миқдорни юз минг доллар этиб белгилади. Шундан сўнг вазир Фолл ўзбошимчалик билан АҚШ денгиз пиёда қўшинларига тегишли ҳудудга келиш ва Элк-Хиллдаги нефть чиқарадиган ҳудудларда жойлашган рақобатчиларни қувиб юборишга буйруқ берди. Милтиқ ва найзалар таҳдиди остида ўз ҳудудларидан қувилган бу рақобатчилар судга ташланишди, шу билан Типот-Доумадаги юз минг долларлик жанжалли ишни фош қилдилар. Бу иш шу қадар чиркин эдики, у Гардинг маъмуриятини фалокатга гирифтор қилди, бутун мамлакат бўйлаб жирканиш туйғуси вужудга келди, бу эса сал бўлмаса республикачилар партиясининг барбод бўлишига олиб келаёзди, Алберт Фолл эса қамоқхона панжараси ортига ташланди.

Фоллни жуда шафқатиз равишда қораладилар, тарихда жуда кам давлат арбобларигина бундай жазога дуч келишган. Нима, у пушаймон бўлдими? Ҳечам-да! Бир неча йиллардан сўнг Герберт Гувер ўзининг кўпчилик олдида сўзлаган маърузаларида буни қисман эслаб ўтди, унинг айтишича, президент Гардингнинг ўлими ўз дўстининг хиёнати туфайли келиб чиққан руҳий изтироблар оқибатида рўй берган. Фоллнинг рафиқаси буни эшитгач, ўз жойидан сакраб туриб кетди, у йиғлаган, қўлларини мушт қилиб, таҳдид қилган ва қичқириб юборган эди: *«Нима?! Фолл Гардингни сотдими? Йўқ! Менинг эрим ҳеч қачон ҳеч кимни сотган эмас. Борди-ю уй тўла тилла бўлганида ҳам у эримни мутлақо қизиқтирмас ва йўлдан оздирмасди. Улар уни сотдилар, жазога дучор қилдилар ва қўл-оёғини боғлаб, чормихга тортдилар».*

Бу шундай бўлади: одамзод қиёфасига шуниси хоски, у бошқаларни қандай бўлмасин айблашга мойил, фақат ўзини айбламаса бўлгани. Ҳаммамиз шунақамиз. Шунинг учун

эртага кимнидир танқид қилишни истаб қолгудек бўлсак, келинг, Аль Капоне, Кроули Икки Тўппонча ва Альберт Фоллни эслайлик. Шуни ўйлайликки, танқид худди почта кабутарига ўхшайди, яъни ҳамиша ўзига қайтиб келади. Биз қораламоқчи ва айбламоқчи бўлган одам ҳам шубҳасиз, ўзини оқлашга интилади ва ўз навбатида бизни ҳам худди мўмин-қобил Тафтга ўхшаб айблайди: *«Мен бундан бошқа қандай йўл тутишни тушунмайман»*, деб айтади.

1865 йилнинг 15 апрелида эрталаб, шанба куни арзонгина жиҳозланган хоналардан бирида Авраам Линкольн тўшакда жон узаётганди. Бу хона Бут унга ўқ узган Форд театри қаршисида эди. Линкольнга каравот ниҳоятда калталик қиларди. Каравот тепасида Роза Боренинг машҳур «Отлар ярмаркаси» суратидан олинган репродукция осилган, газ чироқ эса хира сарғиш нур сочиб турарди.

Жони узилган Линкольн тўшаги ёнида турган ҳарбий вазир Сжентой шундай деган эди: *«Бу ерда дунё ҳали ҳеч қачон кўрмаган энг бенуқсон киши ётибди»*.

Линкольннинг одамлар билан муносабатидаги муваффақиятга эришувининг сири нимада? Мен ўн йиллар давомида Авраам Линкольннинг ҳаёт йўлини ўргандим ва «Нотаниш Линкольн» деган китобни ёзиш ва қайта ёзишга нақ уч йил умримни бағишладим. Мен Линкольн шахси ҳамда унинг оилавий ҳаётини икир-чикиригача пухта ўрганишга интилдим, уни худди шу тарзда ўрганиш мумкин, деб ҳисобладим. Линкольн одамлар билан муомалада қандай усуллардан фойдаланганини махсус тадқиқ қилдим. У танқид билан шуғулланишга уриндими? О, бўлмаса-чи! У йигит чоғида Индиана штатидаги Пижон-Крик водийсида истиқомат қилар, атрофидаги одамлар шаънига танқидий мулоҳазалар билдириб қолмай, уларнинг устидан масхараловчи хат ва шиорларни қишлоқ кўчалари бўйлаб сочиб ташлаган эди, токи улар топиб олишлари керак эди. Ана шундай хатлардан бири тегишли манзилдаги кишига бориб етгач, уни умр бўйи ранж-аламга гирифтор этган эди.

Ҳатто Линкольн Иллинойс штатидаги Спрингфильдда амалиётни ўтаётган адвокат бўлиб ишлаётганида ҳам газе-

таларда босилган хатлари орқали узининг рақибларига қарши очиқдан-очиқ ташланган эди. Аммо кунларнинг бирида у ҳаддидан ошиб кетди.

1842 йилнинг кузида у кексайган, тажовузкор кайфиятдаги сиёсатчи ирланд Жеймс Шилдс номли шахс устидан ёзилган имзосиз хат орқали заҳархандалик билан кулган эди. Хат «Спрингфильд джорнэл» номли газетада босиб чиқди. Бутун шаҳар баланд овозда кулиб юборди. Тез хафа бўладиган ва мағрур Шилдс қаҳр-ғазабдан ёниб кетди. У хатни ким ёзганини аниқлади, отга сакраб минди-ю, Линкольннинг ҳузурига йўл олди ва уни дуэлга чақирди. Линкольн Шилдс билан урушишни хоҳламади, чунки у дуэлга қарши эди, аммо мазкур вазиятда ўз ор-номусини сақлаш учун бу чақириқдан бўйин ҳам товлай олмасди. Унга қуролни танлаш ҳуқуқи таклиф этилди. Линкольннинг қўли жуда узун бўлгани учун отлиқ аскарлар ишлатадиган оғир ва узун қилични танлади ҳамда бу аслаҳани ишлатиш бўйича Уэст-Пойнт битирувчисидан бир неча марта сабоқ олди. Белгиланган куни у ва Шилдс Миссисипи дарёсининг қумлоқ саёз жойида учрашишди ва жон бергунча урушмоққа тайёрландилар. Бу ишнинг охирги дақиқаларида уларнинг секундантлари (томонлар вакиллари) аралашиб, дуэлни тўхтатишди.

Бу Линкольн ҳаётидаги энг ғуссали кун сифатида кейинчалик одамлар билан муомала санъатида бир умр қимматли ибрат намунаси бўлиб қолди. Линкольн шундан кейин ҳеч қандай ҳақоратомуз хатлар ёзмайдиган бўлди.

Фуқаролар уруши даврида Линкольн Потумак армияси қўмондонлиги вазифасига бир неча бор янги генералларни тайинлади, аммо уларнинг ҳар бири — Мак-Клеллан, Поуп, Бернсайд, Хукер, Мид ҳам ўз вазифаларини мутлақо уддалай олмадилар, бу Линкольнни умидсизликка туширди. Мамлакатнинг ярми ушбу ношуд генералларни қаттиқ қоралар, аммо Линкольн хотиржам, у *«ҳеч нимадан дарғазаб эмас, ҳаммага олижаноб қалб билан муносабатда эди»*. Линкольннинг энг севимли ибораларидан бири «*Бировни қоралаш билан банд бўлманг, шунда сизни ҳеч ким қораламайди»*, деган гап эди.

Унинг хотини Линкольн хоним жанубликлар шаънига бирор кескинроқ сўз айтгудек бўлса, Линкольн: *«Уларни*

*танқид қилманг, худди шундай вазиятларда биз ҳам айнан шундай қилган бўлар эдик»*, деганди.

Барибир, қачонлардир кимдир танқид учун нишон бўлгудек бўлса, бу албатта, Линкольн бўларди. Битта мисол келтирамиз.

Геттесберг ёнидаги жанг 1863 йил июлнинг биринчи уч куни мобайнида давом этган эди. 4 июл куни кечаси мисли кўрилмаган ёмғир ёғиб, ҳамма жойни тўлдирганида, генерал Ли жанубга қараб чекина бошлади. Ўзининг мағлубиятга учраган армияси билан Потомак дарёси бўйига чиқар экан, Лининг кўз олдида дарё бутун салобати билан гавдаланди, ундан ўтиб бўлмас, орқада эса зафарда чўлоқланган федерал армия турарди. У гўё тузоққа тушиб қолган, ҳажот йўли йўқ эди. Линкольн буни тушунарди. Унинг олдида ажойиб, кўкдан ато этилган ёқимли имконият бор эдики, бу ҳам Ли армиясини асирга тушириш ва шу билан урушни тўхтатишдан иборат эди. Шу сабабли Линкольн Мидга ҳарбий кенгашни чақирмаслик ва Ли армиясига қўққисдан ҳужум қилишни буюрди. Ўзининг буйруғини телеграф орқали юборди, сўнгра унинг ортидан Мидга махсус чопар йўллаб, тезда ҳаракатни бошлашни талаб қилди.

Генерал Мид бунга қандай муносабатда бўлди! Унга нима буюрилган бўлса, қарама-қарши тарзда бажарди. Линкольннинг буйруғини тўғридан-тўғри бузиб, у ҳарбий кенгашни чақирди, қатъийлик кўрсатмади, узундан-узоқ вақт имиллади. Телеграф орқали турли баҳоналарни рўкач қилиб, Лига ҳужум қилишдан воз кечди. Ниҳоят охир-оқибатда дарё музлаб, Ли ўз армияси билан Потомак дарёси орқали чекинди.

Линкольн ғазабланган эди. *«Бу нима деган гап?* — деб қичқирди Линкольн ўзининг ўғли Робертга. — *Ё Парвардигори олам, бу нимаси, ахир? Биз қўлимизни шундоққина чўзсак, улар ҳукмронлигимиз остида бўлишарди. Бу вазиятда ҳар қандай генерал ҳам Лини мағлубиятга учратиши тайин гап эди. Агар мен ўша ерда бўлганимда, ўзим уни тор-мор этган бўлардим!»*

Ҳаддан зиёд умидсизланган ва тоқати тоқ бўлган Линкольн ўтирди ва Мидга қуйидаги хатни ёзди. Эсингизда бўлсин, бу давр унинг ҳаётида энг холис иш тутадиган ва

ўз ибораларини ўйлаб гапирадиган палла эди. Шу сабабли 1869 йил Линкольн томонидан битилган мазкур хат оғир ҳукмдай жаранглайди. Мана ўша мактуб:

*«Қимматли генерал!*

*Менинг назаримда, сиз Лининг чекиниши билан боғлиқ бутун бахтсизлик миқёсини тасаввур ҳам этмагансиз. Биз уни енгилгина босиб олишимиз, шу билан бирга яқинда эришган ютуқларимиз билан бирга урушга нуқта қўйишимиз мумкин эди. Энди эса уруш яна номаълум вақтгача чўзилди. Агар сиз ўзингиз Лига ўтган душанба куни ҳамла қила олмаган бўлсангиз, уни энди қандай бошқарасиз, у ҳозир жанубда, дарёнинг нариги томонида турибди, сиз ўша вақтда ихтиёрингизда бўлган армиянинг учдан икки қисмини олишингиз мумкин. Энди сиз анча нарсага эришасиз, деб мен асло куттмайман, бундай деб ҳисоблаш ақл доирасида бўлмасди, албатта. Сиз жуда ажойиб имкониятни бой бердингиз ва мен бундан ҳаддан зиёд ранжиганман».*

Бу хатни ўқиган Мид, сизнинг фикрингизча, нима қилган бўлар эди?

Мид мазкур хатни кўрмади, чунки Линкольн уни жўнатмаган эди. Ушбу мактуб президент вафотидан сўнг унинг қоғозлари орасидан топилган.

Менинг тахминимга кўра, ҳа, буни фараз қиляпман, Линкольн мазкур мактубни ёзиб тугатгач, деразадан олисларга тикилиб, ўз-ўзига шундай деган бўлиши мумкин: *«Бир дақиқа. Эҳтимол, бунчалик шошилиб иш тутишимнинг ҳожати йўқдир. Мен бу ерда Оқ уйнинг осуда хонасида ўтириб, Мидга ҳужум бошлаш тўғрисида амри фармон беришим анча осон, аммо Миднинг ўрнида бўлиб, Геттесбергда кейинги ҳафтада қанча қон тўкилишини, яқадор ва жон бераётганларнинг қулоқни тешадиган даражадаги фарёдларини эшитганимда, балки мен ҳам ҳужумга ўтишга унчалик шошилмаган бўлар эдим. Агар менда ҳам Мид каби заиф характер мавжуд бўлганида, худди у сингари йўл тутишим мумкин эди. Ҳар ҳолда бўлар иш бўлди. Агар мен бу хатни жўнатсам, кўнглим таскин топади, аммо Мидни ўзини оқлашга мажбур этади. Бу ёқимсиз ҳис-туйғуларни қўзғайди, унинг бундан кейин қўмондон сифатида ўз вазифасини адо этишида таъсир қилиши ва балки армия си-*

*фатида истеъфога чиқиб кетишига қадар таъсир кўрсатиши мумкин».*

Шундай қилиб, мен айтганимдек, Линкольн хатни бир четга суриб қўяди, чунки у аччиқ тажрибасидан яхши билардики, кескин вазиятда қилинган танқид ва танбеҳ бериш бефойда.

Теодор Рузвельт айтган эдики, у президент сифатида мураккаб муаммоларга тўқнаш келганида, Оқ уйда ёзув столи тепасида осиб қўйилган Линкольннинг каттакон суратига қараб, ўз-ўзига савол берар, *«Ҳозир менинг ўрнимда Линкольн ўтирганида қандай иш тутган бўларди? Ушбу муаммонинг ечимини қандай топар эди?»* деб сўрарди.

Бизда кимнингдир таъзирини бериш керак бўлиб қолганида, келинг, чўнтагимиздан беш долларлик пулни чиқарайлик-у, унда тасвирланган Линкольн тасвирига қараб, ўзимизга: *«Линкольн бу муаммо қаршисида турганида, уни қандай ҳал этар эди?»* деб савол берайлик.

Сиз бирор кишини қайта тарбиялаб одам қилиш, уни тузатиш ва камолга етказишни хоҳлайсизми? Яхши! Жуда ажойиб! Мен ҳам бутунлай қўшиламан. Аммо нима учун бу ишни ўзимиздан бошламаслигимиз керак? Худбинлик нуқтаи назаридан қараганда, бошқаларни камолга етказишга уринишга нисбатан бу анча фойдалироқдир. Боз устига анчагина хавф-хатарсиздир.

*«Инсонда ички томонлама кураш бошланса, демакки, у нимагадир арзийди»*, деган эди Браунинг. Эҳтимол, ўз-ўзини камолга етказиш жараёни сизда дунёга келгандан бошлаб вақтингизни банд этгандир. Сўнгра сиз байрамларда яхши дам олишингиз мумкин ҳамда келаси йилни камчиликларни бартараф этиш ва бошқаларни танқид қилишга бағишларсиз.

Аммо ҳаммадан бурун ўзингизни камолга етказинг.

Конфуций шундай деган эди: *«Қўшнингизнинг томи қордан тозаланмаганини шикоят қилишдан олдин ўзингизнинг бўсағангиздаги қорни кураб ташланг».*

Мен ёшлигимда, одамларда яхши таассурот қолдириш учун Американинг адабиёт уфқида ажралиб турган Хардинг Ричард Дэвис номига аҳмоқона мактуб битганман. Ўшанда журнал учун ёзувчилар ҳақида мақола тайёрлаш

асносида Дэвисдан ўзининг иш услуби хусусида бир оғиз ёзиб юборишини сўрадим. Бир неча ҳафта муқаддам эса кимдандир қуйидаги мазмундаги бешта хат олган эдим: *«Айтиб туриб ёздирилган, аммо ўқиб чиқилмаган»*. Бу менда жуда катта таассурот қолдирди. Хатнинг муаллифи жуда катта вазифадаги одам, иш билан ўта банд, катта киши, деб ўйлаганман. Мен бўш вақтим борлигига қарамай, Ричард Хардинг Дэвисда яхши таассурот қолдириш мақсадида қисқача хатимни: *«Айтиб ёздирилган, аммо ўқиб чиқилмаган»*, деган сўзлар билан якунладим.

У жавоб мактубини ёзишга уриниб кўрмади ҳам. Хатимнинг устига кўндалангига қуйидаги сўзларни ёзиб, уни ўзимга қайтариб юборди, сўнг ёзиб юборишга жазм қилди: *«Бемаъни қилиқлар билан сиз ҳаммасидан ҳам ошиб кетдингиз»*. Тўғри, мен қўпол хатога йўл қўйдим, бунинг учун Дэвиснинг кесатиқ гапларини эшитсам, арзийди, албатта. Аммо барча одамлар сингари мен ҳам аччиқландим. Шу даражада ранжидимки, орадан ўн йил ўтгач, Дэвиснинг вафоти ҳақида эшитганимдан сўнг хотирамга келгани, мен бунга иқрор бўлишдан хижолат ҳам бўламан, унинг мени ранжиттани бўлди.

Агар биз сиз билан эртага ўзимизни айбдор қиладиган хафачилик туйғусидан халос бўлишни хоҳласак, эҳтимол, бир неча ўн йиллик умримиз давомида сақланадиган ҳамда қийнайдиган ва ларзага соладиган ранж-аламлардан аччиқ бўлса ҳамки, ўз-ўзимизни озгина шафқатсиз танқид қилиш билан машғул этайлик.

Одамлар билан муомалада шуни ёддан чиқарманг: сиз мантиқан фикр юритадиган киши билан иш олиб борибгина қолмай, балки ҳиссиётларга тез берилувчан, хурофотга муккасидан берилган, ўша манман ва ўзига бино қўйган киши билан иш кўряпман, деб тасаввур қилинг.

Танқид эса учқунга ўхшайди, у манманликнинг порохли уюмида портлаб кетишга сабаб бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда бу ўлимни тезлаштиради ҳам. Масалан, генерал Леонард Вуд қаттиқ танқид остига олинади ва унга армия билан бирга Францияга қайтишга рухсат берилмайди. Вуднинг иззат-нафсига урилган бу зарба, эҳтимол, унинг умрини қисқартиргандир.

Англиянинг энг ажойиб романнавис адибларидан бири бўлган Томас Харди шаънига айтилган кескин танқид туфайли у бир умр беллетрик асарлар ёзишдан воз кечишга мажбур бўлди. Танқид инглиз шоири Томас Чаттертонни ўз жонига қасд қилишга қадар олиб келди.

Ёшлигида анча тўпори бўлган Бенжамин Франклин вақт ўтиб, одамлар билан муомала-муносабатда шунчалик моҳир ва ширинсўз кишига айландики, натижада у Американанинг Франциядаги элчиси лавозимига тайинланди. Франклиннинг муваффақиятга эришиш сири нимада эди? *«Мен ҳеч қачон бировни ёмонлаб, хунук гап айтмайман, ҳар бир одам ҳақида унинг яхши томонларини гапираман»*, деган эди у.

Ҳар қандай аҳмоқ танқид қилиши, қоралаши ва норозилигини баён этиши мумкин, кўпгина нодонлар ана шундай қилишади ҳам.

Аммо тушуниш, англашни намоён этиш ва марҳаматли, бағрикенг бўлиш учун инсондан кучли феъл-атвор ва ирода талаб этилади.

*«Буюк кишиларнинг буюклиги уларнинг кичик одамларга нисбатан қандай муомалада бўлишига қараб аниқланади»*, деган эди Карлейль.

Одамларга айб тўнкашдан олдин, келинг, уларни тушуниб олишга бир уриниб кўрайлик. Улар бошқача эмас, айнан нега шундай иш тутишгани ҳақида тасаввур қилишга уринайлик. Бу танқид билан машғул бўлишдан кўра инсон учун фойдали ва қизиқарли бўлиб, атроф-муҳитга ғамхўрлик, сабр-тоқат ва бағрикенглик одатларини тарбиялайди. *«Ҳаммани тушунмоқ, демак, ҳаммани афв этмоқдир»*.

Доктор Жонсон шундай деб таъкидлаган эди: *«Парвардигор инсонни умрининг охирига қадар жазолаш ниятида эмас»*.

Нега энди биз шундай қилишимиз керак экан?

*Иккинчи бўлим*

## ОДАМЛАР БИЛАН МУОМАЛАНИНГ КАТТА СИРИ ТЎҒРИСИДА

Дунёда одамларни нимадир қилишга мажбур этишнинг битта йўли бор. Бу ҳақда бирор марта ўйлаб кўрганмисиз? Ҳа, фақат биргина йўли бор. У ҳам бўлса, бошқа кишида шу ишни бажариш истагини амалга оширишга мажбур этишдир.

Эсингизда бўлсин: бундан бошқа йўл йўқ. Албатта, сиз тўппонча ўқталиб туриб, бошқа кишининг соатини мажбуран ечиб олишингиз мумкин. Хизматчингиз бош тортган маҳали, сени ишдан бўшатаман, деб қўрқитиб, ишлашга ҳам мажбур эта оласиз. Шунингдек, гўдакни қўрқитиб, қамчин ва дўқ-пўписа воситасида айтганингизни қилдиришингиз мумкин. Аммо булар хунукдан-хунук усуллар бўлиб, оқибати нохуш бўлиши мумкин.

Сизни нимадир қилишга ундаш учун мен бирор нарсани амалга оширишим керак, бу нарса сиз хоҳлаган нарсани ўзингизга беришдир.

XX асрнинг веналик машҳур руҳшуносларидан бири Зегмунд Фрейд айтадики, бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз асосида иккита асосий омил мавжуд бўлади: булардан бири — жинсий лаззатланиш ва буюк бўлишга уринишдир.

Энг довруқли олимлардан бири — файласуф, профессор Жон Дьюи буни бошқача йўллар билан таърифлаган эди. Унинг таъкидлашига кўра, инсон табиатига хос бўлган барча интилишлари замирида «ўзининг қадрли бўлишини исташ» ётади. Бу жуда катта аҳамиятга эга. Бу тўғрисидаги гапларни қўлингиздаги китобдан жуда кўп марта ўқийсиз.

Хўш, сиз нимани истайсиз? Озми-кўпми шу истаганларингизга ўта даражада эришиш учун тиришқоқлигингиз сабаб бўлади.

Деярли ҳар бир катта ёшдаги киши қуйидагиларни хоҳлайди:

1. Саломатлик ва ҳаётни сақлашни.
2. Овқатни.
3. Уйқуни.
4. Пул ва сотиб олиш мумкин бўлган нарсаларни.

5. Нариги дунёда жаннатга восил бўлишни.
6. Жинсий ҳузур-ҳаловатни.
7. Фарзандларининг ўзидан тинчиб кетишини.
8. Шахсан қадрли бўлишни англашни.

Бу истак-хоҳишларнинг барчаси қондирилади, барчаси, фақат биттаси бундан мустасно. Овқат ва уйқу сингари жуда кучли ва ҳақли бўлган биргина хоҳиш жуда кам рўёбга чиқади. Буни Фрейд *«Буюк билишни хоҳлаш»*, деса, Дьюи лўнда қилиб, *«Қадрли бўлишни хоҳлаш истагидир»*, деган эди.

Бир куни Линкольн ўзининг ҳаётини шундай сўзлар билан бошлаганди: *«Ҳамма хушомадни ёқтиради»*. Уильям Жеймснинг сўзлари эса қуйидагича: *«Инсон табиатининг чуқур хусусиятларидан бири — кишининг ўзига яраша қадрини муносиб баҳолашга интилишидир»*.

Эътибор беряпсизми, у шунчаки *«истак»*, *«талаб»* ёки *«интилиш»* деб айтмаяпти. Балки *«қадрини муносиб баҳолашга интилишдир»*, демоқда.

Бу инсонни доимо изтироб исканжасига ташлаган сўнмас ташналикдан иборатдир. Бундай ташналикни қаноатлантирадиган киши жуда кам бўлиб, улар қалбларни забт этади, ҳатто у *«ўлиб қолганида, гўрков ҳам ачинади»*.

Ўз қадр-қимматини англаш учун интилиш одамзодни ҳайвондан фарқлайдиган асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бир мисол келтирайин. Болалигимда Миссуридаги фермада истиқомат қилар эдик. Отам зотдор «дюрок-жерси» номли чўчқа зотини ҳамда зотдор оқ бўйин қорамол боқиб, уларни кўпайтириш билан шуғулланарди. Биз ўзимизнинг чўчқа ва қорамолларимизни Ўрта Ғарбнинг округ ярмарка ва кўргазмаларида намойиш этардик. Ўшанда ўнлаб марта биринчилик мукофотларини олишга муваффақ бўлган эдик. Отам қўлга киритган мукофотларини бир парча сурпга қадаб қўяр, уйимизга меҳмонлар ва бошқалар келганида, у бу сурпни олиб чиқар, нишонларини кўрсатиб мақтанарди, мен бир томондан, отам иккинчи томондан сурпни ушлаб турар эдик.

Чўчқаларга эса ўзлари ютиб олган мукофотларнинг асло кераги йўқ эди. Аммо отамга қизиқарли эди. Бу мукофотлар унга ўзини янада қадрлироқ ҳис қилишига ёрдам берарди, албатта.

Агар бизнинг ота-боболаримиз ўз иззат-нафсини тийиб, интилмаганида тараққиёт ҳам бўлмас эди.

Айнан ана шу ўзини англашга нисбатан бўлган интилиш бир маълумотсиз, камбағал иш юритувчини шу қадар ноқулай аҳволга солдики, у эллик центга харид қилинган ҳамда ичига латта-путта солинган бочка тагидан топиб олинган ҳуқуқшуносликка доир китобларни ўқий бошлади. Сиз балки бу одам тўғрисида эшитгандирсиз? Уни Линкольн деб аташарди.

Ўз қадрини билишга интилиш Диккенсни ўлмас романлар ёзиш сари илҳонлантирди. Ана шу интилиш Кристофер Ренни тош ҳақида поэма битишга ундади. Бундай интилиш Рокфеллерга миллионларни жамғариш имконини бериб, у бу бойликни умрининг охиригача сарфлай олмади. Ўз қадрини билишга интилиш шаҳрингиздаги энг бадавлат кишига, гарчи зарур бўлмаса-да, катта ҳажмдаги уйни қуришга мажбур этди.

Айнан шу интилиш сизни энг охирги урфдаги либосларни кийишга, энг сўнгги русумдаги автомашинани ҳайдашга ва мислсиз болаларимиз ҳақида гапиришга мажбур қилади.

Айнан ана шу интилиш кўпгина ўсмирларда гангстер ёки қотил бўлиш майлини уйғотади. *«Ҳозирги пайтда,* — дейди Нью-Йорк полициясининг собиқ комиссари У.П. Малруни, — *ёш жиноятчи бутунлай шахсий оламига ғарқ бўлиб, қўлга олингандан кейинги унинг илк илтимоси — ундан «қаҳрамон» ясаган кўча газетасини беришларини сўрашдир. Нохуш «иссиққина» электр курсисига ўтириш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди, улар ўзларининг суратларини Бейба Рут, Ла-Гардиа, Эйнштейн, Линдберг, Тосканини ёки Рузвельт каби машҳур кишилар суратлари ёнида кўришларини жон-жон деб истайдилар».*

Агар сиз қай тарзда ўз қадрингизга етаётганингизни айтсангиз, мен қандай одамлигингизни айтиб бераман. Бу сизнинг табиатингизни белгилаб беради. Бу сизга тегишли бўлган энг муҳим нарсадир. Масалан, Жон Д.Рокфеллер Хитой пойтахти Пекинда ҳали ўзи кўрмаган миллионлаб камбағал кишилар учун шифохона қуриб бериш билан ўз қадрини англаб етди. Диллинжер эса босқинчи сифатида

банкларни ўмариб ва одамларни ўлдириб, ўзининг қадрига етмоқчи бўлди. Федерал изқуварлар бюроси агентлари унинг изидан тушганида, у Линнесотдаги фермаларнинг биридаги уйи ичига беркиниб: *«Мен Диллинжерман!»* деб ҳайқирган эди. У жамиятдаги биринчи рақамли душман эканлигидан фахрланар эди: *«Мен сизларга ёмонлик қилмоқчи эмасман, аммо мен Диллинжерман»*, деб айтарди.

Ҳа, Дилленжер ҳамда Рокфеллер ўртасидаги асосий тафовут шундаки, уларнинг ҳар бири турли восита билан ўз қадрини англашга эришган.

Тарих таниқли кишилар ана шундай тан олишга эга бўлиш учун курашганликларининг бир-биридан ғалати мисолларига эга. Ҳатто Жорж Вашингтон ҳам ўзини «Қўшма штатларнинг аъло ҳазратлари» деб аташларини истаган, Колумб «Океан адмирали ва Ҳиндистоннинг вице қироли» деган унвон билан тақдирлашни сўраб, тавсиянома юборган. Екатерина II эса «Император жаноби олиялари» деб номланмаган бўлса, ҳатто хат жилдларини очишни ҳам лозим топмаган. Линкольннинг хотини Грант хонимга шербачча мисоли ташланиб: *«Менинг рухсатимсиз ўтиришга қандай журъат қилдинг?»* деб қичқиргани ҳам бор гап.

Миллионерларимиз адмирал Бэрдга Антарктидага бориш учун ташкил қилинган экспедицияни молиявий жиҳатдан таъминлашар экан, унинг олдига битта шарт қўядилар, яъни у ердаги муз билан қопланган тоғ тизмаларига ўзларининг номларини қўйишни талаб қилишади. Виктор Гюго эса оз ҳам, кўп ҳам эмас, Парижни унинг номига қўйилишини истаган. Ҳатто машҳури жаҳон Шекспир ўзининг номи янада жарангдор янграшини хоҳлаб, аждодлари учун махсус герб ясатмоқчи бўлган.

Баъзан одамлар ўз қадрини синаш, бошқаларда ачиниш ҳиссини уйғотиш ҳамда уларнинг эътиборларини тортиш учун ўзларини касалликка урадилар. Мисол учун, Мак-Кинли хонимни олиб кўрайлик. У ўзининг қадрини тўла-қонли англаш мақсадида эри — АҚШ президентини муҳим ишлардан қолдириб бўлса-да, каравоти устида энкайганча хотинини ухлашга даъват этиб, соатлаб туришга мажбур этар эди. Бу хоним тишини даволатаётган пайтида ҳам эрини мудом ёнида бўлишини истарди. Бир куни у хонимни тиш

шифокори ёнида қолдириб, давлат котиби Жон Хей олдига чиққанида, бу хоним шаллақилик қилиб, жанжал кўтарган.

Мэри Робертс Рейнхардт хоним қобилиятли, ғайратли бир аёл ўз қадрини синаш мақсадида касал бўлиб келгани ҳақида гапириб берган эди.

*«Ажойиб кунларнинг бирида,* — дейди Рейнхардт хоним, — *бу аёл нохуш уйга ботиб ўтириб, жиддий хаёлларга берилади, бу эҳтимол, унинг ёши ўтаётгани ёки ҳеч қачон турмуш қурмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Олдинда ёлғизликда ўтган умри гавдаланар, у кутаётган нарсанинг ўзи ҳам деярли йўқ эди. Шундай хаёллар оғушида у тўшакка михланиб қолади. Ўн йил давомида қартайган онаси унга қўлидаги патнис билан учинчи қаватга овқат ташийди. Ниҳоят она шу азоб-уқубатларга чидаш бера олмай, дунёдан кўз юмади. Бир неча ҳафта давомида бемор толиқиб қолади ва, ниҳоят тўшакдан туриб кийинади ва яна кундалик бир меъёрдаги ҳаётини давом эттиради».*

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, айрим одамлар бу мавжуд дунёнинг шафқатсиз оқимида етарли қадр топа олмасалар жинни бўлишлари ёки ақлдан озишлари мумкин. Америка Қўшма Штатларида бошқа тоифадаги барча касалликларга нисбатан руҳий хасталикдан азият чекувчилар анча кўп экан. Борди-ю, сиз Нью-Йоркда ўн беш ёшдан ошган бўлсангиз, сизда йигирма бир имкониятдан етти йилини руҳий беморлар шифохонасида ўтказиш эҳтимоли мавжуд бўларди.

Бунинг сабаблари нимада? Ушбу мураккаб саволга ҳеч ким жавоб бера олмайди, аммо биз биламизки, айрим касалликлар, масалан, захм мия тўқималарини емириб, йўқ қилади ва руҳий касалланишга олиб келади. Аслида руҳий хасталикларнинг деярли ярми жисмоний сабаблар: мия тўқималарининг лат ейиши, ароқхўрлик, интоксикация (организмнинг заҳарли моддалар, токсинлар билан заҳарланиши) ва ҳар хил жароҳатланишлар оқибатида рўй беради. Аммо руҳий хасталикдан азият чекувчиларнинг иккинчи ярмида эса анча қўрқинчли бўлиб, афтидан, мия тўқималарида ҳеч қандай органик етишмовчиликлар бўлмайди. Бундай одамларнинг ўлимидан сўнг мия тўқималари кучли

микроскоп орқали текширилганда, уларнинг сизу бизнинг миямиз каби соғлом эканлиги аниқланган.

Нима учун бу одамлар ақлдан озадилар?

Яқинда айнан шу савол билан анчайин нуфузли руҳий хасталиклар шифохонаси врачига мурожаат қилдим. Бу доктор психиатрия соҳасида юқори даражадаги эътиборга сазовор бўлган ва энг юксак унвону мукофотлар олган. У менга очиқдан-очиқ бунинг сабабларини билмаслигини айтиб, иқрор бўлди. Ҳеч ким ишонч билан, биламан, деб айтолмайди. Шу билан бирга кўпгина одамлар хасталанмаган ҳолларда қадр топа олмасалар, ақлдан озганларидан кейин ҳам қадрсизланиб қолмайдилар, деди. Сўнгра у менга қуйидагиларни гапириб берди:

*«Ҳозир менда турмуши фожиа билан тўлиб-тошган бир аёл даволанмоқда. Бу аёл севги-муҳаббат, шаҳвоний лаззат, болалар ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга ташна бўлган. Аммо ҳаёт унинг барча орзуларини барбод қилган. Эри уни яхши кўрмаган. У, ҳатто хотини билан бир столда ўтириб тановул қилишни хоҳламаган ҳамда овқатини юқоридаги ўз хонасига элтиб беришга мажбур этган. Унинг фарзандлари ҳам, жамиятда мавқеси ҳам бўлмаган. Натижада у ақлдан озиб, хаёлан эридан ажралиб, ўзининг қизлик фамилиясини олган. Энди эса ўзини инглиз аслзодасига турмушга чиққанман, деб хаёл қилади, шунинг учун ўзини «леди Смит», деб чақиришларини талаб қилади.*

*Фарзанд масаласига келганда эса у хаёлан ҳар кеча фарзанд кўради. Мен ҳар сафар уни кўрганимда, «доктор, мен ўтган кеча фарзанд туғдим», дейди.*

*Ҳаёт қачонлардир унинг хаёлан кўрган-кечирганларини реал турмуш қояларига уриб чилпарчин қилган бўлса-да, ақлсизликнинг офтобли фантастик дунёсида унинг барча орзулари амалга ошгандек, елканлари баланд кўтарилгандек эди».*

Бу жуда фожиалими? О, мен буни билмайман. Унинг даволовчи врачи: *«Мен уни руҳий касалликдан халос этиш имконияти бўлганида ҳам бундай қилмаган бўлар эдим. Чунки у ҳозирги ҳолатида анча бахтлироқ ҳис этади ўзини»*, деганди.

Аслида ақли қосир кишилар сизу бизга нисбатан анча бахтлидир. Уларнинг аксарияти меъёрдаги одамлар бўлмас-

ликни ёқтиришади. Нега энди шундай бўлмаслиги керак экан? Улар ўз реалларини ўзлари ҳал этганлар. Улар сизга миллион долларга чек ёзиб беришлари ёки Оғахонга тавсиянома мактуби битишлари мумкин. Улар чин дунёда интиқ бўлиб кутган қадр-қимматиларини хаёлот дунёсидан, ўзлари ўйлаб топган дунёдан топганлар.

Агар айрим кишилар бундай ақлга ўта ташна бўлганларидан ҳақиқатда ақлдан озсалар, ақлсизлик дунёсининг бу томонларини ҳаққоний тушунишга эришиш туфайли қанчалик ажойиб нарсаларга эга бўлишимизни бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Менимча, бутун тарих давомида фақат икки кишигина йилига бир миллиондан иборат маош олишган, холос. Улардан бири Уолтер Крайслер, иккинчиси эса Чарлз Шваб.

Нима учун Эндрю Карнеги Швабга йилига бир миллион доллар ёки бир кунда уч юз минг доллардан зиёд маош тўлаган? Нега?

Шваб даҳомиди? Йўқ. Чунки у бошқаларга нисбатан пўлат ишлаб чиқаришни кўп билганми? Сафсата! Чунки Швабнинг ўзи каминага пўлат ишлаб чиқаришни менга нисбатан жуда яхши биладиганлар жуда кўп, деган эди.

Швабнинг айтишига қараганда, унинг ҳаммадан кўп маош олишига сабаб унинг одамлар билан муомалани жуда ўрнида қўя олишидадир. Мен ундан буни қандай амалга оширганини сўрадим. Бунинг сири, унинг сўзлари билан айтганда, қуйидагилардан иборат. Бу сўзлар абадий бронзага қуйилиб, ҳар бир уй, ҳар бир мактаб, ҳар бир дўкон ва ҳар бир муассасада осиб қўйишга арзийди. Болалар лотин феълларини ёдлаш ёки Бразилияда қанча ёғин ёғишини билишга вақт сарфлагандан кўра қуйидаги сўзларни ёдлаб олсалар, фойдали бўлар эди; чунки у ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборар эди, агар биз уни шиоримизга айлантирганимизда, мутлақо бошқача манзара рўй берар эди.

«*Менинг энг қимматли хислатим*, — деган эди Шваб, — *одамларни ташаббускорликка чақириш, улардаги яхши қирраларни ривожлантириш, шу асосда қадр-қимматларини эътироф этиш ва рағбатлантиришдан иборатдир.*

*Бошлиқлар томонидан билдирилган танқид инсон изззат-нафсониятига шунчалик қаттиқ тегадики, бундай*

*таъсир кучини инсон бошқа жойдан топа олмайди. Мен ҳеч кимни ҳеч қачон танқид қилмайман. Мен одамларни ишда рағбатлантириш қандай таъсир кучига эга эканлигига жуда яхши ишонаман. Шу сабабли одамларни мақташни ёқтираман ва уларни ҳақорат қилишга тобу тоқатим йўқ. Менга нимадир ёқса, уни самимий баҳолашда ҳамда уларни мақташда жуда сахийман».*

Мана, Шваб шундай иш тутади. Одатда одам ўзини қандай тутади? Бутунлай тескари. Унга нимадир ёқмай қолса, чаппа-роста қилиб сўкинади, борди-ю, ёқса ҳеч нима демайди.

Чарлз Шваб шундай деган эди: *«Мен жуда кўплаб машҳур кишилар билан бўлган мулоқотларимда шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу одамлар қандай мансаб ёки мартабага эга бўлмасинлар, танқид муҳитига нисбатан одамлар билан хушахлоқ муносабатда бўлганларида кўп нарсага эришганлар».*

Швабнинг таъкидлашига қараганда, Эндрю Карнегининг муъжизага тенг муваффақиятлари сири ҳам ана шунда. Карнеги ўз ходимларини алоҳида ҳам, кўпчилик ичида ҳам мақтар эди. У ўзининг қабртошига қуйидаги сўзларни битиб қўйишни тайинлаган эди: *«Бу ерда ўзидан ҳам ақллироқ кишиларни тўплашга қодир бўлган одам мангу ором олмоқда».*

Рокфеллер эришган ютуқларининг битта сири унинг одамларни сидқидилдан қадрлашидан иборат эди. Масалан, унинг шерикларидан бири бўлган Эдвард Т.Бедфорд фирмага бир миллион зарар келтирадиган савдога йўл қўйганида, Рокфеллер уни танқид қилиши мумкин эди, аммо у бу ишни қилмади, чунки Бедфорд бундан яхшироқ ишлашга интилишини у жуда яхши билган. Шу билан можаро ўз поёнига етди. Бунинг устига Рокфеллер мақтов учун баҳона ҳам топа қолди. У Бедфордни ажратилган сармоянинг, харажатнинг олтмиш фоизини қутқариб қолгани билан қутлади. *«Бу ажойиб,* — деди Рокфеллер, — *биз юқори қаватда турганлар бундай яхши ишлай олмаймиз».*

Бир куни мен озишга жазм қилдим. Ўша пайтда бу урфга кирган эди, шу сабабли олти кечаю кундуз туз тотмадим. Бу унчалик оғир эмасди. Олтинчи куни иккинчи кунга нисбатан камроқ оч қолдим. Аммо оилани ёки хизматкорларни

олти кун оч қолдириш инсофдан эмас, баъзан овқат талаб қилаётгандек қадр-қиммат истаётган кишиларнинг иззат-нафсониятини сидқидилдан қадрлашга эътибор бермаймиз, эътироф этмаймиз.

«Венадаги қайта қўшилиш» пьесасидаги бош роль ижрочиларидан бири Альфред Лунт шундай деган эди: *«Ҳаммадан кўра мен шахсиятимни қадрлашларига муҳтожман».*

Биз кўп ҳолларда фарзандларимиз, дўстларимиз ва хизматчиларнинг жисмоний ҳолатини қўллаб-қувватлаймиз, аммо уларнинг ўзларини ҳурмат қилишларига жуда кам ёрдам берамиз. Биз уларнинг кучига куч қўшиш учун қовурилган гўшт билан картошка берамиз-у, аммо узоқ йиллар давомида хотираларида ёқимли мусиқа каби жаранглаб турадиган чин юракдан чиққан сўзларини айтишлари учун кўпам қайғурмаймиз.

Айрим китобхонлар бу сатрларни ўқиб, шундай дейишлари мумкин: *«Эски гап-ку! Хушомадлар! Танбеҳларни қаранг-у! Тилёғламалик! Мен бундай усулларнинг барини синовдан ўтказганман. Булар ақлли одамлар учун ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас».*

Тўғри, қуруқ мақтов билан зийрак одамларга жуда кам таъсир этиш мумкин. Чунки у бўш, худбинлик ва сохталикдан иборатдир. У муваффақиятли қўлланмаслиги керак, одатда, бундай бўлмайди ҳам. Айрим кишилар тан олинишларини шунчалик хоҳлашадики, бу ҳам худди ўлгудай оч қолганда, хашак ва чувалчангларни ютган кишини эслатади.

Нима учун, масалан, ака-ука Мдиванилар кўп хотинлик бўлишига қарамай, никоҳ соҳасида улкан муваффақиятга эришганлар? Нега энди бу сохта ака-ука князлар иккита чиройли ва таниқли киноюлдузга уйланиб олдилар? Шунингдек, жаҳонга машҳур Мадоннасифат хоним ва бир хил турдаги арзон дўконлар томонидан миллионлаб фойда кўраётган Барбара Хаттонга уйланишга улгуришди? Нега? Улар бунга қандай эришдилар?

«Либерти» журналида Адела Рожерс Сент-Жон шундай деб ёзган эди: *«Мдивани аёлларни нима билан мафтун этган... бу кўпчилик учун ечилмаган сир бўлиб қолди».*

Пола Негри тегишли ҳаётий тажрибага эга, эркакларнинг мижозини тушунадиган ва буюк актриса бўлиб, буни

менга қуйидагича тушунтирди. У шундай деган эди: *«Улар шундай мақташ санъатини эгаллашганки, бу ҳолатни ўзим билган бирорта эркакда учратмаганман. Бизнинг ҳазилмутойибалардан маҳрум ҳозирги асримизда хушомад қилиш, мақташ санъати деярли унутиб юборилган. Мдиванининг аёлларни мафтун этиши сири ҳам ана шунда. Мен буни биламан».*

Ҳатто қиролича Виктория ҳам мақтовни жуда ёқтирган. Дизраэли иқрор бўлиб айтган эдики, у қиролича билан айтишганида, у «қўполдан-қўпол тарзда мақтар» эди. Шунга қарамай, Дизраэли улкан Британия империясини бошқараётган кишилар орасида энг олижаниб, ҳушёр ва чаққон эди. У ўз соҳасининг даҳосифат сиймоси эди. У эплаган ишларни сизу биз ҳар доим ҳам уддасидан чиқа олмаймиз. Охир-оқибатда мақтов сизга фойда ўрнига кўпроқ зарар келтиради. Мақтов худди сохта пулга ўхшайди, бу сохта пулни харажат қилишнинг ўзи оқибат натижада кулфатга дучор қилиши мумкин.

Қадр-қийматни эътироф этиш билан мақтов ўртасида қандай фарқ бор? Бу саволга жавоб бериш жуда осон. Эътироф этиш, қадрлаш — самимий, мақташ эса сохталик, кўзбўямачиликдан иборатдир. Биринчиси юракдан чиқади, иккинчиси фақат оғиздан айтилади, холос. Биринчиси аразлардан холи, иккинчиси эса худбинликнинг айнан ўзидир.

Биринчиси билан фахрланишади, кейингисини ҳамма қоралайди.

Яқинда Мехикодаги Чапультепек саройида генерал Обрегонга қўйилган бюстни кўрдим. Бюст тагига генералнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари ўйиб ёзилган: *«Сизга ҳужум қилаётган душмандан қўрқманг. Сизни ҳадеб мақтаётган дўстларингиздан қўрқинг!»*

Йўқ! Йўқ! Йўқ! Сизга тилёғлама мақтов томон югуринг, демоқчи эмасман. Мен янгича ҳаёт тарзини назарда тутяпман.

Қирол Георг V Букингем саройидаги ўз кабинетида савлат бериб турган олти ҳикматли сўзни жуда яхши кўрган. Улардан бири шундай жаранглайди: *«Мени арзон мақтовни тарқатишга ҳам, уни олишга ҳам ўргата кўрманг».* Мақтов жуда арзон хушомаддир. Бир куни «мақтов» сўзининг маъносини

аниқламоқчи бўлсам, маъноси: *«Мақтов — одам ўзи тўғрисида нимани ўйлаётган бўлса, ўшани гапирмоқ»*, дегани экан.

Ралф Уолдо Эмерсон: *«Сиз қандай иборани айтсангиз ҳам, ўша сўзлар сизни айнан тавсифлаб туради»*.

Биз фақат бир-биримизни мақташ билан шуғулланса к, бу ҳаммага тушунарли бўлиб, одамлар ўртасидаги муомала масалаларида мутахассис бўлмай қолардик.

Агар биз бирор муаммо устида бош қотирмасак, одатда, тўқсон беш фоиз вақтимизни ўзимиз ҳақимизда мулоҳаза юритиш билан ўтказамиз. Агар ўзимиз ҳақимизда ўйлашни бир зум тўхтатиб, ҳамсуҳбатимизнинг яхши жиҳатлари ҳақида ўйлаганимизда, оғзимиздан чиқиши билан яроқсизлиги аниқ бўлиб қолган арзимас ва қуруқ мақтовларни сўзламаган бўлар эдик.

Эмерсон яна шундай деган эди: *«Мен дуч келган кишилар қайси бир жиҳатлари билан мендан устун туради, ана шу маънода мен ундан ўрганишим мумкин»*.

Агар бу Эмерсонга нисбатан ҳаққоний гап бўлса, сиз билан менга минг карра ибрат бўладиган фикрдир. Келинг, шахсий муваффаққиятларимиз, хоҳиш-истакларимиз ҳақидаги ўй-фикрларни бас қилайлик. Бошқа одамларнинг ибратли томонларини баҳолашга уриниб кўрайлик. Кейин мақташни эсдан чиқарайлик. Ўзингизнинг эътирофингизни чин қалбдан самимий билдиринг. *«Баҳолашда чин юракдан ва мақтовда эса бағрикенг, сахий бўлинг»*, ана шунда одамлар сизнинг сўзларингизни хотираларида сақлайдилар, қадрлайдилар ва сиз унутиб юборгандан кейин ҳам умрлари давомида такрорлаб юрадилар.

*Учинчи бўлим*

## «КИМКИ БУНИ УДДАЛАЙ ОЛСА, БУТУН ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАДИ, КИМКИ УДДАСИДАН ЧИҚА ОЛМАСА, ЯККА БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ»

Камина ҳар йили ёзда Мэнга (Атлантика океанининг қўлтиқларидан бирига) балиқ овлашга бораман. Шахсан мен қулупнай мураббосини хуш кўраман. Аммо бу ғалати

тасодифни қарангки, балиқ чувалчангни яхши кўриши ҳақида ўйлаб кўрмайман. Шу боис балиқ овлашга бораётиб, ўзим нимани хоҳлаётганим тўғрисида ўйламайман. Мен, балиқ нимани истайди, деб ўйлайман, холос. Қармоққа қаймоқ ҳам эмас, мураббо ҳам эмас, балки чувалчанг ёки чигирткани қўяман-у, *«бир татиб кўрмайсанми»*, деб қўяман.

Одамларни ўзимизга жалб этиш учун нега ақлга мувофиқ ана шундай воситалардан фойдаланмаймиз?

Ллойд Жорж айнан шундай қилар эди.

Унинг ўз даврининг ҳарбий етук намояндалари бўлмиш ҳамкасблари — Вильсон, Орландо ва Клемансонинг мансабларидан кетиши ҳамда унутилишига асосий сабаб «балиқ таъби»ни тушуниб етмасликдир. Жорж эса, ҳокимиятда узоқ қолишининг сабабини сўраганларида, у ҳар қандай одамга мудом шундай деб жавоб берган: *«Раҳбарият таркибида қолишимнинг боисини айнан битта омил билан изоҳламоқчи бўлсам, бу балиқ таъбига мос келувчи хўракни қармоққа илиш кераклигини англашдир»*.

«Биз нимани истаймиз?» деб нимага гапирилади? Бу ғўрликдан бошқа нарса эмас. Бемаъниликнинг айнан ўзгинаси. Албатта, сизнинг хоҳишингиз сиз учун муҳимдир. Сиз бундан доимий равишда манфаатдорсиз. Аммо бу бошқаларни асло қизиқтирмайди. Биз ҳаммамиз шундаймиз: хоҳлаган нарсаларимизга эришганимиздан манфаат топамиз.

Шу сабабли бошқа одамга таъсир ўтказишнинг дунёда ягона бир усули борки, бу ўша одам хоҳишига мувофиқ гапириш ва истагини амалга оширишга ўргатишдир.

Бу ҳақда эртага кимгадир бирор нарсани даъват этганингизни эслаб кўринг. Масалан, ўғлингиз чекмаслигини истар экансиз, унга ҳикматли сўз айтиб ўтирманг ёки ўзингиз хоҳлаётган нарсани унга уқдирманг, фақат чекиш унинг бейсбол жамоасига аъзо бўлишига ёки юз ярдга югуришига халал бериши мумкинлигини тушунтиринг.

Сиз болалар, бузоқлар ёки шимпанзелар тўғрисида сўз юритяпсизми, ана шу барибир ёдингизда туриши лозим. Масалан, бир куни Ралф Уолдо Эмерсон ўғли билан бирга бузоқни молхонага киритолмай, роса хуноб бўлишди. Отабола битта одатий хатога йўл қўйишганди, яъни улар ўзла-

ри хоҳлаган нарсани ўйладилар, холос. Эмерсон бузоқни итарар, ўғли эса уни тортиш билан овора эди. Бузоқ ҳам айнан шундай қиларди, яъни нима бўлса ҳам молхонага кирмаслик, яйловдан кетиб қолмасликни хоҳларди. Ирландиялик хизматкор эса бу ноқулай аҳволни кўриб турар эди. У очерк ёки китоблар ёзмаган бўлса ҳамки, Эмерсондан фарқ қилган ҳолда «бузоқчалик фаҳм-фаросати бор эдики», бу ўша вазиятга мос эди. «Бузоқ нимани хоҳлайди», деб ўйлади хизматкор ва жониворнинг оғзига бармоғини тиқиб, унинг эмишига имконият яратди ва уни молхонага бемалол киритиб қўйди.

Дунёга келган кунингиздан бошлаб нимаики қилган бўлсангиз, буларнинг бари истагингиз талабидан келиб чиққан. «Қизил Хоч» жамиятига юз доллар хайрия қилганингиз хусусида нима дейиш мумкин? Буни қоидадан ташқари, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Сиз ёрдам беришни, худога маъқул келадиган гўзал, беғараз бир ишни амалга оширдингиз. *«Бу ишни укаларимдан бирига, менга қилдингиз»*, дейилган муқаддас Инжилда.

Сизнинг хатти-ҳаракатингиз туфайли рўй берган ички қониқиш бўлмаганида бу ҳиссиёт юз долларга нисбатан қадрли бўлмаган тақдирда ушбу хайрияни қилмас эдингиз. Албатта, сиз буни мижозингиз ўтинчи ҳамда унга эътироз билдиришга истиҳола қилганингиз туфайли амалга оширгансиз. Лекин шуниси ниҳоят аниққи, хайрия қила туриб ҳам ниманидир истагансиз.

Профессор Гарри А.Оверстрит ўзининг «Инсон ахлоқига таъсир этиш» номли китобида шундай дейди: *«Бизнинг хулқимиз асосида кўнгилда сақланган истак-орзуларимиз ётади... Кимки ўз олдига муайян мақсад қўйиб, кимдандир: у тадбиркорми, оиладами, мактабдами ёки сиёсат оламидами, ундан бирор иш кутса, бу, сўзсиз, қуйидагиларга олиб келади: аввало ҳамсуҳбатингизни ниманидир истаб қолишига мажбур этинг. Кимдир буни уддалай олса, жаҳонни забт этади ва кимки буни эплай олмаса, ёлғизлик, танҳолик азобини тортади»*.

Даставвал иши учун соатига икки цент олган, кейинчалик хайрия мақсадлари учун уч юз олтмиш долларни сарфлаган камбағал шотланд йигити Эндрю Карнеги буни жуда

эрта тушуниб етди. Унинг фикрича, атрофга таъсир ўтказишнинг ягона усули — бу «мен» эмас, балки улар хоҳиш билдирган нарсалар ҳақида гапиришдир. Гарчи у мактабга тўрт йил қатнаган бўлса-да, одамлар билан муомала қилиш санъатини қойилмақом қилиб тарзда эгаллади.

Буни мисол орқали изоҳлаймиз. Унинг келини ўзининг икки ўғлидан ташвишда эди. Улар Йэль университетида таълим олишар, ўзларининг шахсий ташвишлари билан қаттиқ банд бўлганлари туфайли уйга хат ёзишмас, онанинг, ақлдан озар даражага келиб қолган онанинг хатларига эътибор ҳам беришмасди.

Шу тариқа Карнеги юз долларга гаров боғлади, шунга мувофиқ иккала ўғилга бир марта хат ёзилади ва уларга илтимос қилинмаса ҳам кейинги почтаданоқ улар жавоб ёзиб юборишади, дея ишонч билдирди. Гаров шарти қабул қилинди. У жиянларига қисқагина хат ёзди, унда бирор жиддий гап ҳам йўқ эди. Хат охирида ҳар иккисига иккитадан беш долларлик пул юбораётганини қистириб ўтди. Аммо хатжилдга пул солмасдан хатнинг ўзини жўнатиб юборди.

Кейинги почтаданоқ дарров жавоб келди. Унда «Ҳурматли Эндрю тоғага» мазмундор хати учун миннатдорчилик туйғулари ифодаланган... бу жумлалар давомини ўзингиз якунлашингиз мумкин.

Эртага сиз кимнидир, нимадир қилишига ишонтиришни истайсиз. Гапиришдан олдин ўйланг, шошилмасдан ўзингизга: *«Бу ишни истак билан бажаришига қандай мажбур этсам экан...»* деб савол беринг.

Ана шу савол сизни ўйланмай қилинган учрашувда одамларга шахсий хоҳиш-истакларингиз тўғрисидаги қуруқ сафсаталардан тийиб қўяди.

Мен ҳар бир мавсумда маърузалар ўқиш учун Нью-Йорк меҳмонхоналарининг катта рақс залларидан бирини йигирма марталаб ижарага олар эдим.

Мавсум бошларидан бирида менга кутилмаганда хабар келди, унга кўра, мен олдингиларига нисбатан уч баробар кўп ҳақ тўлашим керак экан. Бу хабар ҳамма патталар чоп этилган, тарқатилган, тегишли эълонлар амалга ошганидан сўнг етиб келди.

Табиийки, менинг ортиқча пул сарфлашга тобу тоқатим йўқ эди, аммо меҳмонхона маъмуриятига каминанинг хоҳиш-истаклари сариқ чақалик аҳамияти йўқ. Улар билан истагим тўғрисида суҳбатлашишдан ҳам асло маъно топилмасди, албатта. Унинг ўзини эса нима қизиқтираётганлиги маълум. Орадан икки кун ўтгач, мен меҳмонхона бошқарувчисининг ҳузурига келдим.

*«Сизнинг мактубингизни олиб жуда нохуш ҳолатга тушдим,* — дедим мен, — *аммо бунинг учун сизни айблаш ниятим йўқ. Эҳтимол, сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда ҳам мазкур хатни ёзган бўлар эдим. Сизнинг меҳмонхона бошқарувчиси сифатидаги вазифангиз имкон борича кўпроқ фойда келтиришдан иборатдир. Агар бу ишни қилмасангиз, у ҳолда сизни ишдан ҳайдаб юборишлари мумкин ва бу жуда тўғри иш бўларди. Энди келинг, бир варақ қоғоз олиб, ижара ҳақи оширилса, фойдангиз ва зарарингизни, яъни «плюс» ва «минус»ларни ёзиб чиқайлик».*

Мен «Плюс» тагига: *«рақс зали бўш»*, деб ёздим ва шундай деб тушунтирдим: *«Агар рақс зали бўш бўлса, уни уйинга ва йиғилишлар ўтказиш учун бериш имкониятига эга бўласиз. Бу жуда катта имконият, боз устига мазкур тадбирлар туфайли сиз маърузалар даврийлигига нисбатан кўпроқ ҳақ олишга муваффақ бўласиз. Агар мен сизнинг рақс залингизни йигирма оқшом банд этадиган бўлсам, унда сиз ўзингизга маълум бўлган маблағдан маҳрум бўлиб қоласиз.*

*Энди келинг, «минуслар»ни кўриб чиқайлик. Биринчидан, мендан оладиган фойдани кўпайтириш ўрнига, уни камайтиришга ҳозирланяпсиз. Мен сиз кўраётган маблағни тўлай олмаганим оқибатида сиз ўз даромадингиздан ўзингизни маҳрум қиляпсиз. Чунки мен сиз сўраган маблағни тўлай олмайман. Мен ўз маърузаларимни бошқа жойда ўқишга мажбур бўламан.*

*Яна сизга фойдасиз бўлган бир ҳолат мавжуд. Бу маърузалар меҳмонхонангизга кўплаб маълумотли, маданиятли кишиларни жалб этади. Бу сиз учун ажойиб реклама вазифасини ўтайди, шундай эмасми?*

*Амалда сиз реклама учун газетага беш минг доллар сарф қилиб, менинг маърузаларим воситасида жалб қилинганча-*

*лик одамларни жалб эта олмайсиз. Бу эса ҳар бир меҳмонхона учун катта аҳамиятга эга».*

Бу гапларни айта туриб белгиланган «минус»ларни керакли томонга қўйиб, бошқарувчига узатиб, шундай дедим: *«Истагим шуки, сиз ўзингизга фойдали зарарли имкониятларнинг барини диққат-эътибор билан пухта ўйлаб чиқиб, якуний хулосадан мени хабардор этсангиз».*

Кейинги куни жавоб хати олдим. Унда ижара ҳақи уч юз фоиз эмас, фақат эллик фоизга оширилади, деб эълон қилинган эди.

Шуни эътиборга олинг, мен бу енгилликка ўз истагим тўғрисида лом-мим демасдан эришдим. Мен ҳамма вақт ҳамсуҳбатим нима хоҳлагани ҳамда унинг истаганини амалга оширишини таъмин этдим.

Айтайлик, бундай вазиятда кўпчилик қилганидек, мен ҳам бошқарувчининг хонасига бостириб кириб, *«бу қандай гап, ижара ҳақини уч баробар оширибсиз, сизга маълум эдику, патталар муҳрланган, тегишли эълонлар берилган бўлса! Уч баробар-а?! Бемазагарчилик! Бемаънилик! Мен бунча пулни тўламайман!»* — деб бақирардим.

Шунда нима бўлар эди? Қизғин тортишув авж оларди, ана шунда тортишувлар нима билан тугашини сиз яхши биласиз. Мен, ҳатто унинг ноҳақ эканлигига ишонтирганимда иззат-нафсонияти уни чекинишга асло йўл бермас эди.

Одамлар ўртасидаги нозик муносабатлар санъати билан боғлиқ кўҳна яна бир маслаҳатни эшитинг. *«Бу ерда қандайдир муваффақият сири мавжуд*, — дейди Ҳенри Форд, *— у бошқа кишиларнинг нуқтаи назарини англаш ҳамда унинг ва ўзингизнинг нуқтаи назарингиз билан қарашни ўз ичига қамраб олади».*

Бу шунчалик оддий ва ҳаётийки, унда ҳар бир киши мазкур ҳолатнинг ҳаққонийлигини дарров кўра олади, аммо шунга қарамасдан она заминдаги одамларнинг тўқсон фоизи мазкур қоидани тўқсон фоиз ҳолатларда инкор қилиш пайида бўлади.

Сизга мисол керакми? У ҳолда эрталаб ёзув столингиз устидаги хатларга бир назар ташланг, унда мактуб муаллифларининг аксарият қисми ушбу қоидани бузганига ўзингиз ишонасиз.

Жаҳоннинг ҳамма қитъалари бурчакларида филиаллари мавжуд бўлган бир реклама агентлигининг радио бўлими бошлиғи томонидан ёзилган хатга эътибор берайлик.

Мазкур хат мамлакатдаги маҳаллий радиостанцияларининг раҳбарларидан бирига юборилган.

*Жаноб Жон Бланкка.*
*Планквиля, Индиана.*

*Муҳтарам жаноб Бланк!*

*Бизнинг компаниямиз радиореклама жабҳасида ўзининг пешқадам обрў-эътиборини сақлаб қолишни истайди.*

(Сизнинг компаниянгиз истак-хоҳиши кимни ҳам қизиқтирарди? Мени шахсий муаммоларим безовта қилади. Банк мени уй сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи, ҳашаротлар экинимга қирон келтиришяпти, кеча биржада курс мактаби тушиб кетди, соат саккизу ўн бешда жўнайдиган поезддан кечга қолдим, кеча Жонларникида уюштирилган рақс кечасига таклиф этилмадим, шифокорларнинг айтишича, қон босимим баланд, неврит ва қазғоқ билан касалланган эканман, яна нималар рўй беряпти ўзи? Асабий ҳолатда ишга келсам, почтадан юборилган хатлар ичида Нью-Йоркнинг қайси бир компанияси нималарни хоҳлашини маълум қилибди. Ҳа! Бу хат менда қандай таассурот уйғотишини билганида эди, дарҳол бизнес оламини ташлаб чиқиб кетар ва қўйлар канасини ўлдирадиган дори ишлаб чиқарувчи соҳа билан машғул бўлар эди).

*Биринчи тармоқ радиостанциясининг асосий юмушларидан бири агентлигимизнинг реклама эълонларини бутун мамлакатга тарқатишдан иборатдир. Келгусида ҳам радиоэшиттиришларда бошқа реклама агентликларига нисбатан эълонларимиз учун йилдан-йилга кўпроқ вақт ажратиш бўйича биринчи ўринлар таъминлаш ниятидадир!*

(Сиз биринчи ўринда турган йирик ва бой ташкилот ҳисобланасиз. Хўш, нима бўпти? «Женерал Моторс», «Женерал электрик» ва АҚШ армиясининг бош штаблари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам қанчалик аҳамиятга эга бўлсангиз, барига тупурдим. Сизда ақли заиф Калиб-

ри қушчаси каби зиғирча ақл бўлганида эди, каттаконлигингиздан кўра, улканлигим ўзимни кўпроқ қизиқтиришини билиб олган бўлардингиз. Сизнинг улкан муваффақиятларингизга доир сафсаталарнинг бири менинг кам эътибор берилаётгани ҳамда камситилганимни эътироф этишга мажбур қилади).

*Бизнинг реклама эълонларимиз энг сўнгги радиоахборот соҳасидаги ютуқларга асосланади, биз шуни истаймиз.*

(Сиз истайсиз! Сиз истайсиз! Сиз мутлақо эшакнинг ўзгинасисиз. Сизнинг ёки Муссолини, ёки Бинг Кросбининг нимани исташи мени асло қизиқтирмайди. Сизга шуни сўнгги марта қатъий қилиб айтайки, мени ўзимнинг хоҳишларим қизиқтиради, сиз бу ҳақда бемаза хатингизда бир оғиз ҳам сўз юритмагансиз).

*Шу сабабли тузадиган рўйхатингизнинг биринчи бандига бизнинг компанияни кирита оласизми? Бу билан станциянинг ҳафталик фаолияти ҳақида бизга хабар бериб турган бўлар эдингиз, агентликка доир барча тафсилотлар ҳақида хабардор қилсангиз, бу улар вақтини тўғри тақсимлаш учун катта имконият бўлар эди.*

(Биринчи навбатдаги рўйхат?! Эҳ, бемаза! Сиз, энг аввало, компаниянгиз ҳақидаги эҳтимолингиз билан камситилганимни сезишга мажбур этяпсиз, бунинг устига ҳеч бўлмаса, «марҳамат қилиб» деб айтишни лозим кўрмайсиз, тағин рўйхатнинг бошига қўйишимни сўрайсиз).

*Мазкур хатни олганингиз ва иш фаолиятингиз хусусида энг сўнгги маълумотларни бизга кечиктирмай юборишингиз икки томонлама манфаатли бўларди.*

(Сиз нодонсиз! Кузда тўкиладиган дарахт япроғи сингари нусха кўчирадиган машинада кўпайтирилган ва дунёнинг ҳамма бурчакларига юбориладиган хатни менга йўллабсиз. Мен ижара ҳақи ҳамда қон босими билан овора бўлиб турганимда сиз бепарволик билан маъмурият хатини олганлигимни тасдиқловчи шахсий хатни ёзиб юборишимни сўраяпсиз. Бунинг устига «кечиктирмай» юборишимни сўрабсиз. Бу нима деганингиз? Наҳотки, сизга нисбатан кўпроқ банд эканимни билмасангиз ёки бунинг аксини ўйлаш ўринли эмас. Аввалambор, гап шу ҳақда кетар экан, сизга ким бундай ҳуқуқ бердики, менга буюрасиз? Сиз «икки

томонлама манфаатли бўлар эди», деяпсиз. Шунга қарамасдан менга келадиган манфаат тўғрисида очиқ айтмагансиз).

*Сизга содиқ Жон Бланк.*
*Радио бўлими мудири.*

*P.S. сизнинг қизиқишингизга мувофиқ «Бланквилл жорнэл» газетасидан олинган парчани юбормоқдамиз, бундан сиз радиостанция эшиттиришларида фойдаланишингиз мумкин.*

(Ниҳоят, сиз посткриптумда шундай бир гапни илова қилгансизки, у менинг муаммоларимдан бирини ҳал этишга ёрдам беради. Нима учун сиз гапни ана шундан бошламагансиз? Реклама соҳасида ишловчи ва шундай сафсата билан машғул одамнинг, хатингизда маълум бўлганидек, мия ҳужайралари меъёрида ишлайдими ўзи? Сизга бизнинг охирги маълумотларимиз хусусидаги хатнинг асло ҳожати йўқ. Сизга фақат нима керак айтайми, бу қалқонсимон без учун йод суюқлиги зарур).

Шундай қилиб ўзини реклама соҳасида мутахассис деб билувчи ҳамда одамларга таъсир кўрсатиш санъатида ўзини эксперт деб кўрсатувчи киши уларни сотиб олишга ундайди, бундай хатни ёзган кишидан шуни кутсак, қассоб ёки нонвой ҳамда мих тайёрлайдигандан нимани кутиш мумкин?!

Мана, яна битта хат йирик тармоқ товар станциясининг бошлиғи томонидан ёзилган. У менинг курсим тингловчиси Эдвард Вермилинга йўлланган. У ёзилган кишида қандай таассурот уйғотиши мумкин? Уни аввал ўқиб чиқинг. Сўнгра мен бу ҳақда сизга гапириб бераман.

*«А.Зереган'с санс» компаниясига.*
*Фронт Стрит, 28*
*Бруклин, Нью-Йорк.*

*Жаноб Эдвард Вермилан диққатига.*

*Жентьлменлар!*

*Куннинг иккинчи ярмида келиб тушадиган юкларнинг ҳажми ошиб кетганлиги туфайли бизнинг темир йўл станциямиздаги юкларни қабул қилиш ва ортишда юкларни таъ-*

*мин этиш соҳасида қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу эса юкларнинг тўпланиб қолиши, иш вақтидан ташқари ишлаш, юк автомашиналарининг туриб қолишига сабабчи бўлмоқда. Айрим ҳолларда юклар ҳам туриб қолмоқда. 16 ноябрда соат 16 дан 20 дақиқа ўтганида 510 ўринни эгаллайдиган бир партия юк жамланмаси келиб тушди. Биз кеч тушгани туфайли ноқулайликларни бартараф этишда сизнинг ҳамкорлик қилишингизга жуда муҳтожмиз. Сиздан шундай юкларни белгиланган куни ёки юк ортилган автомашиналарни барвақт, яъни куннинг биринчи ярмида юборишингизни сўрасак бўладими?*

*Бундай тартиб туфайли сизнинг юк машиналарингиз юкларни тез тушира олади ва сиз юкларни ўша жўнатган кунингиз манзилга етиб боришига ишончимиз комил бўлар эди. Бу, шубҳасиз, сизга фойда келтирар эди.*

*Сизга содиқ компания бошлиғи Ж.Б».*

Мазкур хатни ўқиган савдо бўлими бошқарувчиси Вермилен буни қуйидаги изоҳ билан менга юборган эди: *«Ушбу хатнинг самарадорлиги шундаки, унда натижанинг акси ифодаланган. Хатда темирйўл станциясининг муаммолари баён этилган, бу эса бизни умуман қизиқтирмайди. Кейин эса биздан ёрдам сўралади, бу бизга ноқулай бўлиши мумкинлиги уларнинг хаёлларига ҳам келмайди. Фақат охирги хат бошида бундай ёрдам туфайли юк машиналарининг бўшатилиши ва у олинган куни поезд орқали жўнатилиши эслатиб ўтилади, холос.*

*Бошқача айтганда, айни бизни қизиқтираётган масалалар хатнинг энг охирида баён этилган. Бу эса хатда сўралаётган ёрдамни кўрсатишга нисбатан тезроқ рад этиш истагини уйғотади».*

Келинг, шу хатнинг энг яхши талқинини яратишга уриниб кўрайлик. Муаммоларимиз тўғрисида ҳадеб сўзлаб вақтимизни зое кетказмайлик. Ҳенри Форд таъкидлаганидек, *«бошқа кишининг нуқтаи назарини тушунишни уддалайлик ҳамда нарсаларга унинг ва шу билан бирга ўзининг нуқтаи назари билан қараш»* малакасини эгаллайлик.

Мана, хатнинг тузатилган нусхаларидан бири. Эҳтимол, у дуруст бўлмаса-да, бундай тузатишдан кейин энг мақбул вариантга айланадими?

*«Компания бошлиғи Эдвард Вермиленга.*

*Муҳтарам жаноб Вермилен!*

*Сизнинг компаниянгиз кейинги ўн тўрт йил давомида бизнинг доимий мижозларимиздан ҳисобланиб келади. Биз бундан сизга миннатдорчилик билдирамиз ва бундан кейин ҳам тез ва самарали хизматимизни давом эттириш ниятидамиз. Афсуски, бунинг ҳозирча имконияти бўлмаяпти. Сабаби шундаки, юк ортилган машиналарингиз куннинг охирида юкларни олиб келишмоқда. Бу ҳол 10 ноябрда ҳам рўй берди. Нимага шундай бўлди?*

*Бунинг сабаби шундаки, бошқа мижозлар ҳам юкларини куннинг охирида олиб келишади. Табиийки, бу юкларнинг тўпланиб, юк машиналарингизнинг мажбуран туриб қолишига ҳамда айрим ҳолларда юкларингизнинг жўнатиб юборилишини кечиктиришга олиб келмоқда.*

*Хунук, жуда ёмон ҳол, албатта. Буни қандай бартараф этиш мумкин? Имкони бўлса, юкларингизни куннинг биринчи ярмида юбориш йўли билан.*

*Бу сизнинг юкланган машиналарингиз тезроқ бўшатилишини ва орқага қайтишини таъминлар, биз эса юкларингизни дарҳол саралашга киришиб, ишчиларимиз уйларига барвақт кетиб, сизлар тайёрлаган аъло сифатли макарон ва лапшаларни ҳузур қилиб тановул қилишга киришар эдилар.*

*Сизга иш юритиш юзасидан маслаҳат бермоқчи эмасман, буни шикоят деб қабул қилмаслигингизни ўтиниб сўрайман. Менинг хатим сизга самарали тарзда хизмат кўрсатиш истагим борлигини намоён қилади. Шунга қарамасдан, сизнинг юкларингиз қачон келишдан қатъи назар, биз хурсандчилик билан қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз ҳамда сизларга тезкор хизмат кўрсатамиз.*

*Сиз иш билан бандсиз. Марҳамат, ушбу хатга жавоб ёзиб, ўзингизни уринтириб ўтирманг.*

*Сизга содиқ Жон Бланк».*

Бугун минглаб ҳориб-толган, эсанкираган ҳолда кам иш ҳақи оладиган савдо агентлари йўлакларда беҳуда изғишмоқда. Нима учун шундай? Сабаби, улар фақат ўзларининг истаги, ўй-фикрлари билан банд.

Мен ҳам, сиз ҳам бирор нарса сотиб олмоқчи эмаслигимизни тушунмайдилар. Агар бирор нарсани олмоқчи бўлсак, шартта борамиз-у оламиз, қўямиз.

Шу билан бирга биз иккимиз ҳам, яъни сотувчи ҳам, харидор ҳам ўз муаммоларини ҳал этишдан тўла манфаатдордир. Агар бундай савдо агенти бизга унинг хизмати ва товарлари муаммоларимизни ечишга қай тариқа ёрдам кўрсатганида эди, бизга товарни сотиш учун тавсия қилиб ўтиришининг ҳожати йўқ эди. Биз ўзимиз уни харид қилган бўлардик. Ахир харидорга таклиф қилинаётган мол эмас, балки ўзи шахсан сотиб олган мол кўпроқ ёқади.

Шунга қарамасдан савдо билан машғул аксарият кишилар ўз умри давомида нарсаларга харидор кўзи билан қараган ҳолда муносабатда бўлмайдилар. Масалан, мен Катта Нью-Йорк шаҳридаги хусусий уйлардан ташкил топган Форест Хиллс номли кичик маҳаллада истиқомат қиламан. Бир куни ишга кетаётиб тасодифан бошқа шаҳарлик кўчмас мулк сотиб олиш билан шуғулланувчи агентни учратиб қолдим. У Форест Хиллсни жуда яхши билар, шу боисдан зудлик билан олдига бориб, биз яшаётган уй темир тўр қоқиб шувоқ қилинганми, йўқми, бу қанақа ғиштдан қурилган, деб сўрадим. У бу менга маълум эмас, сиз фалон уюшмага мурожаат қилинг, деб маслаҳат берди.

Мен эртаси куни эрталаб ундан хат олдим. У менга керакли маълумотларни хабар қилган эдими? У бу маълумотни телефон орқали олтмиш сония ичида олиши мумкин эди. Аммо бу ишни бажармади. Яна у менга қўнғироқ қилиб, бу маълумотни олиш мумкин, деди. Кейин эса, сизни суғурта қилсам бўладими, деб сўради. У менга ёрдам беришдан манфаатдор эмасди. У ўз-ўзига ёрдам беришдан манфаатдор эди.

Мен унга Вэша Янганинг «Хайрия инъом этувчи» ва «Бойлик тақсимоти» китобларидан бир нусхадан беришим керак экан. Агар у бу китобларни ўқиб чиқиб, амалга татбиқ қилса, мени суғурта қилиб оладиган даромадидан минг чандон кўпроқ фойда кўрар эди.

Мутахассислар ҳам айнан ана шу хатони такрорлашади. Бир неча йил муқаддам Филадельфияда таниқли отоларинголог қабулида бўлганим эсимда. Уни мендаги бодомсимон

*«Компания бошлиғи Эдвард Вермиленга.*

*Муҳтарам жаноб Вермилен!*

*Сизнинг компаниянгиз кейинги ўн тўрт йил давомида бизнинг доимий мижозларимиздан ҳисобланиб келади. Биз бундан сизга миннатдорчилик билдирамиз ва бундан кейин ҳам тез ва самарали хизматимизни давом эттириш ниятидамиз. Афсуски, бунинг ҳозирча имконияти бўлмаяпти. Сабаби шундаки, юк ортилган машиналарингиз куннинг охирида юкларни олиб келишмоқда. Бу ҳол 10 ноябрда ҳам рўй берди. Нимага шундай бўлди?*

*Бунинг сабаби шундаки, бошқа мижозлар ҳам юкларини куннинг охирида олиб келишади. Табиийки, бу юкларнинг тўпланиб, юк машиналарингизнинг мажбуран туриб қолишига ҳамда айрим ҳолларда юкларингизнинг жўнатиб юборилишини кечиктиришга олиб келмоқда.*

*Хунук, жуда ёмон ҳол, албатта. Буни қандай бартараф этиш мумкин? Имкони бўлса, юкларингизни куннинг биринчи ярмида юбориш йўли билан.*

*Бу сизнинг юкланган машиналарингиз тезроқ бўшатилишини ва орқага қайтишини таъминлар, биз эса юкларингизни дарҳол саралашга киришиб, ишчиларимиз уйларига барвақт кетиб, сизлар тайёрлаган аъло сифатли макарон ва лапшаларни ҳузур қилиб тановул қилишга киришар эдилар.*

*Сизга иш юритиш юзасидан маслаҳат бермоқчи эмасман, буни шикоят деб қабул қилмаслигингизни ўтиниб сўрайман. Менинг хатим сизга самарали тарзда хизмат кўрсатиш истагим борлигини намоён қилади. Шунга қарамасдан, сизнинг юкларингиз қачон келишдан қатъи назар, биз хурсандчилик билан қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз ҳамда сизларга тезкор хизмат кўрсатамиз.*

*Сиз иш билан бандсиз. Марҳамат, ушбу хатга жавоб ёзиб, ўзингизни уринтириб ўтирманг.*

*Сизга содиқ Жон Бланк».*

Бугун минглаб ҳориб-толган, эсанкираган ҳолда кам иш ҳақи оладиган савдо агентлари йўлакларда беҳуда изғишмоқда. Нима учун шундай? Сабаби, улар фақат ўзларининг истаги, ўй-фикрлари билан банд.

Мен ҳам, сиз ҳам бирор нарса сотиб олмоқчи эмаслигимизни тушунмайдилар. Агар бирор нарсани олмоқчи бўлсак, шартта борамиз-у оламиз, қўямиз.

Шу билан бирга биз иккимиз ҳам, яъни сотувчи ҳам, харидор ҳам ўз муаммоларини ҳал этишдан тўла манфаатдордир. Агар бундай савдо агенти бизга унинг хизмати ва товарлари муаммоларимизни ечишга қай тариқа ёрдам кўрсатганида эди, бизга товарни сотиш учун тавсия қилиб ўтиришининг ҳожати йўқ эди. Биз ўзимиз уни харид қилган бўлардик. Ахир харидорга таклиф қилинаётган мол эмас, балки ўзи шахсан сотиб олган мол кўпроқ ёқади.

Шунга қарамасдан савдо билан машғул аксарият кишилар ўз умри давомида нарсаларга харидор кўзи билан қараган ҳолда муносабатда бўлмайдилар. Масалан, мен Катта Нью-Йорк шаҳридаги хусусий уйлардан ташкил топган Форест Хиллс номли кичик маҳаллада истиқомат қиламан. Бир куни ишга кетаётиб тасодифан бошқа шаҳарлик кўчмас мулк сотиб олиш билан шуғулланувчи агентни учратиб қолдим. У Форест Хиллсни жуда яхши билар, шу боисдан зудлик билан олдига бориб, биз яшаётган уй темир тўр қоқиб шувоқ қилинганми, йўқми, бу қанақа ғиштдан қурилган, деб сўрадим. У бу менга маълум эмас, сиз фалон уюшмага мурожаат қилинг, деб маслаҳат берди.

Мен эртаси куни эрталаб ундан хат олдим. У менга керакли маълумотларни хабар қилган эдими? У бу маълумотни телефон орқали олтмиш сония ичида олиши мумкин эди. Аммо бу ишни бажармади. Яна у менга қўнғироқ қилиб, бу маълумотни олиш мумкин, деди. Кейин эса, сизни суғурта қилсам бўладими, деб сўради. У менга ёрдам беришдан манфаатдор эмасди. У ўз-ўзига ёрдам беришдан манфаатдор эди.

Мен унга Вэша Янганинг «Хайрия инъом этувчи» ва «Бойлик тақсимоти» китобларидан бир нусхадан беришим керак экан. Агар у бу китобларни ўқиб чиқиб, амалга татбиқ қилса, мени суғурта қилиб оладиган даромадидан минг чандон кўпроқ фойда кўрар эди.

Мутахассислар ҳам айнан ана шу хатони такрорлашади. Бир неча йил муқаддам Филадельфияда таниқли отоларинголог қабулида бўлганим эсимда. Уни мендаги бодомсимон

безнинг ҳажми эмас, балки даромадларим қизиқтирар эди, чунки у безимга қарамасданоқ нима билан шуғулланишим ҳақида сўрай бошлади. Унинг ҳозирги туриш-турмуши менга қандай бўлмасин, ёрдам кўрсатиш эмас, балки мендан иложи борича кўпроқ шилиш эди. Натижада у мендан бирор нарса ололмади. Мен унинг хонасидан нафратланиб чиқиб кетдим.

Дунё худди ана шундай юлғич ва очкўз одамларга анчагина тўла. Шу сабабли ўзгаларга беминнат меҳнат қиладиган ва сийрак учрайдиган киши бундайлар учун катта имконият яратган бўлади. Унинг рақобатчилари кам бўлади. Оуэн Д.Янг шундай деган эди: *«Ўзини бошқа кишилар ўрнига қўя биладиган, уларнинг фикрини «ўқиш» қобилиятига эга одамлар келажак тўғрисида умуман ташвиш тортмасалар ҳам бўлади».*

Агар сиз мазкур китобни ўқиб чиқиш билан ҳар доим ҳамсуҳбатингиз нуқтаи назаридан келиб чиқсангиз, нарсаларга унинг кўзи билан қарасангиз, демак, мартабангиз ошиб кетиш даври бошланибди, деб ҳисоблайверинг.

Кўпгина одамлар коллежларни битиришади. Улар Вергилийнинг асарларини ўқишади ва олий математиканинг сир-асрорларини ўрганишади, аммо шахсий фаҳм-фаросатлари қай даражада эканлиги, унинг ўсиб бориши билан деярли қизиқмайдилар. Мана сизга мисол: бир куни мен коллежнинг ёш битирувчиларига мўлжалланган нутқ санъати тўғрисида маъруза ўқидим. Битирувчилар Нью-Жерси штатидаги фирмаларда ишлаб кетишлари зарур эди. Тингловчилардан бири бошқаларни баскетбол ўйнашга чақираётганини тўсатдан эшитиб, қолдим. У тахминан шундай деган эди: *«Йигитлар, юринглар, мен сизларнинг баскетбол ўйнашларингни истаяпман. Баскетболни жудаям яхши кўраман. Аммо мен охирги марта гимнастика залида бўлгандим, у ерда ўйинчилар етарли даражада эмас эди. Яқинда кечқурун икки-учтадан бўлиб, тўп ўйнаган эдик, кўзимга уриб олишди. Йигитлар, эртага кечга томон ўша ерга боришларингни жуда-жуда истайман. Мен баскетбол ўйнамоқчиман».*

Аммо у бирор марта бўлсин, менинг нимага қизиқишимни сўрадими? Йўқ. Ҳеч ким қадам босмайдиган гимнастика залига сизнинг ҳам боргингиз келмайди, шундай

эмасми? Унинг нима хоҳлаши сизни мутлақо қизиқтирмайди. Сиз ҳам кўзингизни чиқаришни истамайсиз.

Гимнастика залига бориб, сиз хоҳлаётган нарса тўғрисида сизда тасаввур ҳосил қила олармиди? Бўлмаса-чи! У бу жонли ўйин тўғрисида, иштаҳани қўзғаши, мияни навқирон тутувчи, кўтаринки кайфият, қувонч-шодликлар, мусобақалар, баскетбол тўғрисида завқ-шавқ билан гапирганда, бошқача бўлар эди.

Профессор Оверстритнинг донишмандлик билан айтган фикрларини такрорлайлик: *«Сиз, энг аввало, ҳамсуҳбатингизни ниманидир хоҳлашига, истаб қолишига эришинг, имкони бўлса, бунга мажбур этинг. Ана шунга эриша олган киши бутун дунёни забт этади, эриша олмаганлар эса яккаланиб қолишади»*.

Тингловчиларимдан бири ўзининг боласидан ташвишланар эди. Гўдак кам овқат ер ва вазни ҳам меъёрида эмас эди. Унинг ота-оналари одатдаги усулдан фойдаланишди. Болага: *«Онанг сенинг у-бу ейишингни хоҳлайди, даданг эса сен ўсиб, кучли бўлишингни истайди»*, деб айтишар, бу билан болакайнинг ғашига тегишарди.

Бундай гап-сўзларга гўдак эътибор берармиди? Мутлақо. Болага буни қанчалик айтманг, у бунга асло диққат билан қарамайди. Ҳеч қачон уч ёшли бола катта ёшли кишининг нуқтаи назаридай ёндаша олмайди, буни соғлом фикрга эга бўлган ҳар бир инсон тушунади. Отаси эса айнан ана шуни хоҳлади. Бу эса беъманиликдан бошқа нарса эмас. Ниҳоят у ўз хатосини тушунди ва ўз-ўзига шундай деди: *«Бола нимани истайди ўзи? Қандай қилиб ўз хоҳишимни у истаётган нарсага қўшиб юборсам бўлади?»*

У шу тарзда мулоҳаза юритганида, ҳаммаси силлиқ кетди. Боланинг уч ғилдиракли велосипеди бор эди, уни Бруклиндаги уй йўлагида у ёқдан-бу ёққа ҳайдаб юришни ёқтирарди. Шу кўчада, уч-тўрт уй нарида новчароқ бир бола ҳар сафар унинг велосипедини тортиб олар ва бола, табиийки, йиғлаганича онасининг олдига келар эди. Онаси бориб, ҳалиги боладан велосипедини олиб, фарзандига берарди. Бу ҳол деярли ҳар кун такрорланарди.

Бола нимани истар эди? Бу саволга жавоб бериш учун Шерлок Холмс бўлиш шарт эмас. Ўз қадр-қимматини

билишга уриниш, ғурурини сақлаш, ғазабга келиши — буларнинг бари қўшилиб, ҳалиги новча болани тумшуғига туширишни хоҳлар эди. Агар ота-онаси айтган овқатларни ейдиган бўлса, алпқомат йигит бўлиб ўсади ва бир куни «новча»нинг яхшилаб жазосини беришнинг имконияти бўлади.

Шу тариқа болани овқатлантириш муаммоси ҳал бўлди. У таклиф қилинган овқатларни паққос тушираверди. Чунки бола тезроқ ўсиши, куч тўплаши керак ва ўзини камситган «зўравон»нинг адабини бериши лозим.

Бу масалани ҳал этган ота энди бошқа бир муаммони ҳал қилишга киришди: боланинг кечаси тагини ҳўллаб қўядиган одати бор эди.

У бувиси билан ётарди. Эрталаб чойшабга қўл тегизиб кўрган буви: *«Жонни қара, бу кеча нима қилиб қўйдинг?»* деб сўрарди.

Бола жавоб берарди: *«Буни мен қилганим йўқ, сиз қилдингиз».*

Болани уришишди, уялтиришди, уришди ҳам. Онанг бундай қилишингни хоҳламайди, деб узундан-узоқ такрорлашди, аммо бу амаллар ёрдам бермади. Ота-она ўйга чўмди: *«Болада қандай қилиб тагини ҳўллаб қўймаслик истагини ҳосил қилиш мумкин?»*

У нимани хоҳлар эди? Биринчидан, бола отаси каби пижамаси бўлишини хоҳларди. Бувисиникига ўхшаган узун кўйлак керак эмас. Бувиси унинг инжиқликларидан тоқатини тоқ бўлган, шунинг учун у ёмон одатини ташлайдиган бўлса, битта эмас, икки жуфт пижама олиб беришга тайёр. Иккинчидан, у ўзига алоҳида каравот бўлишини истар эди. Бувиси бунга ҳам эътироз билдирмади.

Онаси болани Бруклиндаги Лёзер универмагига олиб борди ва сотувчига имо қилиб; *«Манови жажжи жентльмен бир нарса сотиб олмоқчи»*, деди. Сотувчи ҳам боланинг ўзўзини ҳис этишга англатадиган тарзда: *«Сизга нимани кўрсатсам бўлади, йигитча?»* деди. Бола бундай муомаладан бир неча қарич ўсди ва: *«Мен ўзимга каравот сотиб олмоқчиман»*, деди.

Сотувчи кўрсатган каравот онасига ёқди, онаси сотувчига кўз қисиб қўйди. Болага маъқул тушган каравот кейинги куни келтирилди.

Кечқурун отаси уйга келганида, бола эшикка югуриб бориб деди: *«Дада, дадажон! Юқори қаватга юринг, мен ўзимга сотиб олган каравотни кўрсатаман».*

Каравотини бориб кўрган дадаси буюк Чарлз Швабнинг кўрсатмаларини хотирлади. У *«баҳо беришда холис ва самимий, мақтовда сахий»* бўлди. *«Умид қиламанки, сен бу янги каравотингда эски одатингни ташлаб, тагингни ҳўллаб қўймайсан»*, деди ота.

*«Йўқ, йўқ. Бу каравотда ҳеч қачон тагимни ҳўллаб қўймайман».*

Бола сўзида маҳкам турди, чунки унинг иззат-нафсонияти бош кўтарган, ўзини англаган эди. Бу унинг каравоти эди. Уни ўзи сотиб олди. Худди кичкина эркак каби унинг пижамаси ҳам бор. Энди эркаклар сингари иш кўришни истайди. Шундай қилди ҳам.

Яна бир ота К.Датчман исмли телефон алоқаси муҳандиси ва курсимизнинг тингловчиси ўзининг уч яшар қизчасини эрталаб нонушта ейишга сира мажбур қила олмасди. Дўқ-пўписа, илтимос, кўндириш учун қилинган барча одатий усуллар мутлақо ёрдам бермади. Шундан кейин ота-она ўзларига савол беришди: *«Бу қизалоқда хоҳиш пайдо қилиш учун қай йўл билан уринган маъқул?»*

Қизча онасига тақлид қилар, ўзини катталардай ҳис қилар ва шунга интилар эди. Шунинг учун уни бир куни курсига ўтирғизиб, нонушта тайёрлашига рухсат беришди. Қизалоқ бўтқани аралаштираётганида, отаси ошхонага кириб келди. *«Қаранг, дадажон, бугун мен бўтқа пиширяпман»*, деб хурсандчилигидан қичқириб юборди у.

Ўша куни эрталаб қизча, илтимос қилинмаса ҳам, икки ҳисса бўтқани паққос туширди, чунки уни тайёрлашда ўзи ҳам иштирок этган эди-да. У энди ўзини балоғатга етгандай ҳис қиларди. Эрталабки нонушта тайёрлаш билан эмас, у ўзлигини англаш сари йўл топган эди.

Уильям Уинтер шундай деб таъкидлаган: *«Ўз фикрини баён қилишга интилиш инсондаги кучли эҳтиёжлардан биридир»*. Иш билан боғлиқ муаммоларда биз нима учун ана шу талаблардан фойдаланмаймиз? Тасаввур қилинг: агар ажойиб ғоя туғилгудек бўлса, унинг ўзимизга тегишли эканлиги ҳақида ҳамсуҳбатимизга нега билдиришга уринмай-

миз? Нима учун уни шу фикрни ўзлаштириб олишига ҳаракат қилмаймиз? Шунда уни ўзиники деб ҳисоблайди, шундан кейин қаноат билан ўзиникидай фойдаланади.

Эсингизда бўлсин: ***«Дастлаб ҳамсуҳбатингизни нимanидир хоҳлаб қолишга мажбур этинг. Кимки бунинг уддасидан чиқса, бутун жаҳонни забт этади, кимки, уддасидан чиқа олмаса, у яккаланиб қолади».***

## УШБУ КИТОБДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ТЎҚҚИЗТА ЭНГ МУҲИМ МАСЛАҲАТ

1. Агар сиз қўлингиздаги китобдан сабоқ чиқармоқчи бўлсангиз, шуни ҳисобга олингки, битта муҳим шарт, битта асосий талаб бор, у ҳар қандай қоида ва усуллардан баланд туради. Ушбу асосий шартга жавоб беролмайдиган бўлсангиз, китоб ўргатадиган мингта қоида ҳам сизга ёрдам бера олмайди. Агар сиз қимматбаҳо туҳфани эгаллаб олсангиз, мўъжизалар яратишга қодир бўласиз, бу китобдан анчамунча фойда чиқариб олишга нисбатан мазкур маслаҳатлар муҳимлигини англайсиз.

Хўш, афсонавий мўъжизавий шарт нима экан? Мана у: *одамлар билан муомала қилиш, муносабат ўрнатишда чуқур, ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган ҳолда ўрганишга интилиш, қатъият билан ўзида бу малакани ривожлантириш.*

2. Даставвал китобнинг бўлимларини умумий тасаввурга эга бўлиш учун юзаки қараб чиқинг. Эҳтимол, бир бўлимни ўқиб чиқиб, кейинги бўлимга ўтишингизга тўғри келар. Аввало, бу китобни кўнгилхушлик учун мутолаа қилаётган бўлсангиз, уни тез ўқишга шошилманг. Агар одамлар ўртасидаги муомала муаммоларини ҳал этиш ниятида ўқиётган бўлсангиз, *ҳар бир бўлимни шоён диққат билан, ҳа, қайтадан ўқиб чиқишга ҳаракат қилинг.* Бунда вақт тежалади ва у ўз самарасини беради.

*3. Мутолаа жараёнида мушоҳада юритиш учун китобни тўхтаб-тўхтаб ўқиб чиқинг.* Берилаётган маслаҳатларни қаерда, қандай амалга оширишингиз тўғрисида ўзўзингизга саволлар беринг. Бундай усулда ўқиш тезкорлик билан ўқишга нисбатан анча самара беради.

*4. Ўқиганда қўлингизда қизил ёки оддий қалам, ёки авторучка бўлсин. Фойдаланишга асқотадиган маслаҳатлар чиқиб қолса, шунинг тўғрисига, китоб четига ўзингизга маъқул белгини қўйинг.* Агар у сизга ўта муҳим маслаҳат бўладиган бўлиб қолса, ҳар бир сўзнинг тагига чизинг ёки унинг ёнига тўртта юлдузча чизиб қўйинг. Чизиш ва юлдузлар билан белгилаш китобни қизиқарли қилади ва уни қайта ўқиб чиқишни анча енгиллаштиради.

5. Мен бир кишини биламан, у 15 йилдан буён битта суғурта концернининг девонхонасини бошқариб келган. Бу киши компанияси тасдиқлаган шартномаларни ҳар ой қайта-қайта ўқиб чиқади. Ҳа, у маълум бўлган шартномаларни ойма-ой, йилма-йил такрор ўқиб чиқаверади. Нима учун дейсизми? Шахсий тажрибасидан шуни яхши биладики, бундай амалиёт шартнома моддаларини хотирада сақлаб қолишнинг ягона воситасидир.

Мен ўзим ҳам нотиқлик санъатига бағишланган китобимни ёзиш учун икки йил сарфлаган бўлсам-да, уни вақт-вақти билан ўқиб тураман. Шундай қилмасам, уни шахсан ўзим ёзган бўлсам ҳамки, хотирамдан кўтарилиб кетиши мумкин. Ажабо, биз жуда тез унутишга мойилмиз.

*Шунинг учун бу китобдан ҳақиқатдан ҳам, ҳамма вақт фойдаланаман, деб ўйласангиз, бир марта «жадаллаб» ўқиб чиққаним етарли, деб мутлақо хулоса чиқарманг. Бир марта ҳафсала билан ўқиб чиққач, ҳар ойда бир марта бир неча соат мобайнида уни такрорлаб туришингиз керак. Уни доимо ёзув столингиз устида сақланг. Унга тез-тез назар ташлаб қўйинг. Келгусида фойдаланишингиз керак бўладиган малакавий имкониятларингизни такомиллаштиришингиз мумкинлигини ҳеч қачон унутманг. Тилга олинган қоидалар доимий, тўхтовсиз меҳнат натижасидагина одатий даражага етиши доимо эсингизда бўлсин. Бошқа йўли йўқ.*

6. Бернард Шоу бир пайтлар шундай деган: *«Агар сиз одамга ниманидир шунчаки ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч вақони ўргана олмайди».* Шоу ҳақ эди. Ўрганиш, бу — фаол жараён. Биз иш жараёнида кўп нарсани ўрганамиз. Шунинг учун қўлингиздаги китобда берилган қоидаларни ўзлаштириб олишни истасангиз, унга алоқадор ҳаётий жараённи ҳам қўшиб ўрганишингиз керак. Уни қулай бўлган

ҳолларда татбиқ этинг. Акс ҳолда, уларни тезда унутиб юборасиз. Каллада фақат амалиётда татбиқ этилган билимлар-гина сақланиб қолади.

Эҳтимол, ушбу маслаҳатларга доимий равишда амал қилиш сизга анча қийин кечар. Гарчи бу китобни ўзим ёзган бўлсам ҳам тавсия этаётган қоидаларимни ҳаётда қўллаш жараёнида анча қийналганман. Масалан, бирор нарсадан норози бўлсангиз, ҳамсуҳбатингиз нуқтаи назарини тушунишга нисбатан уни танқид қилиш ва унга танбеҳ бериш осон. Кўп ҳолларда маъқуллашга нисбатан камчилик топиш енгилроқ кўчади. Суҳбатдошингиз хоҳлаб тургани-ни гапиришга нисбатан ўзингизнинг хоҳиш-истагингизни баён этиш енгилроқ, албатта. Шунинг учун ушбу китобни ўқиётганда, мен фақат ахборот оляпман, деб ўйламанг. Сиз энди янги одатлар ишлаб чиқишга уриняпсиз. Ҳа, ҳа, сиз янги йўлдан боришга интилмоқдасиз. Бу эса вақт, қунт ва кундалик амалиётни талаб этади.

*Шу сабабли мазкур китоб саҳифаларига тез-тез мурожаат қилинг. Одамлар ўртасидаги муносабатларга доир масалаларни ҳал этиш ёки қандайдир ўзига хос муаммо пайдо бўлганида, масалан, бола билан қандай муносабатда бўлиш, хотинингизни ўз нуқтаи назарингизга бўйсундириш ёки аччиқланган мижозни қандай қилиб жаҳлидан туширишкаби ҳолатларда ҳеч қачон табиий акс-садога берилманг, беихтиёр ҳаракат қалманг. Одатда бу нотўғри кўринади. Бунинг ўрнига сиз, яхшиси, ушбу китобни варақлаб, ўзингиз чизиб қўйган хатбошидаги фикрларни яна бир бор кўздан кечириб чиқинг. Сўнгра ушбу янги қоидаларни ҳаётга татбиқ этиб кўринг-чи, ана шунда қандай мўъжизалар рўй берар экан.*

7. Бизнинг у ёки бу қоидамизни бузаётган бўлсангиз, мазкур ҳолларни аниқлаган хотинингиз, ўғлингиз ёки ҳамкасбингизга ўн доллар жарима тўлашга тайёр эканлигингизни айтиб қўйинг. Ушбу қоидаларни ўзлаштиришни қувноқ ўйинга айлантиринг.

8. Тингловчиларимдан бири — Уолл-Стритдаги йирик банклардан бирининг бошқарув раиси тингловчилар олдида сўзга чиқиб, ўзини такомиллаштиришда фойдаланаётган жараён хусусида гапириб берган эди. Расмий жиҳатдан, бу

одам унчалик катта маълумотга эга эмас, лекин шунга қарамасдан у Американинг етук молиячиларидан биридир. Бундай ютуққа у ўзи ўйлаб топган тизимни ҳаётга доимий равишда татбиқ этиш жараёнида эришганини айтиб ўтди. Хўш, у қандай иш тутади? Мен хотирамда қолганларини мумкин қадар аниқлик билан унинг сўзлари орқали етказишга ҳаракат қиламан:

*«Мен кўп йиллар давомида одамлар билан кундалик учрашувлар баёнини ёзиб боришга ҳаракат қиламан. Ҳар шанба кунлари оқшомни ўз-ўзимни текшириш, қайта кўриб чиқиш ва хатти-ҳаракатларимни баҳолашга сарфлайман. Тушликдан кейин эса ёлғиз қолиб, ҳафта давомида ўтказилган суҳбатлар, йиғилишлар ва кенгашларни бирма-бир эслайман ва ўз-ўзимга савол бераман: қандай хатоларга йўл қўйдим, нимани тўғри бажардим, қайси ҳолларда янада яхшироқ бўлиши мумкин эди?*

*Бу тажрибадан қандай сабоқ чиқариб олиш мумкин?*

*Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, ҳафталик шарҳлар кўпинча дилимни хуфтон қилади. Аксарият ҳолларда ўзимнинг кўпол хатоларимни кўриб, ажабланаман. Албатта, бундай хатолар йиллар ўтган сайин камайиб боради. Энди эса айрим шарҳлардан сўнг ўз-ўзимнинг елкамга қоқиб, «Балли, азамат» дегандай, мақтаб қўяман. Йиллар давомида ўтказилган бундай ўз-ўзини таҳлил этиш, ўз-ўзини тарбиялаш усули менга илгариги йилларга нисбатан жуда кўп нарсаларни берди.*

*Булар тўғри қарорлар қабул қилишимга оид қобилиятимни яхшилади, одамлар билан муносабатлардаги ишларни қадрдан зиёд такомилга етказди. Шуларни ҳам энг қунт билан, иштиёқ билан тавсия этаман».*

Шундай экан, нима учун ушбу китобда баён этилган қоидаларни ўз ҳаётингизда татбиқ қилмас экансиз? Агар бу қоидаларни жорий этсангиз, қуйидагилар содир бўлади:

*Биринчидан,* сиз ўзингизни тарбиялаш жараёнига қўшиласиз, унинг аҳамияти эса жуда қизиқарли ҳамда беқиёсдир.

*Иккинчидан,* одамлар билан алоқа ўрнатишингиз ва муомала тарзингизда тинмай ўсиш, илгарилаш рўй берадики, бу зафар гулчамбарига тенгдир.

9. Мазкур қоидалар туфайли қўлга киритилган ютуқларни қайд этишга оид кундалик дафтар тутинг. Аниқ фикр юритадиган бўлинг. Исмлар, саналар, натижаларни қайд этиб, ёзиб боринг. Бундай ёзувлар сизни илҳомлантиради, бир неча йиллардан кейин уни ўқисангиз, қанчалик ёқимли бўлишини ўзингиз ҳам ҳис этасиз.

***Бу китобни ўқиб чиқиб, энг кўп фойда кўриш мақсадида:***

1. Ўзингизда одамлар ўртасидаги муносабатларни эгаллашнинг жиддий, ўта иштиёқли истак-хоҳишини шакллантиришга ҳаракат қилинг.

2. Ҳар бир бўлимни навбатдагисига ўтишдан олдин икки мартадан ўқиб чиқинг.

3. Ўқиш жараёнида тез-тез тўхтаб, *«бу маслаҳатлардан қаерда фойдаланса бўлади?»* деб сўранг.

4. Ҳар бир муҳим фикрнинг тагига чизиб қўйинг.

5. Ҳар ойда китобни бошидан-охиригача кўриб чиқинг.

6. Имкон берган шароитда қайд этилган қоидалардан фойдаланинг. Ушбу китобдан кундалик муаммоларингизни ҳал этишда амалий қўлланма сифатида фойдаланинг.

7. Мазкур қоидалардан бироргасини бузадиган бўлсангиз, ўртоқларингиз ёки дўстларингиздан бирига ўн цент ёки доллар тўлажагингизни маълум қилинг ва буни мароқли, қувноқ ўйинга айлантиринг.

8. Ҳафта давомида ютуқларингизни сарҳисоб қилиб боринг. Ўзингиздан қандай хатоларга йўл қўйганингиз, қандай ютуқларга эришганингиз ва келажакда қандай сабоқлар чиқариб олганингизни сўранг.

9. Ушбу қоидаларни қачон ва қандай тарзда татбиқ этиб борганингиз тўғрисида кундалик дафтар юритинг.

*ИККИНЧИ ҚИСМ*

# ОДАМЛАРГА ЁҚИМТОЙ БЎЛИШГА ОИД ОЛТИ ҚОИДА

*Биринчи бўлим*

## ЎЗИНГИЗНИ ШУНДАЙ ТУТИНГКИ, ҲАММА ЖОЙДА СИЗНИ ХУШМУОМАЛАЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛИШСИН

Дўст орттиришни билиш учун бу китобни ўқиш шартми? Дўст орттириш бўйича дунё билган энг устаси фаранг кишиларнинг усулларини ўрганса бўлмасмикан? У ким ўзи? Сиз уни эртага кўчада учратасиз. Яқинлашишингиз билан у думини ликиллата бошлайди. Борди-ю, тўхтаб, бошини силагудек бўлсангиз, у қанчалар хурсанд бўлади ва сизни жудаям яхши кўришини англатиш учун турли хатти-ҳаракатлар қилади. Ана шу ҳаракатлари замирида ҳеч қандай эгри мақсад ёки қинғирлик йўқлиги маълум. Чунки унда бирорта кўчмас мулк йўққи, уни сизга қимматроқ нархда сотишни мўлжаллаётган бўлса ёки у сиз билан турмуш қурмоқчи эмас.

Яшаш учун меҳнат қилмайдиган ягона жонзот ит эканлиги тўғрисида бирон марта ўйлаб кўрганмисиз? Товуқ тухум қўяди, сигир сут бериши, канарейка эса сайраши керак. Кучук эса одамларга фақат муҳаббат изҳор қилиши эвазига ҳаёт кечиради.

Мен беш ёшда эканимда отам эллик центга кичкина малла кучукча олиб берди. У менинг болалигимни қувончга тўлдирган эди. У ҳар куни соат тўрт яримда уйнинг олдида йўлларимга чиройли кўзларини тикиб ўтирар, овозимни эшитиб, ўзимни кўриб, буталар орасидан югуриб чиқиб ирғишлар, тепаликлар устида мени кутиб олиб, пешвоз чиқар, тантана билан акиллаб қўяр эди.

Типпи (кучугимни шундай деб атардим) беш йил давомида менинг доимий ажралмас йўлдошим бўлиб қолди. Сўнгра уни даҳшатли бир кечада (буни ҳеч қачон эсимдан чиқара олмайман) мендан ўн футча нарида яшин уриб ўлдирди. Типпи ўсмирлик давримнинг фожиаси бўлиб қолди.

Типпи руҳшуносликка доир бирортаям китобни ўқиб чиқмаган, унга бунинг зарурати ҳам йўқ эди. Туғма сезги туфайли бошқа одамлар билан самимий қизиққан ҳолда шунчалар кўп дўст орттириш мумкинки, бу икки йилдан ҳам тезроқ муддат — икки ойни қамраб олади. Такрорлашга изн беринг. *Бошқа одамларнинг шахсига қизиққан ҳолда икки йилда топиш мумкин бўлган дўстларни икки ойда ундан ҳам кўп орттириш мумкин.*

Биз сиз билан бирга шундай одамларни биламизки, улар бутун ҳаётлари давомида атрофдаги кишиларни ўзларига қизиқтиришга мажбур этиб, жуда қўпол хатоларга йўл қўядилар.

Албатта, бу кутилган натижани бермайди. Одамлар сиз билан қизиқишмайди. Улар мен билан ҳам қизиқмайдилар. Улар фақат ўзлари билан қизиқишади — эрталаб ҳам, тушда ҳам, кечқурун ҳам.

Нью-Йорк телефон компанияси телефон сўзлашувларини синчиклаб олиб борди: улар қайси сўзни кўпроқ ишлатар экан? 500 та телефон сўзлашувининг ўзида 3990 марта «мен», «мен», «мен», «мен» такрорланган.

Кўпчилик бўлиб суратга тушган бўлсангиз, суратдан биринчи бўлиб кимни ахтарасиз?

Агарда одамлар мен билан қизиқади, десангиз, шундай саволга жавоб беринг: бугун тунда ўлдингиз, дейлик, эрталаб дафн маросимига қанча киши келади?

Сиз биринчи бўлиб бошқалар билан қизиқмасангиз, нега энди улар сизга қизиқишлари керак экан? Қўлингизга қалам олинг-у, шу саволларга жавоб ёзинг.

Борди-ю, сиз ўзингизни одамлар билан қизиқаётгандек кўрсатсангиз ҳам ҳаётда кўплаб ҳақиқий дўстлар орттира олмайсиз. Дўстлар, ҳақиқий дўстлар бу тарзда орттирилмайди.

Наполеон айнан ана шу тарзда ҳаракат қилмоқчи эди. У Жозефина билан охирги дийдорлашувида шундай деганди:

*«Жозефина, ер юзидаги бирор кишига ато этилмаган омад менга насиб қилди, ҳозир мен ишонишим мумкин бўлган яккаю ягона шахс, бу — сизсиз».* Аммо тарихчилар унинг бу аёлга шунчалик ишониши мумкинлигига шубҳа билан қараяптилар.

Веналик машҳур психолог, ҳозир марҳум Альфред Адлер ўзининг «Ҳаёт сиз учун нимани англатиши керак?» номли китобида шундай деб ёзган эди: *«Ўз оғайнилари билан қизиқмайдиган кишилар ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дучор бўладилар ва атрофдагиларга жуда кўп зарар етказадилар. Айнан шундай одамлар орасида омадсизлари кўп учрайди».*

Руҳиятга доир жуда кўп китобларни ўқиб чиқиш мумкин, аммо ўзингиз учун ўзингизнинг фикрларингиздан ортиғи бўлмайди. Мен-ку, аслида такрорлашни ёмон кўраман, лекин ҳеч ким буни Адлердан ўтказиб, мазмундор айта олган эмас, шу боис уни яна бир бор таъкидламоқчиман:

*«Ўз оғайнилари билан қизиқмайдиган кишилар ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дучор бўладилар ва атрофдагиларга жуда кўп зарар етказадилар. Айнан шундай одамлар орасида омадсизлари кўп учрайди».*

Мен бир пайтлар Нью-Йорк университетида ҳикоялар ёзиш санъати бўйича курс амалиёти ўтган эдим. Унда «Кольерс» журналининг бош муҳаррири ҳам маърузачилардан бири эди. Унинг фикрига кўра, ҳар куни келаётган ўнлаб ҳикояларнинг бир неча хатбошисини ўқибоқ, ҳикоялар муаллифларининг одамларни яхши кўрадими-йўқми, шуни дарров аниқлаш мумкин экан. *«Агар муаллиф одамларни яхши кўрмаса,* — дейди у, — *бу ҳикоялар одамларни қизиқтирмайди».*

Тавсифчилик асарлари қандай ёзилиши хусусидаги суҳбат асносида, бу тажрибали муҳаррир икки марта тўхтаб, бизга ўргатаётганлиги учун кечирим сўради. *«Мен ҳам сизга руҳоний айтган ўша гапларнинг ўзгинасини айтяпман. Лекин шуниси эсингизда бўлсинки,* — деб таъкидлади у, — *ҳикояларингиз муваффақият қозонишини истасангиз, одамлар билан кўпроқ қизиқишингиз керак».*

Агар бу бадиий асарлар яратиш нуқтаи назаридан ҳаққоний бўлса, одамлар билан бевосита муносабатда бўлиш

соҳасида уч баробар ҳаққоний бўлар эдики, бу янада аҳамиятлидир.

Мен машҳур артист Говард Тёрстоннинг Бродвейдаги охирги томошаларига кирган эдим. Тёрстонни кўзбоғловчиларнинг таниқли оқсоқоли ва сеҳргарлар подшоси, деса ҳам бўлади. У қирқ йил давомида дунёнинг жуда кўплаб жойларида бўлган, ажойиб томошалари билан одамларни хушнуд қилган, илоҳий саҳналари билан кишиларнинг оғзини очилиб қолар даражада томошаларга берилиб кетишини таъминлай олган инсон эди. Унинг томошаларида олтмиш миллиондан кўпроқ одам қатнашган, соф даромади эса салкам икки миллион долларни ташкил этганди.

Мен Тёрстондан бундай муваффақиятга қандай эришганининг боисини тушунтириб беришини илтимос қилдим. Унинг мактабдаги ўқиши бундай ютуққа ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, чунки у уйидан қочиб кетиб, дайдилик қилган, юк вагонларида юриб, пичанларнинг устида ухларди, одамларнинг эшикларида тиланчилик билан егулик топарди, ўқишни эса юк вагонлари ҳамда темир йўл атрофидаги ёзувлардан ўрганган.

Тёрстон сеҳргарлик тўғрисидаги билимларни эгаллаган эдими? Йўқ. Унинг айтишига кўра, кўз боғлоғичлар тўғрисида юзлаб китоблар мавжуд, ўнлаб одамлар ҳам у қанча билса, шунча билишади. Лекин унда иккита хислат борки, улар бошқа кишиларда учрамайди. Биринчидан, Тёрстон ўзининг алоҳида хусусиятига оммани ишонтиришга, ҳис этишга мажбур эта олган. Томоша кўрсатишда эса унинг суяги йўқ эди. У инсон табиатини жуда яхши билган. Унинг ҳар бир ҳаракати, овозидаги оҳанг, ҳатто қошларининг кўтарилиши — буларнинг бари жуда кўплаб машқлар натижаси бўлиб, ҳар бир кўринишда сарф қиладиган вақтини сонияларгача аниқ ҳисобга олган бўларди. Шу билан бирга Тёрстон одамлар билан самимий қизиқар эди. Ўзининг айтишича, кўпгина кўз боғловчилар томошагоҳларда саҳнага чиқиб, томошабинларга қараганча, ўз-ўзига дер экан: *«Бу ерда нодонлар тўпланибди, аксарияти бутунлай қишлоқи. Уларни яхшилаб аҳмоқ қиламан»*. Тёрстоннинг ёндашуви эса мутлақо бошқача эди. У саҳнага чиқишдан олдин, ҳар сафар фик-

ран: *«Бу одамлар менинг томошаларимга келганидан миннатдорман. Улар менинг ҳаёт кечиришим, бинойи яшашим учун бутун имкониятларини менга беришган. Мен уларга кучим етгунча хизмат қиламан»*, дерди. Саҳнага чиқишдан олдин ҳамиша: *«Мен томошабинларни жудаям яхши кўраман»*, деган сўзларни бот-бот айтар эди. Кулгилими? Бемаъними? Сиз нима десангиз, денг-у, аммо мен буларнинг барини ҳеч бир изоҳларсиз барча даврларнинг машҳур сеҳргари тилидан худди ўзидай такрорлаяпман.

Шуман-Хейнк хоним ҳам менга айнан ана шуларни ҳикоя қилган эди. Бу хонимнинг шахсий ҳаёти шунчалик азоб-уқубатларга тўла эдики, очлик ва қайғуга лиммо-лим ҳаётдан, ҳатто ўзини ҳам, болаларини ҳам ўлдирмоқчи бўлади. Шунга қарамай, саҳнада ажойиб қўшиқлар куйлаб, томошабинларнинг қизғин олқишига сазовор бўлди, Вагнер асарларининг жаҳондаги энг етук, машҳур ижрочисига айланди. Хонимнинг тан олиб айтишига қараганда, бундай муваффақиятнинг асосий сирларидан бири — у одамлар билан жиддий қизиққанидадир.

Теодор Рузвельтнинг машҳур бўлиб кетиши сирларидан бири ҳам айнан шунда. Уни, ҳатто хизматкорлари ҳам ниҳоятда яхши кўришган. Хизматкорларидан бири негр Жеймс Амос у ҳақда «Теодор Рузвельт шахсий хизматкори қаҳрамонидир» номли китоб ҳам ёзган. Мазкур китобда Амос ибратли бир воқеани ҳикоя қилади: *«Бир куни хотиним президентдан тустовуқ ҳақида сўрай бошлади. У ҳеч қачон тустовуқни кўрмаган экан, Теодор эса уни муфассал тушунтирди. Бир неча кундан кейин коттежимизда телефон жиринглаб қолди* (Амос ва унинг оиласи Ойстер-Бесдаги Рузвельт қароргоҳи олдида яшар эди). *Хотиним телефон олдига яқинлашди. Шахсан Рузвельтнинг ўзи қўнғироқ қилаётган экан. Унинг айтишига кўра, хотиним шундоққина деразадан бошини чиқариб қараса, тустовуқни кўриши мумкин экан.*

*Бундай майда-чуйдаларгача у жуда эътибор бериб қарар эди. Қай вақт коттежимиз олдидан ўтса, ҳатто бизни кўрмаса ҳам: «У-у-у, Анни!» ёки «У-у-у-у, Жеймс!» деб қўярди. Бу унинг дўстона саломи эди».*

Шундай кишини хизматкорлари яхши кўрмаслиги мумкинми? Ким бўлса ҳам бундай кишини қандай қилиб яхши кўрмаслик мумкин?!

Бир куни Рузвельт Оқ уйга кириб келади, бу пайтда у президент эмасди, амалдаги президент Тафт хотини билан аллақаерга кетган экан. Шунда у барча хизматкорлар билан, ҳатто қозон-товоқ ювадиган оқсоч билан ҳам исмини айтиб саломлашади. *«У қозон-товоқ ювадиган Алисани кўрганида,* — деб ёзади Арчи Батт. — *Олдингидай макка нони тайёрлаяпсанми, деб сўради».* Алиса ҳар замонда хизматкорлар учун тайёрлаётганинг, лекин юқори қаватдагилар эса емасликларини айтди.

*«Уларнинг дидлари яхши эмас, мен президентни кўрсам, албатта, айтаман»*, деди Рузвельт. Алиса унга ликопчада озгина макка нони келтирди, у эса йўл-йўлакай бу нонни еб, ишчи ва боғбонлар билан сўрашиб, маҳкама томон юра бошлади...

Уларнинг ҳар бири билан худди олдингидай очиқ, самимий мулоқотда бўларди. У ҳақда ҳозиргача шивирлашиб гаплашишади, Айк Гувер эса кўзларида ёш билан: *«Бу кейинги икки йил давомидаги бизнинг энг бахтли кунимиз эди, уни ҳеч биримиз юз долларлик қоғозга алмашмаган бўлар эдик»*, деган эди.

Бошқа кишиларнинг муаммолари билан ўта даражада қизиқиш фазилати Чарлз У. Элиотни университет президентлари орасида энг пешқадам киши даражасига кўтарган эди. Эсингизда бўлса керак, унинг бутун тақдири Гарвард университети билан боғланган бўлиб, фуқаролар уруши тугаганидан сўнг тўрт йил ўтгач, университет президентлиги вазифасини бажаришга киришган бўлса, биринчи жаҳон уруши бошланишига беш йил қолганида, бу вазифани тарк этди, у шунча вақт давомида баракали ишлади. Доктор Элиот ўзини қандай тутганлигини кўрсатувчи мисоллардан бирини айтиб ўтайлик. Бир куни биринчи курс талабаси Л.Р.Ж.Крэндон президент ҳузурига келиб, талабалар ссуда фондидан эллик доллар қарз олмоқчи бўлади. Унга ссуда берилади. *«Мен пул учун чин дилдан миннатдорчилик билдириб,* — деб ҳикоя қилади Крэндон, — *энди кетмоқчи бўлиб турганимда, президент Элиот шундай деди:*

*«Илтимос қиламан, ўтиринг». Шундан кейин мени ҳайратга солиб, шундай деди: «Менга айтишларича, сиз хонада овқат тайёрлаб, уни ўз хонангизда истеъмол қилар экансиз. Мен буни ёмон демоқчи эмасман, агар сиз етарлича, керакли миқдорда овқатланаётган бўлсангиз, маъқул, албатта (ўша пайтда кўпчилик ошхоналарда овқатланарди). Коллежда ўқиганимда, мен ҳам худди шундай қилган бўлар эдим. Сиз бирор марта бузоқ гўштидан таом тайёрлаганмисиз? Мен уни одатда мана бундай тайёрлар эдим», деб бузоқ гўштидан тайёрланадиган овқат хусусида атрофлича, мутлақо эринмай тушунча берди».*

Кўп сонли талабалардан бирининг ҳаёти билан, айниқса биринчи босқич талабасининг маиший ҳаёти билан бунчалик чуқур, атрофлича қизиқиш, вақт ажратиб, у билан дилдан суҳбатлашиш учун албатта кўнгил ўта олижаноб, меҳрибон бўлиши керак.

Шахсий тажрибамдан шуни яхши биламанки, Америкада энг машҳур ва таниқли кишиларнинг ҳам сизга эътибор беришлари, сиз билан ҳамкорлик қилишларига эришмоғингиз мумкин, бунинг учун уларга нисбатан самимий муносабатда бўлсангиз кифоя. Буни мисол билан баён этишимга ижозат беринг.

Бир неча йил муқаддам Бруклин санъат ва фон институтида бадиий асарларнинг қандай ёзилиши тўғрисида маърузалар ўқиган эдим. Машғулотларда Кэтлин Норрис, Фанни Херст, Ида Тарбелл, Альберт Пейсон Терхьюн, Руперт Хьюз ва бошқа таниқли ҳамда иш билан ўта банд ёзувчиларни Бруклинга келиб, ўз тажрибаларидан сўзлаб беришларини истадик. Бунинг учун уларга таклифнома тайёрладик. Хатда уларнинг асарларидан жуда катта бадиий завқ олаётганимизни, имкони бўлса, бундай ютуқларнинг сирини билиш ҳамда маслаҳатларини олишга муштоқлигимизни ҳам баён этдик.

Ҳар бир мактуб охирида бир юз эллик талаба имзо чекди, шу билан улар ишга жуда банд бўлганларини, маъруза ўқиш учун вақтлари етишмаслигини ҳам тушунишимизни алоҳида таъкидлаб ўтдик. Хатга уларнинг ҳар бири услуби ва маҳорати бобида тегишли саволлар мажмуини ҳам юбор-

дик. Бу уларга жуда ёқиб қолди. Кимга ҳам ёқмайди, дейсиз! Шунинг учун улар бизга ёрдам қўлини чўзиб, Бруклинга келишди.

Худди шу услубдан фойдаланиб, мен Лесли М.Шоуни, Теодор Рузвельт маъмуриятида ишлаган молия вазири Жорж У.Уикершемани, Тафт маъмурияти адлия вазири Уильям Женнингс Брайанни ҳамда Франклин Д.Рузвельт ва жуда кўп арбобларнинг талабалар ҳузурига келиб, нотиқлик санъати тўғрисида маърузалар ўқишларига эришган эдим.

Қассобми, нонвой ёки қиролми, давру даврон сурган подшоми — ким бўлишидан қатъи назар, бизга тан берган кишилар ёқади. Мисол тариқасида Германия кайзерини келтириш мумкин. Биринчи жаҳон уруши даврида дунёда ундан кўп нафратга дучор бўлган киши бўлмаса керак. Ҳатто халқи ҳам унга қарши қўзғолон кўтарган эди. У жонини сақлаб қолиш мақсадида Голландияга қочди. Уни шу даражада ёмон кўриб қолган эдиларки, миллионлаб одамлар асло тап тортмай уни парча-парча қилиб ташлаган ёки гулханда куйдириб ташлаган бўлишарди. Мана шундай халқ олов бўлиб ёнган пайтда битта жажжи бола унга самимийлик билан тўлиб-тошган бир мактуб жўнатади. Болакай бу хатида бошқалар қандай фикрда бўлса бўлаверсин, аммо Кайзер Вильгельмни ўзининг императори сифатида доимо яхши кўриб қолажагини баён этган эди. Кайзер ушбу хатдан ниҳоятда таъсирланди ҳамда бола билан шахсан учрашиш учун уни ўз ҳузурига таклиф қилди. Бола Кайзер ҳузурига онаси билан бирга келди. Кайзер бу аёлга уйланди. Бола «дўст орттириш ва уларга таъсир ўтказиш тўғрисида»ги китобни ҳам ўқимаган. У бу ўзига нима учун керак эканлигини ғойибона ҳис этган.

Агар биз дўст орттиришни хоҳласак, бошқалар учун нимадир қилишни истасак, куч сарфлашимиз талаб этилади. Бу эса вақтни, куч-қувватни, ҳалоллик, ғамхўрликни тақозо этади.

Виндзор герцоги Уэлльс шаҳзодаси эди. У Жанубий Африкага саёҳат қилиш учун тайёргарлик кўрар экан, кўп ойлар давомида испан тилини пухта ўрганди. Унинг мақсади ўша халқ тилида улар билан сўзлашиш эди. Шунинг учун жанубий африкаликлар уни жуда яхши кўриб қолишди.

Мен анча йиллардан бери ўртоқларимнинг туғилган кунларини аниқлаш билан шуғулланаман. Қандай тарзда дейсизми? Гарчи астрология фанига қизиқмасам ҳамки, одамнинг мижози, мойилликлари билан боғлиқми, деб сўрашдан гапни бошлайман. Шундан кейин менга туғилган куни ва ойи ҳақида гапириб беришини сўрайман. Борди-ю, у «24 ноябрь» деб айтадиган бўлса, мен хаёлан «24 ноябрь, 24 октябрь» деб бир неча бор такрорлайман ва у бурилган ҳамон бирор қоғозга исмини ва санасини ёзиб қўяман, кейинчалик эса алоҳида дафтарга кўчираман. Ҳар ойнинг бошида шу кунларни столимдаги тақвимга ўтказаман, шундай қилиб, бу ҳол кўзимга ташланади. Қайси бир дўстимнинг туғилган куни келган заҳоти унга хат ёки шошилингнома жўнатаман. Бу қандай таассурот қолдиришини кўз олдингизга келтириб кўринг! Баъзан бу кунни эслаган ягона киши бўлиб қоламан.

Агар биз дўст орттирмоқчи бўлсак, келинг, биринчи навбатда улар билан хуш-хурсандлик ва ғайрат-иштиёқ-ла саломлашайлик. Бу услубдан кимгадир қўнғироқ қилганингизда ҳам фойдаланинг, сизга ким телефон қилганида ҳам худди шундай қилинг. «Алло» ёки «лаббай» деганингизда, уни шундай оҳангда айтингки, ҳамсуҳбатингиз телефон қилганидан сизнинг мамнун эканлигингизни англаб турсин. Телефон компаниялари ўз телефонистчиларини ўқитаётганда: *«Марҳамат қилиб айтинг-чи, сизга қайси рақам керак?»* деб сўраганда ҳам: *«Ассалому алайкум, мен сизга хизмат қилганимдан жуда бахтиёрман»*, деб миннатдорлик туйғуси сезилиб турсин, дея қайта-қайта таъкидлашади. Бу ҳақда телефон ёнига борганда, эслаб турайлик. Мазкур қоидадан ишга доир муносабатларда, ишбилармонлик фаолиятида ҳам фойдаланиб бўлмасмикан? Сиз нима деб ўйлайсиз? Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин бизда иккитаси учун жой бор, холос.

Нью-Йоркдаги йирик банклардан бирининг ходими Чарлз Р.Уолтерсга қандайдир корпорация тўғрисида ошкор қилиб бўлмайдиган, яъни яширин маъруза тайёрлаш топширилади. Керакли маълумотга эга бўлган фақат бир киши Уолтерсга маълум эди, холос. У бу киши билан учрашгани борди. Бу одам жуда катта саноат компанияси ҳайъати ра-

иси эди. Уолтерс унинг кабинетига кираётганида, бир аёлнинг *«Сизга бугун ҳеч қандай марка олиб кела олмадим»*, деганини эшитиб қолди.

*«Ўн икки яшар ўғлимга почта маркаларини йиғяпман»*, деди раис Уолтерсга.

Уолтерс келишидан муддаосини айтди ва унга саволлар бера бошлади. Раис эса ноаниқ ҳамда мужмал жавоб қайтарарди. У гапиришни истамас, гапиришга ҳам уни ҳеч ким мажбур қилолмас эди. Бу қисқа суҳбат самарасиз якун топди.

Юқоридаги воқеалар тўғрисида тингловчилар олдида сўзга чиққан Уолтерс қуйидагиларни айтди: *«Очиғини айтганда, нима қилиш кераклигини билмай қолган эдим. Шунда котиба, маркалар, ўн икки яшар бола тўғрисида у айтган гапларни эсладим. Шунингдек, банкимизнинг ташқи ишлар бўлимида дунёнинг турли бурчакларидан келадиган маркаларни кесиб олиб қўйишарди. Кейинги куни унинг қабулхонасига келиб, ўғли учун бир неча маркалар борлигини котиба орқали билдирдим. Мени унинг ҳузурига тантана билан кузатиб қўйишди. У конгрессга сайланаётгандек ҳаяжонланар, қўлларимни сиқар эди. У жуда нафис кулар, жудаям хушфеъл бўлиб кетар эди. «Мана бу эса менинг Жоржимга жуда ёқади, — дер эди маркаларни меҳр-муҳаббат билан бирма-бир олиб кўрар экан. — Мана буни қаранг-а? Бу — хазина-ку!*

*Биз бир ярим соатлар давомида фақат маркалар ҳақида суҳбатлашдик ва ўғлининг суратини томоша қилдим. Кейин бир соат мобайнида мени қизиқтирган масала хусусида гаплашдик. Ваҳоланки, мен бу тўғрида гап ҳам очмаган эдим. У билганларининг барини сўзлаб берди, сўнг қўл остида ишлаганлардан айримларини чақириб, улардан ҳам суриштирди. Кейин эса телефон орқали бир неча қамкасблардан ҳам сўради. У менга далиллар, рақамлар, маърузаларни берди. Хуллас, мен, газетачилар тили билан айтганда, «шов-шувли муваффақиятга эришган эдим».*

Мана бошқа мисолни олиб кўрайлик.

Филадельфиялик кичик К.М.Кнафл кўп йиллар давомида бир хил чакана савдо дўконлари тармоғига эга бўлган катта компанияга ўзининг кўмирини сотишнинг иложини тополмай келаётган эди. Бу компания шаҳар ташқарисида жойлашган қайси бир кўмир таъминловчидан кўмир сотиб

олар, у Кнафл идораси олдидаги йўлдан бу кўмирни олиб ўтар эди. Бир кун Кнафл кечқурун менинг машғулотимда сўзга чиқди ва бу хил дўконлар шаънига ўта норозилик билан гапириб, улар мамлакат учун қанчалар ҳалокатли эканлигини алоҳида таъкидлади.

У нима учун ўзининг кўмирини сотолмаётганини тушунолмаётган эди.

Мен унга бошқача йўл тутишни маслаҳат бердим. Қисқа қилиб айтганда, қуйидаги воқеа рўй берди: биз тингловчилар ўрасида «Бир типдаги дўконлар мамлакатга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради», деган мавзуда мунозара уюштиришга қарор қилдик.

Менинг маслаҳатимга кўра, Кнафл тескари йўлни тутди. У энди бир хил типдаги дўконларни ҳимоя қилишга розилик берди ва ўзи хуш кўрмайдиган компания раҳбарига бориб шундай деди: *«Мен сизларга ўз кўмиримни сотиш хусусида эмас, балки бошқа нозик масала хусусида ёрдам сўраб келдим»*. Сўнгра у бўлажак мунозарада сўзга чиқажаги тўғрисида гапирди ҳамда шундай деди: *«Мен ўзимни яхшироқ маълумотлар билан қуроллантирадиган сизлардан бошқа кишиларни билмайман. Мен ушбу мунозарада ғалаба қилишни жуда истайман ва кўрсатишингиз мумкин бўлган ҳар қандай ёрдамингиздан ниҳоятда миннатдор бўлар эдим»*.

Мен сизга Кнафл баён этган бу воқеанинг охирини келтираман, холос:

*«Мен бу одамдан роппа-роса бир дақиқа вақт ажратишини сўраган эдим. У ана шу шартга асосан мени қабул қилган эди. Ўз мақсадимни баён этганимдан сўнг у мени ўтиришга имо қилди ва мен билан роса бир соату қирқ етти дақиқа суҳбатлашди. У ҳузурига битта раҳбар ходимни — шу хил дўконлар тўғрисида китоб ёзган одамни ҳам топиб берди. Унинг фикрига кўра, бу бир хил чакана дўконлар одамзод учун ҳаддан ташқари кўпроқ хизмат қилар экан. У жуда кўп аҳоли пунктлари учун хизмат кўрсатаётганлигидан фахрланар эди. У бу ҳақда гапирганида, кўзлари чақнаб кетарди. Очиғини айтганда, менинг бу масаладаги дунёқарашим ҳам ўзгариб кетди. Кўзим очилгандай бўлди, айрим айтилган фикрлар эса хаёлимга ҳам келмаган эди.*

*Кетаётганимда, эшиккача кузатиб, елкамдан секингина қучиб ҳам қўйди, мунозарага омад тилади ва кейин, яъни мен сўзга чиқиб, ўз вазифамни бажарганимнинг қандай ўтганлиги тўғрисида гапириб беришимни ҳам илтимос қилди. Унинг охирги сўзлари қуйидагича бўлди: «Илтимос, кўкламнинг охирида бизнинг корхонага бир келинг. Сизга кумир сотиб олиш бўйича буюртма бермоқчиман».*

*Бу мен учун деярли мўъжиза эди. Ҳеч қандай илтимос қилмасам ҳам у менга буюртма беришни таклиф қилаётганди. Икки соат давомида унга ва унинг муаммоларига самимий қизиқиш билдириб, шундай катта муваффақиятни қўлга киритган эдимки, бундай ютуққа ўн йил мобайнида ҳам эришмагандим. Чунки шунча вақт мобайнида мен ўзим ва кумирларим ҳақида қизиқиш уйғотишга беҳуда уринавериб юрган эканман!»*

Муҳтарам Кнафл жаноблари, сиз янгилик яратганингиз йўқ, чунки сизгача, анча вақт аввал, ҳатто Исо пайғамбар таваллудидан юз йиллар муқаддам римлик машҳур шоир Публий Сир шундай деган: *«Биз билан қизиққан одамларга биз ҳам қизиқиш билан қараймиз».*

Борди-ю, сиз ўзингизда ажралиб турадиган ўзига хосликни шакллантирмоқчи бўлиб, одамларга янада яхшироқ ёндашмоқчи бўлсангиз, доктор Генри Линкнинг «Динга қайтиш» китобини ўқиб чиқишни астойдил тавсия қиламан. Унга қўйилган номдан ташвиш тортманг. Бунда риёкорликдан асар ҳам йўқ. Бу китоб машҳур руҳшунос томонидан ёзилган бўлиб, у ўз қабулига шахсий муаммолари важидан келган уч мингдан зиёд одамга маслаҳат бериш асносида ёзилган. Доктор Линкнинг менга айтишига кўра, унинг бу китобини «ўзига хосликни қандай шакллантирмоқ мумкин» деб атаса ҳам бўлади. Унда айнан ана шу ҳақда гап боради. Агар сиз уни ўқиб чиқсангиз ҳамда унга амал қилсангиз, одамлар билан муносабатларингизни янада маҳорат билан юқори поғонага кўтарган бўлар эдингиз.

Шундай қилиб, агар сиз одамларга ёқишни истасангиз, биринчи қоидага амал қилинг:

***Бошқа одамлар билан чин юракдан самимий қизиқинг.***

*Иккинчи бўлим*

## ОДАМЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛЛАРИ

Яқинда Нью-Йоркда бир тушликда иштирок этишимга тўғри келди. Меҳмонлар орасида каттагина меросга эга бир аёл ҳам бўлиб, у ҳаммага хуш таассурот қолдиришга уринмоқда эди. Бу аёл ажойиб мўйналар, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошларга пулни асло аямаган, аммо қиёфасига, яна ҳам аниқроғи, чеҳрасига эътибор бермаган эди. Юзи унинг барча нарсадан норозилиги ва худбинлигини намоён этиб турарди. У муҳим бир нарсани, яъни аёлнинг юзи, чеҳраси унинг кийимига нисбатан кўпроқ аҳамият касб этишини билмас эди (менинг фикримча, хотинингиз бирор қимматбаҳо буюм харид қилишига тўғри келганида, бу муҳим қоидани эсга олса, жуда яхши бўларди).

Чарлз Шваб менга ўзининг табассуми миллион долларга арзишини айтган эди. У ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормаган, дилбар ва ёқимли бўлиш қобилияти унинг ҳайратомуз муваффақиятларининг асоси ҳисобланган. Швабнинг ўзига хос ана шундай жиҳатларидан бири — унинг мафтункор табассуми эди.

Менга бир куннинг иккинчи ярмини Морис Шевалье билан ўтказишимга тўғри келган ва, очиғини айтсам, ҳафсалам пир бўлганди. Қовоғи солиқ ва камгап бу одам мен кутган ва ўйлаган одам эмас эди. Аммо у табассум қилганида, гўё булутлар орасидан қуёш мўралагандай бўларди. Унинг шу табассуми бўлмаганида, Парижда отаси ҳамда ака-укаларидек қизил ёғоч билан ишлайдиган дурадгорлигича қолаверарди.

Ишлари ҳар қандай сўзлардан устун, лекин таб[illegible] *«Сиз менга ёқасиз, сиз мени бахтли қиласиз, мен [illegible] кўришдан бахтиёрман»*, деб турарди.

Мана шундай ёқимтойлик, яхши кўриш итлар учун ҳам хосдир. Улар бизни кўриши билан ўзларига маълум бўлган барча воситалар ёрдамида изҳор этишга жон-жаҳдлари билан уринадилар. Шу боис бизнинг ҳам уларни кўришдан мамнун эканлигимиз мутлақо табиийдир.

Сохта, самимиятдан мутлақо маҳрум табассум тўғрисида нима дейиш мумкин? Йўқ, у ҳеч кимни алдамайди. Биз унинг сунъий эканлигини биламиз ҳамда ундан нафратланамиз. Мен эса ҳақиқий, дилларни ёритувчи, дилнинг ичичидан келадиган ва юқори даражада қадрланадиган табассумни назарда тутмоқдаман.

Нью-Йоркдаги йирик дўкон иш юритувчисининг гапига қараганда, сотувчиликка совуқ чеҳрали фан докторини эмас, балки бошланғич маълумоти бўлмаса-да, мафтункор табассуми бўлган қизни ишга олиш мақсадга мувофиқдир.

АҚШдаги энг йирик каучук ишлаб чиқариш компанияларидан бирининг директорлар кенгаши раиси менга шундай деган эди: *«Агар инсон ўзи қилаётган ишининг натижасидан лаззат ва қониқиш топа олмаса, ҳеч қачон ўз соҳасининг етук вакили бўлолмайди»*. Бу машҳур саноатчи қадимдан қолган «машаққатли меҳнат барча орзуларимизнинг ушалишини таъмин этувчи сеҳрли калит» деган нақлга унчалик ишонмайди. *«Мен омади келган шундай одамларни биламанки, улар ўз ишлари билан қониқиб, уни улкан рағбат билан бажариб, омадни қўлга киритишган ва муваффақиятларга эришишган,* — деган эди у. — *Вақт ўтиб эса бу кишиларни ёлланиб, ишга кирганларидан сўнг кўрган эдим. Улар учун бу иш жудаям зерикарли эди. Улар ишга умуман қизиқишмас, шу боис омадсизликка учрар эдилар»*.

Сиз одамлар билан мулоқотдан роҳат, ҳузур-ҳаловатни ҳис этсангиз, ўзингиз билан бўлган мулоқотдан одамлар ҳам қувонч туйғусини туйишлари мумкин.

Мен минглаб ишбилармон одамларга ҳафта давомида кимларга бўлсаям ҳамиша кулиб юришларини илтимос қилдим, кейин эса ушбу тажриба натижаси ҳақида гапириб беришларини сўрадим. Улар бунга муваффақ бўладиларми? Кўрамиз...

Мана, Нью-Йоркдаги норасмий фонд биржаси аъзоси Уильям Б.Штейнхардтнинг хати. Бундай ҳодиса ягона эмас, балки бошқа юзлаб одамларникига ўхшашдир. *«Уйланганимга ўн саккиз йил бўлиб қолди,* — деб ёзади Штейнхардт, — *шу давр мобайнида хотинимга камдан-кам кулиб гаплашаман ва тўшакдан туриб, ишга кетгунимча саноқли йи-*

*гирмата сўз ҳам айтмаган бўлсам керак. Бродвей тарихида мисли кўрилмаган энг одамови мен эдим, назаримда.*

*Табассум қилиб юриш ва натижаси ҳақида айтишимни илтимос қилганингиз учун бу ишга бир ҳафтани сарфладим. Шундай қилиб, кейинги куни эрталабданоқ сочимни тараётиб, турқи-тароватимга ойнадан боқиб, дедим: «Билл, сен бугун ғамгин афту башарангдан бир умрга ажрайсан. Сен табассум қил ва уни ҳозирнинг ўзида бошла». Эрталабки нонушта учун курсига ўтирар эканман, «Хайрли тонг, азизам», дедим.*

*Хотинимнинг ажабланиши мумкинлиги ҳақида мени огоҳлантирган эдингиз. Сиз унинг томонидан бўладиган аксадонинг кучини тўғри белгиламаган экансиз. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйган, ҳайрат ичида чўлғаниб қолган эди. Хотинимга энди бундай одат ҳар куни давом этиб, оддий нарса бўлиб қолади, деб айтдим ва бу ҳол, мана, икки ойдан буён давом этмоқда.*

*Хулқ-атворимдаги бу ўзгариш икки ой ичида шунчалик катта хушнудлик олиб келдики, бундай хурсандчиликка ўтган бир йил давомида ҳам эриша олмаган эдим.*

*Энди ишга кета туриб, кўп қаватли уйимизнинг лифтчи боласига ҳам табассум қилиб: «Ассалому алайкум», деб қўяман. Кулимсираб дарбон (швейцар)га салом бераман. Метро кассасида пул майдалаётганимда ҳам табассумни аямайман. Яқин кунларгача кулиб қарамаганимларга биржа залида кулги туҳфа этаман.*

*Тез орада менинг табассумимга ҳам худди шундай жавоб қилаётганларини сезиб қолдим. Ҳузуримга шикоят ва ариза билан келганларга хуш кайфият билан муомала қиламан. Уларни тинглаб туриб, табассум қиламан, кўнгилсизликларини, нохушликларни ҳал этиш ҳам анча енгил кўчади. Ишондимки, бу табассум ва жилмайишлар менга долларлар, жуда кўп долларлар олиб келмоқда.*

*Менинг идорам бошқа бир даллол (брокер) билан умумий ҳолатда. Унинг клерк (майда хизматчи)лари орасида бир ёқимли киши бор, у хулқимдаги ўзгаришлардан ҳаяжонга тушганлиги учун одамлар ўртасидаги муносабатларимдаги янгича қарашлар хусусида гапириб бердим. Шунда у иқрор бўлиб айтдики, бизнинг фирма билан бу бинода ҳамкор-*

*ликда ишлашга келган дастлабки кунларда мени жудаям худбин одам деб ўйлабди ва яқинда бу фикрини ўзгартирибди. Унинг гапига қараганда, мен кулганимда ҳақиқатан ҳам ёқимтой кишига айланар эканман.*

*Шу билан бирга мен ҳаммани танқид қилиш одатимни ташладим. Энди мунозара, танқид ўрнига маъқуллаш ва мақташга ўтдим. Ўзимнинг истакларим тўғрисида гапиришни бас қилдим. Энди мен ҳам суҳбатим нуқтаи назарини тушунишга интиламан. Мана шуларнинг бари ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Энди мен бутунлай бошқа одамман, анчайин бахтиёр ва бадавлат бўлиб қолгандайман. Ва, ниҳоят менинг яккаю ягона бойлигим дўстларим ва бахтим бўлиб, у ягона ҳақиқий бебаҳолиги билан қадрлидир».*

Унутманг, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрган, бор будшудини гаровга тикиб, биржада даллол бўлиб ишлаётган, қимматбаҳо қоғозларни сотишда қўрқув-хавотир ва қалтис ҳаракатлар билан меҳнат қилаётган бу кимсанинг иши шунчалик оғирки, Нью-Йоркдаги норасмий биржаларда шуғулланаётган юз кишидан тўқсонтаси албатта муваффақиятсизликка дучор бўлади.

Сиз кулишга мойилмисиз? Унда нима қилишга тўғри келади? Бу икки юмушдир. Ҳаммадан бурун ўзингизни кулишга мажбур этинг. Агар ёнингизда ҳеч ким бўлмаса, у ҳолда ҳуштак чалишга ёки бурнингиз билан бирор мавзуда минғирлашга, ёки ашула айтишга уриниб кўринг. Ўзингизни шундай тутингки, гўё сиздан бахтли одам йўқдек бўлсин, бу эса кайфиятингизнинг кўтарилишига олиб келади. Бу хусусда Гарвард университети профессори Уильям Жеймс шундай деган эди: *«Хатти-ҳаракатни кайфиятнинг оқибати деб айтишади, аслида эса уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ҳаракатларимиз бевосита иродаларимиз натижасида назарий қилиб борилади ва шу туфайли ирода этамиз, шу билан бирга кайфиятимизни ҳам бошқаришимиз мумкин, лекин у назоратга бўйсунмайди.*

*Шундай қилиб, агар кайфиятингиз бузилган бўлса, ирода кучингиз билан кайфиятни жойига келтиришнинг самарали усули шундаки, кўнглингизда ҳар доим ҳаммаси жойида, ҳаммаси яхши деб, ўзингизни тетик тутинг ва шундай деб ишга киришинг ва гапиринг».*

Бу ёруғ дунёда барча бахт излайди ва уни топишнинг ишончли йўли бор. Бунинг учун сиз ўз ўй-хаёлларингизни, фикрларингизни бошқаришни ўрганишингиз керак. Бахт ташқи шарт-шароитларга қарам эмас. У ички тартиб-интизомга чамбарчас боғлиқдир.

Сизнинг бахтли ёки бахтсизлигингиз нималарга эришганингиз, кимлигингиз, қаерда бўлишингиз, нима қилаётганингиз ва ҳоказоларга боғлиқ бўлмайди; сизнинг ҳолатингиз ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида ўйлаётганингиз туфайлидир. Масалан, икки киши бир жойда ва бир хил иш билан машғул бўлиши мумкин; иккитасида ҳам бир хил миқдордаги пул ва бир тарздаги мавқе, мартаба бўлиши мумкин; барибир, уларнинг бири бахтсиз, иккинчиси эса бахтиёр бўлади. Нега? Бу уларнинг хаёлий кайфиятлари ҳар хиллигидадир. Бу кунда етти цент пул учун ҳалдан зиёд иссиқда тер тўкиб ишлаётган бахтиёр чеҳрали хитойлик ҳаммолларни кўрдим, бундайларни Нью-Йоркнинг Парк-Авенюсида жуда кам учратиш мумкин. Шекспирнинг таъкидлаб айтишига кўра, *«ҳеч нарса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин эмас, балки бу бизнинг уларга қандай қарашимизга боғлиқ»*.

Эйб Линкольннинг таъкидлашига қараганда, *«одамлар қанчалик бахтли бўлишга қарор қилсалар, шунчалар бахтли бўладилар»*. У ҳақ эди. Яқинда мен мазкур ҳақиқатнинг нақадар тўғрилигига амин бўлдим. «Лонг-Айленд» бекатида зинапоядан юқорига кўтарилаётиб, олдимдан ўттиз-қирққа яқин майиб-мажруҳ болалар қўлтиқтаёқларга тиралиб, чиқа бошладилар. Бир болачани замбилда олиб боришарди. Мени ҳайрон қолдиргани, уларнинг бари қувноқ бўлиб, завқ-шавқ билан суҳбат олиб боришарди. Бунинг сабабини уларни кузатиб бораётган кишилардан сўрадим. «*Ҳа*, — жавоб қайтарди у, — *бола бир умр мажруҳ бўлиб қолганини англагач, дастлаб тушкунликка тушади ва ваҳимага берилади. Кейинчалик бу ҳолат ўтиб кетгач, тақдирга тан беради ва у, ҳатто соғлом болаларга нисбатан ҳам бахтлироқ бўлиши мумкин»*.

Мен бу болаларга бошимни эгиб, таъзим қилгим келди, улар менга шундай сабоқ бердиларки, бу менга бир умрга татийди.

«Сент-Луис кардиналс» бейсбол жамоасининг собиқ ўйинчиси, ҳозирги кунда Америкaнинг етакчи суғурта компанияларидан бирининг агенти Франклин Бетжер менга шундай деган эди: *«Юзида табассуми бўлган кишини ҳамма жойда ҳам яхши қабул қилишади, мен буни кўп йиллар муқаддам англадим»*. Шунинг учун ҳам у бирон хонага кирмоқчи бўлса, бир неча дақиқа тўхтайди ва бахтли дамлар хусусида ўйлайди, шунда унинг юзида ясама эмас, росмана табассум пайдо бўлади. Хонага кирганида ана шу табассум излари сақланиб қолади.

Бетжернинг фикрича, бундай оддий усул унинг суғурта агенти бўлиб ишлаши асносида жуда катта аҳамиятга моликдир.

Элберт Хаббарднинг қуйида бериладиган доно маслаҳатини диққат билан ўқиб чиқинг. Эсингизда бўлсин, бу маслаҳатдан амалда фойдаланмасангиз, диққат билан ўқиганларингизнинг ҳам асло нафи тегмайди.

*«Ҳар сафар уйдан чиққанингизда, бошингизни баланд кўтаринг, ўпкангизни ҳавога тўлдиринг; қуёш нуридан роҳатланинг; дўстларингизга табассум ила салом беринг ва қўл бериб сўрашишда чин қалбдан ёндашинг. Сизни тўғри тушунмасликлари ҳақида ўйламанг, душманларингиз тўғрисида дақиқалар сарфлаб ўйлаб ётманг, бу ҳақда фикр юритишдан ўзингизни тийинг. Нима иш қилиш кераклиги ҳақида фикран қатъий қарор қилинг ва мақсад сари дадил интилинг, бунда асло ортга қараб чекинманг. Улкан ва довруқли ишларни амалга ошириш тўғрисида, уларни амалда бажариш хусусида ўйланг. Ана шунда вақт оқими орқали сиз беихтиёр барча имкониятларга эга бўлганингизни сезмай қоласиз, истакларингиз амалга ошган бўлади. Денгиз маржонлари тўлқинлар кўтарилиб тушган пайтда жуда кўп элементларни ўзида жамлаб олгани каби вақт ўтиши билан сиз ҳам англаб етасизки, ўзингиз сезмаган ҳолда орзуларингизни амалга ошириш йўлида барча имкониятлардан фойдалана бошлабсиз. Кўз олдингизда фикран истеъдодли, қобилиятли, жиддий ва ҳамма ишга улгурувчи, ўзингиз тақлид қилмоқчи бўлган кишининг сиймосини чизинг. Вақт-вақти билан хаёлингиз сизни ўша одамга айлантириб туради. Фикр — жуда катта кучдир. Руҳан тетик бўлишга*

*интилинг ва мардонавор, самимий ва хуш кайфиятда бўлишга интилинг. Тўғри фикрламоқ — тўғри яратмоқ, демак. Истак натижасида ҳамма иш амалга ошади ва ҳар қандай самимий илтимос бажарилади. Юрагимиз кимга «жиз» этса, ана шундай кишиларга ўхшаб қоламиз. Иягингизни баланд тутиб, бошингизни юқорироқ кўтаринг. Ҳар биримиз потенциал даражада энг юқори поғонага кўтарилишимиз мумкин».*

Қадимда хитойликлар ҳаёт тажрибаларига бой кишилар бўлишган. Уларда шундай нақллар, мақоллар бор эдики, сиз ва биз бу битикларни бош кийимимизнинг ичига ёпиштириб олишимиз мумкин. Ундан биттасида шундай дейилган: *«Кишининг юзида табассум бўлмаса, дўконни очмаслиги лозим».*

Дўконлар ҳақида гап борар экан, «Оппенгейм Коллинз Энд компании» фирмаси учун Флетчер Ирвинг томонидан тайёрланган рекламада шундай ҳаётий фалсафа сингдирилган хатбоши мавжуд:

**Рождествода табассум қиймати**

*У жуда арзон, лекин кўп нарса беради.*

*Ким уни олса, уни бой қилади, ҳадя этганлар эса камбағал бўлиб қолмайди.*

*У бир неча дақиқалар давом этиши, лекин хотирада умрбод сақланиб қолиши мумкин.*

*Усиз ҳеч ким бой бўлмаган, у билан бой бўлмаган камбағал йўқ.*

*У ўзингизга бахт келтиради, иш билан боғлиқ муомала юритишингизда хайрихоҳлик муҳитини яратади, дўстларингиз учун яхши пароль бўлиб хизмат қилади.*

*У чарчаганлар учун ҳордиқ, кўнгли чўкканлар учун ёруғлик, маҳзунлик учун эса қуёш, кўнгилсиз воқеаларда табиат яратган малҳамдир.*

*Шунга қарамасдан уни сотиб олиб бўлмайди, тиланиб ҳам бўлмайди. Қарзга бериб бўлмайди ҳам, ўғирлаб бўлмайди, уни беришмаса, у ўз-ўзидан ҳеч нарсага арзимайди!*

*Рождество байрами арафасида харидорларнинг жуда кўп оқиб келиши оқибатида сотувчиларимиз шу даражада ҳориб қолганларки, сизга табассум туҳфа қилишга ярамай қол-*

*ганларида ўзингизнинг табассумингиздан ҳадя этишингизни илтимос қилсак бўладими?*

*Берай деса ҳеч нарсаси қолмаган кишидай табассумга муҳтож инсон бўлмайди.*

Агар одамларга ёқишни истасангиз, иккинчи қоидага амал қилинг:

***Табассум қилинг.***

*Учинчи бўлим*

## АГАР БУНИ БАЖАРМАСАНГИЗ, СИЗНИ НОХУШ ВОҚЕАЛАР КУТАДИ

1898 йил Нью-Йорк штатининг Рокленд графлигида фожиали бир воқеа содир бўлди. Оилада бир бола вафот этди, шу уйнинг қўшнилари таъзияга боришга тайёрланишаётганида, Жим Фарли отхонага кириб, отни олиб чиқди-да, аравага қўшишга киришди. Ер қор билан қопланган, ҳаво эса жуда совуқ эди. Отни бир неча кундан бери ташқарига олиб чиқишмаган эди. Ниҳоят олиб чиқиб сув тўлдирилган тоғоранинг олдига ичириш учун олиб келишганида у ўйноқлаб кетди, орқа оёқларини баланд кўтариб, Жим Фарлини тепиб ўлдирди. Шундай қилиб, Стони-Пойнт қишлоғида бир ҳафтанинг ичида икки кишини дафн қилишди.

Жим Фарлидан унинг бевасига уч ўғил ва бир неча юз доллар суғурта пуллар қолди, холос.

Унинг тўнғич ўғли Жим ўн ёшда эди. Болакай ғишт заводига ишга кирди. У қолипларга қум олиб келиб, солиб турар ҳамда ғиштларни у ёқдан-бу ёққа ағдарар эди. Шундай қилинса, ғиштлар қуёшда яхши қурирди.

Жим ҳеч қандай маълумот ололмади. У ирландча илтифот билан одамларни ўзига қаратиб, жалб қила оларди, шу боис сиёсат билан шуғуллана бошлади. У кўп йиллар давомида учрашган ва танишган одамларининг исмини эсда сақлаб қолиш қобилиятини такомилга етказди.

У ўрта мактабда умуман ўқимаган бўлса ҳам қирқ ёшга кирганида тўртала коллеж унга илмий унвон берди ва у

Демократик партиянинг миллий қўмитаси раиси ва Американинг почта вазири бўлди.

Мен бир куни Жим Фарлидан интервью олдим ва бундай ютуқнинг боисини сўрадим. У саволимга *«Машаққатли меҳнатда»*, деб жавоб берди. Бу жавобга биноан мен: *«Сиз ҳазиллашяпсиз»*, деб айтдим. Шунда у мендан, *«Ютуқларнинг боиси нимада, сизнингча?»* деб сўради. *«Менга маълум бўлишича, сиз ўн минг кишининг исмини билар экансиз»*, дедим.

*«Йўқ, хато қиляпсиз, мен эллик минг кишининг исмини номма-ном айтиб беришим мумкин»*, деб эътироз билдирди у.

Хотирингиз жам бўлсин, Фарлининг ана шу қобилияти Франклин Рузвельтни Оқ уйга жойлаштириб қўйишига жуда қўл келди.

Жим Фарли гипс ишлаб чиқарадиган концерннинг гумаштаси ва Стони-Пойнт муниципалитети (маҳаллий ўзўзини идора қилиш органи)да котиб бўлиб ишлар экан, ўзи учун исмларни ёдлаб қолиш тизимини яратишга муваффақ бўлди.

Даставвал бу тизим унчалик мураккаб эмас эди. Ҳар сафар янги таниш-билишлар орттирганида, уларнинг тўлиқ исмларини аниқлар, оиласининг таркибий қисми, машғулотларининг турини, сиёсий мавқеини суриштирарди. Фарли бу маълумотларнинг барчасини умумий суратнинг бўлаги сифатида хотирасига жойлар, бу кишини бир йилдан кейин бўлса ҳам унинг елкасига қоқиб, учратганида *«хотинингиз ва болаларингизнинг аҳволи қандай, боғингизда ўсаётган ёввойи ўтларни юлиб ташладингизми?»* деб қўяр эди. Уни иззат-ҳурмат қиладиган жуда кўп таниш-билишлар орттирганига ажабланмаса ҳам бўлади!

Рузвельтнинг президентлик сайлови арафасида Жим Фарли бир неча ой давомида ғарбий штатларнинг барча халқига ҳар куни бир неча юзлаб мактублар битди. Кейин эса ўн тўққиз кун мобайнида у йигирмата штатда бўлди, йигирма минг мил йўл босди. У қайси шаҳарга кирмасин, керакли кишилар билан учрашар, нонушта, овқат, чой устида «дилдан» суҳбатлашар ва ғайрат билан яна йўлга тушар эди.

У Шарққа қайттач, ўзи борган ҳар бир шаҳарга хат ёзар, бирор кишидан у суҳбатлашган кишиларнинг рўйхатини юборишини илтимос қиларди. Якуний рўйхатда минглаб кишиларнинг номлари бўлар, уларнинг барчаси Жим Фарлидан шахсан хат олган ва ундан мамнун бўлганликларини изҳор этишарди. Барча мактублар «Азизим Билл» ёки «Ҳурматли Жон» деган мурожаатдан бошланиб, шубҳасиз, «Жим» сўзи билан якунланар эди.

Жим Фарли ҳаётининг дастлабки давридаёқ шуни пайқаган эдики, ўртача тоифадаги одамни кўпроқ ўзининг исми қизиқтиради, унга бутун дунёдаги исмларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам ўзининг исми афзал кўринар экан.

Шу исмни эсда сақлаб қолиб, ундан эркин фойдаланиб, бу кишига жуда нозик, шу билан бирга ниҳоятда фойдали такаллуф, яъни сезилмас хушомад қилишингиз жоиз. Агар ўша кишининг исмини эсдан чиқариб қўйсангиз ёки нотўғри ёзсангиз, ноқулай аҳволга қоласиз. Масалан, мен бир куни Парижда нотиқлик санъати бўйича курс ташкил қилиб, уни ротаторда кўпайтириб, ўша ерда яшайдиган америкаликларга тарқатдим. Манзил ва кишиларнинг исми-фамилиясини инглиз тилини жуда ёмон биладиган француз машинисткалари ёзишган, табиийки, улар жуда кўп хатоларга йўл қўйишган эди. Бир киши Американинг Париждаги йирик банки бошқарувчисининг исми нотўғри ёзилгани учун кескин норозилик хатини юборганди менга.

Эндрю Карнегининг муваффақиятлари боиси нимада эди? У пўлат ишлаб чиқаришдан жуда кам нарсани билса ҳам, «пўлат қироли» деб юритишар эди. Унинг қўл остида пўлат ишлаб чиқаришни ундан жуда яхши биладиган юзларча одам ишлар, тер тўкишар эди.

У одамлар билан муомалани ниҳоятда қотириб қўярди, айнан ана шу омил уни энг бой кимсалардан бирига айлантирди. Эндрю Карнегининг ташкилотчилик маҳорати раҳбарлик қобилиятини анча эрта намоён этди. У ўн ёшида одамлар ўз исмларини жуда яхши кўришларини тушуниб етди ва бу ихтироси ёрдамида одамларни ўзи томонига оғдириб ола бошлади. Масалан, у болалигидаёқ ишлаб қуёнча сотиб олди ва тез орада улар кўпайиб кетди. Аммо қуён-

ларни боқиш учун етарли озуқа йўқ эди. Ана шунда унинг хаёлига ажойиб бир фикр келди. Қўшниларининг болаларига агар улар қуёнчаларга етарли даражада беда ва қоқи ўтлардан олиб келса, бу жониворларга уларнинг исмларини қўяжагини айтди.

Унинг режаси худди сеҳргарлик каби иш берди, буни Карнеги бир умр хотирасида сақлаб қолди.

У мана шу руҳий усулни ишбилармонлик соҳасида фойдаланиб, кўп йиллар давомида миллионларни жамғарди. Шу тарзда Пенсильвания темир йўлига пўлат рейслар сотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўша пайтда йўллар президенти Ж.Эдгар Томсон эди. Эндрю Карнеги Питтсбургда пўлат қуядиган завод қурди ва уни «Эдгар Томсон номли пўлат қуядиган завод» деб номлади.

Ҳозир эса қуйидаги жумбоқни ҳал этишга ҳаракат қилинг. Пенсильванияда қурилаётган темир йўл учун рельсларни Ж.Эдгар қаердан сотиб олган? «Сирс, Робак» фирмасиданми? О, йўқ, хато қилдингиз. Ақлингизни яхшироқ ишлатинг.

Ётиб кетиладиган вагонлар ишлаб чиқариш бўйича биринчилик учун жанжал кетаётган пайтда «Пўлат қироли» қуёнчалар тарихига доир воқеалардан олинган сабоқни яна бир бор хотирлади.

Эндрю Карнеги томонидан назорат қилинадиган «Сентрал транспортейшн компани» билан Пульманга тегишли компания ўртасида жуда катта тортишув кетар эди. Иккала компания ҳам «Юнион Пасифик» темир йўлига ётиб кетиладиган вагонлар етказиб беришга буюртма олишга уринар, шу мақсадда бир-бирини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилар, ҳеч қандай фойда кўришнинг имконияти бўлмай қолган даражагача нархни туширган эдилар.

Карнеги ҳам, Пульман ҳам «Юнион Пасифик» бошқарувчи аъзолари билан суҳбат ўтказиш учун Нью-Йоркка келишди. Кечқурун «Сент Николас» меҳмонхонасида Карнеги Пульманни учратиб қолди: *«Кечки саломлар бўлсин, жаноб Пульман, иккаламиз ҳам ўзимизни аҳмоқона тутмаяпмизми, нима дейсиз?»*

*«Сиз нимани назарда тутяпсиз?»* деди Пульман.

Шунда Карнеги бу икки корхонани бирлаштириш тўғрисида миясида пишитиб юрган фикрни ўртага ташлади. Улар

алоҳида-алоҳида, бир-бирига қарши корхоналар эмас, балки бирлашиш туфайли олинадиган қулайликлар ҳақида ёрқин буёқлар билан батафсил тушунтирди. «Пульман диққат билан тинглади, аммо Карнеги тўлиқ тушунтира олмаган эди. Ниҳоят, у қизиқсиниб: *«Янги компанияни қандай номлаган бўлар эдингиз?»* деб сўради. *«Албатта, Пульманнинг люкс-вагонлар компанияси», деб-да»*, деди Карнеги.

Пульманнинг юзи ёришиб кетди. *«Юринг, менинг хонамга*, — деди у, — *гаплашиб оламиз»*. Улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат саноат соҳасида тарихий воқеа бўлди. Эндрю Карнегининг дўстлари ва ишдаги ҳамкорларининг исмларини тўла эсда сақлаб қолиш ва тўғри айтиш одати унинг раҳбарлик қилиш усулининг асоси эди. У жуда кўплаб ишчиларнинг исмини билиши билан фахрланар, шунингдек, шахсан ўзи раҳбарлик қилаётган ва ривожланаётган пўлат қуйиш заводларидаги иш ташлашлар ҳам асло зарар келтирмас эди.

Падеревский ўз навбатида қора танли ошпазни «жаноб Коппер» деб юксак қадрлар, бунинг натижасида ўзи ҳам унинг жуда катта эҳтиромига сазовор бўлган эди. У Американинг у қирғоғидан бу қирғоғигача ўн беш марта айланиб чиққан ва ҳар сафар уни гулдурос қарсаклар билан олқишлайдиган томошабинларга пешвоз чиқиши билан шу ошпаз уни ширин таомлар билан кутиб олар эди. Мана шу йиллар давомида Падеревский ошпазни бирор марта «Жорж Жем» деб атамаган, балки Европача улуғлаш мазмунида «Жаноб Коппер» деб атарди. Бу эса ошпазга жуда хуш ёқар эди.

Одамлар ўз исми билан шу даражада ғурурланиб фахрланишадики, ўз исмларини қандай йўл билан бўлмасин, абадийлаштиришга уринадилар. Жаҳли ниҳоятда тез, жоҳил қария П.Барнум ўзининг номини давом эттирадиган ўғиллари йўқлигидан ўкинар эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг неварасига йигирма беш минг доллар бериб, ўзининг номини қўшиб, Барнум-Сили деб аташни илтимос қилган эди.

Икки юз муқаддам бойлар ёзувчиларга ўз ҳаётларини китобларда ёритишлари учун пул берар эдилар.

Ўз номларининг инсоният хотирасидан бутунлай йўқ бўлиб кетишидан чўчиган кўпгина коллекциячилардан музейлар ҳамда кутубхоналар доимо қарздордир. Нью-Йорк халқ кутубхонасида Астор ва Линоксларнинг коллекциялари мавжуд. «Метрополитен» музейи эса Бенжамин ва Ж.П.Морганларнинг исмларини абадийлаштирган. Ҳар бир черковни салмоқдор хайриялар ҳадя этганларнинг номлари битилган рангли ойналар безаб туради.

Кўпчилик кишилар исмларни эсда сақлаб қолмаслигининг оддий сабаби шуки, улар фикрни жамлаш, мустаҳкамлаш, хотирада шу исмнинг маҳкам ўрнашиб қолиши учун вақт ҳамда қувватни етарли сарф қилишга эришади. Бунга улар ўзларининг иш билан банд эканлигини рўкач қилиб кўрсатадилар.

Улар Франклин Д.Рузвельтчалик банд бўлмасалар керак. Бу инсон ҳаётида учраб қолган механикнинг ҳам исмини эсда сақлаб қолиш, лозим топилганида хотирада тиклаб олишга вақт топа билди.

Мана битта мисол. «Крейслер» фирмаси президент Рузвельт учун махсус автомашина тайёрлаб берди. Оқ уйга уни У.Чемберлен билан бирга фирманинг бир механигини ҳам олиб келишди. Менинг олдимда ўз таассуротларини баён қилган Чемберленнинг хати турибди.

*«Мен президент Рузвельтни одатдан ташқари мурватлари кўп бўлган автомашина билан бошқаришни ўргатган бўлсам, у менга одамлар билан бўладиган муомаланинг нозик жиҳатларини ўргатди».*

*«Мен Оқ уйга келганимда,* — деб гапини давом эттиради Чемберлен, — президент *бағоят илтифотли ва хушмуомала эди. У менинг номимни тилга олиб, очиққўнгиллик билан қабул қилди ва нималарни кўрсатиб тушунтирмайин, чин қалбдан берилиб, эътибор бериши менда катта таассурот қолдирди. Автомобилнинг конструкцияси шундай ишланган эдики, ундан бошқарилиш фақат руль орқали амалга ошириларди. Бизнинг атрофимизда машинани кўриш учун жуда кўп одам тўпланди ва президент шундай деди: «Менимча, бу машина жуда ажойиб, биргина тугмачани боссангиз бўлди — у ҳаракатга келар экан, уни бошқаришнинг*

*ҳеч қандай қийинчилиги йўқ. Бу ҳайрон қоладиган даражада ғаройиб. Мен ҳайрон бўляпман, уни ҳаракатга келтиришга нима мажбур этяпти?»*

Рузвельтнинг дўстлари ва яқинлари автомашинага тан берганларидан кейин уларнинг иштирокида у яна шундай деди: *«Жаноб Чемберлен, бу машинанинг конструкциясини яратиш учун сарф қилган вақт ва ҳаракатларингиздан миннатдорман. У аъло даражадаги улов». У радиаторни, орқа томонни кўрсатадиган ойнани, соатини, махсус чироқларини, ҳайдовчи ўринларининг алоҳида жойлашувини, юкхонадаги махсус жомадонларни мақтаб чиқди. Бошқача сўз билан айтганда, диққат билан мен ўйлаб топган детални у сезар эди. У Рузвельт хонимнинг, Перкинс хонимнинг, меҳнат вазири ва ўз котибининг эътиборини бу жиҳозларга алоҳида қаратар эди. Ҳатто немис хизматкорининг диққатини ҳам тортиб, унга шундай деди: «Жорж, сенга жомадонлар билан шуғулланишга тўғри келади».*

*Машина билан танишишга бағишланган машғулот тугаганидан кейин президент менга мурожаат қилиб: «Хўш, жаноб Чемберлен, мен федерал захира бошқармасини ярим соат кутиб қолишга мажбур қилганга ўхшайман. Ишимга борадиган вақтим бўлди, деб ўйлайман»*, деди.

*«Мен ўзим билан бирга Оқ уйга механикни ҳам олган эдим. Уни Рузвельтга таништиришди. У президент билан гаплашгани йўқ. Рузвельт эса унинг номини бир марта эшитган эди, холос. У тортинчоқ йигит эди, шунинг учун чеккароқда турганди. Рузвельт кета туриб, уни кўзи билан излаб топди, қўл бериб хайрлашди, уни номи билан атади ва Вашингтонга келгани учун миннатдорчилик билдирди. Бу миннатдорчиликда ҳам нотабиийлик йўқ эди. У намани ўйласа, шуни гапирарди. Мен буни ҳис этиб турардим.*

*Нью-Йоркка қайтганимга бир неча кун ўтгач, президент Рузвельтдан дастхати ва имзоси қўйилган сурат ҳамда ёрдамим учун миннатдорчилик хатини олдим. Буларнинг барига у қаердан вақт топади, бу мен учун жумбоқлигича қолди».*

Франклин Д.Рузвельтнинг атрофдаги кишиларни ўзига жалб қилишнинг энг оддий, ҳаммага маъқул ва таъсирчан

усулларидан бири — уларнинг исмларини эсда сақлаш ва улар онгида ўзларининг қадр-қимматини англатиш, қадрларига етишдир. Аммо бу иш кўпчилигимизнинг қўлимиздан келармикан?

Юз марта учрашган ҳолатнинг камида элликтасида бизни бировлар билан таништирсалар, улар билан бир неча дақиқа суҳбатлашамиз ва хайр-хушлашар эканмиз, ҳатто исмларини ҳам эслай олмаймиз.

Сиёсий арбоб ўзлаштирган биринчи сабоқ қуйидагича бўлади: *«Сайловчиларнинг номини эслаб қолиш, бу — давлат аҳамиятидаги донишмандлик ҳисобланади. Уни ёддан чиқариш эса ўзини унутиш билан баробардир».*

Кишиларнинг исмларини эсда сақлаб қолиш сиёсатда қандай аҳамият касб этган бўлса, ишбилармонлик ҳамда жамоатчилик муносабатларида ҳам айнан шундай аҳамиятга моликдир.

Франция императори, буюк Наполеоннинг жияни Наполеон III улкан имконияти ҳамда тутган мавқеига қарамай, ҳар бир учрашган кишининг исмини хотирлаб қола олиши билан фахрланар эди.

Бунга у қандай муваффақ бўлган? Жуда оддий тарзда. У кимнингдир исмини аниқ эшитолмай қолса, *«маъзур тутасиз, мен сизнинг исмингизни англай олмай қолдим, сизни ким деб аташади?»* деб сўрар эди. Борди-ю, исми одатдан ташқари мураккаб бўлса, *«у қандай ёзилади ўзи?»* деб сўрар эди.

Суҳбат давомида у мазкур исмдан бир неча бор фойдаланар, бу одамнинг юз тузилиши ва бутун ташқи қиёфасини, алоҳида белгиларини унинг исмига сингдириб юбориш орқали хотирасига жойлашга ҳаракат қиларди.

Агар ҳузурида муҳим аҳамиятга молик киши турган бўлса, Наполеон фақат юқорида айтиб ўтилганлар билан чегараланмас эди. Император аъло ҳазратлари бир ўзлари қолгач, бир варақ қоғоз олиб, янги танишган ўша кишининг исми фамилиясини ёзар ва бир неча маротаба қараб, фикрларини бир жойга жамлаб, кейин варақни йиртиб ташларди. Шу тариқа у фақат эшитиш эмас, шу билан бирга кўриш қобилияти билан ҳам эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Буларнинг бари вақт талаб қилган, албатта. Эмерсон: *«яхши урф-одатлар жажжи фидойиликлар натижаси ўлароқ юзага келади»*, деган эди.

Шундай қилиб, сиз одамларга ёқишни истасангиз, учинчи қоидаги амал қилинг:

***Одамнинг исми қандай тилда бўлишидан қатъи назар, ўзи учун энг ширин ва энг муҳим овоз эканлиги ҳамиша ёдингизда турсин.***

*Тўртинчи бўлим*

## ЁҚИМЛИ ҲАМСУҲБАТ БЎЛИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛЛАРИ

Яқинда мени бир жойга бриж (қарта) ўйинига таклиф қилишди. Тўғри, мен бу ўйин билан таниш эмас эдим. Таклиф қилинганлар орасида сариқ сочли бир аёл бўлиб, у ҳам бриж ўйинини билмас экан. У мен бир пайтлар Томас Лоуэлнинг қўлида менежер бўлиб ишлаганим, Европа бўйлаб сафар қилганимни жуда яхши билар экан. Бир маҳал бу хоним: *«О, жаноб Карнеги, сиз саёҳатингиз давомида бўлган диққатга сазовор жойлар, нималарни кўрганингиз тўғрисида гапириб берсангиз»*, деб илтимос қилди.

Биз диванга ўтирганимиздан кейин у яқинда эри билан Африка саёҳатидан қайтганини маълум қилди. *«Африка деяпсизми?* — ҳақиқатан ҳайратландим мен. — *Қандай ажойиб! Мен ҳамиша Африкага боришни орзу қилганман, аммо Жазойирда бир кун бўлганимни ҳисобга олмасам, у ерга ташриф буюрмаганман. Айтинг-чи, сиз йирик ҳайвонларни кўрдингизми?.. Нима дейсиз? Омадингиз бор экан. Сизга ҳавасим келади. Менга Африка тўғрисида гапириб беринг»*.

Буни ҳикоя қилиб беришга қирқ беш дақиқа керак бўлди. Хоним яна мендан қаерда бўлганим ва нималарни кўрганим ҳақида бошқа сўрамади. Унда фақат битта нарса — ўзини тинглайдиган одам ҳамда ўзлигини кўрсатиш ва қаерларда бўлганини баён этиш имконияти йўқ эди.

Бу истисно тариқасидами? Йўқ! Бундай кишилар талайгина. Масалан, Нью-Йорклик китоб ноширн Ж.У.Грин-

берг ташкил этган тушликда таниқли бир ботаник билан танишиб қолдим. Менга илгари ботаниклар билан суҳбатлашишга тўғри келмаган, бу киши эса бутунлай мафтун этиб қўйди.

У наша, хонаки гуллар, Лютер Бербанк ҳамда картошканинг хусусиятлари ҳақида гапирганида, жойимда миқ этмай ўтириб тингладим. Мен ҳам хонамда кичкина бир гулзорга эгаман ва мендаги айрим қийинчиликларни қандай ҳал этишни ана шу ботаник айтиб берди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, мен тушликка таклиф этилган эдим. Бу ерда тахминан йигирмага яқин киши бўлиб, мен меҳмондорчиликнинг айрим қоидаларига риоя қилмай, бошқаларга эътибор бермай, ботаник билан бир неча соат гаплашиб ўтирдим.

Ярим кечада барча иштирокчиларга хайрли тун тиладим-у, чиқиб кетдим. Ана шу аснода ботаник мезбонга ўгирилиб, менинг шаънимга бир неча мақтов сўзларни айтди. Унинг сўзларига қараганда, мен билан суҳбат жуда мароқли ўтар, мен ундоқ, мен бундоқ эканман. Хуллас, у гапини шундай тугатдики, мен жуда яхши ҳамсуҳбат эканман.

Яхши ҳамсуҳбат дедими? Менми? Ахир мен бир оғиз ҳам сўз айтмаган эдим. Мен, ҳатто хоҳлаганимда ҳам бир оғиз гапирмаган бўлардим, борди-ю мавзу ўзгартирилганда ҳам мен пингвинларнинг анатомиясини ҳисобга олмаганда, деярли кўп нарса билмасдим.

Мен нима иш қилдим, денг: уни ниҳоятда берилиб эшитдим. Чунки бундан манфаатдор эдим. Буни у чин юракдан ҳис этди. Бу, албатта, унга ёқар эди. Бундай ҳолатда диққатни жалб этиш — улкан яхшилик ёки майин хушомаднинг ўзгинасидир, буни ким бўлмасин, биз амалга оширмоғимиз лозим.

*«Жуда озчилик одамлар*, — дейди Жек Вудфорд ўзининг «Муҳаббатга қадам қўйиш» номли асарида, — *шавқ билан эътибор беришнинг яширин мақтовларига камдан-кам чидаш бера оладилар»*. Мен фақат уни кўтаринки руҳда эшитиш билан чегараланмасдан, балки *«баҳолашда холис, мақтовда эса сахий бўлдим»*.

Мен унга: *«суҳбатимиз мен учун фавқулодда қизиқарли ва сабоқ берарли даражада бўлди»*, дедим. Ҳақиқатдан ҳам

шундай эди. У эгаллаган билим менда йўқлигидан афсусландим ҳам. *«Мен сиз билан дала айланиб юргим келади»*, дедим унга. Ҳақиқатан ҳам у билан дала-даштларни кезгим келарди. У билан яна бир бор учрашиш ниятида *«сиз билан яна кўришишимиз керак»*, дедим, бунинг асло муболағаси йўқ.

Буларнинг бари билан мен ўзимни унинг назарида яхши ҳамсуҳбат деб ўйлашга мажбур қилдим. Аслида мен яхши ҳамсуҳбат ва тингловчи, шу билан бирга уни рағбатлантирувчи эдим.

Ишбилармон кишиларнинг муваффақиятли суҳбати ютуғи нимада? Ўша пишиқ-пухта олим Чарльз У. Эллиотнинг сўзларига қараганда, тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларда ҳеч қандай сир йўқ...

Фақат сиз билан гаплашаётган кишига катта эътибор билан қарашингиз керак, холос. Хушмуомалалиқдан ортиқ яхши фазилат борми ўзи?

Бу ҳақиқатнинг ўзгинаси, шундай эмасми? Ушбу ҳақиқатни билиш учун Гарвардда тўрт йил ўқиш шарт эмас. Лекин менга ҳам, сизга ҳам шуниси маълумки, таниқли савдогарлар жуда қиммат биноларни ижарага оладилар, ўзларига маъқул нархдаги молларни харид қилишади, дўкон пештахталарини чиройли қилиб безайдилар, рекламага доллар сарф қилиб, дуруст тингловчи бўла олмайдиган, ҳамсуҳбат бўлиш қўлидан келмайдиган хизматчиларни ишга қабул қиладилар. Бу хизматчилар харидорларнинг оғзига гап билан уришади, эътироз билдиришади, бундай ҳаракатлари билан харидорларни дўкондан бездирадилар.

Масалан, Ж.Вуттон билан бўлган воқеани олиб кўрайлик. Гуруҳимдаги машғулотлардан бирида у қуйидагиларни гапириб берди. Вуттон Нью-Жерси штатидаги денгиз бўйи саноат шаҳри Ньюаркдаги универмаглардан биридан костюм сотиб олган экан. Аммо костюм кўнгилдагидай чиқмади, сабаби, у кўйлакнинг ёқасини ифлослантираётган экан.

У костюмни дўконга қайтариб олиб келади. Сотган сотувчини топиб, воқеани баён қилади. Мен *«баён қилади»*, дедим. Узр, бу ошириб айтиш бўлди. Аслини олганда эса Вуттон охиригача гапира олмади, унинг гапини бўлиб қўйишди.

*«Биз бундай костюмларни мингталаб сотганмиз,* — эътироз билдирди сотувчи. — *Сизнинг эътирозингиз биринчи шикоят бўлиб, бизга ҳеч ким арз қилиб келмаган».*

Сотувчи айтган гапларнинг қисқача мазмуни шундан иборат, аммо сўз оҳанги ҳаммасидан ошиб тушарди. Унинг дарғазаб, гина-кудратга тўла оҳанги: *«Сиз алдаяпсиз, бизни аҳмоқ қилса бўлади, деб ўйлаяпсизми? Ҳали шошманг, мен сизга кўрсатиб қўяман»*, дегандай эди.

Мунозара қизиб кетган маҳалда яна бир сотувчи гапга аралашди. *«Ҳамма қора рангдаги костюмлар даставвал озроқ қора юқтиради,* — деб ўзича тушунтиргандай бўлди у. — *Бунда ҳеч нарса қила олмайсиз. Бу нархдаги костюмларнинг бари шунақа. Ҳамма бало бўёқда».*

*«Уларни эшитиб, қоним қайнаб кетарди,* — дейди Вуттон менга воқеани баён қила туриб. — *Чунки биринчи сотувчи менинг ҳақлигимга шубҳа билдирди, иккинчиси эса мени иккинчи нав молни сотиб олганимга шама қиляпти. Менинг ғазабим ошиб-тошганди. Мен уларга костюмни олиб, кўзимдан йўқолишини айтиб, қичқирйб юборишга тайёр эдим. Аммо шу пайт бўлим мудири келиб қолди. У ўз ишини аъло даражада билар экан. У менинг кайфиятимни бутунлай ўзгартириб юборди. У жаҳл отига минган кишини қаноат ҳосил қилган харидорга айлантирди. Бунга у қандай эришди? У бир йўла уч нарсага муваффақ бўлди.*

*Биринчидан, у бир оғиз сўз демай, гапларимни бошдан охиригача тинглади.*

*Иккинчидан, мен сўзимни тамомлагач, сотувчилар эътироз билдирмоқчи бўлганларида, улар билан тортишиб, менинг нуқтаи назаримни маъқуллади. Ёқамдаги доғлар костюм туфайли эканини фақат маъқуллаш билан чекланиб қолмади, балки, харидорга маъқул бўлмаган бундай моллар бизнинг дўконимизда сотилиши мумкин эмас, деди.*

*Учинчидан, у тўғрисини тан олди. Бу фалокат қаердан пайдо бўлганини билмаганини айтиб, мендан очиқчасига сўради: «Бу костюмни нима қилсам экан? Сиз нима деб маслаҳат берсангиз, худди шундай иш тутамиз».*

*Мен бир неча дақиқа олдин бу расво костюмни қайтариб олинглар, дейишга тайёр турган эдим. Энди эса унга:*

*«Мен фақат сиздан маслаҳат олмоқчиман. Бу вақтинчалик ҳолатми ёки бошқа бирор иш қилиш керакми?» дедим.*

*У менга костюмни яна бир ҳафта кийиб кўришни маслаҳат берди. «Агар ўшанда ҳам сизга маъқул келмаса, — деб ваъда берди у, — сизга ёқадиганини алмаштириб берамиз. Сизни шунчалик безовта қилганимиз учун кечиринг».*

*Мен бу дўкондан тўла қаноатланиб чиқиб кетдим. Ҳафта охирида эса костюм жуда яхши аҳволда эди ва бундан менинг универмагга бўлган ишончим янада ортди».*

Шундай ажойиб инсоннинг бўлимни бошқараётганига ажабланмасак ҳам бўлади. Сотувчилар масаласига келсак, улар бир умр сотувчи бўла олишмайди. Йўқ, уларни ўраш бўлимига ўтказадилар, улар у ерда бир умр харидорлар билан мулоқотда бўла олмайдилар.

Ашаддий жанжалкаш ва ўткир танқидчи ҳам бардошли, сабрли тингловчи қошида анча юмшайди ва инсофга келади. Чунки бундай тингловчи воситасида худди қирол кобраси каби танасидаги «дард» ва «заҳар»дан қутулиш имкониятига эга бўлади.

Мана сизга бир мисол. Бир неча йил муқаддам «Нью-Йорк телекомпанияси» фаолиятида, ҳатто телефончи аёлларни ҳам шиддат билан ҳақорат қиладиган бир ашаддий шикоятчи билан иш кўришга тўғри келди. У қандай қилиб ҳақорат қиларди, дейсизми? У жазавага тушиб, телефонингни томир-помири билан қўпориб ташлайман, деб пўписа қиларди. Унга кўрсатилган хизмат бўйича ҳисоб-китоб пули — хизмат ҳақини ҳам тўлашни рад этган эди. Бу тўғрида газеталарга ёзди. Коммунал хизмат кўрсатиш бўйича комиссияга беҳисоб шикоятлар йўллади, ҳамма телефон компаниясидан норози бўлиб, бир неча бор судга мурожаат қилди.

Ниҳоят, компания ўзининг тажрибали, етук «ихтирочи»ларидан бирини бу «ярамас»нинг ҳузурига суҳбатлашиш учун юборади. Тажрибали киши бу инжиқ қарияни обдон, шошмасдан тинглади ва у ўзининг шахсий дардларини айтиб, юрагини бўшатди, шу билан роҳатланди.

Телефон компанияси юборган одам фақат тинглар, тасдиқ маъносида бош иргаб қўяр ва унга ачиниб ҳам қарар эди.

*«У ҳайқириб бақирар, мен эса уни деярли уч соат давомида тинглашга мажбур бўлдим,* — деб ҳикоя қилади ўша «ихтирочи» мен билан бўлган суҳбатда (бу суҳбат машғулотларда асосий мавзуга айланган эди). — *Шундан кейин яна бордим ва яна унинг гапларини қунт билан тингладим. Шу тариқа у билан тўрт марта суҳбатлашдим. У сўнгги учрашувимизда ташкил қилмоқчи бўлган ташкилотнинг таъсис аъзоларидан бири бўлдим. Бу ташкилотнинг номини у «Телефон мижозларини ҳимоя қилиш уюшмаси» деб номлаган эди. Агар унинг ўзини ҳисобга олмаса, ҳозиргача мен ана шу ташкилотнинг ягона аъзосиман.*

*Мен суҳбат давомида тилга олинган ҳар бир масалада унга ҳамдардлик билдирар ва уни сабр-тоқат билан тинглар эдим. Илгари телефон компаниясининг бирор ходими айнан шу тарзда муомала қилмаганди, шу боис бўлса керак, анчайин дўстона муҳит юзага келди. Биринчи бор келганимда, ташрифимнинг мақсадлари ёки сабабларини чолга эслатмадим ҳам. Иккинчи, учинчисида ҳам шу ҳол рўй берди, аммо тўртинчисида ҳаммаси ҳал бўлган эди. Ҳамма ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни тўлатишга эришдим. Телефон компанияси тарихида биринчи марта унинг томонидан барча шикоятлар қайтариб олинди. Чол бу шикоятларни коммунал хизмат кўрсатиш комиссияси номига юборган эди.*

*Шак-шубҳасиз, бу мижоз ўзини қаттиқ жабр-зулмга дуч қилинган фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга киришган салбчи, дея англар эди. Аслида эса у ўз қадр-қимматини ҳимоя қилишни бошқалар томонидан ҳис қилинишини истар эди. Бунда эътироф этишни исташ эса норозилик ҳамда шикоятлар орқали амалга ошириларди».*

Аммо компания томонидан юборилган вакил орқали у ишонтирилгач, барча хафагарчиликлар бамисоли тутундай тарқаб кетди.

Кўп йиллар муқаддам эрталаб «Детмер вулен компани» (бу компания кейинчалик тикувчилик корхоналарига жун толалар етказиб берувчи йирик корпорацияга айланган эди) компаниясининг раҳбари Жулиана Ф.Детмер хонасига ғазабга тўлган мижоз бостириб келди.

*«Бу мижоз биздан ўн беш доллар қарздор эди, — деб тушунтирди менга Детмер. — У инкор қилса-да, лекин ноҳақ эканлигини биз билиб турардик. Шу сабабли кредитлар бўлимимиз ундан бу пулларни тўлашни қистаб туриб олди. Шундан кейин у кредитлар бўлими томонидан берилган барча хатларни жомадонига жойлади-да, Чикагога қараб йўл олди ва менинг хонамга шошилди. У пулни тўлаш у ёқда турсин, бундан буён бирор долларга бўлса ҳам «Детмер вулен компани»дан мутлақо мол сотиб олмаслигини маълум қилди.*

*Унинг ҳамма айтган гапларини мен сабр-тоқат билан эшитдим. Гапини бир неча бор бўлиб қўймоқчи бўлдим, аммо бундай қилиш нотўғри эканлигини тушундим. Шунинг учун у ҳамма гапини айтиб бўлгунича имкон яратдим. Ниҳоят у бироз тинчланиб, ярашиш ҳолатига яқинлашганида мен хотиржам кайфиятда: «Шуни Чикагога келиб хабар берганингиз учун сиздан миннатдорман. Сиз мени шу билан мамнун қилдингиз, акс ҳолда бизнинг кредитлар бўлими сизни безовта қилган бўлиб чиқар, у бошқа мижозларни ҳам айнан худди шу тарзда безовта қилиши мумкинки, бу умуман ярашмаган ҳол бўлар эди. Мен сизни эшитишдан ғоят мамнун бўлдим, сиз менга жуда кўп нарсаларни гапириб бердингиз, бу бизнинг манфаатимизга хизмат қилади, менга ишонинг, ана шу жиҳатдан сизга кўпроқ қулоқ солдим», дедим.*

*У мендан бу гапларни умуман кутмаган экан. Чикагога келиб, енгил тарзда ранжитмоқчи бўлса ҳам Чикагога ташрифидан кейин менга бир-икки «мойли» гап айтмоқчи бўлган экан, бу ерда эса у билан тортишиб ўтириш ўрнига бирдан унга миннатдорчилик билдириб ўтирибмиз. Мен, китобларимиздан бу ўн беш долларни ўчириб ташлаймиз ва бу ҳақда унутамиз, — дедим уни ишонтириб. — Чунки бу киши маданиятли, у битта ҳисобни кўздан кечирган бўлиши мумкин, бизнинг одамлар эса минглаб ҳисобларни кўздан кечиришларига тўғри келади. Шу сабабли унга нисбатан биз кўпроқ хатога йўл қўйишимиз мумкин.*

*Мен уни ишонтириб, сизни тушунаман, агар ўрнингизда мен бўлганимда, худди сиздай муҳокама қилар эдим, албатта. Демак, у бизнинг фирмадан сотиб олишни истамас*

*экан, унга жун материаллар билан савдо қиладиган бир нечта фикрларни тавсия этдим.*

*Илгарилари у Чикагога келганида, бирга нонушта қилардик, шунинг учун мен уни ўша куннинг ўзидаёқ бирга нонушта қилишни таклиф қилдим. У таклифимга истар-истамас рози бўлди, аммо хонамга қайтиб келганимизда, у олдин мутлақо мўлжалланмаган катта миқдордаги моллар учун буюртма берди. Уйга у димоғи чоғ, кайфияти кўтарилган ҳолда қайтди. Шундан кейин бизнинг идорага ҳаққоний ёндашишни касб қилиб олди, ўзининг ҳисоб-китоб дафтарлари орасидан эътирозимизга асос бўлган ҳужжатни топиб олди (у бошқа қоғозлар орасида йўқолган экан), сўнгра ўзининг кечирим сўралган хати билан бирга ўн беш долларга чек юборди.*

*Кейинчалик унинг хотини ўғил кўрганида, ўғлига иккинчи исм қилиб Детмернинг номини берди ва ўлимига қадар йигирма икки йил давомида фирмамизнинг доимий мижози бўлиб қолди».*

Анча йил муқаддам Голландиядан муҳожир бўлиб келган камбағал йигит мактабда дарс ўтилганидан сўнг новвойхона деразасини тозалар, бунинг учун ҳафтасига ўн беш цент оларди. Уларнинг оиласи шунчалик қашшоқ эдики, у ҳар куни кўмир ташийдиган фургонлардан тушиб қолган кўмир бўлакларини териш учун қўлига сумка олиб кўчага чиқарди. Бу ўсмир Эдвард Бок ўзининг умри давомида мактабда бор-йўғи олти йил ўқиган бўлса-да, оқибатда Америка журналистикаси тарихида энг кўп муваффақият қозонган журнал муҳаррирларидан бўлиб қолди. У бунга қандай қилиб эришди? Бунинг тарихи жуда узоқ, аммо бу ерда унинг мартабаси нимадан бошланганини қисқача айтиб ўтиш мумкин. Бу иш мазкур бўлимда тавсия этилган қоидаларни амалда қўллаш туфайли рўй берди.

Ўн уч ёшида мактабдаги ўқишини ташлаган Бак «Уэстерн юнион» фирмасида дастёрлик қила бошлади, у ҳафтасига олти доллару йигирма беш цент олар, аммо унинг бирор дақиқа бўлсин, ўқишдан воз кечиш фикри бўлмаган. У фақат мустақил ўқиш билан машғул бўлган. У қатнов патталарига кетадиган маблағларни иқтисод қилар, нонушта

қилмасди. Мазкур хатти-ҳаракати машҳур америкаликларнинг таржимаи ҳоли битилган энциклопедияни сотиб олгунича давом этдики, бу қулоқ эшитмаган ҳодиса эди. У таниқли кишиларнинг таржимаи ҳолини ўқир экан, уларга хат ёзиб, ёшликлари қандай ўтганлиги ҳақидаги қўшимча маълумотлар беришни илтимос қилди. Унга нималарни ҳикоя қилиб беришса, жуда яхши ўзлаштириб олиш қобилияти мавжуд эди. У машҳур кишиларни ўзлари тўғрисида гапириб беришга ундаган эди. Ўша пайтда президентликка номзоди кўрсатилган генерал Жеймс Гарфилддан ёшлигида, каналда сол судровчи бўлиб ишлаганингиз ростми, деб сўраган эди. Генерал ўша жангнинг харитасини чизиб бериб, бу ўн тўрт яшар ўсмирни ўз ҳузурига таклиф қилди. Уни тушлик билан сийлаб, бола билан бутун оқшом давомида суҳбатлашиб ўтирди.

У Эмерсонга хат ёзиб, ўзи ҳақида гапириб беришга уни қизиқтирган эди. «Уэстерн юнион» ўша пайтдаги машҳур кишилар билан ёзишмага киришиб кетди. Кўп ўтмай, Эмерсон, Филиппс Брукс, Оливер Уэнделл Холмс, Лонгфелло, Авраам Линкольннинг беваси, Луиза Мэй Олкотт, генерал Шерман ва Жефферсон Дэвис ана шулар жумласидан эди.

У бу машҳур кишилар билан хат ёзишди, дейишнинг ўзи камлик қилади. У буларнинг аксарияти билан исталган меҳмон сифатида учрашди, таътил вақтини шулар билан ўтказди. Бундай ҳаётий тажриба унга ўзига бўлган бебаҳо ишончни мустаҳкамлади. Бу эркак ва аёллар ўз ҳаётларини тубдан ўзгартириб юборган ҳалоллик ҳамда орзу қилиш қобилиятини сингдириб юборишди. Буларнинг бари бу ерда муҳокама қилаётганимиз тамойиллар туфайли мумкин бўлди, рўёбга чиқди, деб такрорлашга изн бергайсиз.

Айтиш мумкинки, машҳур кишилардан интервью олиш бўйича жаҳон чемпиони сифатида санаш мумкин бўлган Айзек Ф.Маркоссоннинг таъкидлашига кўра, кўпгина одамларнинг рўбарўсида турган кишиларда яхши таассурот қолдирмаслигининг сабаби — улар диққат билан тинглашни эплай олмайдилар. *«Улар шунчалик йиғлиб гапиришга уринадилар-у, аммо тинглашга келганларида ҳеч балони эшитмайдилар... Буюк одамларнинг менга айтишларича, улар яхши,*

*қунт билан эшитувчи кишиларни ажойиб нотиқ деб ҳисоблаганлар. Аммо эшитиш кўникмаси бошқа ҳар қандай яхши сифатларга нисбатан жуда сийрак учрайди, афтидан».*

Яхши тингловчига фақат буюк кишилар эмас, балки энг оддий кишилар ҳам муҳтож бўлади. «Ридерс дайжест» журналининг ўз вақтида таъкидлашича, кўпчилик фақат аудитория зарур бўлиб қолгандагина шифокорни чақиради.

Фуқаролар урушининг энг авж олган кунларидан бирида Линкольн Иллинойс штатининг Сирингфельд шаҳрида яшовчи энг эски дўсти ва қўшнисига хат ёзиб, Вашингтонга таклиф қилади. Линкольн унга қандайдир муаммони у билан бирга муҳокама қилмоқчи эканлигини айтади. Бу эски қўшни Оқ уйга келади ва Линкольн қулларни озод қилиш тўғрисидаги декларацияни чиқариш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида у билан бир неча соат давомида суҳбатлашади. У барча ҳақ ва ноҳақ томонларнинг фикрларини келтирди. Уларнинг айримларида қулларни шу пайтгача озод этмаганликда айблашар, бошқалари эса қулларни озод қилишгач, оқибати хунук бўлиши тўғрисида фикр юритган эди. Шу тариқа бу икки қария бир неча соат суҳбатлашиб, унинг қўлини сиқиб, хайрли тун тилаб, яна Иллинойсга қайтиб кетди, лекин унинг фикрини сўрамади. Бутун суҳбат давомида фақат Линкольн гапирган. Бу эса унинг фикрига қандайдир аниқлик киритгандек бўлди. *«Суҳбатлашганимиздан кейин анча енгил тортгандай бўлди»*, дейди эски дўсти.

Линкольнга маслаҳатнинг ҳожати йўқ эди. Унга кўнглини бир бўшатиб оладиган дўстона ва хушмуомала ҳамсуҳбат жуда зарур эди. Бироқ кўнгилсиз воқеалар бўлганида, бизнинг ҳар биримиз ана шундай кишини жуда қўмсаб қоламиз. Асабий харидор, жиғибийрон хизматчи ёки ранжиган дўст учун ҳам керак бўлиб қоладигани айнан ана шу.

Агар одамлар сиздан узоқлашишини, бегоналашишини, сизнинг ортингиздан кулишини, ҳатто кўролмасликларини истасангиз, бундан воқиф бўламан, десангиз, бунга ҳам, марҳамат, тайёр ташхис борки, бу ҳеч кимни ҳеч қачон тингламасликдан иборатдир. Агар сизда бирор фикр пайдо бўлса, суҳбатдошингизни кутиб ўтирманг, унинг сўзини

бўлиб ташланг, ўзингизнинг фикрингизни айтинг. У сиздай жуда ақлли киши эмас, нега унинг сафсатасига қулоқ солиб, вақт сарфлаб ўтиришингиз керак экан?

Сиз шундай кишиларни биласизми? Мен уларнинг айримларини биламан ва, афсуски, улардан бир нечтасининг номи маълумотномаларда ҳам учрайди.

Бундайлар жуда зерикарли кишилардир — мана улар қандай кишилар. Улар ўз мартаба-мавқеларидан маст бўлган, бундан завқланган кишилардир. Ўзи ҳақида гапираётган киши фақат ўзи ҳақида ўйлаб фикр юритади.

*«Ўзи ҳақида ўйлаётган киши,* — дейди Колумбия университети президенти, доктор Николас Мэррей Батлер, — *маданиятдан маҳрум шўрликдир. У қанчалик маълумотли бўлмасин, барибир маданиятсиздир».*

Шунинг учун яхши ҳамсуҳбат бўлишга интилаётган бўлсангиз, аввало, диққат билан тингловчи бўлинг. Чарлз Нортхем Лининг рафиқаси таъкидлашича, қизиқарли бўлиш учун қизиқувчан бўлмоқ зарур. Берадиган саволларингиздан жавоб берувчи киши озор топмасин. Сиз суҳбатга тортган кишини сизнинг эмас, ўзининг муаммолари юз карра кўпроқ қизиқтиради. Хитойдаги очлик ва унинг оқибатида ўлаётган одамларга нисбатан унинг тиши оғриётгани унга муҳимроқдир. Африкадаги қирқта зилзиладан кўра ўзининг бўйнидаги чипқон унга муҳимдир. Кейинги сафар суҳбатга киришар экансиз, ана шулар ҳақида бир ўйлаб кўринг.

Шундай қилиб, сиз одамларга маъқул тушишни истасангиз, тўртинчи қоидага амал қилинг:

***Яхши тингловчи бўлинг. Бошқаларга ўзлари тўғрисида гапиришларини рағбатлантиринг.***

*Бешинчи бўлим*

## ОДАМЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРМОҚ МУМКИН?

Ойстер-Бееда Рузвельт билан учрашган ҳар бир киши унинг билим доираси ниҳоятда кенг эканлигидан ҳайратга тушарди. *«У отбоқарми, Нью-Йорклик сиёсий арбобми ёки*

*дипломатми, —* деб ёзади Гамалиел Брэдфорд, — *Рузвельт ҳар бири билан қандай тарзда гаплашишни билар эди».* У бунга қандай эришган? Бунга жавоб бериш унчалик қийин эмас. Ҳар сафар Рузвельт келадиган кишини олдиндан билиб, меҳмонни қизиқтирадиган мавзу тўғрисидаги маълумотларни бир-икки кун олдин ярим тунгача ўтириб, пухта ўрганиб чиқарди.

Бошқа давлат арбоблари каби Рузвельт ҳам шуни аниқ билардики, кишиларнинг қалбига йўл топишнинг ягона усули, бу — унинг энг қизиқадиган мавзусида суҳбатлашишдир.

Йэль дорилфунуни собиқ адабиёт профессори, пихини ёрган Уильям Лайон Фелпс ҳаётининг анчагина эрта қисмида бундан етарли сабоқ чиқариб олди.

*«Ҳали саккиз ёшда эканман, Хусатоник дарёси қирғоғидаги Стратфорд шаҳрида яшайдиган бувим Либби Линслиникида юрганимда бир куни бу ерга ўрта ёшли бир киши келди, —* деб ҳикоя қилади Фелпс ўзининг «Инсон табиати» номли эссесида. — *У бувим билан бир неча оғиз суҳбатлашгач, эътиборини менга қаратди. Ўша пайтда мен қайиқ билан тентираб юрган эдим, чунки ҳовлимиз дарё бўйида эди-да. Меҳмон қайиқлар хусусида жуда чиройли муҳокама юритди, унинг бу мавзудаги суҳбати ғоят қизиқарли эди. У кетганидан кейин мен у ҳақда ҳайратланиб гапирдим. Нақадар ажойиб инсон! У қайиқлар билан қанчалик қизиқади? Бувим эса менга ўзининг Нью-Йорклик адвокати эканлигини писанда қилиб гапиради ва ҳеч қандай қайиқлар билан иши йўқ ҳамда унга қизиқмайди. «Нега унда у ҳамма вақт қайиқлар тўғрисида гапирди?» деб сўрадим мен.*

*«Чунки у — ҳақиқий юксак маданиятли киши. У сени кўпроқ қайиқлар қизиқтиришини кўрди. Шунинг учун сени қизиқтирган ва банд этган мавзуда суҳбатлашишга ҳаракат қилди. У ёқимли бўлишга интилди».*

Уильям Лайон Фелпс қўшимча қилади: *«Бувимнинг айтган гапларини бир умр хотирамда сақлаб қолдим».*

*«Бир куни ўйлаб қарасам, мен ҳамкорликка муҳтож бўлиб турибман, —* деб ёзади Чалиф. — *Европада скаутларнинг жуда катта слёти бўлиб ўтиши керак, шунда иштирок этадиган болаларимиздан биринг йўл харажатини Аме-*

*риканинг бирорта катта корпорацияси президенти ўз зиммасига олиши лозим.*

*Бахтимга, қарангки, унинг ҳузурига киришдан олдин бу одамнинг кимгадир бир миллион долларга чек ёзиб бергани ва бу чек ўз вазифасини ўтаб бўлгач, уни рамкага солиб қўйишни буюрганини эшитдим. Шунинг учун унинг хонасига кирганим ҳамон биринчи навбатда ундан шу чекни кўришга ижозат беришини сўрадим. Бир миллионлик чек–а! Мен ҳеч қачон бир миллион долларга ёзилган чекни кўрмаган эдим, шунинг учун болаларимга ҳақиқатан ҳам миллион долларга ёзилган чекни ўз кўзларим билан кўрганлигим ҳақида гапириб бераман, дедим унга. У бу чекни менга самимият билан узатди, уни берилиб томоша қилдим ва ундан чек қандай шароитда расмийлашганини айтиб беришини илтимос қилдим».*

Эътибор беряпсизми, Чалиф сўзни скаутлар тўғрисида эмас, Европадаги слёт тўғрисида эмас, балки ўзи нима истагани ҳақида ҳам фикр юритмади. У ўзгани нима қизиқтираётганини сўради, шу ҳақда гапирди. Мана сизга унинг натижаси.

*«Кейин мен суҳбатлашаётган киши мен томон юзланиб: «Ҳа, дарвоқе, сиз нима масалада менга учрашмоқчи эдингиз», деб сўради. Мен унга келишимнинг мақсадини айтдим».*

*«Мени ниҳоятда ҳайратга солгани шу бўлдики,* — деб ёзади Чалиф. — *у менинг илтимосимни дарровгина ҳал қилиш билан кифояланиб қолмади, балки анча олдинга кетди. Мен ундан бир ўғил болани Европага юборишни сўраган бўлсам, у эса беш йигитчани юборди. Боз устига менинг ўзимни ҳам юборадиган бўлиб, минг долларлик аккредатив берди. У ерда етти ҳафта бўлинглар, деди. Шу билан биргаликда уларнинг хизматларидан фойдаланишим учун унинг корпорацияси филиаллари президентларига тавсияномалар берди ва ўзи Парижда биз билан учрашди ва шаҳарни томоша қилдирди. Кейинчалик у бир неча муҳтож оилалардан айрим болаларни ишга жойлаштирди ва ҳозиргача гуруҳимиз фаолиятида жуда фаол иштирок этиб келади.*

*Мен шунга аминманки, агарда унинг нима билан қизиқишини олдиндан билмасам ва биринчи навбатда ўзимнинг*

*томонимга оғдириб олмаганимда унинг ҳузурида масалани ҳал этишим ўн баробар оғир бўларди».*

Ишбилармонлик фаолиятида сиз бу усулни маъқул деб ҳисоблайсизми? Нима деб ўйлайсиз? Масалан, Нью-Йоркнинг новвойхоналаридан бири бўлган «Дюверной энд санс» компаниясига қарашли фирма ходими Генри Ж.Дювернойни олиб кўрайлик. У Нью-Йорк меҳмонхоналаридан бирининг нонга буюртма беришига эришиш учун кўп ҳаракат қилди. У меҳмонхона бошқарувчисига тўрт йил давомида ҳар ҳафтада бир мартадан кириб турди. Шунингдек, бошқарувчи қатнашадиган барча тадбирларда ҳам иштирок этди. У шартномага эришиш учун бир хона олди ва ўша ерда яшади. Аммо барибир ҳеч натижа чиқмас эди.

*«Шунда, — дейди Дюверной, — одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги курс материалларини ўқиб чиқиб, иш услубини ўзгартиришга киришдим. Бу одам нимага қизиқади, ундаги ғайрат-шижоатни нима юзага чиқара олади, ана шуни билишга қарор қилдим.*

*У «Америкалик меҳмонхоналарни яхши кўрувчилар» жамиятининг аъзоси экан. У фақат мазкур жамиятнинг аъзоси бўлибгина қолмай, балки жуда катта ғайрат-шижоати туфайли шу жамиятнинг халқаро президенти ҳам экан. Бу жамиятнинг съездлари чақирилса, тоғлар ошиб, океанлар ошиб бўлса ҳам, албатта борар ва қатнашар эди.*

*Шунинг учун уни эртаси учратиб, у билан жамият тўғрисида сўз юритдим. Қандай жавоб бўлди, дейсизми? Ҳаяжондан нақ ярим соат мобайнида фақат ўзининг жамияти тўғрисида гапирди. Шунда жамият унинг севимли машғулотига айланиб қолганини сездим, бу унинг хоббисига айланган эди. Унинг хонасидан чиқиб кетгунимча у жамият аъзоси бўлишимни таклиф этди.*

*Бу сафар буюртма тўғрисида бир оғиз сўз демадим. Бир неча кундан кейин меҳмонхона буфетининг мудири қўнғироқ қилиб, прейскурант намуналари билан ҳузурига киришимни сўради.*

*«Билмай қолдим, сиз бу бобойни нима қилиб қўйдингиз? — деди буфет мудири, — у сизга фақат таҳсинлар ўқимоқда».*

*Воажаб! Мен тўрт йил давомида уни безорижон қилиб юборган эдим, ваҳоланки, у нима билан қизиқади, қайси*

*мавзуда суҳбатлашишни хуш кўради, ана шуларни аниқлаб кўрмагунимча, уни беҳуда тарзда буюртмага кўндираман, деб юрган эканман».*

Шундай қилиб, одамларга ёқишни истасангиз, бешинчи қоидага амал қилинг:

***Ҳамсуҳбатингиз билан у қизиққан мавзуда суҳбатлашинг.***

*Олтинчи бўлим*

## ОДАМЛАРДА ҚИСҚА ФУРСАТДА РАҒБАТ УЙҒОТИШ ТЎҒРИСИДА

Мен Нью-Йоркнинг 8-авеньюсидаги 33-кўча бурчагидаги алоқа бўлимида буюртма хатни юбориш учун навбат кутиб турган эдим. Шу соҳада ишлайдиган ходимнинг ўз ишидан безори жон бўлганини сезиб қолдим: тўғри-да, йиллар давомида хатжилдларни тарозида тортиб кўриш, маркалар тарқатиш, қайтимини бериш, квитанциялар ёзиб бериш каби бир хилда такрорланиб турадиган ишлар одамни ҳаддан зиёд зериктириб юборади. Мен ўз-ўзимга шундай дедим: *«Мана шу йигитга яхши кўринишга бир уриниб кўришим керак. Бунинг учун эса ўзим ҳақимда эмас, унинг шаънига бирор бир ёқимли гап айтишим керак».* Кейин ўзимга-ўзим савол бердим: *«Ундаги қайси яхши фазилатларга мен тан бериб, қойил қолишим мумкин?»* Бу саволга жавоб бериш анча қийин бўлади, айниқса гап нотаниш кишилар тўғрисида бўлса, ҳа, анча мушкул, аммо мазкур ҳолатда иш бирмунча енгил кўчди. Мен уни чин юракдан самимий ёқтириб қолганлигимни ҳис этган эдим.

У хатжилдимни тарозига солиб тортаётганида мен қойил қолган киши қиёфасига кириб, шундай дедим: *«Мана шунақа жунли шапка менда ҳам бўлса, кошки эди!»*

Йигит енгилгина ҳайратга тушиб, юзида кулги тошди. *«Бу ҳозир шундай бўлиб қолди, илгари бошқача эди»*, деди у камтарлик билан. Мен эса, *«гарчи улар олдинги ҳусни, тароватини йўқотмаган бўлса ҳамки, ҳалиям ниҳоят ажойиб»*, дедим. У ҳаддан ташқари миннатдор эди. Биз у

билан ёқимли тарзда суҳбатлашдик ва ниҳоят у: *«менинг сочларим кўпчиликка ҳозир ҳам ёқади»*, деди.

Баҳс бойлаб шуни айтаманки, бу йигитча ўша куни нонуштага бораётиб, оёғи остидаги ерни сезмаган. Гаров боғлаб айта оламанки, у кечқурун уйга келиб, бу ҳақда хотинига гапириб беради, яна шуни айтаманки, у ойнага қараб, шундай дея хитоб қилади: ҳақиқатан ҳам ажойиб сочларим борда!

Бир куни юқоридаги воқеаларни очиқчасига маърузада ишлатганимда бир киши: *«Сиз ундан нима истаган эдингиз?»* деб сўраб қолди.

Мен ундан нима истаган эдим!!! Мен ундан нима истаган эдим!!!

Агар биз одамларнинг хислат-фазилатларини ҳаққоний тан ола билмайдиган ва бошқаларга зиғирдай қувонч бахш этолмайдиган шунчалик худбин бўлсак, қалбларимиз ёввойи олма мевалари сингари майдалашиб кетган бўлса, демак, омадсизликка юзтубан гирифтор бўлган ҳисобланамиз.

Ҳа, мен бу йигитчадан ниманидир кутган эдим. Мен бебаҳо ниманидир кутган эдим. Ва бунга муяссар бўлдим. Мен унинг учун нимадир қилган, эвазига мен учун у нимадир қила олмайдиган бир аҳволда эканлигини англаган эдим. Бу воқеалар ўтмишга сингиб кетса ҳам мазкур тушунча онгимиз, хотирамизда анча вақт сақланиб қолади.

Инсоният хулқ-атворида муҳим бир қонун бор. Агар бу қонунга риоя қилсак, ҳеч қачон ёмон аҳволга тушмаймиз: Бу қонунга тўлиқ амал қиладиган бўлсак, сон-саноқсиз дўстларга ва битмас-туганмас бахтга сазовор бўламиз. Борди-ю, унга амал қилмайдиган бўлсак, у бизга жуда кўп кўнгилхираликлар ва нохушликлар олиб келади. Бу қонуннинг мазмуни шундай: *«Ҳамсуҳбатингизни доимо қадр-қимматини ҳис этишга ишонтириб боринг»*. Юқорида таъкидлаганимиздек, профессор Жон Дьюи *«инсон табиатига хос бўлган чуқур интилишлардан бири унинг эътиборли бўлишга нисбатан бўлган саъй-ҳаракатидир»*, деса, профессор Уильям Жеймс айтишига қараганда, *«одамларнинг асосий хусусиятларидан бири қадр-қимматига яраша баҳоланиши учун интилишдир»*. Айнан ана шу ҳолат уни ҳай-

вонот дунёсидан ажратиб туради. Ана шу нарса тараққиётнинг асосида ётади.

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар хусусида файласуфлар минг йиллар давомида фикр юритганлар, ана шу муҳокамалардан сўнг фақат битта қоида ярқ этиб кўзга ташланади. Лекин у янгилик эмас. У худди кўҳна тарих каби қадимийдир. Зардўшт уни оловга сиғинувчиларга Эронда уч минг йил муқаддам ишонтиришга уринган эди. Конфуций уни Хитойда икки минг тўрт юз йил муқаддам тарғиб қилган. Даосизм асосчиси Лао-Цзи уни Хан водийсида ўзининг салафларига васият қилиб қолдирган. Исо пайғамбар туғилишидан беш юз йил муқаддам муқаддас Ганг дарёси бўйларида Будда уни ташвиқот қилган. Ҳиндуизмнинг муқаддас китоблари бу қоидани шунга қадар минг йил аввал тарғиб қилган. Исо Масиҳ иудаининг тош метин тепаликларида ўн тўққиз аср муқаддам буни эълон қилган. У битта муҳим фикрни ўз ичига жамлаб олади ва шундай деб аталади: *«одамлар сизга қай тарзда муомала қилишларини истасангиз, сиз ҳам одамларга худди шундай муомала қилинг»*.

Сиз кимлар билан мулоқотга киришсангиз, улар томонидан маъқулланишни истайсиз. Ўз қадр-қимматингизни улар томонидан муносиб тарзда баҳоланишини хоҳлайсиз. Ўзингизнинг кичкина бўлса-да, ўз дунёнгизда муҳим аҳамиятга эга бўлишингизни англашни истайсиз. Сиз юзаки ҳамда самимиятдан холи бўлган ҳамду саноларни асло ёқтирмайсиз. Аммо қадрингизни чин дилдан ҳақиқий баҳолашларини хоҳлайсиз. Чарлз Шваб таъкидлаб айтганидек, сизнинг дўстларингиз *«баҳолашда ҳаққоний ва мақтовда сахий бўлишлари»*ни хоҳлайсиз. Биз, барчамиз ана шундай бўлишни истаймиз. Шунинг учун бу олтин қоидага амал қилиб, ўзгалардан нима олишни истасак, уларга ҳам ана шуни бермоғимизни билишимиз лозим.

Қандай қилиб? Қачон? Қаерда? Жавоби битта: ҳар доим, ҳамма жойда. Мана сизга бир мисол келтирайлик. «Радио-сити» ходимидан Ҳенри Сувейн хонасининг рақамини айтиб беришни маълумотлар бериш хизмати ходимидан илтимос қилиб сўрадим. Башанг кийинган ва маълумотлар бериб туришдан ғурурланган ходимдек у аниқ ва бурро

қилиб: «*Ҳенри Сувейн (пауза), ўн саккизинчи қават (пауза), 1816-хона*», деди.

Мен лифт томон юриб кетаётган эдим, аммо тўхтадим ва ортга қайтиб: «*Менинг саволимга ажойиб тарзда жавоб қайтарганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Жавобларингиз аниқ ва лўнда бўлди, сиз худди артистлардек жавоб қайтардингиз. Бу эса ҳамиша рўй беравермайди*».

У қаноат ҳосил қилганидан ял-ял яшнаб кетди ва нега пауза қилганларигача батафсил тушунтириб берди. Менинг бир неча сўзим унинг бўйинбоғини тўғрилаб олишга мажбур этди. Ўн саккизинчи қаватга кўтарилганимдан сўнг одамларга берилган бахтга бугун кундузи озгина қўшимча қилганлигимни илғагандай бўлдим.

Атрофингиздаги одамларни билиш фалсафасини тан олишларини англаш учун сизнинг Францияга элчи бўлишингиз ёки «Буғучилар клуби» қўмитаси раиси бўлиш, шу асосда иш юритишингизни кутишнинг асло ҳожати йўқ. Бу қоидалар ёрдамида сиз деярли ҳар куни ажойиб ва ғаройиб ютуқларни қўлга киритишингиз мумкин.

Масалан, официант сизга картошкали бўтқа олиб келди, аммо сиз унга қовурилганини буюрган эдингиз. Шунда: «*Безовта қилганим учун узр, менга қовурилган картошка маъқул эди*», деб кўринг. У «*Ҳечқиси йўқ*», деб алмаштириб беради. Чунки сиз унга нисбатан ҳурмат маъносида гапирдингиз.

Ҳурмат маъносини билдирган сўзлар: «*Безовта қилганим учун узр*», «*Марҳамат қилиб...*», «*Агар эътироз билдирмасангиз*», «*Сиздан жуда миннатдорман*», «*Худо хайрингизни берсин*» кабилар кундалик ҳаётимизни безайди ҳамда яхши тарбия олганлик натижаси сифатида янграйди.

Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Сиз Холл Кейннинг «Насроний», «Судья», «Мэн оролидан келган одам» номли романларини ўқиганмисиз? Унинг асарларини беҳисоб миллионлаб кишилар ўқиган. Холл Кейн темирчи устанинг боласи эди. Ҳаётида бор-йўғи мактабда саккиз йил ўқиган, лекин дунёнинг энг бой адибларидан бири сифатида вафот этди.

Унинг ҳаёт тарихи қуйидагича: Холл Кейн сонет ва балладаларни яхши кўрар, Данте Габриела Россеттининг шеърларини мириқиб ўқирди. У, ҳатто Россетти асарларининг

бадиий қиммати тўғрисида яхшигина мақола ҳам ёзиб чиқди ва бир нусхасини шоирнинг ўзига ҳам юборди. Шоир эса бундан миннатдор бўлди. *«Менинг қобилиятимни юқори баҳолаган бу киши жуда чуқур билимга эга бўлиши керак»*, деб мулоҳаза юритган бўлса эҳтимолдан холи эмас Россетти. Шу сабабли у темирчининг ўғлини Лондонга таклиф қилиб, ўзига котиб бўлиб ишлашга таклиф қилди. Бу таклиф Холл Кейннинг ҳаётидаги бурилиш нуқтаси эди, у ўз вазифасини бажариш жараёнида ўша даврнинг етук адабиёт намояндалари билан учрашишга муяссар бўлди. Уларнинг маслаҳатлари ҳамда рағбатлантиришларидан боши кўкка етган ҳолда у осмону фалакка йўл олган эди гўё.

Унинг Мэн оролидаги Грибэ саройида жойлашган уйи бутун ер шаридан келаётган сайёҳлар учун зиёрат жойига айланиб қолган, қолдирган бисоти, молу дунёси эса икки миллион долларни ташкил этган эди. Ким билади, эҳтимол, машҳур кишининг асари тўғрисида мақола ёзилмаганида, Кейн бу ёруғ дунёдан камбағаллигича кўз юмиб кетармиди...

Ҳақиқий чин юракдан берилган баҳонинг кишини ҳайратга соладиган кучи ана шунда бўлса керак.

Россетти ўзининг қадрини жуда яхши билган киши эди. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Деярли ҳар бир киши ўзини аҳамиятли, қадр-қиммати баланд киши, деб ҳисоблайди.

Ваҳоланки, ҳар бир миллатда ҳам ана шу ҳол мавжуд.

Сиз ўзингизни японлардан баланд тураман, деб ҳисоблайсизми? Японларнинг фикрича эса, улар биздан анча юқори туришади. Худди шундай ҳолатда қолоқ фикр юритувчи япониялик оқтанли киши япон қизи билан рақс туша бошлаганини кўрса, ўзини тута олмайдиган даражага боради.

Ҳиндистонда ҳиндлардан юқори тураман, деб ўйлаяпсизми? Бу яна сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз, аммо миллионлаб ҳиндлар сиздан ўзларини шу даражада юқори қўйишадики, сизнинг ўзга динга мансуб кўланкангиз ҳам уларнинг таомларига тегиб кетишларига рухсат беришмайди.

Эскимослардан юқори тураман, деб ўйларсиз ҳам? Бу сизнинг ҳуқуқингиз, фикрингиз, албатта. Аммо эскимосларнинг сиз тўғрингиздаги фикрлари сизга қизиқарли ту-

юлиши мумкин. Тўғри, уларда ҳам ишёқмас, дайди, дангасалари учрайди, эскимослар уларни «оқлар» деб атайдилар ва бу сўз уларда нафратланиш маъносини билдиради.

Ҳар бир миллат ўзга миллатдан ўзини юқори ҳисоблайди. Бу ватанпарварлик ва... урушни келтириб чиқаради.

Тил тегизиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор, у ҳам бўлса, сиз дуч келган ҳар бир киши қайси бир жиҳатлари билан ўзини сиздан устунман, деб ҳисоблайди ва шу устунликни сиз чин кўнгилдан тан олсангиз ҳамда буни нозик дид билан билдира олсангиз, унинг қалбига йўл топа оласиз.

Эмерсон айтган гапни ёддан чиқарманг: *«Ҳар бир одам қайсидир маънода мендан юқори туради ва мен шу маънода ундан ўрганишим керак»*, деган эди у.

Энг ҳайратланарли томони шундаки, ютуқлари билан қаноат ҳосил қилишга асослари бўлмаган кишилар ўзларидаги ақлий кемтикликни, ноқисликни шовқин-сурон, такаббурлик ва ҳовлиқмалик ҳисси билан тўлдиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса кўнгилсиз, жирканч таассурот қолдиради.

Буни Шекспир ҳам қайд этиб ўтган эди.

Мен сизга курсларимда шуғулланаётган ишбилармон, тадбиркор кишиларнинг дарсларда ўрганиб борган қоидаларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида ажойиб ютуқларни қўлга киритганлари тўғрисидаги учта мисолни келтирмоқчиман. Коннектипутлик ҳуқуқшунос ҳақидаги воқеани олиб кўрайлик, қариндош-уруғларининг дилини оғритмаслик учун унинг исми-фамилиясини келтирмаймиз, шунчаки жаноб Р. деб айта қоламиз. У курс машғулотларига қатнаша бошлаганидан кейин хотини билан автомобилда Лонг-Айлендга ота-оналарини кўргани келади. Хотини эрини, гаплашиб ўтиринг, деб кекса холаси билан қолдиради ва ўзи бошқа ёш қариндошларини кўриш учун чиқиб кетади. Эри бошқа кишиларнинг қадр-қийматини ҳаққоний баҳолаш учун сўзга чиқиши лозим эди, шунинг учун у ишни кекса кампирдан бошламоқчи бўлиб, ҳақиқий даражада ҳайратга тушиш учун унинг уйини кўздан кечира бошлайди.

*«Бу уй тахминан 1890 йилда қурилган, шундай эмасми?»* деб сўрайди у.

*«Ҳа, айнан худди ўша йили қурилган»*, деб жавоб беради кампир.

*«У мен туғилган уйни эслатмоқда,* — дейди эркак. — *Ажойиб уй. Ҳамма томони бир-бирига мос келган. Кенг. Ҳозир бундай уйларни қуришмаяпти». «Сиз ҳақсиз,* — деб унинг фикрига қўшилди кампир. — *Ҳозирги ёшлар чиройли уйларни қидиряптилар. Уларнинг бутун эс-хушлари кичкинагина совуткичи бор уйларга эга бўлиш, кейин эса ўзларининг автомобилларида қаёққадир кетадилар».*

*«Бу эртакларга тўлиб-тошган уй,* — деб сўзини давом эттирди кампир ширин хотираларга берилганича титроқ овоз билан. — *Бу муҳаббат билан қад кўтарилган эди. Уни қуришдан олдин эрим билан жуда кўп орзу қилганмиз бу ҳақда. Бизнинг давримизда архитектор йўқ эди. Унинг режасини ўзимиз тузганмиз».*

Кейин эса кампир уйни кўрсатиб, уни хонама-хона олиб юрди, у эса ҳамма нарсага росманасига ҳайрат билан назар ташлар ва чин юракдан самимий таҳсинлар изҳор этар эди. У бу нарсаларни жуда кўп саёҳатлари давомида тўплаган, умри давомида барини ниҳоятда эҳтиёт қилиб сақлар эди. Шотландиянинг Пейсли шаҳридан келтирилган шойи рўмол, қадимий Англиянинг чой сервизлари, Ветжуд чинниларн, фаранг каравотлари ва курсилари, қачонлардир француз саройини безаб турган ва бу ерга келтирилган италиянча суратлар.

*«Кампир уйни кўрсатиб бўлгач,* — деб ҳикоя қилди жаноб Р. — *мени гараж томон етаклади. У ерда «Паккард» маркали деярли яп-янги машина кўтариб қўйилган эди.*

*«Бу машинани эрим ўлимидан анча олдин сотиб олган эди,* — деди кампир оҳиста товуш билан. — *Унинг вафотидан кейин мен машинани бирор марта ҳам ҳайдаган эмасман... Сиз яхши нарсаларнинг қадрини биладиган одамга ўхшайсиз, шунинг учун ҳам мен бу машинани сизга совға қилмоқчиман».*

*«Эҳ, холажон, нималар деяпсиз, мен бу сахийлигингизни қадрлайман, сиз ниҳоятда саховатлисиз, аммо автомобилдан фойдалана олмасам керак,* — деб астойдил эътироз билдира бошладим. — *Мен сизга қариндош ҳам эмасман. Ўзимнинг янги машинам бор. Сизда шу «Паккард«га эга бўлишни истаган қариндошларингиз жуда кўп».*

*«Қариндошлар дейсизми? — деб қичқириб хитоб қилди у. — Шу машинани олиш учун менинг ўлимимни кутиб юрган*

*қариндошлар жуда кўп. Аммо бу уларга ҳеч қачон насиб қилмайди».*

*«Агар буни уларга совға қилмасангиз, уни фойдаланилган автомобилларни сотиб оладиган савдогарларга сотишингиз мумкин», дедим мен.*

*«Сотиш дейсизми? — қичқирди у. — Бу машинани қачон бўлмасин сотади, деб ўйлайсизми? Эрим мен учун олиб берган машинада кимдир юрганини кўриб мен чидай олармиканман? Уни сотиш хаёлимга ҳам келмаган. Мен уни сизга бераман. Сиз гўзал нарсаларнинг фаҳмига борадиган одамсиз».*

У бундай совғани олишдан бош тортишга ҳарчанд уриниб кўрди, аммо кампирни ранжитиб, дилини оғритиб қўймаслик учун бунинг уддасидан чиқа олмади.

Бу кекса хоним Шотландиянинг Пейсли шаҳридан келтирилган шойи рўмол, Франциядан келтирилган нодир ашёлар ва хотиралари билан ҳайҳотдек катта уйда мутлақо танҳо қолиб, ҳеч бўлмаса ўзига озгина эътибор берилишига ташналик сезар, бундай эътиборга муҳтож эди. Ўз даврида у гўзал, ёқимли ва навқирон эди. У меҳр-муҳаббат билан илиқликка тўлган уйни қурган, уни жиҳозлаш учун нарсаларни бутун Европадан тўплаган, ҳозир эса ўзининг ёлғизлик ва қартайиб қолган пайтида ҳеч бўлмаса озгина инсоний илиқлик, меҳрни, ҳақиқий инсоний эътиборни қўмсар эди, лекин ҳеч ким уни бермас, бепарволик мавжуд эди. Саҳарда чашма топиб олган каби у озгина илиқлик ва эътиборни сезгач, «Паккард» автомашинасини совға қилишдан ўзга миннатдорчилик воситасини топа олмади.

Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Бу воқеани Нью-Йорк штатининг Рай шаҳридаги ўрмончилик ва декоратив боғбонлик билан шуғулланувчи «Льюис Энд Велэнтайн» фирмасининг бошқарувчиси Дональд Макмагон гапириб берган эди.

*«Дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш тўғрисида маъруза эшитганимдан кўп ўтмасдан бир таниқли ҳуқуқшуноснинг боғида декоратив ишларни бажаришга тўғри келади, — дейди Макмагон. — Ер эгаси бизнинг олдимизга келиб, рододендрон (Альп атиргули) ва азалия (манзарали ўсимлик)ни қаерга ўтказиш кераклиги тўғрисида*

*кўрсатмалар бера бошлади. Мен унга қараб: «Жаноб судья, сизнинг ажойиб, қизиқадиган хоббингиз бор. Мен сизнинг ажабтовур кучукчаларингизга ҳавас қиламан. Менга маълум бўлишича, сиз ҳар йили «Медисон-Сквер гарден»да ўтадиган кучукларнинг катта кўргазмасида кўплаб совринлар олар экансиз», дедим.*

*Мана шу жажжи эҳтиром ниҳоятда катта натижага сабаб бўлди. «Ҳа, — деб жавоб берди судья, — кучукларим ҳақиқатдан ҳам менга жуда кўп шодлик келтирмоқда. Менинг итхонамни кўришни истайсизми?»*

*Деярли бир соат давомида кучуклари олган мукофотларни менга намойиш қилди. У менга, ҳатто кучукларининг уруғ-аймоқларини таништирди, улар ҳақида маълумот берди, чирой ва ақллари қайси генеологик чизиққа мансублигига қадар тушунтирди.*

*Ниҳоят менга ўгирилиб, «сизда ўғил болалардан борми?» деб сўради.*

*— Ҳа, — деб жавоб бердим мен.*

*— Кучукчаси бўлишини хоҳламасмикан?*

*— Бўлмасам-чи, у ўзида йўқ хурсанд бўларди.*

*— Жуда яхши, унда мен унга кучуквачча совға қиламан, — деди судья.*

*У кучукваччани қандай овқатлантириш ҳақида тушунтира бошлади. Кейин тўхтади. «Бу ерда айтган ҳамма гапларимни эсдан чиқариб қўясиз. Мен сизга, яхшиси, ҳаммасини ёзиб бераман», деди. Судья уйга кириб кетди, кучукваччанинг авлоди ҳақидаги маълумот ва овқатлантириш бўйича эслатмани машинкада ёзиб берди. Мен унинг қизиққан машғулотлари ва ютуқларига самимий таҳсинлар айтганим учун юз доллар турадиган кучукваччани совға қилди ҳамда қимматли бир ярим соат вақтини ажратди».*

«Кодак» аппарати билан ном чиқарган Жорж Истмен шаффоф тасмани кашф қилди ва бу билан кинонинг вужудга келишига сабабчи бўлди. Шулар натижасида у юз миллион долларлик бойликка эга бўлган дунёдаги энг машҳур ишбилармонлардан бирига айланди. Шунча ютуқларни қўлга киритган бўлишига қарамасдан, Истмен ҳам

худди сизу бизга ўхшаб ҳеч бўлмаганда озгина ўз қадрини топишни истар эди.

Мана яна бир мисол. Кўп йиллар муқаддам Истмен Рочестерда Истмен номли мусиқа мактаби, шунингдек, онасининг хотирасига бағишланган «Килбурн холл» театри қурилиши билан шуғулланди. «Сьюпириор ситинг компани оф Нью-Йорк» фирмаси президенти Жеймс Адамсон бу бино учун Истменнинг шу театрга оромкурсилар учун буюртма беришини жудаям хоҳлар эди. Архитектор билан қўнғироқлашиб, Адамсон Истмен билан Рочестерда учрашишга келишишди.

Адамсон келганидан сўнг архитектор унга: *«Менга сизнинг буюртма олиш учун қилаётган ҳаракатларингиз маълум, аммо шуни ҳам айтиб қўяйки, агар сиз Истменнинг беш дақиқадан ортиқ вақтини олсангиз, бу ишингизда зиғирчаям натижа бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ўз ишингизни зудликда баён этинг-у, тезроқ жўнаб қолинг».*

Адамсон ҳам айнан шундай қилмоқчи эди.

Уни кабинетга таклиф қилганларида, Истмен столи устидаги бир даста қоғозларга тикилиб ўтирганди. Бу кишиларни кўриб бошини кўтарди, кўзойнагини олди ва архитектор билан Адамсон томон юра бошлади ва деди: *«Эрталабки салом, жаноблар, сизларга қандай хизмат кўрсатсам бўлади!»* Архитектор иккаласини бир-бирига таништиргани сўнг, Адамсон шундай деди: *«Жаноб Истмен, биз бу ерда кутаётганимизда, мен сизнинг идорангизни ҳавас билан томоша қилдим. Менда ҳам шундай кабинет бўлганида, бажонидил масза қилиб ишлаган бўлар эдим. Хоналарга безак берадиган нарсалар чиқаришга ихтисослашган ёғочни қайта ишлаш билан машғул бўлсам-да, бундан зиёд чиройли кабинетни умримда кўрмаганман».*

Унга Истмен шундай деб жавоб берди:

*«Сиз мени деярли эсимдан чиқиб кетган нарсаларни хотиралашга мажбур қиляпсиз. Бу ҳақиқатдан ҳам жуда яхши, шундай эмасми? Уни эндигина тайёрлаб беришганида, мен жуда хурсанд бўлган эдим. Ҳозир менинг ишим жуда кўп ва ҳафталаб бу хонанинг борлигини деярли унутиб ҳам қўяман».*

Адамсон деворга яқинлашиб, ёғоч қопламани қўли билан силаб қўйди: *«Бу англияча дуб бўлса керак. У италияликларникига нисбатан сал бошқачароқ кўринади».*

«Ҳа, — деб жавоб берди Истмен. — *Бу импорт қилинган Англия дубидир. Буни қимматбаҳо ёғочлар бўйича мутахассис бўлган дўстим танлаган*».

Шундан сўнг Истмен меҳмонга ёғочлар бўйича пропорция, бўёқларига, ўймакорлигига ва бошқа жиҳатларига шахсан ўзининг иштироки борлигини айтиб, бутун бошли хонани айланиб чиқди.

Хона бўйлаб оҳиста юришар экан, Истмен ўзига хос камтарона ва машҳурликни даъво қилмайдиган оҳангда Адамсонга Рочестер дорилфунуни, умумий типдаги шифохона, гомепатик шифо маскани, болалар қароргоҳи ва шифохонаси ҳақида тушунча берди. У мазкур муассасалар орқали инсониятга кўмак беришга ҳаракат қилаётган эди. Адамсон унга одамлар зиммасидаги муаммоларни енгиллаштириш, ўз маблағини беғараз сарфлаётгани учун чин юракдан миннатдорчилик билдирди. Сўнгра Истмен калит билан ойнаванд шкафчани очди ва ўзининг биринчи ихтироси — фотоаппаратини чиқарди. Буни у бир инглиз сайёҳидан сотиб олган эди.

Адамсон унинг ишбилармонлик фаолиятидаги дастлабки машаққатлари тўғрисида сўради. Истмен эса болаликда бошдан кечирган қийинчиликларини сидқидилдан гапириб бера бошлади. Унинг бева бўлиб қолган онаси пансионни сақлаб қолиш учун бошидан ўтказган азоб-уқубатлар, унинг ўзи бир кунга эллик цент эвазига суғурта идорасида ходим бўлиб ишлаганлигини сўзлаб берди. У онасини оғир ишдан халос қилиш учун эртаю кеч хизмат қилар эди. Адамсон уни саволларга тутар, унинг қуруқ фотопластинкалар ҳақидаги ҳикояларини диққат билан тинглар эди. Истмен кун бўйи идорада ишлаганликлари, айрим кунлари туни билан тажрибалар ўтказгани — кимёвий калий реакцияларининг натижаларини кутиб, уч суткалаб ечинмай ухлаган кунларини ҳикоя қилиб берди.

Жеймс Адамсонни соат ўн бирдан ўн беш дақиқа ўтганида беш дақиқадан зиёд вақтни олмаслик шарти билан Истмен ҳузурига киритишган эди. Лекин орадан бир соат ўтган бўлса ҳамки, улар ҳамон суҳбатлашишарди.

Ниҳоят, Истмен Адамсонга ўгирилиб шундай деди: «*Мен Японияда охирги марта бўлганимда, у ердан бир неча курси*

*сотиб олган эдим. Уларни қуёш тушадиган айвонга қўйганман. Аммо қуёш нурлари остида бу курсиларнинг бўёқлари кўчиб бормоқда. Яқинда шаҳарга бориб, уларга мос бўёқлар сотиб олиб, бўяб қўйдим. Стулларни қандай бўяганимни кўришни хоҳлайсизми? Ажойиб. Бизнинг уйга кетдик, бирга нонушта қиламиз, сўнг уларни сизга кўрсатаман».*

Эрталабки нонуштадан сўнг Истмен Адамсонга Япониядан келтирилган стулларни кўрсатди. Уларнинг ҳар бири ярим доллардан ошиқ турмас, аммо юз миллион долларга эга бўлган Истмен улар билан фахрланар эди, чунки уларни ўзи бўяган эди-да.

Оромкурсилар учун буюртма тўқсон минг доллардан иборат бўлди. Сизнингча, бу буюртма Жеймс Адамсон ёки унинг рақобатчиларидан бирига тегишлими?

Ана шу вақтдан бошлаб, Истменнинг умри охиригача Жеймс Адамсон билан ажралмас дўст бўлиб қолди.

Бошқа кишилар қадр-қимматини билдирадиган мўъжизавий мезонни биз қаердан бошлашимиз мумкин? Нега энди уни шахсий уйимиздан бошламаймиз? Буни шу ердан бошлаган маъқул, мен ундан ўзга яхши жойни билмайман ҳам. Сизнинг хотинингизда яхши хислатлар мавжуд. Агар шундай деб ҳисобламаганингизда, унга уйланмаган бўлур эдингиз. Лекин унинг фазилатларини эътироф этиб, қадрламаганингизга қанча вақт бўлди? Қанча? Қанча?

Бир неча йил аввал мен Нью-Брансуикдаги Мирамиши дарёси ирмоқларидан бирига балиқ овлагани бордим. Ёлғиз ўзим лагерда, Канада ўрмонларининг ичкарисида яшадим. Ўқишим мумкин бўлган яккаю ягона газета маҳаллий газетанинг бир сони бўлди. Мен уни бошдан охиригача бирорта ҳарф қолдирмай ўқиб чиқдим. Шунда эълонлар ва Дороти Дикснинг мақоласи билан ҳам танишишга муяссар бўлдим. У жуда яхши мақола эди ва шунинг учун кесиб олиб, сақлаб қўйдим. Дороти Дикснинг ёзишига кўра, у келинчаклар учун мўлжалланган маърузаларни ҳадеб эшитаверганидан безор бўлиб кетган; унинг фикрига кўра, куёв йигитни бир четга олиб чиқиб, унинг қулоғига қуйидагичи насиҳатни қуйиши керак экан:

*«Мақташни ўрганмагунингизча, ҳеч қачон уйланманг; уйлангунга қадар мадҳиялар ўқимоқ, бу — яхши кўриш маса-*

*ласидир. Аммо уйлангандан кейин мадҳиялар ўқиш эса бу ҳаётий зарурат, боз устига шахсий хавфсизлигингиз ҳамдир. Никоҳда ошкоралик, очиқ-сочиқлик эмас, балки дипломатия, келишув керак.*

*Агар сиз ҳар куни мазали таом тановул қилишни хоҳласангиз, хотинингизнинг қандай рўзғор тебратаётганини ҳеч қачон танқид қилманг. Ва хотинингиз билан онангизни бу борадаги фаолиятини ёритувчи ҳақоратомуз қиёслаш мазмунидаги гап-сўзларни асло тилга олманг. Аксинча, унинг хўжалик юритиш қобилиятини доим мақтаб туринг. Агар бифштекс унча ўхшамай қолган бўлса ҳам, нақ кўмирга айланиб куйиб кетган бўлса ҳам асло зорланманг. Бугун нонушта унинг пазандалик даражасидан бироз пастроқ бўлганини қайд этсангиз, ана шунинг ўзи кифоя. У сизнинг илоҳий тасаввурингизга муносиб бўлиш учун ўз хоҳиши билан ўзини ошхонадаги иссиқ плитанинг устига қўяди, деб ҳисоблайверинг».*

Бундай услубдаги ҳаракатни тўсатдан бошламанг, чунки хоним нимадандир гумонсираб қолиши мумкин.

Аммо бугун оқшом ёки эртага унга гул ёки бир қути конфет олиб келишингиз мумкин. *«Ҳа, мен бу ишларни эртароқ бошлашим керак эди»*, деб ўзингизни чегаралаб юрманг, бу ишларни, албатта, амалга оширинг! Ва шунга қўшимча равишда табассум ҳамда унга боғланиб қолганингиз тўғрисида бир неча илиқ сўзлар айтинг. Агар бу амалиётга барча эр ва аёллар тўлиқ риоя қилишганида эди, менимча, Рино шаҳридагидек олти никоҳдан бири бузилиб кетишга тўғри келаётган ҳолат умуман юзага келмас эди.

Аёл сизни яхши кўриб қолишини истайсизми? Марҳамат, бу ишнинг сири билан таништиришим мумкин, у яхши натижа беради. Бу ғоя меники эмас. Мен Дороти Диксдан ўзлаштириб олганман.

Бир куни бу хоним кўп хотинли, аниқроғи, йигирма уч нафар аёлга уйланган, кўплаб омонат дафтарчаларга эга бўлган бир эркакдан интервью олишга тўғри келган (интервьюни қамоқхонада олган). Аёлларни яхши кўриб қолишга қандай мажбур қиласиз, деб берилган саволга у, *«бу ҳеч ҳам қийин эмас, амалга оширадиган иш шундан иборатки,*

*аёллар билан суҳбатлашиш давомида кўпроқ уларнинг ўзлари ҳақида гапирмоқ керак»*, деб жавоб берган.

*«Бу усулни эркакларга ҳам татбиқ этиш мумкин. «Эркак билан унинг ўзи ҳақида суҳбатлашинг, — дейди Британия империясини бир пайтлар бошқарган оқил кишилардан бири Дизраэли. — Эркак билан унинг тўғрисида суҳбатлашсангиз, у сизни бир неча соат бўлса ҳам эътибор билан тинглайди».*

Шундай қилиб, сиз одамларга ёқай десангиз, олтинчи қоидага амал қилинг:

***Суҳбатдошингизга унинг қадр-қиммати ва аҳамияти беқиёслигига ишонтиринг ва буни чин қалбдан амалга оширинг.***

Бу китобни сиз анча вақтдан бери ўқияпсиз. Энди китобни ёпинг ва трубкадан кулни қоқиб туширинг ва дарҳол бошқалар қадр-қимматини улуғлаш фалсафасини энг яқин кишингизга татбиқ этинг, кейин эса унинг мўъжизавий қудратини, таъсирини кузатинг.

## Қисқача хулосалар

*Одамга ёқимли бўлиш учун олти қоидага риоя этишнинг йўллари*

*1-қоида.* Бошқа одамлар билан самимий, сидқидилдан қизиқиб кўринг.

*2-қоида.* Муомала пайтида табассум қилинг.

*3-қоида.* Эсингизда бўлсин, кишининг ўз номи ҳар қандай тилда энг ширин ва муҳим товушлар йиғиндиси саналади.

*4-қоида.* Ажойиб тингловчи бўлинг. Бошқаларни ўзи тўғрисида гапиришларига қизиқтиринг.

*5-қоида.* Суҳбатдошингиз қизиқадиган мавзуда гапиришга ҳаракат қилинг.

*6-қоида.* Суҳбатдошингизни ўз қадр-қимматини англашга, ўзининг иззат-нафсониятини баланд тутишга ишонтиринг, бу ишни чин юракдан самимий адо этинг.

*УЧИНЧИ ҚИСМ*

# ОДАМЛАРНИ СИЗНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИНГИЗГА МОЙИЛ ЭТУВЧИ ЎН ИККИ ҚОИДА

*Биринчи бўлим*

## ТОРТИШУВДА МУТЛАҚО БАЛАНД КЕЛМАСЛИК КЕРАК

Уруш тамом бўлганидан сўнг кўп ўтмай мен бир оқшом Лондонда тенги йўқ бир сабоқ олган эдим. Ўша пайтда Росс Смитнинг менежери бўлиб ишлардим. Уруш вақтида Росс Фаластинда жанг олиб бораётган австралиялик моҳир учувчи бўлиб, тинчлик сулҳи тузилгач, бутун инсониятни ҳайратга солиб, ер шарининг деярли ярмини ўттиз кунда учиб ўтган эди. Унга қадар ҳеч ким бундай жасорат кўрсатмаган. Бу улкан шов-шувга сабаб бўлди. Австралия ҳукумати Смитга 50 минг доллар ажратди, инглиз қироли унга дворянлик унвонини берди, у маълум вақтгача Британия империясининг Линдберги — британ байроғи остида энг машҳур кишига айланди.

Бир куни мен сэр Росс шарафига берилган зиёфатда иштирок этдим. Шунда даврамизда ўтирган бир киши: *«...ғарчи ақл-идрок шу даражада бўлса-да, қудратли Аллоҳ ҳаммасини охиригача адо этади»*, деган иқтибосга асосланувчи ғалати тарихни ҳикоя қилиб берди.

Ҳикоя қилаётган киши бу иқтибос Инжилдан деб тилга олди. У хато қилган эди. Мен буни билардим. Аниқ билардим. Бу борада ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис мен ақлий жиҳатдан пухталигим ва ундан устунлигимни намоён этиш мақсадида ўзимга ўзим чақирилмаган ва истак-хоҳишдан ташқари ҳакам белгиладим-у, суҳбатдошимизнинг хатосини тўғирлашга киришдим. У эса

ўзининг сўзида қаттиқ туриб олди. Нималар деяпсиз? Шекспирдан? Бундай бўлиши мумкин эмас! Бемаънилик! Бу иқтибос Инжилдан. Бу унга қағъий равишда маълум!

У менинг ўнг томонимда ўтирарди, чап тарафимда эса менинг қадрдон эски дўстим Фрэнк Гэммонд бор эди. Гэммонд узоқ йиллар давомида Шекспирни пухта-пишиқ ўрганган. Шу боис биз ҳикоячи билан келишиб, бу саволни Геммонд ечиб беришига аҳд қилдик. Гэммонд бизни диққат билан эшитди, стол тагидан оёғимни секин туртди ва шундай деди: *«Дейл, сиз хато қиляпсиз. Бу жаноб ҳақ. Мазкур иқтибос ҳақиқатдан ҳам Инжилдан олинган».*

Кечаси уйга бирга қайтар эканмиз, Гэммондга: *«Френк, сиз ахир ўша иқтибос Шекспирдан эканлигини жуда яхши билар эдингиз-ку»*, дедим.

*«Бўлмаса-чи,* — деб жавоб берди у. — *«Ҳамлет», бешинчи кўриниш, иккинчи парда. Аммо биз сиз билан бирга байрам кечасида меҳмон эдик, азизим Дейл. Нима учун одамга, ўша ерда унинг ноҳақлигини таъкидлаш керак экан?! Шу билан унинг сизга нисбатан муносабати яхшиланиб қоладими? Нима учун унга обрў-эътиборини сақлаб қолиш учун имконият берилмас экан? У сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни сўрагани йўқ. У бунга муҳтож ҳам эмас. Шундай экан, нима учун у билан тортишиш керак экан? Шунинг учун ўткир баҳслардан бир четда туринг».*

*«Ўткир баҳслардан ҳамиша бир четда туринг».* Бу сўзларни айтган киши айни дамда тириклар сафида эмас, аммо у берган сабоқ ҳозирга қадар ўзининг таъсир кучини йўқотгани йўқ.

Бу сабоқ менга бир умрга татигулик эди, чунки тийиб бўлмас даражада тортишишни яхши кўрадиган киши эдимда. Ёшлигимда акам билан ҳамма масалада тортишардим. Коллежда мантиқ ва далиллар келтириш санъатини пухта ўргандим, мунозара бўйича уюштириладиган танловларда иштирок этдим. Миссури ўзининг тортишишни яхши кўрадиган ҳавасманд кишилари билан донг таратган эди, мен эса айнан ўша ерда туғилганман. Мен виждонимга қарши бўлган бирор нарсани қабул қилмас эдим. Кейинчалик Нью-Йоркда баҳс олиб бориш санъати бўйича дарс бердим, шу билан бирга ўқитувчилар билан исботлаш машғулотини бир-

га олиб борардим, мазкур масалага доир китоб ёзишни ҳам ўйлаган эдимки, буни ҳозир эсласам уялиб кетаман. Шундан бери мен минглаб мунозарали масалаларни танқидий таҳлил қилиб чиқдим, ўзим ҳам уларда иштирок этдим ва оқибатларини ҳам кузатдим. Шуларнинг бари асосида шундай хулосага келдим: дунёда тортишув масаласида фақат битта усул борки, у ҳам ундан четда туриш, ундан чекинишдир. Тортишув, мунозаралардан четда туринг, улардан худди зилзила бош кўтаргандек ёки чинқироқ илондан қочгандай, ўзингизни чеккага олишга ҳаракат қилинг.

Тортишувда ўнта баҳсдан тўққизтаси иштирокчи, ҳатто ундан ҳам кўпи ҳаммасидан бурун ўзининг мутлақо ҳақ эканлигига ишониб туриб олади.

Тортишувда мутлақо устун келманг. Бу шунинг учун мумкин эмаски, сиз тортишувда, баҳсда ютқазсангиз, демак, ютқаздингиз, шу билан бирга сиз баланд келган бўлсангиз ҳам, барибир, ютқазасиз. Нима учун дейсизми? Фараз қилайлик, сиз ҳамсуҳбатингиз устидан ғалаба қозондингиз, унинг даъволарини йўққа чиқардингиз, унинг ақли калталигини исботлаб бердингиз, дейлик. Хўш, нима бўпти? Сизку, ўзингизни кўтаринки руҳда ҳис қиларсиз. У-чи? Сиз уни афзаллигингиз, устунлигингизни тан олишга мажбур қилдингиз. Унинг иззат-нафсини ер билан яксон қилдингиз, у сизнинг ғалабангиздан ранжу алам тортади. Ахир:

*Инсонни иродасига қарши бўлган ҳолда ишонтиришса ҳамки, унинг ўз қарашларидан зўрма-зўраки воз кечтириб бўлмайди.*

«Пени мючюэл лайф иншуренс компани» номли суғурта компанияси ўз агентлари учун қатъий қоида ўрнатган эди: *«Ҳеч қачон тортишманг!»*

Сотувдаги ҳақиқий саноат тортишувда намоён бўлмайди. Ҳатто у алоҳида олинган ҳолатда ҳам тортишувни эслатмайди. Инсонни бундай тақлидда ишонтириш мумкин эмас.

Мана сизга битта мисол. Бир неча йил муқаддам тажовузкор кайфиятдаги ирландиялик Патрик Ж.О'Хэйр менинг гуруҳимга тушиб қолди. Унинг саводи ҳаминқадар бўлиб, тортишувни шунчалик яхши кўрардики, асти қўяверасиз! Патрик Ж.О'Хэйр бир пайтлар ҳайдовчи бўлиб иш-

лаган, энди эса йўл автомобиллари савдосида ҳеч қандай муваффақиятга эришмагани учун менинг ҳузуримга келган экан. Берилган бир неча саволлардан маълум бўлдики, у савдо қиладиган кишилари билан ўлгудай тортишар, шу тариқа уларни ўзига қарши қилиб қўяр экан. Агар имконияти катта харидор Патрик томонидан тавсия этилган юк машиналарига қандайдир ишончсизлик намоён этгудек бўлса, у дарров ғазаб отига миниб, мижозга ташланиб қоларди. Ўша кунлари Пат тортишувларда охирги сўзни айтадиган бўлиб, менга шундай деди: *«Бирортасини кабинетини тарк эта туриб, мен кўпинча ўз-ўзимга: «Мен бу нусхага ҳали кўрсатиб қўяман», дердим. Тўғри, мен уни шарманда қилардим, аммо унга ҳеч нарса сотолмасдим ҳам».*

Менинг биринчи ишим Патрик О'Хэйрни намунали гапиришга ўргатиш: уни турли-туман суҳбатлардан ўзини тута билиш ҳамда гап-сўзлардан иборат жангу жадаллардан четда туришини тушунтиришга қаратилган эди.

Энди эса О'Хэйр Нью-Йоркдаги «Уайт мотор компани» фирмасининг энг яхши агентларидан биридир. У бунга қандай эришди? Мана бу ҳақда унинг ўзи нималарни ҳикоя қилган: *«Энди мен харидорнинг хонасига кираман, у менга қараб: «Нима? Яна «Уайт» юк машинасими? У ҳеч вақога ярамайди. Менга уни текин беришса ҳам олмасдим. Мен бошқа машинани сотиб оламан», дейди. Мен унга: «Қулоқ солинг, дўстгинам, сиз айтган машина жуда ажойиб, бу борада адашмадингиз. Бизнинг машинани сотиб олсангиз ҳам хато бўлмайди. Бу юк машиналари ажойиб фирма томонидан тайёрланган ва у ажойиб кишиларга сотилади», деб жавоб қайтараман.*

*Шунда у лом-мим дея олмай қолади. Тортишувга ўрин қолмаган. Борди-ю, у юк машинаси ундоқ, мундоқ, деб мақтаса, у энг яхши машина деса, мен яна таъкидлайманки, гарчи у шундай бўлса ҳам, барибир гапини тўхтатади, у тўхташга мажбур. «Бу энг яхши машина», деб кун бўйи такрорлаб ўтира олмайди-ку! Сўнг биз нимадир дейишдан тўхтаймиз, ана шунда мен Уайтга тааллуқли машинанинг фазилатлари хусусида гап бошлайман.*

*Шундай вақтлар бўлганки, бундай гап талашиб қолиш мени ҳаддан ошиб кетиш даражасига олиб келар эди. Мен*

*тортишувни бошлаб, қандайдир юк машиналарининг афзалликларини камситиб, эътироз билдирардим, мен уларни қанчалик сўкиб, ҳақоратласам, уни имконияти катта харидорим шунчалик мақтар, рақибим молларининг афзал томонларини кўкка кўтариб, ўзини ишонтирар эди.*

*Энди эса ортимга ўгирилиб, ажабланаман, шу даражада молларни қандай сота олган эканман, буни эплаганмиканман? Мен умримнинг кўп қисмини тортишув ва мунозараларда ўтказдим, ҳозир эса лом-мим демайман. Бундан ютяпман, холос».*

Донишманд мўйсафид Бен Франклин шундай деган эди: *«Борди-ю, сиз тортишсангиз, ғазабланиб, эътироз билдирсангиз, баъзан ғалаба қозонишингиз мумкин, аммо бу ғалаба ҳеч қандай маъно касб этмайди, чунки сиз ҳеч қачон рақибингиз мавқеини пасайтира олмайсиз».*

Энди қайси жиҳат афзал эканлигини ўзингиз ҳал этинг: расмий, юзаки ғалабами ёки инсоннинг тутган ўрни, мавқеими? Бирданига ҳам унисига, ҳам бунисига бир пайтнинг ўзида эришиш жуда мушкул.

«Бостон Трэнскрипт» номли журналда қуйидагича шеър битилган эди:

*Бунда Уильям Жейнинг жасади ором олур умрбод,*
*У ўзининг йўлин ҳикоя этиб тугатди буткул.*
*У ўлимга қадар ҳақ эди, шу йўлдан кетди атай,*
*Ноҳақми, ҳақми, энди уни ҳаёт қайтара олмас.*

Балки сиз бутунлай ҳақ бўлишингиз, ўз нуқтаи назарингиз буткул тўғри эканлигини исботлашингиз ҳам мумкин, аммо ҳамсуҳбатингизни ишонтириш учун бўлган барча хатти-ҳаракатларингиз, барибир, беҳудалигича қолаверса, сиз борди-ю, хато қилганингизда ҳам ана шу ҳолат рўй беради.

Вудро Вильсон президентлиги даврида молия вазири Уильям Ж.Мак-Аду таъкидлаб айтган эдики, *«ўзининг кўп йиллик фаол илмий иши даврида у бир нарсани англаб етган эди, у ҳам бўлса, нодон кишини далиллар ёрдамида енгиш асло мумкин эмаслигидир».*

Нодон киши? Бу жуда юмшоқ тарзда айтилган жаноб Мак-Аду! Каминанинг тажрибасига кўра, ҳар қандай киши сўз билан мунозарада унинг ақлий ривожланиш қобилиятидан қатъи назар ўз нуқтаи назарини, фикрини ўзгартириши мутлақо мумкин эмас.

Масалан, даромад солиғи масалалари бўйича маслаҳатчи Фредрик С.Парсонс давлат солиқ назоратчиси билан узоқ вақт тортишув ва жанжаллар билан вақтини ўтказди. Гап тўққиз минг доллар устида борарди. Парсонс ушбу тўққиз минг доллар аслида қайтарилмайдиган қарз бўлиб, у ҳеч қачон қайтариб берилмайди, деб таъкидлаган эди. Ва бу маблағ ҳеч қачон солиққа тортилмаслиги керак. *«Қайтарилмас қарз дейсизми, жин урсин!* — деб эътироз билдирди назоратчи, — *барибир солиқ тўланиши керак!»*

*«Назоратчи жуда совуққон, манман ва ўжар одам эди,* — деб қўшимча қилди машғулотларимизда бу воқеаларга аниқлик киритиб Парсонс. — *Уни кундириш ва далиллар билан ишонтириш вақтни ўтказишдан бошқа нарса эмас эди... Биз у билан қанча тортишсак, у шу даражада тихирлик қиларди. Шунда мен у билан келгусида тортишмасликни афзал кўрдим, бу мавзуни ўзгартириш ҳамда унга бирор ёқимли гап айтишга аҳд қилдим».*

*Мен унга шундай дедим: «Сиз ечишингизга тўғри келган савол жуда кичик кўринган бу масала билан таққосланганда, муҳим ва мураккаб муаммо ҳисобланганини ўйлаб кўриш керак. Сизнинг фикрингиз бевосита амалий тажрибага асосланган бўлса, менинг билимларим китоблар асосида шаклланган. Вақтимни ўтказганимга афсусланаман, чунки менинг ишим сизникига асло ўхшамайди. Мен жуда кўп нарса ўрганишим мумкин эди». Менинг ҳар бир сўзим сидқидилдан айтилган эди.*

*Назоратчи оромкурсидан қаддини кўтарди, ўзини орқага ташлади ва ўз иши тўғрисида, айёр муғомбир, фирибгарлар, уларни қандай фош этгани тўғрисида атрофлича сўзлаб берди. Аста-секин унинг сўз оҳанги дўстона тус олди, кўп ўтмай у менга ўз болалари тўғрисида гапириб берди. Кета туриб эса менинг ишларим тўғрисида яна бир бор ўйлаб кўришини, бу ҳақда бир неча кундан кейин ўзининг қарорини маълум қилишини билдирди.*

*Орадан уч кун ўтгач, у ҳузуримга келиб, мен солиқ декларациямни қандай топширган бўлсам, айнан шу ҳолича қолганини хабар қилди».*

Бу солиқ назоратчиси энг оддий инсоний ожизликлардан бирини намоён этганди. Унга ўзининг қадр-қимматини, борлигини маълум қилиш зарур эди. Порсонс у билан тортишар экан, шундай туйғуни ҳис этдики, унда шикоятга ўрин қолдирмайдиган арзу ҳол ёрдамида ўз обрў-эътиборини тасдиқлаш ниятида эди. Унинг қадр-қиммати, обрўси тан олинган заҳоти тортишув тўхтади, барҳам топди, унга очиқ-ойдин ўз шахсини намоён этиш имконияти вужудга келди, шу билан ҳамдардлик ҳамда бағрикенглик фазилатлари ярқ этиб намоён бўлди.

Наполеоннинг сарой штатидаги бош камердинер (ёрдамчи) Констан баъзан Жозефина билан биллиард ўйнар эди. «Наполеоннинг шахсий ҳаёти тўғрисида хотиралар» номли китобнинг биринчи жилдида Констан шундай дейди: *«Гарчи мен ёмон ўйнамасам-да, Наполеонга мени енгиши учун имконият берардим, бу эса унга фавқулодда жуда ёқар эди».*

Келинг, Констан бизга ўргатган ўлмас сабоқни ўзимизга ўзлаштириб олайлик. Мижозларимиз, севимли кишиларимиз, эримиз, хотинимизни ўртамизда юз бериши мумкин бўлган майда-чуйда тортишувлардан омон сақлайлик.

Будда шундай деган: *«Нафратга фақат нафрат билан эмас, балки муҳаббат ила чек қўймоқ мумкин».* Тушунмовчиликларга ҳам фақат тортишув, мунозара орқали эмас, балки келишув, устомонлик йўли, дўстона ва камтарлик билан, ҳамсуҳбатни англашга интилиш туфайли нуқта қўйиш мумкин.

Линкольн бир куни ёш офицерга ўз ўртоқлари билан қаттиқ жанжаллашгани учун танбеҳ берган эди. *«Ўзининг қобилиятларини энг яхши ишларни амалга оширишга қаратиб қатъий киришган киши шахсий жанжал, тортишувларга берилиб, вақтини беҳуда ўтказмаслиги керак,* — деган эди Линкольн. — *Шу билан бирга у шахсий майда тортишув-низоларга берилиб, кайфиятни бир пул қилиш, ўзининг иззат-нафсини ерга уриш даражасига бормаслиги лозим. Сиз ҳам, рақабингиз ҳам тўла-тўкис ҳақ-ҳуқуқ билан жиддий гапларга ҳам, майда тортишув-низоларга ҳам албатта ён беринг, ҳатто барча ҳақ-ҳуқуқ сиз томонда бўлса*

*ҳам шунга ҳаракат қилинг. Яхшиси, итга қоптиргандан кўра, унга йўл берганингиз маъқул, ҳатто сиз итни ўлдирганингизда ҳам қопган жойи қолаверади».*

Шундай қилиб, биринчи қоида қуйидагилардан иборат:

***Тортишувда устун келишнинг яккаю-ягона усули, бу — ундан четда туришдир.***

*Иккинчи бўлим*

## ДУШМАНЛАРГА ДУЧОР БЎЛИШНИНГ ВА УНДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ ИШОНЧЛИ УСУЛИ

Оқ уйга келган кунларнинг бирида Теодор Рузвельт иқрор бўлиб, юзта ҳодисадан етмиш бештасида ҳақ бўлса, шундан бошқа яхши натижани кутмаганини айтган эди.

Йигирманчи асрнинг энг машҳур кишилардан бири таянган энг юқори мезон шу бўлган экан, сизу биз нима дея олишимиз мумкин? Борди-ю сиз юзта имкониятдан эллик бештасида ўзингизнинг ҳақ эканлигингизга ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, у ҳолда бемалол Уолл-Стритда жойлашишингиз ва ҳар куни миллион доллар жамғаришингиз, яхта сотиб олишингиз ва хонандага уйланишингиз мумкин. Борди-ю сиз юз ҳолатдан эллик бештасида ўзингизнинг ноҳақ эканлигингизни билиб турсангиз, бошқаларга қандай қилиб, сен ноҳақсан, дея оласиз?

Сиз, сен ноҳақсан, деб кўз қараши, товуш товланиши ёки қўл ҳаракати билан тушунтирмоқчи бўлсангиз, шу билан бирга сўз орқали айтсангиз, шу билан у фикрингизга кўнди, деб ҳисоблайсизми? Ҳеч қачон! Сиз тўғридан-тўғри унинг ақл-заковатига, соғлом фикрига, иззат-нафсонияти, одамийлик, шахсий шаъни-шавкатига қаттиқ зарба берган бўласиз. Бу уни жавоб зарбасини беришга ундайди, барибир у ўз фикрини асло ўзгартирмайди. Шундай кейин сиз унинг устига бутун Афлотун ёки Иммануэл Кант мантиғини ағдаришингиз мумкин, аммо барибир уни ишонтиришга муваффақ бўлолмайсиз, чунки сиз уни ҳақорат қилган бўласиз.

Ҳеч қачон гапни: *«Мен сизга уни, буни, фалон, писмадонни кўрсатиб, исботлаб бераман, ҳали кўрасан»*, деб бошламанг. Бу жуда ёмон ҳолатдир. Гўё: *«Мен сиздан ақллироқман, мен сизга ниманидир айтаман ва фикрингизни ўзгартиришга мажбур қиламан»*, деган гапга тенг келади.

Бу чақириқдан иборат. Бу ҳамсуҳбатингизда ички қарама-қаршиликни юзага келтиради. Сиз тортишувни бошлаганингиз учун унда сизни ер билан яксон қилиш истаги пайдо бўлади.

Ҳатто энг қулай шароитларда ҳам одамларни ишонтириш осон кечмайди. Шундай экан, ортиқча ташвишнинг нима ҳожати бор? Нима учун одам ўзини ноқулай шароитга ташлаши керак?

Борди-ю, сиз ниманидир исботлашни мўлжаллаган бўлсангиз, яхшиси, бу ҳақда ҳеч ким билмасин. Уни шунчалик нозик ва сезилар-сезилмас бажарингки, буни бирор киши ҳис эта олмасин.

Одамларни шундай ўргатиш керакки, гўё сиз уларни мутлақо ўргатмагандек, яъни ҳеч ким билмасин. Нотаниш бўлмаган нарсаларни худди унутилган нарсадек тақдим этинг.

Лорд Честерфильд бир куни ўғлига шундай деган эди: *«Агар иложини топсанг, бошқалардан донороқ бўлгин, аммо уларга бу ҳақда лом-мим демагин»*.

Ҳозирги пайтда мен бундан йигирма йил муқаддам ишонган нарсаларимга асло ишонмай қолдим, фақат кўпайтириш жадвали мустасно, албатта; аммо Эйнштейн асарларини ўқийверсам, унга нисбатан ҳам анча гумонсираб қоламан. Эҳтимол, орадан йигирма йил ўтгач, бу китобда ёзилганларга ҳам ишонмай қоларман. Мен ҳозир ҳеч нарсага ўтмишдагидек ишонмайман. Суқрот Афинада ўз шогирдларига бир неча бор: *«Мен фақат ҳеч нарса — билмаслигимни билиб қолдим»*, деб айтган экан.

Шундай қилиб, мен ўзимни Суқротдан ақлли, доно деб ишона олмайман, шунинг учун одамларга «сизлар ноҳақсизлар», дейишни бас қилдим. Мана шундай тахлитда иш юритиш ўзини оқлаганига амин бўлдим.

Агар бирорта одам сизга нисбатан, нотўғри фикр юритяпсиз, деб айтса, ҳатто унинг нотўғри айтаётганини билсангиз ҳам, гапни шундай сўзлар билан бошлаганингиз маъқул эмасми: *«Нималар деяпсиз? Мен буни бошқача деб ҳисоблаган эканман, аммо хатога йўл қўйган бўлишим мумкин. Менда баъзан шундай ҳол рўй беради. Борди-ю, хатога йўл қўйсам, нуқсон-хатоларимни тўғирлаб қўйишларини истар эдим. Қани, келинг, далиллар билан бир текшириб кўрайлик».*

Масалан, «Мен, балки, хато қилгандирман», «Менда бундай ҳолатлар рўй беради», «Келинг, далиллар билан текшириб кўрайлик» каби гап-сўзлар муъжизавий, деярли мўъжизавий таъсир кўрсатади.

«Мен, балки, хато қилгандирман», «Келинг, далиллар ёрдамида текшириб кўрайлик», десангиз, бу ёруғ дунёда сизга ҳеч ким асло эътироз билдирмайди.

Олимлар айнан ана шундай йўл тутишади. Мен бир куни машҳур тадқиқотчи ва олим, ўн бир йил Қутб доирасида яшаган, олти йил фақат гўшт ва сув истеъмол қилган Стефансондан интервью олдим. У менга ўзи ўтказган бир тажриба тўғрисида ҳикоя қилиб берди, Мен эса, бу билан нимани исботламоқчи эдингиз, деб сўрадим. Стефансоннинг жавобини ҳеч қачон унутмайман. У шундай деган эди: *«Олим киши ҳеч қачон исбот қилишга интилмайди. У фақат далилларни келтириб, жойлаштиради холос».*

Сиз илмий жиҳатдан фикрлашни хоҳлаб қолдингиз, шундай эмасми? Шундай бўлса, сизга ўзингиздан бошқа бирор киши халақит бермайди.

Сизга хатога йўл қўйиш мумкинлигини эътироф этиб, ҳеч қачон ноқулай шароитга тушиб қолмайсиз, албатта. Шунда ҳамсуҳбатингизни янада холисроқ, очиқ-ошкор, ишонарли тарзда, ўзингизга нисбатан бошқачароқ бўлишга ундаб, тортишувга, баҳсга чек қўйишингиз керак. Бу эса унинг ўзи ҳам хато қилиши мумкинлигига иқрор этиш истагини уйғотади.

Борди-ю, сизга мазкур одам ноҳақ эканлиги маълум бўлса, сиз унга бу ҳақда тўғридан-тўғри айтинг-чи, сўнг нима бўлди? Бу масалада аниқ мисол келтиришга ижозат беринг. Яқинда Нью-Йорклик ёш адвокат С. бир жиддий

иш юзасидан АҚШ олий суди мажлисида иштирок этди. Гап жуда йирик миқдордаги пул ҳамда муҳим ҳуқуқий масала тўғрисида борар эди.

Унинг сўзга чиқиш жараёнида олий суд аъзоларидан бири сўраб қолди: *«Ҳарбий флот бошқармасида даъво қилиш муддати олти йилгача давом этади, шундай эмасми?»*

С. тўхтади, суд аъзосига бир дақиқа қаради, сўнгра: *«Ижозатингиз билан ҳарбий флот бошқармасида даъво қилиш муддати ҳақида қонун йўқ»*, деб кескин айтиб юборди.

*«Судда бирдан жимлик чўкди*, — деб хотирлайди С. ушбу воқеани бир гуруҳ мазкур китоб муаллифи ўқувчилари ҳузурида баён этиб, — *суд залидаги ҳарорат бирдан пасайиб кетгандай бўлди. Мен ҳақ эдим. Суд аъзоси хатога йўл қўйган эди. Мен ҳам унга бу тўғрисида айтдим. Аммо бу билан дўстона муносабат ўрната олдимми? Йўқ. Мен ҳозир ҳам биламанки, қонун мен томонда эди. Билардим, ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ сўзга ҳам чиққандим. Аммо судни ишонтиришга муваффақ бўла олмадим. Даҳшатли хатога йўл қўйиб, жуда кўп биладиган, кўпчилик ичида таниқли кишига сиз ноҳақсиз, деб шартакилик қилган эдим».*

Одамлардан жуда кам киши мантиқий фикр юритади. Аксар ҳолларда биз нохолис, ишонмайдиган, турли-туман ўй-фикрларга гирифтор, рашк-алам, шубҳа-гумон, ваҳима, нафрат ва манмансираш гирдоби ичида юрамиз. Кўпчилик фуқаролар ўзининг дини, соч турмаги ёки Кларк Гейбл тўғрисидаги фикрни ўзлаштиришни истайди. Шунинг учун уларнинг ноҳақлигини одамларга айтишга мойил бўлсангиз, ҳар куни эрталаб, нонуштадан олдин оёқда тиз чўкиб, профессор Жеймс Харви Робинсоннинг ғоят ўқимишли бўлган «Ақлнинг шаклланиши» номли китобидан олинган парчани марҳамат қилиб ўқиб чиқинг:

*«Баъзан шундай бўладики, биз ўз фикр-қарашларимизни ҳар қандай қаршилик ёки кучли ҳаяжонланиш таъсирисиз ўзгартираверамиз, аммо кимдир бизнинг ноҳақ эканлигимизни ўзимизга айтгудек бўлса, дарҳол аччиқланамиз ва ғазаб отига минамиз. Биз ўз ишончларимизни шакллантириш борасида бепарволик қиламиз, аммо кимдир унга дахл қилмоқчи бўлса, унга ўзини оқламаган жазава билан суқи-*

*либ кирамиз. Шуниси мутлақо аёнки, биз ғояларнинг ўзини қадрлаш эмас, балки худбинлигимизни қадрлаш билан машғул бўламиз, бу эса хавф-хатар туғдиради... «Меники» деган сўз маиший, ҳаётий ишларда асосий ўрин эгаллайди ва донишмандликнинг асоси ҳам айнан ана шу билан ҳисобланишида. У гўё «менинг» тушлигим, менинг ишим, менинг уйим, менинг отам, менинг ватаним ва менинг худом деган сўзлар билан тенг кучга эгадир. Биз фақат эътироз билдириб ёки соатимиз нотўғри юраётгани, ёки автомобилимиз эскиргани айтилса, шунга аччиқланиб қолиш билан чекланмаймиз, балки Марсдаги каналлар, Эпиктет исмининг қандай талаффуз этилиши, салистининг шифобахш хусусиятлари ёки Саргон подшоҳлиги даври ҳақидаги тасаввуларимизни тасдиқлаш билан овора бўламиз... Биз ҳақиқат деб одатланган меъёрларга, ҳар қандай мураккаб фикр, тушунчаларни шубҳа остида қолдирувчи норозиликка ишона бошлаймиз, бу охиргисига илиниб қолиш учун ҳар қандай оқлашларнинг кетига тушишга мажбур этади. Натижада биз далиллар келтириш керак, деганимиз кўпчилик ҳолларда даъволарни келтириш билан чеклanадики, бу бизни ҳозир ишонганимиздан кўра бундан буён келгусида ҳам ишонишга олиб келади».*

Бир куни мен рассомга уйимнинг ички томонидаги пардаларни жиҳозлаш учун буюртма бердим. Ундан харажатлар ҳисоб-китоби ёзилган варақани олганимда, тепа сочим тикка бўлиб кетди.

Бир неча кундан сўнг менинг ҳузуримга бир дўстим келди. У пардаларга эътибор бериб, қаради. Мен унинг нархини эслатганимда, овозини кўтариб ҳайқириб юборди. *«Нималар деяпсиз? Бу даҳшат-ку! У сизга фириб бериб кетган бўлса керак»*, деб қўрқаман, деди у.

Тўғри дейсизми? Ҳа, у тўғри гапни айтди, аммо ким ҳам ўзи учун хуш келмайдиган ҳақиқатни эшитгиси келади? Шунинг учун мен ўзига аъло сифатли маҳсулотларни нархи туширилган дўкондан ололмаганга ўхшаб, энг яхши нарсалар ҳам арзон нархда битмайди, дедим ва ҳоказо.

Иккинчи куни бошқа аёл дўстим келиб, уйимдаги пардалардан завқ-шавқи тўлиб-тошганича ғайрати жўшди ва

уйга худди шундай ажабтовур бадиий саноат намуналарини сотиб олишга тайёр эканлигини билдирди. Бу сафар унга нисбатан акс-садом бутулай бошқа эди. *«Очиғини айтсам, — дедим мен, — мен ҳам буни унчалик ўзимга эп кўрмайман. Мен бунга жуда кўп ҳақ тўладим ва бундан ўзим ҳам афсусдаман».*

Биз агар ноҳақ бўлсак, бунга ўз-ўзимиздан иқрор бўлишимиз мумкин. Борди-ю, бизга юмшоқлик ва моҳирлик билан оҳиста муомала қилишса борми, у ҳолда бунга иқрор бўлиш ва, ҳатто бунга ошкора ва кенг қарашлар билан фахрланиш вужудга келади.

Фуқаролар уруши даврининг машҳур ноширн Хорас Грили Линкольн сиёсатига қарши кескин эътироз билдирган эди. Унинг фикрича, далиллар ҳамда заҳарханда ва ҳақоратлар ёрдамида Линкольн менинг айтганларимга кўнади, деб ўйлаган. У бу қизғин компанияни ойма-ой, йилма йил олиб борди. Айнан ана шу шахс президентни Бут айтган оқшом ғазаб ва қаҳрга, сарказмга тўлиб-тошган мақолани унга қарши ёзган эди.

Аммо буларнинг бари Линкольнни Грили билан келишувга олиб келдими? Мутлақо йўқ-да! Кулиш, масхаралаш ҳамда ҳақорат қилишлар ҳеч қачон бунга олиб келмайди.

Агар сиз одамлар билан қандай муомалада бўлиш, ўзини қўлга олиш ва шахсий сифатларни такомиллаштириш бўйича ажойиб маслаҳатларга эга бўлай десангиз, Бенжамин Франклин таржимаи ҳолини ўқиб чиқинг. У Америка адабиётининг энг сара асарларидан бири, қачонлардир ёзилган энг қизиқарли ҳаётий воқеаларидан иборатдир.

Ўзининг таржимаи ҳолида Бен Франклин ўзидаги мавжуд даҳшатли одатлардан бири — тортишувдан қандай халос бўлиб, Америка тарихидаги энг муносиб, саводхон, иззат-ҳурматни жойига қўядиган дипломат шахслардан бирига айланганини ҳикоя қилган.

Бенжамен Франклин ҳали тажрибасиз ўсмирлигида уни эски диндор дўстларидан бири четга тортиб, аямасдан ҳақорат қилиб, унинг шаънига тахминан қуйидаги бир неча аччиқ-тузуқ ҳақиқатларни айтиб юборган эди:

*«Бен, сенга чидаб бўлмайди, тоқат қилиш мумкин эмас. Сенинг қарашларинг ҳар бир киши учун, айниқса сен билан*

*фикри бир жойдан келиб чиқмаган ҳар бир киши учун ҳақоратли хусусиятга эга. Улар шунчалик қимматга тушадики, у билан энди ҳеч ким қизиқмайди. Дўстларинг сен бўлмаган пайтда вақтларини кўнгилли ўтказишларини айтишяпти. Гўё, шунчалик кўп биласанки, ҳеч ким янги гапларни айтишга ботинолмайди. Чунки бу анча ўнғайсизлик ва бепарволикка олиб келади ва катта хатти-ҳаракатларни талаб қилади. Шунинг учун сен ҳозир билганингдан кўра анча кўп била олмайсан, аминманки, сен жуда кам биласан».*

Бу мен билган ва Бен Франклин қабул қилган энг шафқатсиз танқидлардан бири бўлиб, энг муҳим омил ҳисобланади. У бу пайтда етарли даражада вояга етиб қолган ва ақлли бўлиб, бу эшитганларининг бутун ҳақиқатини тушунадиган ва ҳис этадиган даражада эди, уни муваффақиятсизликлар, мавқеини йўқотишлар каби қийинчиликлар кутиб турарди. Шунда у бирдан 180 даражага бурилди. Дарҳол ўзининг одамлар билан муносабатидаги манмансираш, бетоқатлик одатларини ўзгартиради.

*«Мен бошқа кишиларнинг фикрига тўғридан-тўғри қарши чиқиш, шунингдек, ўзимнинг нуқтаи назаримга қатъий туришдан ўзимни четга олишни қоида қилиб олдим,* — деб ёзади Франклин. — *Мен, ҳатто ўзимни... қатъий маъно берувчи ибораларни, масалан, «албатта», «шак-шубҳасиз» деган сўзларни ишлатишдан ҳам бутунлай тийдим ва ҳоказо. Уларнинг ўрнига «менимча», «хавфдаман», «шундай деб ўйлайман», «менимча, шундай бўлса керак», деган ибораларни ишлатадиган бўлдим. Бошқаларнинг келтирган даъволари менга хато кўринса, мен уларни кескин силтаб ташлаб, қаршилик кўрсатиш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим, уларни дарҳол бемаъни эканлигини кўрсатишдан ўзимни тийдим: аммо мен ўз мулоҳазаларимни айтар эканман, муайян шароитларда, муайян вазиятда менинг назаримда уни ундоқ ёки бундоқ қўйиш керакка ўхшайди ва ҳоказо гаплар билан бошлайдиган бўлдим. Кўп ўтмай бундай одат ўзининг афзал жиҳатларини намоён этди: менинг бошқалар билан муносабатим анча кўнгилли ва ёқимлилик касб этади. Ўз фикрини камтарона тарзда ифодалаш шунга олиб келдики, уни тезроқ қабул қилишди ва эътирозлар жуда кам бўлди; борди-ю, менинг хато қил-*

*ганим аниқлангудай бўлса борми, бу менга жуда кам ранжиш, алам келтирди; агар мен ҳақ бўлсам, бошқаларни кўндиришим жуда енгил кўчадиган ва уларнинг менинг нуқтаи назаримга қўшилиши осон бўлди.*

*Бундай ахлоқий одат, агар илгариги мен ўзимнинг табиий мойиллигимни зўғум билан уқдирган бўлсам, энди бошқача бўлди, яъни мен учун енгил кўчиб, одатга айланди. Кейинги эллик йил ичида бирор кишидан менга нисбатан, қотиб қолган фикр чиққан, деганини эшитганим йўқ.*

*Ўйлашимча, ўзимнинг ушбу одатларимга кўра (менинг алоҳида ажралиб турадиган характерим белгиси — ҳаққонийликда), шунга бурчлиманки, у билан ҳисоблашдилар. Мен эски муассасаларни ўзгартириб, янгиларини алмаштиришни таклиф қилганимда улар бунга кўнишди, бу ҳолат жамоатчилик кенгашларида ҳам рўй берди, чунки мен ушбу кенгашларга аъзо эдим. Аслида-ку, мен ёмон, бурро-бурро гапира олмайдиган нотиқ эдим, сўзларни танлашда қийналиб қолардим, тўғри гапира олмас ҳам эдим, аммо буларнинг барига қарамай, одатда ўз фикримни ўтказа олар эдим».*

Бен Франклиннинг усуллари ишбилармонлик муносабатларида қанчалик муҳим? Иккита мисолни олиб кўрайлик.

Ф.Ж.Махони нефть маҳсулотлари савдоси учун махсус жиҳозлар сотиш билан шуғулланади. У Лонг-Айленддан йирик харидордан буюртма олди. Дастлабки чизмалар тақдим этилган ва маъқулланган, жиҳозлар эндигина ишлаб чиқариш босқичида бўлганида нохушлик юз берди. Харидор билан битимни муҳокама қилган дўстлари, у жиддий хатога йўл қўйганини айтиб, уни ишонтиришга уриндилар. Улар ҳийла-найранг орқали сўзларини ўтказмоқчи бўлишгани ҳеч вақога арзимас эди. Тавсия этилаётган жиҳозлар ҳаддан зиёд кенг, калта, ундоқ-бундоқ эмиш. Дўстлари уни шунчалик сиқувга олишдики, у ғазаб отига минди. Кейин Махонига қўнғироқ қилиб, аллақачон тайёр ҳолга келиб қолган жиҳозларни қабул қилмаслигини айтиб, қасам ичди.

*«Мен ҳаммасини қунт ва эътибор билан текшириб чиқиб, биз ҳақ эканлигимизни билдим, — деб ҳикоя қилди Махони мазкур воқеани баён этиб. — Шуниси аниқ эдики, мижозим ҳам, дўстлари ҳам буюртма жиҳозлар тўғрисида*

*зиғирча тушунчага эга эмасдилар. Аммо менинг фаҳмимча, бу ҳақда унга гапириш жудаям хавфли эди. Мен у билан кўришиш учун Лонг-Айлендга бордим. Хонасига кирганимда, у ўрнидан сакраб турди-да, нималарнидир ғўлдираб, менга пешвоз келди. Шунчалик аччиқланган эдики, бу унинг муштини ўлайтирганидан маълум эди. У мени ва жиҳозларимни обдон ҳақорат қилиб ниҳоят: «Хўш, энди бу масалада нима қиласиз?» деб сўзларини тугатди.*

*Мен хотиржам туриб, «сиз нима десангиз, мен барини бажараман», дедим. Кейин эса аниқлик киритдим: «Бунинг учун ҳақ тўлайсиз. Шундай экан, сўзсиз, нимаики хоҳласангиз, худди шундай олишингиз мумкин. Яна бир гап: ўзингизни ҳақ деб билсангиз, бизга чизмаларни беринг, гарчи буюртмангиз бўйича икки минг йўқотган бўлсак ҳам, уни ҳисобдан чиқариб, бекор қиламиз. Биз сизнинг талабларингизни қондириш учун икки минг доллар зарар кўришга тайёрмиз. Аммо огоҳлантириб қўяй, борди-ю биз сиз мажбур этгандек, буюртмаларингизни бажаришга киришсак, ўзингиз учун бўладиган натижага нисбатан бутун масъулиятни олишингиз керак. Борди-ю, ишни иккимиз олдингидек келишганимиз бўйича (у, назаримда, тўғри эди) давом эттирадиган бўлсак, унда бутун масъулият бизга тушади».*

У энди анча тинчиб қолган эди, ниҳоят: *«Майли, давом эттиринг, аммо бирор жойи бошқачароқ чиқиб қолса, унда худо ёрингиз бўлсин»*, деди.

*Ҳаммаси расладагидек битди. У бу мавсумда икки партия худди шундай жиҳозга буюртма берди.*

*Бу одам мени ҳақорат қилиб, тумшуғим олдида муштини ўқталган ҳолда, ўз ишимни билмайдиганга чиқарган бўлса, мен у билан тортишмаслик, унинг олдида ўзимни ҳақ деб кўрсатмаслик учун бутун куч-қувватимни сарфладим, бу менинг эсанкирамай қолишимда жуда асқотди. Ўзимни йўқотиб қўймаслигим одатдан ташқари кўпроқ керак бўлади. Агар мен унга, сен ноҳақсан, тортишганимда, эҳтимол, суд жараёни бошланиб кетар, ноҳуш ҳаяжонланиш, молиявий камомадлар рўй берарди, мен йирик харидордан маҳрум бўлиб қолар эдим. Ҳа, мен шунга қатъий ишонаманки, одамга, сен ноҳақсан, деб гапиришдан ҳеч қандай маъно чиқмайди».*

Бошқа мисолни олиб кўрайлик, аммо эсингизда бўлсин, мен келтирадиган воқеаларнинг бари бошқа минглаб одамларга хосдир. Нью-Йоркдаги «Гарднер У. Тейлор ламбер компани» фирмасининг савдо агенти Р.В.Кроули иқрор бўлиб, йиллар давомида ёғоч материаллари билан шуғулланувчи назоратчиларга, сенлар хато қиляпсан, деб такрорлаб келган. Бу тортишувларда Кроули ҳамиша баланддан келган, аммо бу ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаган. *«Ёғоч материаллари бўйича мазкур назоратчилар худди бейсбол мусобақаларидаги ҳакамларга ўхшаб кетади. Улар бир қарорни қабул қилишдими, бўлди, улар ҳеч қачон ундан чекинишмайди»*, дейди Кроули.

Кроули ўзининг фирмаси ана шу тортишувлар туфайли, гарчи у енгиб чиққан бўлса ҳам, минглаб доллар йўқотганини тушунди. Шу боис у, менинг курсимга қатнар экан, тактикани ўзгартириш ва тортишувлардан воз кечишга қарор қилди. Хўш, натижа қандай бўлди? Мана унинг гуруҳдаги ҳамкурсларига айтиб берган ҳикояси:

*«Бир куни хонамнинг телефони жиринглаб қолди. Қандайдир ғазабкор, асабий бир киши менинг заводимга юборилган ёғоч материалларини бутунлай яроқсиз, деб таъкидлар эди. Унинг фирмаси юк ташишни бас қилиб, бутун партия ёғочни уларнинг омборидан қайтариб олиб кетишни ташкиллаштириш учун барча чорани кўришини тўхтовсиз талаб қилар эди. Вагон ёғоч материаллари билан деярли 25 фоиз юкланганида, фирма назоратчиси унинг сифати меъёрдан эллик фоиз насия деб маълум қилди. Бундай пайтда фирма уни қабул қилишдан воз кечади, деди у. Мен дарҳол заводга равона бўлдим, йўлда бу вазиятдан қандай чиқиб кетишни ўйлаб кетдим. Одатда бундай пайтларда ёғочнинг навини аниқлаш қоидаларига таяниш керак, бошқа томони ёғоч материалларини билувчи мутахассис бўлганим ҳамда шахсий тажрибам туфайли ишонтириш учун ўзимиз томонимиздан етказиб берилаётган материаллар нави аслида мақсадга мувофиқ эканлигини, улар кўрсатилган қоидаларни тўғри талқин этаётганларини айтиш зарур эди. Шу билан бирга мен ушбу тамойилларни курсларда ўтказилаётган машғулотларда қўллашга қарор қилдим.*

*Заводга келгач, кўрдимки, харид бўйича агент билан ёғоч материаллари назоратчисининг кайфияти ниҳоятда ёмон,*

*улар тортишишга тап-тайёр, ҳар бири сўзида маҳкам туриб оладиган. Биз ёғоч ортилган вагонга яқинлашдик ва мен уни ортишни давом эттиришни сўрадим, ишнинг кетишини билмоқчи эдим. Шу билан бирга мен назоратчидан яроқсиз материалларни бир томонга ташлашини илтимос қилдим, буни мен келгунча бажариб бўлган экан, яхшиларини алоҳида тахлашни айтдим.*

*Бироз вақт ишини кузатиб, бу одамнинг ҳақиқатдан ҳам ёғоч материаллар сифатини баҳолашда жуда қаттиққўллик билан ёндашганига амин бўлдим, у тегишли қоидаларни нотўғри талқин қиларди. Бу назоратчи қаттиқ навли дарахтларни жуда яхши англаса-да, оқ қайрағочга келганда, мутахассис эмаслиги билиниб қолган эди. Гарчи шундай бўлса-да, мен унинг ёғоч маҳсулотларини навларга ажратиш бўйича ёндашувига эътироз билдирдимми? Албатта, йўқ-да. Мен ишини кузатишда давом этдим ва кам-камдан нега у ёки бу — сифатсиз деб ҳисобга олаётганини сўраб билдим. Бирор марта мен унинг ноҳақлигига шаъма қилганим йўқ, фақат менинг яккаю ягона истагим бу суриштиришларим асосида кейинчалик фирманинг асосий талабларини бажаришдан иборат, дедим. Биз буюртмаларни бажаришда бу талабни аниқ адо этишимиз керак эди.*

*Бу саволларни мен дўстона ва ҳамкорлик қилишга тайёр оҳангда бердим, у ҳақ эканлигини тўхтовсиз таъкидлаб, бир чеккага олиб қўяётган ёғочлар унинг талабларига жавоб бера олмаётганини айтдим; шу билан у бироз юмшади, ўртадаги кескинлик анча бўшашиб, бу ҳолат иккимиз орамиздан аста-секин ғойиб бўла борди. Эҳтиёткорлик билан унинг фикрига сингиб бораётган луқмалар фирма сотиб олган ўша материаллар навига тўла-тўкис мос келишига уни ишонтира бошлади. Аммо унинг талабини қондириш учун қиммат турадиган навли ёғоч керак эди. Шу билан бирга мен ўзимни ўта эҳтиёткор тутдим, у бундан муаммо ясамасин, деб ўйладим.*

*Аста-секинлик билан унинг кайфияти тўла-тўкис ўзгарди. Ниҳоят, у оқ қайрағоч бўйича тажрибаси йўқлигини айтиб, мен билан ҳар бир вагонга ортилаётган хари тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эканини айтиб қўйди. Мен унга ҳар бир хари тегишли навга жавоб бериши кераклиги-*

*ни изоҳлаб, яна олдингидек, агар унинг фирмаси талабига жавоб бермаса, уни қабул қилмаслиги кераклигини қатъий равишда маълум қилдим.*

*Охир-оқибат у шундай ҳолатга келдики, ҳар бир хари яроқсиз материаллар қаторига тахланганида, у ўзини айбдордай ҳис қиларди; ниҳоят фирма шундай юқори нав учун буюртма бериб, хатога йўл қўйганини тушуниб етди.*

*Мен кетганимдан сўнг у яна бутун партия ёғочларни кўриб чиқди, унинг ҳаммасини тўлиқ қабул қилди, биз эса бутун буюртма бўйича чекка эга бўлдик.*

*Бу якка ҳолатда озгина меъёр билан ёндашиш ва қатъият кўрсатиш бошқа кишига ноҳақ эканлигини англатмайди, албатта; мазкур ҳолат компаниянинг 150 долларини сақлаб қолди, аммо бу билан дўстона муносабатларни сақлаб қолишга эришдикки, буни баҳолаш асло мумкин эмас».*

Дарвоқе, мен ушбу бўлимда ҳеч қандай ихтиролар очганим йўқ. Бундан ўн тўққиз аср муқаддам Исо Масиҳ шундай деган эди: *«Ўз рақибинг билан тезроқ келишгин».*

Бошқача сўзлар билан айтганда, ўз мижозингиз ёки хотинингиз, рақибингиз билан сира тортишманг. Унга, сен ноҳақсан, деманг, уни бошингизни қотиришига мажбур этманг, бироз дипломатдай ҳаракат қилинг.

Рождествога қадар Исо Масиҳ туғилишидан икки минг йил муқаддам қария Миср фиръавни Ахтой ўзининг ўғлига донишмандона бир ўгитни уқдирган эди, бу маслаҳат ҳозирги кун учун ҳам зарур. Тўрт минг йил муқаддам Ахтой кайф-сафо ўртасидаги танаффусларда шундай деган: *«Устомон бўл. Бу ўзинг хоҳлаган нарсаларни қўлга киритишингга ёрдам беради».*

Шундай қилиб, агар сиз қандай нуқтаи назарга мойил бўлсангиз, иккинчи қоидага риоя қилинг:

***Ҳамсуҳбатингизнинг фикрларига ҳурмат билдирганингизни намоён қилинг. Ҳеч қачон ҳеч кимга, сен ноҳақсан, дея кўрманг.***

*Учинчи бўлим*

## АГАР СИЗ НОҲАҚ БЎЛСАНГИЗ, БУНИ ЭЪТИРОФ ЭТИНГ

Мен Нью-Йоркнинг деярли жуғрофий марказида яшайман; уйимдан бир неча дақиқа йўл юрилса, бокира ўрмон чизиғи сақланганига дуч келасиз. Унда баҳорда Маймунжон оппоқ гулга беланади, атрофида олмахон болалари яшаб, улғаяди; ёввойи ўтлар шундай баланд ўсадики, баъзан ўтаётган от ҳам кўринмай қолади. Ўрмоннинг бу қўл тегмаган қисмидаги ҳудуд «ўрмон боғи» деб юритилади, ҳақиқатдан ҳам бу ўрмон ташқи томондан қараганда, Христофор Колумб Американи кашф этишидан ҳам анча олдиндан бўлсада, деярли ўзгармаган, дейсиз. Мен бу ерда баъзан ўзимнинг бостонлик жажжи булдог итим билан кезишни яхши кўраман. Бу дўстсевар беозор кучукча билан ўрмонзорни сайр қилар эканмиз, бўйнида кўпинча ип ва оғзида тумшуқбоғи бўлмайди.

Бир куни боғда от минган полициячига дуч келиб қолдик, бу ҳуқуқ назоратчисининг қўл ҳаракатлари унинг ҳукмфармо эканлигини яққол кўрсатиб турарди.

*«Сиз нима учун бу кўппакни боғда ипсиз ва тумшуқбоғсиз юришига йўл қўйгансиз?* — деб мени тергай бошлади полициячи. — *Сиз бунинг қонун билан тақиқланганини билмайсизми?»*

*«Биламан,* — дедим мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб, — *аммо кучукчам бирор зарар келтиради, деб ўйламаган эдим».*

*«Ҳа, ўйламагансиз! Ўйламагансиз! Сизнинг ўйларингизга қонун тупуради. Кучугингиз олмахонни ямлаб ташлашни, болаларни қопиши мумкин. Бу сафар мен сизни қўйиб юбораман, аммо яна шу ерда кучугингизни ипсиз, тумшуқбоғсиз кўрадиган бўлсам, сиз судьянинг олдида жавоб беришингизга тўғри келади».*

Мен муросасозлик билан қоидани бузмасликка сўз бердим.

Маълум вақт қоидани бузмай юрдим. Аммо Рекс тумшуқбоғни яхши кўрмас, мен ҳам худди у каби тумшуқбоғни ёмон кўрар эдим. Ва биз таваккал қилишга аҳд қилдик. Қандайдир вақтлар ўтди ва биз бир куни Рекс билан тепа-

лик ёнидан ўта туриб, бирдан худди даҳшат билан учрагандай, «аъло ҳазратлари — қонун эгаси» от минган ҳолда рўпарамиздан чиқиб қолди.

Мен қўлга тушган эдим. Энди менга бари аён эди. Шунинг учун полициячи гап бошламасдан аввал мен гапиришга интилдим. Унинг рўпарасига ўтиб, шундай дедим: *«Муҳтарам офицер, сиз мени жиноят устида ушладингиз, айбдорман. Мен ўзимни асло оқлай олмайман, кечирим ҳам сўрашимнинг ҳожати йўқ. Ўтган ҳафта сиз мени огоҳлантирган эдингиз, итни тумшуқбоғсиз олиб чиққудай бўлсам, мени жаримага тортиришингизни эслатган эдингиз».* Полициячи анча юмшоқ тортиб, жавоб берди: *«Майли, атрофда бирор киши бўлмаса, шундай кичкина кучукча қандай ташвиш орттириши мумкин, қўяверинг»*, деди.

*«Албатта, катта ташвиш йўғ-у,* — дедим мен, — *аммо бу қонун билан тақиқланган-ку!»*

*«Нималар деяпсиз, бундай жажжи кучукча ҳеч кимга зарар бермайди»*, — эътироз билдирди полициячи.

*«Тўғри, бироқ у олмахонни тишлаб олиши мумкин»*, — дедим мен.

*«Ҳа, сиз бунга қаддан зиёд жиддий қараяпсиз,* — деди у. *— Биласизми, нима қиласиз? Сиз уни анови тепалик ортига қўйиб юборинг, бироз чопсин, менга кўринмасин ва биз буни унутайлик».*

Хўш, мен ўзимни ҳимоя қилишга киришиб кетганимда, нима бўларди? Тасаввур қиляпсизми? Сиз бирор марта полициячи билан тортишиб кўрганмисиз?

Мен эса унинг қилич билан қасам ичгандан кўра, тавалло қилиш ўрнига у бутунлай ҳақ эканлигини эътироф этдим, ноҳақ эканлигимни айтдим; мен буни очиқ ошкор завқ-шавқ билан тушунтирдим. Натижа муваффақиятли бўлди. Мен полициячининг тарафини олдим, у эса мен томонда бўлди. Ана шу от минган полициячи бир ҳафта бурун мени одил суд қўлига топшириш билан дағдаға қилган эди, энди эса, ҳатто Лорд Честерфилд ҳам шунчалик илтифот кўрсата олмасди.

Агар бизга тўқнашув хавф солишини барибир англаб қолсак, яхшиси, бошқа томонга ўтиб, ташаббусни ўз зим-

мангизга олсангиз бўлмайдими? Ўзингизни танқид қилиш енгил эмасми, бошқалар, бегоналарнинг оғзидан айбловларни эшитгандан кўра?

Ўзингиз ҳақингизда барча ҳақоратли сўзларни ҳамсуҳбатингиз ҳали улар онгида бўлмаган пайтда ҳам айтсангиз, ундан олдинроқ талаффуз қилсангиз, бу билан унинг оёғи остидаги асосга зарба берган бўласиз. Юзтани биттага қарама-қарши қўйиш мумкин, ана шунда у бағри кенг, олижаноб бўлиб, келишувчилик позициясига ўтиб олади ва сизнинг хатоларингизни жуда кам даражага келтиради, бунда у худди отлиқ полициячининг мен билан Рексга муносабатидай тус олади.

Реклама соҳасида ишлайдиган Фердинанд Уоррен бу усулдан инжиқ, мижғов буюртмачини йўлга солишда фойдаланди.

*«Реклама ёки нашриёт учун расм чизар экансан, жуда саранжом-саришта ҳамда ниҳоятда аниқ бўлиш керак,* — деб қайд этади Уоррен бу воқеани ҳикоя қилар экан. — *Айрим бадиий муҳаррирлар ўз топшириқларини дарҳол бажаришни талаб қиладилар. Ана шундай пайтда каттагина хатолар рўй бериши мумкин. Мен бир бадиий муҳаррирни биламан, у озгина хатони топиб олдими, бас, дарров ноғора қилиб чалар эди. Мен унинг хонасидан кўпинча танқиднинг ўзидан ғазабланиб эмас, балки унинг руҳий ҳамласидан оғриниб чиқардим. Яқинда мен унинг учун зудлик билан бир ишни бажардим, у қўнғироқ қилиб, тезда етиб келишни тайинлади.*

*У менинг ишимда нимадир кўнгилдагидай бўлмаганини айтди.*

*Унинг ҳузурига киргач, ўзим кутган ҳамда қўрққан ҳолат юз берганини пайқадим. У ниҳоятда аччиқланган ва мени танқид қилишга роҳат қиладигандек аҳволда эди. Ғазабдан титраб, нега ишни расоладагидек эмас, ёмон бажарганимни сўради. Ана шунда мен ўз-ўзини танқид қилиш усулини қўллаш фурсати етганини англадим, буни анча олдин ўрганган эдим. Унга шундай дедим: «Жаноб, сиз айтган гапларнинг бари тўғри, мен айбдорман ва хатоларим учун ўзимни асло оқлай олмайман. Мен кўп вақтдан бери сиз учун расмлар чизаман, бундай хатоларга йўл қўймайман, дейман. Сизнинг олдингизда жуда уятлиман».*

*У шу заҳоти мени ҳимоя қилишга ўтди: «Ҳа, сиз ҳақсиз, аммо аслида бу унчалик жиддий хато эмас. Фақат...»*

*Мен унинг сўзларини кесдим. «Ҳар қандай хато, — деб эътироз билдирдим мен, — жуда қимматга тушиши мумкин ва уларнинг бари ниҳоят даражада ўкситади».*

*У менга нимадир демоқчи бўлди, аммо мен унинг фикрини айтишига йўл бермадим. Мен қаноат ҳосил қилган, ҳаётимда биринчи марта ўз-ўзимни танқид қилишга киришган эдим, бу ўзимга жуда маъқул тушди.*

*«Мен янада эътиборли бўлишим керак эди, — деб сўзимда давом этдим. — Сиз менга жуда кўп иш берасиз, менга нисбатан муносабатингиз ниҳоятда яхши, шунинг учун бу расмларни бутунлай бошқатдан чизамиз».*

*«Йўқ! Йўқ! — деб қаршилик кўрсатди у. — Сизни шу даражада қийнаш хаёлимга ҳам келмаган эди». У менинг ишимни мақташга тушди, бу арзимас нарсалар унинг фирмаси олдида ҳеч гап эмас экан; ниҳоят хулоса қилиб айтдики, буларнинг бари безовта бўлишга сабаб бўлолмас экан.*

*Менинг ўз-ўзимни танқид қилишга шай эканлигим унинг ёқалашишга нисбатан бўлган хоҳиш-иродасини сўндирди. У мени кечки овқатга таклиф қилди. Биз хайр-хушлашган пайтда менга чек ёзиб берди ва яна битта иш топширди. Иш ана шундай якун топди».*

Ҳар қандай аҳмоқ ҳам ўзининг хатоларини ҳимоя қилишга уринади, уларнинг жуда кўпчилиги худди шундай иш тутишади, аммо ўз хатоларини тан олиш инсонни умумхалқдан баландроқ кўтаради ва уни миннатдорлик, олижаноблик туйғулари билан тўлдиради. Масалан, тарих Роберт Ли тўғрисида энг ҳаётбахш, ёқимли хотираларни сақлаган. Бу хотиранинг мазмуни шундан иборатки, у Геттисберг ёнидаги мағлубиятда ўзини, фақат ўзини айблаган эди. Бу «Пикет ҳамласи» деб юритилади.

«Пикет ҳамласи», шубҳасиз, энг ёрқин ва ўзига хос ҳамла бўлиб, ғарб дунёсида ўзига хос ўрин эгаллайди. Пикетнинг ўзи ҳам алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларга эга эди. Унинг каштан рангли жингалак сочлари елкасига тушиб турар, Наполеоннинг Италияга қилган юришлари давридагидек ҳар куни жанг майдонида севги-муҳаббат хатларини ёзар эди. Унга содиқ бўлган аскарлар ўша фожиали

июл кунида ҳам уни тантанали равишда қутлаган эдилар. У эгарда ярашиб ўтирарди.

Аскарлар уни табриклаган ҳолда елкама-елка, қаторма-қатор байроқларни ҳилпиратган, милтиқ найзаларини қуёш нурида ялтиратиб, тобора олға йўл босар эдилар. Бу гўзал кўриниш, мардликнинг буюк намоён бўлиши эди. Уни кузатиб бораётган федерал қўшинлар сафида қойил қолган овозлар шивир-шивири оралаган эди.

Пикет қўшинлари мевали боғлар, маккажўхори далалари, яйлов, жарликлар оша майда қадам ташлаб боришарди. Душманларнинг замбараклари уларга қарата тўп отар, қирғин келтирувчи зарбалар етказар эди. Аммо улар тобора олға интилар, бу интилиш фақат қатъий, даф қилиб бўлмас даражада эди.

Тўсатдан федерал қўшин пиёда аскарлари Семитри-Ржнинг тош деворларидан кўтарилишди, улар шу пайттача пистирмада яшириниб туришарди. Бирдан улар Пикетнинг ҳимоясиз аскарлари устига ўқ ёғдиришди. Тепалик атрофи олов дарёсига айланди; гўё жанг майдони, гўё вулқонга айланди, дейсиз. Бир неча дақиқадан сўнг Пикет бригадасидаги барча командирлар ёппасига йиқилди, фақат битта командир тирик қолди, беш минг аскардан тўрт минги нобуд бўлди.

Аскарларни ҳамлага бошлаган Армистед олдинга интилди. У тош девордан сакраб ўтиб, бош кийимини қўлга олди-да, силкитди, бу фуражкаси ўткир қилич учига санчилган эди, сўнг қичқирди: *«Найзабозликка, болалар!»*

Буйруқ ижро этилди. Девордан сакраб ўтиб, улар душманга тиғ санчишар, найза уришар, уларнинг калласини мажақлаб, ниҳоят Семитри-Риж тепасига жанубнинг жанговар байроғини илдилар.

Байроқ у ерда бир он ҳилпираб турди. Аммо ана шу бир оний муддат, энг қисқа бўлса-да, ўзига Конфедерациянинг олий муваффақиятини мужассамлаштирган эди.

«Пикет ҳамласи» ана шундай қаҳрамонона онлар бўлиб, ниҳоянинг бошланиши эди. Ли мағлубиятга учради. У Шимолга етиб боролмасди, буни билар эди.

Жануб эса ҳалокатга маҳкум эди.

Ли қанчалик тушкунликка тушмасин, қанчалик ўртанмасин, барибир, истеъфога чиқди ва Америка Штатлари

конфедерацияси президенти Женнифер Девисдан ўз ўрнига «янада ёш, янада қобилиятлироқ одамни тайинлашларини сўради. Агар Ли «Пикет ҳамласи» учун муваффақиятсизликни асосламоқчи бўлганида, сабаблар, ўзини оқлайдиган омиллар анчагина эди. Унинг айрим дивизия командирлари хиёнат қилишди. Отлиқ аскарлар пиёдалар ҳужумини қўллаб-қувватлаш учун ўз вақтида етиб келишмади. Нимадир етарли бўлмади, нимадир керакли вақтда рўй бермади.

Аммо бошқаларнинг зиммасига айб юклашдан кўра, Ли ўзи олижаноблик намунасини кўрсатди. Пикетнинг мажақлаб ташлаган, қони оқиб турган армияси ортга, конфедерация позицияга қайтганида, Роберт Ли ҳеч қандай кузатувчиларисиз уларга пешвоз чиқди ва ўз-ўзини қораловчи шафқатсиз сўзлар билан уларга мурожаат қилди.

*«Буларнинг бари менинг айбим билан содир бўлди,* — деб иқрор бўлди у . — *Бу жангда фақат мен, мен енгилдим».*

Инсоният тарихида жуда озчилик генераллар ана шундай юксак мардлик ва ирода кучига эга бўлган, бундай номга эга бўлиш жуда кам одамга насиб этган.

Элберт Хаббард дунёдаги кўпчилик кишиларнинг диққатини ўзига жалб этган энг оригинал муаллифлардан бири бўлиб, унинг заҳархандага тўлиб-тошган иборалари одамларда кучли норозилик қўзғаган эди. Шунга қарамай Хаббард зийрак бир зукколик билан ўз душманларини дўстга айлантирарди.

Масалан, қандайдир аччиқланган бирорта китобхон унга хат ёзиб, у ёки бу мақоласи маъқул тушмаганини айтса, сўнг мактуб охирида уни ҳар хил ҳақоратларга кўмиб ташласа, Элберт Хаббард унга тахминан қуйидагича жавоб қайтарар эди:

*«Агар ўйлаб кўрсам, менинг ўзим ҳам унга кўпам рози эмасман, уни маъқулламайман. Кеча ёзганларимнинг бари ҳам бугун менга ёқмайди. Мен бу масала бўйича сизнинг фикрингизни билганимдан жудаям хурсандман. Келгуси сафар, сиз қўшни экансиз, албатта бизнинг ҳузуримизга ташриф буюринг, биз биргаликда кўнгилдагидек қилиб, уни муҳокама қиламиз. Узоқдан бўлса-да, сизнинг қўлингизни қисаман ва...*

*Сизнинг самимий ...»*

Сизга худди шундай муносабатда бўлган кишига нима ҳам дейиш мумкин?

Агар биз бирор масалада ҳақ бўлсак, одамларни хушмуомала ва меъёрида ишонтиришга уриниб кўрайлик, бордию, хатога йўл қўйган бўлсак, бу албатта, эртами-кечми содир бўлиши тайин, ўз хатоларимизни тезда ва бажонидил эътироф этиб, унга иқрор бўлайлик. Бундай усул ҳайратланарли даражадаги натижаларни беribгина қолмай, ишонасизми-йўқми, муайян шарт-шароитларда ўзини ҳимоя қилишга нисбатан бир неча карра ёқимлидир.

Эсингизда бўлсин: *«Муштлашиш орқали кўп нарсага эга бўла олмайсан, аммо чекиниш билан кутгандан ҳам ортиқ нарсани қўлга киритасан».*

Шундай қилиб, одамларни ўз нуқтаи назарингизга мойил қилмоқчи бўлсангиз, учинчи қоидага риоя қилинг:

***Агар сиз ноҳақ бўлсангиз, буни жуда тез ва қатъий равишда эътироф этинг.***

## *Тўртинчи бўлим*
## ИНСОН АҚЛ-ИДРОКИ ТОМОН ТЎППА-ТЎҒРИ ЙЎЛ

Дейлик, сиз жиғибийрон бўлсангиз, бир-икки оғиз сўз айтгандан сўнг ўзингизни енгил ҳис қилиб, елкангиздан тоғ ағдарилгандай бўлади. Ҳамсуҳбатингиз-чи? У сизнинг ҳузур-ҳаловатингизни баҳам кўрадими? Сизнинг дарғазаб оҳанг ва нохайрихоҳ муносабатингиз уни сизга мойил қилишга ёрдам берармикан?

*«Агар сиз менинг ҳузуримга қўлингизни мушт қилиб, ўқталиб келсангиз,* — деган эди Вудро Вильсон, — *ваъда бериб шуни айтаманки, менинг қўлларим ундан кўпроқ мушт бўлиб, бошингиз узра ўйнайди. Борди-ю сиз олдимга келиб: «Қани, келинг, ўтирайлик, маслаҳатлашайлик, борди-ю фикримиз бир-биридан фарқ қилиб қолса, у ҳолда бу нима туфайли, қайси ўринларда рўй берганини тушунишга ҳаракат қилайлик», десангиз, шунда дарров ўртамиздаги тушунмовчилик унчалик катта эмаслигини пайқаб қола-*

*миз. Биз келиша олмаган ўринлар жуда оз, келишиб, гапимиз бир жойдан чиқадиган ўринлар эса ниҳоятда кўп, бунинг учун сабр-тоқат, холислик ва келишиш истаги бўлса, кифоя, ўзаро келишиб кетамиз, битим тузамиз».*

Ҳеч ким Вудро Вильсоннинг айтганларини Жон Рокфеллер (кичиги) каби ҳаққоний баҳолаган эмас. 1915 йилда Рокфеллер Колорадода ҳамма нафрат билан тилга оладиган кишилардан бири бўлган эди. Икки фалокатли йил давомида бутун штат Америка саноатидаги энг қонли иш ташлашлар билан ларзага келган эди. Ғазабга минган, урушқоқ кайфиятдаги шахтёрлар «Колорадо фюэл энд айрон компани»дан иш ҳақини оширишни талаб қилишди. Бу компания эса Рокфеллер томонидан назорат қилинар эди. Компания жиҳозлари, мулки йўқотиб юборилган, армия чақирилган эди. Қон тўкилган эди. Қўзғолон кўтарганларга қарши ўт очилган, уларнинг танаси ўқдан ғалвир бўлиб кетган эди.

Атрофда нафрат муҳити ҳукм суриб турган ана шундай бир вазиятда Рокфеллер иш ташловчиларни ўз нуқтаи назарига мойил этишга уринган эди. У бунга муваффақ бўлди. Бу қандай рўй берган? Рокфеллер ўзига дўстлар орттириш учун бир неча ҳафтани йўқотиб, қўзғолон кўтарганларнинг вакиллари ҳузурида сўзга чиққан эди. Унинг ана шу нутқи дурдона асар ҳисобланади. Рокфеллер ҳайратланарли, кишини ҳаяжонга соладиган натижалар олиб келди, нафратнинг тўлқини бироз пасайиб, Рокфеллернинг бўйнига сиртмоқ солмоқчи бўлганлар совуди, фабрикачи ўзига жуда кўп тарафдорлар тўплашга муваффақ бўлди. У ўз нутқига далилларни дўстона оҳангда, самимият билан келтирди, қўзғолон кўтарган ишчиларни иш жойига қайтаришга ундади, аммо иш ҳақини кўтариш тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмади, ваҳоланки, улар айнан ана шу ҳақда қаҳр-ғазаб билан кураш бошлаган эдилар.

Қуйида мазкур машҳур нутқнинг бошланғич қисми келтирилади. Эътибор беринг, у қанчалик дўстона адо этилган.

Ёдингиздан чиқмасин, Рокфеллер ўзи қийшиқ олманинг шохига осилмоқчи бўлган кишиларнинг ҳузурида сўзга чиққан, бунинг устига у анча назокат билан гапира олмас, ҳатто шифокор-миссионерлар гуруҳи олдида ҳам сўзга чиқа

олмаганди. Унинг нутқи турли иборалар билан тўлиб-тошган эди, чунончи, «мен шу ердан туриб сўзга чиққаним учун фахрланаман», «мен сизларнинг уйларингизда бўлиб, хотин, бола-чақаларингиз билан танишдим», «биз бу ерда бегоналардай эмас, худди дўстлар каби учрашмоқдамиз» ва ҳоказо-ҳоказо эди. У «ўзаро дўстлик руҳи», «умумий манфаатли томонлар учун» тушунчаларини эслатди, ўзини бу ерда фақат назокатли кишилар тургандай тутди.

*«Бугун менинг ҳаётимда эсда қоладиган кун сифатида қолади,* — деб ўз нутқини бошлади Рокфеллер. — *Мен бугун шундай буюк компаниянинг ишчи ва хизматчилари ҳамда маъмурий-техник ходимлари вакиллари билан учрашиш шарафига биринчи бор муяссар бўлиб турибман. Мен бу ерда ҳозир бўлганим ҳамда бу йиғинда қатнашганим билан бир умр фахрланаман, деб сизларни ишонтираман. Агар бизнинг учрашувимиз бундан икки ҳафта бурун рўй берганида, сизларнинг ораларингиздан фақат айрим шахсларни таниган ҳолда кўпчилигингиз учун мутлақо бегонадек бўлиб қолар эдим. Аммо ўтган ҳафта давомида мен бутан лагерлар ҳамда жанубий кўмир бассейнларини кўришга ва сизлардан ҳар биригизнинг вакилларингиз билан алоҳида гаплашишга муваффақ бўлдим. Гарчи ўшанда айримлар иштирок этмаган бўлишса-да, мен кўпчилигингизнинг уйларингизда бўлиб, хотин, бола-чақаларингиз билан танишдим. Биз бу ерда бегона кишилар сифатида эмас, худди дўстлар каби ўзаро дўстлик ҳис-туйғуларидан келиб чиқиб, ўзимизнинг умумий манфаатларимизни муҳокама қилиш имконияти борлигидан жуда мамнунман.*

*Гарчи мазкур йиғин компаниянинг маъмурий ходимлари ҳамда ишчи-хизматчиларнинг йиғилиши ҳисобланса-да, мен фақат сизнинг илтифотингиз туфайли иштирок этмоқдаман. Мен ор-номусим билан бошқа кишиларга эмас, сизларга мансубман, мен доимо сизлар билан бирга эканлигимни ҳис этаман, чунки маълум маънода мен ҳам акциядорларни, ҳам директорликни ташкил этганман».*

Юқоридаги эътирофлар душманларни дўстга айлантирадиган жуда нозик санъат намунаси эмасми, ахир?

Фараз қилайлик, Рокфеллер бутунлай бошқача йўл тутган бўлсин. У шахтёрлар билан тортишувга киришиб, му-

нозара қилди-ю, уларнинг юзига инкор қилиб бўлмайдиган далилларни рўпара қилди, дейлик. Фараз қилайлик, Рокфеллер ўзининг сўз оҳанги ва пичинг-кесатиқлари билан уларнинг ноҳақ эканликларини тушунтиришга уринди. Фараз қилайлик, у барча мантиқий қоидалар билан уларнинг ҳақ эмаслигини кўрсатди. Шунда нималар рўй берар эди? Бу янада кўпроқ қаҳр-ғазаб, кўпроқ нафрат, кўпроқ норозиликни келтириб чиқарарди.

Агар сизга нисбатан кишининг кўнгли норозилик ҳамда ёмонлик билан тўлиб-тошган бўлса, бу дунёдаги ҳеч қандай мантиқий фикр уни сизнинг нуқтаи назарингизга мойил қила олмайди. Эзма, бақироқ ота-оналар раҳм-шафқатсиз хўжалик бошлиқлари ва эркаклар, шуларга тенг бўлган уришқоқ аёллар шуни яхши тушуниб олишсинки, бу одамлар ўз қарашларини ўзгартиришни асло истамайдилар. Уларни сиз ёки менинг айтганларимга кўндиришга мажбур этиб бўлмайди. Аммо уларга жуда юмшоқ, дўстона таъсир этганда бу ишни муваффақиятли амалга ошириш мумкин, жуда юмшоқ, жуда дўстона тарзда.

Линкольн буни деярли юз йил муқаддам аниқ айтиб ўтган эди. Мана унинг сўзлари:

*«Жуда кўҳна, аммо аниқ бир нақл бор: «тўла бочкадаги сафродан кўра, бир томчи асалга кўпроқ пашша ёпирилиб келади». Бунинг одамларга ҳам тааллуқли томони бор, агар сиз одамларни ўз томонингизга оғдириб олмоқчи бўлсангиз, даставвал сиз унинг чин дўсти эканлигига ишонтиринг. Мана ўша бир томчи асални унинг кўнглига жалб этиш мумкин, ана шунинг ўзи, нима десангиз денг-у, ана шу ақл-идрокка олиб борувчи энг тўппа-тўғри йўлдир».*

Ишбилармон кишилар дўстона муносабат жунбишга келганни ортиғи билан ҳовуридан туширишини англаб олдилар. Масалан, «Уайт мотор компани» заводи ишчи ва хизматчиларидан икки ярим минги иш ташлаш эълон қилиб, иш ҳақини оширишни талаб қилиб чиқишганида, шунингдек, фақат касаба уюшма аъзоларини ишга қабул қилишни сўраганларида, унинг президенти Роберт Ф.Блэк аччиқланмади, уларни айбламади, уларни таъқиб қилиб, коммунистларнинг бу ишга аралашганини айтишдан ўзини тий-

ди. Бунинг ўрнига у бош кўтарган, иш ташлаган кишиларга хушмуомалалик билан муомала қилишга тиришди. У Кливлендаги газеталарда эълон бериб, уларни «ўз асбоб-ускуналарини бир томонга тинчлик билан олиб қўйганлари учун» мақтаб қўйди. У намойишга чиққан кишилар бекор турганини кўриб, улар учун ўн жуфт бейсбол чиллаги ҳамда қўлқопини сотиб олиб берди ва унга бўш ётган ерда бейсбол ўйнашни таклиф қилди. Кимки кегли ўйнашни афзал деб билган бўлса, улар учун кегли майдонини ижарага олиб берди.

Блэк томонидан кўрсатилган бу дўстона муносабат нимага олиб келишини очиқ намоён этди: бу ўз навбатида дўстоналик, илиқликни юзага келтиради. Шунинг учун иш ташлаганлар супурги, белкурак ва замбилғалтак топиб, завод ҳудудида ётган гугурт, қоғоз, чиқиндиларни тозалаб чиқишди. Буни ўйга сиғдириш жуда қийин. Ўзингиз ўйлаб кўринг: улар иш ҳақини ошириш ва касаба уюшмаларини тан олиш, эътироф этиш учун кураш олиб бораётган бир шароитда завод ҳудудини тозалаб чиқишган!

Америкада меҳнат низоларининг кўп йиллик тарихида ҳеч қачон учрамаган ва буни ҳеч ким ҳали эшитмаган эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, иш бошлаш дўстона ва келишув воситасида ниҳоясига етди.

Дэниел Уэбстер бамисоли Худога энг яқин кишидай кўринар, худди Ҳазрати Ёқуб алайҳиссалом каби гапирар, энг пешқадам муваффақият қозонган адвокатлардан бўлиб, доимо сўзини судда дўстона жумлалар билан бошлар эди, масалан, «Маслаҳатчиларнинг ишини эътиборга олган ҳолда...», «Бу ҳақда, жаноблар, ўйлаб кўришга тўғри келади...», «Мана, ана шундай далиллар борки, жаноблар, уни эътибордан четда қолдирмайсиз, деб умид қиламан», «Сизнинг, сиздаги инсоний табиатга хос бўлган билимлар билан бу далилларнинг аҳамиятини тушуниш асло қийин эмас» ва ҳоказо. Бунда ҳеч қандай мажбур этиш, зўриқтириш сира билинмайди. Ҳеч қандай сиқувга олиш йўқ. Ўз фикрини бошқаларга зўрма-зўраки тиқиштириш кўринмайди. Уэбстер майин, хотиржам, дўстона ёндашувни қўллар эдики, ана шу ҳол уни машҳур бўлишига олиб келди.

Балки сизга бир умр иш ташлашни тўхтатиш ёки судда чиқишга тўғри келмас, аммо уйнинг тўлов ҳақини пасайтиришларини хоҳлаб қоларсиз. Шунда ушбу дўстона ёндашув ёрдам бермасмикан? Келинг, буни кўриб чиқайлик.

Муҳандис О.Л.Страуб уй ҳақини камайтиришларини истаб қолди. У уй эгаси жуда шафқатсиз одам эканлигини жуда яхши билар эди. *«Мен унга,* — деди Страуб гуруҳ машғулотида, — *ижара муддати тугаган ҳамон уйни бўшатаман, деб ёзма хабар юбордим. Аслида эса, ростини айтсам, бошқа жойга кўчмоқчи эмас эдим. Агар уйнинг тўлов ҳақини пасайтиришса, қолишни жудаям истар эдим. Аммо аҳвол жуда чатоқ эди. Бу ишни бошқа уйларда турган ижарачилар ҳам амалга оширишмоқчи эди, аммо бари натижасиз қолди. Ҳаммамиз бу уй эгаси билан тил топишиш жуда қийин, деган фикрга келдик. Аммо мен ўз-ўзимга: «Мен-ку одамлар билан муомалада бўлиш санъати бўйича курсни ўтаяпман, келинг, шу соҳада бир билимимни синаб кўрайин, кўрайлик-чи, нима бўлар экан?» дедим.*

*Уй эгаси хатни олган заҳоти ўзининг котиби билан ҳузуримга ташриф буюрди. Мен уни эшик ёнида худди Чарли Шваб каби кўтаринки руҳда кутиб олдим. Очиқ-сочиқ хушхандон ва кўтаринки кайфиятда бўлдим. Гапни уй ҳақининг баландлигидан бошламадим, албатта. Мен гапни бу уй менга жуда ёқади, деган жумладан бошладим. Ишонинг, «мен баҳолашда чин юракдан самимий, мақтовда эса жуда сахий» эдим. Мен ундан бу уйни қандай бошқараётганини сўрадим, сўнгра бу ерда бир йил қолмоқчи эдим, аммо бунга журъат этолмаяпман, деган гапни айтиб бироз хушомад ҳам қилдим. Унинг уйида истиқомат қилувчиларнинг бирортаси ҳам уни бу тарзда пешвоз чиқиб, кутиб олишмаган эди. У буни қандай тушунишни билмай каловланиб қолди.*

*Ана шунда у ўзининг олдида турган нохушликлар ҳақида ҳикоя қила бошлади ва уйда турганлар устидан шикоят қилди. Улардан бири 14 та хат ёзган экан, бунинг устига айримлари ҳақоратомуз мазмунда экан. Бошқаси эса ижара тўғрисидаги шартномани бузаман, деб пўписа қилар, боиси шуки, ундан бир қават баланд турадиган одам кечаси тинмай хуррак отар экан. Шунга уй эгаси чора кўриши керак эмиш. «Сиздай ижарагир турса, менга қанчалик ен-*

*гил бўлар эди», деди у. Шундан кейин мен томонимдан ҳеч қандай илтимос бўлмай туриб, менинг ижара ҳақимни камайтиришни таклиф қилиб қолди. Мен кўпроқ арзонлаштиришни истар эдим. Шу сабабли нархни айтдим, чунки пулим шунга зўрға етар эди. Уй эгаси эса ҳеч қандай эътироз билдирмай шунга рози бўлди.*

*У кетар экан, менга бурилиб: «Сиз бу уйни қандай кўринишда таъмирлаб беришимни истар эдингиз?» деб сўраб қолди.*

*Агар мен бошқа ижарада турувчилар қўллаган усул билан уй ҳақини камайтиришни сўраганимда албатта муваффақиятсизликка учраган бўлар эдим. Дўстона, ҳамдардлик билан ва иззат-ҳурматга асосланган ёндашув туфайли мен ғалаба қозонишга муваффақ бўлдим».*

Бошқа мисолни олиб кўрайлик. Бу иш аёлга, бунинг устига оқсуяклар жамиятига мансуб Дороти Дей хонимга оид бўлиб, у Лонг-Айленднинг бепоён қумзор ҳудудида жойлашган Гарден-Ситидан эди.

*«Мен яқинда дўстларимнинг унча катта бўлмаган гуруҳига зиёфат бердим, — деб ҳикоя қилади Дей хоним. — Бу мен учун жуда катта воқеа эди. Табиийки, мен бари жуда силлиқ ўтишини истардим. Метрдотель (меҳмонхоналардаги бош мезбон) Эмиль бундай шошилинч пайтларда албатта менга ёрдам берар эди. Аммо бу сафар у мени танг аҳволда қолдирди. Нонушта зиёфати муваффақиятсиз ўтди. Эмиль ҳеч қаерда кўринмасди. У бизга фақат битта официантни ажратган эди. Бу одам эса биринчи тоифа хизмат кўрсатиш бўйича сал бўлсаям тасаввурга эга эмас экан. Менинг ҳурматли меҳмонимга у энг охирида хизмат кўрсатди. Биринчи гал унга озгина солдерейни катта идишда узатди. Гўшт жуда қаттиқ бўлиб, картошка ниҳоятда қалин кесилган эди. Бу эса шармандали ҳол эди. Менинг эсим оғиб қолаёзди, жуда қаттиқ ғазабландим. Ўзимни бир амаллаб зўрға қўлга олдим-у, бу азоб бераётган синовга ўлганнинг кунидан кулиб турдим, аммо ичимда: «майли, ҳали Эмилни бир кўрсам эди, унга кўрсатиб қўяман», дедим.*

*Воқеа чоршанба куни бўлган эди. Эртаси куни кечқурун мен одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида маъруза*

*тингладим. Ана шунда Эмилдан қанчалик беҳуда хафа бўлганимни, унинг таъзирини бермоқчи бўлганим бемаъни эканлигини англаб етдим. Бу фақат уни аччиқлантирар ҳамда ранжитар эди. Бу ҳол келгусида унинг менга ёрдам беришига нисбатан бўлган барча хоҳиш-истагимни сўндирарди. Мен мазкур воқеага унинг нуқтаи назаридан ёндашдим. Озиқ-овқат маҳсулотларини у олмаган, нонуштани ҳам у тайёрламаган эди.*

*Эмиль айрим официантлари ўта нодон, тўнка эканлигига нисбатан ҳам ҳеч нарса қила олмасди. Менинг жаҳлим чиққанига сабаб — ҳаддан зиёд шафқатсиз ва инжиқ эканлигим билан изоҳланар эди. Шу сабабли унинг шаънига нисбатан бўладиган танқидни мен миннатдорчилик ифодаси билан гап бошлаб, бунга дўстона ёндашишга аҳд қилдим. Бундай ёндашув ниҳоятда ажойиб натижа берди. Мен Эмилни эртаси куни кўрдим. У ўзини ҳимоя қилишга тайёрланиб, жанг қилишга тайёр ҳолга келган эди. Унга шундай дедим: «Биласизми, Эмиль, мен шуни билишингизни истардимки, мен дўстларимни остонамда кутганимда фақат сизга таянаман, бунга имконият етади, бу мен учун катта аҳамиятга эга. Сиз Нью-Йоркдаги энг яхши метрдотелсиз (меҳмонхоналардаги бош мезбон). Мен озиқ-овқат маҳсулотларини сиз харид қилмаганингизни, таомни ҳам сиз тайёрламаганингизни жуда яхши биламан. Чоршанба куни рўй берган воқеа учун сиз айбдор эмассиз».*

*Булутлар тарқалиб кетди. Эмиль кулимсираб шундай деди: «Тўппа-тўғри, хоним, аслида нохушлик ошхонада бошланган эди. Менинг бу ерда ҳечам айбим йўқ».*

*Мен сўзимни давом эттирдим: «Мен яна бир нечта қабул кунларини ўтказмоқчиман, шунга, Эмиль, сизнинг маслаҳатингиз керак. Яна бир бор сизни овқат тайёрлашингизга таваккал қилиб кўрсак, шунга таянсак бўладими?»*

*«О, хоним, бўлмасам-чи, албатта, бўлади. Аввалги аҳвол ҳеч қачон такрорланмаслиги керак».*

*Келгуси ҳафта мен яна нонушта зиёфатини ташкил этдим. Таомномани биз Эмиль билан бирга туздик. Мен унга доимгидай эмас, икки баробар кам чойчақа бердим, ўтган хатоларни мутлақо эслатмадим.*

*Биз стол атрофидан жой олганимизда, унда икки дюжина «американча соҳибжамол» деган гулчамбар қўйилган эди. Эмиль бир зум тингани йўқ. У қиролича Марияни кутиб олганида ҳам менинг меҳмонларга кўрсатганчалик илтифот кўрсатмас эди. Овқатларни тановул қилиш ажойиб ҳамда жуда қизғин ўтди. Хизмат қилишни-ку, асти қўяверасиз. Иссиқ таомларни бир эмас, тўрт нафар официант дастурхонга тортди. Зиёфат охирида ажойиб ялпиз таъмли ликёрни Эмилнинг ўзи манзират қилди.*

*Биз тарқалар эканмиз, менинг иззатли меҳмоним сўраб қолди: «Сиз бу метрдотелни қандай қилиб сеҳрлаб қўйдингиз? Мен ҳеч қачон бундай хизмат кўрсатиш, бу қадар эътиборни кўрмаган эдим».*

*Меҳмон ҳақ эди. Мен уни дўстона ёндашув ҳамда унинг иззат-нафсониятини самимий баҳолаш орқали сеҳрлаб қўйган эдим, холос».*

Кўп йиллар муқаддам оёқ яланг бола эканимда, Миссури штатининг шимоли-ғарбидаги қишлоқ мактабига ўрмон орқали қатнаганман. Ўшанда қуёш ва шамол тўғрисидаги бир масални ўқиб қолдим. Улар, ким кучли дея тортишиб қолишади. Шунда шамол: *«Мен ким кучли эканини кўрсатиб қўяман. Ҳов нариги томонда турган қарияни кўряпсанми? Мен сендан олдинроқ унинг устига плашчини ечишга мажбур қиламан, гаров ўйнашдан қўрқмайман»*, деди.

Шундай қилиб, қуёш булутлар орасига кирибди, шамол эса увиллаб, бўронга айланибди. У қанчалик кучли увиллаб эсса, қария шу даражада плашчига ўралар экан.

Ниҳоят, шамол тинибди, сўнг бутунлай тўхтабди, шунда қуёш булутлар бағридан хушфеъл ҳолда қарияга жилмайиб қарабди. Кўп ўтмай у пешанасидаги терни артибди-да, плашчини ечибди. Шунда қуёш шамолга қараб: *«Бағрикенглик ва яхшилик, дўстона феъл-атвор ҳамиша зўравонликни қувиб юборади»*, деган экан.

Мен бу масални болалик пайтимда ўқиб чиққан бўлсамда, ундаги ҳақиқатни фан ва маданият маркази ҳисобланган, ўша пайтда бир кўриш орзусида бўлганим тарихий шаҳар Бостонда аниқ англаб етдим. Уни бостонлик врач А.Х.Б. кўрсатиб берди. У кейинчалик орадан ўттиз йил ўттач, менинг тингловчиларимдан бири бўлиб қолди. Мана доктор

Б.нинг гуруҳ машғулотларидан бирида айтиб берган воқеаси:

*«Ўша кунлари бостонлик газеталарнинг бари мутахассис «абортчилар» ва фирибгар шифокорларнинг турли эълонларини босиб, ола-була бўлиб чиқаётган эди. Уларда эркакларни даволаш таъкидланар, аслида эса «эркаклик қуввати йўқолиши»ни ҳамда бошқа ваҳимали нарсаларни айтиб, уларни қўрқитиб, алдаш билан машғул эдилар. Бундай даволаш шунга олиб келдики, улар ўз қурбонларини доимий қўрқув исканжасида тутишар, уларга мутлақо тиббий ёрдам кўрсатмасдан туриб, фирибгарлик қилишарди. Бу «абортчилар» томонидан жуда кўп ўлим ҳодисасига йўл қўйилган бўлса-да, уларни ҳеч ким жазога тортмади. Кўпчилик ҳолларда улар озгина жарима билан қутилиб ёки сиёсий босим ёрдамида жазоланмай қолишар эди.*

Аҳвол шу даражада ҳалокатли эдики, Бостоннинг одамшаванда фуқаролари яхшилик йўлида ғазаб билан бош кўтаришди. Руҳонийлар, диний ваъзхонлар кафедраларни муштлаб, газеталарни қоралаб кетишди ва Яратгандан бу рекламага нуқта қўйишни ёлвориб сўрадилар. Фуқаролик ташкилотлари, ишбилармон одамлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар клуби, черковлар, ёшлар уюшмаси уни қоралаб лаънатлади, аммо барча ҳаракатлар беҳуда кетди. Штатнинг қонун чиқарувчи идораларида бу рекламани ноқонуний, деб эълон қилиш кураши бошланди. Шунга қарамай, порахўрлик ҳамда сиёсий босим ғалаба қозонган эди.

Ўша пайтда доктор Б. Катта Бостондаги насронийлар иттифоқининг одамшаванда фуқаролар қўмитаси раиси эди. Мазкур қўмита барча ҳаракатларни адо этди, аммо бари муваффақиятсизликка учради. Тиббиёт соҳасидаги жиноятчиларга қарши бўлган кураш иложсиз ҳолга келиб қолди.

Мана шундай кечаларнинг бирида соат ўн иккидан кейин доктор Б.нинг калласига бир фикр келди, у бир усулни қўллашга қарор қилдики, буни илгари Бостонда ҳеч ким ишга солмаган эди. У яхшилик исташ, ҳамдардлик, бир-бирини тушуниш ёрдамида ҳаракат қилишга қарор қилди. Шундай йўл тутсинки, ноширларнинг ўзи худди шундай эълонларни чоп қилишни тўхтатсин. Бунинг учун Б. «Бос-

тон геральд» газетаси нашриётига хат ёзиб, бу газетага мафтун бўлиб қолганини айтиш билан гап бошлади. Газетанинг доимий газетхони сифатида у янгиликлар ҳамиша холис ёритилаётганлиги, шов-шувни кўп ҳисобга олмаётгани, бош мақолалар ҳамиша юқори савияда эканлигини алоҳида қайд этмай ўтиш мумкин эмас, деди у. *«Бу ажойиб газета оилавий бўлиб ўқишга мўлжалланган бўлиб,* — деди доктор Б. умид билдириб, — *у янги Англия учун яхши газета, бутун Америка учун эса энг ажойибларидан биттасидир».*

*«Аммо,* — деб ёзади сўнгра доктор Б. — *менинг дўстларимдан бирида ўсмир қиз бор. Ана шу ошнамнинг ҳикоя қилишига кўра, қизи бир куни кечқурун аборт мутахассисининг эълонларини овоз чиқариб ўқиб берибди ҳамда айрим ибораларнинг мазмунини тушунтириб беришини сўрабди. Ростини айтганда, у эсанкираб қолибди ва унга қандай жавоб қайтаришни билмаган. Сизнинг газетангизга Бостоннинг энг яхши оилалари обуна бўлган, шундай экан, бундай ҳол бошқа оилаларда ҳам такрорланмаслиги керак. Агар сизнинг кичкина қизингиз бўлса-ю, у шундай эълонларни ўқиб олса, сизга ёқармиди? Борди-ю ўқиб чиққанлиги аниқ бўлса-да, уни изоҳлашни талаб қилса, сиз қандай иш тутган бўлардингиз?*

*Шундай ажойиб газета, барча жиҳатлари билан каму кўстсиз сизнинг газетангизда айрим оталарни қўрқишга мажбур этувчи материаллар ҳам босилмоқда, қизимнинг қўлига, илоҳо, тушиб қолмасин, деб ота-оналарнинг ташвиши ортяпти. Фақат мен эмас, балки сизнинг минглаб обуначиларингиз худди шундай туйғуларни бошидан кечираётганлиги рўй бермаяптими?!»*

Орадан икки кун ўтгач, «Бостон Геральд» газетаси ноширн доктор Б.га ўзининг жавобини юборди; доктор бу хатни чорак аср сақлаб, тингловчим бўлгач, менга берди. Ҳозир ўша мактуб қўлимда сақланмоқда. Хатга 1904 йил 13 октябр санаси қўйилган.

*«Тиббиёт доктори А.Х.Б. га*
*Бостон, Массачусетс штати*

*Муҳтарам сэр!*

*Сизнинг жорий ойнинг 11-санасидаги мактубингиздан жуда миннатдорман, бу газета нашри сифатида менга юборилгани учун бизни охирига қадар чора кўришга ундади. Мен мазкур вазифага киришганим ҳамон буни амалга оширишга киришган эдим.*

*Душанба кундан бошлаб имкон борича «Бостон Геральд» газетасини шубҳали ҳар қандай реклама материалидан тўла-тўкис тозалаб чиқишни мўлжаллаганман.*

*Шифокорларнинг турли тавсиялари ва шунга ўхшаш эълонлар бутунлай тўхтатилади. Ҳозир воз кечиб бўлмайдиган бошқа тиббий эълонлар жиддий равишда синчиклаб таҳрир этилади ва тўла равишда ранжитмайдиган характер касб этади.*

*Сизга меҳр билан ёзилган мактубингиз учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман, бу билан сиз менга мазкур масала хусусида ёрдам кўрсатдингиз.*

*Самимият ила У.Хаскелл, нашр».*

Қадимги юнон масалчиси Эзоп Крез шоҳлиги даврида саройда қул бўлиб хизмат қилар эди. У ўзининг ўлмас масалларини эрамиздан олдин олти аср муқаддам ёзган бўлиб, инсон табиатига хос ҳақиқатлар ҳозир ҳам Бостонда, ҳам Бирменгемда худди икки ярим минг йил олдин қандай бўлса, Афинада шу даражада ҳақиқийдир. Қуёш қиздириб, сизни плашчингизни ечишга мажбур этади, олижаноблик, назокат ва яхшиликни соғиниш, дўстона ёндашув ва бир-бирини тушуниш қобилияти ўзгармас тирғалишлар ўрнига одамларнинг ўз фикрини ўзгартиришга мажбур қилади.

Линкольннинг гапи эсингизда бўлсин: *«Бир бочка сафрога нисбатан бир томчи асалга кўпроқ пашша ёпишади».*

Шундай қилиб, агар сиз одамларни ўз нуқтаи назарингизга мойил этмоқчи бўлсангиз, тўртинчи қоидага риоя этишни унутманг:

***Даставвал ўзаро дўстона муносабатни маҳкам тутинг.***

*Бешинчи бўлим*
## СУҚРОТНИНГ СИРИ

Бирор киши билан суҳбатлашганда, у билан фикрингиз бир жойдан чиқмайдиган масалаларни муҳокама қилишдан асло гап бошламаганингиз маъқул. Фақат муносабатларингиз мутаносиб бўлган, яъни фикрларингиз мос келадиган ўринларни алоҳида маъқулланг, такрор айтаман, маъқуллангки, бунинг аҳамияти катта. Агар имкони бўлса, иккингиз ҳам ҳамма вақт битта ва асосий мақсадга таянинг, чунки фарқ мақсадга эмас, балки ёндашган усулларга интилганингизни маълум қилсин.

Шундай қилингки, ҳамсуҳбатингиз гапнинг бошиданоқ сизга «ҳа, ҳа»деб жавоб берадиган бўлсин. Унинг «йўқ» деб жавоб беришига имкон берманг.

*«Рад бериладиган жавоб*, — дейди профессор Оверстрет ўзининг «Инсон хулқ-атворига таъсир қилиш» номли китобида, — *ўзида анчагина қийин кечадиган тўсиқларни қамраб олади. Одамга «йўқ» деганингиз заҳоти унда худбинлик бош кўтаради ва у ўзининг муҳокамаларида қатъий туришга ҳаракат қилади. Кейинчалик у ўзининг «йўқ» дегани ноўрин эканлигини тушунади; ахир ўзининг қимматбаҳо худбинлиги билан ҳисоблашиши керак-ку! Бир куни қандайдир фикрни айтар экан, у шуни қуллаб-қувватлашга мажбурдир. Шунинг учун биз инсонга гапимизни маъқуллашга ундашимиз фавқулодда муҳим аҳамиятга эга».*

Моҳир нотиқ дастлабки гап-сўзидан бошлаб, ҳамсуҳбатини ҳамиша «ҳа» деб гапиришга мажбур этади. Шу билан у тингловчилари онгида рўй берадиган руҳий жараённи ўзи хоҳлаган ўзанга буриб юборади. Бу ҳолат биллиард шарининг ҳаракатини ёдга солади. Уни бирор нуқтага йўналтириш учун муайян куч керак, ана шу туфайли у ҳаракат йўлини ўзгартиради. Тескари йўналиши учун эса ундан янада кўпроқ куч талаб қилинади.

Руҳий нуқтаи назардан қараганда, фикрлар оқими бу ўринда бутунлай равшан. Агар одам ишонч билан «йўқ» деса, у нафақат уч товушни талаффуз қилади, балки анчайин каттароқ иш қилади. Унинг бутун жисми жони, яъни организм — ички секреция безлари, асаб тизими, тўқималар,

пайлар — бари фаол тарзда қаршилик кўрсатишга шайланади. Шундай тасавввур уйғонадики, гўё бу одам ана-мана дегунча сиздан бутунлай жисмонан узоқлашмоқда, боз устига бу ҳолат кўпинча очиқ-ойдин намоён бўлади. Қисқача қилиб айтганда, унинг бутун асаб-тўқима тизими зарба беришга тайёр бўлишга интилади. Аксинча, бордию, у «ҳа» дейдиган бўлса, ҳеч қандай қарама-қаршилик кўрсатиш реакцияси содир бўлмайди. Унинг жисми жони, яъни организми очиқ-ойдин сизга учрашишга, сизга рози бўлишга киришади, хайрихоҳлигини намоён қилади. Шунинг учун биз ҳамсуҳбатимиздан қанчалик кўп «ҳа» жавобини олсак, уни шунчалик охирги фикримизни қабул қилишга мойиллигини оширишга эришсак, у шубҳасиз, тез кўнади.

Бу тасдиқловчи жавоб усули бўлиб, у жуда оддийлиги билан ажралиб туради. Уни ҳамма жойда бутунлай писанд қилмаймиз, илтифотсизлик кўрсатамиз. Баъзан бу иш шундай кўринадики, одамлар ўзларининг қадр-қимматини баланд кўтариб, ўзларига нисбатан душманона муносабатни юзага келтирадилар. Радикал сўл қарашларга эга бўлган одам худди шундай ҳамкасблари билан йиғилишга боради ва у ерда уларни ғазабга миндиришга чидай олмайди! Аслида бу унга нима ҳам беради? Агар бу унга ҳузур-ҳаловат бағишлашга уринган бўлса, уни ҳам кечириш мумкин. Аммо у ниманидир қўлга киритиш учун бирор нарсани мўлжаллаган экан, руҳиятда кўрсатилгани каби тўла-тўкис ҳеч нарсадан хабари йўқ ношуддир.

Талаба (ёки мижоз, бола, эр, хотин)га даставвал сизга «йўқ» дейишлари ҳамда бу ғазабнок рад этишни розилик аломатига айлантириш учун сизга фаришталарнинг донишмандлиги ва сабр-тоқати кераклигини билдиришга изн беринг.

Бу «тасдиқловчи жавоблар усули»идан фойдаланиш Нью-Йоркдаги Гринвич омонат банки хазиначиси Жеймс Эберсонга янги омонатчини топиш имконини берди, акс ҳолда унинг учун кўп нарса йўқотилган бўлур эди.

*«Бу одам ҳисоб варақаси очиш учун келган эди,* — деб ҳикоя қилади Эберсон, — *ва мен унга тўлдириш учун ўзимизнинг одатдаги варақамиздан бирини бердим. У айрим саволларга бажонидил жавоб берди, бошқаларига эса мутлақо жавоб беришдан бош тортди.*

*Мен одамлар ўртасидаги муносабат муомалаларини ўрганганимга қадар бу имконияти катта мижозга керакли маълумотларни беришдан бош тортган тақдирда унга ҳисоб очилмаслигини айтган бўлар эдим. Азбаройи уялиб бўлса-да, мен шуни тан олиб айтаманки, ўтмишда ана шундай ҳол рўй берган эди. Ўз-ўзидан маълумки, мен унга айнан шундай талабни, яъни ультиматумни қўйгач, менинг бошим осмонга етгандек бўлди. Мен бу ерда ким хўжайин, бизнинг қоида ва тартибларимизни ҳеч ким буза ололмаслигини тушунтириб қўйишни истаган эдим унга. Шу билан бирга бундай муносабат бизнинг мижозимиз бўлиш учун келган кишининг иззат-нафсониятига бироз тегиб кетадиган ҳолатни юзага келтирмаслиги мумкин эмас эди.*

*Ўша куни эрталаб бироз соғлом фикр намоён қилишга жазм қилдим, мен банк нима хоҳлагани тўғрисида эмас, балки биринчи навбатда мижознинг гапини бошиданоқ «ҳа» дейишига эришиш учун сўз юритишга қарор қилдим. Шу боис у беришдан бош тортган маълумотларни мутлақо зарур эмас деб белгилаб, шунга рози бўлдим.*

*«Фараз қилайлик, сизнинг ўлимингиздан кейин, — дедим мен, — ҳисобингизда анчагина маблағ қолган. Сиз шу маблағни банк ҳуқуқий асоси бор бўлган бирорта қариндошингизга ўтказишини истамасмидингиз?»*

*«Ҳа, албатта хоҳлардим», деб жавоб берди у.*

*«Сиз шу яқин қариндошингизнинг номини айта олмайсизми, токи у вафотингиздан кейин қийинчиликсиз ва ҳеч қандай тўсиқларсиз иродангизни адо этишини истармидингиз?»*

*У яна «ҳа», деб такрорлади.*

*Бу ёш йигитнинг кайфияти ўзгариб, яхшиланди, чунки биз унга унинг манфаатлари учун, ўзининг эмас, шу маълумотларни сўраётганимиз равшан бўлиб қолди. Бу йигит банкдан чиқишдан олдин фақат ўзи тўғрисида менга маълумот беришгина қолмай, маслаҳатимга кўра, ўзининг онасига ишонч ҳисоби очди ҳамда унга тааллуқли барча саволларга бажонидил жавоб берди.*

*Мен дастлаб гапнинг бошиданоқ уни «ҳа» дейишга тезгина кўндирганим туфайли тортишув воситаси ёдимдан*

*кутарилиб кетди ҳамда унга маслаҳат берганимдан сунг барини кутаринки руҳ билан бажардим».*

*«Бизнинг ҳудудимизда бир одам бор эди,* — деб ҳикоя қилади «Вестинграуз» фирмаси ходими Жозеф Эллисон, — *компаниямиз ўз маҳсулотини ана шу одамга сотишни жудаям истар эди. Менинг издошим унинг ҳузурига ўн йилга яқин вақт қатнади, аммо барибир унга ҳеч нарса сота олмади. Бу ҳудуд ихтиёримга ўтганидан кейин мен ҳам уч йил давомида сабр-тоқат билан унинг ҳузурига бордим, барибир ҳеч қандай буюртма ололмадим. Ниҳоят, ўн уч йиллик ташриф буюриш ва музокаралардан кейин биз уларга бир нечта мотор сотдик. Агар бу партиядаги моторлар мижозни қаноатлантирса, унинг изидан бир нечта моторга буюртма келади, деб ҳисобладим. Менинг кутганим ана шулардан иборат эди.*

*Фикрларим нотўғри муҳокама натижаси эдими? Мен моторларнинг бари яхши эканлигини билар эдим. Шу сабабли уч ҳафтадан сўнг унинг ҳузурига кирганимда, кайфияти жуда кутаринки руҳда эди.*

*Аммо у шу даражада кутаринки ҳолида қолмади, чунки бош муҳандис мени бир хабар билан қарши олдики, эшитиб, қотиб қолдим: «Эллисон, мен қолган моторларни сиздан сотиб ололмайман».*

*«Нима учун?» ҳайратга тушиб сўрадим мен.*

*«Чунки моторларингиз тез қизиб кетади, уларга қўл теккизиб бўлмайди».*

*Билардим, тортишгандан ҳеч қандай маъни келиб чиқмасди. Мен бу усул билан жуда кўп иш кўришга ҳаракат қилганман. Аммо шундай қилиш керакки, у «ҳа» десин, мазмундаги фикр калламга келди.*

*«Қулоқ солинг, Смитт жаноблари, — дедим мен. — Мен сиз билан юз фоиз розиман, агар бу моторлар ҳаддан зиёд қизийдиган бўлса, уни энди сотиб ололмаслигингизга тўғри келади. Сизга электротехника саноати миллий уюшмаси томонидан ўрнатилган андазалар бўйича қизиши ортиқ бўлмаган моторлар керак, шундайми?»*

*У рози бўлди. Мен биринчи жавобни олдим: «ҳа!».*

*«Уюшма андазаларида тўғри лойиҳалаштирилган мотор ўрнатилган хона ҳароратига кўра фаренгейт бўйича 72 градус қизиши керакми?»*

*«Ҳа, — деб жавоб берди у рози бўлиб, — тўппа-тўғри. Аммо сизнинг моторларингиз кўпроқ қизиб кетади».*

*Мен у билан тортишиб ўтирмадим. Фақат: «Сизнинг цехингиздаги ҳарорат қанча?» деб сўрадим.*

*«Цехда тахминан фаренгейт бўйича 75 градус».*

*«Нима ҳам қилардик, — деб жавоб бердим мен, — агар цехингизга 75 градус бўлса, унга 75 градусини қўйсангиз, бу фаренгейт бўйича 147 градус бўлади. Унинг тагига қўлингизни қўйсангиз, устидан оққан сув 147 градус бўлиб қўлингизни куйдириб юбормайдими?»*

*У яна «ҳа» дейишга мажбур бўлди.*

*«Бу моторларга, яхшиси, қўл теккизмаслик маъқул эмасми?»*

*«Ҳа, дарвоқе, сиз ҳақсиз», — деб эътироф этди у. Биз яна бир неча дақиқа суҳбатлашдик. Сўнгра у ўз котибасини чақирди-ю, бизга қўшимча буюртма учун келгуси ойга тахминан 35 минг доллар маблағ ўтказишини буюрди.*

*Мен йиллар давомида бу буюртмалар учун сон-саноқсиз минглаб доллар сарфлаганман, фақат мижоз билан тортишиш, у билан мунозара қилишдан кўра, маҳсулотга суҳбатдошингизнинг кўзи билан қараш ва уни «ҳа» дейишга кундириш фойдали ва қизиқарли эканлигини тушундим».*

«Афина сўнаси» деган лақабга эга бўлган Суқрот гарчи оёқ яланг юриб, ўн тўққиз ёшли қизга уйланган бўлса-да, қирқ ёшга кирган ва бошидаги сочлари тўкилиб, тепакал бўлган бўлишига қарамай, ҳурматга лойиқ одам эди. У бутун инсоният тарихида жуда озчилик одамлар амалга оширган улуғ ишларни адо этди, инсоният тафаккурини тубдан ўзгартирувчи кашфиётлар ихтиро қилди. Мана, орадан 23 аср ўтгач, вафотидан сўнг уни энг донишманд файласуфлардан бири деб эътироф этишади. Суқрот ҳақиқатдан ҳам ўзининг санъати билан тортишувларга тўлиб-тошиб ётган дунёга таъсир эта олганлардан бири эди.

Унинг усули нимада эди? У одамларга, сизлар ноҳақсиз, деб айтганмиди? О, йўқ, фақат Суқрот айтмаган. У ҳаддан зиёд фаросатли, серфаҳм эди. Унинг ҳозир «суқротча усул» деб номланган ёндашуви ҳам суҳбатидан тасдиқловчи жавобни олишга мўлжалланган эди. У шундай саволлар бе-

рардики, мухолифи шунга кўнишга мажбур бўлар, у яна ва яна ўзининг ҳақлигини ўша ва жуда кўп тасдиқловчи жавоблар туфайли эга бўларди. У шундай саволлар беришда давом этардики, ниҳоят мухолифи бир неча дақиқа олдин қизишиб турган бўлса ҳам қандай бўлмасин, ўша хулосага келганини билмай қоларди.

Келгуси сафар биз ўлгунимизча одамга унинг ноҳақлигини айтиб, тортишишни истаб турганимизда, келинг, ялангоёқ қария Суқротни эслайлик ва ҳамсуҳбатимизга муроса келтирувчи ва «ҳа» жавоби келадиган ўзимизнинг саволни берайлик. Хитойликларда узоқ асрлардан буён шарқда деярли ўзгармаган ҳикматона бир мақол бор: *«Кимки аста қадам қўйса, у узоқ юриб, кўп нарсага эришади».*

Улар инсон табиатини англаш учун беш минг йил сарфлашди, бу хитойликлар шу жиҳатдан жуда ўткир ақл соҳибларидир: *«Кимки, аста қадам қўйса, узоқ юриб, кўп нарсага эришади».*

Шундай қилиб, агар сиз кимнидир ўз нуқтаи назарингизга мойил этмоқчи бўлсангиз, бешинчи қоидага риоя қилинг:

***Ҳамсуҳбатингизни дарҳол «ҳа» дейишга мажбур этинг.***

*Олтинчи бўлим*

## ШИКОЯТНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ НАЖОТБАХШ ЙЎЛИ

Бошқаларни ўз нуқтаи назарига мойил қилмоқчи бўлган кишиларнинг аксарияти ҳаддан зиёд кўп гапириб юборишади. Ўзлари учун қимматга тушадиган бу хатога кўпинча савдо агентлари йўл қўядилар. Бошқаларнинг ҳам гапиришларига йўл қўйиб беринг, ахир! У ўзига нисбатан иши ва муаммолари хусусида чуқур мулоҳазаларга эга, шу сабабли унга кўпроқ саволлар беринг. Майли, сизга нималар тўғрисидадир маълумот берсин.

Борди-ю, сиз унинг фикрларига қўшилмасангиз, сизда уни қайтариб ташлаш истаги пайдо бўлади. Асло ундай

қила кўрманг. Бу хавфли. У ўзида бўлган жами фикрларни сарфламай туриб, сизга эътибор ҳам бермайди. Чин юракдан эшитганингизни намоён қилинг. Ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён этишга имкон беринг.

Шу тахлитдаги усул ишбилармонлик муносабатларида ўзини оқлайдими? Келинг, ана шуни кўриб чиқайлик. Мана, бунга мажбур бўлган кишиларнинг ҳикояси.

Бир неча йил муқаддам АҚШ автомобиль фирмаларидан бири йиллик истеъмол талаби билан қоплама материалнинг катта партиясига доир буюртма учун музокара олиб борган эди. Учта пешқадам тўқимачилик фабрикаси газмол намуналарини тайёрлади. Автомобиль компанияси маъмурлари ушбу намуналарнинг бари билан танишиб чиқдилар ва ҳар бир таъминловчига унинг вакили қайси куни ўзининг якуний сўзга чиқишга илтимосини билдириши мумкинлиги маълум қилинган эди.

Тўқимачилик фирмаларидан бирининг вакили Ж.Б.Р белгиланган жойга келганида, бетоб эди — унда ларингитнинг ўткир хуружи бошланган эди. *«Автомобиль компанияси маъмурлари йиғилишида маъруза қилиш навбати менга келганда*, — дейди Р. курсимдаги тингловчилар ҳузурида сўзга чиққанида, — *овозим мутлақо чиқмай қолди. Мен зўрға шивирлаб гапирар эдим. Мени залга таклиф қилишди, шунда газмоллар бўйича мутахассис, харид бўйича агент ва савдо-сотиқ ишлари бўйича директор ҳамда компания президенти билан рўпара бўлиб қолдим. Ўрнимдан дадил турдим-да, нутқ сўзлашга ҳаракат қилдим. Аммо томоғимдан фақат чийиллаган овоз чиқди, холос.*

*Иштирок этаётганлар битта стол атрофида ўтиришган эди. Ва мен ён дафтарим варағига: «Жаноблар! Менинг овозим чиқмай қолди. Гапира олмайман!» деб ёздим.*

*«Сиз учун мен гапираман», деди президент. У мен келтирган намуна нусхаларининг ижобий томонларини алоҳида таъкидлаб, уларни намойиш қилди. Газмолларнинг афзалликлари хусусида жонли мунозара юзага келиб, у жонланиб кетди. Ўрнимга сўзга чиққан президент ҳам менинг тарафимни олди. Менинг иштироким шунда бўлдики, жилмайиб турдим, бошимни қимирлатдим ва баъзан имо-ишоралар қилиб турдим.*

*Мазкур катта йиғилишда мен умумий миқдори 1600 доллар қийматга эга бўлган 500 миллиард қоплама материалга мўлжалланган буюртма олдим. Шартнома тузилди, бу шу вақтга қадар мен муяссар бўлган энг катта буюртма эди.*

*Мен, агар овозим йўқолмаганида, бу шартномадан маҳрум бўлишимни жуда яхши билардим. Бахтли тасодиф туфайли баъзи ҳолларда бошқаларнинг гапириши катта фойда келтиришига амин бўлдим».*

Филадельфия электроника компанияси ходими Жозеф С.Уэбб ҳам айнан шундай кашфиёт қилди. Ўшанда у Голландиядан келиб қолган бадавлат фермерлар жойлашган Пенсильвания штатидаги қишлоқларнинг бирида назорат сафарида эди.

*«Нима сабабдан бу одамлар электр қувватидан фойдаланмайди?»* деб сўради у компаниянинг маҳаллий вакилидан жуда яхшигина жиҳозланган ферма ёнидан ўтишар экан.

*«Улар ўлгудек қурумсоқ. Уларга бирор нарса сотиб кўринг,* — деб нохушлик билан жавоб берди вакил, — *компанияни ҳам кўрарга кўзлари йўқ. Мен уларни аллақачон синаб кўрганман. Ҳеч иш чиқмайди».*

Эҳтимол, аҳвол шундайдир, аммо Уэбб барибир бир уриниб кўрмоқчи бўлди ва уйлардан бирининг эшигини тақиллатди. Эшик дарров очилди ва унинг тирқишидан кекса Друкенброд хонимнинг боши кўринди.

*«У компания ходимини кўрган ҳамон,* — деб ҳикоя қилади Уэбб бу воқеа тўғрисида, — *эшикни нақ бурнимиз олдида тақ этиб ёпиб қўйди. Мен эшикни яна тақиллатдим. Эшикни яна очиб, энди биз ва фирмамиз тўғрисида ўйлаган бор гапни тўкиб сочиш учун шайланди чамамда».*

*«Друкенброд хоним, — деб унинг гапини кесдим мен, — безовта қилганимиз учун бизни кечиринг. Мен электр ўтказинг, деб ёлвориб келганим йўқ. Мен сиздан тухум сотиб олмоқчиман, холос.*

*У эшикни бироз очди ва бизга шубҳа билан қаради. «Сизда доминик зотли ажойиб товуқлар борлигини кўрдим, — дедим мен, — шунинг учун сиздан ўн икки дона янги тухум сотиб олмоқчиман».*

*Эшик яна каттароқ очилди. «Сиз менинг товуқларим доминик зотидан эканлигини қаёқдан билдингиз?» деб сўради бека синчковлик билан.*

*«Мен ўзим товуқчилик билан шуғулланаман, — жавоб бердим мен. — Тўғрисини айтсам, ҳозирга қадар шу зотдаги товуқлардан яхшисини учратганим йўқ».*

*«Ундай бўлса нима учун сиз ўзингизнинг товуқларингиз қўйган тухумдан фойдаланмадингиз?» деб сўради у бироз гумонсираган оҳангда.*

*«Шунинг учунки, менинг товуқларим оқ тухум туғадида. Сиз ўзингиз пазандалик билан шуғулланасиз, шунинг учун яхши биласизки, торт пиширишда малла тухумни оқ тухум билан тенглаштириб бўлмайди. Хотиним бўлса, торт пиширишни жуда қотиради».*

*Шу лаҳзада Друкенброд хоним бўсағадан ташқари чиқди, кайфияти ҳам сезиларли равишда яхшиланди. Мен топтоза молхонани кўздан кечирдим.*

*«Дарвоқе, Друкенброд хоним, — деб сўзимни давом эттирдим, — гаров боғлаб, айта оламанки, эрингизнинг сигирлардан оладиган даромадига нисбатан сизнинг товуқларингиз кўпроқ фойда келтирса керак».*

*Ана холос! Нақ нишонга бориб тегди-ку! Яна қанақа, денг! У дарров завқ-шавққа тўлиб, ўз муваффақиятлари тўғрисида гапира бошлади. Унинг галварс эри ҳозиргача буни эътироф этишни хаёлига ҳам келтирмаган экан.*

У бизга товуқхонани кўриб чиқишни тавсия қилди; айланиб кўрар эканман, айрим майда мукаммалликлар кўзга ташланди; буни у амалга оширган эди ва мен «баҳолашга жуда сахий ва мақтовда ҳаддан зиёд барикенг» сифатида иш тутдим. Мен Друкенброд хонимга емишнинг айрим турларини тавсия этдим ва ҳарорат режимини ўзгартириш бўйича маслаҳатлар сўрадим. Кўп ўтмай кўтаринки кайфият билан тажриба алмашдик.

*У тўсатдан айрим қўшнилари ўзларининг товуқларига электр ўтказганини эслаб қолди. Уларнинг айтишига кўра, бу жуда яхши натижалар берибди. У ҳам шундай бўлишини истар, фақат мен ростини айтсам, шунга қараб иш тутар экан...*

*Орадан икки ҳафта ўтгач, Друкенброд товуқлари қониқарли ҳолатда электр чироқлари остида кўпайтирилган озуқадан қағолаб қолишди. Мен ундан буюртма олдим; у янада кўпроқ тухум оладиган бўлди. Ҳаммамиз хурсанд эдик, ҳамма наф кўрган эди.*

*Аммо мен унинг ўзига шу ҳақда гапириш навбатини берганимда, ҳеч қачон панселванияли бу голланд фермер аёлини электр энергияси ўтказишга кўндира олмас эдим, ҳамма гап ана шу воқеанинг моҳиятида-да!*

*Бундай кишиларга бирор нарсани сота олмайсан. Уларнинг ўзлари бирор нарсани харид қилишни хоҳлашсин, ана шунга эришиш керак».*

Яқинда «Нью-Йорк Геральд трибюн» газетасининг молияга бағишланган саҳифасида эълон босилиб чиқди. Унда юксак қобилият ва тажрибага эга бўлган мутахассис ишга таклиф қилинган эди. Манзил ўрнига почта қутиси рақами кўрсатилган эди. Бу эълонга Чарлз Т.Кубеллис жавоб берди. Уни бир неча кундан кейин ёзма равишда суҳбатга таклиф этишди. Жўнашдан олдин у бир неча соатни Уолл-Стритда ўтказиб, мазкур фирмага асос солган киши тўғрисида имкон қадар кўпроқ маълумотни суриштириб боришга ҳаракат қилди. Суҳбат давомида у: *«Мен шу қадар катта муваффақиятга эришган фирмангизда ишлаш бахтига муяссар бўлсам, ғоят фахрланар эдим. Менга маълум бўлишича, сиз бу ерда ишни 28 йил муқаддам фақат кабинет ходими ва стенографчи сифатида бошлаган экансиз, шундай эмасми?»* деди.

Муваффақиятга эришган ҳар бир киши иш фаолиятининг дастлабки кунларида дуч келган қийинчиликларни, уни қандай бартараф этгани тўғрисидаги хотираларни эслашни жуда яхши кўради. Бу киши ҳам айнан ана шундай тоифадаги кишилардан бири эди. У киши ишни деярли қуруқ қўл билан, ихтиёрида 450 доллар ва ўзига хос фикр билан бошлаганини узоқ ҳикоя қилди. Ўзига ўзи қандай йўл очганини, уни йўлдан қайтармоқчи бўлишгани, устидан масхаралаб кулишганлари, байрам ҳамда дам олиш кунлари ҳам дам олмасдан 12-16 соатлаб ишлаганини эслаб кетди, ниҳоят пировард натижада шунга эришдики, энди Уолл-

Стритдаги йирик ишбилармонлар ҳам унга ахборот ва маслаҳатлар олиш учун мурожаат этиб туришади. У ўзининг ўтган умридан фахрланади ва бунга тўла-тўкис ҳақлидир. У бу ҳақда завқ билан ҳикоя қилиб берди. Сўзининг якунида эса Кубеллисдан қисқа қилиб қаерда ишлаганини сўради-да, ўзининг вице-президентларидан бирини таклиф қилиб, *«Бизга айнан ана шундай киши керак эди»*, деди.

Кубеллис ўзининг бўлажак шефининг ютуқлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашдан асло эринмади. У ўзининг ҳамсуҳбатига, унинг муаммоларига қизиқишини намоён этди, унинг қалбида нималар бор — шуларни гапириб беришига имкон берди, натижада ажойиб таассурот қолдирди.

Ҳақиқат шундаки, ҳатто дўстларимиз ҳам ўз ютуқлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилишганида, биз қулоқ солиш нарида турсин, ўзимизнинг ишларимиз хусусида мақтаниб кетамиз.

Француз файласуфи Ларошфуко шундай деган эди: *«Агар сизнинг душман орттириш ниятингиз бўлса, дўстларингиздан ўзингизни баланд тутинг; аммо дўст орттиришни истасангиз, майли, дўстларингиз сиздан афзал бўлсин»*.

Бу гап нима учун ҳақиқатдан иборат? Шунинг учунки, агар дўстларимиз биздан ортиқ бўлишса, улар ўз иззат-нафсини яхши ҳис этишади, агар биз улардан устун бўлсак, улар ўзларидаги номукаммалликни ҳис этиб, бу билан боғлиқ равишда рашк ва бахиллик қиладилар».

Немисларда бир мақол бор: *«Энг ҳузурбахш этадиган хурсандчилик — ҳавасимизни келтирган нарса — кишининг бахтсизлигидан севинишдир». Бошқача қилиб айтганда, «энг зўр хурсандчилик — бошқа одамларнинг нохуш аҳволига тушиб қолганлардан келадиган қувончдир»*.

Ҳа, айрим дўстларимиз, балки ютуқларимиздан кўра қийинчилик, тортган азобларимиздан, изтиробларимиздан кўпроқ лаззат топишар.

Шу сабабли, келинг, ҳадеб ютуқларимизни ошириб-тошириб гапиравермайлик. Келинг, камтарликни қўлдан бой бермайлик. Бу ҳамиша аниқ нишонга бориб тегади. Эрвин Кобб тўғри йўлни қўллаган эди. Бир ҳуқуқшунос гувоҳ сифатида Коббдан: *«Жаноб Кобб, менимча, сиз Америка ёзув-*

*чилари орасида энг машҳурларидан бири ҳисобланасиз. Шундай эмасми?»* деб сўраган эди.

*«Менга, шубҳасиз, хизмат қилганимга нисбатан кўпроқ омад муяссар бўлди»*, деб жавоб берган эди Кобб.

Камтарин бўлайлик, мен ҳам, сиз ҳам жуда катта иш кўрсатганимиз йўқ. Бу ёруғ дунёни барибир тарк этамиз ва орадан юз йиллар ўтиб, унутилиб кетамиз. Ҳаёт нисбатан қисқа, ўзимизнинг арзимас ютуқларимизни айтавериб, одамларни зериктириб қўймайлик. Бунинг ўрнига, яхшиси, уларни ўзлари тўғрисида гапиришга рағбатлантирайлик. Яхшилаб ўйлаб қарасак, сизнинг ўзингизни кўз-кўз қилишингизда маъно-мазмун йўқ, албатта. Биласизми, сизнинг телбага айланишингизга нималар халақит беради? Арзимас нарса. Бор-йўғи қалқонсимон бездаги йод. Агар жарроҳ сизнинг қалқонсимон безингизни очиб, ундаги озгина йодни олиб ташласа, сиз тап-тайёр телбага айланиб қоласиз. Озгина йодни эса ҳув анув бурчакдаги дорихонадан беш центга олиш мумкин — ана сизга руҳий касалхона орасидаги масофа! Беш центлик йод-а! Бу билан ахир мақтанмаслик керак-да!

Шундай қилиб, сиз кимнидир ўз фикрингизга кўндирмоқчи бўлсангиз, олтинчи қоидага риоя қилинг:

***Келинг, кўпроқ вақт сизнинг ҳамсуҳбатингиз гапирсин.***

*Еттинчи бўлим*

## ҲАМКОРЛИККА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?

Сиз ўз каллангизда пайдо бўлган фикрларга нисбатан ярқироқ патнисда келтирилган ғояларга кўпроқ ишонмайсизми? Бас, шундай экан, нега ўзингизнинг ғояларингизни бошқаларга тиқиштирмоқчи бўласиз? Шундай ҳолатларда имо-ишоралар билан ҳаракат қилиш ва суҳбатдошингизни тегишли хулосага келиши учун ҳал қилувчи ҳаракатни ўзига ҳавола қилиш маъқул эмасми?

Мисол келтирамиз. Курсимиз тингловчиларидан бири, финландиялик Адольф Селтц автомобиль савдоси билан

шуғулланувчи интизоми бузилган ҳамда бебош агентлар гуруҳи билан тўқнаш келиб, уларда ғайрат-шижоатини қўзғамоқчи эди. Йиғилиш ўтказиб, уларнинг ҳар бири ундан нимани ўтказаётганини батафсил баён қилиб беришини илтимос қилди. Кейин эса уларнинг ҳар бири айтган гап-сўзларни ёзув тахтасига бўр билан ёзиб қўяверди. Сўнгра Селтц шундай деди: *«Мендан нимани кутаётган бўлсаларинг, буларнинг барини бажараман. Энди эса мен сиздан нимани кутишга ҳақли эканлигимни хабар қилсангиз».* Жавоблар бирин-кетин тайёр бўлди: қонун-қоидалардан, чегарадан четга чиқмаслик, ростгўйлик, ташаббускорлик, ишонч, жамоавийлик руҳи, саккиз соатлик иш куни, завқ-шавқ билан меҳнат қилиш. Бир агент ўн тўрт соат ишлашни таклиф этди. Йиғилишдан сўнг ҳамманинг кайфияти кўтарилди, янги ғоялар ўртага ташланган эди. Селтцнинг менга айтишига қараганда, савдо ҳаддан зиёд ўсиб кетган экан.

*«Ходимлар мен билан гўё ахлоқий шартномани тузишди,* — деб ҳикоя қилади Селтц. — *Шу вақтдан эътиборан мен ўзим қабул қилган мажбуриятнинг тааллуқли қисмини бажариб турдим, улар ҳам ўзларининг мажбуриятлари қатъийлик билан ижро этилишини таъминладилар. Бизнинг биргаликда келишиб, уларнинг хоҳиш ва иродаларини муҳокама этган ўша вазият улар учун ахлоқий туртки бўлиб хизмат қилди».*

Қандайдир молни тиқиштириш ёки кимгадир нима қилиш кераклигини ўргатиш ҳеч кимга ёқмайди, албатта. Бизга ҳамиша ўзимиз танлаб харид қилганимиз ёки ўзимизнинг майл-истакларимиз ёқимли тус олади. Биз хоҳиш-истакларимиз, талабларимиз ва нуқтаи назаримиз билан ҳисоблашганларни яхши кўрамиз.

Масалан, Южин Уэссон билан бўлган воқеани олиб кўрайлик. У бу ҳақиқатни ўзлаштириб олгунча, комиссион устамаларидан мингларча долларни йўқотди. Уэссон эскизлар, яъни андазалар сотар эди. У тўқимачилик корхоналари ва декорация ясовчилар учун расмлар ишлайдиган студияда уларни сотиш билан машғул эди. Уэссон уч йил давомида Нью-Йоркда декоратив саноат билан шуғулланувчи мутахассис ҳузурига ҳар ҳафта қатнаган эди. *«У мени*

*қабул қилишдан ҳеч қачон бош тортмас эди,* — деб изоҳ беради Уэссон, — *аммо ҳеч қачон мендан бирон нарса сотиб олмасди. Мен келтирган эскизларни диққат билан қараб чиқарди-да, сўнг: «Йўқ, Уэссон, менимча, биз бир-биримизни тушунмаяпмиз», дерди».*

Бир ярим йиллик муваффақиятсизликлардан сўнг Уэссон тушундики, у қандайдир руҳий қуршов исканжасига тушиб қолган. Шундан кейин ҳар ҳафтада бир оқшом одамлар хулқ-атворига қандай таъсир кўрсатиш, қандай қилиб янги ғоялар излаш, қандай қилиб илҳомланишни ўрганишга киришди.

Ажойиб кунларнинг бирида унда янги ёндашувни синаб кўриш фикри пайдо бўлди. Тўлиқ чизилмаган эскизларни олди-да (уларни рассомлар бажаришган эди), мижози ҳузурига йўл олди. *«Менга ёрдам берсангиз,* — деб гап бошлади у, — *мана, бир нечта чала хомаки нусхалар. Шуларни охиригача етказиш бўйича марҳамат қилиб, маслаҳат берсангиз. Биз уларни қандай қилиб охирига етказсак бўлади, шояд сизга яраб қолса».*

Мижоз маълум вақтгача уларни кўздан кечирди, аммо бир оғиз ҳам сўз қотмади, сўнг: *«Уэссон, уларни менга қолдиринг, бир неча кундан кейин олдимга киринг»*, деди.

Орадан уч кун ўтгач, Уэссон ўзига керакли йўл-йўриқларни олди, хомаки нусхаларни студияга қайтариб олиб келди. У ерда буюртмачининг ғоялари бўйича уларга ишлов бериб, охирига етказдилар. Натижа-чи? Уларнинг бари қабул қилинди.

Мазкур воқеа тўққиз ой муқаддам содир бўлган эди. Шундан сўнг бу мижоз яна ўнта эскиз буюртма берди, бари унинг ғоялари бўйича бажарилганди. Шу тариқа Уэссоннинг соф саромади 1.600 долларга устама кўринишида кўтарилиб кетди. *«Энди менга бу мижозга йиллар давомида бирорта хомаки нусха сота олмаганим аниқ бўлиб қолди,* — дейди Уэссон. — *Мен сотиб олишга қистар эканман, бу моллар унга керак деб ўйлаганман-да. Энди эса бунинг тўғридан-тўғри тескарисини қўллаяпман. Ундан ғояларни беришни талаб қиляпман. У ўзини расмларни ўзи яратган каби ҳис қиляпти. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Энди менинг унга сотишимнинг ҳожати йўқ. Унинг ўзи харид қилади».*

Теодор Рузвельт Нью-Йорк штатига губернатор бўлган пайтида ҳайратланарли натижаларга эришган эди. У сиёсий корчалонлар билан ажойиб муносабатлар ўрнатган, шу билан бирга шундай ислоҳият ўтказдики, кўпи уларнинг дидига мос келавермас эди.

Муҳим лавозим ўрни бўшаб келганида, у ҳузурига сиёсий корчалонларни таклиф қилиб, уларнинг тавсияларини эшитар эди. *«Дастлаб,* — деб ҳикоя қилади Рузвельт, — *улар ўз партияларидаги қобилияти билан унчалик кўзга ташланмаган, адабини еган номзодни тавсия этар эдилар. Мазкур ҳолларда мен, бундай шахсни тайинлаш нотўғри сиёсий иш бўларди, буни жамоатчилик ҳам қўллаб-қувватламайди, деб жавоб берар эдим.*

*Шундан кейин улар ўзларининг айнан шу тахлитдаги корчалонларини тавсия этишар, бу ўртамиёна амалдор тўғрисида ёмон фикрга келиш мумкин бўлмаганидай, яхши дейиш ҳам қийин эди. Мен уларга эътироз билдириб, жамоатчилик бундай одамни хаёлига ҳам келтирмаслигини уқтириб, улардан янада муносиброқ бошқа кишини ахтариб кўришларини сўрардим.*

*Мен уларга миннатдорчилик билдирар ва бу ишга тўртинчи марта уриниб кўришни сўрар эдим. Ниҳоят, тўртинчи марта тавсия қилган номзодлари маъқул тушарди. Уларга ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирар эдим. Мазкур лавозимга айнан шу кишини тайинлаб, бу тайинлаш аслида уларнинг хизмати эканлигини таъкидлар эдим. Мен гапира туриб, уларга мамнуният бағишлаш учун ҳаракат қилганимни, энди менга ҳузур-ҳаловат бахш этиш уларнинг навбати эканлигини қистириб ўтардим».*

Улар туфайли йирик туб ислоҳотлар қўллаб-қувватланди. Фуқаролик хизмати тўғрисидаги, монополия ҳуқуқи ва имтиёзларига оид солиқлар ҳақидаги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Эсингизда бўлсин, Рузвельт ўз ҳамсуҳбатига ҳар томонлама маслаҳат бериб, кўнглини тўқ қилар, унинг фикрига ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. Рузвельтга бирор муҳим лавозимга тайинлаш лозим бўлиб қолса, у сиёсий корчалонларга ушбу вазифага зарур номзодларни танлаш учун

имконият яратиб берар, уларнинг фикри билан тайинлаш ғояси уларга тегишли эканлигини маълум қилар эди.

Лонг-Айленддаги автомобиль савдоси билан шуғулланувчи савдогар шотландиялик эр-хотинга эски автомобилни сотишда ушбу усулнинг нимасидир маъқул бўлмади. Бири тўғри келмас, бошқаси эса носоз эди. Баҳосини эса ҳамиша жуда баланд дейишарди. Шунда курсларимдан бирида тингловчи бўлган савдогар маслаҳат сўраш учун аудиторияга мурожаат қилди.

Биз Сэнди (шотландияликнинг лақаби)га автомобиль сотиш учун шундай йўлни маслаҳат бердикки, унинг ўзи сотиб олиш истагини билдирсин, ҳар ҳолда тавсия шундай эди. Биз Сэндига нима қилиш кераклигини айтманг, яхшиси, нима қилиш лозимлигини у айтсин, дедик. Майли, ғоя унга тегишли эканлигини у ҳисобга олсин.

Фикримиз ажойиб эканлиги маълум бўлди. Ва савдогар буни бир неча кундан сўнг мижозларидан бири эски автомобилини сотиб, ўрнига янгисини харид қилиш истагини билдирганида, синаб кўрди. Бу эски автомобиль Сэндига маъқул келишини савдогар яхши биларди. У телефон гўшагини олиб, Сэндига қўнғироқ қилди ва унинг ҳузурига келиб, алоҳида маслаҳат беришини илтомос қилиб сўради.

Сэнди келганида, савдогар унга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: *«Сиз тажрибали харидорсиз, автомобилга нарх қўйишни қойилмақом қилиб қўясиз. Марҳамат қилиб, ушбу автомобил билан танишиб чиқсангиз, уни синаб кўринг. Кейин менга қанчага сотишим мумкинлигини айтсангиз».*

Сэндининг юзи кулгидан ёришиб кетди. Ниҳоят, унинг маслаҳати, унинг тажрибаси эътироф этилди-ку! У бу автомобилни миниб, Қироллар хиёбонигача, сўнг Ямайкадан ўрмонзор тепалигигача ва ундан яна ортга қайтди.

*«Агар сиз бу машина учун 300 доллар ололсангиз,* — деди у, *— бу жуда яхши олди-сотди бўларди».*

*«Сиз шуни ўзингиз айтган нархга сотиб ололмайсизми?»* — деб ўсмоқчилаб сўради савдогар. 300 долларга-я? Қани эди! Бу унинг ўзи ўйлаган, ўзи нархлаган баҳо эди. Олди-сотди шартномаси тезда бита қолди.

Ана шундай руҳий усулни Бруклиндаги йирик шифохоналардан бирига ўзининг рентген аппаратини сотиш учун бир фабрикачи (рентген аппарати ишлаб чиқарувчи) қўллаган мудири доктор А.ни сотиш билан машғул бўлган агентлар қуршаб олган, улар ўз фирмалари ишлаб чиқарган жиҳозларни ҳар томонлама мақташ билан банд эдилар.

Аммо фабрикачилардан бири жуда абжир чиқиб қолди. У одамзод табиатининг жуда билимдони эди-да бошқаларига нисбатан. У доктор А.га тахминан қуйидагича мазмунда хат ёзади:

*«Бизнинг завод яқинда янги типдаги рентген аппаратлари тўпламини тайёрлади. Бу хилдаги аппаратларнинг бир қисми бизнинг корхонамизга келиб тушди. Уларни идеал даражада деб бўлмасди. Биз буни биламиз ва уни такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун сиз вақт топиб, бизнинг маҳсулотимиз билан танишиб чиқсангиз, бу аппаратларни касбингиз талабларига имкон борича жавоб бера оладиган даражада ишлаб чиқариш бўйича маслаҳатингизни аямайсиз. Сиздан ниҳоят миннатдор бўлар эдик. Мен биламанки, сиз жуда бандсиз, шу сабабли сизга қулай бўлган фурсатда мамнуният билан машинамни юбораман».*

*«Мен бу хатни олиб, ҳайрат ичида қолдим,* — дейди доктор А. машғулотда бу воқеани ҳикоя қила туриб. — *Бир вақтнинг ўзида ҳам ҳайратландим, ҳам бошим осмонга етди. Ҳозиргача рентген аппарати ишлаб чиқарувчи фабрика эгаларидан бирортаси менга маслаҳат сўраб мурожаат қилмаган эди. Мен ўз қадр-қимматимни англаб етдим. Келгуси ҳафта оқшомгача тўлиқ банд эдим, аммо тушликда бўладиган ишга доир учрашувларнинг биридан воз кечиб, бу жиҳозларни кўздан кечирмоқчи бўлдим. Уларни синчиклаб ўрганганим сари улар менга жуда маъқул тушар эди.*

*Ҳеч ким уларни менга сотишга ҳаракат қилмасди. Уларни касалхона учун харид қилиш фикри менга тегишли эканини ҳис қилдим.*

*Уларнинг аъло даражадаги сифати мени мафтун этди ва мен бу жиҳозларни ўрнатиш учун буюртма бердим».*

Оқ уйни Вудро Вильсон эгаллаган даврда полковник Эдвард М.Хауз миллий ва халқаро масалаларда жуда катта

таъсир кўрсатадиган мавқега эга эди. Вудро Вильсон ўз кабинети аъзоларига нисбатан полковник Хауздан махфий масалалар бўйича маслаҳат сўрарди.

Полковник Хауз президентга таъсир кўрсатувчи қандай усулни қўллаган экан? Бахтимизга кўра, бу бизга маълум, полковник Хаузнинг ўзи бу ҳақда Артур Д.Хауден Смитга гапириб берган эди. У Хауз айтганларини «Сатердей ивнинг пост» газетасида босилган мақолаларда келтирган:

*«Мен президент билан танишганимдан сўнг кўп ўтмай,* — дейди Хауз, — *унинг диққатини бирор ғояга жалб этишнинг энг яхши йўли — унга бу фикрни йўл-йўлакай ҳавола этиш, қизиқтириш учун аниқ тарзда баён қилиш, деб англадим. Кейинчалик ўзи токи шу тўғрида ўйласин. Биринчи марта бу тасодифий равишда яхши натижа берди. Оқ уйда унинг ҳузурида бўлганимда, унга бир тадбирни тавсия этдим, аммо, афтидан, буни у қўллаб-қувватламайди. Лекин орадан бир неча кун ўтгандан сўнг, тушлик пайтида менинг ўша фикрларимни ўзининг шахсий фикрига айлантириб баён этганини эшитиб, таажжубланиб қолдим».*

Шунда Хауз унинг гапини бўлиб, «*Бу сизнинг фикрингиз эмас, меники-ку*», деб айтган бўлса керак дерсиз? Йўқ, Хауз асло бундай демаган. У бунга қадар етарли даражада ақлли эди. Хауз шон-шуҳрат ортидан сира қувмасди. Шу сабабли Вильсонни бу фикрни ўзиники деб ҳисоблашда давом этишига қўйиб берган. Хауз, ҳатто бундан зиёд иш қилди. У бу фикрлари учун Вильсонни очиқ-ойдин мақтади.

Биз шуни эсда тутишимиз керакки, эртага ишимиз тушадиган кишилар ҳам худди Вудро Вильсон каби инсоний хусусиятга эгадир. Шу боис, келинг, Хауз қўллаган усулга таянайлик.

Бир неча йил муқаддам Нью-Брансуиклик бир киши бу усулни менга нисбатан қўлладики, натижада мен унинг мижозига айланиб қолдим. Ўша пайтда мен у ёққа балиқ овлаш ва қайиқда сайр қилиш учун боришга тайёргарлик кўраётгандим. Шу сабабли маълумот олиш мақсадида сайёҳлик бюросига хат билан мурожаат қилдим. Манзилим ва исм-фамилиям мазкур бюронинг бўлажак мижозлари рўйхатига киритилган эди. Шу боис менга сайёҳлик ором-

гоҳи ва алоҳида йўл бошловчилардан ўндан зиёд хат, рисола ва босма тақризлар ёғилиб кетди. Шунда битта оромгоҳ эгаси оқилона йўл тутди. У менга Нью-Йоркда яшовчи бир неча кишиларнинг исми-шарифлари, телефонлари рўйхатини юборди, улар қачонлардир мазкур оромгоҳда дам олишган эди, мен уларга қўнғироқ қилиб, мижозларига нималарни тавсия қилишлари мумкинлигини шахсан маълум қилишларини илтимос қилдим.

Шуниси ажабланарлики, мен бу рўйхатдан танишларимдан бирининг номини топдим. Унга қўнғироқ қилиб, оромгоҳдан олган таассуротларини сўрадим, сўнг оромгоҳга шошилинчнома юбориб, борадиган вақтимни хабар қилдим.

Қолганлар менга ўз хизматларини тиқиштиришди, бу йигит эса менга ташаббус кўрсатишим учун имконият яратиб берди. У ютиб чиқди.

Йигирма беш аср муқаддам хитойлик донишманд Лао Цзи баъзи ҳақиқатларни айтган эди. Ундан ушбу китобни ўқиётганлар ҳозирги кунда ҳам фойдаланишлари мумкин:

*«Дарё ва денгиз юзлаб тоғ ирмоқларидан сув олишларига сабаб шуки, улар охиридан ҳам қуйида туради. Мана шунга мувофиқ улар барча тоғ оқимлари устида ҳукмронлик қилади. Худди, шунингдек, донишманд ҳам одамлардан устун туриш истагида экан, ўзини улардан насиб тутади; улардан олдин турмоқчи бўлса, у орқали бўлди. Гарчи уларнинг ўрни одамлардан юқори бўлса-да, улар бунинг оғирлигини ҳис этмайдилар; уларнинг ўрни одамлардан олдинда бўлса-да, буни ўзларига ҳақорат деб ҳисобламайдилар».*

Шундай қилиб, сиз кимнидир ўз нуқтаи назарингизга мойил этмоқчи бўлсангиз, еттинчи қоидага амал қилинг:

***«Майли, сизнинг ҳамсуҳбатингиз бу фикрни ўзиники деб ҳисобласин».***

*Саккизинчи бўлим*

## СИЗ УЧУН МЎЪЖИЗАЛАР БУНЁД ЭТУВЧИ ФОРМУЛА

Эсингизда бўлсин, ҳамсуҳбатингиз бутунлай ноҳақ бўлиши мумкин. Аммо буни у хаёлига ҳам келтирмайди. Уни асло айблай кўрманг. Ҳар қандай лақма киши ҳам бу ишни қилмайди. Уни тушунишга ҳаракат қилинг. Бу иш фақат донишманд, сабр-тоқатли, фавқулодда қобилиятли кишиларнинг қўлидан келади.

Нима учун бошқа киши ундоқ эмас, бундоқ қилар эди, деган сабаб ҳамиша бор. Бу сабабни очиб беришга уринг, ана шунда унинг ҳаракатига, қолаверса, шахсиятига доир калитни топган бўласиз.

Яхшиси, ҳамсуҳбатингизнинг ўрнига ўзингизни росмана-насига қўйиб кўринг. Ўз-ўзингиздан: *«Унинг ўрнида мен бўлганимда, ўзимни қандай тутар эдим?»* деб сўранг. Шунда сиз бир олам вақт ва асабларни аяган бўлар эдингиз, чунки *«биз сабабларни аниқласак, шубҳасиз, унинг натижаси биз учун ёқимсиз бўларди»*. Шу билан бирга сизнинг одамлар ўртасидаги муносабатлар масаласига доир маҳоратингиз кескин равишда ошар эди.

*«Бир дақиқа сабр қилинг*, — дейди Кеннет М.Гуд ўзининг «Одамларни қандай қилиб олтинга айлантириш мумкин?» номли китобида, — *бошқа барча нарсаларга заиф тарзда диққат қилиб, ўз шахсий ишларингизга кучли эътибор беришингизни таққослаш учун бир дақиқа тўхтанг. Бутун дунёда худди шу тарзда ҳиссиётларни синовдан ўтказишади, сиз шуни тўғри тушунинг! Агар сиз буни Линкольн ҳамда Рузвельт қатори англасангиз, шунда ҳар қандай мансаб машғулоти ўзига уч қиррали тошни ташкил этгандек бўлади, фақат турма назоратчиси бундан мустасно, одамлар ўртасидаги муносабатларда муваффақиятга эришиш бошқаларнинг нуқтаи назарини аниқлашга уринишдан иборатдир»*.

Кўп йиллар давомида бўш вақтимнинг каттагина қисмини уйим яқинида жойлашган боғда пиёда ёки отда сайр қилиш билан ўтказдим. Баъзи ҳолларда мен қадимги Голландия друидларига ўхшайман — мен ҳам уларга ўхшаб, дубларга сажда қилишга тайёрман. Менга ҳар йили ёзда

дарахтларнинг тасодифий равишда ёнғиндан ҳалок бўлишини кўриш шунинг учун алам қилади. Бу ёнғинлар папирос чекувчиларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келмайди, албатта. Уларнинг асосий айбдорлари кўпчилик ҳолларда боққа ёввойи ҳолда яшаш учун йўл олган болалар ҳисобланади. Улар дарахтлар тагида гулхан ёқиб, сосиска ёки тухум пиширади. Шундай воқеалар бўлган эдики, бундай ёнғинлар шунчалик авж олардики, уларни бартараф этиш учун ўт ўчирувчиларни чақиришга тўғри келарди.

Боғда эълон осилган бўлиб, унда гулхан ёққан кишилар жарима, ҳатто турмага солиш жазоси билан огоҳлантирилган эди. Шуниси борки, эълон паркнинг одам кам борадиган қисмида бўлиб, болаларнинг жуда озчилиги уни кўрган эди. Тўғри, боғдаги тартибни отлиқ полиция назорат қилиши белгиланган бўлиб, унчалик жиддий ёндашмас эди, гўё. Ўрмон ҳар йили ёзда олдингидек ёнғиндан ҳалок бўлар эди. Ўзимнинг бошимни хам қилиб, полициячига ўрмонга ўт кетганини ва у тезлик билан ёйилганини хабар қилган пайтларим бўлган. Мен ундан ўт ўчириш жамоасини чақиришни сўраганимда, у мутлақо бефарқлик билан бу иш унга алоқадор эмаслигини, унга тегишли ҳудудга ўт кетмаганини айтган эди! Мен шу пайтдан бошлаб, умидсизликка тушдим, от миниб, жамоат мулкини ихтиёрий қўриқлаш (унинг таркиби бир кишидан иборат эди) қўмитаси ролини ўз зиммамга олдим. Дастлаб бу ишга болалар кўзи билан қарашга уриниб кўришдан қўрқдим. Дарахтлар тагида гулханни кўрганим ҳамон ўзимни йўқотиб қўйдим. Шунчалик бетоқат бўлдимки, тартиб ўрнатишда яхши ҳаракат қилишни хоҳласам-да, барибир ўзимни ёмон тута бошладим. Болалар олдига бориб, уларни гулхан ёқишгани учун турмага тиқишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирдим ва шикоятга ўрин қолдирмайдиган оҳангда уни ўчиришни буюрдим. Агар улар бош тортадиган бўлса, уларни қамаш билан қўрқитиб, дағдаға қилдим. Оддий қилиб айтганда, мен ўз ҳис-туйғуларимга эрк бериб юбордим, болаларнинг ўй-фикрлари, нима деб ўйлашлари билан мутлақо ҳисоблашмадим.

Натижада нима бўлди? Болалар итоат этишди, истабистамай, ранжиган бўлсалар-да, барибир итоат этишди. Лекин мен нариги томонга ўтганимда, тепалик ортига кет-

ганим ҳамон яна гулхан ёқилди ва боғни бутунлай жонжаҳдлари билан ёқиб юборишга уриндилар.

Йиллар давомида мен одамлар ўртасидаги муносабатларни янада пухта англайдиган бўлдим: нарсаларга бошқаларнинг кўзи билан қарашга, бунда кўпроқ меъёр, кўпроқ мойиллик билан қарашни ўрганиб олдим. Энди эса гуриллаб ёнаётган гулхан олдига борардим-да, тахминан шундай гап бошлар эдим: *«Болалар, вақтни яхши ўтказяпсизларми? Кечки овқатга нима тайёрлаяпсизлар?.. Ёшлигимда мен ҳам гулхан ёқишни яхши кўрар эдим, ҳозир ҳам уни севаман. Фақат, биласизларми, бу паркда жуда хавфли. Болалар сизлардан ёмонлик чиқмайди, албатта. Аммо ҳамма ҳам сизлар каби эҳтиёткор эмас-да. Бошқа болалар ҳам келиб, бу ишингизни кўриб қолиб, уларнинг ҳам гулхан ёққиси келиб қолиши мумкин. Улар ўтни охиригача ўчирмай, уйларига жўнаб қолишади. Гулхандан қуруқ барглар ёниб, дарахтлар ҳалок бўлиши мумкин. Бу ерда агар биз эҳтиёт бўлмасак, барча дарахтлар ёниб кетиши мумкин. Сизлар эса гулхан ёққанингиз учун турмага тушишингиз турган гап. Мен ўзимни бошлиқ қилиб кўрсатмоқчи эмасман, сизнинг ҳам кайфиятингизни бузиш ниятим йўқ. Сизларни қувноқ ҳолда кўришдан хурсандман. Фақат марҳамат қилиб, гулхан атрофидаги қуруқ баргларни ҳозирнинг ўзидаёқ йиғиштириб олинглар, кетишдан олдин гулханни тупроқ сепиб, ўчиришни унутманг. Кўпроқ тупроқ ташланг. Агар янаги сафар кўнгилхушлик қилмоқчи бўлсангиз, гулханни нариги тепалик атрофидаги қумли чуқурликда ёқинг, хўпми? У ер жуда хавфсиз жой... Раҳмат, болалар. Сиҳат-саломат, уйнаб кулинглар».*

Бундай суҳбатдан кейин бари бошқача бўлиб кетарди! Болаларда ҳамкорлик қилиш истаги пайдо бўлар эди. Ҳеч қандай хафачилик, ҳеч қандай ўжарлик бўлмасди. Уларни буйруққа бўйсунишга мажбур этишнинг ҳожати йўқ эди. Уларнинг нафсониятига шикаст етмасди. Уларнинг ҳам, менинг ҳам кайфиятим кўтарилар эди, чунки уларнинг нуқтаи назарини инобатга олиб, можароли низони ҳал этдим.

Эртага гулханни ўчириш учун кимдандир илтимос қилиш, ваннани тозалаш учун «Афта» суюқлигини харид қилиш ёки «Қизил Хоч»га эллик доллар ҳадя қилишдан кўра озгина пауза қилиш ва кўзни юмиб бошқа киши нуқтаи назаридан вазиятни

баҳолаш маъқул бўлмайдими? Энди ўзингизга савол беринг: *«Нима учун у бу ишни хоҳлаб амалга оширар экан?»* Тўғри, бунинг учун вақт талаб этилади, лекин сиз дўст орттирасиз ва оз сўз ҳамда қувват сарфлаб, яхши натижага эришасиз.

*«Мен керакли киши билан учрашишдан аввал унинг идораси олдидаги йўлакда икки соат яхшилаб қадам ташлаб юраман*, — дейди Гарвард савдо мактаби декани Донхем. — *Унинг кабинетига у тўғридаги барча аниқ тасаввурларни бойитиб, қизиқиш ва манфаатларига доир далиллар ҳамда етарли маълумотга эга бўлган ҳолда кираман. Бу ҳамма жиҳатдан жуда керак*».

Бу шу даражада муҳимки, шу боисдан уни яна бир бор такрорлайман:

*«Мен керакли киши билан учратишдан олдин унинг идораси олдидаги йўлакда икки соат яхшигина қадам ташлаб юраман. Унинг кабинетига у тўғридаги барча аниқ тасаввурларни бойитиб, қизиқиш ва манфаатларига далиллар ҳамда етарли маълумотга эга бўлган ҳолда кираман. Бу ҳамма жиҳатдан жуда керак».*

Бу китобни ўқиб, ундан фақат битта хулоса — кенг фикр юритиш, доимо бошқаларнинг ҳам нуқтаи назарларини ҳисобга олиш, нарсаларга фақат ўз кўзингиз билан эмас, балки унинг кўзи билан қарасангиз, бу мавқеингиз учун катта аҳамият касб этиши мумкин.

Шундай қилиб, бирор кишини ранжитмай ёки норози қилмай, ишонтиришни хоҳласангиз, саккизинчи қоидага амал қилинг:

***Ҳамма нарсага чин юракдан самимий тарзда, ҳамсуҳбатингиз нуқтаи назаридан қаранг.***

*Тўққизинчи бўлим*

## ҲАР БИР КИШИ НИМАНИ ИСТАЙДИ?

Сиз ўз ихтиёрингизда сеҳрли бир афсун бўлишини ва у барча тортишувларни, бадхоҳликларни ман этиб, дўстона муҳит яратиб, бошқа кишиларни сизга диққат билан эшитишга мажбур этишини истармидингиз?

Албатта, дейсизми? Жуда яхши. Мана у. Уни қуйидаги сўзлар билан бошланг: *«Сиз шундай ҳис-туйғуларни бошингиздан кечирганингиз учун мен ҳеч қачон сизни айбламайман. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда ҳам, шубҳасиз, шу ҳолатни бошдан кечирар эдим».*

Бундай сўзлар энг ўжар қарияни ҳам юмшатади. Буни сиз ҳам тасдиқлар ва юз фоиз ҳақ бўлардингиз. Ахир бировнинг ўрнида бўлсангиз, сиз ҳам худди у каби фикрлар эдингиз-да. Мен буни мисол билан тушунтирмоқчиман. Аль Капонени олиб кўрайлик. Аль Капоне жисмида мавжуд бўлган мижоз ва ақл-шуур сизда мавжуд бўлиб қолди, дейлик. Фараз қилинг, сиз ҳам худди шундай муҳитга тушиб ва шундай ҳаётий тажрибага эга бўлиб қолдингиз. Шунда сиз ҳам худди шу тарзда, яъни, Капоне қаерда бўлса, сиз ҳам айнан ўша ерда бўлар эдингиз. Ахир аниқ шароит, фақат ўша, унинг ким бўлишидан қатъи назар, худди шундай аҳволга туширади.

Ягона мисол шуки, масалан, сиз нима учун чинқироқ илон эмассиз, чунки отангиз ва онангиз чинқироқ илон бўлмаган. Яккаю ягона мисол шуки, сиз нега сигирларни тавоф қилмайсиз, чунки Брахмапутра соҳилларидаги ҳинд оиласида туғилмагансиз. Сизнинг хизматингиз шундаки, сиз қандоқ бўлса, шундоқ дунёга келгансиз. Ёдингизда бўлсин, одам сизнинг олдингизга ғазабга тўлиб, ақлни ишлатмай, кўр-кўрона келар экан, унинг шундайлигига фақат у айбдор эмас. Ўша шўрликка раҳмингиз келсин. Унга раҳм-шафқат кўрсатинг. Дарду ғамига шерик бўлинг. Ўз-ўзингизга худди Лен Б.Гоф айтган гапларни айтинг. У ағанаб ётган маст-аласт сайёҳни кўриб: *«Мана буни кўринг, худонинг марҳамати бўлмаганида, мен ҳам айнан шундай бўлар эдим»*, деган эди.

Эртага сиз дуч келадиган кишиларнинг етмиш беш фоизи ҳамдардлик туйғусига зориққан, муҳтож бўладилар. Бу ҳамдардликни уларга изҳор этинг, улар сизни яхши кўриб қолишади.

Мен бир пайтлар «Кичик аёллар» номли қисса муаллифи Луиза Мэй Олкотт ижодига бағишланган эшиттириш бўйича радиога сўзга чиққан эдим. Унинг Массачусетс штатидаги Конкордда яшагани, ўша ерда ўзининг ўлмас асарларини яратгани каминага маълум эди. Лекин мен нима деяётганимни

мулоҳаза қилиб ўтирмай, Олкоттнинг Нью-Гэмпшир штатидаги она юртига борганимни ҳикоя қилишга тушган эдим. Нью-Гэмпширни бир марта тилга олсам ҳам майли, кечириш мумкин эди. Аммо мен уни икки марта тилга олдим-да. Шундан сўнг атрофимга заҳар-заққумли таъна-ю, дашномларга тўлиб-тошган хат ва шошилинчномалар ёғилиб, менинг бошим теграсида арилар галасидай ёпирилди.

Кўпгина мактублар бўлмағур мавзуда эди. Айримлари эса ҳақиқатга тўла эди. Илгари Массачусетс штати, Конкорд шаҳрида ўсиб-улғайган, ҳозир Финландияда яшаётган бир аёл менга нисбатан бисотидаги бор қаҳру ғазабни тўкиб сочган эди. Гўё мен Олкотт хонимни янги Гвинеядаги одамхўр деб айблаган каби унинг қаҳру ғазаби ҳам шунчалик кучли эди. Унинг хатини ўқиётиб, ўз-ўзимга: *«Худога минг қатла шукрки, мен шу хотинга уйланмаганман»*, дедим. Мен-ку жуғрофия бўйича хатога йўл қўйганимни, унинг эса хушмуомалалик кўчасидан асло ўтмаганини айтиб, унга хат ёзишни кўнглимга тугиб қўйдим. Мен буни сўзимнинг кириш қисмига киритмоқчи бўлдим. Сўнг мен у тўғрида ўзим ўйлаган барча ярамас сўзларни, очиқ-ойдин гапларни айтишга шайландим. Аммо мен бу ишни қилмадим. Ўзимни қўлга олдим. Тушундимки, бу иш истаган жиртаки аҳмоқнинг қўлидан келади ва кўпчилик аҳмоқ кишилар худди шундай иш қилишади.

Менда аҳмоқларга нисбатан ақллироқ бўлиб, унинг душманларга муомаласини дўстона муносабатга айлантириш истаги пайдо бўлди. Бу вазифа осон эмас эди, аммо шундай ўйин менга жуда ёқди. Мен ўз-ўзимга, *«Хулласи калом, унинг ўрнида бўлганимда, балки мен ҳам шундай ҳис-туйғуларни ўз бошимдан кечирар эдим»*, дедим. Ва буларнинг барини унинг нуқтаи назаридан тушунишга ҳаракат қилдим. Келгуси сафар Филадельфияга келганимда, унга қўнғироқ қилдим. Суҳбат тахминан қуйидагича ўтди: Мен: *«Фалончиева хоним, сиз бир неча ҳафта бурун менга бир мактуб ёзган эдингиз, ана шу хат учун сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман»*.

У (тарбия, кўрган аёлларга хос бўлган мулойим овоз билан): *«Мен ким билан гаплашиш шарафига ноил бўлиб турибман?»*.

Мен: *«Биз сиз билан таниш эмасмиз. Мени Дейл Карнеги дейишади. Сиз ўтган якшанба кунларининг бирида радио орқали менинг Луиза Мэй Олкотт тўғрисидаги эшиттиришимни тинглаган экансиз. Ўшанда мен уни Нью-Гэмпшир штатидаги Конкорд шаҳрида яшаган, деб кечириб бўлмас хатога йўл қўйганман. Бу жуда бемаъни хато эди, шунинг учун сиздан узр сўрайман. Менга лутф кўрсатиб, хат ёзишга вақт топганингиз учун сиздан миннатдорман».*

У: *«Жаноб Карнеги, шундай оҳангда хат ёзишимдан жуда пушаймонман. Мен ўзимдан кетиб қолганман. Аслида мен кечирим сўрашим керак эди».*

Мен: *«Йўқ! Йўқ! Сиз эмас, мен кечирим сўрайман. Менинг айтганларимни, ҳатто китобхон ҳам айтмаган бўларди. Мен ўтган якшанбада радио орқали узр сўрадим ва энди шахсан сиздан узр сўрамоқчиман».*

У: *«Мен Массачусетс штатидаги Конкорд шаҳрида дунёга келдим. Бизнинг ота-боболаримиз 200 йил давомида ушбу штат қаётида катта роль ўйнаганлар, шу боис мен қадрдон штатим билан ҳақли равишда фахрланаман. Сизнинг Олкотт хоним Нью-Гэмпширда туғилди, деб таъкидлашингиз менга жуда қаттиқ ботди. Лекин менга ҳақиқатдан ҳам бу хатни ёзиш жуда уят».*

Мен: *«Менга ишонинг, бу менинг дилимни юз баравар ортиқ ранжитди. Менинг хатом фақат Массачусетс штатига эмас, балки иззат-нафсимга ҳам зарба бўлиб тушди. Сизнинг ҳолатингизга тушган ҳамда сиздай маданиятли тарбия топган кишилар радиода камдан-кам чиқиш қилганларга хат ёзиш учун вақт топишади. Умид қиламанки, мен радиода яна чиқиш қилсам, бирор хатойимни пайқаб қолсангиз, ёзиб юборасиз».*

У: *«Биласизми, танқидимни шундай қабул қилганингиз мен учун ёқимли бўлди. Сиз, назаримда, жуда серилтифот одамсиз. Сиз билан яқиндан танишсам, деган эдим».*

Шундай тарзда мен унинг нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда кечирим сўрадим ва эътибор бердим. Ўзимнинг нуқтаи назаримдан келиб чиқиб, уни кечирим сўраш ҳамда эътибор беришга мойил этдим. Мен ўзимни қўлга олганимдан қаноат ҳосил қилдим, бунинг боиси шуки, мен ҳақоратга нисбатан хушмуомалалик билан жавоб бердим.

Мен унга маъқул бўлганимдан кўра икки баробар кўпроқ мамнун бўлдим, гарчи ич-ичимдан, жин урсин, деб қўйган бўлсам ҳам шундай қилдим.

Оқ уйга кимки хўжайинлик қилса, у ҳар куни одамлар ўртасидаги муносабатларга доир қалтис муомалаларга дуч келади. Президент Тафт ҳам ана шулар жумласидан эди. У ўзининг шахсий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳамдардлик билдириш нохуш ҳис-туйғуларни бартараф этишда бамисоли ўювчи кислота каби жуда катта аҳамиятга эга эканлигини билар эди. Тафт ўзининг «Хизмат одоби» номли китобида бир худбин онанинг ғазабини қай тарзда юмшатганини ҳикоя қилган эди.

*«Вашингтондаги бир хонимнинг эри сиёсий доираларда маълум мавқега эга эди,* — деб ёзади Тафт. — *У ҳузуримга олти ойдан зиёд вақт қатнаб, эринмай ўғлини қайсидир мактабга мансабдор қилиб тайинлашимни сўради. У жуда кўп сонли сенатор ва конгресс аъзоларининг қўллаб-қувватлашига таяниб ва уларни ҳам судраб келаверарди. Уларнинг ҳам сўзамоллик билан гапиришларини эринмай кузатар эди. Аммо мазкур лавозим тегишли ихтисос тайёргарлигини талаб қиларди, шунинг учун мазкур мактаб раҳбари тавсияси билан бу вазифага бошқа номзодни тайинладим. Шундан кейин бу хонимдан мактуб олдим, у мени кўрнамакликда айблар, аммо буни хоҳламаганимни айтиб, маломатлар қилган эди. Сўнг у ўзининг штатидаги делегацияларга қанчалик тазйиқ кўрсатса ҳамки, барибир делегациянинг барча аъзолари маъмурий қонун лойиҳаси учун овоз берганликлари, бундан мен ниҳоятда манфаатдор эканлигимни айтди.*

*Агар сиз худди шундай мазмундаги хат олсангиз, биринчи истагингиз ўз ҳаддини билмаган ёки қўпол муомалада бўлган бу кимсанинг таъзирини бериб қўйишдан иборат бўларди. Эҳтимол, шу заҳотиёқ унинг хатига жавоб ёзарсиз. Агар сиз сермулоҳазали одам бўлсангиз, бундай хатни ёзув столи ғаладонига яшириб қўйинг. Уни у ердан икки кундан сўнг олинг, бундай хатларга орадан икки кун ўтиб жавоб қайтарилса, ҳеч вақо қилмайди, бундай хатни жўнатмаслигингиз турган гап.*

*Мен ҳам айнан шундай йўл тутдим. Сўнг ёзув столига ўтирдим-да, унга мумкин қадар баодоблик билан мактуб*

*битдим. Муайян вазиятда оналик ҳаяжонларини тушунганим, ўзимча бу лавозимга тайинлашга ҳаққим йўқлигини, чунки бу ишда ихтисос тайёргарлигига эга билимдон ва малакали раҳбар тавсиясини олган кишини танлаш кераклигини ёздим. Шу билан бирга унинг ўғли ҳозирги вазифада ҳам онаси истаган муваффақиятларга эга бўлиши мумкинлигига умид билдирдим. Буларнинг бари аёлни анча юмшатди ва у олдинги мактуби учун узр сўраб, хат юборди.*

*Лекин мен томонимдан тавсия этилган номзод дарров тасдиқланмади ва бироз вақт ўтгач, ўша хонимнинг эридан хат олдим. У ҳам худди олдинги мактуб оҳангида ёзилган бўлиб, барча гап-сўзлар ҳам аввалгисидай эди. Менга хабар беришларича, хоним шундан кейин асаб бузилиши оқибатида бу ишнинг қайғу-аламлари туфайли ётиб қолган, у ошқозон раки билан оғриб қолган эди. Олдинги номзодни алмаштириб, унинг ўғлини бу вазифага қўйиш хонимни соғлиғини тиклашга ёрдам берармикан? Шунда менга иккинчи хатни ёзишга тўғри келди. Бу хат энди унинг эрига йўлланган эди. Мен унга рафиқасининг оғир касаллигига қўйилган ташхис тасдиқланмаслигини, дарду аламига шериклигимни, аммо олдинги тавсия этилган номзодни алмаштира олмаслигимни тушунтирдим. Мен томонимдан тайинланган амалдор вазифага тасдиқланди. Орадан икки кун ўтгач, Оқ уйда концерт берилди. Мени ва рафиқамни биринчи бўлиб табриклаганлар ана шу эру хотинлар бўлди, ваҳоланки, хотини яқиндагина, лотинча қилиб айтганда, кафан ичида ётган эди».*

С.Юрок Америкада энг яхши мусиқа томошаларини ташкил этувчи импрессарио (хусусий театр томошаларини ташкил этувчи киши) ҳисобланган шубҳасиз. Кейинги йигирма йил давомида у дунёга машҳур артистлар, масалан, Шаляпин, Айседора Дункан, Павлова кабиларнинг чиқишларини ташкил этди. Юрокнинг менга гапириб беришига қараганда, унинг қизиққон «юлдузлари»дан келиб чиққан энг асосий сабоқларидан бири нисбатан уларга ҳамдардлик, ҳамдардлик ва яна ҳамдардлик билдириш бўлиб, бу уларнинг куракда турмайдиган жиззакилигига дуруст жавоб бўлар эди.

У уч йил давомида дунёга донғи кетган буюк бас соҳиби «Метрополитен» опера театрида ложаларни банд этган миллионерни қачонлардир қалбини ларзага солган Фёдор Шаляпинга импрессариолик қилиб, унинг томошаларини ташкил этди. Шу билан бирга Шаляпин ҳамиша ўз-ўзига муаммо ўйлаб топар эди. У ўзини худди инжиқ боладай тутарди. Юрок уни тақлид бўлмас тарзда: *«У ҳамма жиҳатдан одамга ўхшамасди, жин урсин-е, билмадим, у ким эди?»* деб тавсифлаган эди,

Масалан, Юрокка эрталаб Шаляпин қўнғироқ қилди, шу куни кечки концерти белгиланган эди. У эса: «*Сол, мен ўзимни ниҳоятда ёмон ҳис қиляпман, томоғим ҳам котлетга ўхшаб қолганга ўхшайди. Кечқурун қўшиқ айта олмайман»*, деди. Юрок у билан гап талашиб ўтирармиди? Йўқ, нималар деяпсиз? У билардики, театр хўжайини артистлар билан бундай муомала қилиб бўлмайди. У меҳмонхонага — Шаляпин ҳузурига зудлик билан етиб борарди-да, унга ҳар томонлама ҳамдардлик билдиришга киришарди. *«Ҳай, ҳай, жуда оғир бўлибди-ку. Ҳай, афсус! Шўрлик!* — деб куйиб-пишарди у. — *Албатта, сиз бу аҳволда қўшиқ айта олмайсиз. Мен концертни ҳозирнинг ўзидаёқ қолдираман. Бу сизга бор-йўғи икки минг долларга тушади, холос. Сизнинг обрўйингизга зиғирчаям зарар келтирмайди».*

Шунда Шаляпин оғир хўрсиниб шундай дерди: *«Майли, сиз яхшиси кечроқ бир хабар олинг. Соат бешларда келинг, кўрамиз, мен ўзимни қандай ҳис этар эканман».*

Соат бешда Юрок яна меҳмонхона томон йўрғалар, яна унга ҳар томонлама ачина бошлар эди. Тағин концертни қолдиришни сўрар эди. Шаляпин яна хўрсинар: *«Майли, кечроқ келинг, балки тузалиб қоларман»*, дерди.

Соат етти яримда буюк бас соҳиби фақат битта шарт билан қўшиқ айтишга рози бўлар эди. Юрок «Метрополитен» саҳнасига чиқиб, Шаляпин қаттиқ шамоллаган, унинг овози бироз хаста деб эълон қилиши керак. Юрок мунофиқона рози бўлар, гарчи бундай қилишга ҳаракат қилмаса ҳам, яхши билардики, буюк қўшиқчини саҳнага чиқаришнинг энг ягона имконияти ана шу!

Доктор Артур Гейтс ўзининг «Тарбия психологияси» номли машҳур китобида шундай дейди: *«Одамзод табиа-*

*ти ҳамиша ҳамдардлик, раҳм-шафқат кўрсатишни интиқлик билан кутади. Бола ўзининг лат еган жойини жон-жаҳди билан кўрсатади ва, ҳатто бошқаларнинг раҳмини келтириш учун у ер-бу ерини кесиб ёки кўкартириб қўяди. Худди шу мақсадда катталар ҳам ўзларининг лат еган жойларини, бошларига тушган бахтсиз ҳодисаларни, касалликларини, айниқса, жарроҳлик операцияларини бутун тафсилотлари билан гапириб берадилар. «Ўз-ўзига раҳмини келтириш, бахтсизлик учун хоҳ чин бўлсин, хоҳ сохта бўлсин, кўпчиликка маълум оммавий ҳадиса ҳисобланади».*

Шундай қилиб, агар сиз одамларни ўз нуқтаи назарингизга кўндирмоқчи бўлсангиз, тўққизинчи қоидага риоя қилинг:

***Бошқаларнинг фикр ва истакларига сидқидилдан ҳамдардлик билан муносабатда бўлинг.***

*Ўнинчи бўлим*

## ҲАММАГА МАЪҚУЛ КЕЛГАН ЧАҚИРИҚ

Мен Жесси Жеймс истиқомат қилган жойдан унча узоқ бўлмаган. Миссури штатида ўсиб-улғайдим. Кирнидаги Жеймслар фермасига борганман. У ерда ҳозиргача унинг ўғли яшайди.

Унинг хотини менга Жесси поездларни қандай қилиб талагани, банкка босқин уюштиргани, пулларни эса қўшни фермерларга гаровга олинган маблағларни тўлаш учун улашиб берганини гапириб берди.

Жесси балки ўзини қалбан икки авлод муқаддам ўтган голландиялик Шульц, Кроули Икки Тўппонча ва Аль Капоне каби идеалист деб ҳисоблагандир. Гап шундаки, сиз ким билан, ҳатто кўзгуда одам билан учрашганингизда ҳам, у ўзи тўғрисида ниҳоятда кўтаринки фикрда бўлади ва олийҳимматли бўлишини истайди ҳамда ўзи-ўзини альтруист, яъни ўзим демасдан бошқаларни ўйлайдиган, ғамхўрлик кўрсатувчи одам бўлишни хоҳлайди.

Ж.Пирионт Морган бир вақтлар ўзининг таҳлилий кичик пьесаларидан бирида: *«Инсоннинг ҳар бир ҳаракатида икки сабаб мавжуд: унинг бири чиройли кўриниб туради, иккинчиси ҳақиқий бўлади»*, деган эди.

Ҳақиқий мотивни, яъни важ, сабабни одамнинг ўзи фаҳмлаб олади. Сизнинг унга туртки беришингизнинг ҳожати йўқ. Лекин биз, барчамиз ўзимизни қалбан идеалист деб ҳисобласак-да, товланиб турган мотивлар тўғрисида ўй суришни севамиз. Шунинг учун одамларга таъсир этиш учун янада олийжаноб мотивларга нисбатан уларни чақиришга урининг.

Аммо иш билан боғлиқ муносабатларда бундай ёндашув ўзини оқлармикан? Келинг, буни кўриб чиқамиз. Пенсильвания штатининг Гленолден шаҳридаги «Фаррел-Митчел» компаниясида хизмат кўрсатувчи Гамильтон Ж.Фаррел билан боғлиқ ҳодисани олиб кўрайлик. Фаррелда доим, кетаман, деб пўписа қилувчи, ҳар нарсадан норози, мижғов, ижарада турувчи бир мижоз бор эди. У ижара уйни тўрт ойдан кейин топшириши мумкин эди; тўлов ҳақи ҳар ойда эллик беш долларни ташкил этар, бунинг устига ижарага турувчи инжиқ киши шартнома муддати белгиланганидан қатъи назар, кетиб қоламан, деб дағдаға қиларди.

*«Бу одамлар менинг уйимда бутун қиш бўйи, яъни йилнинг энг қиммат нарх тўланадиган вақтида яшаган эдилар*, — дейди Фаррел ўз бошидан кечирганларини тингловчиларга гапира бера туриб. — *Мен квартираларни яна кузга қадар топшириш жуда оғир бўлишини билардим. Бунинг устига икки юз йигирма доллар зарар қилишимни тушунардим, шу боис ўзимдан кетар даражада ётиб қолган эдим.*

*Шундай қилиб, агар мен одатдаги йўлдан борсам, ижарачига учрашардим-да, унга шартномани қайта ўқиб чиқишни маслаҳат берардим. Агар бошқа уйга кўчиб ўтгудек бўлса, қолган тўрт ойлик ижара ҳақини ҳам зудлик билан тўлашини писанда қилар эдим. Бу пулларни фақат суд орқали ундиришим мумкин эди, мен эса бундай қила олмасдим.*

*Аммо жазавага тушиб ғазабимни босолмай тутақиш ўрнига мен бошқача йўлни тутишга қарор қилдим. Қуйи-*

*дагича гап бошладим: «Жаноб Доу, мен сизнинг даъволарингизни эшитдим, шунга қарамай кетишга қарор қилганингизни тушуна олмаяпман. Мен фақат бу йил ижарага қуяётганим йўқ, шу муддат ичида одамларни таниб, билиб олиш бўйича муайян тажриба орттирганман. Сизга келганда шуни тушундимки, сиз лафзида турадиган одамсиз. Бу мен учун шунчалик равшанки, ҳатто қалтис йўл тутишга ҳам тайёрман.*

*Сизга қуйидагиларни тавсия қилмоқчиман. Кўчиб ўтишни бир неча кунга кечиктириб туринг ва яна бир бор ўйлаб кўринг. Агар келгуси ойнинг биринчи кунигача аввал айтганингиздек кетмоқчи бўлсангиз, бу қарорингизни қатъий деб ҳисоблаш кафолатини оламан. Мен сизнинг кўчиб кетишингизга розилик билдираман ҳамда ўзимнинг хато фикрга борганимга иқрор бўламан. Сиз лафзида турадиган одамсиз, шартномада зиммангизга олган мажбуриятларни бажаришингизга қатъий ишонаман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, биз хоҳ одам, хоҳ маймун бўлайлик, барибир буни танлаш одатда ўзимизга боғлиқдир».*

*Мана, янги ой кириб келмасданоқ бу жанобнинг шахсан ўзи ижара ҳақини олиб келди. У хотини билан бу масалани обдон муҳокама этиб, қолишга қарор қилибди. Улар энг яхши йўл — шартномада тилга олинган шартларга риоя қилган ҳолда уйда қолишни англаб етган эдилар».*

Бир вақтлар марҳум лорд Нортклифф газеталардан бири унинг фотосуратини босиб чиқаргани ёқмагани учун муҳаррирга хат ёзган эди. Эҳтимол, сиз Нортклифф *«Марҳамат қилиб, менинг ушбу фотосуратимни босиб чиқарманг, мен уни ёқтирмайман»*, деб айтган, деб ўйларсиз. Йўқ, у юксак сабабларга таянади. Нортклифф барчамиз каби оналаримизга нисбатан ифода этиладиган ҳурмат ва муҳаббат ҳисларидан таянч излашга интилди. У шундай деб ёзган эди: *«Илтимос, бундан буён менинг ушбу фотосуратимни босиб чиқарманг, у онамга ёқмаяпти».*

Кичик Жон Рокфеллерга фоторепортёрлар унинг фарзандларини суратга тушираверишлари ёқмади ва бунга чек қўймоқчи бўлди. Бунинг учун у жуда баланд, олийжаноб важлардан фойдаланди. *«Мен уларнинг суратларини босиб чиқаришингизни истамайман»*, демади. Йўқ, у барчамизга

тегишли, яъни болаларга зарар етказмаслик ҳиссиётига мурожаат қилди. Рокфеллер шундай деб ёзган эди: *«Гап нима ҳақида бораётганини биласизлар. Ҳаммангизда ҳам фарзанд бор, албатта. Яхши биласизки, болаларга машҳур бўлиш унчалик ярашмайди».*

Бир пайтлар Мэн штатида яшаган камбағал ўсмир Сайрус Кертис ўзининг миллионерга айлантирган даражадаги мартабасини бошлаган пайтда «Сатердей ивнинг пост», «Лейдиз хоум жорнэл» журналларида эндигина фаолият юритган вақтида бошқа ноширлар тўлайдиган қалам ҳақини ҳам тўлай олмайдиган даражада сармояси йўқ эди.

Унинг биринчи даражали муаллифларни пул билан жалб этишга қурби етмасди. Шу сабабли уларни юксак ҳис-туйғулар сари чақириш учун ҳаракат қиларди. Кертис, ҳатто Луиза Мэй Олкоттни ҳам ўз нашриёти учун асар ёзиб беришга кўндирган эди. У бунинг уддасидан чиқа олди, чунки у юз долларлик чекни Мэй номига эмас, балки унинг номидан ночор кишиларга мурувват ёрдами кўрсатадиган маҳкамага юборган эди.

Ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган, яъни спектик киши: *«О, бундай ҳолат фақат Нортклифф, Рокфеллер ёки хаёлпараст одамларга жуда мос келади. Нима бу? Кўрамиз, сиз менга дуч келадиган учига чиққан нусхаларга қандай таъсир кўрсатар экансиз?!»* деб айтиши мумкин эди.

Эҳтимол, сиз ҳам ҳақдирсиз. Ҳамма воқеа-ҳодисалар ва барча одамлар учун умумий воситалар йўқ, албатта. Агар сиз ўзингизнинг ташқи натижаларингиз билан қаноатланиб қолсангиз, у ҳолда уни бошқаси билан алмаштиришнинг нима ҳожати бор? Борди-ю норози бўлсангиз, нега тажриба ўтказмайсиз?

Агар сиз менинг собиқ тингловчим Жеймс Л.Томас сўзлаб берган ҳақиқий воқеанинг тафсилотини ўқисангиз, анча мамнун бўласиз, деб ўйлайман.

Қандайдир автомобиль фирмасининг олти нафар мижози ўзларига кўрсатилган ҳисоб бўйича тўловдан бош тортишди. Бу мижоздан бирортаси ҳам ҳисобнинг тўлалигига талашиб-тортишмади, аммо уларнинг ҳар бири қайсидир банд хато ёзилган, деб туриб олди. Нима бўлганда ҳам иш

поёнига етган, мижозлар буни имзо билан тасдиқлаган эдилар. Шу боис фирма ўзининг ҳақ эканлигига шубҳа билдирмай, бу ҳақда айтди ҳам. Айнан шу фирманинг хатоси эди.

Қуйида фирманинг кредит бўлими томонидан муддати ўтиб кетган қарзларни ундириш учун қўйилган қадамлар санаб чиқилади. Улар муваффақиятга эришадими, нима деб ўйлайсиз?

1. Улар мижоз ҳузурига ташриф буюриб, муддати ўтиб кетган қарзларни ундириш учун келганларини дангал айтганлар.

2. Фирма тўласинча ва сўзсиз равишда ноҳақ деб очиқ-ойдин тушунтирганлар.

3. Улар фирма автомобиллари тўғрисида шунчалик кўп маълумотга эгаки, мижоз уни тушида ҳам кўрган эмас, деб шама қилдилар. Шундай экан, бу борада мунозара қилишнинг нима кераги бор?

4. Натижа: улар тортишдилар.

Кўрсатилган усуллардан бирортаси мижозни тўлов бўйича харажатларни тўлашга ундай оладими? Бу саволга ўзингиз жавоб беришингиз мумкин.

Зиддиятнинг ана шу нуқтасида кредит бошқарувчиси рақиб томонга ҳуқуқшуносларнинг бутун бошли полкини ёрдамга чақириб, уларга қарши ўт очиши мумкин эди, аммо хайриятки, иш бош директорнинг қўлига бориб тегди. У қарздорлар тўғрисида маълумот йиғди. Маълум бўлдики, уларнинг бари қарзларини кечиктирмай тўлаганлар.

Демак, бу ерда қандайдир ниҳоятда чуқур хато содир этилган, қарзларни ундириш усулида нимадир рўй берган. Бош директор Жеймс Л.Томасни чақириб, унга «тўловни тўламаган» мазкур мижозлардан пул ундириб олишни буюрди.

Мана, Томас қандай йўллар қидирди.

*1. «Менинг ҳар бир қарздор ҳузурига ташриф буюришимдан мақсад,* — деб ҳикоя қилади Томас, — *муддати аллақачон ўтиб кетган ҳисоб тўловларини ундиришдан иборат эди. Бу ҳисобнинг тўғрилигига бизнинг ҳеч қандай шубҳамиз йўқ эди. Лекин мен бу ҳақда бир оғиз гапирмадим. Мен, фирма қандай ишларни бажарди, қайсиларини бажармади, шуни аниқлаш учун келдим, деб тушунтирдим.*

*2. Мен мижозни обдон эшитмай туриб, бирор фикр билдиролмайман, деб очиқ-ойдин айтдим. Шунингдек, фирма ҳам бехато ишлашга даъво қилолмайди, деб қистириб қўйдим.*

*3. Мен фақат мижознинг автомобили билан қизиққанимни кўрсатдим, чунки у бу ҳақда ҳаммадан кўпроқ билади, шу билан бирга мазкур масалада жуда катта обрў-эътиборга эга.*

*4. Мен мижозга муфассал гапириб бериши учун имконият бердим. Ўзим эса унинг манфаатдорлиги ҳамда ғамташвишларини эшитдим, у бунга муҳтож ва буни кутар эди.*

*5. Энди мижоз бемалол фикр юрита оладиган даражага етгач, мен уни инсофга чақириб, ўз ишимни ҳавола қилдим — бу энди хулосага кирар эди. Мен янада юксак ҳис-туйғуларга, олижаноб сабабларга мурожаат қилдим. Биринчидан,* — деб аниқлик киритдим масалага мен, — *бу ерда беадаблик содир этилган, сиз буни билишингиз керак, деб ўйлайман. Ходимларимиздан бири сизни ноқулай аҳволга солиб, ранжитган ва жонингизни ҳалқумингизга келтирган. Бундай бўлмаслиги керак эди. Мен рўй берган воқеадан чуқур таассуфдаман ва фирма вакили сифатида сиздан узр сўрайман. Бу воқеани ўзингиздан эшитгач, чидам ва сабр-тоқатингиз ҳамда одиллигингиз менда кучли таассурот қолдирди, сиз ҳаққоний ва сабр-бардошли одам экансиз, шунинг учун бу ишни ўзингиз амалга оширишингизни сўрайман. Бу шундай ишки, сиз уни бошқалардан яхшироқ бажарасиз, чунки ўзгалардан яхшироқ биласиз. Мана, тўлов ҳисобингиз, сизга тўлиқ ишонаман, шунинг учун уни ўзингиз муфассал текшириб кўринг, қани энди фирмамизнинг президенти сиз бўлсангиз. Бу масалани мен ўзингизнинг ихтиёрингизга ҳавола этаман, сиз нима десангиз, худди шундай бўлади».*

*У тўлов ҳисобини текшириб кўрдими? Шубҳасиз, бу ишни мамнуният билан бажарди. Тўлов ҳисоб-китоби 150 дан 400 долларгача эди, мижозлар бундан фақат ўз фойдасини кўзлашдими? Ҳа, фақат бештаси шундай йўл тутди! Улардан бири мунозарали банд бўйича бир цент ҳам тўлашни хоҳламади, қолган бешаласи эса фирма фойдасига тўлашга қарор қилишди! Ниҳоят, натижа янада ажойиб бўлди: яқин икки йил мобайнида биз ушбу олти нафар мижоздан ҳам янги автомобиллар учун буюртмалар олдик!*

*Бу тажриба менинг кўзимни очди. Агар мижоз тўғрисида бирорта маълумот олиш имконияти бўлмаса, ундан келиб чиқадиган битта асос бор — у ҳам бўлса, уни самимий, ростгўй, ҳалол киши деб ҳисоблаш ҳамда тўлов ҳисоб-китобининг тўғрилиги ҳамда аниқлигига ишонса, жону дили билан тўлайди, деб хулоса чиқаришдан иборатдир. Бу фикрни бошқачароқ, ҳам янада аниқроқ ифодалаш мумкин: одамлар ўз-ўзича виждонли ва ор-номусли бўлиб, ўзлари зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ адо этишади. Бу қоидалардан жуда оз қисми мустасно бўлиб, ишонаманки, ҳатто фирибгарликка мойил киши ҳам аксарият ҳолларда ўзини ижобийлик томон йўналтиради. Уни ростгўй, бағрикенг ва ҳаққоний, одил киши деб ҳисобласангиз, ана шунинг ўзи кифоя».*

Шундай қилиб, сиз одамларни ўз нуқтаи назарингизга мойил қилмоқчи бўлсангиз, умумий қилиб айтганда, энг яхшиси ўнинчи қоидага риоя қилишдир:

***Уларни юксак ҳис-туйғуларга, далилларга даъват этинг.***

*Ўн биринчи бўлим*

## КИНО ВА РАДИОДА ШУНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШАДИ, СИЗ НИМА УЧУН УНИ ҚЎЛЛАМАСЛИГИНГИЗ КЕРАК?

Бир неча йил муқаддам «Филадельфия ивнинг буллитейн» газетаси ғаразли туҳмат компанияси нишонига айланиб қолди. Уни ер билан яксон этувчи овозалар тарқалди. Реклама берувчилар ушбу газетада эълонлар ҳаддан зиёд кўп, янгиликлар ниҳоят даражада кам, шунинг учун у китобхонлар диққатини кўп ўзига тортмайди, деб айтишарди, зудлик билан чоралар кўриш талаб этилди. Ғийбат, миш-мишлар пайини қирқиш керак эди.

Аммо қандай қилиб?

Мана бу қай тарзда амалга ошган эди?

Таҳрир ҳайъати бир кунлик газетанинг барча материалларни қирқиб олиб, бўлимларга бўлган ҳолда тасниф

этди ҳамда уни китоб шаклида чоп этди. Китобнинг номи «Бир кун» деб аталди. У ўзида 307 саҳифани, яъни икки доллар турадиган китобга қанча бет сиғса, шунчани қамраб олган эди. Шу билан бирга ушбу газетадаги хабарлар, мақолалар, очерклар ҳамда бошқа материаллар бешта сонда чоп этилган бўлиб, улар икки доллардан эмас, ҳар бир нусхаси икки центдан сотиларди. Китобнинг чоп этилиши мазкур газетани ўқиш учун қанчалик қизиқарли материални қамраб олганини очиқ-ойдин намойиш қилди. У далилларни ишончли, қизиқарли ва таъсирли қилиб ифодалаган эди, бунинг учун жуда кўп сон-саноқсиз рақамлар ҳамда оддийгина ҳикоя қилиш воситасидан фойдаланиш мумкин эди.

Сиз Кеннет Гуд ва Зенн Кауфманнинг «Бизнесда реклама қилиш санъати» китобини ўқиб чиқинг. Ана шунда кўз ўнгингизда мафтункор манзара намоён бўлади, сиз унда реклама усталарини иш устида кўрасиз, улар хазинани қандай тўлдираётганидан хабардор бўласиз. Китобда ёзилишича, «Электролюкс» фирмаси дўконларидан бирининг сотувчилар бўлими ходимлари харидорнинг қулоғи остида сездирмай гугурт чақиб кўрадилар, токи харидорнинг ўзи уларнинг совуткичлари товушсиз ишлаётганига ишонч ҳосил қилсин...

Сиз «Сирс, Робак» фирмасида ишлаб чиқарилган, ҳар бир донаси бир доллару тўқсон беш цент бўлган ҳамда эътиборли кишилардан бири саналмиш Анна Созери дастхати битилган шляпани олаётганда, қандай назар ташлайсиз?.. Жорж Уэллбаумнинг айтишига кўра, дўкон пешлавҳасида ҳаракатланувчи реклама узиб қўйилгандан кейин келаётган харидорлар оқими саксон фоизга камаяр экан... Перси Уайтинг қимматбаҳо қоғозларни сота туриб, мижозларга икки хил акция рўйхатини ҳавола этади, уларнинг ҳар бири беш йил муқаддам минг доллардан нархланганини намойиш қилади. У мижозлардан қайси бир рўйхатдаги акциядан олишни хоҳлашини сўрайди. Бир, икки тайёр! Ҳозирги бозор баҳосининг кўрсатишича, битта рўйхатда ҳисобланган, шубҳасиз, ўзиники бўлган акция баланд нархда баҳоланади. Харидорларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, уларнинг диққатини ўзига тортади.

Микки Маус усталик билан қомусга киришга интилди-ю, ўзининг номини ўйинчоқларга бериб, фабрикани таназзулдан сақлаб қолди... «Истерн эрлайнс» ўзининг «Дуглас» номли рейсда учадиган самолётларидан бирининг қурилмалар тахтасини пештахта ўрнига қўйиб, одамлар тўдасини йўлакларга тўплайди... Гарри Алексендр эса радиорепортаж уюштириб, ўз маҳсулоти билан унинг рақобатчиси ўртасида баҳсни худди бокс беллашуви каби намоён этиб, коммивояжерларини руҳлантирар эди... Прожектор нурлари қандолат маҳсулотлари пештахтасини тасодифан ёритиб юборганида унинг моллари савдоси икки бараварга ортган... «Крайслер» автомобиль фирмаси ўз машиналарига филни ўтирғизиб, шу билан маҳсулотлари мустаҳкамлигини кўрсатмоқчи бўлишади.

Ричард Борден ва Алвин Буссе (Нью-Йорк университети) савдо агентларидан олинган ўн беш мингта интервьюни таҳлил қилиб чиқдилар. Улар «Баҳсда қандай қилиб ғалабага эришиш мумкин?» номли китоб ёзишди, сўнг ана шу ғояларни «Савдо маҳоратининг олти тамойили» номли маърузаларида баён этдилар. Ушбу маърузани кейинчалик экранлаштиришди. Фильм юзлаб йирик корпорациялардаги маҳсулотларни сотиш билан шуғулланадиган агентларга намойиш этилди. Муаллифлар ўз тадқиқотларига асос бўлган тамойилларни тушунтириш билан чекланиб қолишмади, балки уларни саҳна кўринишларида мисол тариқасида намойиш этишди. Улар томошабиннинг кўз олдида савдода сотувни қандай ташкил этиш кераклигини сўз орқали кўрсатиб беришди.

Бизнинг давримиз кучли манфаатлар кўришга мойил давр ҳисобланади. Фақат бу ҳақиқатни таъкидлашнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳақиқатни жонли, қизиқарли, жиддий тарзда кўрсатмоқ керак. Сиз тасвирли рекламадан фойдаланишни пухта ўрганишингиз лозим. Кинода айнан шундай қилишади. Радиода ҳам шу тарзда ишлашади. Агар ўзимга диққатни тортаман десангиз, сиз ҳам айнан шундай йўл тутишингиз керак.

Пештахталарни жиҳозлаш соҳасидаги мутахассислар кўргазма жуда кучли таъсир кучига эга эканлигини жуда яхши билишади. Масалан, дўкон пешлавҳасини каламуш заҳри билан жиҳозлашда фабрикалар бошқача йўл тутиб,

иккита йирик каламушни ҳам қўйиб қўйишди. Ўша ҳафтанинг ўзида маҳсулот сотишдан тушадиган маблағ дўконларда беш бароварга ошди.

«Америкэн уикли» журнали ходими Жеймс Б.Бойнтон бозорнинг аҳволи тўғрисида ҳар томонлама ҳисобот тақдим этиши керак эди. Унинг мижози ҳисобланган фирма юз ва қўлни юмшатадиган кремнинг машҳур навини оммалашувини эндигина батафсил ўрганган эди. Мазкур тадқиқот туфайли маълумотлар бу маҳсулотнинг нархи тезлик билан тушиб кетиш хавфи борлигини кўрсатар эди. Бойнтоннинг мижозларидан бири реклама ишидаги энг йирик ва обрўэътиборли мутахассислардан ҳисобланарди.

Биринчи марта Бойнтон муваффақиятсизликка учради.

*«Илк бор ҳузурига борганимда, у мени бир бурчакка қисиб, бир чақага қиммат мунозарага аралаштирди,* — дейди Бойнтон. — *Ўша жараёнда татбиқ қилинаётган усул бўйича тортишув бўлса керак, деган туйғулар гирдобида эдим. У ҳам тортишди, мен ҳам тортишдим. У менга хато қиляпсан, деди, мен эса ўзимнинг ҳақ эканлигимни кўрсатмоқчи эдим.*

*Ниҳоят, мен енгиб чиқишга, ундан устун бўлишга муваффақ бўлдим, аммо вақтим тугаб қолди. Мен ҳеч нарсага эриша олмадим.*

*Кейинги сафар борганимда, уни жадвал ҳамда рақамларсиз четлаб ўтишга интилдим. Бу одам ҳузурига ташриф буюриб, мен самарали якун сифатида далилларни узатдим. Мен кирганимда Бойнтон ким биландир телефонда гаплашиб турар эди. Мен унинг гапи тугашини кутмай жомадонни очиб, ёзув столи устига уттиз икки банка кольдкрем банкасини қўйдим. Унинг барча навлари унга таниш, бу унинг рақиблари маҳсулотлари эди.*

*Ҳар бир банкага ёрлиқча билан бирга савдо таҳлили натижалари ёзилган қоғоз ёпиштирилганди. Ҳар бир ёрлиқда шунингдек, қисқа ва чиройли тарзда маҳсулот тарихи битилган эди».*

«Шундан кейин нима рўй берди?»

*«Сўнг ҳеч қандай тотишув бўлмади. Бутунлай янги, мутлақо бошқа воқеа юз берди. У дастлаб қўлига бир банка*

*кольдкремни олиб, сунг иккинчи қўлига бошқасини олди-ю, ёрлиқлардаги матнларни ўқий бошлади. Дўстона суҳбат бошланиб кетди. У ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда қизиқаётганини билдирувчи қўшимча саволлар берди. Биринчи гал у далилларни баён этиш учун ўн дақиқа вақт берган эди. Аммо бу ўн дақиқани четлаб ўтишди. Сунг йигирма, қирқ, ниҳоят бир соат ўтса ҳамки, суҳбатимиз давом этарди.*

*Мен бу сафар ҳам худди олдинги далилларни келтирган эдим. Аммо бу сафар мен уни жиддийлаштирдим, материални самарали тарзда беришга интилдим, ўртадаги фарқ ана шундай жуда катта эди».*

Шундай қилиб, сиз одамларни ўзингизнинг нуқтаи назарингизга мойил қилмоқчи бўлсангиз, ўн биринчи қоидага риоя қилинг:

***Ўз ғояларингизни жиддийлаштириб, уларнинг самарали бўлишига эришинг.***

*Ўн иккинчи бўлим*

## АГАР БОШҚА БИРОРТАСИ ТАЪСИР ЭТМАСА, БУНИ СИНАБ КЎРИНГ

Чарльз Швабга қарашли заводда битта цех бошлиғи бўлиб, унинг ишчилари смена топшириғини бажаришмас эди.

*«Буёғи қандай бўлди энди?* — деб сўради Шваб. — *Сиз шундай уддабурон одам бўлсангиз-да, топшириқни бажаришни уддалай олмайсиз?»*

*«Билмадим,* — жавоб берди муҳандис, — *мен ишчиларга илтимос қилдим, қувиб солдим ҳам, ҳақорат қилдим, ёқалашдим, силтаб ҳам ташладим, умри бўйича қарғиш ёғдирдим, ишдан ҳайдайман деб таҳдид қилдим. Аммо ҳаммаси натижасиз тугади. Улар ишлашни, яхши ишлашни исташмайди».*

Бу суҳбат тунги смена бошланишидан сал олдинроқ иш куни охирида бўлиб ўтди.

*«Менга бир бўлак бўр беринг-чи»*, деди Шваб. Сунгра яқин турган ишчига бурилиб қаради-да, сўради:

*«Сизнинг сменангиз бугун қанча эритма берди?»*
*«Олтита».*

Шваб бир сўз демай полга катта олти рақамини ёзди ва кетди.

Тунги смена ишчилари келганида улар «6» рақами нимани билдиришини сўрашди.

*«Бугун хўжайиннинг ўзи келган эди,* — деб жавоб беришди кундузги смена ишчилари. — *Биз қанча эритма берганимиз билан қизиқди. «Олтита» деб жавоб бердик. У шуни полга ёзиб қўйди».*

Эртасига эрталаб Шваб яна қуйиш цехига келди. Тунги смена олти рақамини ўчириб, уни улкан 7 рақами билан алмаштирган эди.

Кундузи ишлайдиган ишчилар келиб, полга бўр билан ёзилган катта етти сонини кўришди. Аҳ, демак, тунги смена кундуздагидан кўра яхши ишлабди-а! Улар ўзларини яхши деб ҳисоблар экан-да! Тунги сменага ўзининг қандайлигини кўрсатиб қўяди! Улар ғайрат билан ишга киришдилар, ишни тугатиб кетишаркан, мағрур турган катта «10» рақамини ёзиб қўйишди. Суръат ўса бошлади.

Кўп ўтмай орқада қолган бу цех ишлаб чиқариш бўйича барча цехлардан ошиб кетди.

Ўзига хос усулми?

Чарльз Швабнинг ўзига сўзни берамиз: *«Ишни энг яхши бажартиришнинг энг яхши йўли, бу — рақобатчиликни рағбатлантириш, демакдир. Мен беғараз, ўзгармас рақобатни афзал кўраман, токи у афзаллик, илғорлик сари интилиш бўлади».*

Ўзиб кетиш учун интилишдан фойдаланиш нима ўзи? Чақириқми? «Қўлқопни ечиб ташлаб», ишга киришиш! Одамларга хатосиз таъсир этиш матонат билан ишга берилиш демакдир.

Агар Теодор Рузвельтга чақириқ ташланмаганида, салгина туртки бўлмаганида, у ҳеч қачон Америка Қўшма Штатлари президенти бўлолмас эди. Отлиқ аскарлар полкининг командири Т.Рузвельт Кубадан эндигина қайтганида Нью-Йорк штати губернаторлигига номзод қилиб кўрсатилади. Аммо сиёсий рақиблари унинг ҳуқуқий жиҳатдан мазкур штат фуқароси эмаслигини аниқлаб оладилар. Рузвельт эсанкираб қолиб, ўз номзодини қайтариб олишга шайлана-

ди. Шунда Томас Кольер Платт унга даъват қилиб, уни руҳлантиради. Платт фавқулодда жарангдор овоз билан Рузвельтга бурилиб, шундай дейди: *«Наҳотки Сан-Хуан тепалигининг қаҳрамони қўрқоқ бўлса?»*

Рузвельт курашни давом эттирди, кейинги жараён бу тарихнинг мулки ҳисобланади. Мазкур даъват унинг ҳаётини ўзгартирибгина қолмай, балки мамлакатимиз тарихига ҳам аниқ таъсир кўрсатди.

Чарльз Шваб даъват жуда катта кучга эга эканлигини билар эди. Бу Босс Платт ва Эль Смитга ҳам маълум эди.

Эль Смит ҳаётида ҳам, у Нью-Йорк губернатори бўлганида, айнан шундай муаммо билан тўқнаш келган эди. Девил-Айленддан тортиб ғарбга қадар шармандали ном олган Синг-Синг қамоқхонаси ўша пайтда бошлиқдан маҳрум бўлган эди. Турма деворлари ортида турли ғийбатлар ҳамда даҳшатли овозалар тарқалганди. Смит учун жуда кучли одам керак эди, токи у Синг-Сингни бошқара оладиган темирдай шахс бўлмоғи лозим. Аммо бундай инсонни қаердан топиш мумкин? Смит ўз ҳузурида Нью-Гэмптондан Льюис Лоэусни чақирди. *«Сиз Синг-Сингга бошқарувчи бўлиш тўғрисидаги таклифга қандай қарайсиз?* — деб сўради Смит ҳузурига келган Льюисдан. — *У ерга жуда тажрибали киши зарур»*.

Лоэуснинг дами чиқмай қолди. У Синг-Сингга тайинлангач, бу билан боғлиқ барча хавф-хатарни олдиндан ҳис этди. Бу тайинлаш сиёсий характер касб этар ҳамда сиёсий вазиятнинг танглиги билан боғлиқ эди. Бошлиқлар келиб-кетар, улардан бири зўрға уч ҳафта чидаганди. Льюис ўз мавқеи, мартабаси ҳақида ўйлаши керак эди. Таваккал қилиб бўлармиди?

Смит унинг иккиланаётганини пайқаб, стул суянчиғига ўзини ташлади ва кулимсираб деди: *«Йигитча, мен қўрқаётганингизни кўриб, сизни асло айбламоқчи эмасман. Ҳақиқатан, жуда хавфли иш. Бунинг учун ниҳоятда кучли одам бўлиш керак, Бу ишни ана шунда уддалаш мумкин»*.

Кўряпсизки, Смит даъват қилди, гап ташлаб қўйди, шундай эмасми? Лоуэс ич-ичидан ана шундай кучли киши керак бўладиган ишни қўлга олишга аҳд қилди.

У бу тайинлашни қабул қилди. Ва ўз вазифасини бажаришга киришди. У фақат мазкур вазифада қолибгина эмас, шу пайтгача мавжуд бўлган энг машҳур қамоқхона бошлиқларидан бири бўлиб қолди. Лоуэснинг «Синг-Сингда 20 минг йил» номли китоби юз минглаб нусхада босилиб, тарқалиб кетди. У радио орқали чиқиш қилди, турма ҳаётидан ёзган ҳикоялари ўнлаб кинофильмлар учун сюжет бўлиб хизмат қилди. Унинг «инсонпарварлиги» туфайли жиноятчилар мўъжизалар яратдилар ва қамоқхона ислоҳотига бошлари билан шўнғидилар.

*«Мен ҳеч қачон маош аталмиш рағбатлантирувчи омил ёрдамида малакали кадрларни танлаш ва сақлаш мумкин эканлигини кўрмаган эдим. Бунда энг асосийси — ўйиндаги ҳал этувчи лаҳза, деб ўйлайман»*, дейди «Файрстоун тайр энд раббер компани» номли машҳур фирма асосчиси Харви С.Файрстоун.

Айнан ана шу ўйинни, муваффақият қозонишни истаган ҳар бир киши, албатта, яхши кўради. Бу ўз-ўзининг имкониятларини амалга оширишдир. Сен нимага арзишингни, бошқалардан афзал томонларингни кўрсатишдир, ютиб чиқишдир. Мана шунинг учун имконияти кенг мусобақалар, пойгалар кўп: у югуришда, ҳайқиришда, пирог ейишда ва ҳоказоларда кенг оммалашган. Бунда бошқалардан ўзиб кетиш хоҳиши намоён бўлади. Бунда ўзининг қадр-қиммати, шахсий ўзлигини ҳис этиш хоҳиши кўринади.

Шундай қилиб, сиз матонатли, мард, довюрак одамларни ўз нуқтаи назарингизга мойил этмоқчи бўлсангиз, ўн иккинчи қоидага риоя қилинг:

***Даъват қилинг, жонли ҳаракат қилишга унданг.***

## Қисқача хулосалар

*Одамларни ўз нуқтаи назарингизга мойил этишга ундовчи ўн икки қоида:*

*1-қоида:* Тортишувда баланд келишнинг ягона усули — ундан воз кечишдир.

*2-қоида:* Ҳамсуҳбатингиз фикрига ҳурмат бажо келтиринг. Одамга ҳеч қачон «сен ноҳақсан» деманг.

*3-қоида:* Агар сиз ноҳақ бўлсангиз, бунга тез ва қатъий равишда иқрор бўлинг.

*4-қоида:* Гапнинг бошиданоқ дўстона оҳангни асло қўлдан берманг.

*5-қоида:* Ҳамсуҳбатингизни дарров «ҳа» деб жавоб беришга мажбур этинг.

*6-қоида:* Кўпроқ вақт ҳамсуҳбатингиз гапирсин.

*7-қоида:* Майли, ҳамсуҳбатингиз бу фикр ўзига тегишли деб ўйласин.

*8-қоида:* Воқеа-ҳодисаларга сидқидилдан ҳамсуҳбатингиз нуқтаи назари билан қаранг.

*9-қоида:* Бошқаларнинг фикр ва хоҳишларига хайрихоҳ муносабатда бўлинг.

*10-қоида:* Уларни юксак ҳис-туйғулар, мотивларга даъват этинг.

*11-қоида:* Ўз ғояларингизни жиддийлаштириб, уларнинг самарали бўлишига эришинг.

*12-қоида:* Даъват қилинг, жонли ҳаракат қилишга унданг.

*ТЎРТИНЧИ ҚИСМ*

# ОДАМЛАРНИНГ ИЗЗАТ-НАФСОНИЯТИГА ТЕГМАЙ, УЛАРНИ РАНЖИТМАЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ТЎҚҚИЗ ҚОИДАСИ ТЎҒРИСИДА

*Биринчи бўлим*

## ТАНБЕҲ БЕРИШИНГИЗ ЛОЗИМ БЎЛИБ ҚОЛСА, ГАПНИ НИМАДАН БОШЛАШ ҲАҚИДА

Кэлвин Кулиж президентлиги давридаги Оқ уйда уюштирилган бир зиёфатга менинг дўстим ҳам таклиф қилинган эди. У эрталаб президентнинг шахсий кабинетига кирганда, унинг ёш котибаларидан бирига Кулиж қуйидаги гапни айтаётганини эшитиб қолади: *«Бугун сиз жудаям чиройли либос кийиб келибсиз, кўринишингиз ниҳоятда мафтункор»*. Бу сўз камгап Кэлнинг ҳаётидаги, эҳтимол, ягона ўринли мақтовлардан бири бўлиб, шу даражада одатдан ташқари ҳамда тўсатдан айтилгандики, котиба лавлагидек қизариб кетди. Шунда Кулиж илова қилди: *«Хижолат бўлманг, мен бу сўзни кўнглингизни кўтариш учун айтдим. Энди эса сиз келажакда тиниш белгиларига кўпроқ эътибор беришингизни сўрайман»*.

Унинг услуби гарчи жуда жўн ва содда бўлса-да, руҳий нуқтаи назардан мукаммал эди. Даставвал бизнинг фазилатларимиз тилга олиниб, кейин нохуш гаплар айтилса, эшитиш енгил кечади.

Сартарош соқолни қиришдан олдин мижозга совун суркайди. Мак-Кинли ҳам 1896 йили президентликка номзоди қўйилганида айнан шу тарзда йўл тутган эди. Республикачилар партиясининг ўша даврдаги кўзга кўринган фаолларидан бири сайловолди нутқ матнини тайёрлайди. Муал-

лифнинг фикрига кўра, мазкур нутқ жаҳондаги энг билимдон ҳисобланган Цицерон, Патрик Генри ва Даниэл Уэбстерларнинг ҳамкорликда тайёрлаган нутқидан ҳам яхшироқ эди.

Бу арбоб нутқни кўтаринки руҳда овоз чиқариб, Мак-Кинлига ўқиб берди. Унда ўринли ташбеҳлар кўп бўлса-да, аммо нутқ бутунича яроқсиз аҳволда эди. Мазкур нутқ шу ҳолатида нотиқни танқидлар бўронига рўбарў қилиши мумкин эди. Мак-Кинли муаллифнинг иззат-нафсига тегмасликка ҳаракат қилди. Унинг ғайрат-шижоати ва ижодкорлиги заҳа емаслиги лозим эди. Шунга қарамай унга «йўқ» дейиш керак. Мак-Кинли бу ҳолатни қандай усталик билан амалга оширганига эътибор беринг:

*«Дўстим, бу жуда зўр нутқ, қойилмақом қилиб ёзилган,* — дейди Мак-Кинли. — *Ҳеч ким бундан яхшироқ ёзолмайди. У кўпгина ҳолатларга мос келган бўларди, аммо ҳозирги шароитга мосмикан? Сизнинг нуқтаи назарингизда барча ҳолатлар инобатга олинган, мен эса партиянинг манфаатлари асосида иш юритишни ҳамда самарали бўлишига эришмоқ зарур, деб ҳисоблайман. Уйингизга боринг, мен кўрсатган жиҳатларни ҳисобга олиб, бошқа нутқ тайёрланг. Нусхасини менга юборинг».*

Муаллиф ҳам айнан шундай қилди.

Мак-Кинли ўзига юборилган нусхада кўк қалам билан айрим ўзгартиришлар қилиш ва янги нутқ тайёрлаш бўйича муаллифга ёрдам берди. Натижада у сайловолди кампаниясида энг кўп шуҳрат қозонган нотиққа айланди.

Мана, Авраам Линкольннинг номалари ичидан топилган машҳур мактуб (машҳурлиги шундаки, Линкольн ушбу хатни беш нафар фарзанди урушда ҳалок бўлган Биксби хонимга таъзия изҳор этиб ёзган эди). Эҳтимол, Линкольн уни беш дақиқа ичида ёзгандир, лекин 1926 йилда бўлиб ўтган кимошди савдосида мактуб ўн икки минг долларга сотилган. Бу эса Линкольннинг ярим аср мобайнида оғир меҳнати натижасида эришганидан ҳам ортиқ даражада эди.

Мазкур хат мамлакатдаги фуқаролар урушининг энг оғир палласида, яъни 1863 йилнинг 26 апрелида ёзилганди. Ўша йили Линкольн армиясининг генераллари ши-

молликлар армиясини ўн саккиз ой давомида фожиали жангларда бирма-бир мағлубиятга учратардилар. Бу эса бемаъни қон тўкишдан бошқа иш эмас эди. Миллат бутунлай қўрқув ичида қолган. Минглаб аскарлар қочоқ кишиларга айланган. Республикачилар партиясининг аъзоси бўлган сенаторлар ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар ва, ҳатто Линкольнни Оқ уйдан қувиб юбормоқчи бўлдилар. *«Биз ҳозир ўлим ёқасидамиз,* — деди Линкольн, — *ҳатто яратганнинг ўзи ҳам бизга қарши бўлса керак. Қаердандир нажот келишига кўз тикиш амримаҳол».* Юқорида тилга олинган хат ана шундай тушкунликда ва парокандалик шароитида ёзилган эди.

Мазкур хатни алоҳида қайд этишимдан мақсад, Линкольн ўзининг қайсар генералларидан бирига мактуб орқали таъсир кўрсатишга уринишини кўрсатишдир. Шундай вақт эдики, қўмондоннинг ҳаракатлари ортида миллат тақдири турарди.

Линкольн президентлиги даврида ёзилган энг кескин хатлардан бири, шубҳасиз, шу бўлса керак. Эътибор берсангиз, унда оғир хатолардан гап бошлашдан олдин, у гапни генерал Гукерни мақташдан бошлайди.

Ҳа, булар жуда оғир хатолар эди. Лекин Линкольн уларни шундай деб атамади. У ўз хатида масалаларга жуда босиқлик ва ҳар томонлама ёндашув билан муносабатда бўлади. *«Шундай ишлар борки, мен уларга нисбатан сиздек рози бўлолмайман»,* деб ёзади Линкольн. Шундай экан, қандай хушмуомалалик ҳақида гап бўлиши мумкин! Бу қандайин усталик билан қилинган муомала бўлди экан!

Мана генерал Гукерга йўлланган мактуб:

*«Мен сизни Потомак армиясига бошлиқ қилиб тайинладим. Бундай қилишимга менда барча асослар мавжуд. Яна ўйлайманки, шундай ишлар борки, бу борада сиз билан тўла равишда рози бўлолмайман.*

*Мен сизни жасур ва уддабурон қўмондон деб биламан, бу эса ўз-ўзидан маълумки, менга ёқади. Сиз ўзингизнинг касбий фаолиятингизга сиёсий мулоҳазаларни аралаштирмайсиз, деб ҳисоблайман ва бу борада ҳақсиз, деб ҳисоблайман. Сиз ўзингизга ниҳоятда ишонасиз, бу жуда қаматли ҳисобланади, бу жуда муҳимдир.*

*Сиз одоб доирасидан чиқмаган иззатталаб инсонсиз. Бу балки фойдалидир, зарарлига нисбатан. Сиз ўз шуҳратпарастлигингизга берилиб, армияга қўмондонлик қилаётган генерал Бернсайдга халақит бердингиз. Бу хатти-ҳаракат билан мамлакатга ва энг муносиб сафдош офицер дўстларингизга катта зарар етказдингиз.*

*Ишончли манбалардан менга маълум бўлишича, сиз армия учун ҳам, мамлакат учун ҳам диктатор лозим, дейсиз. Ўз-ўзидан маълумки, шунга қарамай мен сизга қўмондонликни топширдим.*

*Муваффақиятни қўлга киритган генералларгина диктатор бўлишлари мумкин. Ҳозир менга ҳарбий соҳадаги муваффақият талаб қилинади ва мен таваккал қилиб диктатурага ҳам боришга тайёрман.*

*Ҳукумат сизни бутун куч-қуввати билан қўллаб-қувватлайди, барча қўмондонларга кўрсатаётган ва кўрсатган ёрдам ҳам оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Армияда ўз қўмондонларига нисбатан норозилик кайфияти туғилишига, уларда ишончсизлик муҳити яратилишига ва бунинг шахсан сизга қаратилиб қолишидан жуда хавотирдаман. Ўз имкониятим доирасида бунинг бўлмаслиги учун сизга барча ёрдамни кўрсатаман.*

*Сиз ҳам, Наполеон ҳам, агар тирик бўлганида, ана шундай муҳитдаги армиядан омадга эришишга қодир эмас. Энди ўзингизни обрусизлантирадиган ҳаракатлардан холи қилишингиз керак. Улардан ҳушёр бўлинг ва ғайрат ҳамда бетиним зийраклик билан олға қадам ташланг ҳамда ғалабани таъминланг».*

Сиз Кулиж ҳам, Мак-Кинли ҳам, Линкольн ҳам эмассиз. Бу фалсафа ҳар кунлик ишбилармонлик фаолиятингизда иш беришини билишни истайсиз. Шундай бўлармикан? Келинг, бир бошдан мулоҳаза юритайлик. Филадельфиялик «Уорк компани» фирмасидан бўлган У.П.Гоу билан бўлган воқеани кўриб чиқайлик. Гоу оддий фуқаро бўлиб, сиз ва менга ўхшайди. У Филадельфияда ўтказган маърузаларимдан бирининг тингловчиси бўлган ва бу воқеа тўғрисида тингловчиларга ўзи ҳикоя қилиб берган эди.

«Уорк компани» фирмаси Филадельфиядаги жуда катта хизмат биносини қуриш ва унинг ички ишларини бажариш

хусусида шартнома тузади. Ишни аниқ муддатда поёнига етказиш лозим эди. Ҳамма иш бинойидек кетаётган ва бино тайёр бўлай деганда, бинонинг олд қисмига бронза безак етказиб берувчи ташкилот маҳсулотни ўз вақтида етказиб беролмаслигини баён қилди. Буёғи қанчага тушди? Бутун бинони топшириш орқага сурилянти. Жуда катта молиявий ўпирилиш! Буларнинг барига бир киши сабабчи.

Шаҳарлараро телефон алоқасидаги тортишувлар, келишувлар! Мунозаралар! Аммо бари беҳуда кетди. Шундан сўнг «бронза шери» билан олишиш мақсадида унинг қаргоҳига — Нью-Йоркка Гоуни юборишди.

*«Сизнинг исми-шарифингиз Бруклинда ягона эканлигини биласизми?»* деди Гоу унинг хонасига кирар эди. Президент лол бўлиб қолди: *«Йўқ, мен буни билмас эканман»*, деди у.

*«Гап шундаки*, — деди Гоу, — *эрталаб поезддан тушгач, сизнинг манзилингизни билиш учун телефон кўрсаткич китобини қарасам, Бруклинда шу фамилиядаги ягона киши сиз экансиз».*

*«Буни мутлақо билмаган эдим*, — дея ғўлдираб қолди президент. Сўнг жуда катта қизиқиш билан телефон рақамлари ёзилган китобни варақлай бошлади. *«Ҳа, бу фамилия ноодатий*, — деди у фахр билан. — *Бизнинг авлодимиз икки юз йил муқаддам Голландиядан келиб, Нью-Йоркда қўним топган».* У бир неча дақиқа давомида ўзининг оиласи ва авлоди тўғрисида гапириб берди. Сўзини якунлагач, Гоу шунга ўхшаш заводларга нисбатан бу заводнинг ҳажми унга жуда маъқул келганини, катта таассурот қолдирганини маълум қилди. *«Бронза ишлаб чиқарадиган заводларнинг бирортасида бу ердагидек тозалик ва тартибни учратиш қийин»*, деди Гоу.

*«Бу корхонани бунёд этиш учун бир умр керак бўлди менга*, — деди президент. — *ва мен бу билан фахрланаман. Заводни кўриш учун қисқагина сайр қилишни хоҳлайсизми?»*

Сайр давомида Гоу президент томонидан яратилган ишлаб чиқариш тизимини мақтади. Шу билан бирга у ёки бу масалада рақобатчилардан устун келган жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталарди. Сайр этишар экан, Гоу бир нечта ўзига

хос бўлган ускуналарга диққатини қаратди. Президент бу дастгоҳларни ўзи ихтиро қилганини баён қилди. Буларнинг қандай ишлаши, қанчалар ажойиб маҳсулотлар ишлаб чиқаришини тушунтириш учун анчагина вақт сарфлади. У Гоуни бирга нонушта қилишга қистади. Эътибор қилинг, шу вақтгача Гоу келишининг асл сабаби ҳақида оғиз очмаганди.

Нонушта тугагач, президент шундай деди: *«Келинг, энди иш билан шуғулланайлик. Мен, шубҳасиз, сизнинг нима мақсадда келганингизни биламан. Лекин учрашувимиз бунчалар ёқимли бўлишини мутлақо кутмаган эдим. Сиз асло безовта бўлмай, Филадельфияга қайтиб бораверинг, ваъда бериб айтаманки, сизнинг буюртмангиз ўз вақтида тайёрланади ва бошқаларнинг буюртмасини кечиктириб бўлса ҳам, сизникига жўнатилади».*

Гоу ташрифи мақсади, муддаоси тўғрисида оғиз очмасданоқ ўз мақсадига эришди. Жиҳозлар ўз вақтида етиб келди ва қурилиш ишлари белгиланган муддатда ўз вақтида якунланди.

Агар Гоу кўп ҳолларда ишлатиладиган дағаллик ҳамда портлатиб юборгудай дағдаға усулини қўллаганида, ўз мақсадига эришармиди?

Шундай қилиб, одамни ҳақорат қилмай ва асло ранжитмай, унга таъсир қилмоқчи бўлсангиз, биринчи қоидага риоя қилинг:

***Ишни ҳамсуҳбатингизни мақташдан ва унинг яхши жиҳатларини чин юракдан самимий эътироф этишдан бошланг.***

*Иккинчи бўлим*

## ЎЗИНГИЗГА НИСБАТАН НАФРАТ УЙҒОТМАЙ, ТАНҚИД ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Чарльз Шваб пешинда чўян қуйиш заводининг цехлари бири ёнидан ўтаётганида бир гуруҳ ишчилар чекиб туришганига кўзи тушди. Улар айнан «Чекманг!» деб қайд этилилган ёзув тагида туришарди. Шваб уларга тепалари-

даги ёзувни кўрсатиб ёки: *«Сизлар ўқишни билмайсизларми?»* дедими? О, йўқ! Бу гапни бошқалар айтса ҳам, Шваб айтмас эди. У ишчилар ёнига келиб, уларнинг ҳар бирига сигара улашди ва шундай деди: *«Йигитлар, агар сизлар мана шу сигарани цехда чекмасаларинг жудаям миннатдор бўлардим»*. Ишчилар қоидани бузишганини билишарди. Шуни кўра била туриб, индамагани учун Швабга қойил қолишди ва бунинг устига совға берганига ич-ичларига таҳсин ўқидилар. Шваб улардаги одамшавандаликни уйғота билди, бундай инсонни севмаслик мумкинми?

Жон Уэнемейкер ҳам айнан худди шу усулни қўллаган. У Филадельфиядаги улкан универмагни ҳар куни айланиб, кўриб чиқар эди. Бир куни кўча ёнидаги дўконда сотувчини кутиб турган харидорга нигоҳи қадалди. Бу мижозга ҳеч ким эътибор бермасди. Сотувчилар-чи? Улар бир чеккада тўпланиб, нималар тўғрисидадир қизғин суҳбатлашишарди. Уэнемейкер бир оғиз ҳам сўз айтмади. У пештахта ортига бамайлихотир ўтиб, харидорга ўзи хизмат қилади ва сотилган маҳсулотни ўраб беришларини сотувчидан илтимос қилди, сўнг яна йўлида давом этди.

Ўзининг сўзамоллиги билан машҳур бўлган пастор Генри Уорд Бичер 1887 йил 8 мартда дунёдан кўз юмди (японлар айттандек, бошқа дунёга рихлат қилди). Бигер вафоти муносабати билан бўшаб қолган кафедрага кейинги якшанба куни руҳоний Лаймен Эббот таклиф этилади. Бу маросимда яхшироқ нутқ ирод этиш мақсадида Эббот тайёрлаган нутқини кўп марта қайта-қайта хотинига ўқиб беради. Аммо бу маъруза олдинги тайёрланган кўпгина нутқлари каби суст эди. Агар Эбботнинг хотини фаросати ғовлаган аёл бўлганида: *«Лаймен, бу даҳшат-ку! Нутқинг мутлақо яроқсиз. Бундан тингловчиларнинг уйқуси келиб, энсаси қотади. Ахир нутқ эмас, қомусга айланиб кетибди-ку! Наҳотки шунча йиллаб маъруза ўқиб, фарқига бормасанг, сен қачон одамларга ўхшаб гапиришни ўрганасан-а? Нега ўзингни табиий тута олмайсан? Бу бемаза матн билан чиқсанг, ўзингни ўзинг шарманда қиласан?»* деган бўлар эди.

Бу аёл айнан шундай дейиши мумкин эди. Шундай деса, натижаси қандай бўлишини ҳам биларди. Аёл буни ҳис этди. Шунинг учун эрига *«бу нутқдан «Норт-Американ-*

*ревью» журнали учун ажойиб мақола тайёрлаш мумкин»*, деб қўя қолди. Бошқача айтганда, аёл матнни мақтади ва нозик иборалар билан маъруза сифатида яроқсизлигини баён қилди. Лаймен Эббот эса унинг фикрини уқиб олди ва ўзи тер тўкиб ёзган нутқ матнини йиртиб ташлади. Белгиланган куни эса олдиндан ҳеч қандай тайёрланмаган қоғозсиз тарзда нутқ ирод қилди.

Шундай қилиб, ўзгаларни танқид қила туриб, уларни ранжитмаслик ҳамда ўзингизда нафрат ҳиссини уйғотмасликни истасангиз, иккинчи қоидага амал қилинг:

***Ўзгаларнинг хатосини тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита кўрсатинг.***

*Учинчи бўлим*

## ЭНГ АВВАЛО, ЎЗИНГИЗНИНГ ШАХСИЙ ХАТОЛАРИНГИЗ ТЎҒРИСИДА ГАПИРИНГ

Бир неча йил муқаддам жияним Жозефина Карнеги ўзининг қадрдон Канзас-Сити шаҳрини ташлаб, Нью-Йоркка кўчиб келди ва менга котиба бўлиб ишлай бошлади. У ўн тўққиз ёшда бўлиб, ўрта мактабни уч йил олдин тугатган, ишбилармонлик соҳасидаги тажрибаси йўқ даражада эди. Мана энди у Сувайш канали ғарбидаги энг ҳавас қилгулик котибалардан бирига айланиши, юмшоқ қилиб айтганда, янада кўпроқ камолотга етмоғи лозим. Бир куни Жозефинани танқид қилишга чоғландим-у, ўз-ўзимга шундай дедим: *«Бир дақиқа сабр қил, Дейл Карнеги, фақат бир дақиқа. Сенинг ёшинг Жозефинадан икки карра катта. Шундай вазиятда қандай қилиб сенинг дунёқарашинг, мулоҳаза юритишинг, ташаббускорлигинг унда ҳам бўлишини талаб қила оласан. Яна бир дақиқа, Дейл, сенинг ўзинг ўн тўққиз ёшингда нима ишлар қилган эдинг... талабаларга нисбатан хатоларингни, ўсал бўлиб қолганларингни эсламайсанми? Сен ўша... ҳов ўша... камчиликларга йўл қўйганингни эслайсанми?.. »*

Масалани адолат тарозисига солиб кўрсам, ҳовлиқмасдан мулоҳаза қилсам, тан олиш оғир бўлса ҳамки, менинг ўша ёшимга нисбатан Жозефина ўн тўққиз ёшида анчайин уддабуронроқ кўринди.

Шу боис кейинчалик унинг диққатини бирор хатога қаратмоқчи бўлсам, гапни қуйидагича бошлар эдим:

*«Жозефина, сен хатога йўл қўйдинг, аммо бу хатолар, худо шоҳид, менинг хатоларимдан катта эмас. Сен туғилганинг заҳоти соғлом фикр билан дунёга келмаслигинг табиийдир. Бу фақат йиллар давомида рўй беради; сен менинг ёшимга нисбатан анча ақллисан. Ўзим ҳам ўша ёшда жуда кўп хатолар қилганман, шунинг учун сени ҳам, бошқа кишини ҳам танқид қилиш ёки танбеҳ бериш фикридан йироқман. Аммо сен уни ёки буни унақа... ёки бунақа қилсанг бўлмасмиди?»*

Танқид қилаётган киши ўзининг ҳам беайб эмаслигини, хатолардан мосуво эмаслигини тан олса, ҳамсуҳбатидан аста-секин қатор камчиликларга йўл қўйганлигини айта бошласа бўлади.

Гўзал хулқ-атвор соҳиби князь Бюлов 1909 йилдаёқ бундай ёндашувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етган эди. Ўша пайтда Фон Бюлов Германиянинг рейхканцлери бўлиб, ҳокимият бошлиғи сифатида эса тахт тепасида Вильгельм II турар эди. Бу жаноб Германиянинг энг сўнгги кайзери бўлиб, армияни ва ҳарбий денгиз флотини тузган ва, ҳар қандай душманни ҳам енгишга қодирмиз, деб мақтанар эди.

Ва бирдан ғалати воқеа рўй берди. Кайзер қулоқ эшитмаган шу қадар чиройли баёнот бердики, у бутун қитъани ҳайрон қолдириб, дунёни ларзага солди. Кайзер бебурд, мақтанчоқлик ҳислари билан тўлиб-тошган қўпол баёнотини Англияда зиёфатда иштирок этганида айтган, бу ҳам етмагандек, «Дейли телеграф» газетасида уни чоп этишга розилик берганди. Кайзер улкан хатоларга йўл қўйган эди. Масалан, у ўзининг мазкур баёнотида инглизларни ҳурмат қиладиган ягона немис ўзи эканлигига писанда қилган, фақат угина Россия, Франция бирлашиб, Англиянинг кулини кўкка совурмоқчи бўлишганида қутқариб қолганини, Роберт қўмондонлигида Англия армиясига у тайёрлаб берган режа натижасидагина Жанубий Африкадаги бурлар устидан ғалаба таъминланганини айтган ва... ҳоказо.

Кейинги юз йил давомида тинчлик замонида Европа ҳукмдорлари оғзидан бундай ҳайратга соладиган нутқ чиқмаган эди. Бутун қитъа худди асалари уяси сингари ғувиллаб қолди. Англия қаҳру ғазабдан қайнаб кетгудай даражага етди. Немис давлат арбоблари даҳшатга тушган эдилар. Саросималик авжига чиққан пайтларда Кайзернинг юрагига ваҳима оралаб, рейхканцлер фон Бюлов айбни ўз зиммасига олишни сўради. Ҳа, фон Бюлов барча масъулиятни ўзига олиши ва монархга ўзини шундай баёнот беришга маслаҳат берган кишидай кўрсатиши керак.

*«Аммо аъло ҳазратлари*, — деб эътироз билдирди фон Бюлов, — *Германияда ҳам, Англияда ҳам бўлсин, сизга мендай одам маслаҳат беришига ишонадиган одам топилмаса керак»*.

Фон Бюлов шу сўзларни айтар экан, даҳшатли хатога йўл қўйганини англаб қолди. Кайзер гўё портлаган эди.

*«Сиз мени эшак деб ўйлаяпсизми?* — деб қичқирди у. — *Мени шундай хато қилади, деб ўйлаяпсизми? Буни сиз ҳеч қачон амалга оширмагансиз!»*

Кейин эса танбеҳ беришга ўтмоғи керак эди. Вазият бой берилган бўлса-да, Бюлов барибир шароит тақозосига кўра, ундан чиқиб кета олди. У Кайзерни танқид қилиб бўлгач, уни мақташга киришди. Бу ўзининг ажойиб самарасини берди — мақтовни ишга солиш аксарият ҳолларда самарасиз кетмайди.

*«Мен буни назарда тутмаган эдим*, — дея эҳтиром билан гап бошлади у. — *Сиз аъло ҳазратлари, мендан жуда кўп томонлама пешқадамсиз. Сиз нафақат ҳарбий денгиз флотига ва армияга раҳбарлик қилишда, балки табиий билимларни эгаллашда ҳам анча олдинга кетгансиз. Сиз, ҳазрати олийларининг, барометр нимадан иборат эканлиги, симсиз телеграф ҳамда рентген нурлари тўғрисидаги тушунтиришларингизни кўп марта лол-ҳайрон бўлиб эшитганман. Мен табиий фанларнинг барча соҳаларидан нодонларча бехабарман. Физика ва кимё бўйича тушунчага эга эмасман, табиат ҳодисаларини эса мутлақо баён қилиб беролмайман... Лекин*, — деб давом этди Фон Бюлов, — *тарихдан бирмунча, балки сиёсат ва асосан дипломатия соҳасида билимга эгаман, дея оламан»*.

Кайзернинг юзи ёришиб кетгандай бўлди. Чунки фон Бюлов уни мақтаган эди. Фон Бюлов уни осмонга кўтариб, ўзини паст тутгандай бўлди. Шундан кейин Кайзер ҳаммасини кечириши мумкин эди.

*«Мен сизга ҳар доим айтар эдим-ку*, — ҳаяжонга тушиб қичқириб юбораёзди у, — *биз бир-биримизни ажойиб тарзда тўлдирамиз, деб! Биз бир-биримизни ҳамиша қўллаб-қувватлашимиз керак, худди шундай қиламиз ҳам».*

У фон Бюловнинг қўлини бир марта эмас, бир неча марта сиқиб қўйди. Шу куни бироз вақт ўтгач эса у асабий ҳолда муштини ўқталиб, қичқирди: *«Кимки менга князь фон Бюлов тўғрисида ёмон гапларни гапирса, унинг башарасига тушираман».*

Фон Бюлов айни пайтда ўзини қутқариб қолди: аммо у чаққон ва абжир дипломат бўлса-да, битта хатога йўл қўйди. У гапни Вильгельмнинг нодон ҳамда ҳомийга муҳтож инсонлигидан эмас, балки ўзининг шахсий камчиликларини баён қилишдан бошлаши лозим эди. Ўзининг бир нечта камчиликларини тилга олиб, ҳамсуҳбатини мақташ натижасида димоғдор ва такаббур Кайзерни унинг дўсти бўлишга эришганига сазовор этган бўлса, кўз олдингизга келтиринг-чи биз кундалик турмушимизда ана шу усулдан, яъни келишув ҳамда мақташдан фойдалана олсак, қанчалик ажойиб натижаларга эришган бўлар эдик. Агар тўғри амалга оширсак, у инсонлар ўртасидаги муносабатларда мўъжизалар яратишга қодир бўлади.

Шундай қилиб, одамларга таъсир этишда уни ҳақорат қилмай, шу билан бирга унинг иззат-нафсига тегмай десангиз, учинчи қоидага амал қилинг:

***Даставвал ўз камчилик ва нуқсонларингиз тўғрисида гапиринг, сўнгра ҳамсуҳбатингизни танқид қилишга киришинг.***

*Тўртинчи бўлим*

## ҲЕЧ КИМ ЎЗИГА БУЙРУҚ БЕРИШЛАРИНИ ЯХШИ КЎРМАЙДИ

Яқинда Американинг кекса биографларидан бири Ида Тарбелл билан бирга тушлик қилишга тўғри келди.

Суҳбатимиз мобайнида мен унга ушбу китобимни ёзаётганим тўғрисида гапирганимда, муҳим бир мавзуда — одамлар билан тил топишиш хусусида муҳокама юритиб қолдик.

Тарбелл хоним Оуэн Д.Янг таржимаи ҳолини ёзиш устида ишлар экан, Янг билан бир хонада уч йил бирга яшаган киши билан учрашгани ҳақида гапириб берди. Янг шунча вақт бирор марта ҳам бирор кишига буйруқ бермаган, бундай оҳангда гаплашмаган экан. У доим маслаҳат берар, буйруқ бермас эди. Янг ҳеч қачон: *«Уни, буни қилинг, ёки уни, буни қилманг»* қабилида гапирмасди. Одатда у шундай дерди: *«бу ҳақда бир ўйлаб кўрсангиз»* ёки *«бу яхши натижа беради, деб ўйлайсизми?»* Бирорта хатни айтиб туриб ёздирар экан: *«Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?»* деб сўраб ҳам қўяр эди. Ходимлари томонидан тайёрланган хатни ҳам ўқий туриб, сўрарди: *«Эҳтимол, икковлашиб бошқача тарзда баён қилишимиз маъқулроқмикан?»* У доимо одамга ўз вазифасини бажариш учун имконият яратиб берар эди. Ҳеч қачон ходимларига буйруқ бериб, кўрсатиб ўтирмас, қандай қилиш кераклигини айтиб тергамас, балки ўзлари ҳаракат қилишларига имкон берар, хатолари устида ўзлари ишлаб тузатишларига ундар эди.

Бундай усул инсонга ўзи йўл қўйган хатоларни тузатиш даврини қисқартиради. Бундай усул одамдаги худбинликка барҳам беради ва ўз қадр-қимматини ҳис этишга ундайди. Бу услуб одамни ҳамкорликка чақиради ва норозилик ҳиссига барҳам беради.

Шундай қилиб, одамни ҳақорат қилмай ва унинг нафсониятига тегмай, унга таъсир ўтказишни истасангиз, тўртинчи қоидага риоя қилинг:

***Ҳамсуҳбатингизга буйруқ бериш ўрнига унга саволлар беринг.***

*Бешинчи бўлим*

## ОДАМЛАРГА ЎЗ ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ИМКОН ЯРАТИНГ

Кўп йиллар мукаддам «Женерал электрик» компанияси бир муаммони ҳал этиш билан тўқнаш келди: бўлим бошлиғи Чарлз Штейнмецни вазифасидан озод қилиш лозим эди. Штейнмец электр масалаларида энг пешқадам бўлиб, унга тенг келадиган мутахассис йўқ, аммо конструкторлик бўлимининг бошлиғи сифатида у ношуд эди. Компанияга бу киши керак, аммо Штейнмецнинг таъби жуда нозик эканлиги учун хафа қилиб қўймаслик мақсадида бу ҳақда унинг ўзига ҳеч нима демас эдилар. Шу боис унга янги вазифа таклиф этишди. Щтейнмецни «Женерал электрик» компаниясига маслаҳатчи-муҳандис этиб тайинлашди. Аслида бу янги вазифа бўлмай, бу ишларни у олдиндан бажариб келарди. Бўлимга бошлиқ этиб бошқа киши тайинланди.

Штейнмец эса жуда миннатдор эди.

«Женерал электрик» компанияси раҳбарлари ҳам рози эдилар. Чунки улар усталик билан юқори даражали мутахассисини ҳамда қизиққон ходимини хафа қилмай, ортиқча шовқин солмай, ўрнини алмаштиришга муваффақ бўлган эдилар. Улар унга ўз иззат-обрўсини сақлаб қолишига имконият яратишди.

Иззат-обрўсини сақлаб қолишига имконият яратишди! Бу қанчалар муҳим! Бу қанчалар ҳаётий зарурият! Аммо бу ҳақда ўйлаб кўрмаймиз. Биз ўзгалар ҳиссиётини инобатга олмаймиз, ўз фикримизга тиш-тирноғимиз билан ёпишиб оламиз, хатоларини излаймиз, таҳдид қиламиз, бола ёки хизматчини бегоналар иштирокида танқид қиламиз, бу билан унинг иззат-нафсониятига қанчалик оғир таъсир этаётганимиз хаёлимизга ҳам келмайди. Ахир бир неча дақиқалик эътибор, икки-уч оғиз ширин сўз ҳамсуҳбатнинг муддаосини самимий равишда англашга уриниш, дилдан тушунмоқ қалбни оғритадиган нохуш вазиятни юмшатиши мумкин-ку, ахир!

Хизматчи ёки ходимни ишдан бўшатишдек нохуш ишни бажариш вақтида ана шуларга эътибор берайлик.

*«Ходимларни ишдан бўшатиш — хуш ёқадиган машғулотлардан эмас. Бу бўшаган кишига ҳам асло хуш ёқмайди* (бу иқтибосни мен дипломли ҳисобчи Маршалл Грейндмежернинг юборган хатидан олдим). *Бизнинг ишимиз мавсумий характерда бўлиб, шунинг учун жуда кўп одамларни ишдан бўшатишга мажбур бўламиз.*

*Компаниямизда штатлар сонини қисқартириш барча тилларда ривоят даражасига кўтарилган: ҳеч кимга бу иш билан шуғулланиш ёқмайди. Шу сабабли уни ўтказиш имкониятига қараб тезлик билан уюштириш қоидаси ишлаб чиқилган. У асосан қуйидагича ўтказилади: «Ўтиринг, жаноб Смит, мавсум тугади ва биз, очиқ кўриниб турибдики, сиз учун бошқа бирорта вазифа топа олмаймиз. Ҳар ҳолда, сиз бу иш сизга фақат вақтинча тақдим этилганини жуда яхши билар эдингиз»* ва ҳоказо.

Мазкур ҳолат одамларда жуда нохуш таассурот қолдирар ва уларни худди «камситгандай» бўлар, улар ўзларини ерга ургандек ҳис қилишар эди. Уларнинг жуда кўпчилиги бутун умр ҳисоб ишлари билан шуғулланган ва фирмага нисбатан алоҳида муҳаббатга лиммо-лим тўлган эдилар. Шу боис бу инсонларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга тўғри келарди.

Яқинда мен ортиқча бўлиб қолган кишиларнинг ҳурматини сақлаган ҳолда ишдан бўшатишимга тўғри келди. Шу сабабли ҳузуримга ҳар бир кишини чақириб суҳбатлашдим, унинг ишини қиш бўйи батафсил икир-чикиригача таҳлил қилиб чиққан эдим. Мен унга тахминан шундай дедим: *«Жаноб Смит, сиз жуда яхши ишладингиз* (агар у ҳақиқатан ҳам шундай ишлаган бўлса). *Биз сизни Ньюаркка жўнатганимизда зиммангизга жуда оғир вазифа юкланган эди. Сиз бу вазифани аъло даражада уддаладингиз ва муваффақиятли даражада якунладингиз. Фирмамиз сиз билан фахрланишини билишингиз керак. Сизнинг ажойиб хислатингиз бор, бутун атрофга обрўли киши сифатида ном чиқаргансиз, қаерда ишлаган бўлсангиз, ҳурматга сазовор бўлгансиз. Бизнинг фирма сизга ишонади ва сиз билан хайрлашишга тўғри келганидан афсусдамиз, сиз бу ҳақда билишингизни истар эдим».*

*Бу қандай самара берар эди? Одамлар вазифаларидан озод этилгач, жуда шафқатсиз ўкинч, афсусга рўпара келадилар.*

*Гарчи шундай бўлса-да, улар ўзларини асло «камситилган» деб ҳисоблашмайди. Агар уларга иш бўлганида борми, бўшатмаслигимизни жуда яхши билишади. Борди-ю уларга зарурат туғилиб қолгудай бўлса, яна хушвақт тарзда ҳиссиёт билан келишади».*

Марҳум Дуайт Морроу бир-бирининг бўғзига ёпишиб, ғажишга тайёр турган рақибларни яраштиришдек ноёб қобилиятга эга эди. Буни у қандай амалга оширарди? У эринмасдан иккала томондаги тўғри ҳамда ҳаққоний жиҳатларни ўрганиб, излаб чиқар эди. Сўнгра эҳтиёткорлик билан тортишаётган томонларга ана шу ўринларни ҳавола қилар, тортишув нима билан тугашидан қатъи назар, бирор томонга айбни юкламас эди.

Одамлар тақдирини белгилаш кимнинг зиммасига юкланган бўлса, у яхши биладики, одамларнинг ўз иззат-обрўларини сақлаш учун, албатта, имконият бермоқ керак.

Ҳақиқатан ҳам, дунёда шундай буюк кишилар борки, улар ўзларининг шахсий ютуқлари билан асло бошлари айланиб қолмайди, бунга вақт сарфлаб ўтиришмайди. Мисол келтирамиз.

Кўп асрлик шафқатсиз ўзаро душманлик урушида, ниҳоят 1922 йили турклар ўз ҳудудларидан грекларни бир умрга ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Шунда Мустафо Камол аскарлар олдида бутунлай наполеонча руҳ билан сўзга чиқиб шундай деган эди: *«Сизнинг мақсадингиз — Ўрта Ер денгизи»*. Замонавий тарихда энг шафқатсиз урушлардан бири бошланди. Туркия ғалаба қозонди. Грек генералларидан Трикупис ва Дионис Камол штатига таслим бўлишни эълон қилиш мақсадида йўл олганида, турклар уларнинг бошига қарғиш ёғдиришди.

Аммо Камолнинг мурожаатида ғолиблар тантанаси мутлақо сезилмади.

*«Ўтиринглар, жаноблар*, — деди у ҳар бир генералнинг қўлини маҳкам сиқар экан. — *Чарчаган бўлсаларингиз керак»*. Сўнг ҳарбий операцияларни бирма-бир муфассал муҳокама қилиб, мағлубият аламини юмшатишга интилди. *«Уруш*, — деган эди у худди аскар аскарга гапиргандай, — *бу мисоли ўйинга ўхшайди, баъзи ҳолларда, ҳатто энг яхши одамлар ҳам мағлубиятга учрайдилар»*.

Камолнинг ғалаба ҳиссиётини ошкор қилмай, бошқаларнинг иззатини сақлагани бу муҳим қоидалардан биридир (бу биз учун бешинчи қоида ҳисобланади). У шундай жаранглайди:

***Одамларга ўз обрў-эътиборларини сақлаб қолишга имкон беринг.***

*Олтинчи бўлим*

## ОДАМЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШГА ҚАНДАЙ ИЛҲОМЛАНТИРМОҚ КЕРАК?

Мен Пит Барлоуни аллақачондан бери билар эдим. Пит кучуклар ҳамда пакана отлар, яъни пони ёрдамида цирк томошалари уюштирарди. У умр бўйи эстрада труппалари таркибида ёки цирк билан бирга кўп мамлакатларни айланиб чиқди. Мен Питнинг янги кучукчани ўзининг цирк томошасига қандай ўргатганини кузатишни жуда яхши кўрар эдим. Ит билан ишлашда унинг салгина муваффақияти сезилгудай бўлса, Пит дарров уни силаш ва мақташни бошлар, сўнг бир парча гўшт берарди. У ана шундан бутун бошли бир воқеа ясар эди.

Бунда деярли янги нарса йўқ, албатта. Ўргатувчилар бу усулни бир неча юз йиллардан бери қўллаб келишади.

Шундай экан, ушбу соғлом фикрдан биз нима учун одамларга нисбатан таъсир этишда фойдаланмаймиз? Нима учун қамчин ўрнида гўштни ишлатмаймиз? Нега қоралаш ўрнига мақташга тушиб кетмаймиз? Келинг, ҳатто кичкина ютуғи бўлса ҳам бошқаларни мақтаб қўяйлик. Бундай ёндашув одамларни навбатдаги муваффақиятлар сари рағбатлантиради.

Қамоқхона бошлиғи Льюис Лоуэс аниқлашига кўра, Синг-Синг турмасидаги энг ашаддий жиноятчини ҳам озгина ҳулқи яхшиланган учун мақтаб қўйиш ўзини оқлар экан. Мен мазкур бўлим устида ишлар эканман, Лоуэсдан хат олдим. У шундай деб ёзган эди: *«Мен шундай хулосага келдимки, маҳбусларнинг ижобий томонини рағбатлантириб боришда биз кўпроқ муваффақиятга эришамиз, агар уларнинг ҳамкорлигини таъминлашни истасак, охирига*

*қадар ахлоқ тузатишига эришамиз, бу эса уларни мақташ ҳамда озгина қолоқ хатти-ҳаракати учун танқид қилиш ҳамда қоралашдан анча афзалдир».*

Мен ҳеч қачон Синг-Синг турмасига қамалмаганман. (Ҳозиргача қамалмасин десангиз), аммо ўтган умримга бир бор қайрилиб қарасам, рғбатлантирувчи сўз бутун келажагимни ўзгартириб юборганини кўриш мумкин. Сиз ҳам ўзингиз ҳақингизда шундай дея оласизми? Мақтов мўъжизалар яратишга қодир эканлигини кўрсатувчи мисоллар тарихда анчагина.

Ярим аср муқаддам Неаполдаги фабрикада ўн яшар бир бола ишлар эди. У қўшиқчи бўлишни шунчалик яхши хоҳлардики, асти қўяверасиз. Аммо болани биринчи ўқитувчиси совутиб қўйди: *«Сен қўшиқ айта олмайсан,* — деди у. — *Сенда умуман товуш йўқ, ахир. Сенинг товушинг худди дераза тирқишларига урилаётган шамолга ўхшади».*

Аммо боланинг онаси, оддийгина деҳқон аёл ўғлини қучоқлади ва мақтаб қўйди. *«Биламан, сен қўшиқ айта олсан,* — деди у. — *Мен сенинг омадга эришишингни ҳозирдан ҳис қиляпман».* Бола мусиқа машғулотига тўлаш учун пулни тежаш мақсадида яланг оёқ юрарди. Оддий деҳқон аёли бўлмиш онанинг мақтови ва қўллаб-қувватлаши унинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Балки у ҳақда сиз ҳам эшитгандирсиз? Уни Энрико Карузо дейишар эди.

Лондонда жуда кўп йил яшаган ёш йигит ёзувчи бўлиш учун интилди. Аммо ҳамма нарса гўё унга қарши тургандай бўлди. У, ҳатто мактабга тўрт йилдан сўнг қатнашга муваффақ бўлди. Унинг отасини солиқ ва қарзларни тўлай олмагани учун турмага тиқишди, бизнинг ёшгина одамимиз эса очлик азобларини бошидан ўтказди. Ниҳоят у каламушлар ғужғон ўйнаган катта омбордан иш топди, у ерда этикмой солинган шиша идишларга ёрлиқ ёпиштирарди. Тунда у лондонлик икки дайди бола билан бирга қоп-қоронғи чорбоғда тунар эди. У ўзининг ёзиш қобилиятига деярли ишонмас, қўрқа-писа биринчи қўлёзмасини тунда ҳаммадан беркитиб, уйдан чиқиб почтага жўнатган эди. Унинг ҳикояларидан таҳририятларнинг ҳаммаси юз ўгирди. Ниҳоят, улуғ кун етиб келди — ҳикояларидан бири қабул қилин-

ган эди. Тўғри, унга бирор шиллинг ҳам қалам ҳақи тўлашмади, бирорта муҳаррир уни мақтагани йўқ. Бир муҳаррир унга ижобий баҳо берди. Бола шунчалик тўлқинланиб кетган эдики, мақсадсиз кўчада у ёқдан-бу ёққа юрар, кўз ёшлари тинмай юзларидан оқиб тушар эди.

Мақтов ва эътирофнинг якуни шу бўлди: қандайдир ҳикоялари матбуот юзини кўрди, унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. Агар ана шу ҳол рўй бермаганида, бу бола каламушлар ғиж-ғиж ўйнаган фабрикада балки бутун умрини ўтказар эди. Эҳтимол, сиз бу йигитча тўғрисида эшитгансиз. Уни Чарлз Диккенс дейишарди.

Ярим аср муқаддам бошқа бола Лондондаги атторлик дўконида ишлар эди. У эрталаб соат бешда туриши, идорани супуриши ва худди қул каби кунига 14 соатлаб ишлаши керак эди. Бу жуда оғир, эзиб юборадиган иш бўлиб, ундан бола нафратланарди. Икки йил шу тариқа азоб тортган бола энди чидай олмаслигига кўзи етди. Шунинг учун навбатдаги куни тонг саҳарда ўрнидан туриб, ҳатто нонушта қилмай, хизматчи бўлиб ишлаётган онасининг ҳузурига жўнади. У ўн беш миль йўлни босиб ўтди.

Бола ўзини унутар даражада умидсизликка берилган эди. У онасига ёлворди, йиғлади. Агар яна дўконда қоладиган бўлсам, ўзимни ўлдираман, деди. Кейин эса ўзининг эски мактабдаги муаллимига узундан-узоқ жуда таъсирли мактуб ёзди. Унда, ғам-аламдан тўйиб кетдим, энди яшамоқчи эмасман, деган гапларни баён этди. Ўқитувчиси болага далда бериб, аслида у ақлли, қобилиятли эканлигига ишонтирди, бошқа ишлар билан машғул бўлишга ундади, мураббий бўлишни таклиф этди.

Бу ижобий баҳо боланинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди ва инглиз адабиёти тарихида мустаҳкам изини қолдирди. Ана шундан кейин бу бола 77 та китоб ёзди ва ўзининг қалами билан миллион доллардан зиёд маблағ ишлаб топди. Бу одам ҳақида эҳтимол эшитган чиқарсиз. Унинг исми Герберт Ж.Уэлс эди.

1922 йилда Калифорнияда бир йигит яшар, ўзини ва хотинини зўрға боқар эди. Якшанба кунлари у черков хо-

рида иштирок этиб, вақт-вақти билан аранг беш доллар ишлар, бу, асосан, туй қўшиғи «У, менга ваъдалар бер»дан тушган тушум эди, холос. Йигит азбаройи муҳтожлик туфайли шаҳарда яшай олмай, узумзор ўртасида жойлашган битта уйни ижарага олди. Ижара ҳақи ҳаммаси бўлиб ойига ўн икки ярим долларни ташкил этар эди. Шунга қарамай, йигит бу ижара ҳақини тўлай олмасди, хўжайиндан ўн ойлик муддат қарздор бўлиб қолди. Қарздан қутилиш учун у узумзорда ишлади. Ўзининг айтишига кўра, егулик бўлмаганидан кўпинча фақат узум ейиш билан чекланган. У шунчалик руҳан чўккан эдики, қўшиқчилик мартабасидан бутунлай воз кечиб, юк машиналари сотиш билан бир умр машғул бўлишни кўнглига тугиб қўйди. Аммо ана шу ўринда уни Руперт Хьюз мақтаб, эътироф этди: *«Сизда ажойиб овоз бор, уни чиниқтириш керак. Сиз Нью-Йоркка бориб ўқишингиз лозим»*, деди у.

Яқинда ана шу йигит менинг ҳузуримга ташриф буюрди, унча катта бўлмаган ана шундай маъқуллаш ва эътироф этиш мартабасининг кўтарилишига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг руҳини кўтаришга мажбур этишди, икки ярим минг долларни қўлга киритиб, мамлакат шарқига қараб йўл олди. Уни балки эшитган чиқарсиз. Уни Лоренс Тиббетт дейишади.

Одамларга таъсир кўрсатиш имконияти тўғрисидаги масалага қайтамиз. Биз кимга дуч келмайлик, уни уйғотишга интилсак, у ўзида бор имкониятдан ҳам кўпроғига эришади, унинг хулқ-атворида ҳам озгина бўлса-да, ўзгариш рўй беради. Биз уни мутлақо тубдан ўзгартириб юборишимиз ҳам мумкин.

Сиз буни муболаға деб ўйлаяпсизми? У ҳолда Гарвард университетининг марҳум профессори Уильям Жеймснинг доно сўзларини ўқиб чиқинг. Уильям Жеймс Америка вужудга келтирган энг машҳур руҳшунос ва файласуф эди.

*«Бизнинг қандай бўлишимиз кераклиги билан солиштирганда, ҳали ярим мудроқ ҳолатда бўламиз. Биз ўзимизнинг жисмоний ва руҳий захираларимизнинг жуда оз қисмидан фойдаланамиз. Умуман, айтиш мумкинки, инсон яшайди, у ўзининг имконият даражасида ҳаёт кечиради. У жуда кўп*

*қобилият турига эга бўлади-ю, аммо ундан одатда фойдаланмайди».*

Ҳа, сиз, ушбу сатрларни ўқиб турган киши ҳам турфа қобилиятларга эгасисиз, ундан одатда истифода этмайсиз. Бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланмасликка сабаб, ҳамсуҳбатларингизда уни сеҳрли тарзда эътироф этиш ва руҳлантириш малакаси етишмайди.

Шундай қилиб, сиз одамларга таъсир этиб, уларни ҳақоратламай, ранжитмай десангиз, олтинчи қоидага риоя қилинг:

***Одамларнинг кичик бўлса ҳам муваффақиятини эътироф этиб ва маъқуллаб, ҳар бир ютуғини қайд этиб туринг. «Баҳолашда самимий ва мақтовда бағрикенг» бўлинг.***

*Еттинчи бўлим*

## ОДАМЛАРГА ЯХШИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ УЧУН ИМКОН БЕРИНГ

Менинг дўстларимдан бири Эрнест Жент хоним бир хизматкор қизни ёллаб, келгуси душанба куни ишга чиқишини тавсия қилди. Шу вақт орасида хизматкор қиз илгари ишлаган хотинга қўнғироқ қилди. Бу қизнинг бажарган ишлари жойида эмас экан. У ишга келганида Жент хоним унга: *«Нелли, мен сиз келмасдан бурун олдинги хизмат қилган бекангизга қўнғироқ қилдим. Унинг айтишига қараганда, сиз виждонли ва ишончга сазовор бўлиб, яхши овқат тайёрлай оласиз ва болаларга жуда яхши қарар экансиз. Шу билан бирга у сизни ивирсиқ ва уйни тоза тута олмайди, деб қўшиб ҳам қўйди. Шундай, аммо мен у ноҳақ деб ўйлайман. Сиз жуда башанг кийингансиз. Буни ҳамма кўриб турибди. Гаров бойлаб айтаманки, уй ҳам сиз туфайли ўзингизга ўхшаб озода ва шинам бўлади. Биз сиз билан жуда ажойиб тарзда тил топишиб, келишиб кетамиз».*

Шундай бўлди ҳам. Қизга обрў-эътибор таъминланиб берилдики, бу унга ўзини оқлаши учун жуда керак эди.

Менга ишонинг, у ҳақиқатан ҳам ўзининг ҳақлигини кўрсатди. Уй озодаликдан ярқирар эди. У Жент хонимнинг идеал тавсиясига жавоб бериш, унга мос келиш учун сидқидилдан тозалар, чанг-ғуборни мутлақо қолдирмас, ҳар куни шу мақсадда бир соат зиёд ишлар эди.

«Болдуин лакомотив уоркс» фирмаси бошқаруви раиси Сэмюэл Воклейннинг фикрича, *«агар сиз кимгадир ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлиб, унинг қандайдир қобилиятини ҳурмат қилсангиз, оддий кишилар устидан раҳбарлик қилиш осон кўчади»*.

Қисқа қилиб айтганда, сиз одамни маълум жиҳатларда ўзгартирмоқчи бўлсангиз, шундай ҳаракат қилингки, унинг кўзга кўринган машҳур бир қиррасини муайян характер чизиғи ҳақиқатан ҳам белгилаб берсин. Шекснир шундай деган эди: *«Гарчи ўзингизда бўлмаса ҳам, ўзингизни олийҳиммат қилиб кўрсатинг»*. Аслида бошқа одамни сиз унда кўришни хоҳлаган фазилат эгаси сифатида ҳисобланг ҳамда уни очиқ-ойдин таъкидланг, бу анча фойдалидир. Унга обрў-эътиборга эга бўлмоғи учун шароит яратинг, имкон беринг, у худди шуни оқлашга уринади, шунга интилади, жуда катта куч сарфлайди, токи сиз бундан умидсиз бўлманг.

Жоржет Леблан ўзининг «Эсдаликлар: менинг Метерлинк билан ўтган ҳаётим» номли китобида бельгиялик оддийгина Золушканинг қиёфаси ажабтовур тарзда ўзгарганини ҳақида сўз юритади:

*«Яқин турган меҳмонхона хизматчиси менга таом келтирди*, — деб ёзади у. — *Уни «Мари — идиш-товоқ ювувчи» деб аташар, чунки у ишни ошхонада идиш-товоқларни ювишдан бошлаган экан. Мари деярли туғма ногирон эди: ғилай, бир оёғи қийшиқ, озғин ва ҳамиша руҳий тушкунликда юрар эди.*

*Бир куни у қизариб кетган қўлларида макаронли ликопчани тутиб турар экан, мен қатъий қилиб: «Мари, биласизми, сизнинг ичингизда улкан фазилатлар хазинаси яширинiб ётибди»*, — *дедим.*

*Ўзининг ҳиссиётларини ҳамиша жиловлаб юрадиган Мари фалокат юз бергандек бир неча дақиқа қотиб қолди, қимирламади. Сўнгра ликопчани стол устига қўйди, курсинди ва кўнгилчанлик билан минғирлади: «Хоним, мен бунга асло*

*ишонмасдим». У бундан гумонсирамади, саволлар бермади. Шунчаки яна қайтиб ошхонага кирди, менинг гапларимни шу қадар ишонч билан такрорладики, ҳеч ким унинг устидан кулишга ботина олмади. Шу кундан бошлаб унга, ҳатто ҳурмат ҳиссини намоён эта бошлашди. Ҳатто камтарин бўлиб юрган Марининг ўзида ҳам ўзгаришлар юзага қалқиб чиқа бошлади. У ўзини, кўзга кўринмас хазиналар эгаси, деб ишонтира бошлади. Марининг гўё ёшлиги қайтиб келгандай, унинг ярқироқ ташқи жиҳатлари назокат билан кўздан яширингандай эди шу пайтгача.*

*Мен кетишимдан икки ой муқаддам у бош ошпазнинг жиянига турмушга чиқаётганини айтиб қолди: «Мен хоним бўлишга тайёрланяпман», — деди у ва менга миннатдорчилик билдирди. Бировлар кўп ҳам эътибор бермайдиган бир оғиз сўз унинг бутун ҳаётини ўзгартириб юборди».*

Жоржет Леблан идиш-товоқ ювувчи Марига шундай обрў-нуфуз яратдики, у ана шу туфайли ўзи хаёлида яратган мақсадни оқлаш учун бутун кучини сарфлади.

Ҳенри Клей Ризнер ҳам Франциядаги америкалик аскарлар хулқ-атворига таъсир этишда айнан ана шу усулга мурожаат қилган эди. Американинг кўзга кўринган генералларидан бири Жеймс Ж.Харборд Ризнерга Францияда турган ўша икки миллионга яқин аскарлар энг маданиятли ва жуда ажойиб идеалист кишилар бўлиб, улардай одамлар ҳақида ўқимаган, ундайларга дуч ҳам келмаганини айтган эди.

Бениҳоят даражадаги мақтов! Эҳтимол! Аммо энди қаранг-чи, Ризнер ундан қандай фойдаланган.

*«Мен аскарларга генералнинг сўзларини такрорлашдан асло чарчамас эдим,* — деб ёзади Ризнер. — *Мен бирор дақиқа ҳам бу мақтов ҳақиқатга тўғри келадими-йўқми, деган саволни ўз олдимга қўндаланг қуйганим йўқ, аммо билардимки, бу ҳақиқат бўлмаган тақдирда ҳам генерал Харборднинг фикри аскарларни шунга мувафиқ бўлишига ҳаракат қилдириши турган гап эди».*

Бир эски мақол бор: «Туҳмат ўлимдан ҳам оғир». Аммо одам учун яхши обрў-эътибор яратинг, ана унда нима рўй беришини билаверасиз!

Деярли ҳар бир бой, камбағал, гадой, ўғри — ким бўлмасин ҳалол, виждонли киши обрў-эътиборига сазовор бўлиш

учун тиним билмай ҳаракат қилади, шунга лойиқ бўлишга интилади.

*«Агар сизнинг ишингиз фирибгарга тушадиган бўлса,* — дейди Синг-Синг турмаси бошлиғи Лоуэс (бошқа эмас, айнан у гап ким тўғрисида гапираётганини жуда яхши билади), — *уни тузатишга имкон берадиган битта йўли бор, бу йўл шуки: сиз у билан худди ҳурмат-иззатга сазовор бўлган жентльменга мурожаат қилгандай муомалада бўласиз. Ўз-ўзингиздан уни ростгўй одам деб ҳисобланг. У бундай муомала, муносабатдан шунчалик тўлиб-тошиб, сўнг шунга муносиб бўлишга интилади ва кимдир унга ишонишини англаб кўкраги тоғдай кўтарилиб, фахрланади».*

Бу шундай ўз ўрнида айтилган, шундай ажойиб тарзда айтилганки, мен бу сўзларни яна бир бор такрорлайман:

*«Агар сизнинг ишингиз фирибгарга тушадиган бўлса, уни тузатишга имкон берадиган битта йўли бор, бу йўл шуки: сиз у билан худди ҳурмат-иззатга сазовор бўлган жентльменга мурожаат қилгандай муомалада бўласиз. Ўз-ўзингиздан уни ростгўй одам деб ҳисобланг. У бундай муомала, муносабатдан шунчалик тўлиб-тошиб, сўнг шунга муносиб бўлишга интилади ва кимдир унга ишонишини англаб кўкраги тоғдай кўтарилиб, фахрланади».*

Шундай қилиб, агар сиз одамларга уларни ҳақорат қилмай, уларнинг иззат-нафсониятига заҳа етказмай, таъсир ўтказмоқчи бўлсангиз, еттинчи қоидага риоя қилинг:

***Одамлар яхши обрў-эътиборга сазовор бўлишлари учун имкон яратинг, токи улар буни оқлашга ҳаракат қилишсин.***

## *Саккизинчи бўлим*
## ШУНДАЙ ЙЎЛ ТУТИНГКИ, ХАТО ОСОНГИНА ҲАЛ БЎЛСИН

Яқинда менинг қирқ яшар буйдоқ дўстим уйланди ва унинг қаллиғи кеч бўлса-да, бир неча рақс дарсдан сабоқ олишга уни кўндирди. *«Худо ҳаққи, мен бу дарсларга қанчалик муҳтож эдим,* — деб ҳикоя қилди у бошидан кечир-

ганларига иқрор бўлиб, — *аммо мен бу иш билан машғул бўлганимда, йигирма йил муқаддам қандай рақсга тушишган бўлишса, айнан шундай рақсга тушдим. Рақс бўйича биринчи муаллима рўй-рост айтди. Мен барини нотўғри бажараётган эканман, шунинг учун барчасини унутиб, барини бошидан давом этиш учун ҳеч қандай рағбат йўқ эди, шу сабабли мен у билан хайр-хушлашдим.*

*Кейинги муаллима, имкон борича, алдам-қалдам гапларни айтди, аммо бу менга ёқди. У менга эскича рақс тушганимни, аммо менда рақс тушиш учун яхши замин борлигини, қийинчилик торткай, бир неча янги рақс турларини ўргана олишимни айтди. Биринчи муаллима хатоларимни айтиб, мени совутди, иккинчиси эса аксинча иш тутди. У мен нимани тўғри бажарган бўлсам, ўшани мақтади, шу аснода менинг хатоларимни камайтирди. «Сиз ритмни табиий ҳис қиларкансиз. Туғма, ҳақиқий раққоссиз», — деб мени ишонтирди. Ҳозир соғлом ақл менинг ҳамиша ўртача раққос эканлигимни айтиб туради гўё. Шунга қарамай, барибир қалбимнинг туб-тубида, эҳтимол, у тўғрисини самимий тарзда айтгандир, деган ўй кечади. Албатта, мен унга шундай дейиши учун тўладим, аммо асосийси бу эмас.*

*Ҳар ҳолда мен яхши рақсга тушаман, у шундай деб айтмаса-да, менда ритмни ҳис этиш туйғуси мавжуд; бу гаплар мени сергаклантириб, руҳлантирди, умид пайдо қилди, мени камолга етказиш сари мажбур этди».*

Агар сиз фарзандингиз, эрингиз ёки хизматкорингизга маълум маънода нодон ёки тунка эканлигини, бирор ишни бажаришда қобилияти йўқлигини ҳадеб айтаверсангиз, унинг кўнгли совиб, камолга етиш йўлидаги чиниқиш омилларидан уни маҳрум этган бўласиз. Бағрикенглик қилинг; рўпарангиздаги суҳбатдошга зиммасида бажариб бўлмайдиган иш йўқлигини айтиб, шундай тасаввур пайдо қилинг; унинг у ёки бу вазифани уддалашига ишонишингизни айтинг. Бунинг учун унда зарурий туғма уқув борлигини уқдиринг, ана шунда у бутун тун бўйи тонг отгунга қадар муваффақият қозониш учун амалий иш билан машғул бўлади.

Лоуэлл Томас ана шундай усулдан фойдаланади, у инсоний муносабатлар соҳасида устаси фарангдир. Томас

руҳингизни кўтаради, кучингизга нисбатан ишонч пайдо қилади, дадиллик бахш этиб, умид-орзу сари етаклайди. Бунга бир мисол келтирай. Яқинда мен ҳафта охирини эрхотин Томаслар билан ўтказдим. Шанба куни оқшомда мени ловуллаб турган камин олдидаги бриж (қарта) ўйинига таклиф қилишди. Мен? Бриж ўйинига-я? О, йўқ! Йўқ! Фақат мен эмас. Мен бу ўйинда оид ҳеч балони билмайман. Мен учун у бошдан-оёқ сир-синоатдан иборат. Йўқ! Йўқ! Бу асло мумкин эмас.

*«Нималар деяпсиз, Дейл, бунда ҳеч қандай айёрлик йўқ,* — деди Лоуэлл. — *Бу ўйинда ҳеч қандай мураккабликни кўрмайсиз. Вазиятни соғлом хотира билан баҳолаш керак, холос. Брижда ўйнаш ўзингизнинг аҳволингизни текшириш учун ниҳоятда керак. Бу, айниқса, сизга жуда зарур».*

Мен шунда биринчи марта ўйин столида ўзимни кўришда муяссар бўлдим. Буларнинг бари менда табиий туғма уқув борлигини айтишганидан сўнг бриж унчалик қийин эмаслигини айтиб, тасаввур ҳосил этишганидан кейин рўй берди, албатта.

Бриж ҳақидаги суҳбат менга Эли Калбертсонни эслатди. Қаерда шу ўйин бошланса, унинг номи тилга олинади, бу ўйин тўғрисида Калберстоннинг китоблари ўнлаб тилларга таржима қилинган ва миллионлаб нусхада нашр этилган. Бир куни у менга шундай деб қолди: агар бир аёл унга бриж бўйича уқуви борлигини айтиб, ишонтирмаганида, у бу касбнинг яқинига йўламас экан.

1922 йилда у Америкага келиб, бирор жойда фалсафа ва социология ўқитувчиси сифатида ишга жойлашмоқчи бўлди, аммо бу муваффақиятсизлик билан тугади. Сўнг у кўмир сотиш билан машғул бўлди, яна муваффақиятсизликка учради.

Шундан кейин у яна ўша иштиёқ билан қаҳва сотишга киришди. Аммо ўша пайтда ҳам унинг калласига бриж ўйнаш учун одамларни ўқитиш фикри келмаган эди. У қарта ўйинини ёмон билгани билан бирга, ўта синчков, бир нарсани миридан-сиригача билишга қизиқадиган киши эди. У жуда кўп саволлар берар, ўйин тугагач, партияларни шунчалик қунт билан таҳлил этишга киришардики, натижада у билан ҳеч ким ўйнамасди. Ана шу аснода унга бриж ўйини бўйича Жозефина Диллон номли яхшигина мураббий уч-

раб қолди ва уни яхши кўриб, унга уйланди. Муаллима унинг ўз қарталарини қанчалик синчиклаб ўрганаётганини илғаб, имконияти ниҳоятда улкан даҳо, деб уни ишонтирди ва унинг ўрни шу ўйин столида эканини кўрсатди. *«Ана шу қўллаб-қувватлаш ва маъқуллаш,* — деди менга Калберт-сон, — *бриж ўйини менинг касбим бўлишига мажбур этди».*

Шундай қилиб, сиз одамларни ҳақоратламай, ранжитмай, уларга таъсир этишни хоҳласангиз, саккизинчи қоидага амал қилинг:

***Рағбатлантиришга уринг. Шундай тасаввур уйғотингки, хатога йўл қўйган киши хатосини енгил тарзда тузаладиган, тузалган деб ҳис этсин; одамларни енгил деб ишга уришишига унданг.***

*Тўққизинчи бўлим*

## ОДАМЛАР СИЗ ХОҲЛАГАН ИШНИ БАЖАРИБ, ШУНДАН ҚАНОАТ ТУЙҒУСИНИ ҲОСИЛ ЭТИШИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?

1915 йилда Американи даҳшат қамраб олган, инсоният тарихида илгари мисли кўрилмаган масофаларда одамлар бир-бирини ўлдириш билан, мана, иккинчи йил машғул эдилар. Тинчликни қўлга киритиш мумкин эдими? Буни ҳеч ким билмасди. Аммо Вудро Вильсон шу ишга маҳкам бел боғлаб киришди. У ўзининг шахсий вакили — тинчлик элчиларини урушаётган давлатларнинг олий даражадаги раҳбарлари билан маслаҳат қилиш мақсадида Европага юбормоқчи бўлди.

Тинчликнинг ёрқин тарафдори, давлат котиби Уильям Женингс Брайан Европага боришни жудаям хоҳларди. Бу билан инсониятга улкан хизмат қилмоқчи ва ўз номини абадийлаштирмоқчи эди. Шу билан бирга Вильсон ўзининг эмиссари этиб, бошқа кишини — ўзининг яқин дўсти, полковник Хаузни тайинлади. Ва айнан Хаузга энг қалтис вазифа — Брайанга уни ранжитадиган ушбу нохуш хабарни етказиш юкланди.

Ўзининг кундаликларида полковник Хауз шундай деб ёзган: *«Европага тинчлик эмиссари сифатида мен бори-*

*шимни эшитган Брайан очиқдан-очиқ ранжиган эди, у бу вазифани тўғридан-тўғри ўзи бажариши мумкинлигини, шунга ҳисоб-китоб қилганини айтди... Мен унга жавоб бераркан, бундай ишни Брайандай расмий кишига топшириш ақлга тўғри келмайдиган иш, деб президент хулоса қилди, чунки Брайаннинг сафари одамларнинг диққатини кўпроқ ўзига тортади ва улар нега бу ерга у келган деб кўпроқ қизиқади, деган фикрда эканлигини айтдим».*

Сиз тушуняпсизми, бу гапнинг замирида нима яширинган? Аслида Хауз Брайанга у бундай ишларга нисбатан ниҳоят даражада катта аҳамият касб этади, демоқчи. Бундан Брайан миннатдор бўлиб, кўнгли кўтарилган.

Одамлар билан тил топишга уста, ҳаётий тажрибаси зўр бўлган полковник Хауз муомала хусусидаги энг муҳим тамойиллардан бирини намоён этган: одамлар сиз тавсия этган нарсани амалга оширишдан жудаям хурсанд бўлишсин, сиз шунга эришишга ҳаракат қилинг.

Вудро Вильсон Жиббс Мак-Адуни ўзининг маъмурият аъзоси қилиб тайинлаш учун таклиф этганида, ана шу ниятни ишга солган эди. Бу катта шарафдан иборат бўлиб, ҳар қандай одамга нисбатан тавсия этиб бўлмасди. Вильсон уни шундай тарзда амалга оширдики, бошқа одам ўзини икки баробар аҳамиятли деб ҳис этарди. Бу ҳақда Мак-Адунинг ўзи шундай дейди: *«У (Вильсон) янги маъмурият тузаётганлигини айтди ва мен молия вазири вазифасини эгаллашга кўнсам, ниҳоятда хурсанд бўлишини билдирди. Унда одамлар билан гаплашган чоғида ажойиб бир муомала тарзи бор эди — у шундай тасаввур уйғота олардики, гўё бу шарафли ишни қабул қилгач, мен унга яхшилик қилгандай бўлган эдим».*

Афсуски, Вильсон ҳамма вақт ҳам худди шундай меъёрни тутиб турган эмас. Борди-ю, у ҳамиша меъёрни сақлаб турганида ҳам тарихий воқеалар оқими бошқача бўлиб кетарди. Масалан, у сенат ҳамда республикачилар партиясининг ўз қарори билан АҚШни Миллатлар Лигасига киритиш ҳақидаги таклифига норозилик билдирди. Вильсон тинчлик конференциясига Элихью Рут, Хьюз, Генри Кэбот Ложа ва бошқа кўзга кўринган республикачиларни ўзи билан бирга олиб боришдан бош тортди. У республикачилар би-

лан менсимай муносабатда бўлди, Миллатлар Лигаси ғояси унга қай даражада бўлса, уларга ҳам худди шу даражада яратиш ғояси мансуб эканлигини ҳисоблаган эди, бу ишга уларнинг дахли борлигига асло йўл бермади. Натижада Вильсон одамлар ўртасидаги муносабатларда шунчалик илтифотсизлик кўрсатдики, бу унинг мавқеига путур етказди, ўзининг соғлиғини ишдан чиқарди, умрини қисқартирди, АҚШнинг Миллатлар Лигасига кирмай қолишига, бутун дунё тарихининг ўзгаришига сабабчи бўлди.

Машҳур нашриёт — «Даблдей пейж» доимо қоида асосида иш тутар эди: сиз нимани тавсия этсангиз, одамлар уни хурсандчилик билан амалга оширишсин, ана шунга эришинг. Фирма бу қоидани шу қадар моҳирлик билан татбиқ этдики, у, О'Генрининг таъкидлашига кўра, унинг у ёки бу ҳикояларини босиб чиқаришни рад этар экан, шу баробарида асарларининг фазилатларини эътироф этар, рад этиш орқали ўзини жуда яхши деб ҳис қилишга мажбур этар эди, бу, ҳатто унинг қўлёзмаларини бошқа ноширлар қабул қилган ҳолларда ҳам рўй берар эди.

Мен бир одамни биламан, у менинг сўзга чиқиш ҳақидаги таклифимни рад этишга мажбур бўлганди. Мазкур таклиф унинг дўстлари ва ундан миннатдор бўлган кишилар томонидан ҳавола қилинган эди. Аммо бу ишни у шунчалик маҳорат билан бажарадики, кимга у рад қилса, ўша одам кам даражада бўлса-да, қаноат ҳосил қилади. У буни қандай йўл билан эплайди? Ҳамма гап шундаки, у ҳаддан зиёд бандман, фалон иш, писмадон юмуш билан машғулман, деб шунчаки айтиб қўя қолмайди. Йўқ, таклиф учун миннатдорчилик билдириб, шу билан бирга афсусланиб, ўрнига бошқа нотиқни тавсия қилар эди. Бошқача айтганда, у ҳамсуҳбатига берилган рад жавобидан ранжиш учун ўрин қолдирмасди. У дарров бошқа нотиқ тўғрисида ўйлашга мажбур эта олар, унинг розилигини ҳам олиб беришни ўз зиммасига олар эди.

Масалан, у шундай дейиши мумкин: *«Нима учун сиз менинг дўстим — «Бруклин игл» газетаси муҳаррири Кливленд Рожерсни таклиф қилмас экансиз?»* — деб тавсия беради у. Ёки: *«Сиз Гай Хикокни таклиф этиш ҳақида бир*

*ўйлаб кўрмадингизми? У ўн беш йил давомида Парижда яшади ва Европа мухбири бўлиб ишлаган даври билан боғлиқ кўпгина мароқли воқеаларни ҳикоя қилиб бериши мумкин. Балки сиз Ливингстон Лонгфеллога мурожаат қиларсиз? Унда Ҳиндистондаги йирик йиртқич ҳайвонларни овлаш ҳақидаги кинофильмлар мавжуд».*

Нью-Йоркдаги замонавий йирик босмахоналардан бирининг бошлиғи Ж.Уонт муҳандислардан бирининг ишга муносабатини ўзгартиришга мажбур этишига тўғри келди, аммо уни ранжитмаслик учун эътироз билдиришдан тилини тийди. Бу механикнинг вазифасига ўнлаб босма ва бошқа машиналарнинг кечаю кундуз тўхтовсиз ишлашини таъминлаш юкланган эди. У эса мудом шикоят қилиб, иш куни узунлигидан, иш билан ортиқча даражада банд бўлганлиги, шу боис бир ёрдамчи кераклигини айтиб, зорлангани-зорланган эди.

Уонт унинг иш кунини қисқартирмади, иш ҳажмини камайтирмади, ёрдамчи ҳам ажратмади, аммо шундай ишни амалга оширишга муваффақ бўлдики, механик миннатдор бўлиб қолди. Буни у қандай эплади? Механикка алоҳида хона ажратилди, эшигига эса: «Хизмат кўрсатиш бўлими мудири» деган ёзув ва унинг исм-шарифи кўрсатилди.

Энди у қандайдир Том, Дик ёки Гарридан топшириқ оладиган таъмирчи эмас эди. Энди у бўлим мудири эди. Уни эътироф этишди, у ўз қадр-қимматини тиклаб олди, ўзи иззат-икромга сазовор эканлигига бошқаларни ишонтирди. У қониқиш билан ишлай бошлади ва бошқа шикоят қилмайдиган бўлди.

Бачканалик дейсизми? Эҳтимол. Аммо Наполеон Фахрий легион орденини таъсис этиб, ўз аскарларининг бир ярим минтасига хоч тарқатганида, ўн саккиз генералига «Франция маршали» унвонини берганида, аскарларини «Буюк армия» деб атаганида ҳам худди шундай дейишган эди. Наполеонни армияда тобланган фахрийларга «ўйинчоқ» берди, деб танқид қилганларида, у: *«Ўйинчоқлар одамларни бошқаради»*, деган эди.

Бу унвон ва мартабаларнинг бари Наполеоннинг фойдаси учун жуда муваффақиятли ишлади, айнан шу тарз-

да улар сиз учун ҳам ишлаши мумкин. Бунинг исботи сифатида юқорида эслатилган Жент хоним мисол бўла олади. Унинг томорқасида у ёқдан-бу ёққа чопишган болалар роса бетоқат қилиб юборишган эди. Жент хоним уларни койиди. Панд-насиҳат билан йўлга солмоқчи бўлди. Ҳеч нарса ёрдам бермади. Шунда у бошқача йўлга ўтди. Тирмизакларга фахрий унвонлар ўйлаб топди, уларнинг ўзига яраша ваколатларини топшириб, ўзининг «изқувари» деб тайинлади ҳамда томорқага ҳеч кимни яқинлаштирмасликни буюрди. Бу эса муаммони ҳал этди. Унинг «изқувар»и орқа томондаги ҳовлида гулхан ёқиб, темир хивични қиздириб, қип-қизил қилиб, томорқага яқинлашадиган ҳар бир болага кўрсатганича пўписа қиладиган бўлди.

Инсоннинг табиати шунақа.

Шундай қилиб, одамларни ҳақорат қилмай ва уларни асло ранжитмай, унга таъсир қилмоқчи бўлсангиз, тўққизинчи қоидага риоя қилинг:

***Шунга эришингки, одамлар сиз тавсия этган ишларни бажарганларидан хурсанд бўлсин.***

## Қисқа хулосалар

*Одамларнинг иззат-нафсониятига тегмай, уларни ҳақорат қилмай, уларга таъсир этишда риоя қилинадиган тўққизта қоида:*

*1-қоида.* Ишни ҳамсуҳбатингизни мақташдан ва унинг яхши жиҳатларини самимий эътироф этишдан бошланг.

*2-қоида.* Ўзгаларнинг хатосини тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита кўрсатинг.

*3-қоида.* Даставвал ўз камчилик, нуқсонларингиз ҳақида гапиринг, сўнгра ҳамсуҳбатингизни танқид қилишга киришинг.

*4-қоида.* Ҳамсуҳбатингизга буйруқлар бериш ўрнига унга саволлар беринг.

*5-қоида.* Одамларга ўз обрў-эътиборларини сақлаб қолишга имкон беринг.

*6-қоида.* Одамларнинг жуда кичик бўлса ҳам муваффақиятини эътироф этинг, маъқулланг ҳамда ҳар бир ютуғи-

ни қайд этинг. *«Баҳолашда самимий ва мақтовда бағрикенг бўлинг».*

*7-қоида.* Одамларга яхши обрў-эътиборга сазовор бўлишлари учун имкон яратинг, токи улар буни оқлашга ҳаракат қилишсин.

*8-қоида.* Рағбатлантиришга урининг. Шундай тасаввур уйғотингки, хатога йўл қўйган киши хатосини енгил тарзда тўғрилайдиган, тузалган деб ҳис этсин; одамларни енгил деб ишга уринишига унданг.

*9-қоида.* Шунга эришингки, одамлар сиз тавсия этган ишларни бажарганларидан хурсанд бўлишсин.

*БЕШИНЧИ ҚИСМ*

# МЎЪЖИЗАЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ НАТИЖАЛАР БЕРГАН МАКТУБЛАР

## МАКТУБЛАРНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ТАЪСИРИ

Гаров бойлаб, бемалол айта оламанки, ҳозир нима деб ўйлаётганингизни биламан. Балки сиз ўз-ўзингизга: *«Мўъжизали таъсир этувчи хатлар дейсизми? Бари бемаънилик! Худди патент олган доривор ўсимликларнинг жарангдор рекламаси турига ўхшаб кетади!»* — дегандай гапирасиз.

Борди-ю, шундай деб ўйласангиз, мен сизни койиб ўтирмайман. Агар шундай китобни ўн беш йил муқаддам ўқиганимда, мен ҳам айнан шундай деб ўйлаган бўлар эдим. Сиз ишончсизлик кайфиятидамисиз? Хўш, нима ҳам қилдик, менга ишонмайдиган, скептик кайфиятдаги одамлар ёқади. Мен ҳаётимнинг дастлабки йигирма йилини Миссурида ўтказдим, менга ҳамма нарсани исботлаб кўрсатадиган кишилар жуда ёқади. Деярли бутун инсоният тафаккури тараққиётида худди ғайридин Фома каби иккиланиб, шубҳаланувчи, тортишувчи ва далилларни талаб қиладиган кишилар олдида қарздормиз.

Ростгўй бўлайлик. «Мўъжизавий таъсир этувчи натижалар берган мактублар» деб қўйилган сарлавҳа ҳақиқатан мос келадими?

Агар очиқ-ойдин айтсак, йўқ, мос келмайди.

Ҳақиқатнинг кўзига тик қарайдиган бўлсак, у ҳақиқатнинг кичрайтириб ўйлаб топилгани. Мазкур бўлимга келтирилган хатлардан айримлари натижалар олиб келди, улар худди мўъжиза каби икки баробар баҳоланди. Кен Р.Дайк Америкада юклар олди-сотди соҳаси бўйича машҳур мутахассислардан бири ҳисобланади. У дастлаб «Жонс-Мэнвилл» компаниясининг олди-сотди бўлимига раҳбарлик

қилди. Ҳозир эса «Колгэйт — Палмолив Пит» компаниясининг реклама бўлимига бошчилик қилади. Шу билан бирга реклама берувчилар Миллий уюшмаси бошқаруви раиси ҳамдир.

Дайкнинг айтишига кўра, унинг савдогарларга ахборот беришни илтимос қилиб юборган хатларига, одатда, 5–8 фоиз киши жавоб қайтарар экан, холос. Унинг фикрича, агар юборган хатларидан 15 фоизига жавоб олса, буни фавқулодда воқеа деб, мабодо унинг мурожаатларига 20 фоиз жавоб олинса, буни нақ мўъжизадай деб ҳисоблар эди.

Аммо Дайкнинг юборган битта хатига 42,5 фоиз киши жавоб ёзиб юбордики, бу хатни ушбу бўлимда келтирамиз. Бошқача сўзлар билан айтганда, у ушбу сеҳрли рақамни икки баробар ошириб, натижа олиб келди. Ҳали кулишга шошилманг. Мазкур хат қандайдир истисно ёки бахтли тасодиф тариқасида эмас, албатта. Бошқа кўпгина хатлар ҳам ана шундай натижаларни юзага келтирган эди.

У бунга қандай эришди? Кен Дайкнинг ўз изоҳини келтираман: *«Карнегининг одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда нотиқлик санъатига доир курсларига қатнаганимдан сўнг хатларимнинг таъсирчанлиги ҳайратланарли даражада бирдан ўсиб кетди. Менинг илгариги ёндашувим буткул нотўғри бўлганини англаб, энди ушбу китобда ўртага ташланган тамойилларни татбиқ қилишга уриндим; бу менинг хатларим самарадорлигини 500–800 фоизга ошириб юборди».*

Мана ўша тилга олинган хат. Унинг хат олувчига нисбатан анчайин ёқимли таъсири шу билан изоҳланадики, хат муаллифи олувчига мурожаат қилиб, ундан унча катта бўлмаган ишни — илтифот кўрсатишни сўрайди, бу эса хат олувчи кишида ўзининг иззат-нафсонияти бош кўтаришига олиб келади.

Менинг шахсий шарҳларим хатда қавс ичида берилади:

*«Жаноб Жон Бланкка.*
*Бланквилл Аризона*

*Муҳтарам жаноб Бланк!*

*Сиз арзимаган қийинчиликдан чиқиб кетишим учун менга ёрдам бера олмайсизми?*

(Рўй бераётган воқеани аниқ тарзда кўз олдимизга келтирамиз. Ўзингизни Аризонадаги ёғоч билан савдо қилувчи деб фараз қилинг. Сиз «Жонс-Мэнвилл» компанияси ходимидан хат олгансиз. Унда юқори маош олиб ишловчи маъмур — Нью-Йоркда турган бу шахс оғир қийинчиликдан чиқиб кетиш учун ёрдам сўрамоқда. Аризоналик савдогар ўз-ўзига фикран шундай демоқда: «Агар Нью-Йоркдаги бу кичкинтой оғир аҳволга тушган бўлса, у ҳолда шу аниқ тўғри манзилга муайян ҳолда мурожаат қилмоқда. Мен доимо бағрикенглик қилиб, одамларга ёрдам бераман. Кўрайлик-чи, у ерда нималар рўй берган экан?»)

*Мен ўтган йили компаниямизни ўзимизнинг савдо билан машғул бўлган ходимларимизга қоплама материаллар савдосини янада ошириш учун доимий равишдаги почта алоқаси зарурлигига ишонтирдим. Бунинг харажати бутунлай фирма томонидан тўланади.*

(Аризоналик савдогар тахминан шундай дейди: «Албатта, бунга улар тўлайди-да. Улар фойданинг катта қисмини олишади, миллионларни сиқиб олишади, шу билан бирга ижара учун воситаларни қандай азоб-уқубат билан қиртишлаб оламан... Шундай қилиб, бу одам дуч келган қийинчиликлар нимадан иборат экан ўзи?»)

*Мен яқинда мазкур тадбирда иштирок этувчи 1600 савдогарга анкетани почта орқали тарқатдим. Бундан ниҳоятда мамнун эдим, чунки юзлаб жавоблар олдим, улар ўзаро янгича ҳамкорлик шаклини юқори баҳолашди ва уни ниҳоятда фойдали деб топишди.*

*Ана шу асосда биз тўғридан-тўғри ёзишмаларнинг янги режасини тузиб чиқдикки, бу сизга ҳам янада кўпроқ маъқул бўлади.*

*Шу билан бирга бугун эрталаб бошқарув раисимиз ўтган йилги режа асосидаги ҳисоботимни муҳокама эта туриб, мендан бунинг тадбиқ этилиши бизга нима берганини сўраб қолди (ҳамма раислар сўраганидек). Табиийки, мен сиздан ана шу масала ечимига ёрдам беришингизни илтимос қилиб сўрайман.*

(Мен сизга ана шу масала ечимига ёрдам беришингизни сўрайман — унчалик ёмон жумла эмас. Дуппа-дуруст хомсемиз Нью-Йоркдан туриб, самимий ва сидқидилдан

аризоналик агентга ўз фирмасининг ҳурматини изҳор этмоқда.

Эътибор беряпсизми, Кен Дайк ўзининг компанияси қанчалик салмоқли эканлигини айтиш учун вақтни асло аямайди. Бунинг ўрнига у манзили кўрсатилган шахсга юқори даражада ёрдамга муҳтож эканлигини айтмоқда. Кен Дайк, ҳатто компания раиси олдида бу агентнинг ёрдамисиз ҳисобот бера олмаслигини ҳам таъкидламоқда. Ўз-ўзидан маълумки, аризоналик савдогарга ҳам инсонийлик фазилатлари асло бегона эмас, шу боис бундай суҳбат унга жуда ёқади).

*Сиз: 1) мазкур почта қайдномасига ўтган йили почта ёзишмалари орқали нечта том қопламаси ва қоқишга оид буюртмалар сонини олганингизни ёзиб юборишингиз; 2) менга, агар имкони бўлса, тезроқ уларнинг умумий воқеси (доллар ва центлар ҳисобида)ни айтсангиз.*

*Агар менга юқорида кўрсатилган маълумотларни юборсангиз, сиздан бениҳоя миннатдор бўлардим. Сизнинг тақдим этганларингиз менга мамнуният бағишлар эди.*

*Самимият ила сизнинг*
*Кен Р.Дайк*
(Олди-сотди бўлими мудири)»

(Эътибор беринг-а, у охирги хат бошида деярли шивирлаган каби «мен» деган бўлса, «Сиз» деган сўзни бор овози билан ҳайқириб айтади. Унинг мақтовга қанчалик сахий эканлигига бир эътибор беринг: «миннатдор бўлардим», «мамнуният бағишлар эди» ва ҳоказо сўзларга эътибор беринг).

Бу оддий хат, шундай эмасми? Шунга қарамай у «мўъжизалар бунёд этади». Гарчи у хат юборилаётган кишидан озгина ёрдам сўраётган бўлса-да, унинг ижроси унга шахсий аҳамияти анчагина катта эканлигидан далолат беради.

Бундай руҳий ёндашув сиз астест қоплама сотасизми ёки Форд автомобилида бутун Европа бўйлаб саёҳат қиласизми, бундан қатъи назар, барибир муваффақият қозонади.

Буни мисол билан тушунтираман. Биз Ҳомер Край билан Франциянинг ички вилоятларини машинада айлана туриб, адашиб қолдик. «Т» рақамли русумли эски автомобилимизни тўхтатиб, бир тўда деҳқонлардан яқин катта шаҳарга қандай боришни сўрадик.

Саволимиз уларга ҳайратга солдирадиган таъсир кўрсатди. Деҳқонча бошмоқлар кийиб олган бу фақир кишилар бутун америкаликларни бой-бадавлат деб ҳисоблашар экан. Америкаликларни қаранг-а, улар автомобилда Франция бўйлаб саёҳат қилишмоқда! Сўзсиз, биз миллионерлар бўлишимиз керак. Ҳатто Ҳенри Форднинг қариндошлари ҳам. Аммо уларга нимадир маълум бўлиб, ундан биз бехабар эдик. Гарчанд бизнинг пулимиз уларга нисбатан кўпроқ бўлса-да, уларга муҳтож бўлиб, шляпамизни бошимиздан ечиб, эгилиб, яқин шаҳарга қандай боришни сўраб турардик. Худди шу муносабат уларнинг обрў-эътиборини ошириб юборди, бирдан ҳаммалари гапира бошлашди. Битта кичикроғи, бундай имкониятдан ўзида йўқ даражада хурсанд бўлгани бошқаларни жим туришга буюрди. Унинг фақат ўзигина бизга йўл кўрсатиб, фақат ўзи мамнун бўлгиси келди.

Мазкур тажрибани ўзингиз синаб кўринг. Келгуси сафар бегона шаҳарга тушиб қолсангиз, ўзингиздан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан паст турган бирор кишини тўхтатинг-да, ундан: *«Менга қийин аҳволдан чиқишимга ёрдам бера олмайсизми? Мен қандай қилиб ўша жойга борсам бўлади?»* — деб сўранг.

Ашаддий душманларини дўстларга айлантириш учун Бенжамин Франклин умр бўйи ана шу усулдан фойдаланган эди. У ёшлигида барча жамғармасини унча катта бўлмаган босмахона корхонасига сарфлайди. Франклин ўзини Филадельфиядаги Бош Мажлис котибига қадар сайланиш даражасигача олиб борган эди. Бу янги лавозим унга расмий материалларни чоп этиш бўйича буюртмаларни бажариш имкониятини берди. Бу иш жуда яхши даромад ҳам берар ва Бен уни ўзи билан сақлашга интилар эди. Аммо олдинда хавф-хатар соя солиб турарди. Мажлис таркибидаги жуда бой ва қобилиятли кишилардан бири Франклинни ниҳоятда ёқтирмас эди. У Франклинни хуш кўрмаслик билан кифояланмай, шу билан бирга омма олдида уни қаттиқ

ҳақоратлади ҳам. Бу жуда хавфли, жуда қалтис эди. Шу боис Франклин ўша инсоннинг рағбат-майлини ўзига қаратмоқчи бўлди.

Қандай услубда, қандай қилиб? Асосий масала шунда. Ўзининг шафқатсиз душманига хизмат қилиш! Йўқ, бу унинг гумон-шубҳасини ошириб юбориши, эҳтимол, унинг нафратини қўзғатиши мумкин эди.

Франклин бундай тузоққа тушмайдиган даражада ақлли ва зийрак эди. Шу сабабли у айнан тескари иш тутди. Ўз душманидан унга хизмат кўратишини илтимос қилди.

Франклин ундан қайтариб бериш шарти билан ўн доллар сўрамади. Йўқ! Йўқ! Франклин ўз душманига ниҳоятда ёқадиган илтифот — унинг мағрурлигига тегиб кетадиган, унга муҳимлигини англатадиган ва Франклиннинг мақтови-ю, таҳсинига сазовор бўладиган эрудиция ва ютуқларидан ҳожат чиқаришини илтимос қилди.

Мана бу воқеанинг хулоса қисми, уни Франклиннинг ўзи ҳикоя қилган:

*«Бу одамнинг кутубхонасида жуда ноёб ва қизиқарли китоб бўлиб, мактуб орқали уни ўқиб чиқишим учун бериб туришини, бир неча кунга илтифот кўрсатишини илтимос қилдим. У бу китобни дарҳол юборди ва мен уни тахминан бир ҳафта ичида кўрсатган хизмати учун миннатдорлик битилган хат билан бирга қайтардим. Кейинги марта биз палатада учрашганимизда у мен билан суҳбатлашди. Ваҳоланки, у бирор марта камина билан гаплашмаган эди. Суҳбатлашганда ҳам илтифот кўрсатди, яна хизмат кўрсатишга тайёр эканлигини қистириб ўтди. Истаган пайтда тайёр эканлигини билдирди. Шундай қилиб, биз кўп ўтмай дўст бўлиб қолдик, бу дўстлик унинг ўлимигача давом этди».*

Бен Франклин бундан 150 йил бурун вафот этган, аммо у қўллаган руҳий усул, яъни бошқа кишидан ҳожатини чиқариши учун ёрдам сўраш ҳозиргача ўзининг таъсирчанлигини йўқотган эмас.

Масалан, мазкур усул тингловчиларимдан бири Альберт Б.Амсел томонидан муваффақиятли равишда қўлланган эди. Амсел водопровод ва иситиш жиҳозларини сотиш билан шуғулланар, бир неча йиллар давомида қандайдир шу каби ишларни бажарувчи бруклинлик пудратчини ўзининг ми-

жозига айлантиришга зўр бериб уринар эди. Мазкур пудратчи жуда катта мавқега эга бўлиб, нуфузли обрў-эътиборга сазовор эди. Аввалига Амселнинг омади юришмади. Бруклинлик пудратчи шундай одамлар сирасига кирардики, улар сизни парокандалик, саросимага дучор қилиш, ўзининг қўполлиги билан фахрланиш, гапга кўнмайдиган ва айтган жойини кесадиган кишилар жумласидан эди. У оғзининг бир четида сигара қистириб олиб, ўз хонасида ўтирар, Амсел ҳар сафар кирганида, қичқирар эди: *«Бугун мендан бирор нарсани талаб қилмаслик керак! Менинг ҳам, ўзингизнинг ҳам вақтингни беҳуда кетказманг! Тўёғингизни шиқиллатинг...»*

Ва бир куни Амсел ҳаракат қилишнинг янги усулини синаб кўрмоқчи бўлди. Бу усул вазиятни анча юмшатди, уни дўст орттиришга имкон берди ва жуда кўп ажойиб буюртмаларга сабабчи бўлди.

Амсел фирмаси Лонг-Айлендда ўзининг филиалини очиш учун у ердан дўкон сотиб олиш бўйича музокара олиб бораётган эди. Бу ҳудуд юқорида тилга олинган пудратчига жуда яхши таниш эди, чунки унинг у ерда жуда кўп мижозлари бор эди. Шунинг учун бу сафар Амсел унинг ҳузурига кирар экан, шундай деди: *«Жаноб С... мен бугун ҳузурингизга бирор нарса сотиш учун эмас, балки сизга бир илтифот юзасидан ёрдам сўраб келдим. Менга бир дақиқа вақтингизни ажрата оласизми?»*

*«Ҳм... яхши,* — деб жавоб берди пудратчи оғзидаги сигарани у ёқдан бу ёққа сурар экан. — *Хўш, нима экан? Айтаверинг».*

*«Менинг фирмам Лонг-Айлендда филиал очишни ўйлаб юрибди,* — деб изоҳ берди Амсел. — *Сиз ўша жойларни бошқалардан кўра жуда яхши биласиз. Шунинг учун олдингизга келдик. Бундай қадам қўйиш яхшими ёки йўқми?»*

Янги вазият яратилди! Йиллар давомида бу пудратчи ўзининг жуда муҳим эканлигига алоҳида урғу бериб, савдо агентларига қўполлик қилиб, уларни шу ердан қувиб чиқариш билан машғул бўлган, шундан кеккайиб, манмансираб кетган эди.

Аммо энди унинг рўпарасида маслаҳат сўраб турган агент, агент бўлганда ҳам йирик концерн агенти турар, у қандай қилиб иш тутиш кераклигини сўраб турарди.

Унга ўтиришни буюрди. Бир соатга яқин вақт ичида у Амселга Куинс-Виллижда ўрнатилган водопровод афзалликлари ва муҳимлиги хусусида изоҳ бериб, тушунтирди. У дўкон тушадиган жойни фақат маъқуллабгина қолмади, балки бу кўчмас мулк учун олинадиган техникаларни умумий асосларда кўрсатиб, жиҳозларнинг захираларини тўплаш ва савдони очишни кенг изоҳлаб берди. Водопровод жиҳозларининг кўтара олди-сотдиси билан шуғулланувчи концерн вакилига тушунтирар экан, ишни олиб бориш хусусида изоҳлай туриб, ўзининг ҳам муҳим шахс эканлигини онгида ҳис этди. Шундан кейин у шахсий мавзудаги суҳбатга кўчди. Дўстона кайфият билан у Амселга ўзининг интим оилавий қийинчиликлари ҳамда уйдаги можаролар хусусида сўз очди.

*«Ўша оқшом унинг ҳузуридан чиқиб кетар эканман, — дейди Амсел, — чўнтагимда катта жиҳозлар учун буюртма бўлибгина қолмай, мустаҳкам ишга доир дўстликка ҳам асос солинган эди. Мен энди бир пайтлар ўзимга қўполлик қилган ва қичқирган киши билан бемалол гольф ўйнайман. Муносабатлардаги бу ўзгариш менинг ундан ёрдам сўраб, унинг муҳимлигини ҳис этишга мажбур этганимдан сўнг юзага келган эди».*

Келинг, энди Кен Дайкнинг бошқа хатини олиб кўрайлик. Бу ерда «менга шу борада ёрдам берсангиз» деган психологик усулни қанчалик нозиклик билан амалга оширганига эътибор берсангиз.

Бир неча йил муқаддам Дайк ишбилармон доиралар, пудратчилар ва архитекторларнинг унинг илтимосига зид равишда ахборот юбормаганликлари туфайли муваффақиятсизликка дучор бўлган эди.

Ўша пайтда муҳандис ва архитекторларга жўнатилган хатларга фақат бир фоиз киши жавоб йўллаганди. Борди-ю, икки фоиз шахс жавоб берганида, ишни яхши деб ҳисоблаш мумкин эди. Уч фоизли кўрсаткич иш ниҳоятда яхши йўлга қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўларди. Ўн фоизчи? Ўн фоиз жавоб худди мўъжиза каби қабул қилинарди.

Аммо қуйида келтирилган хатга деярли эллик фоиз жавоб келди. Бу жавоблар қанақалигини билсангиз эди! Икки-

уч саҳифалик хатлар! Улар дўстона маслаҳат билан ғиж-ғиж тўла ва дарҳол ҳамкорлик бошлашга тайёр таклифларни акс эттирарди.

Мана ўша хат. Унда ишлатилган психологик усулга алоҳида эътибор беринг. Айрим ўринларда, ҳатто сўз бирикмалари юқорида тилга олинган хатдаги каби бу ерда ҳам айнан ўхшаш.

Хатни кўриб туриб, сатрлар орасидаги сўзларни синчиклаб ўқиб, бу хатни олган кишининг ҳис-туйғуларини таҳлил этишга уринг. Унинг нима учун беш баробар юқори натижа бериб, мўъжиза пайдо этганини англаб олинг.

*«Жаноб Жон Доуга.*
*617, Доу-Стрит*
*Доувилл, Нью-Жерси.*

*Муҳтарам жаноб Доу!*

*Сиз менинг қийинчиликдан чиқиб кетишимга ёрдам бера олмайсизми? Бир йил муқаддам мен компаниямизни ишонтириб, меъморлар фирмамиздаги қурилиш жиҳозлари, уйларни таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича маълумотлар каталогига муҳтож эканлигини айтган эдим.*

*Натижада ана шундай зарурий каталог юзага келди — у шундай каталогнинг биринчисидир.*

*Шу билан бирга биздаги каталоглар захираси тугаб қолди. Бу ҳақда бошқарув раисига эслатганимда, у (барча раислар шундай қилишади) янги нашр этишга эътирози йўқлигини, фақат мен бунга ишонарли далиллар келтиришим зарурлигини, ана шундан кейин бунга рози бўлишини айтди.*

*Табиийки, бундай вазиятда мен сиздан ёрдам сўрашим лозим. Шунинг учун сизга ҳамда 42 меъморга мурожаат қилишга журъат этдим. Улар мамлакатнинг турли жойларида бизнинг ҳакамларимиз бўлиб хизмат қилишмоқда.*

*Сизга ушбу вазифани имкон борича енгиллаштириш учун хатимнинг орқа томонида бир нечта оддий саволни қайд этдим. Ва, албатта сизнинг ҳожатбарорлигингизни алоҳида қайд этган бўлар эдим, агар бу саволларга жавоб берганингизда, жавобларни тавсия этилган маркаланган хатжилдга солсангиз.*

*Ортиқча гапириб юборган бўлсам ҳамки, бу сизга ҳеч нимани юкламайди. Энди эса мен сизга мазкур каталог нашр этиладими ёки тажрибаларингиз ва маслаҳатларингизга мувофиқ янгидан нашр этиладими, ана шуни ҳал этишни тавсия этаман.*

*Ҳар эҳтимолга қарши шунга ишонч ҳосил қилингки, мен сиздан ёрдам учун миннатдор бўламан. Сизга миннатдорчилик билдираман!*

*Самимият ила*
*Сизнинг Кен Р.Дайк.*
*Савдо бўйича бўлим мудири».*

Мен яна бир нарсадан огоҳлантирмоқчиман. Тажрибадан шуни биламанки, айрим одамлар бу хатни ўқигач, мазкур психологик услубни механик равишда кўр-кўрона амалга оширишга уринадилар. Улар хат юборилган кишида шахсий аҳамиятини яна кўпроқ ҳис қилиш хислатини уйғотишга ҳаракат қилишади, бунда унинг фазилатлари самимий эътироф этилмайди, балки хушомад ва иккиюзламачилик билан тилга олинади. Бундай услуб ўзини оқламайди.

Эсингизда бўлсин, бизнинг деярли ҳаммамиз бошқалар томонидан эътироф этилиши ва тушунишларини истаймиз, имкон қадар шунга эришишни хоҳлаймиз. Ҳеч ким носамимий бўлгиси келмайди. Ҳеч ким тилёғлама мақтовни истамайди.

Такрорлашга рухсат беринг: ушбу китобда тавсия этилган тамойилларнинг бари фақат улар чин юракдан самимий чиққандагина самарали бўлиши мумкин. Мен кўзбўямачилик қилишга уринмоқчи эмасман. Мен янгича турмуш тарзи хусусида сўз юритмоқдаман.

*ОЛТИНЧИ ҚИСМ*

# ОИЛАВИЙ ҲАЁТИНГИЗНИ ЯНАДА БАХТЛИ-САОДАТЛИ ҚИЛИШГА ИМКОН БЕРУВЧИ ЕТТИ ҚОИДА

*Биринчи бўлим*

## ШАХСИЙ ОИЛАВИЙ БАХТНИ ТЕЗРОҚ ҚАБРГА ТИҚИШ УСУЛИ

Бундан етмиш беш йил муқаддам Наполеон Бонапартнинг жияни Наполеон III дунёдаги энг соҳибжамол аёл — графиня Тебская, Мария Евгения Игнасия Августина де Монтихони севиб қолди ва унга уйланди. Унинг маслаҳатчилари, бу хоним ҳеч кимга маълум бўлмаган испан графининг қизи, деб оёқ тираб олдилар. Уларга жавобан Наполеон *«Хўш, нима бўпти?»* деб эътироз билдирди. Унинг назокати, ёшлиги, жозибадорлиги, чиройи Наполеонни беқиёс ҳузур-ҳаловат оғушига ғарқ этган эди. У тахт тепасида туриб, бутун миллатга қарата: *«Мен ўзимга номаълум бўлган аёлни севдим, унга иззат-икром кўрсатаман ва бошимга кўтараман»*, дея жар солган эди.

Наполеон ва унинг қаллиғида ҳамма нарса: соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шон-шараф, гўзаллик, севги-муҳаббат, бир-бирини сидқидилдан севиш, олий даражадаги ишқий муносабатлар учун тегишли барчаси мавжуд эди. Ҳеч қачон муқаддас никоҳ гулхани бунчалик нур сочиб ловулламаган эди.

Аммо, надоматлар бўлсинки, муқаддам олов сал ўтмай милтиллаб қолди ва ўчди. Бу ҳарорат сўнди, ундан фақат бурқсиган кул қолди, холос. Наполеон Евгенияни малика қилмоқчи эди, аммо гўзал Францияда ҳеч нарса — унинг меҳр-муҳаббати ҳам, азамат тож-тахти ҳам унинг эрига бўлган харҳашасини асло тўхтата олмади.

Рашкдан кўзи кўр бўлаёзган, шубҳа-гумонлар юрагини кемириб ётган жувон унинг фармонларини мутлақо менсимас, уни бир зум бўлсин кўздан йироқлашишига йўл қўймас эди. Давлат ишлари билан банд эрининг кабинетига ҳе, йўқ-бе йўқ бостириб бораверарди. Унинг муҳим музокараларини барбод қилишга уринар эди. У бошқа аёлга кетиб қолади, деган доимий хавотир оғушида яшар эди.

Евгения баъзан синглисиинг ҳузурига югуриб борар, эридан зорлангани-зорланган эди: у норози бўлиб шикоят қилар, йиғлар, чинқирар ҳамда таҳдид қиларди. Эрининг кабинетига бостириб кириб, қичқирар ва уни ҳақоратлашдан ҳам қайтмас эди. Бир олам саройу кошоналарга эга бўлмиш Франция императори ўз-ўзи билан бир лаҳза ёлғиз қолишга хилват бурчак тополмас эди. Буларнинг бари туфайли Евгения нимага эга бўлди? Ҳеч нарсага. Мен Е.А.Рейнхардтнинг «Наполеон ва Евгения. Бир империянинг трагикомедияси» номли ғоят мароқли китобидан иқтибос келтираман: *«Иш шу даражага етиб бордики, Наполеон кўзи ярим тунда юмшоқ шляпани бостириб кийиб, яширинча ёнига ўзининг энг яқин дўстларидан бирини эргаштирганча хилват эшикдан чиқиб, сингиб кетар эди. Ҳақиқатан ҳам уни қаердадир кутаётган гўзал хоним ҳузурига жўнар ёки буюк шаҳарни кўчаларида шунчаки тентирар эди, шундай кўчалардан юрар экан, фақат эртакларда эшитгани қўлдан кетган имкониятлар ҳавосидан нафас олар эди».*

Евгения ўзининг тизгинсиз хархашалари туфайли ана шунга эга бўлди. Тўғри, у Франция тахтида керилиб ўтирди, унинг дунёдаги энг чиройли аёл эканлиги ҳам аниқ. Аммо императорга хос унвон ҳам, гўзаллик ҳам, заҳарзаққумга тўлган тиним билмас хархашалари ҳам муҳаббатни сақлаб қололмади. Евгения, бечора аёл ўзининг сўнгсиз рашки ва хархашаси гирдобига ўралашиб қолди.

Энг бехато нишонга урувчи ҳаракатдаги макру ҳийлалар орасида бир замонлар дўзах иблислари томонидан яратилган, муҳаббатни поймол этувчи, ўлим келтирувчи иллатлардан бири хархаша ҳисобланади. Бу усул ҳеч қачон адашмайди. Худди қирол кобраси каби ҳамиша заҳарлаб, доим жойида ўлдиради.

Граф Толстойнинг хотини бу аччиқ ҳақиқатни жуда кеч тушунди. У ўлими олдидан қизларини чақириб: *«Отангизнинг ўлимига мен сабабчи бўлдим»*, дея иқрор бўлган эди. Қизлари унинг гапига жавоб беролмай, ҳар иккиси ҳам ўкириб юборишди. Уларнинг онаси ростини айтаётган эди. Улар онасининг ниҳояси йўқ шикояту жаврашлари, тиним билмас танқидлари, доимий давом этган хархашалари отасининг умрига зомин бўлганини билардилар.

Шу билан бирга граф Толстой ва унинг хотини ҳар жиҳатдан жуда бахтли бўлишлари мумкин эди. У барча даврларнинг энг буюк ёзувчиларидан бири ҳисобланади. Унинг икки буюк шоҳ асари — «Уруш ва тинчлик» ва «Анна Каренина» сайёрамизнинг адабиёт осмонида ўчмас юлдуз бўлиб ярқираб тураверади.

Толстой шу даражада машҳур эдики, мухлислари унинг ҳар бир қадамини кечаю кундуз таъқиб этиб, оғзидан чиққан ҳар бир сўзигача ёзиб олишган. Барча сўзи, ҳатто: *«Майли, мен энди ухлайман»*, деган шунчаки гапи ҳам ёзиб олинган. Энди рус ҳукумати унинг тўла асарлар тўпламини босиб чиқармоқда, унда адиб қачонлардир ёзиб қолдирган ҳар бир иборагача киритилади, Толстой асарлари 100 жилддан ошиб кетади.

Бу шон-шуҳрат билан бирга Толстой ва унинг хотини бойлик, ижтимоий мавқе, фарзандларга ҳам эга эдилар. Ҳеч қайси никоҳ бундай ажойиб муҳитда барқ уриб яшнаган эмас. Дастлаб уларнинг бахт-саодати булутлардан холи, ҳаддан зиёд тўла-тўкис, узоқ давом этадигандай кўринди. Шу сабабли улар тиз чўкиб, яратганга илтижо қилишар, марҳаматини дариғ тутмаслигини ёлвориб муножот қилардилар.

Шундан кейин ғалати бир ҳолат рўй берди. Толстой астасекин ўзгарди ва бутунлай бошқа кишига айланди. У дастлаб ўзи яратган буюк асарлардан уялди, ўзини публицистик мақолалар ёзишга бағишлади, уларда тинчликни тарғиб қилди, уруш ва ночорликни қаттиқ қоралади.

Бу инсон бир куни иқрор бўлиб, ёшлигида гуноҳ ишлар қилгани, ҳатто одам ўлдирганигача айтиб, Исо таълимотини изчил ўрганишга киришди. У ўзига қарашли барча ерларни бошқаларга бўлиб берди ва камбағаллардай ҳаёт ке-

чирди: далада ишлади, ўтин ёрди, пичан ўрди, ўзи учун пойафзал тикди, хонасини ўзи супурди, ёғоч идишда овқат еди ва барча душманларини яхши кўришга ўзини мажбур эта олди.

Лев Толстой ҳаёти фожиадан иборат эди ва бу фожианинг асосий сабабчиси унинг никоҳи эди. Толстой хотини ҳашаматни севар, у эса ундан нафратланар эди, хотини шон-шуҳрат ва мартаба истагида куйиб-ёнар, Толстой учун эса бунинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди. Софья Андреевна пул, мол-давлат кетидан қувар, Толстой эса, аксинча, бойлик ҳамда хусусий мулкка эга бўлишни гуноҳ деб биларди.

Борди-ю, эри эътироз билдиргудай бўлса, у жазавага тушиб, ўзини ерга ташлар, оғзига қорадори солинган шишачани яқинлаштириб, ўзимни ўлдираман, деб қасам ичар, ўзимни қудуққа ташлайман, деб қўрқитар эди.

Улар ҳаётидаги бир воқеа менга бутун инсоният ҳаётидаги таъсирли бир саҳнани эслатади. Мен аввал таъкидлаганимдек, бу жуфтлик турмуш қурган дастлабки пайтларда ниҳоятда бахт билан масрур эдилар. Аммо орадан қирқ йил ўтгач, Толстой энди зўрға чидар эди. Баъзан оқшомлари ғам-андуҳга лиммо-лим кекса хотини қалби озгина бўлсада, илиқ ором истаб, чоли олдида тиз чўкар, бундан эллик йил муқаддам меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган ва унга бағишланган сатрларини кундаликдан топиб, овоз чиқариб ўқиб беришини илтижо қилиб сўрарди. Толстой ажойиб, бахт-иқболга тўлиқ, асло қайтмас кунлар ҳақидаги сатрларни ўқиганида, ҳар иккиси ҳам куйиб йиғларди. Ҳаёт ҳақиқати уларнинг хаёлий романтик кўз ёшларидан қанчалик фарқ қилар, қанчалик ўзгача тусда эди!

Ва, ниҳоят Толстой саксон икки ёшга кириб, қартайиб қолган пайтда оилавий ҳаётидаги фожиани ортиқ ҳазм қила олмаслигига кўзи етди ва 1910 йилнинг қор-қировли, совуқ октябрь кечасида ўзининг хотинидан узоққа қочди — қоронғи зулматга, қайга кетганини билмай, англамай.

Орадан ўн бир кун ўтгач, Толстой кичик темир йўл станциясида ўпка шамоллашидан вафот этди. Унинг ўлим олдидаги ягона васияти дафн маросимига хотинини қўймасликларини тайинлаш бўлди.

Графиня Толстойнинг учи охири йўқ хархашаси, арзу дод ва жазавасига берилган баҳо ана шундан иборат эди.

Балки, китобхон бу аёлнинг розилик учун асоси бордир, деган хаёлга борар. Маъқул фикр. Аммо бунинг ишга алоқаси йўқ. Гап бошқа фикрга бориб тақалади: бу хархашалар унга ёрдам бердими ёки бундан баттар аҳволни яна дўзах азобига айлантирдими?

*«Мен ҳақиқатан ҳам аҳмоқона иш қилган эканман»*, — деган хулосага келди графиня Толстая, аммо, афсуски, энди кеч бўлганди.

Авраам Линкольннинг ҳаётидаги улкан фожиа — унинг никоҳи, оиласи эди. Эътибор беринг, уни ўлдиришгани эмас, балки унинг никоҳи сабабчи эди. Линкольннинг йигирма уч йиллик ҳаётини сафдоши, ҳуқуқшунос Гордон *«оилавий ҳаётнинг аччиқ мевалари»* деб атаган, азобни тортган Линкольн Бут томонидан отилгандан сўнг ўзининг ўлдирилганини ҳам англамаган эди.

Деярли чорак аср Линкольн хоним эрини тиним билмай эговлаб, унинг жонини ҳалқумига келтирган эди.

Бу аёл поёни йўқ норозиликни эри устига ёғдирар, уни тиним билмай танқид қилгани-қилган, гўё унинг фикрича, эрида ҳаммаси рисоладагидек эмас эди. Эрининг юриши, қадам босиши бесўнақай эмиш, у оёқларини лапанглатиб юрармиш, ҳиндуларга ўхшаб букчаяди, деб ҳам айб топарди. Унинг қадди-қоматида эгилувчанлик кўринмайди, ҳаракатларида назокат етишмайди, деб зорланган-зорланган эди. Аёл пансионда ўзига мадам Мантел ўргатганидек, қадам ташлашни, қадди-қоматни тутишни жиғибийрони чиқиб талаб қилишдан чарчамас эди.

Унга эрининг қулоқлари бурчаги боши томонга қараб кетгани ҳам асло ёқмасди. Бир куни эса бурни текис бўлмагани учун Линкольнга таъна тошларини отган эди. Пастки жағи бўртиб туради, ўзи эса сил касалига йўлиққан бемордай кўринади, оёқ ва қўллари ҳаддан зиёд узун, боши эса кичкина, деб зорланганди.

Авраам Линкольн ва Мэри Тодд Линкольн ҳамма жиҳатдан: тарбия кўрганлик, келиб чиқиши, мижози, дунёқа-

рашга мойиллиги билан бир-бирларига мутлақо қарама-қарши эдилар. Улар доимий равишда бир-бирини кўришса, зардалари қайнаб кетар эди.

Бизнинг авлодимизга мансуб машҳур линкольншунос, марҳум сенатор Альберт Ж.Бевериж шундай деб ёзган: *«Линкольн хонимнинг қулоқни тешиб юборгудай чинқироқ овозини кўчанинг нариги бетидан бемалол эшитиш мумкин эди. Кимки уларга яқин ўтирган бўлса, унинг тўхтовсиз қаҳру ғазабга тўлиб-тошганини ҳар куни билар эдилар. Мэри Тодд хонимнинг дарғазаб бўлиб, жаҳл отига миниши фақат сўзда ифодаланса ҳам бир нави эди, бизгача унинг ақлга сиғмайдиган қилиқлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар етиб келган».*

Шунга ўхшаш воқеалардан бири билан танишинг. Тўйдан кейин кўп ўтмай Линкольн ва унинг хотини Спрингфильдга — шифокорнинг беваси, пенсионерларга қарашга мажбур бўлган Жейкоб Эрли хонимнинг ҳузурига кўчиб ўтишади. Қайсидир куни жаноб Линкольн ва хотини нонушта қилиб ўтиришар экан, Линкольн нимадир қилди, шекилли, бу хотинини ғазаблантириб юборди. Линкольн аниқ нима қилди, ҳозир ҳеч ким билмайди. Аммо Линкольн хоним ғазабдан қутуриб кетди-ю, иссиқ қаҳвани эрининг бетига сепиб юборди. Бу пенсионерларнинг кўз ўнгида содир бўлди.

Линкольн хонинига лом-лим демади. У камситилган ҳолда сукут сақлаб ўтирар экан, эрли хоним нам сочиқ билан унинг юзларини артар эди.

Линкольн хонимнинг рашки шу даражада телбалардек, шунчалик шиддатли ва шунчалик чидаб бўлмас даражада эдики, эрига нисбатан очиқдан-очиқ кўрсатган уятсиз томошалари, юракни эзиб юборадиган хунук қилиқлари, мана, 75 йилдан буён, ҳозир ҳам уни эшитган кишиларни ҳайратга солиб, оғзини ланг очириб қўяди. Ниҳоят у ақлдан озди, эҳтимол, унинг ўзини тутиши, хулқ-атвори ана шу ақлсизлик асосида туғилганмикан, деб ўйлашга мажбур қилади.

Линкольнни хотинининг бутун хархашалари, гина-кудратлари ҳамда телбаларча хатти-ҳаракатлари заррача бўлсин ўзгартирдими? Баъзи жиҳатлардан қараганда, ҳа, ўзгартирди. Унга нисбатан муайян ҳис-туйғуларини қисман

ўзгартирди. Уни бахтсиз никоҳ тўғрисида пушаймон қилишга мажбур этди. Ундан имкони борича ўзини олиб қочадиган бўлди.

Спрингфильдда ўн бир адвокат яшар ва бари учун иш етарли эди. Шунинг учун улар графликда ўтадиган суд мажлисларида иштирок этиш учун судья Дэвид Дэвисга эргашиб, унинг ортидан у шаҳардан бу шаҳарга отлиқ йўл юришарди. Шу тарзда маҳаллий суд йиғилишларининг барчасида иштирок этиб, саккизта суд округида бўлишар эди.

Бошқа адвокатлар кўпинча айёрлик қилиб, ҳар шанба куни Спрингфильдга қайтишни истамай, ҳафта охирини ўз оилалари билан ўтказар эдилар. Аммо Линкольн мутлақо бундай қилмасди. У уйига қайтишга қўрқар, уч ой баҳорни, уч ой кузни Спрингфильдга қадам босмай, турли разъездларда яшашни афзал билар эди.

У йилдан-йилга худди шундай қиларди. Кўпинча қишлоқ жойлардаги меҳмонхоналарда шароит жуда ёмон эди. Шунга қарамай, у барча ноқулайликларга тобу тоқат билан чидар, Линкольн хонимнинг доимий хархашаси ва қаҳр-ғазабининг аланга олишидан кўра бу анча роҳатбахш кўринарди.

Ликнольн хоним, малика Евгения ва графиня Толстаянинг эрлари билан муносабатлари ана шундай оқибатга дучор қилди. Уларнинг хулқ-атвори ҳаётга фақат фожиаларни олиб келди, бу эса уларга жуда қимматга тушди.

Нью-Йоркдаги ички оилавий муносабатлар иши бўйича судда ўн бир йил ишлаган Бесси Хамбургернинг айтишича, кўрилган мингта ишдан эркакнинг уйдан чиқиб кетишига ягона сабаб хотиннинг хархашаси экан. «Бостон пост» газетасининг ёзишига қараганда, бирор аёл ўзининг оилавий бахтига қабр қазар экан, аста-секин уни чуқурлаштириб бораверади.

Шундай қилиб, оилавий ҳаётингизни бахтли сақламоқчи экансиз, биринчи қоидани қаттиқ тутинг:

***Хархаша қилманг, хархашанинг асло ҳожати йўқ!!!***

*Иккинчи бўлим*

## СЕВГИН ВА БОШҚАЛАРНИНГ ҲАМ СЕВИШИГА ИМКОН БЕРГИН

Дизраэли шундай деган эди: *«Эҳтимол, мен ўзимнинг ҳаётимда жуда кўп хатоларга йўл қўйгандирман, аммо, барибир, севги асосида оила қурмайман».*

У айнан шундай қилди. Ўттиз беш ёшигача бўйдоқлигича юрди, кейин ўзидан ўн беш ёш катта, сочлари қордек оқарган бадавлат бева хотинга уйланмоқчи бўлди. Бу муҳаббат туфайли бўлганмиди? О, йўқ. Бева Дизраэли ўзини яхши кўрмаслигини жуда яхши биларди. Пули кўплиги учун ўзига уйланмоқчи бўлганини англар эди! Шунинг учун битта шарт қўйди: аёл бир йил давомида уни синаб, феълини ўрганади. Ниҳоят мазкур муддат охирида аёл Дизраэлига турмушга чиқди.

Анчайин маза-матраси йўқ, анчагина манфаатпарастликдан иборат бўлиб жаранглайдиган воқеа, шундай эмасми? Қандай парадоксдан иборат бўлмасин, Дизраэлининг оилавий ҳаёти, барибир, барча бемаъни, иркит воқеа-ҳодисаларга ўралашган, эру хотинликдан мутлақо фарқ қилувчи ёркин муваффақиятга қурилган эди.

Дизраэлининг чекига тушган бу бой-бадавлат хотин ёшлик, навқиронлик, гўзаллик ҳамда алоҳида ажралиб турадиган ақлга эга эмас эди, албатта. Суҳбатларда у адабиёт ва тарих соҳасидаги нодонликдан иборат гап-сўзлари билан кулгили хатоликларга йўл қўйганини билмай қоларди. Масалан, у *«римликлар олдин пайдо бўлганми ёки юнонлар»*, дер, буни билмас эди. Ясан-тусан бобидаги диди ажабтовур бўлса-да, уйни мебеллар билан жиҳозлашдаги тасаввури ниҳоятда ғалати ва паст даражада эди. Шунга қарамай, у оилавий ҳаётда муҳим ўрин тутган эркаклар билан муомала қилиш, эру хотинлик муносабатида даҳо, ҳақиқий даҳо эди.

У ўзининг ақл-заковатини ҳеч қачон Дизраэлининг етуклигига қарама-қарши қўймасди. Эр тоқатни тоқ қилиб юборадиган ва жонни суғуриб оладиган, пухта-пишиқ ва зийрак герцог хотинларнинг тортишувларидан толиқиб келганида, уйда Мэри Эннинг енгил-елпи сергаплиги уни ҳор-

ғинликдан қутқариб, куч-қувватини тиклашга ёрдам берар эди. Уй унга мамнунлик ва руҳий ҳаловат оладиган ягона маскан бўлиб, у Мэри-Эннинг сидқидилдан севишидан лаззат топарди. Дизраэлининг бу ерда кексаётган хотини билан ўтказган дамлари ҳаётидаги энг бахтиёр дамларидан иборат эди. Бу аёл унинг энг яқин дўсти, тенгдоши ҳамда маслаҳатчиси эди. У ҳар куни қуйи палатадан уйига қараб шошар экан, кундузи нималар бўлганини хотинига айтиб бериш учун ҳамма гапни кўнглидан бирма-бир ўтказар эди. У нимагаки қўл урмасин, барига Мэри-Эннинг қўллаб-қувватлашини ҳис этар, ахир у эри муваффақиятсизликка учрашига мутлақо ишонмас, бу ҳол эса шу қадар катта аҳамиятга эга эди.

Ўттиз йил давомида Мэри-Энн фақат Дизраэли учун, фақат унинг ўзи учун яшади. Эри унинг ҳаётини шунчалик енгиллаштиргани, ҳатто бойлигини ҳам унинг учун қадрлар эди. Бунга жавобан эр уни ўзининг қаҳрамонига айлантирган эди. Эр унинг вафотидан сўнг граф унвонига сазовор бўлди. Шу билан бирга у хотини оддий фуқаро эканлигида қиролича Викториядан рафиқасини пэрлар сулоласига киритишни илтимос қилиб, уни кўндирган эди. Ниҳоят 1868 йилда хотини Виконтесса Биконсфильд унвонига эришди.

Одамлар назарида у қанчалик нодон ва енгилтак кўринса-да, эр уни бирор марта бўлсин танқид қилгани йўқ. Унинг шаънига бирор марта бўлсин, пичинг ишлатган эмас, борди-ю, бирор киши рафиқасининг устидан кулмоқчи бўлса, унинг ҳимояси учун шиддат билан ташланар эди.

Мэри-Энн мукаммалликдан узоқ бўлиб, камчиликлардан холи бўлмаса ҳамки, ўттиз йил давомида эри билан фахрланиб юришини бирор мартаям тилидан қўйган эмас. Бу нимага олиб келди? *«Биз ўттиз йил эр-хотин эдик,* — дейди Дизраэли, — *аммо бирор марта у билан зерикканим йўқ»* (шу билан бирга кимдир Мэри-Энн тарихни билмаса-да, нодон бўлиб қолмади, деган гапни айтган эди).

Ўз навбатида Дизраэли ҳам ҳеч қачон Мэри-Энн унинг ҳаётидаги энг қимматбаҳо эканлигини асло яширган эмас.

Бунинг натижаси қандай эди? Мэри-Энн ўз оиласининг яқин дўстларига эрини таърифлаб: *«Менинг ҳаётим шу инсон туфайли бошдан-оёқ битмас-туганмас бахтга тўлиб-тошган эди»*, дерди.

Улар ўзаро ҳазиллашишни яхши кўришар эди. *«Биласанми,* — дерди Дизраэли, — *мен, ахир сенга пулларинг туфайли уйланган эдим»*. Мэри-Энн жилмайиб жавоб берарди: *«Бу ишни яна такрорлашга тўғри келганда, энди менга севги туфайли уйланар эдинг-а, шундай эмасми?»*

У хотинининг гапини маъқуллар эди. Йўқ, Мэри-Энн ҳамма жиҳатдан мукаммаллик даъво қилган эмас. Шу билан бирга у ўз-ўзи билан овора бўлиб қолишига Дизраэли ақлли бўлгани учун йўл қўя олмасди.

Генри Жеймс шундай деб таъкидлаган эди: *«Бошқа одам билан муносабат ўрнатишдаги биринчи ўзлаштириладиган омил, бу — уларнинг бахтли бўлишига халақит бермасликдир, улар ҳам биз хоҳлаган нарсани исташадики, бу бизнинг бахтли бўлишимизга халақит бермайди, бунга улар ўзимиз хоҳлаган усулда ёндашадилар».*

Бу айтилган такрорлашга арзийдиган гапдир: *«Бошқа одамлар билан муносабат ўрнатишдаги биринчи омил, бу — уларнинг бахтли бўлишига халақит бермасликдир, улар ҳам шуни исташади...»*

«Бирга ягона оилада ўсамиз» номли китобида Леланд Фостер Вуд шундай деган эди: *«Муваффақиятли никоҳ — мос кишини топиш лаёқатидан анча устундир; шу билан бирга бу ўзи ҳам айнан шундай одам бўлиш қобилияти демакдир».*

Шундай қилиб, сиз оилавий ҳаётингизни бахтли сақлаш ниятида экансиз, иккинчи қоидани маҳкам тутинг:

***Ўз умр йўлдошингизни ўзгартирмасликка ҳаракат қилинг.***

*Учинчи бўлим*

## АГАР ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЧА ТУТСАНГИЗ, АЖРАЛИШ УЧУН РИНОГА БОРИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Ижтимоий ҳаётда Дизраэлининг энг ашадий душмани буюк Гладсон эди. Бу икки арбоб ўртасида давлатни бошқариш билан боғлиқ барча муаммоли масалаларда ўзига хос фикрлари билан келишмовчилик рўй берса-да, улар учун битта умумий жиҳат бор эди: ҳар иккаласи ҳам шахсий ҳаётда бахтга беланган эдилар.

Уилям ва Кэтрин Гладсон эллик тўққиз йил бирга яшашди, салкам олтмиш йил бахт билан илиган ўзаро вафодорлик бағрида умргузаронлик қилишди. Менинг кўз олдимда Англия бош вазирларининг энг муносиби бўлган Гладсон ўз рафиқасининг қўлидан ушлаган ҳолда, у билан қўшиқ куйлаб камин олдида рақсга тушгани ниҳоятда ёқимли туюлади:

*Жулдурвоқи эр ва шумтака хотин —*
*Шодлик ва ғамда ҳам биргамиз ҳамон.*

Жамоат ишларида шафқатсизлиги билан ном чиқарган Гладсон ҳеч қачон уйдагилар шаънига танқидий сўзларни айтмаган. У эрталаб нонуштага тушар экан, оиланинг бошқа аъзолари ҳали ухлаб ётганини пайқаб, уларга нисбатан норозилигини ниҳоятда хушмуомалалик билан изҳор этиш усулини топган эди. У овозини кўтариб, уйни ажиб ғамгин бир қўшиқ билан тўлдириб юборар, шу орқали Англиядаги юмушга ниҳоятда андармон бир киши яқинларини нонушта учун кутиб ўтирганини гўё эслатмоқчи бўларди. Одамларга нисбатан муомалага уста, эътиборли бўлган бу шахс оилавий муҳитда танқид қилишдан ўзини бутунлай тийган эди.

Екатерина II ҳам ўзини худди шундай тутган. У дунёдаги энг йирик империялардан бирини бошқарган эди. Екатерина II ўзига тобелардан миллионлаб кишиларнинг ҳаёти ва ўлимига фармойиш бера оладиган қудратга эга эди. У сиёсат майдонида баъзан ўзини шафқатсиз ҳукмдор сифатида намоён этар, самарасиз урушлар олиб борар, ўнлаб

душманларини отишга ҳукм қиларди. Шу билан бирга ошпазнинг куйдириб қўйган гўштини лом-лим демай, иштаҳа билан паққос туширар эди. Кулимсираганича сабр-тоқат билан тановул қилар экан, бундан ўртача америкалик эркак ибрат олса бўлади.

Бузилган бебахт оилалар бўйича Америкада донг қозонган обрўли шахслардан бири Дороти Дикснинг фикрига кўра, эллик фоиздан ошиқ никоҳ муваффақиятсизлик билан якун топади. Буларнинг асосий сабабларидан бири — романтик кўз ёши тўкиб ажралиш билан якун топган омиллардан биттаси — танқид, бир тийинга қиммат, юракни зада қиладиган танқид ҳисобланади.

Борди-ю, болаларингизни танқид қилишга тўғри келиб қолса... мен сизга айтсам, уларни асло танқид қилманг. Мен бу ишнинг яқинига ҳам йўламайман. Танқидга муккасидан тушиб кетишдан олдин Америка журналистикасининг мумтоз асарларидан бири «Отанинг пушаймони»ни ўқиб чиқинг. У даставвал «Пиплз хоум жорнэл»нинг бош мақоласи сифатида дунё юзини кўрди. Муаллифнинг рухсати билан биз уни ихчам шаклда бу ерга келтирамиз.

«Отанинг пушаймони» самимий юрак тўлқинлари авжга чиққан дақиқаларда ёзилган ихчам асарлардан бири бўлиб, кўпчилик китобхонларнинг ҳиссиётларига «жиз» этиб тегиб кетади. Шу сабабли у доимий равишда қайта-қайта босилавериш учун манба бўлиб хизмат қилган. *«У илк бор бундан ўн беш йил муқаддам босилган бўлиб, шундан буён юзлаб журнал ва фирма нашриётларида, шунингдек, мамлакатнинг барча бурчакларидаги газеталарда чоп этилди*, — деб хабар беради унинг муаллифи У.Ливингстон Ларнед. *Кўплаб чет эл тилларида ҳам босилиб чиққан. — Менинг ўзим шахсан минглаб одамларга уни мактаблар, черков ва кафедраларда ўқиб беришга ижозат бердим. Турли радиодастурлар уни сон-саноқсиз эшиттиришларда истифода этдилар. Ундан коллежларнинг даврий нашрлари ва ўрта мактабларнинг журналлари ҳам фойдаланди. Бундан ажабланмаслик керак. Баъзан унча катта бўлмаган асар ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада муваффақият қозонади. Мазкур мақола ҳам шубҳасиз, ана шундай мавқега эришди».*

*У.Ливингстон Ларнед*

## Отанинг пушаймони

*«Қулоқ сол, ўғлим. Бу сўзларни сен ухлаётган пайтда айтяпман; сенинг жажжи қўлларинг чекканг тагида, сариғиш сочларинг эса терлаган пешанангга ёпилган. Мен хонангга ёлғиз ўзим, билдирмасдан кириб олдим. Бир неча дақиқа аввал кутубхонада газета ўқиб ўтирар эканман, мени пушаймонликнинг оғир тўлқини шиддат билан қамради. Мен сенинг каравотчанг тепасига ўз айбимни ҳис этган ҳолда келдим.*

*Мана, мен нималарни ўйладим, ўғлим. Мен ўзимнинг ёмон кайфиятимни сенинг устингга гўё тўкиб юбордим. Сен кийинаётганда, сени сўкиб, ҳақорат қилдим, сен мактабга отланаётган эдинг, юзингни ҳўл сочиқ билан артиб тургандинг. Мен сени пойафзалимни тозаламаганинг учун қаттиқ койидим. Кийимингдан ниманидир олиб, полга ташлаганингда, ниҳоятда жаҳлим чиқиб бақириб юбордим.*

*Нонушта устида ҳам мен сенга ёпишиб олдим. Сен чойни полга тўкиб юбординг. Овқатни очкўзлик билан тановул қила бошладинг. Бармоқларингни стол устига қўйдинг. Нон устига ёғни кўпроқ суртиб юбординг. Шундан сўнг сен ўйнаш мақсадида ташқарига чиқиб кетаётганингда, мен поездга чиқиш учун шошаётган эдим. Менга бурилиб қараб, қўлингни силкитдинг ва: «Дада, хайр, кўришгунча!» — дединг. Мен эса қовоғимни уйганимча: «Елкаларингни тўғрила», деб жавоб бердим.*

*Сўнгра кун охирида бари яна қайтадан бошланди. Йўлакдан уйга борар эканман, сен шарчалар билан тиззалаб ўйнаганингни пайқаб қолдим. Пайпоғингда тешиклар бор эди. Мен сени ўртоқларинг олдида камситдим, олдимга тушиб уйга юришга мажбур этдим. Пайпоқлар жуда қиммат туради, агар сен шахсий пулингга олганингда бу ниҳоятда ёқимли бўлар эди! Англаяпсанми, ўғлим, бу гапларни мен, сенинг отанг айтяпти!*

*Эсингдами, кейин сен кутубхонага кирдинг. У ерда мен ўқиб ўтирар эдим. Сен оҳиста қадам қўйдинг, менга халақит бераётганингни айтдим, сен эса гангиб, эшик ёнида тўхтаб қолдинг. «Сенга нима керак ўзи?» деб кескин сўрадим мен.*

*Сен ҳеч нарса демадинг, аммо бирдан чопиб келиб, бўйнимдан қучоқлаб олиб, ўпа кетдинг. Сенинг қўлчаларинг мени меҳр-муҳаббат билан қисар, худованди каримнинг кўнглингга солган бу меҳри менинг эҳтиётсизлик билан йўл қўйган муносабатимни ҳам буткул ювиб юборган, адойи тамом қилганди. Шундан сўнг сен жажжи оёқчаларингни бир-бир босиб, зинадан юқорига чиқиб кетдинг.*

*Мана шундан кейин менинг қўлларимдан газета сирғалиб тушиб кетди, бутун вужудим даҳшатли, кўнгилни айнитадиган бир қўрқув қоплаб олди. Бу одатлар мени қандай аҳволга солиб қўйди ўзи? Харҳаша одати, ҳадеб койимоқ — киччкина бўлганинг учун менинг сенга берган мукофотим ана шу эди. Сени яхши кўрмайман, дейишим мумкин эмас, аммо гап шундаки, мен ёшлик чоғингдан кўп нарсани кутганман ва сени шахсан ўзимнинг йилларим билан ўлчабман.*

*Сенинг табиатингда эса соғлом, гўзал, самимий жиҳатлар шунчалик кўпки, бу жажжи кўнглинг улканлигидан далолат беради, у ҳов анови тепаликлар ортидаги тонгги нурларга ўхшайди. Бу сенинг беихтиёр менга бирдан шиддат билан бағримга ўзингни отганингда намоён бўлган эди. Сен уйқуга кетишдан олдин мени ўпиш учун кирган эдинг. Бугун бундан бошқа ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмади, ўғлим! Мен қоронғида каравотинг тепасига келиб, минг бир хижолатга тушиб, олдингда тиз чўкаман!*

*Бу жуда заиф ҳолда гуноҳни ювиш демакдир. Биламан, сен уйғонганингда, бу гапларнинг барини айтганимда ҳам тушунмас эдинг, ўғлим. Аммо эртага мен ҳақиқий ота бўлмоқчиман! Мен сен билан дўст бўламан, қийналсанг, ранжисанг, бирга қийналаман, кулсанг, мен ҳам бирга куламан. Аччиғим чиққанида, бирорта аччиқ сўз чиқадиган бўлса, тилимни тишлаб оламан. Мен: «У ҳали бола-ку, сенинг боланг», деган гапни худди қасамёд каби тинмай такрорлайман».*

*Мен сени фикран вояга етган эркак ўрнида кўрганимдан қўрқиб кетдим. Ҳозир эса, сени кўриб турганимча, ўғлим, каравотинг тепасида ҳорғин турар эканман, тушунаман,*

*сен ҳам кичкинтойсан-ку. Кечагина онанг қўлида эдинг, бошинг эса унинг елкасида эди. Мен сендан ҳаддан зиёд талаб этганман, сенга ҳаддан ортиқ талаб қўйганман».*

Шундай қилиб оилавий ҳаёт бахтини сақлай десангиз, учинчи қоидани эсланг:

***Асло танқид қила кўрманг.***

*Тўртинчи бўлим*

## БАРЧАНИ БАХТЛИ ҚИЛИШНИНГ ТЕЗКОР УСУЛИ

Лос-Анжелесдаги оилавий муносабатлар институти директори Пол Попеноу шундай деди: *«Кўпчилик эркаклар ўзига хотин танлар экан, ўзларига рўзғорни эплайдиган жувонни эмас, балки мафтункор, ўзига бино қўйиш билан овунишни, ўзининг калондимоғлиги билан маҳлиё бўлганни ахтаришарди. Шунинг учун бир куни идора бошлиғи бўлмиш аёлни нонуштага таклиф қилишади. Бу жувон ўзининг йўлдошига ҳали хотирасининг бир чеккасида қолган «замонавий фалсафада асосий оқимлар» ҳақидаги маърузаларнинг парчаларини тақдим этади, шунингдек, ўз-ўзига пул тўлашни ҳам талаб қилиб, туриб олади. Натижада бу аёлнинг эртаси куни ёлғизликда нонушта қилишига тўғри келади.*

*Бунга қарама-қарши равишда олий маълумоти бўлмаган машинистка нонуштага таклиф қилинар экан, ўзининг йўлдоши юрагига ўт ёқадиган нигоҳ ташлайди ва хумор бўлиб, шундай дейди: «Энди эса менга яна ўзингиз ҳақингизда нимадир ҳикоя қилиб беринг». Бунинг натижаси қандай бўлади? Йигит дўстларига: «у ҳаддан зиёд чиройли эмас, аммо мен бундай ажойиб ҳамсуҳбатни учратганим эмас», дейдиган бўлади.*

*Эркаклар хотинларга уларнинг башанг кўринишлари, чиройли кийинишларини юқори баҳолашларини кўрсата олишлари керак. Барча эркаклар аёлларни кийим-кечак қанчалик қизиқтиришларини бутунлай унутишади ва бу соҳада ўзларига ҳисоб бериб ўтиришмайди. Масалан, эркак ва аёл, яъни эру хотин кўчада бошқа эркак ва аёлни учратиб қолишса,*

*аёл эркакка деярли эътибор бермайди, одатда улар аёл қандай кийинганига қарамайдилар.*

*Менинг бувим бир неча йил муқаддам 98 ёшида вафот этди. Ўлимидан сал олдин биз унга ярим асрдан сал кўпроқ вақт аввал олинган фотосуратини кўрсатдик. Бувимнинг хиралашган кўзлари расмга деярли ўтмади, аммо берган ягона саволи шундай эди: «Мен қандай кўйлак кийган эканман?» Ана, холос! Тўшакка ётиб қолган, ўлим остонасидаги қариб-қартайган, деярли бир асрга яқин яшаган, хотираси деярли ўчиб кетаёзган аёл, ҳатто ўзининг қизларини танимайдиган даражада ётган бўлса-да, шунча вақт ўтишига қарамай, қандай кўйлак кийганига қизиқиб ўтирса! Мен бувим ушбу саволни берганида, каравоти ёнида турар эдим. Бу аҳвол менда ўчмас таассурот қолдирди.*

*Ушбу сатрларни ўқиётган эркаклар бундан беш йил муқаддам қандай костюм ёки кўйлак кийганларини мутлақо эслай олмайдилар, буни эслаб ўтиришга тирноқча қизиқмайдилар ҳам. Аммо хотинлар бундай эмас ва, биз, эркаклар, шуни англашимиз керак. Жамиятнинг олий табақасига мансуб болалар бир рақс кечасида бир неча бор хонимларнинг кўйлак ҳамда шляпаларига қойил қолганликларини айтиш билан асло чарчамайди. Эллик миллиондан ортиқ французлар эса хато қилиши асло мумкин эмас!*

*Менинг газета қирқимлари орасида бир воқеани ҳикоя қилувчи парча бор, биламан, у кўпам арзимайди. Шунга қарамай, бир ҳақиқатни аён кўрсатади, шунинг учун уни такрорлайман.*

*Унда айтилишича, бир деҳқон аёл оғир меҳнатдан сўнг ўзининг эри олдига катта боғлам пичанни қўяди. У ақлдан озганинг йўқми, деб аччиқланиб сўраганида, у шундай деб жавоб берди: «Бунга эътибор бериб ўтиришингизни мен қаердан билай? Мен сиз учун йигирма йилдан бери овқат тайёрлайман, аммо бирор марта бир оғиз сўз айтиб, пичан емаётганингизни билдирганингиз йўқ!»*

*Москва ва Петербургнинг ҳаддан ошган оқсуяк аслзодалари жуда шинам йўсинга эга эдилар. Чор Россиясида жамиятнинг юқори табақаси орасида ажойиб тушликдан сўнг ошхонадан ошпазни чақириб келиб, уни мазали овқат тайёрлагани учун табриклаш одати бор эди.*

*Нима учун сиз ўзингизнинг хотинингизга шундай эътиборни лозим кўрмайсиз? Келгуси сафар у ширин қилиб жўжа қовурса, ана шу гапни унга албатта айтинг. Пичан емаётганингизни унга яхшилаб тушунтириб қўйинг, уни қадрлашингизни билдиринг. Ёки техаслик Гвинан айтганидек, «кичкина қизчага гулдурос қарсаклар ёғдиринг».*

*Сиз шуни амалга оширмоқчи бўлсангиз, бу сиз учун қанчалик бахт-иқбол келтиришини унга тушунтиришдан асло ҳайиқманг. Дизраэли Англия сазовор бўлган буюк давлат арбоби эди, шу билан бирга у «хотини олдида қанчалик қарздор эканлигини» билдиришдан асло уялган эмас».*

Яқин кунларда бир журнални кўздан кечира туриб, Эдди Кантор билан ўтказилган интервьюга дуч келдим:

*«Мен дунёда бир инсон — ўзимнинг хотиним олдида бурчлиман,* — дейди Эдди Кантор. — *Кичкиналигимда у менинг энг яхши дўстим эди; у тўғри йўлга тушиб олишимга ёрдам берди. Биз турмуш қурганимиздан кейин у ҳар бир долларни иқтисод қилар ва уни яна ишга тикарди. У менинг бойлигимни тўплашга ҳаракат қилди. Бешта ҳавас қилгудай фарзандимиз бор. Ва у менга доимо уйда шинам шароит яратиб беришга уринади. Борди-ю, мен ким бўлган бўлсам, бари у туфайли юзага келган».*

Ҳолливудда никоҳланиш таваккалига кўчган бўлиб, унга, ҳатто Ллойднинг суғурта жамияти ҳам қўлини чўзмаган бўларди; шунга қарамай, у ерда эру хотин Бакстерлар оиласи энг бахтли никоҳ сирасига киради. Ўтмишда Уинифред Брайсон деб товланиб турган артистлик мавқеидан бутунлай воз кечди. Шу билан бирга бу қурбон бериш унинг оилавий бахтини хиралаштириб қўймаслик учун тиним билмай ғамхўрлик қилди. *«У саҳнадаги муваффақиятлари учун сазовор бўладиган гулдурос қарсаклардан маҳрум бўлди, аммо менинг қарсакларимга ишониши учун мен зўр бериб уриндим,* — дейди Уорнер Бакстер. — *Агар эркак ўзининг аёлидан бахт топишга муяссар бўладиган бўлса, бу бахтли эътироф этилиш ҳамда муҳаббат туйғуси туфайли топиши керак. Бу эътироф ва муҳаббат ҳақиқий бўлса, улар аёлнинг бахти гарови бўлиб хизмат қилади».*

Худди шундай.

Шунинг учун агар сиз ўзингизнинг оилавий ҳаётингизни сақлаб қолишни истасангиз, тўртинчи, энг муҳим қоидага риоя қилинг:

***Бир-бирингизга чин юракдан ўзингизнинг миннатдорчилигингизни билдириб туринг.***

*Бешинчи бўлим*

## БУ АЁЛЛАР УЧУН ЖУДА КЎП НАРСАНИ АНГЛАТАДИ

Хотирлаш кунларидан бошқа кунларда гуллар муҳаббат рамзи ҳисобланади. Улар айниқса, мавсумда арзон туради, баъзан кўча бурчакларида ҳам сотишади. Аммо эркаклардан қанчаси уйга сариқ наргис гулдастасини келтиришини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни худди орхидея каби қимматдейиш мумкин, шунингдек, уларни булутлар билан бурканган Альп чўққиларида ўсадиган эдельвейслар каби жуда қийин қўлга киритиш мумкин.

Унга озгина гул келтириш учун хотинингизни шифохонага ётишини кутишингиз керакми? Нега эртага кечқурун унга бир неча атиргул олиб келолмас экансиз. Сиз тажриба ўтказишни ёқтирасиз. Шуни бажаришга бир уриниб кўринг, нималар рўй беришини кейин кўрасиз.

Бродвейда жуда банд бўлишига қарамасдан Жорж М.Коэн одатда ҳар куни икки марта онасига қўнғироқ қилар, бу онанинг ўлимигача давом этган эди. Сиз ҳар сафар қўнғироқ қилганида, онаси учун жуда муҳим янгилик бор эди, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, унча катта бўлмаган эътиборга молик бу белгилар инсонга сиз ҳақиқатан ҳам уни яхши кўришингизни, уни ўйлашингизни ҳамда унинг учун ёқимли нимадир қилмоқчи эканлигингизни ва унинг бахт-саодати ҳамда роҳат-фароғати кўнглингизга жуда азиз ва яқин эканлигини англатади.

Аёллар саналарга, яъни туғилган кунлар ва турли йилларни қутлашни ниҳоят яхши кўришади, нима учун айнан шундай, бу ҳамиша аёлларнинг махфий сирларидан бири бўлиб қолади. Ўртача одам кўпгина саналарни эсламай, бутун умр яшаши мумкин, аммо айримлари қуйидаги са-

наларни албатта билмоғи керак: 1492 ва 1776 (1492- йилда Христофор Колумб томонидан Американинг кашф этилиши ва 1776 йилда Мустақиллик декларациясининг эълон қилиниши) ва хотинининг туғилган йили, туйлари бўлиб ўтган йили. Ҳар эҳтимолга кўра, у олдинги икки санани нишонламай ўтиши мумкин, аммо кейингиларидан шунчаки ўтиб кета олмайди!

Қирқ минг оилавий жанжални кўриб чиққан, икки минг эру хотинни яраштирган Чикаго судьяси Дожозеф Саббат шундай дейди: *«Кўп ҳолларда оилавий келишмовчиликлар негизида арзимайдиган нарсалар ётади. Масалан, эри ишга кетаётганида, қўлини силкитиб хайрлашиш одати қанчадан-қанча ажралиб кетишга сабабчи бўлган»*.

Роберт Браунинг ва Элизабет Баррет Браунинг ўртасидаги биргаликдаги турмуш бизга маълум бўлган энг ибратли муносабат эдики, у меҳр-муҳаббатни ардоқлаш учун унча катта бўлмаган совға-салом ва эътибор жалб этиш учун ҳамиша вақт топар эди. У ўзининг бемор хотинига шунчалик ғамхўрлик кўрсатган эдики, бундан мутаассир бўлган хотини бир куни сингилларига: *«Мен энди табиий равишда мабодо фаришта эмасмиканман, деб ўйлаб қолдим»*, деб ёзган эди.

Кўпгина эркаклар унча катта бўлмаган ҳар кунги ана шу эътиборга молик белгиларни мутлақо етарли даражада баҳолашмайди. «Пикториэл ревью» номли журналда босилган бир мақолада Гейнор Мэддокс шундай деб ёзган эди: *«Америкача оила бир неча янги дардга муҳтож бўлиб қолган. Масалан, эрталаб тушакда нонушта қилиш ана шундай заифликлардан бири бўлиб, аёл зиммасига жуда кўп нарсани юклаши керак. Аёл учун тушакдаги нонушта, бу — эркак учун хусусий клубнинг айнан ўзгинасидир»*.

Охир-оқибатда бу қатор ранж-аламдан иборат эпизодлар эмас, албатта. Энг аламли томони шундаки, кўпгина жуфтликлар бу вазият билан ҳисоблашишмайди. Эдна Сент-Винсент Миллей бу фикрни лўнда қилиб, ўзининг шеърларидан бирида ифодалаган эди:

*Кунларим пурғамдир, кетди муҳаббатим ҳам,*
*Кундан-кун кам-камдан, у топди барҳа.*

Бу мисраларни эсда сақлаш жуда зарурдир. Ринода судлар ҳафтанинг олти кунида ҳам никоҳларни бекор қилишади. Яъни ҳар ўнта никоҳдан биттаси бекор қилинади. Бу никоҳлардан қанчаси, сизнингча, ҳақиқий фожиага учраган? Жавобгарликни зиммамга олиб айтаманки, фавқулодда жуда кам. Агар сиз ўша ерда ҳар куни иштирок этишингизга тўғри келса, бу шўрлик бадбахт эркак ва аёлларнинг кўрсатмаларини тинглаб турсангиз, уларнинг муҳаббати кундан-кунга барҳам топганини тушунар эдингиз.

Энди қаламтарошингизни келтиринг-у, навбатдаги иқтибосни кесиб олинг. Уни шляпангизнинг ички томонига ёки ойнага ёпиштириб қўйинг. Ҳар куни эрталаб соқол олаётганда, кўрасиз:

*«Бу йўлдан мен фақат бир марта ўтаман. Шундай экан, мен ҳозирдан бирор хайрли иш қиламан ёки қандайдир инсоний тирик жон учун хайр-саховат кўрсатаман. Майли, мен бундай фурсатни қолдирмайин ва уни бажармасдан қолдирмайин, илло, бу йўлдан ҳеч қачон яна асло ўтмайман».*

Шундай қилиб, агар сиз ўз оилавий бахтли ҳаётингизни сақламоқчи бўлсангиз, бешинчи қоидага риоя қилинг:

***Бир-бирингизга иложи борича мўъжазгина эътибор-га молик белгилар кўрсатинг.***

*Олтинчи бўлим*

## АГАР БАХТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, МАЗКУР ҚОИДАНИ ДИҚҚАТДАН СОҚИТ ҚИЛМАНГ

Уолтер Дамрош Американинг машҳур нотиқларидан бири, ўз вақтида президентликка номзоди кўрсатилган Жеймс Ж.Блейннинг қизига уйланган эди. Шундан сўнг улар бир неча йил муқаддам Шотландияда Эндрю Карнеги билан учрашишди. Дамрош шахсий ҳаётидан ниҳоятда бахтиёр эди.

Бунинг сири нимада?

*«Умр йўлдошимга эҳтиёткорлик билан бир қаторда,* — дейди Дамрош хоним, — *тўйдан кейинги ўзаро назокатли*

*муносабатни ўртага қўяман. Агар ёш келинлар ўз эрларига худди бошқалар билан муносабатда бўлганларидек хушмуомала бўлишганида турмуш бошқача кечарди! Ҳар қандай эркак уришқоқ хотиндан безор бўлиб қочади».*

Қўполлик ҳам худди рак шиши каби меҳр-муҳаббатни кемириб кетаверади. Ҳар биримиз жуда яхши биламизки, биз ўз яқин кишиларимизга нисбатан бегона кишиларга хушмуомала муносабатда бўламиз.

Биз ёт кишининг гапини шартта кесиб, *«Ё худоё, яна ўша эски гапни ҳикоя қилмоқчи бўляпсанми?»* деб қичқиришни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Яқин дўстларимизга келган почтани уларнинг рухсатисиз очмаймиз ёки шахсий сирларига бурнимизни суқишни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Фақат оиламиз аъзолари, яъни бизга энг яқин ва қадрдон одамларнигина арзимас сабаблар учун ҳақорат қилишга ҳаддимиз сиғади.

Яна Дороти Диксдан иқтибос келтираман: *«Жуда қизиқ, аммо шуниси, ҳақиқатан ҳам бизга ёқимсиз, ҳақоратли, юрагимизни парчалайдиган нарсалар оиладагилар томонидан содир этилади».*

Ҳенри Клей Ризнер: *«Хушмуомалалик қалбнинг шундай бир фазилатики, унда бузилган кичкина омборча эътиборга олиниб, диққат қаратилмайди, балки омборча ташқарисидаги ҳовли гулларига эътибор берилади»*, деб таъкидлаган эди.

Хушмуомалалик машина моторига мойлаш қанчалик зарур бўлса, никоҳга ҳам шу даражада жуда керакдир.

Китобхонга «эрталабки нонушта учун якка ҳоким» тимсолини яратиши билан ёқиб қолган адиб Оливер Уэнделл Холмс ким бўлса бўлгандир-у, аммо у ўзининг уйида мутлақ ҳоким эмасди. У шунчалик сермулоҳаза ва ўзини қўлга оладиган киши бўлган эдики, ноҳуш ва оғир ҳолатга тушишга тўғри келса, ўз дилгирлигини оиланинг бошқа аъзоларидан яширишга уринар эди. Менинг ўзимга-ку, бу ҳолатнинг ўзи оғир бўлиб турибди, бошқаларни ҳам ундан қийналишига мажбур этишнинг нима кераги бор, деб айтарди Холмс.

Оливер Уэнделл Холмс худди шундай тутар эди ўзини. Оддий одамлар тўғрисида шундай деб бўлармикан? Хизмат жойида аҳвол ёмон, у битимни барбод қилди ёки бошлиқ-

дан ҳайфсан олди, дейлик. Унинг боши қақшаб оғрийди ёки, айтайлик 17 дан 15 дақиқа ўтганда жўнайдиган поездга кечикди. У бунга чидай олмай, аламини оиладагилардан олди.

Голландияда уйга киришдан аввал пойафзални остонада қолдиришади. Қасам ичиб айтаманки, биз голландияликлардан ўрганиб, уйга киришдан олдин ишга тааллуқли барча машмашаларни улоқтириб юборишимиз керак.

Уильям Жеймс бир пайтлар эссе ёзиб, уни «Инсоний сўқирликнинг айрим тури тўғрисида» деб номлаган эди. Сиз уни кутубхонага алоҳида кириб, ўқиб чиқсангиз, кифоя. Жеймс шундай деб ёзади: *«Мазкур рисолада инсоний сўқирлик тўғрисида гап боради. Бу сўқирлик тирик мавжудотлардан бизнинг ўзимизни ажратиб турадиган ҳис-туйғулардан иборат бўлиб, ундан барчамиз шикаст топганмиз».*

*«Сўқирлик, биз ундан шикастланганмиз».* Кўпчилигимиз мижоз ёки ишга алоқадор шериклар билан кескин гаплашганимизда, уйга келиб хотинга ўшқирмасдан қолмаймиз. Гап шундаки, ишдаги муносабатлардан кўра, оилавий шахсий ҳаёт бир неча бор муҳим ва заруратдир.

Оилавий ҳаётда бахтли бўлган киши ёлғизликда яшаган даҳодан афзал. Буюк рус ёзувчиси Тургенев бутун бошли цивилизацияли дунёга машҳур бўлган, эътироф этилган. Бу адиб ёнида бир аёл бўлиб, уни тушликка кечикмасин деб безовталанганида, ўзининг барча қобилияти ва ёзган китобларидан воз кечишга шу заҳоти тайёр эди.

Қандай имкониятлар никоҳни бахт-саодатга буркайди? Юқорида қайд қилганимиздек, Дороти Дикс, деярли бутун никоҳларнинг ярмидан кўпи муваффақиятсиз деб ҳисобласа, доктор Пол Попеноу бошқача деб ўйлайди. У шундай деган эди: *«Инсон бирор корхонада бир ишни қўлга олганга нисбатан никоҳда муваффақиятга эришиш учун энг яхши имкониятларга эга бўлади. Баққоллик дўконларида савдо билан машғул бўлган дўкондорларнинг етмишдан ортиқ фоизи муваффақиятсизликка учрайди. Эркак ва аёлларнинг никоҳга кирган етмиш фоизи эса муваффақият қозонади».*

Дороти Дикс буларнинг барини қуйидагича қисқа хулосалайди:

*«Никоҳ билан таққослаганда, — деб таъкидлайди у, — туғилиш бизнинг ҳаётимизда бир лавҳани ташкил этса, ўлим муқаррар ҳодиса ҳисобланади.*

*Бирорта аёл, эрим ишхонасидаги иши ёки ўзининг касбий муваффақиятини таъминлаш учун қўллаган тадбирларини оилавий ҳаётни мустаҳкамлаш учун нега татбиқ этмайди, деб бош қотириб ўтирмайди.*

*Шу билан бирга оиласида тинч-тотув яшаётган аёл ва хотиржам оилавий ҳаёт инсон учун миллион доллардан афзалдир, юз эркакдан бирортаси ҳам ўзининг оиласида қандай қилиб муваффақиятни танлаш керак, деб муҳим ҳисобланган ана шу нарсани ўз ҳолига ташлаб қўяди, шароит унга ютуқ келтирадими ёки ютқазадими, унга барибир. Аёллар эри нима учун унга эътибор бермай қўйганини асло тушунгиси келмайди, ахир бахмал қўлқоп билан муомала қилиш муштдан афзал-ку!*

*Ҳар бир эркак яхши биладики, у агар хотинига ширин сўз ёки эркалаш билан муомала қилса, эри нимани хоҳласа, шуни тайёрлашга ҳозиру нозир бўлади. У билади, хотинини мақтаб, шаънига бир неча арзимас ширин сўз ишлатиб, хушомадга яқин гап айтса, у яхши бека, унга катта ёрдам қилаётганини қистириб ўтса, хотинини ҳар бир центни иқтисод қилишга мажбур этади. Ҳар бир эркак яхши биладики, у хотинига, агар ўтган йилги кўйлагингни кийсанг, ҳаддан зиёд чиройли, бежирим бўласан, деса, у бу кўйлакни Парижнинг сўнгги урфдаги либосига жон-жон деб алмаштирган бўларди. Ҳар бир эркак яхши биладики, у хотинининг кўзидан бўса олса, у худди тунги кўршапалак каби доим кўзларини ёпиб туради ёки лабларидан иссиқ-иссиқ ўпса, у худди соқов балиқдай ҳамиша лабларини юмиб олади.*

*Ҳар бир аёл шуни яхши биладики, эри буларнинг барини хотини орқали олинган маълумотлар туфайли билган мақсадига эришиш учун нималар қилиши лозимлигини ўзи ўргатган. Аммо эри ундан қачон аччиқланиши, ғазаблани-шини билмайди, чунки ҳадемай у билан жанжаллашиб қолади, бунинг учун бемаза овқатни ейишга мажбур бўлади, сўнг ҳадемай хотин эрининг пулини совуришга киришади. Эр эса унга янги кўйлак олиб беради, ундан озгина фойдала-*

*ниш, у истагандай унга ёндашмоқ учун буларнинг барини адо этади».*

Шундай қилиб, агар сиз оилавий бахт-саодатингизни асрамоқчи бўлсангиз, олтинчи қоидага риоя қилинг:

***Сертакаллуф, сермулозамат бўлинг.***

*Еттинчи бўлим*

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАСИДА АСЛО НОДОН БЎЛМАНГ

Ижтимоий гигиена бюроси бош котиби доктор Кэтрин Бимент Дэвис ўз вақтида минг нафар турмушга чиққан хотиндан бир қатор интим саволларга очиқдан-очиқ жавоб беришни таъкидлади. Натижа ҳақиқатан ҳам ҳайрон қоларли даражада эди. У ўртача америкаликни жинсий муносабатдан қониқмаганлигидан шаҳодат бериб турарди. Мингта аёлдан олинган бу жавобларни диққат билан ўрганган Дэвис ўз фикрларини матбуотда эълон қилди ва АҚШдаги никоҳ бузилишларининг энг асосий сабабларидан бири эр-хотиннинг бир-бирига жисмоний нолойиқ эканлигида, деган фикрни билдирди.

Доктор Ж.В.Гамильтон томонидан ўтказилган текширувлар мазкур хулосанинг тўғрилигини тасдиқлади. Гамильтон юз нафар эркак ва юзта хотиннинг оилавий ҳаётини ўрганди. У бу эркак ва аёлларга алоҳида-алоҳида равишда уларнинг оилавий турмушига оид тахминан тўрт юзтадан саволлар берди. Сўнг мазкур муаммоларни улар билан шунчалик чуқур ўрганиб чиқдики, ушбу тадқиқот тўрт йил вақтни қамраб олди. Гамильтоннинг иши ижтимоий жиҳатдан жуда аҳамиятли бўлгани учун уни бир гуруҳ пешқадам саховатпеша кишилар молиявий жиҳатдан таъминладилар. Бу тадқиқот натижалари билан Ж.В.Гамильтон ва Кеннет Макгоуэннинг «Нега никоҳлар омадсиз бўлган?» номли китоби орқали танишиш мумкин.

Муваффақиятсизлик сабаби нимади? Гамильтон эътироф этишича: *«Ўта даражада ўзига ишонган ва бошқаларни*

*ишонтира оладиган психиатр тасдиқлаши ҳам мумкин: кўпгина оилавий жуфтликлар ўртасидаги келишмовчилик шаҳвоний носозлик натижасидан иборат эмас. Ҳар ҳолда бу низо бошқа қийинчиликлар туфайли келиб чиқади, агар улар шаҳвоний жиҳатдан қаноат ҳосил қилганларида ҳам уни баъзан назар-писанд қилишмайди».*

Лос-Анжелесдаги оилавий муносабатлар институти бошлиғи доктор Пол Попеноу мингта оиладаги муҳит билан танишиб чиқди. У оилавий ҳаёт масалалари соҳасида америкалик йирик мутахассис ҳисобланади. Доктор Попеноунинг фикрига кўра, никоҳларнинг бузилиши, одатда, тўртта сабаб оқибатида юзага келади ва у қуйидаги тартибга эга:

1. Шаҳвоний номувофиқлик.

2. Дам олиш вақтини ўтказиш хусусида турлича фикрларнинг юзага келиши каби ҳолатлар.

3. Молиявий қийинчиликлар.

4. Психик, жисмоний ва ҳиссий бузилишлар.

Эътибор беряпсизми, шаҳвоний масала биринчи ўринда турибди. Ажабланарлиси шуки, молиявий қийинчиликлар фақат учинчи ўринни эгаллаган.

Никоҳ масалалари билан машғул бўлган мутахассисларнинг фикрича, шаҳвоний жиҳатдан бир-бирига мос келиш никоҳ муваффақиятли бўлишининг зарурий шартидир. Масалан, бир неча йил муқаддам оилавий ички муносабатлар масалалари бўйича суд аъзоси Цинциннати Гофман мингта оилавий келишмовчиликни ўрганиб, шундай деган эди: *«Оилавий ажралишларда ўн ҳолатдан тўққизтаси шаҳвоний носозлик туфайли юзага келади».*

Машҳур психолог Жон Б.Уотсон шундай дейди: *«Инсон ҳаётида шаҳвоният, умум эътироф этганидек, энг муҳим ўрин тутади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, ана шу нарса эркак ва аёллар ўртасидаги оилавий бахтни емириб ташлашга кўпинча сабабчи бўлади».*

Менинг курсларимда иштирок этувчи кўпгина амалиётчи шифокорлар ҳам айнан шу фикрни тасдиқлашади. Энг қайғули томони шундаки, ҳозир — XX аср адоғи, XXI аср бошида, ихтиёримизда шунчалик керакли адабиётлар ва ўзимиз, етарли маълумотли кишилар бўла туриб, ана шу нодонлик туфайли энг асосий ва табиий инстинкт

оқибатида оилавий ҳаёт барбод бўлиб, никоҳлар бузилиб кетмоқда.

Оилавий ҳаёт масалалари бўйича маслаҳат хизматини бошқарган собиқ руҳоний Оливер М.Баттерфилд кўпгина ёш оилалар ўртасидаги никоҳ хусусида шундай деб ҳикоя қилади:

*«Менинг илгари руҳонийлик рутбасидаги тажрибам шуни кўрсатдики, кўпгина жуфтликлар ўзларининг романтик қарашлар ва эзгу фикр-ўйларига қарамай, биринчи кеча меҳроби ва оилавий муносабатлар масалаларида мутлақо саводсиздир».*

Оилавий муносабатлар масалаларида саводсиз!

Шундан сўнг у давом этади: *«Биз кўпинча оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ўрнига буни ҳодисалар оқимида ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Шунга қарамай, ажралишлар сони фақат ўн олти фоизни ташкил этгани кишини ажаблантиради. Кўпгина эркак ва аёллар ваҳимали тарзда жуда катта миқдорда никоҳсиз умр кечиришмоқда, уларнинг аксарияти эридан ёки хотинидан ажралмаган: улар ўзига хос равишда аросатдагилар ҳисобланади».*

*«Бахтли оилалар,* — дейди доктор Баттерфилд, — *фавқулодда тасодиф натижаси бўлади, аслида улар онгли ижод оқибатидир, шу билан бирга улар онгли ва ўйланган ҳолда режалаштирилади».*

Ёш кишиларга бунинг учун режалаштиришда ёрдам бериш мақсадида, доктор Баттерфилд фикрича, бир неча йил давомида у никоҳ деб атаган жуфтликлар келажакка мўлжалланган режаларини очиқдан-очиқ муҳокама этадилар. Ана шундай суҳбат натижасида у «юқори даражадаги томонлар» «эру хотинлар ўртасидаги масалаларда саводсиздир».

*«Нозик муносабатлар,* — дейди доктор Баттерфилд, — *эр-хотинликка қониқиш бағишловчи жуда кўп омиллардан бири ҳисобланади, агар улар тартибдан чиқиб кетса, ундан бошқа ҳеч нарса тартибга тушмайди».*

Уларнинг ўз ўрнида бўлишини таъминлаш учун нима қилиш керак? «*Юракни эзиб юборадиган даражадаги индамасликдан кўра* (доктор Баттерфилд фикрларини келтиряпман), *холис ва синчиклаб, икки томоннинг масалаларини оилавий ҳаёт ва унга нисбатан муносабатларни муҳокама этиш керак. Бун-*

*дай малакани эгаллашнинг энг яхши усули мазкур мавзуда ёзилган жиддий асарларни пухта ўрганиб чиқишдир».*

## Эркаклар учун саволлар

1. Сиз хотинингизни парвариш қилишни давом эттирасизми, унга вақт-вақти билан гуллар келтирасизми? Унинг туғилган йили ёдингиздами, туйингиз ўтган кун-чи? Сиз хотинингизга кутилмаган эътиборли аломатларни намоён этасизми, тўсатдан мулойим назокатли ҳаракат кўрсатасизми?

2. Уни бегона кишилар олдида мудом танқид қилишдан тийиласизми?

3. Уй-рўзғор ишларини олиб бориш учун мўлжалланган пуллардан берасизми ёки у ўз билганича сарфлай оладими?

4. Хотинингизнинг муайян вақтлардаги ўзига хос одатларини тушунишга интиласизми? У толиққан, асабийлашган ва аччиқланган пайтларда ёрдам бера оласизми?

5. Хотинингиз билан ҳеч бўлмаганда бўш вақтингизнинг ярмини ўтказасизми?

6. Хотинингизнинг таом тайёрлаши ва рўзғорни эплаб-сеплашини онангиз ёки қандайдир Билл Жонснинг хотини билан таққослашдан тийила оласизми, бундай солиштириш хотинингиз фойдасига ҳал этиладими?

7. Унинг ақлий ҳаёти, клуб, жамоатчилик жойлари, китобларга қизиқиши, нимани ўқиши, ижтимоий муаммоларга нисбатан қарашларига эътиборингиз қандай?

8. Сиз уни ўзгалар билан рақсга тушганда, бошқа эркаклар томонидан эътиборга молик ҳаракатлар содир этилганида, рашк қилмайсизми?

9. Хотинингизни мақтаб қўйиш ва унга таҳсин ўқиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланасизми?

10. Сизга кўрсатган кичкина хизмати учун миннатдорчилик билдирасизми? Масалан: тугмангизни қадагани, пайпоқни тўрлаб ямагани ва кийимларингизни тозалашга юборгани учун.

## Аёллар учун саволлар

1. Эрингизнинг хизмат вазифаларини адо этиши учун тўла шарт-шароит яратиб берасизми? Унинг ўртоқлари, котибани танлаши ва кун тартибини танқид қилишдан ўзингизни тиясизми?

2. Сизга боғлиқ бўлган барча ишини бажарасизми, уйингиз дилтортар ва қизиқарли бўлишига интиласизми?

3. Уйда ҳисириладиган овқатнинг хилма-хиллигини таъминлайсизми, токи дастурхон бошида ўтирган эрингиз нималигига қизиқиб, интиқ кутишини уюштира оласизми?

4. Эрингизнинг иши бўйича етарлича маълумотга эгамисиз? Унинг ишини бирга муҳокама этиб, унга маслаҳатлар бера оласизми?

5. Молиявий етишмовчиликларни мардларча, дадил тарзда бошингиздан ўтказа оласизми? Эрингизни хатолари учун бошқа муваффақиятга эришган кишиларни пеш қилиб, танқид қилмайсизми?

6. Унинг онаси ва бошқа қариндошларига муроса қилиб кетишингизга алоҳида эътибор қаратасизми?

7. Эрингизнинг дидига мос кийинасизми? Кийимларингиз ранги ва бичими унга маъқул келадими?

8. Фикрларингизда озгина тафовут рўй берса, келишувни сақлаб қолиш учун чекинишни афзал кўрасизми?

9. Эрингиз қизиқадиган ўйинларга сиз ҳам бўш вақтларни кўнгилли ўтказиш учун қўшилиб ўйнаш учун уни ўрганасизми?

10. Эрингизнинг сизга нисбатан интеллектуал қизиқишини сақлаш учун тегишли воқеалар, янги китоблар ва янги ғоялар билан танишиб борасизми?

«Оилавий ҳаётингизни бахтли қилиш»нинг еттинчи қоидаси шундай жаранглайди:

***Эр-хотинлик ҳаётига оид нозик муносабатлар тўғрисидаги яхшироқ китоб мутолаа қилинг.***

## Қисқа хулосалар

*Оилавий ҳаётингизни анчайин бахтли қилишга оид етти қоида*

*1-қоида:* Хархаша қилманг, айб топишга уринманг.

*2-қоида:* Ўз умр йўлдошингизни ўзгартирмасликка ҳаракат қилинг.

*3-қоида:* Асло танқид қила кўрманг.

*4-қоида:* Бир-биригизга чин юракдан ўзингизнинг миннатдорчилигингизни билдириб туринг.

*5-қоида:* Бир-биригизга иложи борича мўъжазгина эътиборга молик белгилар кўрсатинг.

*6-қоида:* Сертакаллуф, сермулозамат бўлинг.

*7-қоида: Эр-хотинлик ҳаётига оид нозик муносабатлар тўғрисидаги яхшироқ китоб мутолаа қилинг.*

# Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати

*Аксарият ҳолларда кўпчилигимиз иккиланамиз, фикр билдиришга ожизлик қиламиз. Бу эса ўзимизга нисбатан ишончсизликни намоён этади. Шунингдек, омма олдида ҳаяжон босиб, ўз нуқтаи назарини ифодалай олмайдиганлар бор. Уларда жўяли фикр, истиқболли таклифлар бўлса-да, одамлар ҳузурида баён этишга ожизлик қилишади. Дейл Карнеги ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлашнинг турли йўлларини очиб берган.*

*Биринчи бўлим*

# ЎЗИГА НИСБАТАН ДАДИЛЛИК ВА ИШОНЧНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

1912 йилда беш юз мингдан зиёд эркак ҳамда аёл нотиқлик санъати курсларининг тингловчилари бўлишган ва унда менинг усулим қўлланган эди. Уларнинг аксарияти нима сабабдан бу соҳани ўрганганлиги ва машғулотлар натижасида нималарга эришганлигини ёзма равишда баён этган эдилар. Албатта, ҳар бири ўз фикрини айтган, аммо аксарияти томонидан синалган асосий талаб ҳайратланарли даражада бир-бирига мос келади. *"Менга ўрнимдан туриш ва гапиришга тўғри келганда,* — деб ёзади тингловчиларимдан бири, — *ўзимни шунчалик сиқилган, шошиб қолгандай ҳис этаманки, мутлақо равшан фикр юритолмайман, ўзимни қўлга олишни эплай олмай, нима демоқчи бўлганим ҳам эсимдан чиқиб кетади. Мен кўпчилик ҳузурида чиқиб, ўзимга ишонч ҳосил қилган ҳолда хотиржам фикр юритишни жудаям истайман. Ўз фикрларимни мантиқий тарзда ифода этиш, гуруҳ ёки иш юритиш соҳасида ёки клубда очиқ ва ишонарли гапиришни ўрганишни жуда-жуда хоҳлардим".*

Минглаб мулоҳазаларнинг деярли барчаси ана шу тахлитда ёзилган.

Аниқ мисол келтираман. Бир неча йил муқаддам бир жаноб, уни мистер Д.У.Жент деб атай қолай, Филадельфияда менинг нотиқлик санъатига оид курсимга тингловчи бўлиб келган эди. Машғулотлар бошланганидан сўнг у мени дарҳол саноатчилар клубида бирга нонушта қилишга таклиф қилди. Жент ёш эмас, аммо қизғин турмуш тарзини бошидан кечирган, ўз корхонасини бошқара олган, диний жамоада пешқадам бўлган бу шахс ижтимоий фаолият билан ҳам шуғулланган эди. Биз столга ўтирганимизда, у мен томон бироз жилиб, шундай деди:

— Менга бир неча бор турли йиғилишларда чиқиб сўзлашни тавсия этишди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмадим.

Шунчалик ҳаяжонга тушаманки, калламда бирор нарса қолмагандай туюлади, шунинг учун умрим давомида доимо кўпчилик олдига чиқиб гапиришдан бош тортиб келаман. Энди эса, коллегиядаги васийлар кенгаши раиси вазифасига ўтганимдан кейин йиғилишларда раислик қилишга тўғри келади, ниманидир гапиришим шарт, албатта. Нима деб ўйлайсиз, мен шу ёшимда кўпчилик олдига чиқиб гапиришни ўргана оламанми?

— Албатта, ўргана оласиз, жаноб Жент! — деб жавоб бердим мен. — Бунга асло шак-шубҳа йўқ. Агар камининг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида машқ қилиб, уларга риоя этсангиз, аниқ биламан, албатта ўрганасиз.

Унинг менга ишонгиси келди, истиқбол унга ниҳоятда камалакдай ранг-баранг, ниҳоятда ҳаётбахш кўринди.

— Сиз фақат кўнглимни кўтариш учун шундай деяпсиз, шекилли, — ишончи сўниб сўзлади Жент. — Мени руҳлантиришга ҳаракат қиляпсиз, холос.

Ўқув курсини тугатганидан сўнг у билан бир муддат алоқамиз узилиб қолди. Кейин яна учрашиб қолдик ва ўша саноатчилар клубида бирга нонушта қилдик. Ўтган сафаргидек ўша бурчакдаги таниш столга ўтирдик. Мен унга суҳбатимизни эслатдим ва ҳақиқатан ҳам ниҳоят даражада кўтаринкиликка берилган эдимми, деб сўрадим. У чўнтагидан қизил муқовали ён дафтарчани чиқариб, омма олдида нутқ ирод этадиган вақтлар рўйхатини кўрсатди.

— Кўпчилик олдида сўзлаш лаёқати, бундан мен ҳис этадиган қониқиш, жамиятга қўшадиганим қўшимча фойда, бари-бари ҳаётимдаги энг қувончли ҳодисалар жумласига киради.

Бундан олдин Вашингтонда қуролсизланиш масаласига бағишланган муҳим конференция бўлиб ўтган эди. Унда Англия бош вазирининг сўзга чиқиши мўлжалланган маълум бўлгач, филадельфиялик баптистлар *(насроний динидаги мазҳаб тарафдорлари)* унга шошилинчнома жўнатиб, оммавий митингда сўзга чиқишини илтимос қилган эдилар. Бу митингни шаҳарда ўтказишга қарор қилинганди. Жаноб Жентнинг менга хабар беришича, шаҳардаги барча баптистлар шахсан ундан англиялик бош вазирга сўз беришини сўрашибди.

Бу ўша — бундан уч йил муқаддам мен билан айнан мана шу столда ўтириб, кўпчилик олдида сўзлашни қачондир мен ҳам ўрганармиканман, дея каминадан хомушгина сўраган ўша инсон эди!

Унинг жуда тезлик билан ўзлаштирган нотиқлик қобилияти одатдан ташқари ҳолат эдими? Деярли йўқ. Бундай мисоллар юзлаб топилади. Фақат биттасини келтираман. Бир неча йил муқаддам бруклинлик шифокор — уни доктор Кэртис деб атайлик — Флоридада, бейсбол жамоаси — «Гигантлар» машқ ўтказадиган майдон яқинида қиш мавсумини ўтказадиган бўлди. Бўлажак ашаддий бейсбол ишқибози сифатида у ўтказиладиган машқларни томоша қилиш учун борарди. Кэртис тезда гуруҳ билан дўстлашиб қолди, бейсболчилар шарафига уюштирилган зиёфатга уни ҳам таклиф этишди.

Зиёфатда қаҳва ва ёнғоқ тортилгач, айрим фахрий меҳмонлар «бир неча оғиз сўз айтиш»ни илтимос қилдилар. Шунда зиёфатни бошқараётган кишининг тўсатдан айтган гапи унинг бошига бир пақир совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди:

— Ҳозир бу ерда доктор Кэртис иштирок этмоқда. Мен ундан бейсболчилар соғлиғини муҳофаза этиш тўғрисида гапириб беришини илтимос қиламан.

Кэртис бунга тайёр эдими? Албатта, тайёр эди. Жуда катта тайёргарликка эга эди — у гигиенани ўрганган, даволовчи шифокор сифатида деярли 25 йил ишлаган эди. Ором курсида бемалол ўтириб, ёнидаги кишига бу мавзуда тонг отгунча сўзлаб бера оларди. Аммо ўрнидан туриб, кўпчилик орасида шу ҳақда гапириш бутунлай бошқа масала эди. Мазкур таклиф уни шу қадар карахт қилиб ташладики, юраги дукиллаб уриб кетди, тез-тез тўхтагандай туюлди. Кэртис умрида бирор марта одамлар ҳузурида сўзга чиқмаган, шунинг учун барча фикрлар калласидан бирдан учиб кетгандай бўлди.

Нима қилиш керак? Ўтирганлар чапак чалишди, ҳамма унга тикилди. У бош чайқади, аммо бу ҳаракати қарсаклар ва илтимослар сонини оширди, холос. "Доктор Кэртис! Гапиринг! Гапиринг!" деган сўзлар тобора баландроқ ва қатъий жаранглар эди.

Кэртиснинг руҳи бутунлай тушиб кетган эди. У ўнта сўз ҳам айта олмаслигига кўзи етди. Шунинг учун ўрнидан

турди, лом-лим демай, дўстларига орқасини ўгирганча, даҳшатли саросимага тушиб ва камситилган тарзда хонани тарк этди.

Ҳайрон қолишнинг асло ҳожати йўқ: у Бруклиндан қайтиб келган заҳоти дарров менинг нотиқлик санъати курсимга ёзилди. Яна бир бор қизариб-бўзаришни, тағин гунг-соқов бўлишни асло истамас эди.

У энди ўқувчига айланди. Бундай кишилардан, одатда, муаллим ниҳоятда завқ-шавқ туяди: у ишга фавқулодда жиддийлик билан киришди. Нотиқ бўлишни ўрганмоқчи бўлди ва бу қарори ниҳоятда қатъий эди. Сўзга чиқишга қунт билан тайёрланди, бутун куч-қувватини амалий ишларга сарфлади ва бироргаям машғулотни қолдирмай тўлиқ иштирок этди.

Натижа ҳам айнан бошқа ўқувчиларда бўлгани каби муваффақиятли бўлди: у жуда тез суръатда ютуқларни қўлга киритди, бундан ўзи ҳам ҳайратга тушар, ўзи орзу қилган ниятларини рўёбга чиқара бошлаганди. Бир неча машғулотдан сўнг ҳадиксираш камайди, ўзига нисбатан ишончи ортди. Икки ой ичида у гуруҳ орасида энг яхши нотиқ сифатида намоён бўлди. Тез орада сўзга чиқиш учун бошқа жойларга таклиф этадиган бўлишди — у бундай ҳолларнинг барини ниҳоятда яхши кўрар, тобора кўтарилиб бориш ёқар, шу туфайли орттирган янги дўстлари ва айнан шундай ҳурмат-иззатдан бағоят фахрланар эди.

Республикачилар партиясининг Нью-Йоркдаги сайловолди қўмитаси аъзоларидан бири доктор Кэртиснинг омма олдида чиқиш қилганини эшитиб, ўзининг партияси учун тарғибот ўтказиш мақсадида уни таклиф этди. Агар бу сиёсий арбоб бир йил муқаддам мазкур нотиқнинг хижолат ичида зиёфатдан уялиб чиқиб кетганини, тингловчилар қаршисида қўрққанидан тили қотиб, айланмай қолганини билганида борми, ҳайратдан лол бўлиб қоларди.

Ўзига нисбатан ишончни, дадиллик ҳамда омма олдида хотиржам, яққол гапириш қобилиятини ўзлаштириш кўпчилик одамлар ўйлаганидек, қийинчиликларнинг ўндан бирича ҳам бўлмайди. Бу алоҳида машҳур одамларда ғойибдан ато этилганидек истеъдод ҳам эмас. Голф ўйинини ўргангандек бир гап, холос. Ҳар бир одам ўзида яшириниб

ётган қобилият кўзини очиши мумкин, бунинг учун унда кучли хоҳиш-истак бўлса кифоя.

Сиз ўтирганда фикрлагандек, одамлар қаршисида тик туриб фикрлашдан тўхтаб қолишингизда, ҳатто тирноқча асос ҳам топилармикан? Биласизки, бундай асос йўқ, албатта. Моҳиятан олиб қараганда, бир гуруҳ одамларга мурожаат қилганингизда, сиз яхшироқ фикр юрита оласиз ҳам. Тингловчиларнинг иштироки ундовчи вазифани бажаради, у илҳом беради, мияни равшан, унумли ишлашга мажбур этади. Айнан ана шундай дамларда фикрлар, далиллар, ғоялар, ҳатто эсига келмаган бўлса-да, воиз Ҳенри Уорд Бичер айтганидек, *"қаердандир қанот қоқиб келади"*, уни тутиб олиб, баён қилсангиз кифоя. Сиз билан ҳам худди шундай бўлиши керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, агар қунт билан машқ қилсангиз, шундай бўлади ҳам.

Ҳар эҳтимолга қарши, шунга сидқидилдан амин бўлингки, иш ва амалиёт сизни тингловчилар қаршисида рўй берадиган қўрқувдан халос этиб, сизга ишонч ва ўзгармас мардонаворлик бағишлайди.

Рўй берган воқеа фақат қийинчиликдан иборат, дея асло ваҳимага тушманг. Вақти келиб, ўз авлодининг энг сўзамол вакиллари ҳам фаолиятларининг бошланиш даврида худди шундай ҳисобсиз қўрқув ва тортинчоқликни бошидан ўтказиб, қийналганлар.

Урушларда тобланган фахрий, сиёсий арбоб Уильям Женингс Брайан иқрор бўлишича, унинг биринчи марта сўзга чиқишида тизза пайлари дағ-дағ титраган экан.

Марк Твен илк бор маъруза ўқиш учун кафедрага кўтарилганида, ўзини гўё оғзига латта тиқилгандай ҳис этган, томир уриши эса гўё у кубок олиш учун мусобақага қатнашаётгандай урган экан.

Генерал Грант Виксбергни қўлга киритиб, ўша даврда талқин этилган буюк армиялардан бирини ғалаба билан таъминлаган эди. Шунга қарамай, кўпчилик олдида сўзга чиқмоқчи бўлса, ўзининг айтишига қараганда, унда динамик атаксияга ўхшаш алланима пайдо бўларди.

Францияда ўз даврининг энг машҳур сиёсий нотиғи Жан Жорес йиллаб депутатлар палатасида мажлис ўтказган, аммо бирор оғиз сўз сўзламаган, ниҳоят мардликни бўйнига олиб, ўзининг биринчи нутқини ирод этган эди.

*"Мен илк бор тингловчилар олдида чиқиш қилишга уринганимда,* — деб иқрор бўлган эди Ллойд Жорж, — *ишонинг, жуда мудҳиш аҳволда эдим. Бу лоф эмас, ростдан ҳам тилим танглайимга ёпишиб қолган, даставвал бирор сўзни ҳам айтолмаган эдим".*

Англиялик машҳур давлат арбоби Жон Брайт АҚШдаги фуқаролар уруши даврида Англияда юнионистлар томонида турган эди ва қулларнинг озод бўлиши тўғрисидаги биринчи нутқини мактаб ҳовлисида йиғилган деҳқонлар гуруҳи олдида ирод этган эди. У йўлда бора туриб, мағлубиятга учрашдан ваҳимага тушган ва шу қадар ҳаяжонланган эдики, агар ҳаяжони сезиларли даражада ошиб кетгудай бўлса, қарсак чалиб, илҳомлантиришни ёлвориб сўраганди.

Таниқли ирланд сиёсий арбоби Чарлз Стюарт Парнелл ўзининг омма олдидаги дастлабки маърузаларида, унинг укаси айтишига кўра, баъзан кучли ҳаяжондан қўлларини мушт қилиб, шунчалик сиқарканки, тирноқлари кафтига қонаттудай бўлиб кирар экан.

Дизраэли, қуйи палатада биринчи марта сўзга чиққандан кўра отлиқлар отрядини ҳужумга бошлаш менга енгилроқ кечади, дея иқрор бўлган эди. Унинг биринчи нутқи шармандаларча муваффақиятсизликка учраганди. Айнан шундай ҳодиса Шеридан билан ҳам рўй берган.

Шуниси борки, аксарият англиялик нотиқлар ишни муваффақиятсизлик билан бошлаган эдилар, ҳозир ҳам парламентда ёш йигитнинг нутқи муваффақият билан ўтса, уни яхшилик аломати эмас, деб ҳисоблашади. Шундай экан, асло умидсизликка тушманг!

Кўпгина нотиқларнинг фаолиятини кузата туриб, уларнинг шаклланишига маълум даражада кўмаклашган мазкур сатрлар муаллифи ўқувчилар даставвал айрим шошқалоқлик ва асабий ҳолатларга дуч келганида, ҳамиша хурсанд бўлган.

Омма олдида нутқ сўзлаш доимо масъулиятли иш ҳисобланган, ишга доир йиғилиш бўлса ҳам, унда ўнтагина эркак ва аёл иштирок этганида ҳам, қандайдир кескинлик, қандайдир руҳий зарба, қандайдир ҳаяжон билан боғлиқ ҳолда кечган. Нотиқ бамисоли тизгини тортилган наслдор арғумоқ каби доимо шай турмоғи керак. Ўлмас Цицерон

бундан икки минг йил муқаддам ҳар қандай ҳақиқий, яхши нутқ ҳаяжон билан йўғрилган бўлиши керак, деган эди.

Нотиқлар баъзан радио орқали чиқиш қилишганида, худди шу ҳис-туйғуларни бошдан кечирганлар. Бу ҳолат "микрофон касаллиги", деб юритилган. Чарли Чаплин радио орқали сўзламоқчи бўлса, унинг нутқи ҳамиша олдиндан тайёрлаб қуйилар эди. 1912 йилдаёқ у бутун мамлакат бўйлаб «Мюзик-холдаги оқшом» деб номланган водевиль *(бир-икки актли кичик комедия)* билан айланиб чиққан эди. Шунга қадар Англияда профессионал театрда хизмат қилганди.

Чаплин барибир деворига юмшоқ жиҳозлар қоқилган бинога кириб, микрофонни кўрганида, ошқозонида бўронли феврал кунларида Атлантикани кесиб ўтганида рўй берган айнан шундай ҳис-туйғулар пайдо бўларди.

Машҳур киноактёр ва режиссёр Жеймс Керквуд ҳам худди шу ҳолатларни бошидан кечирган. У театрда бош рольларда чиқар, аммо ўзи кўрмаган омма ҳузурида сўзлаганидан сўнг радиостудиядан чиқар экан, терлаб кетган пешанасини артар эди. *"Бродвейда премьера ўтказиш бунинг олдида ҳеч гап эмас"*, — дерди Керквуд иқрор бўлиб.

Айрим кишиларда сўзлаш тўғри келганида, аввалига ҳамиша саросимага тушишни ҳис этганлар, гапира бошлаганларидан сўнг бир неча сония ўтгач, бу ҳолат ўтиб кетган.

Ҳатто Линкольн ҳам сўзга чиқишдан олдин ниҳоятда ҳаяжонланган. *"Даставвал у унчалик чапдаст эмасди*, — деб гувоҳлик беради Линкольннинг адвокат шериги Герндон, — *унинг муҳитга мослашиши ниҳоятда оғир кечар эди. Бироз вақт тортинчоқлик ва ҳаяжон билан курашиб кўрар, бу эса унинг моҳир эмаслигини кучайтирарди, холос. Мен баъзан жаноб Линкольннинг шундай ҳолатга тушганига гувоҳ бўлар ва унга раҳмим келарди. Қачон сўзлай бошласа, овози кескин, қулоқни тешгудай ёқимсиз чиқарди. Кўриниши, ўзини тута билиши, бўй-басти, тунд, ориқ, ажинлар билан тўлиб-тошган сариққа мойил юзи, ғалати қомати, ишончсиз қадам ташлаши — барӣ-бари унга қисқа муддатда гўё қарши тургандай эди"*. Бир неча дақиқадан сўнг унга дадиллик, самимийлик, жўшқинлик, фикрни жамлаш гўё қайтиб келар ва унинг ҳақиқий нутқи бошланарди.

Сизда ҳам айнан шундай ҳолатлар рўй бериши мумкин. Сизнинг яхши нотиқ бўлиш йўлидаги интилишингиз тез ва муваффақиятли рўёбга чиқиши учун тўртта қоидага риоя этишингиз керак.

***Биринчиси:*** *Нутқингизни мақсадга эришмоқ учун кучли ва мустаҳкам сабабга эга бўлган ҳолда бошланг.*

Бу жуда катта аҳамиятга эга, сиз балки, буни тушуниб етарсиз. Агар муаллим сизнинг қалб ва юрагингизга назар ташлаб, бутун хатти-ҳаракатларингиз теранлигини аниқ билганида эди, ишонч билан яқин орада муваффақият қозонишингизни айта оларди. Борди-ю, интилишларингиз суст бўлса, муваффақиятларингиз ҳам айнан шу тарзда кечади. Агар мақсадга эришмоқ учун хатти-ҳаракатингиз кучли иштиёқ билан кечиб, мисоли мушукни қувлаган бульдог каби бўлса, сизни галактикамизда ҳеч нарса тўхтата олмайди.

Шунинг учун кучли кўтаринкилик билан мустақил билим олиш учун шуғулланмоқ даркор. Унинг фойдасини эслаб қолинг. Ўзига нисбатан ишонч ва омма ҳузурида янада ишончли тарзда сўзлаш қобилияти сиз учун қандай аҳамиятга эга бўлиши тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу доллар ва центларга айланиши мумкинлиги ва айланиши кераклиги ҳақида ўйланг. Бу жамоатчилик орасида қандай аҳамият касб этиш, қандай дўстлар орттиришингиз мумкинлигини ҳамда раҳбарларга хос амалларни қўлга киритишингиз, шунингдек, шахсий таъсирингиз ўса бориши учун қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу сизни ўзингиз орзу қилган бошқа фаолият турларидан фарқли ўлароқ мансаб пиллапоялари томон тезроқ олиб боради.

*"Инсон эгаллаши мумкин бўлган қобилиятлар ичида уни қисқа фурсатда мартабага эриштирувчи ва машҳур этувчи омил, бу чиройли сўзлашдан бошқа қобилият эмас"*, деган эди Чонси М.Депью.

Филипп Армор миллионларга эга бўлганидан сўнг: *"Мен таниқли капиталист бўлгандан кўра таниқли нотиқ бўлишни афзал кўрардим"*, деб айтган эди.

Бу — ютуқ, унга ҳар қандай маълумотли киши интилади. Америкалик машҳур миллиардер Эндрю Карнеги вафоти-

дан сўнг қоғозлари орасидан ҳаёти режасини топиб олишган, уни ўттиз уч ёшида тузган экан. Ўша пайтда у икки йилдан сўнг йиллик даромаддан эллик минг долларга эга бўламан, деб ҳисоблаб чиққан эди. Шу сабабли Эндрю Карнеги ўттиз беш ёшида ишдан узоқлашиб, Оксфорд университетига ўқишга киради, тизимли маълумот олади ва *"купчилик олдида сўзга чиқишга алоҳида эътибор беради"*.

Бу янги қобилият сизга қанчалик қониқиш, қанчалик қувонч бағишлашини бир ўйлаб кўринг. Мазкур сатрлар муаллифи ер шарининг кўпгина қисмини кезиб чиқди ва кенг ҳамда хилма-хил тажриба тўплади, у тингловчилар олдида сўзга чиқиб, одамларни ўзи ўйлагандек ўйлашга мойил этадиган, одамга қониқиш ҳиссини берувчи қоидаларни тилга олади. Бу ҳис-туйғу сизга куч-қувват, буюклик туйғусини беради, ўз ютуқларидан фахрланиш ҳиссини ҳосил қилади. Боз устига сиз одамларни яхши танийсиз, улардан ўзингизни юқорироқ деб ҳис этасиз. Бунда ўзига хос сеҳр бор, у ўзига тортиб, жалб этади. *"Мен сўзга чиқишдан икки дақиқа олдин*, — деб иқрор бўлган эди бир нотиқ, — *гапиришдан кўра ўзимни тезроқ ёқиб юборай дейман. Аммо нутқимни тугатишимдан икки дақиқа олдин индамай тургандан кўра ўзимни отиб юборишга тайёр бўламан"*.

Айрим кишилар қўшимча куч сарфлашганида, руҳи тушиб кетади ва ишни тугатмасдан ташлаб қўйишади. Шу сабабли доимий равишда бу санъат сизга нималар бериши мумкинлигини ўйлаб юринг; унга интилишингиз ниҳоятда қизғин, оппоқ оқаргунча қиздирилган пўлатдек бўлиши керак. Машғулотларга чанқоқлик билан киришингки, бу сизни зафарларга элтсин. Ҳафтанинг бир оқшомини бу китобни ўқиб чиқишга бағишланг. Қисқа қилиб айтганда, олдинга қараб қадам қўйишда ўзингизни ҳаддан зиёд даражада енгил ҳис этинг, ортга чекиниб, ўзингизни қийнанг.

Юлий Цезар Галлиядан Ла-Манш орқали йўлга чиққанида, ўз легионлари билан ҳозир Англия деб аталмиш мамлакатга тушиб қолган эди, шунда ўз аскарлари учун ғалабани таъминлашда қандай иш тутди? Жуда ақлли режа тузди: у ўз аскарларига Дуврнинг бўр осилиб турган қоятошларида тўхташни буюрди; улар денгиз сатҳидан икки юз

фут баландликдан пастга қараб, ҳозиргина сузиб келган барча кемаларини олов узун тиллари билан қандай ямлаётганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Улар душман мамлакатида турган эдилар, уларни қитъа билан боғловчи охирги алоқа ҳам йўқолди, чекинишнинг сўнгги воситаси ёқиб юборилди, ягона битта йўл қолди: ҳужум қилиш ва зафар қозониш. Улар айнан шундай қилдилар.

Ўлмас Цезарнинг жасорати ана шундоқ эди. Нима учун сиз худди шундай жасорат билан тингловчилар олдидаги бемаъни ваҳимани йўқотмоқ учун жангга киришмас экансиз?

***Иккинчиси:*** *Нима демоқчи эканингизни қатъий равишда аниқлаб олинг.*

Агар одам ўз нутқини барвақт ўйлаб нима демоқчилигини режалаштирмас экан, у тингловчилар олдида ўзини ишончли тута олмайди. У кўзи ожиз одамни етаклаб олган яна бир сўқирни эслатади. Бундай ҳолатда нотиқ хижолат бўлиши, ўзини айбдор ҳис қилиши, эҳтиётсизлиги туфайли уялиши керак.

*"Мен қонун чиқарувчи мажлисга ўз штатимдан 1881 йил ёзида сайланган эдим,* — деб ёзган эди "Таржимаи ҳоли"да Тедди Рузвельт. — *Маълум бўлишича, бу ташкилотнинг энг ёш аъзоси мен эканман. Ёш кишилар ҳамда тажрибасизларда бўлгани каби менда ҳам сўзлаш ҳаддан зиёд қийин кечди. Кекса, кўпни кўрган ҳамшаҳарим ҳерцог Веллингтоннинг сўзлари, яна нималарнидир айтиб, маслаҳат бергани менга катта фойда берди. Мана унинг маслаҳати: "Агар айтмоқчи бўлган сўзинг бўлса ва сен уни жуда яхши билсанг, ана шунда сўзга чиққин. Айтгин-у, ўтиргин".*

Бу "мўйсафид, кўпни кўрган ҳамшаҳар" Рузвельтга ҳаяжонни бартараф этувчи бошқа усулни ҳам тавсия этиши мумкин эди. У шундай деб қўшиши керак эди: *"Сен тингловчилар олдида ўзингни саросимага тушишдан осон халос этмоқ учун нимадир қилишинг, масалан, қўлингга нимanидир олишинг, доскага нимanидир ёзишинг, харитадан қандайдир нуқтани кўрсатишинг, столни суришинг, дера-*

*зани очиб, китоб ёки варақни бир жойдан олиб, иккинчи жойга қўйишинг мумкин эди. Маълум мақсадга қаратилган ҳар қандай жисмоний хатти-ҳаракат сенга ўзингни бемалол тутишингга ёрдам бериши мумкин".*

Тўғри, бундай хатти-ҳаракатга ҳамиша енгилгина баҳона тўғри келавермаслиги мумкин, аммо мана сизга маслаҳат. Иложини топсангиз, ундан фойдаланинг, аммо дастлаб бир неча марта фойдаланинг, холос; гўдак ҳам охири юришни ўргангач, стулга тармашмайди-ку!

***Учинчиси:*** *Ишончни намоён этинг.*

Америкалик машҳур руҳшунослардан бири, профессор Уильям Жеймс шундай деб ёзган эди: *"Маълум бўлишича, ҳаракат ҳис-туйғу туфайли рўй беради, аммо аслида ҳаракат ва ҳис-туйғу бир-бирига қўшилиб кетади: сўзсиз иродангинг назорати остида турган ҳаракатни бошқара туриб, биз ҳис-туйғуни бевосита бошқара бошлаймиз, у эса назорат остида бўлмайди.*

*Шундай қилиб, дадилликка эга бўлишнинг ажойиб, онгли йўли шуки, агар сизда тубдан дадиллик тугаган бўлса, шундай дадил ўтириш ва ҳаракат қилмоқ керакки, гўё сиз дадиллик билан тўлиб-тошгандай кўринг. Агар сизни шундай хулқ-атвор дадиллик билан таъминламаса, бошқа бирор нарса мазкур ҳолатда сизга ёрдам бера олмайди.*

*Ўзингизни довюрак ҳис этмоқ учун шундай ҳаракат қилингки, гўё ҳамма сизни дадил деб ҳисобласин. Бу мақсад йўлида бутун иродангизни ишга солинг, шунда қўрқув хуружи, эҳтимол, мардлик шижоати билан алмашинади".*

Профессор Жеймс маслаҳатидан фойдаланинг. Тингловчилар ҳузурида ўзингизни дадил сезмоқ учун ўзингизни шундай тутингки, гўё бу мардонаворликни аллақачон эгаллагансиз. Агар тайёргарлик кўрмаган бўлсангиз, ўз-ўзидан аёнки, сизга ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Аммо нима тўғрисида гапиришни жуда яхши билсангиз, қатъий равишда жойингизни эгаллаб, чуқур нафас олинг. Ўттиз сония давомида чуқур нафас олинг, тингловчилар қаршисида пайдо бўлишдан аввал. Кислороднинг кучли равишда қуйилиб келиши сизни руҳлантиради ва сизга дадиллик бағиш-

лайди. Машҳур тенор Жан де Решке айтгандики, агар сизда шундай нафас олиш хусусияти бўлса, унга «минишингиз» биланоқ ҳаяжонланиш ўз-ўзидан барҳам топади.

Ҳамма вақт, ҳамма мамлакатларда одамлар доимо мардлик билан фахрланишган. Шунинг учун юрагингиз қандай урмасин, дадиллик билан олдинда юриб, хотиржам туринг ва ўзингизни шундай тутингки, гўё бу сизга ёқимлидек туюлсин.

Қадди-қоматни текис тутинг, тингловчилар кўзига тик қаранг ва гўё улар сиздан қарздордай, ишонч билан бемалол сўзланг. Ҳақиқатан ҳам, айнан шундай тасаввур қилинг. Гўё улар сиздан қарз муддатини чўзишни сўраш учун тўпланишган, деб тасаввур этинг. Бу сизда руҳий таъсир уйғотиш каби ижобий ҳолатни таъминлайди.

Асабий хатти-ҳаракатлар билан костюмингиз тугмаларини ўтказиш ва ечиш, қўлдан-қўлга мунчоқларни олиш ёки шошма-шошарлик ҳаракатларининг асло ҳожати йўқ. Агар асабий хатти-ҳаракатлардан ўзингизни тия олмасангиз, қўлингизни белингизга тутиб, бармоқларингизни ҳаракатга келтиринг, уни ҳеч ким кўрмасин ёки оёқ бармоқларини ўйнаб туринг.

Одатда нотиқнинг мебель ортида беркиниши маъқул эмас, аммо дастлабки чиқиш пайтларида сиз стол ва стул ортида турсангиз-у, уларни маҳкам сиқиб ушлагандан кўра, яхшиси, қўлингизда тангани маҳкам сиқсангиз, бу сизга озгина дадиллик бахш этади.

Тедди Рузвельт ўзига хос дадиллик ва ўзини тута билишни қандай ишлаб чиққан эди? Унга табиатан дадиллик ва жасурлик мавжуд эдими? Мутлақо йўқ. *"Мен болалигимда шунчалик касалманд ва нимжон эдимки, асти қўяверасиз,* — деб тан олади у ўзининг "Таржимаи ҳоли"да, — *ўсмирлик чоғида эса даставвал асабий бўлиб, ўзимнинг мардлигимга асло ишонмасдим. Менга фақат танани эмас, шу билан бирга қалб ва руҳни қунт ва машаққат билан машқ қилдиришга тўғри келган эди".*

Бахтимизга Рузвельт бу ўзгаришга қандай эришганини ҳам ҳикоя қилиб берган. *"Болалигимда Марриэт китобидаги битта лавҳа ниҳоятда кучли таассурот қолдирган. Унда унча катта бўлмаган ҳарбий кема капитани қандай қилиб*

*жасур бўлиш тўғрисида қаҳрамонга тушунча беради. Капитаннинг айтишига кўра, даставвал ҳар қандай киши жангга киришдан олдин қўрқувни бошидан кечиради, аммо ўзини шундай тутиб, ҳаракат қилиш керакки, гўё ҳеч нарсадан қўрқмагандай кўринсин. Бироз вақт ўтиб, мақсадга эришилгандан кейин одам ҳақиқатан ҳам ўзини ботир, мардларча тутгани учун қўрқмас бўлиб қолади (мен бу гапларни Марриэт каби эмас, ўз сўзларим билан ҳикоя қилиб бераман).*

*Камина мазкур назарияга амал қилишга аҳд қилдим. Даставвал, бир қатор нарсалардан — айиқнинг ғажиб ташлашидан тортиб, асов отлару каллакесарларгача ниҳоятда қўрқар эдим. Аммо ўзимни шундай тутардимки, гўё мен қўрқишни хаёлимга келтирмасдим. Аста-секин ҳақиқатан ҳам қўрқмайдиган бўлдим. Кўпгина кишилар ўз хоҳишига кўра айнан шундай қилиши мумкин".*

Агар сиз истасангиз, буни амалга ошира оласиз. *"Урушда,* — деган эди маршал Фош, — *мудофаанинг энг муҳим усули ҳужум қилишдир".* Шунинг учун қўрқувингизга қарши ҳужумга ўтинг! Унга қарши боринг, у билан уруш бошланг, ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, уни мардларча енгиб, яксон қилинг!

Тасаввур қилинг, сиз — хабарчи, қандайдир хабарномани топширмоқчисиз. Хабарчига эътибор бериб ўтирмаймиз, бизни шошилинчнома мазмуни қизиқтиради. Ҳамма нарса хабарнинг моҳиятида. Диққатингизни ана шунга жамлаб қаратинг. Уни юрагингизда сақланг. Мисоли беш бармоғингиздай билинг. Унга ишонинг. Шундан кейингина ишонч ва қатъият билан гапиринг. Шундай ҳаракат қилингки, битта имкониятга қарши ўнтаси ишга тушсин ва сиз дарҳол вазиятга хўжайин бўлиб оласиз ҳамда ўзингизни бемалол бошқара оласиз.

***Тўртинчиси:*** *Амалда қўлланг! Амалда қўлланг! Амалда қўлланг!*

Мазкур банд эслатмамизнинг охиргиси, сўзсиз, энг муҳими ҳисобланади, ҳатто сиз шу пайттача ўқиганларингизни унутиб юборсангиз ҳам, қуйидагилар ёдингизда турсин:

Биринчиси *(ана шунинг ўзи охиргиси)* — сўзга чиқишда ўзига нисбатан ишончни мустаҳкамлашнинг бехато усули,

бу — иложи борича кўпроқ гапиришдир. Аслида, буларнинг бари охир-оқибатда битта асосий ҳолатга олиб келади: амалда қўллаш лозим, амалда қўллаш, амалда қўллаш керак. Бу шундай зарурий шароитки, усиз ҳеч нарса амалга ошмайди.

*"Ҳар бир бошловчи, киши,* — деб огоҳлантиради Рузвельт, — *"оҳу иситмаси (титроғи)" хуружига рўбарў келиши мумкин. Бу шундай сўнгги асабий зўриқишки, унинг умумий қўрқоқликка сира алоқаси йўқ. У кўп сонли тингловчилар олдида биринчи марта сўзга чиққан кишида рўй беради ва мазкур ҳолат кийик овига биринчи борган ёки жангга илк маротаба иштирок этаётган кишининг аҳволини эслатади. Инсон жасурликка эмас, балки хотиржамлик ва совуққонликка зарурат сезади. Буни эса фақат доимий машқ туфайли қўлга киритиш мумкин. Бу ўз асабларини тўлиқ равишда эгаллашни ўрганиш, доимий равишда ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида рўй беради. Бу муайян даражада одатий иш, доимий равишда ирода кучини намоён этиш, доимий иштиёқ демакдир. Агар одамда яхши қобилият нишоналари бўлса, бу ирода кучининг ҳар бир намоён бўлиши туфайли у кучли ва янада кучлироқ бўла боради".*

Сиз тингловчилар олдидаги қўрқувдан халос бўлишни истайсизми? Келинг, у нимадан пайдо бўлишини кўриб чиқайлик.

*"Қўрқув билимсизлик ва ишончсизликдан пайдо бўлади"*, — деб ёзади профессор Робинсон ўзининг "Ақлнинг шаклланиши" номли китобида. Бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, қўрқув ўзига нисбатан ишончнинг камлиги оқибатида рўй беради.

Бу нимадан? У сиз бажаришингиз мумкин бўлган нарсани билмаслик натижасини ўз ичига олади. Бундай билмаслик эса ўз навбатида тажрибанинг етишмаслиги, деб аталади. Қачонки сизнинг елкангизда етарли тажриба юки ортилган экан, қўрқувларингиз ғойиб бўлади, улар мисоли июль қуёши нурлари остидаги тунги туманлар каби тарқаб кетади.

Бир нарса жуда зарур: сузишни ўрганиш учун сувга калла ташлаш керак. Бунга ҳамма рози. Сиз бу китобни кўп ўқидингиз. Энди нима сабабдан уни бир четга қўйиб, амалий ишга киришмаслигингиз керак?

Ўзингизга худди шундай биладиган битта мавзу олинг ва уч дақиқалик маъруза тайёрланг. Уни ёлғиз ҳолда бир неча марта машқ қилинг. Сўнг, агар иложи бўлса, мулжалланган одамлар ҳузурида ёки дўстларингиз олдида бутун кучингизни сарфлаган ҳолда сўзга чиқинг.

## Қисқа хулосалар

*1. Курснинг минглаб тингловчилари мазкур китоб муаллифига мактуб ёзиб, нима учун нотиқлик санъатини ўрганмоқчилиги ва қандай натижага эришмоқчи эканлигини баён этган эди. Уларнинг деярли барчасида битта асосий сабаб бор, у қуйидагича: бу инсонларнинг бари кўпчилик олдида саросимага тушмай, ўйлашни ўрганиш ва ҳар қандай тингловчилар ҳузурида ишонч билан ўзини эркин тутган ҳолда сўзлашни ўрганишни истайди.*

*2. Бундай қобилиятни эгаллаш кўпчилик учун асло қийин эмас. Бу алоҳида машҳур шахсларга ато этилганидек қобилият ҳам эмас. Покер ўйнаш малакасини ўзлаштиришдай гап: ҳар қандай эркак, исталган аёл, яъни ҳар қандай киши ўзидаги яширин қобилиятларни ривожлантириб, юзага чиқариши мумкин, бунинг учун уларда етарли даражада кучли хоҳиш-истак бўлса кифоя.*

*3. Кўпгина тажрибали нотиқлар алоҳида кишилар билан суҳбатлашганга нисбатан омма олдида, тингловчилар ҳузурида яхшироқ ўйлаб, яхшироқ сўзлайдилар. Кўп сонли тингловчилар уларга илҳом бағишлаш омили бўлиб хизмат қилади. Агар ушбу китобда келтирилган маслаҳатларга тўғри амал қилсангиз, вақти-соати келиб, сиз ҳам айнан шундай қобилиятга эга бўласиз ва бўлажак жамоадан иборат тингловчилар ҳузурида қониқиш билан ўйлай оласиз.*

*4. Менинг хатоим фақат ўзимга хос, деб асло ўйламанг. Аксарият машҳур нотиқлар фаолиятининг бошида уятчанликдан азият чекканлар ва кўпчилик олдида қўрқувдан карахт ҳолга тушганлар. Бундай ҳолат Брайан, Жан Жорес, Ллойд Жорж, Чарльз Стюарт Парнелл, Жон Брайт, Дизраэли, Шеридан ва бошқа-бошқа жуда кўпчилик билан рўй берган.*

*5. Сиз қачон сўзга чиқишингиздан қатъи назар, ҳамиша бу саросималикни нутқингиз бошида ҳис этасиз, гапира бошлаганингиздан сўнг бир неча сония ўтгач, у тўлиқ равишда ғойиб бўлади.*

*6. Бу китобдан кўпроқ наф олиш ва тезроқ натижага эришмоқ учун қуйидаги тўрт қоидага риоя қилмоқ керак:*

*а) Мақсадга эришиш учун дадил ва қатъий интилиш билан нутқни бошланг. Ўқитиш учун ўртага қўйилган барча хатти-ҳаракатлар туфайли вужудга келадиган манфаатлар ҳақида ўйланг. Ўзингизда кўтаринкиликни пайдо қилинг. Бу сизга молиявий ва ижтимоий муносабатларни таъминлаш ҳамда раҳбар лавозимларини эгаллашингизга нисбатан бўлган таъсирни оширишга хизмат қилиши мумкинлигини эсдан чиқарманг. Эсингизда бўлсин, сизнинг мақсад сари интилишга сарфлаган кучингиз муваффақиятларни қанчалик тез қўлга киритишингизга боғлиқ бўлади.*

*б) Сўзга чиқишга тайёрланинг. Сиз нима ҳақида гапирмоқчи бўлганингизни яхши билмасангиз, ўзингизни, албатта, қатъиятсиз ҳис этасиз.*

*в) Ўзингизга нисбатан ишонч, қатъиятликни намоён этинг. "Ўзингизни довюрак ҳис этмоқ учун, — деб тавсия қилади профессор Уильям Жеймс, — худди шундай ҳаракат қилинг. Ҳақиқатан ҳам ўзингизни дадилман деб ҳисобланг, шу мақсад йўлида бутун иродангизни ишга солинг ва қўрқув хуружи ҳам, эҳтимол, мардлик шижоати билан алмашинади". Тедди Рузвельтнинг иқрор бўлишича, у айнан ана шундай усул билан айиқни ғажиб ташлашдан тортиб, асов отлару каллакесарлардан қаттиқ қўрқувни енгишга муваффақ бўлган, сиз ҳам тингловчилар қаршисида рўй берадиган қўрқувингизни ана шу руҳий усул билан бартараф этишингиз мумкин.*

*г) Амалда қўлланг. Бу мақсадга эришишнинг энг муҳим йўли. Қўрқув ишончсизлик оқибати ҳисобланади, ишончсизлик эса сиз нимага қобилиятли бўлсангиз, ана шуни билмасликдан келиб чиқади, бу билмаслик эса тажрибанинг етишмаслигидан иборат. Шу сабабли ўзингизда муваффақиятли тажриба захирасини тайёрланг, ана шунда ваҳималарингиз ғойиб бўлади.*

*Иккинчи бўлим*

## ЎЗИГА НИСБАТАН ИШОНЧ ТАЙЁРГАРЛИК ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАДИ

1912 йилдан бошлаб ушбу китоб муаллифи учун бир йилда тахминан олти мингта нутқни эшитиш ва танқид қилиш касбий бурч ва шу билан бирга севимли машғулот бўлиб қолган эди. Ушбу маърузаларни коллеж талабалари эмас, балки ёши катта кишилар — ишбилармонлар ва мутахассислар сўзлаган эдилар. Йиғилган тажрибалар натижасида муаллиф қуйидагиларга узил-кесил ишонч ҳосил қилди: сўзга қатъий суратда олдиндан тайёргарлик кўрмоқ керак; нотиқ нима ҳақда гапиришини аниқ ва равшан тасаввур этсин. Бу унга кучли таассурот қолдиргандай, у ҳақда индамай туролмаслик ҳолатидай бўлмоғи лозим. Сизнинг иродангиз ақл билан, қалбингиз муҳим ғоялар билан тўлиб-тошган, ақл ва қалбингизга таъсир этишга жўшқин тарзда интилган нотиққа нега интилмас экан? Нотиқлик санъатининг ярим сири ана шунда.

Нотиқ қачон ана шундай ақлий ва ҳиссий ҳолатда бўлса, муҳим бир жиҳатни пайқаб қолади, у ҳам бўлса, сўзлари ўз-ўзидан қуйилиб келади. Унинг учун у омонат эмас ва унга ҳеч қандай машаққат туғдирмайди. Яхши тайёрланган нутқ ўнта сўзланган нутқнинг тўққизтаси ўрнини олади.

Биринчи бобда айтилганидек, аксарият кишилар учун ўзидаги ишончни, дадиллик ва ўзини тута билишни эгаллаш мақсадида бундай машқ, аввало, жуда зарур. Кўпчилик ўзининг нутқини тайёрлашга киришар экан, қалтис хатога йўл қўяди. Жангга нам тортган порох ва бўш патронлар билан ёки қуролсиз киргандек, ваҳима ва асабийликни шунчаки енгиб ўтишни мўлжаллаш мумкинми? Бундай вазиятларда улар ўзларини тўла-тўкис равишда тингловчилар олдида эркин ҳис эта олмасликларига ажабланмаса ҳам бўлади. *"Менинг ўйлашимча,* — деган эди Линкольн Оқ уйга келганидан сўнг, — *агар айтадиган сўзим бўлмай, хижолат тортмаганимда ҳеч қачон бунчалик қаримаган бўлар эдим"*.

Агар сиз ўзингизда ишонч ҳосил қилишни хоҳласангиз, бунинг учун зарур бўлган қоидаларни нима сабабдан амалга оширмас экансиз? *"Баркамол меҳр-муҳаббат*, — деган эди руҳоний Иоанн, — *қўрқувни қувади"*. Камолга етган тайёргарлик ҳам худди шу вазифани бажаради. Вебстер айтган эдики, у ёмон тайёргарлик кўриб, чала кийиниб тингловчилар ҳузурига ҳеч қачон чиқмаган.

Биз нима учун сўзга чиқишда қунт билан тайёргарлик кўрмаймиз? Нега? Айрим кишилар тайёргарлик кўришнинг ўзи нима, уни қандай қилиб онгли равишда ўтказиш кераклиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас; баъзилар вақт етмаслигини баҳона қиладилар. Шунинг учун мазкур бўлимда бу масалаларни батафсил кўриб чиқишга уриниб кўрамиз.

## Пухта тайёргарлик

Тайёргарликнинг ўзи нима? Китоб ўқишми? Бу тайёргарликнинг бир кўриниши, аммо яхшиси эмас. Ўқиш ёрдам бериши мумкин, аммо одам китобдан жуда кўп «бир қолип»даги фикрларни суғуриб, ўзиники қилиб олса, унинг нутқида нимадир етмайдиганга ўхшаб қолаверади. Тингловчилар айнан нима етишмаётганини тушунмасликлари мумкин, аммо улар нотиққа нисбатан совуқ муносабатда бўладилар.

Мисол келтираман. Бироз вақт олдин ушбу китоб муаллифи Нью-Йоркдаги шаҳар банкларининг олий даражадаги мансабдорлари гуруҳи билан нотиқлик санъати бўйича машғулот ўтказди. Ўз-ўзидан маълумки, бу гуруҳ аъзолари иш билан доимий банд одамлар бўлиб, улар тайёргарлик аталмиш машғулотга пухта ҳозирлик кўришни ва уни ўтказишни жуда қийин, деб ҳисоблайдилар. Бутун ҳаётлари давомида ўзларича ўйлаб, ўзларига хос шахсий эътиқодга эга бўлганлар, барча воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назаридан ёндашиб, шахсий тажриба тўплашган. Шу тариқа улар қирқ йил мобайнида масаланинг моҳиятига кўра сўзга чиқиш учун маълумот йиғишган. Шу билан бирга айримлари учун буни англаш ниҳоятда қийин эди. Улар дарахтлар ортидаги ўрмонни кўра олмасдилар.

Бу гуруҳда жума кунлари кеч соат бешдан еттига қадар машғулот ўтказиларди. Бир куни қайсидир жентльмен *(уни жаноб Жексон деб атай қоламиз)* банкда ишлар, ўша куни у Нью-Йорк чеккасида бўлиб, соат беш яримда сўзга чиқиши лозимлигини эслаб қолади, аммо маъруза мавзуси ҳали тайёр эмас. У ўз иродасидан чиқиб, газета дўконидан "Форбс мэгэзин" номли журнални сотиб олади-ю, метрога тушиб, машғулот ўтадиган федерал захира банки биносига бора-боргунча «Улгуриш учун ихтиёрингизда фақат ўн йил бор, холос» номли мақолани ўқийди. Азбаройи қизиққанидан эмас, балки сўзга чиққан пайтида ажратилган вақтни нима биландир тўлдириш мақсадида ўқиб чиқади.

Бир соатдан сўнг у ўрнидан туриб, мақола муаллифи илгари сурган мавзу бўйича ишонч билан қизиқарли тарзда сўз юритишга ҳаракат қилди.

Натижа қандай бўлди, қандай муқаррар натижа юзага келди?

Жаноб Жексон нима демоқчи эканлигини "пиширмади" ҳам, ўзлаштирмади ҳам. "Демоқчи эди" каби деган сўзлар масаланинг моҳиятини аниқ ифодалайди. У фақат ҳаракат қилди, холос. Жаноб Жексонда вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини англатувчи фикрлар йўқ эди. Ўзини тутиши, товуш оҳанги бундан гувоҳлик бериб турарди. Жаноб Жексоннинг ўзида илиқ таассурот қолдирмаган мақола тингловчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкинмиди? У бутун вақт давомида фақат мақолага таяниб, муаллиф ундай, бундай демоқчи эканлигини айтаверди, холос. Мазкур нуқтда жуда кўп сўз "Форбс мэгэзин"дан бўлиб, жаноб Жексонники эса ниҳоят кам эди.

Шунинг учун мазкур китоб муаллифи унга тахминан шундай деди:

— Жаноб Жексон, бизни бу мақолани ёзган аллақандай шахс асло қизиқтирмайди. Ушбу муаллиф бу ерда йўқ. Уни кўра олмаймиз ҳам. Бизни сиз ва сизнинг фикрингиз жуда қизиқтиради. Бизга бошқа кимдир эмас, балки ўзингиз нималар ўйлаётганингизни гапириб беринг. Бу ерда кўпроқ жаноб Жексон фикрларини олиб келинг. Нега сиз келгуси ҳафтада айнан шу мавзуда сўзга чиқмас экансиз? Мақолани яна бир карра ўқиб чиқинг, муаллифнинг фикрларига

розимисиз-йўқми, ўзингиздан сўраб кўринг. Агар рози бўлсангиз, унинг мулоҳазаларини ўйлаб кўринг ва ўзингизнинг кузатишларингиз асосида мисоллар билан изоҳланг. Борди-ю, рози бўлмасангиз, негалигини тушунтириб беринг. Майли, бу мақола сизнинг шахсий нутқингизни турткиловчи битта йўловчи нуқта бўлиб қолсин.

Жаноб Жексон бу таклифни қабул қилди. Мақолани яна ўқиб чиқди ва муаллифнинг фикрига мутлақо қўшилмаслик керак, деган хулосага келди. У янги маърузасини метро вагонида тайёрламади, нутқ унинг тафаккурида пишиб етилди. Бу миясида пишиб етилган мева эди. У ривож топиб, ўсди ва мисоли шахсий фарзанди мисоли шаклланди. Ўзининг қизларига ўхшаб, янги фарзанди кечаю кундуз у жуда кам мушоҳада юритган пайтда ўса борди. Жаноб Жексон газетада қандайдир мақолани ўқиб чиқар экан, унда гоҳ янги фикр пайдо бўлар, гоҳ дўстлари билан суҳбат қилаётганида, тўсатдан кутилмаган ўнғай мисол қалқиб чиқар эди. Буларнинг бари кенгайиб, чуқурлашиб, зичлашиб борарди.

Жаноб Жексон навбатдаги машғулотда сўзга чиққанида, ўзига хос бўлган нарсаларни — шахсий конидан қазиб олинган рудаларни, шахсий танга зарб берадиган корхонасида зарб этилган тангаларни гўё намойиш этди. У жуда яхши гапирди, чунки мақола муаллифининг фикрларига қарши эди. Қарашлардаги айрим тафовутлардан яхшироқ қўзғатувчи бўлмайди.

Бир ҳафта мобайнида айнан бир мавзуда сўзлаган бу инсоннинг икки нутқи ўртасида ибрат олса арзигулик нақадар кескин қарама-қаршилик мавжуд эди! Қаранг, пухта тайёргарлик қанчалик улкан тафовутга олиб келиши мумкин экан!

Қандай тайёргарлик кўриш ёки кўрмаслик лозимлиги тўғрисида яна битта мисол келтираман. Биз жаноб Флин деб атайдиган жентльмен Вашингтонда нотиқлик санъатини ўрганди. Бир куни у ўз нутқини пойтахт мақтовига бағишлади. Бир газетада чиққан реклама рисоласини шошапиша варақлаб, ундаги далилларни ўзлаштириб олди. Ва бу далиллар, шубҳасиз, шунга мувофиқ қуруқ, бир-бири билан боғланмаган бўлиб, маълумотнинг пишитилмагани очиқ-ойдин кўриниб турарди. Нотиқ ўз мавзусини етарли дара-

жада ўйлаб кўрмаган, унда кўтаринкилик асло сезилмасди. Жаноб Флин айтганларини чуқур ҳис этмай, бу туйғуларни қадрламади. Нутқи бошдан-оёқ юзаки, маза-матрасиз ва ҳеч кимга керак бўлмайдиган даражада эди.

### Нишонга теккан нутқ

Икки ҳафтадан сўнг жаноб Флинни тириклай ўлдирадиган воқеа рўй берди: унинг машинасини жамоат гаражидан ўғирлаб кетишди. У полицияга югурди, суюнчисига пул ваъда қилди, аммо бари бекор кетди. Полиция иқрор бўлиб айтдики, уларнинг жиноятчилик билан курашишга иложи етмайди аслида, бунинг устига бир ҳафта олдин қўлига бўр ушлаган полициячи кўчани кесиб ўтиб, жаноб Флинни жаримага тортган эди, чунки унинг машинаси тўхташ жойида ўн беш дақиқадан зиёд турган экан. «Қўлига бўр ушлаган» бу полициячилар иш билан шунчалик бандки, жиноятчиларни тута олмайдилар, шунинг учун улар жаноб Флиннинг ғазабига дучор бўлдилар.

Флин ниҳоят дарғазаб эди. Энди унда мавзу тап-тайёр; эндиги мавзу рисоладан ўзлаштирилмай, балки шахсий ҳаётидан олинган эди. Бу йирик одамга тааллуқли, унинг ҳис-туйғу ва ишончига зарар етказган масала эди. Вашингтонни мақтаган нутқида у бир иборани иккинчисига зўрға улаб гапирган бўлса, бу сафар ўрнидан шартта туриб, оғзини очди-ю, бирдан гўё айблов нутқи каби полициячиларнинг шаънига нисбатан Везувий вулқонидан отилиб чиққан лава мисоли сўзларни ёғдириб, жўшиб кетди. Бундай нутқ ҳамиша нишонга тегади, доимо муваффақият қозонади. Унинг асосида ҳаётий тажриба ётади ва у ўйланган бўлади.

### Ҳақиқий тайёргарлик нимадан иборат?

Нутқ сўзлашга тайёрланиш вараққа ёзилган ёки ёдланган силлиқ ибораларни ўз ичига оладими? Йўқ. Балки у бир неча тасодифий, аслида сизни асло ҳаяжонлантирмайдиган фикрлардан иборатдир? Мутлақо йўқ. Бу тайёргарлик сизнинг ўй-фикрларингиз, ишончингиз, хоҳиш-истакларингизни танлаб олишни англатади. Ахир сизда худди

шундай фикрлар, шундай хоҳиш-истаклар бўлади-ку! Улар сизда ҳар куни тетиклашган вақтингизда рўй беради, ҳатто тушларингизга киради. Сизнинг бутун борлиғингиз ҳис-туйғу ҳамда ҳаяжонлардан иборатдир. Улар сизнинг онг остингизда худди денгиз қирғоғидаги майда тошчалар каби ниҳоятда сероб. Тайёргарлик кўриш, бу — ўйлаш, фикрларни каллада обдон пиширмоқ, эслаб қолиш, ундан диққатингизни тортганларини танлаш, уларни силлиқлаш, тартиб билан муайян тарзда жойлаштириб чиқиш, ўзига хос нақш яратишдир. Балки айнан шундай дастур сизга ҳаддан зиёд қийин туюлар? Йўқ, бу қийин эмас, асло. Фикрларни бир жойга озроқ жамлаш ва мақсадга мувофиқ тафаккур қилиш керак, холос.

Диний тафаккур тарихига кирган ўз нутқларини Дуайт Л.Муди қандай тайёрлаган эди?

*"Бунда ҳеч қандай сир йўқ,* — деган эди у ўзига берилган саволга жавоб бера туриб. — *Менда қачон савол туғилгудек бўлса, унинг номини катта хатжилдга ёзиб қўяман. Каминада бундай хатжилдлар сон-саноқсиз. Борди-ю, ўқиш жараёнида менга керакли, нутқим учун жуда зарур гап-сўз бўлса, уни ёзиб тегишли конвертга соламан ва у ўша ерда туради. Мен ҳамиша ён дафтарча олиб юраман. Борди-ю, бирор киши ваъз ўқиганида, ниманидир эшитиб қолсам, бу масалани кучли нур остига олгандек, дарҳол ёзиб оламан-у, уни ҳам конвертга ташлаб қўяман. Буларнинг бари бир йил ёки ундан кўп вақт ётиши мумкин. Менга янги ваъз тайёрлаш зарурати туғилса, нимани йиққан бўлсам, барини чиқариб оламан. Булар натижалар ҳамда шахсий кузатишларим билан бирлашиб, менга етарли маълумот беради. Шу билан бирга мен доимий равишда ўз маърузаларим устида ишлайман — ундан ниманидир оламан, унга нимадир қўшаман. Натижада улар ҳеч қачон эскирмайди".*

## Йель мактаби декани Брауннинг ақлли маслаҳати

Йель диний мактаби таъсис этилганининг юз йиллиги нишонлаган пайтда унинг декани доктор Чарлз Рейнольдс Браун ваъзхонлик санъати ҳақида бир қатор маърузалари

билан чиқишлар қилди. Бу маърузалар китоб шаклида худди шу сарлавҳа остида Нью-Йоркдаги «Макмиллан» нашриётида босилиб чиққан эди. Доктор Браун чорак аср ҳар ҳафта ваъз ўқишга ҳозирлик кўрар, бошқаларни ҳам маърузага тайёрларди. Шунинг учун мавзуга доир зарур маслаҳатларни бера оларди. Бу маслаҳатлар нотиқ диний ходим бўладими ёки пойафзал фабрикасининг эгасими, у касаба уюшмалари тўғрисида маъруза тайёрлаганми, қатъи назар, жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мен бу ўринда доктор Брауннинг сўзларини иқтибос қилиб келтиришни лозим, деб биламан:

*"Инжилдан танлаб олинган иқтибос ҳамда маърузангиз мавзусини пухта ўйлаб олинг. Токи миянгизда пишиб етилмаса, мутаносиб бўлмаса, уни каллада сақлаб тураверинг. Сиз ундан жуда қизиқарли фикрлар йиғиндисини чиқариб оласиз, агар унга ўсиш ва ривожланишнинг энг кичик имкониятларига қадар йўл берсангиз...*

*Энг яхшиси, агар мазкур жараён жуда кўп вақтни қамраб олса, уни шанба тонгига қадар қолдирманг, чунки сиз якшанба кунга ваъзхонликка тайёргарликни тамомлаётган бўласиз. Агар руҳоний онгида қандайдир ҳақиқатни бир ой, олти ой ёки ҳатто бир йил мобайнида сақлай олса, бу мавзуда сўзга чиқишдан олдин унда янги фикрлар тўхтовсиз ўсиб чиқади ва алал-оқибат жуда фойдали сабоқ чиқади, деб ишонч ҳосил қилади. У бу ҳақда кўчада бораётиб ҳам, поездда бўлганида ҳам ёки кўзи ўқишдан толиққанида ҳам фикр юритиши мумкин.*

*У, шубҳасиз, ниманидир, ҳатто тунда ҳам ўйлаши мумкин. Албатта, руҳоний ўз ибодатхонаси ҳақидаги ва ваъзлари ҳамда фикр-ўйлари билан, одатда, черковда ёта олмайди ҳам; черков кафедраси "ухлаш учун ноқулай" бўлиб, фақат ваъз ўқиш учун ниҳоятда қулайдир. Шундай ҳоллар бўлганки, мен тун ярмида тўшакдан туриб, калламга келган фикрни ёзиб қўярдим, у эртагача эсимдан чиқиб қолиши мумкин эди-да...*

*Сиз муайян ваъз ўқиш учун маълумот тўплаганда, танланган иқтибос ва мавзуга доир каллангизга нима келган бўлса, барини ёзиб боринг. Инжилдан олинган матнни биринчи марта танлаб олганингизни қандай тушунганингизни қайд этиб*

қўяверинг. Ўзингизда вужудга келган барча ҳис-туйғу, ўй-хаёллар уйғунлигини, фикрларни ёзиб боринг...

Фикрларингизни қисқа, бир неча сўзда ифодалаб қўйинг. Уларни қайд қилиш керак, майли, миянгиз тобора янги-янги фикрларни ахтараверсин, токи ҳаётингизда бирорта китобни кўриш муяссар бўлмагандек туюлсин, мана шунинг ўзи тафаккурни ривожлантириш усули ҳисобланади. Бундай усул билан ақлий фаолият ҳамиша яп-янги, ўзига хос, ижодий тарзда бўлишига эришасиз...

Мустақил, четдан ҳеч қандай ёрдамсиз қуйилиб келган фикрларингизни ёзиб боринг. Улар ақлий ривожланишингиз учун ниҳоятда қимматлидир, у ёқут, олмос, тоза олтиндан ҳам афзалдир. Уларни қоғоз парчаси, эски хатларга, хатжилд парчалари, ўров қоғозларига, яъни қўлингизга қандай қоғоз тушса, барига ёзиб қўйинг. Бу узун чиройли ёзув қоғозларидан фойдаланишга нисбатан ҳар жиҳатдан афзалдир. Бу ерда гап фақат иқтисод қилиш тўғрисида кетмаяпти, сизга бундай парча ва қийқимларни тўплаш ва уларни бўлакларга ажратиш маълумотларни тартибга келтириш пайтида жуда енгил кечади.

Каллага келган барча фикрларни доимий равишда ёзиб боринг ва ҳамма вақт улар ҳақида диққат билан ўйлаб юринг. Бу жараённи тезлаштириш мумкин эмас. У амалга оширишингиз керак бўлган энг муҳим ақлий зўр беришлардан биридир. Ўша туфайли онгингиз ҳақиқий ижодий қувватга айланади.

Ўқигандан кейин сизда қониқиш ҳосил қиладиган маърузалар ҳаётингизда катта фойда келтиришига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин буларнинг барида ўзингизни чуқур кашф этган бўласиз. Улар суякларингиздан иборат мағиз, танангиздан вужудга келган тана, ақлий меҳнатдан дунёга келган фарзанд, сизнинг ижодий қувватингиз самарасидир. Бошқа бегона фикрлардан тузилган маърузалар ҳамиша эскирган ва илитилгандек таассурот қолдиради. Шу билан бирга ваъзлар борки, улар яшайди, нафас олади, ибодатхоналарга яратганга ҳамду сано ўқиб, ёпирилиб киради, одамларнинг қалбига жо бўлиб, уларни парвоз қилишга мажбур этади. Улар худди бургут мисоли мардлик, жасурликни тарк этмай, бурчни адо этиш йўлидан юриб боради;

*ана шундай ваъзлар инсоннинг ҳаётий куч-қуввати туфайли, уларнинг сўзлаганлари туфайли вужудга келади".*

## Линкольн ўз маърузаларига қандай тайёрланар эди?

Линкольн ўз нутқларини қандай тайёрлаган? Бу борада бир қанча далиллар маълум. Унинг усули ҳақида ўқир эканмиз, декан Браун ўз маърузаларида тавсия қилган бир неча воситалардан Линкольн чорак аср муқаддам фойдаланганини билиб оламиз. Линкольннинг машҳур нутқларидан бирида пайғамбарона ёрқинлик намоён бўлиб, шундай дейилган эди: *"Қақраб кетган уй тик тура олмайди", дейишади. Менинг ўйлашимча, ярми қуллар, ярми озод кишилардан иборат мамлакатимизнинг ҳукумати ҳам сақланиб қололмайди".* Бу нутқ доимий иш билан банд бўлиб юрган дамларида ўйланган, шунда у тушлик қилган, кўчаларни кезган, сигир соққан, қўлида сумка билан қассобхонага ёки баққоллик дўконига кирган, елкасига эски ола шарф ташлаб олган, ёнида эса кичкина ўғли вайсаб борар, саволлар берар, хархаша қилиб, отасининг узун ориқ қўлларидан тутиб, уни жавоб беришга ундар эди. Аммо Линкольн ўз хаёл-ўйлари, фикрлари билан банд бўлиб, нутқини ўйлар, ҳатто боласини ҳам эсидан чиқарганди. Кундан-кунга ўйлаш жараёнида ва фикрларини миясида пишитиб, у қўлига нимаики тушса, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда, гоҳ эски хатжилдларида, қоғозхалта парчаларида алоҳида ибораларни ёзиб қўяр эди. Буларнинг барини у ўз шляпаси остига қўйиб, токи ўтириб, ҳамма ёзувларни муайян тарзда тартибга келтириб, барини бир бутунликда қайта кўриб чиқиб, сўзга чиққунча ва нашр этгунга қадар сақлар эди.

1858 йилда бўлиб ўтган мунозаралар даврида сенатор Дуглас ҳамма жойда бир хил мазмундаги нутқ сўзлаган. Линкольн эса мудом тайёрланиб юрган, ўйлаган, мулоҳаза юритган, шундай қилиб, ўзининг айтишига қараганда, эскини таркрорлагандан кўра ҳар куни янги нутқни сўзлаш енгил кечган. Мавзу унинг онгида мунтазам равишда кенгайиб ва чуқурлашиб борган.

Оқ уйга кўчиб ўтишдан олдин у конституция ҳамда учта нутқининг матнини олди, қўлида бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Спрингфилддаги дўконнинг тепасида ҳеч ким халақит бермайдиган чанг-ғуборли кичик хона эшигини беркитиб, президент лавозимига киришиш арафасида ўқиши лозим бўлган нутқини ёзди.

Линкольн ўзининг Геттисбергдаги нутқини қандай тайёрлаган эди? Афсуски, бу ҳақда сохта хабарлар тарқатилганди. Аммо ҳақиқий аҳвол ҳаддан зиёд қизиқарли. Мана у.

Геттисбергдаги ҳарбий қабристон билан машғул бўлган комиссия уни муқаддаслаштиришни тантанали тарзда ташкил этиш мақсадида Эдвард Эверстга нутқ сўзлашни тавсия этди. У Бостонда пастор *(протестант мазҳабидаги руҳоний)* бўлиб хизмат қилар, Гарвард университети президенти, Массачусетс штати сенатори, Қўшма Штатлар сенатори, Англиядаги элчиси, давлат котиби эди; у Американанинг энг истеъдодли нотиғи деб эътироф этилганди. Дастлабки тантанали очилиш маросими 1863 йил 23 октябрга белгиланган эди. Жаноб Эверст бутунлай енгил фикр юритиб, қисқа муддат ичида у етарли даражада тайёрлана олмаслигини маълум қилди. Шу сабабли маросим деярли бир ойга, яъни 19 ноябрга қадар — унга пухта тайёргарлик кўришга вақт бериш мақсадида орқага сурилди. Кейинги уч кунни Эверст Геттисбергда ўтказди, жанг кечган жойларнинг барини хотирасида янгитдан тикламоқ учун кўздан кечириб чиқди. Бу вақт нутқ устида ўйлаб кўриш ҳамда сўзлаш учун энг яхши тайёргарлик эди. У жанг воқеаларини равшан тасаввур этди.

Маросимга таклифномалар конгресснинг барча аъзоларига, президент ва унинг маҳкамасига тарқатилган эди. Кўпчилик бу таклифни рад этди ва комиссия аъзолари Линкольн келишга рози бўлганини эшитиб, ҳайратда қолдилар. Ундан сўзга чиқишини сўраш тўғри келармикан? Уларда бундай мўлжал йўқ эди, эътирозлар ҳам билдирилди. Линкольннинг тайёргарлик кўриши учун вақти йўқ, вақт топганида ҳам бундай нутқни тайёрлашга кучи етармиди? Албатта, у қуллик тўғрисида муваффақият билан мунозарага кириша олар ёки Купер Иттифоқига табрик сўзи билан мурожаат эта оларди, аммо у тантанали нутқ сўзлайди,

деб ҳеч ким эшитмаганди. Чунки бу жиддий, салобатли маросим эди-да! Улар таваккал қила олмасдилар. Ундан сўзга чиқишни сўраш керакми ёки йўқми? Ўйлашди, ўйлашди... Агар улар келажакка назар ташлаганларида, Линкольннинг қобилиятига шубҳа билдирганлари ва инсон томонидан шу муносабат билан ирод этилган бу нутқ умум эътироф этилган энг унутилмас нутқлардан бири эканлигини англаган бўлур эдилар.

Ниҳоят маросимга икки ҳафта қолганида, комиссия аъзолари Линкольндан *"шу муносабат билан бир-икки оғиз сўзлаш"* борасида кечикиб бўлса-да, илтимоснома юборишди. Ҳа, ҳа, улар ҳақиқатан ҳам *"бир-икки оғиз сўзлаш"* деб ифодалаган эдилар. Кимсан, АҚШ президентига шундай деб ёзишнинг ўзи бўладими?!

Линкольн зудлик билан тайёргарлик кўришга киришди. У Эдвард Эверстга хат ёзиб, унинг нутқи матнини олди *(мўътабар олимнинг сўзга чиқиши мўлжалланган эди)* ва бир-икки кундан сўнг фотосуратчи ателъеси томон йўналди, ўзи билан Эверст қўлёзмасини ҳам бирга олди ва кутиш асносида уни ўқиб чиқди. Линкольн ўз нутқини кун бўйи ўйлаб, унинг ғоясини калласида пишитиб, Оқ уйдан ҳарбий вазирликкача ва ундан қайтиб, яна Оқ уйгача қатнар, ҳарбий вазирликда сўнгги хабарларни кутиб, чарм оромкурсига чўкканича ўй сургани-сурган эди. У қоғоз бетига бир неча хомаки нарсаларни ёзарди-да, уни ипак цилиндри *(шляпаси)* тагига солиб, ўзи билан олиб юрарди. Шу тарзда тўхтовсиз равишда нутқини пишитиб борди, шу тариқа у миясида бор-буди бўйича аниқ гавдаланди. Сўзга чиқишдан олдин у Ноа Бруксуга шундай деган эди: *"Нутқим ҳали тўлиқ ёзилмаган. Мен уни икки ёки уч марта қайта кўчирдим, холос. Токи қаноат ҳосил қилгунча қайта ишлайвераман"*.

Линкольн Геттисбергга кечқурун маросим арафасида етиб келди. Кичкина шаҳарча одамлар билан лиқ тўла эди. 1300 нафар аҳолига эга бўлган шаҳар тўсатдан ўн беш минг кишига ошиб кетди. Йўлакларгача одамларга тўлиб-тошган, ифлос кўприклар устидан ҳам юришар эди. Олтита оркестр қулоқни қоматга келтирар, оломон "Жон Браун турбати" қўшиғини куйларди. Халқ Линкольн келиб тушган жаноб Уиллис уйи олдида тўпланиб, уни чақирар, сўзга

чиқишини илтимос қиларди. Линкольн бир неча сўзда, вазминлик билан эмас, балки дангалига, эртагача бирор нарса дейишга мўлжали йўқлигини айтди. Шуниси аниқки, у кечаси билан ўз нутқини "силлиқлаш" билан банд бўлди.

Линкольн, ҳатто давлат котиби Стюард жойлашган қўшни хонага кириб, нутқини овоз чиқариб ўқиб борди, унинг мулоҳазаларини эшитгиси келди. Эртаси, нонушта қилганидан сўнг яна нутқини силлиқлашни давом эттирди, бу иш токи эшикни тақиллатиб, тантанада ўз жойини эгаллашни таклиф этишгунча чўзилди. Президентни кузатиб келган полковник Каррнинг ҳикоя қилишига кўра, тантана иштирокчилари йўлга тушганида, *"президент эгарда худди армия бош қўмондонидай ўтирган, аммо йўл-йўлакай у олдинга бироз эгилиб, қўллари осилиб қолган, боши хам бўлган. Унинг тафаккурга ўта берилиб кетгани аниқ эди"*.

Тахмин қилиш мумкинки, ҳатто ана шундай лаҳзаларда ҳам Линкольн ўзининг ўнта сўздан иборат жажжигина нутқини қайта-қайта ўйлаган, унга "ишлов" берган эди.

Унинг айрим нутқлари, гарчи уларга юзаки ёндашган бўлса ҳам, сўзсиз, муваффақиятсиз чиққанига қарамай, тенгсиз таъсир кучига эга, чунки унда қулдорлик ҳамда штатлар иттифоқи тўғрисида сўз юритган эди. Нима учун? Шунинг учунки, у мазкур масалалар хусусида ҳамиша бош қотирган, булар уни доимо банд этган. Иллинойс штатида бир хонада у билан бирга тунни ўтказган киши эрталаб уйғониб, ўз каравотида ўтириб, деворга тикилиб турган Линкольнга кўзи тушган эди. Унинг биринчи тилга олгани: *"Ярми қуллардан, ярми озод кишилардан иборат мамлакатимизда ҳукумат ҳам узоқ яшай олмайди"*, — деган сўзлардан иборат эди.

Исо Масиҳ ўз хутбаларини қандай тайёрлаган эди? У халойиқдан бутунлай узоқлашган. Мушоҳада юритишга бутунлай берилиб кетган. Фикрларини бир жойга йиққан. У кенг яланглиқда, саҳрода якка ҳолда кезиб, ўй сурар ҳамда қирқ кечаю қирқ кундуз рўза тутар эди. *"Ана шундан сўнг,* - деб ёзади авлиё Матфей, - *Исо Масиҳ ваъз айтишни бошлаган"*. Кўп ўтмай у ўзининг дунёга машҳур ваъзларидан бири — Нагорний хутбасини сўзлаган эди.

*"Буларнинг бари жуда қизиқарли, — дея балки эътироз билдирарсиз, — аммо мен мангу нотиқ бўламан, деб урина-*

*ётганим йўқ. Мен вақти-вақти билан бир нечта оддий-гина маърузалар ўқимоқчиман, холос".*

Бу ҳам тўғри, биз сизнинг эҳтиёжларингизни жуда яхши тушунамиз. Бу китоб муайян мақсадни — сизга ва сизга ўхшаган бошқа одамларга ёрдам бериш, нимани хоҳласангиз, ана шуни муҳайё этишни кўзлаб ёзилган. Аммо сизнинг маърузаларингиз қанчалик оддий бўлмасин, ўтган даврнинг машҳур нотиқлари тажрибаларидан ҳамда уларнинг айрим усулларидан имкони борича фойдаланиб қолишингиз лозим.

## Маърузага қандай тайёрланиш керак?

Амалиёт ўтказиш учун қайси мавзуларда гапирган маъқул? Ҳар қандай мавзуда, улар сизни қизиқтирса, бас. Дейрли кўпчиликка хос камчиликка асло йўл қўйманг — унча катта бўлмаган маърузага ҳаддан зиёд масалалар доирасини тиқиштирманг. Мавзунинг бир ёки икки соҳасини олиб, уни батафсил ёритишга ҳаракат қилинг. Агар қисқа нутқда бунинг уддасидан чиқа олсангиз, яна ҳам яхши бўларди.

Мавзуни эртароқ олинг, токи у ҳақда мулоҳаза юритиш учун бўш вақтингиз бўлсин. У ҳақда сиз етти кун ўй суринг ва етти тун уни мияда пухта сақланг. Майли, уйқуга кетишдан олдин бу сизнинг охирги фикр-ўйингиз бўлиб қолсин. Эрталаб соқол қираётганда ҳам, ювинаётганда ҳам, шаҳар марказига қараб йўл олганда ҳам, лифт кутаётганда, нонушта қилаётганда, топшириқ кутаётганда, дазмол босиб ёки тушлик тайёрлаётганда ҳам фақат шу ҳақда ўйланг.

Бу масала хусусида ўзингизга-ўзингиз турли-туман саволлар беринг. Масалан, ажралиш тўғрисида гапиришга тўғри келса, ўзингиздан ажралишнинг сабаби нимада, деб сўранг. Унинг қандай иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари мавжуд? Бу иллат билан қандай курашмоқ керак? Ажралиш тўғрисида бир қолипдаги қонунларимизга эга бўлиш маъқулмикан? Нега? Умуман, ажралиш тўғрисида қонунларнинг зарурати борми? Ажралишни бартараф этиш имконияти-чи? Ёки уни мураккаблаштириш керакми? Ёки енгиллаштиришми?

Айтайлик, сиз нотиқлик санъатини ўрганиш зарурлиги тўғрисида гапирмоқчисиз. Бу тўғрида ўзингизга қуйидаги

саволларни берсангиз бўлади: мендаги қийинчиликлар нималардан иборат? Нимани эгаллашни мўлжаллаяпман? Кўпчилик олдига чиқиб, нутқ сўзлаш менга тўғри келадими? Айнан қачон? Қаерда? Бу қандай бўлган эди? Нима учун машғулотлар ишбилармон одамлар учун зарур, деб ҳисоблайман? Савдо ёки сиёсат бобида энг муҳими, ўзига ишониб, эсанкирамай, ишонч билан сўзлаш қобилиятига эга бўлиб, иши олдинга силжиган қайси эркак ва аёлни биламан? Ушбу муҳим хислатлар йўқлиги туфайли балки туб муваффақиятларга ҳеч қачон эриша олмаган бошқа одамларни ҳам биларман? Аниқ номларини тилга олмасдан бу одамлар тўғрисида ҳикоя қилинг.

Агар сиз тобора илгарилаб, равшан фикр юритиб, икки ёки уч дақиқа гапира оладиган бўлсангиз, ана шу кифоя. Дастлабки нутқларингиздан ана шунинг ўзини кутиш мумкин эди. "Мен нима учун нотиқлик санъатини ўрганаман?" деган мавзуга ўхшаш чиқишлар жуда енгил, бу ўз-ўзидан маълум, албатта. Агар сиз мазкур мавзуга маълумот танлаш ҳамда уни жойлаштириш учун озгина вақт ажратсангиз, ўз шахсий кузатишларингиз, шахсий интилишларингиз ва шахсий тажрибангиз ҳақида сўз юритасиз-да!

Энди фараз қилайлик, ўз машғулотингиз ёки касбингиз тўғрисида сўзлашга қарор қилдингиз, дейлик. Бундай маърузага тайёргарлик кўришга қандай киришасиз? Сизда бу мавзуга бағишланган бир олам маълумот бор. Вазифангиз уни танлаб олиш ва ташкил қилишдан иборат бўлади. Уч дақиқа ичида уларнинг ҳаммаси тўғрисида гапириб бераман, деб овора бўлманг. Бунинг иложи йўқ. Ҳикоя ҳаддан зиёд умумий, ҳаддан зиёд узуқ-юлуқ бўлиб қолади. Мавзунгиздан битта, фақат битта соҳани олиб, уни чуқурлаштириш ва муфассал баён этишга ҳаракат қилинг. Масалан, бу қандай рўй берганини ёки сиз муайян иш билан шуғулланганингиз, ёки бу касбни қандай эгаллаганингиз тўғрисида нега ҳикоя қилиб бериш мумкин эмас? Бу тўсатдан бўлганми ёки онгли равишдами? Даставвал енгишга тўғри келган қийинчиликлар тўғрисида, муваффақиятсизликлар, ўзингизнинг орзу-умидларингиз, ғалабаларингиз ҳақида гапириб беринг. Майли, ҳикоянгиз инсоний эҳтиёжларни ўзида қамраб олсин, майли, у ҳақиқий ҳаётнинг шахсий тажрибага асосланган бир парчаси бўлсин,

ҳар қандай ҳаётнинг асл воқеаси, агар у камтарлик билан, иззат-нафсни ҳақорат қилмай ҳикоя қилинса, жуда катта қизиқиш билан тингланади. Деярли ишонч билан айтиш керакки, бундай нутқ, албатта, муваффақиятли бўлади.

Ёки ишингизнинг бошқа жиҳатини олиб кўринг: унда қандай қийинчиликлар бор? Бу соҳада фаолият бошлаган ёшларга қандай маслаҳатлар беришингиз мумкин?

Ёки сиз тўқнашадиган ҳалол ва виждонсиз одамлар тўғрисида гапириб беринг. Зиммангизда турган вазифалар тўғрисида сўзланг. Инсон хулқ-атворини тушуниш каби энг қизиқарли соҳани англашда сизнинг ишингиз нималарни ўргатди? Агар сиз ишингизнинг оддий томонлари, яъни майда-чуйда тафсилотлари ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз, бошқалар учун бу ҳикоянгиз зерикарли туюлиши мумкин, аммо одамлар ҳақидаги, шахслар хусусида гап борса, бундай ҳикоя муваффақиятсиз бўлармикан?

Энг асосийси, сиз ўз маърузангизни қуруқ ваъзхонликка айлантирманг. Бу одамларни зериктириб қўяди. Майли, ҳикоянгиз қандайдир бир неча қатламли пирог каби аниқ мисоллар ҳамда умумий таснифдаги мулоҳазалардан иборат бўлсин. Эсланг, сиз қандай аниқ воқеаларни кузаттансиз ва, фикрингизча, қай даражадаги умумий ҳақиқатларни бу мисоллар ёрдамида тасдиқлаш мумкин? Энди ишонч ҳосил қилдингизки, аниқ мисолларни эсда сақлаш жуда осон, мавҳум нарсалар ёдда турмайди, аниқ воқеалар тўғрисида сўз юритиш анча енгил. Шу билан бирга улар сизнинг баён этишингизни ниҳоятда жонли ва яққол кўрсатади.

Бир ажойиб муаллиф ишга қандай киришганини кўриб чиқайлик. Б.Е.Форбс мақоласидан кўчирма келтираман. Унда фирма раҳбарлари ўз шерикларининг жавобгарлигини ошириш учун вакил қилиб юбориш масъулиятини ошириши керак, деб тасдиқлайди. Келтирилган мисолларга эътибор беринг — улар турли одамлар ҳаётидан олинган.

*"Бизнинг ҳозирги йирик корхоналаримиз илгари якка-бошчилик асосида бошқарилган, аммо кўпчилиги шундай мақомга ўсиб етишди, сабаби: ҳеч нарсага қарамасдан ҳар бир йирик ташкилот ўз навбатида бир одамнинг гўё "чўзиб юборилган соясини ташкил этади", савдо-сотиқ фаолияти ва саноат шундай кенг миқёсни қўлга киритдики, за-*

*руратнинг кучи остида, ҳатто энг қобилиятли одам ҳам ўз атрофини ишчан шериклар билан ўраб олишга мажбур бўлади, улар эса бошқаришнинг барча жиловини қўлларига тутишда ёрдам беришади".*

Чарлз Шваб

Вульворт менга бир пайтлар узоқ йиллар мобайнида ишига, асосан, ўзи раҳбарлик қилганини гапириб берган эди. Аммо алал-оқибат унинг соғлиғи издан чиқди, ҳафталаб шифохонада ётиб, бир нарсага амин бўлди: иш у хоҳлаганидек ўнгланиши учун раҳбарликни кимнингдир масъулиятига қараб тақсимлаш керак экан.

"Бетлехем стил" корпорацияси бир неча йиллар мобайнида намунали тарзда якка раҳбарлик асосида иш тутарди. Чарлз Шваб ҳамма нарсанинг мағзини чақишга уринар эди, аммо Южин Ж.Грейс ҳаммадан кўпроқ илгарилади ва ниҳоят пўлат соҳасида энг яхши мутахассис бўлиб етишди, Шваб охирида бир неча бор кўпчилик ҳузурида бунга иқрор бўлган эди.

"Истмен Кодак" фирмасининг бошланғич палласида, асосан, Жорж Истмен раҳбарлик қиларди, аммо унда корхонани фойда келтирадиган ташкилотга айлантириш учун донишмандлик етишмасди. Чикагодаги барча йирик консерва ишлаб чиқарувчи фирмалари ташкил этилганидан буён айнан худди шундай ўзгаришларга дуч келган эдилар. "Стандарт ойл" компанияси, тарқатилган тавсияномага кўра, ташкилот эмасди, у яккабошчилик асосида бошқариларди, шу пайтдан бошлаб у йирик миқёсларга эга бўла борди.

Ж.П.Морган, гарчи жуда улкан шахс бўлса-да, яхшигина қобилиятга эга шерикларни танлаш ва улар билан ўзининг мажбуриятларини тақсимлашнинг ашаддий тарафдори эди.

Савдо-сотиқ ташкилотлари раҳнамолари орасида ҳали виждонли раҳбарлар бор, улар ишни барбод этишни маъқуллайдилар, чунки яккабошчилик тамойилини маҳкам ушлайдилар, аммо замонавий операцияларнинг кенг миқёсларини назарда тутиб, беихтиёр равишда ўз мажбуриятларини бошқаларга тақсимлашга зарурат сезадилар.

Айрим кишилар, ўз ишлари тўғрисида гапира туриб, кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўядилар, яъни улар фақат

ўзларини қизиқтирган соҳаларга эътибор қилишади. Ахир нотиқ фақат унга эмас, шу билан бирга тингловчилар учун ҳам қизиқиш вужудга келтиришини наҳотки улар билишмаса? Ахир уларнинг шахсий манфаатларига дахл қилиш учун ҳаракат қилиш керак эмасми? Агар у, масалан, ёнғиндан суғурта қилиш билан шуғулланса, наҳотки ёнғиндан мол-мулкни қандай қилиб сақлаш тўғрисида гапириш мумкин эмас? Борди-ю, у банк бошқарувчиси бўлса, молиявий масалалар ҳамда капитал жамғармалар тўғрисида маслаҳатлар бера олмайдими? Агар нотиқ умумдавлат хотин-қизлар ташкилоти раҳбари бўлса, у жойлардаги ўз тингловчиларига қай даражада бутун ҳаракатнинг таркибий қисмларидан бири эканлигини, маҳаллий дастурлар асосида аниқ мисоллар келтириб, ҳикоя қилиб бериш мумкин эмасми?

Тайёргарлик кўришда айримлар ортиқ даражада нимани-дир ўқиб чиқиш, бошқаларнинг шу масалага оид ўй-фикрлари, нима деганларини изоҳлашни тавсия этишади. Аммо ўз шахсий фикрларингизга батамом эга бўлмай, ўқишни бошламай туринг. Бу жуда муҳим, ниҳоятда муҳимдир. Шундан сўнг халқ кутубхонасига йўл олинг ва кутубхоначига саволларингизни тақдим этинг. Фалон-фалон мавзуда тайёргарлик кўраётганингизни айтинг, очиқ-ойдин ундан ёрдам сўранг. Агар тадқиқот ишлари билан шуғулланмасангиз, эҳтимол, нақадар қимматли маълумотларни сизга тақдим этишганини англаб, ҳайратга тушишингиз турган гап. Бу айнан ўша мавзуга доир тугал бир китоб ёки мунозара учун матнлар бўлиб, икки томонлама ўткир масалаларни ўз ичига олган асосий даъволардан иборат бўлиши мумкин, унда журналдаги мақолалар *(турли мавзуда)*, бизнинг асрда нашр этилган "Экспресс-ахборот альманахи", "Бутун дунё альманахи" ва бошқа ўнлаб маълумотномалар бўлиши мумкин. Буларнинг бари устахонамиз қурол-аслаҳаларидир. Улардан фойдаланинг.

## Захирадаги билимлар сири

Лютер Бербанк бир куни шундай деган эди: *"Мен кўпинча миллионга яқин экин ўстирдим, улардан энг сифатлиси битта ёки иккита бўлиб, шуни танлаб олар, қолган барча-*

*сини йўқ қилиб ташлардим"*. Кўпчилик олдида чиқиб ўқиладиган маърузани ҳам айнан шу руҳда тайёрлашга тўғри келади — худди шундай исрофгарчилик ва худди шу тарздаги шафқатсиз танлаб олиш йўли билан. Юзта фикрни танлаб олинг ва улардан тўқсонтасини ташлаб юборинг.

Артур Данн

Фойдаланишингиз мумкин бўлган маълумот ҳамда ахборотларни кўпроқ, янада кўпроқ йиғинг. Буларни ўзингизга қўшимча равишда ишонч учун олгансиз, албатта, шу билан бирга қаттиққўллигингиз учун зарур. Буларни онгингизга, кайфиятга ва бутун ташқи кўринишингизга таъсир этмоғи учун эгалланг. Бу тайёргарлик кўришнинг энг асосий, муҳим омили ҳисобланади, шу билан бирга кўпгина нотиқлар уни омма ҳузурида маъруза ўқиганда, шунингдек, шахсий суҳбатларда доимо назар-писанд қилмайдилар.

*"Мен юзлаб эркак ва аёлларни — маҳсулот-мол сотиш билан шуғулланувчи агентларни ўқитдим*, — дейди Артур Данн. — *Уларнинг кўпчилигида мен пайқаган энг катта камчилик, ўз моллари ҳақида билиш зарур бўлган маълумотларни тушунмаслик, бунинг устига уларни сота бошлашни билмасликларида эди.*

*Кўпгина агентлар идорамга келиб, маҳсулотлар рўйхатини ва харидорларга нима дейиш тўғрисида кўрсатмалар олиб, бирданига ишга киришмоқчи бўладилар. Бундай агентлар иши бир ҳафтага ҳам бормади, уларнинг муайян қисми қирқ саккиз соатга ҳам чидай олмади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи мутахассисларни ўқитиб ва тайёрлай туриб, мен уларни у ёки бу маҳсулот бўйича мутахассис сифатида етиштиришга ҳаракат қилдим. Уларни АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан нашр этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ихтисослаштиришга доир ҳужжатларни ўрганишга мажбур этар эдим, буларда маҳсулотларнинг намлик даражаси, оқсиллар сони, углевод, ёғлар ва бошқа моддаларининг миқдори кўрсатиларди. Улар сотадиган маҳсулотлар қандай унсурлардан ташкил топганини ўрганишга мажбур қилар эдим. Мен уларни бир неча*

*кун ёдлаб, сўнг имтиҳон топширишга мажбур этганман. Уларнинг маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган бошқа агентларга "сотиш"га мажбур қилар ва харидор билан яхши суҳбатда бўлганларга мукофотлар берар эдим.*

*Баъзида маҳсулотларни ўрганиш олдидан ўтказиладиган тайёргарлик даврига бетоқатлик билан муносабатда бўлган одамларга ҳам дуч келганман. Улар шундай дер эдилар:*

*— Баққоллик маҳсулотларини харид қилувчига буларнинг барини гапириш бериш учун менинг вақтим бўлмайди. У ҳаддан зиёд банд, ахир. Борди-ю, мен оқсил ёки углеводлар ҳақида гапириб, бошини қотирсам, қулоқ солмайди, қулоқ солган тақдирда ҳам нима деяётганимни мутлақо англамайди.*

*Мен унга шундай деб жавоб бераман:*

*— Сиз бу билимларнинг барини харидорингиз учун эмас, ўзингиз учун оласиз. Агар барча маҳсулотларингизни бошдан-охиригача билиб олсангиз, сизда шундай ҳиссиёт пайдо бўладики, уни таърифлаш ниҳоятда қийин. Сиз шу даражада ижобий ҳолатларга эга бўласизки, шунчалик ўзингизга ишонасизки, натижада ниҳоятда кучли ва енгилмас кишига айланасиз".*

"Стандарт ойл" компаниясининг таниқли тарихчиси Ида Тарбелл хонимнинг бир неча йиллар муқаддам Парижда бўлганида, мазкур китоб муаллифига гапириб беришича, "Макклюрс мэгзин" журнали таъсисчиси С.С.Макклюр телеграф орқали унга Атлантика орқали ўтган кабель хусусида унча катта бўлмаган мақола тайёрлаш ҳақида буюртма берган экан. У Лондонга йўл олди, у ерда кабель қопламаси бўйича европалик вакил билан суҳбатлашиб, топширилган вазифани бажариш учун етарли маълумот тўплади. Аммо у шу билан қаноатланиб қолмади. Унга яна қўшимча, захирадаги маълумотлар керак эди, шу сабабли Британия музейига қўйилган кабеллар турларини ўрганди, кабеллар тарихига доир китобларни ўқиб чиқди, ҳатто Лондон чеккасида жойлашган саноат корхоналарини бориб кўриб, кабеллар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди.

Ида Тарбелл

У нима учун фойдаланиши зарур бўлганидан ўн баробар зиёд ахборот тўплади? Буларнинг бари қўшимча куч беради, деб ҳисоблади; у биларди; мақолада баён этилмаган, аммо ўрганган маълумотлар ёзаётган мақоласига ишонч ҳамда равшанлик бағишлайди.

Руҳшунос Эдвин Жеймс Кэттелл ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, ўттиз миллион одам ҳузурида сўзга чиққан. Шунга қарамай, у бир куни менга иқрор бўлиб айтдики, уйга қайтар экан, ўз-ўзини, қизиқарли гап-сўзларни айта олмай қолгани учун ҳақорат қилмаганида, кейинги нутқлари ҳеч нарсага ярамай қолар эди. Нима учун? Чунки у жуда катта тажрибага асосланиб, энг ажойиб маъруза — ортида жуда кўп захирадаги маълумот турган маъруза эканини яхши англаган эди. Унда нотиқ фойдалангандан кўра имконият анча ортиқ бўлади.

## Қисқа хулосалар

*1. Агар нотиқ мияси ҳамда юрагида ҳақиқатан ҳам ғоя бўлса, ички эҳтиёжнинг ўзи баён этади, у тўла-тўкис муваффақият қозонишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Пухта тайёрланган нутқ ўқилган ўнта маърузанинг тўққизтаси ўрнини босади.*

*2. Маърузага тайёрланиш нима дегани? Бир неча сўзни ғайриихтиёрий тарзда варақка ёзишми? Ушбу сўзларни ёдлашми? Асло ундай эмас. Ҳақиқий тайёрларлик шуки, ўзингдан ниманидир чиқариб олмоқ, шахсий фикр-мулоҳазаларни танлаб олиш ва тартибга солиш ҳамда ана шу шахсий мулоҳазаларни ишлаб чиқиб, тахт қилиб қўймоқдир. Масалан, Нью-Йоркда яшовчи жаноб Жексон шарманда бўлди, у бошқаларнинг фикрларини баён этган — "Форбс мэгэзин" журналидан ёзиб, ўзлаштирган эди. Бу мақоладан ўз нутқи учун йўлланма сифатида фойдаланганидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини, шахсий мисолларини келтиргач, нутқи муваффақиятли равишда ўтди.*

*3. Ўттиз дақиқа мобайнида ўтириб, нутқ тайёрлашга асло ҳаракат қилманг. Маърузани худди пирог пиширгандек, буюртма асосида тайёрлаб бўлмайди. Нутқ етилиб пишмоғи керак. Мавзуни ҳафта бошида олинг, уни бўш*

*вақтларда обдон ўйланг, мияда пишитиб юринг, кечаси ҳам, кундузи ҳам эсдан чиқарманг. Уни дўстлар, бирodарлар билан муҳокама қилинг. Суҳбат мавзусига айлантиринг. Ўз-ўзингизга мазкур мавзу бўйича иложи етадиган барча саволларни беринг. Миянгизга келган барча фикрлар, мисолларни қоғоз парчаларига ёзиб боринг ва изланишда давом этинг. Ғоялар, мулоҳазалар, мисоллар эсингизда, исталган пайтда — ювинаётганда, шаҳар марказига йўл олганингизда, тушликни кутган дамларингизда келиб қолади. Линкольннинг усули шунақа эди. Муваффақиятга эришган деярли барча нотиқлар ана шу усулдан фойдаланишган.*

*4. Масалани мустақил равишда, атрофлича ўйлаб олганингиздан кейин кутубхонага бориб, агар вақт етарли бўлса, шу мавзуга доир адабиётларни ўқиб чиқинг. Сизга нима зарур бўлса, кутубхоначига айтинг. У сизга катта ёрдам бериши мумкин.*

*5. Сиз фойдаланиш учун мўлжалланганидан кўпроқ маълумот йиғишга ҳаракат қилинг. Лютер Бербанкка тақлид қилинг. У бир ёки икки сифатли ўсимлик навини танлаб олиш учун миллионта экин экиб кўрган. Юзта фикрни танланг-у, шулардан тўқсонтасини ташлаб юборинг.*

*6. Захирадаги билимларни яратинг, яъни фойдаланишингиз мумкин бўлган маълумотдан кўра кўпроқ тўпланг, кенгроқ ахборотлар ҳажмига эга бўлинг. Маъруза ўқишга тайёргарлик кўрар экансиз, Артур Данн ҳамда Ида Тарбел усулларидан фойдаланинг.*

*Учинчи бўлим*

## МАШҲУР НОТИҚЛАР МАЪРУЗАГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНИШГАН?

Бир куни мен Нью-Йоркдаги "Ротари" клубидаги нонуштада иштирок этдим. Унда таниқли давлат арбоби асосий нотиқ эди. Бу инсон эгаллаган юқори мартаба обрў-эътиборини кўтарган, биз унинг бўлажак нутқидан келиб чиқадиган қониқишни олдиндан сезиб, завқланиб ўтирардик. У ўзи бошқараётган муассаса фаолияти тўғрисида сўзлаб

беришни ваъда қилди, бу эса ҳар қандай Нью-йорклик ишбилармонни қизиқтириши турган гап эди.

Нотиқ ўз фанини аъло даражада эгаллаб, ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлганидан ҳам ортиқ билар, аммо нутқ матнини тайёрламаган, зарурий маълумотни танлаб олмаган, уни тартибга солмаган, бир тизимга келтирмаган эди. Шунга қарамай, у дадиллик билан, тажрибасиз кишиларга хос тарзда ялтироқ сўзлар гирдобига ўзини ташлади. У қаерга боришини билар, аммо барибир орқа-ўнгига асло қарамас эди.

Қисқа қилиб айтганда, унинг калласида аралаш-қуралаш нарсалар қалашиб ётар, шунингдек, бизни нима биландир зиёфатга тортгандай кўрсатарди. У даставвал музқаймоқ билан сийлади, сўнг шўрва берди, кейин балиқ ва ёнғоқлар тортилди, ниҳоят охирида шўрва қуйқасига ўхшаган бир бало, яна музқаймоқ ва дудланган селёдка балиғи берди. Мен ҳеч қачон, ҳеч қаерда бунчалик ўзини йўқотиб эсанкираган нотиқни кўрмаган эдим.

Даставвал у тайёргарликсиз гапиришга уриниб кўрди, сўнг мушкул аҳволга тушгани учун чўнтагидан бир даста ёзилган қоғозларни чиқарди ва, буларни котиба тайёрлаб берган эди, деб иқрор бўлди. Ишнинг аҳволи ҳам айнан шундай эди, чамамда. Бу ёзувларда бирор тартиб йўқ, мисоли платформадаги темир ломга ўхшар эди. Нотиқ асабий ҳолатда уларни варақлаб кўрар, гоҳ унисини танлар, гоҳ бунисини кўздан кечирар, гоҳ бошқа варақни қўлига олар, уларни тартибга солишга уринар ва чигалликдан чиқиб кетмоқчи бўлар, қулай ҳолда гапиришга ҳаракат қилар, аммо барибир асло уддасидан чиқа олмасди. Кейин кечирим сўраб, сув беришларини илтимос қилди. Қалтираётган қўли билан стаканни олди, тағин бир-бирига боғланмаган бир неча ибораларни айтди-ю, такрорлашга ўтди, сўнг яна ёзув битилган қоғозларни титкилай бошлади... Ҳар бир дақиқада у ёрдамдан маҳрум бўлиб, тобора умидсизликка тушарди. Пешанаси тер билан қопланди, рўмолча билан артар экан, қўллари қалтиради. Биз ҳаммамиз унинг мағлубиятини кузатиб ўтирар эдик, раҳмимиз келиб, унинг учун қийналардик. Шу билан бирга биз кучли равишда унинг учун саросималикни ҳис этдик. Шунга қарамай, нотиқ қайсарлик

билан сўзлашда давом этарди. Чалкашликдан қутилишга ҳаракат қилар, ёзувларга шўнғиб, кечирим сурар, сув беришларини илтимос қиларди.

Унинг ўзидан бошқа ҳамма англадики, бу томоша зудлик билан тўла-тўкис ҳалокатга яқинлашди ва у ниҳоят ўтириб, ўзининг самарасиз хатти-ҳаракатларига нуқта қўйгач, барча енгил нафас олди. Мен ҳеч қачон бу қадар ўнғайсиз ҳолатга тушган тингловчиларни ва шунчалик хижолат ва камситилишга дуч келган нотиқни кўрмаган эдим. У ўз нутқини, худди Руссо айтганидек, севги-муҳаббат мактубларини ёзиш керакдай бошлади, аммо нима дейишни билмас, нима ёзганини тушунмай тугатган эди.

Бу ҳикоядан келиб чиқадиган сабоқ, Герберт Спенсер сўзлари билан айтганда, шундай: *"Агар инсоннинг билимлари тартибга солинмаган бўлса, у қанчалик кўп билмасин, фикрларида шунчалик кўп чалкашлик рўй беради"*.

Соғлом фикр юритадиган ҳар қандай киши лойиҳага эга бўлмасдан олдин иморат қуришни бошламайди, албатта. Ахир ҳеч бўлмаганда ўз тезисларининг тахминий режасига эга бўлмай туриб, нутқини қандай бошласин?

Кўпчилик ҳузурига чиқиб, маъруза ўқиш, бу — муайян мақсад ва бу маршрут ҳам харитага тушмоғи керак. Қай томон йўл олганини билмаган киши одатда адашиб қолади.

Нотиқлик санъатини ўрганувчи кишилар тўпланадиган ер шаридаги барча хоналар эшигига бир фут келадиган ёрқин ҳарфлар билан Наполеоннинг қуйидаги сўзларини ёзиб қўйишни жон-жон деб истардим: *"Уруш санъати, бу — фан, ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинмаса ва пухта ўйланмаса, муваффақият қозониб бўлмайди"*. Бу ҳаракатлар билан бирга кўпчилик олдига чиқиб сўзланадиган маърузаларга ҳам алоқадордир. Аммо буни нотиқлар тушунармикан, агар тушунишса, улар ҳамиша шундай ҳаракат қилишармикан? Кўпгина маърузаларда на тизим, на тартиб бор, улар ирланд рагуси *(жаркоп)* солинган косадан ҳам бадтар.

Муайян фикрлар уйғунлигини қай тарзда тартибга солиш самарали бўлади? Улар билан танишмасдан туриб, бирор киши буни айта олмайди. Бу муаммо ҳамиша янги, бу абадий масала. Бу саволни ҳар бир нотиқ ўз-ўзига бермоғи керак ва унга қайта-қайта жавоб қайтармоғи лозим. Қан-

дайдир шубҳага ўрин қолдирмайдиган қоидаларни илова қилиш шарт эмас, аммо биз ҳаммамиз тартибга солиш нима эканлигини аниқ мисолларда кўрсатмоғимиз лозим.

## Мукофотга сазовор бўлган нутқ қандай тузилган эди?

Қуйида кўчмас мулк миллий уюшмаси йиғилишларидан бирида кўп йиллар муқалдам ўқилган бир нутқ матни келтирилади. У турли шаҳарларда ўқилган йигирма еттита маъруза орасидаги мусобақада биринчи мукофотга сазовор бўлган, ҳозир ҳам айнан шундай мукофотни қўлга киритган бўлар эди. Мазкур нутқ ажойиб тузилган, далиллар билан бойитилган, равшан, жонли ва қизиқарли баён этилган. У жуда жўшқин бўлиб, ўқиш ва ўрганишга арзийди.

*"Жаноб раис, дўстлар!*

*Бир юз қирқ тўрт йил муқаддам менинг она шаҳрим — Филадельфияда буюк мамлакатимиз, Америка Қўшма Штатларига асос солинган эди. Шунинг учун тарихий ўтмишга эга бўлган, кучли америкача руҳ уни фақат буюк саноат марказига эмас, шу билан бирга дунёдаги энг йирик ва чиройли шаҳардан бирига айлантиргани мутлақо табиийдир.*

*Филадельфия икки миллионга яқин аҳолига эга; шаҳар ҳудуди Милуки ва Бостон, Париж ва Берлин бирга олинса, шунча ҳудудга тенгдир. Ҳудудимизнинг 130 квадрат милидан 8 минг акрга яқинини биз чиройли парк, сквер ва хиёбонлар учун ажратганмиз, токи аҳолимиз етарлича дам олсин, кўнгилхушлик қилсин, шундай атроф-муҳитни яратдикки, ҳар бир америкаликка бу маъқул келади.*

*Дўстларим! Филадельфия катта, озода ва чиройли шаҳаргина бўлиб қолмай, у ҳамма жойда дунёнинг буюк устахонаси сифатида машҳурдир, уни шу боис ҳам шундай аташадики, биз 400 минг киши банд бўлган 9200 та саноат корхонасига эгамиз, уларда ҳар бир иш дақиқасига 100 минг долларлик зарурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бир таниқли статистнинг сўзлари билан айтганда, бизнинг Филадельфия билан жун, тери маҳсулотлари, трикотаж, дастгоҳлар, аккумуляторлар, пўлат кемалар ва кўпгина бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакати-*

*мизнинг бирорта шаҳри тенглаша олмайди. Биз ҳар икки соатда, кечаю кундуз паровоз ишлаб чиқарамиз, шонли мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортиғи Филадельфия шаҳрида қурилган трамвайларда юради. Биз бир дақиқада мингта сигара ишлаб чиқарамиз, ўтган йили биздаги 115 та трикотаж фабрикасида ҳар бир эркак, ҳар бир аёл ва ҳар бир бола учун икки жуфтдан пайпоқ маҳсулотлари тайёрланган. Биз Буюк Британия, Ирландияни қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўп гилам ишлаб чиқарамиз, савдо-сотиқ ва саноатдаги фаолиятимиз шу даражада кенгки, ўтган йили банкларимизни ўзаро олди-берди, ҳисоб-китоблари ўттиз етти миллиард долларни ташкил этган, бунга мамлакатдаги озодликнинг барча заём облигацияларини сотиб олиш мумкин эди.*

*Шу билан бирга, дўстлар, биз саноатимизнинг шундай мисли кўрилмаган муваффақиятлари билан фахрланса-да, шаҳримиз тиббиёт, санъат ва таълим соҳасида мамлакатимизда йирик марказлардан бири ҳисобланади. Биз яна бир нарса билан ниҳоятда фахрланамиз, у ҳам бўлса, Филадельфияда дунёнинг бошқа ҳар қандай шаҳридан кўп шахсий уйлар бор. Филадельфияда 397.000 уйга эгамиз, агар мазкур уйларни йигирма футли участкаларга бир қатор қилиб қўйгудек бўлсак, унда бу қатор Филадельфиядан Канзас-Ситидаги съездлар зали орқали, яъни биз турган жойдан Денверга қадар чўзилиб кетар, яъни 1881 милни ташкил қиларди.*

*Аммо мен асосий диққатингизни яна муҳим бир нарсага жалб этмоқчиман, яъни бу уйлардан ўн мингтаси шаҳримиз меҳнаткашларига қарашли ва улар шу уйларда истиқомат қиладилар, инсонга яшаш учун ер берилса, у бошпанага эга бўлса, у ҳолда ҳеч қандай импорт ва сиёсий касалликлар унга зарар етказа олмайди.*

*Филадельфия европача бошбошдоқлик учун мос келувчи ҳеч қандай манба бўла олмайди, чунки бизнинг уйларимиз, ўқув юртларимиз ва улкан саноатимиз энг теран америкача руҳ билан бунёд этилган, бу руҳ бизнинг шаҳарда ва аждодларимиз меросига хизмат қилади. Бу шаҳарда Американинг биринчи байроғи тайёрланган; АҚШнинг илк конгресси шу шаҳарда мажлис ўтказган, бу ша-*

*ҳарда Мустақиллик Декларацияси имзоланган; бунда озодлик қўнғироғи жойлашган, у Американинг энг муқаддас ёдгорлигидир. У ўн минглаб эркак, аёлларимиз ва болаларимизни руҳлантириб туради. Шу сабабли биз муқаддас вазифани адо этяпмиз, деб ҳисоблаймиз, у олтин таначага сажда этиш бўлмасдан, балки америкача руҳни ёйиш ва озодлик машъаласини сақлашни ўз ичига олади, токи яратганнинг иноят, Вашингтон ҳукумати, Линкольн ҳамда Теодор Рузвельтнинг руҳи бутун имкониятни руҳлантириб турсин".*

Келинг, ушбу нутқни таҳлил қилиб кўрайлик. У қандай тузилган, нима учун одамларда таассурот уйғотган? Ҳаммадан бурун унда кириш ва хотима бор. Бундай афзаллик жуда кам учрайди, сиз ҳам балки буни ўйлашга мойиллик кўрсатарсиз? У мисоли ёввойи ғозлар галаси парвоз қилгандек бошланади ва олдинга қараб ҳаракатланади. Унда бирор ортиқча сўз йўқ, нотиқ вақтини асло беҳуда сарфламайди.

Унда тозалик, ўзига хослик бор. Нотиқ унда гапни ўз шаҳри ҳақида гапиришдан бошлайди, бошқа нотиқлар ўз шаҳарлари тўғрисида бундай гапира олмас эдилар, эҳтимол; у эса шаҳри бутун мамлакат бешиги эканлигини кўрсата олган.

У бу шаҳар дунёдаги шаҳарлар орасида энг йириги ва чиройлиси деб айтади. Балки бу фикр умумий гап, бемаъниликдай туюлиши мумкиндир. У ўз-ўзидан унчалик таассурот қолдирмас ҳам эди. Нотиқ буни жуда яхши англаган, шу сабабли тингловчиларга Филадельфиянинг аниқ ўлчамларини равшан тасаввур этишлари учун уни *"Бостон, Митлуоки, Париж ва Берлинни биргаликда олганда, уларнинг ҳудудларига тенг келади"*, деб айтади. Бу ниҳоятда аниқ таърифдир. Шу билан қизиқарли. Бу қойил қолдиради. Эсда қолади. Бу статистик маълумотларнинг тўлиқ саҳифасига нисбатан тафаккурни мияга тезроқ етказади.

Сўнг нотиқ Филадельфия *"ҳамма жойга дунё устахонаси сифатида машҳур"*, дейди. Худди лофга ўхшайди, шундай эмасми? Худди тарғиботга ўхшайди. Агар у ҳозир навбатдаги бандга ўтганида, ҳеч кимни ишонтира олмас эди. Аммо у бундай қилмади. У маҳсулотларни санаб ўтди, уларни

ишлаб чиқариш бўйича Филадельфия дунёда биринчи ўринни эгаллагани тўғрисида тўхталди. Булар жун, чарм маҳсулотлари, трикотаж, тўқимачилик саноати моллари, фетр *(аъло навли наъматсимон мато)* шляпалар, бириктирувчи маҳсулотлар, дастгоҳлар, аккумуляторлар, пўлат кемалардир.

Булар тарғиботга мутлақо ўхшамайди, шундай эмасми-а? *"Филадельфия ҳар икки соатда, кечаю кундуз паровоз ишлаб чиқаради ва буюк мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи Филадельфия шаҳрида қуриб битказилган трамвайларда юришади".*

*"Мен эса буларни билмас эканман,* — деб ўйлайди тингловчи. — *Балки, мен бутун худди шундай трамвайга тушгандирман. Эртага менинг шаҳрим трамвайни қаердан сотиб олишини билиб олишим керак".*

*"Бир дақиқада минғта сигара,* — деб давом эттиради нутқини нотиқ, — *... мамлакатимиздаги ҳар бир эркак, ҳар бир аёл ва ҳар бир бола учун икки жуфтдан пайпоқ маҳсулотлари..."*

Булар янада кўпроқ таассурот қолдиради. *"Балки менинг ҳам яхши кўрган сигарам Филадельфияда чиқарилар... кийган пайпоқларим ҳам..."*

Нотиқ энди нима қилади? У Филадельфиянинг катталиги ҳақида аввал тилга олинган масалага қайтадими ёки эсидан чиққан далилларни мисол қилиб келтирадими? Асло ундай эмас. У бир мавзу доирасида гапиради, токи у ҳақда гапни тугатмасдан яна унга нега қайтар экан? Бунинг учун сиздан миннатдормиз, жаноб нотиқ. Акс ҳолда тингловчининг мияси бутунлай гангиб қолар, калласида тўлиқ чигаллик юзага келар эди, ахир маърузачи бир масаладан иккинчисига сакраб ўтар ва яна унга қайтарди, у худди тунги кўршапалакка ўхшар эди-да. Аммо кўпгина нотиқлар худди шундай иш тутадилар. Улар масалани тартиб билан 1, 2, 3, 4, 5 тарзида ўртага қўйиш ўрнига худди футбол жамоаси сардори рақамларни 27, 34, 19, 2 деб қичқириб тилга олишганга ўхшайди. Уларнинг хатти-ҳаракати, ҳатто булардан ҳам баттар. Уларнинг тартиби қуйидагича: 27, 34, 27, 19, 2, 34, 19.

Бизнинг нотиқ тўғрига қараб юрди, вақтига таянди, тутилмади, ортга қайтмади, ўнг, чап томонга мутлақо қийшаймади, худди ўзи эслатган паровоз каби юрди.

Мана у ўз нутқининг энг заиф жойига келди:

*"Филадельфия, — дейди у, — тиббиёт, санъат ва таълимнинг мамлакатимиздаги энг йирик марказларидан биридир"*. У буни тантанали равишда эълон қилади ва шу заҳоти бошқа гапга ўтиб кетади. Бор-йўғи бир неча сўз бу фикрни жонлантириш, уни равшан тарзда хотирада сақланиши учун айтилган. Ҳаммаси бўлиб бир неча сўз битта иборага жойлаштирилган. Бу ярамайди, сўзсиз, ярамайди. Инсон онги бундай пўлат қопқонга асло чидаш беролмайди. Нотиқ бу масалага шунчалик кам вақт ажратганки, шу қадар умумий, ноаниқ гапирганки, бунга ўзи ҳам қизиқмаган, деб ўйлайсиз. Унинг тингловчига қолдирадиган таассуроти деярли нолга тенг. Нима қилиши керак эди? У бу мавзуни янада давом эттириши, Филадельфияни бутун дунё устахонаси деб кўрсатган, ҳозиргина қўллаган усулидан фойдаланиши мумкин эди, буни тушунарди. Аммо у мусобақа кетаётганини, хронометр туширилганини, унинг ихтиёрида беш дақиқа вақт қолгани, бирор сония ҳам берилмаслигини ҳам яхши биларди. Шу сабабли унга у ёки бу масалани шунчаки тилга олиб ўтиш қолганди, холос.

Филадельфияда *"дунёдаги шаҳарларнинг ҳар биридан кўра, кўпроқ шахсий уйлар бор"*. Нотиқ бу фикри тингловчида таассурот уйғотиши, ишонарли бўлиши учун нима қилди? Биринчидан, у рақамни тилга олди: 397.000. Иккинчидан, бу рақамларга аниқлик берди: *"Агар бу уйларни йигирма беш футлик жойга бир қатордан тизиб чиқилса, Филадельфиядан биз турган Канзас-Сити съездлар залидан Денвергача чўзилар эди, яъни 1881 милга қадар"*.

Тингловчилар, эҳтимол, у тилга олган рақамни айтилган заҳоти эсларидан чиқаришгандир? Аммо улар учун чизиб берилган суратни унутадиларми? Бу деярли мумкин эмас.

Мана, совуққон, моддийликдан иборат далиллар қандай бўлади? Аммо уларни жимжимадорлик анчагина очиб юборади. Бу нотиқ кўтаринкилик яратишга уринди, юракка "жиз" этиб тегиб, ҳис-туйғуни уйғотиб юборди. Мана, у хотимада ҳиссиёт қўзғатувчи масалани тилга олади. Бу уйларга эга бўлиш шаҳар аҳолиси учун нимани англатади, дейди. У Филадельфия америкача озодликнинг ҳақиқий манбаси, деб хитоб қилади. Озодлик! Сеҳрли сўзлар, бу сўзлар ҳис-туйғуга тўлиб-тошган, унинг учун миллионлаб

одамлар ўз ҳаётларини қурбон қилганлар. Бу иборалар ўз-ўзича яхши, албатта, аммо нотиқ уни аниқ тарихий воқеалар ҳамда тингловчилар учун муқаддас, қутлуғ саналган ҳужжатлар билан яна мустаҳкамлагани учун у минг карра яхшироқ кўринади.

*"Бу шаҳарда Американинг биринчи байроғи тайёрланган; бу ерда Қўшма Штатларнинг илк конгресси мажлис ўтказган. Бу шаҳарда мустақиллик декларацияси имзоланган... озодлик қўнғироғи... руҳ берди... муқаддас вазифани адо этамиз... у ўзида америкача руҳни тарқатиш, ёйиш, озодлик, ёркин гулханини сақлаш, Яратганнинг иноят ила ҳамда Вашингтон, Линкольн ва Теодор Рузвельт ҳукумати бутун инсониятнинг илҳомчиси бўлиши мумкин эди"*. Бу нутқнинг ҳақиқий авж нуқтасидир!

Нутқнинг тузилиши ана шулардан иборат. Аммо нутқ композиция нуқтаи назаридан қанчалик яхши бўлмасин, агар у бепарво, ҳис-ҳаяжонсиз, ланж тарзда ўқилса, муваффақиятсиз бўлиши ҳамда ҳеч қандай таассурот уйғотмаслиги мумкин. Аммо нотиқ уни қандай тузган бўлса, худди шундай ҳиссиёт билан, кўтаринкилик ва чуқур самимият билан ўқиди. Шунинг учун унинг биринчи ўринга сазовор бўлганига ҳамда Чикаго кубоги берилганига ажабланмаслик керак.

## Доктор Конуэлл ўз нутқини қай тарзда тузарди?

Мен илгари айтганимдек, нутқни жуда яхши тузишни ҳал этишга доир масалани еча оладиган хатосиз қоидалар асло мавжуд бўлмайди, албатта. Барча нутқларга ёки уларнинг кўпчилигига мос келадиган чизмалар, тизим ва қолиплар йўқ. Шу билан бирга бир неча режалар борки, уларни айрим ҳолларда татбиқ этиш мумкин. Марҳум доктор, "Олмослар акри" номли машҳур китоб муаллифи Рассел Х.Конуэлл бир куни менга ўзининг сон-саноқсиз маърузаларини қуйидаги тамойиллар асосида тузганини айтган эди:

1. Далилларни баён этиш
2. Ундан келиб чиқадиган мулоҳазаларни сўзлаш.
3. Ҳаракат қилишга чақириқ.

Кўпчилик бундай режани мақсадга мувофиқ ва илҳомлантирувчи деб ҳисоблайди:

1. Бир нечта ёмон ҳолатларни намойиш этиш.
2. Бундай иллатларни тузатиш йўлларини кўрсатиш.
3. Ҳамкорлик ҳақида сўраш.

Ёки буни бошқача шаклда ҳам ўртага ташлаш мумкин:

1. Тузатиш зарур бўлган аҳвол мана шундай.
2. Буни тузатиш учун мана буни, уни қилиш керак.
3. Сиз, ана шу, фалон-фалон сабабларга кўра ёрдам беришингиз керак.

Бошқа нутқнинг режасини ҳам тавсия этишга эришиш:

1. Қизиқиш ва эътиборни жалб этишга эришиш.
2. Ишонч қозониш.
3. Далилларни баён этиш, тингловчиларга таклифлар ўринли эканлигини тушунтириб бериш.
4. Одамларни ҳаракатга ундовчи ишонарли важларни келтириш.

Машҳур кишилар ўз нутқларини қандай тузар эдилар

Собиқ сенатор Альберт Ж.Бевериж кичкина, аммо ниҳоятда фойдали "Омма олдида сўзга чиқиш санъати" номли китоб ёзган эди. *"Нотиқ мавзуни ўзлаштирган бўлиши керак,* — деб ёзади хизмат кўрсатган сиёсий арбоб. — *Бу шуни англатадики, барча далиллар йиғилган тизимга солинган, ўрганилган, пишитилган бўлмоғи лозим, шу билан бирга улар бир томонлама эмас, балки бошқа томондан ҳам, шунингдек, ҳамма томондан ёритилмоғи зарур. Бу далиллар аниқ эканлигига, у шунчаки тахмин ёки тасдиғини топмаган фикр эмаслигига ишонч ҳосил қилинган бўлиши керак. Ҳеч нарсага ишонманг.*

Альберт Ж.Бевериж

*Шунинг учун барча маълумотларни текшириб кўриш ва аниқлаш жоиз. Бу сўзсиз равишда қунт билан тадқиқот ишларини ўтказиш заруратини англатади, нимадан нима келиб чиқишини билдиради. Ёки сиз ахборот беришни*

Вудро Вильсон

*мўлжалламаяпсизми, ўз фуқароларингизга ўргатиш, уларга маслаҳатлар беришга тайёр эмасмисиз? Сиз обрў-эътибор қозонишни хоҳлайсизми?*

*У ёки бу масала бўйича далилларни йиғиб ва улар устида фикр юритиб, ўзингиз учун улар қандай хулосага ундашини ҳал қилинг. Ана шунда нутқингиз ўзига хослик ва таъсир кучига эга бўлади — у жуда бақувват ва ҳаддан зиёд ишонарлилик бахш этади. Унда сизнинг шахсиятингиз намоён бўлади. Сўнгра ўз фикрларингизни ёзма равишда иложи борича очиқ ва мантиқий тарзда баён этинг.*

*Бошқача айтганда, ҳолатни ҳар томонлама акс эттирадиган далилларни танлаб, сўнгра бу далилларни равшан ва аниқ акс эттирувчи хулоса топинг".*

Вудро Вильсондан унинг услублари тўғрисида сўрашганида, у шундай деб жавоб берган:

*— Мен нутқни ишни ёритиб беришга мўлжалланган масалалар рўйхатидан тайёрлашдан бошлайман, уни тафаккур чиғиригидан ўтказаман, уларнинг табиий равишда бир-бири билан боғланганини қайта-қайта кўриб чиқаман, ана шу тарзда маърузанинг ўзаги юзага келади. Сўнг уни стенографик йўл билан ёзиб оламан. Мен ҳамиша стенографик тарзда ёзишга ўрганганман, бу анча вақтни тежайди. Сўнгра машинкада бу матнни қайта кўчираман, ибораларни алмаштираман, бўғинларни тўғирлайман ва иш давомида уни маълумот билан тўлдириб бораман.*

Теодор Рузвельт ўз маърузаларини ўзига хос рузвельтона ёндашиб тайёрлаш жараёнида барча далилларни териб олар, уларни ўрганар, баҳолар, аҳамияти, қимматини аниқлар, сўнг хулосалар эди — буни мустаҳкам ишонч билан якунига етказарди.

Кейин ёзувлар билан тўла ён дафтарчани қўйиб, айтиб туриб ёздирарди. У ўз нутқларини жуда тез ёздирар, чунки маъруза тўғридан-тўғри, тугал ва жонли бўлиши лозим эди.

Сўнгра у машинкада кўчирилган матнни ўқиб чиқар, айрим жойларини тўғрилар, қўшимчалар қўшар, нимани-

дир чизиб ташлар, кўпдан-кўп қалам билан иловаларни ёзиб қўйиб, яна бир бор айтиб туриб ёздирарди. *"Мен ҳеч қачон,* — дейди у, — *кунт билан тер тўкмаганимда, барча ақлий қобилиятларимни тўла ишга солмаганимда, мунтазам шуғулланмаганим ва узоқ вақт олдиндан тайёргарлик кўрмаганимда, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмас эдим".*

У кўпгина танқидчиларни таклиф қилиб, қандай айтиб ёздиргани, ўз нутқлари матнини овоз чиқариб ўқиб бериб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини сўрар эди. Айтганлари тўғри эканлиги ҳақида улар билан муҳокама юритишдан бош тортарди. Ўша пайтларда унинг қарори қабул қилинар, сўзсиз амалга ошарди. У нима гапиргани эмас, балки қандай гапириши кераклиги тўғрисида маслаҳатлар беришларини сўрар эди. Машинкада кўчирилган варақларни қайта-қайта ўқиб чиқиб, тўғрилаб, тузатар эди. Унинг газеталарда чоп этилган мақолалар матни ана шундай тахминда бўлган. Шубҳасиз, Рузвельт уларни ёдлагани йўқ. У сўзга чиққанида, тайёргарлик кўрмасдан ҳам маъруза ўқиб юборар, унинг оғзаки нутқлари ҳам фарқ қилар эди. Шу билан бирга айтиб туриб ёздиргани ва тузаттанлари ажойиб тарзда қилинган меҳнат натижаси эди. Ана шулар туфайли у маълумотни ҳамда уни батафсил баён этиш сирларини ниҳоятда яхши ўзлаштириб олганди. Буларнинг бари унинг нутқларига равонлик, ўткирлик бағишлар, ўзига нисбатан ишончни оширарди, ана шуларнинг ҳаммасига бошқача йўл билан эришиш мумкин эдими?

Англиялик физик сэр Оливер Лож менга айттан эдики, маърузаларининг матнини айта туриб *(дастлаб асосий тезисларни айтиб туриб ёздирар, сўнг уларни пишитиб, ниҳоят тингловчиларга аниқ кўринишга келтирар эди)* у тайёргарлик ҳамда машқ бажаришнинг ибратли усулини топган эди.

Нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлган аксарият кишилар ўз маърузаларини магнитофон тасмасига ёзиб олиб, сўнг ўзларини эшитиш орқали намуна олса арзийдиган йўл деб биладилар. Бундан сабоқ олса бўладими? Ҳа, фойдаланса бўлади, аммо ёзувни эшитиш зерикарли бўлиб қолиши мумкин, ана шундан қўрқаман. Шу билан бирга бу жуда фойдали машқ бўлиб, уни сизларга тавсия этаман.

Олдиндан ёзиш услуби шуки, айтмоқчи бўлган фикрларингиз сизни ўйлашга мажбур этади. Бу фикр-ўйларингизга равшанлик бағишлаб, уларни хотирангизда мустаҳкамлайди, тафаккурингизга оз бўлса-да, изчиллик олиб келади.

Бенжамин Франклин ўз "Таржимаи ҳоли"да услубини қандай яхшилагани, сўзларни танлашда қандай қилиб енгилликни таъминлагани, ўз фикрларини тартибга солганини ҳикоя қилади. Унинг таржимаи ҳоли мисоли классик адабий асарга ўхшайди, фақат классик асарларга қарама-қарши ўлароқ у жуда енгил ва катта қизиқиш билан ўқилади. Уни инглиз тилининг оддий ва равшан намунаси деб ҳисоблаш мумкин. Нотиқ ва адабиётчи бўлишни хоҳловчи ҳар бир киши уни самарали ва қаноат ҳосил қилган ҳолда ўқиб чиқади. Мен қуйида келтирган парча ҳам сизга маъқул келади, деб ўйлайман:

*"Тахминан шу пайтда менинг қўлимга "Томошабин" (жур-нал)нинг чала жилди тушиб қолди. Бу учинчи жилд эди. Шу пайтгача мен мазкур нашрнинг бирортаям сонини кўрмаган эдим. Уни сотиб олдим, бир неча марта бошдан-оёқ ўқиб чиқдим ва ниҳоятда таъсирландим. "Томошабин-"нинг услуби тенги йўқ бўлиб туюлди, шунда мен унга иложи борича тақлид қилиш керак, деган қарорга келдим. Шу мақсадда айрим очеркларни олдим ва ҳар бир иборанинг маъносини қисқача ёзиб, кейин уларни бир чеккага ташлаб қўйдим бир неча кунга, сўнгра китобга қарамай, ҳар бир иборанинг мазмунини худди шундай тўла ва батафсил, матнни аслдагига кўра тиклашга ҳаракат қилдим, бунинг учун ўзимга маъқул келган ибораларга ўрин бердим. Шундан сўнг ўзим тиклаган "Томошабин"ни аслияти билан таққосладим, бир неча хатоларимни топдим ва уларни тузатдим. Аммо менга сўз захираси ёки уни ўрнида қўллай олиш малакаси етишмадими; ҳар ҳолда, ниҳоят агар мен шеър ёзишни давом эттирсам, буни эгаллаш мумкин, деб фараз қилдим; ахир доимо сўз ахтариш бир хил бўлиб, аммо турли ҳажмда, улар мос келиши ёки қофия учун турли тарзда жаранглаши мени изланишга мажбур этар эди. Шу билан бирга бу барча турфа сўзлар онгимда "михланиб" қолар, мен улар устидан ҳужа-йин бўлардим. Шунда "То-*

*мошабин"да чоп этилган бир неч-та воқеани олиб, уларни шеърга солдим; шунда мен насрий аслиятни қандай йўқотдим, билмайман, яна уларни насрда қайта ишлашга тутиндим.*

*Баъзан тартибсизлик ичида ўз конспект ёзувларимни аралаштириб юборгандим, бир неча ҳафтадан сўнг тугалланган иборалар ва очеркларни охирига қадар ёзишдан кўра уларни энг аъло тарзда жойлаштиришга ҳаракат қилардим. Булар мени тартибли равишда тафаккур юритишга ўргатиши лозим эди. Сўнгра ўзимнинг сочмаларимни аслият билан солиштириб, жуда кўп хатолар топдим ва уларни тузатдим; баъзан ўзимни умид билан юпантирдим, чунки айрим арзимас тафсилотларда баён этиш ёки тилни яхшилашга эришдим ва бу мени ўйлашга мажбур қилди, вақтсоати келиб, мен дурустгина ёзувчи бўлишим мумкин, ахир шунга ҳамма жиҳатдан интилдим-да".*

## Ёзувларингиздан фол очинг

Ўтган бобда сизга ёзиб бориш тавсия қилинган эди. Қоғоз парчаларига турли фикрлар, мисоллар қайд этинг, уларни хулди қартага қараб фол очгандай ёйиб қўйинг. Бунинг натижаси ўлароқ айрим масалаларга доир бир неча тахламли қутичалар ҳосил бўлади. Бу қутичалар тахминан сизнинг асосий маърузаларингизнинг муҳим мавзуларини ўзида қамраб олади. Сўнгра ҳар бир қутичани бир неча карра кичикроқларига ажратинг. Токи сизда фақат саралланган буғдой дони каби мағзи қолгунча, тўпонларини ташлаб юборинг, ҳатто бир қисм донни ҳам бир чеккага, фойданилмагани учун қўйишга тўғри келар, эҳтимол. Бирор одам ҳам сўзга чиққанида, йиғилган маълумотларни юқори фоизда фойдаланиш қурби тўлиқ етавермайди.

Нутқ сўзланмасдан туриб, уни қайта-кўриб чиқиш ва уни танлаб олиш жараёнини асло тўхтатмаслик керак, ҳатто шундан кейин ҳам тўла-тўкис равишда уни тузатиш, тўлдириб бориш, сифатини ошириш, қўшимча ҳолда ишлов бериш лозим, буларни албатта қилишга тўғри келади.

Ўз маърузасини тугата туриб, яъни нотиқ нутқи тўрт муқобилдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилади: у тай-

ёрлаган матн, у сўзлаган нутқ шаклидаги нусхаси, у газетага жойлаштирган муқобили ва уйга томон йўл олганида, унга ўқиш учун тавсия этилган яна бир муқобили.

## Маъруза ўқилаётганда ёзувлардан фойдаланиш керакми?

Линкольн, гарчи тайёргарлик кўрмасдан, бадиҳа тарзида бемалол сўзлай олса ҳам, президентлик курсисини эгаллагач, ҳеч қачон, ҳатто расмий бўлмаган давраларда ҳам, ўз кабинети аъзолари ҳузурида ҳам олдиндан ҳозирлик кўрмасдан, пухта, қунт билан тайёрланган матнсиз асло сўзга чиқмаган. Ўз-ўзидан маълумки, у президент вазифасига киришиш пайтида нутқ сўзлаши лозим эди. Бундай таснифдаги тарихий ҳужжатларни аниқ ифода қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган, қандайдир тайёрланмай айтилган бадиҳага нисбатан. Аммо Иллинойсда Линкольн сўзга чиққан маҳалда, ҳатто ёзувдан ҳам мутлақо фойдаланмаган. *"Улар тингловчини ҳамиша толиқтиради ва безовта қилади"*, дер эди у.

Ким ҳам унга эътироз билдирарди? Қоғозга қараб ўқиш маърузага нисбатан қизиқишимизнинг деярли ярмини йўқотмайдими? Ҳатто у нотиқ билан тингловчи ўртасида мавжуд бўлиши лозим бўлган алоқани бузиб қўймайдими ёки буни қийинлаштирмайдими? У ғайритабиий муҳит яратмайдими? Нотиқ эгаллаши шарт бўлган билимлар захираси ҳамда ўзига нисбатан бўлган зўр ишончга кейин тингловчилар ишонмай қўймайдиларми?

Яна такрорлайман, ёзувлар қилсангиз, тайёргарлик кўраётганда, батафсил, кенгроқ шуғулланаверинг мазкур иш билан.

Майли, сиз ўз нутқингизни машқ қилаётганда, бу ишга мурожаат қилсангиз бўлади. Балки у чўнтагингизда турган бўлса, тингловчилар олдида ўзингизни яхши ҳис қиларсиз. Шу билан бирга, у пульман *(йўловчи ёки юк ташийдиган вагонларнинг бир тури)* вагони учун зарур бўлган болта, арра ва болғага ўхшайди, улар ишдан чиқишга яроқли асбоб-ускуналарки, улардан фақат поездлар тўқнашганида ёки ҳалокатга учраганда, ўлим, фалокат, таҳдид рўй берганида фойдаланиш мумкин.

Агар сизга ҳақиқатан ҳам шпаргалкага зарурат пайдо бўлса, майли, жуда қисқа бўлсин, уни катта вараққа йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйинг. Сўнг сўзга чиқадиган жойингизга эртароқ келиб, стол устида турган бирорта китоб орасига варақларингизни яширинг. Фақат зарурат бўлгандагина унга бир қараб қўйинг, аммо ўз заифлигингизни тингловчилардан яширишга ҳаракат қилинг.

Шу билан бирга юқорида айтилганларга қарамай, шундай ҳолатлар бўлиб қоладики, бу ёзувлардан онгли равишда фойдаланиш зарурати туғилади. Масалан, биринчи марта сўзга чиққан кишилар шунчалик ҳаяжонга тушиб, ўзларини йўқотиб қўядиларки, улар олдиндан тайёрланган нутқларини хотирасида сақлай олишмайди. Нима бўлади? Улар мавзудан бутунлай четлашиб кетадилар, пухта машқ қилинган материал эсларидан чиқади, яъни тўғри йўлдан оғиб кетиб, ботқоқликка ботиб қолади. Бундай кишиларга биринчи марта сўзга чиққанларида қўлларида бир нечта қисқагина ёзувлар бўлгани маъқул. Гўдак юришни эндигина ўрганаётган пайтда мебелга тирмашади, аммо бу ҳол узоқ давом этмайди.

## Мавзуни сўзма-сўз ёдламанг

Нутқни қоғозга қараб ўқиш ва уни сўзма-сўз ёдлашга ҳаракат қилмаслик керак. Бу жуда кўп вақтни олади ва ташвиш туғдиради. Аммо мазкур огоҳлантиришларга қарамай, ушбу сатрларни ўқиган айрим кишилар буни амалга оширишга уринадилар. Нима ҳам қилардик, улар гапира бошлаганларида, нимани ўйлашар экан? Ўз маърузаларининг мавзусиними? Йўқ, улар барча ибораларнинг аниқлигини, тўғри айтилишини эслашга уринадилар. Ёзилган матнда инсоний тафаккур жараёнининг оддийгина аксини айлантиришни ўйлашга ҳаракат қиладилар. Маъруза бутунлай зўрма-зўраки, совуқ, туссиз, унда ҳеч қандай инсонийлик мавжуд бўлмайди. Сизлардан илтимос қиламан, бундай беҳуда машғулотларга асло вақт ва куч сарфлаб ўтирманг.

Ахир сизда ишга доир муҳим суҳбат ўтказиш зарур бўлиб қолса, ўтириб, нима айтмоқчи бўлганингизни ёдлаб ўтир-

майсиз-ку! Албатта, йўқ. Сиз асосий фикрлар бутунлай аниқ бўлгунича масалани обдон ўйлаб турасиз. Балки бир неча ёзувлар қиларсиз ёки айрим ҳужжатларни кўриб чиқарсиз. Ўзингизга айтасиз: *"Мен мана бу таклифни ўртага ташлайман. Фалон-фалон сабабларга кўра, шундай-шундай қилиш керак, дейман"*. Шундан кейин ўз-ўзингизга даъволарни санайсиз ва уларни аниқ мисоллар билан намо-йиш этасиз. Ишга доир суҳбатга шу тарзда тайёрланмайсизми? Нима учун кўпчилик олдида ўқиладиган маърузани тайёрлашда худди шундай соғлом ақлга асосланган услубни қўллаш мумкин эмас?

## Генерал Грант Аппоматтокс қишлоғида

Ли Грант ёзма равишда таслим бўлиш шартларини тақдим этишни истаганини билдирган пайтда федерациянинг қуролли кучлари қўмондони генерал Паркерга мурожаат қилиб, ундан ёзиш учун керакли жиҳозлар бериб туришни сўради. *"Мен патқалам билан қоғозга эгилганимда,* — деб ёзади у ўзининг "Хотиралар"ида, — *гапни қайси сўздан бошлашни билмадим. Фақат назарда тутган нарсани билардим, уни равшан баён этишни ўйлар эдим, токи бирор тушунмовчилик рўй бермасин"*.

Генерал Грант, сизга қайси сўздан гапни бошлашни билиш сира керак эмасди. Сизда фикрлар мавжуд эди. Сизда ишонч бор эди. Сиз нима дейишни, айтганда ҳам сизда аниқ айтишдан бошқа гап йўқ эди. Шу сабабли, одатий сўзларингиз қоғозга ортиқча зўриқишларсиз тушди. Ана шундай ҳолат ҳар қандай кишида ҳам рўй беради. Агар бунга ишонмаётган бўлсангиз, инсонни оёғидан чалиб йиқитинг. У турган пайтида ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш учун сўз ахтариб ўтиришига ҳожат йўқлиги маълум бўлади.

Гораций бундан икки минг йил муқаддам ёзган эди:

*Ёзишга бел боғлашдан олдин тартибли фикрлашни ўрган!*
*Файласуф китоби сенга тўғри йўл кўрсатур,*
*Фикрларни ифодалаш эса ўз-ўзидан келур.*

Сиз фикрлар билан банд бўлганда, ўз нутқингизни бошдан-оёқ машқ қилинг. Буни жим турган ҳолда онгда чой қайнагунча, кўчада бора туриб, лифтни кутганда бажаринг.

Бўм-бўш хонага кириб, нутқингизни овоз чиқариб, турли ҳаракатлар билан, дадил, жонли тарзда ўқинг.

Кентерберилик руҳоний Нокс Литтл айтган эдики, ҳар қандай ваъз руҳоний уни беш марта овоз чиқариб ўқимагунча, ҳеч қачон тўлалигича қавмга етиб бормайди. Сиз уни бир неча бор машқ қилмасдан туриб, тингловчиларга етиб боради, деб қандай ҳисоблайсиз? Қачон амалиётдан ўтаётган бўлсангиз, рўпарамда тингловчилар турибди, деб тасаввур қилинг. Буни ўзингиз учун иложи борича, жонли деб тасаввур этинг, сўнг ҳақиқий тингловчилар олдида пайдо бўлганингизда, ўзингизга улар ҳузурида аллақачон сўзга чиққандай кўринасиз.

## Нима учун фермерлар Линкольнни "ҳаддан ортиқ дангаса" деб ўйлаган эдилар?

Агар сиз айнан шу тарзда нотиқлик санъати бўйича машқлар ўтказсангиз, аниқ равишда кўпгина машҳур нотиқларга эргашган бўласиз. Ллойд Жорж ўзининг она шаҳри Уэльсда мунозара жамиятининг аъзоси бўлган пайтида кўпинча далада юрар, қўлларини ҳаракатлантириб, дарахтлар, симёғочларга нутқ ўқиб, мурожаат қилар экан.

Линкольн ёшлик йилларида кўпинча машҳур нотиқ Брекенрижнинг нутқини тинглаш мақсадида ўттиз-қирқ мил пиёда йўл босарди. Шундан сўнг уйга ҳаяжонланган ва қатъият билан нотиқ бўлишга қарор қилиб қайтар эди. У атрофига даладаги батракларни йиғиб, сўнг тўнка устига чиқиб, нутқ ирод этар, ҳар хил воқеаларни сўзлаб берар эди. Уларнинг хўжайинлари ғазабга миниб, бу қишлоқ Цицерони — "ҳаддан зиёд дангаса"нинг ҳазил-ҳузули ва ҳикоялари ҳаммани ишдан қолдиряпти, деб гапирдилар.

Асквит Оксфорддаги мунозара клубининг фаол аъзоси бўлганидан кейин эмин-эркин гапиришни ўрганди. Кейинчалик у худди шундай усулда ўзининг клубини ташкил этди. Вудро Вильсон мунозара клубида гапиришни ўрганган эди. Генри Уорд Бичер ва буюк Берк ҳам худди шундай қилишди. Антуанетта Блекуэлл ва Люси Стоун ҳам шундай йўл тутишди. Элихью Рут Нью-Йоркнинг 23-кўчасидаги ёш йигитлар насронийлар уюшмаси қошида ташкил этил-

ган адабиёт жамиятида нотиқлик санъати бўйича машқлар ўтказди.

Машҳур нотиқларнинг ҳаёт йўли билан танишганда, сиз бир нарсани кўрасиз — уларнинг бари битта иш қилишган — машқлар ўтказишган. Бундай курс тингловчилари орасида энг кўп машқ ўтказгани кўпроқ муваффақият қозонган.

Бу ишлар учун сизда вақт етишмайдими? У ҳолда юрист ва дипломат Жозеф Чот каби йўл тутинг. У ишга кета туриб, эрталабки газетани олиб, у билан юзини тўсди, ҳеч ким халақит бермаслиги учун турли ғийбат ва воқеа-ҳодисаларни ўқиб ўтириш ўрнига ўзининг маърузаларини қайта ўйлаб чиқиб, режалаштирарди.

Чонси М.Депью иш билан ҳаддан зиёд банд, у темир йўл компанияси бошқарувининг бўлажак раиси ва АҚШ сенатори эди. Шунга қарамай, деярли ҳар оқшом нутқ сўзлар эди. *"Бу иш фаолиятимга халақит бермаслигига ҳаракат қилдим*, — дейди у. — *Барча маърузалар кечқурун ишдан қайтаётганимда тайёрланар эди"*.

Бизда ҳар куни бир неча соат вақт бўлади, уни хоҳлаган ишларга сарфлашимиз мумкин. Дарвин ишга кўп вақт сарф эта олмаган, чунки соғлиғи жойида эмасди. Йигирма тўрт соатдан уч соатни ақл билан фойдалангани уни машҳур шахсга айлантирди.

Теодор Рузвельт Оқ уйда бўлганида, унинг бир қисм вақти эрталабки беш дақиқалик ҳаддан ортиқ йиғилишларга сарф бўлар эди. Шу билан бирга у ўзи билан китоб тутиб, бу икки учрашув ўртасидаги сониялардан ҳам унумли фойдаланди.

Арнольд Беннет

Агар сиз ниҳоятда банд бўлиб, вақтингиз кам бўлса, Арнольд Беннетнинг "Бир кеча-кундузда қандай қилиб йигирма тўрт соат яшаш мумкин?" деган китобини ўқиб чиқинг. Уни ён чўнтагингизга солиб қўйинг ва бўш вақтларингизда мутолаа қилинг. Мен бу китобни икки кун ичида ўқиб чиқдим. У вақтни тежаш, кундан унумли фойдаланишни ўргатади.

Сиз танаффус қилиб, доимий ишингизни бошқа машғулот билан алмашти-

ришингиз керак. Ана шунда нотиқлик санъати бўйича машқлар ўтказмоқ лозим. Уйда ҳеч бир тайёргарликсиз оила аъзолари билан бадиҳа тарзидаги маърузаларни ўйланг.

## Қисқа хулосалар

*1. Наполеон айтган эдики, "уруш санъати, бу — фан, унда нимаики аниқ ҳисоб-китоб қилинган ва пухта ўйланган бўлса, шундан бошқаси асло зафар қозона олмайди". Кўпчилик олдига чиқиб, маъруза ўқиш ҳам ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўришдек гап. Сўзга чиқиш — бу саёҳатга ўхшайди, унинг йўналиши харитага албатта туширилиши керак. Қаёққа боришини билмаган нотиқ одатда адашиб қолади.*

*2. Фикрларни ташкил этиш, нутқларни тузишда бенуқсон, темир қонунлар бўлмайди. Ҳар бир сўзга чиқишда ўзига хос, ўзига мос муаммоларни яратади.*

*3. Нотиқ ўзи ёндашаётган масалани батафсил баён этмоғи керак, токи унга яна қайтмайдиган бўлсин. Кўргазма тарзида мукофотга сазовор бўлган Филадельфия ҳақидаги нутқни мисол келтириш мумкин. Бир масаладан иккинчисига сакраб ўтавермаслик керак, унга яна қайтиб, мурожаат этиш — мақсадсиз тўп ирғитиш, қоронғиликда кўршапалакнинг учишидек гап.*

*4. Марҳум доктор Конуэлл ўз маърузаларини қуйидаги режалар асосида тузган эди:*

*а) далилларни баён этиш;*

*б) ундан келиб чиқадиган мулоҳазаларни сўзлаш;*

*в) ҳаракат қилишга чақириқ.*

*5. Сиз, балки, қуйидаги режани жуда фойдали деб ҳисобларсиз:*

*а) бир нечта ёмон ҳолатларни намойиш этиш;*

*б) бундай иллатларни тузатиш йўлларини кўрсатиш;*

*в) ҳамкорлик ҳақида сўраш.*

*6. Мана, яна битта нутқнинг аъло даражадаги режаси:*

*а) қизиқиш ва эътиборни жалб этишга эришиш;*

*б) далилларни баён этиш;*

*в) одамларни ҳаракатга келтирувчи ишончли важларни келтириш.*

*7. "Бизнинг мавзумизни ҳар икки томондан ёритувчи барча далиллар, — деб маслаҳат беради собиқ сенатор Аль-*

*берт Ж.Бевериж, — тўпланиши, тизимга солиниши, ўрганилиши ва пишитилмоғи лозим. Уларни текшириб кўринг, асл далиллар эканлигига ишонинг; шундан сўнг бу далиллар қандай хулосага олиб келиши мумкинлигини ўзингизча ўйланг".*

*8. Сўзга чиқишдан олдин Линкольн математик аниқлик билан ўз хулосаларини қайта-қайта ўйлаб кўрарди. Қирқ ёшга тўлганида, у аллақачон конгресс аъзоси бўлган эди. Шунда сафсаталарни баён этиб, ўз хулосаларининг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида Эвклид асарларини ўргана бошлади.*

*9. Теодор Рузвельт маърузаларга тайёрланишда, барча далилларни танлаб олар, уларни баҳолаб чиқар, сўнг ўз нутқининг матнини жуда тез айтиб туриб ёздирарди, машинкада ёзилган матнни қайта тўғрилар ва матнни яна қайта якуний тарзда айтиб туриб ёздирар эди.*

*10. Агар иложи бўлса, ўз маърузангизни тасмага ёздириб, уни қайта эшитиб кўринг.*

*11. Нотиқ қўлидаги ёзувлар тингловчиларнинг маърузага нисбатан бўлган қизиқишини эллик фоиз сўндиради. Бундан четда туринг. Энг асосийси, ўз нутқларингизни ўқиб берманг. Тингловчиларни қоғозга ёзилган маърузага жалб этишга мажбур этиш ниҳоятда қийин.*

*12. Ўз нутқингизни ўйлаб олгандан ва қисмларини жойжойига қўйгандан кейин уни ўзингиз учун машқ қилинг, ҳатто кўча-кўйда юрганингизда ҳам. Қаердадир ёлғиз қолиб, нутқингизни бошдан охиригача ўз-ўзингизга сўзлаб беринг, унда қўл ҳаракатлари бўлсин, ўзингизга эрк беринг. Тасаввур қилингки, сиз ростдан ҳам тингловчиларга мурожаат қиляпсиз. Буни қанчалик кўп бажарсангиз, кўпчилик олдида сўзга чиқишда ўзингизни шунча бардам ҳис этасиз.*

## *Тўртинчи боб*
## ХОТИРАНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН?

*"Ўртача одам,* — дейди таниқли руҳшунос, профессор Карл Сишор, — *ўз хотиралари туғма қобилиятларининг фақат ўн фоизидан фойдаланади, холос. Қолган тўқсон фоизи йўқолади, чунки у эслаб қолишнинг табиий қонунларини бузади".*

Сиз худди шундай ўртача одамлар тоифасига кирасизми? Агар шундай бўлса, ниҳоят даражада оғир аҳволга тушгансиз, ижтимоий, худди шундай савдо-сотиқ нуқтаи назаридан ҳам; шубҳасиз, бу бобни ўқиш ва қайта ўқиш сиз учун жуда қизиқарли ва фойдали бўлар эди. Унда эслаб қолишнинг табиий қонунлари баён этилган ва ҳар томонлама изоҳланган ва ундан иш юритиш ва маиший суҳбатларда, шу билан бирга кўпчилик олдида маърузалар ўқишда қандай фойдаланиш кўрсатиб берилган.

"Эслаб қолишнинг табиий қонунлари" ниҳоятда оддий. Улар учтагина. Ҳар қандай номланган "Эслаб қолиш тизими" ана шунга асосланади. Қисқача айтганда, гап таассурот, такрорлаш ва тасаввур, ҳис-туйғу, фикрнинг ўзаро боғланиши ҳақида бормоқда.

Эсда сақлаб қолишнинг биринчи шарти — сиз хотирлашни хоҳлаган нарса тўғрисида чуқур, ёрқин ва мустаҳкам тасаввур ҳосил қилишдир. Бунинг учун диққат-эътиборингизни бир жойга жамлашингиз керак. Теодор Рузвельт уни билган кишиларни ажойиб хотираси билан лол қолдирган. Бу ноёб эслаш қобилияти яна шу билан изоҳланадики, унинг таассуротлари худди пўлатга нақш ўйгандек бўлиб, асло сувга ёзилгандай эмасди. Қунт, тиришқоқлик ҳамда диққат-эътиборини битта нуқтага йиғишни ўрганган эди. 1912 йилда, Чикагода тараққийпарвар партия съездида унинг штаб-квартираси "Конгресс" номли меҳмонхонада жойлашган эди. Пастда, унинг деразаси тагида оломон тўпланган эди. Одамлар байроқларни силкитиб, "Биз Теддини истаймиз! Биз Теддини истаймиз!" деб қичқиришарди. Оломоннинг ўкириши, оркестрлар мусиқаси, сиёсий арбобларнинг келиб-кетишлари, шошилинч йиғилиш ва маслаҳатлар — буларнинг бари ҳар қандай оддий кишини чалғитиши мумкин эди, аммо Рузвельт ўз хонасида тебранма оромкурсида ўтириб, бирор нарсага заррача эътибор бермай, юнон тарихчиси Ҳеродот асарини мутолаа қиларди. Бразилиядаги қип-қизил яйдоқ саҳроларда саёҳат қилар экан, у кечқурун ҳориб-чарчаб зўрға манзилга етиб келар, шунда қандайдир шохлаб кетган дарахт тагидан қуруқ жой топарди-ю, сафар курсисини олиб, унга ўтирар ва Гиббоннинг "Рим империясининг қулаши ва емирилиши тарихи"

Генри Уорд Бичер

китобини ўқишга тутинарди. Аста-секин мутолаага шунчалик берилиб кетардики, ёмғирни ҳам, лагердаги шовқин-суронни ҳам, тропик ўрмоннинг товушларини ҳам мутлақо илғамас эди. Шундай экан, бу одам ўқиганларини ёдда тутганига ажабланмай бўладими?

Диққат-эътиборни тўлиқ, беш дақиқа бир жойга тўплаш ақл тумани ичида бир кун адашиб юргандан кўра кўпроқ самара беради. *"Бир соатлик ғайрат билан ишлаш,* — деб ёзган эди Генри Уорд Бичер, — *бир йиллик мудроқдан кўра кўп нарса беради"*.

*"Мен бир нарсани қўлга киритдим, у барча нарсалардан афзал,* — деган эди бир йилда миллиондан зиёд фойда олувчи "Бетлехем стил" компанияси президенти Южин Грейс, — *уни ҳар куни, ҳар қандай шароитда қўллайман — мен айни вақтда шуғулланадиган ишимга бутун диққат-эътиборимни тўла-тўкис сарфлайман"*.

Бу хотира кучи, аслида куч сирларидан биридир.

## Улар нега дарахтларни пайқашмади?

Томас Эдисон унинг йигирма етти нафар лаборанти ой давомида ҳар куни олти лампа цехидан Нью-Жерси штатидаги Менло-паркда жойлашган заводнинг бош биносига борадиган йўлдан қатнашини аниқлаб олди. Бу йўлда гилос дарахти ўсар эди, аммо йигирма етти киши билан савол-жавоб ўтказилганида, бирортаси ҳам унинг мавжудлигини умуман пайқамаганлиги маълум бўлди.

*"Ўртамиёна одамнинг мияси,* — деди қизғинлик ва ишонч билан Эдисон, — *кўзи билан кўрадиган мингта нарсадан бирини ҳам қабул қилмайди. Бизнинг ҳақиқий кузатувимиз, кузатиш қобилиятимиз шунчалик ночорки, бунга ишониш қийин"*.

Ўртамиёна одамни икки ёки учта дўстингиз билан таништириб кўринг-чи, орадан икки дақиқа ўтгач, у исми айтилган кишилардан бирортасининг номини эслай олармикан? Ёдидан кўтарилиши мумкин. Нима учун? Чунки у

ҳаммадан бурун уларга етарли эътибор бермай, диққат билан қарамайди. У, эҳтимол, сизга хотираси ёмонлигидан шикоят қилар. Йўқ, ундаги кузатувчанлик жуда ёмон. Ахир у туманда хира сурат ишлайдиган фотоаппаратни қорала-майди, аммо унинг онги нурсиз ва туманли таассуротларни ёдда сақлашни жудаям хоҳлайди. Бунинг эса сира иложи йўқ.

"Нью-Йорк уорлд" журналининг асосчиси Жозеф Пулитцер ўз муҳарририятида ишловчи барча ходимлар столи тепасида қуйидаги ёзув битилган юпқа тахтача қоқиб қўйган эди: "Зийраклик! Зийраклик! Зийраклик!"

Сиз учун айнан шу нарса жуда зарур. Янги танишнинг исм-шарифини тўғри эшита билиш ниҳоятда керак. Бунга эришинг. Уни такрор айтишини илтимос қилинг. Қандай ёзилишини сўранг. У сизнинг эътиборингиздан димоғи чоғ бўлади, сиз эса исмини билишга муваффақ бўласиз, чунки унга диққат-эътиборингизни қаратдингиз. Шундай тарзда сиз равшан, мустаҳкам таассуротга эга бўлдингиз.

## Линкольн нима учун овоз чиқариб ўқир эди?

Линкольн болалигида қишлоқ мактабига қатнар, унинг поли кўп жойидан ёрилиб кетган харидан қилинган, дераза-даги ойна ўрнига дафтардан йиртиб олинган ва ёғ суртилган қоғоз қўйилган эди. Мактабда фақат биттагина дарслик бўлиб, уни муаллим овоз чиқариб ўқир, бошқа ўқувчилар ортидан дарсни жўр бўлиб такрорлашарди. Доимий равишда шовқин-сурон эшитилиб турар, шунинг учун қўшни аҳоли бу мактабни "шовқин-суронли асалари уяси" деб айтар эди.

Ана шу "Асалари уяси"да Линкольн бир умрга татигулик одатни ўзлаштирди. У нимани эсда сақлашни истаса, ўшани ҳамиша овоз чиқариб ўқир эди. Спрингфилддаги ўзининг адвокатлик идорасида ўтирар экан, диванга яхшилаб жойлашиб оларди-да, оёғини қўшни курсига таяб, газетани бор овози билан бақириб ўқир эди. *"У менинг шунчалик жонимга тегдики,* — деган эди Линкольннинг шериги, *— бир куни нега айнан шундай қилиб ўқийсан, деб сўрадим. У менга тушунтирди: "Мен қачон овоз чиқариб ўқисам,*

*фикр иккита ҳис этиш аъзоси орқали қабул қилинади. Биринчидан, нимани ўқисам, ўшани кўраман, иккинчидан, мен уни эшитаман, шунинг учун жуда яхши эслаб қоламан".*

Унинг хотираси одатдан ташқари ўткир эди. *"Менинг ақлим, — деган эди Линкольн, — пўлат парчасига ўхшайди. Унга ниманидир тиркаш ниҳоятда қийин, аммо бирор кун ёзилгандан кейин мутлақо ўчириб бўлмайди".*

Линкольн онгига керакли маълумотни акс эттирмоқ учун икки ҳис-туйғу аъзосидан фойдаланган. Сиз ҳам худди шуни амалга оширишингиз мумкин.

Ибратли бўлиш учун фақат кўриш ва эшитишнинг ўзи кифоя қилмайди, хотирада сақлаш учун уни пайпаслаб кўриш, ҳидлаш ҳамда мазасини татиб кўриш керак.

Энг муҳими — кўриш ҳисобланади. Инсонда асосийси, кўриш идроки ҳисобланади. Кўриш идроки, таассуроти жуда-жуда маҳкам мустаҳкамланади. Биз одамни юзидан биламиз, унинг номини кўпинча эслай олмаймиз. Кўздан миягача борадиган асаб толалари қулоқдан мияга қадар борадиганига нисбатан 25 марта ингичкадир. Хитойликларда шундай мақол бор: *"Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзалдир".*

Хотирада сақлашни истасангиз, телефон рақамини, маъруза режасини ёзиб олинг. Ёзиб олганларингизни кўриб чиқинг. Кўзингизни юминг. Оловли ҳарфлар билан ёзганларингизни кўз олдингизга келтиринг.

## Марк Твен ёзмасдан гапиришни қандай ўрганган?

Кўриш хотирасидан фойдаланишни ўрганган Марк Твен ёзувлардан воз кечганди. Шу сабабли узоқ йиллар мобайнида унинг маърузалари муваффақиятсизликка учраган эди. Бу ҳақда адибнинг ўзи "Харперс мэгэзин" саҳифаларида шундай ҳикоя қилади: *"Саналарни эсда сақлаш жуда мушкул, чунки улар рақамлардан иборат; рақамлар ифодасиз кўринади ва хотирада маҳкам сақланмайди. Улар суратлардан иборат эмас, шу боис кўзга илашиб қолмайди. Суратлар рақамларни эслашга ёрдам беради. Улар хотирада деярли ҳамма нарсани сақлаб олади — агар бу суратларни ўзингиз яратган*

Марк Твен

*бўлсангиз, янада яхши. Мен буни шахсий тажрибамдан яхши биламан. Бундан ўттиз йил муқаддам ҳар куни кечқурун маърузанинг ёдланган матнини ўқирдим, ҳар бир тун ёзувли қоғозда адашиб қолмаслигим учун ёрдамга келар эди. Ёзувлар хат бошининг биринчи сўзларидан иборат бўлиб, улар ўн учта — тахминан қуйидагича эди:*

*Бу туманда иқлим...*

*Ўшанда шундай одат мавжуд эди...*

*Аммо Калифорнияда ҳеч ким эшитмади...*

*Бундай ёзувлар ўн учта эди. Улар маъруза режасини эслатар, бирор нарсани тушириб қолдирмасликка менга ёрдами тегарди. Аммо қоғозда бир-бирига ўхшаб кетар, сурат қиёфасини ҳосил этмасди. Мен уларни ёддан билардим, аммо кетма-кетлигини асло эслай олмасдим, шу боис доимо олдимга бу ёзувларни қўярдим-у, вақти-вақти билан уларга кўз ташлардим. Бир куни уни қаергадир қўйдим, ўша оқшом мени қуршаб олган даҳшатни мутлақо тасаввур ҳам қилолмайсиз. Шундан кейин эҳтиёткорликнинг бошқача қандайдир усулини топиш кераклигини англадим. Ушбу ибораларнинг биринчи ўнта ҳарфини эсладим-у, уларни сиёҳ билан тирноғимга ёзиб, минбарга шу ҳолда чиқиб кетдим. Даставвал тирноқларимга тартиб билан қарадим, аммо кейин адашиб кетдим, қайси тирноғимга қарашни билмай қолдим, ўзимга ишончсизлик ортиб кетди. Фойдаланиб бўлганимдан кейин тирноғимдаги ҳарфларни тилим билан ялаб тозалай олмайман-ку, гарчи бу ишончли усул бўлса-да, тингловчиларнинг ҳаддан зиёд қизиқишларига муяссар бўлардим. Аслида шусиз ҳам тингловчиларнинг синчковлигини оширган эдим, уларга мен маъруза мавзусидан кўра ўз тирноқларимга маҳлиё бўлгандай туюлибди. Бир неча киши қўлларимга нима бўлганини сўраб қолди.*

*Ана шунда миямга суратлар асосида фикр юзага келди. Менинг руҳий қийноқларим тамом бўлди. Икки дақиқа ичида мен олтита расм чиздим, улар менинг ўн учта бошланғич ибораларим ўрнини ажойиб тарзда алмаштирди. Расмлар-*

*ни ишлаганим заҳоти бир чеккага ташладим, чунки ишонардимки, кўзимни юмиб, уни рўпарамда истаган пайтда кўра оламан. Шундай буён чорак аср вақт ўтди, ўша маъруза матни ёдимдан кўтарилиб кетганига ҳам йигирма йил бўлибди, аммо уни яна ўша расмлар асосида ёзишим мумкин — улар хотирамда қолган".*

Бир куни менга хотира тўғрисида маъруза ўқишга тўғри келди ва кўпроқ шу бобда келтирилган маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Расмлар кўринишида алоҳида ҳолатларни эсладим, кўз олдимда Рузвельтни тасаввур этдим, у деразаси тагида оломон қичқириғи ва оркестр мусиқаси остида тарихни ўқиб ётарди. Кейин кўз ўнгимда овоз чиқариб ўқиётган Томас Эдисонни гавдалантирдим. Тингловчилар иштирокида тирноғидан сиёҳ билан ёзилганларни ўчираётган Марк Твенни ҳам тасаввур этдим.

Мен ушбу суратларнинг тартибини қандай эладим? Рақамларига биринчиси, иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси дебми? Йўқ, бу ҳаддан ташқари қийин иш бўларди. Рақамларни ҳам расмларга айлантирдим ва уларни расмлар билан биргаликда қўшиб олиб бордим. Масалан, «уан» (бир) сўзи «ран» (сакрамоқ) сўзи билан оҳангдош, шунинг учун мен ўз хонасида отга миниб, отда сапчиётган Рузвельтни кўз олдимга келтирдим. "Ту" (икки) сўзи "зу" (йиртқич боласи) каби жаранглайди ва мен ҳайвонот боғида айиқ қафаси ичида туриб, гилос дарахтига қараб турган Эдисонни тасаввур этдим. "Зум" (уч) дарахтга ўхшайди ва мен дарахтнинг ичида туриб, шеригига овоз чиқариб ўқиб бераётган Линкольнни кўз ўнгимда гавдалантирдим. "Фор" (тўрт) "дор" (эшик) сўзига жуда монанд: Марк Твен очиқ эшикка суяниб тингловчилар қаршисида тирноғидан сиёҳни ўчираётган эди.

Ушбу сатрларни ўқиётганларнинг аксарияти мазкур услуб тутуруқсизликдан иборат экан-ку, деб ўйлайди. Бу тўғри, ана шунинг ўзи унинг мувафаққияти сабабларидан бири ҳисобланади. Айнан шу ҳолати ва тутуруқсиз нарсалар осон эсга тушади. Агар мен мисолларимнинг тартибини рақамларга кўра эслашга уринсам, уларни тезгина чалкаштириб юборар эдим, аммо ҳозирги баён этганим мутлақо бундай бўлмасди. Мен қачон учинчи бандни эсламоқчи бўлсам,

ўзимдан дарахт тепасида ким турганди, деб сўрар ва кўз олдимда Линкольн гавдаланар эди.

Ўзимга қулайлик туғдириш мақсадида рақамларни бирдан йигирмагача кўзга кўринадиган образларга, суратларнинг номини танлаб, жарангдор рақамларга айлантирдим. Агар сиз ярим соат вақт сарфласангиз, бундай рақамли суратларни эсга туширишда йигирмата фан рўйхатига эга бўласиз, фақат санаб кўрсатилганлардан бирини аниқ тартиб билан такрорлаш, шу билан бирга беихтиёр равишда, масалан, қайси фан саккизинчи, қайси бири ўн тўртинчи, қайсиси учинчи ва ҳоказо дейиш эсга келади.

Буларни ўзингизда синаб кўришга ҳаракат қилинг. Балки, ҳеч нарса чиқмайди, деб ўйлашингиз мумкиндир, барибир бир уриниб кўринг. Кўп ўтмай одамларни ноёб хотирангиз билан қойил қолдирасиз ва ҳар ҳолда буни қизиқарли, деб топасиз.

## Бутун бошли китобни қандай ёд олиш мумкин?

Қоҳирадаги Ал-Азҳар университети дунёда энг йирик олий ўқув юртидир. Ушбу муассасада йигирма бир минг талаба таҳсил олади. Кириш имтиҳонида ҳар бир кирувчидан Қуръонни ёддан айтиб бериш талаб қилинади. Бу китоб ҳам тахминан Инжил каби ҳажмга эга бўлиб, уни овоз чиқариб ўқишга уч кун вақт кетади!

Олим йигитлар деб аталувчи хитойлик талабалар айрим диний китоблар ва классик асарларни ёддан билишлари лозим.

Араб ва Хитой талабалари ишониш қийин бўлган бундай жасоратни амалга оширишни қандай уддалайдилар?

Такрорлаш воситасида, бу — эслаб қолишнинг иккинчи "табиий қонуни"дир.

Сиз чексиз миқдордаги маълумотни етарли даражада тез-тез такрорлаб турсангиз, ёдлаб ололасиз. Эслаб қолишни истаган маълумотларни такрорланг. Улардан фойдаланинг. Амалда татбиқ этинг. Ўзаро суҳбатларда янги сўзларни ишлатинг. Янги танишларнинг исмини тилга олинг, агар уларнинг номини эслашни хоҳласангиз. Кўпчилик олдида

сўзга чиқишда гапирмоқчи бўлган ҳолатларни суҳбатларда эслаб туринг. Фойдаланишда ишлатилган маълумотлар хотирада жойлашиб қолади.

## Қандай такрорлаш фойдали?

Шу билан бирга механик, кўр-кўрона ёдлаш керак эмас. Онгли такрорлаш, айрим ўзига хосликлар билан тегишли тарзда идрок қилиш — ана шулар биз учун жуда зарур. Масалан, профессор Эббингхауз ўз талабаларига эслаб қолиш учун маънога эга бўлмаган «декюс», «коли» каби сўзлардан иборат узундан-узун рўйхат берган ва ҳоказо. У талабалар уч кун ичида ўттиз саккиз марта такрорлаганидан кейин бир кун ичида олтмиш саккиз марта такрорлаганида, нечта сўз ёдлаган бўлса, шунча ёдлай олишини билиб олди. Бошқа руҳий тестлар ҳам айнан ана шундай натижаларни берди.

Бу хотирамизга доир ниҳоятда муҳим ихтиродир. Биз энди ўтириб такрорлайдиган киши ўз хотирасида уни токи мустаҳкамламас экан, агар такрорлаш жараёни онгли равишда маълум вақт оралиғида ўтказилса, натижалари туфайли қўлга киритилган самарага нисбатан икки баравар кўп вақт ва қувват сарфлашини биламиз.

Идрокнинг бу ўзига хослигини икки омил билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, такрорлашлар орасида бизнинг онг ости бирлашувимиз фикрлар, сўзлшувларни мустаҳкамлаш билан банд бўлади. Профессор Жеймс тўғри таъкидлаганидек, *"биз қишда сузишни, ёзда эса конькида учишни ўрганамиз"*.

Иккинчидан, мия танаффус билан ишлаганда, ҳаддан зиёд оғирликдан толиқмайди. "Минг бир кеча" таржимони йигирма етти тилда худди она тилимиздай бемалол гапирган. Унинг ўзи эътироф этишича, тил ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ қилишда ҳеч қачон ўн беш дақиқадан ортиқ бирваракайига вақт сарфламаган, чунки *"бундан кейин ақл ўз бардамлигини йўқотади"*, дейди у.

Сўзсиз, бу далиллар қуршовида энди бирорта ҳам одам ўзини ақлли деб сўзга чиқиш кунигача ўз маърузасига тайёргарликни ташлаб қўймайди. Агар шунга ҳаракат қилса,

хотираси ўз имкониятига кўра мажбуран фақат ярим тарзда фаолият кўрсатади.

Биз қандай унутишимиз, эсдан чиқаришни баён этиш хусусида талай қимматли ихтиролар қилинган. Кўп марта ўтказилган руҳий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биз дастлабки саккиз соатда кейинги ўттиз кун ичидагига нисбатан кўпроқ унутар эканмиз. Ҳайратланарли даражадаги ўзаро нисбат! Шунинг учун бевосита биринчи ишга доир йиғилиш, ота-оналар уюшмаси аъзолари билан ўтказиладиган мажлис, клубдаги машғулотлар, бевосита кўпчилик олдида маъруза билан чиқиш қилинганида, далилларни яна бир бор эсланг, хотирангизни янгиланг.

Линкольн бу услубнинг аҳамиятини жуда яхши билар ва унга амал қилар эди. Геттисбергда унинг ҳузурида эътиборли олим Эдвард Эверст сўзга чиққан эди. Линкольн унинг узундан-узоқ расмий маърузаси охирига етаётганини кўриб, *"очиқдан-очиқ асабийлашди, у доимо бошқа нотиқдан кейин сўзга чиқса, шундай бўлар эди"*. Шоша-пиша кўзойнагини тақиб, чўнтагидан қўлёзмани олиб, хотирасини янгилаш мақсадида ўзича ўқишга тутинарди.

## Профессор Уильям Жеймс яхши хотиранинг сирларини очади

Мана сизга эслашнинг иккита дастлабки қонуни. Аммо яна учинчи қонун — ассоциация ҳам бор *(ассоциация — тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши маъносида)*. У эслашнинг муҳим қисми ҳисобланади. Аслида унинг ўзи хотира механизмини изоҳлаб беради.

*"Бизнинг миямиз,* — деб доноларча фикр юритади профессор Жеймс, — *ўзида, асосан, тасаввур, ҳис-туйғу, фикрни бир-бирига боғлашга хизмат қиладиган механизмдир... Фараз қилайлик, мен бироз вақт жимжит тураман, сўнгра буйруқ оҳангида: "Эсланг! Эслаб қуринг!" - деб айтаман. Хотирангиз ана шу буйруққа бўйсунса-да, ўйлаш ҳаётингиздан қандайдир муайян манзарани гавдалантирадими? Йўқ, албатта. У фаолиятсиз қолаверади ва: "Мен аниқроқ қилиб, айнан нимани эслашим керак?" - деб сўрайди. Қисқаси,*

Уильям Жеймс

*унга кўрсатма керак. Аммо мен унга: "Туғилган йилингиз санасини айтинг ёки нонуштада нима еган эдингиз, нота тартибини мусиқа гаммасида айтиб беринг", десам, сизнинг хотира қобилиятингиз зудлик билан талаб қилинган натижани беради, олинган кўрсатма хотирангизнинг тўла-тўкис имкониятларининг жуда кенг захираларини маълум томонга йўналтиради. Бу кўрсатма сиз эслаган нарсалар билан чамбарчас боғлиқдир. "Туғилган куним санаси" деган сўз бевосита муайян ой, йил рақам билан ўзаро боғланади; "Бугунги нонушта" эсдаликларининг қаҳва ва қуймоқдан ташқари барча бошқа ришталарини чийлаб ўтади, "мусиқавий гамма" сўзи онгда бир-бирига до, ре, ми, фа, соль, ля, си, до билан қўшни сифатида мавжуддир. Аслида ассоциация қонунлари сизнинг фикрларингиз ҳаракатини бошқаради; у хаёлот, ташқаридан рўй берадиган ўзгаришларга асло берилмайди, онгда нимаики рўй берса, унда акс этмоғи керак, энди бўлажак акс этувчи эса аллақачон рўй бергани билан ўзаро алоқага киришади. Бу ниманики эсласангиз ҳам, нима ҳақида ўйласангиз ҳам барчасига тааллуқлидир. Машқ қилинган хотира ассоциациянинг ташкилий тизимига таянади ва унинг юқори сифати бу ассоциацияларнинг икки ўзига хослигига боғлиқдир: биринчидан, ассоциациянинг мустаҳкамлигига, иккинчидан, унинг сонига.*

*Шундай қилиб, "яхши хотира сири", бу турли хилдаги ва сон-саноқсиз ассоциацияларнинг, яъни биз эслашни хоҳлаган барча далиллар билан шаклланиш сиридир. Аммо ассоциациянинг далиллар билан шаклланиши иложи борича далиллар тўғрисида кўпроқ ўйлашни англатади. Қисқа қилиб айтганда, ташқаридан бир хилдаги ахборотни олган икки кишидан қайси бири олинган маълумотни кўпроқ ўйласа ва улар ўртасида мустаҳкам алоқани ўрнатолса, у яхши хотирага эга бўла олади".*

## Далилларни бир-бирига қандай боғлаш керак?

Буларнинг бари ажойиб, аммо маълум далилларни бир-бирига қандай боғламоқ мумкин? Жавоб шундай бўлади: уларнинг аҳамиятини аниқлаб олиш, онгли равишда тушуниш. Масалан, агар сиз ҳар бир янги далил билан танишганда, қуйидаги саволларни ўртага ташланг ва уларга жавоб беринг. Шу билан бирга уларни бошқа далиллар билан боғлашингиз мумкин. Мана ўша саволлар:

1. Бу нега шундай?
2. Бу қандай рўй берди?
3. Қачон шундай бўлади?
4. Қаерда шундай бўлади?
5. Шундай деб ким айтди?

Агар, масалан, биз нотаниш кишининг фамилиясини биламиз ва бу фамилия одатдагидек, деб фараз қилайлик. Уни хулди шундай фамилиядаги бошқа киши билан боғланишда тасаввур этишимиз, боғлашимиз мумкин. Агар у ноодатий бўлса, ҳодисадан фойдаланиб, бу ҳақда ўша одамга айтишимиз лозим. Янги таниш ўз фамилияси тўғрисида у ёки буни гапириб бериши яккам-дуккам ҳодисадир. Масалан, ушбу бобни ёзаётганимда, мени Сотер хоним деган аёл билан таништириб қўйишди. Ундан фамилияси қандай ёзилишини сўрадим ва аслида бошқача фамилияда эканига эътибор бердим.

*"Ҳа,* — деб жавоб берди у, — *бу жуда бошқача. Сотер юнонча сўз бўлиб, "қутқарувчи" деган маънони билдиради"*. Сўнгра у эрининг қариндошлари тўғрисида гапириб берди, уларнинг асл келиб чиқиши афиналик бўлиб, аслзодаларга мансуб бўлган экан, ўша ерда ҳукуматда хизмат қилишган. Одамларни ўз исм-фамилияси тўғрисида гапириб беришга ундаш унчалик қийин эмас. Бу менга ҳамиша эсда тутишимга ёрдам беради.

Янги танишнинг ташқи қиёфасига диққат билан эътибор беринг. Унинг кўзлари ва сочининг рангига разм солинг, юз чизиқларига боқинг. Қаранг-чи, қандай кийинган. Қулоқ тутинг, у қай ҳолатда гапиради. Ташқи кўриниши ва ўзига хослиги тўғрисида равшан, аниқ маълумотлар тўпланг

ва буларнинг барини фамилияси билан боғлаб кўринг. Кейинги гал бу ойдин таассуротлар онгимизда янгитдан вужудга келади ва бир вақтнинг ўзида бу одамнинг фамилиясини ёдга солишга ёрдам беради.

Бир киши билан икки ёки уч марта учрашиб, касб-кори ёки мутахассислигини эслагансиз, аммо унинг номини, нима деб аташганини эслай олмайсиз, шундай воқеаларга дуч келганмисиз? Бўлиб туради. Сабаби шундаки, инсоннинг машғулоти қандайдир аниқ ва белгилидир.

У муайян мазмунга эга. Сизга худди ёпишқоқ пластир каби шилқимлик қилаверади, шунда ҳеч қандай мазмунга эга бўлмаган фамилия бир чеккага мисоли томдан ғилдираб тушган дўл донаси каби юмалаб кетади. Шунинг учун одамнинг фамилиясини эслаб қолиш учун қандайдир ибора тузиб, унинг фамилиясига, ҳунар, касбининг номини ҳам тиркаб қўйинг. Бундай усулнинг самарадорлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Масалан, бир-бирини танимаган йигирма киши яқинда Филадельфиядаги Пансильвания атлетика клубида йиғилишди. Уларнинг ҳар биридан ўрнидан туриб, ўзининг фамилияси ва машғулоти турини айтишни сўрадилар. Шундан кейин бу маълумотларга алоқадор ибора ўйлаб топишди ва бир неча дақиқадан сўнг иштирок этувчилар бу ерда бўлганлардан хоҳлаганининг фамилиясини айта олиши мумкин эди. Маълум вақт ўтгач, янги учрашувларда аён бўлдики, бу одамлардан бирортасининг ҳам исми ва фамилияси ҳамда касбининг номи унутилмаган экан, чунки улар бир-бири билан фикран боғланган эди. Бир-бирига киришиб кетганди.

Мисол тариқасида бу гуруҳнинг айрим аъзолари ҳамда одамларнинг фамилияси билан уларнинг касб-корини бир-бирига алоқадор қилиб қўйиш учун ўзимиз ўйлаб топган бесўнақай ибораларни келтираман: Жаноб Д.П.Олбрайт, қум таъминотчиси (сэнд бизнес) — Сэнд мейкс ол брайт (қум барча нарсани тиниқ қилади, шу билан бирга сўз ўйини кучда — қум тайёрлайди: Олбрайт).

Мистер Томас Фишер — кўмир таъминотчиси, (коул) "хи фишес фор коул ордерс" (у кўмирга буюртмалар олади).

## Саналарни қандай эслаб қолиш керак?

Саналарни катта аҳамиятга эга кунларга боғлаб, яхши эслаб қолиш мумкин, улар хотирада маҳкам жойлашиб қолади. Масалан, америкаликка Сувайш канали 1869 йилда очилганини ўргатиш анча қийин, ундан кўра АҚШдаги фуқаролар уруши тугаганидан тўрт йил кейин биринчи кеманинг ўтганини эслаш осонроқдир. Америкалик Австралияда биринчи манзилгоҳларга 1789 йилда асос солингани тўғрисидаги маълумотни ёдида сақлашга уринса, бу сана унинг калласидан ўша заҳоти учиб кетиши мумкин, мисоли машинага ёмон ўрнатилган болт каби; агар 1776 йил 4 июлда мустақиллик декларацияси эълон қилинганидан 12 йил ўтгач, бу воқеа содир бўлгани эсланса, уни хотирада сақлаш имкониятлари етарли даражада бўлади. Бу бўшаган болтга гайкани бураб киритишдай гап — у маҳкам ушлайди.

Бу тамойилни ҳисобга олиш жуда фойдали, айниқса телефон рақамини эсда сақлашда асқотади. Масалан, уруш вақтида мазкур китоб муаллифининг телефони рақами 1776 эди. Бу рақамни эслаб қолиш қийин эмас. Агар сиз телефон компаниясидан 1492, 1861, 1865, 1914, 1918 ўхшаш рақамларни олсангиз, дўстларингизнинг телефон китобига эҳтиёжи қолмайди. 1492 рақамингизни улар унутиб юборишлари мумкин, чунки сиз уни қуруққина маълумот сифатида айтдингиз, холос. Аммо: *«Менинг телефон рақамимни эслашингиз осон, у 1492 — шу йили Колумб Америка қитъасини очган эди»*, десангиз, унинг хаёлидан бу рақам кўтарилармикан?

Австралияликлар, Янги зеландияликлар бу сатрларни ўқиб туриб, 1776, 1861, 1865 рақамларини албатта эслаб қолишади, чунки ўз мамлакатлари тарихининг машҳур саналаридир улар.

Ушбу рақамларни эсда сақлаш ҳаммасидан осон:

а) 1564 — Шекспирнинг туғилган йили.

б) 1607 — Американинг Жеймстаунида биринчи инглиз манзилгоҳига асос солинган йил.

в) 1819 — қиролича Виктория туғилган йил.

г) 1807 — Роберт Ли таваллуд топган йил.

д) 1789 — Бастилия қулаган йил.

Эҳтимол, сизни биринчи бор иттифоққа кирган 12 штатнинг номини тартиб билан эслаш толиқтириб қўйиши мумкиндир, аммо уларни бирор тарихий воқеа билан боғлаб кўринг, ана шунда у тез ва машаққатсиз тарзда ёдда қолади. Навбатдаги хатбошини фақат бир марта ўқинг, холос. Диққатингизни бир жойга жамланг. Ўқиб бўлгандан сўнг текшириб кўринг, ўн иккита штатни тўғридан-тўғри, тартиб билан санаб бера олармикансиз?

*"Бир куни шанбада делавэрлик хоним Пенсильвания темир йўли бўйлаб кичик саёҳатга чиқиш учун патта сотиб олди. У жомадонига Нью-Жерсидан олинган свитерни солди ва Коннектикутдаги дугонаси Жоржияни йўқлади. Эртаси куни уй бекаси ва унинг меҳмонлари Мэрис-лэнддаги черков мессесида иштирок этдилар. Сўнг улар уйга жанубий йўл билан қайтдилар (Кар лайн), янги ветчина (дудланган чўчқа гўшти) тановул қилдилар (нью-хэм), у Нью-Йоркдаги қизил танли ошпаз Виргинея томонидан қовурилган эди. Тушликдан сўнг улар шимолий йўналишдаги поездга ўтирдилар (кар лайн) ва оролга қараб йўл олдилар (род ту зе айленд)".*

## Ўз маърузасининг режасини қандай эслаш мумкин?

Биз нимаики бўлса, фақат икки сабаб туфайли ўйлашимиз мумкин: биринчидан, ташқи омил натижасида ва иккинчидан, ўзимизга маълум бўлган бирикма туфайли. Кўпчилик олдига чиқиб, маъруза ўқиганга татбиқ этилса, бу қуйидагиларни англатади: биринчидан, сиз ўз фикрларингизни баён этишда кетма-кетликка риоя қилиш учун қандайдир ташқи омилга таянасиз; масалан, ёзувларга, аммо қоғозга қараб, маъруза ўқийдиган нотиқ кимга ёқади? Иккинчидан, сиз маърузангиз режаси бандларини хотирангизда сингиб қолган қандайдир нарсалар билан боғлаб туриб, эслаб қолишингиз мумкин. Улар шундай мантиқли тартибда жойлашиши керакки, токи иккинчи банд биринчисидан келиб чиқсин, учинчи банд эса иккинчисидан шундай табиий келиб чиқсинки, худди бир уй эшиги иккинчисига қараб очилгандай.

Бу жуда оддий эшитилади, аммо янги киши учун жўн кўринмайди асло, чунки ақлий қобилиятлар қўрқув билан қуршаб олинган бўлади. Шу билан бирга баён этишнинг кетма-кетлигини таъминловчи усул ҳам мавжуд, у жуда оддий, тез таъсир этади, амалий жиҳатдан бузилмайди. Мен хотирада тутишни осонлаштирадиган ибораларни назарда тутяпман. Мисол келтираман. Фараз қилайлик, сиз бир-бири билан мутлақо боғланмайдиган кўпдан-кўп мавзуга дахл этишни истайсиз. Уларни хотирада сақлаш жуда қийин. Масалан, сигир, сигара, Наполеон, уй ва диний маросимлар ҳақида бирваракайига гапириб бўладими? Келинг, кўрайлик-чи, бу мавзуларни худди занжир ҳалқалари каби қуйидаги иборалар билан бир-бирига пайванд қилиб бўлармикан: *"Сигир сигара чекиб, Наполеонни тепди, уй эса диний маросимлар билан бирга ёниб кетди"*.

Энди бу гапни қўлингиз билан беркитинг ва саволларга жавоб беринг: маърузанинг учинчи банди қайсиси эди? Бешинчими? Тўртинчими? Иккинчими? Биринчи?

Бундай усул ёрдам берадими? Ҳа, ёрдам беради. Ким хотирасини яхшиламоқчи бўлса, уни қунт билан татбиқ этиш тавсия қилинади.

Шундай тарзда ҳар қандай танланган фикрларни бир-бирига боғлаш мумкин ва хотирани осонлаштирадиган ибора қанчалик тутуриқсиз бўлса, уни эслаш шу қадар осон кўчади.

## Тўла муваффақиятсизлик пайтида нима қилиш керак?

Фараз қилайлик, қанчалик тайёргарлик кўрган бўлмасин, хавфсизликнинг барча чоралари кўрилмасин, цирк жамоаси ҳузурида сўзга чиққан маърузачи аёл нутқининг ўртасига келиб, бирдан айтадиган гапларини битта қолдирмай эсдан чиқариб юборади ва тингловчилар олдида тошдай қотиб қолади, сўзини давом эттиришга мутлақо мажоли қолмайди. Аҳвол ниҳоятда ачинарли эди. Саросимага тушиб, жойига ўтириш ва муваффақиятсизлигини тан олишга эса ғурури йўл қўймайди. Агар ихтиёрида нажот бахш этувчи ўн-ўн беш сония бўлганида, маърузасининг жилла қурса, навбатдаги бандини эсла-

ганида, бошқача бўларди, деб ҳис этди. Ҳатто, ўн беш сониялик даҳшатли жимлик тингловчилар кўзи олдида унинг учун ҳалокатга тенг эди. Нима қилиш керак? Яқинда америкалик машҳур сенаторлардан бири худди шундай аҳволга тушиб қолди. Шунда у тингловчилардан, етарли даражада баланд овозда гапиряпманми, зал охиригача эшитиляптими, деб сўради. У жуда яхши эшитилаётганини биларди, бу ҳақда сўрашнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Сенаторга вақтдан ютиш зарур эди ва мана шу жиндек тўхтаб олиш унга фикрни "тутиш" ва нутқини давом эттиришга ёрдам берди.

Аммо худди шундай "кема ҳалокатга учраганида" "қутқарув чамбараги" сифатида қуйидаги усул ҳам балки асқотар: охирги сўз ёки охирги жумлани, ёки охирги жумладаги фикрни дастлабки иборага айлантиринг. Адоғи йўқ занжир ҳосил бўлади, нутқ ҳам жўшқин ирмоқ мисоли тиним билмай оқаверади, гарчи у мақсадсиз бўлса-да, давом этаверади. Бу жараён амалда қандай кўринишини кўрайлик-чи! Кўз олдимизга келтирайлик, нотиқ ишнинг муваффақиятлари тўғрисида гапира туриб, қуйидаги сўзларни айтгач, боши берк кўчага кириб қолди: *"Ўрта хизматчи олдинга қараб силжимайди, чунки унинг ўз ишига ҳақиқий қизиқиши жуда суст бўлади, унда ташаббус кам"*.

"Ташаббус". Навбатдаги иборани "ташаббус" деган сўз билан бошланг. Шубҳасиз, сиз нима дейишни ва нима деб тугатиш ҳақида тушунчага ҳам эга эмассиз, аммо барибир бошланг. Йўқдан кўра, ҳатто энг бўш жумла ҳам ўринлидир.

*"Ташаббус ўзига хосликни тақозо қилади, бу эса нимани-дир ўзича қилишни, кўрсатма кутмасдан бажаришни англатади"*.

Мулоҳаза ниҳоятда дабдабали эмас, у нутқни тарихий матнга айлантирмайди, албатта. Аммо у азоб берувчи жимжитликдан афзал эмасми? Охирги сўз «кўрсатма»га келиб тақалди. Хўш, нима қилдик, ишни ана шу янги жумладан бошлаймиз.

*"Доимий кўрсатма бериш, сабоқ бериш, ҳар қандай мустақил фикр юритишдан бош тортувчи хизматчиларни судраб юриш, булар — энг ёмон, ўзини уларнинг ўрнига қўйиб, тасаввур этишдир"*.

Худога шукр, маъруза ўқиб бўлинди. Олдинга қараб қадам ташлаш керак. Энди тасаввур қилиш ҳақида нимадир дейиш мумкин.

*"Тасаввур, хаёл — жуда зарур. Хаёлот, орзу. Хаёл бўлмаган жойда, — деган эди Сулаймон пайғамбар, — улус ҳалок бўлади».* Мана шу икки жумла гап тополмай, тутилиб қолишнинг ўзидир. Руҳимизни туширмай, давом этамиз.

*"Ҳар йили бизнес жангида, ҳақиқатан ҳам қайғуга ботиб, ҳалок бўлган ходимларнинг аҳволи ачинарлидир. Қайғули деганимнинг боиси шуки, агар бундай эркак ва аёлларда жиндек ташаббускорлик, озгина ор-номус, орият, одобинтизом бўлганида, улар муваффақият билан мағлубият ўртасидаги чегара чизиғидан баланд кўтарилар эдилар. Аммо бизнес оламида муваффақиятсизлик айнан ана шунда эканлигини асло тан олишмайди".*

Ва ҳоказо... Нотиқ беихтиёр тарзда бу умумий жумларни билдирар экан, маърузасида шундан кейин навбатдаги қайси масала режада келиши, шахсан у нимани айтмоқчи эканлигига киришганини эсламоғи керак.

Мазкур усулнинг тугамайдиган занжири узоқ давом этса, эҳтимол, шунга олиб келадики, нотиқ пудинг *(гуруч ва бошқа ёрмалардан творог ва мевалар қўшиб товада пиширилган овқат)* печи ёки канарейкалар нархи тўғрисида мулоҳаза юритишни бошлаши мумкин эди. Аммо барибир бу "тез ёрдам" вақтинча хотира йўқолганида, ақлий фаолият бузилган пайтда зарур бўлиб қолади. Худди шундай усул билан охирги нафасини олаётган кўпгина нутқларни жонлантиришга муваффақ бўлинди.

## Барча турдаги дарсларни хотирада сақлашни яхшилашнинг иложи йўқ

Мен ушбу бўлимда такрорлаш ва далилларни тасаввур қилиш, ҳис-туйғу, фикр ҳамда шунга ўхшашларнинг бир-бирини эслатувчи ўзаро боғланиш йўли билан ёрқин тасаввуротлар олишда хотирани яхшилаш борасида ҳикоя қилган эдим. *"Хотиранинг асоси бирикма эканлиги қанчалик аниқ бўлмасин, у хотиранинг умумий ёки биринчи қобилиятини яхшилаши мумкин эмас,* — дейди профессор Жеймс.

Уильям Шекспир

*— Хотирамизни яхшилаш учун бириктирилган фанлар махсус тизимининг алоҳида ўрни бор".*

Масалан, ҳар куни Шекспирдан бир матн ёдлаб турсак, адабиётга тегишли иқтибосга доир хотирамизни юқори даражада мустаҳкамлаган бўламиз. Ҳар бир иқтибос онгимизда янги дўстлар топиб, улар билан боғланади.

Аммо Шекспирнинг "Ҳамлет"идан тортиб, "Ромео"га қадар эслаш пахта бозори ва чўяннинг мустаҳкамлигини оширишда бессемер усули орқали пўлат олиш жараёни тўғрисидаги маълумотларни хотирада эслаб қолиш унчалик ёрдам бермайди.

Келинг, такрорлайлик. Агар мазкур бўлимда баён этилган қоидаларни татбиқ этадиган бўлсак, хотиранинг усули ва самарадорлигини ҳар қандай тартибда ҳам яхшилаган бўламиз. Борди-ю, бу қоидаларни татбиқ этмасак, у ҳолда бейсболга оид ўнлаб миллион, фонд биржасига тааллуқли энг кичкина маълумот ҳам эслашга асло ёрдам бера олмайди. Бир-бирига сира алоқадор бўлмаган бундай маълумотларни бир-бирига боғлаш мумкин эмас. Эсингизда бўлсин: *"бизнинг миямиз асосан бириктирилган механизмдан иборат".*

## Қисқа хулосалар

*1. "Ўртамиёна одам, — деган таниқли руҳшунос профессор Карл Сижор, - ўз хотираси туғма қобилиятларининг фақат ўн фоизидан фойдаланади. Қолган тўқсон фоизи ғойиб бўлади, чунки у хотиранинг табиий қонунларини бузади".*

*2. Эслаб қолишнинг учта табиий қонуни бор: таассурот, такрорлаш, бирикув.*

*3. Чуқур, равшан таассуротлар олиш керак, нимани эслашни хоҳласангиз, бунинг учун:*

*а) фикрингизни, диққатингизни бир жойга жамлашингиз лозим, Теодор Рузвельт хотирасининг асосий сири ана шунда эди;*

*б) диққат билан кузатиш, тўғри таассуротга эга бўлиш. Фотоаппарат туманда яхши сурат тушира олмайди, сизнинг онгингиз ҳам хира таассуротларни асло сақлай олмайди;*

*в) иложи борича кўпроқ ҳис-туйғу аъзолари воситасида таассуротларга эга бўлиш керак. Линкольн эслаб қолишни истагани учун овоз чиқариб ўқиган, шу пайтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали қабул қилган;*

*г) ҳаммадан бурун кўришга асосланган таассурот олишга уринг. Улар жуда чидамли бўлади. Кўздан мияга борувчи асаб толалари қулоқ мияга борадиган толага нисбатан йигирма беш баробар қалиндир. Марк Твен қоғоздаги ёзувларга қараган пайтида ўзи баён этган фикрлар изчиллигини эслай олмасди. Шунда у қоғозлардаги матндан воз кечиб, ўзининг турли мавзуларини расмлар воситасида эсга тушираднган бўлди, барча машаққатлари шу заҳоти йўқолди.*

*4. Хотиранинг иккинчи қонуни — такрорлаш ҳисобланади. Минглаб мусулмон талабалар Қуръонни ёд билишади. Мазкур китоб Инжил каби ҳажмга эга, талабалар бунга Қуръон оятларини такрорлаш орқали эришадилар.*

*Биз онгли чегарага қадар, агар ҳар куни такрорлаб турсак, нимаики бўлса, барини эслаб қолишимиз мумкин. Аммо такрорлашда қуйидагиларни назарда тутиш керак:*

*а) матнни хотирангизда жойлашиб қолгунига қадар қайта-қайта такрорланг. Уни бир ёки икки марта ўқинг, сўнг бир чеккага ташлаб қўйинг. Кейинроқ унга қайта-қайта мурожаат қилинг. Вақт оралиғи асосида бундай такрорлаш бир марталик маромга нисбатан ярим баробар кам вақт ичида эслаш имконини беради;*

*б) нимани эсламоқчи бўлсак, дастлабки саккиз соат ичида кейинги ўттиз кундагига нисбатан бўлган нарсани унутамиз, шунинг учун сўзга чиқишдан олдин ёзувларингизнинг барини қайта кўриб чиқинг.*

*5. Хотиранинг учинчи қонуни — бирикувдир. Далилни эслаб қолишнинг ягона йўли — уни қандайдир бошқа далиллар билан боғлаш ҳисобланади. "Онгда рўй берадиган ҳолатларнинг бари, — дейди профессор Жеймс, — унга кириши лозим, киритилганлари у ерда нимаики бўлса, ўшалар билан алоқага киришади... Кимки, олинган маълумотларни кўпроқ*

*ўйласа, улар ўртасида кўпроқ чамбарчас алоқалар ўрнатса, энг яхши хотирага эга бўлади".*

*6. Агар сиз бир далилни ўзингизга маълум бошқаси билан боғласангиз, янги далилни барча нуқтаи назардан қараб, у ҳақда ўй-фикр юритинг. Ўзингизга шундай саволлар беринг: "Нега шундай? Бу қандай рўй берди? Қачон шундай бўлади? Қаерда шундай бўлади? Шундай деб ким айтди?"*

*7. Нотаниш одамнинг фамилиясини эслаб қолиш учун шу муносабат билан саволлар беринг — қандай ёзилади ва ҳоказо... Бу одамнинг ташқи кўринишига диққат билан разм солинг. Унинг фамилиясини юзи билан алоқадорликка боғлашга ҳаракат қилинг. Нима билан шуғулланади, шуни билиб олинг, унинг касб-кори билан боғланадиган қандайдир тутуриқсиз бирор ибора ўйлаб топинг; Пенсильвания атлетика клубида тўпланган гуруҳ билан ўтказилгандек машғулот бошлаб юборинг.*

*8. Саналарни хотирада сақлаб қолиш учун уларни ўзингиз биладиган машҳур саналар билан боғлаб кўринг. Масалан, Шекспирнинг уч юз йиллик таваллуд куни АҚШдаги фуқаролар урушига тўғри келган.*

*9. Ўз маърузангизнинг бандлари изчиллигини эслаб қолиш учун уларни шундай жойлаштиринг-ки, токи бир мавзу бошқасидан мантиқий равишда келиб чиқсин. Шу билан бирга асосий лаҳзаларни ўзида қамраб олган тутуриқсиз ибораларни ҳам ўйлаб топишингиз мумкин: "Сигир сигара чекиб, Наполеонни тепди, уй эса диний оқимлар билан бирга ёниб кетди" каби.*

*10. Сиз қанчалик эҳтиёт чораларини қўлламанг, айтмоқчи бўлганларингизни тусатдан унутиб қўйдингиз, шунда тўлиқ мағлубиятдан сақланиш учун сўнгги иборанинг охирги сўзини янги иборанинг биринчи сўзидай фойдаланинг. Нутқингизнинг навбатдаги бандини эслагунга қадар шу тариқа давом эттиришингиз мумкин.*

*Бешинчи боб*

## ОММА ОЛДИДА МАЪРУЗА ЎҚИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

Ушбу сатрлар ёзилаётган куни, 5 январда сэр Эрнест Шеклтон вафотининг бир йиллиги қайд этилади. У ўзининг "Квест" номли ҳашаматли кемаси билан Антрактидани тадқиқ этиш пайтида жанубда вафот этган эди. Кимки «Квест»га кўтарилса, мис тахтачага битилган қуйидаги сатрларга диққатини қаратар эди:

*Агар сен орзу қила олсанг–у, орзунг қулига айланмасанг,*
*Агар фикр юритсанг–у, фикрни ягона мақсад демасанг,*
*Агарки сен дуч келсанг тожу тахту ҳалокатларга,*
*Бу икки алдамчи рўёга этсанг мурожаат бир йўла,*
*Ўз юрагинг, асабларинг, мушакларинг этолсанг мажбур,*
*Улар ғойиб бўлгач, ишингни эттирсанг давом,*
*Шу тариқа сендан ҳеч нарса қолмагач, ўзни сақласанг,*
*"Ўзингни тутгин!" деган иродадан бўлак, албат,*
*Агар сен тутқич бермас дақиқалару,*
*Олтмиш сониялик пойгалар–ла тўлдирсанг,*
*Ана шунда ер ҳам, ундаги бор–буднинг бари сеники.*
*Боз устига сен инсон бўлурсан, ўғлим!*

Шеклтон мазкур шеърни "Квест" кемасининг руҳи деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам жанубий қутбга йўл олган одам ҳам, кўпчилик олдига чиқиб, сўзламоқчи бўлган одам ҳам ўзига ишонч билан бирга худди шундай руҳга эга бўлмоғи лозим эди.

Аммо афсус билан шуни айтиш жоизки, нотиқлик санъатини эгаллашга уринган кишиларнинг бари ҳам худди шундай руҳни эгаллай олмайди. Анча йиллар муқаддам ўзимнинг муаллимлик фаолиятимни бошлаган пайтларимда кўп сонли талабалар турли кечки ўқув юртларига ўқишга кирар, аммо аксарияти толиқиб, мақсадига эриша олмай, машғулотларни ташлаб кетганига ҳайрон бўлардим. Улар шунчалик кўп эдики, бу бир пайтнинг ўзида таажжуб ва ачиниш туйғуларини уйғотар, инсоний табиатга хуш келмайдиган баҳо беришга ундар эди.

Мен китобимнинг ўрталарига келяпман ва тажрибамдан шуни яхши биламанки, айрим китобхонларнинг руҳи тушиб кетади, чунки улар кўпчилик олдида рўй берадиган қўрқувга қарши кураша олмайдилар ҳамда ўзларига нисбатан ишонч қозонолмайдилар. Бу жуда ачинарли. *"Сабр қила билмаслик қанчалик аянч! Бир онда жароҳатни тузатиб бўлармикан?"* (Шекспир).

## Сабот — матонат жуда зарур

Биз қандайдир янги фанни, масалан, француз тилини, гольф ўйнаш ёки нотиқлик санъатини ўрганишга киришсак, бирданига тўхтовсиз тарзда олдинга қараб ҳаракат қилмаймиз. Тобора муваффақиятга эришавермаймиз. Уларни қўққисдан сакрашлар, кескин силкинишлар туфайли қўлга киритамиз. Вақт билан бироз муддатда тўхтаймиз, ҳатто орқага қараб чекинишимиз ҳамда қўлимизга кирган нимадандир маҳрум бўлишимиз ҳам мумкин. Бундай орқага кетиш жараёни руҳшуносларга жуда яхши маълум ва у "қинғир ўқитиш учун қийшиқ тоғ", деб номланган. Кимки нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлса, ҳафталаб ана шу "қийшиқ тоғ"да тутилиб қолишига тўғри келади. Қанчалик тиришқоқлик билан меҳнат қилишмасин, олдинга силжишга муяссар бўлмайди. Бўш-баёвлар умидсизликка берилиб, ташлаб кетади, вазмин мижозга эга кишилар эса давом эттиришади ва тўсатдан, кутилмаганда, ўзлари ҳам тушунмай, қандай ва нега рўй берганини пайқамай жуда катта муваффақиятга эришадилар. Улар чўққидан худди самолёт каби учадилар. Кутилмаганда маҳоратни қўлга киритадилар. Фавқулодда ўзларини эркин тута бошлайдилар, табиийлик касб этадилар, маъруза ўқишда ўзларида тўла ишонч ҳосил қилиб, кўпчиликка таъсир кўрсатадилар.

Бу китобда, аввал айтилганидек, кўпчилик олдида биринчи марта сўзга чиққанда, сиз, балки доимий равишда худди шу каби қандайдир ўткинчи ваҳима, ҳаяжон, асабий ташвишни бошдан ўтказгандирсиз. Аммо сабот-матонатга эга бўлсангиз, барча қўрқув-ваҳималардан халос бўласиз; дастлабкилари бундан мустасно, бундай қўрқув жуда қисқа

вақт давом этади. Бир неча оғиз сўздан кейин ўзингизни бемалол идора эта бошлайсиз. Маъруза сизга сўзсиз ҳузур бағишлайди.

## Қатъиятга эга бўлинг

Ҳуқуқни ўрганмоқчи бўлган бир йигит Линкольнга мактуб ёзиб, ундан маслаҳат сўради. Линкольн унга шундай деб жавоб берди: *"Агар сиз ҳуқуқшунос бўлишга қатъий қарор қилган бўлсангиз, ишнинг ярмидан кўпи бажарилибди... Ёдингизда тутинг, муваффақият сари бўлган қатъиятингиз ҳаммасидан муҳимдир"*.

Линкольн ана шундай деб ўйларди. Ўзи ҳам буни бошидан ўтказган эди. Бутун ҳаёти давомида мактабда жами бир йилдан ортиқ ўқимаган. Китоблар-чи? Линкольннинг айтишича, у уйидан эллик мил радиусда пиёда кезиб, ўқиш мумкин бўлган ҳар қандай китобни қарзга бериб туришни сўрар экан. Кулбасида тун бўйи ўт ёнар ва у тонг оттунча аланга ёғдусида китоб ўқиш билан банд бўларди. Девордаги ёғочлар ўртасида тирқиш бор эди ва Линкольн кўпинча китобларни ана шу тирқишга қўярди. Тонг отди дегунча у ўзининг хазон тўшагидан ирғиб туриб, кўзларини уқалаб, китобни пайпаслаб топар ва ташналик билан китоб ўқишга тутинарди.

Бирор нотиқнинг сўзини эшитиш учун йигирма-ўттиз мил пиёда йўл босар, уйга қайтганидан сўнг ҳамма жойда — далада, ўрмонда, кўпчилик олдида, Жонснинг Жентривиллдаги баққоллик дўконида тўпланганлар олдида адабиёт ва мунозара жамиятида сўзга чиқар ва долзарб мавзуларда ваъз ўқишни худди сиз ҳозир машқ қилгандек синовдан ўтказарди.

Линкольнни ҳамиша норасолик ҳис-туйғуси қийнар эди. Аёллар бўлганида, у миқ этолмас, бир оғиз сўз айта олмасди. Мэри Тоддга мулозамат қилганида, у одатдагидай, меҳмонхонада ўтирар, журъатсиз равишда индамас, сўз тополмай, фақат жувоннинг сўзларини тинглаб ўтирарди. Аммо бу одам машқ қилиш ва ўз устида ишлаш орқали шундай нотиққа айландики, юксак маълумотли сенатор Дуглас каби кишилар билан бемалол мунозара қиладиган бўлди. Бу одам Геттисбергда президентликка қайта сайланиши

муносабати билан сўзга чиққанида, ажойиб сўзлаш борасида инсоният тарихида жуда кам кишилар муяссар бўлган муваффақиятга эришган эди.

Шу сабабли, даҳшатли азоб-уқубатларни ёлғиз ўзи енгганини эслаб, уни қийинчиликлар билан тўла кураш олиб борганига, *"Агар сиз ҳуқуқшунос бўлишга қатъий қарор қилган бўлсангиз, ишнинг ярмидан кўпи бажарилибди"*, деб ёзганига асло ажабланмаслик керак.

Теодор Рузвельт хонасида Авраам Линкольннинг ажойиб сурати осиғлиқ турарди. *"Баъзан, мураккаб ва чигал масала бўйича қандайдир қарор қабул қилишим керак бўлса, ҳуқуқ ва манфаатлар тўқнаш келса*, — деган эди Рузвельт, *— мен дарҳол Линкольнга қарайман, шундай ҳолатларда у қандай иш тутар эди, деб тасаввур этаман. Сизга ғалати туюлади, албатта, аммо, очиғини айтай, бу мендаги қийинчиликларни анча енгиллаштиргандай кўринади"*.

Нима учун сиз Рузвельтдан ибрат олмас экансиз? Агар сизнинг руҳингиз тушиб кетган ва нотиқлик санъатини эгаллаш учун кураш бошлашга тайёр экансиз, у ҳолда чўнтагингиздан Линкольн сурати туширилган беш долларлик пулни олиб, шундай шароитларда у қандай иш тутарди, деб ўзингиздан сўранг. Сиз ахир Линкольн қандай иш тутишини яхши биласиз. Рақиби Стивен А.Дуглас АҚШ сенати учун сайловларда ғалаба қозонганида, Линкольн ўз тарафдорларига *"нафақат битта, балки юзта мағлубиятдан кейин ҳам асло таслим бўлмаслик керак"*, деган эди.

## Сизнинг тиришқоқлигингиз тақдирланишга сазовордир

Кошки эди, бир ҳафта давомида ҳар куни эрталаб нонуштадан олдин стол устига бу китобни очиб қўйсангиз-у, Гарвард университети профессори, машҳур руҳшунос Уильям Жеймснинг сўзларини ёдлаб олсангиз. Мен ана шуни истардим. Жеймс шундай деган эди: *"Бирорта ҳам ўсмир ўзи олган таълим натижаларидан, йўналиши қандайлигидан қатъи назар, асло безовта бўлмасин. Агар у иш вақтининг ҳар бир соатида виждонан меҳнат қилиб, тер тўкса, пировард натижадан гумонсирамаса ҳам бўлади. Шунга амин*

*бўлмоғи керакки, ажойиб кунларнинг бирида у уйқудан уйғониб, тенгдошлари орасида энг билимдон одамга айланган бўлади".*

Энди эса машҳур профессор Жеймснинг фикрига таянган ҳолда бемалол айта оламанки, агар сиз виждонан ва кўтаринки руҳ билан омма ҳузурида сўзга чиқишни ўрганмасангиз ва онгли равишда машқ қилишни канда қилмасангиз, ажойиб тонгларнинг бирида уйғониб, шаҳрингиз ёки жамоамиздаги нотиқлар орасидаги энг пешқадамлардан бири бўлиб қоласиз. Бунга тўла-тўкис ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Сиз учун хаёлот бўлиб кўриниши мумкин, аммо умумий қонун-қоидага кўра, бу ҳақиқат. Айрим истиснолар бўлади, албатта. Инсон заиф ақл-заковат билан шахс сифатида ўз олдига ҳеч қандай мақсад қўймасдан, ҳеч нарса демасдан, маҳаллий миқёсдаги Даниэл Вебстер бўла олмайди, аммо онгли чек-чегарада бу тасдиқ тўппа-тўғридир.

Аниқ мисол келтиришга ижозат беринг.

Нью-Жерси штатининг собиқ губернатори Стоукс Трентондаги нотиқлик санъати мактаби тингловчиларининг битирув кечасига бағишланган зиёфатда иштирок этди. У айт-дики, ўқувчиларнинг сўзи Вашингтон сенатидаги вакиллар палатасида эшитган нутқлардан асло қолишмайди. Ушбу нутқлар Трентонда ишбилармонлар томонидан ирод этилган эди, ваҳоланки, бир неча ой муқаддам тингловчилар олдида қўрққанидан уларнинг тили тутилиб қолганди.

Бу инсонлар бўлажак Цицеронлар эмасди. Улар Нью-Жерси штати ишбилармонлари бўлиб, ажойиб тонглардан бирида ўз шаҳарларининг энг яхши нотиқларидан бирига айланиб қолган эдилар.

Сизнинг нотиқ сифатидаги барча муваффақиятларингиз истиқболи икки ҳолатга таянади: табиатингиздаги қобилиятлар, мақсадга интилишнинг кучи ва теранлигига. *"Деярли барча соҳаларда,* — деган эди профессор Жеймс, — *маълум фанга нисбатан бўлган жўшқин қизиқиш сизни қутқариб қолди. Агар сиз етарли даражада натижага кучли равишда интилсангиз, унга албатта эришасиз. Масалан, бой бўлишни хоҳласангиз, бойиб кетасиз, мабодо олим бўлишни*

*истасангиз, олим бўласиз, агар яхши бўлиш хоҳиши бор экан, яхши бўласиз. Аммо сиз ҳақиқатан ҳам хоҳлашингиз керак, фақат шуни, аммо худди шундай куч билан бир-бирига тўғри келмайдиган юзлаб мақсадларга интилмаслик керак".* Ва профессор Жеймс қўшимча қилишга ҳақли эди: *"Агар сиз нотиқ бўлишни хоҳласангиз, шунга ишончингиз комил бўлса, нотиқ бўласиз, фақат ҳақиқатан ҳам шуни астойдил исташингиз лозим".*

Мен ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида маъруза билан чиқишни ўрганишга интилган минглаб эркак ва аёлларни диққат билан кузатган эдим. Бунга муваффақ бўлган жуда кам сонли киши ажойиб қобилиятга эга бўлди. Улар аксарият ҳолларда оддий кўринар, шаҳардаги сизу биз кўрган кишиларга ўхшарди. Сабаби эса оддий: улар ниҳоятда тиришқоқ эдилар. Шу билан бирга анча-мунча қобилиятли кишилар бу ишга совуққонлик билан муносабатда бўлдилар ёки пул орқасидан қувиш билан ўта банд эдилар. Шу сабабли улар кўзга кўринарли ютуққа эришмадилар. Кучли иродага эга бўлган, ўз олдига мақсад қўйган ўртамиёна одам пировардида пешқадамга айланди.

Бу табиий ва инсонга хос, албатта. Сизга ҳам худди шу нарсани савдо-сотиқ ва ихтисослик фаолиятингизда кўришга тўғри келмадими? Тўнғич Рокфеллернинг айтишига кўра, бизнес соҳасидаги биринчи ва асосий шарт — сабр-тоқатдир.

Маршал Фош буюк армияни ғалабага олиб келди. Ўзининг айтишича, бу ютуққа у битта фазилат билан эришган, яъни ҳеч қачон умидсизликка берилмаган.

1914 йилда французлар Марнега чекинганида, генерал Жоффр ўзига бўйсунувчи генералларга ихтиёрларидаги икки миллион аскарга чекинишни тўхтатиб, ҳужум қилишни буюрган. Дунё тарихидаги ҳал қилувчи бу янги уруш икки кун авжига чиққанида, марказда қўмондонлик қилувчи генерал Фош унга ҳарбий тарихда муҳрланиб қолган хабарни юборган эди: *"Менинг марказим чекинмоқда. Ўнг қанотим ташлаб кетмоқда. Аҳвол жуда яхши. Шиддатли ҳужумга киришаман!"*

Бу ҳужум Парижни сақлаб қолди.

Шунинг учун аҳвол жуда оғир кўринса, ҳатто умидни узадиган даражада бўлса ҳам, марказдаги кучларингиз че-

киниб, ўнг қанот ташлаб кетаётганда ҳам "аҳвол жуда яхши", дейиш керак. Ҳужумга киришинг! Ҳужумга киришинг! Ҳужум қилинг ва ана шунда энг қимматлисини сақлаб қоласиз. Бу эса сизнинг мардоналигингиз ва ўзингизга нисбатан ишончингиздир.

## Ёввойи Кайзер чўққисига кўтарилиш

Бир неча йил муқаддам мен Австралиянинг Альп тоғларидаги Ёввойи Кайзер деб номланган чўққига кўтарилишга қарор қилдим. «Бедекере» меҳмонхонасида унга кўтарилиш жуда қийинлигини, ҳаваскор альпинистларга йўл кўрсатувчи кераклигини айтишди. Дўстим билан менда йўл кўрсатувчи йўқ эди ва биз, турган гапки, ҳаваскорлар эдик, шу сабабли бир одам, муваффақият қозонишга ишонасизларми, деди.

— Бўлмаса-чи, — деб жавоб бердик биз.

— Нега шундай деб ўйлайсиз? — сўради у.

— Бошқалар йўл кўрсатувчисиз иложини қилишди-ку, — дедим мен. — Демак, бу иложи бор иш, қолаверса, мен ҳеч қачон мағлубият тўғрисида ўйламайман.

Альпинист сифатида камина жуда ёш ва заиф бўлиб, биринчилардан эдим, аммо инсон руҳияти, у кўпчилик олдида сўзга чиқадими ёки Эльбрус чўққисига чиқишга уринадими, барибир айнан шундай бўлиши керак.

Муваффақият ҳақида ўйланг. Ўзингизни кўпчилик олдида тўла-тўкис, дадил ҳолда гапираётган киши деб тасаввур қилинг.

Буни амалга ошириш буткул ўз ихтиёрингизда. Муваффақиятга эришишга ишонинг. Унга қатъий ишонинг. Ана шунда муваффақиятга эришмоқ учун ҳимаики лозим бўлса, барини амалга оширасиз.

Адмирал Дюпон ўзининг тўп билан қуролланган кичик ҳарбий кемаларини Чарлстон бандаргоҳига киритмаслик учун бир олам ишончли сабабларни рўкач қилди. Адмирал Фаррагут унга диққат билан қулоқ солди.

— Аммо сиз яна битта сабабни тилга олмадингиз, — деб қўшиб қўйди у.

— Қанақа сабабни? — сўради адмирал Дюпон.

— Сиз буни амалга ошира олишга ишонмадингиз, — деган жавоб бўлди.

Аксарият ўқувчиларнинг машқлар ҳамда омма олдида сўзга чиқиш туфайли қўлга киритадиган энг қимматли манбаи бу ўзига ишончнинг ошиши ва нимадир қилиш қобилиятига нисбатан мустаҳкам ишонч ҳисобланади. Ҳар қандай ишда муваффақият қозониш учун бундан ортиқ нима ҳам бўлиши мумкин?

## Ғалабага эришмоқ учун иродали бўлинг

Мен марҳум Элберт Хаббарднинг донишмандлик билан тўлиб-тошган маслаҳатини қониқиш билан эслатмасдан ўтолмайман. Агар ўртамиёна одам — эркак ё аёл — ундаги донишмандликни ўзлаштириб олса ва амалга оширса, у бахтли бўлади ҳамда яшаши енгил кўчади:

*"Сиз қачон уйдан чиқсангиз, энгакни ростлаб, бошни баланд кўтаринг ва кўксингизни тўлдириб нафас олинг. Қуёш нурини тўлиқ симиринг; дўстларга табассум улашинг, ҳар бирини чин кўнгилдан қўлини қисиб қўйинг. Мени нотўғри тушунишади, деб асло қўрқманг, ўз душманларингизни уйлашга бирор дақиқа ҳам вақт сарфламанг. Бажармоқчи бўлган ишларингизни онгда маҳкам жойланг, ана шунда сиз мақсадга тўппа-тўғри йўл оласиз, ана шунда четга чиқмайсиз. Фикр-уйларингизни улуғ, қўлга киритмоқчи бўлган ажойиб ишларга йўналтиринг, ана шунда кунлар ўтган сари беихтиёр хоҳиш-истагингизни бажариш учун талаб этиладиган имкониятлардан фойдалана бошлайсиз, бу мисоли денгиз сувидан керакли моддани олувчи маржон полипини эслатади (полип — бир жойда қимирламай яшайдиган денгиз жонивори). Сиз ўзингиз хоҳлаган ўша қобилиятли, жиддий, фойдали одамнинг суратини онгингизга чизинг ва бу фикр сизни соат сайин айнан ана шундай одамга айлантиради... Фикр ҳамма нарсадан устун туради. Тўғри ақлий ҳолатда туринг, мардлик, очиққўнгил-*

Элберт Хаббард

*лик, хушчақчақлик билан яшанг. Тўғри фикрлаш — демак, ижод қилишдир. Барчаси хоҳиш-истак туфайли рўй беради ва ҳар қандай ибодат самара беради. Юрагимиз нимага интилса, биз худди шунга ўхшайверамиз. Энгакни тик тутиб, бошингизни баланд кўтариб, юринг. Биз қўғирчоқ тахлит худоларга ўхшаймиз".*

Наполеон, Веллингтон, Ли, Грант, Фош — бу буюк лашкарбошилар эътироф этган эдики, армиянинг ғалабага бўлган иродаси ва унинг ўзини енгиш қобилиятига нисбатан ишончи бошқа ҳар қандай нарсадан кўра кўпроқ муваффақиятни таъминлайди.

*"Тўқсон минг мағлуб,* — деган эди маршал Фош, — *тўқсон минг ғолиб олдидан чекинади, чунки фақат уларнинг руҳи тушган, ғалабага ишончи йўқолган, тушкунлик кайфиятида, уларнинг қаршилиги маънан синдирилган эди".*

Бошқа сўзлар билан айттанда, чекинган ушбу тўқсон минг аскар сабаб, улар маънавий тор-мор қилиниб, мардлик-матонатни йўқоттанлар, ўзларига нисбатан ишончдан маҳрум бўлганлар. Бундай армия ҳеч нарсага таянмайди. Бундай одам ҳам ҳеч нарсага асло таяна олмайди.

АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг собиқ бош руҳонийси, хонаки черков попи Фрейзьер биринчи жаҳон урушни даврида ҳарбий руҳоний бўлишни истовчи кишилар билан суҳбат ўтказган эди.

Ундан ҳарбий флот руҳонийси вазифасини муваффақиятли адо этиш учун қандай сифатлар талаб қилиниши сўралган. *"Худонинг иноят, ҳозиржавоблик, сабр-тоқат ва мард-лик"*, деб жавоб берган эди Фрейзьер.

Худди шундай сифатлар кўпчилик олдида маъруза билан чиқадиган кишиларга ҳам жуда зарур. Уларни шиорга айлантиринг. Реберт Сервиснинг қуйидаги шеърини ўзингизнинг жанговар мадҳиянгизга айлантиринг:

*Агар сен саҳрода адашиб қолсанг,*
*Бола каби қуршаса қўрқув, ваҳима,*
*Ва ўлим кўзингга қараса тип-тик,*
*Сен бутунлай ярадорсан, бу пешона-ку,*
*Тепкини босиш қолди ва... ўлим қолур,*
*Аммо эркаклик шаъни, охирга қадар*

*Курашгин, ўзинг йўқотма, ҳақинг йўқ, дейди.*
*Агар оч бўлсанг ва ўлгудай хароб,*
*Ўзни ўлдирмоқ қийин ҳам эмас,*
*Жин ургурни тишга бўлмас тегизиб.*

*Туйдингми курашлардан? Бу нима, уял!*
*Ахир, ёшсан-ку, мардсан, ақли расосан,*
*Сенга оғирлик йўналди, биламан буни,*
*Аммо умидсизлик бўлмасин ҳамроҳ,*
*Кучни йиғиб, олға интил,*
*Белда қувват борки, курашгин ахир!*
*Тиришқоқлик келтирур зафар.*
*Шунинг учун руҳинг тушмасин, дўстим!*
*Мардлик, матонат тўпла, енгилма асло,*
*Бош кўтариб юриш эмасдир енгил.*

*Енграмоқ осон, сен абгор қилиниб,*
*Ва ўлиб кетишинг эмасдир мушкул.*
*Чекинмоқ ва қочиб кетмоқ осондир, албат.*
*Шунда агар кураш бошланиб кетса,*
*Умид эса кўрсатмаса қадду қоматин.*
*Мана ўша — орзиққан қисмат!*
*Сен чиқдинг қўрқинчли жойдан,*
*Курашлардан чиқдинг, ярадор, аянч,*
*Бутун аъзонг чандиққа тўла,*
*Яна бир кўр уриниб, ўлишдир — енгил,*
*Тирик бўлиш аммо машаққатли иш.*

## Қисқа хулосалар

*1. Биз аста-секин такомиллашиб бормай туриб, гольф ўйнашни ҳам, француз тилини ҳам, нотиқлик санъатини ҳам — ҳеч нарсани асло ўргана олмаймиз. Олдинга қараб тўсатдан сакрашлар, кескин силкинишлар туфайли ҳаракат қиламиз. Айнан ана шу туфайли бир неча ҳафта битта жойда туриб қолишимиз ёки қўлга киритилган кўникмалардан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин. Руҳшунослар бундай даврни "қинғир ўқитиш учун қийшиқ тоғ", деб юритишади. Биз тиришқоқлик билан зўр бериб меҳнат қили-*

*шимиз, аммо ана шу "тоғ" туфайли силжий олмаслигимиз ва юксакликка кўтарилмаслигимиз мумкин. Айрим кишилар ўзига хос бу ҳолатни билмасдан, руҳлари тушиб кетади. "Қийшиқ тоғ" туфайли барча хатти-ҳаракатларини тўхтатадилар. Бу фавқулодда қайғули ҳол бўлиб, агар улар ҳаракатларини давом эттиришганида, амалий ишларни бажариб, машқ қилганларида, кутилмаганда кўкка қараб худди самолёт каби парвоз қилишганини ва қисқа муддат ичида тўсатдан улкан муваффақиятга эга бўлишганини англаб олар эдилар.*

*2. Сиз нутқ ўқишдан олдин айрим асабий ҳолатларни бошдан ўтказмай туриб, кўпчилик олдида ҳеч қачон сўзга чиқмаслигингиз мумкин. Аммо сабот-матонатни намойиш этсангиз, тезликда шу каби барча қўрқув, ваҳималардан халос бўласиз, фақат дастлабкилари бундан мустасно, маъруза бошлангандан сўнг у бир неча сония ичида ғойиб бўлади.*

*3. Профессор Жеймс ёш йигитлар фанни эгаллагаш йўлида ўз қобилиятларига шубҳаланмасалар ҳам бўлади, деб кўрсатган эди. Агар талаба виждонан шуғулланса, "тўла равишда шунга ишониши керакки, бир куни — ажойиб тонгларнинг бирида уйқудан уйғониб, билимнинг қайси соҳасини танлаб олмасин, бундан қатъи назар, у ўз авлоди вакиллари ичида энг билимдони бўлиб қолади". Ушбу психологик ҳақиқат Гарвард университетининг машҳур олими томонидан айтилган бўлиб, сизга ва сизнинг нутқ сўзлашга нисбатан интилишингизга ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу соҳада муваффақиятга эришган одамлар одатда ноёб қобилиятларга эга бўлмаганлар. Аммо улар сабр-тоқат, тиришқоқлик ва енгилмас қатъиятли эгаси эдилар. Улар асло чекинмай, мақсадларига эришганлар.*

*4. Нотиқ санъатининг муваффақияти ҳақида ўйланг. Ана шунда сиз муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган барча ишни амалга оширасиз.*

*5. Агар сиз руҳан тушган бўлсангиз, Тедди Рузвельтга ўхшаб Линкольн суратига қаранг ва ўз-ўзингиздан, шундай вазиятларда у нима қилган бўларди, деб сўранг.*

*6. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг биринчи жаҳон уруши давридаги бош руҳонийси ҳарбий руҳонийнинг муваффақияти учун зарур бўлган сифатларни бешта сўз билан ифодалаган эди. Улар қайсилар?*

*Олтинчи бўлим*

## ЯХШИ МАЪРУЗАНИНГ СИРЛАРИ

Биринчи жаҳон урушидан кўп ўтмай мен Лондонда икки ака-ука — сэр Россом Смит ва сэр Кит Смит билан танишдим. Улар эндигина Лондондан Австралияга биринчи учишни амалга оширган ва Австралия ҳукумати таъсис этган эллик минг долларлик мукофотга сазовор бўлган, бу эса Британия империясида шов-шувга айланган ва улар қирол томонидан дворянлик унвони билан тақдирланган эдилар.

Машҳур кинотасвирчи капитан Херли улар билан бирга қисман парвоз қилиб, бу жараённи тасмага муҳрлаган эди. Мен унга парвоз ҳақида ва таассуротлар бўйича кўргазмали нутқ тайёрлашда ёрдам бердим ҳамда кўпчилик олдида сўзга чиқиш санъатини ўргатдим. Улар тўрт ой давомида Лондонда, филармония залида сўзга чиқишди. Бири — кундуз куни, иккинчиси — кечқурун.

Ҳар иккисида таассуротлар бир хил эди, улар самолётда ёнма-ён ўтиришган, ер шарининг деярли ярмини учиб ўтишган. Ака-укалар деярли сўзма-сўз бир воқеани гапиришган, аммо негадир уларнинг маърузалари ҳар хил эди.

Ҳар бир сўзга чиқишда нимадир, сўзга яқин бир нарса борки, ана шу нимадир ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ўзига хослик таъсиридир. *"Гап шундаки, сизнинг нима гапирганингиз эмас, балки қандай гапирганингиз муҳим"*.

Бир куни мен ёшгина аёл билан концертда ёнма-ён ўтириб қолдим. У Падеревскийнинг Шопен мусиқаларини нота бўйича ижро этилишига оид чиқишни томоша қилиб ўтирарди. Хоним ниҳоятда таъсирланганди. У тушунишдан йироқда эди. У ижро этган асардаги ўша ноталарни айнан аниқлик билан танлаган бўлса ҳам, ижроси оддийгина эди. Эркакнинг ижроси эса илҳом берувчи, завқ-шавқ бағишловчи, тингловчини жўштирадиган даражада эди. Гап фақат у танлаган ноталарда эмасди, балки қандай олганида, ҳис-

туйғуларга артистликда, шахсий жозибада эдики, бу жозибани ижрода қўшиб юборар, ана шунинг ўзи ўртамиёналик билан даҳолик ўртасидаги тафовутни намоён этарди.

Улуғ рус рассоми Брюллов бир куни шогирди чизган хомаки суратнинг бир жойини тузатди. Шогирд тузатилган суратга ҳайрат билан қараб, хитоб қилди:

— Сиз сал-пал қўл тегиздингиз-у, у бутунлай бошқача бўлди-қолди!

— Санъат ана шу сал-палдан бошланади.

Бу нотиқлик санъатига ҳам, худди рассомлик ҳамда Падеревский ижросига ҳам бир хилда тааллуқли эканлиги ҳақиқатдир.

Инсон сўзни талаффуз этганида ҳам худди шундай ҳолат рўй беради. Англия парламентида эскидан қолган удум бор, яъни гап шундаки, нимани гапираётганлари эмас, балки бу ҳақда қандай гапираётганлари муҳим. Квинтилиан буни жуда қадим-қадимда, Англия ҳали Рим колонияларидан бири бўлган пайтда айтиб кетган эди.

Худди қадимги нақлларда бот-бот тилга олинганидек, уни йирик туз донасидек қабул қилмоқ керак, аммо жуда яхши ифодалаб берилганида, ниҳоятда суст маъруза ҳам жуда катта таассурот қолдириши мумкин. Мен кўпинча коллежлардаги мусобақаларда энг яхши маълумотга эга нотиқ ҳар доим ҳам муваффақият қозонавермаслигининг гувоҳи бўлганман. Ғолиблик кўп ҳолларда энг яхши гапирган, маълумоти бошқаларга нисбатан афзал даражада жаранглаган кишига насиб этган.

*"Нутқда уч омил катта аҳамият касб этади*, — деган эди бир куни лорд Морли қувноқ беадаблик билан, — *ким гапиряпти, қандай гапиряпти, нимани гапиряпти? Ана шу уч омилдан учинчиси катта аҳамиятга эга"*. Бу ошириб юборишми? Ҳа, аммо унинг тирқишларидан ҳақиқат ёғду бериб турибди.

Эдмунд Берк

Эдмунд Берк мантиқий жиҳатдан пухта, далиллар тўғри келтирилган, тузилиши ажойиб нутқлар ёзган эди, ҳозир уларни мамлакатдаги коллеж-

ларнинг деярли ярми худди классик намуна сифатида ўрганмоқда, ваҳоланки, Берк бирор жойда тан олинмаган ночор нотиқ эди. У ўзининг сўз дурдоналарини тақдим этиш қобилиятига эга бўлмай, уларни қизиқарли ва ишонарли ифода этишнинг уддасидан чиқа олмасди. Шунинг учун Беркни жамоа палатасида "тушликка чалинадиган қўнғироқ" деб атардилар. Берк минбарга кўтарилганида, палата аъзолари йўталар, оёқларини дўпирлатишар ва залдан чиқиб кетар эдилар.

Агар сиз одамга пўлат қобиқли ўқ отгудай бўлсангиз, ҳатто унинг кийимини ҳам йирта олмайсиз. Аммо унга мум шамли порох солсангиз, у мустаҳкам қайин ёғочни ҳам тешиб ўтади. Афсус билан айтиш керакки, кўпгина нутқлар ана шундай порох мумли шам билан пўлат қобиққа эга бўлган суюқ нутқлардан кучли жаранглайди.

Шу сабабли ўзингизнинг баён этишдаги қиёфангизга диққат билан эътибор бериб боринг.

## Сўзга чиқиш йўсини нима?

Универсал дўкон сиз харид қилган молни беришда қандай йўл тутади? Ҳайдовчи халтачани ҳовлингизга улоқтириб кетадими? Буюм бериш билан уни топшириш бир хилми? Почтачи шошилинчнома кимга тегишли бўлса, шахсан ўзига топширади. Буни барча нотиқлар ҳам уддасидан чиқа олармикан?

Сўзга чиқадиган минглаб кишилар учун таниш ҳолатни мисол келтиришга ижозат беринг. Бир пайтлар Швейцария Альпидаги Мюрренда ёзги курортда бўлишимга тўғри келди. Мен Лондон компанияларидан бирига тегишли меҳмонхонада яшар ва мазкур компания одатда ҳар ҳафта меҳмонлар олдида сўзга чиқиш учун иккита нотиқни юборар эди. Даставвал машҳур инглиз адибаси келди. У ёзиб олинган қандайдир матнларни ҳавола қилди, тингловчиларга заррача эътибор бермай, улар рўпарасида туриб, гоҳ уларни боши узра қаергадир қараб, гоҳ ўз ёзувларига, гоҳ ерга тикиларди. Сўзларини бир хил товушда талаффуз этиб, гўё уларни бўшлиққа ташлагандай эди.

Бундай тарзда сўзга чиққандан чиқмаган яхши. Бу ўзўзи билан суҳбат демакдир. Тингловчилар билан ҳеч қан-

дай алоқа йўқ. Энг яхши маъруза учун энг асосийси айнан тингловчилар билан алоқани тасаввур этишдир. Тингловчилар бу аллақандай нома бевосита нотиқнинг онги ва юрагидан ўтиб, уларнинг онги ва юрагига бораётганини ҳис этишлари керак. Мен ҳозиргина таърифлаган нутқ сувсиз Гоби саҳросида ирод этилганидек, муваффақият қозониши мумкин эди. У ҳақиқатан одамлар ўртасида эмас, балки худди шундай жойда ўқилгандай эди.

Маълумотни тақдим этиш бир вақтнинг ўзида жуда оддий, шу билан бирга жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённи кўпинча нотўғри тушунадилар ва нотўғри амалга оширадилар.

## Ажойиб маърузанинг сири

Нутқ қандай бўлиши кераклиги тўғрисида жуда кўп бемаъни ва қуп-қуруқ сафсаталар ёзилган. Уни турли хилдаги қоидалар ва маросимлар билан ўраб ташладилар ҳамда ғаройиб бир нарсага айлантирдилар. Эски урфдаги "элоквенция" — сўзамоллик, яъни жимжимадор нутқ, бу — расвогарчилик, илоҳийлик ва инсонийликнинг эскириши кўпинча унга бемаъни кўриниш берар эди. Ишбилармон кишилар кутубхона ва китоб дўконига йўл олиб, у ердан "нотиқлик санъати"га доир адабиётларни топишарди, аммо улардан сира фойдаланиш мумкин эмасди. Бошқа соҳаларда қўлга киритилган тараққиётга қарамай, айрим ўқувчиларни ҳозиргача Вебстер ва Ингерсолл нутқларини ифодали ўқишга мажбур қилишади. Ваҳоланки, улар шунчалик эскирган ва замонамиз руҳидан узоқки, худди Ингерсолл ва Вебстер хоним тўсатдан тирилиб, қалпоқчаларида пайдо бўлгандай туюлади.

АҚШда фуқаролар уруши даврида халқ олдида чиқиб сўзлашнинг бутунлай янгича мактаби юзага келди. Давр руҳи билан ҳамоҳанг равишда нутқ оддий ва аниқ тус олди, у худди шошилинчномага ўхшар эди. Замонавий тингловчилар бир пайтлар мода бўлган ялтироқ сўзларга асло тоқат қила олишмайди.

Замонавий тингловчилар — у ўн беш кишидан иборат иш билан боғлиқ йиғилиш бўладими ёки чодир остида ўтир-

ган минг кишидан иборатми, барибир, нотиқ худди шахсий суҳбат ўтказаётгандек, умуман, худди шундай кўринишда, худди бир киши билан баҳс ўтказаётгандай оддий, содда тарзда гапиришни истайди.

Худди шу тахлитда, аммо бундай куч билан эмас, акс ҳолда уни умуман тингламай қоладилар, у табиий бўлиши учун қирқ нафар тингловчи ҳузурида сўзлаганида битта одам билан гаплашганга нисбатан кўпроқ қувват сарфлайди. Худди бино томидаги ҳайкал жуда катта ҳажмда бўлгани каби, токи ерда турган кузатувчи уни оддий савлатли кўринишда тасаввур қилсин.

Марк Твен Невада конларидан бирида ишловчилар ҳузурида сўзга чиққанида, унинг олдига бир кекса олтин изловчи келиб сўради:

**"Сиз доим мана шундай табиий қиёфада гапирасизми?"**

Тингловчиларга айнан ана шу муҳим: табиий қиёфада гапиришнинг самараси анчайин кўп.

Агар сиз муҳтожларга ёрдам кўрсатиш қўшма фонди йиғилишида сўзламоқчи бўлсангиз, худди Жон Генри Смит каби гапиринг. Ахир фонд аъзолари Жон Генри Смитларнинг ҳаммаси эмас. Ахир, аёл ва эркаклар алоҳида келган ўша усуллар жамоа билан гаплашганда ҳам ярамайдими?

Мен юқорида бир адибанинг маърузаси тўғрисида батафсил сўзлаган эдим. Орадан бир неча кун ўтиб худди шу залда машҳур физик, сэр Оливер Ложнинг сўзларини ҳузур билан тинглашга муваффақ бўлдим. Ложнинг маърузаси "Атом ва оламлар" деб номланган эди. Унда ярим асрлик ўй-мулоҳазалар, асарлар ва тадқиқотлар қамраб олинган эди. Лож нимаики сўзлаган бўлса, юрагидан, ақлидан олинган, унинг ҳаётининг бир қисми, айтмоқчи бўлган, истаган гапларидан иборат эди. У тингловчиларга фақат атомлар тўғрисида аниқ, равшан ва ишонарли гапириб беришни сал бўлмаса эсдан чиқарёзди *(мен унинг учун худога шукроналар келтирдим)*. Лож самимий, сидқидилдан сўзлар экан, у кўриб турганини биз ҳам кўрардик, ҳис этганларини биз ҳам ҳис этар эдик.

Хўш, натижа қандай бўлди? Лож ажойиб нутқ сўзлади. Унда жозибадорлик ҳам, қувват ҳам бор эди, аммо ишончим комилки, Лож ўзини нотиқ деб ҳисобламасди. Шу билан бирга уни эшитган кишиларнинг жуда озчилиги уни нотиқ деб ҳисоблашларига ҳам ишончим комил эди.

Агар сиз, ушбу китобнинг ўқувчилари, шу тарзда кўпчилик олдида сўзга чиқсангиз, тингловчиларингиз сизни нотиқлик санъатини ўрганган экан, деб шубҳаланса, буни муаллифга иззат-икром деб билманг. Шу қадар табиийлик билан сўзлангки, сизнинг тайёргарликдан ўтганингиз уларнинг хаёлига ҳам келмасин, буни чин дилдан истайдилар. Яхши дарча ўзига диққатни асло жалб этмайди. У фақат нурни ўтказади, холос. Яхши нотиқ ҳам айнан шундай. У шу қадар табиий равишда гапирадики, тингловчилари унинг қандай йўсинда гапирганини пайқамай, фақат гап кетаётган ашё *(ёки ҳодиса)*ни кўз олдига келтириб туради.

## Генри Форд ўгитлари

*"Форднинг ҳамма машиналари мутлақо бир-бирига ўхшаш,* — деган эди унинг яратувчиси, — *аммо бир-бирига мутлақо ўхшаш икки киши бўлмайди. Ҳар бир янги ҳаёт, бу — қуёш остидаги янги нарсадир, илгари бирор нарса худди шундай аниқ ўхшаш бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Ёш киши худди шу тарзда ўзига қараши керак — у ўзига хосликнинг яккаю ягона учқунини излаши лозим, ана шу ўзига хослик уни бошқа кишилардан ажратади ва уни бутун куч-қувват билан авж олдиради. Жамият ва мактаблар бу учқунни ўчиришга уринадилар; улар барини бир хил қирраликда қирқиб ташламоқчи бўладилар, мен эса: учқунни ўчиришга уринманг, бу сиз ўйнашингиз лозим бўлган асосий ролингиз учун муҳим ҳисобланмиш яккаю ягона таянчингиздир, дейман".*

Генри Форд

Буларнинг бари кўпчилик олдида сўзга чиқувчи нотиққа нисбатан икки жиҳатдан тўғридир. Бу дунёда сизга ўхшаш одам асло бўлмайди. Юз миллионлаб кишилар икки

кўз, бурун ва оғизга эга, аммо улардан бирортаси айнан сизга ўхшаш эмас, юз тузилиши ҳам, ақл-шуур жиҳатдан ҳам сизга асло ўхшамайди. Аммо кўпчилиги ўз фикр-мулоҳазаларини худди сиздек аниқ сўзлаб, ифодалаши мумкин, агар сиз табиий равишда гапирсангиз. Бошқача сўзлар билан айтганда, сизда ўзига хослик, алоҳидалик бор. Нотиқ сифатида бу сиз учун энг қимматбаҳо мулк ҳисобланади. Уни маҳкам ушланг. Авайлаб-асранг. Уни ривожлантиринг. Сизнинг нутқингизга куч-қувват ва самимийлик бахш этувчи ўша учқун, *"сиз ўйнашингиз лозим бўлган асосий ролингиз учун муҳим ҳисобланмиш яккаю ягона таянчдир"*.

Сэр Оливер бошқалар каби гапира олмас, чунки унинг ўзи ҳам ҳеч кимга ўхшамас эди. Бу одамнинг гапириш услуби унинг ўзи хослигининг бир қисми — соқол ва бошдаги сочга ўхшар эди. У агар Ллойд Жоржга тақлид қилганида борми, нутқи сохта бўлиб чиқар ва ҳеч нарсага арзимас бўлиб қоларди.

Энг машҳур мунозара Америкада, 1858 йилда, сенатор Стивен Дуглас ва Аврам Линкольн ўртасида Иллинойс чўлларида жойлашган шаҳарларда бўлиб ўтганди. Линкольннинг бўйи баланд ва бесўнақай эди. Дуглас ўртабўй ва ораста одам эди. Феъл-атворлари ва ақлий қобилиятлари жиҳатидан бу одамлар худди ташқи кўринишлари каби фарқ қиларди.

Дуглас жуда маданиятли, оқсуякларга мансуб киши эди. Линкольн — ўрмон кесувчи бўлиб, меҳмонларни кутишда остонага битта пайпоқ кийиб чиқиб кетавериши ҳам мумкин эди. Дугласда қўл хатти-ҳаракатлари жуда нафис, назокатли, Линкольнда эса қўпол эди. Дуглас бутунлай юмор ҳиссидан маҳрум бўлса, Линкольн ҳеч кимга тақлид қилмай, латифалар айтаверарди. Дуглас таққослашларга жуда кам мурожаат қилар, Линкольн эса ҳамиша ўхшашлик ва мисоллар асосида муомала қиларди. Дуглас такаббур ва ҳукмфармо, Линкольн вазмин ва андиша билан иш тутадиган киши эди. Дуглас жонли, ёрқин ақлга эга бўлса, Линкольнда эса фикрлаш жараёни секинроқ ўтарди. Дуглас худди бўрон шижоати каби тез, Линкольн хотиржам, теран ва эҳтиёткор киши эди.

Бу икки арбоб, гарчи тубдан турли-туман кишилар бўлишса-да, жуда ажойиб нотиқ эдилар, чунки уларда ўзла-

ридаги ўзига хосликни ҳамда соғлом фикрни сақлаш учун матонат етарли эди. Агар улардан бири иккинчисига тақлид қилишга уринганида, бирдан мағлубиятга учраб қоларди. Аммо бу инсонлар ўзларидаги алоҳида истеъдодни тўлиқ сарфлаб туриб, ҳар иккиси ҳам оригинал ва кучли эканликларини намойиш қилдилар. Уларга тақлид қилишга ҳаракат қилинг.

Бундай маслаҳатлар бериш-ку, ҳамиша осон, аммо уларга амал қилиш-чи? Сўзсиз, амал қилиш йўқ. Маршал Фош ҳарбий санъат ҳақида айтганидек, *"унинг моҳияти ҳаддан зиёд содда, аммо бахтга қарши, уни ҳаётга татбиқ этиш жуда мураккаб"*.

Тингловчилар олдида ўзни табиий тутиш учун амалиёт керак. Буни актёрлар жуда яхши билишади. Балки сиз тўрт ёшли бола бўлганингизда тингловчиларга ниманидир сўзлаб беришга уринганда, бунинг уддасидан чиқардингиз. Аммо энди ёшингиз йигирма тўрт ёки қирқ тўртда бўлганида, минбарга чиқиб, гапира бошлаганингизда, нима бўларди? Сиз бир пайтдаги, яъни тўрт ёшингиздаги сокин табиийликни сақлаб қола олармидингиз? Эҳтимол, бўлар, аммо сиз чегараланиб қоласиз, ўз овозингиз билан гапиролмайсиз, шиллиққурт мисоли ўз чиғаноғингизга яширинардингиз, мен бунга баҳс бойлашга тайёрман.

Одамларни ўз фикрларини баён этишга ўргатиш аслида уларга қандайдир қўшимча сифатлар бериш дегани эмас. Улардаги сиқиқликни туб-тубидан чеклаш, эркин тарзда ўзларини ҳис этишга ёрдам бериш керак. Кимдир уни уриб, оёғидан чалган бўлса, табиий баён этгани каби ифодалай олсин.

Мен юз марталаб бўлса керак, маърузанинг ўртасида гапираётган кишини тўхтатиб, "одамга ўхшаб" гапиришини ўтиниб сўраганман. Юз марталаб кечқурун уйга ақлий жиҳатдан толиқиб, асабларим қақшаб, одамларни зўрма-зўраки гапиришдан қайтаришга уриниб ҳамда уларни табиий гапиришга мажбур этиб қайтар эдим. Ишонинг, бу шунчаки осон иш эмас, албатта.

Дунёда жазава ҳолатидаги табиийликни эгаллашнинг ягона йўли — амалиёт ўтказишдир. Сиз қачон амалиёт ўтказсангиз, бирдан сиқиқ ҳолатда гапираётганингизни пайқаб

қоласиз-у, тўхтайсиз ва ўз-ўзингизга: *"Қулоқ сол-чи, нима бўлди? Ҳушингни йиғ, одам бўл!"* – дейсиз. Шундан кейин тингловчилар орасидан орқа томонда ўтирган ўртача кўринишдаги бир кишини белгилаб оласиз-у, унга қараб, мурожаат қилаверасиз. Бинода бошқа кишилар борлигини мутлақо эсдан чиқаринг. Айнан шу одам билан суҳбат ўтказинг. Тасаввур қилингки, у сизга савол беради, сиз жавоб берасиз. Агар у ўрнидан турса-ю, сизга муражаат қилса ва унга жавоб беришингизга тўғри келса, бу сизни дарҳол ва муқаррар равишда шахсий суҳбат тарзида, ниҳоятда табиий, жуда оддий сўзлашга мажбур этар эди. Шу сабабли ўзингизни айнан ана шундай деб тасаввур этинг.

Сиз шундай усулни қўллашингиз мумкин: ҳақиқатан ҳам берилган саволларга жавоб қайтаринг. Масалан, сўзлаётганда, маърузанинг ўртасида: *"Мен буни қандай исботлашимни билишни хоҳлайсизми? Менда ишончли исботлар бор, мана улар..."* дейсиз. Сўнгра хаёлингизга келган саволга жавоб бера бошлайсиз. Мазкур амалиётни табиий равишда қилиш мумкин. Бу баён этишнинг бир хил оҳангда бўлишининг олдини олиб, маърузанинг ниҳоят таъсирли, ёқимли ва жонли тарзда чиқишини таъминлайди.

Самимийлик, кўтаринкилик ва теран ишонч ҳам сизга ёрдам беради. Одам қачон ўз ҳис-туйғулари таъсири остида бўлса, унинг асл моҳияти юқори томон йўл олади. Чегаралар, чекловлар тушиб кетади. Унинг ҳиссиёт гулхани табиий равишда гапиради. Шундай қилиб, маълумотни баён этиш услуби ҳақида гапира туриб, хулосага келамизки, бу ҳақда бир неча бор уқдириб ўтдик: маърузага, сўзга чиқишга қалбни бағишлаш керак.

*"Лондондаги черковда хизмат қилган бир дўстимнинг ҳикояси асло эсимдан чиқмайди*, — деган эди Йелдаги диний мактабда ваъзхонлик санъати бўйича маъруза ўқиган декан Браун. — *Унда Жорж Макдональд ваъзхонлик қиларди. Ўша куни эрталаб у Муқаддас Суҳуфдан яҳудийларга йўлланган Номанинг ўн биринчи бўлимини ўқир эди. Ваъз ўқиш вақти келганида, шундай деди:*

— *Сизлар барингиз художўй кишилар тўғрисида эшитдингиз. Мен имон нима эканлиги ҳақида изоҳ бериб ўтирмайман сизларга. Диний таълим профессори буни мендан*

*яхшироқ уддалайди. Мен бу ерга ишонишларингизга ёрдам бериш учун келдим.*

*Шундан сўнг бу одамнинг абадий ҳақиқатларга нисбатан шундай оддий ҳис этиладиган ва буюк намойиши рўй бердики, натижада у ҳар бир тингловчи қалби ва фикрига имон ёғдусини жойлаштирди, гўё. Нимаики деган бўлса, унга қалбини бағишлади, баён этиши шунинг учун таъсирли эдики, у ички дунёсининг ҳақиқий гўзаллигига таянар эди".*

*"У қалбини бағишлади".* Сир айнан шунда. Аммо биламанки, бундай маслаҳатлар муваффақият қозонавермайди. Улар хира, ноаниқ кўринади. Ўртамиёна ўқувчи равшан ва тушунарли маслаҳатларга муҳтож бўлади, унга гўё қўл билан тутиб бўладиган аниқ нарсалар керак. Унга мисоли машинани бошқариш қоидалари каби аниқ-муайян қоидалар зарур.

Мана, у нимани истайди ва мен унга айнан шуни айтмоқчи эдим. Шунда унга ҳам, менга ҳам жуда енгил бўларди. Шундай қоидалар мавжуд, аммо уларда битта кичик камчилик бор: улар таъсир этмайди. Улар нутқни ҳар қандай табиийликдан, эркинликдан маҳрум этади, уни руҳсиз ва қуруқ нарсага айлантиради. Бундай ҳолатлар менга жуда яхши маълум, ёшлик йилларимда мен унга амал қилиш учун жуда кўп куч-қувватимни сарфлаганман. Улар бу саҳифалардан ўрин олмайди, ҳолбуки, қувноқ дақиқаларда Жон Беллингс таъкидлаганидек, *«Агар нарсалар қандай кўринган билан аслида ундай эмаслиги маълум бўлса, ҳаддан зиёд кўп нарсани билишнинг сира маъниси йўқ".*

## Кўпчилик олдида сўзга чиқишда сиз бу усуллардан фойдаланасизми?

Қуйида маърузага табиийлик бахш этувчи айрим усулларни кўриб чиқамиз, токи улар биз учун янада равшан ва жонли бўлсин. Мен буни қилиш керакми-йўқми, деб иккиланиб қолдим, балки бирортаси: *"Аҳа, мана гап қаерда? Ўзинг-ни шундай мажбур қилишинг керакки, қаммаси жойида бўлади"*, деб айтиб қолар. Йўқ, ундай эмас Агар, бордию-ю, сиз ўзингизни мажбур этгудай бўлсангиз, нутқингиз ёғочдай қаттиқ ва еп-енгил бўлади.

Ҳали кечагина сиз бу усулларнинг кўп қисмини дўстлар билан суҳбатларда истифода этдингиз, уларни шунчалик ғайриихтиёрий равишда амалга оширдингизки, гўё ўз тушлик овқатингизни яна қайта пиширгандай бўлдингиз. Уларни мана шундай қўлламоқ керак. Бошқа усули йўқ. Бу кўпчилик олдида сўзга чиқишда сизга, илгари айтилганидек, фақат амалиёт орқали келади.

## Биринчидан, асосий сўзларга урғу беринг ва уларга муҳим бўлмаган сўзларни бўйсундиринг

Биз суҳбатлашаётганда, сўзда фақат битта бўғинга зўр эътибор берамиз, қолганларини эса юзаки, четлаб ўтиб, талаффуз қиламиз, худди такси бир тўда саёқлар олдидан ўтиб кетгандек четлашамиз. Масалан: МассаЧУсетс, бахтСИЗлик, қаМАЛ. Худди шундай ҳолат иборалар билан ҳам рўй беради. Улар орасидан бир ёки иккита сўз худди Нью-Йоркнинг 5-авеньюдаги "Эмпайр стейд билдинг" каби осмонўпар бинодай юқори товушда ажралиб эшитилади.

Мен қандайдир ғалати ва одатдан ташқари ҳолатни тасвирлаётганим йўқ. Мана, қулоқ солинг. Буни сиз доимо ўз атрофингизда эшитишингиз мумкин. Кечагина ўзингиз юз ёки минг марта бажаргансиз. Буни, шубҳасиз, эртага юз марта яна ўзингиз адо этасиз.

Мисол келтираман. Қуйидаги иқтибосдан катта ҳарфлар билан ёзилган сўзларни алоҳида эътибор билан таъкидлаб ўқинг, қолганларини эса шунчаки кўз югуртириб ўқинг. Нима рўй беради?

*"Мен барига УЛГУРДИМ, чунки мен худди ШУ НАРСАНИ хоҳладим. МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН ИККИЛАНМАДИМ, бу эса қолган инсоният устидан УСТУНЛИК қилишни ато этди".*
*Наполеон*

Бу мисраларни бошқача ўқиш ҳам мумкин. Эҳтимол, бошқа нотиқ буларни ўзгача талаффуз этар. Ифодалилик учун темир қонунлар йўқ. Бари шароитга боғлиқ.

Қуйидаги сатрларни ифодали, фикрни тиниқ ва ишонарли тарзда овоз чиқариб ўқинг. Муҳим сўзларни алоҳида ажратиб, ишонч ҳосил қилдингизми?

*Агар сен ўзингни абгор деб ҳисобласанг,*
*Ҳақиқатда абгор бўлурсан албат.*
*Агар удда қилолмайман деб ҳам ўйласанг,*
*Демак, азму қарор қилолмассан ҳеч.*
*Агар ютишни хоҳласанг, аммо сен*
*Эплолмайман, деб ўйлар экансан,*
*Сен деярли ютарсан албат.*
*Ҳаёт жангида доим фақат кучли,*
*Фақат чаққон енголмас ҳамиша.*
*Эртами-кечми, қозонур зафар,*
*Фақат ўзни қодир санаган.*

*Муаллифи номаълум*

*"Характерли муҳим ҳолатлар орасида балки энг муҳими, узил-кесил қатъият ҳисобланса керак. Буюк инсон бўлиб етишни истаган ўсмир у ёки бу тарзда ҳаётда из қолдирмоқчи бўлса, фақат минглаб тўсиқларни эгаллаш учун қарор қилибгина қолмай, балки минглаб мағлубият ва муваффақиятсизликларга қарамай ғолиб чиқмоғи лозим".*

*Теодор Рузвельт*

## Иккинчидан, товуш оҳангини ўзгартиринг

Суҳбат чоғида овозингиз оҳанги ўзгариб туради — гоҳ кучая-ди, гоҳ пасаяди, яна юқори кўтарилади, худди денгиз сатҳи ўзгариб тургандек, у ҳам доимо тебраниб туради. Нима учун?

Буни ҳеч ким билмайди, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди. Натижа яхши бўлади ва бу табиий, албатта. Бизга ҳеч ким ўргатмаган, бу ўз-ўзидан иродамиз туфайли болалигимизда рўй берган. Аммо биз тингловчилар олдида сўзлаш учун чиқсак, овозимиз ниҳоятда зерикарли, сийқа ва бир хиллик касб этади, гўё Невада штатидаги шўрхок саҳрога ўхшаб.

Агар сиз бир хил оҳангда гапирсангиз, одатда баланд овоз билан сўзлаётганингизни сезсангиз, бир сония тўхтанг ва ўз-ўзингизга: *"Сен худди қаққайиб тургандай гапиряпсан. Бу одамлар билан суҳбатлашгин. Одамларга ўхшаб гапир. Ўзингни самимий тут"*, деб айтинг.

Ўз-ўзини ишонтиришнинг бу йўли сизга ёрдам беради-ми? Балки, озгина ёрдам берар. Тўхтаб олиш ҳам ўз-ўзидан фойдали бўлади. Сиз амалиёт орқали халос бўлиш учун йўл ишлаб чиқишингиз лозим.

Товушингизни тўсатдан пасайтириб ёки баландлатиб, шуни қўлга киритасизки, сиз танлаган ибора ёки сўз умумий манзарада худди боғингиздаги яшил дафна дарахтига ўхшаб товланиб туради. Бруклинклик машҳур руҳоний — доктор С.Паркс Кэдмен кўпинча шундай қиларди. Сэр Оливер Лож ҳам, шунингдек, Брайан ҳам айнан шундай йўл тутишарди. Рузвельт ҳам шундай қилган. Ҳар бир яхши нотиқ худди шу тарзда иш тутарди.

Қуйидаги иқтибосларни ўқий туриб, тагига чизилган сўзларни овозингизни маълум даражада пасайтириб ўқиб кўринг-чи! Нима бўлишини биласизми?

*"Каминада фақат битта фазилат бор — мен хеч қачон умидсизликка берилмайман".*

*Маршал Фош*

*"Таълим-тарбиянинг буюк мақсади — бу билим бўлиб-гина эмас, балки ҳаракатдир".*

*Герберт Спенсер*

*"Мен саксон олти йил яшадим. Юзлаб одамларнинг муваффақият сари кўтарилганини кўрдим. Муваффақиятни қўлга киритишнинг барча унсурлари орасида зарури, энг мухими, бу — ишончдир".*

*Кардинал Гиббонс*

## Учинчидан, нутқ тезлигини ўзгартиринг

Ёш бола гапирганда ёки биз оддий суҳбат ўтказганимизда, нутқ тезлиги доимий равишда ўзгариб туради. Бу жуда ёқимли, табиий бўлиб, беихтиёр равишда рўй беради. Аслини олганда, бу қандайдир фикрни алоҳида ажратиб олишнинг энг яхши усулларидан ҳисобланади.

Уолтер Б.Стивенс ўзининг Миссури штати тарихий жамияти томонидан нашр қилинган "Линкольн репортёр кўзи

билан" номли китобида Линкольн фойдаланган энг севимли усуллардан бири айнан шу эканлигини ҳикоя қилади. Линкольн ўз сўзларига ишончлилик руҳини бермоқчи бўлса, ана шу усулга мурожаат қилган экан.

*"У бир нечта сўзни жуда тез айтарди, аммо аҳамият бериши, алоҳида таъкидлаши керак бўлган сўзларга ёки иборага яқин келганида, нутқини секинлаштирар, керакли сўзга асосий эътибор бериб, сўнгра яшин тезлигида жумлани тугатарди... У алоҳида диққат қилиш зарур бўлган бир-икки сўзга анча тўхталиб қолар, шундан сўнг ўнлаб сўзга кетган вақт кетарди, ана шу бир-икки муҳим сўзга"*.

Бундай усул диққатни асло ўзгартирмай ўзига жалб этади. Мисол келтираман. Мен кўпчилик олдида сўзга чиққанимда, адмирал Гиббонснинг юқоридаги сўзларини иқтибос тариқасида айтардим. Мардлик ғоясига эътиборини қаратмоқчи бўлганимда, шуни англатган сўзларга келганда нутқ-ни секинлаштирар, уларни чўзиб, гўё ўзим ҳам уларнинг таассуроти остида қолгандек гапирардим, аслида ҳам шундай бўлиб қолган эди. Бу иқтибосни марҳамат қилиб, ўша усулни қўллаб овоз чиқариб ўқинг, ана шунда нима рўй беришини кўрасиз.

Ўзининг ўлими олдидан адмирал Гиббонс шундай деган эди: *"Мен саксон олти йил яшадим. Юзлаб одамларнинг муваффақият сари кўтарилганини кўрдим. Муваффақиятни қўлга киритишнинг барча унсурлари орасида энг зарури, энг муҳими, бу — ишончдир. Агар инсонда мардлик бўлмас экан, у бирортаям буюк ишни амалга ошира олмайди"*.

Сиз "уттиз миллион доллар" деган сўзни тез ва оддийгина талаффуз қилишга ҳаракат қилинг, токи миқдор унча катта бўлмагандай кўринсин. Энди эса "уттиз минг доллар" деган сўзни секин талаффуз қилинг, гўё бундай катта маблағдан ҳайратга тушгандай ҳиссиёт билан айтинг. Сизга уттиз минг уттиз миллионга нисбатан кўпдай кўринмадими?

## Тўртинчидан, муҳим фикрлардан олдин ҳам, кейин ҳам тўхтаб олинг

Линкольн нутқ ўртасида кўпинча тўхтаб қоларди. Муҳим фикрни айтмоқчи бўлса, тингловчилар онги, шуурига чуқурроқ кириши учун бироз олдинга эгилиб, маълум вақт

ҳеч нима демас, уларнинг кўзига тик қараб турарди. Дабдурустдан рўй берган бундай жим қолиш шундай таассурот қолдирардики, мисоли тўсатдан эшитилган товуш каби диққатни бутун ўзига тортарди. Ҳамма диққат билан, таранг тортилиб, бундан кейин нима бўлишини кутар эди. Масалан, Дуглас билан бўлиб ўтган машҳур мунозараси охирлаб қолганида, барча белгилар унинг мағлубиятидан дарак бериб турган эди. Шунда умидсизликка берилиб, маълум вақт уни одатий дилгирлик қуршаб олди, бу унинг сўзларига таъсирли нафас бағишлади. Линкольн таржимаи ҳолларидан бирида ёзишига кўра, у ўзининг якунловчи нутқларидан бирида *"тўсатдан тўхтаб, бироз муддат кўплаб ярим бепарво одамларга, ярим дўст кишиларнинг юзига тўлиққан кўзларини тикиб (бу кўзларда доимо тўкилай-тўкилай деб турган ёшлар бўларди) жим қолади. Қўлини қўйиб, гўё улар ҳам ноумид курашдан чарчаган каби, ўзига хос равон овозда шундай деди:*

*"Дўстларим, Қўшма Штатлар сенатида ким сайланади, судья Дугласми ёки менми, бу аҳамиятсиз, мутлақо аҳамияти йўқ. Бугун биз сизларнинг олдингизга қўйган ушбу буюк масала шахсий манфаатлар ёки ҳар қандай кишининг сиёсий тақдиридан бутунлай ташқарида туради. Ва, менинг дўстларим, — шу ўринда яна тўхтаб олди, тингловчилар унинг ҳар бир сўзини илиб олишарди, — бу масала энг ҳаётий, қизғин моҳият касб этадиган вақт — мен билан Дугласнинг бедармон, заиф, ўласи товуши бир умр ўчган пайтга тўғри келади"*.

Бу оддий сўзлар, шу тарзда оддий баён этилиши билан барча юракларни забт этди.

Линкольн қайси жумлани таъкидламоқчи бўлса, ана шу жумладан сўнг тўхтаб олар эди. Буларни урғу билан, тик турган ҳолда талаффуз қилар, токи аҳамияти тингловчилар онгига етиб бориб, ўз вазифасини бажаргунча сабр қилиб турарди.

Сэр Оливер Лож ҳам муҳим фикрларни баён этишдан олдин ҳам, кейин ҳам ўз нутқларида тўхтаб олар эди. У, ҳатто бир жумлада икки ёки уч марта тин олар, уларни табиий ва беихтиёр бажарарди. Сэр Оливернинг нотиқлик усулларини ўрганиш билан машғул бўлган киши буни дарров англайди.

*"Ўзингнинг жим туришинг билан,* — дейди Киплинг, — *сен гапира бошлайсан"*. Жим туриш нутқда онгли равишда қўлланилса, ҳеч қаерда айнан шундай олтинга тенг даражада бўлмайди. Бу кучли қурол ниҳоятда муҳим бўлиб, ундан бепарво бўлмаслик керак, шу билан бирга бошловчи нотиқлар ундан фойдаланмайдилар.

Қуйида Хоменнинг "Жанговар нутқлар" асаридан келтирилган парчалардан мен нотиқ тўхтаб олиш туфайли муваффақият қозониши мумкин бўлган ўринларни белгиладим. Бу ўринларда жим қолиши ёки шундай ўринлар анчагина қулай — бу энг ягона йўл деб айтмоқчи эмасман. Мен фақат ана шундай йўл тутса бўлар эди, демоқчиман, холос. Тўхташ ўринлари қаттиқ ва қатъий қоидалар билан белгиланмайди. Буларнинг бари маърузанинг мазмуни, нотиқнинг қизиққонлиги ва кайфиятига боғлиқдир, эртага эса айнан ўша нутқнинг бошқа жойида шуни қўллаймиз.

Иқтибосни тўхтаб қолишсиз, сўнг мен кўрсатган ўринларда тўхтаб қолиб, яна қайта ўқиб чиқинг. Унинг қандай самара берганини кейин кўрамиз.

*"Молни сотиб, бу уруш* (шу ўринда жим қоласиз, токи уруш ҳақидаги фикрлар тингловчилар онгига ўрнашсин) *ва ундан фақат жангчилар ютиб чиқашади* (яна тўхтайсиз, бу фикрлар жойлашгунга қадар сабр қиласиз). *Бизга бу ҳолат ёқмаслиги мумкин, аммо уни биз яратганимиз йўқ ва биз уни ўзгартира олмаймиз ҳам* (тўхтанг). *Ўйинга кирдингизми, мард бўлинг, буни савдо дейишади* (яна тўхтанг). *Кимки гол урмаган бўлса, ўша киши тўпни узатишдан ҳам қўрқади* (жим қолинг, фикрларингиз яхшилаб жойлашсин). *Буни асло эсдан чиқарманг* (жим қолинг ва фикрлар ўрнашишига муддат беринг). *Кимки тўпни яхшилаб ўйинга туширса ёки уни узил-кесил зарб бериш учун узатса, ана шу йигит зафар томон борадиган кишидир* (кўпроқ тўхтанг, сизнинг бу ўйинчи тўғрисида нима дейишингизга нисбатан қизиқишлари ошсин), *унинг қалбида қатъий азму қарор бор"*.

Навбатдаги иқтибосларни аниқ ва фикрлаб овоз чиқариб ўқинг. Қайси ўринларда сиз табиий равишда тўхтайсиз, шу жойларни кузатинг.

*"Американинг Буюк саҳроси Айдаҳо, Нью-Мексико ёки Аризонада жойлашмаган. У ўртамиёна одамнинг шляпаси*

*тагидан жой олган. Американинг буюк саҳроси, бу — ҳаммадан кўра табиий саҳрога нисбатан ақлий, онг шуурга боғликдир".*

*Д.С.Нокс*

*"Инсоний офатлардан қутулиб қоладиган восита йўқ, ошкоралик уларга энг мос келади".*

*Профессор Фоксуэлл*

*"Икки тирик жон мавжудки, мен унинг кунглини топмоғим керак: бири Парвардигори олам ва Гарфилд. Гарфилд билан бу ерда яшашим лозим, Парвардигор билан нариги дунёда".*

*Жеймс А.Гарфилд*

Балки нотиқ менинг ушбу бобда айтганларимга амал қилиб, барибир анча-мунча хатога йўл қўяр. Тингловчилар олдида худди шахсий мулоқот каби аниқ-тиниқ тарзда ёқимсиз овозда гапириши, бир талай услубий хатоларга йўл қўйиши, ўзини шахсиятга тегадигандай тутиши, кўпгина ножўя хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Ҳар бир кишининг гапириш билан боғлиқ хулқ-атвори кўпгина тузатишларга муҳтож эканлиги мутлақо табиийдир. Ўзингизнинг суҳбат олиб боришдаги табиий ҳолатингизни такомиллаштириб, сўнгра бу усулни минбарга кўчириб кўринг.

## Қисқа хулосалар

*1. Нутқда сўздан бошқа нарса бўлмайди, ана шу ниҳоятда муҳимдир. Гап шундаки, сиз нимаики гапирганингиздан кўра қандай гапирганингиз муҳимдир.*

*2. Кўпгина нотиқлар тингловчиларини назар-писанд қилмай, уларнинг боши узра ёки ерга қарайдилар. Гўё ўз-ўзлари билан андармон бўлгандай гапирадилар. Тингловчилар билан нотиқ ўртасида алоқа, ўзаро муносабат бўлмайди. Бундай хатти-ҳаракат суҳбатни барбод қилади, худди шунингдек, кўпчилик олдида чиқиб сўзлашни ҳам ер билан яксон этади.*

*3. Ажойиб маъруза, бу — ҳаммадан бурун суҳбат оҳанги, самимийлик ва таъкидлаб кўрсатиш, демакдир. Ҳомийлик фондининг бирлашган йиғилишида худди Жон Генри Смит билан суҳбатлашгандай гапиринг. Ахир фонд аъзоларининг бари Жон Генри Смитлардан асло бошқа эмас-ку!*

*4. Ҳар қандай киши нутқ сўзлай олади. Бунга шубҳаланаётган бўлсангиз, ўзингиз текшириб кўринг: энг жоҳил одамни оёғингиз билан бир уриб йиқитинг-чи, у ўрнидан туриб, сизга нималар дейишида тутиларканми! Ўзингиз ҳам тингловчилар олдида айнан ана шундай дангал, самимийликни эгаллашингизни хоҳлаймиз. Бундай хислатга эга бўлиш учун машқ қилиш зарур. Бошқаларга асло тақлид қилманг. Агар сиз самимий бўлсангиз, бошқа бирор кимсага асло ўхшамайсиз. Маъруза ўқишда ўзига хосликни сақлаб қолинг, ўзингизни, фақат ўзингизга хосликни сақлаб қолишга интилинг.*

*5. Тингловчилар билан шундай гапиринг-ки, гўё улар ўрнидан туради-ю, сизга жавоб берадигандай ҳолатда бўлсин. Агар савол беришса, маърузангизнинг бирдан аҳамияти ошиб кетармиди. Шунинг учун ўзингизни биров савол бериб, сиз жавоб бераётгандай тасаввур қилинг. Овоз чиқариб: "Сиз мендан, буни қаердан биласан, деб сўранг. Мен сизга айтсам..." денг. Бундай ҳолатлар бутунлай табиий кўринади, сизнинг ибораларингиз шундан сўнг расмий тус олмайди, бу маърузани қизғин ва одамларга яқин қилиб қўяди.*

*6. Ўз маърузангизга қалбингизни жо қилинг. Ҳақиқий ҳиссиётларга тўла бўлган самимийлик дунёда барча тўппа-тўғри қонун-қаидалардан зиёддир.*

*7. Тўртта усул борки, биз улардан жиддий суҳбатда беихтиёр фойдаланамиз. Сиз улардан кўпчилик олдида сўзга чиққанда фойдаланасизми? Кўпчилик одамлар бу ишни қилмайдилар.*

*а) жумладаги асосий сўзларни таъкидлайсизми, уларга озроқ аҳамиятлиларини бўйсундирасизми? Сиз барча сўз, бўғин ва қўшимчаларни бир хилда талаффуз қиласизми? Улардан бирортасини урғу бериб, масалан: "МассаЧУсетс" тарзида айтасизми?*

*б) худди гапираётган бола товушига ўхшаб, товушингиз овози тебраниб, баланд-паст бўлиб турадими?*

*в) нутқингиз тезлигини ўзгартирасизми, катта аҳамиятга эга бўлмаган сўзларни тез талаффуз этиб, ажратиб кўрсатадиган сўзларга кўпроқ вақт белгилайсизми?*

*г) муҳим фикрлардан олдин ва кейин тўхтаб оласизми?*

*Еттинчи бўлим*

## МИНБАРДА ТУРИБ ЖАМОАТ ОЛДИДА СЎЗЛАШ ВА ШАХС

Бир куни Карнеги технология институти юзта таниқли ишбилармонга тест тарқатиб, уларнинг ақл-заковати даражасини текширувдан ўтказмоқчи бўлди. Мазкур тестлар уруш даврида армияда қўлланилган эди. Институт учун бу борадаги натижалар муваффақиятларни қўлга киритишда юқори даражадаги ақл-заковатга нисбатан шахс катта аҳамиятга эга, деган баёнотга асос бўлиб хизмат қиларди.

Бу тадбиркор учун, таълим соҳасидаги ходим учун, эркин касб эгаси учун, нотиқ учун жуда муҳим эди.

Шахс, агар маърузага тайёргарликни ҳисобга олмасак, омма олдида сўзга чиқишда жуда муҳим бошқарувчи саналади. Элберт Хаббард: *"Таъсирли нутқда нутқ услуби муҳим, сўз эмас"*, деган эди. Нутқ услуби қўшув ғоя дейилса, янада тўғрироқ бўларди. Шу билан бирга шахс дудмал ва тутқич бермас бўлиб, у гул ҳиди каби таҳлилга берилмайди. Инсонда нимаики бўлса, унда ҳаммаси бор: жисмоний, маънавий, ақлий, руҳий, афзаллик, мойиллик, жўшқинлик, ақл-шуур йўсини, қувват, тажриба ва маълумот — буларнинг бари унинг ҳаётидир. Шахс худди Эйнштейннинг нисбийлик назарияси каби мураккаб бўлиб, уларни жуда кам киши тушунади.

Альберт Эйнштейн

Шахс насл-насабга бориб тақалади ва атроф-муҳитга боғланади, уни ўзгартириш ва яхшилаш ниҳоятда мураккаб. Шу билан бирга агар кучли таъсир этил-

са, уни маълум даражада жуда кучли, диққатни тортадиган ҳолатга олиб келиш мумкин. Қандай қилиб бўлса ҳам бизга табиат инъом этган шахс деб аталувчи ғалати ҳолатдан иложи борича кўпроқ нарса ажратиб олишга интилишимиз керак бўлади. Бу масала ҳар биримиз учун ниҳоятда муҳим. Гарчи шахсни камолга етказиш имкониятлари чегараланган бўлса-да, улар етарли даражада юксак бўлиб, уни муҳокама ва тадқиқ қилиш мумкин.

Агар сиз ўзига хослигингиздан иложи борича кўпроқ нарса олишни истасангиз, тингловчиларингиз ҳузурига дам олгандан кейин сўзга чиққанингиз маъқул. Чарчаган нотиқ ўзида оҳанрабодек тортувчи, жалб этувчи хусусиятларга эга бўлмайди. Жуда кенг тарқалган хатога асло йўл қўйманг, у шундан иборатки, нотиқ тайёргарликни ва режани ишлаб чиқишни сўзга чиққунча ташлаб қўяди, сўнг жуда тез суръатларда ишлайди-ю, шу билан сарф бўлган вақтнинг ўрнини тўлдирмоқчи бўлади. Агар сиз шу тариқа ишласангиз, жисмингизда кўпгина зарарли моддалар йиғилиб қолади, мия чарчайди. Бу эса нутққа ҳаддан зиёд нохуш ланжлик келтиради, сизни тўхтатиб, ҳаётий кучингизни қуритиб ташлайди, мияни ҳам, асаб тизимини ҳам заифлаштиради.

Агар сизга қўмита йиғилишида муҳим маълумотлар бериш учун тўрт соат давомида сўзга чиқишга тўғри келса, енгилгина овқатланиб, имкони бўлса, дам олинг. Жисмоний, ақлий дам олиш ва асабларни бўшаштириш — булар сиз учун жуда зарур. Машҳур қўшиқчи Жералдин Фаррат кўпинча янги танишларини кеча охиригача суҳбатлашиш учун ўзининг эрига қолдириб, уларни ҳайратга солганича хайрлашиб эрта кетиб қоларди. Санъатнинг қўйган талабларини у жуда яхши тушунар эди. Нордика хоним эса примадонна *(опера ёки опереттада асосий ролларни ижро этувчи аёл)* бўлиш — аёлга нима ёққан бўлса, жамият фаолияти, дўстлар ва кишининг ҳавасини келтирадиган зиёфатларни қурбон қилиш, улардан маҳрум бўлиш дегани, деб ҳисоблар эди.

Агар сиз муҳим хабар билан сўзга чиқмоқчи бўлсангиз, очлик туйғусидан эҳтиёт бўлинг. Худди авлиё каби мўътадил тарзда овқатланинг. Якшанбада, кечқурунлари Генри Уорд Бичер одатда соат бешда сут билан печенье ер эди, шундан кейин ҳеч нарса тановул қилмасди.

*"Мен кечқурун қўшиқ айтадиган бўлсам,* — деган эди Мельба хоним, — *тушда овқатланмайман, балки соат бешларда жуда енгил газак тановул қиламан. Газак балиқ, жужа ёки "ширин гўшт", яъни ошқозон ости безидан пиширилган олмадан иборат бўлар эди, шундан сўнг бир стакан сув ичардим. Мен доим кечки овқатдан олдин, опера ёки концертдан сўнг жуда кучли очиққанимни ҳис этаман".*

Мен Мельба ва Вудро қанчалик ақл билан иш кўрганларини профессионал нотиқ бўлганимдан сўнг тўйиб овқатланиб, икки соат маъруза ўқишга ҳаракат қилганимдан кейин тушуниб етдим. Тажриба шуни кўрсатдики, менинг дастлаб "денгиз тили"дан пиширилган филе, сўнг картошкадан қовурилган французча бифштекс, салатлар, сабзавотлар, сўнгра ширинликлар тановул қилиб ва ана шундан кейин тингловчилар ҳузурига чиқиб сўзлашим мутлақо мумкин эмас. Миямда айланиши керак бўлган қон пастга, ошқозонга тушиб, ундаги картошка ва бифштекс билан кураш бошлар эди. Падеревский ҳақ эди: ўзининг айтишича, концерт олдидан нимани хоҳласа, ўшани еса, у ҳайвонга айланиб, бармоқларига қадар қуршаб оларди-ю, рақсларини зерикарли ва ифодасиз ҳолатга айлантириб қўярди.

## Нега бир нотиқ бошқасига нисбатан яхшироқ чиқиш қилади?

Қувватингизни пасайтириб қўядиган бирор иш қилманг. У ўзига тортиш хоссасига эга. Мен биринчи навбатда кўпчилик олдида сўзга чиқадиган нотиқлар ва муаллимларга одатга айлантириш учун ҳаракат қилганим — ҳаётий куч-қувват, жонлилик ва шавқ-завқ каби сифатлар ҳисобланади. Одамлар ҳаракатчан нотиқнинг атрофини дарров ўраб олишади; уни гўё қувват берувчи генератор деб биладилар, уларнинг бу туриши худди кузги буғдойзорга тўпланган ёввойи ғозларга ўхшаб кетади.

Мен келтирган ушбу қоида кўпинча Лондондаги очиқ майдонда жойлашган Гайд-паркда сўзга чиқадиган нотиқлар мисолида тасдиқланади. Мармар арк ёнидаги майдон ҳар хил нотиқлар тўпланадиган жой ҳисобланади. Ҳар қандай якшанбада куннинг иккинчи ярмида бу ерга келиб,

Рим папасининг шубҳага ўрин қолдирмайдиган католик таълимоти шарҳини, Карл Марксниг иқтисодий назариясини тарғиб қилаётган социалистни, икки хотини бўлган мусулмон нима учун ҳақлигини тушунтираётган қандайдир ҳиднинг ва бошқаларнинг сўзларини эшитиш мумкин. Бир нотиқ атрофида юзлаб тингловчилар турган бўлса, иккинчи нотиқ қаршисида бир ҳовучгина одамлар кўринади. Нима учун? Маърузалар мавзуси турли нотиқлар томонидан турлича куч билан баён этилганида етарли даражада хизмат қила олиши мумкинми? Йўқ. Кўпчилик ҳолларда бу нотиқнинг ўзига боғлиқ. У кўпроқ даражада қизиқади ва шубҳасиз бу қизиқарлидир. У жуда ғайратли ва ҳиссиётларга тўлиб-тошиб сўзлайди. У ҳаётий кучни нурлантириб, унга руҳ бағишлайди. Бундай нотиқлар ҳамиша диққатни тортади.

## Кийим сизга қандай таъсир ўтказади?

Университет президенти ва психология бўйича мутахассис одамларнинг катта гуруҳига саволнома тарқатилди. Унда кийим сизга қандай таъсир кўрсатади, деган савол берилган эди. Бир овоздан жавоб беришларича, рисолададагидек кўринишда ва шинам кийинишган бўлса, онг ҳам, фикр ҳам уларга таъсир этади, гарчи буни баён этиш қийин кечса-да, тўла равишда аниқ ва равшан ҳисобланади. Кийим уларга кўпроқ ишончни, кўпроқ ўз кучларига нисбатан умидворликни ҳамда ўз-ўзига нисбатан ҳурматни оширади. Уларнинг ҳикоя қилишларича, агар башанг кўринишда бўлсалар, муаммоларни муваффақиятли ҳал этиб, ютуққа эришадилар. Кийим уни кийган кишига ана шу тариқа таъсир этади.

Хўш, кийим тингловчиларга қандай таъсир кўрсатади? Мен кўп марта кузатганман: агар нотиқ кенг шалвираган шим, шаклсиз костюм, ифлос пойафзал кийган бўлса, пиджак чўнтагидан авторучка ва қалам, бошқа чўнтагидан газета чиқиб турса, улар мундштук ва тамаки қутисидан дўппайиб турганида, агар нотиқ дидсиз, аёл киши бўлиб, сумкаси нималар биландир тўлиб-тошган, юбкаси тагидан ички кийими чиқиб турса, ўзим гувоҳи бўлганимдек, тингловчилар бундай нотиққа жуда кам даражада ҳурматда бўла-

дилар, худди у ўзига беҳурмат бўлганидай. Эҳтимол, улар нотиққа нисбатан худди соч турмагидек нотоза, пала-партиш, исқирт пойафзали ялтирамаганидек, ақли ҳам шу даражада ноқис, деган хулосага ҳам келадилар.

Генерал Ли Аппоматтоксдаги суд залига ўз армияси таслим бўлганини эълон қилиш учун келганида, янги мундир кийган, биқинида эса мутлақо қимматбаҳо шамшир осилган эди. Грант эса мундирсиз, шамширсиз ҳолда эгнига аскар кийимини илган эди. У ўз ёдномаларида шундай деб ёзган эди: *"Афтидан, мен олти футли қадди-қоматга эга, бежирим мундир ва рисоладагидек уст-бош кийган киши ёнида жуда ғалати кўринган бўлсам керак"*. Шундай тарихий воқеа рўй берганида Грант тегишли тарзда кийинмагани учун умр бўйи изтироб чекиб ўтганлиги маълум.

Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Вашингтондаги тажриба фермасида юзлаб асалари қутиси бор эди. Ҳар бир уяга катталаштириб кўрсатадиган ойна қўйилган бўлиб, ин ичи электр чироғи ёрдамида тугмачани босиш орқали ёритиларди. Шундай қилиб, бу асаларилари кечами-кундузми бемалол кўриш мумкин эди. Нотиқ ҳам худди шундай, у гўё катталаштириб кўрсатиладиган ойна тагида тургандай, у прожекторлар билан ёритилган, барча кўзини унга тиккан. Ташқи кўринишидаги заррача мос келмаслик дарров текисликлар ўртасида Пайка чўққиси каби дарров кўзга ташланади.

## Биз гапира бошлаганимизда, танбеҳ беришадими ёки маъқуллашадими?

Бир неча йил муқаддам мен "Америкэн мэгэзин" журнали учун Нью-йорклик бир банк бошқарувчисининг ҳаёти ҳақида ёзган эдим. Бу инсоннинг дўстларидан бирига мурожаат қилиб, унинг муваффақиятлари сабабини айтиб беришини илтимос қилдим. У жавоб берар экан, дўстининг ютуғига мафтункор жилмайиши ҳам ёрдам берганини айтди. Даставвал бундай маълумот лофдай кўринади, аммо мен айнан шундай бўлганига ишонаман. Бошқа одамлар, ўнлаб бош-қа одамлар, юзлаб кишилар, эҳтимол, молиявий масалаларда анча кўзга кўринарли тажриба ҳамда жуда катта

билимга эга бўлишлари мумкин. Бироқ бу инсонда қўшимча имтиёз мавжуд эдики, улар буни эгаллаб олмагандилар, у жуда ёқимли киши эди ва кучли хислатларидан бири унинг иссиқ, хушмуомала кулгиси бўлиб, дарҳол суҳбатдошининг ишончини қозонар ва зудлик билан икки ўртада ғоят ажойиб муносабатни таъминлар эди. Биз ҳамиша бундай кишининг муваффақият қозонишини истаймиз ва унга ҳамкорлик кўрсатиш бизга доимий чинакам роҳат бағишлайди.

Хитой мақолида: *"Кимки жилмайишни билмаса, у савдо билан мутлақо машғул бўлмасин"*, дейилган. Ахир жилмайиш, табассум дўкондаги харидордан кўра тингловчилар учун ёқимли ва ўринли эмасми? Мен Бруклин савдо палатасида кўпчилик олдида маъруза билан чиқишга оид ўқув курсларини ўтганимда, бир тингловчини эслайман. У омма олдига чиққанида, улар ҳузурида бўлиш ёққанлиги, ўтказадиган машғулоти ўзига ниҳоят даражада маъқул бўлаётгани шундоққина кўриниб турарди. У ҳамиша ширин кулиб турар, ўзини шундай тутардики, гўё сизларни кўриб туриб, жуда хурсандман, дегандай бўларди, шунинг учун тингловчилари тез ва муқаррар равишда унга нисбатан илиқ туйғуларни ҳис эта бошладилар.

Аммо шундай нотиқларни ҳам кўргандимки, улар минбарга совуқ ва бепарво тарзда кўтарилиб, гўё ёқимсиз вазифани ҳал этаётгандай, маъруза тугаганидан сўнг, худога шукр-ей, деб шукрона келтиргандай ўзларини тутардилар. Сал ўтмай, биз, тингловчилар ҳам айнан худди шу ҳиссиётни бошимиздан кечирар эдик, чунки бундай кайфият жуда ҳам юқумли бўлади.

*"Ўхшаш нарса ўхшаш нарсани вужудга келтиради"*, дейди профессор Оверстрит ўзининг "Инсон хулқ-атворига таъсир этиш" деб номланган китобида. *"Агар биз тингловчиларимиз билан қизиқсак, улар ҳам биз билан қизиқадилар, дейишга асос бор. Агар тингловчиларга дарғазаб ҳолда муносабат билдирсак, эътибор бермасдан дарғазаб бўлишади. Агар ўзимизни тортинчоқдек тутсак ёки ҳаддан зиёд бесаранжом бўлсак, улар, шубҳасиз, бизга ишончсизлик билан муносабат билдирадилар. Сурбетлик қилсак ёки мақтанчоқликни намоён этсак, бунга жавобан шахсий худбинлик-*

*ларини намойиш этадилар. Эндигина гапира бошлаганимиз ҳамон улар бизга танбеҳ беришади ёки маъқуллай бошлайдилар. Шунинг учун ижобий муносабат уйғотиш учун ўзимизни шунга муносиб тутсак, бари ишончли бўлади, дейишга асослар бор, албатта".*

## Тингловчиларни бир жойга йиғинг

Менга кўпинча кундуз кунлари унча кўп бўлмаган, залнинг ҳар-ҳар жойида ўтирган ва худди шу залнинг ўзида кечқурун тўлиб-тошиб кетган тингловчилар ҳузурида сўзга чиқишга тўғри келган. Кундузи тингловчилар гуруҳининг зўр-базўр табассумини қўзғатган кулгига кечки гуруҳ тингловчилари чин юракдан қаҳ-қаҳ урар эдилар. Кечки тингловчилар чапак чалиб юборган ўринларда кундузги тингловчилар ҳеч қандай ҳис-туйғу билан жавоб бермай ўтиришарди. Нега?

Шуниси борки, ёши ўтган аёллар ва болалар кўпинча кундуз куни келиб, ўз ҳис-туйғуларини унчалик очиқ ошкор қилмайдилар, жуда қизиққон, ниҳоятда кўпни кўрган тингловчилар эса кечқурун келадилар. Шу билан бирга бу фақат жузъий изоҳлардир, холос.

Гап шундаки, агар тингловчилар бутун зал бўйлаб сочилиб кетган бўлса, унда уларни жонлантирмоқ осон эмас. Залдаги жуда кенг хона ва бўм-бўш оромкурсилардан бўлак завқ-шавқни дарров сўндирадиган нарса бўлмайди.

Генри Уорд Бичер ўзининг ваъзхонлик қилиш тўғрисидаги Йэл маърузаларида шундай деган эди: *"Одамлар кўпинча мендан, кам сонли тингловчилардан кўра кўп сонли тингловчилар ҳузурида маъруза ўқиш қизиқарли эмасми, деб сўрашади. Йўқ, деб жавоб бераман; мен ўн икки киши олдида ҳам худди минг киши ҳузурида гапиргандай маъруза ўқий оламан, фақат ана шу ўн иккиси менга яқин ўтириб ва бир-бирига тегиб турса, бас. Аммо минг нафар тингловчи бўлса-ю, улар орасидаги масофа тўрт футдан ошса, худди зал бўм-бўшдай туюлади...*

*Ўз тингловчиларингизни бир жойга тўпланг ва ўшанда сиз озгина ҳаракат сарфлаб бўлса ҳам уларни ишонтира оласиз".*

Кўп сонли тингловчилар ҳузурида бўлган киши ўзига хослигини йўқотиб қўйиши мумкин. У оломоннинг бир қисмига айланиб қолади ва бундай ҳолатда унга таъсир этиш алоҳида, айро бўлганига нисбатан анча енгиллашади. У нотиқни тинглаб турган ярим дюжина одамлардан бирига айланганида ҳам ўзига алоқадор бўлмаган гапларга кулиб ва қарсак чалиб туради.

Индивидуал, яъни якка ҳолатдаги одамларга нисбатан бир бутунликдаги оммани ҳаракат қилишга мажбур қилиш мумкин эди. Урушга кирган кишилар, масалан, энг хавфли ва ўйланмай қилинадиган вазифаларни ҳам албатта мажбурий тарзда бажаришга ҳаракат қиладилар, шунингдек, улар бирга бўлишни истайдилар. Охирги урушда немис аскарлари кўпинча бир-бирининг қўлини ушлаган ҳолда жангга кирганлар.

Оломон! Оломон! Оломон! Улар ўзида жуда ажиб ҳолатни жамлаган. Барча буюк халқ ҳаракатлари ва ислоҳотлар оломон руҳияти ёрдамида амалга оширилган. Эверет Дин Мартин ушбу мавзуда жуда қизиқарли "Оломон хулқ-атвори" номли китоб ёзган.

Агар биз тингловчиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳи ҳузурида сўзга чиқмоқчи бўлсак, ўртача бино танлашимиз лозим. Тингловчиларни ҳайҳотдай залда ўтирғизгандан кўра, унча катта бўлмаган бинода курсиларни тиғиз қўйиш яхшироқдир.

Тингловчиларингиз бутун залга ёйилиб ўтирган бўлса, улардан олдингизга яқинроқ келиб ўтиришларини илтимос қилинг. Бунга маъруза бошлангунча ҳаракат қилиш керак.

Минбарга фақат тингловчилар ҳаддан зиёд даражада кўп бўлган ҳоллардагина кўтарилинг, ўшанда ҳақиқатан ҳам нотиқнинг баланд жойга кўтарилиш зарурати юзага келади. Ўз тингловчиларингиз билан бир хил даражада бўлишга ҳаракат қилинг. Улар билан бир қаторда туринг. Ҳар қандай расмий муҳитдан имкон қадар чеккада бўлинг. Мустаҳкам алоқа ўрнатиб, маърузангизни суҳбатга айлантиринг.

## Майор Понд ойнани чилпарчин қилар эди

Залда ҳаво тоза бўлишига эътибор беринг. Кўпчилик ҳузурида маъруза ўқиш учун кислород худди бўғиз, ҳиқилдоқ ва кичик тил каби катта аҳамиятга эга. Цицероннинг мазмундор нутқлари, "Роккетс" хотин-қизлар мюзик-холл ансамбли-нинг бутун барнолиги агар бино ҳавоси дим бўлганида тингловчиларни жунбишга келтира олармиди?! Шунинг учун мен ҳам, бошқа нотиқлар ҳам маъруза ўқишдан олдин деярли барчанинг ўрнидан туриб, икки дақиқа дам олишини, шу вақт ичида ойнани очишларини илтимос қиламан.

Майор Жеймс Б.Понд Генри Уорд Бичернинг вакили сифатида Қўшма Штатлар ва Канаданинг бутун ҳудуди бўйлаб саёҳат қилиб чиқди. Ўшанда бруклинлик бу машҳур воиз оммабоп маърузачи сифатида шуҳрат чўққисига чиққан эди. Тингловчилар тўплангунга қадар Понд доимо Бичер сўзга чиқиши лозим бўлган зал, черков ёки театрдаги ёруғлик, оромкурси, ҳарорат ва шамол бериш мосламасини синчковлаб текшириб чиқар эди. Понд эски армиянинг дарғазаб ва бақироқ зобити эди ва у ўзининг ҳукмформолигидан фойдаланишни яхши кўрарди. Шунинг учун зал ҳаддан зиёд иссиқ ёки димиққан ҳавога тўлган бўлиб, у ойнани оча олмаса, китобни улоқтирар, деразани синдирар, майдалаб ташларди. Спержен айтганидек, *"воизга кислород худди худонинг иноятн каби ниҳоят зарур"*.

## Юзингизни ёритадиган ёруғлик бўлсин

Агар сиз спиритизм *(ўлганлар руҳи нариги дунёда яшайди ва улар билан яшаш мумкин, деб ҳисоблайдиган оқим)* билан шуғулланмасангиз, агар имкони бўлса, зални ёруғлик билан тўлдиринг. Ним қоронғи бинода завқ-шавқни қўзғашдан кўра беданани қўлга ўргатиш осонроқ, у худди термоснинг ички томони каби ниҳоятда хира кўринишга эга бўлади.

Дэвид Беласконинг саҳнадаги режиссёрлик тўғрисида ёзган мақоласини ўқиб чиқинг. Унда одатдаги нотиқ зални тўғри ёритишнинг катта аҳамиятга эгалиги тўғрисида тирноқча ҳам тасаввурга эга эмаслиги ҳақида бохабар бўласиз.

Дэвид Беласко

Майли, ёруғлик сизнинг юзингизга урилсин. Одамлар сизни кўришни истайдилар. Юзингиздаги жиндай ўзгариш ҳам ўз-ўзини ифодалаш жараёнининг таркибий қисми, ниҳоятда муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Баъзан улар сизнинг сўзларингиздан ҳам зиёд аҳамият касб этади. Агар сиз тўғридан-тўғри лампа тагида турган бўлсангиз, юзингизга соя тушиши мумкин, агар ёритиш мосламасининг тўғрисида бўлсангиз, унда юзингиз ялтираб кўринади. Шунинг учун сўзга чиқишдан олдин ёруғликка нисбатан қулай жой топиш ҳар томонлама қулай ва фойдали эмасмикан?

## Саҳнада... ортиқча нарса

Сўзга чиққанингизда, курсида ўтирманг. Одамлар сизни бор бўйингиз билан кўришни истайдилар. Улар сизни бор будингиз билан кўриш учун бўйинларини ҳам чўзишади.

Қандайдир сахийқалб киши балки стол қўяр, унинг устида графин ва стакан бўлар. Борди-ю, томоғингиз қуриб қолгудек бўлса, бир чимдим туз ёки бир бўлак лимон келтириб қўйилса, Ниагара шаршарасидек куч билан оғиздан сув кела бошлайди.

Сизга на сув, на графин керак. Бошқа фойдасиз буюмларнинг ҳам мутлақо кераги йўқ, улар маърузачи сўзга чиққанида ҳис-туйғулар парвозини пасайтириб, тиқилинч қилиб юборади.

Бродвейдаги турли автомобиллар салони жуда чиройли бўлиб, улар ниҳоятда яхши жойлаштирилган, кўзни қувонтиради. Парижда йирик атир-упа ва заргарлик буюмлари фирмасига қарашли дўконлар ҳашаматли ва дид билан безатилган. Нима учун? Чунки бу даромадли бизнесни таъминлайди. Одамларнинг фирмага ҳурмати ва ишончи ортади, бундай жиҳозларни кўриб, эътибори кучаяди.

Худди шундай сабаб билан нотиқ ғоят шинам фонда тингловчилар ҳузурида сўзга чиқиши керак. Менимча, энг маъқул йўл мебелларнинг мутлақо бўлмаслигидир. Сўзга чиқувчининг ортида диққатни тортадиган бирор нарса бўлмаслиги лозим. Ён томонида ҳам ҳеч нарса бўлмасин. Парданинг эса қорамтир-кўк бахмаллиси тавсия этилади.

Нотиқ ортида барибир нима бўлиши керак одатда?

Жуғрофий хариталар, диаграммалар ва жадваллар, кўп ҳолларда бир-бирига мингашиб, айқаш-уйқаш бўлиб турган стуллар... Бундан нима келиб чиқади? Жуда жўн, эътиборсизлик билан тўлиб-тошган тартибсиз ҳолат юзага келади. Хўш, шундай экан, буларнинг барини йиғиштириш керак.

Генри Уорд Бичер шундай деган эди: *"Кўпчилик олдида маъруза ўқишда энг аҳамиятлиси инсон ҳисобланади"*. Шу сабабли сўзга чиқадиган киши мисоли Швейцариянинг мовий осмони фонидаги қор билан қопланган Юнгфрау чўққисидек кўриниб турсин.

## Саҳнада ҳеч қандай меҳмон бўлмасин

Бир куни Лондоннинг Онтарио вилоятида бўлишимга тўғри келди. Ўшанда Канада бош вазири сўзга чиққан эди. Бирдан фаррош кириб, қўлидаги узун таёқ билан бир деразадан иккинчисига ўтиб, хонани шамоллата бошлади. Нима бўлди? Тингловчиларнинг деярли битта қолмай ҳаммаси анча вақт сўзга чиқувчини назар-писанд қилмай, фаррошга гўё у бир мўъжиза кўрсатгандай диққат билан қараб ўтирдилар.

Тингловчилар ҳаракатдаги буюмга қизиқиш билан қарашларини идора қила олмайдилар ёки шу билан бирга бу одатга қарши курашолмайдилар. Сўзга чиқувчи киши бу ҳақиқатни эслаганида, ўзини айрим нохушликлар ва кераксиз ранж-аламлардан четга олар эди.

Биринчидан, у қўлларини ҳадеб айлантириш, кийимларини тўғрилаш, яна бошқа асабий ҳаракатлардан ўзини тия олиши мумкин, чунки булар маърузасига бўлган диққатни чалғитиб қўяди. Ёдимда, бир пайтлар Нью-Йорк залларидан бирида тингловчилар машҳур нотиқнинг қандайдир буюм қопқоғини чангаллаган қўлидан ярим соатлар чамаси кўз узмай қараб турган эдилар.

Иккинчидан, нотиқ ўз тингловчиларини агар имкони бўлса, жой-жойига шундай ўтирғизиши керакки, улар залга кечикиб кирган кишини пайқамасин ёки унга диққати чалғимасин.

Учинчидан, саҳанада нотиқдан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги керак. Бир неча йил олдин Реймонд Робинс Бруклинда бутун бошли маърузалар сериясини ўқиган эди. Бошқалар қатори мени ҳам саҳнага таклиф қилишди. Мен бу таклифдан бош тортдим, чунки нотиққа нисбатан адолатсизлик бўлар эди. Биринчи кечада саҳнада таклиф этилганларнинг кўпчилиги бутун вақт давомида ўтирган ерларида типирчилаб, оёқларини бир-бирига чалиштириб, ўтирганига гувоҳ бўлдим. Ҳар сафар таклиф этилганларнинг бирортаси қимирлаб қолса, тингловчиларнинг бари ниго-ҳини нотиқдан ўтириб, шу меҳмонга қаратишарди. Мен бу ҳақда Робинсга гапириб бердим ва кейинги сафар саҳнада унинг фақат ўзи бор эди, холос.

Дэвид Беласко саҳнага қизил гул қўйишга асло рухсат бермас эди, чунки у ҳаддан зиёд диққатни талаб қилади. Ана шунда нима учун нотиқ гапириб турганида нотинч кишини тингловчиларга рўпара қилиб қўймас экан. Агар ақлли бўлса, унга қадар ва ундан кейин ҳам буларга асло йўл қўймайди.

## Ўтириш санъати

Нотиқ сўз бошлагунча тингловчиларга рўпара бўлиб ўтирмаслиги тавсия этилади. Тингловчилар кўз олдида янгги экспонат сифатида пайдо бўлгани яхши эмасми, эски бўлгунча, а, нима дедингиз?

Шу билан бирга агар ўтиришга тўғри келса, буни қандай қилиш кераклигини билиш керак. Сизга курси ахтариб, атрофга аланглаётган кишининг ҳаракати ухлаш учун жой излаётган този итни эслатмаганми? Улар атрофга қарайверади, ниҳоят курсини топиб олгач, унга қум солинган халта каби гуп этиб ташлашади ўзларини.

Курсига ўтиришни биладиган киши унга орқасини ўтирради, уни оёғи билан аста пайпаслайди ва ўзини эркин тутиб, гавдасини бошдан-оёғига қадар тик тутиб, курсига ўз танасининг ҳаракатини изчил назорат қилиб оҳиста ўтиради.

## Оғир, вазминлик

Биз юқорида кийим-кечаклар ёки заргарлик буюмларига ҳадеб ёпишавермаслик керак, улар тингловчилар диққатини тортади, деб айтдик. Шу билан бирга яна битта сабаб бор, албатта. Бундай хулқ-атвор сизнинг заифлигингиз ҳамда ўз-ўзини назорат этиш хусусиятингиз йўқлигидан далолат беради. Ташқи кўринишингизга ҳеч нарса илова қила олмайдиган хатти-ҳаракат сиз тўғрингиздаги таассуротни салбийлаштиради, холос. Нейтрал хатти-ҳаракатлар бўлмайди. Мутлақо. Шу сабабли хотиржам туринг ва ўзингизнинг жисмоний ҳолатингизни назорат қилинг. Бу сизнинг руҳий ва жисмоний вазминлигингиз ҳақида таассурот пайдо қилади.

Тингловчи ҳузурида пайдо бўлгандан сўз бошлашга шошилманг, бу ҳолат юзаки ишқибоз кишига хосдир. Чуқур нафас олинг. Тингловчиларга кўз ташлаб чиқинг, агар қаердадир шовқин бўлаётган бўлса, токи у босилгунча сабр қилиб туринг.

Кўкракни таранг тортинг, гарчи буни тингловчилар олдига чиққунча ҳам қилиш мумкин. Ёлғиз қолганда ҳам нега амалга ошириб бўлмас экан? Шунда тингловчилар олдида буни беихтиёрий равишда бажарасиз:

*"Ҳар ўн кишининг бири,* — деб ёзади Лютер Х.Галик ўзининг "Самарали ҳаёт" номли китобида, — *унга жуда яхши тарзда намоён бўладиган имкониятни берадиган бўй-бастни ишлаб чиқа олмайди... бўйинни ёқа ичига солиб, қисинг".* У кундалик машқни қуйидагича тавсия қилади: *"Иложи борича аста-секин ва чуқур нафас олинг. Ана шу ҳолатда бўйинни ёқага қисинг ва шу тарзда тутинг. Бу машқ, ҳатто куч билан қилинса ҳам сизга ҳеч қандай зарар етказмайди. Унинг мақсади икки елка ўртасида жойлашган орқа томонни тўғрилаш. Бу сизнинг кўкрак қафасингиз ҳажмини кенгайтиради".*

Сиз қўлларингиз билан нима иш қилишингиз керак? Уларни эсдан чиқаринг. Агар қўлларингиз табиий равишда икки томонингизда осилиб турган бўлса, бу жуда аъло даражада бўлади. Агар улар сизга бананларнинг ғуж боши бўлиб кўринса ҳам хаёлингизга ҳеч нарса келмасин, бирор

киши уларга салгина бўлса-да, диққат қилмайди ёки озми-кўпми қизиқмайди.

Қўлларни ўринли қўлланг

Агар қўллар бўшаб, икки ёнингизга осилиб турса, ҳаммадан ҳам яхши кўринади. Бундай пайтда улар эътиборни жуда кам жалб этади ва, ҳатто кайфияти жуда ёмон одам ҳам уларнинг бундай аҳволини асло танқид қила олмайди. Шу билан бирга қўлларни эркин ва бемалол, шунингдек, табиий равишда ҳаракатга келтириб, нутқни, агар бунга зарурат туғилиб қолса, қўл ҳаракати билан ифодалаш мумкин.

Ўзингиз тасаввур қилинг, айтайлик, сиз жуда ҳаяжонлангансиз ва борди-ю, қўлларимни орқага олсам ёки чўнтагимга тиқсам ёки минбар устига қўйсам, буларнинг бари хижолатга қолганимни бартараф этади, деб ўйлайсизми? Бундай вазиятда нима қилишингиз керак? Соғлом ақлга биноан иш қилинг. Менга машҳур нотиқларнинг бутун бошли авлодининг сўзини эшитишга тўғри келган. Улардан кўпчилик, балки жуда кўпи сўзга чиққанларида қўлларини чўнтакларига солишар эди.

Брайан, Чонси, М.Депью, Тедди Рузвельт айнан шундай эдилар. Ҳатто Дизраэли каби назокатли киши ҳам кўпинча бу гуноҳни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олмади. Шу билан бирга, агар хотирам панд бермаса, об-ҳаво маълумотига кўра, осмон ерга қулаб тушгани йўқ, қуёш ҳам ўз вақтида кўтарилди. Агар одамда айтмоқчи бўлган фикр бўлса, у буни бошқаларнинг завқини келтирадиган ишонч билан сўзласа, айтган пайтида қўллари ва оёқлари буни бажарса, гапи катта аҳамиятга эга бўлмайди. Агар унинг боши ғоялар билан лиқ тўла, қалби ҳаяжонда бўлса, у ҳолда бу иккинчи даражали тафсилотлар асосан катта аҳамият касб этмайди, охир-оқибатда омма олдида сўзга чиқишда қўл ва оёқлар ҳолати асосий аҳамиятга эга бўлмай, балки руҳий нуқтаи назар жуда муҳимдир.

## Табиий имо-ишоралар, ҳаракатларнинг ўрнини беўхшов ноз-карашмалар боса олмайди

Бу бизнинг тўла-тўкис имо-ишорали хатти-ҳаракатлар муаммоси томон ундаши табиий, уларни, айниқса, кўп суиистеъмол қиладилар. Бу соҳада Ўрта Ғарбдаги коллеж президентларининг бири омма олдида сўзга чиқиш соҳасида менга биринчи танбеҳни берган эди. Ушбу асосий танбеҳ имо-ишораларга оид ва фойдасиз бўлибгина қолмай, ҳатто очиқдан-очиқ зарарли ҳам эди. Менга, қўллар ён томонга эркин туриши керак, кафт ичкарига қаратилиши лозим, бармоқлар ярим қисилган ҳолатда бўлсин, бош бармоқ эса оёқ учига йўналиши зарур, деб ўргатишган эди. Қўлни қандай нафис ҳолда букиб кўтариш, қўл бармоқларини классик тарзда силкитиш, даставвал кўрсаткич бармоқни ростлаш, сўнг ўрта ва жимжилоқни кўтариш қоидаларини ҳам ўргатишганди. Қачон бу эстетик ва декоратив хатти-ҳаракатлар бажарилса, қўл ўша бежирим ва нотабиий букилиб, оёқнинг ёнида кўринади. Буларнинг бари зўрма-зўраки ва фойдасиз ҳамда бу ўринда ҳеч қандай онгли ва сидқидиллик намоён бўлмайди. Каминани ҳеч қаерда, ҳеч қачон ақлли одам сўзга чиқмагандек гапиришга ўргатган эдилар.

Менинг ўзига хослигимни таъминловчи хатти-ҳаракатга мутлақо бирорта нарса қўшиш учун интилиш бўлган эмас. Ҳеч ким мени қистамаган, токи имо-ишорали хоҳишни ҳис этайин; бу жараённи ҳаётий, табиий ва муқаррар тарзда адо этиш учун ҳаракат ҳам бўлмаган. Ҳеч ким мени мажбур қилмаган, токи ўзимни бамайлихотир, бемалол ҳис этайин; тортинчоқлигимга сабаб бўлган қобиқни майдалаб ташлайин ва одамга ўхшаб гапирай ва ҳаракат қилай. Бу таъқиқловчи жараён мисоли ёзув машинкасидай, худди ўтган йилги қушлар инидай ҳаётийликдан маҳрум, Панча ва Жуди маърузалари каби тутуриқсиз эди.

Кишининг ишонгиси келмайди, аммо XX асрда худди шундай беъмани ноз-ишвали ҳаракатларни ўргатишарди. Айнан шу мақсадда бир неча йиллар муқаддам имо-ишорали ҳаракатлар тўғрисида бутун бошли битта китоб яратилган, унда одамлардан автомат ясаш, яъни қайси жумлани айтаётганда, қандай ҳаракат қилмоқ керак, бир қўл би-

лан қандай ишора қилиш, қандай ҳолларда қўлни юқорига кўтариш лозим, ўрта даражада қўл қандай кўтарилади, қай ҳолатда пастга туширилади, бу бармоқни қандай тутиш, унисини-чи, бари-бари ўргатилар эди. Менинг йигирма одам синф олдида бир вақтда тик турганига кўзим тушган эди. Уларнинг бари битта ва бир хилдаги баландпарвоз нотиқлик матнини ўқир ҳамда матн-даги айнан бир хилдаги ўринларда мутлақо бир хилдаги ҳаракатларни, имо-ишораларни бажарар, бу эса ғоят тутуриқсиз кўринарди. Сохта, сунъий, вақтни зое кетказувчи, механик ҳамда зарарли бу тизим ҳамманинг кўз ўнгида имо-ишорали ҳаракатларнинг обрў-эътиборини ер билан яксон қиларди. Яқинда Массачусетсдаги йирик коллеж декани менга ўқув юртида омма олдида сўзга чиқиш бўйича курс йўқлигини, у сўзга чиқишни ақлли даражада ўргатадиган ҳақиқий амалий курсни мутлақо кўрмаганлигини гапириб берди. Мен бу деканнинг нуқтаи назарига тўлиқ қўшиламан.

Имо-ишорали ҳаракатларга бағишланган ўнта рисоладан тўққизтаси бефойда ва энг ёмони сифатли оқ қоғозни беҳуда сарфлаш ва босмахонанинг ажойиб қора сиёҳини зое кетказишдир. Ушбу китобдаги ҳар қандай имо-ишорали ҳаракат тўғрисидаги гап-сўзлар, ҳар томонлама олинганда, айнан шундай натижа беради. Имо-ишорали хатти-ҳаракатлар сиздан табиий равишда, кўнглингиздан, ақлшуурдан, қизиқаётган буюмдан, бошқаларни ўзингиз кўраётган нарсани кўришга бўлган мажбуриятдан, ниҳоят, сизнинг ҳис-туйғуларингиздан келиб чиқмоғи зарур. Ягона арзийдиган имо-ишорали хатти-ҳаракатлар бу экспром, яъни бадиҳа йўли билан вужудга келганидир. Самимийликнинг оғирлиги кўрсатмаларнинг тоннасидан ҳам оғирроқдир.

Имо-ишорали хатти-ҳаракатларни худди смокинг *(қора мовутдан қилинган, қайтарма шойи ёқали костюм)* каби кийиб бўлмайди. У ички ҳолатнинг ташқи томондаги ифодасидир, у худди бўса, санчиқ, кулги ва денгиз касаллигига ўхшайди.

Инсоннинг имо-ишорали хатти-ҳаракати худди унинг тиш чўткасига ўхшайди, у алоҳида, фақат ўзига тааллуқли бўлиши керак. Ахир одамлар бир-бирига мутлақо ўхша-

майди-ку, шундай экан, улар ўзларини табиий равишда тутсалар, хатти-ҳаракатлари ҳам ўзига хослик касб этади.

Ҳатто икки кишини ҳам бир хилдаги имо-ишорали ҳаракат қилишга ўргатиб бўлмайди. Ўзингиз тасаввур қилинг, баланд бўйли, бесўнақай ва секин ўйлайдиган Линкольнни тез гапирадиган, шинам ва ғоят башанг Дуглас билан бир хилда имо-ишора қилишга кимдир мажбур эта оладими? Бу беъманиликдан иборат бўлур эди.

Унинг биографи ва шериги адвокат Геридоннинг сўзларига кўра, *"Линкольн қўллари билан қанчалик ҳаракат қилса, бошини ҳам ҳар томонга куч билан буриб шунча ҳаракат қилар эди. Бошнинг шундай ҳаракат қилиши муайян маънога эга эди, яъни у ўзининг бирор фикрини алоҳида таъкидламоқчи бўлса, айнан шундай қиларди. У бошқа нотиқларга ўхшаб қўлини осмонга чўзиб, нуқиб кўрсатмасди. Ҳеч қачон саҳнавий ёруғликдан истифода этмас эди. Нутқини давом эттираётганида, у тобора эркин, бемалол бўла борар, хатти-ҳаракатлари ҳам охирига қадар нафис даражага етиб борарди. Бу етарли даражада табиийликка эришган, бутунлай ўзига хосликка эга бўлиб, ҳар томонлама муносиб эди. Унинг дабдаба, серҳашамлилик, сийқаси чиққан жумлаларни, сохталикни кўргани кўзи йўқ эди... Линкольн қачон ўз тингловчилари онгига ғоя, фикрларни сингдирар экан, узун ориқ бармоқларида бутун бошли аҳамиятли нарсалар ва ифодалилик жамулжамдай эди. Баъзан у шод-хуррамлик ёки қониқиш аломатини ифодалаш учун икки қўлини тахминан эллик даражада баланд кўтарар, гўё ўзига ёққан ўша тимсолни қучоқлагандай бўларди. Агар кучли жирканиш ҳиссини, масалан, қулдорликни қоралашни ифода этмоқчи бўлса, икки қўлини мушт қилган ҳолда, ҳавони кесиб, нафратланишни тасвирлар эдики, бу ҳақиқатан ҳам жуда ҳайбатли кўринарди. Мазкур усул Линкольннинг жуда самарали имо-ишорали хатти-ҳаракати эдики, бунинг воситасида объектни ўзининг нафрати билан ағдариб ва уни чангга булғаб ташлашга оид қатъиятни англатарди. У ҳамиша оёқда тўғри, тик турар, ҳеч қачон бир оёғини бошқасидан олдинга қўймас эди. Ҳеч нарсага тегинмас, ҳеч бир нарсага суянмасди. Сўзга чиққанида гавдасининг ҳолатини жуда кам ўзгартирар эди. Ҳеч қачон дабдабали гапирмас, минбар олдидаги супачада*

*сира олдинга, кейинга қараб юрмасди. Баъзан қўлини бўшаштириш учун чап қўлини костюмининг ёқасига тегизар, катта бармоғини юқори кўтарар, ўнг қўлини эса имо-ишорали ҳаракат учун буш қўяр эди".*

Сен-Годен Чикагодаги Линкольн паркида қўйилган ҳайкалида унинг айнан ана шу ҳаракатларини акс эттирган.

Генри Ирвинг

Линкольннинг услуби худди шундай эди. Теодор Рузвельт жуда ғайратли, қизиққон, фаол эди ва унинг юзи ҳис-туйғуларини акс эттириб турар, мушти қаттиқ тугилган, бутун вужудининг ўзўзини ифодалаш воситасига айланган эди. Гладстон баъзан мушти билан столга туширар ёки шовқин солиб, депсинарди. Лорд Розбери одатда ўнг қўлини кўтарар, сўнг уни шаҳд билан пастга туширарди. Турли-туман фикр ва ишонтиришга уринишлар нотиқдан куч талаб қилар, буларнинг бари унинг имо-ишорали хатти-ҳаракатларини ифодали ва табиий бўлишига олиб келар эди.

Ўз-ўзидан пайдо бўлиш... Ҳаётийлик... Худди ана шу омиллар хатти-ҳаракатларнинг олий бахт-саодатидир. Берк бесўнақай бўлиб, хатти-ҳаракатлари фавқулодда ниҳоятда қўпол эди. Питт қўлларини *"худди масхарабозлардек қўпол силкитарди"*. Сэр Генри Ирвингнинг бир оёғи оқсоқ бўлиб, жуда ғалати ҳаракатлар содир этарди. Лорд Маколей эса минбарда бесўнақай кўринар эди. Худди шундай фикрларни Граттан ва Парнелл тўғрисида ҳам айтиш мумкин. *"Бу, афтидан, шу билан изоҳланадики*, — дейди лорд Керзон Кембриж университетида парламентдаги дабдабали нутқ ҳақидаги маърузасида, — *буюк нотиқлар ўзларининг имо-ишорали ҳаракатларини ишлаб чиқадилар. Буюк нотиққа, сўзсиз, чиройли ташқи кўриниш ва нафис услуб ёрдам беради, агар у хунук ва бесўнақай кўринса ҳам бу унчалик аҳамиятга эга бўлмайди"*.

Мен бир неча йил олдин машҳур Жипс Смитнинг ваъзларини эшитган эдим. Унинг ниҳоят бийрон нутқига қойил қолгандим. У имо-ишорали хатти-ҳаракатлардан жуда кўп,

ҳаддан зиёд кўп фойдаланарди, худди нафас олган ҳавони сезмагандай. Бу жуда ибратли ҳодиса эди.

Сиз ҳам ушбу тамойилларни ҳаётга татбиқ этсангиз, имо-ишорали хатти-ҳаракатлардан фойдаланганингизни сезмай қоласиз. Мен имо-ишорали хатти-ҳаракатларнинг қандай бўлмасин бирор қоидаси бор, деб айта олмайман, балки буларнинг бари нотиқнинг ғайрат-шижоати, унинг тайёргарлиги, шавқ-завқи, унинг ўзига хослиги, маърузасининг мавзуси, тингловчилар ва шарт-шароитнинг тўғри келишига боғлиқ бўлар.

## Фойдали бўлиши мумкин бўлган тавсиялар

Шу билан бирга бир қатор тавсиялар бериш мақсадга мувофиқ кўринади, чунки уларнинг фойдаси тегиши мумкин. Бир хилдаги имо-ишорали ҳаракатларни такрорламанг, улар зерикарли, бир хил бўлиб қолиши мумкин. Тирсакларингиз билан кескин, шиддатли ҳаракат қилманг. Сиз тингловчилар ҳузурида пайдо бўлганингизда елкаларингиз уларда анчагина ёқимли таассурот қолдиради. Ўз имо-ишорали хатти-ҳаракатларингизни бирдан узуқ-юлуқ тарзда узиб қўйманг. Агар сиз кўрсаткич бармоғингиз билан ҳаракат қилиб, асосий фикрни таъкидламоқчи бўлсангиз, бу ҳаракатни жумла охирида узиб қўйманг. Бунга охиригача риоя қилишмайди, бу эса одатдаги ва жуда жиддий хатога айланади. Натижада ифодалилик нотўғри талқин қилинади, майда саволлар кераксиз бўлиб қолади, аммо ҳақиқатда жиддий масалалар уларга солиштирилганда, сийқаси чиқиб, тутуриқсиз бўлиб қолади.

Омма олдида сўзга чиққанингизда фақат табиий тарзда намоён этиладиган имо-ишорали хатти-ҳаракатлар қилинг. Шу билан бирга машқ қилаётганингизда, амалиёт ўтказаётганда, зарурат туғилганида имо-ишорали ҳаракатлардан фойдаланиш учун ўзингизни мажбур қилинг. Ўзингизни мажбур этинг, ана шунда хатти-ҳаракатларингиз табиийлик касб этади.

Китобни ёпинг. Чоп қилинган матн асосида имо-ишорали хатти-ҳаракатларни ўрганиш мумкин эмас. Гапираётган пайтингизда инструктор айтганларига нисбатан ҳис-

туйғуларингиз ниҳоятда ишончли ва қимматли аҳамият касб этади.

Борди-ю, имо-ишорали ҳаракатлар ҳақида ҳамда ундан қандай фойдаланиш тўғрисида айтганларимизни эсдан чиқарган бўлсангиз, у ҳолда ёдингизда бўлсин: агар инсон бирор нарсани айтишга жуда интилса, шунга тиришса, ўз фикр, ғояларини тингловчилар онгига етказиш учун ўзини унутадиган даражага етиб, беихтиёр айтиб, ҳаракат қилаверса, бу имо-ишорали хатти-ҳаракати ҳамда гапириш тарзи, гарчи у қанчалик ёдланиб қолмаса-да, шубҳасиз, мутлақо бенуқсон бўлади. Агар бунга шубҳаланаётган бўлсангиз, бирор кишининг олдига боринг-у, оёғига бир уринг. У шартта ўрнидан туради-ю, шундай сўзларни айтадики, ундан ўткир нутқ намуналарини қанчалик бенуқсон, хатосиз айтаётганини, балки, ўзингиз ҳам яхши пайқаб қоласиз.

Ёки бошқа бир ҳолат, унда ҳам, менимча, сўзга чиқишга доир донишмандларча маслаҳат мавжуд.

Бочкани тўлдиринг.

Оғзини тиқинлаб қўйинг.

Табиат қандай шиддат билан киришиб кетишини кўрасиз.

## Қисқа хулосалар

*1. Карнеги технология институти тажрибаларига кўра, инсон шахси унинг иш билан боғлиқ муваффақиятларида чуқур билимларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади. Ушбу ҳақиқат тутқич бермас, билинар-билинмас ва сирли соҳаларга ҳам тааллуқлидир, аммо уларнинг ривожланишига кўрсатма бериш деярли мумкин эмас. Шу билан бирга мазкур бобда тилга олинган тавсиялар нотиққа яхшигина муваффақиятларга эришмоғи учун ёрдам бериши мумкин.*

*2. Толиққан бўлсангиз, сўзга чиқманг. Дам олинг, кучларингизни тикланг, ўзингизда қувват захирасини тўпланг.*

*3. Маъруза ўқишдан олдин ўртамиёна овқатланиб олинг.*

*4. Куч-қувватингизни парчалайдиган иш қилманг. У ўзига тортиш, жалб қилиш хусусиятига эга. Одамлар ғайратли*

*нотиқ атрофида худди буғдойи ўриб олинган буғдойзорга тўпланган ғозлар каби ғуж бўлишади.*

*5. Шинам ва башанг кийининг. Яхши кийинсангиз, ўзингизга ҳурмат ошади, ўзига нисбатан ишонч мустаҳкамланади. Агар нотиқда шалвираган шим, ифлос пойафзаллар, таралмаган соч бўлиб, чўнтакларидан авторучка ва қаламлар чиқиб турса, аёл нотиқнинг сумкаси дидсизларча ҳар балолар билан қалашиб турса, тингловчилар унга нисбатан шунчалик кам эҳтиром кўрсатадиларки, балки, унинг ўзи ҳам ўзида шундай ҳолатни ҳис этар.*

*6. Жилмайиб туринг. Минбарга чиққанингизда, тингловчилар билан рўбарў бўлиш сизга хурсандчилик бағишлагани юз ифодангиздан англашилиб турсин. Профессор Оверстрит: "Ўхшаш нарса ўхшаш нарсани вужудга келтиради", деган. "Агар биз тингловчиларимиз билан қизиқсак, улар ҳам айнан шу тарзда бизга қизиқиб қарашади, дейишга асос бор. Ҳатто биз гапиришни ҳали бошламасдан туриб, бизга ё танбеҳ беришади ёки маъқуллашади, кўпинча. Шунинг учун ўзимизнинг хулқ-атворимиз билан ижобий таъсирланишни қўзғамоғимиз керак".*

*7. Тингловчиларни бир жойга йиғинг. Улар турли жойларга сочилиб ўтирган бўлишса, таъсир кўрсатиш жуда қийин. Ғуж аудитория иштирокчиси сифатида одам кулади, қарсак чалади, унга номаъқул ва норози ўринларда, албатта; агар ёлғиз, бир ўзи ёки бутун бошли залга сочилган гуруҳнинг биттаси бўлганида, шундай бўлармиди?*

*8. Агар озчиликни ташкил этган тингловчилар олдида сўзламоқчи бўлсангиз, уларни кичик бинога йиққанингиз маъқул. Баланд жойда турманг, улар билан бир қаторда туриб, гапиринг. Маърузангизни дилкашлик, расмиятчиликдан холи, суҳбат тарзида ўтказишга интилинг.*

*9. Зал ҳавоси тоза, мусаффо бўлиши учун ҳаракат қилинг.*

*10. Бино етарли даражада ёруғ бўлишини таъминланг. Шундай туринги, ёруғлик тўппа-тўғри юзингизга тушсин, токи тингловчилар юзингиздаги ҳар бир чизиқни аниқ кўрсинлар.*

*11. Мебелнинг қандайдир бўлакларига овора бўлиб, суяниб қолманг. Стол ва стулларни бир чеккага суриб қўйинг. Барча майда-чуйда буюмларни, саҳнани эгаллаган ортиқча нарсаларни йиғиштиринг.*

*12. Агар саҳнада таклиф қилинган меҳмонлар бўлса, улар вақти-вақти билан қимирлашади ва жиндай ҳаракатлари ҳам тингловчиларнинг диққатини жалб этади. Тингловчилар ҳар қандай ҳаракатдаги буюм, одам ва ҳайвонга қизиқиб эътибор бериб қарашдан ўзларини тия олмайдилар. Шундай экан, ўзини оғир аҳволга солиш ҳамда ўзига-ўзи қарши чиқишнинг ҳожати борми?*

*Саккизинчи бўлим*

## МАЪРУЗАНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК

Мен бир куни Шимолий-Ғарбий университет президенти доктор Линн Гарольд Хаудан кўп йиллик тажрибасига асосланиб, сиз нотиқ учун нимани энг муҳим омил сифатида ҳисоблайсиз, деб сўрадим. Бир дақиқа фикрлаганидан кейин у шундай деб жавоб берди: *"Кишини ўзига тортадиган бошланиш, яъни дарров диққатни жалб этиш"*. У маърузасини қайси сўз билан бошлаб, қайси сўз билан тугатишга қадар барчасини олдиндан режалаштириб қўярди. Жон Брайт, Гладстон, Вебстер, Линкольн ҳам айнан худди шундай йўл тутар эдилар. Аслида соғлом фикр ва тажрибага эга бўлган ҳар бир нотиқ аниқ ана шундай йўл тутарди.

Энди иш бошлаган киши-чи? Режалаштириш анча вақт, ақлий меҳнат ва ирода кучини талаб қилади. Миянинг ишлаши, бу — анча машаққатли жараён. Томас Эдисон ўз устахоналари деворида қуйидаги сўзлар ёзилган тахтачаларни қоқиб қўйган эди: *"Фикрлаш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳозирги машаққатлардан ўзини четга оладиган одам макр-ҳийлага берила олмайди"*.

Янги нотиқ, одатда, ҳар лаҳзадаги илҳомга таянади ва натижада унинг жуда кўп чуқурчалар ва ўнқир-чўнқирлардан иборат йўллардан юришига тўғри келади.

Марҳум лорд Нортклифф фақир ходимдан Британия империясидаги энг бой-бадавлат ва таъсири кучли газета эгасига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. У Паскалнинг қуйидаги сўзлари бошқаларига қараганда муваффақият қозонишига жуда катта ёрдам берганлигини таъкидлаган эди.

Нортклифф қачондир шу сўзларни ўқиган эди: *"олдиндан кўра билиш — демак, бошқаришдир"*.

Сиз қачон ўз маърузангизни режалаштирар экансиз, бу буюк шиор ёзув столингизда туриши керак. Ақлингиз тиниқ бўлган пайтда ҳар бир айтмоқчи бўлган сўзингизни англаган ҳолда олдиндан кўра олишга ҳаракат қилинг. Пировард натижада қандай таассурот қолдиришингизни ҳам олдиндан кўра оладиган бўлинг, уни ҳеч ким ўчириб ташлай олмайди.

Ҳали Аристотель даври экан, мазкур мавзудаги китобларда нутқни асосан уч қисмга бўлишган: кириш, нутқнинг ўзи, хотима. Яқин ўтмиш билан солиштирганда, маърузалар ўзининг оҳисталиги билан буни ўзига эп кўрган бўлиши мумкин — улар кўпинча кабриолет *(икки ғилдиракли арава ёки шундай кузовли енгил автомобиль)*да сайр қилишда иш кўришган. Бундай ҳолларда нотиқ янгиликлардан хабардор қилиб, шу билан бирга тингловчиларни ўйинкулги билан овутар эди. Юз йиллар муқаддам у жамиятдаги ўша бўшлиқни муайян тарзда тўлдирган, ҳозир эса газета, журналлар, радио, телевизор, телефон ва кинотеатр тўлдириб туради.

Шу билан бирга вазият тубдан ўзгарди. Дунёни қайта қуришди.

Кашфиётлар кейинги юз йил давомида бошлаб қанча иш қилинган бўлса, ундан ҳам зиёд даражада ошди. Автомобиллар, самолёт, радио, телевидение туфайли биз тобора ошиб бораётган тезлик билан қадам ташламоқдамиз ва нотиқ ҳам даврнинг тиним билмас суръатидан орқада қолмаслиги керак. Агар сиз маъруза билан бошламоқчи бўлсангиз, менга ишонинг, у худди афиша каби жуда қисқа бўлмоғи жоиз. Мана, замонавий тингловчилар диди тахминан шундай бўлиши мумкин: *"Сиз бирор нарса дейсизми? Яхши, фақат тезроқ айтинг, иложи бўлса, ҳашами камроқ бўлсин! Ҳеч қандай қуруқ гап бўлмасин! Менга тезроқ далилларни айтинг-у, дарров жойингизга ўтиринг!"*

Вудро Вильсон конгрессда энг муҳим масала, яъни сув ости урушига доир ультиматум — кескин талаб тўғрисида сўзга чиққанида, ўз маърузасининг мавзусини эълон қилиб, тингловчиларининг бутун диққат-эътиборини қуйидаги

сўзлар билан ана шу масалага жалб этган: *"Бизнинг мамлакатимизда ташқи масалада шундай вазият юзага келдики, у ҳақда сизларга сидқидилдан гапириб бериш менинг тўғридан-тўғри вазифам доирасига киради"*.

Чарлз Шваб Нью-Йоркдаги "Пенсильвания" жамиятида сўзга чиққанида, у бирдан масаланинг моҳияти бўлган иккинчи гапга ўтиб қўя қолган: *"Ҳозирги пайтда америкалик фуқаролар фикри-зикрида фақат битта масала турибди: рўй берган ишчанлик фаоллиги инқирозини қандай тушунмоқ керак ва бизни келажакда нима кутмоқда? Шахсан менинг ўзим кутаринки кайфиятдаман..."*

"Нэшнл кэш режистер" компанияси савдо директори маърузаларидан бирида ўз ходимларига қуйидагича мурожаат қилган эди. Унинг нутқида жами учта таклиф бўлиб, барини жуда осон тушуниш мумкин эди, чунки улар куч-қувват ва истиқболга тўла эди: *"Сизлардан буюртма олувчи киши, худди мўлжалланганидек, фабрикамиз қувурларидан тутун чиқишини кузатиши керак. Бизнинг қувурлардан қўйиб юбориладиган тутун миқдори ёзнинг кейинги икки ойи мобайнида атроф манзарасини етарли даражада хиралаштиришга етмади. Энди эса оғир кунлар орқада қолганида, ишчанлик фаоллигини тиклаш мавсуми бошланди ва сизларга жуда қисқа қилиб, аммо қатъий мурожаат этмоқчимиз: биз тутун кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз"*.

Тажрибасиз нотиққа одатдаги мақтовга сазовор тезликка эришиш ва сўзга чиққанида мухтасарлик насиб этармикан? Аксарият тажрибасиз ва малакасиз нотиқлар ўз маърузаларини икки мувоффақиятсиз йўллардан бири билан бошлайдилар. Келинг, ана шуни муҳокама қиламиз.

## Маърузани бошлашда кулгили воқеани ҳикоя қилишдан эҳтиёт бўлинг

Қандайдир ўринли, афсусланарли сабаб билан зўр нотиқ кўпинча, ўзини жуда билимдон санайди. Ўз табиатига кўра, у мисоли қомусдай жиддий бўлиши, ҳазил-мутойиба ҳиссидан бутунлай маҳрум бўлмоғи мумкин. Бунинг устига маъруза ўқиш асносида у, Марк Твен руҳи менга ўтди, деб хаёл қилади. Шу сабабли ўз нутқини кулгили воқеани ҳикоя

қилишдан бошламоқчи бўлади. Асосан, бунга таклиф этилган тушликдан сўнг маъруза ўқишга киришганида эришмоқни ўйлайди, хўш, нима бўлади денг? Йигирма кишини биттага қарши қўйиш мумкин, бу янги пайдо бўлган ҳикоячининг сўзлаши ва ҳикоя қилиш услуби худди луғат каби ниҳоят даражада оғир бўлади. Унинг ҳикояси, албатта, муваффақият қозона олмайди. Ўлмас Ҳамлетнинг ўлмас сўзлари билан айтганда, у *"арзимас, сийқа ва тўмтоқ"* бўлиб кўринади.

Агар ҳикоячи ўз жойлари учун пул тўлаган тингловчилар олдида худди шундай бир нечта муваффақиятсизликка йўл қўйса, унга нисбатан залда ҳуштакбозлик, шаънига тегиб кетадиган бўлмағур ҳайқириқлар янграйди. Шу билан бирга тингловчилар одатда нотиққа хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишади, шунинг учун бутунлай хайр-эҳсон нуқтаи назаридан бир неча марта хохолаш учун бор кучларини сарф-лайдилар, аммо юракларининг туб-тубидан унга ачинадилар ҳамда муваффақиятсизлиги учун ўша мутойибачига раҳм-лари келади! Улар ўзларини жуда ноқулай ҳис этадилар. Сизнинг ўзингиз айнан худди шундай ҳолдаги муваффақиятсизликни кузатганингиз йўқми? Ниҳоят қийин нотиқлик саънатида энг мураккаб ва жуда сийрак учрайдиган ҳолатлардан бири, бу одатларни кулдиришга мажбур этиш маҳоратидир. Мутойиба — ўз-ўзидан юзага келадиган беихтиёрий иш, у ўзига хослик, шахсият билан алоқадордир.

Эсингизда бўлсин, ҳикоя ўз-ўзидан сийрак ҳолда кулгили бўлади, ҳамма гап уни қандай тарзда ҳикоя қилишга боғлиқ. Марк Твенни машҳур қилган воқеани юз кишидан тўқсон тўққизтаси айтиб бериб, муваффақиятсизликка учраши турган гап. Линкольн Иллинойс штатидаги саккизинчи суд округи қовоқхонасида такрорлаган ҳикояларни ўқиб чиқинг, бу ҳикояларни эшитиш учун одамлар бир неча мил масофа босиб келишган. Бу ҳикояларни одамлар тонг отгунча эшитишган ва айримларини эса, гувоҳларнинг сўзларига қараганда, хохолаб қаттиқ кулишга шундай мажбур этишганки, улар кулавериб, курсилардан ағдарилиб тушганлар. Бу ҳикояларни оилангиз даврасида овоз чиқариб ўқиб беринг-чи, улар тишининг оқини кўрсатарми-

кан? Мана, Линкольнга порлоқ омад келтирган ҳикоялардан бири. Нима учун сиз уни айтиб кўришга уринмас экансиз? Фақат, марҳамат қилиб буни чеккароқда бажаринг, тингловчилар олдида эмас. *"Бир куни кечикиб қолган йўловчи Иллинойс штатининг лой кўчаларидан уйига бориш учун йўлга тушибди. Шунда момоқалдироқ бошланибди. Тун мисоли сиёҳдай қоп-қоронғи. Ёмғир шундай куч билан қуярдики, гўё тўғон очилиб кетган, дер эдингиз. Яшин булутларини мисоли динамитдай ёриб, чақнарди. Тўхтовсиз чақнаган чақмоқ қулаган дарахтларни ёритар эди. Момақалдироқ овози йўловчини кар қилаёзди. Ниҳоят, яшиннинг жуда қўрқинчли ва ваҳимали зарбаси, ҳали бирор марта эшитмагани учун бу бечора ёлғиз одамнинг тиззалари букилиб, чўккалаб қолишига сабаб бўлди. Одатда, у умрида бирор марта ибодат қилмаган эди, энди эса ўпкаси оғзига тиқилиб, йиғи-сиғи билан шундай деди: "Ё бор, худоё, ўтинаман, кўпроқ ёруғлик юборгин, камроқ шовқин-сурон бўлсин".*

Сиз мутойиба билан ажралиб турадиган бахтли одамлардан бири бўлсангиз керак. Агар шундай бўлса, барча воситалар билан бу истеъдодни бутун воситалар орқали ўзингизда тарбияланг. Қаерда бўлмасин, сўзга чиқадиган бўлсангиз, уч карра жўшқинроқ тарзда кутиб олишади. Аммо сизнинг истеъдодингиз бошқа соҳаларга тааллуқли бўлса, бу ўйламай қилинган иш ва, ҳатто, айтиш мумкинки, ўзингизга Чонси М.Депью ридосини кийиб кўришга ҳаракат қилишингиз сиз томонингиздан давлат жинояти билан тенг бўлади.

Агар сизга уларнинг нутқини, яъни Линкольн ёки Жоба Хежеснинг маърузаларини ўқиб чиқишга тўғри келса, балки, сизни ҳайратга солар, чунки улар нутқларининг бош қисмида ўз тингловчиларига ҳар хил воқеаларни жуда кам гапириб берганлар. Эдвин Жеймс Кэттел менга айтдики, у ҳеч қачон кулги қўзғасин, деб кулгили воқеаларни мутлақо ҳикоя қилмаган экан. Бундай воқеалар ўз ўрни билан ёки айтиб берилган ҳолат тариқасида келтирилиши зарур, мутойиба гўё тортга сурилган қиём, торт ўртасига қўйилган шоколадга ўхшамоғи лозим, ҳеч қачон тортнинг ўзи бўлмаслиги керак. Қўшма штатларидаги энг яхши мутойибачинотиқлардан бири Стрикленд Жиллилан ўз олдига маъру-

заси бошланганидан сўнг уч дақиқагача ҳеч қандай воқеаларни гапирмасликни мақсад қилиб қўйган эди. Буни ўзи учун маъқул ҳисоблаган экан, ўйлашимча, сиз ҳам, мен ҳам ундан ибрат олишимиз керак.

Шунда сўзга чиқишнинг бошланиши оғир, филдек зилзамбил ёки бутунлай тантанавор тарзда бўлмоғи керакми? Асло, агар қўлингиздан келса, маҳаллий хусусиятларга таяниб кулги қўзғатинг, тегишли ўринларга боғлаб ёки ўтган нотиқларнинг қандайдир айтганларини эслатинг.

Мос келмаган ўринларни таъкидланг. Уни ошириб-тошириб тилга олинг. Ҳазилнинг бундай турлари Пэт ва Майк ҳақидаги ҳамда қайнона ёки эчки тўғрисидаги эскириб кетган латифалардан кўра қирқ карра тезроқ сизга муваффақият келтиради.

Шубҳасиз, қувноқ кайфиятни юзага келтиришнинг энг осон йўли ўзининг шахсиятига доир ҳазиллардир. Ўзингиз қандайдир кулгили ва чигал аҳволга тушиб қолганингизни гапириб беринг, бу эса дарров кулгили муҳитни таъминлайди. Эскимослар оёғини синдириб қуйган одам устидан ҳам кулишади. Хитойликлар эса иккинчи қаватдан тушиб кетган ва тил тортмай ўлган ит устидан хохолашади. Биз қанчалик бағри кенг бўлмайлик, ўз шляпасини ушлашга ҳаракат қилаётган ёки банан пўстлоғига тойиб йиқилган киши устидан кулмаймизми?

Ҳар бир киши, мос бўлган ҳолатни мос бўлмаган ҳолатга таққослаб, одамларни кулишга мажбур эта олади. Масалан, бир журналист баёнот бериб, у болаларга, оғир овқатлар ҳамда демократларни кўргани кўзи йўқлигини айтган.

Англияда ўз сиёсий маърузаларидан бирининг бош қисмида тингловчиларнинг кулгисини кузатишга муваффақ бўлган Редьярд Киплинг бунга қандай эришганига амин бўлинг. У тап-тайёр латифаларни сўзламай, балки ўзининг шахсий топилмалари билан ўртоқлашди ҳамда қувноқ беўхшовликка таққослади.

"*Муҳтарам лордлар, хонимлар ва жаноблар. Мен йигит ёшимда Ҳиндистонда бўлганимда, ўзим хизмат қиладиган газетада жиноий ишларни ёритардим. Бу жуда қизиқарли иш бўлиб, мени қалбаки пул ясовчилар, ўмарувчилар, қотиллар*

*ва шундай соҳаларнинг "учар" спортчилари билан таништирарди (кулги). Баъзан суд залидан ҳисобот тайёрлаб бўлиб, ўз жазо муддатларини ўтаётган дўстларимдан хабар олишга борар эдим (кулги). Бир одамни яхши эслайман, у қотиллиги учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. У ғоят ақлли бўлиб, ўз фикрларини яхши ифодалаб беролар, менга ҳам ўз ҳаёт йўлини гапириб берган эди. У шундай деган эди: "менга ишонинг, агар одам ҳаром йўлга кирса, унинг бир хатти-ҳаракати бошқасини ортидан эргаштириб келаверади. Бу аҳвол ўз йўлидан кимнидир олиб ташлашга қадар давом этаверади, токи у тўғри йўлга тушиб олгунча (кулги). Айнан худди шу ҳол бугунги вазирлар маҳкамаси аҳволини белгилаб беради (кулги, маъқулловчи овозлар)".*

Уильям Говард Тафт ҳам худди шундай усул билан ҳар йили "Метрополитен лайф иншуренс" компанияси раҳбар ходимлари билан ўтказиладиган зиёфатда мутойибанинг бир қисмини усталик билан ишлатиб юборар эди.

*"Муҳтарам президент, "Метрополитен лайф иншуренс" компаниясининг ходим жаноблари!*

*Мен бундан тўққиз ой муқаддам қадрдон юртимда бўлганимда у ердаги зиёфатда кўтаринки руҳ билан гапирган бир жентльменнинг сўзларини тинглаган эдим. Унинг айтишича, зиёфатда нутқ сўзлашдан олдин катта тажрибага эга бўлган дўстидан йўл-йўриқ сўраган. Ўша дўстининг эътирофича, бундай чиқиш учун яхши маълумотли, энг зиёли қатлам керак экан, агар улар ичкилик устида бўлса, янада маъқул (кулги ва қарсаклар). Ҳозир айтишим жоизки, мен кўрган тингловчилар орасида энг яхшиси сизлар бўласизлар. Тўғри, сизларда мен юқорида тилга олган қарралар тушиб қолган (қарсаклар), аммо, ўйлашимча, "Метрополитен лайф иншуренс" компанияси руҳи унинг ўрнини тўлдиради (давомли қарсаклар)".*

## Кечирим сўраш билан бошламанг

Янги иш бошлаган нотиқ учун иккинчи қўпол хато шундан иборатки, у одатда: *"Мен нотиқ эмасман... Бу маърузага тайёргарлик кўрмаган эдим... Нима ҳам дейиш мумкин..."* деган гапларни ҳам айтади.

Ҳеч қачон бундай демаслик керрак! Ҳ е ч қ а ч о н! Киплингнинг битта шеъри шундай сўзлар билан бошланади: *"Олға босишда маъно йўқ"*. Тингловчиларда худди шундай таъсаввур пайдо бўлади, агар нотиқ сўзини юқорида тилга олинган гаплардан бошласа.

Маърузага тайёрланмаган бўлсангиз, айримларимиз у ёки бу тарзда сизнинг ёрдамингизсиз ҳам пайқаймиз. Бошқалар сезмайди ҳам. Нима учун бунга уларнинг диққатини тортиш керак? Тингловчиларингизни нима учун ҳақоратлаш керак экан? Нега етарлича тайёргарлик кўришни хоҳламадингиз, сизнинг ўчоғингизда ҳар қандай эски таом тасодифан пайдо бўлганида, уни татиб кўриш шарт эдими? Йўқ, ҳеч қачон! Биз сизнинг кечирим сўрашларингизни асло истамаймиз. Бу ерга ахборот беришлари ва қизиқтиришлари учун, эсингизда тутинг, қизиқтиришлари учун келганмиз.

Сиз тингловчилар ҳузурига пайдо бўлган ўша сонияда улар табиий равишда, муқаррар тарзда ўз диққат-эътиборини сизга қаратишади. Уни кейинги беш сония ичида сақлаш қийин эмас, аммо кейинги беш дақиқа ичида сақлаш анчагина мушкул. Агар уни йўқотгудей бўлсангиз, диққат-эътиборларини қайтариш икки карра қийин кечади.

Шунинг учун биринчи гапни қандайдир қизиқарли хабар айтишдан бошланг. Иккинчи, учинчидан эмас, айнан биринчидан, таъкидлайман, биринчидан!

"Буни қандай бажариш керак?" деб сўрайсиз. Ростини айтсам, осон эмас. Бу мақсад учун маълумот тўплай туриб, турли айланма ва эгри-бугри сўқмоқлардан ўтишимиз зарур, чунки у сизга, сизнинг тингловчиларингизга, мавзу, йиғилган маълумотларга, вазиятга ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Бунинг устига, умид қиламизки, мазкур бобнинг қолган қисмларида кўриб чиқиладиган ва мисоллар келтирилиб кўрсатиладиган ўша тавсиялар сизга муайян фойда келтиради ва қимматли моҳият касб этади.

### Ҳавасмандликни қўзғанг

Хоуэлл Хили ўз маърузасини Филадельфиядаги "Пенн атлетик" клубида шундай бошлаган эди. У сизга ёқадими, диққатингизни бирдан ўзига тортадими?

*"Саксон икки йил муқаддам, йилнинг тахминан айнан ҳозирги кунларида Лондонда ўлмаслиги тақдирида битилган унча катта бўлмаган китоб нашр этилди. Биринчи марта чиқарилганида, Стрендда ёки Пелл-Меллда учрашиб қолган дўстлари бир-биридан: уни ўқиб чиқдингизми, деб сўрарди. Ва ҳамма: "ҳа, ўқидим, худо хайрини берсин!" деган жавоб бўларди".*

Шу куни, китоб чиққан биринчи куни минг нусха сотилди, икки ҳафтада талаб ўн беш мингтага етди. Ўша вақтдан буён бир неча бор қайта нашр этилди. Бир неча йил муқаддам Ж.П.Морган мазкур китобнинг қўлёзмасини мисли кўрилмаган нархда сотиб олди ва айни дамда унинг ғоят қиммат-баҳо бойликлари қаторида Нью-Йоркдаги таҳсинга лойиқ кутубхона, деб аталган суратлар галереясида сақланади.

Бутун дунёга машҳур бу китобнинг номи нима? Диккенснинг "Рождество қўшиғи..."

Сиз шундай муқаддимани муваффақиятли деб ҳисоблайсизми? У диққатингизни ўзига тортдими, бу ҳикояга нисбатан қизиқишингиз кучайдими? Нима учун? Ҳикоя қизиқишингизни қўзғатиб, диққат-этиборингизни жалб этдими?

Ҳавасмандлик! Ким ҳам унга гирифтор бўлмаган дейсиз? Мен ўрмонда қушларни кўрганман, улар шунчаки қизиқиб, изимдан бир соатлаб мени кузатиб, учишганди. Альпда бир овчини танир эдим, у тоғ кийигини алдаш учун чойшаб ёпиниб, у ёққа-бу ёққа ўрмалаб, шу билан ҳайвонларнинг ҳавасини қўзғар эди. Ҳавасмандлик итга ҳам, мушукка ҳам, жонзотларнинг бутун турига, шу жумладан, инсон зотига ҳам хос.

Шунинг учун биринчи жумладан бошлаб тингловчиларингизнинг ҳавасини қўзғанг, ана шунда улар ҳам сизга қизиқиб қарайдилар. Бир ёзувчи, одатда, ўзининг полковник Лоуренс ва унинг Арабистондаги саргузаштлари ҳақидаги маърузасини қуйидагича бошлар эди:

*"Ллойд Жорж полковник Лоуренсни давримиздаги энг романтик ва кўзга яққол кўринадиган шахслардан бири деб ҳисоблайди".*

Гапни шу тариқа бошлаш икки афзалликка эга. Машҳур кишиларнинг сўзларидан кўчирма келтириш ҳамиша диқ-

қатни кучли равишда ўзига тортади. Иккинчидан, у ҳавасмандликни қўзғайди. *"Нима учун романтик, нима учун кўзга яққол кўринувчи!* — бу саволлар табиий равишда юзага келади. — *Мен илгари бу ҳақда эшитмагандим... у нималар қилган экан?"*

Лоуэлл Томас ўзининг Томас Лоуренс ҳақидаги маърузасини шундай бошлар эди:

*"Бир куни Қуддус шаҳрининг Насроний кўчасида бир одамни учратдим. У шарқона жимжимадор либосларга бурканган эди. Ёнида эгри олтин шамшир осилган, одатда бундай аслаҳаларни пайғамбар Муҳаммад авлодлари тақар эди. Аммо бу одам умуман арабга ўхшамасди. Унинг кўзлари мовий бўлиб, арабларники эса, одатда, қора ёки жигарранг бўлар эди".*

Гапни бундай бошлаш сизнинг диққатингизни михлаб қўяди, шундай эмасми? Сиз яна эшитишни хоҳлайсиз. У ким бўлган? Нега худда араблардек кийинган, у нима билан машҳур эди? У билан қандай воқеалар рўй берган?

Бир нотиқ ўз маърузасини савол билан бошлар эди: *"Ҳозир дунёнинг ўн етти мамлакатида қулдорлик мавжудлигини биласизми?"* У нафақат тингловчиларни қизиқтирди, балки уларни ҳайратга ҳам солди: *"Қулдорлик? Бизнинг замонада-я? Ўн етти мамлакатдами? Қандайдир ишончсизга ўхшайди. Қайси мамлакатда экан-а? Улар қаерларда жойлашган бўлиши мумкин?"*

Баъзан тингловчиларнинг қизиқувчанлигини ошириб, гапнинг оқибати, яъни охиридан бошлаб, тингловчиларнинг сабабини билиш учун интилиш ва хоҳишларини кучайтириб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, тингловчиларимдан бири ўз маърузасини шундай гап-сўздан бошлади: *"Яқинда бизнинг қонун чиқарувчи идораларимиздан бири ҳар қандай мактаб биносидан икки миль масофа яқинида итбалиқнинг қурбақага айланишини тақиқловчи қонун қабул қилишни таклиф этди".*

Сиз кулиб юборасиз. Нотиқ ҳазиллашяпти, шекилли? Нақадар бемаънилик! Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганмикан?.. Ҳа, сўзга чиққан киши бунинг қандай рўй берганига изоҳ беради.

"Сатердей ивнинг пост" журналида босилиб чиққан мақола "Гангстерлар билан бирга" деб номланган ва у шундай деб бошланарди:

*"Ҳақиқатдан ҳам гангстерлар ташкил топганми? Қандай дейсизми? Қандай..?"*

Кўряпсизки, мақола муаллифи икки-уч жумла орқали мавзу ҳақида маълумот бериб, гангстерлар қандай ташкил топгани ҳақида сизда қизиқиш уйғотди. Мақтаса арзигулик ёндашув. Ҳар қандай киши журналистлар қўллайдиган усуллардан фойдаланиб, ўқувчи эътиборини дарҳол жалб этишни ўрганиши керак. Маърузалар тўпламидан кўра улардан кўпроқ нарса ўрганасиз.

## Нима учун бирор воқеа билан сўзни бошлаш мумкин эмас?

Бизга нотиқнинг ўз шахсий таассуротларини гапириб бериши жуда ёқади. Рассел Э.Коунэлл ўзининг "Олмослар ўлчови" номли маърузасини олти минг мартадан зиёд ўқиган ва миллионлаб ҳақ олган эди. Машҳур бўлиб кетган ушбу маъруза тарихи қандай?

*"1870 йили биз Тигр дарёси оқими бўйлаб пастга қараб сузардик. Персеполь, Ниневия ва Бобилни кўрсатиб берувчи йўл бошловчи ҳам ёллаган эдик..."*

Ва у воқеани ҳикоя қила бошлайди. Ана шу ҳол диққатни жалб этади. Бундай муқаддима деярли хатосиздир. У муваффақиятсиз чиқиши мумкин эмас. Воқеалар ривожлана боради. Динамизмга эга бўлади. Биз унинг изидан кузатиб борамиз. Кейин нима рўй берар экан, деб давомини билишни истаймиз.

Қуйида "Сатердей ивнинг пост" журналида босилган икки ҳикоядан олинган дастлабки жумлалар келтирилади:

*1. Тўппончанинг кескин овози жимликни бузиб юборди.*

*2. Бу нохуш ҳодиса ўз-ўзидан тутуриқсиз, аммо ўзининг имконият оқибатларига кўра бемаъни бўлмаган мазкур можаро июлнинг биринчи ҳафтасида Денвердаги "Монвью" меҳмонхонасида рўй берди. У бошқарувчи Гебелни шунчалик қизиқтириб қўйдики, бу ҳақда у "Монвью" меҳмонхонасининг соҳиби Стив Фарадейга ва бошқа меҳмонхоналарга қам хабар етказди. Стив шунда бир неча кун муқаддам бу ерга келган ва ўз ихтиёри билан ёзнинг ўрталарида навбатдаги текширувни ўтказмоқчи эди.*

Эътибор беринг, бу гапларнинг бари ҳаракат билан тўлиб-тошиб кетган. Улар ниманидир бошлайди. Қизиқувчанлигингизни оширади. Сиз кейинги сатрларни ўқимоқчи бўласиз, гап нимада эканлигини аниқлагингиз, кўпроқ билгингиз келади.

Ҳатто тажрибасиз нотиқ ҳам одатдаги маърузасини мана шу ҳикоя услубидан фойдаланиб, муваффақият билан бошласа, тингловчиларда қизиқиш уйғонади.

### Қандайдир аниқ расм билан бошланг

Ўртамиёна тингловчилар учун узоқ муддат давомида мавҳум фикрларни эшитиб ўтириш оғир, жуда оғир. Шунинг учун расмли мисолларни кўриш, эшитиш енгил, анча енгил. Нима учун гапни шуларнинг баридан бошламаслик керак? Нотиқларни бунга кўндириш жуда қийин. Биламан. Мен аллақачон ҳаракат қилганман. Уларнинг фикрича, дастлаб бир нечта умумий фикрларни ўртага ташламоқлари лозим. Бекор гап. Расмдан бошланг, қизиқишларини уйғотинг, сўнг умумий характердаги фикрларни айтиб, гапни давом эттиринг. Агар сизга шундай усул учун мисол керак бўлса, марҳамат, олтинчи боб муқаддимасига қаранг.

Сиз танишаётган ушбу бобнинг бошланишида қандай усул қўлланган эди?

### Қандайдир буюмдан фойдаланинг

Диққатни тортиш учун дунёдаги энг осон усул, бу — қўлда ниманидир ушлаб туриш, токи тингловчилар уни кўра оладиган бўлишсин, ҳатто ёввойи ва зеҳни пастлар, бешикдаги чақалоқлар ҳам, дўкон пештахталаридаги маймунлар ҳам, ҳатто кўчадаги итлар ҳам ана шу қизиқтирувчи омилга эътибор берадилар. Баъзан у жуда эътиборли тингловчи олдида ҳам муваффақиятли равишда қўлланилиши мумкин. Масалан, филадельфиялик С.С.Эллис маърузаларидан бирини бошлашдан олдин тангани бош ва кўрсаткич бармоқлари билан тутиб, боши узра кўтарган. Табиийки, барча тингловчилар унга қарай бошлаган, шунда у: *"Бу ерда ўтирганлардан бирортаси пиёдалар йўлакчасида ётган тангани*

*топганми?* — деб сўраган эди. — *Уни топган омадли одам кўчмас мулк тарзидаги сон-саноқсиз бойликка эга бўлади, дейишади. Бундай одамга эса келиш ва ушбу тангани кўрсатиш керак бўлган, холос...*" Шундан сўнг Эллис ноқонуний ва ноахлоқий фаолиятни фош этишга киришиб кетарди.

## Савол беринг

Эллис томонидан қўлланилган яна битта ижобий сифат бор. Унинг маърузаси савол билан бошланади, яъни тингловчиларни сўзга чиқувчи билан бирга ўйлаш ва ҳамкорлик қилишга мажбур этади. Пайқаган бўлсангиз керак, "Сатердей ивнинг пост" журналида гангстерлар ҳақидаги мақолада учта гап икки савол билан бошланади:

*"Гангстерлар ҳақиқатан ҳам ташкил топганми?.. Қандай?"* Бундай ҳал қилувчи савол энг оддий ва муҳим усуллардан бири бўлиб, тингловчиларингиз тассавурини қўзғатади ва унга киришга ёрдам беради. Агар бошқа усуллар фойдасиз кўринса, у ҳолда бу услубни ҳамиша қўллашингиз мумкин.

Нима учун бирор машҳур кишининг нутқидан олинган кўчирма билан гапни бошлаш мумкин эмас экан?

Қандайдир машҳур кишининг сўзлари доимо диққатни ўзига жалб қилади, шунинг учун яхши кўчирма ҳаммадан кўра маърузанинг бошланиш қисмига жуда мос келади.

*"Жамият бизни катта мукофотлар: пул билан ҳам, иззат-икром билан ҳам тақдирлаган, бундан фақат битта нарса мустаснодир, — деган эди Элберт Хаббард. — Бу битта нарса — ташаббусдир. Ташаббус нима ўзи? Мен сизга жавоб бераман: бу шундай нарсаки, одам қандай керак бўлса, гарчи ундан буни сўрашмаган бўлсалар ҳам, шундай бажаради".*

Бундай маъруза бир неча мақтовли сўзларга сазовор бўлади. Биринчи гап қизиқишни оширади, сизни мафтун этади ва биз кўпроқ билгимиз келади. Агар нотиқ "Элберт Хаббард" сўзларидан кейин маҳорат билан тўхтаб олса, бу кутиш ҳиссиётини юзага келтиради. "Нима учун жамият бизни тақдирлар экан?" — деб сўраймиз. Бизга тезроқ гапириб беринг. Сиз билан келиша олмаслигимиз мумкин,

аммо ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрингизни билдиринг. Иккинчи жумла бизни бирданига ишнинг моҳияти томон етаклайди. Учинчиси эса саволнинг ўзидан иборат бўлиб, тингловчиларни муҳокамага, ўйлаш ва нимадир қилишга чақиради. Тингловчилар эса бундай ишни жуда яхши кўришади. Бу уларга жуда ёқади! Тўртинчи жумла эса ташаббус маъносини аниқлаб беради. Бундай кириш ҳолатидан сўнг нотиқ ўз шахсий ҳаётидан мисол тариқасида бирор воқеани келтиради.

### Маърузангиз мавзусини тингловчиларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжлари билан боғланг

Тингловчиларга бевосита тааллуқли бўлган қандайдир фикр, мулоҳаза билан гап бошланг. Бу маърузани бошлашнинг энг яхши усулларидан биридир. У, албатта, диққатни ўзига жалб этади. Биз бундай гапларга жуда қизиқамиз ва улар бизга бевосита ва кучли равишда таъсир этади.

Буларнинг бари соғлом фикр, шундай эмасми? Боз устига мазкур усул жуда кам қўлланилади. Мен, масалан, бир нотиқ даврий тиббий кўриклар зарурлигига бағишланган ўз нутқини қандай бошлаганини эшитган эдим. У гапни инсон умрини узайтириш масалалари билан шуғулланадиган институт ҳақидаги ҳикоядан бошлади. Мазкур институт қандай ташкил қилинган ва қандай хизматларни тавсия этади — шу ҳақда гапирди. Сафсата! Бизнинг тингловчилар қаерда ва қандай компания хизмат қилишига зиғирча ҳам эътибор беришмайди, лекин ўзлари билан чуқур ва абадий равишда қизиқиб қоладилар.

Нима учун ана шундай муҳим омилни эътироф этмаймиз? Нега бу компания тингловчилар учун ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини намойиш этмаймиз? Нима учун, масалан, гапни шундай бошлаш мумкин эмас: *"Суғурта компаниялари томонидан ишлаб чиқилган жадваллар бўйича ўртача умрингиз қанча давом этиши мумкинлигини биласизми? Ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги статистиканинг кўрсатишига кўра, сизнинг умрингиз ҳозирги ёшингиз билан саксон ёшнинг ўртасидаги ёшнинг учдан бир вақтига тўғри келади. Масалан, ҳозир ёшингиз ўттиз бешда, дейлик, де-*

*мак, бу ёшингиз билан саксон ёш ўртасидаги ёшнинг фарқи қирқ беш бўлиб чиқади, сиз яна шу муддатнинг учдан икки қисми, яъни ўттиз йил яшайсиз... Бунинг ўзи етарлими? Йўқ, йўқ, биз баримиз иштиёқ билан узоқроқ яшашни хоҳлаймиз. Боз устига юқорида эслатилган жадваллар миллион ҳолат асосида тузилган эди. Биз сиз билан бирга уни инкор эта оламизми? Ҳа, агар зарурий эҳтиёткорликни қўллаб, бу йўналишда мунтазам тиббий кўрикдан ўтсак, буни инкор эта оламиз..."*

Юқоридаги ҳолатда нима учун тиббий кўрик зарур эканлигини батафсил тушунтириб берсак, тингловчи унга шу тарзда хизмат кўрсатадиган қандайдир муассасага қизиқиб қолади. Шу билан бирга айнан шундай муассаса тўғрисидаги гапдан нутқни бошлаш ҳалокатли тарзда хато бўлур эди!

Бошқа мисолни олиб кўрайлик.

Мен бир нотиқ ўз нутқини ўрмонларни асраш ҳақидаги гапдан бошлаганини эшитдим. У тахминан шундай деган: *"Биз, америкаликлар, ўзимизнинг миллий бойликларимиз билан фахрланишимиз керак..."* Шундан кейин нотиқ ёғочларни шармандали тарзда исроф қилаётганимизни исботлашга киришиб кетди. Маърузасининг дебочаси жуда муваффақиятсиз, ҳаддан зиёд умумий, ўта мужмал эди. У тингловчилар бу масала ўзлари учун муҳим эканлигини ҳис этишлари учун ҳеч нарса қилмади. Тингловчилар ўртасида босмахона ишчиси бор эди. Ўрмонларни йўқотиш унинг ишига оид жуда аниқ маълумотларни англатарди. Тингловчилар орасида банкир ҳам бор эди. Ўрмонларни йўқ қилиш унга ҳам тааллуқли, чунки бу умумий фаровонликка тегишли эди. Ва ҳоказо... Шундай экан, нима учун маърузани мана бундай бошлаш мумкин эмас: *"Мен ўртага ташлаган масала, муҳтарам жаноб Эпплби сизга ва жаноб Соя, сизга тегишлидир. Очиғини айтганда, у муайян даражада озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй тўловига ҳам таъсир этади. Бу масала умумий фаровонлигимиз ва гуллаб-яшнашимизга ҳам тааллуқли"*.

Юқоридаги мисол ўрмонларни сақлаш заруриятн ҳақидаги масалани ошириб кўрсатишга кирадимми? Йўқ, мен бундай деб ўйламайман. Шу тарзда бошлаш Элберт Хаббард

томонидан айтилган тамойилга мос келади, яъни *"Манзарани кенг тарзда чизиб кўрсатмоқ ва уни шундай ўртага ташлаш керакки, у диққатни ўзига тортсин"*.

## Ҳаяжонли далилларнинг жозибали кучи

*"Яхши журнал мақоласи,* — деган эди машҳур даврий матбуот ноширн С.С.Маклюр, — *бу — бутун бошли ҳаяжонлар сериясидир"*.

Улар бизни ҳаракатга келтиради, кундалик мудроқдан чалғитади, баримизни қуршаб олади-ю, диққат-эътиборни ўзига қаратади. Мана, бир неча мисол. Балтиморлик Н.Д.Баллантайн ўз маърузасини радионинг муъжизавий хусусиятидан фойдаланиб, қуйидаги сўзлар билан бошлаган:

*"Биласизми, Нью-Йорк биноларидаги дераза ойналарида ўрмалаётган пашшаларнинг қадам товуши радио орқали эшиттирилса ва бутун Марказий Африка бўйлаб янграса борми, ҳудудни Ниагара шаршараси каби гулдурос овоз босиб кетар эди"*.

Нью-Йоркдаги "Гарри Ж.Жонс" компанияси президенти Гарри Ж.Жонс жиноятчилик муаммоларига бағишланган маърузасини шундай бошлаган:

*"Бир куни Қўшма Штатлар олий судининг собиқ раиси Уильям Хоуард Тафт бизнинг жиноий ҳуқуқимиз қандай амалга ошаётгани ҳақида гапириб, уни тараққиётимиз учун иснод деб атади"*.

Бундай тарзда нутқни бошлаш икки томонлама фойдали: ҳуқуқ соҳасидаги машҳур кишининг айтганлари мустақил фикрни ўз ичига олади, шу билан бирга диққатни ҳам ўзига тортади.

Филадельфиядаги оптимистлар клубининг собиқ президенти Пол Гиббонс жиноятчилик муаммоларига бағишланган ўз нутқини бошлашда қуйидаги жалб этувчи таъкидлардан фойдаланди:

*"Америкаликлар бутун тараққийлашган дунёда энг жиноятчи кишилар ҳисобланади. Бу фикр қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, ҳақиқатга тўғри келади. Кливлендда, Огайо штатида, аҳолининг сонини ҳасобга олганда, Лондондагига нисбатан олти марта кўп одам ўлдириш, бир юз*

*етмиш баробар ўғирлик содир этилади. Ҳар йили Кливлендда Англия, Шотландия ва Уэлснинг барини бирга олгандан кўпроқ ўғирлик ва босқинчилик ҳолатлари юз беради. Нью-Йоркда эса бутун Франция, Германия, Италия ёки Британия ороллaридагидан кўпроқ қотиллик рўйхатга олинади. Энг қайғули ҳақиқат шундаки, жиноятчи ҳеч қандай жазога тортилмайди. Агар қотиллик қалсангиз, бунинг учун сизни жазолашнинг юздан битта имконияти бор, холос. Тинч аҳоли вакили сифатида сиз ўн карра ортиқ даражада одамни отган бўлсангиз, бунинг учун осиб ўлдирилишдан кўра ракдан ўлиш имкониятингиз ўн баробар зиёддир".*

Нутқни ана шундай бошлашни муваффақиятли санаш мумкин, шунинг учун Гиббонс бу сўзларни бутун куч ва шиддат билан айтди. Бу сўзлар яшар, улар нафас оларди. Мен бошқа курс тингловчиларининг ҳам жиноятчилик муаммоларига бағишланган нутқларини эшитдим. Уларнинг нутқларида ҳам мисоллар айнан шунга яқин, аммо бошланиши ўртача тарзда намоён бўлган эди. Нега? Сўз. Сўз. Сўз. Уларнинг тузилиш тартиби бекаму кўст, шу билан бирга уларда "жон" йўқ эди. Бу одамларнинг маъруза ўқиш йўсини улар нима деган бўлса, ҳаммасини барбод қилган эди.

## Одатий кўринган муқаддиманинг аҳамияти

Қуйида келтириладиган муқаддима сизга маъқул келадими? Маъқул келса, нима учун? Мэри Е.Ричмонд Нью-Йорклик аёл-сайловчилар бирлашмасининг йиллик йиғилишида сўзга чиқди. Вояга етмаганларнинг никоҳига қарши қонун тайёрланиш арафаси эди ўшанда:

*"Кеча мен тушган поезд бу ердан унча узоқ бўлмаган шаҳардан ўтиб бораётганида, бир неча йил муқаддам мазкур шаҳарда ўтказилган бир тўйни эсладим. Бу штатда бошқа никоҳлар ҳам шунчалик шошилинч ва ҳалокатли бўлгандики, сизларга сўзлаб бермоқчи бўлган воқеанинг аниқ тафсилотларига қадар келтираман.*

*Ўшанда 12 декабр эди. Ўрта мактабнинг ўн беш яшар ўқувчи қизи қўшни коллеждаги эндигина вояга етган болани учратиб қолади. 15 декабрда, яъни орадан фақат уч кунни ўтказиб, улар никоҳ рухсатномасини қўлга кирита-*

*дилар. Қизни аллақачон ўн саккизга кирган деб қасам ичишади, шу боис ота-онанинг рухсати шарт эмас, деб ҳисоблашади. Муниципалитет (маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи)дан ана шундай рухсат билан чиққандан сўнг улар зудлик билан руҳонийга учрашадилар (қиз католик динида эди). Руҳоний уларни никоҳлашдан бутунлай бош тортди. У юз карра ҳақ эди. Қандайдир йўл билан, балки руҳоний орқалидир, қизнинг онаси қизи турмушга чиқаётганидан хабардор бўлди. У қизини топгунга қадар бу икки жуфтни яраштирувчи судья жуфтлаб қўйди. Куёв ўз қаллиғини олиб, меҳмонхонага борди. У ерда икки кеча, икки кундузни ўтказиб, шундан кейин йигит уни ташлаб кетди ва қизга қайрилиб ҳам қарамади".*

Шахсан менга бу муқаддима жуда ёқади. Биринчи жумла яхши тузилган. У қизиқарли хотиралар билан тўлиб-тошган ва биз батафсил эшитмоқчи бўламиз. Шу тариқа инсон ҳаётида рўй берган қизиқарли воқеа тафсилотларини тинглай бошлаймиз. Бунинг устига у бутунлай ҳақиқатга мос келади. Ҳеч қандай ошириб-тошириш, хужакўрсинчилик йўқ, ўйлаб топилмаган... *"Кеча мен тушган поезд, бу ердан унча узоқ бўлмаган шаҳардан ўтиб бораётганида, бир неча йил муқаддам мазкур шаҳарда ўтказилган бир тўйни эсладим"*. Ўзини эркин тутиб баён этилган мазкур воқеа табиий бўлиб, инсонга хос тарзда жаранглайди, гўё битта одам бошқасига қизиқарли тафсилотни айтиб бераётгандай. Бу ҳар қандай тингловчилар оммасига ёқади. Шу билан бирга тингловчиларга ҳаддан зиёд пухта тайёрланган, ҳар томонлама эрта ўйланиб мўлжалланган чиқишлар ҳам, эҳтимол, ёқмаслиги мумкин. Биз санъатни яширган санъатни яхши кўрамиз.

## Қисқа хулосалар

*1. Маърузанинг муқаддимаси анчагина қийинчилик касб этади. Шу билан бирга у ғоятда муҳимдир. Бу пайтда тингловчилар ҳали ҳоримаган бўлиб, уларга нисбатан таассурот уйғотиш анча осон. Агар бу пайтда тасодиф юз бериб қолса, ниҳоятда оғир оқибатга олиб келиши мумкин; шуни инобатга олиб маъруза муқаддимасини барвақт, пухта тайёрлаш керак.*

*2. Маърузанинг кириш қисми қисқа ва бир ёки иккита жумладан иборат бўлсин. Баъзан ундан воз кечиш ҳам мумкин. Маърузани асосий моҳиятидан бошлайверинг, бунда ҳам жуда кам сўзлардан фойдаланинг. Ҳеч ким эътироз билдира олмайди.*

*3. Ишга энди киришган нотиқлар маърузани ёки юмористик ҳикоядан ёки кечирим сўрашдан бошлайдилар. Униси ҳам, буниси ҳам, одатда, муваффақиятсизликка учрайди. Жуда озчилик, ниҳоятда озчилик, жуда оз одамгина латифани келтириб айта олади. Бундай уриниш тингловчиларга ҳузур бағишлаш ўрнига саросималикка олиб келади.*

*Ҳикоя айтиш ўз ўрнида бўлиши керак, уни шунчаки баён этишнинг асло ҳожати йўқ. Мутойиба гўё тортнинг шакар-қиёми бўлсин, зинҳор тортнинг ўзи эмас... Ҳеч қачон кечирим сўраманг, бундай ёндашув, одатда, тингловчиларни ҳақорат қилиш билан тенг — уларнинг аччиғини чиқаради. Сиз нимани айтмоқчи бўлсангиз, айнан ана шуни назарда тутиб, гапиринг. Тезгина айтинг-у, дарров жойингизга ўтиринг.*

*4. Нотиқ қуйидаги усуллар билан тингловчиларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлади:*

*а) тингловчиларнинг қизиқувчанлигини ошириш (Диккенснинг "Рождество қўшиғи" китоби билан боғлиқ ҳодиса каби);*

*б) одамларга хос бўлган воқеа ичига олиб кириш билан (масалан, "Олмослар ўлчови" маърузасига монанд тарзда);*

*в) аниқ мисоллар келтириш орқали (мазкур китобнинг олтинчи бобининг кириш қисмини кўринг);*

*г) қандайдир буюмдан фойдаланиш (масалан, бўш ер участкаси олиш ҳуқуқини берувчи танга);*

*д) савол бериш йўли билан (масалан, "Сизлардан бирор киши шундай тангани пиёдалар йўлакчасида топиб олганми?")*

*е) ҳаяжонга соладиган қандайдир кўчирма билан бошлаш (Элберт Хаббард ташаббуснинг қиммати ҳақидаги маърузасида қўллагани каби);*

*ё) маъруза мавзуси тингловчиларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш (масалан, "... сизнинг умрингиз давомийлиги ҳозирги ёшингиз билан сақ-*

*сон ёш ўртасидаги вақтнинг учдан икки қисмига тўғри келади. Агар умрим узайсин, десангиз, доимий равишда тиббий кўрикдан ўтишингиз керак", деб баён қилинг ва ҳоказо);*

*ж) қизиқишни ошириб юборадиган далилларни келтиринг (масалан, "америкаликлар ҳозирги тараққий этган дунёда энг ашаддий жиноятчилар ҳисобланади");*

*5. Маърузангизни ўта расмий тусдан бошламанг. Сиз уни ҳаддан ортиқ эринмай пухта тайёрлаганингизни намоён этманг. У эмин-эркин, мўлжалдан ташқари, беғараз, табиий ҳолда кўринмоғи керак. Бунга фақат, "ҳозиргина рўй берди" ёки "ҳозиргина шу ҳақда гапирган эди", деб айтиш орқали эришиш мумкин (масалан, "Кеча мен тушган поезд бу ердан узоқ бўлмаган шаҳар орқали ўтди, шунда эсладим...").*

## *Тўққизинчи бўлим*
## МАЪРУЗАНИ ҚАНДАЙ ТУГАТИШ ЛОЗИМ

Сиз ўз нутқингизнинг қайси бўлимларида кўпроқ тажрибага эга ёки тажрибасиз эканлигингиз, маҳоратли ёки малакангиз кам эканлигини билишни истайсизми? Бу маърузангиз муқаддимаси ва хотимасида намоён бўлади. Театрда қадимий бир нақл бор, тўғри, у асосан актёрларга тегишли; ушбу нақл тахминан шундай: *"Уларнинг саҳнага қандай кириб келиши ва қандай қилиб чиқиб кетишига қараб, маҳоратига баҳо бериш мумкин".*

Бошланиши ва охири! Улар ҳар қандай фаолият турида энг оғири ҳисобланади. Жамоат фаолиятида ҳам шинам тарзда пайдо бўлиш ва саҳнадан ниҳоят пўрим ҳолда чиқиб кетиш қийинчилик туғдирмайдими, ахир? Иш юзасидан кечадиган суҳбатда ҳам унинг бош қисмига кириш ва энг охирида муваффақият қозониш энг машаққатли вазифа эмасми?

Маърузани якунига етказиш, дарҳақиқат, нутқнинг стратегик нуқтаи назардан энг муҳим қисми ҳисобланади. Нотиқ хотимада нима деса, қандай сўзласа, ана шулар тингловчилар қулоғига жаранглашда давом этаверади, воиз нутқини

тугатганидан сўнг ҳам уни анча эслаб турадилар. Шу билан бирга янги нотиқлар бу фойдали омилнинг аҳамиятини деярли эътироф этмайдилар. Улар маърузасининг якуний қисми баъзан яхши нарсани қўмсаш тарзида поёнига етади.

Уларнинг муайян хатолари нималардан иборат? Келинг, айримларини кўриб чиқайлик ва тузатиш йўлларини излашга ҳаракат қилайлик.

Биринчидан, шундай нотиқлар борки, улар ўз нутқларини қуйидагича якунлайдилар: *"Мана, бу масала буйича мен тахминан шуларни айтмоқчи эдим. Шундай қилиб, мен шу ерда тугатаман"*. Бу якунлаш эмас. Бу хато. Бирдан кўринадики, нотиқ — шунчаки ишқибоз, холос. Унинг ёндашуви эса деярли кечирилмас хатодир. Айтмоқчи бўлган гапингиз фақат шундан иборат бўлса, у ҳолда нега ўша жойда тугатиб, жойингизга ўтира қолмадингиз? Буни гап-сўзсиз ҳам якунлаб қўя қолиш мумкин эди-ку! Ўтиринг, маърузангиз тугагани ҳақида хотиржам ва назокатли ҳолда хулоса айтишни тингловчиларга қолдириш керак.

Шундай нотиқлар ҳам бўладики, айтмоқчи бўлганларининг барини айтиб тугатадилар, аммо маърузани қандай якунлашни билмайдилар. Бир пайтлар Жош Биллингс ҳўкизнинг шохидан эмас, думидан маҳкам ушлашни тавсия қилган эди, чунки бундай ҳолда уни осон қўйиб юбориш мумкин. Ҳўкизни шохидан ушлаган нотиқ ундан қочмоқчи бўлади, аммо яшириниш учун қанчалик уринмасин, на деворни топа олади ва на дарахтни.

Охир-оқибатда айлана ичида гир айланаверади, такрорлайверади ва ўзи тўғрисида салбий таассурот қолдиради...

Бундан чиқиш йўли борми? Баъзан маърузанинг охирини олдиндан режалаштиришга тўғри келади, шундай эмасми? Сиз аллақачондан бери тингловчилар рўпарасида турган, асабларингиз таранг тортилган, барча фикр-ўйларингиз айтмоқчи бўлганларингизга қаратилган бўлса, ўз нутқингизни қандай якунлашни олдиндан ўйлашингиз ақл-идрокдан бўлармикан? Соғлом фикр айтадики, маърузангизнинг якунини олдиндан хотиржам вазиятда ва шошилмай тайёрланг.

Ҳатто Вебстер, Брайт, Гладстон каби энг машҳур нотиқлар, инглиз тилини жуда яхши ўзлаштирган кишилар бўлишларига қарамай, маърузаларининг хотима қисмини олдиндан ёзишни ва уни, ҳатто ёдлаб олишни муҳим, деб ҳисоблаган эдилар.

Агар янги нотиқ уларга эргашиб, ибрат олса, улар деярли бундан пушаймон бўлмайдилар. У ўз нутқини айнан қандай фикрлар билан якунлашни аниқ билмоғи керак. Нутқнинг якуний қисмини бир неча бор машқ қилмоғи, ҳар бир такрор асносида айнан бир хил сўзлардан фойдаланиш шарт эмас, аммо ўз фикрларини аниқ жумлаларда ифодалаши шарт.

Борди-ю, нотиққа тайёргарлик кўрмасдан нутқ сўзлашига тўғри келса, у ҳолда маърузани анча ўзлаштириш, қисқартириш талаб қилинади, токи тингловчиларнинг муносабатига мос келсин. Шунинг учун онгли равишда олдиндан икки ёки учта хотима нусхасини тайёрлаб қўйиш жоиз. Агар улардан бирортаси мос келмай қолса, бошқаси тўғри келиб қолар.

Айрим нотиқлар ўзларининг нутқларидаги хотима қисмигача кела олмайдилар. Улар қаердадир, сўзнинг ўртасида тез ва бир-бирига мос келмаган фикрларни айтишга ҳаракат қилишади, яъни худди ёнилғиси тугаган двигатель каби бир неча бор силкиниб тушишади ва охири тўлиқ равишда тўхтаб қолишади, авария. Албатта, уларга жуда пухта тайёргарлик ҳамда имкони борича жуда катта амалиёт керак — бакда бензин тўла бўлмоғи лозим.

Кўпгина янги нотиқлар ўз нутқларини шартта тўхтатадилар. Уларга ўз нутқларини поёнига етказишда равонлик ҳамда маҳорат етишмайди. Уларда ҳақиқий якун деярли йўқ, бирдан гапиришни тўхтатадилар. Бу эса жуда нохуш таассурот қолдиради ва тингловчилар амин бўладиларки, улар шунчаки ишқибозни эшитишибди. Дейлик, дўстингиз сиз билан суҳбат чоғида бирданига гапини тўхтатса, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, хонадан югуриб чиқиб кетса, нима деган бўлардингиз?

Ҳатто Линкольндай нотиқ ҳам ўзининг президентлик лавозимига ўтирган пайтдаги бошланғич нутқида ана шундай хатога йўл қўйганди. Бу маъруза энг оғир пайтда сўзланган

эди. Атрофда норозилик ҳамда нафратнинг қоп-қора булутлари пайдо бўлган ўшанда. Бир неча ҳафтадан сўнг мамлакатга қон оқими ва вайроналик бўрони ёпирилиб кирди. Линкольн якуний сўзлар билан жануб аҳолиси учун мўлжалланган нутқини қуйидаги усулда тугатмоқчи бўлган эди:

*"Фуқаролар уруши бўйича муҳим муаммоларни ҳал этиш менинг эмас, сизларнинг қўлингизда турибди, норози замондошларим! Ҳукумат сизларга асло ҳамла қилмайди. Агар сизнинг ўзингиз тажовузкор бўлиб қолмасангиз, бизда ҳеч қандай зиддият келиб чиқмайди. Сиз ҳукуматни йўқотиш учун осмонга қарата ҳеч қандай қасамёд қилганингиз йўқ, бу вақтда эса мен уни сақлаш ва ҳимоя қилиш учун энг тантанали қасамёд этдим. Сиз унга ҳамла қилишдан тийилишингиз мумкин. Мен эса уни ҳимоя қилишдан асло чекина олмайман, ахир. Менга эмас, муҳим масалани ҳал этиш, албатта, айнан сизга боғлиқ бўлиб қолган. Тинчлик бўладими ёки қилич!"*

Линкольн бу нутқини ўзининг вазири Сьюардга кўрсатади. У холисона тарзда якунловчи сўз ҳалдан зиёд кескин, дангал ва тегиб кетадиган даражада эканини таъкидлади. Сьюарднинг ўзи маърузанинг охирини ўзгартиришга уринди; аслида у икки хил маъруза ёзди. Линкольн улардан бирини маъқуллади ва айрим ўзгартиришлар билан охирги уч жумла ўрнида фойдаланди, уларни аввалроқ тайёрлаган эди. Натижада унинг президентлик вазифасига киришгандаги биринчи нутқи ўзининг бирор кескин ножўя иш қилишга ундаш руҳини йўқотди ва ўзаро дўстлик, ҳақиқий гўзаллик ва шоирона нафосат касб этди:

*"Мен ўз нутқимни истар-истамас тугатяпман. Биз душманлар эмас, дўстлармиз. Биз душман бўлмаслигимиз керак. Ҳар бир жанг майдонидан келадиган ва ҳар бир қаҳрамон қабридан қалбимизга келиб уриладиган хотиранинг мўжизавий торлари бизнинг қучоққа сиғмас кенг заминимизнинг ҳар бир гўшасига иттифоқ хорига жўр бўлиб туради ва уларни яна бир чертсак, бу табиатимизнинг илоҳий ибтидоси туфайли рўй беради".*

Янги нотиқ ўзида ўз нутқини тўғри тугаллаш зарурятини қай тарзда тасаввур қилади? Гайриихтиёрий қонун-қоидалар ёрдамидами?

Йўқ. Бу ҳам худди маданият каби ниҳоятда нозик иш. Бу деярли олтинчи сезги, ички ҳиссиёт каби рўй бериши керак. Агар нотиқ ўзининг нутқи қачон уйғун ва моҳирона равишда якун топишини ҳис этмаса, бунга эришмоққа қандай муваффақ бўлади?

Шу билан бирга мазкур туйғуни ўзида ривожлантириш ва машҳур нотиқлар қўллаган усулларни ўрганиб, буни бажариш мумкин. Мана, масалан, Торонтода Империя клубида Уэльс шаҳзодаси маърузасининг якуний қисми:

*"Мен, жаноблар, хавфсираб турибман, чунки ўзимни тута олмай, ўзим тўғримда жуда кўп гапириб юбордим. Сизларга шуни айтмоқчиманки, бу кўп сонли тингловчилар ҳузурида мен Канадада сўзга чиқиш шарафига муяссар бўлдимки, ўзимдаги аҳвол ҳамда юклатилган шунча масъулият шулар билан чамбарчас боғланган. Мен фақат сизларни ишонтириб айтаманки, ҳамиша шу улкан масъулиятга содиқ бўлиш ва ишончингизни қозонишга ҳаракат қиламан".*

Бу маърузани, ҳатто сўқир киши эшитганида ҳам хотима эканлигини ҳис этарди. У мисоли ҳавода боғланмаган арқон эмас, яъни якунланмай қолмаган. У якунланган эди.

Машҳур Гарри Эмерсон Фосдик миллатлар иттифоқи VI ассамблеясининг очилишидан сўнг якшанба куни Женевадаги авлиё Пётр ибодатхонасида сўзга чиққан эди. Ўзи учун мавзуни *"Қўлига қилич олганлар шу қиличдан ҳалок бўлғусидир"*, деб белгилади. Эътибор беринг, у ўзининг маърузасини нақадар нафис, тантанавор ва шиддатли равишда якунлаган:

*"Биз Исо Масиҳ ва урушни асло муросага келтира олмаймиз, асосий моҳият ана шунда. Бу муаммо айнан бугун насронийлар виждонини ҳаяжонга солиши керак. Уруш энг мудҳиш ва вайроналик келтирувчи ижтимоий гуноҳ ҳисобланади, у бутунлай ва тўла-тўкис насронийликка зид; ўзининг усуллари ҳамда оқибатлари билан Исо нимани рад этган бўлса, барини ўзида жамлаган ва у кўзда тутган нарсаларни англатиши асло мумкин эмас; у худо ва инсон ҳақидаги насронийликнинг ҳар қандай таълимотини ҳаддан зиёд қатъият билан рад этувчидир; даҳрий — назоратчилар ер юзида ундан ортиқ нимани ҳам ўйлаб топганлар? Агар насроний черкови ушбу буюк ахлоқий муам-*

*монинг ечимини ўз зиммасига олганида, хўп савоб иш бўлур эди; ва яна янгитдан, ота-боболаримиз давридаги каби ҳозирги замон бутпарастликка қарши курашишнинг энг қулай усулини ишлаб чиққанида нур устига аъло нур бўлур эди ва урушаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлашдан воз кечиш керак эди, миллатчилик устидан ҳукмини ўрнатиш ва дунёни тинчликка ундашдан иборат бўлур эди. Бу эса ватанпарварликни инкор қилиш эмас, аксинча, уни улуғлашдан иборат.*

*Бугун бу ерда, мана шундай юксак ҳамда меҳмондўст гўша остида, мен, америкалик бўла туриб, ўз ҳукуматим номидан гапира олмайман, аммо америкалик ва насроний сифатида миллионлаб ўз миллатдош фуқароларим номидан сизларга улуғ ишларингизга муносиб муваффақият тилайман. Биз нега, нима учун ибодат қилаётганимизни жуда яхши биламиз, унга иштирок эта олмаганимиз учун чуқур афсусдамиз. Бу мақсадни қўлга киритиш учун жуда кўп воситаларни ишга солганмиз. Дунё учун тинчлик керак. Ҳеч қачон курашга арзийдиган ана шундай юксак мақсад бўлган эмас. Унга қарама-қарши энг мудҳиш фалокат инсоният олдида ҳозирга қадар рўбарў келмаган эди.*

*Бутун олам тортишиш қонунига кўра, жисмоний салтанатда, худонинг қонунлари маънавий дунёда ҳеч бир одамни, ҳеч бир халқни "қўлига қамчи олганлар, шу қамчидан ҳалок бўлғусидир", деган қонундан мустасно эмасдир".*

Шу билан бирга маърузаларнинг бундай якуни улуғвор оҳангдан, орган овозига ўхшаган нағмадан маҳрум бўлганида, тўлиқ бўлмас эди. У Линкольннинг президент вазифасига иккинчи марта киришганида, сўзлаган нутқининг охирги қисмини ифодалайди. Оксфорд университетининг фахрий ректори, марҳум граф Кердон Кеддлстон айтган эдики, ушбу маъруза *"инсоният хазинаси ва шон-шарафини кўпайтиради, у нотиқлик санъатининг яп-янги олтини ҳисобланади, бунинг устига деярли илоҳий назокатдан иборатдир".*

*"Биз меҳр-муҳаббат ила умид қиламиз ва қизғин тоат-ибодат қиламизки, токи бу уруш даҳшатлари мумкин қадар тезроқ тугасин. Агар худога икки юз эллик йил машаққатли меҳнат туфайли қўлга киритилган барча бойликлар ер*

*билан яксон бўлиши, ҳар қамчи зарбидан сачраган ҳар бир томчи қон учун қамчи зарбидан тушган қон билан товон тўлаш, буларнинг бари худога хуш келиши, токи у давом этсин, дейилгудек бўлса, у ҳолда уч минг йил муқаддам айтилганидек, биз "худонинг амри-фармони тўғри ва ҳаққоний" деб айта олишимиз мумкин".*

*Ҳеч кимга ўзининг ғазабини сочмай, барчага марҳамат кўрсатиш билан бу ҳаққоний ишда қатъийликни намоён этиб, мурожаат этган ҳолда, парвардигори олам бу ҳақиқатни кўриш имкониятини бизга бахш этган кунда, келинглар, олдимизда турган мазкур вазифани адо этишга киришайлик: мамлакат жароҳатларига малҳам қўяйлик, ким урушда азоб тортган ва йиқилган бўлса, бева ва етим қолганларга — ҳамма ишни, ҳаққоний ва мустаҳкам тинчликни орамизга, шунингдек, барча халқлар орасида мустаҳкамлаш учун ҳаммасини амалга оширайлик".*

Сиз ҳозиргина ўқиб чиққанингиз, менинг фикримча, қачонлардир банданинг оғзидан учган энг ажойиб маърузанинг хотимасидир... Фикримга қўшиласизми? Сиз яна қандай нутқларда худди шундай юксак инсонийлик, сидқидилдан юксак меҳр-муҳаббат ва юксак ҳамдардликни учратган эдингиз?

*"Гарчи Геттисбергдаги нутқ жуда мардонавор бўлсада*, — деган эди Уильям Э.Бартон ўзининг "Авраам Линкольн ҳаёти" номли китобида, — *бу маъруза янада баландроқ мардонаворлик мақомига эга... У Авраам Линкольннинг энг машҳур нутқларидан бири ҳисобланади ва унинг ниҳоятда юксак ақл-заковатга ҳамда маънавий куч-қудратга эга бўлган даражасини ифодалайди".*

*"У бамисоли муқаддас достонга ўхшар эди*, — деб ёзган эди Карл Шурц. — *Бирорта америкалик президент ўз халқига айнан шундай сўзларни ҳеч қачон айтган эмас. Америкада ҳеч қачон бундай сўзларни юрагининг туб-тубида сақлаган бирорта ҳам президент йўқ эди".*

Эҳтимол, сиз президентнинг Вашингтондаги ёки бош вазирнинг Оттава ва Канберрадаги нутқларига ўхшаб абадий нутқлар сўзламассиз, бунга уриниб ҳам кўрмассиз. Сизнинг олдингизда ижтимоий фаолият билан машғул бир гуруҳ одамлар қаршисида оддий маърузани қай тариқа якунлаш

муаммоси туради. Буни қандай амалга оширасиз? Келинг, озгина ўйлаб кўрайлик. Келинг, айрим фойдали фикрларни ишлаб чиқайлик.

## Маърузангизнинг асосий мазмунини хулосаланг

Ҳатто энг қисқа — уч ёки беш дақиқа давом этадиган маърузада ҳам нотиқ шунчалик кўп масалаларни тиқиштириб ташлаши мумкинки, якунида тингловчилар унинг нутқидаги асосий мазмунни кўз олдиларига аниқ-тиниқ келтира олмайдилар. Камдан-кам нотиқ буни англайди. Нутқдаги асосий ўринлар ҳақида, *мендаги тўлиқ таассурот шу ҳолича ҳам тингловчиларга тушунарли бўлади*, деб ўйлайди. Бекор гап. Нотиқ ўз ғоялари устида муайян вақт мобайнида фикр юритган, буларнинг бари тингловчилар учун янгича тус олади, улар тингловчилар учун мисоли сочма ўқнинг зарралари. Айримлари уларга тегиб кетиши мумкин, аммо кўп "ўқ"лар ёнидан ўтиб кетади. Тингловчилар Яго *(Кассио)*га ўхшаб *"кўп нарсани эслашади, аммо бирортаси ҳам аниқ эмас"*.

Ирландиялик бир сиёсий арбоб, айтишларича, маърузалар муносабати билан шундай маслаҳат берган: *"Даставвал оммага нима демоқчи эканлигингизни айтинг, кейин гапириб беринг, шундан сўнг эса ҳамма гапирганларингизни айтиб беринг"*. Буни, албатта, қисқа, тез, яъни айтилмоқчи бўлганларни шарҳлаш тарзида ёки хулосалаб баён этиш керак.

Мана, яхши мисол. Чикаго темир йўллар тизимидаги раҳбар ходимлардан бири нотиқ эди.

*"Қисқача айтганда, жаноблар, бизнинг блоклаштирувчи қурилмадан фойдаланишга доир шахсий тажрибамиз, унинг шарқ, ғарб ва шимолда қўллашга доир тажрибамиз, уни ҳаракатга келтиришнинг оқилона тамойиллари (улар бир йил давомида ҳалокатларнинг олдини олиш туфайли иқтисод қилинган эди) — буларнинг бари менга уни бизнинг жанубий бўлимга жуда жиддий ва қатъий тарзда зудлик билан татбиқ қилиш учун тавсия этиш имкониятини беради"*.

Пайқадингизми, бу нотиқ нима қилди? Сиз нутқининг қолган қисмини эшитмасдан туриб, буни кўришингиз ва

ҳис этишингиз мумкин. У бир нечта жумлада, эллик бешта сўздан фойдаланиб, аслида нутқида фойдаланган барча асосий қоидаларни баён этди.

Наҳотки, сизга худди шундай хулосалар ёрдам бермайди? Агар ёрдам берса, бу усул билан қуролланиб олинг.

### Ҳаракатга даъват қилиш

Ҳозиргини шарҳлаб берилган якуний сўз ҳаракатга даъват этувчи маърузанинг ажойиб ибратли хотимаси ҳисобланади. Нотиқ нимадир бажарилганини истади: блокировка қилинадиган қурилмани темир йўлининг жанубий бўлимида ўрнатиш лозим. У ўзининг чақириқларини буни иқтисод қилинадиган воситалар ёрдамида асослади.

Нотиқ ҳаракатни талаб қилди ва бунга эришди. Бу ўқув маърузаси эмасди. У темир йўл компанияси директорлари кенгашида эшитилди ва нимагаки чақирган бўлса, ўша ҳал этилди, яъни блокировка қилинадиган қурилма таъминланди.

### Қисқача чин юракдан лутф кўрсатиш

*"Буюк Пенсильвания штати янги даврлар келишини тезлаштириш учун ҳаракатга бошчилик қилмоғи керак. Темир ва пўлатнинг буюк ишлаб чиқарувчиси, ҳудудидан дунёдаги энг йирик темир йўл компанияси ўтувчи ва бизнинг қишлоқ хўжалик штатлари орасида учинчи ўринни эгаллаган мазкур штат савдомиз асосини ташкил этади. Бу штат олдида ҳеч қачон шундай буюк истиқболлар авж олмаган, раҳбарлик ролини ижро этиш учун ҳеч қачон шундай имкониятлар ярқ этиб кўзга ташланмаган эди".*

Чарлз Шваб Нью-Йоркдаги "Пенсильвания" жамиятида ўзининг маърузасини ана шундай сўзлар билан тугатди. Унинг тингловчилари ўзларини мамнун, бахтли ва кўтаринки кайфиятда ҳис этдилар. Маърузани бундай ижобий баҳода якунлаш усули жуда ибратли, самарали аҳамият касб этиши учун у сидқидилдан ўқилиши керак. Ҳеч қандай қўпол мақтов, ғайриоддийлик бўлмасин. Агар маъруза хотимасида самимийлик жо бўлмаса, бундай хотима сохта, ниҳоятда

сохта кўринади. Одамлар уни мисоли қалбаки танга каби қабул қилишни истамайдилар.

## Мутойибага йўғрилган хотима

Жорж Коуэн шундай деган эди: *"Сиз тингловчилар билан хайрлашаётганда, уларни кулгига ғарқ этиб қолдиринг"*. Агар сизда шундай қилиш қобилияти ва зарурий маълумот бўлса, янаям яхши. Аммо уни қандай уддалаш керак? Ҳамлет айтганидек, мана, масала қаерда? Ҳар бир инсон ўз йўлидан кетмоғи лозим.

Ллойд Жорж услубий черков ходимларини кулдирган ҳолда тарк этганига ишониш қийин, ахир у Жон Уэсли сағанаси муносабати билан ҳаддан ташқари тантанали маросимда нутқ ирод қилган эди. Шу билан бирга у қандай ақл билан иш тутгани ҳамда қандай силлиқлик ва назокат билан ўз маърузасини поёнига етказганига эътибор беринг.

*"Сизлар унинг сағанасини таъмирлаш учун қўлларингизни шимарган экансиз, мен жуда мамнунман. Буни фақат қутлаш керак. У шундай инсон эдики, пала-партишликдан алоҳида равишда кўнгли айнир, тозалик-озодалик бўлмаса, чидай олмасди. Менимча, мана бу сўзларни у айтган: "Ҳеч ким ҳеч қачон увадаси чиққан услубчини асло кўрмасин". Сиз Жон Уэсли туфайли шундай кишини асло кўрганингиз йўқ (кулги). Унинг қабрини нотоза ҳолда қолдириш икки карра ноинсофлик бўлур эди. Эсингиздами, Дербиширда у чиққан эшик яқинига келган қизга нима деган эди? Қиз: "Худо сизни ўз паноҳида асрасин, жаноб Уэсли," деб қичқирган эди. У эса шундай деб жавоб берганди: "Эй, аёл, агар сенинг юзинг ва кўйлагинг топ-тоза бўлсайди, худонинг ўз паноҳида асраши ғоят қимматли бўлур эди" (кулги). Унинг иркитликка муносабати ана шундай эди. Жон Уэслининг қабрини асло қаровсиз қолдирманг. Агар у шундай бўлганини билса борми, бошқа кўнгилсизликлардан кўра кўпроқ ранжиган бўлур эди. Унга ғамхўрлик қилишни асло канда қилманг. Бу унутилмас ва муқаддас сағанадир. У сизнинг зиммангиздадир" (қарсаклар).*

## Шеърий сатрли хотималар

Маърузани муваффақиятли тарзда якунлашнинг бирор тури мутойиба билан тугатишга тенг келолмайди, аммо улар жойида ўринли қўлланилмоғи керак. Аслида агар маърузангизнинг хотима қисмига мос келувчи шеърий сатрларни топа олсангиз, ғоятда ибратли иш бўларди. Бу ҳолат маърузага истаганча тароват, хушбахтлик, ўзига хослик, гўзаллик бағишлайди.

Сэр Ҳарри Лодер "Ротари" клубида, Эдинбургдаги съездда делегатлар ҳузурида ўзининг маърузасини шундай тарзда якунлади:

*"Сиз уйга қайтган пайтда, майли, айримларингиз менга почта открыткалари жўнатсин. Агар сиз буни қилмасангиз, майли, мен бундай табрик қоғозларини юборай. Сиз уларни мен юборганимни дарров пайқайсиз, чунки уларда марка бўлмайди-да (кулги). Аммо мен унга ниманидир ёзаман, мана у ерда ёзилгани:*

*Йил фасллари келар ва кетар,*
*Биласизки, бари сўлар ўзин вақтида.*
*Аммо бир нарса бор, гуллар ва яшнар,*
*Бўй чўзади майса мисоли.*
*Бу севгидир, кўнгил розидир,*
*Буни сизга тилайман мудом".*

Ушбу мўъжазгина шеър тўла-тўкис Ҳарри Лодер шахсиятига мос келиб, унинг маърузаси тузилишига бутунлай ҳамоҳангдир. Мазкур ҳолатда эса бунинг бари ғоят гўзал намоён бўлади. Борди-ю, қандайдир бошқа расмий ва совуққон "Ротари" клубининг ходими ушбу шеърни ўзининг тантанали маърузаси охирида айтганида борми, у шунчалик ғайритабиийлик бахш этардики, фақат кулиш мумкин эди. Мен оммавий маъруза санъати бўйича сабоқ берар эканман, шуни равшан тушуниб ва жонли равишда англайманки, ҳаётдаги барча ҳолатларга тўғри келадиган умумий қоидаларни бериш мумкин эмас. Ахир муҳокама этиладиган мавзу, вақт ҳамда воқеа ўрни, шунингдек, инсоннинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ-да. Ҳар

бир киши авлиё Павел айтганидек, ўзини қутқариш пайида бўлади.

Мен эркин касбда хизмат қилувчи қандайдир бир кишининг Нью-Йоркдан жўнаб кетиш муносабати билан уюштирилган хайрлашув зиёфатида меҳмон сифатида иштирок этдим. Нотиқлар бирин-кетин унинг шарафига янги-янги ютуқлар тилаб, нутқ ирод этдилар.

Бир олам сўзга чиқишлар бўлди, аммо шулардан фақат биттаси эсдан чиқмайдиган тарзда поёнига етди. Бу айнан шеър билан поёнига етган маъруза эди. Сўзга чиққан киши жўнаб кетаётган кишига ҳис-туйғуга тўлиб-тошиб ҳайқирди:

*"Мана, энди кўришгунча хайр, муваффақиятлар тилайман, мен ўзимга нимани тиламоқчи бўлсам, шуларнинг барини сенга тилаб қоламан!*

*Шарқ қавмидай қўлим қўйдим юрак устига,*
*Оллоҳ меҳри дунёси сенга бўлсин бахшида.*
*Қайга кетсанг, қайдан келсанг ҳамиша,*
*Оллоҳ дарахтлари гуллаб-кўкариб турсин.*
*Тер тўксанг ҳам оромда бўлсанг агар,*
*Оллоҳнинг марҳамати бошда бўлсин соябон,*
*Раббим назари мудом бошинг турсин силаб.*
*Шарқ қавмидай қўлим қўйдим юрак устига,*
*Оллоҳ дунёси доим сен ила бўлсин бирга".*

Бруклинлик "Л.А.Д.моторс" корпорациясининг вице-президенти Ж.А.Эбботт ўз ташкилоти ходимлари ҳузурида садоқат ва ҳамкорлик тўғрисида чиқиш қилди. У маърузасини Киплинг қаламига мансуб "Чангалзорнинг иккинчи китоби"даги жарангдор мисралар билан поёнига етказди:

*Мана, чангалзор урфи — у фалакдек собитдир,*
*Бўри яшайди, уни қандай боқишар,*
*Удумни бузган бўри ўлим топади шу он,*
*Лиана каби Қонун чирмаб олар барини,*
*Тўданинг кучи шуки, у бўри-ла яшайди,*
*Бўри кучи тўда-да, ахир.*

Агар сиз ўз шаҳрингиз кутубхонасига бориб, кутубхоначига фалон-фалон мавзуда маъруза тайёрлаяпман, деб айтсангиз-у, у ёки бу ғояни ифодалаш учун шеърий кўчирма олишни хоҳласангиз, эҳтимол сизга қандайдир маълумотномада Бартлеттнинг "Таниш кўчирмалар"ига ўхшаш мос келадиган ниманидир топишга ёрдам берар.

## Инжилдан олинган кўчирманинг кучи

Агар сиз нутқингизга Муқаддас Китобдан кўчирма келтирмоқчи бўлсангиз, омадим келди, деяверинг. Инжилдаги мос келадиган кўчирмалар кўпинча жуда кучли таъсирга эга. Таниқли молиячи Фрэнк Вандерлип бу усулдан ўзининг маърузаларини якунлашда фойдаланган. Ушбу нутқ Қўшма Штатларга тўлаши лозим бўлган қарздорларга бағишланган эди:

*"Агар биз ўз талабларимизни бажариш учун сизларни айнан қистовга олсак, балки у бажарилмасдан қолиши мумкин. Агар бунда ўзимизнинг худбинлик талабларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда биз пулга эмас, балки нафратга сазовор бўлур эдик.*

*Агар бағрикенглик қилсак, ҳа, донишмандларча бағрикенг бўлсак, у ҳолда қарзлар бизга тўланиши мумкин, бу хушнудлик билан бўлур эди, бу билан биз моддий жиҳатга эга бўлар эдикки, у бизнинг ажралишимиз учун ҳеч нарсага тенг бўлмасди. "Кимки, ўз ҳаётини қутқармоқ истагида экан, уни йўқотади, кимки мен учун ва муқаддас китоб учун ўз ҳаётини йўқотар экан, у ҳаётини қутқариб қолур".*

## Авж нуқтаси

Авж нуқта маърузани якунлашда энг оммавий усуллардан бири ҳисобланади. Кўпинча, уни амалга ошириш қийин кечади ва у кўпчилик нотиқлар учун ана шунинг учун мос келмайдиган якунлар сирасига киради. Аммо у жуда яхши бажарилган бўлса, у ҳолда ажойиб таассурот қолдиради. У тобора чўққини эгаллайди, ҳар бир гап, жумладан сўнг тобора кучлироқ бўла боради. Филадельфияда сўзланган нутқнинг хотимаси авж нуқтага оид жуда яхши мисол бўла

олади, у мукофотга сазовор бўлганди. Ушбу хотима китобнинг учинчи бобида келтирилган эди.

Ниагара шаршараси

Линкольн Ниагара шаршараси тўғрисида маъруза тайёрлашда авж нуқтадан унумли фойдаланган эди. Эътибор беринг, ҳар бир таққослаш кейингисига қараганда кучлироқ таъсирга, юқори даражали самарага эга, Ниагаранинг ёши Колумб, Исо, Мусо, Одам ва ҳоказо-ҳоказо даври билан муқояса қилинади.

*"Бу хотирада ардоқсиз ўтмишни уйғотади. Колумб бир замонлар бизнинг қитъани излаганида, Исо Масиҳ хочга чорчўп қилинганида, Мусо Исроил қавмини Қизил денгиздан олиб ўтганида, бунинг устига ҳатто Одам Яратганнинг қўли билан бунёд бўлганида, ўша пайтда ҳам ҳозиргидек Ниагара шаршараси шовиллаб турар эди. Мозийга қадар суяги ўтган улканларнинг Америка тепаликларини тўлдирган кўзи биз ҳозир қандай тикилган бўлсак, айнан шундай термилиб турган, одамзоднинг биринчи қабиласига ва ундан кейин катта авлодга қандай замондош бўлган бўлса, Ниагара бундан ўн минг йиллар аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай кучли, шундай навқирондир. Аллақачон ўлиб кетган, фақат баҳайбат қолдиқлари уларнинг дарҳақиқат яшаб ўтганлигини тасдиқлаб турган мамонтлар ва филсимон ҳайвонлар ҳам Ниагарага термилиб турган. Шу йиллар мобайнида у бирор сония ҳам тўхтагани йўқ, оқими ҳеч қачон тинмаган, ҳеч қачон музламаган, бирор лаҳза тинмаган, ҳеч қачон ором билмаган".*

Уэнделл Филлипс ўзининг Туссен-Лувертюредаги маърузасида худди шу усулни қўллаган эди. Қуйида унинг маърузаси хотимаси келтирилади. Бу парча омма олдида сўзланадиган маърузаларда кўпинча тилга олинади. Унда куч-қудрат ва ҳаётий куч ҳис этилади.

Гарчи у бизнинг амалий асримиз учун тумтароқ, дабдабали кўринса-да, жуда қизиқарлидир. Бу нуқта бундан эл-

лик йил муқаддам ёзилган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, Уэнделл Филиппс ўзининг кароматларида Жон Браун ва Туссен-Лувертюрнинг "Эллик йил ўтгач, сўз ҳақиқатга айланади", деган тарихий аҳамиятини англаганида ҳақ эмас эди. Кўринадики, тарих ғилдираги айланишини биржадаги нархнинг келгуси йилдаги баҳоси ёки чўчқа ёғининг таннархини олдиндан айтиш каби каромат қилиш жуда қийин.

*"Мен уни Наполеон деб атаган бўлур эдим, аммо Наполеон қасамларни бузиб, дарё-дарё қонлар оқизиб, ўз империясини яратди. Бу инсон ҳеч қачон ўз сўзига хиёнат қилган эмас. "Ҳеч қандай ўч олмаслик" унинг буюк шиори ва ҳаётий тамойили эди. Мана унинг Францияда ўғлига айтган охирги сўзлари: "Ўғлим, сен қачонлардир Санто-Домингога қайтиб келарсан, Франция отангни ўлдирганини унутгин". Мен уни Кромвел деб атаган бўлардим, аммо Кромвел фақат аскар эди, у асос солган давлат ҳам у билан бирга қабрга кирди. Мен уни Вашингтон деб атаган бўлардим, аммо буюк виргилиялик қулларга эга эди. Бу одам ўз империяси билан таваккал иш қилар, аммо ўзининг қарамоғидаги энг хилват қишлоқларда қуллар савдосига рухсат бермасди.*

*Сиз бугун мени хаёлпараст деб ҳисоблашингиз мумкин, аммо тарихни кўзларингиз орқали эмас, балки хурофотлар билан ўқидингиз. Орадан эллик йил ўтиб, ҳақиқат сўз олгач, тарих илҳом париси Юнонистон учун Фокион, Рим учун Брут, Англия учун Хемпден, Франция учун Лафайет номларини битганида, Вашингтонни илк тамаддунимизнинг ёрқин ва камолга етган гули деб танлаган бўлса, Жон Браунни бизнинг пешин вақтимизнинг етилган меваси, сўнг ўзининг патқаламини қуёшли нурга ботириб, у аскар, давлат арбоби ва жафокаш Туссен-Лувертюр номини уларнинг бари номидан баландда мовий ҳарфлар билан ёзар эди".*

## Вақт тамом бўлганда

Изланинг, тадқиқ этинг, яхши хотима ва ажойиб кириш қисми топгунга қадар тажриба ўтказинг. Сўнг уларнинг барини битта жойга бирлаштиринг.

Ўз маърузасини қисқартирмаган, бизнинг шошқалоқ ва илдам асримиз кайфиятига мослашишни билмаган нотиқ

тингловчилар томонидан завқ билан қабул қилинмайди, айрим ҳолларда эса шунчаки салбий тарзда қарши олинади.

Бошқа эмас, айнан авлиё Савл, у Тарс деган манзилдан эди, қуйидагича гуноҳга ботганди: ваъз ўқиётганида, тингловчилардан бири, Евтих номли ўсмир ухлаб қолиб, деразадан учиб кетади ва сал бўлмаса, бўйни синай дейди. Шунда ҳам Савл ўзининг ваъз айтишини тўхтатмайди. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Эсимда, бир нотиқ, шифокор Бруклинда университет клубида маъруза ўқиган эди. Зиёфат узоқ давом этаётганди. Жуда кўп нотиқлар сўзлаган эди. Унинг навбати келганида, тунги соат икки эди. Агар бу нотиқ одоб, назокат ва масъулият туйғусидан бохабар инсон бўлганида, олтитагина сўз айтиб, уйга кетишимизга имкон берарди. Хўш, шундай қилдими? Йўқ, бундай қилиш у ёқда турсин, қирқ беш дақиқалик баландпарвоз гапларини роса ўраб-чирмади. У ўз нутқининг ярмини ҳам айтиб улгуролмади, тингловчилар уни худди Евтихга ўхшатиб, деразадан улоқтирмоқчи, шу билан овозини ўчириш учун у ер-бу ерини синдиришни хоҳлаб қолдилар.

Жаноб Лоример, "Сатердей Ивнинг пост" журнали бўлғуси муҳаррирининг менга ҳикоя қилишига кўра, у журналда мақолалар сериясини улар оммавийликнинг чўққисига чиққанда ва журналхонлар давомини талаб қилишганида, босиб чиқаришни тўхтатиб қўяр экан. Айни шу дамда нега тўхтаб қолиш керак экан? Нега бундай қилинади? *"Шунинг учунки*, — дейди Лоример, — *оммавийлик чўққисига, авж нуқтасига чиққандан кейин кўп ўтмай одамлар дарров безиб, жонга тегиш бошланади"*.

Бу доно фикр омма олдида сўзланадиган маърузаларга ҳам тўлиқ равишда тааллуқлидир. Тингловчилар ўта чанқоқлик билан маърузани давом эттиришни хоҳлаган пайтда гапиришни тўхтатинг.

Авраам Линкольн

Исо Масиҳнинг буюк Нагорний ваъзини бор-йўғи беш дақиқа давомида такрорлаш мумкин. Линкольннинг Геттисбергдаги маърузаси ўнта фикрдан иборат эди, холос. Дунё яратилишининг бутун тарихини Маиший

Китобдан қисқа вақт ичида, яъни эрталабки газеталардан қотиллик тўғрисидаги ҳикояни ўқиш даврида мутолаа қилиш мумкин... Қисқаликка интилинг, қисқаликка!

Ньяси архиепископи доктор Жонсон Африкадаги ибтидоий одамлар ҳақида китоб ёзган. У қирқ беш йил давомида улар орасида яшаб, уларни кузатган эди. Доктор Жонсоннинг ёзишича, агар нотиқ гвангвана деган деҳқонлар йиғинида узундан-узоқ гапириб юборса, тингловчилар "иметоша" деб уни жим бўлишга мажбур қилишар экан. "Иметоша" "бас қил" маъносини билдираркан. Ҳикоя қилишларича, бир қабила аҳолиси нотиққа бир оёқда туриб гапиришга рухсат беришар экан. Агар кўтариб турган оёғининг катта бармоғи ерга тегиб кетса, нотиқ гапини тўхтатиши керак бўлган.

Одатдаги тингловчилар, гарчи улар жуда хушмуомала ва вазмин бўлсалар-да, шу даражада узундан-узоқ нутқларни асло яхши кўришмайди.

Шундай қилиб, улар тақдирин эсланг.

Биламан, бу ҳақда дарров унутасиз.

Қандай сўзлашни улардан ўрганинг.

## Қисқа хулосалар

*1. Нутқнинг якунловчи қисми унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тингловчилар айниқса, энг охирида айтилган фикрларни ҳаммадан кўпроқ эслаб қоладилар.*

*2. Ўз маърузангизни, "Сизларга айтмоқчи бўлган фикрларим тахминан ана шулардан иборат эди. Мана энди сўзимни тугатаман", деманг. Тамомланг, аммо тамомлаганингизни асло айтманг.*

*3. Нутқингизнинг хотима қисмини пухта тайёрланг, худди Вебстер, Брайт, Гладстон каби тутинг. Машқ қилинг. Маърузангиз интиҳосини қандай тугатмоқчи эканлигингизни ҳатто сўзма-сўз билиб олинг. Ўз нутқингизни силлиқ тугатинг. Уни чала, якунланмаган, тарқоқ, титилган ҳолда асло қолдирманг.*

*4. Мана, хотиманинг етти усули:*

*а) хулосалаш, яна такрорлаш, асосий маърузада тилга олинган мазмунни қисқача баён этиш;*

*б) ҳаракатга чақириқ;*

*в) тингловчиларга мос келадиган лутф ишлатиш;*

*г) кулги қўзғаш;*

*д) мос келувчи шеърий кўчирмалар келтириш;*

*е) Муқаддас Китобдан кўчирмалар келтириб фойдаланиш;*

*ж) авж нуқта ҳосил қилиш.*

*5. Маърузанинг бошланиши ва якуний қисмини таъсирли тайёрланг. Шундай қилингки, улар бир-бири билан узвий боғланиб кетсин. Маърузангизни ҳар доим тингловчилар истаган муддатдан олдин тўхтатинг. Эсингизда бўлсин: "Оммавийлик чўққисига чиққандан сўнг дарров безиш, жонга тегиш бошланади".*

*Ўнинчи бўлим*

## МАЪРУЗАНГИЗ МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АНИҚ, РАВШАН ИФОДАЛАШ МУМКИН

Биринчи жаҳон уруши даврида машҳур инглиз руҳонийси Кемп-Аптонда саводсиз аскарлар ҳузурида маъруза ўқиганди. Уларни окоплар томон жўнатиш керак эди. Бу аскарлар орасида жуда озчилик киши нима учун урушга юбораётганлари ҳақида тасаввурга эга эди. Мен бу ҳақда ўзларидан сўраб, билиб олдим. Руҳоний лордлар палатаси аъзоси бўлиб, урушга юборилаётганларга "байналмилал дўстлик" ва "Сербиянинг қуёш остидаги жойга ҳуқуқи борлиги" ҳақида ваъзхонлик қилиб, уқдиришга ҳаракат қилди. Қаёқда дейсиз! Уларнинг ярми Сербия ҳақида ҳеч нарсани билмасди: бу шаҳарми ёки касалликми? Унинг нутқи самараси ҳақида шуни айтиши керакки, бундай баландпарвоз мақтовлардан иборат нутқ сўзлаб, арши аълодаги космогоник назария хусусида ана шундай муваффақиятга эришиш мумкин эди. Боз устига бирортаям аскар зални тарк этмади: унинг маърузаси давомида ҳарбий полициячилар тўппончалар билан қуролланиб, ҳар бир эшик олдида турганича бирор кишининг чиқиб кетишига қўймадилар.

Мен бу руҳонийнинг қобилиятини асло камситмоқчи эмасман. Ўқимишли кишилар олдида сўзга чиққанида, у

яхши нотиқ сифатида намоён бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо аскарлар ҳузурида у муваффақиятсизликка учради, учраганда ҳам бутунлай муваффақиятсизликка учради: ўз тингловчиларини билмас ва балки маърузасининг аниқ мақсадини ҳам англамас, уни қандай амалга оширишни ҳам билолмасди.

Маъруза мақсади ҳақида гапирганда, иимани назарда тутамиз? Ҳар бир маъруза, буни нотиқ биладими-йўқми, қатъи назар, ўз олдига тўрт асосий мақсаддан бирини кўндаланг қилиб қўяди. Улар нималардан иборат?

1. Қандайдир масалани тушунтириб, аниқ қилмоқ.
2. Таассурот қолдириш ва ишонтириш.
3. Таъсир қилишга эришмоқ.
4. Бирор нарса билан машғул қилиб, кўнглини олмоқ.

Ушбу қоидаларни мисоллар билан тушунтириб беришга изн беринг.

Линкольн, озми-кўпми, ҳамиша механика билан қизиқар эди. У ўз вақтида бўрдан сувни ажратиб олувчи қурилма ихтиро қилиб, унга патент ҳам олганди. Линкольн ўзининг адвокатлик идорасидан унча узоқ бўлмаган механика устахонасида ишлар ва ўша қурилманинг моделини тайёрлаш билан шуғулланар эди. Гарчи мазкур қурилма охирокибатда кераксиз матоҳга айланган бўлса-да, у имкониятлари кўплигидан ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган эди.

Дўстлари бу қурилма моделини кўриш учун идорага келишганида, у вақтини асло қизғанмас, қурилманинг ишлаш тартибини эринмай тушунтириб, баён қиларди. Бу тушунтиришларнинг асосий мақсади битта, у ҳам бўлса аниқлик киритиш эди.

Линкольннинг Геттисбергдаги сўзлаган ўлмас нутқида ҳам, президент вазифасига киришиш арафасидаги биринчи ва иккинчи маърузасида ҳам, Генри Клей вафот этганида, у ҳақида мақтов нутқи сўзлаганида ҳам — буларнинг барчасида Линкольн маърузаларидаги асосий мақсад битта, яъни таассурот қолдириш ва ишонтириш бўлганди. Албатта, у ишонтира олиш учун равшан, аниқ бўлиши керак эди. Шунинг учун мазкур ҳолатларда аниқликка эришиш Линкольннинг бирдан-бир фикри-зикрига айланганди.

У маслаҳатчилар ҳузурида сўзга чиққанида, ўзига зарур бўлган ҳукмни чиқаришга ҳаракат қилар эди. Сиёсий нутқларида эса сайловчилар овозини тўплашга интиларди. Бу ҳолатларнинг барида унинг мақсади — ҳаракатдан иборат эди.

Президент бўлишидан икки йил муқаддам Линкольн ихтиролар тўғрисида нутқ тайёрлашга киришди. Бу маъруза орқали тингловчиларнинг кўнглини олишни мақсад қилган эди. Бу мақсад мумкин қадар унинг олдида кўндаланг бўлиб турар, шунга қарамай, катта муваффақиятни қўлга кирита олмади. Линкольннинг оммавий маърузачи сифатидаги мартабаси аслида унга жиддий тушкунлик олиб келди. Бир шаҳарда унинг маърузасига ҳеч ким келмади.

Аммо у бошқа нутқларида муваффақиятга, ҳатто мисли йўқ муваффақиятга эришди, улар ҳақида мен эслатган эдим. Нега? Шунинг учунки, у энди ўзининг мақсадини аниқ тушунган ва унга қандай эришиш кераклигини билар эди. Кўпгина нотиқлар айнан ана шуни билмайдилар, сўзларда адашиб, жуда оғир вазиятларга тушиб қоладилар.

Масалан, мен Нью-Йоркдаги эски отчопарда бир америкалик конгрессменга қанчалик ҳуштак чалишиб, минбардан тушириб юборишга мажбур қилишганини, у эса шубҳасиз, беихтиёр, шу билан бирга онгсиз равишда ўз мақсадига равшанлик киритганига гувоҳ бўлган эдим. Уруш даври эди ўшанда. Ўз тингловчиларига Қўшма Штатлар урушга қандай тайёргарлик кўраётганини гапириб бераётганди. Оломон уни эшитишни истамас, вақтини хуш қилишни хоҳларди. Иштирок этувчилар уни тоқат билан, назокат билан, чамаси ўн дақиқа, чорак соатда тугатса керак, деб эшитишди, аммо бу ҳолат рўй бермади. У пойма-пой гапирар, бир фикрни тугатмай туриб, иккинчисига сакраб ўтарди. Тингловчиларнинг сабр-тоқати тўлиб-тошиб, ортиқ тингламай қўйишди. Кимдир киноялы тарзда чапак чалиб юборди. Бошқалар уни қўллаб-қувватлаб, гулдурос қарсакни бошладилар. Орадан бир дақиқа ўтгач, минглаб тингловчилар ҳуштак чалар ва қичқиришарди. Калтафаҳм нотиқ ўз тингловчилари кайфияти билан ҳисоблашмай, маъруза ўқишда давом этаверди. Бу эса уларнинг ғазабини қўзитди. Жанжал бошланди. Уларнинг бетоқатлиги жунбушга, ғазабга

минди. Нотиқни овозини ўчиришга мажбур қила бошлашди. Қаршилик кўрсатиш бўрони гувиллар, авжга минар эди. Ниҳоят ғазаб отига минган оломоннинг шовқин-сурони нотиқнинг сўзларини бутунлай босиб кетди, уни ҳатто йигирма фут *(1 фут — 30,48 см.га тенг)* масофадан ҳам эшитиб бўлмай қолди. Ана шундан кейин у чекинди, ўзининг мағлубиятига иқрор бўлди ва камситилган ҳолда жуфтакни ростлаб қолди.

Бу мисолни доимо эсда тутинг. Ўз мақсадингизни билинг, уни маърузага тайёргарлик кўришдан олдин батафсил белгилаб олинг. Сиз бу мақсадга қандай эришиш лозимлигини билишингиз лозим. Ана шундан кейин унга эришишга ҳаракат қилинг, ишга маҳорат ва билимдонлик билан ёндашинг.

## Кўпроқ аниқлик учун ўхшатишлардан фойдаланинг

Аниқликка алоқадор нимаики бўлса, унинг аҳамиятини, уни қўлга киритишдаги қийинчиликларни етарли баҳоламаслик мумкин эмас. Бир куни мен ирланд шоири ўз асарларига бағишланган кечада шеър ўқиганига гувоҳ бўлган эдим. Тингловчиларнинг ўн фоизи ҳам у нима тўғрисида гапираётганини англамадилар. Кўпгина нотиқлар омма орасида сўзга чиққанида ҳам ёки дилкаш муносабатларда ҳам бу одамни эслаб туришади.

Мен Оливер Лож билан омма орасида ўқиладиган маърузаларнинг асосий тамойилларини муҳокама қилар эканман, қирқ йилдан буён университетда ва омма ҳузурида маъруза ўқийдиган бу инсон, биринчидан, билим ва тайёргарликни, иккинчидан эса *"енгил ва тушунарли бўлиши учун ҳаракатлар уйғунлиги"*нинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаганига амин бўлганман.

Франция-Пруссия уруши бошида генерал фон Мольтке ўз офицерларига шундай деган эди: *"Жаноблар, эсингизда бўлсин, ҳар қандай буйруқ нотўғри тушунилса, у албатта нотўғри англанади"*.

Наполеон бунинг қанчалик хавфли эканлигини эътироф этган. Унинг жуда қунт билан тез-тез такрорлайдиган сўзла-

ри доимо: *"Равшан ифода этинг! Равшан ифода этинг!"* деган гап бўлар эди.

Шогирдлари Исо Масиҳдан нима учун одамларга ривоят айтиб, уларга сабоқ беришларини сўрашганида, *"Улар кўринадиганни кўришмайди, эшитадиганни эшитишмайди, англашмайди ҳам"*, деб жавоб берган.

Сиз қачон тингловчиларингиз ҳамда тингловчига бутунлай бегона мавзу тўғрисида гапирганингизда, халқ буюк пайғамбар Исо Масиҳни тушунгандай, улар ҳам мени тушунади, деб умид қилармидингиз?

Асло. Хўш, нима қилиш керак? Худди шундай вазиятга дуч келганида, у нима қилар эди? Буни энг содда ва имконияти бор табиий усуллардан бири билан ҳал этган бўлур эди, одамларга маълум бўлган нарсаларни мисол келтириш, таққослаш билан номаълум нарсани тушунтириб берарди. Парвардигори олам... У нимага ўхшайди? Фаластиннинг оми деҳқонлари уни қай тарзда тушунишарди? Исо Масиҳ уларга маълум бўлган буюм ва ҳодисалар ёрдамида тавсифлаб берган эди:

"Парвардигори олам яхши марварид излаган савдогарга ўхшайди... Яна парвардигори олам дарёга ташланган ёйма дурга ўхшаб кетади..."

Тингловчилар орасида балиқчилар бўлиб, ҳар куни дарёга тўр ташлашар, савдогарлар эса марварид билан савдо қилишарди.

Довуд пайғамбар эса ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда Ёқубнинг меҳр-муҳаббатдан иборат очиққўнгиллигини қандай тушунтириб берган?

*"Раббим — сен менинг чўпонимсан! Мен ҳеч нарсага муҳтож бўлмайман: у мени серўт жойларда роҳат-фарғатда парвариш қилади ва мени тинч оқар сувлар сари етаклайди"*.

Бу унумсиз жойларда серўт масканлар... шунингдек, қўйларни суғориш мумкин бўлган сув, бу — чорвадор халқгина шундай сўзларни фаҳмлаши мумкин эди.

Мана, анча ёркин кўргазмали ва бу тамойилни қандайдир тарзда қизиқарли намоён этувчи мисолни кўриб чиқайлик. Бир неча диндорлар узоқ Экваториал Африкада яшовчи қабила шевасида Инжилни таржима қилишди. Улар

шундай фикрга келдилар: *"Гарчи сенинг гуноҳларинг худди қип-қизил буёқдай бўлса ҳам, худди қор каби оппоқ нарсага айланади"*. Улар бу иборани қандай ўгиришарди? Сўзма-сўзми? Бемаънилик! Маҳаллий халққа февраль ойида ҳеч қачон йўлакларни қордан тозаламаган. Ҳатто уларда қорни билдирувчи сўз ҳам бўлмаган. Улар, ҳатто қор билан қатрон ўртасидаги фарқни тушунмас эдилар, аммо кўп марта пальма дарахтига тирмашиб чиқиб, бир нечта кокос ёнғоғини тушликка қоқиб олардилар. Шу боис диндорлар нотанишни таниш нарса билан таққослаб, бу жумлани шундай деб таржима қилдилар: *"гарчи сенинг гуноҳларинг қип-қизил буёқдай бўлса ҳамки, кокос ёнғоғининг мағзи каби оппоқ оқарди"*.

Юқоридаги ҳолатларда вазифани бундан ортиқ адо қилиш мумкин эдими, тўғрими?

Миссури штатидаги Уорренсбург ўқитувчилар коллежида Аляска тўғрисида ҳикоя қилиб бераётган бир нотиқнинг сўзларини эшитишимга тўғри келган эди. У сўзга чиққан кўпгина жойларда тингловчилар учун аниқ ва қизиқарли тарзда таъсир кўрсата олмади, ўзини, африкалик диндорлардан фарқли ўлароқ, тингловчига тушунарли бўлган сўзларни ишлатиб гапириш зарурлигини асло истамасди. Масалан, у бизга Аляска аҳолиси 64.356 нафар одамдан, ер майдони эса 590.804 квадрат милядан иборат эканлиги ҳақида хабар берди.

Оддий одам учун ярим миллион квадрат миль нимани англатади? Жуда кам. У квадрат миль даражаларини фикрлашга ўрганган эмас. Улар унинг тасаввури, хаёлида ҳеч қандай манзарани гавдалантирмайди. У билмайдики, беш юз минг миль ҳудуди Мэн ёки Техас штати ҳудудига баробардир. Тасаввур қиламизки, нотиқ хабар қилганидек, Аляскaнинг қирғоқ чизиғи ва унинг ороллари узунлиги Экватор узунлигидан ҳам ортиқ ва унинг майдони Вермонт, Нью-Гэмпшир, Мэн, Массачусетс, Род-Айленд, Коннектикут, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания, Делавэр, Мэриленд, Ғарбий Виргиния, Шимолий Каролина, Жанубий Каролина, Жоржия, Флорида, Миссисипи ва Теннесси майдонларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам ортиқ майдонни эгаллайди. Буларнинг бари иштирок этувчиларга Аляска ҳуду-

ди катталиги ҳақидаги тасаввурнинг бутун равшанлигини ҳис этишига ёрдам бермайдими?

У, аҳолиси 64.356 нафар кишидан иборат, деб хабар қилди. Афтидан, ҳатто ўн кишидан бир киши ҳам аҳоли рўйхатидан рақамларни беш дақиқадан ортиқ вақт мабайнида эслаб қола олмайди, ҳатто айтиш мумкинки, бир дақиқадан ортиқ муддатда хотирада тутиш қийин. Нима учун? Чунки "олтмиш тўрт минг уч юзу эллик олти" деган рақам тез айтилганида, у равшан тасаввур пайдо қилмайди, балки ноаниқ, хира, худди денгиз қирғоғидаги қумга ёзилган сўз каби таассурот қолдиради. Навбатдаги тўлқин келиб, уни бутунлай ювиб кетади. Шундай экан, одамларга таниш мисоллар ёрдамида аҳоли сони ҳақида айтилса, бу ақлли иш бўлмасмиди? Масалан, Сент-Жозеф Миссури штатидан унча узоқ бўлмаган, тингловчилар истиқомат қиладиган жой ҳисобланади. Тингловчиларнинг аксарияти Сент-Жозефда бўлишган, уни билишади, Аляска эса ўша пайтда Сент-Жозефдан аҳоли сони жиҳатидан ўн минг кишига камдир. Агар нотиқ ўзи сўзга чиққан шаҳарни Аляска билан боғлаб гапирганида, ажойиб бўлмасмиди? У шу тарзда гапирса, янада тушунарли бўлмасмиди: *"Аляска Миссури штатига қараганда саккиз марта катта, аммо шу билан бирга унинг ҳозирги пайтдаги аҳолиси Уорренсбург шаҳрида истиқомат қилаётган аҳоли сонидан ўн уч баробар кўп, холос"*.

Таққослаб кўринг-чи, қайси мисоллардаги фикр аниқ ва равшан: "а" дагими ёки "б"даги?

А. Бизга энг яқин юлдуз ўттиз беш триллион миль масофада жойлашган.

Б. Бир дақиқада бир миль йўл босувчи поезд Ерга энг яқин турган юлдузга қирқ саккиз миллион йилда етиб борар эди, агар бу юлдузда қўшиқ айтишса, унинг овози ерга етиб келиши учун уч миллион саккиз юз йил керак бўларди. Агар бу юлдуз билан Ер ўртасида ўргимчак тўри тортилганида, унинг вазни беш юз тонна оғирликка эга бўлар эди.

А. Авлиё Пётр ибодатхонаси дунёдаги энг йирик черковлардан бири бўлиб, узунлиги икки юз икки ярд бўлиб, кенглиги эса уч юз олтмиш тўрт футга тенгдир.

Б. Унинг ҳайбатли салобати тахминан, агар бир-бирининг устига қўйилса, Вашингтондаги Капитолия каби бинолардан иккитасига тенг келади.

Сэр Оливер Лож бу усулдан самарали фойдаланган эди, у ҳали тайёргарликка эга бўлмаган тингловчиларга атомнинг катталиги ва табиатини тушунтирганида шу усулни истифода этган эди. Европада бир гуруҳ тингловчиларга бир томчи сувда қанча атом бўлса, Ўрта Ер денгизида ҳам шунча томчи сув бор, деб тушунтирган, чунки тингловчиларининг аксарияти Гибралтардан Сувайш каналига қадар саёҳатда бир ҳафтадан ортиқ вақт иштирок этган эдилар. Суҳбат мавзуси янада тушунарли бўлиши учун бир томчи сувда бизнинг бутун сайёрамизда қанча доривор ўт бўлса, шунчалик атом мавжуд, деб изоҳлади.

Ричард Хардинг Дэвис ўзининг Нью-Йоркдаги бир гуруҳ тингловчиларига Авлиё София масжиди *"шу даражада каттаки, у Бешинчи авеньюдаги театр зали билан тенг келади"*, деб маълум қилган эди. У *"Бриндизи, агар орқа томонидан ўтсангиз, худди Лонг-Айленд-Ситига ўхшайди"*, деганди.

Ўз маърузаларингизда доимо ана шу тамойилдан фойдаланинг. Агар сиз азим эҳромлар тўғрисида сўзламоқчи бўлсангиз, даставвал тингловчиларингизга унинг баландлиги тўрт юз эллик бир футдан иборат эканлигини айтиб, сўнг уни улар ҳар куни кўриб юрадиган бирорта бино баландлигига солиштиринг. Уларга эҳромнинг пойдеворига нечта шаҳар квартали жойлашиши мумкинлигини гапириб беринг. Қанча галлону, нечта барреллари англатувчи рақамларни айтмаганингиз дуруст, балки сиз сўзга чиққан бино хоналаридан нечтаси сиз айтаётган суюқлик миқдори билан тўлиши мумкинлигини айтсангиз, бошқача таъсир этади. Қандайдир буюм йигирма фут баландликка эга дейиш ўрнига, яхшиси, мана шу залдан бир ярим баробар баланд десангиз, яхшироқ бўлади. Масофанинг узоқлигини миль тушунчаси билан ифодалагандан кўра, уни бошқа бир масофага, масалан, темир йўл станциягача ёки қандайдир кўчага қадар бўлган масофа билан таққослаб, солиштириб, гапирсангиз, бу анча оқилона иш бўлар эди.

## Махсус атамаларга чап беринг

Борди-ю, сиз муайян бир касб вакили бўлсангиз, агар ҳуқуқшунос, шифокор, муҳандис ёки қандайдир махсус соҳадаги фаолият билан шуғуллансангиз, касбингизга боғлиқ бўлмаган, одамлар билан суҳбатлашганда, айниқса, уларга у ёки бу тафсилотларни айтиб бераётганингизда икки карра эҳтиёт бўлинг.

Икки карра эҳтиёт бўлиш зарурлиги ҳақида ганирганим бежиз эмас, чунки мен мутахассислигим мажбурияти орқасидан айнан ана шу масала билан боғлиқ юзлаб маърузаларни эшитиб кўрганман, уларнинг кўпи худди шу масала бўйича муваффақиятсизликка, сира ўнглаб бўлмас омадсизликка учраган эди. Аниқ бўлишича, нотиқлар тингловчиларнинг ана шу соҳа бўйича тайёр эмасликларини назардан қочириб қўйишган экан. Хўп, нима бўлди? Улар пойма-пой гапириб, бир фикрдан иккинчисига сакраб ўтиб, фақат шу соҳани биладиган кишилар учун тушунарли бўлган ғояларни, ибораларни айтганлар, аммо уларнинг сўзлари бу соҳадан анча узоқ, бошқа соҳа одамлари учун Миссури сувлари каби лойқа ва ноаниқ эдики, одатда бу сув июль ёмғирларидан сўнг Айова ва Канзас штатларидаги эндигина экилган жўхори далаларини қоплаб олади.

Бундай нотиқ нима қилмоғи керак? У Индиана штатидаги собиқ сенатор Беверижнинг қуйидаги маслаҳатларини ўқиши ва уни ёдида сақлаши керак:

"Агар сиз бирмунча тайёргарлик кўрган ва билимли тингловчиларни танлаган бўлсангиз ва уларни ўзингизнинг маърузангизга қизиқтирсангиз, жуда қулай усул бўлур эди. Бунга фақат асос ва далилларни очиқ, равшан ва бурро тарзда баён этиш билан эришмоқ мумкин. Ундан ҳам қулай усули ота-онаси билан бирга келган ўғил ёки қиз болага нотиқ бутун диққатини жамлаб гапирганидир.

*Буни ўзингизга ва тингловчиларингизга ҳам шунчалик аниқ ва равшан, баралла товушда айтсангиз, ҳатто ёш бола ҳам сиз тилга олган масалани тушунади ва ёдда сақлай олади. Маърузадан сўнг сиз нималар деганингизни такрорлай олади".*

Эсимда, бир шифокор суҳбат пайтида *"диафрагмал нафас олиш ошқозон перистальтика, яъни ошқозон ва ичакларнинг тўлқинсимон кенгайиш ва қисилиш ҳаракатларига ёрдам беради ва соғлиқ учун жуда фойдаладир"*, деган эди. Шу жумла билан ўзининг фикрини якунлаб, навбатдаги масалага ўтишга ҳаракат қилди. Мен уни тўхтатдим ва тингловчилардан диафрагмали нафас олиш бошқа нафас турларидан нима билан фарқ қилиши, у нима учун инсон соғлиғига фойдали эканлигини, шунингдек, перистальтика нима эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлганлар қўл кўтаришларини сўрадим. "Референдум" натижалари шифокорни ҳайратга солди. У мавзуни қайта тушунтиришга киришди ва қуйидагича баён этди:

*"Диафрагма жуда юпқа тўқимадан иборат бўлиб, у кўкрак қафасининг ички томонида ўпка асоси ва қорин бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган. Агар диафрагма фаол ҳолатда бўлмай, нафас олиш кўкрак қафаси ёрдамида амалга ошса, у худди қайрилган коса каби майишиб қолади.*

*Бўшлиқдаги нафас олишда ҳар бир нафас гумбазсимон тўқимани пастга қадар тушишга мажбур қилади, у токи ясси бўлгунча давом этади ва биз қорин тўқималари белни қисаётганини ҳис этамиз. Шу тариқа пастга қаратилган диафрагма босими аъзоларини: қорин пардасининг юқори томонида турган — ошқозон, жигар, ошқозон бези, талоқ ва қоринда туташган вегетатив асаблар тизимини массаж қилади ва қувватлайди.*

*Сиз қачон нафас чиқарсангиз, ошқозон ва ичакларингиз диафрагма томон қисилиб боради ва яна у массаж олади. Бундай массаж организмни тозалашни таъминлайди.*

*Кўпинча ичак турли касалликларнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Агар ошқозон ва ичаклар чуқур диафрагмали нафас туфайли тегишли машқларни қабул қилса, бу кўпчилик ҳолларда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ишдан чиқиши, ич қотиши (қабзият) ва организмнинг ўз-ўзини заҳарлашнинг олдини олган бўлур эдик".*

## Линкольн маърузаларидаги аниқлик сирлари

Линкольн ўз асосларини барча иштирок этувчилар томонидан дарҳол равшан тарзда қабул қилиниши учун жуда чуқур ва доимий мойилликни эгаллаган эди. У ўзининг конгрессга йўллаган мактубида "шакар қиёмига ботирилган" деган иборани ишлатган. Давлат босмахонасини бошқарган ва Линкольннинг собиқ дўсти жаноб Дефриз бундай тарихий нутққа у кўтаринкилик касб этмайди, деган эди. *"Биламан, Дефриз,* — деб жавоб берган эди Линкольн, — *агар сен шундай вақт келадики, одамлар бу иборани тушунмайдилар, десанг, мен уни ўзгартираман, аммо ҳозир, қўявер, у тураверсин".*

Бир куни у Ноксдаги коллеж президенти Гулливерга унда қандай қилиб "эҳтирос" пайдо бўлганини содда тил билан шундай тушунтирган эди:

*"Эсимда, бу менинг дастлабки хотираларимдан бири, ҳали ёш бола эканман, доим ранжийверардим, кимдир мен билан тушунарсиз тилда гаплашса ҳам, дилгир бўлардим. Назаримда, ҳаётимда ҳеч қачон шу тарзда ранжиганим йўқ, аммо бу мени ҳамиша хафа қилган эди, бу ҳол ҳозиргача давом этмоқда. Хотирамда, кечаси ётоқхонага киргани мда, қўшниларнинг отам билан суҳабтларини эшитардим, хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, туннинг асосий қисмини менга ноаниқ ибораларнинг мағзини чақиш билан овора бўлар эдим. Мен ухлашга ҳаракат қилар, аммо қандайдир фикрни илиб олишга уриниб, уддасидан чиқа олмасдим. Унинг мағзини чақиб тушунганимдан сўнг ҳам асло тинчимасдим, қайта-қайта такрорлардим, токи оддий тил билан ҳар қандай бола тушунадиган тарзда ифода этмагунча хотиржам бўла олмасдим. Бу менинг эҳтиросим бўлиб қолди ва бу эҳтирос, иштиёқ ҳозиргача мени тарк этгани йўқ".*

Эҳтирос? Ҳа, уни айнан ана шундай таърифлаш мумкин. Нью-сейлемлик устоз, мураббий Гремнинг гувоҳлик беришича, шундай ҳоллар бўлгани, Линкольн бир неча соат давомида у ёки бу фикрни ифодалашда уч усулдан энг яхшисини топиш учун тиним билмай ҳаракат қилар эди.

Одамларга тушунарсиз бўлган фикрларнинг оддий сабабларидан бири шуки, уларнинг ўзлари нима демоқчи бўлишганини етарли даражада аниқ тушунмайдилар. Хира таассуротлар! Ноаниқ, мужмал ғоялар! Натижада нима рўй беради, денг? Уларнинг ақл-фаросати ҳам худди фотоаппарат туманда туширганидан ортиқча вазифа адо этмайди. Улар ҳам худди Линкольн каби мужмаллик, ноаниқлик ва ишоралилик туфайли безовта, бетоқат бўлмоқлари лозим. Улар Линкольн усулларидан самарали фойдаланишлари керак.

## Тингловчиларнинг кўриш қобилиятларидан фойдаланинг

Тўртинчи бўлимда ёзганимиздек, кўздан мияга борадиган асаб толалари қулоқдан борадиганига нисбатан бир неча бор қалиндир. Фаннинг исботлашига кўра, биз эшитганга нисбатан кўриш таассуроти учун йигирма беш марта кўпроқ диққатимизни жалб этамиз.

Қадимги Хитой мақолидаги неча бор эшитиб, неча бор кўриш афзал эканлиги ҳақида айтиб ўтган эдик.

Шунинг учун сиз ғояларингиз аниқ, тушунарли, жуда ажойиб таърифланишини истасангиз, уларни кўримли қилишга интилинг. "Нэшнл кэш режистер" номли машҳур компания президенти марҳум Жон Г.Паттерсоннинг режаси ана шундай эди. У "Систем мэгэзин" журнали учун мақола ёзиб, ўзининг ишчилари ва савдо агентлари олдида чиқиб сўзлаган нутқида фойдаланган усулларини баён этган эди:

*"Менинг ҳисоблашимча, сизни доимо диққат-эътибор билан тинглаб, тушунишлари учун битта сўзнинг ўзи кифоя қилмайди. Қандайдир таассурот уйғотувчи қўшимча илова зарур бўлади. Агар имкони бўлса, маърузани расмлар, нима тўғри, нима нотўғрилигини кўрсатувчи суратлар, ниҳоятда ишонарли диаграммалар керак; булар сўзлардан зиёд, расмлар эса жадвалларга нисбатан ишончлироқ бўлсин. Маърузангизнинг ҳар бир бўлими расмлар билан жиҳозланиши ва сўз эса уларни боғлашга, улашга хизмат қилсин, баён этишнинг идеал тури ана шундан иборат. Суратнинг*

*аҳамияти ҳар қандай сўздан кўра жуда каттадир, деб айта оламан.*

*Энг самаралиси кичкина расмлардир... Менда уларнинг бутун бир тизими мавжуд, уларни "расмларда суҳбат" деб номлаш мумкин. Доллар расми туширилган кружка пул бирлигини, доллар расмли қоп эса жуда катта миқдордаги пулни англатади.*

*Инсон юзи акс этган оддий суратлар ёрдамида жуда катта самарага эришиш мумкин. Кружка расмини чизинг, ички томонига эса кўз, бурун, оғиз ва қулоқни билдирувчи чизиқлар чизиб қўйинг. Бу чизиқларни турли йўналишларда бурсангиз, юзга турли ифодаларни беради. Кекса кишини ияги учбурчак, пастга тушган ҳолда тасвирланг, навқирон, замонавий одамда эса бу чизиқлар юқорига қаратиб чизилади. Бу расмлар жуда оддий; шу билан бирга эсда тутиш керакки, расмни зўр чизадиган кишининг унча аҳамияти йўқ. Вазифа шундан иборатки, фикрни қарама-карши равишда чизиш муҳим аҳамият касб этади.*

*Ёнма-ён турган пули бор халтанинг катта ва кичик расми тўғри ва нотўғри йўлнинг табиий рамзлари ҳисобланади; тўғри йўл сизга кўп пул келтиради; нотўғри йўл эса жуда кам. Агар сиз бундай расмларни маъруза пайтида тезгина чиза олсангиз, тингловчилар мени диққат билан эшитмайди, деган хавф ўз-ўзидан йўқолади; улар сиз бажарган ишга албатта диққат билан қарайдилар, сиз билан бирга булар ҳам олиб боришни истаган ўша нуқтага боришади. Бунинг устига худди шундай қизиқарли чизмалар одамларга яхши кайфият бағишлайди.*

*Мен баъзан бир рассомни биргаликда цехларни айланишини илтимос қиламан ва нимаики нотўғри бажарилаётган бўлса, ўшани сездирмасдан чизишини илтимос қиламан. Кейин бу хомаки расмлар суратга айланади. Шундан сўнг барча ишчиларни йиғиб, улар айнан нимани нотўғри бажараётганини кўрсатаман. Стереоптикон аппарати борлигини эшитганимдан кейин уни тезликда олдим-у, бу суратларни экранда кўрсатдим, бу эса қоғозда кўрсатганга нисбатан самарали бўлди. Сўнг кино вужудга келди. Менимча, мендаги киноускуналар энг яхшиларидан биридир. Ҳозирги пайтда жуда кўп кинофильмлар ишлаш билан биз-*

*да йирик бўлим ҳам фаолият кўрсатиб, унда олтмиш мингдан ортиқ рангли стереослайдлар мавжуд".*

Ўз-ўзидан аёнки, ҳар бир буюм ёки ҳодисани ҳам кўргазмали восита ёки расмлар билан тасвирлаб бўлмайди. Улардан имкониятга қараб ўз ўрнида фойдаланиш мумкин. Улар диққатни тортади, қизиқишни оширади ва кўпинча маърузамизга икки карра тушунарлилик бахш этади.

## Рокфеллер столдан тангаларни сидириб ташлади

Рокфеллер "Систем мэгэзин" журнали саҳифаларида "Колородо фьюэл энд айрон" компаниясининг молиявий аҳволини тушунтириш учун кўргазмали воситалардан қандай фойдаланганини ҳикоя қилган эди:

*"Мен улар («Колородо фьюэл энд айрон» компанияси ишчилари)дан Рокфеллер ўз компаниясидан жуда катта даромад олляпти, деб эшитиб қолдим. Бошқалар ҳам айнан шундай деяётган экан уларга. Уларга ҳақиқий аҳволни тушунтирдим. Мазкур компания билан ўн тўрт йилдан бери алоқада бўлсак ҳамки, улар акцияларимизга бирор цент тўламаганини кўрсатиб бердим.*

*Ана шундай учрашувлардан бирида мен бу компаниянинг аниқ молиявий ҳолатини уларга намойиш этдим. Стол-га бир нечта танга қўйдим. Сўнг уларнинг бир қисмини сидириб туширдим, чунки бу ишчиларнинг иш ҳақини билдирар эди, компаниянинг биринчи мажбурияти эса иш ҳақини тўлашдан иборат. Сўнгра яна бир нечта тангани олиб ташладим, улар хизматчиларнинг маошини ифодаловчи рамзлар эди гўё. Сўнг бир неча тангаларни кўрсатдим, улар директорлар моянасини кўрсатарди. Шундан сўнг акция тутувчилар учун ҳеч қандай танга келмади. Ана шунда сўрадим: "Шу адолатданми, биз ҳаммамиз ушбу корпорацияга шерикмиз, аммо уч ше-*

Жон Рокфеллер

*рик озми-кўпми даромад олади-ю, тўртинчи шерик эса ҳеч нарса ололмайди?"*

Майли, сизнинг расмларингиз ботаётган қуёш фонида кўринган кийик шохлари каби тиниқ ва аниқ кўринсин. Масалан, "ит" сўзи хотирамизда бу ҳайвоннинг у ёки бу даражадаги тимсолини гавдалантиради, эҳтимол кокер-спаниел, скотч-терьер, сенбернар ёки хонаки ит каби зотлари бўлар, булардан қатъи назар, эътибор беринг, ушбу образ миямизда "бульдог" деб айтсам, шунчалик аниқ гавдаланади, яъни бу атама анча аниқлик билан ажралиб туради, "олачипор бульдог" деганда, хаёлимизда янада ифодаси зўрроқ сурат келмайдими? Сиз қачон "қора шотланд пони"си десангиз, бу "от" деганга нисбатан таъсирлироқ чиқмайдими? "Уй паррандаси" дейилганга нисбатан "Оёғи синган бентам зотли оқ хўроз" ибораси анчайин аниқ ва равшан кўринувчи манзарани гавдалантиради.

## Муҳим ғоя (фикрлар)ни ҳар хил сўзлар билан такрорланг

Наполеон нотиқлик санъатида такрорлашни ягона жиддий тамойил, деб ҳисоблаган. У билардики, ғоя кўпчилик томонидан ҳамиша зудлик билан тушунарли бўлавермайди, у фақат кўпчилик томонидан равшан ва аниқ бўлгач, шундагина ҳамма тушунади. У билардики, янги ғояларни тушуниш учун вақт лозим ва инсон хаёли фақат шунга йўналиши, қаратилиши керак. Қисқа қилиб айтганда, Наполеон билган эдики, уларни такрорлаш керак, аммо бир хил сўзлар билан эмас, албатта. Тингловчиларга бу асло ёқмайди ва улар бунда ҳақлидир. Шу билан бирга бу такрорлаш янги-янги иборалар билан бўлмоғи керак, агар уларнинг муқобиллари бўлса, тингловчиларингиз ҳеч қачон буни такрорлаш, деб ҳисоблашмайди.

Аниқ мисолни олиб кўрайлик. Марҳум жаноб Брайан шундай деган эди: *"Агар сизнинг ўзингиз тушунмаган бўлсангиз, одамларни қандайдир масалани тушунишга асло мажбур эта олмайсиз. Сиз уни қанчалик равшан, аниқ тасаввур эта олсангиз, бошқаларга ҳам шунчалик аниқ, равшан, тушунарли тарзда баён эта олишингиз мумкин"*.

Бунда охирги фикр биринчи гапдаги мазмунни такрорлашни ўз ичига олган. Шу билан бирга бу гап айтилганида, сизда унинг такрор эканлигини пайқашга вақт етмайди. Сиз фақат суҳбат мавзуси ниҳоятда тушунарли бўлиб қолганини ҳис этасиз.

Ўзимнинг курс машғулотларимда шу каби кўпгина маърузаларни эшитишга тўғри келдики, уларда нотиқ юқорида кўрсатилган такрорлаш тамойилини қўллаган бўлса, унинг нутқи жуда равшан ва таъсирли якун топган. Янги нотиқлар тўла-тўкис уни назар-писанд қилишмайди. Афсус!

## Умумий даражалар ва аниқ мисоллардан фойдаланинг

Нутқингиз тушунарли бўлишини таъминловчи ишончли ва оддий усуллардан бири — умумий даражалар ва аниқ мисоллардан фойдаланишдир. Бу тушунчалар орасида фарқ нимада? Номидан кўриниб турибдики, улардан бири умумий, иккинчиси эса аниқ, муайяндир.

Улар ўртасидаги фарқни аниқ мисолларда намойиш этишга изн берсангиз, шундай фикр мавжуд: *"Эркин мутахассисликка эга бўлган эркак ва аёллар борки, улар ҳаддан ортиқ пул ишлаб оладилар"*.

Бу фикр жуда аниқ ҳисобланадими? Бу гапни айтган киши нимани назарда тутгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдингизми? Мазкур фикр тингловчилар хаёлида қандай тасаввур уйғотганига нотиқнинг ўзи ҳам унчалик ишонмайди. Озарк тоғларидаги қишлоқ шифокори ўзини унча катта бўлмаган шаҳарда беш минг доллар даромадга эга, деб тасаввур қилиши мумкин. Ҳамма ишни қилишга улгурадиган тоғ муҳандиси ўз мутахассислигидаги кишиларни бир йилда юз минг доллар ишлаб топади, деб ўйлайди. Бу фикрлар жуда мужмал ва ноаниқ бўлиб, уни аниқлаштириш керак. Бир нечта батафсил маълумот берувчи иловаларни келтириш жо-

Герберт Уэллс

изки, нотиқ айнан қайси мутахассислик *(касб)*ни кўзда тутган ва у "ҳаддан ортиқ пул ишлаб олишади", деганида нимани назарда тутган!

*"Адвокатлар, профессионал боксчилар, қўшиқ, романслар ижод қилувчи композиторлар, драматурглар, рассомлар, актёрлар, қўшиқчи ва хонандалар борки, улар Қўшма Штатлар президентидан ҳам кўпроқ даромад оладилар"*.

Энди ҳам тингловчи нотиқ кўзда тутган фикр бўйича аниқ тасаввурга эга бўлмадими? Шу билан бирга у аниқ фамилияларни айтмади. У умумий даражалардан фойдаланди, аммо аниқ мисолларни тилга олмади. У "қўшиқчи ва хонандалар" деди-ю, Роза Понсель, Кирстен Флегстад ёки Лили Понсни айтмади. Шундай қилиб, бу баёнот озми-кўпми ноаниқлигича қолаверди. Биз унга мисол қилиб келтириш учун аниқ ҳолларни эслай олмадик. Аммо нотиқ буларни биз учун қилиши керак эмасмиди? Агар у кейинги хат бошида келтирилган аниқ мисоллардан фойдаланганида, баёноти анчагина равшан ва аниқлик касб этарди:

*"Машҳур адвокатлардан Сэмуэл Антермейер ва Макс Стюэр бир йилда миллион доллар ишлаб олишади. Жек Демпсининг йиллик даромад ярим миллион долларга тенг эканлиги маълум. Ёш ва маълумотга эга бўлмаган ҳабаш боксчи Жо Луис ҳали эндигина йигирма ёшда бўлганида, бир йилда беш юз доллар ишлаб оларди. Ҳикоя қилишларига кўра, Ирвинг Берлиннинг регтайм услубидаги мусиқа асарлари унга бир йилда ярим миллион доллар даромад келтиради. Сидней Кингсли муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга мувофиқ ўзининг пьесалари учун ҳафтасида ўн минг долларга эга бўлади. Герберт Уэллс ўзининг таржимаи ҳолида эътироф этишига кўра, адабий меҳнати унга уч миллион доллар фойда келтирган. Диего Ривера ўз расмлари билан ҳар йили ярим миллион доллар ишлаб олган. Катарина Карнелл кинофильмларда иштирок этиш учун ҳафтасига тўланадиган беш минг доллардан кўпинча бош тортар эди"*.

Энди тингловчилар нотиқ нима демоқчи бўлганлиги тўғрисида аниқ ва жонли тасаввурга эга бўлишди.

Аниқ бўлинг. Муайян фикр юритинг. Аниқлик сизнинг нутқингизни ниҳоятда равшан, таъсирчан, ишонарли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

## Тоғ эчкиси билан рақобатлашманг

Профессор Уильям Жеймс ўқитувчилар олдида сўзлаган нутқларидан бирида таъкидлаб айтган эдики, маъруза пайтида фақат битта масалани кўриб чиқиш керак, у тилга олган маъруза эса бир соатга яқин давом этган. Боз устига мен яқинда бир нотиқнинг сўзини эшитдим, унинг маърузаси уч дақиқа билан чегараланди, аммо у диққат-эътиборимизни ўн битта масалага жалб этишни хоҳлаган эди. Шу тариқа ҳар ҳар бир масалага ўн олти ярим сония вақт ажратилди. Ақлли одам бундай бемаъни ҳаракатни амалга ошириш учун уриниши мумкин эмасдек.

Шу ўринда юқоридагига ўхшаш бир ҳодисани келтирмоқчиман. Бу мойиллик юқори даражада бўлмаса-да, ҳар бир янги киши учун тўсиқ ҳисобланади. У «Кук» компания-сининг сайёҳга Парижни бир кунда кўрсатувчи гидини эслатади. Бу Америка табиий тарихи музейини ярим соат давомида айланиб чиқиш билан баробардир. Натижада аниқлик ҳам, қониқиш ҳам бўлмайди.

Кўпгина маърузаларнинг ноаниқ, мужмал бўлишига сабаб шуки, нотиқ ўзига ажратилган вақт мобайнида муҳокама этиладиган масалалар бўйича жаҳон рекордини қўймоқчи бўлади. У бир саволдан иккинчисига сакрар ўтиб кетаверади, бу ҳаракати эса тоғ эчкисининг тезлиги ҳамда чаққонлигини эслатади.

Кўп маърузалар қисқа бўлиши керак, шунга мувофиқ равишда маълумот тайёрлашингиз лозим. Масалан, касаба уюшмалари тўғрисида гапирмоқчи бўлсангиз, ҳеч қачон уч ёки олти дақиқа ичида улар қандай вужудга келгани, улар қўллаган усуллар, улар томонидан қилинган яхшиликлар, улар томонидан рўй берган ёмонликлар ва саноат соҳасида муаммоларни қандай қилиб ҳал этиши тўғрисида асло сўз очманг. Мутлақо! Агар борди-ю, шундай қилмоқчи бўлсангиз, у ҳолда тингловчиларингиздан бирортасида ҳам сиз айтганларингиз ҳақида равшан тасаввур ҳосил бўлмайди. Бари аралашиб кетади, мавзу мужмал, ноаниқ тус олади, тасаввур ҳаддан ортиқ тарқоқ бўлиб, барча хабарлар ҳаддан зиёд умумийлик касб этади.

Касаба уюшмаларининг қандайдир битта фаолияти бўлимини олиб, уни батафсил муҳокама қилиб, мисоллар билан кўрсатиш оқилона иш бўлмайдими? Ҳа, оқилона иш бўлур эди. Бундай маърузалар ягона таассурот қолдиради. У жуда аниқ, равшан бўлиб, эшитиш ва эслаш ҳам анча енгил кўчади.

Шу билан бирга тилга олинган мавзуга доир бир нечта бўлимлар ҳақида гапиришга тўғри келса, уни маъруза охирида жамлаб айтиш тавсия қилинади. Келинг, бу қандай амалга ошади, кўриб чиқайлик. Ушбу машғулотнинг хулосаси қуйида берилган. Мазкур хулосаларни ўқиб чиқиш бизга айтилган ғояларнинг янада равшан ва тушунарли бўлишига ёрдам берармикан?

## Қисқа хулосалар

*1. Аниқ бўлиш жуда зарур, аммо бу жуда қийин ҳам. Исо Масиҳ одамларга ривоятлар асосида сабоқ беришга мажбур бўлган эди, чунки улар "кўрадиганни кўра олмайдилар, эшитганни ҳам эшита олмайдилар".*

*2. Исо Масиҳ нотаниш нарсаларни таниш буюм ва ҳодисалар билан боғлаб, унинг тушунарли бўлишига эришди. У Парвардигори оламни денгизга ташланган ёйма тўр, марварид излаган савдогарга ўхшатган эди. "Бор, шундай қилавер". Агар сиз Алясканинг бепоёнлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил этмоқни истасангиз, унинг майдони ҳақида квадрат миллар тўғрисида гапириб ётманг, балки ҳудудига сиғиши мумкин бўлган штатлар ҳақида сўз юритинг ва аҳолисини ўзингиз сўзга чиққан шаҳар аҳолиси сони билан солиштиринг.*

*3. Мутахассислигингизга алоқадор бўлмаган кишилар олдида сўзга чиққанда, махсус атамалардан четда турганингиз маъқул. Бунда Линкольн усулини қўлланг ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни оддий тилда баён этинг ва шунга эришингки, у ҳар қандай бола ёки қизчага тушунарли бўлсин.*

*4. Тилга олган мавзу тўғрисида гапирмоқчи бўлсангиз, у сиз учун қоқ туш пайтидаги қуёшдек равшанлигига ишонч ҳосил қилинг.*

*5. Тингловчиларнинг кўриш қобилиятидан, мушоҳадасидан фойдаланинг. Иложи бўлса, имкониятга қараб, экспонатлар,*

*суратлар, расмларни ишлатинг. Аниқ нуқтаи назарга эга бўлинг. Агар "ўнг кўзи устида қора белгиси бор овчи ити"ни назарда тутган бўлсангиз, ҳеч қачон "кучук" деманг.*

*6. Асосий фикрларингизни такрорланг, аммо бир хил ибораларни икки марта бир хил сўз билан тилга олманг. Гапларни бир неча муқобилларга бўлиб ишлатинг, аммо тингловчилар сезмайдиган даражада фикрларингизни такрорлашга интилинг.*

*7. Мавҳум фикр-мулоҳазаларингизни аниқ тарзда, умумий даражаларни аниқ, муайян, равшан мисоллар ва ҳодисалар билан баён этинг.*

*8. Ҳаддан зиёд, кўп масалаларни тиқиштириб ташламанг. Унча катта бўлмаган маърузада йирик мавзунинг икки ёки битта бўлимидан ортиғини муҳокама қилиб бўлмайди.*

*9. Ўз маърузангизни қисқа хулосалар, ўзингиз томонингиздан айтилган мулоҳазалар билан якунланг.*

## *Ўн биринчи бўлим*
## ТИНГЛОВЧИЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН?

Ҳозир сиз ўқиётган саҳифа бир варақ оддий қоғоз, шундай эмасми? Бундай варақчаларни сиз, эҳтимол, юз марталаб кўргандирсиз. У жуда зерикарли ва қизиқарли эмас, аммо мен у ҳақда ғайриоддий тарзда ҳикоя қилсам, балки қизиқиб қоларсиз! Келинг, уриниб кўрайлик! Бу варақ яхлит материалдан қилинган бўлиб, аммо ҳақиқатда худди ўргимчак тўрига ҳам ўхшаб кетади. Физиклар биладики, у атомлардан тузилган. Атомнинг ўлчами қанчани ташкил этади? Биз ўнинчи бўлимда билганимиздек, бир томчи сувда шунчалик кўп атом борки, Ўрта Ер денгизида қанча томчи бўлса, бу ҳам шунчани ташкил этади, бир томчи сувда бутун сайёрамизда қанча доривор ўт бўлса, шунча атом мавжуд. Бу варақни ташкил этган атомлар нималардан иборат? Ундан ҳам кичик бўлаклардан, яъни электрон, протонлардан иборат. Бу электронлар атомнинг марказий протони атрофида айланади, ундан, нисбатан айтганда, ой билан ер ўртасига тенг келадиган масофада туради. Бу электронлар митти кои-

нотда ўз орбитаси атрофида шунчалик тезлик билан айланадики, тахминан бир сонияда ўн минг милл йўл босиши мумкин. Шундай қилиб, бу варақ таркибига кирган электронлар, сиз бу гапни ўқишга тутинган пайтда Нью-Йорк билан Токио ўртасидаги масофани бутунлай қоплаб олади...

Бундан икки дақиқа олдин сиз бу қоғоз зерикарли ва ўлик, деб ўйлаган эдингиз. Аслида эса у ҳам яратганнинг бир мўъжизаси бўлиб турибди. Бу ҳақиқий қувватнинг бўронидир.

Агар ҳозир қизиқиб кўрган бўлсангиз, бунга янги ва одатдан ташқари маълумотлар сабаб бўлди. Худди мана шу ўринда одамларни қизиқтирадиган сирлардан бири ётибди. Бу муҳим ҳақиқатдан биз одамлар билан ҳар куни бўладиган муомалада фойдаланишимиз керак. Айрим янги нарсалар борки, ҳеч биримизни қизиқтирмайди, яна мутлақо шундай эски нарсалар ҳам борки, диққатимизни асло тортмайди. Биз эски нарсалар ҳақида янги гаплар эшитишни истаймиз. Масалан, сиз Иллинойсда яшовчи фермерни Буддадаги ибодатхона тафсилоти ёки Мона Лиза ҳақида гапириб, асло қизиқтира олмайсиз. Улар ҳаддан ташқари янгилик бўлиб, унинг эски қизиқишларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аммо сиз унга Голландия фермерлари ерга қандай қилиб ишлов бераётганликлари, уларнинг ери денгиз сат-ҳидан пастда бўлса ҳамки, девор вазифасини бажарувчи каналлар қазилгани, шуниндек, дарвоза вазифасини бажарувчи кўприклар қурганликларини ҳикоя қилиб берсангиз, қизиқтириб қўйишингиз мумкин. Сиз голландиялик фермер қишда сигирини ўзи яшаб турган уйда сақлашини, бу сигирлар дераза пардасидан қор ёғаётганини баъзан кузатиб туришини айтсангиз, иллинойслик фермернинг оғзи очилиб қолиши турган гап.

Унга сигирлар ва деворлар ҳақидаги гаплар маълум бўлган, аммо булар эски ҳолатларга янгича қарашдир. *"Тўрпардалар! Сигирлар учун!* — деб қичқириб юборади у. — *Жин урсин!"* Ва бу воқеани дўстларига гапириб бера бошлайди.

Мана, яна битта ҳикоя. Ўқиганингизда, эътибор берингчи, у сизни қизиқтирадими-йўқми? Агар қизиқтирса, биласизми, нима учун?

## Сизга сульфат кислота қандай таъсир кўрсатади?

Суюқлик кўпинча пинта, кварта, галлон ёки бареллар билан ўлчанади. Биз, одатда, винони кварта, сутни галлон, шинни, қиёмларни баррель билан боғлаб гапирамиз. Агар янги нефть фаввораси отилгудай бўлса, бир кунда у фалон баррель нефть беради, деймиз. Аммо шундай суюқликлар борки, уни жуда кўп миқдорда ишлаб чиқаришади ва фойдаланишади ҳамда тонналар билан ўлчашади. Бу суюқлик сульфат кислотадир.

Бизнинг унга ҳар куни турли шароитларда ишимиз тушади. Агар сульфат кислота бўлмаса, унда енгил машинангиз тўхтаб қолар ва сиз яна ўша "шалоқ арава" ёки кабриолетдан фойдаланишингизга тўғри келарди. Гап шундаки, сульфат кислота керосин ва бензинни тозалашда кенг қўлланилади. Сизнинг хонангизни ёритиб турадиган электр лампочкалар, овқат тановул қиладиган столингиз, ётоқхонага элтувчи йўлингиз усиз мутлақо мавжуд бўлмас эди.

Сиз эрталаб туриб, ваннадаги сувни очганингизда, никелли кранни бурайсиз, уни ишлаб чиқариш учун сульфат кислота ниҳоят зарур. Шунингдек, у эмалланган ваннангизни ишлаб чиқариш учун ҳам жуда керак. Сиз ювинаётган совун ҳам аслида ёғ ва мойдан сульфат кислота аралаштирилиб ишланган. Сочиғингиз ҳам сульфат кислота билан сиздан аввалроқ танишган. Бошингизга ишлатадиган чўтка тишлари ҳамда пластмасса тароқ ҳам сульфат кислота бўлмаганида, ишлаб чиқарилмас эди. Шубҳасиз, сизнинг устарангизга ҳам сульфат кислота билан кимёвий йўл орқали ишлов берилган.

Сиз ички кийимлар ва бошқа либослар киясиз. Бўёқ ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, бўёқчининг ўзи ва оқартирувчи ҳам сульфат кислотадан фойдаланган. Эҳтимол, тугма ишлаб чиқарувчи ҳам ундан ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун фойдалангандир. Тери ошловчи сульфат кислотадан теридан пойафзал ясаш учун фойдаланган ва у бизга оёқ кийимини тозалашда ҳам хизмат қилади.

Сиз нонушта қилишга ўтирдингиз. Агар коса, товоқлар оппоқ рангда бўлмаса, билингки, улар ушбу кислота ёрда-

мида тайёрланган. У заррин ранг билан қоплашда ва бошқа декоратив гулларга ишлов беришда ҳам қўлланилади.

Сизнинг қошиғингиз, санчқиларингиз ҳам сульфат кислота билан лиммо-лим тўлган ваннага кумуш тусга киритиш учун "чўмилиб" чиққан.

Нон тайёрланадиган буғдой ҳам балки фосфат ўғитлар ёрдамида устирилган бўлиши мумкин. У сульфат кислота ёрдамида ишлаб чиқарилади. Борди-ю, сиз қуймоқсимон қалин нонни шинни билан тановул қилаётган бўлсангиз, шуни билингки, шинни қиёмини ишлаб чиқариш сульфат кислотасиз асло амалга ошмайди.

Шундай қилиб, сульфат кислота кун бўйи сизга ҳар бир қадамда таъсир кўрсатаверади. Қаерга борманг, ундан қочиб кетолмайсз. Биз усиз уруша олмаймиз, усиз дунёда яшай олмаймиз ҳам. Бу кислота инсонга шунчалик зарурки, усиз яшаш асло мумкин эмас, аммо у ўртамиёна одамга мутлақо номаълум... Ҳамма гап ана шунда.

## Дунёдаги учта энг қизиқ нарса

Дунёдаги қандай учта нарса энг қизиқарли, деб ўйлайсиз? Булар: шаҳвоний муносабат, хусусий мулк ва дин. Биринчиси ёрдамида биз турмуш қуришимиз, иккинчиси воситасида уни қўллаб-қувватлашимиз, учинчиси ёрдамида эса уни нариги дунёда давом эттиришдан умидвор бўламиз.

Шу билан бирга бизни айнан шаҳвонийлигимиз, хусусий мулкимиз, динимиз қизиқтиради. Манфаатларимизнинг бари шахсий "мен"имиз атрофида жамланади.

Бизни "Перуда васиятнома қандай тузилади?" деган мавзудаги суҳбат асло қизиқтирмайди, аммо "Шахсий васиятномамизни қандай тузиш мумкин?" деган мавзу қизиқтириши мумкин. Айрим қизиқиш билан боғлиқ истисноларни ҳисобга олмаганда, бизни ҳиндулар дини асло қизиқтирмайди, аммо чексиз-чегарасиз ҳидоят билан нариги дунёда таъмин этувчи ана шундай динга теран равишда қизиқамиз.

Бир пайтлар лорд Нортклиффдан одамларни нима қизиқтиради, деб сўрашганида, у икки сўз билан: *"Уларнинг ўзла-*

*ри"*, деб жавоб берган экан. Нортклифф нима деганини жуда яхши биларди, чунки унинг ўзи ҳам Буюк Британиянинг энг бадавлат газета соҳиби эди.

Сиз ўзингизни қандай тасаввур этишингизни билишни хоҳлайсизми? Ҳозир биз жуда қизиқарли мавзуни муҳокама қилишга киришамиз. Яъни, сиз ҳақингизда гаплашамиз. Қаршингизга ойна олиб келиб қўямиз-у, унда сиз бутун ҳақиқий борлиғингиз билан кўринасиз. Ўз орзу-умидларингизни кузатиб боринг. Орзу-умидлар деганда, нимани тушунамиз? Профессор Жеймс Харви Робинсонга сўз берамиз. "Ақлнинг вужудга келиши" номли китобдан кўчирма келтирамиз:

*"Аксариятимизда уйғоқ бўлган пайтимизда ўйлагандек бўлиб туюлади, аммо кўпчилик уйқуда ҳам ўйлашни давом эттиришимизни яхши билади. Шунингдек, бу уйқудаги ўй-фикр уйғоқ пайтдагига нисбатан жуда бемаъни ва беҳудадир. Агар бизни қандайдир амалий ташвишлар тарк этса, шунда ҳозир биз айтадиганимиз "орзу" деб юритилади. У бизнинг ўз-ўзидан юзага келувчи ва севимли мушоҳада юритиш усулимиздир. Биз фикрларимизга ўз йўлидан кетишига изн берамиз, бу йўл эса умидларимиз ва хавотирларимиз, ўз-ўзидан вужудга келадиган хоҳиш-истакларимиз, унинг амалга ошиши ва таназзули билан белгилаб берилади; бизга нима ёқади, нима ёқмайди, нимадан нафратланамиз, нимадан аччиқланамиз — ана шулар томонидан белгиланади. Барча ўй-мушоҳадаларимиз, агар биз уларни назорат қилмасак, сўзсиз равишда бизнинг севимли "мен"имиз атрофида айланади, жуда қизиқарли ва таъсирли бу мойилликни ўзимизда ва бошқаларда ҳам кузатиш мумкин. Биз хушмуомалалик ва назокат билан бу ҳақиқатни пайқамасликка уринамиз, аммо у ҳақда ўйлай бошлаганимиз ҳамон у мисоли қоқ туш пайтидаги қуёш каби "ярқ" этиб кўзга ташланади.*

*Орзу-умидларимиз феъл-атворимизнинг асосий кўрсаткичидир. У табиатимизни, ўзга шаклга келтирилган, кўпинча яширин ва унутилган ўтмиш тажрибаларининг маълумотларини акс эттиради. Шубҳасиз, бизнинг ўз-ўзимизни улуғлашга ва ўз-ўзимизни ҳақли деб билишга нисбатан қатъий мойиллик унинг асосий ғам-ташвиши бўлиб, барча мушоҳадаларимизга таъсир ўтказади".*

Шундай қилиб, тингловчилар ҳузурида сўзга чиқмоқчи бўлган одамлар кўпинча кундалик рўзғор ва иш ташвишларидан халос бўлиб, вақтининг кўп қисмини асосан ўзи ҳақидаги мулоҳазалар билан ўтказади. Шу билан бирга ўзини ҳақли деб билиш ҳамда ўз-ўзини улуғлаш билан банд бўлади. Ёдингизда тутинг, оддий одамни Италиянинг Қўшма Штатлар олдидаги қарзи билан боғлиқ муаммоларидан кўра ошпазининг ишни ташлаб кетмоқчи экани кўпроқ безовта қилади. Уни Жанубий Африкадаги инқилобга нисбатан устарасининг ўтмаслиги ғазабини ошириб-тошириб юборади. Агар аёлнинг тиши оғриб қолса, уни ярим миллион одамнинг ёстиғини қуритган Осиёдаги зилзилага нисбатан ана шу тиш оғриғи кўпроқ хуноб қилади. Унга маъқул мавзулар ҳақида гапирсангиз, жон қулоғи билан эшитади, тарихдаги ўнта буюк инсон тўғрисида сўз юритсангиз, пинагини ҳам бузмайди.

## Қандай қилиб ёқимли суҳбатдош бўлиш мумкин?

Ёқимсиз суҳбатдош бўлишнинг сабабларидан бири шундаки, улар кўп ҳолларда ўзлари қизиққан мавзу ҳақида гапирадилар, бу бошқалар учун ўлгудек зерикарли эканини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ана шу жараённи тескарига айлантиринг, бошқа одамнинг қизиқтирадиган ишлари, соҳалари, унинг гольф ўйинашдаги муваффақиятлари, ютуқлари, борди-ю, аёл бўлса, болалари ҳақида тўйиб гапиргунича қўйиб беринг. Шундай бўлсин ва уни диққат билан тингланг, ана шунда одамларга мамнунлик бағишлайсиз. Ҳатто кам гапирсангиз ҳам сизни ажойиб суҳбатдош деб билишади.

Филадельфиялик Гарольд Дуайт омма олдида сўзга чиқувчилар курси битирувчилари шарафига уюштирилган зиёфатда ниҳоятда ажойиб нутқ сўзлади.

У столда ўтирганларнинг ҳар бири ҳақида навбати билан гапириб, улар курс бошида қандай гапиргани, қандай муваффақиятларга эришгани, машғулот иштирокчиларининг маърузаларини, қайси мавзуларни муҳокама этганларини эслатиб ўтди. Айримларига ўзларига ўхшатиб *(паро-*

*дия қилиб)* гапирди, ўзига хос хусусиятларини ошириб-шошириб, лоф тарзида сўзлаб берди. Бу эса ўтирганларнинг кулгисини қўзғаб, кайфиятларини кўтариб юборди. Шунга ўхшаш маълумотга эга бўлган маъруза муваффақият қозонмай қолмайди ва у мутлақо ибратли аҳамият касб этади. Осмон гумбази остида ҳеч қандай мавзу қатнашувчиларни шунчалик қизиқтирмаганди. Жаноб Дуайт одамлар табиатини яхши билар эди-да.

## Икки миллион китобхонни жалб этган ғоя

Бир неча йил муқаддам "Американ мэгэзин" номли журнал адади бирданига ошиб кетди. Ададнинг бу тарзда кескин кўтарилиши матбуот оламида рўй берган энг шов-шувли ҳодиса эди. Бунинг сири нимада? Ҳамма гап эндиликда марҳум Жон М.Сидалл ва унинг ғояларида эди. Мен илк бор Сидалл билан учрашганимда, у мазкур нашрнинг машҳур замондошлар таржимаи ҳоли бўлимини бошқарарди. М.Сидалл учун бир нечта мақола ёздим. Бир кун мен у билан ўтириб қолдим ва узоқ гаплашиб қолди.

*"Одамлар худбин бўлишади, — деди у. — Улар, асосан, ўзлари билан қизиқадилар. Ҳукумат темир йўлларга эгалик қилиши керакми-йўқми, деган масалалар кўп ҳам безовта қилмайди, аммо қандай қилиб муваффақиятга эришиш, қандай қилиб катта маош олиш мумкин, қандай қилиб соғлом бўлиш керак, деган масалаларни билишни ниҳоятда хоҳлайдилар. Агар мен бу журналга муҳаррир бўлганимда эди, журналхонларга тишларни қандай қилиб эҳтиётлаш, ваннани қай тарзда қабул қилиш, ёз пайтида уйни қандай салқинлатиш кераклигини, қай йўл билан яхши жой олиш мумкин, хизматчилар билан қандай муомала қилиш, уйни қандай сотиб олиш, қандай қилиб эслаб қолиш мумкин ва ҳоказо-ҳоказо маслаҳатларни бериб борардим. Одамлар ҳамиша таржимаи ҳол акс этган ҳикояларга қизиқишади, шунинг учун бадавлат кишилардан бирортасига кўчмас мулк туфайли қандай қилиб миллион ишлаб олиш мумкинлигини ҳикоя қилиб беришини илтимос қилардим. Таниқли банк бошқарувчилари ва турли корпорация президентларидан улар қай тарзда оддий хизматчидан ҳокимият тепасига*

*ва бойлик чўққисига чиққанини гапириб беришини сўрар эдим".*

Шундан сўнг кўп ўтмай, Сидалл муҳаррир этиб тайинланди. Ўшанда журнал адади жуда кам бўлиб, зарарига ишлаётганди. Сидалл нимаики деган бўлса, ҳаммасини адо этди. Натижа қандай бўлди? Ҳайратланарли даражада: журнал адади икки юз минг, уч юз минг, тўрт юз минг, беш юз минг нусхага етди. Унда омма нимага қизиқса, бари чоп этиларди. Кўп ўтмай, "Америкен мэгэзин" бир ойда миллион, сўнг бир ярим, икки миллион ўқувчини қамраб олди. Аммо адад сони тўхтаб қолгани йўқ. У тўхтовсиз ошиб борарди. Сидалл ўз журналхонларининг худбинона қизиқишларини қўзғатиб қўйган эди.

## Маърузада диққатни ҳамиша тортадиган маълумот тўғрисида

Агар сиз тўхтовсиз нарсалар, ғоялар тўғрисида гапираверсангиз, тингловчиларни ҳоритиб, чарчатиб қўясиз ва аксинча, одамлар ҳақида сўз юритсангиз, уларнинг диққатини ўзингизга жалб қилган бўласиз. Эртага бутун Америка ҳудудида миллионлаб суҳбатлар бўлиб ўтади, ҳовлиларда қўшнилар билан, чой устида, тушликда гурунглар кучая-ди. Буларнинг барида асосий мавзу нима устида бўлади, биласизми? Шахслар ҳақида, *у шундай-шундай деган, қандайдир хоним бундай бўпти, мен ўзим кўрдим, у ундай, бу бундай қилди, фалончи биржада жуда катта пул ютибди* ва ҳоказо...

Қўшма Штатлар ва Канадада ўқувчилар йиғилишида жуда кўп марта сўзга чиқишимга тўғри келган. Тўпланган тажрибага таяниб шуни айтишим жоизки, қизиқишни қўллаб-қувватлаш учун одамлар тўғрисида гапиришим керак экан. Мен қачон умумий гапларни ёки мавҳум ғояларни тилга олсам, Жонни ўз курсисида тескари ўтириб олади, Томми афтини буриштиради, Билли эса йўлакка нималарнидир ирғитади.

Бир куни Парижда бир гуруҳ америкалик ишбилармонлардан қандай қилиб муваффақиятга эришганлари ҳақида сўзга чиқишларини илтимос қилдим. Улардан кўпчилиги

яхши фазилатли кишиларни мақташга тушиб кетишди, ваъз ўқишни ўргатишга зўр бериб, тингловчиларнинг тинка-мадорини қуритишди *(дарвоқе, яқинда америкалик машҳур тадбиркорлардан бири худди шундай хатога йўл қўйганини эшитдим, у радиодан чиқиш қилган эди. Айнан шундай хатога клублар аъзоси ва сайёр нотиқ-аёллар йўл қўйишади).*

Шунда мен машғулотни тўхтатдим ва тингловчилар тахминан қуйидаги гапларни айтишди: *"Бизга ҳадеб ўргатаверишларини асло истамаймиз. Бу ҳеч кимга ёқмайди. Эсингизда бўлсин, сиз бизни қизиқтиришингиз керак, акс ҳолда мутлақо эътибор қаратмаймиз, бизга нима десангиз ҳам ҳавога учди, деяверинг, шу билан бирга эсингизда бўлсин: дунёда энг қизиқарли мавзулардан бири шон-шарафга бурканган ишончли миш-мишлар ҳисобланади, шунинг учун ўзингиз билган икки одам тўғрисида гапириб беринг. Улардан бири нега муваффақиятга эришди-ю, иккинчиси нима учун инқирозга юз тутганини тушунтиринг. Ана шунда сизни мамнуният билан тинглаймиз ва ҳамма гапларингизни эсда тутамиз, балки, ундан фойдаланишимиз ҳам мумкин. Шу билан бирга бундай воқеаларни гапириб бериш кўп сўзлилик, яъни эзмалик ва мавҳум ваъзхонликдан кўра жуда енгил кўчади".*

Тингловчилар орасида бир киши бор эди, уни ва тингловчиларини қизиқтириш жуда қийин эди. Шу билан бирга ўша кечада у тавсия этилган ғоядан фойдаланиб, бизга колледждаги икки курсдоши тўғрисида гапириб берди. Улардан бири шунчалик тежамкор эдики, у турли дўконлардан кўйлаклар сотиб олар, бу кўйлаклардан қайси бири яхши ювилади, қайси бири узоқ чидайди, деб кўрсатувчи жадваллар тузар, улардан қай бири сарф қилинган долларга яраша натижа беради, деб ўй сурарди. Бу одам фақат центларни ўйлар эди. Техник коллежни тугатгач, ўзининг ана шу қобилиятига шунчалар юқори баҳо бергандики, ишни ўртача мансаблардан бошлашни хоҳламади. Ваҳоланки, бошқа битирувчилар муваффақият сари интилган эдилар, ҳатто собиқ талабаларнинг уч йилдан кейинги учрашувида ҳам у ўша кўйлакларни ювиш ҳақидаги жадвалларини тузиб юрар ва қандайдир муъжизавий ҳодисани кутар эди. Аммо бу муъжизага барибир муяссар бўла олмади. Шундан бери

чорак аср вақт ўтди, бу одам эса ҳаётдан ноумид ва норози аҳволда қолиб кетди.

Сўнг нотиқ бу ҳаётий инқирозни бошқа, барча кутилган тўсиқлардан ошиб ўтган ҳамкасбининг ҳаёти билан солиштирди. Бу йигит ниҳоятда киришимли, дилкаш бўлиб, ҳамма уни яхши кўрарди. Гарча у кейинроқ иззатталаб ва кўпроқ иш қилишга интилган бўлса-да, ишни чизмакашликдан бошлади. Шу билан бирга у доимо диққат билан, ҳатто энг кичик имкониятларга қадар изланди. Ўша пайтда Буффалода Панамерика кўргазмасини ташкил қилиш бўйича режалар ишланаётган эди, у ерда малакали муҳандис ёрдамига муҳтож бўлишлари мумкинлигини у биларди. Шунинг учун Филадельфиядаги ишини ташлаб, Буффалога келди. Ўзининг ёқимтой ташқи кўриниши ва хушмуомалалиги туфайли у тез фурсатда Буффалода анчагина етарли сиёсий таъсирга эга бўлган бир арбоб билан дўстлашди. Улар шерик бўлдилар ва пудратга олиш ишларида иштирок эта бошладилар. Телефон компаниясида жуда катта иш олиб бориб, бу одамни охир-оқибатда жуда катта маош билан ушбу фирмага ишга қабул қилдилар. У мультимиллионерга, "Уэстерн юнион"нинг асосий эгаларидан бирига айланди.

Биз бу ерда сўзга чиққан кишининг ҳикояси бўйича айрим умумий сифатларга доир маълумот бердик. У жуда қизиқарли ва ёркин ахборот берди, кўпгина ажойиб ва таъсирли тафсилотларни тилга олди... Уч дақиқалик маърузага маълумот танлаб ололмайдиган киши ярим соатга яқин гапирганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Маърузаси шунчалик қизиқ эдики, барчага ниҳоятда қисқадай туюлди. Бу унинг учун илк марта рўй берган ҳақиқий ғалаба эди.

Деярли ҳар бир киши мазкур ҳодисадан ўзига сабоқ чиқариб олмоғи керак. Оддий маърузалар қизиқарли, инсоний нуқтаи назардан қараганда, воқеалар билан тўлдириб борилса, ниҳоят даражада муваффақиятли бўлади. Нотиқ бир нечта муаммоларнигина кўриб чиқишга уриниши ва уларни аниқ мисоллар билан бойитиши керак. Агар шундай усулни маъруза тузилишида истифода этилса, у ҳамиша диққатни жалб этади.

Агар мумкин бўлса, бу воқеаларда кураш нима учун рўй бергани, нега олиб борилгани ва у қўлга киритган зафар-

лар тўғрисида ҳикоя қилишга тўғри келади. Бизнинг барчамиз урушлар ва қамал қилишларга ниҳоятда қизиқамиз. Қадимги шундай нақл мавжуд, унда айтилишича, бугун дунё севишганларни суяди. Бу тўғри эмас. Бу дунё нимани севади, дейсизми, курашни севади. У аёл қўлига эга бўлмоқ учун икки севишган бир-бири билан қандай курашаётганини кўришни жуда истайди. Бу фикрнинг исботи сифатида ҳар бир роман, журналдаги ҳикояни ўқишингиз, ҳар қандай кинематографик драмани кўришингиз мумкин. Қачон барча тўсиқлар бартараф этилиб, зафар қозонган қаҳрамон маҳбуба аталмишни ўз қучоғига олган ҳамон тингловчилар шляпаси ва пальтосини ахтариб қолади. Йиғлаб ўтирган аёллар беш дақиқа ўтгач, яна ғийбатни бошлаб юборадилар.

Журналларда босиладиган барча насрий асарлар ана шу формулага асосланган, Китобхонларни қаҳрамон ва қаҳрамон қизни яхши кўришга мажбур этинг. Шундай қилингки, ана шу нимадир тенги йўқ нарсага айлансин. Қаҳрамон ва қаҳрамон қиз қандай курашаётгани ва ўз мақсадларига эришаётганини кўрсатиб беринг.

Бизнес ёки эркин касб билан шуғулланаётган одамнинг деярли енгиб бўлмайдиган тўсиқларни енгиш учун кураш олиб борганлиги тўғрисидаги ҳикоя ҳаммага илҳом беради ва қизиқарли туюлади. Бир куни журнал муҳаррири менга, ҳар бир кишининг ҳаётга оид ҳақиқий воқеаси доимо қизиқарли, деди. Агар кимдир курашса *(қай биримиз курашмаганмиз)*, унинг ҳаётий воқеаси, агар у тўғри ҳикоя қилинса, жуда қизиқарли бўлади. Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

## Изчил, аниқ бўлинг

Ушбу сатрлар муаллифи ўтказадиган курсда фалсафа доктори ва битта қўпол, аммо ғайратли, Британия ҳарбий-денгиз флотида ёшлик йилларининг ўттиз йилини ўтказган эркак ҳам шуғулланар эди. Келишган, ораста олим университет профессори бўлиб, унинг шериги, етти денгиз узра кезган киши унча катта бўлмаган фургон эгаси эди. Шуниси қизиққи, унинг маърузаси университет профессорининг нутқига нисбатан тингловчиларда кўпроқ қизиқиш уйғотди. Нима учун? Профессор инглиз тилида жуда ажойиб гапи-

рар, маданиятли, назокатли хатти-ҳаракатларга эга бўлиб, шу билан бирга мантиқли ва равшан фикр юритар эди. Лекин шунга қарамай, унинг нутқида битта муҳим тафсилот — аниқлик етишмасди. Улар жуда ғира-шира, ҳаддан зиёд умумийликка эга эди. Бу фазилат профессорнинг мардлиги ҳамда тилининиг бурролиги билан қовушиб кетиб, маърузасини ўта жозибадор қилиб қўйган эди.

Мен бу мисолни барча университет профессорлари ва фургон эгалари учун типик демоқчи эмасман, фақат қизиқиш уйғотиш, фақат олинган маълумот билан малака оширишга боғлиқ бўлмай, кимки яхши фазилатлар билан аниқ ва мазмунли гапира олса, бу бахт ўшанга насиб этади.

Бу тамойил шунчалар муҳимки, сизнинг миянгизга жойлашиб қолиши учун бир нечта мисоллар келтирамиз.

Умид қиламизки, сиз ҳеч қачон уларни эсингиздан чиқармайсиз ва ҳеч қачон эътиборсизлик билан қарамайсиз.

Масалан, бу ҳақда хабар беришнинг ўзи ҳам қизиқарли. Мартин Лютер бола пайтида *"жуда қайсар ва тарбияси оғир"* бўлган. Ўзининг эътироф этишига кўра, ўқитувчилар уни тез-тез — *"бир кунда ўн беш мартагача хивич билан савалашган экан"*.

"Ўжар", "тарбияси оғир" каби сўзлар диққатни тортмайди, аммо қамчилар сони тўғрисидаги маълумот жуда енгил қабул қилинади.

Таржимаи ҳоллар ёзишнинг эски усули шунга олиб келдики, унда кўпгина умумий ўринлар пайдо бўлди, буни Аристотель "ақли заифлар учун бошпана", деб ҳақли равишда, ҳа, ҳақли тарзда баҳолаган эди. Янги усулнинг аҳамияти шундаки, унда аниқ далиллар келтирилади, улар ўзлари ҳақида ўзлари гапиришади. Эски услуб биографининг ёзишига қараганда, Жон Доу *"камбағал, аммо номусли ота-оналардан туғилган эди"*. Янги усулга кўра, Жоннинг отаси ўзига бир жуфт калиш олишга қурби етмас эди, шунинг учун қор ёғаётганда, оёғи совуқда қотиб қолмаслиги учун ботинкаси атрофини қоп-қанор тикиладиган мато парчаси билан боғлаб оларди, оёғим қуруқ ва иссиқ турсин деб. Шу билан бирга у қанчалик камбағал бўлмасин, ҳеч қачон сутга сув аралаштирмас, от сотгудек бўлса, жонивор жўткирув *(ҳаллослаш)* билан касалланган бўлса, уни асло соғлом

деб алдаб, сотмас эди. Бу далилларнинг бари унинг отаси "камбағал, аммо ҳалол" эканлигини кўрсатмайдими? Баён этишнинг мазкур тури оддий тарзда "камбағаллик ва номус" ҳақида таъкидлаб ўтишдан анча фарқ қилади.

Яна битта мисол. Тасаввур қилиб кўринг-чи, ҳар куни Ниагара шаршараси ҳадсиз-ҳисобсиз потенциал қувватни мақсадсиз сарфлайди. Буни айтиб бўлгандан кейин тасаввур қилинг. Агар ундан ўринли фойдаланиб, қўлга киритилган натижалар ҳаётий эҳтиёжлар учун зарур бўлган мақсадларга сарф этилганида эди, у ҳолда бу пулга жуда кўп одамларни едириш ва ичириш мумкин эди. Мазкур маълумотни ҳам шундай йўл билан қизиқарли қилиш мумкинмиди? Биз уни Эдвин мақоласидан олдик. С.Слоссоннинг ушбу мақоласи "Дейли сайенс ньюс буллетин"да босилиб чиққан эди.

*"Бизга айтишларига кўра, мамлакатимизда бир неча миллион киши камбағаллик ва очликда яшайди. Айни дамда Ниагара шаршараси бекордан-бекор ҳар соатда 250 минг буханка нон нархига тенг қувватни исроф қилмоқда. Яъни, очиқдан-очиқ тасаввуримизда олтмиш минг янги тухум олиш мумкин бўлган қувват юқоридан пастга тушиб, азим, баҳайбат гирдоб ҳосил қилмоқда.*

*Агар Ниагара дарёсига тенг эни тўрт минг футдан иборат чит тикув дастгоҳларидан тўхтовсиз чиққанида эди, бу худди шундай хусусий Карнеги кутубхонасига қўйилганида борми, бир ёки икки соат давомида энг яхши китоблар билан тўлиб қолар эди. Биз, шунингдек, жуда катта универсал дўконни кўз олдимизга келтирайлик, ҳар куни Эри кўлидан пастда сузиб юрувчи ва юқоридан қуйига бор-буди билан бир юз олтмиш фут баландликдан пастга оқиб кетадиган бу дўконни тасаввур этинг. Буларнинг бари жуда қизиқ ва завқ-шавқни қўзғатадиган оммабоп нарсалар, шу билан бирга оломонни ўзига жалб этадиган, шу билан бирга анчайин қиммат маълумотлардир. Бунинг устига айрим кишилар ҳозирги пайтда оқиб тушаётган сув қувватидан фойдаланишга эътироз билдиришади, бундай лойиҳаларни амалга ошириш исрофгарчиликнинг ўзгинаси эмиш".*

## Манзара яратувчи сўзлар

Қизиқиш уйғотиш учун битта усул борки, у жуда катта аҳамиятга эга, аммо уни кўпинча назар-писанд қилишмайди. Ўртамиёна нотиқ, афтидан, унинг мавжудлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Эҳтимол, у бу ҳақда жиддий ўйлаб ҳам кўрмагандир. Мен сўзлар ёрдамида манзара ва тимсоллар яратиш, кўз олдимизда гавдаланадиган ва "гапирадиган" тимсоллар силсиласини вужудга келтирувчи усулни назарда тутяпман, уни эшитиш жуда осон бўлади.

Тимсоллар. Тимсоллар. Тимсоллар. Улар бамисоли биз нафас оладиган ҳаво каби эркин. Ўзингизнинг ҳикоя, суҳбатингизни ана шу тимсоллар билан тўлдиринг ва ана шунда у қизиқарли, дилкаш бўлади ҳамда сиз жуда катта таъсир кўрсатган бўласиз.

Манзара учун мисолни ҳозиргина Ниагара тўғрисида "Дейли Сайенс ньюс буллетин"да босилган парчадан олайлик. Ундан тимсолларни яратувчи сўзларга назар ташлайлик. Улар ҳар бир гапда кўзга ташланади, улар Австралиядаги қуёнлардай шунчалик кўпки! Икки юз эллик минг буханка нон, олтмиш минг тухум, тик жарликдан жаҳаннамга сакраш, гирдобдаги улкан қуймоқ, тикув дастгоҳларидан чиқаётган эни тўрт минг футдан иборат чит мато, Карнеги кутубхонасига китобларнинг шаршара мисоли оқиб тушаётгани, чўққидан пастга, сувга қулаб тушаётган йирик универсал дўкон.

Бундай ҳикоя ёки мақолага кинотеатрнинг кумушранг экранидаги кинофильмга сал бўлмаса эътибор бермаслик мумкин бўлмаганидек, бунга ҳам диққат-эътибор қаратмаслик асло мумкин эмас.

Герберт Спенсер ўзининг услуб фалсафаси ҳақидаги унча катта бўлмаган эссесида сўзнинг энг асосий аҳамияти ҳақида тўхталиб, тасаввур уйғотувчи, ёркин манзаралар ҳосил этувчи ўрни тўғрисида шундай деган эди:

*"Биз умумий ва бутун тарзда эмас, балки аниқ фикрлаймиз... Биз "агар кўнгилхуш одатлар, удум ва анъаналар мамлакатда зулм ва босқинчилик билан ажралиб турса, унда жиноят қонунчилиги ўзининг ёвузлиги билан ажралиб туради", деган гапларни ишлатишдан ўзимизни четга оли-*

*шимиз керак. Бу гап ўрнига шундай деб ёзишимиз керак: "Одамлар уринишлардан қониқиш туяр экан, буқалар уруши, гладиаторлар жангидан баҳра олар экан, улар осиш, ўтда куйдириш ва айбдорнинг танасини чўзадиган қадимий қийноқ қурилмаси каби жазо турларини қўллайди".*

Манзара яратувчи жумлалар Инжил саҳифаларини ҳам, Шекспир асарини ҳам тўлдиради, улар мисоли олма атрофини исканжа каби ўраб олган ариларни эслатади. Масалан, ношуд муаллиф ҳар қандай буюм ҳамма нарса етарли жойда ортиқча бўлади, деб тасдиқлаши мумкин. Шекспир ушбу фикрни қай тарзда ифодалаган? У буни ифодали жумлаларда ўлмас қилиб таърифлаган:

*...Олтин ақчалар олтинга беланган,*
*Лолагуллар оқ тусга кирган,*
*Ва муз жилоси, бинафшалар сочади атир...*

("Қирол Жон")

Сиз қачонлардир авлоддан-авлодга ўтган мақолларнинг деярли бари яққол гавдаланадиган тимсоллар бўлиб қолганини пайқаганмисиз? "Таваккалнинг этагини тут", "Томчилаб ёғдими, ёмғирни кут", "Ойни сойга сакратасан, аммо уни сув ичишга мажбур қила олмайсан".

Кўп асрлар мобайнида шундай ўхшатишларни топишингиз мумкин, улардан кўпини тез-тез истифода этадилар: "Тулкидай муғомбир", "Хамирдай ясси", "Тошдай қаттиқ".

Линкольн доимо образли атамалардан фойдаланган. У Оқ уйга топшириладиган узундан-узоқ, мураккаб, бюрократик ҳисоботлар жонига текканида, уларни сийқа сўзлар билан эмас, балки сира унутиб бўлмайдиган образли иборалар билан аямай танқид қилган эди. *"Мен қачон от сотиб олиш учун одам жўнатсам,* — деган эди у, - *отнинг думида нечта қил борлигини айтиб беришини асло хоҳламайман, фақат унинг кўринишини билишни хоҳлайман, холос".*

## Тингловчиларнинг қизиқишини уйғотиш учун қарама-қарши тушунчалардан фойдаланиш

Маколей Карл I ни қай тариқа қоралагани билан танишинг. Эътибор беринг, Маколей фақат образли нутқдан фойдаланибгина қолмайди, балки қарши айблов усулини мувозанатга келтиришга ҳам интилади. Кескин қарама-қарши, бир-бирига зид фикрлар деярли ҳамма вақт қизиқишни оширади ва айнан шу омил бу хат бошининг асосини ташкил этади: *"Биз уни тож кийиш маросимида ичган қасамига хиёнат қилганликда айблаймиз. Бизга у никоҳ даврида ичган қасамёдига содиқ эди, деб айтишади! Биз уни шунинг учун айблаймизки, у ўз халқини бераҳм ва енгилтак руҳонийлар қўлига топшириб қўйди, яна уни, ўзининг кичик ўғлини тиззасига ўтқазиб, уни ўпди-ку, деб ҳимоя қилишади ҳам! Биз уни ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Петиция моддаларини бузганликда қоралаймиз, у соғлом ақл-фаросат билан унга риоя қилиш тўғрисида сўз берганди, аммо бизга айтишларича, эрталаб соат олтидан бошлаб ибодатларни эшитишни одат қилиб олган эди! Айнан мана шундай мулоҳазалар, шунингдек, Карл I нинг вандейча қиёфаси, кийиниши, унинг чиройли юзи ва калтагина соқали, бизнинг фаҳмимизча, ҳозирги авлодга унинг обрў-эътиборига сабаб бўлган"*.

## Қизиқиш "юқумли" бўлади

Биз шу пайтгача тингловчилар учун қизиқиш уйғотадиган ҳар хил турдаги маълумотларни кўриб чиқдик. Айтилганларнинг барига риоя қилиб, Коккер каби, яъни санъатнинг барча турларига оид мавзуда сўзга чиқилса, бу маъруза жуда суст ва зерикарли бўларди. Тингловчилар қизиқишини қозониш ва уни "ушлаб туриш", бу — ҳиссиётлар ва кайфият билан боғлиқ жуда нозик вазифа ҳисобланади. У буғ машинасини ишга туширишни эслатмайди, албатта ва бу ерда ҳеч қандай аниқ қоидалар бериш ҳам асло мумкин эмас.

Шуни ёддан чиқармаслик керакки, қизиқиш жуда тез ўтади, юқумли бўлади. Агар сиз тингловчиларингизни шунга ундасангиз, улар ана шу билан, эҳтимол, машғул бўлиб қолишади. Бир неча муддат илгари менинг Балтимордаги курс машғулотларимдан бирида нозик муомалали одам жентльмен ўрнидан туриб, тингловчиларга шундай деб хабар берди: агар Чесапик кўрфазида денгиз олабуғасини овлаш усули худди аввалгидай олиб борилса, бу балиқ тури қирилиб кетади, бунга бир неча йил кифоя қилади, холос!

У ўз соҳасини жуда яхши биларди. Бу унинг учун жуда қадрли эди. Ташқи кўриниши ҳам, ҳаракатлари ҳам буни тасдиқлар эди. У гапиришни бошлаганида, мен ушбу кўрфазда шундай балиқ борлигини билмасдим. Назаримда, шу лаҳзада кўпчилик тингловчилар худди менга ўхшаб, бу ҳақда ҳеч нарса билмас ва бунга қизиқмас ҳам эдилар. Шу билан бирга нотиқ нутқини тугатганида, ҳар биримиз ўзимизда унинг қандайдир ташвишининг бир қисмини ҳис этдик. Ҳатто ҳар биримиз ҳам маҳаллий ҳокимиятга денгиз оқимини қонун йўли билан ҳимоя қилишга тайёр эканлигимизни билдирувчи аризага имзо чекишга тайёр эдик.

Бир куни "Американинг Италиядаги элчиси ўша пайтдаги собиқ Ричард Уошберн Чайлддан, сизнинг ёзувчи сифатидаги сирингиз нимада, деб сўрадим. У шундай деб жавоб берди: *"Мени ҳаёт шу даражада ҳаяжонга соладики, натижада хотиржам бўла олмайман. Бу ҳақда одамларга айтиб беришим керак"*. Бу муаллифнинг ёзганини ҳаяжонга тушмай эшитиш ёки ўқиш асло мумкин эмас.

Мен Лондонда қачонлардир бир нотиқнинг сўзини эшитган эдим.

У маърузасини тугатганида, иштирокчилардан бири, маш-ҳур инглиз романнависи Э.Ф.Бенсонга нутқнинг биринчи қисмига нисбатан охирги қисми кўпроқ ёққанини пайқаб қолдим. Сабабини сўраганимда, у шундай жавоб берди: *"Назаримда нотиқ ўз маърузасининг охирги қисмига кўпроқ қизиқади, мен эса ҳамиша ғайрат-шижоат ва қизиқиш билан гапираётган нотиққа ҳамиша ишонаман"*.

## Қисқа хулосалар

*1. Бизни оддий нарсалар тўғрисидаги ғайриоддий далиллар қизиқтиради.*

*2. Кўпчилик ҳолларда биз ўзимиз учун қайғурамиз.*

*3. Бошқаларни ўзи ҳақида гапиришига, қизиқишлари тўғрисида сўзлашга ундовчи ва диққат билан эшитувчи киши ҳамма жойда яхши ҳамсуҳбат деб тилга олинади, ҳатто у жуда кам гапирган бўлса ҳам.*

*4. Тингловчилар диққатини жалб этиш ва уни ушлаб туришга деярли ҳамма вақт одамлар ҳаётидан олинган турли миш-миш ва ҳикояларнинг ишончлилиги орқали эришиш мумкин. Нотиқ унча катта бўлмаган масалалар сони билан иш кўриши, уни тингловчилар қизиқишини қамраб олувчи ҳикоялар орқали илова қилиши, бу ишни мутлақо инсоний нуқтаи назардан бажармоғи керак.*

*5. Аниқ ва белгиланган ишни адо этинг. "Камбағал, аммо ҳалол" деган тизимга асосланган нотиқлар мактабига қўшилманг. Мартин Кинг болалигида тарбияси оғир ва ўжар эди, деб шунчаки айтманг. Бу ҳақда хабар қилинг-у, сўнг ўқитувчи хивич билан бир кунда ўн беш мартагача ургани ҳақида ҳикоя қилинг. Мазкур мисол фикрларингизни фақат равшан этиб қолмасдан, шу билан бирга таъсирчан ва қизиқарли қилади.*

*6. Кўз олдингизда бутун бошли суратлар силсиласини "чақирувчи" сўзлар, иборалар билан маърузангизни бойитинг.*

*7. Агар иложи бўлса, мутаносиб жумлалар ҳамда бир-бирига зид ғоялардан фойдаланинг.*

*8. Қизиқиш "юқумли" бўлиб, бошқаларга тез ўтади. Агар сўзга чиқувчининг ўзи англаб етмаса, тингловчиларнинг ўзи бунга тўла қамраб олинади. Шу билан бирга тингловчилар қизиқишини мавжуд қоидалар асосида беихтиёр равишда қозониш асло мумкин эмас.*

*Ўн иккинчи бўлим*

## ЎЗ УСЛУБИНГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИНГ

Бир англиялик, ишсиз, яшаш учун ҳеч вақоси йўқ ҳолда, Филадельфия кўчалари бўйлаб иш топиш илинжида юрар эди. У Пол Гиббоснинг — машҳур тадбиркорнинг идорасига кирди ва диққат билан қулоқ солишини илтимос қилди. Гиббонс ташқи кўриниши унинг фойдасини асло кўзламаётган нотаниш кишига ишонмай иигоҳ ташлади. Бу одамнинг кийими эскириб кетган, тўзғиган эди, бутун қиёфасида молиявий таназзул излари аниқ кўриниб турарди. Бироз қизиқиш, бироз раҳми келганидан Гиббонс унга қулоқ тутишга рози бўлди. Даставвал бир дақиқа вақт ажратмоқчи эди, аммо бир дақиқа бир соатга ўтди, суҳбат эса давом этарди. Ушбу мулоқот Гиббонснинг Филадельфиядаги "Диллон Рид" компанияси филиали бошқарувчиси, шаҳарнинг энг етакчи молиячиларидан бири Роланд Тейлорга қўнғироқ қилиши билан тугади. Тейлор эса нотаниш йигитни кечки овқатга таклиф қилди ҳамда унга қулай жой топиб қўйди. Ҳалокат ёқасида турган киши бу қисқа муддат ичида қандай қилиб шундай катта муваффақиятга эришди?

Мазкур сирни очиш мумкин: бу инглиз тили бўйича олган билими туфайли эди. Маълум бўлишича, Оксфордни тугатганидан сўнг у Америкага хизмат юзасидан борган, аммо ишнинг барбод бўлиши оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолган, яшашга ҳеч нарсаси, ҳатто дўстлари ҳам қолмаган. Аммо битта фазилати кўзга бўртиб кўринарди: бу одамнинг нутқи шунчалик бекаму кўст, нафисликка бой эдики, тингловчилар кўп ўтмай унинг йиртиқ-ямоқ пойафзали, тўзғиган пальтоси ва соқол-мўйлови ўсган юзини унутдилар. Нутқидаги услуб гўё уни юқори доираларга олиб кирувчи рухсатнома вазифасини ўтар эди.

Бу инсоннинг ҳаёти маълум даражада бошқача кечган, аммо у асл ҳақиқатга мисол бўлиши мумкин, бу эса айнан шуки, бизни ҳар куни сўзимизга қараб баҳолайдилар. Бизнинг сўзларимиз зиёли эканлигимизни кўрсатади; улар қайси доирада ҳаракат қилаётганимизни сезгир тинглов-

чига англатади; маълумотимиз ва маданиятимиз даражасини белгилаб беради.

Сизда ҳам, менда ҳам атрофдаги дунё билан мулоқотга киришишнинг фақат тўртта услуби мавжуд: бизга — қилаётган ишимиз, қандай муносабатда бўлишимиз, нимани ва қандай гапиришимизга қараб баҳо берадилар. Кўпчилик кишилар узундан-узоқ ҳаёт йўлига мактабни тугатган ҳамон қадам қўйишади, улар ҳатто ўзларининг сўз захираларини онгли равишда бойитишга ҳаракат қилмайдилар, ҳар бир сўзнинг маъно ўзгаришлари ва бу сўзни ўз ўрнида равшан қўллаш, талаффуз қилишни ўрганмайдилар ҳам. Улар ишда ва кўча-кўйда ишлатилган сийқаси чиққан жумлаларни ишлатишга ўрганиб қолишган. Шунинг учун инглиз тилининг асосий қонуниятларини ҳамда талаффузнинг анъанавий қоидаларини тез-тез бузиб туришларига ҳайрон бўлмаслик керак. Ҳатто илмий даражаси бўлган олимлар ҳам шундай хатоларга йўл қўйишади, улар шундай экан, ким ҳам ўзининг иқтисодий зарурати кучини маълумот олишга сарфлаш учун тўхтатиб қўяр экан?

Кўп йиллар муқаддам мен кундуз куни Римдаги Колизейда ўйга чўмиб турардим. Олдимга нотаниш англиялик киши келди, у Англиянинг қайсидир колониясида яшар экан. Ўзини таништирди ва Абадий шаҳарда ўтган ҳаёт йўли тўғрисида сўзлай бошлади. У ҳали уч дақиқа ҳам сўзламай туриб қўпол услубий хатоларга йўл қўя бошлади. Ўша куни эрталаб ўрнидан туриб, пойафзалини тозалади ва бежирим кийимларини кийди, чунки у одамлар билан муомала қилишда ўзига ҳурмат орттириши ва уларни ҳурмат қилишни ўйлаганди-да! Бироқ жумлаларини бежирим ва нафис, назокатли тарзда "тузиш" учун тирноқча бўлса ҳам уриниб кўргани йўқ. Масалан, у аёл киши билан суҳбатлашаётганида, шляпасини кўтариб қўймаса, уят ҳиссини бошидан кечириши мумкин эди, аммо услубий хатоларга йўл қўйганига ҳам парво қилмади, бунга эътибор бермади, яъни диққат билан тинглаган тингловчиларнинг эшитиш қобилиятини ҳақорат қилди. У ўзининг қандай инсон эканлигини ва жамиятда қай даражада ўрин эгаллаганини аниқ кўрсатди-қўйди. Инглиз тилини нотўғри гапиргани муқаррар равишда унинг маданиятдан маҳрум киши эканлигини бутун дунёга кўрсатиб турарди.

Гарвард университетининг собиқ президенти доктор Чарлз У.Эллиот чорак асар муқаддам шундай деган эди: *"Мен фақат эркак ва аёл маълумотининг зарурий қисми, деб маънавиятга эга бўлишни эътироф этаман. Бунда она тилини аниқ ва изчил ишлатишни назарда тутаман"*. Бу жуда муҳим фикр, уни чуқур ўйлаб кўринг.

Балки сиз шундай деб сўраб қоларсиз: сўзлардан қай тарзда фойдаланиш керак? Уларни чиройли ва аниқ қилиб қандай ишлатиш мумкин? Хайриятки, фойдаланишга тўғри келган восита ҳақида сўз борар экан, бунда ҳеч қандай мўъжизавий ва айёрона йўл мутлақо йўқ. Бу восита ҳаммага ошкор бўлган сирдан иборат. Линкольн ундан муваффақият билан фойдаланди. Унга қадар бирорта америкалик шунчалик муваффақиятли сўз бирикмалари ҳосил қилмаган ва ҳеч қачон шунча бетакрор ибораларни айтмаган эди, улар бамисоли мусиқага ўхшарди. *"Қаҳр-ғазаб билан эмас, ҳаммага бағрикенглик, хушмуомалалик билан"*. Отаси оддий, саводсиз, онаси бирор қобилияти билан кўзга ташланмаган эди, ана шу инсонлардан дунёга келган Линкольн мазкур сўзлар ато этган табиати билан алоҳида ажралиб турганмиди? Бу гапни айтишга асло асос йўқ. Линкольнни конгрессга сайлашганида, у Вашингтонда расмий сўровномани тўлдириб, маълумотига доир саволга фақат битта сўз билан: *"етарли эмас"*, деб жавоб берган эди. У бутун ҳаёти давомида бирор йил ҳам мактабга қатнамаган. Устози ким эди, ахир? Захария Бирни, Калеб Хезел Кентукки ўрмонларида, Эзел Дорси ва Эндрю Кроуфорд Индиана штатидаги Пижин Крикда бўлиб, улар жаҳонгашта педагоглар эдилар. Бу инсонлар бир маскандан иккинчисига кўчиб юрувчи пешқадам кишилар бўлиб, бир неча ўқувчини зўрға топсалар, сон гўшти, жўхори ва буғдойга ўқишни, ёзув ва арифметикани алмашиб ўргатишга тайёр эдилар. Линкольн улардан оддийгина моддий ёрдам ва унча катта бўлмаган маънавий қўллаб-қувватлашни олганди. У атрофини қуршаган одамлардан қанчалик кам нарсага эга бўлган.

Иллинойс штатидаги саккизинчи суд округида Линкольн мулоқотда бўладиган фермер ва савдогарлар ҳамда бошқа судланувчи томонлар сўзнинг мўъжизавий қувва-

тини билмасдилар, аммо фақат Линкольн *(бу жуда муҳим далил, уни эслаб қолиш керак)* ўзига тенг ёки паст ақлий қобилиятли кишилар билан мулоқотга киришишга вақт сарфлаб ўтирмасди. У ўзига ақл-заковати ниҳоятда юқори бўлган кишилар орасидан дўстлар ахтарарди. Бернс, Байрон, Броунинг асарларидан бутун-бутун саҳифаларни ёддан айтиб бера оларди. Линкольн Бернс тўғрисида маъруза ёзган. Байрон шеърларининг бир нусхаси унинг хизмат хонасида ётар, иккинчиси эса уйида сақланарди. Расмий кабинетида сақланган ўша нусхада у шунчалик кўп фойдаланган эдики, қўлига олган ҳамон "Дон Жуан" поэмаси бошланадиган саҳифани дарров очарди. Ҳатто у Оқ уйда бўлганида ҳамда Фуқаролар урушининг фожиали кунларида тинкаси қуриб, юзидаги ажинлар чуқур жой олганига қарамай, Гуд шеърларини ўринда ётиб ўқишга вақт топа оларди. Баъзан ярим кечада уйғониб кетар, китобни очиб, ўзига ёққан шеърларни ўқий бошлар эди. Ўрнидан туриб, тунги либосда ва шиппакда залдан оҳиста ўтар, котибининг олдига кирар ва унга бирин-кетин шеърларни ўқир эди. Бўлажак президент Шекспир асарларидан катта-катта парчаларни хотирасига келтириш учун тез-тез такрорлашга вақт топар, қайсидир актёрнинг ўқиш услубини танқид қилар ҳамда у ёки бу асарга ўзининг шахсий фикрини изоҳлашга киришарди. *"Мен яна Шекспирнинг айрим пьесаларини қайта ўқиб чиқдим,* — деб ёзган эди у актёр Хеккетга, — *буни тез-тез, ҳар қандай китобхон каби, махсус тайёргарлик кўрмасдан адо этаман: "Лир", "Ричард III", "Генри VIII", "Ҳамлет" ва асосан, "Макбет". Ўйлашимча, "Макбет"га тенг келадигани асло йўқ. Бу ҳайратланарли!"*

Линкольн шеъриятга берилган эди. У шеърларни эслаб қолиш, шахсий мулоқотларда уни такрорлаш билан кифояланиб қолмас, ҳатто ўзи ҳам шеърлар ёзишга ҳаракат қиларди. Синглисининг тўйида ўзининг узундан-узоқ поэмаларидан бирини ўқиган эди. Кейинчалик ҳаётининг ўрталарида у дафтарни янги шеърлари билан тўлдирди. Шу билан бирга ўзининг ижод намуналаридан хижолат бўлар, уялар, шунинг учун уларни, ҳатто энг яқин дўстларининг ҳам ўқишига рухсат бермасди.

*"Бу мактаб кўрмаган одам ўзининг ақлини ҳақиқий маданият намуналари билан бойитди,* — деб ёзган эди Робинсон ўзининг "Линкольн адабиётчи сифатида" деб номланган китобида. — *Даҳо дейсизми, истеъдод дейсизми, аммо ютуқлари жараёни профессор Эмертоннинг Эразм Роттердамский айтган билимдонлик ҳақидаги "Унинг мактабда таҳсил олишига ҳожат бормиди, у педагогик услуб асосида ўқиганди, бу доимо самарали натижа берди, бу шахсий толиқмас куч-қувватга доимий равишда билимларни тўлдириш ва амалий фаолиятга таянар эди", деган гапларига мос келар эди".*

Биринчилардан бўлиб кўчиб келган бу бесўнақай киши Индианадаги Пижин-Крик фермасида жўхори оқлаш, чўчқа бўғизлаш билан шуғулланган, бунинг учун бир кунда арзимас ўттиз бир цент олар эди. Ана шу шахс Геттисбергда шундай ажойиб нутқ сўзлагандики, маърузаси абадий бўлиб қолди. У ерда бир юз етмиш минг киши урушган эди. Етти минг киши ўлдирилган. Шу билан бирга кўп ўтмай Линкольн ўлимидан сўнг Чарлз Самнер айтгандики, Линкольн нутқи абадий яшаб қолади, уруш ҳақидаги хотиралар унут бўлиб кетганида ҳам ушбу нутқ туфайли уни эслаб турадилар. Бу донишмандлик тўғрисида ким ҳам шубҳа билдирарди?

Эдвард Эверет Геттисбергда икки соат давомида сўзлаган эди, аммо у нимаики деган бўлса, аллақачон унутилиб кетди. Линкольн бор-йўғи икки дақиқа сўзлаган. Фотосуратчи уни нутқ сўзлаётган пайтда суратга тушириш учун ибтидоий ускунасини ўрнатиб, нари-берисини созлагунича Линкольн нутқини аллақачон тугатган эди.

Унинг нутқи бронзага ўйиб ёзилган ва Оксфорд кутубхонасига инглиз тили ёрдамида нималар қилиш мумкинлигини кўрсатувчи намуна сифатида қўйилган. Омма ўртасида сўзга чиқувчи ҳар бир бошловчи уни ёддан ўқиб, ўрганиши керак:

*"Бундан саксон йил муқаддам оталаримиз ушбу қитъада барча одамлар тенг яратилганлар, деган тамойилга мувофиқ эркинлик шарт-шароитида ўсиб-улғайиб, янги миллатга асос солган эдилар. Ҳозир биз буюк Фуқаролар урушини олиб боряпмиз, унда бу ёки исталган бошқа миллат,*

*шу руҳда тарбияланган ва олий мақсадларга содиқ қолган бўлса, бундан сўнг яшаб қолади. Биз ҳозир ушбу улуғвор урушнинг майдонларидан бирида турибмиз. Бу майдонга шунинг учун келдикки, миллат яшаб қолиши учун ўзларининг ҳаётини фидо қилган кишилар хотирасини ёдга олиш учун унинг охирги қисмини олиш учун қадам қўйдик. Бизнинг ишимиз жуда тўғридир. Шу билан бирга, катта ҳисоб-китобга кўра, бу ерларни муқаддас заминга айлантириб, шон-шарафларга бурканган эдилар — биз эса арзимас кучларимиз билан сира ҳисса қўша олмаймиз ҳам, ундан ололмаймиз ҳам. Бу ерда нимаики деган бўлсак, дунё уни пайқамайди, уни хотирасида тутмайди ҳам, аммо уларнинг бу ерда амалга оширганларини ҳеч қачон унутмайди. Шу заминда яшар эканмиз, бу ерда урушиб, мардлик-матонат кўрсатганларнинг тугата олмаган ишларига ўзимизни бағишлашимиз керак. Олдимизда турган буюк вазифаларни амалга ошириш учун ўзимизни бағишламоғимиз лозим. Шон-шараф билан ҳалок бўлган ана шу одамлар номидан улар садоқат билан хизмат қилган ишга чуқур садоқат ила ўзни бағишлашимиз керак"*.

Одатда, Линкольннинг ўзи ушбу нутқ охирида ишлатилган ибораларни ўйлаб топган, деб ҳисоблашади, шундайми-кан?

Унинг адвокатлик ишлари бўйича шериги Геридон бунга қадар Теодор Паркернинг маърузалари нусхасини Линкольнга берган эди. Линкольн ушбу китобни ўқиб чиқди ва ундаги сўзларнинг тагига чизиб қўйди: *"Демократия, бу — бевосита бутун халқ устидан ўз-ўзини бошқариш бўлиб, бутун халқ томонидан халқ учун амалга оширилади"*. Эҳтимол, Теодор Паркер мазкур иборани тўрт йил муқаддам Хейнга юборган машҳур жавоб муаллифи Вебстердан ўзлаштиргандир? Унда: *"Халқ ҳукумати халқ томонидан халқ учун яратилган ва халқ олдида масъулдир"*, дейилган эди. Вебстер эса мазкур ғояни ўттиз йил аввал айтган Жеймс Монродан ўзлаштирган бўлиши эҳтимолдан

Теодор Паркер

холи эмас. Жеймс Монро уни қаердан олиши мумкин? Унинг таваллудидан беш юз йил муқаддам Уиклиф Муқаддас китоб таржимасига ёзган сўзбошисида айтган эдики, *"бу Инжил халқ ҳокимияти учун, халқ учун халқ томонидан бошқарилади"*. Уиклиф кўз очиб, дунёга келишидан эрамизгача тўрт юз йил муқаддам Клеон Афина фуқаролари олдида сўзга чиқиб, ҳукмрон ҳақида у *"халқники, яъни халқни халқ учун бошқаради"*, деб нутқ ирод қилган эди. Шу билан бирга Клеон бу ғояни қайси қадимий манбадан олганлиги ҳақидаги масала ўтмишнинг қоронғи чоҳларида йўқолиб кетган.

Янги гаплар қанчалар кам-а! Ҳатто буюк нотиқлар ҳам нақадар кўп китоб ўқиш билан машғул бўлмоқлари керак!

Китоблар! Ҳамма сир ана шунда! Кимки ўзининг сўз захирасини бойитмоқчи ва кенгайтирмоқчи бўлса, доимий равишда адабиёт хазинасини ўрганиши лозим. *"Мен кутубхонада бўлганимда, яккаю ягона битта афсус-надоматни ҳис этаман, у ҳам бўлса, ҳаёт жуда қисқа, мен эса рўпарамда турган ана шу ажойиб тўкин-сочин неъматлардан етарли равишда баҳраманд бўлмаганимдан ачиниш ҳиссини туяман"*. Брайт ўн беш ёшида мактабни ташлаб, пахта йигириш фабрикасига ишга кирди ва шундан кейин ҳам унга маълумот олишни давом эттиришнинг иложи бўлмади. Шунга қарамай, у ўз даврининг энг ажойиб нотиқларидан бири бўлиб етишди, инглиз тилини чуқур билувчи машҳур кишилардан бири сифатида донг қозонди. У ўқир, ўрганар, Байрон, Мильтон, Вордсворт ва Уитьер, Шекспир ва Шелли шеърий асарларидан олинган узундан-узоқ парчаларни дафтарига ёзиб олиб, мутолаа қилиш билан банд бўларди. Ҳар йили "Йўқолган жаннат"ни сўз захирасини бойитиш мақсадида қайта-қайта ўқир эди.

Чарлз Жеймс Фокс

Чарлз Жеймс Фокс Шекспирни овоз чиқариб ўқир, ўзининг услубини шу орқали такомиллаштиришга уринарди. Гладстон ўз хизмат хонасини "дунё ибодатхонаси" деб атар ва у ерда ўн беш минг китобни сақлар эди. Ўзининг эътироф этишига қараганда, унга ҳам-

мадан кўпроқ авлиё Августин, руҳоний Батлер, Данте, Аристотель ва Ҳомер асарларини мутолаа қилиш катта ёрдам берган. "Илиада" ва "Одиссея" илҳом бахш этган. У Ҳомер шеърияти ва даври тўғрисида олтита китоб ёзган эди.

Кичик Питт грек ва лотин тилида битилган бир ёки икки саҳифани кўриб чиқиш, сўнг мазкур парчаларни она тилига таржима қилишини одат қилиб олган эди. Бу ишни ўн йил давом эттирди ва *"ўз фикр-мулоҳазаларини олдиндан ўйлаб кўрмасдан ифодалашда тенги йўқ имкониятга эга бўлди, бунда яхши танлаб олинган ва бир-бирига ниҳоятда мос келувчи сўзлар ёрдамида эришди"*.

Демосфен Фукидиднинг "Тарих"ини ундаги барқарор сўз бирикмалари қудрати ва таъсирли кучини англаб олиш ва ўзлаштириш учун бу машҳур тарихчининг асарини етти марта кўчириб чиққан эди. Натижаси нима бўлди? Икки минг йилдан сўнг Вудро Вильсон ўз услубини такомиллаштириш учун Демосфен асарларини ўрганиб чиқди. Асквитнинг айтишига қараганда, унинг учун энг яхши тайёргарлик руҳоний Беркли асарларини ўрганиш бўлган.

Теннисон ҳар куни Инжилни ўрганарди. Толстой жуда катта парчани ёд олгунга қадар Инжилни қайта-қайта ўқир эди. Рескиннинг онаси унга Инжилдаги узун парчаларни хотирада қолдириш учун доимий ва ҳар куни уринишга, бу китобни ҳар йили овоз чиқариб, *"Борлиқдан Апокалипсис китобига қадар ҳар бир бўғин, айтилиши қийин исмларга қадар"* ўқишга мажбур қиларди. Рескин ана шундай интизом ва иш туфайли адабиётда ўзининг диди ва услубини ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Роберт Луис Стивенсон

Айтишларига қараганда, инглиз адабиётида энг севимли бош ҳарфлар Р.Л.С. эди. Роберт Луис Стивенсон, моҳиятан олиб қараганда, ёзувчилар учун ёзувчи, яъни ибрат эди. Уни машҳурлик даражасига кўтарган, ундаги мафтун этувчи услуб қай тарзда ривож топди? Бахтимизга, бу ҳақда унинг ўзи бизга гапириб берган:

*"Мен ўзимга жуда ёққан китоб ёки парчани ўқиган пайтимда, унда ниҳоятда санъаткорона ёзилгани ёки қандайдир алоҳида кучи ёки машҳур услубини ҳис этсам, дарров столга ўтирардим-у, ўзимни шу адиб, санъаткорга тақлид қилишга мажбур этардим. Билардим, бунинг уддасидан чиқолмас ва барини қайта бошдан бошлардим, кейин яна муваффақиятсизликка учрар эдим. Сира омадим келмасди. Аммо шунча беҳуда ҳаракатларга қарамай, охир-оқибатда қандайдир тажрибага эга бўлдим, бу эса асарларнинг алоҳида қисмларидаги вазн тизими, уйғунлиги ва қурилишига тааллуқли эди.*

*Шу тариқа мен иштиёқ билан Хезлит, Лэм, Вордсворт, жаноб Томас Браун, Дефо, Хоторн, Монтенга тақлид қилдим.*

*Шундай қилиб, бизга ёқимли-йўқми, бу ёзишни ўрганиш сари йўл ҳисобланади; менга фойдаси тегдими-йўқми, аммо бу ўша йўлнинг айнан ўзидир. Худди шу тарзда Китс ўрганди, адабиётда ундан зиёд даражада назокатли ва шиддатли ёзувчи ҳеч қачон ўтган эмас.*

*Бу тақлидларнинг ортида буюк бир азамат маъно мужассамки, эришиб бўладиган жой ортида ўқувчига тақлид қилиб бўлмайдиган бир намуна ярқираб кўринади. Майли, у ўзига ёққани каби уриниб кўраверсин, эҳтимол, муваффақиятсизликка учрар, аммо жуда кўҳна, аммо доно бир нақл бор: муваффақиятсизликнинг ўзи — муваффақият сари қўйилган энг яхши қадамдир".*

Исмлар ҳам, аниқ ҳикоялар ҳам етарли бўлди. Сир ҳам равшан. Линкольн муваффақият қозонишга жон-жаҳди билан уринган ёш адвокатга шундай деб ёзган эди: *"Муваффақиятга эришмоқнинг ягона йўли шундаки, китобларни топиб, уларни қунт билан ўқимоқ ва ўрганмоқдир. Иш, иш, иш — энг асосий шу".*

Қанақа китоблар? Ишни Арнольд Беннеттнинг "Бир кеча-кундузда қандай қилиб йигирма тўрт соат яшаш мумкин?" номли китобидан бошлаймиз. Бу китоб худди совуқ душ каби кишини тетиклаштиради. У бизга кўп нарсалар тўғрисида сўзлаб беради, биз учун барча жабҳалар орасида энг қизиғи — ўзингиз тўғрингизда сўз юритади. У сизга шунча вақт давомида ҳар бир кунни қандай қилиб беҳуда сарфлаганин-

гизни, бу мақсадсиз сарф этишларга қарши қандай курашмоқ ва ундан иқтисод қилиб, қандай фойдаланиш кераклигини очиб беради. Китоб бир юз уч саҳифадан иборат. Уни бир ҳафтада осонгина ўқиб чиқиш мумкин. Ҳар куни йигирма варақни йиртиб олинг-у, чўнтакка солиб қўйинг. Кейин эрталабки газеталарни ўқишга кетадиган одатдаги йигирма ёки ўттиз дақиқа ўрнига ўн дақиқа сарфланг.

*"Мен Тацит ва Фукидид, Ньютон ва Евклид туфайли газеталарни ўқишдан воз кечдим*, — деб ёзади Жефферсон. *— Ва ўзимни анча бахтиёр ҳис этаман"*. Наҳотки сиз Жефферсонга эргашиб, яъни шунинг натижасида газета ўқишга кетган вақтни икки марта қисқартириб, яқин келажакда ўзингизни анчайин бахтли ва ақлли ҳисоблаганингизни тушунмаган бўлсангиз? Наҳотки бу ишларни бир ой давомида бажариш учун ҳаракат қилиб, шу тариқа иқтисод қилинган вақтни анчайин фойдали машғулот — яхши китоб ўқишга бағишламаган бўлсангиз? Нима учун сиз лифт, автобус, буюртма овқат ёки учрашувни кутганда, ўзингиз билан бирга олган саҳифаларни ўқиб кўрмаслигингиз керак?

Ана шу йигирма саҳифани ўқиб тугатганингиздан сўнг уни қайтариб, яна китоб орасига қўйинг-у, навбатдаги йигирма варақни йиртинг. Сиз уларнинг барини ўқиб бўлганингиздан кейин китоб муқовасига чўзма тасма ўраб қўйинг, токи йиртилган саҳифалар йўқолиб кетмасин. Кутубхонангиз токчаларида ўқилмай ва қўл тегмай тургандан кўра, китобни шундай хунук тарзда йиртиб ўқиш ва унда жамланган фикрларни қабул қилиш фойдали эмасми?

"Бир кеча-кундузда қандай қилиб йигирма тўрт соат яшаш мумкин?" китобини ўқиб чиққанингиздан сўнг сизни шу муаллифнинг яна бир китоби қизиқтириши мумкин. "Инсоний машина"ни мутолаа қилишга уриниб кўринг. Бу китоб сизни одамларга янада эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўргатади. У сизда ўзингизни муносиб тута билиш ва эсанкириб қолмаслик хислатларини пайдо қилади. Мазкур китоблар унда нималар дейилгани бўйича тавсия этилмай, шу билан бирга қандай айтилиши тўғрисида, шунингдек, бойитиб борувчи ҳамда поклантирувчи таъсири ҳақида ҳам сўз юритади, улар албатта сизнинг сўз захирангизга киради.

Ралф Уолдо Эмерсон

Биз, шу билан бирга, бир неча бошқа фойдали китобларни тавсия этамиз: Фрэнк Норрисниng «Спрут», «Биржа» романлари америкача иккита энг яхши романлар бўлиб, анча олдин ёзилган. Биринчисида ҳисҳаяжонлар, тўлқинланиш ва инсоний фожиалар тўғрисида ҳикоя қилинади, Калифорниянинг буғдойзор далаларида бўлиб ўтади воқелар. Иккинчи романда биржада "айиқ" деб юритиладиган биржа даллоллари билан "ҳўкизлар" деб юритиладиган гаров ўйновчи биржа даллоллари ўртасидаги Чикаго биржасидаги жанжал, низолар хусусида ҳикоя қилади. Томас Хардининг "д'Эрбервиллийлар хонадонидан чиққан Тэсс" — энг ажойиб асарлардан бири. Шу билан бирга Ньюэлл Дуайт Хиллиснинг "Жамият учун инсоннинг баҳоси" номли ва профессор Уильям Андре Моруанинг "Шелли ҳаёти", Байроннинг "Чайльд Гарольд" ва Роберт Луис Стивеннинг "Эшак билан саёҳат" асарларини ҳам шу рўйхатга киритиб қўйиш мумкин.

Ралф Уолдо Эмерсонни ҳар кунлик ҳамроҳингизга айлантиринг. Унинг машҳур эссеси — "Ўзига ишонч"ни ўзингизга жуда яқин тутинг. Майли, у қулоғингиз тагига шунга ўхшаш жумлаларни шивирлаб турсин:

*"Ўзни ишонтириш, қалбнинг туб-тубида туғилган ишонч барча учун маъно касб этади ва у вақт ўтгач, барча учун кўнгилда борини умумлаштиради ҳамда милт-милт этувчи ақл сизни нур қувури орқали даҳшатли суд томон элтади. Кимки қалб садосига ишонмас экан, барибир Мусо, Платон, Мильтон бизни кўпроқ мафтун этади, айнан улар китоб донишмандлигини назар-писанд қилмас ва қарашлари бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг атрофидаги одамлар эмас, балки ўзлари нимани ўйлаган бўлсалар, ана шуни айтган эдилар. Инсон унинг қалбини ичдан ёритувчи нурни англаши ва уни мушоҳада этмоғи керак. Биз фикр-ўйларимизни шунинг учун бепарво учиришга ҳаракат қиламизки, бу фикрлар калламизга ўз-ўзидан келиб қолган. Буюк кишиларнинг сўзларида биз томонимиз-*

*дан тушиб қолган фикрларни англаб оламиз; улар бизга буюкликнинг совуққон нур доираси орқали қайтиб келади. Санъатнинг буюк ижоди, бизга сабоқ берадиган энг пандназиҳатли сабоқ айнан шундан иборат: улар бизга ўзига бино қўйган қайсарликни ўргатади, аммо бизда ғайриихтиёрий равишда тасаввур қатъи тарзда тутиб турилади, айниқса, улар жўр бўлиб мутлақо тўғридан-тўғри қарама-қарши томон юз ўгирсак, эртага қандайдир номаълум киши фавқулодда ишончли тарзда худди шунинг ўзини биз қандайдир ўйлаган ва ҳис этганимиз аниқлигига ишонтирмоқчи бўлади ва биз уялиб-нетмасдан ўзимизнинг шахсий фикримизга (уни бошқалар тасдиқлаган эди) қайтиб келамиз. Ҳар бир кишининг маънавий ҳаётида шундай бир палла бўладики, у ишонч сари қадам қўйганида, ҳасад нодонликни, жаҳолатни туғдиради; тақлид эса ўз-ўзини ўлдириш демакдир, у ёки буни исташидан қатъи назар, у ўз-ўзи билан муроса қалмоғи керак, худди ўзига белгиланган қисмат каби; коинот қандай неъматлар билан тўлиб-тошган бўлмасин, унга яшаш учун ризқ-насиба ато этилмайди, унга ажратилган бир парча ерга тиришиб ишлов беришга ҳам ярамайди. Унга қўйилган куч-қувват ҳам, унга тенги табиатда берилмаган бўлса ҳам, фақат ўзи нимага қобилиятли эканлигини била олади, у ўзини синовдан ўтказмасдан туриб, бу нарсалар асло равшанлашмайди" (Р.Эмерсон, эссе).*

Шу билан бирга биз ҳақиқатдан ҳам энг яхши муаллифларни охирида қолдирдик. Улар кимлар? Сэр Генри Ирвингдан энг яхши юзта китоб рўйхатини тузиш сўралганида, у шундай деб жавоб берди: *"Бундай рўйхатни тузишдан олдин менга иккита китоб — Инжил ва Шекспирни ўқишга изн беринг"*. Сэр Генри ҳақ эди. Инглиз адабиётининг бу икки буюк чашмасидан қониб ичинг. Узоқ ва тез-тез сипқориб туринг. Кечки газетангизни бир четга қўйинг ва шундай деб айтинг: *"Шекспир, кел олдимга, бугун кечқурун Ромео ва Жульетта ҳақида, Макбет ва ор-номус тўғрисида гапириб бергин"*.

Агар сиз бу маслаҳатларга амал қилсангиз, нимага эга бўласиз?

Доимий равишда, сезилмасдан, аммо муқаррар тарзда сўзлаш услубингиз ниҳоятда чиройли ва аниқ, равшан бўлади. Доимий равишда сиз қандайдир даражада шон-шараф гўзаллигини ҳамда ўз сафдошларингиз улуғворлигини ифодалайсиз. *"Менга нима ўқиётганингни айт, ким эканлигингни айтиб бераман"*, деган эди буюк Гёте.

Мен ўртага ташлаган ўқиш дастури қанчалик даражада ирода кучини, шу билан бирга вақтни пухталик билан иқтисод қилишни талаб этади. Сиз Эмерсоннинг туркум эсселарини ва Шекспир пьесаларини олишингиз мумкин.

## Марк Твеннинг сўздан фойдаланиш сири

Марк Твен сўзларни қўллаш соҳасидаги зўр қобилиятини қай даражада ривожлантирган эди? У ёш йигит чоғида йўловчи ташийдиган арава орқали Миссуридан Невадага қадар аста-секин, азобу машаққатлар билан босиб ўтди. Озуқаларни олиб юришга, баъзан одамларга ҳам, отларга ҳам, ҳатто сув ташишга тўғри келарди. Ортиқча юк фалокатга олиб келиши мумкин эди. Юк учун ҳар бир унция оғирлик ҳисобга олинар, боз устига Марк Твен Вебстер луғатини ҳам олган эди. У билан бирга тоғ даралари, қуёш тиғидан қовжираган саҳроларда, босқинчилар ва ҳиндуларга тўлиб-тошган жойларга қадар бирга бўлди. Унинг феъл-атворида жасурлик ва соғлом фикр устунлик қилар, зарур бўлган нимаики ишни бошласа, маҳорат билан амалга оширар эди.

Питт ҳам, Лорд Четем ҳам луғатдаги ҳар бир саҳифа ва сўзни икки мартадан ўрганиб чиқдилар. Броунинг луғатни ҳар куни синчиклаб ўрганар, бундан ҳузур қилар ва наф кўрарди. Линкольн *"қош қорайгунча ўқишни яхши кўрар эди*, — деб ёзади унинг биографлари Николи ва Хей, — *ва луғатдаги сўзни яна ниманидир кўриш мумкин бўлгунга қадар ўқийверарди"*. Булар камдан-кам ҳодисалар эмас, албатта. Ҳар бир машҳур ёзувчи ва ҳар бир машҳур нотиқ ана шундай қилади.

Вудро Вильсон инглиз тили соҳасида мисли йўқ билимга эга эди. У ёзганлари орасида Германияга қарши кураш

ҳақидаги Декларациянинг бўлимлари, шубҳасиз, адабиётда муносиб ўринга эга. Мана Вильсон сўзларни жойлаштиришни қандай ўргангани ҳақида айтганлари:

*"Отам ҳеч қачон оила аъзоларидан бирор кишининг ҳам нотўғри сўзлашига асло йўл қўймас эди. Гапда болалар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хато дарров тузатиларди; нотаниш сўзга шу заҳотиёқ изоҳ бериларди; бундай сўзни муомалада ишлатган ҳар бир киши рағбатлантирилар, бу эса унинг хотирада михланиб қолишига олиб келар эди".*

Нью-Йорклик нотиқни гапни равшан, аниқ тузгани ва тили нафис бўлгани учун роса таърифлашган. Яқинда бўлиб ўтган суҳбатда у ўзининг ўринли, аниқ нишонга тегадиган сўз танлашдаги қобилиятига доир сирни очди. Ҳар сафар суҳбат чоғида ёки ўқиганида нотаниш сўзга дуч келганида, уни алоҳида дафтарчага ёзиб олар экан. Сўнг ётишдан олдин ўзининг луғатига қараб, бу сўзни муомалага киритишга ҳаракат қилар экан. Бу йўл билан кун бўйи ҳеч қандай маълумот тўплай олмаган, шунда у Ферналднинг "Синонимлар, антонимлар, олд кўмакчилар" номли асаридан бир-икки саҳифани ўрганиб, синоним сифатида тўла равишда ўрин алмаштириб бўладиган сўзларнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб борган. Ҳар куни битта янги сўз — унинг шиори шундай бўлган. Демак, йил давомида уч юз олтмиш бешта фикр-ни ифодаловчи қўшимча қурол, деган маъноні англатади. Бу янги сўзлар ён дафтарчага тўпланиб, унинг маъноси, моҳияти кун бўйи бўш дақиқаларда кўриб чиқиларди. Янги сўзни уч марта ишлатиб кўрганидан сўнг у одатий ишлатадиган сўзларидан бирига айланганини пайқади.

## Ишлатадиган сўзларингизнинг романтик тарихи

Луғатдан фақат сўзнинг маъносини аниқлаш учунгина эмас, унинг келиб чиқишини қидириб топиш учун ҳам фойдаланиш керак. Сўзнинг маъноси баён этилганидан кейин қавс ичида унинг келиб чиқиши қайд этилади. Бирор сония ҳам сиз ҳар куни ишлатадиган сўзларингизни зерикарли ва бефарқ товушлардан иборат, деб ўйламанг асло. Улар нур ва романтика

билан лиммо-лимдир. Масалан, сиз *"баққолга телефон орқали шакар масаласида қўнғироқ қилинг"* каби насрий жумлани кўпчилик ҳар хил тил ва тамаддунлардан ўзлаштирилган сўзлардан фойдаланмасдан туриб айтишингиз мумкин. "Телефон" иккита юнонча сўз: "теле" — "узоқ" ва "фон" — товуш маъносини билдиради. "Баққол" эса "сабзавот билан савдо қилувчи", деган сўздан келиб чиққан. Инглизлар "шакар" сўзини французлардан, улар эса бу сўзни испанлардан ўзлаштириб олганлар. Испанлар ўз навбатида "шакар"ни араб тилидан олган бўлиб, араблар форслардан ўзлаштиришган. Форсча "шакар" сўзи санскрит тилидаги "каркара"дан ўзлаштирилган бўлиб, "ширинлик" маъносини билдиради.

Сиз "компания" учун ишлашингиз ёки унинг эгаси бўлишингиз мумкин. "Компания" сўзи эски француз тилидан олинган бўлиб, "компаньон" деган маънони билдирган, у сўзма-сўз "ком" бирга ва "панис" — "нон" деган маънони англатиб, "бирга нон еган киши", деганидир. Аслида "компания" яшаш учун бирга ишлаган одамлар жамоасини билдирган. Чўнтагингизда ётган "доллар" сўзма-сўз олинганда, "толер", яъни "водий" маъносини билдиради, ҳақиқатан ҳам долларга биринчи марта XVI асрда авлиё Иохаим водийсида зарб берилган эди.

"Январь" сўзи Римда яшаган этрусклик темирчи номидан олинган, унинг асосий касби қулфсозлик ва эшиклар учун зулфин ясаш бўлган. Бу темирчи вафот этганида, мажусий худолардан бири даражасига кўтариб, суратини икки юзли сифатида тасвирлашди, у бир пайтнинг ўзида икки томонга қараши мумкин эди, яъни бу эшикнинг очилиши ва ёпилишича боғлиқ эди. Шу сабабли йил охирида ва янги йил бошида турган ой "январь", яъни янус ойи деб аталган. Мана шунинг учун биз январь тўғрисида сўз юритсак, эрамизга қадар минг йил муқаддам яшаган ўша темирчи ва унинг Януа деб аталган хотини хотиримизга келади.

Еттинчи ой Юлий Цезарь шарафига июль деб юритилган. Шунинг учун император Август ундан орқада қолмаслик учун кейинги ойни август деб атади. Шу билан бирга ўша вақтда саккизинчи ой фақат ўттиз кундан ибо-

рат бўлган, аммо Август ўзининг номи билан аталадиган айни Юлий Цезарь номи билан аталадиган ойдан қисқа бўлишини асло истамас эди. Шунинг учун у февраль ойидан бир кунни олиб, август ойига қўшиб қўя қолди. Бундай шуҳратпарастлик билан қилинган ўғирлик изларини сиз бугун уйда илинган тақвимда кўришингиз мумкин. Аслида эса сўзлар тарихи, кечмиши ниҳоятда қизиқарли эканини билиб оласиз.

Катта луғатда қуйидаги сўзларнинг келиб чиқишини топишга ҳаракат қилинг: атлас, бойкот, сармоя, ойпараст, сендвич. Уларнинг тарихини билиб олинг. Шу тариқа булар икки баробар сержило, икки карра қизиқарли бўла боради. Ана шунда сиз улардан завқ-шавқ ва қизиқиш билан фойдаланасиз.

## Бир гапни 104 марта ёзинг

Нимани назарда тутганингизни аниқ айтишга, фикрларингизнинг нозик жиҳатларини ифодалашга ҳаракат қилинг. Бу, ҳатто тажрибали ёзувчилар учун ҳам осон эмас. Фанни Херстнинг менга айтишига кўра, у ўзининг жумлаларини эллик мартадан юз мартагача қайта ёзиб чиқар экан. *"Суҳбатимиз бўлиб ўтишидан бир неча кун олдин,* — деди у, — *битта жумлани бир юз тўрт марта қайта ёзиб чиқдим"*. Мейбл Герберт Урнернинг менга хабар қилишича, у кун бўйи бир нечта газетага босилиши лозим бўлган кичик ҳикоянинг бир ёки икки жумласини қисқартириш билан шуғулланар экан.

Гувернер Моррис ҳикоя қилишига кўра, Ричард Хардинг Дэвис мос келадиган ва тўппа-тўғри сўзни топиш устида доимо ишлаган.

*"Дэвиснинг бадиий насридаги сон-саноқсиз жумлалар орасида анчайин мос келадигани бўлиб, у ана шу жумлаларни таклиф қилиши мумкин эди. Жумлалар, хатбошилар, саҳифалар, ҳатто бутун бошли ҳикоялар қайта ва қайта ёзилар эди. У олиб ташлаш тамойили асосида тер тўкарди. Агар автомобиль дарвоза олдидан бурилгани ҳақида ёзмоқчи бўлса, бирор тафсилотни ташламай, узундан-узоқ ва батафсил тасвирлар эдики, насрий дунёдаги ҳар қандай*

*синчков кузатувчи ҳам бу воқеани хотирасида сақламаслиги сира мумкин эмасди. Сўнг бу тафсилотларни биринкетин олиб ташлар, ҳатто жуда кўп зўриқишлар билан эслаб қолганларигача асло қолдирмас эди. Ҳар бир қисқартиришдан сўнг у ўз-ўзидан: "тасвир сақланиб қоладими?" – деб сўрар, агар сақланмаса, олиб ташланган тафсилотларни яна тиклар ва бошқасини қисқартира бошларди ва ҳоказо, ва ҳоказо... Бундай геркулес (паҳлавон)ларча меҳнат токи китобхонга аниқ ва равшан манзаралар, лавҳалар қолгунча, ҳар бир икир-чикири якунлангунга қадар давом этар, унинг ҳикоялари ва романтик тарихлари доимо ана шундай ҳайратомуз равишда безалган эди".*

Кўпчилигимизда сўз устида бундай тарзда ишлашга вақт ҳам, хоҳиш-истак ҳам етишмайди. Бу мисоллар шунинг учун келтирилдики, машҳур ёзувчилар ҳам фикрни баён этиш ва ифодалашга жуда тўғри ёндашадилар. Бундай ёндашув сизни тилдан фаол фойдаланишга қизиқишингизни ошириш ва илҳомлантириш умидида уқдирилмоқда. Тўғри, нотиққа айтмоқчи бўлган фикрларни, маъно-мазмун нафисликларини ифодалаш учун айнан қайси сўздан фойдаланиш, айтилаётган сўз устида ўйланиб, фикр юритишнинг иложи бўлмайди, албатта. Аммо у ўзида фикрларни муомала, мулоқот жараёнида аниқ ифодалашга ҳаракат қилмоғи керак, токи фикрларни тушунмай қолишга олиб келмасин. У буни албатта қилмоғи зарур, аммо шундай иш тутадими? Йўқ.

Айтишларича, Мильтон саксон минг сўз, Шекспир эса ўн беш минг сўзни ишлатган экан. Инглиз тилининг меъёрдаги луғати ярим миллиондан камроқ сўзга нисбатан ўн беш минг сўзни ташкил этади. Аммо маълумотларга кўра, ўртамиёна одам икки мингта сўз билан муомала қилади. Унинг захирасида айрим феъллар сони, шу билан уларни бирлаштирувчи даражадаги қўшма сўзлар, бир сиқим отлар ва бир неча ўчириб ташланадиган сифатлар мавжуд бўлади. У ҳаддан ташқари ақлан заиф ёки ўта даражада иш билан банд, унинг ўзида аниқлик ва ифодаларни равшан ифодалаш учун вақт етишмайди. Натижада нима бўлади? Мисол келтиришга изн беринг. Яқинда Колорадо ясси тоғидаги катта каньон яқинида бўлишимга тўғри келди.

Ўшанда эшитдимки, бир хоним айнан чау-чау зотидан бўлган бир итни ва оркестр билан бошқариладиган мусиқавий асарни, инсон феъл-атвори ва Катта дара *(коньон)*-ни бир хил сифат билан тилга олиб гапирар экан. Бу сифатнинг номи "чиройли" эди.

Унинг бундай дейишига нима сабаб бўлди? Роженинг "Сўз хазинаси" номли луғатидан "чиройли" сўзига синоним ахтаришми? Унинг тўлиқ луғатининг қисқартирилган нашри жуда катта фойда келтиради. Агар бу китоб столим устида бўлмаса, мен ёзиш учун асло ўтирмайман. Одатдаги луғатга нисбатан уни ўн марта кўпроқ ишлатаман.

Бу китобни яратиш учун Роже неча йил машаққатли меҳнат азобини тортди! Боз устига мазкур китоб столингиз устида туриб, сизга унча қиммат бўлмаган бўйинбоғ нархида олган бўлсангиз ҳам, бутун умр давомида хизмат қилади. Бу кутубхона токчаларида тахланиб турадиган китоблар сирасига кирмайди. У шундай қуролки, доимий равишда фойдаланиш мумкин. Ундан маърузангиздаги фикрларни ёзиш ҳамда уларни силлиқлаш учун фойдаланинг. Бу китобдан хатларингизни айтиб туриб ёздирганда ва қўмитангиз маърузаларини тузишда фойдаланинг, ундан ҳар кун фойдаланинг, ана шунда сўздан фойдаланиш малакангизни иккиуч баробар ошган бўласиз.

## Ортиқча баландпарвоз гаплардан қочинг

Аниқ бўлиш билан бирга маърузангизни янги ва ўзига хос сўзлар билан ифодалашга ҳаракат қилинг. Нарсаларни ўз номи билан аташда мардлик намуналарини кўрсатинг. Масалан, бутунжаҳон тўфонидан сўнг қандайдир ақлли киши "бодринг каби совуқ" деган оригинал ўхшатишни ишлатган эди. Ўшанда бу сўз мутлақо ажойиб, шу билан бирга бутунлай янги бўлган. Ҳатто мазкур ифодадан Валтасар зиёфати ўтган машҳур давр-да ҳам ўзининг дастлабки навқирон янгилигини, эҳтимол, сақлаб қолган ва ундан зиёфатларда ирод этиладиган маърузаларда фойдаланиш мумкин эди. Аммо ўзига хослиги билан фахрланадиган қандай киши орадан шунча вақт ўтганидан кейин ҳам уни ҳозир такрорлаб ўтирар экан?

Мана сизга совуқни ифодаловчи бир ботмон ўхшатиш. У бодринг билан сийқаси чиққан ўхшатиш каби ифодалилик касб этмаса ҳам анча янги ва анча ўринлидир:

*Бақа каби совуқ.*
*Эрталабки грелкадай совуқ.*
*Шомпол (сумба) каби совуқ.*
*Тобут каби совуқ.*
*Гренландия чўққиси музлиги каби совуқ.*
*Лойдай совуқ — Колриж.*
*Тошбақадай совуқ — Ричард Камберленд.*
*Худди қор уюми каби совуқ — Аллан Каннингем.*
*Худди туз каби совуқ — Жеймс Хьюнекер.*
*Худди ер чувалчанги каби совуқ — Морис Метерлинк.*
*Худди субҳ каби совуқ.*
*Мисоли кузги ёмғирдай совуқ.*

Кайфиятингиз жойида бўлганида, совуқ ифодасини берувчи ўзингиз топган ўхшатишлар тўғрисида ўйланг. Бу борада ўзига хос бўлишга ҳаракат қилинг. Уларни қуйида ёзинг.

..... дай совуқ.
..... дек совуқ.
..... дай совуқ.
..... каби совуқ.

Бир куни Кетлин Норрисдан, услубни қандай қилиб яхшилаш мумкин, деб сўрадим. *"Классикларни, адиб ва шоирларни ўқиш йўли билан,* — жавоб берди у, — *ва ўзингизнинг асарларингиздаги ўчириб ташланган жумлалар ва тишингизга теккан ифодалар орқали".*

Бир журнал муҳаррирининг менга айтишича, у чоп этиш учун юборилган ҳикоядан бир-иккита бемаъни ифодаларни муаллифга қайтариб юборар, ўқиб ўтиришга вақт сарфламас экан. Шу билан бирга у, кимки тафаккурда оригиналликка эга бўлмаса, ўзига хос тарзда ифода эта олмайди, деб илова қилди.

## Қисқа хулосалар

*1. Одамлар билан муомалада сизда тўртта усул мавжуд. Улар биз ҳақимизда нима қилишимиз, қандай қарашимиз, нимани гапиришимиз ва буни қандай қилиб гапиришимиз*

*бўлиб, ана шунга қараб ҳукм чиқаришади. Кўпинча биз гапираётган сўз, тилдан қандай фойдаланишимизга қараб, баҳо берадилар! Чарлз Эллиот чорак аср Гарвард университети президенти бўлганида, шундай деган эди: "Мен фақат битта маънавий соҳани эркак ва аёл маълумотининг зарурий қисми деб эътироф этаман. Бунда мен аниқ ва изчил ҳолда она тилидан фойдаланишни назарда тутаман".*

*2. Сизнинг гапириш ҳолатингиз муайян даражада давррангизга доир одамлар билан муомала тарзингизни англатади. Шундай экан, Линкольндан намуна олинг ва адабиётнинг улуғ арбоблари билан дўст тутининг. У ўтказган каби кечалар уюштиринг, унда Шекспир ва бошқа буюк шоир ва наср усталарининг асарларини ўқинг. Шундай қилсангиз, ақлингиз сезилмас тарзда ва муқаррар равишда бойиб боради ҳамда гапириш услубингиз қандайдир даражада шерикларингиз ҳолати ва обрў-эътиборини ифодалайди.*

*3. "Мен Тацит ва Фукидид, Ньютон ва Эвклид туфайли газета ўқишдан воз кечдим, — деб ёзган эди Томас Жефферсон. — Ва ўзимни анчагина бахтли ҳис этдим". Биз нима учун ундан намуна олмаймиз? Газета ўқишдан бутунлай воз кечиш керак эмас, аммо унинг мутолаасига ҳозиргига нисбатан икки баробар кам вақт сарфланг. Шу тарзда иқтисод қилинган вақт ҳисобига қандайдир жиддий китобларни ўқинг. Ҳар бир китобдан йигирма ёки ўттиз варақни йиртиб олиб, чўнтакка солинг ҳамда бўш вақтингиздан фойдаланиб, уларни ўқиб чиқинг.*

*4. Ёзув столингизда турган луғат билан ўқинг. Нотаниш сўзларни ахтаринг. Луғат ёрдамида бу сўзни муомалага киритишга ҳаракат қилинг, уни хотирангизда мустаҳкамлашга уринининг.*

*5. Ишлатган сўзларингизнинг келиб чиқишини ўрганинг. Бу сўзларнинг келиб чиқиш тарихи зерикарли ва қуруқ гап эмас, балки у анчагина завқ-шавққа тўладир.*

*6. Сийқаси чиққан ва кўп ишлатилган сўзлардан ҳадеб фойдаланманг. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни ифодалашда аниқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ёзув столингизда Роженинг "Сўзлар хазинаси" луғати турсин. Уни тез-тез очиб туринг. Кўзингизни қувонтирган нарсани фақат битта "чи-*

*ройли" деган сўз билан атаманг. "Чиройли" деган сўзга синоним сифатида ўз фикрингизни янада аниқ, янада такрорланмас тарзда ифодалаш учун, масалан, назокатли, нодатий, ёқимли, нафис, нафосатли, гўзал, мафтункор, ҳашаматли, ажойиб каби сўзлардан фойдаланиш мумкин.*

*7. Сийқаси чиққан, масалан, "бодринг каби совуқ" каби ўхшатишларни ишлатманг. Янги сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг, ўзингизга хос ўхшатишлар яратинг. Ўзига хослик ҳосил этишда ғайрат-шижоатли бўлинг.*

# Безовталикдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари

*Кундалик ҳаётда танишишларга шошмаслик ўрганишиб қоламизки, у бизни безовталик, саросималик, ранж-алам ва дилгирликка дучор қилади. Оқибатда ўзимизга касаллик орттирганимизни билмай қоламиз. Кучли сиқилиш, ноҳуш ўй-хаёллар бизни ич-ичимиздан кемира бошлайди. Дард чекамиз, ҳатто тўшакка михланиб қоламиз. Ваҳоланки, безовталикдан халос бўлишнинг йўлларини ҳам ўзимиз...*



## БУ КИТОБ ҚАЙ ТАРИҚА ВА НИМА САБАБДАН ЁЗИЛДИ?

Ўттиз беш йил муқаддам мен ўзимни Нью-Йоркдаги энг бахтсиз йигитлардан бири деб ҳисоблар эдим. Мен юк машиналарини сотиш билан шуғулланар ва шундан келадиган даромад ҳисобига кун кечирардим. Механизмлар ҳаракати билан бошқариладиган юк машиналарини мутлақо тушунмасдим, тушунишни истамас ҳам эдим, чунки ишимни кўргани кўзим йўқ эди. Сувараклар ғужғон ўйнаган, арзон мебеллар билан жиҳозланган Ғарбий кўчадаги 56-уйда яшаш мен учун ўлимдан ҳам оғир эди. Ҳозиргача эсимда, хона деворида бўйинбоғларим осиғлиқ турар, эрталаб тоза бўйинбоғни олмоқчи бўлсам, сувараклар ҳар томонга қараб қочарди. Жирканиб бўлса-да, сувараклар билан тўлиб-тошган арзон иркит ошхоналарда овқатланардим.

Ҳар куни кечқурун бошим қақшаб, дилгир, умидсиз ҳолда ғазаб ва аламга тўлиб кимсасиз кулбамга қайтар эдим. Қаҳр-ғазабга минишимнинг боиси шунда эдики, коллежда ўқиб юрган пайтдаги орзуларимнинг бари саробга айланганди. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю, деб ўйлардим. Ҳамиша интиқ бўлиб кутган музаффар кун қани? Наҳотки, ҳаётим бутун умр шундай ўтса, нега мен нафратимни қўзғатадиган ишга боришим, сувараклар билан тўла хонада яшашим, ёқимсиз овқатларни тановул қилишим керак, наҳотки келажакдан ҳеч қандай умид бўлмаса?.. Мен ўқиш ва китоб ёзиш учун бўш вақт бўлишини интизорлик билан кутардим. Бу ҳақда ҳали коллежда ўқиб юрганимда ўйлаган эдим.

Билардим, ўзимга ёқмаган ишдан воз кечсам, ҳеч нарса йўқотмайман ва аксинча кўп нарсага эга бўламан. Мени катта пуллар қизиқтирмас, ҳаётим қизиқарли бўлишини истардим, холос. Хуллас, мен Рубикон ҳузурига келдим, яъни ўзларининг ҳаёт йўлларини эндигина бошлаган ёш йигитлар бир қарорга келган вазиятга қадам қўйдим. Шундай қарорга келдимки, у ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди.

Кейинги ўттиз беш йиллик хаёлий умидвор ҳаётимни осмон баробар кўтариб, мени бахтиёр ва мамнун этди.

Қарорим шундай эди: мен нафрат қўзғайдиган ишдан воз кечишим шарт. Шу тарзда Миссури штатидаги Уорренсберг педагогика коллежида тўрт йил таҳсил олдим, кечки мактабларда катта ёшлиларни ўқитиш жараёнида ўзимни ҳаётга тайёрлаш мақсадини тўлиқ англадим. Шунда китоб ўқиш, маърузаларга тайёрланиш, роман ва ҳикоялар ёзиш учун бўш вақт бўлар эди. Мен "ёзиш учун яшаш, яшаш учун ёзиш"га берилиб кетдим.

Кечқурун ёши катталарга қайси фандан сабоқ берсам экан? Коллеждаги машғулотларимни эслаб, шуни тушундимки, барча дарслардан кўра иш юритишда, умуман, ҳаётда энг муҳими ва фойдалиси муомала санъати экан. Нега? Чунки шу санъатни эгаллаганим туфайли ўзимдаги журъатсизлик ва ишончсизликни енгдим, муомалада дадиллик ва маҳорат орттирдим. Шунингдек, ўз қатъий нуқтаи назарига эга одамгина бошқалар устидан раҳбарлик қила олишини англаб етдим.

Мен Колумбия ва Нью-Йорк университети кечки курсларида нотиқлик санъатидан дарс берувчи ўқитувчилик лавозимига ўтиш учун ариза бердим. Аммо бу университетлар менинг ёрдамимга асло муҳтож эмас экан.

Шунда жуда ранжидим, лекин кейинчалик маълум бўлдики, менга бахт кулиб боққан ва мен ҳеч нарса йўқотмаган эканман. Мен ўсмирлар насроний уюшмаси кечки мактабида машғулот ўта бошладим, бунда муайян натижаларга тезликда эришишим шарт эди. Олдимда мураккаб вазифа турарди! Ёши катталар менинг машғулотларимга диплом олиш ёки ижтимоий нуфуз илинжида келмасдилар, албатта. Улар фақат бир мақсад — ўз муаммоларини ҳал этиш учун келишар эди. Улар турли ишга доир мунозараларда қўрқувдан ҳушдан кетиб қолмасдан ўз нуқтаи назарини қатъий ҳимоя қилиш маҳоратини эгаллашга тиришардилар. Савдо агентлари дадил бўлиш учун квартал атрофини уч марта айланмасдан камгап мижоз билан тезда тил топиш маҳоратини эгалласам, дерди. Улар ўзларини йўқотиб қўймаслик ва ўзларида ишончни мустаҳкамлаш кўникмаларини ривожлантиришни истар эдилар. Ишларида олдинга сил-

жишни хоҳлашар, кўп пул ишлаш ва оиласини бемалол таъминлаш доимий истаклари эди. Ўқигани учун улар вақти-вақти билан бадал тўлашар, агар машғулотлар кўнгилдагидек натижа бермаса, пул тўлашни бас қилишарди, лекин мен ҳеч вақт шикоят эшитганим йўқ, фақат даромаддан келадиган фоиз билан кифояланардим, очдан ўлмаслик учун кўпроқ амалиётчи бўлишга тўғри келарди.

Ўша пайтда менга оғир шароитда машғулот ўтказишга тўғри келгандай туюлган эди, аммо ҳозир англасам, бебаҳо тажриба тўплаган эканман. Мендан ўқувчиларимда қизиқиш малакасини ошириш талаб этиларди. Мен уларнинг муаммоларини ечишга ёрдам беришим зарур эди. Ҳар бир машғулотни ёркин ва таъсирчан ўтказишим шарт эди, токи бу машғулотни давом эттириш учун ўқувчиларда иштиёқ пайдо бўлсин.

Бу жуда мароқли фаолият эди. Ва мен ўз ишимни ниҳоятда ёқтириб қолдим. Мени шуниси ҳайратлантирдики, ишбилармон кишилар тезда ўзларида ишонч ҳосил қилиб, хизмат пиллапояларидан анча илгариладилар, уларнинг моянаси ҳам анча ўсди. Муваффақият менинг кўкдаги орзуларимдан ҳам анча зиёд эди. Орадан уч ой ўтгач, илгари ҳар кечки маъруза учун беш доллар тўлашдан бош тортган уюшма энди даромаддан устама фоиз ҳисобида ўттиз долларлардан тўлай бошлади. Мен дастлаб нотиқлик санъатидан машғулот ўтказардим. Йиллар давомида англадимки, менинг ёши катта талабаларим ҳам дўстлар орттириш ва одамларга таъсир кўрсатишга жуда муҳтож экан. Бу борада маъқул келадиган ўқув қўлланмаси топа олмаганим сабабли жамиятда одамлар орасидаги муносабатга доир китоб ёздим. У ёзилди, йўқ, у оддий тарзда ёзилгани йўқ. Ёши катта тингловчиларимнинг ҳаётий тажрибалари асосида яратилиб, шу асосда дунёга келди. Мен уни "Қандай қилиб дўстлар орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин?" деб номладим. Китоб тингловчиларим учун ўқув қўлланмаси тарзида ёзилган бўлса-да, мен яна тўртта бошқа китоб ёздим, у ҳақда ҳеч ким билмасди, ўзим ҳам уларни шу қадар кенг тарқалиб кетади, деб хаёлимга келтирмаган эдим, балки ҳозирга қадар энг кўп олқиш олишга сазовор бўлган муаллифлардан бири ҳисоблансам керак.

Йиллар ўтди ва мен тингловчиларимнинг энг асосий муаммоларидан бири безовталик эканини англадим. Уларнинг кўпчилиги ишбилармон кишилар — маъмурий ходимлар, савдо агентлари, муҳандислар, ҳисобчилар, турли соҳа ва касб-ҳунар мутахассислари бўлиб, аксарияти олдида муайян муаммолар кўндаланг турарди! Машғулотларда аёллар — хизматчи ва уй бекалари ҳам иштирок этарди. Уларнинг ҳам муаммолари мавжуд эди. Ўз-ўзидан аён эдики, безовталикни қандай бартараф этиш ҳақида ўқув қўлланмаси зарур ва мен шундай китобларни топишга яна ҳаракат қилдим. Нью-Йорк марказий кутубхонасига йўл олдим ва у ерда мени "Безовталик" рукни остида фақат 22 номдаги китоб борлиги ҳайратга солди. Қарта ўйинига оид "Таппон" рукни остида эса 189 та китоб ҳисобда туришини билиб ҳайратим ошди. Безовталикка нисбатан қарта ўйинига тегишли китоб деярли тўққиз марта кўп эди. Ғалати-я, шундай эмасми? Ахир безовталик бутун инсоният олдида турган энг катта муаммолардан бири-ку! Ўз-ўзидан маълумки, "Безовталикни қандай бартараф этиш мумкин?" номли курс мамлакатнинг барча ўрта мактаб ва коллежларида ўтилиши шарт бўлади. Аммо мазкур масалага оид ўқув қўлланмасини мамлакатимиз ўқув юртларининг бирортасидан ҳам топа олмадим. Дэвид Сибери "Безовталикни қандай бартараф этиш керак?" номли китобида қуйидагиларни ёзганида, ҳайрон қолмаслик керак: *"Китобни кемирувчи Гумбак балетга тушиш учун қанчалик нотайёр бўлса, биз ҳам ўсмирлик пайтимизда ҳаётий ташвишларга шунчалик нотайёр ҳолда қадам қўямиз"*.

Натижада нима бўлади? Мамлакатимиз шифохоналаридаги ўринлар сонининг деярли ярмидан кўпи асаб ва руҳий дилсиёҳликдан азоб чекувчи кишилар билан банддир. Мен Нью-Йорк марказий кутубхонаси токчасидаги безовталик билан боғлиқ ана шу йигирма иккита китобни ўқиб чиқдим. Шу билан бирга мазкур масалага доир топган китобларнинг барини сотиб олдим. Лекин улар орасида ўзим машғулот ўтаётган курсга яроқли бирор қўлланмани топа олмадим. Шунда бундай китобни ўзим ёзишга қарор қилдим.

Бу китоб устида ишлаш учун етти йил муқаддам тайёргарлик кўрган эдим. Қай тарзда? Барча асрларда ўтган

файласуфларнинг безовталик ҳақидаги фикрларини ўқиб чиқдим. Шу билан бирга Конфуцийдан тортиб Черчиллга қадар юзлаб таржимаи ҳолларни ўргандим. Турли соҳадаги машҳур кишилар, масалан, Жек Демпси, генерал Омар Брэдли, генерал Марк Кларк, Генри Форд, Элеонора Рузвельт, Дороти Дикс билан суҳбатлашдим. Аммо булар ҳали дебоча эди.

Бинобарин, мен суҳбат ва мутолаадан ташқари ниҳоятда муҳим бир иш билан ҳам банд бўлдим. Беш йил давомида безовталикка алоқадор муаммоларни тадқиқ этувчи лабораторияда тер тўкдим. Лаборатория курсимиз қошида ташкил этилган эди. Менга маълум бўлишича, бу дунёда мазкур йўналишдаги биринчи ва ягона лабораториядир. Фаолиятимиз қуйидагича ташкил қилинган эди. Биз тингловчиларга безовталик билан курашга тегишли қатор қоидаларни бериб, уни турмушга татбиқ этишни сўрар эдик, сўнг қўлга киритилган натижалар хусусида машғулотлар пайтида ахборот бериш талаб этиларди.

Бошқа тингловчилар безовталик билан курашда илгари қўллаган усуллари ҳақида сўзлаб берардилар.

Бунинг натижаси ўлароқ, "Безовталикни қандай тарк этдим?" деган мавзуда дунёда ҳеч ким мендек кўп ҳикоя тингламаган бўлса керак. Шу билан бирга мен почта орқали каминага жўнатилган шу мавзуга доир юзлаб ҳикояларни ўқиб чиққанман. Уларнинг аксарияти АҚШ ва Канаданинг бир юз етмишта шаҳрида ўтказилган курсимиз мукофотига сазовор бўлган эди. Мазкур китоб фил суягидан ясалган минора устида яратилган эмас, албатта. Шунингдек, у безовталикка қарши курашни кўрсатувчи академик трактат ҳам ҳисобланмайди. Мен безовталикдан халос бўлган минглаб кишиларнинг аниқ дадилларига асосланган, енгил ўқиладиган ихчам китоб ёзишга ҳаракат қилдим. Бир нарса аниқ: бу китоб амалий қўлланмадир. Сиз уни ўрганишга киришаверишингиз мумкин.

Шуни хушнудлик билан маълум қиламанки, бу китобда тасаввур қилинган хаёлий "Жаноб Б..." ёки тўқиб чиқарилган, шахсини тиклаб бўлмайдиган "Мэри ва Жон" ҳақидаги ҳикояларни топа олмайсиз. Китоб ҳаққоний ёзилган. У ҳужжатли манбаларга асосланган. "*Фан*, — деган эди фран-

цуз файласуфи Валери, — *ўзини оқлаган рецептлар тўпламидан иборатдир"*. Менинг китобим ҳам вақт синовидан ўтган ва ҳаётимиздан безовталикни бартараф этишга имкон берувчи, ўзини оқлаган андазалар тўпламидан иборатдир. Шу билан бирга огоҳлантириб қўяй: сиз қандайдир янги нарсани пайқамассиз, лекин унда кундалик турмушда қўлланмайдиган нарсани топасиз. Шундай ҳолда қандайдир янги нарсанинг ҳожати ҳам йўқ. Биз мукаммал ҳаёт кечиришни тўлиқ биламиз, албатта. Бизнинг фожиамиз саводсизликда эмас, балки фаолият кўрсатмасликда. Мазкур китобнинг мақсади — қадимий ва унутилмас кўпгина ҳақиқатларни таърифлаш, мисол билан кўрсатиш, замонавийлаштириш ҳамда улуғлашдан иборатдир.

Бу китоб сизга қандай ёзилганини билиш учун учунгина керак эмас, албатта. У сизга фаолият кўрсатишингиз учун керак. Хўш, келинг, бошлаймиз. Даставвал китобнинг қирқ тўрт варағини ўқиб чиқинг, безовта бўлишга имкон берувчи ва ҳаётдан ҳузур-ҳаловат олиш учун янги куч-қувват, илҳом олмаганингизга ишонч ҳосил қилсангиз, бу китобни ахлат қутисига улоқтиринг. Бундай ҳолатда у сизга керак бўлмайди.

*БИРИНЧИ ҚИСМ*

# БЕЗОВТАЛИК ҲАҚИДА БИЛИШ ЗАРУР БЎЛГАН АСОСИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

*Биринчи бўлим*

## БУГУНГИ КУННИНГ "ОРАЛИҚ, БЎШ ЖОЙИ"ДА ЯШАНГ

1871 йил баҳорида бир ўспирин китобдан ўзининг келажагини бутунлай ўзгартириб юборган йигирмата сўзни ўқиди. Монреалдаги умумий ихтисослик шифохонасида тиббиёт талабаси сифатида амалий машғулотларни ўтказар экан, уни қуйидаги муаммолар безовта қилар эди: битириш имтиҳонларини қандай топшириш керак, қаерга бориб ишлаш мумкин, ўз амалиётини қай тарзда ташкил этмоқ лозим, яшаш учун нима қилиш керак?

Бу ёш тиббиёт талабасини 1871 йилда ўқиган йигирмата сўз ўз даврининг энг машҳур терапевти бўлиб етишишига ёрдам берди. У Жонс Гопкинс университети қошида жаҳонга донғи кетган тиббиёт мактабини ташкил этди. У Британия империясида тиббиёт олими муяссар бўладиган энг юксак унвон — Оксфорд қироллиги тиббиёт профессори деган номга сазовор бўлди. Англия қироллиги дворяни даражасига кўтарилди. Вафотидан сўнг 1466 саҳифадан иборат каттакон икки жилдли китоби босилиб чиқди, унда ҳаёт йўли ҳикоя қилинган эди.

Уни сэр Уильям Ослер дейшарди. Қуйида унинг ҳаётини безовталикдан халос этишга ёрдам берган Томас Карлейл томонидан ёзилган йигирмата сўз келтирилади: *"Бизнинг асосий вазифамиз келажакнинг туманли йироқ жойларига нигоҳ солиш эмас, балки кўзимизга кўриниб турган томонлари сари дарҳол ҳаракат қилмоқдан иборат"*.

Орадан қирқ икки йил ўтиб, университет чорбоғида лолалар гуллаган сокин баҳор оқшомларидан бирида сэр Уильям Ослер Йель университети талабаларига мурожаат этди:

*"Одамлар мени, яъни тўрт университет профессори ва оммабоп китоблар муаллифини "алоҳида хислатлар мияси"га эга бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Бу тўғри эмас"*, деб таъкидлади у. Маълум бўлишича, яқин дўстлари уни "ўртамиёна қобилият эгаси" деб билар эканлар.

Барибир ундаги ютуқлар сири нимада? Ўзининг айтишича, муваффақиятининг сабаби, бошқа кунлар билан ҳаддан зиёд "зичлашиш"дан алоҳида олинган, ажратиб ташланган бугун билан яшашга интилганида. Бунда у нимани назарда тутган? Сэр Уильям Ослер Йель университетида маъруза ўқишдан бир неча ой муқаддам йирик океан кемасида Атлантика океанини кесиб ўтган эди. Кема капитани кўприкчада туриб тугмачани боса олар, шунда бирдан механизмлар шовқини эшитилар, кеманинг бошқа бўлмалари сув кирмаслик учун герметик тарзда ёпилар эди. *"Сизларнинг ҳар бирингиз,* — дейди доктор Ослер бу талабаларга, — *катта кемадан кўра кўпроқ зарур бўлган керакли механизм каби катта ҳаёт йўлига чиқиб олгач, узоқ сафарга отланасиз. Мен шуни талаб қиламанки, ўзингизга берилган ушбу механизмларни назорат қилишни ўрганишингиз, уни турли тўфонлардан ҳимоя қилишингиз, яъни уни турли "бўлаклар"дан ўз вақтида ажратиб олишингиз керак. Шундагина саёҳатингиз бехатарлигини таъминлаган бўласиз. Кўприкчада туринг ва ҳеч бўлмаганда кеманинг асосий сув ўтказмайдиган қисми доимий ишлаб туришини таъминланг. Тугмачани босинг ва ўшанда ҳаётингизнинг ҳар бир босқичида темир эшиклар сизни ўтмишдан — ўликка айланган кечаги кундан ажратиб турганини эшитасиз. Бошқа тугмачани босинг ва темир парда сизни ҳали туғилмаган эртанги кундан ажратади. Шунда сиз бутунлай хавф-хатардан қутилиб, бугунда бўласиз!.. Ўтмишни яккалатиб қўйинг! Майли, ўлик ўтмиш ўз марҳумларини дафн этаверсин... Аҳмоқларга қабр томон йўл кўрсатган ўтган кунларни ажратиб қўйинг! Ўтмиш юки устига ортилган келажак юкини елкангизга олсангиз ҳам, бу йўл, ҳатто энг кучлиларни ҳам талай тўсиқларга дуч келишига мажбур этади. Келажакни ҳам худди ўтмиш каби ажратиб ташланг... ўтмиш бугундадир... Эрта бўлмаслиги мумкин. Одамни халос этувчи кун — бугундир. Қувватнинг беҳуда*

*исроф бўлиши руҳий изтироб, асосий безовталик келажакни ўйлаб жонсарак бўлувчи одамнинг изидан ҳамиша таъқиб этиб юради... Шундай қилиб, кеманинг барча бўлмаларини маҳкам беркитиб ташланг, лайнер тумшуғи ва қуйруқ томонини темир тўсиқлар билан ажратиб ташланг. Ўзингизда ўтмиш ва келажакни "герметик тўсиқлар" билан ажратиб ташланган вақт бўлагида яшаш одатини доимий равишда тарбиялаб боринг".*

Доктор Ослер бизга эртанги кун учун ҳеч қандай тайёргарлик кўрмаслик керак, демоқчими? Йўқ. Мутлақо ундай эмас. У ўзининг нутқида эртанги кун учун тадорик кўришнинг энг яхши усули — бугунги кун юмушларини адо этиш учун ўз куч-қувватини бир жойга жамлашни қайта-қайта уқтирган, холос.

Уруш даврида ҳарбий раҳбарларимиз келгуси режаларни тузишар, аммо ўзлари безовталикни намоён этишга йўл қўймасдилар. *"Мен ихтиёримдаги энг яхши одамларимизни энг яхши ҳарбий техника билан таъминладим,* — дейди АҚШ ҳарбий денгиз кучлари қўмондони Эрнест Ж.Кинг, — *ва уларнинг олдига энг оқилона вазифаларни қўйдим. Илож етгани шу эди".*

*"Агар кемани чўктираётган бўлишса,* — деб давом этади адмирал Кинг, — *мен уни асло кутаролмайман. Агар ғарқ бўлса, мен уни қутқара олмайман. Кеча нима рўй берганига қайғуриб ўтиргандан кўра, яхшиси, мен эртанги кун муаммоларини ҳал этиш учун вақтимни сарфлайман. Агар бу хилдаги нарсаларга безовта бўлаверсам, умрим етмайди".*

Ҳарбий ва тинч шароитларда тўғри ва нотўғри фикр юритиш ўртасидаги фарқ қуйидагича бўлади: тўғри фикр сабаб ва оқибатлар таҳлилига асосланади, у мантиқий конструктив режалашга олиб боради; нотўғри фикр юритиш эса кескинлик ва асаб бузилишига сабабчи бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий кийимдаги ёш йигит Европанинг қаеридадир муҳим бир сабоқ олди. Уни Тед Бенгермино деб аташарди. Бу инсон уруш вақтида руҳий жароҳат олиш даражасигача борди.

*"1945 йилнинг апрелида,* — деб ёзади Тед Бенгермино, — *мен шунчалик безовта эдимки, натижада, шифокорлар тили билан айтганда, йўғон ичак яллиғланиши хасталиги мени*

*тамоман ҳолдан тойдирди. Бу касаллик чидаб бўлмас даражада оғриқ берарди. Агар уруш ўша вақтда тўхтамаганида, соғлиғимдан ажралишим аниқ эди.*

*Тинка-мадорим бутунлай қуриганди. 94-пиёда дивизиясининг дафн этиш билан шуғулланувчи қисмида унтер-офицер бўлиб хизмат қилардим. Ишим жангда ўлганлар, бедарак йўқолганлар ва госпиталда ётқизилганларнинг ҳисоб варақаларини тўлдиришга кўмаклашишдан иборат эди. Шунингдек, уруш қизиган пайтда иттифоқдаги ҳамда душман аскарлари қабрга шошилинч тарзда нари-бери кўмилган бўлса, уларни қазиб олишим керак эди. Шу билан бирга зиммамга ўлдирилганларнинг шахсий буюмларини тўплаш, уларни ота-оналари ва қариндош-уруғларига (бу улар учун ниҳоятда қадрли эди) юборишни назорат қилиш вазифаси ҳам кирарди. Мени худди қалтис хатолар юз берадигандай доимий қўрқув таъқиб этарди. Бунга қандай чидайман, деб ҳамиша безовта бўлардим. Ҳали бирор марта кўрмаганим — ўн олти ойлик яккаю-ягона ўғлимни қўлимда кўтаришга муяссар бўлармиканман, деган фикр қийнарди. Мен шу даражада ҳолдан тойган ва қийналган эдимки, ўттиз тўрт фунт оғирлигимни йўқотиб, ақлдан озиш даражасига келиб қолдим. Қўлларимга қарадим, худди скелет қўлига ўхшарди. Уйга ногирон бўлиб қайтиш пешонамга битган экан, деган фикрдан даҳшатга тушардим. Бутунлай умидсизликка тушиб, худди ёш бола каби ҳўнграб йиғлардим. Шу даражада изтиробга тушгандимки, ёлғиз қолдим дегунча кўз ёшларим юзимни ювиб кетаверарди. Арденнадаги жангдан сўнг шундай пайт келдики, мен тез-тез йиғлаб, яна одам бўлишдан бутунлай умидимни узгим.*

*Охир-оқибатда шифохонага тушиб қолдим. Бир ҳарбий шифокор берган маслаҳат ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Атрофлича текширувдан ўтказганидан сўнг менинг касаллигимни руҳий қаяжонланиш оқибатида рўй берган, деб хулосага келди. "Тед, — деди у, — сен ўз ҳаётингга худди қум соатдай назар ташлашингни истайман. Биласанми, минглаб қум доналари соатнинг юқори қисмида туради ва улар оҳиста тарзда тинмай ўртадаги тор тешикдан пастга "оқади". Агар сен ёки мен шу тешикни маълум вақтда кўпроқ қум ўтадигандай қилиб ўзгартир-*

*сак, соат ишдан чиқади. Мен, сен ва бошқа одамлар ҳам ана шу кум соатларга ўхшаймиз. Эрталаб ўрнимиздан турганимизда бажаришимиз шарт бўлган юзлаб ишлар кўндаланг туради. Бу юмушларни маълум вақт оралиғида битталаб бажармасак (худди кум доналари оралиқ тешикдан ўтгани каби), уларнинг ҳаммасини бирваракайига бажаришга уринсак, ўзимизнинг жисмоний ва руҳий кучимизни барбод қилган бўламиз".*

*Мен бу фалсафани, ҳарбий шифокор: "Ҳар бир кум донаси вақтнинг бир бўлаги, демак... Ҳар бир иш вақтнинг муайян бўлагида амалга ошиши керак", деган ўша унутилмас кундан бошлаб амалиётга татбиқ эта бошладим. Бу маслаҳат уруш даврида мени ҳам жисман, ҳам руҳий жиҳатдан қутқарди, ҳозирги тинч даврда ҳам менга ёрдам бермоқда. Мен Балтимордаги Савдо кредит компаниясида хизмат қиламан. Иш фаолиятим даврида худди уруш пайтидагидек муаммоларга тўқнаш келдим; бирваракайига жуда кўп ишларни бажариш зарур, ихтиёримдаги вақт эса жуда оз эди. Акцияларимиз нархи тушиб кетган, фаолиятимизга янги шаклларни киритишимиз керак эди. Ўша пайтда янги акциядорлик жамиятлари очилар, ёпилар, манзиллари ўзгарарди ва ҳоказо. Мен ҳаяжонланиш ва асабийлашиш ўрнига шифокорнинг айтганларини эслардим: "Ҳар бир кум донаси вақтнинг бир бўлаги, демак... Ҳар бир иш вақтнинг муайян бўлагида амалга ошиши керак". Бу сўзларни ўз-ўзимга қайта-қайта такрорлаб, вазифамни янада самарали тарзда адо эта бошладим. Ишимни бажара бориб, ҳарбий шароитда мени деярли хароб этаётган саросималик ва гангиб қолиш ҳолатларини мутлақо ҳис этмадим".*

Турмуш тарзимизга хос бўлган иллатлардан бири шундаки, шифохоналардаги ўринлар сонининг деярли ярми кечаги кун ташвишлари, ўлчов билмас юки остида эзилган ва эртанги кундан ваҳимага тушган руҳий ва асабий ҳаяжонланишдан азоб чеккан беморлар билан банд. Уларнинг аксарияти агар Исо Масиҳнинг: *"Эрта учун асло ташвиш тортманг"* ёки Уильям Ослернинг: *"Бугунни алоҳида ажратиб яшанг"* деган маслаҳатларига амал қилишганида, ҳаётдан мамнун бўлиб яшар ва атрофдагиларга ҳам фойдаси тегарди.

Сиз ва мен шу лаҳзада икки абадият кесишган жойда турибмиз: мангуликка чўзилган бепоён ва сана охирига бориб тақалувчи келажак. Ҳар эҳтимолга кўра, биз ҳам, у ҳам бу абадиятда яшай олмаймиз, йўқ, ҳаттоки бир сония ҳам. Бунга эришиш учун ҳаракат қилсак, соғлиғимиз ва ақлий қувватимизга путур етказамиз. Шу сабабли, келинг, вақтнинг ягона бир бўлаги, яъни ҳозирдан кифояланиб қолайлик. *"Ҳар бир киши, қанчалик оғир бўлмасин, тун келгунча ўз юкини ўзи тортади*, — деб ёзган эди Роберт Луис Стивенсон. — *Ҳар биримиз, оғир бўлса ҳамки, кун мобайнида ўз ишимизни уддалаймиз. Ҳар биримизнинг офтоб ботгунча кўнглимизда ёруғ ниятлар, сабр-тоқат ва теварак-атрофга муҳаббат билан қараб яшашга қурбимиз етади. Ҳаётнинг асл маъноси ҳам шунда"*.

Пировардини айтганда, ҳаёт ҳам биздан айнан шуни талаб қилади. Аммо Э.К.Шилдс хоним тонг отгандан кун ботгунга қадар яшашни ўргангунича шунчалик умидсизликка тушган эдики, ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди.

*"1937 йилда эрим вафот этди*, — дейди Шилдс хоним ўз ҳаёти ҳақида менга гапира туриб, — *чуқур ғам-ғуссага чўмдим. Яшаш учун деярли ҳеч вақом йўқ эди. Мени илгари иш билан таъминлаган Канзас-Ситидаги "Роуч-Фаулер" фирмасининг эгаси Леон Роуга хат ёздим ва яна ишга қабул қилиндим.*

*Илгари ҳам кун кечириш учун қишлоқ ва шаҳар мактабларида китоб сотардим. Эрим касалланиб қолганида, икки йил олдин автомашинани сотган эдим. Сўнг насияга автомобиль олиш учун бир амаллаб пул йиққач, яна китоб савдоси билан машғул бўлдим.*

*Яна йўлга тушгач, диққинафасликни енгаман, деб хаёл қилган эдим. Аммо машинани ёлғиз бошқариш ва танҳолик менинг кучимдан баланд келди. Бир неча жойда етарли ишлай олмадим. Жуда оз бўлса-да, автомобиль учун тегишли бадални тўлаш менга оғирлик қилиши маълум бўлиб қолди.*

*1938 йил баҳоридан Миссури штатидаги Версал яқинида ишлай бошладим. Мактаблар ночор аҳволда, йўллар носоз эди. Ҳаётда шунчалик ёлғиз ва ундан шу қадар безган эдимки, ҳатто бир куни ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим.*

*Бирор ютуққа эга бўлолмайман, деб ўйладим. Ҳаёт мен учун бутунлай бемаъни кўриниб қолди. Оламдаги барча нарса мени қўрқувга соларди. Автомобиль учун олинган бадални тўлай ололмайман, хона учун ижара ҳақи беролмайман, егани ноним бўлмайди, деган қўрқув вужудимни қамраб олди. Касал бўлишдан ўтакам ёрилар, чунки шифокорга тўлаш учун пулим йўқ эди. Ўз жонимга қасд қилишдан синглимнинг қаттиқ қайғуга тушиши ва мени дафн этиш учун етарли маблағ йўқлиги тўғрисидаги фикр қайтарди.*

*Бир куни бир мақолани ўқиб қолдим, у руҳий тушкунликдан қутилишимга ёрдам берди ва яшаш учун дадиллик бахш этди. Мени қийинчиликларга қарши курашга илҳомлантирган бир жумласи учун мақола муаллифини умрим борича алқайман. Мана ўша жумла: "Донишманд учун ҳар куни янги ҳаёт қучоқ очади". Мен мазкур жумлани кўчириб олдим ва уни машинанинг олд ойнасига ёпиштириб қўйдим. Рулга ўтирсам, ҳар доим шу жумлага кўзим тушарди. Маълум бўлдики, бир кунни яшаб ўтиш унчалик оғир эмас экан. Мен ўтган кунларни унутиб ва эртани ўйлаб безовта бўлмасликни ўргана бошладим. Ҳар тонг ўзўзимга: "Бугун менинг қаршимда янги ҳаёт бошланади", дер эдим.*

*Мен якка яшаш даҳшати ва муҳтожлик ваҳимасини енгишга муваффақ бўлдим. Мен бахтлиман ва умуман, барига улгуряпман, ғайратга ва ҳаётга муҳаббат билан лиммо-лим тўламан. Энди қандай бўлмасин, қўрқув нималигини бошимдан кечирмаслигимни албатта биламан. Келгуси қўрқувдан бутунлай халос бўлдим. Энди мен фақат бугунни ўйлаш кераклигини тушунаман, чунки "донишманд одам учун ҳар куни янги ҳаёт қучоқ очади".*

Одамзод табиатининг энг фожиавий жиҳатларидан бири, менинг назаримда, ўз орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришни орқага ташлашга мойиллиқдир. Биз уфқ ортида беркинган гулларга ғарқ тўлган сеҳрли боғларни орзу қиламиз, ваҳоланки бундай гуллар деразамиз тагида ўсади, ундан баҳраманд бўлгимиз келмайди.

Биз нега бу қадар нодонмиз, ҳаддан ортиқ нодонмиз?

*"Умримиз деб аталадиган вақтнинг кичик бўлагини нега бу қадар ғалати ўтказамиз,* — деб ёзган эди Стивен Линок.

*— Бола "Қачон катта бўламан?" дейди. Хўш, бу нимани англатади? Ўсмир "Мен қачон йигит бўламан!" дейди. Ниҳоят, йигит бўлиб етилгач, "Қачон уйланаман?" дейди. Уйланади ҳам, аммо шунда ҳам деярли ҳеч нарса ўзгармайди. У яна ўй суради: "Қачон нафақага чиқаман". Нафақа ёшига етгач, ўтган умрига назар ташлайди ва аччиқ изғирин шамол юзига урилиб, унинг кўзи олдида шафқатсиз ҳақиқат очилади: умрининг қанчаси беҳуда ўтибди, бари қайтмас бўлиб кетибди. Биз бу ҳаётнинг асл мазмуни унинг ўзида, ҳар бир кун, соатлик маромида эканлигини ҳаддан зиёд кеч тушунамиз".*

Детройтлик марҳум Эдвард С.Эванс *"ҳаётнинг асл мазмуни шу ҳаётнинг ўзида, ҳар бир кун, соатнинг маромида"* эканини билгунига қадар доимий безовталик туфайли ҳалок бўлаёзган эди. Камбағал оиладан чиққан Эдварс Эванс газеталар сотиш билан кун кўрар, сўнг баққоллик дўконида кичик хизматчи (клерк) бўлиб хизмат қиларди. Бироздан кейин кутубхоначига ёрдамчи бўлди. Унинг қарамоғида еттита жон бор эди. Маоши оз бўлса-да, у ишдан кетишдан жуда қўрқарди. Ҳаммасини бошдан бошлаш учун мардона киришган пайтида орадан саккиз йил ўтган эди. У корхона очди, унда насияга олинган эллик беш доллар қўйилган бўлиб, йилига йигирма минг доллар даромад оларди. Сўнг унга ҳалокатли зарба ёғилди. У дўстидан катта маблағ ҳисобига вексель олди, дўсти эса кутилмаганда хонавайрон бўлди. Унинг изидан иккинчи зарба келди: Эванснинг барча маблағлари сақланган банк касодга учради. У бор-йўғидан ажралибгина қолмай, ўн олти минг доллар қарздор ҳам бўлиб қолди. Асаблари бу руҳий изтиробларни кўтара олмади. *"Мен на ухлардим, на овқат ердим*, — деб менга ҳикоя қилган эди у, *— тушуниб бўлмайдиган касаллик билан оғридим. Бу касаллик фақат безовталик, яна безовталикни келтириб чиқарарди. Бир куни кўчада кетаётиб, ҳушдан кетиб қолдим. Ортиқ юролмайдиган бўлдим. Тўшакка михланиб, бутун баданимга чипқон тошиб кетди. Чипқон ташқи томондагина эмас, ичимда ҳам бор эди. Ҳатто тўшакда ётиб ҳам, одамзод чидаб бўлмайдиган оғриқни бошдан ўтказдим. Кундан-кунга ҳолдан кета бошладим. Ниҳоят, шифокор умримдан икки ҳафта қолганини айтди.*

*Мен қотиб қолдим, шу заҳоти васиятнома туздим ва тўшакда ётиб, ўлимимни кута бошладим. Курашиш, безовта бўлишдан ҳеч қандай наф йўқ эди. Тақдирга тан бердим, дармоним қуриб, ухлаб қолдим. Ҳафталаб икки соатдан ортиқ ухлай олмасдим, энди эса дунё ташвишлари тугаб, мен худди ёш боладай ухлаб қолдим. Аста-секин чарчоқ ўтиб кетди, иштаҳам очилиб, эт ола бошлади.*

*Бир неча ҳафтадан кейин мен қўлтиқтаёқда юра оладиган бўлдим. Олти ҳафтадан сўнг ишга киришдим. Илгари бир йилда йигирма минг доллар ишлаган бўлсам, эндиги ишим туфайли қўлимга ҳафтада тушадиган ўттиз доллар билан кифояланардим. Мен автомобиль ғилдиракларига юриш учун зарур бўлган тормоз колодкалари билан савдо қила бошладим. Ниҳоят, ҳаётий тажриба маъносини англаб етдим. Мен учун энг муҳими — безовталикдан халос бўлиш, ўтмишда нималар рўй берганига қарамай, пушаймон бўлмаслик, келажак олдидан қўрқувга тушмаслик эди. Бутун вақтим, куч-қувватимни янги ихтисосликни ўрганишга бағишладим".*

Эдвард С.Эванс хизмат пиллапояларидан илгарилаб кетди. Бир неча йиллардан сўнг у "Эванс продакт" компаниясининг президенти бўлиб олди. Унинг компанияси кўп йиллар давомида Нью-Йорк фонд биржасида рўйхатга олиниб турди. 1945 йилда вафот этган Эдвард С.Эванс АҚШнинг энг илғор ишбилармон кишиларидан бири ҳисобланар эди. Агар сиз вақти келиб Гренландия устидан учиб ўтсангиз, унинг шарафига қўйилган Эванс-филд аэропортига қўниб ўтишингиз эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур ҳикоянинг асосий моҳияти қуйидагича: Эдвард С.Эванс бугунги кунни "ажратиб олиб", безовталик бемаънилик эканини англамаганида, ҳаётда бунчалик ҳайратомуз муваффақиятларга эриша олмасди.

Эрамизгача беш юз йиллар муқаддам Гераклит ўз шогирдларига: *"Ўзгариш қонунларидан ташқари барча нарсалар алмашади"*, деган эди. Шунингдек, у: *"Бир вақтнинг ўзида бир дарёда икки марта чўмила олмайсиз"*, деган. Дарё ҳар сонияда ўзгариб туради, унга тушган одамда ҳам ана шундай ҳолат рўй беради. Ҳаёт ўзида узлуксиз янгиланишни қамраб олади. Ягона аниқлик бугун ҳисобланади. Шу сабабли поёни кўринмайдиган ўзгариш ва ноаниқликларга тўла, ҳеч ким кўролма-

ган келгусининг муаммоларини ечиш билан уриниб ётиб, бугуннинг гўзалликларини барбод қилишга не ҳожат?

Қадимги римликларда шунга мос нақл бўлган. Аниқроғи, икки ибора: *"Бугундан фойдаланиб қол"* ёки *"Ҳар лаҳзани қўлга кирит"*. Ҳа, ҳар лаҳзани "овлаб", ундан қаноат ҳосил қилишга урининг.

Жон Рескин ўзининг ёзув столига оддий тош ўрнатган бўлиб, унда фақат битта сўз: "Бугун" ўйиб ёзилган эди. Менинг столимда тош қўйилмаган бўлса-да, аммо ойнам тепасида Уильям Ослернинг столи устида доимий турадиган шеър ёпиштирилган. У машҳур ҳинд драматурги Калидаса қаламига мансубдир.

*Бугунга нигоҳ ташла!*
*Унда ҳаёт, унинг моҳияти мужассам.*
*Унинг бир қисқа парчасида*
*Борлиғимиз маъноси ётар бус-бутун:*
*Қад-бастимиз улуғлиги,*
*Ҳаракатимиз сеҳри,*
*Ютуғимиз улуғлиги.*
*Ўтган кунлар мисоли туш ахир,*
*Эрта эса ноаниқ шарпа.*
*Бугун яхши яшаб ўтсак умрни,*
*Эртага айланар у хайрли тушга,*
*Ҳар бир эрта эса умид шарпаси.*
*Бугунги кун билан яшагин албат!*
*Шудир кутиш тонгни аслида.*

Шундай қилиб, биринчидан, безовталик ҳақида қуйидагиларни билишингиз керак: агар сиз ўз ҳаётингиздан "беоромлик"ни "қувиб" чиқармоқчи бўлсангиз, худди сэр Уилям Ослер каби ҳаракат қилинг:

*Ўтмиш ва келажакни темир эшиклар билан беркитиб ташланг. Бугуннинг зич беркитилган "бўлаги"да яшанг.*

Ўзингизга ушбу саволларни беринг ва унга жавобларни ҳам ёзинг:

1. Келгусини ўйлаб, безовта бўлиб, бугун бажариш лозим бўлган ишларни эртага қолдираманми, қандайдир гулларга тўла, уфқ ортидаги "сеҳрли боғлар"ни орзу қиламанми?

2. Баъзан ўтган ишдан афсусланиб, бугунги турмушни чигаллаштираманми?

3. Ҳар эрта "лаҳзаларни овлаш" орзуси билан уйғонаманми ва ихтиёримдаги йигирма тўрт соатдан унумли фойдаланаманми?

4. Биринчи навбатда бугунни ўйлаб, ҳаётда кўп нарсага эриша оламанми?

5. Буни бажаришга қачон киришаман? Келгуси ҳафтами? Эртагами?.. Бугунми?

*Иккинчи бўлим*

## БЕЗОВТАЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТДАН ЧИҚИШНИНГ СЕҲРЛИ ФОРМУЛАСИ

Сиз, балки, безовталик билан боғлиқ вазиятдан чиқишга имкон берувчи рецепт (андаза)га ҳамда ушбу китобни ўқиб чиқмасдан туриб, уни амалга татбиқ этишга ундовчи усулга муҳтождирсиз?

Рухсатингиз билан сизга ҳавони тозалаб берадиган қурилма ишлаб чиқарувчи корхона яратган талантли муҳандис Уиллис Х.Кэрриэр ишлаб чиққан усул ҳақида сўзлаб берай. Ҳозир у Нью-Йорк штатининг Сиракьюс шаҳридаги "Кэрриэр" номли жаҳонга машҳур корпорацияни бошқаради. У қачонлардир камина эшитган безовталикка оид муаммоларни ҳал этувчи энг самарали усуллардан бирини тавсия қилди. Буни жаноб Кэрриэрнинг шахсан ўзи Нью-Йоркдаги муҳандислар клубида нонушта қилган кунларимизнинг бирида менга гапириб берган эди.

*"Ёшлигимда, — дейди жаноб Кэрриэр, — Нью-Йоркдаги Буффало темирчилик компаниясида хизмат қилар эдим. Менга Миссури штатидаги Кристал-ситида ойна ишлаб чиқарувчи Питтсбург компанияси заводида газни тозалаб берувчи қурилма ўрнатиш вазифаси юклатилди. Мазкур завод миллион доллар турарди. Бу янги қурилма машиналарга шикаст етказмасдан газдан аралашмани ажратишга мўлжалланиб ўрнатилиши керак эди. Газни бундай тозалаш усули янги эди. Илгари ҳам у фақат бир марта бошқача шароитларда синаб кўрилганди. Кристал-ситида ишла-*

ган давримда мен кутилмаган қийинчиликларга тўқнаш келдим. Қурилма умуман ишлар эди-ю, аммо биз берган кафолатларни таъмин эта олмасди. Мен бу мағлубиятдан бутунлай гангиб қолдим. Гўё кимдир калламга оғир нарса билан туширгандай ҳолатда эдим. Ичим-ташим тинимсиз оғрий бошлади. Шу даражада нотинч эдимки, кечалари мижжа қоқмасдим.

Ниҳоят, ақл-идроким ҳаяжонланиш менга ҳеч қачон ёрдам бера олмаслигини англатди: шунда мен безовта бўлмасдан ўз муаммоларимни ҳал этиш усулини ишлаб чиқдим. У ўзини аъло даражада оқлади. Мен ўттиз йилдан бери безовталикка қарши курашда шу усулдан фойдаланаман. У жуда оддий бўлиб, ҳар бир киши бемалол фойдаланиши мумкин. Унинг тартиби уч босқични қамраб олади:

***1-босқич.*** *Мен ҳар қандай ваҳимадан холи ҳолда вазиятни таҳлил қилиб чиқдим ва худди шу шароитда бундан оғир ҳолат юз берса, нималар бўларди, деб тасаввур қилиб кўрдим. Ҳеч ким мени қамоққа тиқмоқчи ёки отмоқчи эмасди, албатта. Бундан кўнглим тўқ эди. Аслида айрим эҳтимоллар бор эди, мен ишимдан маҳрум бўлишим, менга иш берганлар янги жиҳозларни қўллаб, корхонага биз қўйган йигирма минг долларни ҳавога совуришлари мумкин эди.*

***2-босқич.*** *Бундан бадтари рўй бериши мумкинлигини кўз олдимга келтириб, қар эҳтимолга қарши мазкур ҳодиса билан келишишга қарор қилдим. Ўз-ўзимга шундай дедим: бу омадсизлик менинг шаънимга доғ туширади, натижада ишдан маҳрум бўлишим мумкин, агар бу ҳодиса рўй берса ҳам бошқа жойдан ҳамиша иш топаман. Шартлари жуда оғир бўлиши мумкин. Иш берганлар, балки биз газни тозалаш бўйича янги усулни текшириб кўраётганимизни тушунишар, агар у йигирма минг доллар харажат талаб қилса қам улар бу қийматни тўлашга қурблари етар. Бу маблағни илмий тадқиқот мақсадида сарфладик, деб ҳисоблашлари мумкин.*

*Шундай шароитда янада бадтар аҳвол юз бериши мумкинлигини ўйлаб ҳамда у билан келишиб, шуни англадимки, мен бирдан енгиллашиб қолдим, кўп кунлардан бери насиб этмаган хотиржамликни ҳис қилдим.*

***3-босқич.*** *Шу лаҳзадан бошлаб хотиржам ҳолда фикран тасаввур этган ва унга фикран кўниккан тарзда бор куч-*

*қувватимни энг оғир шароитни яхшилашга сарфлай бошладим.*

*Мен йигирма минг долларни беҳуда совуришнинг олдини олишга ёрдам берувчи йўл ва воситаларни ишлаб чиқиш учун ҳаракат қила бошладим. Бир неча бор ҳисоб-китоб қилиб, яна беш минг доллар сарфласак, муаммо ҳал бўлади, деган хулосага келдим. Биз буни уддаладик, ҳатто фирмамиз йигирма минг доллар йўқотиш ўрнига ўн беш минг доллар ишлаб ҳам олди.*

*Агар мен ваҳимага берилиб кетганимда, фикримни бир жойга тўплаш ўрнига қобилиятни бутунлай сундирар эдим. Ўзимизни оғир шароитда деб фикран тасаввур этсак, аллақандай ваҳималардан халос бўламиз ва муаммоларни ҳал этиш учун имкониятларимизни бир жойга тўплай оламиз.*

*Бу воқеа бир неча йил олдин рўй берганди. Шунчалик ибратли эдики, ундан бир умрга етгулик сабоқ чиқариб олдим. Натижада мен безовталикдан деярли бутунлай халос бўлдим".*

Психологик нуқтаи назардан қараганда, Уиллис Х.Кэрриэрнинг бу мўъжизакор формуласи нима учун қимматли ва амалий аҳамият касб этган? Шу билан изоҳланадики, у бизни безовталикдан сўқир бўлиб гангиб юрганимизда, ўтиб бўлмас зим-зиёликдан қутқаради. Бу формула ерга оёғимиз билан маҳкам туришга ундайди. Аммо оёғимиз тагида мустаҳкам асос бўлмаса, бирор нарсани ўйлаш ҳамда ҳал этишни уддалай оламизми?

Амалий психология фани асосчиси профессор Уильям Жеймс бундан ўттиз саккиз йил муқаддам вафот этган. Агар у ҳозир ҳаёт бўлиб, фавқулодда вазиятларда ўзимизни тутишимиз ҳақидаги формуладан бохабар бўлганида, буни бутун вужуди билан қўллаб-қувватларди. Бу менга қаердан маълум? Чунки у ўз талабаларига шундай деган эди: *"Мавжуд шароит билан муроса қилинг, чунки... бўлиб ўтган ҳолатлар ҳар қандай оғир вазиятдаги оқибатларни бартараф этишда дастлабки босқич бўлиб ҳисобланади".*

Худди шундай фикр Лин Ютан томонидан унинг "Ҳаётнинг аҳамияти" номли машҳур китобида ҳам айтилган. *"Ҳақиқий руҳий хотиржамлик,* — деган эди хитойлик бу файласуф, — *энг нохуш ҳолат билан келишув оқибатида*

*қўлга киритилади. Психология тили билан, менинг ўйлашимча, у куч-қувватнинг озод этилиши, деб юритилади".*

Аниғи, гап куч-қувватнинг янгитдан озод бўлиши ҳақида боради! Энг нохуш ҳолат билан муросага келганимизда ҳам биз бирор нарса йўқотмаймиз. Шу тариқа бу, ўз-ўзидан барча нарсага эга бўламиз, демакдир. *"Энг ёмон ҳолатга кўникиб,* — деб эслайди Уиллис Х.Кэрриэр, *— мен шу заҳоти бўшашдим ва хотиржамликка берилдим, бу ҳолатни кўп вақтдан бери бошимдан кечирмагандим. Шу лаҳзадан бошлаб ўйлашга қодир эдим".* Бу ҳақ гап, шундай эмасми? Шу билан бирга миллионлаб кишилар ўз ҳаётларини қаҳрғазаб ичида барбод этганлар, чунки улар энг нохуш ҳолатни қабул қилишидан, ниманидир ўзгартириш учун ҳаракат қилишдан, барбод этувчи кучларни жиловлаш қўлларида бўлса-да, уни қутқаришдан бўйин товлаганлар. Улар ўз ҳаётларини ўзгартиришга ҳаракат қилиш ўрнига "тақдир зарбаси" ҳақидаги ғамгин шикоятлар билан шуғулландилар. Бундай шикоятлар дилгир ҳолат деб аталувчи вазиятга олиб келади, холос.

Агар хоҳласангиз, сизга Уиллис Х.Кэрриэрнинг мўъжизавий формуласини ҳаётга татбиқ этиш бўйича мисол келтираман. Уни Нью-Йоркда суюқ ёқилғи билан савдо қилувчи савдогар муваффақият билан қўллади. У менинг курсимда таълим олган эди.

*"Мен товламачилик қурбони бўлдим,* — деган сўзлар билан ҳикоясини бошлади у. *— Бундай бўлиши мумкин эмас, бу фақат кинода рўй беради, деб ўйлардим. Ваҳоланки, менга ҳақиқатдан ҳам фириб бердилар. Воқеа шундай бўлган эди: мен бошқарадиган нефть компанияси ихтиёрида бир неча юк машиналари бўлиб, уларни бир неча ҳайдовчилар бошқарарди. У пайтда баҳоларни тартибга солувчи бошқарма талабларига риоя этиш қатъий сўралар ва мижозларимизга бериладиган бензин миқдори чегаралаб қўйилган эди. Мен бўлиб ўтган воқеалардан бехабар эдим, афтидан, баъзи ҳайдовчилар доимий мижозларимизни алдаб, бензинни уриб қолар ва кейинчалик бу қолдиқ бензинни ўз мижозларига сотишар экан.*

*Мен бу ноқонуний найранг ҳақидаги гапни ўзини давлат назоратчиси деб таништирган ва мазкур воқеа ҳақида*

*шов-шув кўтармаслик шарти билан мендан пул талаб қилган кишидан эшитдим. Унинг ихтиёрида ҳайдовчиларимизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжатлар бор эди, агар мен ҳамённи кавламасам, ишни округ прокурорига оширажагини айтиб, пўписа ҳам қилди.*

*Билардим, шахсан мени ҳеч қандай хавф-хатар қўрқитмасди. Шу билан бирга фирма қонунга мувофиқ ўз ходимларининг хатти-ҳаракати учун жавобгар эканлигини ҳам англардим. Ўз-ўзимга ҳисоб бериб шундай қарорга келдимки, агар иш судга ошса, бу ҳақдаги маълумотлар газеталарга босилса, бу бадномлик ишимни барбод этарди. Мен эса ўз ишим билан фахрланардим, чунки отам унга йигирма тўрт йил муқаддам асос солган эди. Шу даражада дилим хуфтон эдики, касал бўлиб қолиш даражасига етдим! Уч кечаю уч кундуз томоғимдан овқат ўтмади, кўзимга уйқу келмади. Мен қандайдир дарди бедавога учраб қолдим. Нима қилсам экан? Беш минг доллар пулни берсамми ёки ўша одамга нима қилсанг, қилавер, десамми? Қандай қарорга келмайин, бари даҳшатли туюларди.*

*Якшанба оқшомида мен "Безовталикдан қандай халос бўлиш мумкин?" номли рисолани ўқий бошладим. Уни менга Карнегининг нотиқлик санъати машғулотлари ўтадиган синфда беришган эди. Ўқиттириб, Уиллис Х.Кэрриэрнинг "Энг ёмон ҳолатга ўзингизни мослаштиринг" деган ҳикоясига кўзим тушиб қолди. Шундай қилиб, ўз-ўзимдан: "Агар пул беришдан бош тортсам ва бу товламачилар ўз ҳужжатларини округ прокурорига топширишса, нима ҳодиса юз берарди, бундан ҳам энг ёмони борми?" деб сўрадим.*

*Жавоб қуйидагича бўлди: "Менинг ишим барбод бўлади — юз берадиган ҳодисадан энг ёмони шу! Мени қамоқхона қўрқита олмайди. Энг ёмон ҳалокатли таъсир этадигани — бу жамоат жанжали, албатта".*

*Сўнг ўз-ўзимга дедим: "Майли, ишим барбод бўлди". Фикран шундай хотима билан муросага келдим. Кейин нима бўлади?*

*Агар ишим барбод бўлгудай бўлса, мен балки, ўзимга бошқа иш ахтарарман. Бу унчалик қийин эмас. Мен нефть маҳсулотлари соҳасида малакали мутахассисман, мени ишга қучоқ очиб кутиб оладиган бир неча фирмалар бор, албат-*

*та... Мен ўзимни анча дуруст ҳис этдим. Уч кечаю уч кундуз давом этган руҳий тушкунлик аста-секин тарқала бошлади. Анча хотиржам бўлдим. Ҳайратга солгани шу бўлдики, менда ўйлашга имкон топилди.*

*Фикрим тиниқлаша бошлади, энди учинчи босқич — энг ёмон ҳолатни яхшилаш ҳаракатига тушдим. Муаммони ҳал этиш давомида вазиятга бошқача нуқтаи назардан қарадим. Агар адвокатимга воқеанинг ҳолатини ёзиб берсам, у балки менинг хаёлимга келмаган бирор жиҳатни топар эди, албатта. Илгари калламга шундай фикр келмаганига ҳайронман, чунки мен нуқул безовта бўлавериб, муаммони ҳал этишни асло ўйламаганман! Эрталаб зудликда адвокат билан маслаҳатлашишга қарор қилдим-у, ўликдай қотиб ухладим.*

*Барибир воқеа нима билан тугади? Эртаси ҳуқуқшуносим округ прокурорига кириб, бўлган воқеани унга сўзлаб беришни маслаҳат берди. Мен унинг маслаҳатларига амал қилдим. Ҳикоямни тугатганимда, прокурор бундай товламачилик бизнинг округда бир неча ойдан бери давом этаётганини, ўзини "давлат назоратчиси" деб атаган киши аслида фирибгар эканини, полиция уни ахтариб юрганини айтганида, очиғи, ҳайратга тушдим. Буларнинг барини, фирибгарга беш минг долларни берсаммикан ёки йўқми, деб уч кечаю уч кундуз қийналганимни ўйлаганимдан сўнг устимдан тоғ ағдарилгандай бўлиб эшитдим!*

*Бу тажриба менга бир умрлик сабоқ бўлди. Энди қай пайт рўпарамда безовталик туғдирувчи оғир муаммо пайдо бўлса, дарров "кекса Уиллис Кэрриэр формуласи" деб ўзим ном берган усулни қўллайман".*

Айнан шу вақтда, яъни Уиллис Х.Кэрриэр Кристал-Сити заводида газ тозаловчи қурилма ўрнатиш учун қийналиб юрган кунларида Небраска штатидаги Брокен-Боуда ёш йигит васиятнома ёзарди. Уни Эрл П.Хэни деб атардилар. Унинг ўн икки бармоқли ичагида яра бор эди. Уч шифокор, шу жумладан, ичак яраси бўйича таниқли мутахассис жаноб Хэни даволаб бўлмайди, деган фикрга келишди. Улар парҳез тутиш, ҳаяжонланмаслик ва тўла осойишталик сақлашни маслаҳат бердилар! Шу билан бирга унга васиятнома ёзишни ҳам тавсия қилдилар!

Касаллик Эрл П. Хэнини қулай ва маоши яхши ишдан воз кечишга мажбур қилди. Шундай қилиб, унга ҳеч иш қилмаслик, фақат аста-секин яқинлашаётган ўлимни кутишгина қолди, холос.

Шунда у ўзига хос ва ҳайратомуз қарорга келди. *"Демак, саноқли кунларим қолган экан*, — деб ўйлади у, — *шу қисқа фурсат ичида ҳаётдан кўпроқ нарса олиб қолишим керак. Мен ҳамиша дунё бўйлаб саёҳат қилишни орзу қилар эдим. Буни амалга оширадиган вақт энди келди"*. Ва у кемага патта сотиб олди.

Шифокорлар ваҳимага тушиб қолишди. *"Биз сизни огоҳлантирамиз*, — дейишди улар жаноб Хэнга, — *агар шу саёҳатга чиқсангиз, сизни денгизга дафн этишади"*.

*"Йўқ, бундай бўлмайди*, — деди у, — *мен қариндошларим билан келишганман, улар мени Небраска штатининг Брокен-Боудаги оилавий хилхонада кўмишади. Шу сабабли ўзимга тобут сотиб оламан ва уни ўзим билан олиб кетаман"*.

Хени ҳақиқатан ҳам тобут сотиб олди, уни кемага жойлаштирди ва кема раҳбарияти билан мабодо ўлиб қолгудай бўлса, нима иш қилиш кераклигини келишиб олди. Улардан кема ватанига қайтгунга қадар жасадни музхона бўлимига жойлаштиришни илтимос қилди.

У бу саёҳатга муйсафид Умар Хайёмнинг шеъридан илҳомланган ҳолда жўнаб кетди:

*Кечаги кунингни айламагил ёд,*
*Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.*
*Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,*
*Қувноқ бўл, умрингни этмагил барбод.*

Саёҳат давомида у спиртли ичимликлар ичмаслик ҳақидаги қоидага мутлақо риоя қилмади. *"Мен сода ва музли виски ичиб, узун сигара чекдим*, — деб ҳикоя қилади у ёзган хатида, — *ҳар хил овқат тановул қилардим, мени ўлдириши мумкин бўлган ерли аҳоли овқатидан ҳам ўзимни тиймасдим. Мен тўйгунча вақтихушлик қилардим, ахир неча йиллар давомида бундай бўлмаган эди-да! Биз муссон ва тўфонларни бошимиздан кечирдик, уларнинг фақат биргина кўрку-*

*ви мени тобутга тиқиши мумкин эди, аммо мен фақат ўткир романтик туйғуларни ҳис этардим, холос!*

*Кемада бўлганимда, рақсга тушиб, қўшиқ куйлардим, янги дўстлар топар ва ярим кечагача хурсандчилик қилардим. Хитой ва Ҳиндистондан ўтганимиздан сўнг иш билан боғлиқ бўлган, уйда мени таъқиб этган қийинчиликларнинг бари Шарқда ўз кўзим билан кўрган ночорлик ва очарчилик қаршисида баайни жаннатдай гап эканлигини тушундим. Мен ўзимнинг бемаъни ўртанишларимни бас қилдим ва ниҳоят яхши ҳис этдим ўзимни. Америкага тўқсон фунт семириб қайтдим. Ошқозон яраси борлигини деярли унутиб юбордим. Ҳаётда ҳеч қачон ўзимни шу қадар енгил ҳис этмаган эдим. Зудлик билан тобутсозга тобутни қайтариб сотдим ва яна иш билан банд бўлдим. Шундан буён бирор марта ҳам касалланган эмасман".*

Бу воқеа юз берган пайтда Эрл Хэни Уиллис Х.Кэрриэр ва унинг безовталикка қарши кураш ҳақидаги усули ҳақида умуман эшитмаган эди. *"Лекин ҳозир менга аниқки,* — деди у яқинда менга, — *мен беихтиёр худди ўша тамойилни қўллаган, юз бериши мумкин бўлган энг ёмон ҳолат билан муроса қилган эканман. Бу воқеада ўлим ҳақида гап борарди. Шундан сўнг мен ўзимнинг аҳволимни яхшилашга, орадан ўтган анча вақт давомида ҳаётдаги ҳузур-ҳаловатни татишга ҳаракат қилдим... Агар саёҳат давомида безовталикни бошимдан кечирганимда, қайтишда, албатта, тобут ичида келишим аниқ эди, аммо мен ўзимни йўқотиб қўймадим ва барчасини эсдан чиқардим. Руҳий хотиржамлик менга янги куч-қувват бағишлади, бу менинг ҳаётимни қайтарди".*

Шундай қилиб, Уиллис Х.Кэрриэр йигирма беш минг долларлик битимдан, Нью-Йорклик тадбиркор эса товламачиликдан қутилди, Эрл Хэни эса биз тилга олган сеҳрли формула туфайли ҳақиқатан ҳам ҳаётга қайтди. Балки у сизнинг айрим муаммоларингизни ҳал этишда ёрдам берар?

Ниҳоят, иккинчи қоида: сизда безовталик туфайли вазият юзага келса, Уиллис Х.Кэрриэр усулини қўллаб кўринг:

*1. Ўз-ўзингиздан: "Юзага келиши мумкин бўлган энг ёмон ҳолат қайси?" деб сўранг.*

*2. Шундай ҳолат юзага келса, у билан муросага келишга тайёр туринг.*

*3. Вазиятни қай тарзда ўзгартириш ҳақида хотиржам ўйлаб кўринг.*

## *Учинчи бўлим*
## БЕЗОВТАЛИК ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

***Безовталик билан курашишни билмайдиган ишбилармон одамлар ҳаётдан эрта кўз юмадилар.***

*Доктор Алексис Каррель*

Бир неча йил муқаддам кечқурун қўшним эшигим қўнғироғини чалиб, мен ва оилам чечакка қарши эмланишимиз зарурлигини уқтира бошлади. У Нью-Йоркдаги кўпгина хонадонларга шу мақсадда ташриф буюрган минглаб кўнгиллилардан бири эди. Эсанкираб қолган одамлар эмлашни кутиб соатлаб навбатда турардилар. Эмлаш нуқталари шифохоналардагина эмас, балки ўт ўчириш депоси, полиция идораси ва йирик саноат корхоналарида ҳам очилган эди. Икки мингга яқин шифокор ва тиббий ҳамширалар тўда-тўда одамларни кечаю кундуз эмлаш билан банд эдилар. Бундай саросималикнинг боиси нимада эди? Нью-Йоркда саккиз киши чечак билан оғриб, шундан иккитаси вафот этганди. Саккиз миллионга яқин аҳолига икки ўлим.

Айтишим керакки, ўттиз етти йилдан буён Нью-Йоркда яшаётган бўлсам, ҳеч ким эшик қўнғироғини чалиб, чечакка нисбатан ўн баробар кўпроқ одамлар умрига зомин бўлган руҳий зўриқишдан халос этишга уринган эмас.

Кўнгиллилардан бирор киши ҳам эшигим қўнғироғини чалиб, бугун АҚШда яшаётган ҳар ўн кишидан бири аксарият ҳолларда безовталик ва ҳиссий туқнашувлар туфайли асаб тизими бузилишидан хасталанаётганини айтгани йўқ. ҳозир мазкур бўлимни ёзаётиб, эшигингиз қўнғироғини чалиб, сизни шундан огоҳ этмоқчиман.

Таниқли олим, Нобель мукофоти совриндори Алексис Каррель *(1904–1939)* шундай деган эди: *«Безовталик билан курашишни билмайдиган ишбилармон одамлар ҳаётдан эрта кўз юмадилар»*. Бу уй бекаларига, ветеринарлар, тош терувчиларга ҳам бирдек тегишли.

Бир неча йил муқаддам меҳнат таътилим давомида Сана-Фе темир йўли тиббий ходимларидан бири доктор О.Ф.Гобер билан Техас ва Нью-Мексика бўйлаб автомобилда саёҳат қилгандим. У Санта-Фе, Колорадо, Мексика бўғози шифохоналари уюшмаси терапевти лавозимида хизмат қиларди. Биз безовталикнинг инсонга таъсири ҳақида суҳбатлашдик. У шундай деди: *"Шифокорларга мурожаат қилаётган мижозларнинг етмиш фоизи ўзларини ўзлари даволашлари мумкин. Агар ўзларидаги ваҳима ва безовталикдан халос бўлсалар! Уларнинг касаллигини енгил ҳисоблаяпти, деб асло ўйламанг. Уларнинг касаллиги ҳам худди тиш оғриғи каби аниқ, баъзи ҳолларда эса ҳатто юз баробар жиддийдир. Мен ошқозон яраси, юрак санчиғи, уйқусизлик, бош оғриғи ва фалажликнинг айрим турларини назарда тутяпман"*.

*"Бу касалликлар аниқ. Мен нима тўғрисида гапираётганимни жуда яхши биламан,* — дейди доктор Гобер, — *ахир ўзим ҳам ўн икки йил мобайнида ошқозон ярасидан азият чекдим.*

*Қўрқув безовталикни "чақиради", у сизни ҳаяжонга солиб асабийлаштириб, ошқозон асаб толаларига таъсир қилади ва ҳақиқатдан ҳам ошқозон шираси таркибини ўзгартиради. Натижада ошқозон ярасига дучор қилади"*.

"Асабийлик оқибатида ошқозоннинг бузилиши" китоби муаллифи доктор Жозеф Ф.Монтэгью ҳам айнан шу фикрда. У шундай ёзган: *"Ошқозон яраси сиз еган нарсадан эмас, балки сизни еган нарсадан пайдо бўлади"*.

Мэйо клиникаси шифокори У.С.Алвареснинг айтишича: *"Ошқозон яраси ҳиссий зарбнинг пасайиши ва кўтарилишига қараб баъзан очилади ёки чандиқ бўлиб қолади"*.

Бу Мэйо клиникасига ошқозон касаллиги билан оғриб тушган 1500 беморни текшириб чиққандан сўнг пайдо бўлган хулоса эди. Ундаги ҳар беш беморнинг тўрттасида ошқозон касаллигини келтириб чиқарувчи жисмоний сабаблар йўқ эди. Ваҳима, нотинчлик, нафрат, ўтакетган худбинлик ва

мавжуд воқеликка мослашишга ноқобиллик ошқозон касалликларини қўзғовчи асосий омиллар эди. Ошқозон яраси сизни ҳалок этиши мумкин. "Лайф" журналининг хабар қилишича, ҳозир бу омиллар ўлим билан тугайдиган касалликлар қаторининг ўнинчи поғонасида туради.

Яқинда Мэйо клиникаси доктори Гарольд С.Хабейн билан хат ёзишгандим. У меҳнат гигиенаси соҳасида хизмат қиладиган терапевт ва жарроҳларнинг Америка уюшмаси йиллик конференциясида маъруза қилди. Хабейннинг ахборотига кўра, 176 нафар маъмурий ходимнинг соғлиғи тадқиқ этилганида уларнинг ўртача ёши 44,3 ни ташкил этган. Маълум бўлишича, ушбу маъмурларнинг ҳар учдан бири таранг турмуш тарзи туфайли келиб чиқадиган уч касалликдан бири — юрак оғриғи, овқат ҳазм қилиш аъзолари яраси ҳамда қон босимининг кўтарилишидан азоб чекишган. Маълум бўладики, ишбилармон одамларимизнинг учдан бир қисми қирқ беш ёшга етмай туриб, ўз вужудини юрак хасталиги, ошқозон яраси ва қон босимининг ошиши туфайли хароб қиладилар. Уларнинг муваффақияти ниҳоятда қимматга тушади.

Бундайлар, ҳатто муваффақиятга эришишга улгура олмайдилар ҳам! Ахир хизматда ошқозон касали ёки юрак хасталигини орттирган одамни муваффақиятга эришган деб ҳисоблаш мумкинми? Бутун дунёни эгалласа-ю соғлиғини йўқотса, бу унга татийдими? Ахир дунёни забт этган одам ҳам тўшакка ётиб, бир кунда уч маҳал овқатланади-ку! Ҳатто, ер қазувчи ҳам у бажарган ишни яхшироқ адо этиши, балки юқори мансабдор амалдордан кўра ҳузур қилиб ухлаб, зўр иштаҳа билан овқатланиши мумкин. Очиғини айтсам, темир йўл ёки тамаки ишлаб чиқарувчи фирмани бошқариб, қирқ беш ёшимда соғлиғимни барбод қилгандан кўра чоракор бўлиб, Алабама ялангликларида банжо ўйнашни афзал кўрардим.

Тамаки ҳақида гапира туриб, уни ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур фирма эгасини эсладим. Яқинда у дам олиш пайтида Канада ўрмонларида юрак хуружидан вафот этди. У миллионларга эга эди ва олтмиш бир ёшида дунёдан кўз юмди. Шубҳасиз, ишда ютуқларга эришмоқ учун жуда кўп йиллар давомида тер тўкди.

Аммо мен тамаки ишлаб чиқарувчи фирма эгасига нисбатан Миссури штатидаги чўнтагида бир доллари ҳам бўлмаган фермер отамни, саксон тўққиз ёшида оламдан кўз юмган падаримни муваффақиятга эришган, деб ҳисоблайман.

Машҳур ака-ука Мейолар айтишадики, мамлакатимиздаги касаллар ўрнининг ярмидан кўпи асаб касалликлари билан азоб чекувчи одамлар билан банддир. Аммо бу инсонларнинг асаблари улар вафотидан сўнг кучли микроскоп остида кўрилганида, асаблари кўп ҳолларда худди Жек Демпси асаби каби соғлом эканлиги маълум бўлган. Демак, бу одамларда асаб касалликлари асаб тизимининг бузилиши туфайли эмас, балки турли-туман ҳиссиётлар, умидсизлик, безовталик, ваҳима, мағлубият, руҳий тушкунлик оқибатида юзага келган. Афлотун шундай деган эди: *"Шифокорларнинг энг катта хатоси шундаки, улар одам танасини даволашга ҳаракат қиладилар, лекин унинг руҳини даволашга уринмайдилар. Руҳ ва тана бир-бири билан яхлитдир, уларни алоҳида-алоҳида даволаш мумкин эмас"*.

Тиббиёт фанига бу буюк ҳақиқатни англаш учун икки минг уч юз йил керак бўлди. Биз тиббиётдаги янги тармоқ — психопатик тиббиётни ривожлантиришга эндигина киришдик. Мазкур тиббиёт тармоғи тана ва руҳни бир вақтда даволайди. Бу соҳани такомиллаштириш билан аллақачон машғул бўлишимиз керак эди. Тиббиёт, асосан, чечак, вабо, сариқ иситма ва бошқа шу каби миллионлаб кишиларни барвақт қабрга олиб кетган юқумли касалликларга барҳам берди. Аммо тиббиёт фани ҳозиргача микроблар туфайли эмас, балки ҳиссиётлар — безовталик, ваҳима, нафратланиш, руҳий тушкунлик туфайли юзага келадиган руҳий ва жисмоний зўриқишларни бартараф этишга қодир эмас. Бундай руҳий зўриқишлар қурбонлари сони ҳалокатли тезликда ошиб бормоқда.

Шифокорлар ҳисоб-китоби бўйича айни пайтда яшаётган ҳар йигирма америкаликдан бири умрининг бир қисмини руҳий хасталар учун мўлжалланган муассасада ўтказади. Иккинчи жаҳон уруши даврида армияга чақирилган йигитларимизнинг ҳар олтитасидан бири руҳий хасталиги учун яроқсизга чиқарилиб, хизматдан озод этилган эди.

Руҳий хасталик қандай пайдо бўлади? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди. Лекин шуниси аёнки, аксарият ҳолларда ваҳима ва безовталик бунга имконият яратади. Шафқатсиз реал ҳаётга мослаша олмаган, ғазабга минган ва заҳарланган шахс ўзини ўраб турган муҳит билан алоқани узиб, ўз хаёлот дунёсига шўнғийди. Шу тариқа у ташвиш ва изтиробларидан ўзини халос этмоқчи бўлади.

Ушбу сатрларни ёзаётганимда ёзув столим устида доктор Эдвард Подольскийнинг "Безовталикни тарк этинг ва хотиржам яшанг" номли китоби турарди. қуйида мазкур китобнинг айрим қисмлари номини келтираман:

*"Безовталик юракка қандай таъсир қилади?"*

*"Қон босимининг ошиши ва унинг безовталик билан алоқаси".*

*"Безовталик туфайли бод касаллиги юз бериши мумкин".*

*"Ошқозоним соғ бўлсин, десангиз, камроқ безовта бўлинг".*

*"Безовталик қай тарзда шамоллашни келтириб чиқаради?"*

*"Безовталик ва қалқонсимон без".*

*"Безовталик туфайли пайдо бўлган диабет".*

Безовталикка қарши кураш муаммосига бағишланган бошқа китоб ҳам бор: *"Одам ўз-ўзига қарши"*. У таниқли психиатр Карл Меннингер томонидан ёзилган. Бу китоб ўз ҳаётимизга салбий руҳий кечинмалар ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб берсак, ўзимизга қанчалик зарар келтиришимизни ажойиб тарзда кашф этган. Агар ҳаётингизни барбод этишдан сақланмоқчи бўлсангиз, бу китобни ўқинг ва уни дўстларингизга ҳам тавсия қилинг.

Безовталик, ҳатто тепса-тебранмас одамни ҳам касал қилиши мумкин. Генерал Грант буни фуқаролар уруши охирида пайқаб қолди. Бу ҳақда шундай дейишади.

Грант аскарлари Ричмондни тўққиз ой қамал қилдилар. Генерал Лининг абжағи чиққан ва оч-наҳор отрядлари тормор қилинди. Бутун-бутун полклар қоча бошлади. Душманнинг бошқа аскарлари ўз чодирларида тўпланиб, ибодат қилар, қичқирар ва йиғлаб тентирарди. Фалокат яқин эди. Ли аскарлари Ричмонддаги пахта, тамаки ҳамда қурол-яроқ омборига ўт қўйиб, кўтарилган аланга қуршовида шаҳар-

дан қочди. Грант армияси уларни кетидан қолмай таъқиб қилди, жанубликларнинг ҳар икки томони ва орқасидан ҳамла қилди. Шу пайт Шеридан отлиқ аскарлари қаттиқ зарба берди. Темир йўл кўтармасини портлатиб, поездни барча таъминоти билан қўлга киритди.

Грант ғоят қақшаган бош оғриғидан азобланиб, ўз армиясидан орқада қолди ва бир фермернинг уйида тўхтади. *"Мен оёғимни гармдори солинган сувга тиқиб, елкам ва куракларимга гармдори қўйиб тунни ўтказдим*, — деб ҳикоя қилади у ўз мемуарларида. — *Эрталабгача тузалиб қолармаи, деб умид қилдим"*.

Эртаси Грант бутунлай тузалиб кетди. Уни гармдори эмас, йўл бўйлаб отини тинимсиз чоптириб келган олтиқнинг хушхабари оёққа турғазиб юборди. У генерал Лининг мактубини узатди. Хатда генерал таслим бўлишга тайёр эканлигини билдирган эди.

*"Офицер менга хатни узатганида ҳалиям бош оғриғидан азият чекаётгандим, аммо мактубни ўқиганим ҳамоно бирдан азобдан халос бўлдим"*, — деб ёзади Грант.

Ўз-ўзидан маълумки, безовталик, асаб таранглиги ва салбий кечинмалар Грантда касалликни қўзғаган. Қўлга киритилган ютуқ ва ғалабадан қувониб, ўзида ишонч туйғуларини ҳис этган, ҳиссиётлари бошқача тусга кирган ва у шу заҳоти бирдан соғайиб кетган.

Етмиш йил олдин Франклин Рузвельт маъмуриятидаги молия вазири кичик Генри Моргентауминг безовталик туфайли боши айланадиган бўлиб қолди. У кундаликларида президент бир кунда нархни оширишни кўзлаб, 4.400.000 бушел буғдойни сотиб олгани важидан ниҳоятда юраги сиқилганини ёзган эди. *"Мен бу ҳақда эшитиб, бошим айланаётганини сезиб қолдим. Уйга келиб, енгилгина овқатландим-да, икки соат ухладим"*, — деб ёзади у кундаликларида.

Безовталик одамларни қандай офатларга гирифтор этганини билиш учун кутубхонага ҳам, шифокорга ҳам боришининг ҳожати йўқ. Ҳозир мен китоб ёзаётган уйнинг деразасидан бир нигоҳ ташлашнинг ўзи кифоя, унда бир квартал наридаги уйга кўзим тушди — безовталик бир одамнинг асабини бутунлай ишдан чиқарган, бошқа уйда эса бир киши безовталик оқибатида қандли диабетга учраган. Фонд

биржасида акция баҳоси пасайганида, унинг қони ва пешобида қанд миқдори сезиларли равишда ошган.

Машҳур француз файласуфи Монтень ўзининг қадрдон шаҳри Бордода мэр бўлиб сайланганида, ватандошларига қуйидаги сўзлар билан мурожаат этган экан: *"Мен ташвишларингизни елкамга ортишга тайёрман, аммо ўз жигарим ва ўпкамни қўлимга олишга қурбим етмайди"*.

Юқорида эслатилган қўшним эса биржадаги ҳолат унинг қонига таъсир қилиши учун йўл очиб берди, бу эса уни сал бўлмаса ўлдираёзган эди.

Безовталик бод *(ревматизм)* ёки бўғин яллиғланиши *(артрит)*га олиб келиши ва доимий равишда сизни ўриндиқа михлаб ташлаши мумкин. Корнел университети тиббиёт профессори Рассел С.Сесил жаҳонда бўғин яллиғланиши касаллиги соҳасида таниқли мутахассис ҳисобланади. У мазкур касалликни келтириб чиқарадиган тўртта асосий шартни тилга олган:

1. *Оилавий турмушнинг барбод бўлиши.*
2. *Молиявий фалокат ёки бирор мусибат.*
3. *Ёлғизлик ва безовталик.*
4. *Узоқ давом этган пинҳоний алам-қайғу.*

Ўз-ўзидан маълумки, бу тўрт ҳиссий ҳолат бўғин яллиғланишининг яккаю ягона сабабчиси эмас, албатта. Бўғин яллиғланишининг яна кўп турлари борки, улар ҳам ҳар хил сабаблар туфайли юзага келади. Лекин, такрор айтаман, бўғин яллиғланишини юзага келтирувчи шароитларнинг энг кўп тарқалгани доктор Рассел С.Сесил томонидан айтилган тўрт омил ҳисобланади. Масалан, менинг дўстим молиявий инқироз даврида жуда қийналди, чунки газ компанияси унинг газини ўчириб қўйган, банк эса уни уйи учун гаровни қайтариш ҳуқуқидан маҳрум қилган эди. Бу одамнинг хотини тўсатдан атритнинг азобли хуружини бошидан ўтказди. Дори-дармон, парҳезга қарамасдан оиладаги молиявий аҳвол ўнгланмагунича артритни даволаб бўлмади.

Безовталик, ҳатто тишларда кариесни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Доктор Уильям И.Л.Макгонигл Америка стоматологлари уюшмаси йиғилишида сўзлаган нутқида айтган эдики, *"безовталик, ваҳима, асоссиз айблар туфайли вужудга келадиган нохуш кечинмалар одам организмида*

*кальций миқдорининг бузилишига олиб келиши, натижада кариес пайдо бўлиши мумкин"*. Доктор Макгонигл бир мижоз ҳақида гапириб, айтишича, унинг хотини тўсатдан касалланганида, жуда ҳаяжонланган, унинг тишлари соғлом бўлган, аёлини шифохонада ётқизишганида оғзидаги тўққизта тишида кариес ҳосил бўлган. Бу безовталик туфайли юзага келганди.

Сиз қалқонсимон бези оғриётгани яққол кўриниб турган беморни кўзингиз билан кўрганмисиз? Мен шундай одамга дуч келганман, бундайлар, рости, ҳаддан зиёд қалтирайди, титрайди ва сизга шундай қарайдики, беихтиёр, ўлгудай қўрқоқ дейсиз. Бутун жисми жонини, ҳаёт фаолиятини ишга солиб турган қалқонсимон без фаолияти бузилган. У юрак уришини тезлаштиради, бутун организм ўтхона тешиги очиқ қолган қизиб кетган печни эслатади. Агар операция ёки бошқа даволаш чораси кўрилмаса ўлим билан тугаши мумкин. Бунда беморнинг ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳодисаси юз беради.

Яқинда Филадельфияга қалқонсимон безга дучор бўлган дўстим билан бордим. Шу турдаги касалликни ўттиз саккиз йилдан бери даволаётган таниқли мутахассис, тиббиёт шифокорига кўриниш зарур эди.

Унинг дўстимга берган биринчи саволи қуйидагича бўлди: *"Соғлигингизни шу даражага келтирган руҳий зарбаларни айтиб бера оласизми?"* Дўстимни огоҳлантириб айтдики, агар ҳаяжонланишни бас қилмас экан, унда юрак оғриғи, ошқозон яллиғланиши ва диабет асорати пайдо бўлиши мумкин. *"Бу хасталикларнинг бари*, — деди машҳур шифокор, — *бир-бирига яқин қариндошлардир"*. Шак-шубҳасиз, улар яқин қариндошлардир, чунки барчаси безовталик туфайли ҳосил бўлган!

Мен Мерл Оберондан интервью олганимда, у безовталикдан бутунлай халос бўлганини айтди. Безовталик киноактриса сифатидаги асосий бойлиги — унинг кўринишини барбод этиши мумкинлигини Мерл жуда яхши англарди.

*"Кинода биринчи марта синовдан ўтганимда ташвиш ичида ўралашиб, гангиб қолгандим*, — деб эслайди у, — *Ўшанда эндигина Ҳиндистондан келган, иш топишга уриниб юрар, Лондонда ҳеч кимни танимас эдим. Бир нечта продюсерга*

*учрашдим, аммо уларнинг бирортаси ҳам мени кинога суратга тушишга таклиф этишмади. Жамғарган озгина пулим ҳам аста-секин тугай бошлади. Икки ҳафта давомида фақат печенье ва сув билан тамадди қилдим. Бу ҳолда мен фақатгина безовта эмас, балки оч ҳам эдим. Ўз-ўзимга: "Эҳтимол, сен аҳмоқдирсан. Балки бир умр кинога тушолмассан. Хулласи калом, сенда тажриба ҳам йўқ. Сен ҳеч қачон саҳнага чиққан эмассан. Сендаги жалб қиладиган якка-ю ягона нарса — бу яхшигина чеҳра"*, дедим.

Шунда ойнага яқин келдим. Безовталик юзимни қай аҳволга солганини кўрсангиз эди! Юзим ажинларга тўлиб, бужмайиб кетган эди. Шунда ўз-ўзимга *"Сен буларни дарҳол тўхтатишинг керак! Ўзингни безовта қилмаслик учун ҳаракат қилишинг лозим. Сендаги энг катта бойлик, бу — мафтункор чеҳра. Аммо безовталик гўзаллигингни хароб этади"*, дедим.

Ҳеч нарса безовталик каби аёлни тез қаритиб, уни қаримсиқ, хунук қилиб қўймайди. Безовталик чеҳрага ёқимсиз ифода беради, жағни маҳкам қисишга мажбур қилиб, барашарамизни ажинга тўлдириб юборади. Безовталик юзга хунук тус беради. У туфайли сочлар оқариб кетиши, баъзи ҳолларда эса бутунлай тўкилиши мумкин. Безовталик оқибатида юз териси бузилади — унда тошмаларнинг ҳар хил турлари, яллиғланиш, ҳуснбузарлар пайдо бўлади.

Юрак хасталиги ҳозир Америкада биринчи рақамли қотил ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида жанг майдонларида уч миллионга яқин эркак ҳалок бўлган эди. Лекин ўшанда юрак хасталиги икки миллион фуқарони ҳалок этди, бир миллионга яқин ўлим ҳодисаси безовталик ва фавқулодда серташвиш турмуш ҳодисаси билан боғлиқ юрак хасталиги оқибатида содир бўлди. Дарҳақиқат, юрак хасталиги доктор Алексис Каррель айтган асосий сабаблардан биридир: *"Безовталик билан курашишни билмайдиган ишбилармон одамлар ҳаётдан эрта кўз юмадилар"*.

Қўшма Штатлар жанубида истиқомат қилувчи негрлар ҳамда хитойликлар безовталикдан келиб чиқадиган юрак хасталикларидан кам азият чекадилар, чунки улар ҳамма нарсага хотиржам қарайдилар. Қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлган ишчиларга нисбатан шифокорлар йи-

гирма баробар кўп ҳолда, юрак фаолиятидаги етишмовчилик туфайли вафот этишади. Улар диққат-эътиборини ўта талаб этадиган иш билан банд бўладилар ва унга ҳаётларини ҳам тикадилар.

*"Худо бизнинг гуноҳларимизни кечириши мумкин, аммо асаб тизимимизни ҳеч қачон афв этмайди"*, деган эди Уильям Жеймс. Олдимизда яна битта эътиборли ва ишониш қийин бўлган далил: америкаликлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳодисалари тобора кўпаймоқда. Ҳар йили ўзини ўлдирганлар сони билан энг кўп тарқалган беш хилдаги юқумли касалликлардан вафот этганлар ўртасидаги фарқ ошиб боряпти.

Нега шундай? Жавоби битта: "Безовталик туфайли".

Бир пайтлар Хитойнинг шафқатсиз саркардалари ўз аскарларини шундай қийнашган: оёқ-қўллари боғланган асирларни сув солинган ва кечаю кундуз битта-битта томадиган меш остига қўйишган. Тўхтовсиз томиб турадиган бу томчилар бора-бора асирнинг калласига худди болға билан ургандай таъсир этган. Натижада одамлар ақлдан озишган. Бу усул испан инквизицияси, шунингдек, Гитлернинг немис концентрация лагерларида ҳам қўлланилган.

Безовталик тўхтовсиз оқиб турадиган сув томчисини эслатади, унинг доимий таъсири баъзан одамларни ақлдан оздириши ва ўз-ўзини ўлдиришигача олиб келади.

Қишлоқда ўспирин эдим, Миссури штатида яшаган эдим, шунда Билли Сандининг ўлимидан кейинги дўзах оловлари ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, ўзимни ўлгудай йўқотиб қўярдим. Лекин у доимий равишда безовталикни бошдан кечириб юрган кишилар ҳақида ҳеч нарса гапирмас эди. Агар сиз сурункали равишда безовталик ҳолатида бўлсангиз, бирор кун одам бошидан кечирган энг дўзахий азобни ҳис этасиз ва тайёргина стенокардия хуружига эга бўласиз.

Борди-ю, шундай ҳолатга дуч келсангиз, одам боласи чидай олмайдиган азоблардан қийналиб қичқира бошлайсиз. Сизнинг дод-фарёдингиз олдида Данте "Дўзах"ида эшитилган қичқириқ болакайнинг ғингшиганига ўхшаб қолади. Шунда ўз-ўзингизга: *"Ё раббим, раббим, агар бу азоблардан эсон-омон қутилсам, ҳеч қачон жонсарак (безовта) бўлмасдим. Ҳеч қачон"*, дер эдингиз *(агар, ошириб юборяп-*

*ти, деб ўйласангиз, оилавий шифокорингиздан сўраб билинг).*

Сиз ҳаётни севасизми? Узоқ умр кўришни ва соғ-саломат, бардам бўлишни истайсизми? Буни қандай амалга оширишингиз мумкин? Яна доктор Алексис Каррелнинг сўзларини келтираман: *"Кимки замонавий шаҳарнинг ғала-ғовури қуршовида руҳий хотиржамликни сақлай олса, у асаб касалликларини ўзига мутлақо яқинлаштирмайди".*

Замонавий шаҳар шовқин-сурони ичида сиз руҳий хотиржамликни сақлай олишга қодирмисиз? Агар сиз ақли расо одам бўлсангиз: "Ҳа, сўзсиз, ҳа!" деб жавоб берардингиз. Кўпчилигимиз ўзимиз ўйлагандан кўра кучлироқмиз. Бизда ички куч-қувват борки, унга деярли эътибор бермаймиз. Торо ўзининг ўлмас китоби "Уолден"да айтганидек: *"Мен инсоннинг улуғвор мақсадлар сари юксалтирувчи ва рад қилиб бўлмайдиган инсон қобилиятидан бошқа руҳлантирувчи ҳолатни билмайман... Агар сиз ўз орзуларингизни рўёбга чиқариш учун ишонч билан ҳаракат қилсангиз, албатта, ютуққа эришасиз, уни эса одатдаги юришturишдан кутиш мумкин эмас".*

Дарҳақиқат, кўпчилик китобхонлар худди Ольга К.Жарви каби ички куч-қувватга эга. У энг оғир фожиали ҳолатларда ҳам безовталикни енга олишга қодирлигини кўрсатди. Ишончим комилки, сиз ҳам, мен ҳам ушбу китобда тилга олинган энг азалий ҳақиқатларни қўллаб, буни амалга ошира оламиз. Ольга К.Жарви менга ўзи ҳақида нима деб ёзганига эътибор беринг: *"Саккиз ярим йил муқаддам мен ўлимга — аста-секин таъсир этувчи, азоб берувчи рак касаллигига маҳкум бўлдим. Мамлакатнинг энг яхши шифокорлари, ака-ука Мэйолар бу ҳукмни тасдиқладилар. Мен жар лабида эдим, жаҳаннам гўё рўпарамда турарди! Мен ахир ҳали ёш эдим. Ёруғ дунёдан кетишни асло истамасдим. Умидсизликка тушиб Келлоггдаги ўз шифокоримга қўнғироқ қилдим ва юрагим тутдай тўкилиб йиғлаб юбордим. У бирдан сабрсизлик билан мени койиб ташлади: "Ольга, сизга нима бўлди ўзи? Наҳотки қўлингиздан курашиш келмайди? Агар шундай йиғлайверсангиз, албатта, ўлиб кетасиз. Ҳа, сизга энг ёмон дард ёпишибди. Шундай экан, ҳақиқат юзига тик қаранг-да! Ташвишга тушишни бас қилинг! Ке-*

*йин ниманидир амалга оширинг!" Ана шу лаҳзадан бошлаб қасам ичдим. Қалбимнинг туб-тубидаги бор яширин қувватимни жалб этдим, аъзои баданим — елкамдан тирноғимнинг учига қадар қалтираб кетдим. Ўз-ўзимга: "Мен асло безовта бўлмайман! Сира йиғламайман! Нимагаки уринмайин, ғалаба қилишим керак! Мен яшашим керак!" деб буйруқ бердим.*

*Айнан шундай вазиятларда радий қабул қилиш ман этилганди. Рентген нурларини қабул қилиш сеанси бир ойлик муддат ичида кунлик ўн ярим дақиқани ташкил этиши керак. Мени эса қирқ тўққиз кун мобайнида ҳар куни ўн тўрт ярим дақиқадан нур билан даволадилар. Қоқ қуруқ гавдамдан суякларим кўриниб қолди, улар худди саҳро яланглигида қад кўтарган чўққиларни эслатарди, тирноқларим эса қўрғошинга ўхшаб қолса ҳам йиғламадим! Фақат кулардим! Ҳа, ўзимни кулшига мажбур қилардим!*

Фақат биргина кулги билан ракни даволаб бўлмаслигини билардим, лақма эмасдим, албатта! Лекин ҳақиқатан ҳам қувноқ кайфиятда бўлиш касаллик билан курашда жисму жонга катта ёрдам беради. Ҳар эҳтимолга қарши мен ракдан даво топишда муъжизани бошимдан ўтказдим. Бир неча йиллардан буён ўзимни шундай соғлом ҳис этмаган эдим, бунда доктор Маккаферининг сўзлари ҳамиша руҳлантирувчи аҳамият касб этди: *"Бор ҳақиқатнинг юзига тик қаранг. Безовта бўлишни бас қилинг! Сўнг ниманидир амалга оширишга урининг"*.

Бу бўлимни тугатар эканман, сўзбошида келтирилган Алексис Каррел жумласини такрорлайман: *"Безовталик билан курашишни билмайдиган ишбилармон одамлар ҳаётдан эрта кўз юмадилар"*.

Доктор Каррель сиз ҳақингизда гапирганми?

Эҳтимол.

## Қисқа хулосалар

**1-қоида:** *Агар сиз безовталикдан халос бўлишни истасангиз, Уилям Ослер маслаҳатига амал қилинг: "Бугунги кундан ажратиб олинган жой"да яшанг. Келажакни ўйлаб, ҳадеб ҳаяжонга тушаверманг. Тинчгина хотиржам ухлайверинг.*

**2-қоида:** *Агар Бош ҳарф билан ёзиладиган Кулфат сизни таъқиб этиб, бурчакка тиқиб ташласа, Уилямс Ж.Кэриэрнинг сеҳрли формуласини татбиқ этинг:*

*а) ўзингиздан:* "мен ўз муаммомни ҳал эта олмасам, энг нохуш аҳвол қандай бўларди?" *деб сўранг;*

*б) зарур бўлиб қолганда, ўзингизни энг нохуш ҳолатга фикран тайёрланг;*

*в) зарурат юзасидан муросага келадиган вазиятни фикран яхшилаш учун зарур тартибларни хотиржам ўйлаб олинг.*

**3-қоида:** *Безовталик соғлигингизга ҳаддан зиёд зарар келтиришини эсланг.* "Безовталик билан курашишни билмайдиган ишбилармон одамлар ҳаётдан эрта кўз юмадилар".

*ИККИНЧИ ҚИСМ*

# БЕЗОВТАЛИКНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

*Тўртинчи бўлим*

## БЕЗОВТАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТАҲЛИЛ ЭТМОҚ ВА ҲАЛ ҚИЛМОҚ КЕРАК?

***Бордир менинг олти хизматчим,***
***Садоқатда тенгсиз ҳамда мард.***
***Атрофимда неники кўрсам,***
***Барчасини билдим шулардан.***

***Ўхшаб кетар барчаси менга,***
***Пайдо бўлар керакли пайтда.***
***Қандай, Нима учундир исми,***
***Ким, Нимаю Қачон, Қаерда?***

*Редьярд Киплинг*

Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: биз безовталикнинг барча кўринишларини бартараф этмоқ учун пухта тайёргарлик кўришимиз керак. Бунинг учун муаммони таҳлил этишнинг уч босқичини ўрганиш зарур.

***Биринчи қоида:*** далилларни тўплаш кераклигини кўриб чиқайлик. Нима учун далилларга таяниш шунчалик муҳим? Агар ихтиёримизда далиллар бўлмаса, биз муаммони оқилона ҳал этишга урина олмаймиз ҳам. Қуруқ уйдирмалар гирдобида сарсон бўлиб юраверамиз. Бу менинг фикримми? Йўқ. Бу фикр Колумбия университети қошидаги Колумбия коллежида йигирма икки йил мобайнида деканлик қилган марҳум Герберт Е.Хоксга тегишли. Икки юз минг талабани безовталикдан халос этишга ёрдам берган Хокс менга шундай деган эди: *"Саросимага тушиш — безовталикнинг асо-*

*сий сабабчисидир"*. У буни қуйидагича таърифлайди: *"Дунёдаги безовталикнинг ярми муаммоларни ҳал этиш учун шарт бўлган ахборотларни тўлиқ олмасдан туриб қарор қабул қилишга уринувчи кишилар томонидан содир этилади"*. Хокс, яна шундай дейди: *"Агар менинг зиммамда келгуси сешанба куни соат учда ҳал этилиши лозим бўлган муаммо турган бўлса, келгуси сешанбагача қарор қабул қилишни, ҳатто хаёлимга ҳам келтирмайман. Шу оралиқдаги муддатда мазкур муаммо билан боғлиқ барча далилларни тўплашга уринаман. Мен асло безовта бўлмайман, ваҳимага берилмайман. Уйқумни ҳам йўқотмайман. Диққат-эътиборимни далиллар тўплашга сарфлайман. Ўша вақтда, яъни сешанба келгач, агар ихтиёримда барча далиллар бўлса, муаммо, одатда, ўз-ўзидан ҳал бўлади"*.

Мен Хоксдан *"бу безовталикдан тўла халос бўлишга етармикан"*, деб сўрадим. *"Ҳа,* — деб жавоб берди у, — *менинг ҳаётим безовталикдан деярли халос бўлди, деб очиқ-ойдин эътироф эта оламан. Шуни тушундимки, агар одам ўз вақтини далиллар тўплашга бағишласа, буни сидқидилдан ва холис тарзда амалга оширса, унинг безовталиги, одатда, билим нурлари остида йўқолиб кетади"*.

Такрорлашга изн беринг: *"Агар одам ўз вақтини далиллар тўплашга бағишласа, буни сидқидилдан ва холис тарзда амалга оширса, унинг безовталиги одатда билим нурлари остида йўқолиб кетади"*.

Аммо кўпчилик безовталик ҳолатида ўзини қандай тутади? Далиллар билан танишмоқ учун озгина бўлса-да, куч сарфлаймизми? Томас Эдисон менга ниҳоятда жиддийлик билан: *"Одам ҳамма нарсага тайёр, фақат ақлий қобилиятни сарфламаса бўлгани"*, деб бежиз айтмаган эди. Агар биз далилларни тўплаш машаққатини зиммамизга олсак, аллақачон билганларимизнинг изига тушамиз. Қолган барча далилларни тўлиқ назар-писанд қилмасликка мойил бўламиз! Бизни хатти-ҳаракатларимизни оқлайдиган, хоҳиш-иродамизга мос ва ўтмишда ўзлашган барча бидъатларимизни оқлайдиган ҳолларгина қаноатлантиради, холос!

Андре Моруа айтганидек, *"бизнинг хоҳиш-иродамизга мос келадиган барча нарсалар тўғри деб ҳисобланади. Бунга тескари бўлган нарсаларнинг бари қонимизни қайнатади"*.

Муаммоларни ҳал этиш йўлида катта қийинчиликларга дуч келганимизда, нега ҳайрон бўламиз? Балки оддий арифметик масалани ечишда икки қўшув икки — беш, деган фараздан келиб чиққанимизда, бунчалик қийин бўлмасмиди. Лекин дунёда шундай одамлар борки, улар ҳаётни ўзлари учун ҳам, ўзгалар учун ҳам дўзахга айлантирадилар, икки қўшув икки беш ёки беш юз, деб оёқ тираб оладилар!

Шундай пайтда қандай иш тутишимиз керак? Биз фикр юритишда ҳиссиётга берилмай, Хокс айтганидек, далилларни сидқидилдан ва холис тарзда тўплашимиз лозим.

Аммо тўлиқ безовталик гирдобида бўлсак, мазкур вазифани бажариш енгил кечмайди. Бу пайтда ҳиссиётларимиз анчагина фаол бўлади. Мен холис киши нуқтаи назари билан муаммоларимиз бўйича фикр юритишнинг икки усулини тавсия этаман. Бу эса уларни жуда аниқ ва синчковлик билан кўриб чиқишга ёрдам беради.

1. Мен далилларни тўплашда ахборотларни ўзим учун эмас, балки бошқа бирор киши учун йиғаман, деб фараз қиламан. Бу вазиятга атрофлича ва синчковлик билан ёндашишга ёрдам беради, ҳиссиётларни "четга суриш"га кўмаклашади.

2. Мени ташвишга солган муаммолар билан боғлиқ далилларни ошкор қилмоққа уринар эканман, ўзимни четда туриб сўзга чиқмоқчи бўлган ҳуқуқшунос дея тасаввур этаман. Бошқача айтганда, ўзимга қарши гувоҳлик берувчи барча далилларни тўплашга уринаман, мазкур далиллар менинг хоҳиш-иродамга бутунлай тескари бўлади. Ваҳоланки, бу далилларга мен мурожаат қилишни асло истамас эдим.

Шундан сўнг барча "ҳа" ва "йўқ"ларни — агар гап аниқ ўша битта муаммо хусусида бўлса — уларни ёзиб чиқаман. Одатдагидай, ҳақиқат қандайдир икки нуқтаи назарнинг охиридаги оралиқда турибди, деган хулосага келаман.

Фикримнинг асл мағзи ана шунда. На мен, на сиз, на Эйнштейн, на АҚШ олий суди далиллар билан олдиндан танишмасдан туриб, у ёки бу муаммони оқилона ҳал эта олади. Томас Эдисон буни билар эди. Вафотидан кейин у дуч келган муаммоларга доир ғиж-ғиж далиллар билан лиқ тўлган икки ярим мингта ён дафтарча борлигини аниқлашган.

Шундай қилиб, "Далилларни тупланг" деб номланган биринчи қоида муаммоларимизни ҳал этиш учун жуда зарур. Хоксдан мисол келтирамиз. Ахборотларни холисона жамламай туриб, муаммоларимизни олдин ҳал этишни хаёлимизга ҳам келтирмаслигимиз керак. Шу билан бирга дунёдаги барча далилларни қидириб топганимизда ҳам улар бизга заррача ёрдам бера олмаслиги мумкин. Биз уларни таҳлил қилиш ва улар ҳақида мулоҳаза юритишимиз лозим *(иккинчи қоида)*.

Ўзим бошдан ўтказган аччиқ тажрибадан шуни тушундимки, барча далилларни олдиндан ёзиб чиққандан сўнг таҳлил қилиб чиқиш анча енгил кўчади. Аслини олганда, далилларнинг барини бир варақка оддийгина ёзиб чиқиш ва олдингизда турган муаммоларни аниқ таърифламоқ унинг маълум маънода мантиқий ҳал этилишини таъминлайди. Чарлз Кеттеринг айтганидек, *"Яхши таърифланган муаммо, бу ярим ҳал этилган масала демакдир"*.

Ижозатингиз билан мазкур усул амалда қандай қўлланилишини кўрсатиб берсам. Хитойликлар битта сурат ўн минг сўздан иборат, деганлар. Ҳозир айтганларимизни бир киши қандай амалга оширганини тушунтираман.

Келинг, Гейлен Литчфилд билан рўй берган воқеани кўриб чиқайлик. Мен бу одам билан бир неча йиллардан бери танишман. У Узоқ Шарқдаги энг пешқадам ишбилармонлардан ҳисобланади. 1942 йилда Жаноб Литчфилд Хитойда, японлар Шанхайни босиб олган пайтда яшаган эди. Меҳмоним бўлганида, ўзи билан кечган бир воқеа ҳақида гапириб берган.

*"Японлар Перл-Харборни босиб олганидан сўнг кўп ўтмай,* — деб ҳикоясини бошлади Гейлен Литчфилд, — *улар тўдатўда бўлиб Шанхайга ёпирилиб кирдилар. Ўшанда мен Шанхайдаги Осиё суғурта компанияси бошқарувчиси вазифасида эдим. Бизга адмирал унвонидаги ҳарбий келди. Фондимизни тугатишда унга ёрдам бериш вазифаси каминага буюрилган эди. Мазкур ҳолатда мен нима қилишни билмасдим. Ё японлар билан ҳамкорлик қилиш керак... ёки мени ўлим кутарди.*

*Менга нима буюришган бўлса, шуни бажардим, бошқа иложим йўқ эди. Аммо адмиралга бериладиган рўйхатга 750 минг*

*доллар қийматга эга қимматбаҳо қоғозлар тахламини киритмадим. Чунки у бизнинг Ҳонконгдаги ташкилотимизга тегишли бўлиб, Шанхай фондига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Шу билан бирга мен жуда қўрқдим, чунки бу ишимни японлар пайқаб қолишса, аҳволим ниҳоятда чатоқ бўларди. Ва улар буни тезда пайқаб қолишди ҳам.*

*Иш очилиб қолганида, мен идорада эмасдим, бу пайтда бош ҳисобчим бор экан. У менга, япон генерали ғазаб отига минди, деб айтди. Ер тепиниб, ҳақорат қилибди ва мени ўғри, сотқин деб атабди. Мен япон армиясига қарши чиққан эмишман. Бунинг маъносини жуда яхши билардим. Мени Брижхаузга ташлаши ҳам мумкин экан!*

*Брижхауз! Япон гестапосининг қийноқ камераси! Бу турмага тушгандан кўра ўзини ўлдиришни афзал билган дўстларим бор эди. Айримлари у ердаги сўроқ ва қийноқлардан ўн кун ўтгач, ҳалок бўлишган. Энди эса ана шу турма менга таҳдид солмоқда!*

*Шунда мен қандай иш тутдим? Бу хабарни якшанба куни туш пайтида эшитдим. Ҳар эҳтимолга кўра менда руҳий тушкунликка тушиш учун ҳамма асослар бор эди. Агар ўз муаммоларимни ҳал этишнинг муайян усулларидан хабардор бўлмаганимда, мушкул аҳволда қолишим тайин эди. Узоқ йиллар давомида агар дилгир аҳволга тушиб қолсам, кўпинча ёзув машинкаси олдига келаман-у, икки савол ҳамда унга икки жавобни ёзаман.*

*1. Мен нега безовтаман?*

*2. Шундай ҳолатда нима қила оламан?*

*Даставвал, бу саволларга жавоб ёзмадим. Лекин кўп ўтмай ўз нуқтаи назаримни ўзгартирдим. Шунда савол-жавобларни ёзиб чиқиш муаммони таҳлил этишни анча енгиллаштирганини пайқаб қолдим. Хуллас, мен якшанба куни туш пайтида Шанхай бўлимидаги ўз хонамга келдим ва ёзув машинкаси олдига ўтирдим. Машинкада шундай деб ёздим:*

*"1. Мен нега безовтаман?*

*Эртага мени эрталаб Брижхаузга жўнатишади, шундан қўрқаман".*

*Сўнг навбатдаги саволни машинкада ёздим:*

*"2. Шундай ҳолатда нима қила оламан?"*

*Жавоб излаб, кўп вақтни ўтказдим ва ҳар бир ҳодисадан қутулиш мумкин бўлган оқибатни ҳамда шундай мураккаб вазиятда ўзни тута билишнинг тўрт қўринишини ёзиб чиқдим.*

*"1. Мен япон адмиралига бирма-бир тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Лекин у "инглиз тилида гапира олмайди". Агар таржимонга мурожаат этгудай бўлсам, адмирал яна тутақиб кетиши мумкин. Унинг ғазаби мени ҳалок этиши мумкин. Ахир адмирал ўта шафқатсиз, мен билан гаплашиб, ўзини қийнагандан кўра, мени Брижхауз қийноқхонасига ташлашга тезроқ рози бўларди.*

*2. Мен қочишга уринишим мумкин. Лекин мени мудом кузатиб туришибди. Идорага кирган ва чиққан вақтимдан уларни ҳар доим хабардор қилиб туришим керак. Мабодо қочгудек бўлсам, балки мени тутиб олиб, отиб ташлашади. Мен ўз хонамда қолишим мумкин ва идорага асло бормайман. Агар шундай қилсам, бу япон адмиралида шубҳа уйғотади. Эҳтимол, мени тутиш учун аскар юборади ва бир оғиз гапиришимга имкон бермай Брижхаузга жўнатади.*

*3. Мен душанба куни эрталаб одатдагидек идорага бораман. Балки япон адмирали ўта банд бўлганидан нима иш қилганимни эслай олмас. Ҳатто, бу ҳақда ўйлаганида ҳам, шак-шубҳасиз, унинг ғазаби анча сўнган бўлиб, мени ўз ҳолимга қўяр. Бундай ҳолатда мен зарар кўрмайман. Ҳатто, у эслаганда ҳам менда унга ниманидир тушунтириб бериш умиди бўлар. Шундай қилиб, душанба куни эрталаб ишга одатдагидай келиб, ҳеч нарса кўрмагандай ҳаракат қилиш билан турмага тушмасликнинг икки имкониятига эга бўламан".*

*Мавжуд вазиятни тўлиқ мулоҳаза қилиб чиққач, тўртинчи ҳаракат режасини қабул қилишга қарор қилдим, яъни душанба куни эрталаб ҳеч қандай воқеа рўй бермагандай идорага боришни ўйлаганимда, анча енгиллашганимни ҳис этдим.*

*Эртаси идорага келган пайтимда япон генерали оғзида сигара билан менинг хонамда ўтирарди. У менга одатдагидай синчковлик билан тикилди, аммо бир оғиз ҳам гапирмади. Орадан олти ҳафта ўтгач, худога шукур, у Токиога*

*жўнаб кетди. Шу билан менинг барча ҳаяжонларим барҳам топди.*

*Юқорида айтганимдек, шубҳасиз, якшанбада кун бўйи ўтириб, зарурий имкониятлар ва унинг аниқ оқибатларини ёзиб чиққанлигим учун ўз ҳаётимни сақлаб қолишга муваффақ бўлдим. Буларнинг бари бамайлихотир қарор қабул қилишга ёрдам берди. Агар мавжуд вазиятни мулоҳаза қилиб чиқмасам, балки асабийлашиб, иккиланиб, қизишган кўйи бирор балога гирифтор бўлардим. Ўз муаммоларимни қайтадан ўйлаб чиқмасам ва қатъий қарорга келмасам, ваҳимага тушиб, якшанба куни безовта ҳолда юрардим. Туни билан мижжа коқмасдим. Душанба куни ишга безовта ва эзилган қиёфада келардим. Бу эса япон адмиралида шубҳа уйғотиши ва уни ҳаракат қилишга мажбур этиши мумкин эди.*

*Ҳаётдаги тажрибам менга муайян қарорни атрофлича чуқур ўйлаш катта фойда келтириши мумкинлигига ишонтирди. Ҳаракат қилишнинг аниқ режасини мўлжаллаш қобилиятининг йўқлиги, айтиш мумкинки, учи-кети йўқ калавасини йўқотиб қўйиш одамларни асаб бузилишларига ва улар ҳаётини дўзахга айлантиришга олиб келади. Мен қачон аниқ муайян қарор қабул қилсам, ҳаяжонларимнинг эллик фоизи барҳам топади, қолган қирқ фоизи эса одатда уни амалга ошириш вақтида ўз-ўзидан ғойиб бўлади.*

*Шундай қилиб, ҳаяжонларимнинг тахминан тўқсон фоизини қуйидаги ҳолларда бартараф этаман:*

*1. Мени тўлқинлантирган вазиятнинг аниқ тавсифи.*

*2. Қабул қилишим мумкин бўлган ҳаракатлар рўйхати.*

*3. Қарорлар қабул қилиш.*

*4. Бу қарорларни зудлик билан амалга ошириш".*

Ҳозирги пайтда Гейлен Литчфилд АҚШ молиявий манфаатларини ифодаловчи "Старр, Парк энд Фримен" корпорациясининг Узоқ Шарқ бўлими директори ҳисобланади.

Аслида, юқорида айтганимдек, Гейлен Литчфилд ҳозирги пайтда Американинг Осиёдаги энг обрўли ишбилармонларидан биридир. Унинг эътирофига кўра, бу муваффақиятга маълум даражада безовталик билан боғлиқ муаммони таҳлил этиш усулидан унумли фойдаланиш туфайли эришган.

Мазкур усулнинг муваффақияти нимада? У ўзининг таъсирчанлиги ва аниқлиги ҳамда муаммо моҳиятига чуқур кириб боргани билан алоҳида ажралиб туради. Шундай қилиб, юқорида айтилганлардан хулоса тарзида сизга учинчи ўзгармас қоидани айтаман: *"Муаммони ҳал этиш мақсадида ҳаракатни ишга солинг"*. Агар мўлжалланган ҳаракатни амалга оширишга киришмасангиз, далилларни тўплаш ва уларни мушоҳада этиш қуруқ сафсата сотиш билан баробар бўлиб қолади. Бундай ҳолатда кучларимиз беҳуда сарфланади.

Уильям Жеймс шундай деган эди: *"Қачон қарор қабул қилиниб, ижроси мўлжалланса, унинг масъулияти ҳақида безовта бўлишни бутунлай бас қилинг ва натижалари тўғрисида қайғуринг"*. Уильям Жеймс *"қайғу"* сўзини *"безовталик"* сўзига синоним сифатида ишлатган. У далилларни мулоҳаза этиш асосида қарор қабул қилгач, дарҳол уни амалга оширишга киришишни назарда тутган. Ўз қарорингизни қайта кўриб чиқишга уриниб ўтирманг. Белгиланган режадан асло чекинманг. Иккиланманг. Акс ҳолда навбатдаги иккиланишлар юзага келиши мумкин. Орқага ўгирилиб қараманг.

Бир куни Оклахоманинг энг машҳур нефт саноатчиларидан бири Уэйт Филипсдан ўз қарорларини қандай амалга оширганини сўраб қолдим. У шундай деб жавоб берди: *"Менимча, ўз муаммоларимизни қаддан зиёд ўйлайвериш эсанкираш ва безовталикка олиб келиши мумкин. Шундай вақт бўладики, узундан-узоқ таҳлил ва фикр юритиш фақат зарар келтириши мумкин. Шундай фурсат келадики, бу вақтда ҳеч қачон орқага қарамай қарор қабул қилишимиз ва ҳаракатга тушишимиз зарур"*.

Шундай экан, айни дамда сизни безовта қилиб турган муаммоларни ҳал этиш учун Гейлен Литчфилд усулини нега татбиқ этмаслигимиз керак?

Ўзингизга савол беринг: 1. Мен ҳозир нега безовтаман? *(Марҳамат қилиб, бу саволга жавобни пастда қалам билан ёзинг. Бунинг учун бўш жой ажратилган).*

2-савол: Мен нима қила олишим мумкин?

3-савол: Муаммони бартараф этиш учун нимани амалга оширишим мумкин?

4-савол: Белгиланган ҳаракатни амалга оширишга қачон киришишим мумкин?

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

*Бешинчи бўлим*

## ИШДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЭЛЛИК ФОИЗ БЕЗОВТАЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАҚИДА

Агар сиз ишбилармон киши бўлсангиз, балки ўз-ўзингизга: *"Бу сарлавҳа мутлақо ёпишмабди. Мен ўн икки йилдан бери ўз ишим билан шуғулланаман, бунга жавобни ўзимдан бошқа ҳеч ким яхши билмайди. Иш туфайли юзага келадиган эллик фоиз безовталикдан қандай халос бўлишни менга кимдир ўргатмоқчи бўлса, бу фақат бемаъниликдан иборат фикр!"* дейишингиз мумкин.

Бу эътироз тўғри, албатта. Бир неча йил муқаддам мазкур сарлавҳани ўқиб, мен ҳам шундай деб ўйлашим мумкин эди. У жуда кўп нарсани ваъда қилади, ваъда эса одатда ҳамиша ҳам ўзини оқламайди.

Келинг, дангалига кўчиб қўя қолайлик, эҳтимол сизга ишда рўй берадиган безовталикнинг ярмидан халос бўлишингизга ёрдам бера олмасман. Охир-оқибатда ўзингиздан бошқа киши уни амалга ошира олмайди. Аммо бу ишни бошқалар қандай уддалаган — ана шуни сизларга кўрсатиб бераман, қолгани ихтиёрингизда!

Эҳтимол, сиз дунёга машҳур Алексис Каррелнинг *"Безовталик билан курашишни уддалай олмаган ишбилармон кишилар ўз умрларини эрта хазон қиладилар"*, деган сўзларини эсларсиз.

Демак, безовталик сиз учун шу даражада хавфли экан, жилла қурса, унинг ўн фоизини бартараф этишда сизга ёрдам берсам, фойдали эмасми? Балли! Мен сизга безовталикдан эллик фоизгина қутилиб қолмай, иш билан боғлиқ муаммоларга доир йиғилишларга беҳуда сарфланган ет-

миш фоиз вақтни тежашга муваффақ бўлган бир маъмур тўғрисида гапириб бераман.

Сизга "номаълум жаноб Жонс" ёки "Жаноб Х", шунингдек, "Оҳайодаги бир йигит" ҳақида гапириш ниятим йўқ. Бундай жумбоқли воқеаларни текшириб кўриш мумкин эмас. Гап аниқ шахс — Леон Шимкин — АҚШдаги "Саймон энд Шустер" нашриётининг директори ва хўжайини ҳақида бормоқда.

Мана, Леон Шимкиннинг ўзи ҳақида гапиргани:

*"Ўн беш йил давомида иш вақтининг ярмини деярли ҳар куни йиғилишларга сарфлар эдим. Биз муаммоларни муҳокама қилиш билан шуғулланардик. Уни-буни бажариш ёхуд ҳеч нарса қилмаслик керак, деб роса бош қотирардик. Охири асабларимиз чидаш бера олмай, оромкурсиларимизда сулайиб қолардик, олдинга ва кейинга одим ташлардик, тортишардик ҳамда чиқиб кетиб бўлмайдиган боши-кети йўқ гирдобга тушиб қолардик.*

*Кечқурун ўзимни бутунлай абжағи чиққандай ҳис этардим. Умр бўйи шу тарзда давом этса керак, деб ўйлардим. Шундай азобда ўн беш йил ишладим ва бундан чиқишнинг яхши усули борлиги калламга келган эмас. Агар бирор киши менга шу каби йиғилишларга кетган вақтининг тўртдан бир қисмидан воз кечиб, асабий зўриқишни тўртдан уч қисмга камайтириш мумкин деса, уни хизмат хонасида ўтирган кўйи еттинчи осмонда учиб юрган хаёлпараст деб атаган бўлардим. Аммо ишлаб чиққан режам айнан шу натижаларни берди. Мен уни, мана, саккиз йилдан бери қўллайман. У менинг ҳаётимда ўзгариш ясади, иш қобилиятим ўсди, соғлиқ ва бахтга эга бўлдим.*

*Буларнинг бари сеҳргарликка ўхшайди. Аммо барча сеҳргарлик ўйинлари каби у ҳам оддий усулдан иборат, уларни қандай бажаришни билсангиз жуда ҳам содда.*

*Сири қуйидагича: Мен дастлаб зудлик билан йиғилиш ўтказиш тартибини ўзгартирдим. Одатда йиғин маъюс ёрдамчиларимнинг ишдаги камчиликларни батафсил баён этишидан бошланар эди. Йиғилиш айнан бир хил савол билан тугарди: "нима қилишимиз керак?" Мен ишга доир муаммоларни муҳокама этишнинг янги қоидасини амалга оширдим. Агар ходимлардан бири муҳокама учун масалани*

*тавсия этса, ундан дастлаб қуйидаги тўртта саволга жавоб берувчи матн тайёрлаш талаб этиларди.*

***1- савол: Муаммо нимадан иборат?***

*(Биз йиғилишни бир-икки соатни тортишув билан ўтказар, аммо ҳеч ким муаммони аниқ таърифлаб беролмасди. Ўзимиздаги нокулайликларни томоғимиз бўғилгунча муҳокама этсак-да, муаммонинг асл сабаби нимадан иборат эканини ёзма равишда бирортамиз баён этиб бера олмасдик).*

***2-савол: Муаммо қай тариқа юзага келган?***

*(Агар ортимга қараб, ўз мартабамнинг алоҳида босқичларини эсласам, ваҳимага тушаман, қанча вақтимиз йиғилишларга беҳуда кетган эди. Ваҳоланки, биз муаммолар асосида ётган шароитни англаб олишга, ҳатто уринмагандик ҳам).*

***3- савол: Муаммони ҳал этишнинг қандай ўнғай томонлари бор?***

*(Илгари йиғилишларда одатда бир киши битта муаммони ҳал этишни тавсия этарди. Бошқаси у билан тортишарди. Доимгидек, ҳамма жунбушга келарди. Кўпинча муҳокама этиладиган мавзудан четлашиб кетардик ва йиғилиш охирида муаммони ҳал этишга оид кўп қиррали таклифларни ёзишга бирор кишининг ҳам уринмаганлиги маълум бўлиб қоларди).*

***4-савол: Сиз қандай ечимни тавсия этардингиз?***

*(Мен йиғилишда вужудга келган вазиятдан соатлаб безовта бўлган, барча ечимларни мулоҳаза қилмасдан, унинг атрофида айланиб, "мен мана шу ечимни тавсия этаман" деган одамни кўрганим йўқ).*

*Ҳозир ходимларим ўз муаммолари хусусида менга жуда кам мурожаат этишади. Нима учун? Чунки улар ўртага ташланган тўртта саволга жавоб бериш учун барча далилларни тўплаш ва ўз муаммоларини таҳлил этишни талаб қилишни тушуниб олдилар. Шу тариқа тўрт ҳолатдан учтасида менинг маслаҳатларимга асло муҳтож бўлмайдилар. Тўғри ечим худди электр тостерда пиширилган нон*

*бўлаги каби ўз-ўзидан "сакраб" чиқади. Ҳатто, маслаҳат зарур бўлиб қолганда ҳам илгаригига нисбатан жуда кам вақт сарфланиб, мунозара тартибли ва мантиқий узвийлик касб этади, натижада биз оқилона ечимга келамиз.*

*Ҳозир "Саймон энд Шустер" нашриётида олдингига нисбатан безовталик ва ишдаги камчиликлар хусусида жуда кам вақт сарфланади. Унинг ўрнига фаолиятни янада яхшилаш учун катта хатти-ҳаракат ишга солинади".*

Менинг дўстим, Америка суғурта компаниясининг пешқадам арбобларидан бири Френк Беттжер айнан шу усул воситасида ўзининг безовталигини камайтирибгина қолмай, балки даромадини ҳам икки баробар оширишга муваффақ бўлганини гапириб берган эди.

*"Анча йил муқаддам, — дейди Ф.Беттжер, — суғурта агенти сифатида иш фаолиятимни бошлаганимда, ишимга нисбатан чек-чегараси йўқ завқ-шавқ ва муҳаббатга эга эдим. Сўнг нимадир бўлди. Мен тушкунликка тушдим ва ишдан ҳазар қила бошладим. Ҳатто, бу даргоҳдан бўшаб кетишни ҳам ўйладим. Ишдан қўл силташим ҳам мумкин эди, аммо шанба кунларидан бирида эрталаб ўтириб, ўз ташвишларим сабабини изоҳлашга ҳаракат қилиш фикри туғилди.*

*1. Даставвал ўз-ўзимга савол бердим: "Муаммонинг асосий мағзи нимада? Унинг моҳияти қуйидагича эди: мен жуда кўп сафарларда бўлдим, даромадим эса унча кўп эмас. Шоҳ кўчага доир сотув ишим унчалик ёмон эмасди, лекин кейинчалик суғурта бўйича шартнома тузишда иш тўхтаб қолди. Мижозлар: "Сизнинг таклифингизни ўйлаб кўрамиз, жаноб Беттжер, ҳузуримизга яна бир бор келинг", деб айтадиган бўлишди. Уларга қўшимча равишда келишига кетадиган вақт тоқатимни тоқ қилди.*

*2. Ўз-ўзимдан: "Муаммони ҳал этишнинг қандай ечимлари бор?" деб сўрадим. Бу саволга жавоб бериш учун далилларни ўрганиш талаб этиларди. Кейинги ўн икки ойлик рўйхатга олиш дафтаримни варақлаб, рақамларни таҳлил қилиб чиқдим.*

*Мен ҳайратомуз кашфиётга қўл ургандим! Мижозларим билан биринчи учрашувимда етмиш фоиз суғурта ҳужжати имзоланган очиқ-ойдин намоён бўлди. Иккинчи учра-*

*шувда ўттиз уч фоиз суғурта ҳужжати сотилган эди. Уч, тўрт, беш ва бошқа учрашувларда етти фоиз суғурта ҳужжати расмийлаштирилди. Худди шу сафарлар жуда кўп вақтимни олди ва менга ҳаддан зиёд безовталик олиб келди. Бошқача айтганда, мен иш вақтимнинг деярли ярмини етти фоиз расмийлаштирилган фаолиятга сарфладим.*

*3. Жавоб қандай бўлди? Жавоб аниқ эди. Мен мижозлар ҳузурига боришни иккинчи мартадан сўнг дарҳол бас қилдим. Ихтиёримдаги вақтни истиқболи бор мижозларга сарфладим. Ҳар бир келишилган ишнинг қийматини деярли икки баробарга орттирдим!"*

Юқорида айтганимдек, Фрэнк Беттжер ҳозир Американанинг суғурта соҳасидаги машҳур арбобларидан биридир. У Филадельфиядаги "Фиделити мьючуэл" компаниясида хизмат қилади ва ҳар йили миллион долларга суғурта ҳужжатларини расмийлаштиради. Ахир Беттжер ўз мартабасидан воз кечмоқчи бўлган, ҳалокат ёқасига келиб қолган эди-да. Уни муаммони таҳлил этишгина муваффақият сари етаклади.

Эҳтимол, ишингизга оид муаммоларни ҳал этишда шу саволларни қўлларсиз? Такрор айтаманки, улар сизнинг безовталигингизни эллик фоиз қисқартириши мумкин. Мана, ўша саволлар:

*1. Муаммо нимадан иборат?*

*2. Муаммо қай тариқа юзага келган?*

*3. Муаммони ҳал этишнинг қандай ўнғай томонлари бор?*

*4. Сиз қандай ечимни тавсия этардингиз?*

## Қисқа хулосалар

**1-қоида.** *Далилларни тўпланг. Колумбия университети, Колумбия коллежи декани Хокс нима деганини эсланг:* "Дунёдаги безовталикнинг ярми муаммоларни ҳал этиш учун шарт бўлган ахборотларни тўлиқ олмасдан туриб, қарор қабул қилишга уринувчи кишилар томонидан содир этилади".

**2-қоида.** *Далилларни синчиклаб таҳлил этгандан кейингина қарор қабул қилинг.*

**3-қоида**. *Қарор қабул қилгач, уни дарҳол амалга оширишга киришинг! Ўз қарорингизни амалга ошириш билан машғул бўлинг ва натижаларига боғлиқ бўлган безовталикни "улоқтириб ташланг". Ўзингиз ёки хизматчилардан бирортаси муаммо туфайли безовта бўлаётган бўлса, қуйидаги саволларга жавоб ёзинг: А. Муаммонинг асосий моҳияти нимада? Б. Муаммо қай тариқа юзага келган? В. Муаммони ҳал этишнинг қандай ўнғай томонлари бор? Г. Сиз қандай ечимни тавсия этардингиз?*

## УШБУ КИТОБДАН ЮҚОРИ ДАРАЖАДА САМАРА ОЛИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТЎҚҚИЗ ТАВСИЯ

**1.** Агар сиз бу китобдан юқори даражада самара олишни истасангиз, битта асосий талабни бажаринг — у ҳар қандай қоида ва усуллардан кўра тамоман муҳим. Бу асосий маслаҳатга амал қилмас экансиз, ўрганилиши зарур мингта қоида бўлса ҳам, асло ёрдам бермайди. Агар сиз бу муҳим туҳфани эгаллаб олсангиз, гарчи қандайдир китобдан энг самарали фойда олиш ҳақидаги тавсияларни ўқиган бўлсангиз ҳам мўъжизалар ихтиро этамиз.

Бу сеҳрли-сирли талаб нимадан иборат ўзи? Мана, нимада. Ўта иштиёқ билан ўқишга интилиш ва безовта бўлишдан бутунлай халос бўлиш бўйича қатъий қарорга келиш ва яшашда давом этмоқ керак.

Бу интилишни қандай ривожлантирмоқ мумкин? Мазкур қоидалар сиз учун жуда муҳим эканлигини доимо ўзингизга эслатиб туринг. Уни эгаллагач, фаровон ва бахт-саодатли турмуш муяссар бўлишимга ёрдам беради, деб тасаввур қилинг. Ўз-ўзингизга қайта-қайта: *"Менинг руҳий хотиржамлигим, бахтим, соғлигим ва ниҳоят, эҳтимол даромадларим ушбу китобда баён этилган кўҳна, синовдан ўтган ва абадий ҳақиқатларни эгаллашимга кўп жиҳатдан боғлиқдир"*, деб такрорланг.

**2.** Китоб тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун даставвал унинг ҳар бир бўлимига куз югуртириб чиқинг. Балки, навбатдаги бўлимни ўқишни хоҳлаб қоларсиз. Аммо бундай қилманг. Сиз ахир кўнгилхушлик учун ўқимаяп-

сиз-ку. Агар безовталикдан халос бўлиб, янги ҳаёт бошлашни хоҳласангиз, ҳар бир бўлимни диққат билан мутолаа қилинг. Бу вақтни тежаш ҳамда муайян натижаларга олиб келади.

**3.** Китобни ўқиб туриб, баъзан тўхтанг, токи унинг мазмуни устида фикр юритиш қулай бўлсин. У ёки бу тавсияни қандай ва қаерда қўллаш мумкин деб ўз-ўзингиздан сўраб ҳам қўйинг. Бундай ўқиш сиз учун қуённи қувган чавандоз мисоли тезлашганга нисбатан анча фойдали бўлади, албатта.

**4.** Ўқиганда, қўлда оддий ёки қизил қалам ёки ручка бўлсин. Фойдаланмоқчи бўлган тавсияни қавс ичига олинг. Агар у алоҳида қимматли тавсия бўлса, ҳар бир иборанинг тагига чизинг ёки тўртта қўшув аломати қўйинг: + + + +. Китобни бундай чизиш уни, айниқса қизиқарли қилади ва кейинги сафар қайта кўздан кечиришга ёрдам беради.

**5.** Мен йирик суғурта концернини бошқарган бир киши билан таниш эдим. У ҳар ойда компанияси билан тузилган суғурта шартномаларини қайта ўқиб чиқарди. Ҳа-ҳа, у айнан ўша бир хил шартномаларни ойма-ой, йилма-йил ўқир эди. Нима учун? Чунки тажриба бу шартномалар мазмунини хотирада сақлашнинг ягона йўли шу эканлигини ўргатган эди-да!

Нотиқлик санъатига доир китобим устида ишлашда икки йилча вақтим сарф бўлди. Бунинг устига уни вақт-вақти билан ўқиб чиқишимга тўғри келади, ўз китобимда ёзганларим эсимдан чиқиб кетмасин, дейман. Биз унутишнинг ажабтовур йўлларини биламиз.

*Шундай қилиб, сиз ушбу китобдан аниқ, узлуксиз самарага эга бўлишни истасангиз, юзаки қараб чиқишнинг ўзи кифоя, деб асло ўйламанг. Китобни батафсил ўқиб чиққандан кейин уни ҳар ой бир неча соат вақт ажратиб ўқиб чиқишингизга тўғри келади. У сизнинг ҳар куни фойдаланадиган китобингизга айланиб қолиши керак. Сиз уни ҳар куни кўришингиз лозим. Уни тез-тез кўздан кечириб туринг. Яқин келажакдаги ҳаётингизнинг камолга етиш имконияти ҳамиша руҳлантириб турсин. Эсингизда бўлсин: мазкур қоидалар уни доимо такрорлаш натижасида одатга айланади. Ана шунда сиз уни ихтиёрсиз равишда қўллайверадиган бўласиз. Бошқа йўл йўқ.*

**6.** Бернард Шоу бир куни шундай деган эди: *"Агар сиз одамга бирор нарсани ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ўрганмайди"*. Шоу ҳақ эди. Ўргатмоқ — фаол жараён. Биз тажриба жараёнида ўрганамиз. Шундай қилиб, агар сиз бу китобда келтирилган тамойилларни эгаллашни хоҳласангиз, уни ишда татбиқ этинг. Уни турли шароитларда қўллаб кўринг. Агар уни бажаришни истамасангиз, тезда унутиб юборасиз. Фақат тажрибада қўлланган билимлар хотирада сақланиб қолади.

Эҳтимол, бу тавсиялардан ҳамиша фойдаланиш сизга оғирлик қилиб қолар. Ҳатто менга, китоб муаллифига ҳам бу қоидаларни амалда қўллаш баъзан мушкулликлар туғдиради. Шундай қилиб, бу китобни ўқиб, сиз фақат ахборот олишга уринмадингиз, шуни эсда тутинг. Сиз янги одатларни шакллантиришга ҳаракат қилдингиз. Аслида эса сиз янги турмуш тарзи сари интилдингиз. Бунинг учун эса вақт, қунт ва кундалик амалиёт талаб этилади.

Демак, сиз бу китоб саҳифаларига тез-тез қайтиб туринг. Уни безовталик билан кураш соҳасида ўқув қўлланмаси деб ҳисобланг: қандайдир мураккаб муаммога тўқнаш келгудай бўлсангиз, асло ваҳимага тушманг, у равшан намоён бўлса-да, таъсирига берилиб кетманг. Бундай хатти-ҳаракатлар одатда хато бўлади. Ана шунда сиз бу саҳифаларга мурожаат қилинг ва ўзингиз чизган хат бошиларни яна қайта кўриб чиқинг. Ана шунда ҳаётингизда мўъжизалар юзага келаётганини кўрасиз.

**7.** Китобда баён этилган тамойиллардан бирортасини бузган бўлсангиз, уни хотинингиз пайқаб қолса, унга бир доллардан тўлаб туришни тавсия қилинг. Ҳушёр бўлинг, акс ҳолда у сизни тўла-тўкис хонавайрон қилади.

**8.** Марҳамат қилиб, китобдан "Мен йўл қўйган бемаъни хатти-ҳаракатлар" бўлимидаги Уолл-стрит банк бошқарувчиси Х.П.Хауэлл ва мўйсафид Бен Франклин ўз хатоларини қандай тўғрилаганлари ҳақидаги саҳифаларни ўқиб чиқинг. Ушбу китобда баҳс юритилган қоидаларни текшириб кўрмоқ учун Х.П.Хауэлл ва қария Бен Франклин усулларидан нега фойдаланиб кўрмас экансиз? Ана шунда сиз икки натижага эришасиз.

Биринчидан, сиз жозибали ва қимматбаҳо билим жараёни билан машғул бўлдингиз.

Иккинчиси, безовталикка қарши кураш қобилиятига эга бўлиб, ҳаёт кечиришни бошладингиз. Бу қобилият яшил лавр каби яшнайди, ўсади.

**9.** Кундалик юритинг — унда сиз бу тамойилларни татбиқ этганингизда, қандай ютуқларга эришганингизни белгилаб боришингиз лозим. Эътиборли бўлинг, исмлар, вақт, натижаларни ёзиб боринг. Бундай ёзувлар сизни зўр ғайрат сари илҳомлантиради; айниқса орадан кўп йиллар ўтгач, бир куни кечқурун тўсатдан бу ёзувларни кўриб қолсангиз, улар ғоят қизиқ ва ажойиб таъсир этади!

## Қисқа хулосалар

*1. Безовталикни бартараф этишга доир тамойилларни эгаллamoқ учун чуқур, мустаҳкам хоҳиш-истакни ишлаб чиқинг.*

*2. Бошқа бўлимга ўтишдан олдин ҳар бир бўлимни икки марта ўқиб чиқинг.*

*3. Ўқиш давомида баъзан тўхтанг, ҳар бир тавсияни қандай амалга татбиқ эта олишим мумкин, деб ўз-ўзингиздан сўранг.*

*4. Энг муҳим фикрларнинг ҳар бири тагига чизинг.*

*5. Бу китобни ҳар ой қайта ўқинг. Ундан ўқув қўлланмаси каби фойдаланинг, уни кундалик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашувчи ёрдамчи деб билинг.*

*6. Бу тамойилларни ҳар бир имкониятга қараб амалга оширинг.*

*7. Ўқишни қувноқ ўйин жараёнига айлантиринг, дўстларингиздан бирига бу тамойиллардан бирини бузганингизни пайқаб қолса, унга ҳар сафар бир доллардан тўлашингизни тавсия этинг.*

*8. Ҳар ҳафта қандай ютуқларни қўлга киритганингизни текшириб туринг. Ўзингиздан қандай хатоларга йўл қўйганингизни, нималар яхшиланиб, қўлга киритилганини, келгусида ундан қандай сабоқлар чиқарилганини сўранг.*

*9. Китоб охирида топ-тоза варақлар қўйиб, кундалик юритинг, унда қандай ва қачон бу тамойилларни қўллаганингизни кўрсатиб боринг.*

*УЧИНЧИ ҚИСМ*

# БЕЗОВТАЛИК ОДАТИ СИЗНИ ЕНГМАСДАН ТУРИБ, УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*Олтинчи бўлим*

## КЎНГЛИНГИЗДАН БЕЗОВТАЛИКНИ ҚАНДАЙ "СИҚИБ" ЧИҚАРИШ МУМКИН?

Мен бир неча йил аввал Марион Ж.Дугласнинг ўз ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берган оқшомни сира унута олмайман. У мен ўтказган машғулотларда қатнашар эди *(Унинг ҳақиқий номини келтиролмайман. Шахсий сабабларга кўра, ўзи ҳақидаги маълумотларни айтмасликни мендан илтимос қилди)*. Мана унинг бошидан кечирганлари, буни машғулотлардан бирида сўзлаб берган эди. Унинг хонадонида битта эмас, бирваракайига икки фожиа юз берди. Биринчи марта унинг суюкли беш ёшли қизчаси вафот этди. Хотини билан, бу айрилиққа дош бера олмаймиз, деб ўйлаган эди.

*"Орадан ўн ой ўтгач,* — деб ҳикоя қилади у, — *худо бизга бошқа жажжи қизчани ҳадя қилди, аммо у беш кундан сўнг нобуд бўлди. Бу икки зарба бизни адо қилди. Мен бунга дош бера олмадим. На ухлай олардим, на овқатланардим, на дам олиш, на қувватга кириш эсга келарди. Асабларим бутунлай ишдан чиққан, яшашдан буткул умидим узилган эди"*.

Ниҳоят у шифокорларга мурожаат қилди. Улардан бири уйқу дориси, бошқаси эса саёҳат қилишни тавсия этди. У ҳар иккисини қўллашга ҳаракат қилди, аммо бирортаси ҳам наф бермади. *"Бутун жисмим гўё исканжага қасиб олинган-у, у тобора қаттиқ ва қаттиқроқ сиқар эди"*, деб ҳикоя қилади у. Ғам-қайғуси тобора ортиб борди. Агар сиз қачонлардир ғам-алам билан чулғанган бўлсангиз, унинг бошидан кечирганларини аниқ ҳис этасиз.

*"Худога шукурлар бўлсинки, менда битта фарзанд — тўрт ёшли ўғлим қолган эди. У менинг кулфатимни бартараф этишга ёрдам берди. Бир куни ўзимнинг аянчли аҳволимдан куюниб ўтирганимда, у: "дада, менга қайиқ ясаб беринг", деб қолди. Менда қайиқ ясашга кайфият қайда дейсиз, боз устига бу ишда уқувим етишмасди. Аммо ўғлим жуда қайсар, айтгани-айтган, дегани-деган эди. Мен таслим бўлишга мажбур бўлдим.*

*Ўйинчоқ қайиқчани ясашга уч соат вақтим кетди. У тайёр бўлгач, мен бир неча ойлардан сўнг биринчи марта руҳан енгиллашганимни англадим!*

*Бу кашфиёт мени карахтлик ҳолатидан чиқарди ва вазиятни мушоҳада этишга мажбур этди. Бир неча ойлар мобайнида биринчи марта фикр юритдим. Шуни англадимки, биз режалаштирилган ва чуқур ўйланган фаолият билан банд бўлсаккина, безовталикдан қутилишимиз мумкин. Шундай қилиб, қайиқ ясаш қайғу-ғамимни бироз енгиллаштирди. Мен доимо иш билан банд бўлишга аҳд қилдим.*

*Келгуси оқшом хонама-хона юриб, бажариш зарур бўлган ишлар рўйхатини тузиб чиқдим. Жуда кўп ашёларни тузатиш лозим эди: китоб жавонлари, зинапоя тахталари, деразанинг иккинчи ромлари, шторлар, эшик тутқичлари, қулфлар, оқаб ётган водопровод кранлари ва ҳоказо. Шуниси қизиққи, мен икки ҳафтада ўзимга 242 та иш топдим.*

*Кейинги икки йил давомида мен улардан кўпини бажардим. Шу билан бирга ҳаётим фаоллигини тахмин этувчи юмуш билан машғул бўлдим. Ҳафтада икки марта Нью-Йоркдаги катталар ўқув машғулотига қатнайман. Қадрдон шаҳримда жамоат иши билан машғулман ва ҳозирги пайтда мактабларни бошқариш бўйича комиссия раислигига сайланганман. Қизил хоч фондига пул тўплашга кўмаклашаман ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланаман. Ҳозир мен шу даражада бандманки, безовта бўлишга вақтим ҳам йўқ!"*

Безовта бўлишга вақт йўқ! Уинстон Черчилль уруш авжга чиққанида, суткасига ўн саккиз соат ишлаган вақтда худди шу ҳақда гапирган эди. Ундан зиммасига юклатилган шундай улкан масъулият туфайли безовта бўласизми,

деб сўралганида: *"Безовта бўлиш учун менда умуман вақт йўқ, ўта бандман"*, дея жавоб берган.

Чарлз Кеттеринг автомобиль учун автоматик стартерни кашф этиш устида ишлаганида, худди шундай аҳволга тушган эди. Кейинчалик жаноб Кеттеринг "Женерал моторс" фирмасининг вице-президенти бўлди. Яқиндагина у нафақага чиқди. У "Женерал моторс" фирмасининг дунёга донғи кетган илмий-тадқиқот корпорациясини бошқарди. Дастлабки пайтда Кеттеринг шу даражада ночор эдики, лабораторияни омборда қуришга мажбур бўлганди. Озиқ-овқат учун у пианинодан дарс берувчи хотинидан бир ярим доллар оларди. Кейинчалик ўзининг суғуртасини гаровга қўйиб, беш юз доллар қарз кўтарди. Мен унинг хотинидан шундай оғир пайтларда безовта бўлармидингиз, деб сўраганимда: *"Ҳа, шу даражада дилгир эдимки, ҳатто ухлай олмасдим. Аммо жаноб Кеттеринг жуда хотиржам эди. У безовта бўлмаслик учун боши билан ишга шўнғиган эди"*, дея жавоб берди.

Буюк олим Пастер: *"Руҳий хотиржамликка кутубхона ва лабораторияларда муяссар бўлиш мумкин"*, деган эди. Нега айнан ўша ерда? Чунки кутубхона ва лабораторияларда кишилар илмий муаммолар билан шу даражада банд бўлишадики, уларнинг безовта бўлиш учун умуман вақтлари бўлмайди. Олимларда асаб бузилишлари деярли рўй бермайди. Уларнинг бунга сарфлайдиган вақти йўқ.

Нега иш билан банд бўлишдек оддий нарса безовталикни "сиқиб" чиқаришга ёрдам беради? Бу психология фанининг асосий қонунларидан бири эканлиги билан изоҳланади. Мазкур қонун қуйидагича: ҳар бир ақлли киши, ҳатто кучли ақл соҳиби ҳам бир вақтнинг ўзида бир нарсадан ортиқ нарсани ўйлай олмайди. Сиз бунга ишонмаяпсиз-а? Майли, тажриба ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Фараз қилайлик: оромкурсида жойлашиб ўтириб, кўзларингизни юмасиз ва айни бир пайтнинг ўзида Озодлик ҳайкали ҳамда эртага нима иш қилиш кераклиги тўғрисида ўйлашга уриняпсиз.

Англадингизми, у ёки бу нарса тўғрисида бирваракайига эмас, навбати билан ўйлаш мумкин экан, шундай эмасми? Худди шундай ҳол ҳиссиётларимизда ҳам содир бўла-

ди. Биз бир пайтнинг ўзида кўтаринки руҳда ёки тушкун кайфиятда бўла олмаймиз. Ҳиссиётнинг бир тури иккинчисини сиқиб чиқаради. Айнан ана шу оддий кашфиёт уруш пайтида армияда хизмат қилган йигитларга мўъжизалар яратишга қўл келган.

Аскарлар жанг майдонидан асаби бузилиб, даҳшатга тушиб, телба аҳволда қайтишар экан, ҳарбий шифокорлар уларга дори сифатида "бирор машғулот билан банд бўлиш"ни буюрардилар. Даҳшат ва ваҳимага лиммо-лим тўлган бу кишиларнинг ҳар бир дақиқаси қандайдир машғулот билан банд бўларди. Бу машғулот очиқ ҳавода ўтказилар эди. Улар балиқ овлаш, овга чиқиш, копток тепиш, голф ўйнаш, суратга тушириш, боғбонлик ҳамда рақсга тушиш каби машғулотлар билан шуғулланишарди. Шу тариқа бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисаларни эслаш учун вақтлари қолмас эди.

"Меҳнат терапияси" — бу атама психатрияда дори ўрнига иш буюрилганида қўлланилади. Қадимги юнон шифокорлари "меҳнат терапияси"ни эрамиздан беш юз йил муқаддам ишлатган эдилар.

Филаделфияда квакер *(насроний динига мансуб киши)*-лар Бен Франклин даврида "меҳнат терапияси"дан фойдаланганлар. 1774 йилда квакерлар санаторийсига келган киши руҳий хасталарнинг ип йигириб ўтирганларини кўриб, ҳайратга тушганди. Шўринг қурғур бахтсизларни эзиб ташлашяпти-я, деб ўйлаганди. Аммо квакерлар унга хасталар баҳоли қудрат бирор иш билан машғул бўлгач, саломатликлари яхшиланаётганлигини айтганлар. Бундай ҳол уларнинг асабларини тинчлантирган.

Ҳар бир психиатр сизга асаби хаста касал учун энг яхши дори — иш, меҳнат фаолияти эканлигини айта олади. Генри У.Лонгфелло ўзининг ёшгина турмуш ўртоғини бир умр йўқотгач, бу ҳақиқатни аниқ тушунди. Бир куни унинг хотини озгина сўрғични шам алангасида қиздирмоқчи бўлганди, бирдан кийими олов олди. Лонгфелло хотинининг қичқириғини эшитган заҳоти уни қутқаришга шошди. Аммо у кечиккан эди. Хотини куйиб, ҳалок бўлди. Лонгфелло бу даҳшатли ҳодисадан шунчалик ларзага тушдики, ақлдан озишига сал қолди, хайриятки, бахтига унинг учта

жажжи фарзанди ота қаровига муҳтож эди. Кулфатга гирифтор бўлишига қарамай, Лонгфелло уларга ҳам ота, ҳам она бўлди. Фарзандлари билан бирга сайр қилар, турли ҳангома, воқеа-ҳодисаларни гапириб берар, бирга ўйнар эди. Бу дамларини у ўзининг "Болалар вақти" номли машҳур асарига муҳрлади. Шу вақтнинг ўзида Дантеснинг таржимаси билан машғул бўлди ва мазкур ишлар туфайли у доимий равишда банд бўлиб, ўз ғам-кулфатини унута борди. Шу тариқа руҳий осойишталик топди.

Теннисон ўзининг энг яқин дўсти Артур Халламдан жудо бўлганида шундай деган эди: *"Мен жўшқин фаолият билан банд бўлмасам, хароб бўлардим"*.

Кўпчилигимиз учун "ўзни фаолият билан кўмиб юбориш" қийин эмас, албатта. Чунки биз ҳар куни хизмат билан бандмиз, олмахон айлана ичида ҳаракат қилганидек, ишга бориб-келаверамиз. Аммо ишдан кейин шундай вақт қоладики, бу биз учун жуда хавфлидир. Дам олиб, роҳатланиб, ўзимизни энг бахтли киши, деб ҳисоблаб юрган пайтимизда, бизни безовталик аталмиш "шайтон" васвасага солади. Ҳақиқатан ҳам худди шу вақтда, ҳаётда ҳеч нарсага эга бўла олмадим, бир жойда депсиниб турибман-а, бошлиқ ҳам танбеҳ бериб, нимадир демоқчими... ёки сочимиз тушиб тепакал бўлиб қолаётганимиздан қайғуриб, узундан-узоқ уйларга берилиб кетамиз.

Агар биз бирор иш билан банд бўлмасак, миямиз вакуум *(бўш)* ҳолатга яқинлашади. Ҳар бир физик яхши биладики, *"табиат бўшлиққа асло тоқат қила олмайди"*. Вакуумнинг энг яқин кўриниши доимо кўриб юрганимиз — лампочканинг ички қисмидир. Агар лампочкани синдирсак, табиат унга ҳавони зарб билан юбориб, у ердаги назарияда айтилган бўшлиқни тўлдиради.

Табиат ҳам худди шу тарзда бекор турган мияни шошилинч равишда тўлдиришга интилади. Нима билан? Ҳиссиётлар билан, албатта. Нега? Чунки безовталик, қўрқув, нафрат ва ҳасад каби ҳиссиётлар мисоли чангалзорнинг тизгинсиз кучи ва динамик қуввати билан ҳаракатга келади. Бундай ҳиссиётлар шу даражада кучлики, улар бизнинг ҳолатимизда барча хотиржам, хушвақт ўй-фикрлар ва ҳисларни "сиқиб" чиқаради.

Колумбия округидаги ўқитувчилар коллежининг педагогика профессори Жеймс Мерселл бу фикрни қуйидаги сўзлар билан ажойиб тарзда ифодалаган эди: *"Безовталик сизни ҳаракатда бўлган пайтингизда эмас, балки кундалик ишлар тугаганидан сўнг қийнайди. Шунда сизнинг тасаввурингиз ҳаётдаги рўй берган омадсизликларингизнинг беҳуда курашини чизади, мўъжаз хатоларингизни ошириб кўрсатади". "Бу даврда,* — деб давом этади у, — *сизнинг миянгиз юксиз ишлаётган моторни эслатади. У ҳаддан ташқари тезликда ишлайди, подшипникларнинг куйиши ёки бутунлай ишдан чиқиш хавфини туғдиради. Безовталикдан бутунлай халос бўлиш учун аниқ ишни бажариб, бутунлай банд бўлиш зарур".*

Бу оддий ҳақиқатни англаш ва уни амалга ошириш учун коллеж профессори бўлиш шарт эмас, албатта. Уруш пайтида мен Чикагода яшаган бир уй бекаси билан танишган эдим. Вақтни ва инсон куч-қувватини қамраб олувчи фаолият — безовталикка қарши энг яхши дори эканлигини у жуда яхши англаб олганди. Мен бу аёл ва унинг эри билан Нью-Миссуридаги фермамга қайта туриб, поезднинг вагон-ресторанида танишгандим *(Афсуски, уларнинг исмини сўрамабман — одамларнинг исми-шарифи ҳамда яшаш манзилини кўрсатмай туриб мисоллар келтиришни ёқтирмайман. Бундай тафсилотлар ҳикоя қилишда ишонарлилик бағишлайди).*

Эр-хотиннинг менга ҳикоя қилишича, уларнинг ўғли Перл-Харбор олинганининг эртаси куни қуролли кучлар сафига қабул қилинибди. Аёл ўзининг яккаю-ягона ўғлини ўйлаб доимий равишда безовталанган, бу унинг соғлигини деярли издан чиқарди. У қаерда экан? Хавфсиз жойдамикан? Урушга кирдими? Ярадор бўлдимикан? Ўлдиришдими?

Мен ўз безовталигини қандай бартараф этганини сўраганимда, у: *"мен доимо банд эдим"*, деб жавоб берди. Маълум бўлишича, у даставвал хизматкорига жавоб бериб юборган ва барча рўзғор ишларини ўзи бажарган. Лекин бу ҳам унчалик ёрдам бермаган. *"Энг ёмони шу эдики*, — дейди аёл, — *мен уй ишларини беихтиёр бажарардим, миям эса деярли "бекор" эди. Шу сабабли безовталигим давом эта-*

*верди. Ўрин сола туриб ва идиш-товоқ ювaётиб шу фикрга келдимки, менга бошқа турдаги иш зарур, токи у мендан ҳар бир соатда ақлий ва жисмоний куч-қувватимни бир жойга тўплашни талаб этсин. Шундан сўнг мен йирик универсал дўконда сотувчи бўлиб ишлай бошладим".*

*"Бу менга анча ёрдам берди,* — деб ҳикоясини давом эттирди у, — *дарҳол кучли фаолият гирдобига шўнғиб кетдим, харидорлар доимий равишда атрофимда гирдикапалак бўлишар, нарх, ўлчам ва молларнинг рангини сўрашарди. Менда ўз зиммамдаги мажбуриятлардан бошқа нарсани ўйлаш учун бирор сония ҳам вақт қолмас эди. Оқшом тушгач, зирқираётган оёқ оғриғидан қандай қутилишни ўйлардим, холос. Кечки овқатдан сўнг мен дарров уйқуга кетардим ва мисоли ўликдай қотиб қолардим. Безовта бўлиш учун менда на вақт, на қувват бор эди".*

У ўзи учун Жон Каупер Поуиснинг "Ярамасликларни унутиш санъати" китобида ёзилган ҳолатни кашф этган эди.

*"Хавфсизликни қандайдир ёқимли ҳис этиш, чуқур ички хотиржамлилик, ўзига хос ёқимли эсдан чиқариш одати, унга топширилган иш билан банд бўлган одамнинг асабларини тинчлантиради".*

Бизнинг бахтимиз айнан ана шунда! Дунёга донғи кетган машҳур саёҳатчи аёл Оус Жонсон яқинда менга безовталик ва қайғу-ғамдан қандай халос бўлганини гапириб берди. Балки сиз унинг бошидан ўтганлари ҳақида ўқиб чиқарсиз. "Мен саргузаштлар билан туғилганман" деб номланади. Агар бирор аёл саргузаштлар билан яқин эгизак бўлган бўлса, бу айнан ўша аёлдир. Оус ўн олти ёшга тўлганида Мартин Жонсонга турмушга чиқди. Мартин Жонсон уни Канзас штатининг Чонута текис йўлакларидан Борнеонинг ёввойи чангалзор сўқмоқларига етаклаб кетди. Канзаслик бу эру хотин чорак аср давомида бутун ер юзини кезиб чиқиб, Осиё ва Африкадаги йўқолиб кетиш арафасида турган ёввойи ҳайвонлар тўғрисидаги фильмларни суратга олишди. Тўққиз йил муқаддам Америкага қайтиб келиб, мамлакат бўйлаб маърузалар ўқиш ва кинофильмлар намойиш этиш учун отландилар. Денвердан улар учган самолёт қирғоқ яқинига қўниши лозим эди. Лекин самолёт тоққа бориб урилди. Мартин Жонсон ўша заҳоти ҳалок

бўлди. Шифокорлар Оусга энди ҳеч қачон тўшакдан тура олмаслигини айтишди. Аммо улар Оус Жонсоннинг кимлигини яхши билишмасди. Орадан уч ой ўтгач, у ўзиюрар оромкурсида ҳаракат қилиб, катта аудиторияларда маърузалар ўқий бошлади. Аниқроғи, юздан ортиқ маърузани худди шу тарзда оромкурсида ўтирган ҳолатда ўқиди. Мен бу ҳақда сўраганимда Оус шундай деб жавоб берди: *"Бу ишни шунинг учун қилдимки, токи қайғу-ғам ва безовталикка асло ўрин қолмасин"*.

Оус Жонсон бундан бир аср муқаддам Теннисон куйлаган ҳақиқатни ошкор қилган эди: *"Мен ўзимни иш билан ўта банд этишим керак, тушкунлик мени адойи тамом қилади"*.

Адмирал Берд Жанубий Қутбда улкан муз ғори тагида тириклайин кўмилиб, беш ой давомида танҳоликда яшаган пайтда ҳам айнан шу ҳақиқатни кашф этган эди. Бу муз қопламаси ўзида табиатнинг энг қадим сирларини яшириб, АҚШ ва Европага тенг ҳудудни қоплаб ётарди. Адмирал Берд ўша ерда якка ўзи беш ой яшади. Юз мил нари-берида бирор тирик жон йўқ эди. Совуқ шу даражада даҳшатли эдики, у нафас олаётган ҳавонинг музлаб кристалга айланаётганини юзига урган шамолдан сезиб турарди. Ўзининг "Танҳо" номли китобида Адмирал Бард жуда узоқ вақт қалбини зулматда эзган беш ойни қандай ўтказганини ҳикоя қилади. Кунлар мисоли тун каби қоп-қоронғи эди. Ақлдан озмаслик учун у доимий равишда ўзини иш билан банд этди.

*"Кечқурун,* — деб ёзади у, — *чироқни ўчиришимдан олдин эртага қилинадиган ишларни ўзим ишлаб чиққан одатга мувофиқ тақсимлаб чиқардим. Масалан, ярим соат вақтимни туннель тозалашга, ярим соатни қор уюмларини текислашга, бир соатни ёқилғи солинган темир бочкаларни ўрнатиш, бир соатни туннель деворларига озиқ-овқат маҳсулотлари қўйиш учун китоб токчасини ясашга, икки соатни эса одамларни ташийдиган чанғининг синган тахталарини таъмирлаш учун сарфлар эдим..."*

*"Вақтни шу тарзда тақсимлаш имконияти,* — деб эслайди у, — *ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бу ўзим устимдан қаттиқ назорат ўрнатишга ўргатди..."* Ва шундай қўшимча қилади: *"Бусиз кунлар мақсадсиз, беҳуда ўтар-*

*ди, мақсадсиз ҳаёт эса, одатда, шахсни таназзулга олиб боради".*

Охирги жумлага эътибор берамиз: *"Мақсадсиз ҳаёт эса, одатда, шахсни таназзулга олиб боради"*. Агар сиз ёки мен нимадандир безовта бўлсак, келинг, энг қадимий даволаш усули ҳақида ўйлаб кўрайлик. Бу ҳақда доктор Ричард С.Кэботдек обрўли шахс гапириб ўтган. Ўзининг "Инсон ҳаётининг маъноси нимада?" номли китобида Кэбот шундай ёзади: *"Бўлғуси шифокор сифатида мен турли эсанкираш, иккиланиш ва қўрқув туфайли қалби мажруҳ ҳолга келган кўпгина кишиларни меҳнат қай даражада соғайтирганини қувонч билан кузатганман. Ишимиз туфайли биз муяссар бўлган жасурлик аслида Эмерсон асрлар бўйи куйлаб ўтган ўзимизга ишончнинг ўзгинасидир".*

Агар бирор иш билан банд бўлмай, ўтириб оҳ-воҳ чекаверсак, бизни, одатда, Чарльз Дарвин атаган, "тушкун руҳлар" аталмиш нарсалар тўдаси қуршаб олади. Бу "руҳлар" қалбимизни ҳувиллатиб, куч-қудратимиз ва қобилиятимизни сўндирувчи шафқатсиз "гном", яъни кўринмас махлуқчалардан бошқа нарса эмас.

Мен Нью-Йоркда бир ишбилармон кишини биламан. Иш билан ҳаддан зиёд банд бўлгани сабабли унинг асабийлашиши ва ҳаётдан нолиши учун мутлақо вақти йўқ. Шу йўл билан "митти одамчалар" устидан ғалаба қозонган эди. Уни Тремпер Лонгмен деб аташади. Идораси Уолл-Стритда жойлашган. Лонгмен менинг катталар учун ташкил этилган курсимда қатнашар эди. Безовталик одатини бартараф этишга доир ҳикоялари шу даражада мароқли ва таъсирли эдики, мен уни кечки овқатга ресторанга таклиф қилдим, у ерда деярли тонг оттунча ўтирдик. Лонгмен менга ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб берди. Мана унинг айтганлари:

*"Ўн саккиз йил муқаддам шу даражада безовта эдимки, менда уйқусизлик бошланди. Доимий равишда бетоқат бўлиб, ҳамиша жиғибийрон ва асабий эдим. Мен деярли жинни бўлиш арафасида эдим.*

*Безовталик учун менда асослар бор эди-да! Нью-Йоркдаги "Фрут энд экстракт" фирмасида хазиначи бўлиб хизмат қилардим. Биз бир галлонлик банкага солинган қадоқланган қулупнай савдоси билан шуғулланиш учун ярим мил-*

*лион доллар миқдорида маблағ тиккан эдик. Йигирма йил давомида бу банкаларни музқаймоқ ишлаб чиқарувчи йирик фирмага сотаётгандик. Қўққисдан олди-сотдимиз тўхтаб қолди, чунки "Нэшнл деэри" ва "Борденс" каби йирик фирмалар музқаймоқ ишлаб чиқаришни кескин оширишга киришди. Бунинг учун маблағ ва вақтни тежаш мақсадида катта бочкаларга солинган қулупнайни сотиб ола бошлади.*

*Биз бир ярим миллион долларга олинган меваларни сота олмай қолдик, боз устига умумий нархи бир ярим миллион доллар миқдорида қулупнай сотиб олиш учун шартнома ҳам тузган эдик. Бу шартнома жорий йигирма ой давомида амал қиларди. Банкдан эса уч юз эллик минг доллар миқдорида қарздор эдик. Биз на қарзни тўлай олардик, на унинг муддатини чўза олардик. Менинг безовталигимга энди ажабланмаса ҳам бўларди!*

*Калифорния штатидаги Уотсонвиллда жойлашган фабрикамизда гирдикапалак бўлиб қолдим. Фирма президентини шароит ўзгаргани ва фалокат ёқасида эканимизни айтиб, ишонтиришга уриндим. У бунга ишонмади. Асосий муваффақиятсизликка Нью-Йорк корхонасини сабабчи қилиб кўрсатиб, маҳсулот сотишга уқуви йўқлиги учун айбдор деб ҳисоблади.*

*Мен бир неча кун давомида уни қулупнайни банкаларга қадоқлашни тўхтатиш ҳамда захирадаги барча янги меваларни Сан-Франциско бозорида сотишга кўндиришга уриндим. Бу муаммоларимизни деярли тўлиқ ҳал этди. Мен безовталанишни дарҳол бас қилишим лозим эди, аммо бунга кучим етмади. Безовталик мен учун одатга айланган, мен унга ўрганиб қолган эдим.*

*Нью-Йоркка қайтгач, мен ҳар нарсадан: Италиядан сотиб олинган олча, Гавай оролларидан харид қилинган ананас ва ҳоказолардан безовта бўлаверардим. Қандайдир бетоқатланиб, асабийлашадиган одамга айландим, уйқум учадиган бўлди. Илгари айтганимдек, мен ақлдан озиш даражасига келиб қолдим.*

*Умидсизликка берилгач, шундай турмуш тарзини танладимки, натижада уйқусизлик ва безовталикдан халос бўлдим. Мен ўзимни бутунлай иш билан банд қилиб ташладим. Барча қобилиятимни бир нуқтага жамлайдиган ишни*

*ўз зиммамга олдим. Одатда бир кунда етти соат ишлар эдим. Энди эса кунига ўн беш ёки ўн олти соат ишлайдиган бўлдим. Корхонага соат саккизда келиб, ярим кечага қадар қолиб кетардим. Зиммамга янги мажбурият, янги масъулиятли вазифалар олдим. Ярим тунда уйга эзилиб келардим-да, дарров ухлашга ётиб, бир неча дақиқадан сўнг қотиб пинакка кетардим.*

*Ушбу дастурни бажара туриб уч ойни ўтказдим. Шу муддат ичида безовталик одатидан бутунлай халос бўлдим ва яна ҳар куни етти-саккиз соатдан ишлай бошладим. Бу воқеа ўн саккиз йил муқаддам бўлиб ўтган эди. Шундан буён уйқусизлик нималигини билмайман. Безовталикдан бутунлай қутилдим".*

Бернанд Шоу ҳақ эди. У юқоридагиларни қисқа хулосалаб, шундай деган эди: *"Бахтсизлигимиз сири шундаки, биз бахтлимизми ёки йўқми, деб мушоҳада юритиш учун ҳаддан зиёд кўп вақт сарфлаймиз".* Келинг, шу ҳақда сўз юритишни бас қилайлик! Қўлқопни кийинг-у, ишга киришинг, танангизда қон дадил ҳаракат қила бошлайди, миянгиз ҳам жуда тез ишлайди, ҳаётий фаоллигингиз жуда тез кўтарилади, буларнинг бари безовталикни унутишга ёрдам беради. Доимо нима биландир банд бўлинг. Ҳамиша бирор иш билан шуғулланинг. Ер юзидаги энг арзон дори бу, ҳаммасидан энг яхшиси шу!

Безовталик одатидан қутилмоқ учун биринчи қоидани бажаринг: *ҳамиша банд бўлинг. Безовталикка гирифтор бўлган одам ҳамиша ўзини ишга уриши керак, акс ҳолда у умидсизлик гирдобида нобуд бўлади.*

*Еттинчи бўлим*

## АРЗИМАС НАРСАЛАРДАН ХАФА БЎЛИБ, ЎЗИНГИЗНИ АБГОР ҚИЛМАНГ

Бу фожиали воқеани, балки, бир умр унутмасман. Уни Нью-Жерси штатидаги Мейплвуд шаҳрида яшовчи Гоберт Мур сўзлаб берган эди.

*"Мен ҳаётимдаги энг катта сабоқни 1945 йил март ойида олган эдим,* — деган эди у. — *Ҳиндихитой қирғоқла-*

*ридаги денгизнинг 276 фут (1 фут — 30,48 см.) чуқурлигида бу сабоқни олишга муяссар бўлдим. "Байя С.С. 318" сув ости кемасидаги саксон саккиз кишидан бири эдим. Радар қурилмаси ёрдамида кемага ўртача япон қўриқчи кемаси яқинлашаётганидан хабар топдик. Тонг отиши олдидан ҳужум қилиш мақсадида чуқурроқ чўкдик. Мен перископ орқали қараганимда, япон соқчи кемаси, танкер ва мина қўювчи кемага кўзим тушди. Соқчи кемага учта торпедо жўнатдик, аммо нишонга тегмади. Ҳар бир торпедонинг қандайдир механизми ишдан чиқди. Соқчи кема ўзига ҳужум қилинаётганини пайқамай, йўлида давом этди. Биз охирги кема ва мина отувчи кемага ҳужум қилишга тайёрландик, аммо у бирдан бурилиб, қаршимиздан кела бошлади (япон самолёти бизни олтмиш фут сув остидаги чуқурликда таъқиб қилиб, япон мина отувчи кемасига жойимизни хабар қилган эди). Бизни пайқамасинлар, деб 150 фут чуқурликка чўкдик, чуқурликда ишлатиладиган бомбалар билан ҳужум қилишларини кутиб, тайёрланиб турдик. Люкларга қўшимча болтлар ўрнатдик; кемамиз ҳаракати бутунлай шовқинсиз бўлсин деб, барча вентилятор, совутиш ҳамда электр қурилмаларини ўчирдик.*

*Орадан уч дақиқа ўтгач, рўпарамизда гўё дўзах эшиклари очилди. Атрофимизда чуқурликда ишлатиладиган олтита бомба портлаб, бизни 276 фут сув қаърига, океан тубига улоқтирди. Биз даҳшат ичида қолдик. 1000 фут чуқурликда ҳужумга дуч келиш хатарли, 500 футдан ками эса деярли ҳалокатга тенг. Бизга эса 250 футга етар-етмас масофадаги чуқурликда ҳужум қилдилар. Хавфсизлик тўғрисида гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Япон мина отувчи кемаси ўн беш соат давомида бизнинг устимизга бомба ёғдирди. Агар бомба қайиқдан ўн етти фут масофада портласа, қайиқда тешик ҳосил бўлади. Биздан эллик фут нарида нечта бомба портлади, уларни санаш жуда қийин эди. Бизга "ўз хавфсизлигини таъминлаш", яъни ўз тўшагида хотиржам ётиш ва ўз устидан назоратни йўқотмаслик буюрилган эди. Мен шу даражада саросимага тушгандимки, зўрға нафас олардим. "Бу ўлим, — деб ўзўзимга қайта-қайта айтар эдим, — бу ўлим... Вентилятор ва совутиш қурилмалари ўчирилгани туфайли сув ости*

*кемаси ичидаги ҳарорат 38°С га ошиб кетди, аммо қурққанимдан совқотиб қалтирардим. Баданимда совуқ ёпишқоқ тер пайдо бўлди. Ҳужум ўн беш соат давом этди. Сўнг бирдан тўхтади. Назаримда, япон мина отувчи кемаси захирадаги барча бомбасини ишлатиб бўлди, шекилли, сузиб кетди. Ўн беш соатлик бу ҳужум гўё ўн беш миллион йил каби туюлди. Хотирамда бутун ўтган умрим жонланди. Умрим давомида қилган ёмон ишларим, энг майда ярамасликлар, безовта қилган ташвишларнинг барини эсладим. Флотга хизматга киришдан олдин банкда кичик ходим бўлиб ишлардим. Кўп ишлаяпман, маош эса жуда кам, юқорироқ ишга кўтарилишдан ҳеч қандай умид йўқ, деб жуда кўп ўйланардим. Яшаётган уйим шахсий эмас, янги машина сотиб олишга қурбим етмайди, хотинимга чиройли янги кўйлак олиб бера олмайман, деб безовта бўлганим-бўлган эди. Хўжайиним — кекса чолни-ку, доимо менга бақиргани ва жонимга теккани учун кўришга кўзим йўқ эди! Эсимда, кечқурун ишдан хуноб бўлиб, норози ҳолда қайтардим ва хотиним билан арзимас гап устида жанжаллашиб қолардик. Автомобил ҳалокатидан кейин пешонамда қолган чандиқ ҳам мени безовта қилаверарди.*

*Кўп йиллар муқаддам бу кўнгилсиз воқеалар мен учун жуда улкан кўринган эди! Аммо сув ости кемаларини портлатадиган бомбалар мени нариги дунёга жўнатгудай даҳшатга солган бир пайтда улар ниҳоятда арзимас бўлиб туюлди. Шунда, агар қуёш ва юлдузларни яна кўриш менга насиб этса, бундан буён бирор марта бўлсин безовта бўлмайман, деб қасам ичдим. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!! Ҳеч қачон!!! Ана шу даҳшатли ўн беш соат давомида Сиракьюсс университетида тўрт йил мобайнида китобларда ўқиганим ҳаёт ҳақидаги сабоқлардан зиёд ҳақиқатни англаб етдим".*

Биз кўпинча ҳаётнинг оғир руҳий ларзаларига мардона бардош берамиз, сўнгра арзимас нарсаларнинг ништар уришига йўл қўямиз. Мисол учун, Сэмуэл Пепис ўз кундалигида сэр Гарри Вэйннинг қандай тарзда қатл этилганини ёзиб қолдирган. У Лондонда ҳамманинг кўз олдида Вэйннинг бошини танасидан қандай жудо этишганини ўз кўзи билан кўрган. Сэр Гарри қатл ижро этиладиган тахтасупага чиқар экан, афв этишларини сўраб ялинмаган, балки

жаллодга елвориб, бўйнидаги осиб турган чиқонга тегиб кетмасликни сураган!

Одамзоддаги ана шу узига хосликни адмирал Бэрд қутбнинг даҳшатли совуқ тунларида пайқаган эди. Унинг айтишича, қўл остидаги одамлар жиддий нарсалардан кўра арзимас майда-чуйдаларга купроқ асабийлашишган экан. Улар хавф-хатар, ҳаётнинг оғир синовларини, совуқни *(ҳарорат кўпинча — уттиз етти градусга тушиб кетарди)* мардонавор енгар эдилар. *"Аммо,* — деб ҳикоя қилади адмирал Бэрд, — *баъзи пайтда бир-бири билан иноқ-қалин дўстлар гапирмай қўярдилар, чунки бири иккинчисидан ўз асбобларини уникининг ўрнига қўйганидан гумонсирарди. Мен бир одамни билардим, у ошхонада оғзидаги луқмани йигирма саккиз марта чайнаб, сўнг ютадиган флетчерист (овқатни роса чайнаб, сўнг ютадиган киши) кўринмайдиган жойни танламагунча, асло ўтирмасди".*

*"Қутбдаги лагерда,* — дейди адмирал Бэрд, — *худди шундай арзимас икир-чикирлар, ҳатто, энг интизомли кишини ҳам ақлдан оздириш даражасигача етказиши мумкин эди".*

Сиз адмирал Бэрдга қўшимча қилиб, оилавий ҳаётдаги майда-чуйдалар одамларни жинни бўлиш даражасига етказиши, *"жаҳондаги юрак хасталиги касаллигининг ярмини ташкил этади"*, деб айта олишингиз мумкин.

Ҳар ҳолда мутахассислар шундай деб ҳисоблайдилар. Масалан, чикаголик Жозеф Сабат қирқ минг никоҳни бекор қилишга оид жараёнда қатнашиб, шундай хулосага келади: *"Бахтсиз оилаларга арзимас икир-чикирлар сабаб бўлади"*. Нью-Йорк округи прокурори Фрэнк С.Хоган айтгандики: *"Судларимизда кўриб чиқиладиган жиноий ишларнинг деярли ярми арзимас икир-чикирлардан бошланган"*. Бардаги чираниш, уйдаги машмашалар, ҳақоратомуз танбеҳ бериш, беибо гап, қўпол тарзда хуруж қилиш — ана шу арзимас икир-чикирлар тажовузкорлик ҳамда одам ўлдиришгача олиб боради. Орамизда ҳаётдан безганлар жуда кам. Худди ана шу иззат-нафсимизга тегадиган арзимас зарбалар, ҳақоратомуз танбеҳлар, манманлигимиз, ўзимизга ортиқча баҳо бериш дунёдаги юрак хасталигининг ярмини "чақиради".

Элеонора Рузвельт биринчи марта турмушга чиққанида, "кун буйи безовталаниб юрган", чунки унинг янги ошпази тушлик овқатни кўнгилдагидай пиширмаган. *"Агар ҳозир шундай бўлса эди,* — дейди Рузвельт хоним, — *елкамни қисиб, дарров унутардим-қўярдим"*. Ажойиб! Ёши катта кишилар ҳам худди шундай қилишлари керак. Ҳатто, Екатерина II ҳам ўзининг шафқатсизлиги билан ном чиқарганига қарамай, ошпази қандайдир овқатни яхши тайёрламаган бўлса, кулиб қўя қолган, холос.

Бир куни хотиним билан Чикагодаги бир дўстимникида тушлик қилдик. Дўстим гўшт тўғрай туриб, ниманидир нотўғри бажарди. Мен буни сезганим ҳам йўқ. Сезганимда ҳам эътибор бериб ўтирмасдим. Аммо бу ҳолатни хотини кўриб қолди-ю, рўпарамизда эрига ташланиб қолди. *"Жан,* — деб қичқирди у, — *нима қиляпсан, кўрмаяпсанми? Сен стол атрофида ўтиришни қачон ўрганасан-а?"* Сўнг бизга қараб: *"У доим ана шунақа хато қилаверади. Хатосини тузатгиси ҳам келмайди"*, деб вайсай кетди. Балки дўстим гўштни рисоладагидай тўғрай олмас, аммо мен унинг бардошига қойил қолдим: шундай аёл билан йигирма йилдан бери қандай яшаган экан? Очиғини айтсам, бундай хотиннинг дийдиёсини эшитиб, хитойча ўрдак гўшти ва акула сузгичини егандан кўра, сосиска билан гармдорини хотиржам ҳолатда тановул қилишни афзал кўрардим.

Бироз вақт ўтгач, бу зиёфатдан кейин бизникига меҳмонлар ташриф буюрадиган бўлишди. Улар келмай туриб, Карнеги хоним дастурхонда учта сочиқ етишмаслигини пайқаб қолди.

*"Мен ошпазга ташланиб қолдим,* — деб ҳикоя қилди кейинчалик, — *маълум бўлдики, ўша учта сочиқ кирхонага жўнатилган экан. Меҳмонлар эса бўсағага келиб қолишганди. Сочиқ тўғрисида ади-бади айтиб ўтирадиган вақт эмасди. Ҳозир йиғлаб юборсам керак, деб ўйладим. Фақат бир ўй хаёлимдан ўтди: "Шу биргина бемаъни нарса наҳотки кечки зиёфатни йўққа чиқарса?" Сўнг: "Нега бунга йўл қўяр эканман?" деб ўйладим-да, зиёфат столига ўтириб, вақтни хушчақчақ ўтказишга қатъий аҳд қилдим. Бутун кеча давомида ниҳоятда хушнуд кайфиятда эдим. Майли, дўстларим мени асабий, дарғазаб хотин дегандан*

*кўра иситрт аёл экан, деб ўйласинлар. Ҳар ҳолда, менга шуниси аниққи, сочиққа биров эътибор ҳам бергани йўқ".*

Машҳур ҳуқуқий тамойилда шундай дейилган: *"Қонун майда-чуйдалар билан шуғулланмайди"*. Агар серташвиш одам руҳий хотиржамликни истаса, у арзимас икир-чикирларга эътибор бермаслиги керак.

Арзимас нарсалардан аччиқланмаслик учун кўпчилик ҳолларда ўз миямизда ҳузур-ҳаловатга йўналган янги йўл тутиш лозим бўлади. "Улар Парижни кўришлари зарур эди" номли китоб ёзган дўстим Хомер Крой бошқалар каби бу ишни қандай амалга оширишга доир ҳайратомуз мисол келтирган. У янги китоб устида ишлаш жараёнида ақлдан озиш даражасига келиб қолган эди. Бунга эса Нью-Йоркдаги уйида ўрнатилган радиаторларнинг дириллаши сабаб бўлган эди. Хомер Крой ёзув столида ўтирган заҳоти ана шу овозлардан тутақиб кетарди.

*"Бир пайт келиб,* — деб ҳикоя қилади Хомер Крой, — *дўстларим билан бирга саёҳатга отландим. Гулханда чирсиллаб ёнаётган шохчаларнинг овозини эшитиб, бу радиаторлар шовқинини эслатади, деб кўнглимдан ўтказдим. Нега чирсиллаб ёнаётган шохчалар овози менга ёқимли туюлади-ю, радиаторларнинг худди шундай шовқини кўнглимни айнитади? Уйга қайтгач, ўз-ўзимга, гулхандаги шохчаларнинг овози менга радиаторларнинг шовқини каби ёқимлику, дедим. Ухлашга ётганимда, бу овоз мени ортиқ безовта қилмайдиган бўлади. Худди шундай йўл тутдим. Бир неча кун радиаторлар шовқинидан таъсирланиб юрдим, аммо кўп ўтмай уни бутунлай унутдим.*

*Кўпгина арзимас нарсалар туфайли шундай ҳолатлар рўй беради. Улар жуда ёқимсиз бўлиб, жирибийронимизни чиқариб юборади. Гап шундаки, биз уларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳаддан зиёд ошириб юборамиз..."*

Дизраэли шундай деган эди: *"Ҳаёт ҳаддан зиёд қисқа, уни майда-чуйдаларга сарфлаб юбормаслик керак"*. *"Бу сўзлар,* — деб ёзган эди Андре Моруа "Зис уик" журналида, — *менга кўпгина ноқулайликларни бартараф этишга ёрдам берди. Биз эътибор бермаслик, эсдан чиқариш ўрнига арзимас майда-чуйдалардан аччиқланиб юрамиз. Ваҳоланки, оламда бир неча ўн йиллар яшаймиз, холос. Бир йил ўтгач,*

*унутиб юборадиган хафагарчиликларни уйлаб, қанчадан-қанча қайтмас соатларни йўқотамиз. Уларни атрофдагиларнинг ҳаммаси ҳам унутиб юборади. Келинг, умримизни муносиб одамларга хос хатти-ҳаракат ва ўй-фикрларга бағишлайлик, бизга буюк тафаккур мевалари, ҳақиқий меҳр-оқибат, ўлмас фаолият илҳом берсин. Ахир ҳаёт деганлари ҳаддан зиёд қисқа, уни майда-чуйдаларга сарфламаслик керак".*

Ҳатто, Редьярд Киплинг каби машҳур инсон ҳам *"ҳаёт деганлари ҳаддан зиёд қисқа, уни майда-чуйда, арзимас нарсаларга сарфлаш керак эмас"* лигини хотирасидан чиқарган эди, шекилли. Натижада нима бўлди? У ва қайноғаси Вермонт тарихида энг авжга чиққан суд машмашаларини бошлашга жазм қилган эдилар. Уларнинг судлашиш жараёни шу даражада машҳур бўлиб кетгандики, ҳатто бу ҳақда "Вермонтда Редьярд Киплингни синовдан ўтказган судлашув" номли китоб ҳам ёзилганди.

Бу ишнинг тафсилоти тахминан қуйидагича: Киплинг вермонтлик Каролина Бейлстир номли қизга уйланган эди. У Вермонт штатидаги Брэттлборода ажойиб уй қурди ва жойлашиб, умрининг қолган қисмини ўша ерда ўтказмоқчи бўлишди. Қайноғаси Битти Бейлстир Киплингнинг энг яқин дўсти бўлиб қолди. Улар бирга ишлар ва улфатчилик қилишарди.

Сўнг Киплинг Бейлстирдан томорқа сотиб олди ва ҳар йили у ердан Бейлстир пичан ўриб олишига келишиб олдилар. Бир куни Бейлстир Киплингнинг шу яланглиқда боғ барпо этмоқчи эканлигини эшитиб қолади. У бирдан ғазаб отига минади. Киплинг ҳам ўзини қўлга ололмади. Вермонтнинг мовий тоғлари об-ҳавоси кескин бузилиб қолди-ку!

Орадан бир неча кун ўтгач, Киплинг велосипедда сайр қилиб юрганида, қайноғаси отлар зич ортилган фургон билан йўлни кесиб ўтди. Унга туртилиб кетган Киплинг йиқилди. *"Атрофингизни ўраб олган одамлар ҳушини йўқотиб, бунинг учун сизни айблашганида ҳам иложини топсангиз, асло ҳушингизни йўқотманг"*, деб ёзган Киплингнинг ўзи тезда ўзини қўлга ололмади-да, Бейлстирни дарҳол қамоққа олишни талаб қилди! Шов-шувга сабаб бўлган машмашали суд жараёни бошланиб кетди. Йирик шаҳарлардан журналистлар Брэттлборога ёпирилиб келишди. Бу

янгилик бутун дунёга ёйилди бир зумда. Икки томонни ҳам асло яраштириб бўлмади. Мазкур жанжал Киплинг ва унинг хотинини америкача уйни тарк этишга мажбур этди. Арзимас нарса туфайли қанча безовталик ва қизиққонлик юзага келди! Бариси пичан уюми туфайли келиб чиқди.

Бундан йигирма тўрт аср муқаддам Перикл шундай деган эди: *"Фуқаролар, бас қилинг! Биз арзимас нарсалар билан ҳаддан зиёд шуғулланиб қолдик!"* Бу ҳақ гап!

Энди эса сизга энг қизиқарли воқеалардан бирини айтиб бермоқчиман. Уни менга доктор Гарри Эмерсон Фосдик сўзлаб берганди. Унда ўрмондаги улкан бир дарахтнинг "жанг"да қандай енгилгани ва мағлубиятга учрагани ҳикоя қилинади.

Колорадо ўрмонларидаги Лонгс-Пик тоғи чўққиларидан бирида улкан дарахт қолдиқлари сақланиб қолган. Мутахассисларнинг фикрича, у тўрт юз йилдан бери қад кўтариб турган. Колумб Сальвадорга келганида, бу дарахт ҳали ниҳол бўлган экан. Инглиз колонизаторлари Плимутда ўз қароргоҳларини қурганида, дарахт ярим ўсган эди. Ўзининг узоқ умри давомида бу дарахт сон-саноқсиз яшин, бўрон ва қор кўчкиларига рўбарў келганди, тўрт аср давомида буларнинг барига чидади. Ниҳоят, ахийри кичкина қумурсқалар галаси уни емира бошлади. Зараркунандалар унинг ички томонини аста-секин сезилар-сезилмас, аммо доимий равишда кемириб, асосий ички кучини хароб этдилар. Бу ўрмон паҳлавонини асрлар давомида яшинлар, бўронлар асло енга олмаганди, аммо одам икки бармоғи билан эзиб ташласа бўладиган энг кичик зараркунанда қумурсқалар туфайли у ер билан яксон бўлди.

Биз ана шу ўрмон паҳлавонининг жангини эсдан чиқара оламизми? Ҳаётнинг бизга юборган баъзи бўронлари, қор кўчкилари, яшинларига сабот билан бардош бериб яшаймиз, у ёки бу тарзда, аммо безовталикнинг кичик қумурсқаларига юрагимизни адо қиламиз. Ваҳоланки, у шу даражада кичкинаки, икки бармоқ билан эзиб юбориш мумкин.

Вир неча йил олдин Вайомингдаги Титон миллий боғига саёҳатга борган эдик. Биз билан Чарлз Сейфред ва унинг бир неча дўстлари бор эди. Биз парк ҳудудида жойлашган Жон Д.Рокфеллер манзилини биргаликда кўрмоқчи эдик.

Аммо у ерга бориши лозим бўлган автомобил адашиб бошқа томонга бурилиб кетди-ю, бошқа машиналардан бир соат кейин манзилга кечикиб келдик.

Дарвоза калити жаноб Сейфредда эди. У бизни дим, заҳарли искабтопарлар билан лиқ тўла ўрмонда бир соатдан буён кутиб ўтирарди. Искабтопарлар шу даражада очкўз эдики, ҳатто энг муқаддас нарсани ҳам эсдан оғдирарди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам Чарлз Сейфредга бас келолмади. У бизни кутиб ўтирар экан, шу аснода тоғтерак шохчасидан кесиб олиб, ҳуштак ясади. Биз келган пайтда у искабтопарларни лаънатлаб ётганмиди? Асло! У хушчақчақ ҳолда ҳуштак чаларди. Мен бу ҳуштакни ҳозирга қадар ҳаётнинг майда икир-чикирлари устидан ғалаба қозонган одамдан хотира сифатида эҳтиёт қилиб сақлайман.

Безовталик одати сизни енгмасдан туриб, учинчи қоидага риоя қилинг:

Бўлар-бўлмас майда-чуйдаларга асабийлашманг, уларни асло писанд қилмаслик ва унутиш лозим. Эсингизда бўлсин, *"умр ҳаддан ташқари қисқа, уни майда-чуйда ишларга сарфламаслик керак"*.

*Саккизинчи бўлим*

## СИЗДАГИ БЕЗОВТАЛИКНИНГ МУАЙЯН ҚИСМИНИ ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ҚЎЙГАН ҚОНУН

Ёшлигим Миссури штатидаги фермада ўтди. Бир куни гилос данагини ажратишда онамга ёрдам бера туриб, бирдан йиғлаб юбордим. Онам мендан: *"Дейл, нима бўлди? Нега йиғлайсан?"* деб сўради. *"Мени тириклайин кўмишади, деб қўрқяпман"*, деб жавоб бердим.

Ўша пайтда мен тўхтовсиз безовта бўлаверардим. Момақалдироқ бўлганида, мени чақмоқ уради, деб қўрқардим. Бошимизга оғир кунлар тушганида, егулик нарсамиз қолмайди, деб ваҳима қилардим. Ўлганимдан сўнг дўзахга тушаман, деб ўтакам ёриларди. Мендан катта ёшдаги Сэм Уайт улкан қулоқларимни кесиб олади, деб даҳшатга тушардим. Ахир у шундай қиламан, деб дағдаға қилганди-да.

Қизларга хушомад қилсам, улар устимдан кулишади, деб жуда қўрқар эдим. Бирорта қиз ҳам менга турмушга чиқмайди, деган ваҳима босарди. Тўйдан кейин хотинимга қандай гапираман, деб ҳаммадан олдин асабийлашардим. Биз қандайдир қишлоқ черковида никоҳдан ўтамиз-у, шокилалар осилган икки ўринли извошга ўтириб, бизникига... фермага борамиз, деб тасаввур қилардим. Лекин шу вақт мобайнида қаллиғим билан тил топиша оламанми, деб безовта бўлардим. Ўзимни қандай тутишим керак? Ушбу жаҳоншумул муаммони ҳал этиш учун далада омоч кетидан юриб, ўзимча роса бош қотирганман.

Йиллар ўтди, шунда мендаги қўрқувнинг тўқсон тўққиз фоизи сохта эканлиги, мени қўрқитган воқеаларнинг рўй бермаганини англадим.

Масалан, юқорида айтганимдек, мен момақалдироқдан ўлгудай қўрқардим. Энди аниқ биламанки, миллий хавфсизлик маълумотларига мувофиқ, исталган йилда уч юз эллик минг имкониятдан фақат биттасида мени яшин уриши мумкин экан.

Мени тириклайин кўмишади, деган қўрқув бундан ҳам беъмани кўринди. Ўн миллион кишидан фақат битта одамни тириклайин кўмишни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, бу ҳодиса худди мен билан содир бўладигандай қўрқиб йиғлар эдим.

Саккиз кишидан бири рак туфайли ўлар экан. Агар мен бирор нарсадан ташвишга тушсам, ракдан ўламан, деб қўрқсам, яшин уриши ёки бошқа нарсадан ўлар эканман, десам, у ҳолда мени тириклайин кўмишади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ҳолатда гап безовталик, ўсмирлик ва ёшликнинг ўзига хослиги тўғрисида бормоқда. Шу билан бирга кўпинча ёши катталарнинг ваҳимаси ҳам шунчалик бемаънидир.

Сиз ва мен ундан тўққизта безовталикни дарҳол бартараф этишимиз мумкин. Йирик сонлар қонунига кўра, қўрқувимиз асосли эканлигини аниқласак, узоқ вақт давомида ташвишга тушишдан бутунлай халос бўламиз.

Лондондаги "Ллойд" дунёдаги энг машҳур суғурта компанияси ҳисобланади. У безовталикка мойил кишилар жуда кам учрашини аниқлаб, сон-саноқсиз миллионларни тўпла-

ди. "Ллойд" компанияси безовта бўлувчи кишилар билан бахтсизлик ҳеч қачон рўй бермайди, деб гаров боғлайди. Аммо фирма буни гаров боғлаш, деб ҳисобламайди, балки суғурта деб атайди. Аслида эса у йирик сонлар қонунидан келиб чиқиб, гаров боғлайди.

Бу йирик суғурта компанияси, мана, икки юз йилдан буён гуллаб-яшнаяпти. Агар одамзод мижози ўзгармаса, компания ишлайверади ва яна эллик аср гуллаб-яшнайверади, пойафзал, кемаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш билан шуғулланаверади. Йирик сонлар қонунига кўра, булар биз тасаввур этгандан бошқача тарзда содир бўлади.

Агар йирик сонлар қонуни билан танишсак, кўпгина дадиллардан ҳайратга тушамиз. Масалан, мен келгусидаги беш йил давомида Геттисберг ёнидаги урушдагидек қонли жангда қатнашиб қолишни билиб қолсам, даҳшатга тушар эдим. Ўшанда васиятнома ёзиб, ўзимнинг барча дунёвий ишларимни тартибга солардим. *"Ҳар эҳтимолга қарши мен бу урушдан тирик қолмайман, шунинг учун қолган умримни ажойиб тарзда ўтказишим керак"*, деб ўйлардим балки. Шу билан бирга йирик сонлар қонунига мувофиқ, фактлар шундан далолат берадики, тинчлик даврида эллик ёшдан эллик беш ёшгача яшашга уриниш Геттисберг ёнида бўлиб ўтган жангга нисбатан хавфли ва қалтис оқибатларга олиб келиши мумкин. Мен қуйидагиларни назарда тутяпман: тинчлик даврида эллик ёшдан эллик беш ёшгача ҳар минг кишидан қанча ўлган бўлса, бу рақам Геттиберг ёнидаги урушда 163 000 аскар орасидан ўлган ҳар минг киши миқдоридан ўлган кишилар сонига тенг келади.

Мен ушбу китобнинг айрим қисмларини Канаданинг Боу кўли ёқасидаги Нам-Ти-Тахе манзилида жойлашган Жеймс Симпсоннинг овчи кулбасида ёзган эдим. У ерда ёз кунларининг бирида Сан-францисколик эр-хотин Герберт Х.Сэлинжерлар билан танишиб қолдим. Хотиржам, очиққўнгил Сэлинжер хоним менда ҳаётда ҳеч қачон безовта бўлмаган хотин бўлса керак, деган тасаввур пайдо қилди. Оқшомлардан бирида камин ёнида ўтириб, шохчаларнинг ёнаётган алангаси гуриллашига қулоқ тутиб, ундан, ҳаётда бирор марта безовталикни бошингиздан ўтказганмисиз, деб сўрадим. *"Бўлмаса-чи*, — деб жавоб берди у, — *безовталик*

сал бўлмаса, мени ўлдираёзган эди. Мен уни бартараф этгунимча ун бир йиллик ҳаёт нақ дўзахнинг ўзи эди, уни ўзим яратган эдим, ахир. Мен ўлгудай аччиғи тез ва инжиқ эдим, жуда ғалати бетоқатликда яшардим. Ҳар ҳафта, Сан-Матеодан Сан-Франциско харид қилиш учун борар эдим. Дўконма-дўкон юрарканман, ўз-ўзимни қийин аҳволга солардим: "Дазмолни узиб қўйиш эсимдан чиқдимикан? Эҳтимол, уйимиз ёниб кетгандир? Хизматкор аёл қочиб кетган бўлса-я, сайр қилгани боришган бўлса, уларни машина бирдан уриб юборган бўлса-чи?! Харид авжига чиққан пайтда шунчалик безовта бўлардимки, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетарди. Мен апил-тапил автобусга чиқиб, ҳамма нарса жойидалигини билиш учун уйга югурардим. Биринчи турмушим барбод бўлганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Иккинчи эрим — ҳуқуқшунос. У етарли билимга эга бўлган хотиржам одам. У безовта бўлишни асло хаёлига келтирмайди. Мен саросимага тушиб, ҳаяжонланадиган бўлсам, у ҳамиша: "Ўзингни қўлга ол. Кел, вазиятни бир таҳлил қилиб кўрайлик... Ҳозир нимадан безовта бўляпсан ахир? Қани, йирик сонлар қонунини татбиқ этайлик-чи, кўрамиз, шу ҳодиса юз берармикан?" дерди.

Масалан, бир куни Нью-Мексико штатидаги Албукеркдан Карлбад ғорига қараб йўлга тушганимиз эсимда. Биз тошлоқ йўлдан борардик, бирдан бўрон қўзғалиб, жала қуйди. Автомобил гоҳ силжир, гоҳ жойида айланарди. Биз уни бошқара олмай қолган эдик. Мен йўл чеккасидаги бирор чуқурликка тушиб кетамиз, деб ишонган эдим. Аммо эрим тинмай: "Биз жуда секин кетяпмиз. Ҳар эҳтимолга кўра, ҳеч қандай жиддий ҳодиса юз бермайди. Машинамиз жарга йиқилиб тушса ҳам йирик сонлар қонунига кўра биз асло зарар кўрмаймиз", деб такрорлагани-такрорлаган эди. Унинг хотиржамлиги ва ўзига ишончи мени анча тинчлантирди.

Ёз кунларининг бирида биз Канаданинг Тунен водийсига саёҳатга жўнадик. У ерда бир воқеага дуч келдик. Тунда денгиз сатҳидан етти минг фут баландликда чодир ўрнатдик. Бирдан бўрон қўзғалди. У чодиримизни парча-парча қилиб улоқтириб юбориши мумкин эди. Чодир ёғоч котга, тўшамага пишиқ арқонлар билан маҳкамланган эди. Чодирнинг ички томони чайқалиб, тебрана бошлади ва биз ша-

*молнинг шовқинини эшитдик. Ҳар бир дақиқада гўё чодир узилиб, ҳавога учаётгандай эди. Мен даҳшатдан қотиб қолаёздим! Аммо эрим: "Азизам, қулоқ сол. Биз "Брюстер" фирмасининг йўл бошловчилари билан саёҳатга чиққанмиз. Улар ўзларига юклатилган ишни яхши билишади. Чодирлар эса бу тоғларга олтмиш йилдан бери ўрнатилади. Бизнинг чодиримиз бир неча мавсумдан бери чидаш бериб турибди. Ҳозиргача уни шамол улоқтириб юборган эмас, йирик сонлар қонунига кўра, бу тунда ҳам олиб кета олмайди; борди-ю, шундай ҳодиса рўй берганида ҳам биз бошқа чодирдан бошпана топамиз. Шундай экан, ўзингни қўлга ол ва хотиржам бўл", дер эди қайта-қайта. Мен унинг маслаҳати билан туннинг қолган қисмини уйқуда ўтказдим.*

*Бир неча йил муқаддам Калифорниянинг биз истиқомат қиладиган қисмида полиомиелит касаллиги эпидемияси тарқалди. Агар илгари вақт бўлганда-ку, роса жазавага тушиб қолардим. Аммо эрим мени хотиржамликка ундади, ишонтирди. Биз кучимиз етгунча эҳтиёт чораларини кўрдик. Болаларимизни одамлар ғуж бўлган жойларга қўймадик, уларни мактаб ва кинога юбормадик.*

*Соғлиқни сақлаш бўлими маълумотномалари билан таниша туриб, Калифорния тарихида энг оғир полиомиелит эпидемияси тарқалган пайтда бутун штат бўйича 1835 нафар бола жабрланганидан воқиф бўлдик. Ўртача оддий рақам эса 200 ёки 300 болани ташкил этар эди. Аслида бу рақамлар бизни даҳшатга туширса ҳам йирик рақамлар қонунига кўра, исталган боланинг эпидемия қурбони бўлиш имконияти унчалик катта эмас.*

*"Йирик сонлар қанунига кўра, бу ҳодиса юз бермайди", деган ибора мендаги тўқсон тўққиз фоиз безовталикни бартараф этди ва кейинги йигирма йил мобайнида хотиржам яшашимга имкон бердики, бу кутган эзгу орзуларимдан ҳам зиёда эди".*

Агар ўтган ўн йилларга назар ташласам, мендаги безовталикнинг кўпгина қисми тасаввурлар туфайли пайдо бўлганини англайман. Жим Грант худди шу ҳолатни бошдан кечирганини менга гапириб берган эди. У Нью-Йоркдаги "Жеймс А.Грант" фирмаси хўжайини ҳисобланади. Фирмаси Флоридадан апельсин ва грейнфрутнинг кўтара сав-

доси билан шуғулланади. Жим Грант Флоридадан бирваракайига ўн-ўн беш вагонлаб мева жўнатиш ишларига бошқош бўлади.

Менга айтишича, у ўзини илгари қуйидаги фикрлар билан қийнаган: *"Бирдан поезд ҳалокатга учраса-я? Борди-ю, меваларим сочилиб кетса, нима бўлади? Вагонларим ўтиб кетаётганида, кўприк нураб кетса-чи?"* Албатта, мевалар суғурта қилинган. Лекин бу мевалар ўз вақтида келтирилмаса, у бозорни йўқотиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, безовта бўларди. Шу даражада безовта эдики, ўзида ошқозон яраси бор, деб гумонсиради ва шифокорга мурожаат қилди. Шифокор ундан толиққан асаблардан бошқа ҳеч қандай касаллик топа олмади. *"Кутилмаганда миямга бир фикр келиб, ўз-ўзимга савол бера бошладим,* — деб ҳикоя қилади у. — *"Жим, Грант, эшитяпсанми, сен шу йиллар мобайнида неча вагон мева ортдинг?" — деб ўз-ўзимдан сўрадим. Жавоб шундай бўлди: "Йигирма беш мингга яқин". Сўнг яна ўзимга савол бердим: "Фалокат туфайли неча вагон зарар кўрдинг?" Жавоб: "Бештача, шекилли". Кейин ўз-ўзимга шундай дедим: "Йигирма беш мингдан фақат бештами? Биласанми, бу нима дегани? Таққосла: беш мингдан биттаси! Бошқача айтганда, тажрибага асосланган йирик сонлар қонунига кўра, беш мингдан битта вагоннинг ҳалокатга учраш имконияти бор. Шундай экан, сен нега безовта бўласан?"*

*Шундан сўнг ўз-ўзимга: "Ахир кўприк ҳам қулаши мумкин-ку!" дедим. Яна ўз-ўзимдан "Аслида кўприк қулашидан неча вагонингни йўқотдинг?" деб сўрадим. "Бирорта ҳам", деган жавоб бўлди. Шунда ўз-ўзимга: "Ўзингни ошқозон ярасига қадар олиб келган безовталикдан уялмадингми? Кўприк ҳеч қачон қуламаган экан-ку! Агар гап темир йўл ҳалокати ҳақида кетса, беш мингдан фақат бештасида шундай эҳтимоллик бор", деб айтдим.*

*Юқоридагиларга қараб англадимки, мен ўзимни лақмаларча тутган эканман. Шу заҳоти безовта бўлишни бас қилдим ва доимо йирик сонлар қонунини амалга оширишга ҳаракат қилдим. Ўша вақтдан бошлаб ошқозон ярасини ҳам эсимдан чиқардим".*

Эл Смит Нью-Йорк штати губернатори бўлган маҳалда ўзининг сиёсий мухолифлари ҳамлаларига: *"келинг, да-*

*лилларни ўрганиб чиқайлик... келинг, далилларни ўрганайлик"* деганини бир неча бор эшитганман. Шундан сўнг у далилларни келтирарди. Янаги сафар мен ёки сиз безовта бўлсак, муйсафид донишманд Эл Смитнинг *"Келинг, далилларни ўрганиб чиқайлик, у азобли безовталигимизга арзийдими, асос борми? Шунга яраша бир ечимга келайлик"*, деганига қулоқ солайлик. Фредерик Ж.Малстедт ўзини қабрга киргудай йўқотиб қўйганида, худди шундай йўл тутган эди. У Нью-Йоркда катталар учун курс машғулотларимда қуйидагиларни гапириб берганди:

*"1944 йилнинг июнь ойи бошларида Омаха-Бич яқинида бир кишилик окопда турардим. Ўшанда 999-алоқа ротасида хизмат қилардим. Нормандияга эндигина жойлашган эдик. Мен бу якка окопга қараб (у тўғри бурчакли чуқурга ўхшар эди), ўз-ўзимга "Қабрга ўхшайди-я", деб қўйдим. Унда ётиб, ухламоқчи бўлганимда, худди қабрга ётгандай сездим ўзимни. Беихтиёр равишда "Бу менинг ҳақиқатдан ҳам қабримдир", деб ўйлардим. Эртаси соат 11 да немис бомбардимончилари устимизга ёпирилиб, бомба ёғдира кетишди. Мен қўрқув ичида қотиб қолдим. Дастлабки икки-уч кеча мутлақо ухлай олмадим. Тўртинчи, бешинчи кеча эса деярли асабий фалаж ҳолатида эдим. Нимадир қилиш кераклигини тушундим, акс ҳолда ақлдан озишим тайин эди. Шундан беш кеча ўтди, мен ҳали ҳам тирикман, бўлинмамизда ҳамма соғ-саломат, деб ўз-ўзимга эслатдим. Фақат икки киши яраланган эди, қолаверса, немис бомбаларидан эмас, балки ўзимизнинг шахсий зенит қуролларимиз снаряд парчаларидан жароҳат олишган эди. Мен безовта бўлишни бас қилиб, бошқа бирор бир маъқул машғулот билан шуғулланишга қарор қилдим. Окопим тепасига қалин ёғоч қоплама ясадим, у мени зенит снарядларининг сочилган парчаларидан ҳимоя қиларди. Бўлинмамиз жуда катта майдонни эгаллаган бўлса керак, деб ўйлагандим. Ўзимча, бу бир кишига мўлжалланган энсиз чуқур окопга тўғридан-тўғри бомба тушиб, ҳалок бўлиш мумкин, деб ўйлагандим. Чамалаб кўрсам, бомба тушиш имконияти ўн мингдан биттани ташкил этар экан. Шу тарзда икки кеча мулоҳаза юритгандан сўнг мен анча хотиржам бўлдим ва, ҳатто бомбардимон пайтида ҳам бемалол ухлайверардим".*

АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари қўмондонлиги статистик маълумотлардан денгизчиларнинг руҳини кўтаришда фойдаланади. Бир собиқ денгизчининг менга ҳикоя қилишича, у ва ўртоқларини юқори октанли ёқилғи ортилган танкерга юборишганида, улар қаттиқ саросимага тушганлар. Агар танкерга торпедо тегса, юқори октанли бензин билан портлаб кетамиз-у, шу заҳоти ҳаммамиз нариги дунёга равона бўламиз, деб қатъий ишонган эдилар.

Аммо АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари қўмондонлиги бошқа маълумотга ҳам эга эди: унга мувофиқ, ҳар юз торпедога учраган танкердан олтмиштаси сувда сузаётган ҳолатда бўлади; фақат қирқтаси чўкиши мумкин, шундан бештаси ўн дақиқа давомида сувга чўкади. Бу вақтда экипаж кемани тарк этиши мумкин, шунингдек, йўқотиш ҳам арзимас даражада бўлади. Булар жанговар руҳни кўтаришга ёрдам беради-ми? *"Йирик сонлар қонунига доир билимлар мени руҳий зарбалардан халос этди"*, — дейди мазкур воқеаларни менга гапириб берган Клайд У.Маас. — *Бўлинмада барча ўзини бардам ҳис этди"*.

Билдикки, йирик сонлар қонунига кўра, биз ҳалок бўлмас эканмиз.

Безовталик одати сизни енгмасдан туриб, уни бартараф этиш учун учинчи қоидани бажаринг:

Далилларни *(асосларни, бўлган воқеаларни)* ўрганиб чиқинг. *"Йирик сонлар қонунига кўра, мени безовта қилган ҳодиса қачондир содир бўладими?"* деб ўз-ўзингиздан сўранг.

## *Тўққизинчи бўлим*
## МУҚАРРАР ЮЗ БЕРАДИГАН ҲОДИСА БИЛАН ҲИСОБЛАШИНГ

Бола эдим, бир куни тенгқурлар билан Миссурининг шимоли-ғарбий томонидаги эски, ташландиқ ёғоч уйнинг чордоғида ўйнаётгандик. Чордоқдан тушишда бир лаҳза ичида оёғимни дераза токчасига қўйдим-у, пастга сакрадим. Чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғида ҳалқа бор эди, сакраган пайтимда бу ҳалқа михчанинг қалпоғига кириб қолди-ю, бармоғим узилиб кетди.

Жон ҳолатда қичқириб юбордим. Мени ваҳима қуршаб олди. Ўлиб қоламан, деб ишондим. Лекин қўлим қимирлаганида, мен бирор сония ҳам безовта бўлмадим. Ўйлагандан нима чиқарди?.. Мен муқаррар юз берган ҳодиса билан келишдим, албатта.

Баъзи ҳолларда ойлар давомида ҳам чап қўлимда тўртта бармоқ борлиги эсимга келмайди.

Бир неча йил муқаддам Нью-Йорк марказидаги бинолардан бирида юк кўтарувчи лифтни бошқарадиган кишини учратган эдим. Унинг чап қўлида бармоқлар йўқлиги эътиборимни тортди. *"Чап қўлингиз безовта қилмайдими?"* деб сўрадим. *"Асло, ҳатто эсимга ҳам келмайди. Бўйдоқман, фақат игнадан ип ўтказиш чоғида эсимга тушади, холос"*, деб жавоб берди у.

Шуниси қизиқки, биз деярли ҳар қандай ҳаётий вазият билан — агар биз буни бажаришга мажбур бўлсак, дарҳол келишиб кетамиз. Унга мослашиб, унутиб ҳам юборамиз.

Мен Голландиядаги Амстердамнинг XV асрдан қолган хароба ибодатхонасидаги ёзувни тез-тез эслаб тураман. Фламонд тилидаги ушбу битикда шундай дейилган: *"Бу шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас"*.

Ҳаёт йўлимизда кўпгина ноқулай вазиятларга дуч келамизки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди. Бошқача бўлмасди. Олдимизда улардан бирини танлаш вазифаси туради. Биз ушбу вазиятни муқаррар ҳодиса сифатида қабул қилиб, унга мослашишимиз ёки унга қаршилик кўрсатиб, умримизни хазон қилишимиз ёки, эҳтимол, асабимизни ишдан чиқаришимиз мумкин.

Эътиборингизга севимли файласуфлардан бири Уильям Жеймснинг ҳикматли маслаҳатини ҳавола этмоқчиман. *"Нимаики мавжуд бўлса, уни қабул қилишга рози бўлинг,* — дейди у. — *Рўй берган ҳодисага кўникиш ҳар қандай бахтсизликнинг оқибатларини бартараф этиш сари қўйилган биринчи қадамдир"*. Элизабет Коннли ўзининг аччиқ тажрибасида бунга ишонч ҳосил қилди. Яқинда ундан қуйидаги мазмунда хат келди: *"Қуролли кучларимизнинг Шимолий Африкадаги ғалабасини бутун Америка байрам қилган кунда ҳарбий вазирликдан шошилинчнома олдим: унда мен дунёда ҳаммадан кўра яхши кўрган жиянимнинг дом-дараксиз*

йўқолгани айтилган эди. Кейин яна бир шошилинчнома келиб, жияним ҳалок бўлгани хабар қилинганини ўқидим.

Мен қайғу-алам ичида қолдим. Шунга қадар ҳаётдан жуда мамнун эдим. Севимли ишим бор эди. Жиянимни тарбиялашга ёрдамлашардим. У мен учун гўзаллик, навқиронликнинг тимсоли, тажассуми эди. Унга барча сарфлаганларим юз баравар ошиб қайтса керак, деб ўйлардим!.. Аммо кутилмаганда келган шошилинчнома... Мен учун бутун дунё остин-устун бўлиб кетди. Ҳаёт буткул маъносини йўқотди, деб тасаввур этдим. Ишга нисбатан қизиқишим сўнди, дўстларимни деярли унутдим. Ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолдим. Дийдам қотиб қолди. Нега азиз бола ўлдирилди, ахир бутун ҳаёти ҳали олдинда эди-ку!.. Мен бунга асло кўника олмасдим. Қайғу-ғамим шу даражада эдики, ишни ташлаб кетмоқчи бўлдим, одамлардан холи жой ахтарардим. Қолган умримни ғам-алам ва кўзимда ёш билан ўтказмоқчи бўлдим.

Ёзув столим устини тартибга келтириб, ишдан кетишга шайландим. Бирдан жиянимнинг менга ёзган хатига кўзим тушиб қолди, уни аллақачон унутиб юборган эдим. Бу мактубни у онам вафот этганида, бир неча йил муқаддам ёзган эди. "Албатта, биз уни соғинамиз, — дейилганди хатда, — айниқса, сиз. Лекин, биламанки, сиз бунга бардош бера оласиз. Жиддийлигингиз сизни чидашга мажбур этади. Мен сиз ўргатган ажойиб донишмандона ҳикматларни ҳеч қачон унутмайман. Қаерда бўлмайин, бир-биримиздан қанчалик узоқда бўлсак ҳамки, мени жилмайишга ва нимаики содир бўлса, ўшани мардона қабул қилишга ўргатганингизни бир умр ёдда сақлайман".

Жиянимнинг ушбу хатини бир неча бор ўқиб чиқдим. У худди ёнимда туриб, мен билан гаплашаётгандай эди назаримда. Гўё: "Сиз нима учун менга ўргатганларингизни бажармаяпсиз? Бирор ҳодиса юз берса ҳам фақат бардам бўлинг. Барча ғам-ташвишларингизни пинҳон тутинг, жилмайинг ва дадил бўлинг", деяётгандек эди.

Мен яна ишга киришиб кетдим. Ортиқ жазавага тушмайдиган ва ҳаётдан нолимайдиган бўлдим. Қайта-қайта ўзимга: "Бўлган иш бўлиб ўтди. Мен бирор нарсани ўзгартира олишга қодир эмасман. Лекин у маслаҳат бергандай

*бардош бера оламан", дер эдим. Ишга бор куч-қувватим билан берилдим. Кимларнингдир фарзанди ёки қариндоши бўлмиш аскарларга хат ёза бошладим. Катталар учун кечки курсларда машғулотлар ўтказдим. Менда янги орзу-ҳаваслар ва дўстлар пайдо бўлишини хоҳлар эдим. Ҳаётим ўзгариб кетганини кўриб, кўзларимга ишонмасдим. Мен асло қайтиб келмайдиган ўтмишни ўйлаб қайғурмайдиган бўлдим. Ҳозир ҳар бир кунни, жияним айтганидек, қувонч билан ўтказаман. Мен ҳаёт билан келишиб кетдим. Ҳозир ҳар доимгидан кўра хушчақчақ ва тўлақонли ҳаёт кечиряпман".*

Элизабет Коннли биз эртами-кечми билишимиз зарур бўлган энг муҳим ҳолат, яъни муқаррар юз берадиган ҳодиса билан келишиш ва у билан ҳисоблашишни фаҳмлаб етди: *"Бу шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас".* Мазкур сабоқни ўрганиш осон эмас. Бу борада тахтда соч-соқоллари оқарган қиролларни ҳам эслаб ўтишга тўғри келади. Марҳум Георг V ўзининг Букингем саройи кутубхонаси деворига қуйидаги сўзларни ҳошия *(рамка)*га солиб, осиб қўйган эди: *"Менга иложи йўқ ишни талаб қилмасликни ва тузатиб бўлмайдиган нарсага қайғурмасликни ўргатгин!"* Худди шу фикрӣ Шопенгауэр томонидан қуйидагича ифодаланган эди: *"Ҳаётий саёҳатга тайёргарлик кўришда етарли равишда итоаткорлик захираси бирламчи аҳамият касб этади".*

Ўз-ўзидан маълумки, фақат шароитнинг ўзигина бизни бахтли ёки бахтсиз қилмайди. Муҳими, бунга қандай муносабатда бўлишимизда. Худди шу омил бизнинг идрокимизни аниқлаб беради.

Агар биз мажбур бўлсак, бахтсизликка ва фалокатларга бардош бериб уни енгишга қодирмиз. Буни амалга ошириш қийинга ўхшаб кўринади, аммо фойдаланганимиз ҳамоно бизда ғоят катта куч борлиги маълум бўлади, шунинг воситасида барини енгиб ўтамиз. Биз ўзимиз билгандан зиёд равишда куч-қувватга эгамиз.

Марҳум Бут Таркингтон ҳамиша: *"Ҳаёт менга нимани тиркаб қўйган бўлса, барига чидай оламан. Фақат сўқарликка тоқатим йўқ. Бу мен бардош бера олмайдиган бирдан-бир ҳолатдир"*, дер эди.

Кунлардан бир куни Таркингтон, олтмиш ёшларга яқинлашиб қолган адиб, полда тўшалган гиламга тикилиб қолди. Кўз олдида ранглар жимирлай бошлади. У безакларни фарқлай олмасди. Таркингтон мутахассисга мурожаат этди. Даҳшатли ҳақиқатни билишга тўғри келди: у кўриш қобилиятини йўқотган эди. Бир кўзи мутлақо кўрмас, иккинчиси ҳам сафдан чиқай деб қолганди. У энг кўп қўрққан балоофат бошига ёпирилган эди.

Хўш, Таркингтон "энг даҳшатли бахтсизлик"ка қандай муносабат билдирди? *"Мана у! Бу ҳаётимнинг интиҳоси!"* деб кўнглидан ўтказдими? Мутлақо! Ҳайратланарли томони шундаки, у қувноқ, шодонлигича қолди. Ҳатто, шу дақиқаларда ҳам уни ҳазилкашлик одати тарк этмади. "Ўжар доғлар" аччиғини келтирарди; улар кўз олдида суза бошлар ва атрофини ўраб турган дунёни тўсиб қўярди. Шулардан энг катта доғ унинг олдида суза бошлаганида, Таркингтон қичқириб юборарди: *"Ў-ҳў, салом! Мана, яна бобом келиб қолди-ку! Қизиқ, шундай ажойиб тонг палласи у қаёққа йўл олди экан?!"*

Тақдир шундай бардам руҳиятни енгиб ўта олармиди? Енга олмайди, деган жавоб жаранглайди. Ёвуз ғира-ширалик олдига йўналган пайтда Таркингтон шундай деган эди: *"Мен шуни тушундимки, одам кўп ҳоллар билан келишиб кетгани сингари мен ҳам сўқирликка мослашиб кета олар эканман. Мабодо беш сезгимдан маҳрум бўлганимда ҳам ўзимнинг ички дунёмда яшашда давом эта олардим. Ахир биз ақлий нигоҳ билан кўрамиз — бу ҳақда биламизми-йўқми, бундан қатъий назар, ички дунёмизда яшаймиз".*

Кўриш қобилиятини тиклаш учун Таркингтон бир йилда ўн иккидан ортиқ операцияни ўтказди. Уларнинг бари этни ўлдиришнинг маҳаллий тури билан боғлиқ эди! Бундан у дарғазаб бўлдими? Булар зарур эканлигини адиб яхши англади. Ушбу муқаррарлик билан келишиш ва ўзини муносиб тутиш — азоб-уқубатларни енгиллаштиришнинг ягона усули ва зарурияти эканлигини тушунди. У шифохонада алоҳида палатада ётишдан бош тортди ва худди шундай дард билан азоб чекаётган хасталар ёнига борди. Уларни руҳлантиришга ҳаракат қилди. Янги-янги операцияларга ётар экан, Таркингтон уни кўзи билан нима қилаётганла-

рини тушунар ва ўзини омади келган кишидек ишонтиришга ҳаракат қиларди. *"Қандай ажойиб!* — дерди у. — *Қандай гўзал, фан шундай мураккаб аъзо — одам кўзини операция қилиш даражасига етган!"*

Агар у ўртамиёна одам бўлганида, кўр бўлиб қолгани ҳамда йигирмадан ортиқ операцияни ўтказганига дош беролмай асабий бўлиб қолиши тайин эди. Аммо Таркингтон *"Мен бошимдан ўтказганларимни ҳаддан зиёд бахтли ҳодисаларга алмашмасдим"*, дейди. Бу унга муқаррар рўй берадиган ҳолат билан келишиб кетишга ўргатди. Маълум бўлдики, уни енгадиган куч дунёда йўқ экан. Таркингтон Жон Мильтон томонидан кашф этилган: *"Бахтсизлик кўр бўлиб қолишда эмас, балки кўрликка чидай олмасликдадир"*, деган ҳақиқатни англаб етди.

Янги англиялик машҳур феминист Маргарита Фуллер бир куни: *"Мен Коинотни маъқул кўраман"*, деб ўзи амал қилган ҳаётий ҳақиқатни айтган эди.

Кекса вайсақи чол Томас Карлейль бу гапни Англияда эшитганида, минғирлаб қўйган эди: *"Ё раббим, унга шунинг ўзи жуда маъқул! Рости, менга ҳам, сизга ҳам муқаррар ҳодиса билан келишиб кетиш ниҳоятда ёқимли!"*

Агар биз аччиқлансак, қаршилик кўрсатсак ва дарғазаб бўлсак ҳам юз берадиган вазиятни асло ўзгартира олмаймиз, аммо ўз-ўзимизни ўзгартира оламиз. Мен буни биламан. Буни аллақачон бошимдан кечирганман.

Бир куни рўпарамда турган муқаррар вазиятдан, у билан келишишдан бутунлай воз кечдим. Ўзимни аҳмоқларча тутдим, асабийлашдим ва ғазаб отига миндим. Узундан-узоқ уйқусиз тунларим даҳшатга айланди. Ниманики хоҳламаган бўлсам, уларнинг барини "чақирдим". Ниҳоят, бир йиллик руҳий азоблардан сўнг аввал бошдан асло ўзгартириб бўлмайдиган воқеа билан келишишга, мослашишга мажбур бўлдим. Уни мен ўзгартира олмасдим.

Кўп йиллар муқаддам мўйсафид Уолт Уитмен билан бирга жўр бўлиб:

*"Тунлар, бўрон, очлик, мазах-масхаралар, ҳодисалар, инкорлар қаршисида қандай тураман?! Мисоли дарахт ва ҳайвонлар каби тинч, хотиржам турсам маъқул эмасми?!"* дейишга тўғри келган эди.

Мен ўн икки йил қорамол фермасида хизмат қилган эдим, аммо жерсий зотли сигирларда яйловда ёмғир бўлмагани оқибатида ўтлар сарғайганида ёки шаррос ёмғир қуйиб, совуқ турганида, уларнинг ҳарорати кўтарилишини асло пайқамаган эканман. Бу сигир бошқа бузоққа эътибор берган жуфтини ҳам кечира олмас экан. Ҳайвонлар тунни, бўронни ва совуқни хотиржам ҳолда чидам билан ўтказади, шу сабабли уларда асаб бузилиши, ошқозон яраси бўлмайди ва улар ҳеч қачон ақлдан озмайди.

Ўйлайсизки, мен тақдирнинг йўлимизда дуч келган барча оғирликлари билан оддийгина келишиб кетиш тарафдориманми? Ҳеч қачон! Бу фатализм, яъни ҳақиқий тақдирга ишониш бўларди. Ҳозирча вазиятни ўз фойдамизга ўзгартириш имконияти бор экан, келинг, курашайлик. Аммо биз нимагадир тўқнаш келсак, у қандоқ бўлса ўзгармай турса, бошқача бўлмаса ҳам, шундагина ҳушимизни йиғиштириб олдинга қарамай ва атрофга аланглamай, йўқ нарсага ғам чекиб ўтирмаслигимиз лозим; соғлом ақл бизга худди шуни уқтиради.

Колумбия университети декани марҳум Хокснинг менга айтишича, у "Онахон Ғоз" шеърларидан бирини ўзига шиор қилиб олган экан:

*Бу дунёда ҳар бир кулфатдан,*
*Шифо бордир ёки йўқ вафо.*
*Бу шифони тинмай ахтаргил,*
*Гар топмасанг, чекмагин жафо.*

Мазкур китоб устида ишлаш жараёнида мен Америкaнинг кўпгина таниқли ишбилармон кишилари билан суҳбатлашдим; уларнинг муқаррар ҳодисалар билан ҳисоблашгани, ҳаётларида безовталикнинг ҳайратланарли тарзда йўқлиги менда кучли таассурот қолдирди. Агар шундай қобилиятга эга бўлмаганларида, иш фаолияти билан боғлиқ тиғизликка асло тоқат қилишолмасди. Бунга оид бир неча мисолни ҳикоя қилиб бераман.

Ж.С.Пенни, бутун мамлакатдаги дўконлар тармоғи билан шуғулланувчи фирма эгаси, менга шундай деган эди: *"Мен барча пулларимдан охирги центигача маҳрум бўлганимда ҳам асло безовта бўлмас эдим, ахир жонсараклик ҳеч*

*нарсага ёрдам бера олмайди-да! Одатда, кучим етгунча ҳаракат қиламан, натижаси қандай бўлади — бу ёлғиз Худога аён".*

Генри Форд ҳам тахминан шундай фикрни менга айтган эди: *"Мен қачондир воқеаларни бошқара олсам, уларни ўз ихтиёрига ўз-ўзини бошқариш учун қўйиб юбораман".*

"Крейслер" корпорацияси президенти К.Т.Келлердан безовталикдан қандай қутилишни сўраганимда, шундай деб жавоб берганди: *"Мен оғир аҳволга тушиб қолсам, кучим етгунча ундан қутилишга ҳаракат қиламан. Агар уддасидан чиқа олмасам, оддийгина қилиб уларни ёддан чиқараман. Мен келажакни ўйлаб безовта бўлавермайман. Дунёда шунчалик кўп кучлар борки, улар бу келажакка таъсир этади! Биламан, ер юзида яшовчи бирор киши келажакда нима рўй беришини олдиндан кўра олмайди. Ҳеч ким бу кучларни бошқара оламан, деб айтолмайди. Ҳеч ким уларни билолмайди ҳам. Шундай экан, уни ўйлаб безовта бўлишнинг нима ҳожати бор?"* Агар К.Т.Келлерни файласуф деб атаганларида, у аччиқланган бўларди. Келлер — оддийгина пухта-пишиқ тадбиркор. Фақат бундан ўн тўққиз асрча муқаддам Римда Эпиктет тарғиб қилган шундай ақидани ҳаётга татбиқ этади, холос. *"Бахт сари фақат битта йўл бор,* — деб таълим берган эди римликларга Эпиктет, — *бунинг учун иродамизга бўйсунмайдиган нарсалар ҳақида безовта бўлишни бас қилиш керак".*

Сара Бернарни "Илоҳий Сара" деб аташарди. У муқаррар рўй берадиган ҳолатлар билан келишишга ҳавас қиларли даражада қобилиятли эди. Эллик йил давомида Сара Бернар дунёнинг энг яхши саҳналарида ярқираб, санъатини намойиш этди. Тўрт қитъада ҳам уни театр қироличаси деб аташарди. У ер юзида энг севимли актриса сифатида ном қозонди. Етмиш бир ёшида бор-йўқ маблағидан маҳрум бўлганидан сўнг шифокори, парижлик профессор Поцци унинг оёқларини кесиш лозимлигини айтади. Сара Атлантика океанини кесиб ўтаётган кунлардан бирида кучли бўрон кўтарилган, шунда палубага йиқилиб тушган ва оёғи қаттиқ шикастланган эди. Натижада флебит *(веналар яллиғланиши)* бошланади. Унинг оёқлари шиша бошлайди. Оғриқ шу даражада чидаб бўлмас эдики, шифокор кесиб ташлаш учун

уни кўндиришга мажбур бўлди. Шифокор инжиқ ва қизиққон "Илоҳий Сара"га ўзи амалга оширмоқчи бўлган иш ҳақида айтишга ҳайиқди.

У ушбу қўрқинчли хабар актрисани даҳшатга солади, деб ишонганди. Аммо адашган эди. Сара унга бир лаҳза тикилди, сўнг хотиржам равишда: *"Демак, шундай бўлиши керак экан, бўла қолсин"*, деди. Бу пешонада борини кўриш эди.

Сарани ўзиюрар оромкурсида операция хонасига элтаётганларида, ёнида ўғли турар ва йиғларди. У эса қувноқ кайфиятда қўл силкиди ва бардам ҳолда: *"Кетиб қолма тағин, мен тезда қайтаман"*, деди.

Операция хонасига етгунча, йўл-йўлакай қачондир ижро этган пьесасидан бир саҳнани такрорлаб борди. Кимдир, ўзингизни бардам тутиш учун шундай қилдингизми, деб сўради. У эса: *"Йўқ, мен шифокор ва ҳамширалар дадил бўлишлари учун ҳаракат қилдим. Биламан, бу иш улар учун жуда оғир"*, деб жавоб берди.

Операциядан сўнг тузалган Сара дунё бўйлаб саёҳатга отланди ва яна етти йил мобайнида барчанинг олқишига сазовор бўлди.

*"Биз муқаррар рўй берадиган ҳодиса билан курашишдан воз кечсак*, — деб ёзган эди Элси Маккормик "Ридерс дайжест" журналида босилган мақоласида, — *ҳаётимизни бойитиб турган куч-қувватни асраб қолган бўламиз"*.

Ер юзида яшовчи бирорта одам рўй берадиган муқаррар ҳодисага қарши курашишда ҳам, янги ҳаётни бунёд этишда ҳам бирваракайига етарли ҳиссиёт ва куч-қувватга эга бўла олмайди. Униси ёки бунисини танлаш зарур. Сиз ҳаётингизга шиддат билан ёпирилиб келаётган муқаррар қорли бўронлар тиғи устидан сакраб ўтишингиз ёки унга қаршилик кўрсатиб, мағлуб бўлишингиз мумкин!

Мен бу ҳолатни Миссуридаги фермамда кузатдим. Ўшанда йигирмага яқин дарахт кўчати ўтқазган эдим. Улар дастлаб ҳайратланарли тарзда тез ўсиб кетди. Сўнгра қор бўрони пайтида ҳар бир шохча юпқа муз парчаси билан қопланди. Устидаги оғирликдан осонгина халос бўлиш ўрнига бу дарахтлар мағрур туриб, қаршилик кўрсатарди, охир-оқибатда эса оғир юкни кўтара олмай синиб кетди. Натижада бу

дарахтларни тубидан қўпоришга тўғри келди. Улар шимол ўрмонлари ҳикматини ўрганмаган эди-да! Мен Канаданинг ҳамиша кўм-кўк товланиб турадиган ўрмонлари бўйлаб юзлаб мил йўл босиб, саёҳат қилганман, аммо бирор марта ҳам қор ёки муздан синиб қолган арча ёки қарағайни кўрган эмасман. Бу яшил товланувчи мангу ўрмонзор дарахтлари қай пайтда эгилмоқ, қачон шохларини букиш, муқаррар юз берадиган ҳолатларга мослашиш кераклигини "билади".

Жиу-житсу мураббийлари ўз шогирдларига: *"Мисоли тол каби эгилмоқ, аммо дуб каби қаршилик кўрсатмаслик керак"*, деб таълим беришади.

Автомобил ғилдираги қопламаси шунча зарбаларга учраб, нега титилиб кетмагани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Дастлабки пайтларда йўл зарбаларига қаршилик кўрсатувчи ғилдирак қопламалари ишлаб чиқарилган. Улар дарров парча-парча бўлиб титилиб кетган. Шундан кейин йўл зарбаларини "ютиб юборадиган" қопламалар тайёрлашга киришганлар. Худди шундай қопламалар зарбаларга "чидарди". Биз билан сиз ҳам бу ёруғ дунёда ҳаёт сўқмоқларидаги зарба ва силкинишларни "ютиб юбориш"ни ўргансак, узоқ ва хотиржам яшай оламиз.

Ҳаёт зарбаларини ютиш ўрнига унга қаршилик кўрсатсак қандай ҳодиса юз беради? *"Тол каби эгилишдан воз кечиб, дуб мисоли каршилик кўрсатсак-чи?"* Жавоби жуда оддий бўлади. Биз бир қатор ички зиддиятни яратардик. Нотинч ва дилгир, хуноб ва асабий бўлиб қолар эдик.

Агар яна ичкарироқ кирсак ва бизни ўраб турган шафқатсиз воқеликдан юз буриб, тасаввуримизда яратилган сохта дунёга кирсак, ақлдан озишимиз турган гап.

Уруш пайтида миллион-миллион гангиган аскарлар муқаррар юз бераётган ҳодисаларга мослашишлари ёки асаб бузилиши билан касалланишга маҳкум эдилар. Мен буни Уильям Касселиус мисолида айтяпман. Унинг ҳикояси Нью-Йоркдаги курсларимизнинг бир машғулотида мукофотга сазовор бўлган эди. Мана, айтиб берганлари:

*"Соҳилни қўриқлаш бўйича хизматга кирганимга кўп вақт ўтмасдан мени Атлантика океани қирғоқларидаги хавфли жойлардан бирига жўнатишди. У ерда портловчи*

моддалар бўйича назоратчи этиб тайинладилар. Тасаввур қиляпсизми? Айнан мени!

Қандолат маҳсулотлари сотувчиси бирданига портловчи моддалар бўйича назоратчига айланиб қолди! Минглаб тонна тротил ёнида туришни ўйлаганда, бу қандолат сотувчисининг томирларидаги қон музлаб қоларди. Уни ўргатиш учун эса менга бор-йўғи икки кун вақт бердилар, барисини билганимдан сўнг мени даҳшат қамраб олди. Ўзимга берилган топшириқни бир умр унутмасам керак. Қоронғи, совуқ, туманли кунларнинг бирида менга Нью-Жерси штатидаги Бейоннанинг Кейвен-Пойнт очиқ пирс (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жой)га жўнаш ҳақида буйруқ берилди.

Менга кемамиздаги 5-трюм тегди. Ушбу трюмда беш нафар порт юк ташувчиси билан ишлашим керак эди. Улар бақувват, елкалари кенг, аммо портловчи моддалар тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасдилар. Жуда катта қувватга эга фугас бомбаларини юклашарди, уларнинг ҳар бири тонналик тротилга эга бўлиб, мабодо портлаб кетгудай бўлса, кема ҳам, ундаги барча кишилар ҳам катта боболари ётган жойга равона бўлишларига кифоя қиларди. Бу бомбалар икки трос ёрдамида туширилар эди. Мен ўзўзимга: "Темир арқонлардан бири силжиб ёки узилиб кетса-я?" — деб такрорлардим. О, худойим! Мен нақадар қўрққан эдим! Аъзойи баданим қалтирарди. Оғзим қуриб қолганди. Тиззаларим букилиб-букилиб кетар эди. Юрагим қанидан чиқиб кетай дерди. Аммо ҳеч қаёққа қочиб қутула олмас эдим. Бу қочоқлик ҳисобланарди. Ўзим ҳам, ота-онам ҳам иснодга қолишарди. Мени қочоқ сифатида отиб ташлашлари мумкин эди. Шу боис қочиб кетолмасдим, қолишга мажбур эдим. Мен юк ташувчилар бу бомбаларга қанчалик эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлаётганликларини кўриб турардим. Кема исталган пайтда портлаб кетиши мумкин эди. Бу даҳшатли онлар бир соат чамаси давом этди, бутун вужудимдан тер чиқиб кетди. Охири ақлимни ишлатиб, ўзимни қўлга олдим. Ўз-ўзимга ҳисоб бердим: "Майли, сени портлатишди ҳам дейлик! Хўш, нима бўпти? Нима фарқи бор? Бу жуда осон ўлим бўлар эди. Ракдан ўлгандан кўра анча енгил, албатта. Аҳмоқ бўлма. Барибир, бир умр

*тирик юрмайсан-ку! Бу топшириқни бажаришинг керак, акс ҳолда сени отиб ташлашади. Қай бири яхши — номаълум", дедим ўзимга.*

*Бир неча соат давомида мен ўзим билан гаплашдим ва анча енгил тортдим. Ниҳоят, муқаррар равишда юз берадиган вазият билан келишишга ўзимни мажбур этиб, безовталик ва қўрқувимни енгдим.*

*Мен ушбу сабоқни ҳеч қачон унутмайман. Ҳозир ҳам бирор нарсадан безовталансам, уни ўзгартириб бўлмайдиган ҳолат бўлса, елкаларимни қисаман-у, "уни унутгин!" дейман. Тасаввур қиляпсизми, бу ҳатто, қандолат сотувчисига ҳам кор қиладиган иш, ахир!"* Ура! Яшасин қандолат маҳсулотларининг шоввоз сотувчиси!

Исо Масиҳнинг хочга михланишидан ташқари инсоният тарихида энг машҳур ва фожиали ўлим саҳнаси Суқротнинг ўлими ҳисобланади. Ҳатто, орадан ўн минг аср ўтса ҳам одамлар унинг Афлотун томонидан ёзиб қолдирилган ўлим тафсилотларини таъсирланиб ўқийдилар, бу жаҳон адабиётининг энг тўлқинлантирувчи ва ёрқин асарларидан бири ҳисобланади. Афинанинг айрим кишилари оёқ яланг юрадиган мўйсафид Суқротга ғайирлиги келгани боис унга сохта айб қўядилар. Уни суд қилиб, ўлим жазосига ҳукм қиладилар. Суқротга дўстона муносабатда бўлувчи турма бошлиғи заҳар солинган косани бера туриб, унга шундай деган: *"Муқаррар рўй берадиган ҳолатни енгил қабул қилишга ҳаракат қилгин"*. Суқрот худди у айтгандек қилди. Ўлимни қандайдир илоҳий сокинлик ва иззат билан қабул қилди.

*"Муқаррар рўй берадиган ҳолатни енгил қабул қилишга ҳаракат қилинг"*. Бу сўзлар эрамизгача 399 йил муқаддам айтилган. Аммо бизнинг мудом безовта дунёмиз мазкур сўзларга олдингига қараганда, ҳозир ниҳоятда муҳтождир: *"Муқаррар рўй берадиган ҳолатни енгил қабул қилишга ҳаракат қилинг"*.

Безовталик одатидан халос бўлиш учун у сизни енгмасдан туриб, тўртинчи қоидани бажаринг: *муқаррар рўй берадиган ҳолат билан, албатта, ҳисоблашинг.*

*Ўнинчи бўлим*

## БЕЗОВТАЛИГИНГИЗГА "ТЎСИҚ" ЎРНАТИНГ

Фонд биржасида қандай қилиб пул ишлашни билишни истайсизми? Албатта, миллионлаб бошқа одамлар ҳам ўрганишни истайдилар; агар бериладиган жавобни билганимда, бу китоб ақлга сиғмас даражада пулга сотиларди. Аммо айрим ишбилармон кишилар фойдаланадиган ақлли ғоялар ҳам мавжуд. Буни менга капитал маблағлар жамғариш бўйича маслаҳатчи Чарлз Робертс сўзлаб берган эди.

*"Техасдан Нью-Йоркка илк бор келганимда, менда дўстларим берган йигирма минг доллар бор эди. Бу пулларни фонд биржасига қўйишим керак эди. Мен,* — дея давом эттирди гапини у, *— гўё фонд биржасининг барча "кирим" ва "чиқим" йўлларини яхши билгандай эдим. Лекин маблағнинг ҳаммасини йўқотдим. Тўғри, айрим битимлар менга каттагина даромад келтирди, аммо алалоқибат боримдан маҳрум бўлдим".*

*"Ўзимнинг пулларимдан жудо бўлганимда, дилим бунчалик хуфтон бўлмасди,* — деб изоҳ берди жаноб Робертс. — *Мен дўстларимнинг пулларидан, гарчи улар ҳар жиҳатдан тўлиқ таъминланган бўлсалар-да, маҳрум бўлганимда, рости, даҳшатга тушдим. Ўзаро келишув муваффақиятсиз тугагани боис улар билан дуч келишга ҳам қўрқаб қолдим. Аммо мени ҳайратга солгани шу бўлдики, дўстларим мендан хафа бўлиш у ёқда турсин, балки тенги йўқ оптимистлар чиқиб қолишди.*

*Билардим, тавакkал ҳаракат қилгандим, бу маълум даражада ютуқлар ва бошқа одамларнинг фикри билан амалга ошган эди. Худди Х.И.Филлипс айтганидек, мен биржада "миш-мишлар туфайли ютқазган эдим". Ўз хатоларимни таҳлил қилиб, яна биржа операцияларига киришишдан олдин биржага тааллуқли барча нарсани батафсил ўрганишга қарор қилдим. Мен шу иш билан шуғулланиб, биржа тарихида муҳим ўрин эгаллаганлардан бири Бэртон С.Касл билан танишдим. Ундан кўп нарса ўрганишга ишонар эдим. Дарҳақиқат, у биржа ходимлари орасида катта мавқега эга бўлиб, ҳар йили муваффақиятга эришарди. Билардим, бу ютуқ фақат оддийгина омадга боғлиқ эмасди.*

*У менга ўтган йилги биржа битимига боғлиқ бир неча савол билан мурожаат қилди. Шундан сўнг биржа операцияларининг энг муҳим тамойилларини тушунтириб берди. "Мен биржа корхонасида "харажат чеклагичи"ни ўрнатаман, — деди у, — ҳар бири 50 доллар турадиган акция тўпламини оладиган бўлсам, унга 45 доллар ҳажмида "харажат чеклагичи"ни қўяман. Бунинг маъноси қуйидагича: агар ушбу акциялар биржада беш поғона (нарх) бўйича қўйилса, улар ўз-ўзидан сотилади. Шундай қилиб, йўқотиш, яъни харажат беш поғона миқёсида чегараланади. Ҳаммадан олдин,* — деб сўзини давом эттирди кекса маэстро, — *сиз биржага оид ишларингизни обдон ўйлаб ташкил қилишингиз лозим, ана шунда даромадингиз ўртача ўн, йигирма беш, ҳатто эллик поғона бўлади. Демак, йўқотишни беш поғонагача чегаралаб, сиз ярим ҳолатдагина хато қилсангиз, барибир кўп пулга эга бўласиз".*

Мен ушбу тамойилни дарров ўзлаштирдим ва уни ўша вақтдан бошлаб қўллаб келаман. Шу тариқа мижозларим ва ўзим ҳам кўп минг долларни тежаб қолдик.

Бир мунча вақт ўтгач, "харажат чеклагичи" тамойилини нафақат фонд биржаларида, балки ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам қўллаш мумкинлигини тушундим. Бошимдан кечирадиган ҳар қандай дилисиёҳлик ва кўнгилсизликка "чеклагич" қўйишга ҳаракат қила бошладим. Бу тамойил мўъжизали тарзда таъсир кўрсатди. Масалан, мен баъзан дўстим билан бирга нонушта қилишга келишиб оламан. Аммо у кўпинча кечикиб келади. Илгари мен нонушта учун ажратилган вақтнинг ярмига қадар ҳаяжонланиб ўтирардим, шундан сўнг у пайдо бўларди. Ниҳоят дўстимга ўзимнинг безовталигим учун "чеклагич" қўйганимни гапириб бердим. Унга: "Билл, *қулоқ сол, сени кутишим учун "чеклагичим" роппа-роса ўн дақиқани ташкил этади. Агар ўн дақиқадан ўтказиб, кечикиб келадиган бўлсанг, бизнинг нонушта ҳақидаги келишувимиз бутунлай бекор қилинади, мен кетиб қоламан",* дедим.

Худо барҳақ! Агар бир неча йил олдин тоқатсизлигим, мижозим, ўз-ўзимни оқлашим, афсусларим ва ақлий ҳамда ҳиссий зўриқишларимга "чеклагич" қўйишга ақлим етганида эди! Нега руҳий осойишталигимга хавф солувчи вазиятни баҳо-

лашга фаросатим етмади экан? Ўз-ўзимга: *"Қулоқ сол, Дейл Карнеги, бундан бадтари ҳам безовта бўлишга арзирмикан?"* демаган эканман-а? Нега шундай қилмаганман?

Ниҳоят кунлардан бир куни менда жиндай бир фикр пайдо бўлдики, ундан умрбод миннатдор бўлишим керак.

Бу ҳаётимдаги энг жиддий вақтда — барча орзуларим, режаларим, кўп йиллик меҳнатим мисоли қоғоз уй каби нураб кетган ҳалокатли даврга тўғри келди.

Воқеа шундай бўлган эди. Ёшим ўттиздан эндигина ошганида, умримни романлар яратишга бағишламоқчи бўлдим. Мен иккинчи Фрэнк Норрис ёки Жек Лондон, ёки Томас Харди бўлмоқ учун ҳаракат қила бошладим. Ёзувчи бўлиш ҳақидаги қарорим шу даражада жиддий эдики, шу мақсадда икки йилни Европада ўтказдим. У ерда қиймати паст доллар сарфлаб яшашим мумкин эди, чунки биринчи жаҳон урушидан сўнг доимий равишда пул ислоҳотлари ўтказилаётган ва пуллар тўхтовсиз равишда босилаётганди. Мен у ерда икки йилни ҳаётимда муҳим ўрин тутган асарни яратиш билан ўтказдим. Номини "Қор бўрони" деб атадим. Асарга қўйилган ном маъқул эди, аммо ноширлар менинг ижод маҳсулимни шунчалик совуқ қабул қилишдики, бунинг олдида Дакота яланглигида эсган қор бўрони ҳеч гап эмасди. Адабий агентим бу асар бир чақага ҳам арзимаслигини, менда ёзувчилик қобилияти йўқлигини айтганида, юрагим сал бўлмаса тўхтаб қолаёзди. Унинг идорасидан мисоли соядай чиқиб кетдим. Бошимга худди тўқмоқдан зарба егандай аҳволда эдим. Бутунлай гангиб қолдим. Шунда турмушнинг чорраҳаларига дуч келиб қолганимни ва фавқулодда муҳим қарорга келишим зарур эканлигини англаб етдим.

Нима қилсам экан? Қайси йўлни танлайин? Ҳафталар ўтди ва мен бу карахт аҳволдан чиқдим. Ўшанда бундай безовталикка "чеклагич" қўйиш зарурлиги ҳақида, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Аммо орқага қараб, худди шу нарса кўп ишларни амалга оширганини англадим. Бор куч-қувватимни сарфлаб, бу романни ёзганим — икки йил устидан чизиқ тортдим ва буни жуда фойдали тажриба сифатида тўғри баҳолаб, сўнг ўз ҳаётимни ўзгартиришга қарор қилдим. Мен яна ёши улуғлар учун ташкил қилинган курсларда машғулот ўта бошладим ва бўш вақтларимда машҳур

кишиларнинг таржимаи ҳолларини ҳамда ҳозир сиз ўқиётган каби билим орттиришга хизмат қилувчи китоблар ёзишга киришдим.

Шу қарорга келганимдан қалбим шодликка тўлдими? Юрагим завқ-шавққа лиммо-лимми? Қачонки бу ҳақда ўйласам, шод-хуррамликдан, ҳатто кўчада бўлсаям уйинга тушиб кетгим келади. Ростини айтганда, ўша дақиқадан бошлаб иккинчи Томас Харди бўла олмаганимга бирор кун ҳам, бирор соат ҳам ачинганим йўқ.

Бундан бир аср муқаддам қўрқинчли бойқуш Уолден кўли қирғоғидаги ўрмонга учиб кетган пайтда, Генри Торо ғоз патидан ясалган перони қўлда ясалган сиёҳдонга ботириб, кундалигига шундай деб битган эди: *"Буюмнинг қиймати мен ҳаёт деб атайдиган шундай нарсаларнинг сонига, унга буюмларни шу заҳоти ёки узоқ муддат давомида алмаштириш талаб этилади"*.

Бошқача айтганда, биз, лақмалар қандайдир арзимас нарсани ҳаётимиздан қиммат турадиган, деб биламиз.

Аммо Гилберт ва Салливан худди шундай йўл тутдилар. Улар қувноқ шеърлар ҳамда хушчақчақ мусиқа ижод қилишни қойил қилишарди. Аммо шахсий ҳаётларида шодонлик мутлақо кўринмас эди. Улар бутун дунё олқишига сазовор бўлган "Бардош", "Болалар фартуги", "Микадо" каби ғоят ёқимли опералар яратгандилар. Аммо ўз хатти-ҳаракатларини асло бошқара олмас эдилар. Ҳаётларини арзимас икир-чикирлар, масалан, гиламнинг нархи каби бир тийинга қиммат гап учун ҳам ғурбатга гирифтор қилардилар! Салливан театр учун гиламга буюртма бериб, уни сотиб олишди. Гилберт гилам нархи ёзилган ҳисоб қоғозини кўргач, бирдан тутақиб кетди. Улар бир-бирларини судга беришди ва шундан сўнг юзкўрмас бўлиб кетдилар. Иш шу даражага етдики, Салливан ҳамкорликда яратилаётган асар учун мусиқа ёзиб, уни почта орқали Гилбертга юборар, Гилберт эса унга сўз ёзиб, жўнатма билан Салливанга почта орқали йўлларди. Бир куни икковини томошабинлар олқишлаш учун саҳнага чақирдилар. Шунда улар саҳнанинг қарама-қарши томонида туриб, бир-бирига кўзи тушмаслиги учун томошабинларга турли томондан эгилиб, таъзим бажо келтиришди. Ўз гина-аразларига худди Ав-

раам Линкольн каби "чегаралагич" қўйишга фаҳм-фаросатлари етмаганди.

Фуқаролар уруши кечаётган кунлардан бирида Линкольннинг дўстлари унинг ёвуз душманларига лаънат ёғдириб турган пайтда, у шундай деганди: *"Менинг душманларимга нисбатан сизларда шахсий адоват кучли. Ўзимда унчалик эмас. Эҳтимол, у менда жуда камдир, аммо шу жиндак адоват ҳам ўзини оқлайди, деб ҳисобламаганман. Одамзод ярим умрини жанжал-низоларга сарфлаши учун вақт етмайди. Агар душманларимдан бири менга қаршилик қилишдан воз кечса, мен ҳеч қачон унинг ўтмишини таъна қилмайман"*.

Афсуслар бўлсинки, менинг кекса холам Эдит Линкольн раҳмдиллик хислатини ўзлаштирмаган эди. У ва Фрэнк амаки гаровга олинган фермада яшар, ери бегона ўтлар, чакалак билан қопланган, унумсиз бўлиб, жуда кўп зовурлар мавжуд эди. Уларга осон тутиб бўлмасди, ҳар бир центни тежаб-тергаш учун тиришардилар. Лекин Эдит холам ғарибона уйини озгина бўлса-да, ҳашамдор қилиш учун пардалик ҳамда бошқа ашёлар сотиб олишни яхши кўрарди. У ушбу безакка доир озгина лаш-лушни Миссури штатидаги Дэн Эверсолга қарашли газмол дўконидан қарзга олмоқчи бўлди. Фрэнк амакини эса қарз жуда безовта қиларди. Фермер сифатида ўсиб бораётган ҳисоб-китоблардан хавотири бор эди, шу боис хуфия равишда Дэн Эверсолдан хотинига насияга мол сотмасликни илтимос қилди. Холам буни билиб қолиб, ўзини йўқотиб қўйди. Ана шу воқеа юз берганидан бошлаб эллик йил давомида ҳаддан ошишни асло бас қилмади.

Мен холам бу воқеани бир бор эмас, балки бир неча марта гапирганини эшитганман. Сўнгги марта кўрганимда, у саксон ёш атрофида эди. *"Эдит хола, Фрэнк амаки сизнинг ҳамиятингизга тегиб, яхши иш қилмаган, албатта. Аммо бу ҳақда, мана, ярим асрдан бери гапириб юришингиз унинг қилмишидан ҳам бадтар эканлигини биласизми?"* — дедим унга *(Аммо гапларим унга заррача таъсир қилмади. Рости, ундан кўра ойга сўзласам маъқул бўларди)*.

Эдит хола учун адоват, гина сақлаш жуда қимматга тушди. У руҳий оромини бутунлай йўқотди.

Бенжамин Франклин етти ёшида йўл қўйган хатосини етмиш ёшга тўлганида ҳам эслаб юрган. Етти ёшли бола экан, унда ҳуштакка эга бўлишга кучли истак пайдо бўлган. У уйинчоқлар дўконига важоҳат билан кириб, дўкон пештахтасига бор танга-чақаларини қўйиб, нархини билмасдан ҳатто, ҳуштакни сўраган. *"Сўнгра уйга келдим,* — деб ёзади у орадан етмиш йил ўтгач, дўстига, — *ва бутун уй бўйлаб ҳуштагим борлигини кўз-кўз қилиб, чалиб юрдим"*. Аммо акалари ва опалари ҳуштакни жуда қиммат олганини билиб қолиб, унинг устидан роса калака қилиб кулганлар. *"Мен аламимга чидай олмай роса йиғлаганман"*, деб эслайди Франклин.

Орадан кўп йиллар ўтиб, Франклин жаҳонга таниқли шахсга айланиб, АҚШнинг Франциядаги элчиси бўлиб тайинлангач, бу воқеани яна эслайди ва ҳуштак ҳузур-ҳаловат бағишлагандан кўра кўп ранж-алам келтирганини таъкидлайди. Гарчи унча қимматли бўлмаса-да, бу воқеа унга жуда катта ҳаётий сабоқ берди.

*"Улғайганимдан сўнг,* — деб ҳикоя қилади у, — *жамоатга аралашиб, жуда кўплаб одамларни учратдим, хатти-ҳаракатларини кузатиб, уларнинг ҳам неча-неча марталаб "ҳуштак учун тўловга тушганлари"ни кўрдим. Қисқа қилиб айтганда, шундай хулосага келдимки, инсониятнинг катта бахтсизлиги шундаки, улар ҳаётда у ёки бу нарсаларнинг аҳамиятини сохта баҳолар билан ошириб юборишади ва эвазига умр бўйи ўртаниб юрадилар"*.

Гилберт ва Салливан ўз қилмишлари, яъни ҳуштаклари учун ҳаддан зиёд тўлов тўладилар. Бу менинг Эдит холамга ҳам тааллуқли. Кўп ҳолларда Дейл Карнеги ҳам шундай аҳволга тушди.

Ҳа, мен ишонч билан айта оламанки, ҳақиқий руҳий осойишталикнинг энг муҳим сирларидан бири нарсаларни, яъни қийматни тўғри баҳолашдир. Агар тегишли баҳоларнинг ҳақиқий қийматини баҳолашга хос ўз ўлчовларимизни ишлаб чиқсак, у ёки бу нарсаларнинг ҳаётдаги аҳамиятига оид аниқ ўлчовини белгиласак, барча нотинчлигимизнинг эллик фоизини бартараф этган бўлардик.

Шундай қилиб, безовталик одати сизни енгмасдан туриб, уни бартараф этиш учун бешинчи қоидани бажаринг:

*Рўпарангизда амалга ошириш қийин бўлган ишни ўжарларча қизиқиб давом эттириш кўндаланг турганида, бир зум тўхтанг ва ўзингизга савол беринг:*

*1. Мени безовта қилаётган шунча нарса ҳақиқатан ҳам ҳаётимда муҳим ўрин тутадими?*

*2. Ушбу безовталикни унутишим учун қайси даражада "чеклагич" қўйишим лозим?*

*3. "Ҳуштак" учун аниқ қанча тўлашим керак? Унинг ҳақиқий баҳосидан ошиқча тўлаб юбормадимми?*

## *Ўн биринчи бўлим*
## ҚИПИҚ УЧУН АРРАЛАШГА УРИНМАНГ

Мазкур жумлаларни ёза туриб, деразага кўз ташлар эканман, боғимдаги лой ва тошга солинган динозавр изини кўра оламан. Ушбу из туширилган ашёни Йэль университетининг Пибоди музейидан сотиб олгандим. Менда музей хазиначисининг хати мавжуд, унда айтилишича, мазкур излар 180 миллион йил аввалги даврга тегишли. Бу изларни ўзгартириш учун 180 милллион йил орқага қайтишга ҳаракат қилиш, ҳатто эсини еган аҳмоқнинг ҳам калласига келмаса керак.

Шу билан бирга биз орқага қайтиб, безовталикни ҳис қила олмаймиз, 180 сония аввал нимаики ўтган бўлса, уни асло ортга қайтаролмаймиз. Ваҳоланки, кўпчилигимиз худди шундай ҳаракат қилиб, безовталикка сабаб бўламиз. Айни пайтда 180 сония олдин юз берган ҳодисанинг оқибатларини ўзгартиришга ҳаракат қиламиз, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, биз ўша пайтда юз берган воқеаларни ўзгартириш имкониятига эгамизми?

Бу дунёда ўтмишдан ибрат олишнинг биргина усули бор — у ҳам бўлса ўтмиш хатолари ҳеч қачон такрорланмаслиги учун уни шошилмай таҳлил этиш, сўнг уни тўлиқ равишда унутишдир.

Бунинг ҳақиқатдан тўғри эканлигига ишондим. Аммо уни амалга татбиқ этишда ирода ва ақл етдими? Бу саволга жавоб бериш учун шахсий ҳаётимда бўлиб ўтган мўъжизавий бир воқеани сўзлашга изн беринг. Шундай воқеа рўй

бердики, қўлимдаги уч юз минг долларга яқин зиёд маблағ ҳавога совурилди-ю, мен бирор цент ҳам даромад ололмадим. Мен катталарга таълим берувчи кенг миқёсдаги корхона ташкил этишга қарор қилиб, мамлакатнинг турли шаҳарларида унинг филиалларини очдим, бунинг учун қўшимча харажатлар ва реклама эълонларига пулни аямай сарфладим. Курс машғулотлари билан шу даражада банд эдимки, молиявий масалалар билан шуғулланишга вақтим ҳам, хоҳишим ҳам мутлақо йўқ эди. Мен ҳаддан зиёд гўл эдим, шу сабабли харажатларимни эплаб сарфлайдиган, унга раҳбарлик қиладиган ақлли ва ҳушёр бошқарувчи зарур эканлигини англаб етмаганман.

Орадан тахминан бир йил ўтгач, ақлимни чархлаган ва ҳайратга солган аччиқ ҳақиқатни пайқаб қолдим. Курсни ташкил этиш учун сарфлаган катта маблағимиз бирор цент даромад келтирмаганини тушуниб қолдим. Бундан бохабар бўлгач, мен икки омилга риоя қилишимга тўғри келди. Биринчидан, негр олими, Жорж Вашингтон Карвер каби ўзимни тутишим зарурлигини чуқур мулоҳаза қилиб англадим. У қирқ минг долларини банкка қўйган, банк эса касодга учраб, пуллар куйиб кетганди. Карвер бу маблағни умр бўйи тўплаган эди. Кимдир ундан тўла-тўкис хонавайрон бўлганидан хабари бор-йўқлигини сўраганида, Карвер: *"ҳа, мен бу ҳақда эшитдим"*, деган. Сўнг хотиржам ҳолда маърузасини ўқийверган. Бундай катта ўпирилишни у ўз хотирасидан бутунлай сиқиб чиқарди ва шундан сўнг бирор марта ҳам эсламади.

Иккинчидан, мен қуйидаги ҳолатга риоя қилишни шарт деб ҳисобладим: барча хатоларимни таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқариб олишим керак, токи у бутун ҳаётим давомида асқотсин.

Очиғини айттанда, мен унисини ҳам, бунисини ҳам амалга оширмадим. Унинг ўрнига безовталик билан ўзимни қийнаб қўйдим. Ойлар давомида гангиган ҳолатда юрардим. Уйқум йўқолди ва озиб кетдим. Бу улкан хатодан зарур хулоса чиқариб олиш ўрнига, яна худди аввалги аҳволга тушдим, омадсизлик гирдобида кичикроқ ҳажмда бўлса-да, суза бошладим!

Бу бемаъниликнинг барини эътироф этиш ниҳоятда ёқимсиз: аммо орадан кўп йиллар ўтгач, шуни тушундимки, *"бирор ишни амалга ошириш учун йигирма кишига ўргатишдан кўра таълимимни қабул қилган йигирма кишидан бири бўлганим маъқул экан"*.

Минг афсуски, мен Нью-Йоркдаги Жорж Вашингтон номли мактабнинг жаноб Брэндуайн синфида *(унда Аллен Сондерс ўқиган эди)* таълим олишга муяссар бўла олмадим.

Жаноб Сондерс гигиена курси муаллими жаноб Брэндуайн унга бир умрга татигулик сабоқ берганини менга гапириб берган эди. *"Умсмир эканимда*, — деб эслайди Аллен Сондерс ўзи ҳақида ҳикоя қила туриб, — *ҳар бир нарсадан безовта бўлишга жуда мойил эдим. Йўл қўйган ҳатоларимдан асабийлашар ва ҳадеб хафа бўлаверардим. Ёзма имтиҳон ишимни текширишга берганимда, тун бўйи ухламай, йиқилсам керак, деб қўрқувдан аъзои баданим титраб чиққан. Мен доимий равишда илгари нима иш қилган бўлсам, шуни ўйлаб ташвишланардим, нега ундоқ эмас, бундоқ бажардим, дея афсус чекардим. Ҳамиша нимадир нотўғри айтгандай ёки рисоладагидай бажармагандай туюлаверарди.*

*Эрталаб синфимиз турнақатор бўлиб, илмий лабораторияга кирди, у ерда бизни муаллимимиз Брэндуайн кутиб турарди. Столи чеккасида кўринарли жойда сутли шиша турар эди. Биз ўз жойимизни эгалладик ва ҳайрон бўлиб, бу шишанинг гигиена дарсига қандай тааллуқли жиҳати борлигини тушунмадик. Жаноб Брэндуайн бирдан ўрнидан турди-да, сутли шишани чаноқ (раковина)га улоқтирди. Шиша синиб, сут оқиб кетди. У эса: "Тўкилган сутга кўз ёши тўкиб ўтирманг! Йўқолганни қайтариб бўлмайди!" деб ҳайқирди.*

*Сўнг у барчамизни чаноққа яқин келиб, синган шишага қарашимизни буюрди. "Диққат билан қаранг, — деди у, — бу дарс бутун умр хотирангизда қолишини истайман. Сут бутунлай оқиб, синган жойдан чиқиб кетди, кўряпсизми; дунёда ҳеч қандай ташвиш ва афсус чекишлар сутнинг, ҳатто бирор томчисини ҳам орқага қайтара олмайди; биз агар эътиборли ва эҳтиёткор бўлсаккина уни сақлай олардик. Энди эса кеч бўлди, энди уни ҳисоб-*

*дан чиқаришимиз, бу ҳақда унутиб, бошқа ишлар билан машғул бўлиш қолади, холос".*

*"Бу кичик тажриба,* — деди менга Аллен Сондерс, — *гарчи стереометрия ва лотин тилини унутган бўлсам ҳам, хотирамда узоқ сақланиб қолди. Дарҳақиқат, у мени мактабда тўрт йил ўзлаштирганимга нисбатан кўпроқ нарса ўргатди. Бу тажриба мени имкони борича сутни тўкмасликка ўргатди, борди-ю, тўкилиб, шишанинг синиқ жойидан оқиб кетса, уни бутунлай унутиш керак".*

Айрим китобхонлар "ўлди, ўчди", яъни "йўқолганни асло қайтара олмайсан" деган ҳаммага аён мақол кўп такрорланганига қандайдир киноя билан қарайдилар. Биламан, бу гапнинг роса сийқаси чиққан, кўпчиликнинг жиғига тегкан. Сиз ҳам уни минг марталаб эшитганингизни биламан. Лекин менга шуниси ҳам маълумки, ана шу чайналган ҳикматда инсониятнинг минг йил давомида тобланган энг сара донишмандлиги жо этилган. Улар инсониятнинг улкан тажрибасига асосланган ва сон-саноқсиз авлодлар орқали етиб келган. Агар сиз барча даврлардаги буюк олимларнинг безовталик ҳақида ёзганларини ўқиб чиқсангиз, бирор жойда шунча кўп мақол ишлатилганини учратмайсиз. Масалан, *"Кўприкка яқинлашмасдан туриб, ундан ўтма"*, яъни вақт-бевақт ўзингни ўзинг қийнама ёки *"Тўкилган сут учун қайғуриб, кўз ёши тўкма"*. Агар биз мазкур икки мақолни ҳаётда қўлласак, уни сийқаси чиққан, деб вайсамасак — бу китобга мутлақо эҳтиёжимиз бўлмасди. Очиғи, биз уни ҳаётда қўллаганимизда умримиз анчагина тўлақонли кечарди, албатта. Дарҳақиқат, билим фақат амалда қўлланганидагина кучга эга бўлади; бу китобнинг вазифаси ҳам сизга қандайдир янгиликни маълум қилишдан иборатгина эмас. Китобнинг мақсади — билганларингизни эслатиш, сизни ҳаракат қилишга ундаш ва бу ҳақиқатларни турмушга қўллашга мажбур этишдир.

Мен ҳамиша марҳум Фред Фуллер Шеддга ўхшаган кишиларга ҳавас қилардим; у қадимий ҳақиқатларни янгича ва ўзига хос ёқимли тил билан баён этишга ниҳоятда моҳир эди. Шедд "Филадельфия буллетин" журнали муҳаррири эди. Бир куни у коллеж битирувчиларига мурожаат қилиб, уларга шундай савол берди: *"Сизлардан бирортан-*

*гиз бирор вақт ўтин арралаганмисиз? Қўлларингизни кўтаринг!"* Ўқувчилардан кўпчилиги қўлини кўтарган. Сўнгра у яна сўради: *"Сизлардан бирор киши қипиқ арралаганми?"* Бирор киши ҳам қўлини кўтармади.

*"Албатта, ҳеч қачон қипиқни арралаб бўлмайди!* — деб қичқирди Шелл. — *У аллақачон арралаб бўлинган! Ўтмиш билан ҳам айнан шундай ҳолат юз беради. Сиз рўй берган ва қачондир тугаган ҳодисадан безовта бўлар экансиз, қипиқ арралашга ҳаракат қилганга ўхшайсиз".*

Бейсбол бўйича таниқли уста Конни Макк саксон бир ёшга тўлган пайтда ундан ютқазган ўйинлардан бирор марта безовта бўлганмисиз, деб сўраган эдим.

*"О, бўлганда қандоқ,* — деб жавоб берди Конни Макк, — *аммо мен бу бемаъни одатдан кўп йиллар олдин халос бўлганман. Англадимки, безовталикдан ҳеч қандай наф йўқ. У ҳеч нарсага ёрдам бермайди. Ахир аллақачон дарёга оқиб кетган сув билан уруғни янчиб бўлмайди-ку!"*

Шак-шубҳасиз, аллақачон оқиб кетган сув билан уруғни янчиш ва қипиқни арралаш мутлақо мумкин эмас. Аммо сиз бу ҳақда ўйлаб безовта бўлаверсангиз, ажинлар юзингизга из қолдиради ва ошқозонингизда яллиғланиш рўй беради.

Ўтган йили шукроналик кунида мен Жек Демпси билан биргаликда тушлик қилдим. Шунда у оғир вазнли боксчилар билан бўлган жаҳон чемпионатида Танни номли рақибига ютқазиб, жаҳон чемпиони унвонидан маҳрум бўлган матч ҳақида гапириб берди. *"Матч ўртасида,* — деб ҳикоя қилди Демпси, — *бирдан қарияга айланиб қолганимни сезиб қолдим... Ўнинчи раунд охирида мен ҳали оёқда турардим, фақат шу эди, холос. Юзим шишиб кетган, шилинган, кўзимни деярли оча олмасдим... Ҳакам Жин Таннининг қўлини ғолиб сифатида кўтарганини кўрдим... Мен энди жаҳон чемпиони эмас эдим. Шундан сўнг ёмғир остида одамлар орасидан ўтиб, кийиниш учун хонамга кирдим. Мен ўтаётганимда, айрим мухлислар қўлимни сиқишга интилишди. Айримларнинг кўзида эса ёш бор эди.*

*Бир йил ўтгач, мен яна Танни билан боксга тушдим. Лекин бу ҳеч нарсани ҳал этмади. Мен учун ҳаммаси тугаган эди. Безовталикни енга олмай, жуда қийналдим, аммо*

*ўз-ўзимга: "Мен ўтмишни ўйлайвериб яшамайман ҳамда аллақачон тўкилган сут учун кўз ёши тўкмайман, бу зарбага мардона бардош бераман ва мени енгишига йўл қўймайман", — дедим".*

Ҳақиқатан ҳам Жек Демпси ўзини худди шундай тутди. Ўз-ўзига қайта-қайта: *"Ўтмишни ўйлаб, безовта бўлмайман"*, деб такрорларди. Йўқ, бу ўтган дамларни эсга тушириб, безовталикни яна қўзғаш бўлур эди. У мағлубият билан муроса қилди, сўнг хотирасидан бу воқеани бутунлай ўчириб ташлади ҳамда бутун диққатини келажакдаги режалари ҳақида ўйлашга йўналтирди. У сайлгоҳда "Жек Демпси ресторани"ни ва 57-кўчада "Буюк шимол меҳмонхонаси"ни очди, бокс бўйича кўрикларни ташкил этиш ишига машғул бўлди ва кўргазмали матчлар ўтказиш билан шуғулланди. Ўзининг ишлари билан азбаройи бандлигидан, унда ўтмишни ўйлашга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. *"Кейинги ўн йиллар мобайнида мен нисбатан ажойиб турмуш кечирдим*, — дейди у, — *бу чемпион бўлган йилларимдан анча дуруст, албатта"*.

Мен қачон тарихий ва биографик йўналишдаги асарларни ўқисам ёки ноқулай аҳволга тушиб қолган одамларнинг хулқини кузатсам, мени ҳамиша улардан айримларининг ўз безовталикларини, фожиаларни улоқтириб ташлаб, ниҳоятда бахтли ҳаёт кечиришни давом эттиришлари ҳайратга солади ва руҳлантиради.

Бир кун "Синг-синг" номли машҳур қамоқхонани бориб кўрдим. Мени очиқда юрган одамларга нисбатан маҳкумларнинг ҳаётга чанқоқлиги ҳайратга солди. Бу ҳолатни ўша пайтда турма бошлиғи бўлиб ишлаган Льюис Э.Лоуэс билан бўлган суҳбатда ҳам сездим. У менга маҳбуслар қамоққа тушганларида, дастлаб одатдагидай дарғазаб ва эзилган ҳолатда бўлишларини гапириб берди. Аммо орадан бир неча ой ўтгач, улардан энг ақлли кўпчилиги ўзининг бахтсизлигини мутлақо ўйламайди ва тутқунликдаги ҳаётига кўникиб, уни иложи борича қаноатли ўтказишга ҳаракат қилади.

Лоуэс менга бир маҳбуснинг боғбон бўлиб, қўшиқ куйлаб, қамоқхона деворлари тагида гул ва сабзавот етиштирганини гапириб берди.

"Синг-Сингда" қўшиқ куйлаган бу маҳбус гулларни парвариш қила туриб, барчамизга нисбатан кўпроқ соғлом фикрга эга экан.

Албатта, биз хатоларга йўл қўйиб, бемаъни қилиқлар содир этганмиз. Хўш, нима бўпти? Кимлар хато қилмайди? Ҳатто, Наполеон ҳам муҳим жангларнинг учдан бирида мағлубиятга учраган эди. Эҳтимол, бизнинг ҳаётдаги ўртача арифметик мағлубиятларимиз Наполеондан кам эмасдир? Ким билади дейсиз?

Ҳар эҳтимолга қарши бутун бошли подшоҳ лашкари ва унинг машҳур чавандозлари ҳам ўтмишни орқага асло қайтара олишмайди.

Шундай қилиб, олтинчи қоидани ёдга оламиз: *қипиқни арралашга асло уринманг.*

## Қисқа хулосалар

**1-қоида:** *Ҳаётингиздан безовталикни чиқариб ташлаш учун доимий равишда банд бўлинг. Фаолият билан банд бўлиш руҳиятдан ғамгинликни қувиб чиқаришнинг энг яхши дорисидир.*

**2-қоида:** *Ҳар қандай арзимас майда-чуйдаларга хафа бўлаверманг. Уларга асло йўл берманг — майда-чуйдалар ҳаётда худди чумоли мисоли бахтингизни барбод қилиши мумкин.*

**3-қоида:** *Ҳаётингиздан безовталикни сиқиб чиқариш учун йирик сонлар қонунидан фойдаланинг. Ўзингиздан:* "бу воқеа қай тарзда юзага келди?" *деб сўранг.*

**4-қоида:** *Муқаррар юз берадиган ҳолат билан ҳисоблашинг. Агар у ёки бу воқеани ўзгартириш қўлингиздан келмаса, ўз-ўзингизга:* "бу шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас", *деб айтинг.*

**5-қоида:** *Безовталигингизга "чеклагич" ўрнатинг. Қайси безовталикка у ёки бу воқеа арзийди — ўзингиз ҳал этинг ва ортиқча безовта бўлманг.*

**6-қоида:** *Майли, ўтмиш ўз марҳумларини кўмаверсин. Қипиқни асло арраламанг.*

*ТЎРТИНЧИ ҚИСМ*

# СИЗГА РУҲИЙ ХОТИРЖАМЛИК ВА ОМАД КЕЛТИРУВЧИ АҚЛИЙ ЙЎНАЛИШНИНГ ЕТТИ ҚОИДАСИ

*Ўн иккинчи бўлим*

## ҲАЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТЎҚҚИЗТА СЎЗ

Бир неча йил муқаддам радио орқали чиқиш қилганимда: *"ҳаётдан қандай муҳим сабоқ олгандингиз?"* дея савол беришган эди.

Бунга жавоб бериш менга осон эди: энг муҳим сабоқ, ҳаётдан ўзлаштирганим — ўйлаганларимиз зарур эканлигини англашдан иборатдир. Нима ўйлаётганингни менга айтиб бер, кимлигингни айтаман. Бизнинг фикрларимиз шахс сифатида ўзига хослигимизни белгилаб беради. *"Кун бўйи ўйлаган бу инсондир. У яна бошқача бўлиши мумкинми?"* деган эди Эмерсон.

Мен, шак-шубҳасиз, шуни биламанки, биз ва сиз тўқнаш келадиган — ҳақиқатдан ҳам яккаю ягона бўладиган энг катта муаммо, доимий равишда сизу бизга боғлиқ муаммо, бу ақлий йўналишни аниқ белгилаб олишдир. Агар бу йўналишни тўғри белгилаб олсак, ўз муаммоларимизни ҳал этиш йўлига тушиб олган бўламиз. Рим империясини идора қилган буюк файласуф Марк Аврелий мазкур фикрни тўққизта сўзда ифодалаб берган эди; бу сўзлар тақдирингизни белгилаб бериши мумкин: *"Бизнинг ҳаётимиз шу ҳаёт тўғрисида ўйлаган ўйларимиздан бошқача эмас".*

Ҳақиқатан ҳам агар бахт ҳақида ўйласак, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Агар бизни қайғули фикрлар чулғаса, ғамгин бўламиз. Фикрларимизни қўрқув эгалласа, қўрқамиз. Агар касаллик ҳақида ўйласак, шубҳасиз, касалланиб қоли-

шимиз мумкин. Омадсизлик борасида ўй сурсак, нимадандир мағлубиятга учраймиз. Агар ўз-ўзимизга раҳм-шафқат уйғотмоқ учун муккасидан кетсак, барча биздан ўзини олиб қочади. *"Сиз ўз ҳақингизда ўйласангиз, ўзингиз эмассиз,* — деган эди Норман Винсент Пил, — *балки ўйлаган ўйларингиз туфайли сиз бўла оласиз"*.

Назарингизда, мен сизнинг барча муаммоларингизга оддий кўтаринки муносабатни тарғиб этаётганга ўхшарман. Йўқ, бахтга қарши, ҳаёт бунчалик оддий эмас. Мен, атрофимизни ўраб турган дунёга салбий муносабатни эмас, балки ижобий муносабатни ишлаб чиқишимиз зарур, деган фикр тарафдориман. Бошқача айтганда, биз ўз муаммоларимизни ҳал этиш учун ғамхўрлик қилишимиз, лекин у туфайли безовта бўлмаслигимиз керак. Бу борадаги фарқ нимада?

Келинг, шу фикрни мисоллар билан тушунтирай. Ҳар сафар Нью-Йоркнинг транспорт қатнови қайнаган кўчасидан ўтаётганимда бирор машинанинг тагига тушиб кетмайин деб, ташвишланиб тураман, аммо бу мени безовталикка олиб бормайди. Ташвишланмоқ, бу — муаммоларимиз нимадан иборат эканлигини тушуниб етмоқ ва хотиржам равишда уларни ҳал этиш чораларини белгиламоқдир.

Безовталик гирдобида қолиш эса беҳуда ва жазавага тушиш даражасига келтирувчи доирани, тўхтовсиз югуришни англатади.

Жиддий муаммолар билан ўта банд бўлиш мумкин, аммо бунинг учун кўчада бошни мағрур ҳолда баланд кўтариб, ёқада чиннигул билан қадам ташлашга тўғри келади. Лоуэлл Томас худди шундай ҳолатда бўлганида, уни табриклаган эдим. Бир вақтлар мен Лоуэлл Томас билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлганман. Биргаликда унинг биринчи жаҳон уруши давридаги Алленби-Лоуренс компаниялари ҳақидаги машҳур фильмларини намойиш этган эдик. У ёрдамчилари билан тахминан олти фронтда бўлиб ўтган ҳарбий ҳаракатларни тасмага туширганди. Энг муҳими, улар Т.Э.Лоуренс ва унинг ғайриоддий араб армияси, шунингдек, Алленби Муқаддас ерни қандай қилиб истило қилганлиги ҳақидаги ҳужжатли фильмни олиб келган эдилар. Томаснинг сўзга чиқиши, изидан эса "С.Алленби Фаластинда ва Лоуренс билан Арабистонда" номли фильм-

ларининг намойиши унга Лондон ва бутун дунёда шов-шувли муваффақият келтирди. Лондондаги опера мавсуми олти ҳафтага кечиктирилди, чунки Томаснинг Ковент-Гардендаги Қирол опера театрида чиқиши давом этиш керак эди. Шу сабабли у ерда ажойиб саргузаштлар ҳақидаги фильмлар намойиш этилганди.

Лондондаги мислсиз муваффақиятидан сўнг жуда кўп мамлакатларда унинг зафарли юриши бошланди. Шундан кейин икки йил давомида Ҳиндистон ва Афғонистондаги ҳаёт тўғрисидаги фильм устида ишлади. Тушуниб бўлмас омадсизлик занжиридан сўнг мумкин бўлмаган ҳодиса юз берди: Томас Лондонда бор-йўғидан айрилган абгор ҳолда пайдо бўлди. Мен худди шу пайтда у билан бирга эдим. Эсимда, энг арзон ресторанларда арзон овқатлар билан тановул қилишимизга тўғри келарди. Агар таниқли актёр — шотландиялик Жеймс Макби қарз бериб турмаганида, ўша ерда овқатланишга ҳам қурбимиз етмасди. Ушбу ҳикоянинг асл маъниси: Лоуэлл Томас катта қарз кўтариб, ҳамма нарсадан кўнгли совиган пайтда ҳам ўз муаммолари билан шунчалик банд эдики, унинг диққатини безовталик асло тортмасди. Томас умидсизликка асло тушмаслик лозимлигини жуда яхши биларди, акс ҳолда ҳамма, ҳатто унга қарз берганлар ҳам ундан юз ўгириши мумкин эди. Шу сабабли ҳар куни ишга отланар экан, гул сотиб олар ва уни ёқасига қистириб, Оксфорд—стрит бўйлаб бошини кўтарганича қувноқ ҳолатда виқор билан қадам ташлар эди. Фикр-ўйлари ижобий ва мардонавор эди ва у ҳеч қачон ўзини тушкунликка берилган деб ҳисобламас, мағлубият ҳақида ўйламас эди. Мағлубиятга ўйиннинг бир қисми, худди ҳаётда муваффақиятга эришишни истаган киши учун фойдали машқ мисоли қарар эди.

Бизнинг ўй-фикрларимиз жисмоний куч-қувватимизга ҳаддан зиёд таъсир кўрсатади. Машҳур руҳшунос Ж.А. Хедфилд ўзининг "Куч психологияси" номли оламшумул китобида бу далилга доир ҳайратомуз мисол келтиради. *"Мен уч эркак устида тажриба ўтказдим,* — деб ёзади Ж.А.Хедфилд. — *Уларга ишонтириш жисмоний кучларига қандай таъсир қилишини текшириб кўрдим. Бу динамометр ёрда-*

*мида ўлчаб кўрилди"*. Хедфилд синовдан ўтаётган кишиларнинг ҳар бирига динамометрни кучи борича қисишни буюрди. Тажриба уч хил шароитда ўтказилди.

Тажриба оддий шароитда ўтказилган пайтда синовдаги кишининг ўртача сиқиш кучи 101 фунтни ташкил этди.

Сўнгра синовдагилар гипноз таъсирига туширилиб, тажрибадан ўтказилди. Дастлаб улар жуда заиф эканлигига ишонтирилди. Натижада уларнинг қисиш миқдори бор-йўғи 29 фунтни, яъни оддий кучнинг учдан бир қисмини ташкил этди *(синовдан ўтаётганларнинг бири боксчи эди; гипноз билан таъсир этиб, заиф эканлигига ишонтирилгач, унинг қўли, ўзининг айтишига қараганда, бирдан худди гўдакнинг қўлидай жимит бўлиб қолган)*.

Хэдфилд учинчи марта тажриба ўтказганида синовдан ўтаётганларни жуда кучли деб ишонтирган. Шундан кейин уларнинг ҳар бири ўртача 142 фунтгача қисишга эришган. Қачон мия куч ҳақидаги ижобий фикрлар билан тўла бўлса, ўшанда уларнинг ҳақиқий жисмоний кучи эллик фоизгача ортган.

Бизнинг шууримиз ана шундай тенги йўқ кучга эга. Ўттиз беш йилдан бери катта ёшлилар билан машғулот ўтказишим натижасида шуни биламанки, эркаклар ва аёллар фикрлаш тимсолини ўзгартириш туфайли безовталикдан, қўрқув ва турли касалликлардан халос бўлиш қобилиятига эгадирлар ва ўз ҳаётларини шу асосда қайта қура оладилар! Буни аниқ биламан! Биламан!! Биламан!!! Мен одамларнинг бутун ҳаётидаги кескин ўзгаришларни юз марталаб кузатганман. Уларга шунчалик кўп дуч келдимки, эндиликда мени асло ҳайратга солмайдилар.

Мен шунга чуқур ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг руҳий хотиржамлигимиз ва қувончимиз, қаерда яшашимиз, нимага эга бўлганимиз ёки жамиятда тутган мавқеимизга эмас, балки шууримизнинг йўналишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда ташқи шароитлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Масалан, кекса Жон Браун тарихини эсланг. Харперс-Ферри шаҳри маъмурияти уни қурол-аслаҳа омборини босиб олганликда ва қулларни қўзғолон кўтаришга даъват қилишда айблаб, осган эди. Браун дор остига ўз тобутига ўтириб борган. У билан ёнма-ён бораётган қамоқ-

хона нозири бундан ҳаяжонланган ва ғамгин эди. Аммо муйсафид Жон Браун хотиржам бўлиб, пинагини ҳам бузмасди. Виржиниянинг Блу-Риж яқинидаги тоғ олдидан ўтилаётганида, у бирдан қичқириб юборади: *"Нақадар хушманзара жойлар-а! Нега уларни илгари кўрмаган эканман?"*

Бошқа мисол, яъни Жанубий қутбни очган дастлабки англияликлар — Роберт Фалкона Скотт ва унинг ўртоқлари. Уларнинг орқага қайтиш йўли, шубҳасиз, одамзод чекига тушган энг оғир машаққатлардан бири бўлган. Озиқ-овқат ва ёқилғи бутунлай тугаб қолади. Улар бир қадам ҳам олдинга боса олмас эдилар, чунки дунёнинг энг чеккасидаги бу жойда ўн бир кечаю кундуз бўрон қутуриб, кўз очиртирмасди.

Шамол шу даражада даҳшатли эдики, у қутб музликларида ариқчалар ҳосил қилганди. Скотт ва дўстлари ўлимга маҳкум эканликларига иқрор эдилар. Шу сабабли саёҳатга отлана туриб ўзлари билан қорадори олгандилар, зарурат туғилганида, азобдан халос бўлиш учун уни кўпроқ миқдорда истеъмол қилиб, хотиржам ухлаш, шу билан ҳеч қачон қайта уйғонмаслик мумкин эди. Аммо улар бу наркотик моддадан мутлақо фойдаланмадилар ва ўлаётиб, хушчақчақ ва кўтаринки қўшиқлар куйладилар. Биз бундан орадан саккиз ой ўтиб уларни излаб топган партия томонидан музлаб қолган жасадлари билан бирга топилган видолашув хатидан хабардор бўлганмиз.

Ҳа, агар биз ижодий ниятлар, жасурлик ва хотиржамлик билан тўлиб-тошган бўлсак, ўз тобутимизда ўтириб ҳам табиатдан лаззат оламиз, очлик ва совуқдан палаткамизда жон бера туриб ҳам *"хушчақчақ ва кўтаринки қўшиқларни куйлайверамиз"*.

Кейинчалик сўқир бўлиб қолган Мильтон ушбу ҳақиқатни бундан уч юз йил йил муқаддам англаган эди:

*"Инсоннинг ақли ўзидадир ва унинг ўзи,*
*Жамиятни дўзахга, дўзахни жаннатга айлантира олур"*.

Наполеон ҳамда Элен Келлернинг ҳаётга муносабати Мильтоннинг бу фикрларини тўлалигича тасдиқлайди. Наполеон одамлар одатда интилган нарсанинг барини — шон-

шуҳрат, ҳокимият ва бойликни қўлга киритган эди. Аммо у Муқаддас Елена оролида экан, шундай деган: *"Ҳаётимда, ҳатто саодатли олти кун ҳам бўлмади, ҳеч қачон"*. Шунда қулоғи кар, кўзи сўқир Элен Келлер эса: *"Ҳаётим қанчалик гўзал-а!"* деб таъкидлаган эди.

Агар мен ярим асрлик ҳаётимда ниманики ўрганган бўлсам, у ҳам *"дунёда ўзингиздан бошқа ҳеч ким сизга руҳий ором келтира олмаслиги"*ни англашимдир.

Мен кўпинча Эмерсон томонидан унинг "Ўз-ўзига ишонч" эссеси охирида айтилган ажойиб сўзларни такрорлашга ҳаракат қиламан. У шундай деб ёзади: *"Сен қачон сиёсат майдонида ғалабага эришсанг, қачон даромадларинг ошиб-тошса, уйингда кимдир касал бўлиб, сўнг тузалиб кетса, анчадан бери келмаган дўстинг йўқлаб, ташриф буюрса ёки бирор қувонарли воқеа рўй берса, сени шоду хуррамлик қамраб олади; олдинда ажойиб дамлар кутиб олади, деб умид қиласан. Аммо бунга ишонмагин. Дунёда ўзингдан бошқа ҳеч ким қалбингни хушнуд эта олмайди"*.

Буюк файласуф Эпиктет *"бадандаги ғурра ва чипқонларни бартараф этишдан кўра, калламиздаги бемаъни фикрларни чиқариб ташлашга катта эътибор беришимиз керак"*лигини таъкидлаган эди.

Эпиктет бу ҳақда ўн икки аср муқаддам айтган, лекин замонавий тиббиёт унинг нуқтаи назарини қўллар эди. Доктор Ж.Кэнби Робинсоннинг айтишига кўра, Жон Гобкинс шифохонасидаги ҳар беш бемордан тўрттаси ҳиссий зўриқиш ва асабийликдан пайдо бўладиган касаллик туфайли азият чекар экан. Бу органик фаолиятнинг бузилишида ҳам тез-тез кузатилади. *"Оқибатда,* — дейди у, — *мазкур хасталиклар инсоннинг ҳаётга ва унинг муаммоларига мослаша олмаганлиги туфайли келиб чиқади"*.

Буюк француз файласуфи Монтена қуйидаги ўн уч сўзни ўз ҳаётининг асосий шиори қилиб олган эди: *"Инсон рўй бераётган ҳодисадан эмас, балки рўй берган ҳодиса қандай баҳоланишидан азият чекади"*. Бизнинг юз берган ҳодисаларга қандай баҳо беришимиз эса бутунлай ўзимизга боғлиқдир.

Мен нимани назарда тутяпман? Юзингизга қараб, безовталик туфайли азият чекаётганингизни кўриб, асабла-

рингиз худди мана-мана узилай деб таранг тортилган сим каби қақшаб турган пайтда сурбетларча бутун иродангизни ишга солиб, фикрлаш тарзингизни ўзгартиришни қандай талаб қила оламан?! Ҳа, мен худди шунга сизни мажбур қиламан! Ҳали ҳаммаси эмас. Буни қандай амалга оширишни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун сиз томонингиздан жиндай ҳаракат талаб этилади, аммо унинг сири жуда оддий.

Амалий руҳшунослик соҳасининг паҳлавони Уильям Жеймс бир куни қуйидаги кузатувни ўтказди: *"Хатти-ҳаракатни кайфиятнинг натижаси, деб ҳисоблашади, аслида эса улар бир-биридан айри эмас. Иродамиз билан назорат этиладиган ўз хатти-ҳаракатимизни йўналтирар эканмиз, бевосита бу назоратга бўйсунмайдиган кайфиятимизни ҳам муайян даражада йўналтиришимиз мумкин"*.

Уильям Жеймс бошқача сўзлар билан яна айтадики, биз ҳиссиётларимизни *"дабдурустдан бир иродавий ҳаракат билан ўзгартира олмаймиз, аммо ўз хатти-ҳаракатларимизни ўзгартиришга қодирмиз"*. Ўз хатти-ҳаракатларимизни ўзгартирганда, ўз-ўзидан туйғуларимизни ҳам ўзгартирамиз.

*"Шундай қилиб*, — деб изоҳ беради у, — *агар сиз хафа ҳолатда бўлсангиз, бирданига хурсанд бўлиб кета олмайсиз. Аммо қувноқ ҳолда ўтириб, ҳаракат қилиб ва гапириб турсангиз, беихтиёр равишда руҳингизни кўтарасиз»*.

Бу оддий ўйин аслида ёрдам берадими? У бамисоли пластик операция каби таъсир этади. Буни ўзингизда синаб кўринг. Ҳаммадан олдин қувнанг ва чин юракдан тўлиб-тошиб кулинг, елкаларни кенг қўйинг, чуқур нафас олинг ва бир қўшиқнинг бандини куйлашга урининг. Агар куйлашни билмасангиз — ҳуштак чалинг. Ҳуштак чала олмасангиз, димоғингиз билан хиргойи қилишга урининг. Шунда дарров Уильям Жеймс нимани назарда тутганини англаб оласиз. Агар сиз бахтиёр одам ниқобини тақиб олган бўлсангиз, жисмоний жиҳатдан эзилган ва руҳан тушкун кишининг аҳволига тушмайсиз-ку!

Бу табиатнинг кичик асосий ҳақиқатларидан бири ва у ҳаётимизда мўъжизалар яратишга қодир. Мен калифорниялик бир аёлни биламан *(исмини айтмайман)*, у ана шу сирни билганида эди, ўзининг барча бахтсизлик-

ларидан бир кеча-кундузда халос бўларди. У ниҳоятда кекса бўлиб, бунинг устига эри ҳам йўқ эди. Иқрорман, жуда қайғули ҳолат, албатта. Аммо у ўзини бахтли кишидай қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладими? Агар сиз ундан, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз, деб сўрасангиз, *"ҳаммаси жойида"*, деб жавоб беради. Аммо юз ифодаси, товушидаги ғамгин оҳанг: *"О, худойим, менга қанчалик оғирлигини билсангиз эди!"* деб туради. Шундай таассурот уйғонадики, гўё унинг иштирокида бахтли бўлганингиз учун сизни айбдор ҳисоблаяпти. Унга нисбатан юзлаб хотин-қизлар оғир аҳволда яшайдилар; эри унга охирги кунларда муҳтожлик тортмагин, деб етарли маблағни суғурта агенти орқали қолдирган; турмушга чиққан қизлари ҳам доимий равишда йўқлаб турадилар. Аммо мен унинг жилмайганини кўрмадим. У, учала куёвим ҳам зиқна ва худбин, деб нолигани-нолиган. Шунга қарамай, куёвлариникида ойлаб меҳмондорчиликда бўлади. Шу билан бирга, қизларим сира совға бермайди, деб шикоят қилади. Ваҳоланки, яширинча улардан пул жамғаради. Ўзининг айтишича, бу пуллар унга "оғир кун"да керак бўлиб қолар эмиш. Бу аёл ўзини ва бахтсиз болалари ҳаётини заҳарлайди! Шундай бўлиши мумкинми? Буларнинг бари бўлмағур ишлардир. Аммо ҳаётда, агар у хоҳласа, бахтсиз, хафақон, ҳасратга тўла турмушдан обрўли, ҳаммага ёқимли оила аъзоларидан бирига айланиши мумкин эди! Бу эврилиш юз бериши учун барбод бўлган ҳаёти ҳақида гапириш, йиғлаш билан банд бўлиш ўрнига ўзини қувноқ тутиши, яқинларини озгина бўлса-да, севишни бошлаб, ўзини бошқача тутиши лозим бўлур эди.

Индианада бир кишини, Х.Ж.Энглертни билардим, у бу сирни очгани учун ҳозиргача яшаб юрибди. Ўн йил муқаддам жаноб Энглерт қизилча касаллиги билан оғриб, ундан сўнг нефрит *(буйрак яллиғланиши)* асорати қолди. У жуда кўп шифокорларга, ҳатто "табиб"ларга ҳам мурожаат қилди. Аммо ҳеч ким ёрдам бера олмади.

Бир мунча муддатдан сўнг унда бошқа асоратлар пайдо бўлди. Қон босими бирдан кўтарилди. Шифокорга учрашганида, қон босими 214 га чиққани маълум бўлди. Унга аҳволи ниҳоятда оғирлигини, касаллик кучайиб кетиши мум-

кинлиги, шу сабабли ўз ишини тартибга келтириш зарурлиги айтилди.

*"Мен уйга келдим,* — деб ҳикоя қилади Энглерт, — *суғуртa агентига берилган тўловимни текшириб кўрдим, сўнг яратгандан гуноҳларимни сўраб, тавба қилдим ва ғам-андуҳли мушоҳадаларга берилдим.*

*Мен барчани бахтсизликка гирифтор қилдим. Хотиним ва оила аъзоларим қийналиб қолдилар, ўзим эса чуқур тушкунлик гирдобига тушдим. Ҳафталаб оҳ-воҳ чекардим, ўз-ўзимга раҳмим келарди...*

*Тез орада ўз-ўзимга: "Сен аҳмоқларча иш тутяпсан! Балки яна бирор йил яшарсан, шундай экан, нега бахтлироқ яшашга ҳаракат қилмайсан?" дедим.*

*Елкаларимни тўғрилаб, шод-хуррам кулдим ва ўзимни худди ҳаммаси жойида экандай тутдим. Тан олиш керакки, дастлабки пайтда бу бироз қувват талаб қилди, аммо мен ўзимни қувноқ ва ҳаётдан мамнундай кўрсатишга мажбур қилдим, бу фақат оиламга эмас, ўзимга ҳам ёрдам берди.*

*Тез орада ҳақиқатдан ҳам ўзимни тетик ҳис эта бошладим — бу худди ўзим тасаввур қилгандай ажойиб эди. Аҳволим сезиларли даражада яхшиланди. Ҳозир, яъни мени бир неча ойдан сўнг дафн этишни ният қилганларидан сўнг фақат тирик бўлибгина қолмай, соппа-соғ ва бахтлиман, қон босимим ҳам пасайди! Мен бир нарсани аниқ биламан. Шифокорнинг олдиндан айтиб бергани — ўлим ва мағлубият ҳақида ҳадеб ўйлайверишни давом эттирганимда, сўзсиз, амалга ошарди. Фикр юритиш тарзини ўзгартирганим туфайли касалликни бартараф этишга муваффақ бўлдим!"*

Сизга битта савол беришга ижозат беринг. Агар шод-хуррам ва мамнун кўриниш ҳамда ижобий, соғлом фикр юритиш тарзи бу одамни ҳаётга қайтарган бўлса, у ҳолда нега сиз ва мен ҳар бир дақиқани ғамгин ва тушкун ҳолатда ўтказамиз? Нима учун ўзимизни ва атрофимиздаги одамларни бахтсизлик ва тушкунликка соламиз, ваҳоланки, бизда доимий равишда бахтли бўлиш имконияти бор, бунинг учун фақат мамнун ва шод-хуррам одамлар ролини бажаришимиз керак, холос.

Бир неча йил муқаддам ҳаётимда ўчмас из қолдирган бир кичик китобчани ўқиган эдим. У "Одам қандай ўйлай-

ди?" деб номланганди. Муаллифи Жеймс Лейн Аллен бўлиб, қуйидаги фикрларни айтган:

*"Инсоннинг нарсаларга ва бошқа одамларга нисбатан муносабати ўзгарганида, уларнинг ҳам одамга муносабати ўзгариб қолишини одамзод англаб олган... Шунинг учун одам қатъий равишда ўз фикрларини ўзгартириши шарт, ана ўшанда у ҳайрат ичида ўз ҳаётидаги маиший шароитлар тезлик билан қандай ўзгараётганини кўради. Одамларни улар хоҳлаган нарсалар эмас, балки худо ато этган тақдир, ўз-ўзимизда мавжуд бўлган нарсалар белгилаб берган... Бу бизнинг тўлақонли моҳиятимиздир... Инсон қўлга киритганларининг бари — унинг шахсий фикрларининг тўғридан-тўғри маҳсулидир... Инсон ўз фикрларини юксалтирган ҳолдагина баландликка кўтарилади, ғалаба ва ютуққа эришади. Аксинча, ўз фикрларини юксакликка кўтаришни хоҳламас экан, у заиф, бечора ва бахтсиз бўлиб қолаверади".*

Илоҳий китобда айтилишича, яратган одамни бутун ер юзига ҳукмрон қилиб қўйди. Сўзсиз, бу буюк иноят эди. Лекин менга бу юксак шоҳона имтиёзлар асло даркор эмас.

Мен хоҳлаган нарсаларнинг бари — ўз устимдан ҳукм юритиш, ўз фикр-ўйларим, ўз хавотирларим, ўз ақлим, ўз қалбим устидан ҳукм ўрнатишдир. Мен билган энг ажойиб нарса ҳам истаган пайтда бу ҳукмни ажойиб тарзда қўлга киритишни билишимдир. Бунинг учун менга ўз хатти-ҳаракатимни оддийгина бошқариш зарур бўлади, улар эса ўз навбатида сезгиларимга ҳам таъсир этади.

Шундай қилиб, келинг, энди Уильям Жеймснинг қуйидаги сўзларини эслайлик. *"Биз жаҳолат деб атаган нарсанинг жуда кўпини... баъзан қўрқув ва умидсизликдан азоб чекувчининг фикрини руҳлантирувчи ва тетиклик йўлига, яъни кураш томон йўналтириш мумкин".*

Бахтимиз учун ана шундай курашамиз! Келинг, орзуларга тўла, конструктив фикрлашга асосланган бахтимиз учун курашайлик. Бунинг учун ҳар куни бажарилиши зарур бўлган дастурни тавсия этаман. У "Айнан бугун" деб номланади. Мен уни ниҳоятда рағбатлантирувчи деб ҳисоблайман, шунинг учун уни юзлаб нусхада тарқатганман. Уни марҳума Сибилла Ф.Патриж ўттиз олти йил аввал ёзган эди. Агар сиз ва мен бу дастурга амал қилсак, жуда кўп

ташвишларни бартараф этиб, французлар айтган "Ҳаёт қувончи"ни ҳаддан зиёд оширган бўлур эдик.

## Айнан бугун

1. Айнан бугун мен бахтга эришаман. Бу Авраам Линкольн айтган сўзларга амал қилишимни англатади. У шундай деган эди: *"Кўпчилик кишилар бахтли бўлишга тўла қарор қилганликлари қанча бўлса, шунча киши бахтлидир"*.

2. Айнан бугун мени ўраб турган ҳаётга мослашишга ҳаракат қиламан, хоҳишларимга эса мослашишга уринмайман ҳам. Мен оилам, ишим ва ҳаёт шароитимни аслида қандай бўлса, шундай қабул қилиб, унга тенглашишга ҳаракат қиламан.

3. Айнан бугун мен ўз танам ҳақида ғамхўрлик қиламан. Жисмоний машқлар бажараман, ўз жисмимни парвариш қиламан, тўғри овқатланиб, ўз соғлиғимга зарар етказмасликка уринаман ва уларга бепарво муносабатда бўлмайман; шунга эришайки, танам талабларимни тўла бажарувчи идеал машинага айлансин.

4. Айнан бугун ўз ақл-идрокимнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратаман. У ёки бу фойда берувчи манбаларни ўрганаман. Ақлий жиҳатдан дангаса бўлишни истамайман. Куч-қувватни, мулоҳаза юритиш ва фикрларни бир жойга тўплашни талаб этувчи манбаларни ўқиб чиқаман.

5. Айнан бугун мен ахлоқий камолот билан машғул бўламан. Бунинг учун учта ишни амалга оширишни мўлжаллайман; кимгадир фойдали иш кўрсатаман, аммо унинг ўзи бундан бехабар бўлади. Хоҳишимга қарши бўлса-да, икки ишни амалга ошираман, уларни Уильям Жеймс маслаҳат берганидек, машқ сифатида бажараман.

6. Айнан бугун мен барчага хайрихоҳ кайфиятдаман. Имкони борича яхши кўринишга: ўзимга жуда ярашган кийим кийишга, осойишта овозда гаплашишга, ўзимни назокатли тарзда тутишга, мақтовда сахий бўлишга, ҳеч кимни танқид қилмаслик, жиғига тегмаслик, кимгадир раҳбарлик қилмаслик ва кимнингдир хатосини тўғриламасликка ҳаракат қиламан.

7. Айнан бугун мен фақат шу кун билан яшашга уринаман, ҳаётимнинг барча муаммоларини бирданига ҳал этишга уринмайман. Ўн икки соат давомида шундай ишларни амалга ошираманки, агар улар билан бир умр шуғулланганимда даҳшатга тушар эдим.

8. Айнан бугун мен ўз ишларим дастурини белгилаб оламан. Ҳар бир соатда нима иш қилишим зарурлигини ёзиб оламан. Мен балки бу дастурни аниқ бажара олмасман, аммо уни барибир тузаман. У мени икки ярамаслик — шошқалоқлик ҳамда қатъиятсизликдан халос этади.

9. Айнан бугун мен ярим соат тинч ва ёлғиз қолиб, аъзойи баданимни бўшаштираман.

10. Айнан бугун мен қўрқмайман, асосан бахтли бўлишдан, гўзалликдан роҳатланишдан, севиш ва ишонишдан, кимни яхши кўриш ва севишимдан асло қўрқмайман.

Агар сиз ўзингизда хотиржамлик ва бахт келтирувчи ақлий йўналишни ишлаб чиқишни хоҳласангиз, биринчи қоидани бажаринг:

*Ўзингизни ҳаётдан мамнун тарзда тутинг, ўй-фикрларингизни ҳам шу тарзда йўналтиринг, шунда ҳаётдан кўнглингиз тўқ бўлади.*

*Ўн учинчи бўлим*

## ЎЧ ОЛИШГА ИНТИЛИШ ЖУДА ҚИММАТГА ТУШАДИ

Бир неча йил муқаддам оқшом чоғи Йеллоустон миллий боғига борган эдим. Ўшанда бошқа сайёҳлар билан биргаликда балконда ўтирар эдик. Арча ва қарағайлар ўсган гўзал ўрмонни мириқиб томоша қилаётгандик. Бирдан кўз олдимда биз кутган ўрмон момақалдироғи — айиқ пайдо бўлди. У очиқ ёритилган жойга ўтди-да, яқин меҳмонхона ошхоналаридан чиқариб ташланган чиқиндиларни ғажий бошлади. Ўрмон беги, майор Мартиндейл отда туриб, ғазаби қўзиган сайёҳларга айиқлар тўғрисида гапириб бера бошлади. Бу махлуқ ғарб дунёсида, фақат бизон ва кадьяк айиғидан ташқари, ҳар қандай ваҳший ҳайвонни енгишга қодир эканлигини билиб олдик. Аммо ўша оқшом англаганим шу

бўлдики, айиқ ўрмондан фақат битта ҳайвон — Америка сассиқ кўзани, яъни скунсни ўзи билан бирга ёруғ жойда юришига рухсат берди. У сассиқ кўзанни ўзининг улкан панжаси билан бир уриб, абжағини чиқариши мумкин эди. Нега бу ишни қилмади? Чунки "шахсий тажрибаси"дан яхши билардики, бу ўз-ўзини мутлақо оқламас эди.

Мен ҳам бунга ишондим. Болалигимда, фермада яшаганимизда, Миссурининг яшил деворларидан бу тўрт оёқли сассиқ кўзанларни овлаган эдим; кейинчалик вояга етганимда, Нью-Йорк кўчалари йўлакларида икки оёқли сассиқ кўзанларни учратган эдим баъзан. Маҳзун тажрибам скунсларнинг ҳар икки тури билан алоқа боғламасликка ўргатди.

Биз ўз душманларимизни кўра олмас эканмиз, уларнинг устимиздан ҳукмронлик қилишларига йўл очиб берган бўламиз — улар уйқумиз, иштаҳамиз, қон босими, соғлигимиз ва бахтимизга таъсир этишади. Душманларимиз бизга қанчалик безовталик, азият ва нохушликлар келтираётганликларини билганларида хурсандликдан рақсга тушиб кетардилар! Нафратимиз уларга ҳеч қандай зарар келтирмайди, аммо ёруғ кунимизни зулматга айлантиришади.

Қуйидаги сўзларни ким айтганини биласизми: *"Агар худбин кишилар сиздан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб кўрсалар, уларни танишларингиз рўйхатидан ўчириб ташланг, лекин ҳеч қачон ўч олишга уринманг. Ўч олишга ҳаракат қилсангиз, уларга нисбатан кўпроқ ўзингизга катта зиён келтирган бўласиз"*. Бу сўзлар қандайдир кўнгли очиқ идеалист томонидан айтилганга ўхшаб кетади. Мутлақо ундай эмас. Милуоки шаҳридаги полиция бошқармаси томонидан чиқарилган бюллетендаги келган сўзлар бу.

Қасос олишга ҳаракат қилиш сизга қандай зиён беради? Бу кўп жиҳатдан хавфли. "Лайф" журналида босилган мақолага кўра, бундай ёндашув, ҳатто соғлиғингизни ҳам ишдан чиқариши мумкин. Мақолада шундай дейилган: *"Гипертония билан азият чекаётган шахснинг асосий белгиси шундаки, у гина-кудрат сақлайди; адоват сақлаш сурункали (хроник) тарзга айланса, у хроник гипертония ва юрак хасталигини "чақиради"*.

Шундай қилиб, Исо Масиҳнинг "Ўз душманларингизни севинг" дегани сизга тушунарли бўлар, деб ўйлайман; у фақат муҳим ахлоқий тамойилларни тарғиб этибгина қолмади. Тиббиётнинг XX асрдаги тамойилларини ҳам тарғиб этди. Исо Масиҳнинг: *"Етти мартадан етмиш мартагача кечиринг"*, деган сўзлари қон босими ошиши, юрак касаллиги, ошқозон яраси ва бошқа касалликлардан халос бўлишга ёрдам беради.

Яқинда танишимнинг юрак хуружи рўй берди. Шифокор унга тўшакдан турмасликни тайинлади ва бирор нарсадан хафа бўлмасликни буюрди. Тиб аҳли юрагингиз заиф бўлса, жаҳл чиқиши сизни ҳалок этиши мумкинлигини яхши билади. Мен ҳалок этиши мумкин, деяпман. Бир неча йил муқаддам ана шундай хуруж Вашингтондаги Спокан ресторани хўжайинини ҳақиқатан ҳам гўрга тиқди. Менда Спокан полицияси бошлиғи Жерри Суортаутнинг хати турибди, унда шундай дейилган: *"Бир неча йил муқаддам Спокан кафеси эгаси — олтмиш саккиз ёшли Уильям Фолкабер — ошпаз унинг кичкина тақсимчасидаги қаҳвани ичмоқчи бўлганида, бирдан тутақиб кетиб, ҳалок бўлган эди. Кафе хўжайини шу даражада ғазаблангандики, у қўлига тўппонча олиб, ошпазни қувлашга тушди ва юрак хуружидан тўсатдан жони чиқиб кетди. Қўли эса ҳамон тўппончани қисиб турарди. Терговчининг хулосасига кўра, унинг ғазаб отига миниши юрак хуружига сабабчи бўлган"*.

Исо Масиҳ *"Ўз душманларингизни севинг"*, деганида, бир вақтнинг ўзида ташқи қиёфамизни қандай яхшилашни ҳам кўрсатиб берган эди. Мен баъзи аёлларни биламан *(сиз ҳам биласиз)*: уларнинг башараси ажинга тўлиб кетган, ғараз ва адоват сақлагани учун буришиб, кек сақлаганидан хунуклашган. Ер юзидаги бирорта косметик пардоз ҳам улар ташқи қиёфасининг ярминиям тузата олмайди; буни фақат кечирим билан, нафосат ва меҳр билан лиммо-лим қалб эплаган бўлур эди.

Нафрат бизни, ҳатто энг ширин таомдан лаззатланишдан ҳам маҳрум этади. Инжилда шундай дейилган: *"Энг яхши таом кўкат, унинг ёнида муҳаббат; наинки бўрдоқи ҳўкиз ва унинг ёнида нафрат бўлса..."*

Душманларимиз, уларга нисбатан нафратимиз ўзимизни қанчалик абгор қилиб, асабийлаштириб, ташқи кўринишимизни хароб қилиб, бизни юрак хасталигига дучор этганини, шубҳасиз, умримизни қисқартиришини билганида, хушнудликдан қўлларини бир-бирига ишқаган бўлур эдилар, албатта. Шундай эмасми?

Агар душманларимизни сева олиш қўлимиздан келмаса, келинг, охир-оқибат ўзимизни яхши кўрайлик. Ҳатто, ўзимизни шундай севайликки, душманларимиз бахтимиз, соғлигимизни бошқаришга илож топа олмасин, ташқи қиёфамизни хароб этолмасин. Шекспир айтганидек:

*"Душманингизга печни ҳаддан зиёда ёқманг,*
*Балки унда ўзингиз ёнарсиз ҳали".*

Исо Масиҳ *"Етти мартадан етмиш мартагача душманни кечириш"* зарурлигини айтганида, оқилона амалий фикрни ҳам тарғиб этган. Мен сизга қуйидаги мисолни келтирмоқчиман. Мана, Швецияда истиқомат қилувчи Георг Рон томонидан ёзилган хат. Георг Рон кўп йиллар Венада адвокат бўлиб ишлаган, аммо иккинчи жаҳон уруши даврида Швецияга қочиб кетган эди. У бир неча тилни билар, шу сабабли импорт ва экспорт билан шуғулланувчи бирорта фирмада ишлашидан умидвор эди. Кўпгина фирмалар бундай мутахассисга муҳтож эмаслигини айтиб, рад жавобини берди, чунки уруш кетаётганди. Ўз картотекаларига унинг исми-шарифини киритишни ва ҳоказоларни айтиб, ваъда беришди... Аммо бир фирма эгаси Георг Ронга қуйидаги мазмунда мактуб битди: *"Сиз менинг фирмам нима билан шуғулланганини нотўғри тасаввур этибсиз, шекилли. Сиз нодон ва аҳмоқ киши сифатида таассурот қолдирасиз. Менга ҳеч қандай мухбир керак эмас. Агар бу ишга зарурат туғилганида ҳам, сизни асло қабул қила олмасдим, чунки сиз, ҳатто швед тилида ҳам тўғри ёза олмайсиз. Хатингизда хатолар тўлиб ётибди".*

Георг Рон бу хатни ўқир экан, ғазабдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Нега бу швед уни швед тилида ёза олмайди, деган қарорга келди? Ахир ўзининг хати ҳам хатога тўла-ку! Шундай қилиб, Георг Рон унга мактуб ёзди: бу хат унинг

"дабдала"сини чиқариши керак эди. Сўнг бир зум тин олди. Ўз-ўзига: *"Қани бир дақиқа тухта-чи! Балки бу одам ҳақ бўлса-чи? Мен швед тилини ўргандим, аммо бу менинг она тилим эмас. Балки хатога йўл қўйгандирман, буни ўзим ҳам билмайман. Шундай экан, иш топишдан умидвор бўлсам, бу тилни янада пухта ўрганишим зарур. Шубҳасиз, бу киши ўзи билмаган ҳолда менга илтифот кўрсатди. Ўз-ўзидан мени ноқулай тарзда огоҳлантирди, мен бундан миннатор бўлишим керак. Шундай экан, унга хат ёзиб, миннатдорлигимни изҳор этишим зарур"*, деди. Георг Рон ғазаб билан ёзилган хатини йиртиб ташлади ва бошқа мактуб битди. Унда шундай дейилганди: *"Сиз томонингиздан менга нисбатан илтифот кўрсатилди. Фирмангиз мухбирга муҳтож бўлмаса-да, сиз менга хат ёзиш машаққатини зиммангизга олибсиз. Фирмангиз фаолияти ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмаганим учун қаттиқ афсусдаман. Менга сизни ўз соҳангиз бўйича энг пешқадамлардан бири деб маълумот беришгани учун мактуб ёзган эдим. Хатимда имловий хатоларга йўл қўйганимни билганим йўқ. Мен бундан афсусдаман ва ниҳоятда хижолат бўлдим. Энди швед тилини янада чуқур ўрганаман ва хатоларимни тузатишга ҳаракат қиламан. Менга малакани ошириш йўлида ёрдам берганингиз учун миннатдорчилик билдиришга ижозат берғайсиз!"*

Бир неча кундан сўнг фирма бошлиғидан жавоб мактуби келди, унда Георг Рон билан учрашиш истаги билдирилган эди; Рон у билан танишди ва ишга жойлашди. Георг Рон ўз шахсий тажрибасида "қисқа жавоб ғазабни сўндириши"га ишонч ҳосил қилди.

Биз ўз душманимизни севиш даражасида улуғ бўлмаслигимиз мумкин, аммо ўз соғлигимиз ва бахтимиз учунгина уларни қандай бўлмасин кечирайлик ҳамда уларнинг борлигини эсдан чиқарайлик. Бу ҳақиқатан ҳам амалга оширишимиз мумкин бўлган ақлли ишдир. *"Агар сизни ранжитишса ёки тунаб кетишса,* — деган эди Конфуций, — *бу ҳақда доимо эслаб турмасангиз, ҳеч нарсага арзимайди"*. Мен бир куни генерал Эйзенхауэрнинг ўғли Жондан, отангиз кек сақлармиди, деб сўрадим. *"Йўқ,* — деб жавоб берди у, — *отам ўзи ёқтирмаган одамлар ҳақида бирор дақиқа ҳам ўйламасди"*.

Қадимий шундай ҳикмат бор: кимки хафа бўла олмаса, у аҳмоқдир, кимки хафа бўлишни истамаса, у донишманддир.

Нью-Йоркнинг собиқ мэри Уильям Ж.Гейнорнинг нуқтаи назари худди шундай эди. Уни "сариқ матбуот"га аралашганликда айблаб, қабиҳларча бўҳтон қилдилар. Шундан кейин бир савдойи унга ўқ узди, ўлишига бир баҳя қолди. У шифохонада ётиб, ҳаёт-мамот учун жон-жаҳди билан курашар экан, шундай деган эди: *"Ҳар кеча мен фикран ҳаммани ва барча нарсани кечираман"*. Бу таҳсинга лойиқ идеализмми? Ҳаддан зиёд яхшилик ёки ёруғ ниятми? Агар шундай бўлса, буюк немис файласуфи, "Тушкунлик ҳақида этюдлар" китобининг муаллифи Шопенгауэрга маслаҳат олиш учун мурожаат этайлик. У ҳаётни бефойда ва азоб берувчи саргузашт деб ҳисоблаган эди. Ўзининг ҳар бир қадамида умидсизлик билан кўз ёши тўккандай бўларди. Шунга қарамай, Шопенгауэр ғамгин ҳолатининг қаъридан туриб, шундай деб ҳайқирганди: *"Агар иложи бўлса, ҳеч кимга асло душманлик кайфиятида бўлманг"*.

Бир куни Бернард Барух билан суҳбатлашиб қолдим. У олти президент: Вильсон, Гардинг, Кулиж, Гувер, Рузвельт ва Трумэннинг ишончли маслаҳатчиси бўлган. Мен ундан, душманларингиз бирор марта сизга ташланиб, жонингизга текканми, деб сўрадим. Барух шундай деб жавоб берди: *"Бирор киши мени камсита олмайди ҳам, жонимга тега олмайди ҳам. Бунга асло йўл қўймайман"*.

Агар биз йўл қўймасак, сизни ва мени бирор киши камсита олмайди ҳам, жиғимизга тегмайди ҳам.

*Таёқ ва тошлар суякларимни синдирар балки,*
*Аммо сўзлар мени яродор этмайди сира.*

Асрлар давомида инсоният худди Исо Масиҳ каби одамлар қаршисида қуллуқ қилиб келди, улар ўз душманларига ёмонликни асло раво кўрмас эдилар."Мен Канададаги Жаспер миллий боғига тез-тез бориб тураман. Ғарб дунёсининг энг хушманзара жойларидан бўлмиш ушбу масканни ниҳоятда яхши кўраман. У немис аскарлари оттанида, ўлимни худди илоҳий неъмат каби қабул қилган англиялик жасур ҳамшира Эдит Кейвелл шарафига қўйилган. Мазкур воқеа

1915 йил 12 октябрда рўй берган эди. Унинг айби нимада эди? Эдит Кейвелл Белгияда яшаган, уйида француз, инглиз аскарларини яшириб, уларни боқди ва даволади, сўнг Голландияга қочишларига кўмаклашди. Ўша октябр тонгида Эдит ётган ҳарбий камерага уни ўлимга тайёрлаш учун руҳоний кирганида, у икки оғиз сўз айтган, бу сўзлар кейинчалик бронза ва гранитга ўйиб ёзилган эди: *"Биламан, ватанпарварлик ҳали бу ҳаммаси эмас. Менда ҳеч кимга нисбатан нафрат ҳам, ёмонлик ҳам бўлиши мумкин эмас"*. Орадан тўрт йил ўтгач, унинг хоки Англияга келтирилиб, Вестминстер аббатлигида дафн маросимлари адо этилди. Ҳозир Эдит Кейвеллнинг гранит ҳайкали Лондондаги Миллий портретлар галереясида Англиянинг ўлмас қаҳрамонларидан бири сифатида савлат тўкиб турибди. *"Биламан, ватанпарварлик бу ҳали ҳаммаси эмас. Менда ҳеч кимга нисбатан нафрат ҳам, ёмонлик ҳам бўлиши мумкин эмас"*.

Балки душманларимизни кечириш ва уларни унутишни ўрганиш керакдир; бунинг учун қандайдир жуда муҳим кўтаринки бир иш билан машғул бўлиш керак бўлади. Шунда биз ҳаётда дуч келадиган таҳқирлаш ва душманлик арзимас нарса бўлиб қолади, чунки фақат ўз ишимизни ўйлаб қоламиз.

Эпиктет бундан ўн тўққиз аср муқаддам нима эксак, шунинг ҳосилини ўришимизни пайқаган эди, аммо негадир тақдир ўз ёмонлигимиз учун деярли ҳар вақт жавоб беришга мажбур этади. *"Охир-оқибатда,* — деган эди Эпиктет, — *ҳар бир киши ўз жинояти учун товон тўлайди. Агар инсон худди шу нарсани англаса, ҳеч кимдан ранжимайди, ҳеч кимни ҳақорат қилмайди, ҳеч кимни камситмай, ҳеч кимга нафрат билан қарамайди"*.

Америка тарихида бирон бир давлат арбоби Линкольн каби ҳақорат, нафрат ва алдамчиликка дуч келмаган бўлса керак. Герндон ёзган классик таржимаи ҳолига кўра, Линкольн *"Ҳеч қачон одамларни унга ёқиш ёки ёқмаслигига қараб баҳоламаган. Агар қандайдир зарур тадбирни амалга ошириш керак бўлиб қолса, ҳатто уни энг ашаддий душманига — агар у бу ишнинг уддасидан чиқишига кўзи етса — топширишдан ҳам қайтмаган. Агар бирор киши унга бўҳтон ёғдирса ёки у билан кўпол муомалада бўлса, шу*

*билан бирга мазкур лавозимга энг яхши номзод бўлса, Линкольн иккиланмасдан уни, албатта, тайинлар эди, ҳатто ўша инсон унинг дўсти бўлса ҳам... У душманлик қилгани ёки ёқтирмагани учун бирор кишини ҳам вазифасидан бўшатмаган, деб ўйлайман".*

Линкольн, ҳатто унинг ҳукуматида юксак лавозимларни эгаллаган кишилар — Макилеллан, Сьюард, Стэнтон, Чейс томонидан айблов ва ҳақоратларга ҳам дуч келган эди. Шу билан бирга, адвокат Герндоннинг сўзларига қараганда, Линкольн одамни у ёки бу ишни бажаргани ёки бажармагани учун мақташ ёки ерга уриш мумкин эмас, деб ҳисобларди, чунки *"ҳаммамиз у ёки бу тарзда шароит, вазият, ўраб турган муҳит, маълумотлилик даражаси ва ўзлаштирилган одат ҳамда ирсий хусусиятлар таъсирига дучор бўлганмиз"*. Худди ана шу омиллар инсонни шакллантиради ва у қандай ҳолатда бўлса, уни ҳамиша шу ҳолга олиб келади.

Балки, Линкольн ҳақдир. Агар биз ва мен душманларимиз мерос қилиб олган жисмоний, руҳий ва ҳиссий хусусиятларни ўзлаштириб олганимизда, улар қандай ҳаёт кечиришган бўлишса, биз ҳам худди ўшалардай бўлар эдик, албатта. Ҳар эҳтимолга кўра, асло бошқача бўла олмасдик. Кларенс Дарроу кўп марта айтганидек, *"кўп нарсани билиш, демак, кўп нарсани тушунишдир ва бу омил айблашга ҳам, муҳокама қилишга ҳам асло ўрин қолдирмайди"*. Шунинг учун душманларимизни айблаш ўрнига, келинг, яхшиси, уларни аяб, Парвардигорга шукрона айтайликки, ҳаётда бизни улардай қилиб яратмаган. Душманларимизни айблаш ва улардан қасос олиш ўрнига уларни тушунишга, ҳамдардлик билдиришга, ёрдам беришга тайёр туриш ва кечиришга ҳозир бўлиб, улар учун ибодат қилайлик.

Шундай қилиб, сизга руҳий осойишталик ва бахт келтирувчи ақлий йўналишни ишлаб чиқиш учун иккинчи қоидани эсланг:

*Ҳеч қачон душманларингиздан ўч олишга уринманг, бу уларга нисбатан ўзингизга катта зарар етказади. Келинг, худди генерал Эйзенхауэрдай ҳаракат қилайлик: сиз учун ёқимсиз бўлган одамларни ҳеч қачон бирор дақиқа ҳам ўйламанг.*

*Ўн тўртинчи бўлим*

## АГАР СИЗ БУНИ АМАЛГА ОШИРСАНГИЗ, ҲЕЧ ҚАЧОН МИННАТДОР БЎЛМАГАН КИШИДАН РАНЖИМАЙСИЗ

Яқинда Техасда қаҳр-ғазаби ошиб-тошиб кетган бир киши билан танишиб қолдим. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас у аччиғи чиққани ҳақида сизга албатта гапириб беради, деб мени огоҳлантиришди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Уни ғазаблантирган ҳодисага ўн бир ой ўтган бўлса-да, ҳамонки жаҳлдан тушмаган эди. У бошқа мавзуда гапира олмасди. Бу инсон ўттиз тўрт ходимига ўн минг доллар қийматга эга рождество мукофоти тақдим этган, улардан ҳар бири тахминан уч юз доллардан олишганди. Ва улардан бирортаси миннатдорчилик билдирмаган. *"Мен,* — деб алам билан шикоят қилади у, — *уларга тўланган ҳар бир цент учун афсусланаман"*.

*"Дарғазаб одам,* — деган эди Конфуций, — *ҳамиша заҳар-заққумга тўла бўлади"*. Бу одам ҳам шу даражада заҳарга лиммо-лим эдики, мен унга чин юракдан ачиндим. У олтмиш ёшга яқинлашиб қолган эди. Бизнинг даврдаги суғурта компаниялари умримиздан тахминан қанча қолганини ҳисоблаб чиққан. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги ёшимиз билан саксон йил ўртасидаги учдан икки фарқ билан боғлиқ ҳаёт кечирар эканмиз. Демак, шундай бўлса, бу одам яна *(агар омади келса)* ўн тўрт ёки ўн беш йил яшаши мумкин. Аммо умрининг деярли бир йилини мутлақо орқага қайтмас воқеалардан ўртаниб, дарғазаб ва хафагарчиликда ўтказди. Мен унга чин юракдан ачиндим.

У ғазаб отига минмай, ғам-андуҳга берилиш ўрнига ўзўзидан бу хатти-ҳаракати нима учун муносиб баҳо олмаганини сўраши лозим эди. Балки ходимларига иш ҳақини тўлиқ бермагандир ёки уларни ортиқча ишлатгандир? Эҳтимол, улар рождество мукофотини совға сифатида эмас, балки ўзларининг пешона терига берилган иш ҳақи деб ҳисоблашгандир? Ёки у ҳаддан ташқари қаттиққўл ва манман бўлиб, шунинг учун ҳеч ким унга миннатдорчилик билдиришга журъат этмагандир? Эҳтимол, даромаднинг катта

қисми барибир солиққа кетади, шунинг учун бизга мукофот бериляпти, деб ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин.

Шу билан бирга ходимлар худбин, пасткаш ва тарбиясиз одамлар бўлиши мумкин. Балки шундай, балки шундай эмасдир. Мен бу ҳақда сиздан ортиқ билмайман. Лекин шуни аниқ биламанки, доктор Сэмюэл Жонсон шундай деган: *"Миннатдорчилик билдириш — инсон ахлоқий камолоти даражасининг юқори натижаси ҳисобланади"*.

Мен сизга айтсам, бу киши одатий ва алам қиладиган хатога йўл қўйган: миннатдорчилик кутган. У одамзод хулқ-атворини деярли билмаган, холос.

Агар бирор кишининг ҳаётини сақлаб қолсангиз, ундан миннатдорчилик кутармидингиз? Эҳтимол, сиз кутарсиз, аммо жиноий ишлар бўйича таниқли адвокат Сэмюэл Лейбовиц судья бўлгач, етмиш саккиз кишини электр стули билан ижро этиладиган ўлим жазосидан қутқариб қолди. Қани айтинг-чи, улардан нечтаси ундан миннатдор бўлди? Ёки жилла қурса, рождество айёмида унга табрикнома жўнатди? Нечтаси? Топинг-чи!.. Тўғри: бирортаси ҳам.

Исо Масиҳ бир кунда ўн нафар моховни касалликдан фориғ этди. Ана шу моховлардан нечтаси унга ҳеч бўлмаганда миннатдорчилик билдириш учун орқага қайтди? Фақат биттаси! Сиз бу ҳақда Инжилда ўқиган бўлишингиз мумкин. Исо Масиҳ ўз шогирдларига юзланиб, қани тўққизтаси, деб сўраганида, уларнинг бари кетиб қолгани маълум бўлди. Ҳеч қандай миннатдор бўлмай ғойиб бўлишган эди! Бир савол беришга изн беринг: нима учун сиз, мен ва техаслик ишбилармон жиндай яхшилигимиз учун Исо Масиҳ ҳам кўрмаган миннатдорчилик кутар эканмиз?

Агар ишга пул аралашса-чи? Унда аҳвол янада қийинлашади. Чарлз Шваб бир куни банкка тегишли пулларни биржада чайқовчилик қилган банк ҳизматчисини қандай қутқарганини гапириб берди. Шваб бу одамни қамоқдан қутқариш учун ўз шахсий маблағини келтириб беради. Хазиначи ундан миннатдор бўлдими? Ҳа, лекин бу узоқ давом этмади. Сўнг у Швабга ташланиб қолди, уни ҳақорат қилди, туҳмат ёғдирди — уни қамоқдан қутқариб қолган одамга!

Борди-ю, сиз қариндошларингиздан бирига миллион доллар берсангиз, ундан миннатдорчилик кутармидингиз?

Эндрю Карнеги худди шундай қилди. У ўз қариндошига миллион доллар инъом қилди. Агар Э.Карнеги бироз вақтдан кейин гўридан тик турганида, қариндоши уни қарғаганини эшитиб, ҳушдан кетиб қоларди! Нега? Чунки кекса Энди уч юз олтмиш беш милллион долларни хайрия мақсадларида муассасаларга қолдирган, бу қариндошига эса, ўзи айттанидек, *"қандайдир арзимас миллионни васият қилиб қолдирган эмиш"*.

Ишлар ана шунақа. Инсон хулқ-атвори ҳамиша шундоқ бўлиб келган ва у бутун ҳаётимиз давомида ўзгармиди? Шундай экан, нима учун уни аслидай қабул қилмаймиз? Нима сабабдан унга қачонлардир Рим империясини бошқарган энг донишманд кишилардан бири Марк Аврелий каби ҳақиқий тарзда ёндашмаймиз? У кундалигига шундай деб ёзган эди: *"Бугун мен ҳаддан зиёд эзма одамлар — ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган, худбин ва оқибатсиз кишилар билан учрашаман. Аммо мени бу ҳайрон қолдирмайди ва безовта қилмайди, чунки мен дунёни уларсиз тасаввур эта олмайман"*.

Бу ақлли гап, шундай эмасми? Агар сиз ва мен ҳамиша миннатдорчилик билдиришмагани учун вайсаб юрсак, унда кимни айблаш мумкин? Одамзод феъл-атворини ёки ўзимизнинг нодонлигимизними? Шу сабабли миннатдорчиликни кутмаслигимиз лозим. Шунда кимдир тўсатдан бизга миннатдорчилик билдирса, бу мўъжизали кутилмаган совға бўлур эди. Мабодо уни эшитмасак ҳам асло ранжмаслигимиз керак.

Мана, менинг ушбу бўлимда таъкидламоқчи бўлган асосий фикрим: одамлар учун миннатдорчилик билдиришни эсдан чиқариш табиий ҳолга айланган. Шунинг учун ташаккур айтишларини, ўзингиз учун жуда кўп айтишларини кутсангиз, ўзингиз учун жуда кўп дилсиёҳликларни тайёрлаб қўйган бўласиз.

Мен Нью-Йоркда истиқомат қиладиган бир аёлни танийман, ҳамиша ёлғизлигидан шикоят қилгани-қилган. Уни бирорта қариндоши ҳам кўришни асло истамайди, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Агар сиз олдига боргудек бўлсангиз, соатлаб ўз жиянларига ҳали ёш бўлганларида яхшилик қилганини, бир пайтлар қизамиқ, тепки, кўкйўтал билан

оғриганларида тинмай қарашганини, уларга кўп йил уйидан жой берганини, бир жиянига савдо мактабини тугатишга ёрдамлашгани, бошқаси эса турмушга чиққунга қадар уникида яшаганини тинмай гапираверади.

Жиянлари ундан хабар олишадими? Ҳа, баъзи-баъзида, шунда ҳам бурч туйғуси туфайли, холос. Аммо бундай хабар олишдан ҳам ўлгудай ҳайиқишади. Улар соатлаб ўтириб, киноя тўла гап-сўз, сон-саноқсиз оҳ-воҳлар, кўриниш ва ўз аҳволидан шикоятини эшитиб ўтирадилар. Агар у турли пўписа ва пичинглар билан жиянларини, ўз жиянларини келтира олмаса, тутқаноғи тутиб қолади. Юрак хуружи бошланади.

Бу хуруж унда ҳақиқатан ҳам рўй берадими? Шифокорларнинг айтишига кўра, у "юраги асабий", тахикардиядан азоб чекади. Аммо яна шуни таъкидлайдиларки, уларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, бу аёлнинг касали ҳиссий характерга эга.

Дарҳақиқат, аёл меҳр-муҳаббат ва эътиборга ниҳоят даражада муҳтож. Буни у "миннатдорчилик" деб атайди. Лекин ҳеч қачон миннатдорчиликка ҳам, меҳр-шафқатга ҳам сазовор бўла олмайди, чунки буларни талаб қилади. Бу туйғуларни ўзига берилиши лозим, деб ишонади.

Унга ўхшаган минглаб аёллар бор, улар ўзларига миннатдорчилик билдирмаганлари учун қаттиқ оғринганлар, якка яшайдилар ва ўз яқинлари томонидан эътиборсиз қолганлардир. Севимли бўлишга ниҳоятда чанқоқ; аммо бу ёруғ оламда муҳаббатга сазовор бўлишнинг фақат битта усули мавжуд — уни талаб қилишни бас қилиш ва муҳаббат улашиш, эвазига эса ташаккур кутмасликдир.

Осмонда учиб юрган, амалиётдан узоқ идеалистлар шундай фикр юритадиларми? Сира ундай эмас. Бу шунчаки соғлом фикр, холос. Бу сиз ва мен орзу қилган бахтга эришмоқнинг энг яхши усули. Бизнинг оилада худди шундай бўлган эди. Онам ва отам шод-хуррамлик билан бошқаларга ёрдам беришарди. Биз ночор яшар, бошимиз қарздан чиқмасди. Шунга қарамай, ота-онам ҳар йили Айова штатининг Каунсил-Блафсдаги етимхонага бир амаллаб пул жўнатишарди. Улар бу етимхонада бирор марта ҳам бўлишмаган. Хайриялари учун ҳеч ким ташаккур билдирмаган,

фақат хат жўнатган, холос. Шундай бўлса-да, ота-онам болакайларга кўмак берганларидан бошлари осмонга етар, ўзларини юксак мукофот олгандай ҳис этишарди, эвазига ҳеч қандай миннатдорчилик кутишмас ҳам, хоҳламас ҳам эдилар.

Мен уйдан кетганимдан сўнг ҳар йили ота-онамга рождество олдидан чек жўнатиб, бу пулга ўзларига ёқадиган бирор нарса харид қилишларини сўрар эдим. Қарангки, ана шу пулларни ҳам ўзларига камдан-кам сарфлашарди. Рождество муносабати билан бир неча кунга улар ҳузурига келганимда, отам серфарзанд, ночор бир бева аёлга кўмир ва озиқ-овқат олиб берганларини менга сўзлаб берардилар. Бу совғани топширганларида, ота-онамнинг нақадар қувонганликларини бир кўрсангиз эди, бу — эвазига ҳеч нарса кутмай порлаган қувонч эди!

Ишонардим, дадам Аристотель таърифлаган идеал одамнинг таърифига деярли мос келарди, у бахтга эришмоққа тўла равишда ҳақли эди. *"Идеал одам*, — деган эди Аристотель, — *бошқаларга мурувват кўрсатганидан хурсандликни ҳис этади; аммо ўзгаларнинг мурувватини қабул қилишдан уялади. Олижаноб феъллилар эзгуликни яратади, паст феълатворли кишилар эса уни қабул қилади"*.

Мана менинг бу бўлимда алоҳида таъкидламоқчи бўлган иккинчи фикрим: *агар сиз бахтга эришмоқчи бўлсангиз, келинг, миннатдорчилик ёки кўрнамаклик тўғрисида ўйлашни бас қилайлик. Унинг ўрнига кўнглимдаги қувонч учун меҳр-мурувватни такомиллаштирайлик, буни ҳис этиб турайлик.*

Ўн минг йилдан буён ота-оналар сочларини юлиб, фарзандларининг кўрнамакликларидан нолийдилар.

Ҳатто Шекспир қирол Лири ҳам ҳайқирган:

*"... ҳатто*
*Илон чаққан касал ҳам афзал,*
*Кўрнамак болага эга бўлгандан"*.

Биз уларда шу хислатни тарбияламаган бўлсак, нима учун улар миннатдор бўлишар экан?! Кўрнамаклик, яхшиликни билмаслик табиий, у бамисоли бегона ўтга ўхшайди.

Миннатдорчилик билдириш мисоли гул. Уни ғамхўрлик билан вояга етказмоқ, асраб-авайламоқ керак.

Агар фарзандларимиз нонкўр бўлса, ким айбдор? Эҳтимол, ўзимиздир? Агар биз миннатдорчилик билдиришга ҳеч қачон ўргатмаган бўлсак, улардан ўзимизга нисбатан миннатдорчиликни қандай кутишимиз мумкин?

Мен Чикагода яшовчи бир киши билан танишман. Унинг асраб олган болаларининг нонкўрлигидан шикоят қилишга сабаблари бор, албатта. У қути фабрикасида тинка-мадори қуригунча меҳнат қилар, эвазига ҳафтасига қирқ доллардан ошиқроқ ҳақ оларди. Вояга етган икки ўғлини коллежга ўқитиш шарти билан бир бева аёлга уйланган эди. Коллежга ҳам ҳақ тўлаш талаб этиларди. Бу киши ҳафтасига маошидан қирқ долларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва ёқилғи сотиб олиш ҳамда ижара ҳақи тўлашга мажбур эди, боз устига бу маблағдан ўз векселига ҳам пул тўларди. У тўрт йил давомида ҳўкиздай тер тўкди ва ҳеч қачон шикоят қилгани йўқ.

Эвазига бирор киши унга миннатдорчилик билдирдими? Йўқ! Бу ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. Хотини ҳам бунга одатий ҳол деб қарар, болалари ҳам ундан ибрат оларди. Улар ўгай отага жиндай бўлса-да, бурчли эканликларини ўйламасдилар, шу тариқа миннатдор бўлиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Хўш, бунга ким айбдор? Болаларми? Сўзсиз, аммо онаси ундан ҳам кўпроқ айбдор. Бу аёлга "бурч туйғуси"га амал қилиш уларнинг ёш оиласига малол келиб, камситишдай туюлган. У фарзандлари ҳаётда "қарздор" бўлиб қолишини асло истамасди. Шунинг учун: *"Сизнинг тутинган дадангиз бамисоли марҳаматли шаҳзода! Коллежда маълумот олишингиз учун фақат ўгина ёрдам бера олди!"* дейиш умуман миясига келмасди! Бунинг ўрнига қуйидаги нуқтаи назарга маҳкам ёпишиб олган эди: *"О, у амалга ошираётган ишдан сиз учун энг озгинаси мана шу!"*

Бу аёл аслида фарзандларини аягандай бўлар, аммо ҳақиқатда уларда ҳаётга нисбатан қалтис муносабатни тарбияларди, худди бутун дунё улар олдида нимадандир қарздордай эди. Дарҳақиқат, ана шу хатарли ғоя ўғиллардан бирини ҳалокатга дучор қилди. У ўз хўжайинидан

пул қарз сўрашга ҳаракат қилди ва охир-оқибат қамоққа тушди!

Шуни унутмаслигимиз керакки, фарзандларимизни қай тарзда вояга етказсак, улар шу тарзда ўсадилар. Масалан, холам Виола Александер аёлларнинг ажойиб намунаси эди, у ҳеч қачон болалари миннатдорчилик билдирмагани учун зорланмаган. Мен ҳали ёш эканимда, Виола хола ўз онасини бағрига олди, онасига қанчалик меҳрибон ва ғамхўр бўлса, қайнонасига ҳам худди шундай муносабатда бўлди. Кўзимни юмаман-у, бир зум хаёлан ўтмишга шўнғийман. Бу икки қари кампир Виола холамнинг фермаси остонасида дўстона ўтиришгани шундоқ кўз олдимда гавдаланади. Улар холамни безовта қилишганмиди? Баъзан-баъзан бўлса керак, деб ўйлайман. Аммо хатти-ҳаракатида мазкур ҳолат асло билинмасди. У бу икки кекса аёлни севар ва ардоқлар эди. Холамнинг ҳузурида кампирлар ўзларини худди ўз уйларида ўтиргандек сезишарди. Виола холанинг олти боласи бўлишига қарамай, уларни қучоқ очиб қаршиларди. У ҳеч қачон, мурувват кўрсатяпман, деб ўйламас, кекса аёлларга нисбатан ғамхўрлиги учун улардан тантанали ташаккур ҳам кутмасди. Бу холам учун табиий ҳол эди. У қалбининг шиддатига қулоқ тутарди.

Виола хола ҳозир қаерда экан-а? У йигирма йилдан бери бева, вояга етган беш нафар фарзанди оиласи билан алоҳида яшайди. Уларнинг бари Виола холани интиқлик билан кутади ва ўзлари билан бирга яшашга таклиф этишади! Болалар уни ниҳоятда яхши кўришади ва у билан кўпроқ бирга бўлгилари келади. Бу миннатдорчилик туфайлими? Ҳеч ҳам-да! Уларни чинакам муҳаббат бошқаради. Улар ҳароратли ва кенг қамровли муҳитда вояга етганлар. Шу сабабли энди шароит ўзгарса ҳам онага жавобан меҳр-оқибат кўрсатадилар, бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Шунинг учун эсдан чиқармаслигимиз керакки, миннатдор болаларни ўстириш учун ўзимиз бошқаларга нисбатан мурувват кўрсатишимиз керак. Ҳамиша эсда тутинг: болалар ҳамма вақт катталарнинг суҳбатини эшитишни хуш кўришади — ҳушёр бўлинг. Мисол учун: бошқаларга кам мурувват кўрсатилган ўринларда улар иштирокини сезсангиз — шу заҳоти тўхтанг. Ҳеч қачон: *"Мана буни, Сью*

*амаки юборган сочиқларни қарагин, рождествога юборибди, уларни ўзи тўқиган. У бир мири ҳам турмайди"*, деманг. Бу гап-сўз бизга оддий кўриниши мумкин, аммо болалар эшитиб туришибди. Бунинг ўрнига: *"Сью амакини қаранг-а, бизга рождество совғасини тайёрлаш учун у неча соат вақт сарфлади экан?! Буни ўйлаб кўрдингизми? У қандай ажойиб одам-а! Келинглар, дарров унга табрикнома ёзиб, миннатдорчилик билдирамиз"*, деб амакини чин юракдан мақтасак, яхши эмасми? Шунда фарзандларимиз ўз-ўзидан яхшиликни қадрлаш одатини эгаллайдилар ва ким яхшилик қилса, унга миннатдорчилик билдиришни ўрганадилар.

Миннатдорчилик билдирмаслик оқибатида юзага келадиган дилгирлик ва безовталикдан сақланмоқ учун учинчи қоидани бажаринг:

**А.** *Миннатдорчилик билдирганлари учун ранжиш ўрнига, яхшиси, миннатдорчилик кутманг. Ёдингизда тутинг, Исо Масиҳ ўнта моховни бир кунда соғайтирганида, уларнинг фақат биттаси миннатдор бўлган, холос. Биз нега Исо Масиҳ сазовор бўлган миннатдорчиликдан ортиғини кутар эканмиз?*

**В.** *Эсингизда бўлсин, бахтга эришишнинг ягона йўли, бу — миннатдорчилик кутмаслик, балки ўз шахсий шодлиги учун меҳр-мурувват "ижод этишдир".*

**С.** *Ёдингизда бўлсин, миннатдорчилик шундай феълатвор белгисики, уни тарбиялаш лозим, агар болаларимиз яхшиликнинг қадрига етишини истасак, уларни шунга ўргатишимиз керак.*

*Ўн бешинчи бўлим*

## ЎЗИНГИЗ ЭГА БЎЛГАН НАРСАНИ МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА БЕРАРМИДИНГИЗ?

Мен Гарольд Эбботт билан кўп йиллардан бери танишман. Маълум вақт у камина дарс берган курсда ўқув бўлими мудири бўлиб ишлаганди ҳам. Бир куни у билан Канзас—Ситида учрашиб қолдик ва мени автомобилида Миссури штатидаги Белтонда жойлашган фермамга олиб кет-

ди. Сафар мобайнида мен ундан безовталикдан қандай халос бўлганини сўрадим. Гарольд бу саволга жавобан шундай руҳлантирувчи воқеани гапириб бердики, уни ҳеч қачон унутмайман:

*"Мен одатда жуда кўп безовта бўлардим,* — деди у, — *аммо бир куни... 1934 йилнинг баҳор кунларидан бирида Уэбби-Ситидаги Уэст-Доуэрти кўчаси бўйлаб борар эканман, шундай бир манзаранинг гувоҳи бўлдимки, у барча ташвишларимни бирйўла бартараф этди. У бор-йўғи ўн сония давом этди, ана шу вақт давомида кейинги ўн йилда қандай яшаш кераклигини англаб етдим.*

*— Икки йил мобайнида мен Уэбб-Ситидаги баққоллик дўконида эгалик қилдим,* — деб ҳикоя қилади Гарольд Эббот, *— шунда жами жамғармамдан маҳрум бўлибгина қолмай, қарзга ботиб қолдим, уни етти йилда узишим мумкин эди. Ўтган шанбада дўконни ёпишга мажбур бўлдим, ҳозир эса банкдан қарз олиб, Канзас-Ситига иш ахтариб бормоқчиман. Мен ғамдан адо бўлган одам каби қадам ташлар эдим. Ҳаётга ишончим ва курашга қобилиятим йўқолганди. Бирдан икки оёғидан ажралган бир одамга кўзим тушди. У унча катта бўлмаган ёғоч аравачада ўтирар, ғилдираклар ўрнига роликлар маҳкамланган эди. Бу инсон қўлларидаги ёғоч бўлаклари ёрдамида олдинга ҳаракатланарди. Мен уни кўчани кесиб ўтиб, йўлакнинг бир неча дюм баланд жойига чиқмоқчи бўлганида учратдим. У ўзининг кичик енгил аравачасини қўзғатганида, кўзларимиз беихтиёр равишда тўқнашди. У мени бахтиёр табассум билан қаршилади. "Ассалому алайкум, сэр. Қандай ажойиб тонг-а? Шундай эмасми?" деди қувноқ ҳолда. Унга тикилиб туриб, нақадар улкан бойликка эга эканлигимни тушундим. Менинг икки оёғим бор. Юра оламан. Ўз аҳволимга афсусланганим учун уят ҳисси мени қамраб олди. Ўз-ўзимга: "Оёғи бўлмаса ҳамки, бу одам бахтиёр, қувноқ, шод-хуррам ва ўзига ишонган экан, сўзсиз, ўшандай бўлмоғим керак, ахир менинг икки оёғим бор-ку", дедим. Бирдан қандайдир кучга тўлиб кетганимни сездим. Илгари мен банкдан қарзга фақат юз доллар олардим. Энди қатъият билан икки юз доллар сўрай олардим. Банк хизматчисига Канзас-Ситига жўнаш учун отланганимни, у ердан иш топиш учун ҳаракат қилаётга-*

*нимни айтмоқчи эдим. Энди ишонч билан Канзас-Ситига ишга бориб, жойлашмоқчи эканлигимни билдирдим. Заёмни олдим ва ишга жойлашдим.*

*Ҳозир ювиниш хонамнинг ойнасида қуйидаги сўзлар ёпиштириб қўйилган, мен уни ҳар куни соқолимни қираётганда ўқийман: "Оёқ кийимим бўлмагани учун ғам-аламдан адо бўлаёзган эдим. Аммо бу аҳвол икки оёғи йўқ кишини учратганимга қадар давом этди".*

Бир куни Эдди Риккенбакердан Тинч океанининг бепоён уммонида уч ҳафта ўртоқлари билан яшашдан умид узиб, қутқарув солида тентираб юрганида, қандай сабоқ чиқариб олгани ҳақида сўрадим. *"Энг ибратли сабоқ,* — деди у, *— етарли ичимлик суви ва озиқ-овқат ҳамда ҳеч нарсадан мутлақо шикоят қилмасликдир".*

"Тайм" журналида Гаудаканал жангида ярадор бўлган сержант ҳақида мақола босилиб чиққан эди. Снаряд парчаси унинг томоғига теккан, шундан сўнг унга етти марта қон қуйганлар. У шифокорга: *"мен яшай оламанми?"* деб ёзиб берди. Шифокор *"ҳа"*, деб жавоб берди. Сержант бошқа қоғозга: *"гапира оламанми?"* деб ёзиб берди. Шифокорнинг жавоби яна таъкидловчи бўлди. Шунда ярадор навбатдаги шундай ёзувни битди: *"Жин урсин, мен нега безовта бўлар эканман?"*

Нима учун бир нафас тин олиб, ўзингизга: *"жин урсин, нега мен безовта бўлар эканман?"* деб савол бермайсиз? Шунда важлар ҳар жиҳатдан асоссиз ва арзимас эканлигини билиб оласиз.

Ҳаётимизда тўқсон фоиз яхшилик ва тўғрилик ҳамда ўн фоиз ёмонлик мавжуд. Агар биз бахтли бўлишни истасак, бутун диққат-эътиборимизни фақат яхшиликка йўналтиришимиз ва ёмонлик ҳақида ўйламаслигимиз керак. Агар безовталик, ғам-алам ҳамда ошқозон яллиғланишини хоҳласак, унда биз ўн фоиз ярамасликларга диққатни жалб этишимиз, тўқсон фоиз ойдинлик, хушчақчақликни писанд қилмаслигимизга тўғри келади.

"Гулливернинг саёҳатлари" асари муаллифи Жонатан Свифт инглиз адабиётида энг умидсиз пессимист ёзувчилардан бири эди. У дунёга келганига минг бор пушаймон қилар, ҳар йили туғилган кунида қоп-қора кийинар ва рўза

тутарди. Шунга қарамай, бу тенги йўқ пессимист ёзувчи Англия адабиётида қувонч ва бахтнинг қудратли кучига тўлқинланиб баҳо берган эди: *"Дунёдаги энг яхши шифокорлар,* — деб эълон қилганди у, — *бу жаноб Парҳез, жаноб Ором ва жаноб Шодликдир"*. Сиз ва мен "доктор Шодлик"нинг хизматларидан ҳар куни ва ҳар соатда текин фойдаланишимиз мумкин, бунинг учун ихтиёримиздаги тенги йўқ бойликларга эътиборимизни қаратишимиз керак. Улар Алибобонинг эртакларида тилга олинган хазинадан ҳам зиёддир. Сиз ҳар иккала кўзингизни миллиард долларга сотармидингиз? Икки оёғингиз учун қанча маблағ талаб қилар эдингиз? Қўлларингиз учун-чи? Қулоғингиз учун-чи? Болаларингиз сиз учун қимматлими? Оилангиз-чи? Фикран барча бойликларингизни қўя туринг, шунда англаб оласизки, ихтиёрингиздаги барча бойликларингизни Рокфеллерлар, Фордлар, Морганлар бойлиги билан бирга қўшганда ҳам асло алмашмас эдингиз.

Аммо биз буларнинг қадрига етамизми? Шубҳасиз, йўқ. Шопенгауэр айтганидек, биз ўзимиздаги мавжуд нарсалар тўғрисида кам ўйлаймиз, аммо ўзимизда бўлмаган нарсалар ҳақида ҳамиша безовта бўламиз. Аслини олганда, ўзимиздаги мавжуд нарсалар тўғрисида кам ўйлаш ва ўзимизда бўлмаган нарсалар борасида ҳамиша безовта бўлишга мойиллик ер юзидаги энг йирик фожиадир. Эҳтимол, бу мойиллик инсониятга тарихдаги барча уруш, эпидемиялардан кўра кўпроқ бахтсизлик келтиргандир.

Ҳаётда шу тариқа муносабатда бўлиш танишим Жон Палмерни "навқирон йигитдан кекса вайсақига айлантирди", унинг оилавий ҳаёт ўчоғини барбод қилаёзганди. Бу ҳақда ўзи менга гапириб берган эди.

*"Армиядан қайтганимдан сўнг,* — дейди у, — *дарҳол ўз шахсий корхонамни очдим. Кечаю кундуз тиним билмай ишладим. Дастлабки пайтларда ишлар бинойидек эди. Кўнгилсизликлар кейин бошланди. Мен ишга тегишли деталь ва жиҳозларни топа олмадим. Корхонамни ёпишга тўғри келадими, деб қўрқардим. Шу даражада безовта бўлдимки, оқибатда навқирон йигитдан вайсақи чолга айландим. Асабий ва тажанг одам бўлдим-қолдим. Лекин буни асло пайқамасдим. Шу туфайли оилавий бахт ўчоғидан айрилиб*

*қолишимга озгина қолганини энди-энди англаяпман. Аммо бир куни корхонамда ишлайдиган ёшгина уруш ногирони менга шундай деди: "Жонни, сен уялишинг керак. Ўзингни шундай тутяпсанки, гўё ер юзида фақат сенга оғирлик тушяпти. Фараз қилайлик, маълум муддатда корхонангни ёпдинг, хўш, нима бўпти? Ҳаммаси жойига тушгач, яна очасан. Сен жуда кўп бойликка эгасан, бундан хурсанд бўлишинг лозим. Ваҳоланки, фақат бақирганинг-бақирган. О, худойим, қани энди сенинг ўрнингда мен бўлсам! Мана, қара, менинг бир қўлим бор, холос. Юзимнинг ярмини эса ўтсочар қурол яралаб дабдала қилган. Шунга қарамай, мен асло зорланмайман. Агар сен бақириш ва вайсашни бас қилмасанг, нафақат корхонангдан, балки ўз соғлигинг, оилани ва дўстларингдан ҳам айриласан!"*

*Бу огоҳлантиришлар мени лол қолдирди. Ихтиёримда нима бўлса, шундан фахрлашга мажбур этди. Мен зудлик билан ўзимни қўлга олиш ва олдингидай бўлишга аҳд қилдим. Ва шундай бўлдим ҳам".*

Танишим Люсиль Блейк ҳам ўзида мавжуд нарсалардан хурсанд бўлиш ва йўқ нарсадан безовта бўлмасликни ўргангунига қадар маънавий ҳалокат ёқасига бориб қолган эди.

Мен Люсиль билан кўп йиллар муқаддам танишган эдим. Биз Колумбия университетининг журналистика факультетида бирга ўқидик, қисқа ҳикоялар ёзиш маҳоратини эгалладик. Тўққиз йил муқаддам у ўз ҳаёти давомида энг оғир руҳий изтиробни бошидан кечирди. Ўша пайтда у Аризона штатидаги Тугон манзилида истиқомат қиларди. Ўзи тўғрисида менга қуйидагиларни гапириб берди: *"Мен турли-туман воқеалар ва вақтихушлик гирдобига тушиб қолган эдим. Аризона штатидаги университетда орган чалишни ўрганиб, талаффузида нуқсони бор талабалар билан ўтказиладиган машғулотларга раҳбарлик қилардим. Ўзим истиқомат қиладиган Дезерт-Уиллоу-Ранчда мусиқани идрок қилиш бўйича дарс ўтардим. Кечки зиёфатларда қатнашар эдим, рақсга тушардим ва тунда от миниб сайр қилишга ишқибоз эдим. Бир куни ногаҳон эрталаб ўрнимдан тура олмадим. Юрак! "Сиз бир йил давомида тўшакда қимирламай ётишингиз керак. Сизга фақат хотиржамлик керак", деди шифокор.*

*У менинг бирор кун соғайиб оёққа туриб кетишимга ишонмас эди.*

*Бутун йил давомида тўшакка михланиб ётиш! Ногирон бўлиш, ҳатто ўлиб кетиш! Мен даҳшат ичида ўзимни йўқотиб қўйгандим. Бу нега айнан менда содир бўлди? Айбим нимада эди? Мен йиғлар ва ғам-аламдан оҳ-воҳ чекардим. Ғазабим ошиб-тошиб кетган, сабр косам тўлган эди. Аммо шифокорнинг маслаҳатига кўниб, ўзимни тўшакка ташладим. Қўшним, рассом жаноб Рудольф менга: "Сиз ҳозир бир йил тўшакда михланиб ётишни фожиа деб ўйлаяпсиз. Лекин ундай эмас. Сизда ўй суриш ва ўзингизни англаш учун вақт етарли бўлади. Шу бир неча ой ичида бутун ҳаётингиздан кўра кўпроқ руҳан ўсасиз", деди. Мен анча хотиржам бўлдим ва барча қадриятларни қайта баҳолашга ҳаракат қилдим. Шундай китобларни ўқиб чиқдимки, улар менга руҳ берди. Бир куни радиодан қуйидаги сўзларни эшитиб қолдим: "Сиз ўз ақлингиз доирасида бўлган нарсаларни ифодалай оласиз, холос". Илгари бундай сўзларни кўп марта эшитгандим, аммо моҳиятини энди англаб етдим. Энди фақат яшашимга ёрдам берадиган бахт, шодлик ва саломатлик тўғрисида ўйлашга аҳд қилдим. Ҳар куни эрталаб уйқудан кўз очганимда, тақдиримдан шукур қилишни ўйлашга ўзимни мажбур этардим.*

*Мен айнан шу пайтда бирор жойим оғримаётгани, ажойиб қизим борлиги, кўзим яхши кўриши, эшитиш қобилиятим яхшилигини ўйлар эдим. Радиодан ёқимли мусиқалар эшитиларди. Ўқишим учун вақт етарли эди. Яхши тановвул қилиш имконияти бор эди. Ажойиб дўстларга эга эдим. Мен ниҳоятда шод-хуррам эдим ва мени кўришга шунчалик кўп танишлар келишар эдики, ахийри шифокор палатам эшигига ёзувли тахтача осиб қўйди. Унда хонага фақат бир киши, у ҳам белгиланган соатларда кириши мумкин, деб кўрсатилган эди.*

*Шундан бери тўққиз йил ўтди ва мен ҳазир тўлақонли фаол ҳаёт кечиряпман. Мен тўшакда ётган бир йилдан ҳаддан зиёд миннатдорман. Бу Аризонадаги энг фойдали ва хушбахт йилим эди. Худди ўша пайтдан бошлаб ҳар куни эрталаб тақдир сийлаган барча эзгуликлар ҳақида ўйлашни одат қилдим. Бу одат бутун умрим давомида сақланиб*

*қолди. У ҳаётимда қўлга киритилган энг қимматбаҳо хазинадир. Мен улимдан қўрққан кунимдан бошлаб яшашни ўрганганимни эсласам, уялиб кетаман".*

Қадрдоним Люсиль Блейк, сиз билан бундан икки юз йил муқаддам Сэмюэл Жонсон ўзлаштирган сабоқни ўзлаштириб олганимиз маълум бўлса керак. *"Ҳар бир воқеанинг ижобий томонини кўра олиш маҳорати,* — деган эди доктор Жонсон, — *бир йилда минг фунтдан кўра зиёд туради".*

Эътибор беринг, бу сўзлар профессионал оптимист томонидан айтилгани йўқ. Уни йигирма йил давомида руҳий азоблар, муҳтожлик ва йўқчилик ичида яшаган, охир-оқибатда ўз авлоди орасида энг машҳур ёзувчи ва барча даврлар учун ёрқин суҳбатдош бўлиб етишган киши айтмоқда.

Логан Пирсалл Смит бир неча сўзга чуқур донишмандликни жойлаб, шундай деган эди: *"Ҳаётда ўз олдимизга икки мақсадни қўймоғимиз керак. Биринчиси — нимага эришмоқчи бўлсангиз, шуни амалга оширинг. Иккинчи мақсад — эришилган нарсадан шод-хуррам бўлиш маҳоратидир. Фақат инсониятнинг энг донишманд намояндаларигина иккинчи мақсадга эришишга муяссар бўладилар".*

Сиз, балки, ишонмассиз, ҳатто ошхона чаноғи *(раковинаси)*да идишларни ювиш ҳам кучли равишда ҳаяжон қўзғатиши мумкин. Бу ҳақда билишга қизиқсангиз, Боргильд Далнинг такрорланмас жасорати ҳақидаги илҳомбахш китобини ўқиб чиқинг. Китоб "Мен кўришни хоҳлайман" деб номланган.

У ҳақиқатан ҳам эллик йил давомида кўзи ожиз бўлиб қолган аёл томонидан ёзилган. *"Менинг фақат битта кўзим кўрарди,* — деб ёзади муаллиф, — *у ҳам қалин чандиқлар билан қопланган эди. Бирор нарсанинг фарқини фақат чап кўзимнинг тирқишидан ажратардим. Китобни ҳам юзимга ниҳоятда яқин тутиб, бутун кучимни сарфлаб кўз қирим билан кўрардим".*

Аммо Боргильд Даль бировларнинг раҳм-шафқатига муҳтож бўлишни истамади, бошқаларнинг раҳмдиллик кўрсатганидан юз ўгириб, уларнинг "ноқис" дейишларини хоҳламади. У кичкиналигида бошқа болалар қатори "класс" номли ўйинни жуда севар, аммо чизиқлар ва белгиларга

кўзи ўтмас эди. Шунинг учун тенгқурлари уйига кетгач, у ерда ўрмалаб, кўзлари билан чизиқлар ўрнини аниқлашга ҳаракат қиларди. Болалар ўйнаган ҳудуддаги ҳар бир сантиметр жойни эслаб қолар эди. Ва тезда ажойиб тарзда чопадиган бўлди. Уйда у йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган китобни кўзига шу даражада яқин келтириб ўқирдики, киприклари китоб варақларига тегиб турарди. Унинг иккита илмий унвони бор эди: Миннесота университети санъат бакалаври ва Колумбия университети санъат магистри.

Боргильд Даль ўз фаолиятини Миннесота штатидаги Туин-Вэлли номли кичкина қишлоқда дарс беришдан бошлаб, Жанубий Дакота штатининг Сиу-Фолсдаги Август коллежида журналистика ва адабиёт профессори мартабасига эга бўлди. Ўн уч йил давомида таълим бериш билан шуғулланди. Шу билан бирга хотин-қизлар клубида маърузалар ўқиди, радиодан бериладиган эшиттиришларда иштирок этди, адабий асарлар таҳлилига бағишланган тадбирларда қатнашди. *"Юрагимнинг туб-тубидан,* — деб ёзади у, — *бутунлай кўр бўлиб қолсам керак, деб жуда қўрқардим. Бу қўрқувдан халос бўлиш учун ўзимни эркин ҳис этишга, қувноқ кайфиятда бўлишга ҳаракат қилардим"*.

Шундан сўнг, 1944 йилда, Боргильд Даль эллик икки ёшга тўлганида, мўъжиза юз берди: Мэйодаги машҳур клиникада операция ўтказилди. У энди аввалгига нисбатан қирқ марта яхши кўрадиган бўлди.

Боргильд Даль олдида янги ва қизиқарли дунё очилди. Энди унга ошхона чаноғи *(раковинаси)*да идиш-товоқ ювиш ҳам бир дунё завқ бағишлар эди. *"Мен идиш ювa туриб, косадаги оқ совун пуфаклар билан ўйнашаман,* — деб ёзади у, — *қўлимга пуфакчаларни йиғаман-у, уларни ёруққа солиб кўраман, шунда ҳар бирида кичик камалак товланаётганига кўзим тушади"*.

Ошхона деразасидан қараганида, қора қўнғир қанотларини силкитаётган қарғаларга кўзи тушди. Қор ёғишига қарамай, улар илдам учар эди.

Сиз ва мен ўз-ўзимиздан уялишимиз керак. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни ва йили афсонавий гўзалликлар билан ўтмоқда. Аммо биз уларни кўра олмайдиган сўқирмиз ва улардан завқланишдан ўта безганмиз.

Агар сиз безовта бўлишни истамай, яхши яшамоқчи бўлсангиз, 4-қоидани бажаринг: *ютуқларингизни ҳисоблаб боринг, дилсиёҳликларингизни эмас!*

*Ўн олтинчи бўлим*

## ЎЗЛИГИНГИЗНИ ТОПИНГ ВА ЎЗИНГИЗ БИЛАН БЎЛИНГ: ЁДИНГИЗДА ТУТИНГ, ЕР ЮЗИДА СИЗГА ЎХШАГАН ОДАМ ЙЎҚ

Мен Эдит Олред хонимдан мактуб олдим. *"Болалигимда жудаям таъсирчан ва уятчанлигим билан ажралиб турардим,* — дейди у ўзининг хатида, — *ҳамиша ортиқча вазнга эга эдим, юзларим эса менга одатдагидан кўра анча қалин кўринарди. Онам эскича тарбия олган бўлиб, кийимларим чиройли бўлишини истамасди. Буларнинг барини бемаънилик, деб ҳисоблар эди. "Кенг кийимлар яраша ди, тор либослар эса тез йиртилади",* — *дерди доим. Мени шу қоидага амал қилиб кийинтирарди. Мен асло меҳмондорчиликка бормас, ҳеч қандай ўйин-кулгининг яқинига йўламасдим, мактабга борганимда, очиқ ҳавода ўтказиладиган ўйинларда мутлақо иштирок этмасдим, ҳатто спорт билан шуғулланмасдим. Ҳаддан ташқари тортинчоқ эдим. Бошқаларга ўхшамаслигимни ҳис этганим боис эътиборларини ўзимга торта олмайдиган ёқимсиз бўлсам керак, деб ҳисоблардим.*

*Улғайганимдан сўнг ўзимдан бир неча ёш катта кишига турмушга чиқдим. Аммо ўзгармадим. Эримнинг қариндошлари оғир-вазмин ва ўзларига ишонган кишилар эдилар. Улар мен эга бўлишни истаган барча хислатларга эга эдилар. Мен кучим борича уларга ўхшашга ҳаракат қилар, аммо эплай олмасдим. Уларнинг мени янада дилкаш этишга бўлган ҳаракатларининг натижаси шу бўлдики, мен кундан-кунга ва тобора ўзим билан ўзим овора бўлиб қолдим. Асабий ва тажанг инсонга айланиб, барча дўстларимдан ўзимни четга тортадиган бўлдим. Аҳволим шу даражада ёмонлашдики, ҳатто эшик қўнғироғи жиринглаганида ҳам даҳшатга тушиб қалтирар эдим. Ўзимни толеи паст ҳисоблардим.*

*Мен буни билар ва эрим сезиб қолишидан қўрқардим. Шу сабабли давраларда бўлганимизда, қувноқ кўринишга*

*ҳаракат қилардим ва кўпинча бундан ютқазар эдим. Шу зайлда бир неча кун ўзимни бахтиқаро деб ҳисоблардим. Ниҳоят, шундай тушкун ҳолатга тушдимки, энди яшашдан маъни қолмагандай кўринди. Ўз-ўзимни ўлдиришни ўйлай бошладим".*

Бу бахтиқаро аёлнинг тақдирини нима ўзгартирди? Бир оғиз тасодифан айтилган сўз!

*"Ушбу тасодифий мулоҳаза,* — деб давом этди Олред хоним, — *ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Бир куни қайнонам ўз болаларини қандай тарбиялаганини ҳикоя қила туриб, шундай деди: "Қандай бўлмасин, уларни ўз-ўзини англашга мажбур этардим..." Ўз-ўзини англаш... Ана шу бир оғиз сўз ҳаётимни янгидан ўйлаб кўришга мажбур этди. Бирдан калламга фикр келиб қолди. Англадимки, барча ғам-аламлар менга мос бўлмаган ролни ўйнашга ҳаракат қилганим оқибатида пайдо бўлган экан.*

*Мен бирдан хулқимни ўзгартирдим. Дастлаб ўзимни англашга ҳаракат қила бошладим. Шахсиятимни ўрганишга киришдим. Ўзим нимадан иборат эканлигимни аниқлашга ҳаракат қила бошладим. Қадр-қийматимни ўргандим. Рангларни ажрата билиш, кийиниш усулларини ўзлаштира бошладим, қиёфамга қараб кийинишга ҳаракат қилдим. Янги дўстлар орттирдим. Жамоат ташкилотига кирдим, у дастлаб унча катта эмасди, менга маъруза ўқиш топширилганида, қўрқувдан юрагим ёрилай деган. Лекин ҳар бир янги маърузадан дадилроқ ва яна далилроқ бўла бошладим. Менга кўп вақт керак бўларди, аммо энди бир пайтлар орзу қилганимга нисбатан хушбахт эдим. Болаларимни тарбиялай туриб, уларни ҳамиша ўз аччиқ тажрибамдан англаганим: "қандай ҳодиса юз бермасин, доимо ўз-ўзингиз билан бирга бўлинг", деб ўргатардим".*

*"Бу муаммо, яъни ўз-ўзини англаш — худди азал абад каби қадимийдир,* — деган эди доктор Жеймс Гордон Жилки, — *ва инсон ҳаёти каби умумийликка эга".* Ўз-ўзи билан бўлмаслик кўпинча асабийлик, руҳий касаллик ва бошқа мажмуаларнинг яширин сабабчиси бўлади. Анжело Патри болалар тарбиясига оид ўн учта китоб ва мингдан ортиқ мақолалар ёзди. У шундай дейди: *"Ўзининг жисмоний ва руҳий хусусиятларига эга бўлган шахс бошқа кимгадир ва*

*нимагадир ўхшашга ҳаддан зиёд уринса, у кўп жиҳатдан бахтсиздир".*

Бошқа кишига ўхшашга уриниш, асосан, Ҳолливудда кўпроқ тарқалган. Ҳолливуднинг энг машҳур режиссёрларидан бири Сэм Вуднинг ҳикоя қилишига кўра, ёш шуҳратпараст актёрлар билан унинг орасида рўй берган муаммо ана шу, яъни уларни ўз-ўзини англашга мажбур этиш машаққати бўлган. Уларнинг бари иккинчи навли Лана Тернер ёки учинчи даражали Кларк Гейбл бўлишни хоҳларди. *"Оммага уларнинг ўзига хослиги аллақачон маълум,* — деб тинмай такрорлайди Сэм Вуд, — *у эса энди бошқаларга ўхшагиси келади".*

"Алвидо, жаноб Чипс" ва "Қўнғироқ кимга чалинди?" каби фильмларга қадар Сэм Вуд кўчмас мулк савдоси соҳасида кўп йиллар меҳнат қилди, савдо-сотиқ агентларини тайёрлади. Унинг фикрича, бизнес оламида ҳам, кино дунёсида ҳам бир хил тамойиллар амал қилади. *"Сиз доим бировга кўр-кўрона тақлид қилсангиз, ҳеч нарсага эга бўлмайсиз. Тўтиқушга ўхшамаслик керак. Тажриба менга шуни ўргатдики,* — дейди Сэм Вуд, — *энг муҳим мақсадга мувофиқлик ўзига ўхшамаган кишилардай ўзини тасаввур этадиган одамлардан тезроқ қутилишдир".*

Яқинда мен "Сокони Вакуум-ойл" номли йирик нефть компаниясининг кадрлар бўлими раҳбари Пол Бойнтондан иш юзасидан унга мурожаат этган кишиларнинг энг катта хатоси нимадан иборатлигини сўрадим. У иш ахтарган олтмиш мингдан ортиқ киши билан суҳбатлашган, шу билан бирга "Иш топишнинг 6 усули" номли китоб ёзган, демак, кўп нарсани билади. Пол Бойнтон шундай деб жавоб берди: *"Иш ахтарган кишиларнинг энг катта хатоси шундаки, улар аслида қандай бўлса, ўзларини шундай кўрсатишмайди. Тортинмасдан, очиқ, бемалол бўлиш ўрнига шундай саволлар беришадики, уларнинг ўйлашича, сиз бу ҳақда эшитишни истайсиз. Лекин бундай ёндашув кетмайди, чунки алдоқчиларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Улар худди қалбаки тангага ўхшайдилар".*

Ўзининг аччиқ тажрибаси билан худди шу воқеага ишонган бир аёлнинг кечмишини сўзлаб берай. У трамвай кондукторининг қизи эди. Бу қиз қўшиқчи бўлишга ҳаракат

қилди. Аммо афт-башараси унга жуда кўп кўнгилсизликларни келтирди. Унинг оғзи катта ва тишлари олдинга туртиб чиққан эди. Нью-Жерсидаги тунги клубда омма олдида биринчи марта чиққанида, тишларини беркитиш учун юқори лабларини чўзади. У ўзини "мафтункор" этишга ҳаракат қиларди, аммо натижаси нима бўлди? Кулгили аҳволга тушди. Унинг тутган мавқеи барбод бўлиши мумкин эди.

Аммо тунги клуб иштирокчилари орасида бир киши қизнинг қўшиқларини тинглаб, қобилияти борлигини пайқайди. *"Қулоқ сол,* — дейди у дангалига, — *мен чиқишларингни кузатдим ва биламан, сен ниманидир яширишга уриняпсан. Сен ўз тишларингдан уяляпсан".* Қиз хижолат тортди, лекин эркак гапиришда давом этди: *"Хўш, бундан нима чиқади? Чиройли тишга эга бўлмаслик жиноятми? Уларни яширишга уринмай қўя қол! Оғзингни очавер, кўпчилик сени кўриб, ёқтириб қолади, уялиб қолмайсан. Бунинг устига,* — зийраклик билан қўшиб қўйди у, — *сен яширишга уринган худди ана шу тишлар, балки сенга муваффақият ва бойлик келтирар".*

Кэсс Дейли унинг маслаҳатига амал қилди ва ўзининг тишларини унутди. Ўша вақтдан бошлаб у фақат ўз шинавандаларини ўйлади. Оғзини катта очиб, шундай завқ-шавқ билан куйладики, оқибатда кино ва радионинг энг ёрқин юлдузига айланди. Бошқа комедия артистлари ҳозир унга тақлид этишга ҳаракат қиладилар!

Таниқли Уильям Жеймс ўзларини топа олмаган кишиларни назарда тутиб, ўртача одам ўзида мавжуд бўлган интеллектуал қобилиятларнинг фақат ўн фоизини ривожлантиради, холос, деб таъкидлаган эди. *"Қандай бўлишимиз лозимлигини таққослаганимизда,* — деб ёзади у, — *фақат шунинг ярмигагина тетик бўламиз, холос. Биз ўзимизда мавжуд бўлган жисмоний ва ақлий куч-қувватларнинг фақат бир қисмидан фойдаланамиз. Умуман олганда, одам шу тариқа ўз имкониятларидан охиригача фойдаланмайди. У турли хилдаги беҳуда сарф этиладиган кучларга эгалик қилади".*

Сиз ва биз шундай имкониятларга эга эканмиз, бошқаларга ўхшамаганимиз учун бирор дақиқа ҳам безовта бўлмаслигимиз керак. Ўзингизни бу дунёда мутлақо янги

деб тасаввур этинг. Асрлар ўтган бўлса ҳамки, худди сизга аниқ-тиниқ ўхшаган одам ҳеч қачон бўлмаган, келаси асрларда ҳам айнан сизга монанд одам бўлмайди. Генетиканинг ҳисоб-китобига кўра, биз аслида қандай бўлсак, худди шундайлигимизча қоламиз, яъни оталикнинг 24 хромосомаси ва оналикнинг 24 хромосомаси қўшилиши туфайли вужудга келамиз.

Ушбу 48 хромосомада наслимизни белгиловчи барча нарсалар мавжуд бўлади. *"Ҳар бир хромосомада,* — деб ёзади Амран Шейнфелд, — *икки ўнлик гендан тортиб, юзлаб генлар мавжуд бўлади, айрим ҳолларда биргина геннинг ўзи ҳам инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин". Ҳақиқатан ҳам "даҳшатли ва муъжизавий" тарзда яратилганмиз-да".*

Ҳатто, сизнинг ота ва онангиз учрашиб, сўнг никоҳга кирганидан сўнг ҳам 300 000 миллиард имкониятдан фақат биттасида худди сиз каби одам туғилар экан! Бошқача айтганда, агар сизнинг 300 000 миллиард ака-ука ва сингилларингиз бўлганида уларнинг ҳаммаси ҳам сизга ўхшамаслиги мумкин экан! Буларнинг бари тахмин деб ўйлаяпсизми? Асло ундай эмас. Бу илмий асосга эга. Агар мазкур масалада қўшимча маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз, халқ кутубхонасига киринг-да, "Сиз ва наслнасабингиз" номли китобни олинг. Унинг муаллифи Амран Шейнфелддир.

Менда "ўз-ўзини англаш" учун гапирмоққа асос бор, чунки бу мени ниҳоятда қизиқтиради. Нима ҳақида гапираётганимни яхши биламан. Аччиқ тажрибам менга жуда қимматга тушди. Мана мисол: мен Миссурининг маккажўхори экилган далаларидан Нью-Йоркка дастлаб келганимда, Америка драматик санъат академиясига ўқишга кирдим. Актёр бўлишга интилдим. Шунда калламга бир фикр келди, назаримда, бу ният зўр, ғоятда оддий, шу билан бирга ниҳоятда омадли ғоя эдики, мен минглаб ростгўй кишилар нега унга дуч келмаганлар, деб сира тушуна олмасдим. Бу ғоя мазмуни қуйидагича эди: мен ўша даврда донг қозонган актёрлардан Жон Дрю, Уолтер Хэмпден ва Отис Скиннерлар ижодини ўрганаман. Сўнг уларнинг ҳар биридаги энг яхши хислатларга тақлид қилиб,

ўзимга сингдираман. Бу ҳол менинг энг ёрқин ва такрорланмас актёр бўлишимга ёрдам қилади, деб ўйладим. Нақадар бемаънилик! Нақадар тутуриқсизлик! Ўз-ўзимча қолишим керак, балки ҳеч қачон бошқа киши бўлиб қолмасман, деган фикр менинг ошқовоқ мисоли миссурилик калламга келгунча, бошқаларга тақлид қилиб, қанча йилларни беҳуда ўтказиб юбордим.

Бу аччиқ тажриба кўп йиллар давомида менга сабоқ бўлиши керак эди. Аммо бундай бўлмади. Қаёқда дейсиз, мен ҳалдан ташқари гўл эдим. Буларнинг барини яна бошимдан ўтказдим. Бир неча йил ўтгач, китоб ёзишга киришдим, у нотиқлик санъати бўйича ишбилармон кишиларга мўлжалланган бўлиб, аллақачон ёзилиши керак эди. Энг яхши китоб бўлади, деб умид қилдим. Аммо китоб устида ишлаш жараёнида мен ўша бемаъни ғоя, яъни актёр бўлиш учун тайёргарлик кўриш арафасидаги ғояга асосландим. Жуда кўп адибларнинг фикрига тақлид қилишга киришдим ва уларни битта китобга жамлашга уриндим, у барча нарсани қамраб олиши керак эди.

Шундай қилиб, мен нотиқлик санъатига доир ўнлаб китобларни қўлга киритдим ва улардаги фикрларни ўз қўлёзмамга киритиш учун бир йил вақт сарфладим. Охир-оқибатда яна аҳмоқларча ҳаракат қилаётганим калламга келиб қолди. Мен ёзган бошқаларга тааллуқли бўлган фикрлар шу қадар зерикарли эдики, бирор ишбилармон одам унинг устида астойдил ишлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Шунда бир йиллик ижод маҳсулимни ахлат қутисига улоқтирдим-у, ҳаммасини қайта бошдан бошладим. Бу сафар ўз-ўзимга: *"Сен бутун нуқсонлари ва ожизликлари билан бирга Дейл Карнеги бўлиб қолишинг керак. Шубҳасиз, бошқага ўхшашинг мумкин эмас"*, дедим. Бошқаларнинг яхши томонларини ўзимга қўшиб олиб боришдан воз кечдим, барига қўл силтаб, бошида машғул бўлган ишга уриндим: нотиқлик санъатига доир дарслик ёздим, унда шахсий тажрибам, кузатишларим ва нотиқлик, нотиқлик маҳорати муаллими сифатида жамланган фикрларим ўз аксини топган эди. Мен сэр Уолтер Рэлей ўзлаштирган сабоқни *(бир умрга деб умид қиламан)* эгаллаб олдим *(Ўзининг плашчини ифлос кўприк устига ташлаб, устидан қиролича босиб ўти-*

*шини жудаям истаган сэр Уолтер ҳақида гапираётганим йўқ. Гап 1904 йилда Оксфордда инглиз адабиёти бўйича профессор бўлган сэр Рэлей ҳақида бормоқда). "Мен Шекспир даражасида китоб ёза олмайман, — деди у, — аммо ўз шахсий китобимни ёза оламан".*

Ўз-ўзингизни англанг. Ирвинг Берлин марҳум Жорж Гершвинга берган донишмандона маслаҳатларига амал қилинг. Улар илк бор учрашганларида, Берлин машҳур, Гершвин эса ёш композитор бўлиб, ҳаётда ўзини эндигина топаётган эди. У енгил мусиқалар ижод қилиб, ҳафтасига фақат ўттиз беш доллар ишларди. Берлинда Гершвиннинг қобилияти кучли таассурот қолдирди ва мусиқий котиблик бўйича иш таклиф қилди, ўшанда унинг маоши уч баробар ошарди. *"Лекин бу ишга рози бўлмасликни маслаҳат бераман, — деди Берлин, — агар сиз бу иш билан машғул бўлсангиз, иккинчи даражали Берлин бўлиб қоласиз. Агар қунт билан ўз-ўзингизни англасангиз, бир кун келиб, биринчи даражали Гершвин бўлиб қоласиз".*

Гершвин бу огоҳлантиришларни қабул қилди ва кейинчалик ўз даврининг энг машҳур америкалик композиторига айланди.

Чарли Чаплин, Уилл Рожерс, Мэри Маргарет Макбрайт, Жин Отри ва бошқа миллионлаб кишилар ушбу бўлимда сизнинг шуурингизга етказмоқчи бўлган сабоқни ўзлаштиришга мажбур бўлганлар. Худди мен каби уларга ҳам бу анча қимматга тушган. Чарли Чаплин кинога суратга туша бошлаганида, фильм режиссёрлари ўша пайтда таниқли немис комик актёрига тақлид қилишни талаб қилишган. Чаплин ўзига хос услубни эгаллагунига қадар ҳеч нарсага эриша олмади. Боб Хоуп худди шу ҳолатни бошидан кечирди — у бир неча йил давомида рақс ва қўшиқ ижрочиси бўлиб қолди ва шу тариқа муваффақият қозона олмади. У фақат ўз шахсий жанри — юмористик ҳикоя санъатини танлагач, машҳур бўлиб кетди. Агар Хоуп ўзида юмористик ҳангомаларни сўзлаш қобилиятини пайқамаганида умри беҳуда ўтиб кетарди. Мэри Маргарет Макбрайд дастлаб радиода чиқди, комик ирланд актрисаси амплуасини танлаганида, муваффақиятсизликка учраган эди. Фақат ўз-ўзини, яъни Миссуридаги оддий қишлоқи қиз ролини ижро

эта бошлаганидан сўнг Нью-Йорк радиосининг энг машҳур юлдузларидан бирига айланди.

Жин Отри Техас талаффузидан халос бўлиш учун ҳаракат қилиб юрганида, ўзини Нью-Йоркдан, деган эди, шунда одамлар унинг орқасидан фақат калака қилиб, кулгандилар. Аммо Жин ўзининг мусиқа асбоби банжо *(Америка негрларининг мусиқа асбоби)*да ковбой қўшиқларини куйлаганида, мавқеи ошишига асос солинган эди. У кинода ҳам, шунингдек, радиода ҳам ковбой дунёсидаги каби энг машҳур шахсга айланди.

Сиз бу дунёда нимадандир камолга етган янги киши ҳисобланасиз. Бундан хурсанд бўлинг. Табиат сизга нимаики инъом этган бўлса, шундан фойдаланинг. Охир-оқибатда ҳар бир санъат худди таржимаи ҳолга ўхшайди. Сиз фақат ўз овозингиз билан куйлашингиз мумкин. Сиз фақат ўз қўлингиз билан чизишингиз мумкин. Тажрибангиз, муҳитингиз, наслингиз сизни қандай яратган бўлса, сиз шу тарзда бўлишингиз керак. Қандай бўлмасин, ўз кичкина боғингизни яратишингиз лозим. Сиз ҳаёт оркестрида ўзингизнинг кичкина чолғу асбобингиз билан чалишингиз керак.

Эмерсон ўзининг "Ўз-ўзига ишонч" номли бадиасида ёзган эди: *"Инсоннинг руҳий дунёсида шундай лаҳзалар бўладики, у ҳасад жаҳолат туфайли туғилишига амин бўлади; тақлид — ўз-ўзини йўлдириш билан тенгдир; инсон ниманики хоҳламасин, ўз-ўзи билан келишиши зарур, у белгиланган қисмат билан муроса қилади; коинот қанчалик тўлиб-тошмасин, ризқу насибасини теришда у ўзига ажратилган бир қулоч ерда тер тўкмасдан туриб муяссар бўла олмайди, ана шунга ишонч ҳосил қилади. Унинг куч-қуввати табиатда ҳеч нарсага тенг келмайди ва фақат унинг ўзигина нималарга қобил эканлигини ўзини синовдан ўтказмасдан туриб, англай олмайди"*.

Эмерсон шундай деган. Марҳум шоир Дуглас Мэллок эса буни қуйидагича ифодалаган эди:

*Агар баландда қайин бўла олмасанг,*
*Водийда дарахт бўл, аммо яхшиси.*
*Чашма бўйида яхши дарахт бўл,*
*Дарахт бўлолмасанг, бўлгил бир шохча.*

*Агар шохча бўлмасанг, майса бўл, майли,*
*Йўлларни буркагин бахту иқболга,*
*Бўлолмасанг чўртан, бўлгил олабуға,*
*Кўлни яшнатган олабуға бўлгин сен!*

*Капитан бўлолмасмиз баримиз албат,*
*Кимлардир матрос бўлмоғи керак,*
*Баримизга бунда топилади иш,*
*Юмушлар бўлади катта ва кичик,*
*Фақат зарурини этамиз адо.*

*Йўл бўлолмасанг, сўқмоқ бўл, майли,*
*Қуёш бўлолмасанг, юлдуз бўла қол.*
*Ютасанми, ютқазасанми, эмасдир муҳим,*
*Ўзингда борини этгил намоён.*

Ҳаётда сизга осойишталик ва безовталикдан халос этувчи муносабатни ишлаб чиқиш учун бешинчи қоидани бажаринг:

*Бошқаларга тақлид қилманг. Ўзлигингизни топинг ва ўзўзингиз билан машғул бўлинг.*

*Ўн еттинчи бўлим*

## ҚЎЛИНГИЗГА ЛИМОН ТУШСА, УНДАН ЛИМОНАД ЯСАНГ

Бу китоб устида ишлаш жараёнида бир куни Чикаго университетида бўлдим ва унинг ректори Роберт Мейнард Хатчинс билан суҳбатлашдим. Хатчинсдан безовталикни қандай бартараф этишни сўрадим. У шундай деб жавоб берди: *"Мен ҳамиша "Сирс, Роубик энг компани" фирмасининг президенти марҳум Жулиус Розенвальд айтган "Сенга берилган лимондан лимонад ясагин" деган маслаҳатга амал қиламан"*. Таниқли педагог айнан шунга риоя қилади. Аммо лақма киши бунинг тескарисини бажаради. Агар тақдир унга лимонни муяссар кўрганини пайқаса, у бирдан руҳи тушиб кетиб: *"Мен ютқаздим. Тақдирдан кўрдим. Менда ҳеч қандай имконият қолмади"*, дейди. Шундан сўнг ҳаёт-

дан нолиб, ўз-ўзидан афсусланаверади. Лекин лимон ақлли кишининг қўлига тушиб қолса, у: *"Бу ишкалликдан қандай қилиб сабоқ чиқариб олишим мумкин? Мен аҳволимни қай тарзда тузата оламан? Бу лимондан қандай қилиб лимонад олиш мумкин?"* дейди.

Машҳур руҳшунос, ҳаётини инсон ва унинг яширин ҳаётий кучларини ўрганишга бағишлаган Альфред Адлер айтган эдики, инсоннинг ҳайратомуз фазилатларидан бири *"унинг манфийларни мусбатга айлантириш қобилиятидир"*.

Мен сизга худди шундай иш қилган бир таниш аёлнинг қизиқарли ва таъсирли ҳикоясини айтиб берай. Унинг номи Тельма Томпсон. *"Уруш пайтида,* — деб ҳикоя қилади у менга, — *эримни Нью-Мексико штатидаги Мохова саҳроси яқинидаги ҳарбий ўқув лагерига хизматга тайинлашди. Ундан айрилмаслик учун мен ҳам бирга жўнадим. Бу жойларни кўрарга кўзим йўқ эди. У билан боғлиқ нимаики бўлса, ғашимни келтирарди. Ҳаётда ҳеч қачон ўзимни шу даражада бахтсиз деб билмаган эдим. Эримни Мохова саҳросидаги ҳарбий ўқувга жўнатишди, мен эса жимитдай уйда бутунлай ёлғиз қолдим. Иссиққа чидаб бўлмасди: кактус сояси Фаренгейт бўйича 125 га чиққан эди. Яқинимда бирор тирик жон йўқ эдики, у билан дардлашсам. Атрофда фақат мексикаликлар ва ҳиндулар бўлиб, улар инглиз тилида гаплашмасдилар. Шамол тўхтовсиз эсар, ейдиган овқатим ҳам, оладиган нафасим ҳам фақат қум, қум, қумдан иборат эди!*

*Шу даражада бахтсиз бўлиб, ўз-ўзимга ачинардимки, ниҳоят ота-онамга хат ёздим. Тоқатим тоқ бўлди, уйга қайтаман, бирор дақиқа ҳам қолишга чидай олмайман, деб айтдим. Отам менга фақат икки қатордан иборат жавоб мактуби юборди. Ушбу икки сатр бир умр хотирамда муҳрланиб қолди. Улар ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди.*

*"Икки киши қамоқхона панжарасидан қарайди,*
*Бири фақат ахлатларни, бири эса юлдузларни кўради".*

*Мен ушбу мисраларни қайта-қайта ўқидим. Ўзимнинг хатти-ҳаракатларимдан уялиб кетдим. Аҳволимдаги ижо-*

*бий томонларни топишга аҳд қилдим. "Юлдуз"ларни кўришга интила бошладим.*

*Тезда маҳаллий аҳоли билан дўст тутиндим, уларнинг менга муносабати ҳайратланарли эди. Газмоллари ва керамик буюмларига қизиққан пайтимда улар ўзлари ясаган энг яхши буюмларини менга совға қилишди, ваҳоланки, сайёҳларга сотишдан бош тортган эдилар. Мен кактусларнинг ёввойи юкки ва дарахтсимон юкки турларини ўргандим. Ўтлоқ лайчалари ҳақида кўпгина янги маълумотларни билиб олдим, саҳрода қуёш ботишини кузатдим; денгиз чиғаноқларини изладим, улар миллион йиллардан бери, саҳро қумлари океан тубида бўлганидан буён ётган экан.*

*Мендаги бу ажабтовур ўзгариш нима туфайли рўй берди? Мохова чўллари ўзгарган эмас. Ҳиндулар ҳам ўша-ўша эди. Мен ўзгарган эдим. Фикрлаш тарзимни ўзгартирган-дим. Шу тариқа ҳаётимдаги энг оғриқли кечинмаларни энг қизиқарли саргузаштларга айлантирдим. Мен гўё янги дунё очдим. У мени тўлқинлантирар ва илҳом берарди. Шу даражада таъсирланган эдимки, ҳатто бу ҳақда китоб, яъни "Ёрқин нурланган бастионлар" номи билан нашр этилган роман ёздим. Мен ўзим яратган қамоқхонадан назар ташлаб, "юлдузлар"ни кўрдим".*

Тельма Томпсон, сиз юнонлар эрамизгача беш юз йил олдин айтган тарихий ҳақиқатни кашф этдингиз: *"Эзгу ишларни амалга ошириш ҳамиша қийин"*.

Гарри Эмерсон Фосдик буни йигирманчи асрда яна такрорлади: *"Бахт фақат ҳузур-ҳаловатдан иборат эмас, у, асосан, ғалаба демакдир"*. Ҳа, ғалаба машаққатларни бартараф этиш натижасида амалга ошади, худди зафарият каби биз ўз лимонларимиздан лимонад ясаймиз.

Бир куни мен Флоридадаги бахтиёр фермернинг уйида бўлдим, у заҳарли лимондан лимонад ясаган эди ҳатто. Фермани сотиб олганида, дастлаб жуда қийналган эди. Ердан ҳеч нарса ундириб бўлмасди. Унда мева-чева етиштириб бўлмас, ҳатто чўчқани кўпайтириш амримаҳол эди. Бу ерда фақат найзабаргли дублар ўсар ва чинқироқ илонлар тентирарди. Ниҳоят, унинг миясига бир фикр келди. Манфийни мусбатга айлантирса-чи? Ҳаммани ҳанг-манг қилиб, у чинқироқ илонлар гўштидан консерва қилиш билан маш-

ғул бўлди *(нима учун чинқироқ илонлардан фойдаланиб бўлмас экан?)*. Бир неча йил муқаддам мен унинг фермасида тўхтадим ва сайёҳлар тўдаси чинқироқ илонлар фермасини кўриш учун қанчалик жонсарак бўлишаётганини кўрдим. Уни ҳар йили йигирма минг киши келиб кўрар эди. Фермернинг корхонаси гуллаб-яшнади. Илон тишларидан олинган заҳар лабораторияга жўнатилар ва ундан антитоксин иммунли зардоб тайёрланар эди. Илон териси эса ҳаддан зиёд баланд нархларда пулланарди. Ундан аёллар пойафзали ва сумкалари тайёрланар эди. Чинқироқ илонлар гўштидан тайёрланган консервалар бутун дунёдаги мижозларга юборилаётганини кўзим билан кўрдим. Мен ферма тасвири туширилган ойнахат сотиб олиб, қишлоқдаги "Чинқироқ илон" деб номланган почта бўлимига юбордим, у заҳарли лимонни лимонадга айлантирган инсон шарафига қўйилган эди.

Деярли бутун Американи кезиб чиқиб, ўнлаб эркак ва аёлни, "манфийни мусбатга айлантирган" қобилиятли кишиларни учратиш бахтига муяссар бўлдим.

"Ўн иккиси худоларга қарши" китобининг муаллифи, марҳум Уильям Болито буни тахминан қуйидагича ифодалаган эди:

*"Ҳаётда энг муҳими муваффақиятдан юқори даражада фойдаланиш эмас. Ҳар бир эси паст буни эплайди. Қўлдан чиқарилган талофатдан фойда чиқариш маҳорати энг муҳимдир. У ақл-идрокни талаб қилади. Худди шу ўринда ақлли киши билан нодон фарқланади"*.

Болито бу сўзларни темир йўл фалокати оқибатида оёқларидан ажралганидан кейин айтган эди. Аммо мен бир одамни биламан, у иккала оёғидан жудо бўлганидан сўнг бу йўқотиш ўрнини ортиғи билан қоплаган. Уни Бен Фортсон дейишади. У билан Жоржия штати Атланта меҳмонхонасидаги лифтда танишган эдим.

Мен лифтга кирганимда, икки оёғи йўқ жилмайиб турган киши диққатимни тортди. У лифт бурчагида ногиронлар аравасида ўтирарди. Лифт у турган қаватда тўхтаганида, бу инсон менга назокат ила мурожаат қилиб, аравачаси билан чиқиб кета олиши учун бошқа бурчакка ўтиб туришимни илтимос қилди. *"Ниҳоятда хижолатдаман,* — деди

у, — *сизни ноқулай аҳволга солдим*", — унинг чеҳраси қалбни илиқ меҳрга тўлдирган ёрқин табассумга тўлди.

Лифтдан чиқиб, ўз хонамга кирдим. Кун бўйи бу ҳаётдан хушбахт ногирон тўғрисида ўйлаб юрдим. Шунинг учун уни излаб топдим ва ўз ҳаёти тўғрисида гапириб беришни сўрадим.

*"Бу ҳодиса 1929 йилда рўй берган эди*, — дея кулиб ҳикоясини бошлади у, — *мен ёнғоқ новдаларини кесиб, уни боғдаги дуккакли ўсимликларга тирговуч қилиш учун жўнадим. Уларни "Форд"имга ортим-да, уйга қайтдим. Бирдан новдалардан бири силжиб кетиб, автомобил тагига тушди ва мен машинани кескин бурганимда, бошқариш механизмига тишлашиб қолди. Автомобил катта тезликда шитоб билан тўсиқдан сакраб ўтди, мен ундан отилиб кетиб, дарахтга урилдим. Умуртқам қаттиқ шикастланиб, оёқларим шол бўлиб қолди.*

*Бу фалокат йигирма тўрт ёшимда рўй берган эди. Шундан бери мен бирор одим босган эмасман"*.

У йигирма тўрт ёшида бир умр ногиронлик аравасига михланиб қолди! Мен буларнинг барига қандай қилиб мардларча бардош берганини сўраганимда, шундай деб жавоб берди: *"Дастлаб бунга чидай олмадим"*. У қаттиқ ғазабланди ва умидсизликка берилди. Доимий равишда ўз тақдирига лаънат ўқир эди. Машаққатли йиллар ўтаверди ва у шунга ишондики, қаҳр-ғазабга миниши бағритошликдан бошқа ташвиш келтирмас экан. *"Ниҳоят одамларнинг менга нисбатан меҳрибонлик ва эътибор билан муносабатда бўлаётганликларининг қадрига етдим*, — дейди у, — *шунда оз бўлса ҳам уларга нисбатан меҳр-оқибатли, эътиборли бўлишга қарор қилдим"*.

Мен ундан, орадан шунча йил ўтса ҳам бу фалокатни ҳаётидаги энг оғир фожиа деб ҳисоблайсизми, деб сўраганимда, дарҳол шундай деб жавоб берди: *"Мен бу ҳодиса рўй берганидан, ҳатто энди хурсанд бўламан"*. У руҳий зарбалар ва қаҳр-ғазабланишни бартараф этгач, мутлақо янги дунёда яшаётганини гапириб берди. Мутолаага берилди ва энг яхши асарларни севиб ўқий бошлади. Ўн тўрт йил давомида бир минг тўрт юзтача китобни ўқиб чиқди, булар эса унинг олдида янги уфқлар очди ва ҳаётини янада

бойитди. Ваҳоланки, буни имкониятдан ташқари деб биларди. У энди ажойиб мусиқалар тинглай олар, буюк симфониялар билан фахрланарди, ваҳоланки, улар илгари уни зериктирган. Аммо муҳими шу эдики, унда мушоҳада юритиш учун вақт пайдо бўлди. *"Ҳаётимда биринчи марта, — деди у, — мен дунёга чанқоқлик билан қарадим ва қадриятларнинг асл моҳиятини чуқур ҳис этдим. Шуни англадимки, олдинги барча интилишларим ҳеч нарсага арзимас экан"*.

Мутолаа туфайли у сиёсатга қизиқди, ижтимоий муаммоларни ўрганди ва аравачада ўтирган ҳолда йиғилишларда сўзга чиқди. Доимий равишда кўплаб одамлар билан танишди, уни ҳам таниб қолдилар. Ҳозир ҳам Бен Фортсон доимгидек аравачасини тарк этмаган, у Жоржия котиби ҳисобланади!

Кейинги ўттиз беш йил давомида мен Нью-Йоркдаги катталар курсини бошқардим. Шу давр мобайнида кўпгина тингловчиларимнинг коллежда ўқиб маълумот ололмаганликларини ва бундан қаттиқ афсусда эканликларини пайқаб қолдим. Улар, шубҳасиз, олий маълумотга эга бўлмасликни катта тўсиқ ҳисоблайдилар.

Шу сабабли тингловчиларимга ўзим яхши билган бир кишининг кечмишини сўзлаб бераман. Бу инсон, ҳатто бошланғич мактабни ҳам тугатмаган. У ҳаддан зиёд ночорликда вояга етди. Отаси ўлганида, дўстлари тобут учун пул йиғишган, сўнг дафн этишганди. Отасининг вафотидан сўнг онаси соябон ясайдиган фабрикада ишлай бошлади. У кунига ўн соатлаб ишлар, устига устак уйда бажариладиган иш олган эди. Уйда кечки соат ўн бирга қадар тер тўкарди.

Ана шундай шароитда тарбияланган бола черков қошидаги клубда ташкил қилинган драматик тўгарак машғулотларига қизиқиб қолди. Саҳнада ўйнаш шу даражада завқ-шавқини тоширдики, у нотиқлик санъатини эгаллашга қарор қилди. Бу эса уни сиёсат томон етаклади. Ўттиз ёшида у Нью-Йорк штати қонун чиқарувчи органида сайланди. Аммо, афсуски, йигитча бундай масъул фаолиятга тайёр эмас эди. У ҳатто менга бу тўғрида етарли тушунчага эга эмаслигини очиқ эътироф этганди. У овоз бериш лозим бўлган узундан-узоқ мураккаб қонун лойиҳаларини ўрганар, аммо бу ҳужжатлар ҳиндуларнинг чоктоу тилида ёзилганидан ҳам

баттар унга тушунарсиз эди. Ўрмонда умри давомида бирор марта бўлмаганига қарамай, уни ўрмон ишлари бўйича қўмита аъзоси қилиб қўйишганида, у ниҳоятда безовталаниб, саросимага тушиб қолди. Унинг номига банкда ҳисоб очилганида, уни штатдаги банк қўмитасига аъзо қилиб қўйишганида, у яна безовталаниб ва эсанкираб қолди. Эгаллаб турган лавозимимдан жон-жон деб кетаман, деган эди менга. Аммо бу ҳақда онасига гапириб беришга ҳам уяларди, шунинг учун ишлашни давом эттирди. У руҳи тушиб кетган ҳолда ҳар куни ўн олти соатлаб ишлар ва ўзидаги нодонлик лимонини билим лимонадига айлантиришга ҳаракат қиларди. Натижада маҳаллий сиёсатчидан миллий миқёсдаги йирик арбобга айланди. Ва шу даражада танилдики, "Нью-Йорк таймс" газетаси уни "Нью-Йоркнинг энг севимли кишиси" деб атади.

Мен сизга Эл Смит ҳақида ҳикоя қилдим. Орадан ўн йил ўтгач, Эл Смит ўзининг сиёсий маҳоратини ошириш дастурини бажаргач, у Нью-Йорк штати маъмуриятида энг машҳур шахсга айланди. Нью-Йорк штатида бирданига тўрт муддатда губернаторликка сайланди, бундай рекорд натижа ҳеч кимда бўлмаган эди. 1928 йилда у демократлар партияси томонидан президентликка номзодликка кўрсатилганди. Машҳур олти университет, шу жумладан, Колумбия ва Гарвард университетлари фақат бошланғич мактабни тугатган кишига фахрий илмий унвон берган эди.

Эл Смит буларнинг бари унинг тиним билмай меҳнат қилганлиги натижаси эканлигини айтганди. Агар у ҳар куни ўн олти соат тер тўкмаганида ўзидаги манфийларни асло мусбатга айлантира олмас эди.

Мен муваффақиятга эришган кишиларнинг ҳаётини қанчалик кўп ўргансам, уларнинг аксарияти фаолиятининг дастлабки босқичида ҳайратланарли даражада жуда кўп тўсиқларга дуч келишга, шунинг оқибатида кўп нарсага эришганларига иқрор бўлдим. Худди шу тўсиқлар уларни бор куч-қувват билан ҳаракат қилишга ундаган ва бу ҳол йирик ютуқларга олиб келган. Худди Уильям Жеймс айтганидек, *"номаъқул, салбий омилларимиз кутилмаганда бизга ёрдам беради"*.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам тўғри, ахир Мильтон сўқир бўлгани учун ажойиб шеърлар ёзди, балки Бетховен кар бўлмаганида, шундай ажойиб мусиқалар яратмас эди.

Элен Келлернинг қўл етмас муваффақиятлари унинг кўзи ожизлиги ва карлиги натижасида юзага келган эди.

*"Агар мен чорасиз ногирон бўлмаганимда,* — деган эди Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий концепцияни инсониятга тақдим этган киши, — *зиммамга шундай улкан меҳнатни олмас ва шундай ютуқларга эришмас эдим".*

Чарлз Дарвин эътироф этишича, унинг камчиликлари кутилмаганда унга ёрдам берган.

Англияда Чарлз Дарвин туғилган ўша кунда Кентуккидаги ёғоч кулбада бошқа бир чақалоқ дунёга келди. Унга ҳам ҳаётдаги тўсиқлар ёрдам берди. Уни Линкольн — Авраам Линкольн деб атардилар. Агар у оқсуяк оилада тарбияланганида, сўнг Гарварддаги ҳуқуқ факультетини битирганида ва бахтли ҳаётга мушарраф бўлганида, тўла равишда айтиш мумкинки, қалбида Геттисбергда абадий ўрин олган муқаддас поэмада самимий сўзлай олмасди. Иккинчи марта президентлик лавозимига ўтираётганида, ҳукмдор сифатида айтган энг гўзал ва муҳим аҳамиятга молик бу сўзлари унинг қалбидан ўрин ололмасди: *"Ҳеч кимга нафрат билан эмас, балки барчага раҳмат-шафқат билан мурожаат қиламан".*

Гарри Эмерсон Фосдик ўзининг "Моҳиятни кўриш қобилияти" номли китобида таъкидлашича: *"Шундай Скандинавия ҳикматли сўзлари бор, уни ҳар биримиз ҳаётий шиор қилиб олсак арзирди: "Викингларни шимол шамоли яратган". Осойишта ҳаёт, тўлиқ таъминот, қийинчилик ва машаққатларнинг йўқлиги ўз-ўзидан одамларни ажойиб ва хушбахт қилади, деган гапни қаёқдан олдик? Аксинча, ўзларини аяшни биладиган кишилар бу ишни, ҳатто юмшоқ ёстиққа ёнбошлаб ҳам давом эттирадилар. Аммо инсоният тарихида шуҳрат ва бахт одамларга исталган шароитда — яхши, ёмон ёки ўрта вазиятларда — агар улар ўзларига масъулиятни олган бўлсалар, албатта, келади. Шундай қилиб, яна такрорлайман: "Викингларни шимол шамоли яратган".*

Фараз қилайлик, биз умидсизликка тушдик, лимонни лимонадга айлантириш учун барча умидларимиз пучга чиқди

ҳам дейлик; шунда мен икки сабабни, нима учун уни бажаришга уринишимизни, яъни хоҳлаганимизга эга бўлиш имкониятларини ва ҳеч нарсани йўқотмасликни сизга айтиб бераман.

Биринчи сабаб: бизда ютуққа эришиш эҳтимоли бор.

Иккинчи сабаб: агар манфийни мусбатга айлантиришга улгура олмаганимизда ҳам хатти-ҳаракатларимиз бизни ўзўзидан олдинга қарашга мажбур қилади, орқага ўгирилмасликка ундайди, ижобийдан салбий фикрларимизни сиқиб чиқаради, бу ижодий куч-қувватимизни озод қилади ва биз шу даражада банд бўламизки, нимаики қайтмас бўлиб ўтиб кетган бўлса, уни ўйлаб қайғуриб ётишга вақтимиз ҳам, иштиёқимиз ҳам асло бўлмайди.

Бир куни дунёга машҳур скрипкачи Оле Булль Парижда концерт бераётганида, кутилмаганда скрипкасидаги А тори узилиб кетди. Аммо Оле Булль куйни уч тор билан бинойидек қилиб тугатди. *"Ҳаёт ҳам худди шундай,* — дейди Гарри Эмерсон Фосдик, — *унинг бир тори ишдан чиқса, бизни уч тори билан куйни тугатишга мажбур этади".*

Ҳаёт фақат шундай эмас. Бу ҳаётдан ҳам баландроқ туради. Бу музаффар, ғолиб ҳаётдир! Мен, агар имкониятим бўлганида, Уильям Болитонинг қуйидаги сўзларини бронзага ўйиб ёздириб, мамлакатнинг ҳар бир мактабига илиб қўйган бўлур эдим: *"Ҳаётда ўзингнинг энг кўп муваффақиятга эришганинг асосийси эмас. Ҳар бир эси паст буни эплайди. Қўлдан кетган, талофатдан фойда чиқариш маҳорати энг муҳим ҳисобланади. Бу эса ақл-идрокни талаб қилади. Худди шу ўринда ақлли киши билан нодон фарқланади".*

Шундай қилиб, ҳаётда руҳий хотиржамлик ва бахт келтирувчи муносабатни ишлаб чиқиш учун 6-қоидани татбиқ этишга ҳаракат қиламиз: *тақдир сизга лимонни тақдим этган бўлса, ундан лимонад ясашга ҳаракат қилинг.*

*Ўн саккизинчи бўлим*

## ДИЛГИР КИШИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎН ТЎРТ КУНДА ДАВОЛАШ МУМКИН?

Бу китобни ёзишдан аввал мен анчагина фойдали ва илҳом берувчи, "Безовталикдан қандай халос бўлдим?" мавзусида автобиографик ҳикоя ёзиш бўйича танлов ташкил этишга қарор қилдим. Ғолибга икки юз доллар мукофот берадиган бўлдим.

Танловга учта одам: Эдди Риккенбаккер, яъни "Истерн Эрлайнс" компанияси президенти, доктор Стюарт У.Макклелланд, Линкольн номидаги мемориал университет президенти, радио бўйича сиёсий шарҳловчиси Х.В.Калтенборн ҳакам қилиб танланди. Ниҳоят, биз иккита ажойиб ёзилган ҳикояни олдик, ҳакамлар ҳам улардан бирортасига етарли баҳо беришга ожизлик қилдилар. Шу сабабли мукофотни тақсимладик. Ҳозир шулардан бири билан сизни таништираман. Уни С.Р.Бертон юборган *(у Миссури штатидаги Сирингфилда "Уиззер" автомобиллари билан савдо қилувчи фирмада ишлайди).*

*"Тўққиз ёшга тўлганимда, онамдан ажралдим. Ўн икки ёшга тўлганимда эса отасиз қолдим,* — деб ёзади жаноб Бертон. — *Отам вафот этган, онам эса ўн икки йил муқаддам уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмади, мен шундан буён уни бошқа қайтиб кўрмадим. У олиб кетган жажжи сингилчаларим билан ҳам мутлақо дийдорлашмадим. Онам кетганидан етти йил ўтгач, менга хат ёзган эди. У уйни тарк этганидан ордан уч йил ўтиб, отам бахтсиз ҳодиса қурбони бўлганди. Отам шериги билан Миссури штатидаги кичик шаҳарчада кафе сотиб олишган эди. Хизмат сафарида бўлганида, шериги кафени сотиб, барча пулларни ўмариб, қочиб кетди. Отамнинг дўстларидан бири шошилинчнома юбориб, отамни тезроқ қайтишини тайинлаганди. Отам ниҳоятда шошган ва Канзас штатидаги Салинас номли манзилда автомобиль ҳалокатига йўлиқиб вафот этди. Унинг икки синглиси бор эди. Улар жуда камбағал, касал ва кекса эдилар. Шунга қарамай, бу оиладаги уч болани ўз бағрига олишди. Фақат мен ва кичик укам ҳеч*

*кимга керак бўлмай қолдик. Бизни шаҳар ҳокимияти ўз қарамоғига олди.*

*Бизни ҳамиша, худди етимлардай муносабатда бўлишса керак, деган қўрқув таъқиб этарди. Тез орада шундай бўлди ҳам. Бироздан сўнг мени бир камбағал оила тарбиялаш учун олди. Аммо замон оғир бўлиб, оила бошлиғи ишсиз қолди, шу сабабли улар мени оилада сақлай олмас эдилар. Шундан сўнг мен эр-хотин Лофтинлар оиласида яшай бошладим. Жаноб Лофтин етмиш ёшга кирган, белини темиратки қоплаган, шунинг учун у тўшакка михланиб қолган эди. У менга уйида яшашга рухсат берди ва ёлғон гапирмаслик, ўғирлик қилмаслик ҳамда ҳар қандай гапга қулоқ солишни қаттиқ талаб қилди. Бу уч қатъий буйруқ менинг инжилимга айланиб, уларни қатъий равишда бажардим. Мактабга қатнай бошладим, аммо орадан бир ҳафта ўтгач, уйда қолиб, худди ёш боладай йиғлайдиган бўлдим. Болалар мени хўрлай бошлаб, узун бурним туфайли масхара қилишар ва эсипаст, "етимча, етти кулча" деб аташар эди. Бу таҳқирларни юрагимга жуда яқин олар ва ҳамиша улар билан муштлашмоқчи бўлардим. Аммо мени ўз тарбиясига олган жаноб Лофтин шундай деди: "Ҳамиша ёдингда тут: сенга ҳужум қилган рақибга зарба беришдан кўра курашдан воз кечиш кўпроқ мардлик ва матонатни талаб қилади". Шундан кейин мен жанжалга аралашмадим, аммо бир куни синфдошларимдан бири мактаб деворидаги товуқ ахлатини юзимга улоқтирди. Мен уни ўлгудай дўпписладим ва икки дўст орттирдим. Улар менга, қилмишига яраша жазосини олди, дейишди.*

*Бир куни Лофтин хоним менга жуда ярашадиган бош кийим олиб берди. Юқори синф қизларидан бири уни бошимдан юлиб олиб, ичига сув тўлдирди. Бош кийим бутунлай ишдан чиқди. "Шапкангни шунинг учун сувга ботирдимки, мисдай пешонангни пачақлашни хоҳлайман, токи товуқ қовурилмасин", деди у. Мен мактабда ҳеч қачон йиғламадим, аммо уйда кўз ёшларимни асло тия олмадим.*

*Шунда Лофтин хоним барча безовталик ва қаҳр-ғазабни бартараф этиб, душманларимни дўстга айлантиришга оид бир маслаҳат берди. У менга шундай деган эди: "Ральф, агар сен болаларга қазиқиш билан қарасанг, улар учун фой-*

*дали ва ёқимли нимадир қилсанг, шунда сени масхара қилишмайди, "етимча, етти кулча" ҳам дейишмайди". Мен унинг маслаҳатларига амал қилдим. Тинимсиз шуғулланиб, синфдаги энг яхши ўқувчи даражасига етдим. Лекин менга ҳеч кимнинг ҳаваси келмасди, чунки бор кучим билан бошқа болаларга ёрдам берардим.*

*Бир неча болага иншо ва баён ёзишда кўмаклашдим. Улардан бир нечтаси учун маърузаларни тўлиқ тайёрлаб бердим. Синфимиздаги ўқувчилардан бири ёрдам бераётганимни ота-онасига айтишга уялибди. Шунинг учун, одатда, онасига менинг олдимга келаётганида, оппосум овига боряпман, деб айтар эди. У жаноб Лофтин фермасига келганида, саройга итларини киритиб, боғлаб қўяр ва мен дарс тайёрлашига кўмаклашардим. Бир ўқувчига китоблар бўйича хулосавий маъруза ёзиб бердим, бир қизга математикадан бир неча оқшом кўмаклашдим.*

*Қўшниларимиздан иккитасида ўлим юз берди. Икки кекса фермер вафот этди, бир аёлнинг эри ҳаётдан кўз юмди. Мен тўрт оилага яккаю-ягона эркак бўлиб қолдим. Бу беволарга икки йил ёрдам бердим. Мактабга кета туриб, фермага уларнинг олдига кириб ўтардим, ўтин ёриб берардим, сигирларини соғардим, суғорардим ва уларни ўтлатар эдим. Энди мени бутун атрофдагилар дуо қилишар, ҳеч ким ҳақорат қилмасди. Улар ўз дил изҳорларини мен флотда хизмат қилиб қайтганимдан сўнг ҳам баён этишди. Келганимнинг биринчи куни мени кўриш учун икки юздан ортиқ фермер ташриф буюрди. Айримлари саксон мил йўл босиб келишган, мени кўргандан кейинги қувончлари ниҳоятда самимий эди.*

*Мен деярли безовта бўлмасдим, чунки ҳамиша банд эдим, бошқаларга ёрдам беришга ҳаракат қилардим. Буларнинг бари менга бахт-омад келтирди. Мана, ўн уч йил бўлибдики, ҳеч ким мени "етимча, етти кулча" демайди!"*

Жаноб Бертонга шарафлар! У қандай қилиб дўстлар орттиришни жуда яхши билади! Безовталикдан халос бўлишни, ҳаёт лаззатларидан ҳузурланишни ҳам уддалайди, шунингдек.

Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида истиқомат қилувчи доктор Фрэнк Луп ҳам худди шундай йўл тутди. У йи-

гирма уч йилдан буён ногирон эди. Бўғин яллиғланиши касалига мубтало эди. Аммо "Сиэтл стар" газетаси мухбири Стюарт Уитхаус менга: *"Мен доктор Лупдан кўп марта интервью олдим ва умрим давомида шу қадар одамижон ва меҳрибон кишини учратмаганман; бунинг устига у "ҳаётдан барча нарсани олган кишига дуч келмаган эдим"*, деган эди.

Тўшакка бир умр михланиб қолган ногирон қандай қилиб "ҳаётдаги барча нарсани олади"? Сизга икки жумбоқни ечиш имкониятини бермоқчиман. У доим ҳаётдан нолиган ва барчани айблаган эдими? Йўқ... Ўз-ўзича қайғу-ғам чекиб, атрофдагилардан бирор марта раҳм-шафқат тиладими? Йўқ. Яна нотўғри. У ҳаётнинг барча қувончларидан тўла баҳраманд эди, чунки Уэльс шаҳзодаси гербида немис тилида битилган: *"Мен хизмат қиламан"* деган сўзларни ўзига шиор қилиб олганди. Доктор Луп бошқа ногиронларнинг исми-шарифи ва яшаш манзилларини билиб олар, уларга кўнгилни кўтарувчи, умидбахш хатлар жўнатар эди. У ҳатто ногиронлар ёзишмалари клубини ташкил этди, уларни бир-бирига хат ёзишга ундади. Ниҳоят, Луп "Қамал қилинганлар жамияти" номли миллий ташкилот тузди.

Тўшакда ётганига қарамай, у йилига бир минг тўрт юз дона хат ёзган ва минглаб ногиронларга радио ва китоблар, ташқи дунёдан узилиб қолганларга шодлик ва қувонч улашган эди.

Доктор Лупдан бошқа минглаб одамларнинг асосий фарқи нимада эди? Фақат битта нарсада: ўзгалардан фарқли равишда унинг қалби юксак мақсад ва олижаноб ҳиммат билан нурланган эди. Луп, худди Шоу айтганидек, *"касаллик ва хафаликнинг эгоцентрик гуваласи билан мудом зорланадиган кишига бахт ато этмоқ учун дунё ўзини мутлақо фидо этмайди"*. Шунга ўхшаш олийҳиммат ва ажойиб ғояга унинг ҳаёти бўйсунган эди, у шу ўй-фикрдан қувонч ҳиссини туярди.

Мана, машҳур психиатр қалами остидан чиққан ва мен ўқишга муяссар бўлган энг ҳайратланарли фикр. Ушбу фикрни Алфред Адлер айтган. Дилгирликдан азият чеккан мижозларига у ҳамиша *"Сиз бу рецептга амал қилсангиз, ўн тўрт кунда тузалиб кетасиз. Бунинг учун ҳар куни*

*бирор ёқимли ишни амалга оширишни ўйлашга ҳаракат қилинг"*, деб айтар эди.

Бу фикр шу даражада баланд жарангладики, мен уни Аддернинг машҳур асари "Сиз учун ҳаёт нимани англатади?" номли китобидан икки саҳифа ўқиб, изоҳлаб беришга ҳаракат қиламан *(дарвоқе, сиз ҳам бу китобни, албатта, ўқиб чиқинг)*.

*"Дилгирлик (меланхолия)*, — дейди Аддер ўзининг "Сиз учун ҳаёт нимани англатади?" китобида, — *бамисоли атрофини ўраб турганларга қарши пинҳоний ғазаб ва пичинг кабидир; мижоз гарчи ўзига нисбатан хайрихоҳлик ва қўллаб-қувватлашни истаса ҳамки, ўз шахсий айби билан руҳи тушган кўринади. Мижознинг биринчи эслаши тахминан қуйидагича бўлади: "Эсимда, менга юмшоқ узун курсида ётиш маъқул кўринади, аммо унда акам ётди. Мен шундай шовқин кўтардимки, у ўрнидан туриб кетишига тўғри келди"*.

Дилгир кишилар кўпинча ўзи учун қасд олиш, ўз-ўзини ўлдиришга мойил бўладилар ва шифокорнинг биринчи навбатдаги вазифаси ўз-ўзини ўлдириш учун асос бермаслик, яъни уни шу йўлдан қайтаришдир.

Шахсан мен умумий тарангликни анча юмшатиш учун даволашда худди биринчи қоида каби қуйидагиларни тавсия этаман: *"Ўзингиз хоҳламаган ишни ҳеч қачон қила кўрманг"*. Бу анча оддий кўринади, аммо барча муаммоларнинг моҳиятини ўзида жамлайди. Агар дилгир киши хоҳлаган барча ишни амалга оширишга имкон топа олса, унда кимни айблаши мумкин? Нима учун у ўч олиши керак? *"Агар сиз театрга бормоқчи бўлсангиз*, — дейман унга, — *ёки дам олмоқчи бўлсангиз, шундай қилаверинг. Агар йўлда айниб қолсангиз, зинҳор бундай қилманг"*. Бу рад этишнинг энг яхши қоидаси бўлиб, мижознинг устунлик сари ҳаракатини қаноатлантиради. У бамисоли худо каби хоҳлаганини амалга оширади. Бошқа томондан олганда, бу унинг турмуш тарзига мос келмаслиги мумкин. У бошқалардан устун бўлиш ва бошқаларни айблашни истайди, агар келишса, улар устидан устунлик қилишга мутлақо ҳожат йўқ. Бу қоида улар ўртасида тортишувга сабаб бўлади, бу борада мижозларим орасида ўз жонига қасд қилиш бўйича бирор ҳодиса юз берган эмас.

Одатда мижоз шундай деб жавоб беради: *"Мен бирор нарса қилишни хоҳламайман"*. Бунга жавоб беришга тайёрлангандим, чунки кўп марта эшитганман. *"Агар сизга ёқмаса, ҳеч нарса қилманг"*, дейман. Шундай бўлса-да, баъзан мижоз шундай жавоб беради: *"Кун бўйи тушакда ётгим келяпти"*. Биламан, агар мен рухсат берсам, у энди буни хоҳламайди. Биламан, мабодо қаршилик кўрсатсам, жанжал кўтаради. Мен доимо рози бўламан.

Бу бир қоида. Бошқаси уларнинг турмуш тарзига бевосита таъсир этади. Мен уларга: *"Сиз бу рецептга риоя қилсангиз, ўн тўрт кун мобайнида соғайишингиз мумкин. Ҳар куни кимгадир қандай қилиб ёқимли ишни амалга оширишни ўйлашингиз керак"*, дейман. Бу улар учун нимани англатади? Улар битта фикр билан банд: *"Бирор кишини қандай қилиб ранжитмоқ мумкин?"*

Жавоблар жуда қизиқарли. Баъзилари: *"Бу мен учун жуда осон"*, дейди. *"Буни мен умр бўйи амалга оширганман"*, дейди. Аммо ҳеч қачон уни амалга оширмаганлар. Мен улардан яна бир бор ўйлаб кўришни илтимос қиламан. Яна бир марта ўйлаб кўрмайдилар. Мен *"Агар уйқунгиз келмаётган бўлса, бирор ёқимли ишни амалга оширишни ўйлаш учун фойдаланинг, шу вақтдан соғлигингизни яхшилаш йўлида бир қадам ташланган бўлар эди"*, дейман. Эртаси уларга дуч келганда: *"Кеча берган маслаҳатларимни ўйлаб кўрдингизми?"* деб сўрайман. *"Кеча уринга ётганим заҳоти уйқуга кетдим"*, деб жавоб беришади. Буни ҳамма бажариши керак, шунинг учунки, шилқимлик қилмай, дўстона, устунлигини шаъма қилмасдан қилиш лозим.

Бошқалари эса шундай деб жавоб беради: *"Мен ҳеч қачон бундай қила олмайман, ниҳоятда безовтаман"*. Унга: *"Майли, безовта бўлаверинг, аммо бир вақтнинг ўзида баъзан бошқалар ҳақида ҳам ўйлашингиз мумкин"*, дейман. Доимо уларнинг энг яқин кишиларига нисбатан қизиқишларини уйғотишга ҳаракат қиламан. Кўпчилиги: *"Нега мен ўзгаларга хуш келадиган ишни қилишим керак? Бошқалар менга нисбатан ёқимли иш қилишмайди-ку!"* дейишади. *"Сиз ўз соғлигингиз ҳақида қайғуришингиз керак,* — деб жавоб бераман. — *Бошқалар кейин азият чекишади"*. Қуйидагича жавоб берадиган мижозни камдан-кам учратганман: *"Берган*

*маслаҳатларингизни ўйлаб кўрдим"*. Менинг бутун куч-қувватим мижознинг ижтимоий манфаатдорлигини оширишга қаратилган эди. Биламан, касаллигининг ҳақиқий сабаби нариги томон билан ҳамкорлигининг йўқлигидир, мен эса уни кўришини истайман. Қачон ўз яқинлари билан тенглик ва ҳамкорлик асосида яқин алоқада бўлса, у соғайиб кетади... Диннинг ҳам ўртага қўйган энг муҳим талабларидан бири доимо: *"ўз яқинларингни севгин..."* деб аталган. Энг яқин кишиларига ҳеч қандай эътибор бермаган киши ҳаётда жуда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказади ва бошқаларга ҳам катта зарар етказади. Худди шундай кишилар орасида омади чопмаганлар шаклланади... Инсонга бўлган барча талабларимиз ва буюк мақтовларимиз қуйидагича: *"у бошқа одамлар билан бирга меҳнат қила олсин, барча билан дўстона муносабатда бўла олсин ҳамда муҳаббат ва оилада ишончли ҳамроҳ бўлсин"*.

Доктор Адлер таъкидлаб айтадики, биз ҳар куни хайрли ишлар қилишимиз керак. *"Хўш, хайрли ишнинг ўзи нима?"* деб сўрарсиз? *"Хайрли ишлар*, — деб айтган эди Муҳаммад пайғамбар *(с.а.в.)*, *— бу бошқа кишининг юзида шодлик кулгисини уйғотишдир"*.

Нима учун ҳар кунги хайрли иш уни амалга оширган кишида ҳайратли тарзда таъсир этади? Чунки бошқаларга ҳузур-ҳаловат бахш этиш ҳисси ўзимиз ҳақимизда ўйлашга изн бермайди. Худди шунинг ўзи безовталик, қўрқув, дилгирликнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Мен ўзларини унутиб, шу йўсинда саломатлик ва бахтга муяссар бўлган кишилар ҳақидаги ҳикоялардан иборат бутун бошли китоб тузишим мумкин. Масалан, Америка ҳарбий денгиз флотида энг машҳур аёллардан бири Маргарет Тейло Йейтс ҳаёти ҳақидаги ҳикоя билан танишишимиз мумкин.

Йейтс хоним романлар ёзган, аммо унинг шов-шувли саргузашт асарларидан ҳеч бири японлар томонидан америкаликларнинг Перл-Харбордаги кемаларига зарба берган ўша даҳшатли тонг воқеалари каби таъсирчан эмас. Йейтс бир йилга яқин вақтдан бери ногирон: унинг юраги касал эди. Йигирма тўрт соатнинг йигирма икки саотини тўшакда ётиб ўтказарди. Энг узоқ саёҳати боққа сайр қилиши

эди, у ерда қуёш ваннасини қабул қиларди. Ҳатто, боғдан чиқишида ҳам хизматчи аёлнинг қўлига суяниб олиши лозим эди. Менга айтишига кўра, ўша кунлари у бир умр ногирон бўлиб қоламан, деб ўйлаган. *"Агар японлар Перл-Харборга ҳужум қилишмаганида,* — деган эди Йейтс хоним менга, — *мутлақо тузалмасдим, улар менинг доимий осуда тингчлигимни кутилмаганда бузиб қўйишди".*

*"Бу воқеа рўй берганида,* — деб давом этди Йейтс хоним, — *бутун атрофни тартибсизлик ва саросима қамраб олди. Бомбалардан бири уйим яқинига келиб тушди, унинг зарбидан тўшакдан отилиб кетдим. Ҳарбий юк машиналари шошилинч равишда Хикем-Филд аэропортига, Скоуфилд казармаларига ва Кэниох-Беедаги авиабазага пиёда аскарларнинг, денгизчиларнинг хотинлари ва болаларини олиб кетиш ҳамда уларни мактабларга жойлаштириш учун йўлга тушдилар. Қизил хоч ходимлари эвакуация қилинганларни қабул қилиш учун кимда бўш хоналар борлигини телефон орқали суриштира бошлашди. Улар каравотим ёнида телефон борлигини билардилар, шунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини эвакуация қилиш ҳақидаги хабарни етказишни мендан илтимос қилишди. Мен пиёда ва денгизчиларнинг хотин ва болаларини қаерда жойлаштиришгани ҳақидаги барча маълумотларни тўпладим. Ҳарбий хизматчиларга уларнинг оилалари қаерга олиб кетилгани ҳақидаги хабарни билиш учун менга мурожаат қилиш бўйича кўрсатма берилди.*

*Кўп ўтмай эрим, иккинчи ранг капитани Роберт Рэлей Йейтс шикаст топмаганлигидан хабардор бўлдим. Мен эрларидан бехабар, уларнинг тирик ёки ўликлигини билмаганларни руҳлантиришга уринардим. Шунингдек, эри ҳалок бўлиб, бева қолган аёлларни тинчлантиришга ҳаракат қилардим. Бундайлар кам эмасди, 2117 офицер ва оддий аскар флотда ва денгиз пиёдасида ўлдирилган, 960 нафари бедарак йўқолган эди.*

*Дастлаб мен телефон қўнғироқларига тўшакда ётиб жавоб берардим. Кейин-кейин ўтирган ҳолда маълумот берадиган бўлдим. Ниҳоят ишга шу даражада шўнғиб кетдимки, ҳаракатга тушиб, заифлигим ҳам эсдан чиқиб, тўшакдан туриб, столга ўтирдим. Мендан кўра кўпроқ*

*азият чеккан, қийналган одамларга қайғурганим туфайли касаллигимни ҳам унутдим. Шундан бошлаб тушакда фақат уйқу учун ажратиладиган саккиз соатдан фойдаланадиган бўлдим. Ҳозир биламанки, агар японлар Перл-Харборга ҳужум қилишмаганида, мен бутун умрга чалажонлигимча қолаверардим. Тушакда вақт ўтказишим ёқимли бўлиб қолди. Менга доимий равишда хизмат кўрсатишарди. Ҳозир шуниси аниқки, ихтиёрсиз равишда ҳаётдан умид узиб, ўзимнинг тузалишим учун курашмаган эканман.*

*Перл-Харборга ҳужум Америка тарихидаги энг фожиалардан бири, аммо у мен учун диққатга сазовор воқеа бўлди. Мазкур даҳшатли фалокат менга куч берди, бу хаёлимга ҳам келмаганди. Бутун, бутун диққат-эътиборим ўз шахсий ғам-ғуссаларимдан четлашиб, бошқаларга жалб этилган, ўзим ҳақимда ўйлаш ва қайғуришга мутлақо вақтим йўқ эди".*

Психиатрларга ёрдам учун интилган беморларнинг учдан бири, эҳтимол, Маргарет Йейтсга эргашганларида ўзларини ўзлари даволай олишар эди. Агар улар бошқаларга ҳамият кўрсатганларида аллақачон тузалиб кетардилар. Бу менинг фикримми? Бу Карл Юнг *(1875-1961)* айтганига тахминан тўғри келади. Ким ҳам ундан ортиқ биларди? У шундай деган эди: *"Ихтиёримдаги беморларнинг учдан бири клиник аниқланган асаб хасталигидан эмас, балки ҳаёти мақсадсиз, бўм-бўш эканлигидан азият чекади".* Бошқача сўзлар билан айтганда, кимдир уларга омад келтиришини жон-жон, деб истайдилар, аммо ҳаёт қиё боқмайди. Ва психиатр ҳузурига шошилиб бориб, ўзларининг чекланган, мақсадсиз, фойдасиз ҳаётларидан нолийдилар. Улар кема саҳнидан ташқарида, соҳилда туриб, ўзидан бошқа барчани айблайдилар, бутун дунё поцентрик хоҳиш-иродасига эргашишини талаб қиладилар.

Сиз, балки, ҳозир ўзингизга: *"Ҳа, албатта, бу ҳикоялар менда унчалик чуқур тассурот қолдирмади. Агар мен Перл-Харборда бўлганимда, худди Маргарет Тейлор Йейтс каби хурсандлик билан иш тутган бўлардим. Лекин менда бари бошқача: ҳаётим жуда оддий ва бир хилда кечади. Ҳар куни саккиз соат давомида зерикарли иш билан банд бўламан. Ҳаётимда бирорта кучли таасурот қолдирадиган воқеа рўй*

*бермайди. Мен қандай қилиб бошқаларга ёрдам беришга ошиқаман? Умуман, нега бу ишни қилишим керак экан? Бу менга нима берарди?"*

Савол, дарҳақиқат, уринли. Унга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳа, сизнинг ҳаётингиз бир хил, аммо ҳар куни қандайдир одамларни учратарсиз? Улар учун сиз нима қиласиз? Ёнидан шунчаки ўтиб кетарсиз ёки уларни нима тўлқинлантирганини билишга ҳаракат қиларсиз? Масалан, ҳар куни почтачини учратасиз. У сизга газета-журнал олиб келиш учун ҳар йили бир неча юзлаб мил йўл босади. Бирор марта ана шу почтачи қаерда яшашига қизиқдингизми? Оиласи ва болаларининг фотосуратларига қараб қўйишни истадингизми? У ишдан ҳориб келармикан, бу иш жонига тегдимикан — шуларни сўрадингизми?

Ҳар куни бурчакдаги баққоллик дўконида сотувчи, газета сотувчиси ёки пойафзалингизни ялтиратиб қўювчи устага кўзингиз тушади. Ахир улар ҳам одам, уларнинг ҳам ўз муаммолари, орзу ва ниятлари бор. Улар ҳам ким биландир дардлашишни истайдилар. Сиз уларга бирор марта шундай имконият яратиб бердингизми? Бирор марта шахсига ва ҳаётига жонли, самимий равишда қизиқдингизми? Мен худди шуни назарда тутяпман. Ахир дунёни, сизнинг шахсий дунёнгизни ўзгартириш учун Флоренс Найтингейл ёки ижтимоий ислоҳотчи бўлиш мутлақо шарт эмас. Сиз буни ўзингиз мулоқот қиладиган одамлар билан эрта тонгданоқ бошлашингиз мумкин!

Бу қандай наф келтиради? Улкан бахт! Сиз фахрланиб юрадиган азим қаноат! Арасту бу хулқ-атворни "маърифатли худбинлик" деб атаган эди. Зардўшт: *"Бошқаларга яхшилик қилиш мажбурият эмас. Бу — қувонч. Бу соғлиқни мустаҳкамлаб, бахтни юксалтиради"*, деган эди. Бенжамин Франклин эса буни жуда қисқа тарзда хулосалаган эди: *"Сиз бошқаларга ҳиммат кўрсатганингизда биринчи навбатда ўзингизга яхшилик қиласиз"*.

*"Менимча,* — деб ёзганди Нью-Йоркдаги руҳшунослик хизмати маркази директори Генри С.Линк, — *замонавий психология соҳасидаги бирорта кашфиёт фидойилик ёки ўз-ўзини бағишлаш, бахт интизомининг илмий исботи каби шу қадар муҳим эмас"*.

Бошқаларга ғамхўрлик қилиш фақат безовталикдан чалғитибгина қолмайди, балки сизга янги дўстлар орттиришга ва ҳаётдан бир олам лаззат олишга ёрдам беради. Қандай қилиб? Бир куни худди шундай савол билан Йель университети профессори Уильям Лайон Фелпсга мурожаат қилдим. Мана унинг жавоблари: *"Мен қачон меҳмонхона ёки дўкон, сартарошхонага кирсам, кимни учратсам, албатта, уларга ёқадиган бирорта гап айтаман. Шахсиятини ажратиб турадиган жиҳатни ифодалашга ҳаракат қиламан, токи у ўзини машинанинг бир мурватидай ҳис этмасин. Баъзан дўкондаги менга хизмат қиладиган сотувчи аёлга мақтов сўзлар айтиб хушомад қиламан. Завқ-шавқимни унинг чиройли кўзлари ёки сочларини таърифлаш билан ифодалайман. Сартарошдан, кун бўйи оёқда тик туриб, чарчамайсизми, деб сўрайман. Шу билан бирга ундан қандай қилиб сартарош бўлганига, неча йилдан бери ишлашига ва шу вақт ичида қанча ҳурпайган сочларни тартибга келтирганлигига қизиқаман. Буни санашига кўмаклашаман ҳам. Шуни пайқадимки, инсонга эътибор бериш уни бахтдан гул-гул яшнашига мажбур этар экан. Саквояжимни кўтариб келган ҳаммолнинг қўлини қисаман. Бу унинг кайфиятини кўтаради ва у кун бўйи ўзини бардам ҳис этади. Жазирама ёз кунларидан бирида нонушта қилгани темир йўл экспресс поезди вагон-ресторанига кирдим. Йўловчилар билан лиқ тўла вагон худди қизиган печга ўхшар, уларга хизмат кўрсатиш анча суст эди. Ниҳоят, официант менга таомномани узатганида, унга: "Қизиб турган ошхонада ишлаётган ошпазларга бугун жуда оғир бўлса керак?! — дедим. У дастлаб сўкинишга тушди. Анчайин ранжиган овозда гапирди. Дастлаб менга худди хафа бўлгандай кўринди. "О, худо, карами кенг Аллоҳ! — деб қичқирди у, — одамлар бизга келиб, нуқул овқатдан нолишгани-нолишган. Улар суст хизмат қилаётганимиз, иссиқнинг ҳамда нархнинг баландлигидан жаврашгани-жаврашган. Мен ўн тўққиз йилдан бери бу шикоятларни эшитиб келаман. Сиз чўғдай қизиган печ олдида туриб ишлаётган ошпазларга одамийлик ҳамдардлигини билдирган биринчи ва яккаю ягона одамсиз. Худога ибодат қилиб, сўрайманки, бизга худди сиздай йўловчилар кўпроқ учрасин!"*

*Официант ниҳоятда таъсирланган эди, чунки мен негр ошпазларга одамгарчилик нуқтаи назаридан ёндашган эдим. Уларга темир йўлдаги мураккаб механизмнинг мурвати сифатида эмас, жонли одамдай қараган эдим.*

*— Одамлар,* — деб давом этди профессор Фелпс, — *озгина бўлса-да, инсоний эътиборга муҳтож бўлишади. Мен кучада юрганимда, чиройли кучук етаклаган кишини кўрсам, завқланганимни, албатта, сездираман. Бироз олдинга ўтаман ва ўгирилиб қараб, итини эркалатаётганига кўзим тушади. Менинг завқ-шавқим унинг муҳаббатини ошириб юборади.*

*Англияда бир куни бир чўпонни учратдим, унинг жуда катта, ақлли овчаркаси бор эди. Мен бу баҳайбат жонивор-нинг чиройидан ҳайратга тушдим ва чўпонга айтдим. Ундан кучукни қандай тарбиялаганини гапириб беришини сўрадим. Шундан сўнг бир неча масофа узоқлашганимда, елкам оша қараб, итнинг кейинги оёқда тик турганини, чўпоннинг елкасига оёқларини қўйгани, чўпон эса уни эркалаётганини кўрдим. Менинг чўпон ва унинг итига қизиқиш билан қараганим чўпонни ниҳоятда қувонтирган эди. Мен ўзимни ва уларни ниҳоят бахтиёр қилган эдим".*

Тасаввур қиляпсизми, ҳаммолнинг қўлини қисиб, минна-тдорчилик билдираётган, чўғдай қизиб турган печ ёнида куйиб ишлаётган ошпазларга ҳамдард бўлаётган ва кучада бегона одамларнинг итидан завқ-шавққа тўлаётган киши маъюс ва безовта бўлиши мумкинми? Бундай одам психиатр ёрдамига муҳтож бўладими? Ўз-ўзидан аёнки, йўқ. Хитой мақолида айтилганидек, *"атиргул ҳиди доимо уни тақдим этган кишининг қўлида анқайди"*.

Агар сиз ҳақиқий эркак бўлсангиз, навбатдаги хатбошини ташлаб ўқинг. У сизни мутлақо қизиқтирмайди. Унда безовта, бахтсиз бир қизнинг бир неча ёш йигитларнинг кўнглидан жой олганлиги ҳикоя қилинади. Уларнинг бари қизнинг қўлини сўраган. Ҳозир бу қиз бувига айланган. Бир неча йил бурун мен унинг эри билан яшаётган уйи олдида тўхтагандим. Улар истиқомат қилаётган шаҳарда маъруза ўқишим керак эди. Эртаси у мени автомобилига ўтқазиб, Нью-Йорк томон жўнайдиган поезд станциясига элтиб қўйди. Биз эллик милга яқин масофани босиб ўтдик

ва йўлда иккимиз ўртамизда қандай қилиб дўстлар орттириш ҳақида суҳбат бўлиб ўтди. Ҳамроҳим менга деди: *"Жаноб Карнеги, мен сизга бир воқеани айтиб берай. Буни ҳеч кимга, ҳатто эримга ҳам билдирганим йўқ"* (дарвоқе, мазкур ҳикоя сиз ўйлаганчалик қизиқарли эмас, албатта).

У Филадельфияда аслзода табақага мансуб оилада тарбиялаганини гапириб берди.

*"Менинг болалик ва ёшлигимдаги асосий фожиа камбағаллигимиз эди, ўз сафимдаги қизлардан фарқли ўлароқ меҳмонга одам чақира олмас эдик. Менда кўзни қувонтирадиган кийимлар ҳеч қачон бўлмаган. Доимо бир хил либос кийардим, шунинг ичида ўсдим ҳам. Улар менга ярашмас ва эски урфда эди. Мен шу даражада камситилган эдим, уялардим, туни билан кўз ёши тўкиб чиқардим. Ниҳоят, сабр-бардошим тугаганида, миямга бир фикр келиб қолди. Мен атрофимдаги йигитлардан, яъни кавалерларимдан оқшомлари уларнинг кўнглидан нималар кечаётганини, ҳаётга муносабатлари ва келгусидаги режалари ҳақида сўрашга қарор қилдим. Бу саволларни унинг жавоблари қизиқтирганини учун берганим йўқ, албатта. Эски урфда тикилган кийимларимдан диққатини чалғитиш учун шундай саволларни берардим. Кутилмаганда ғалати ҳолат юз берди: бу ёш йигитларнинг ўзи ҳақидаги ҳикояларини эшитганим ва уларнинг ҳаётини кўп билганим сайин ўзим учун улар билан суҳбатлашиш шунчалик қизиқарли кечадиган бўлди. Шунчалик қизиқиб кетдимки, натижада ўзимнинг кийим-бошларимни, безанишларимни ҳам мутлақо унутиб қўйдим. Аммо мени ҳаммадан кўп лол қолдирагани: шунчалик ажойиб тингловчи бўлганим ва ёш йигитларни ўзи ҳақида гапириб беришга руҳлантирганим сайин улар ўзларини бахтиёр деб ҳис этардилар, мен эса тенгдошларим орасида энг кўп муваффақият қозонардим. Уч йигит мендан турмушга чиқишга розилик сўради"* (Қизлар, йигитлар қалбини забт этишни ўрганинг).

Эҳтимол, мазкур бўлимни ўқиган айрим кишилар: *"Буларнинг бари атрофдагиларни қизиқтириш учун қилинган сафсатадан бошқа нарса эмас! Бемаъни, диний хомхаёллар! Буларнинг бирортаси ҳам менга маъқул эмас! Мен пул ишлашим керак, токи чўнтагим қуруқ бўлмасин! Мен ҳаёт-*

*даги барча нарсага эга бўлишим керак! Сафсата бу, жин урсин"*, дейиши мумкин.

Нима ҳам қилардик, агар шундай фикрда бўлсангиз, ҳаққингиз бор, аммо агар ҳақ бўлсангиз, у ҳолда инсониятнинг ёзув пайдо бўлганидан бери буюк файласуфлари ва диний таълимот арбоблари: Исо Масиҳ, Конфуций, Будда, Афлотун, Арасту, Суқрот, авлиё Франциск катта хато қилган эканлар! Сиз киноя ли кулишингиз мумкин, гап диний таълимот арбоблари ҳақида боряпти, майли, у ҳолда даҳрийларга мурожаат қиламиз.

XX асрнинг машҳур атеисти америкалик Теодор Драйзердан маслаҳат олишга уриниб кўрамиз. Теодор Драйзер барча динларни эртак деб кулган ва *"ҳаёт бу аҳмоқлар қайта ҳикоя қилиб берган қиссадир, унда жуда кўп сўз ва жўшқинлик бор, аммо фақат маъно йўқдир"*, деган ва шундай деб ҳисоблаган. Аммо Драйзер Исо Масиҳнинг бир буюк диний амрига, яъни бошқаларга хизмат қилиш ҳақидаги амрига мафтун бўлган эди: *"Ҳаётда унга ажратиб берилган қисқа умрнинг бир бўлагида қандайдир хушбахтликка эга бўлиш учун у (одам)*, — дейди Теодор Драйзер, — *фақат ўзи учун аҳволни яхшилашга қаратилган ўй-фикр юритиши ва режалаштириши билан чекланмай, бошқалар учун ҳам режалар тузиши лозим. Чунки қувонч, хушбахтлик ўзидан кўра бошқаларнинг қанчалик қувонгани ва бошқаларнинг унинг учун қувонганига боғлиқ бўлади"*.

Агар биз аҳволни, Т.Драйзер айтганидек, бошқалар учун яхшилашга уринар эканмиз, шошилишимиз керак, вақт ўтяпти. *"Бу йўллардан фақат бир марта ўтаман. Шундай экан, мен ҳозирданоқ арзийдиган иш қилишим ёки мурувват кўрсатишим даркор. Бас, шундай бўлгач, буни кейинга қолдиришим ёки бу ишни амалга оширишни асло қўлдан чиқармаслигим керак, ахир мен бу йўллардан бошқа вақт ҳеч қачон ўтмайман"*.

Шундай қилиб, агар сиз безовталикдан халос бўлиб, руҳий осойишталик ва бахт топмоқчи бўлсангиз, еттинчи қоидани бажаринг:

*Атрофдагиларга эътибор бериб, ўзингизни асло ўйламанг. Ҳар куни шодлик ва хуррамлик, табассум бахш этувчи хайрли ишлар қилишдан асло чарчаманг.*

## Қисқа хулосалар

**1-қоида:** *Ўз онг-шуурингизни хотиржамлик, мардлик, соғлиқ ва умидворлик ҳақидаги фикрлар билан тўлдиринг, ахир бизнинг ҳаётимиз у ҳақдаги ўй-фикрлардан иборат-ку!*

**2-қоида:** *Ҳеч қачон душманларингиз қўлидаги шамларни ёқишга уринманг, чунки улардан кўра кўпроқ ўзингизга зарар етказасиз. Бамисоли генерал Эйзенхауэрдай ҳаракат қилинг: ўзингиз ёқтирмаган, яхши кўрмаган одам тўғрисида бирор дақиқа ҳам ўйламанг.*

**3-қоида:** *А. Миннатдор бўлмаганлардан хафа бўлиш ўрнига унга тайёр туринг. Эсингизда бўлсин, Исо Масиҳ бир кунда ўн нафар моховни тузатган, шулардан фақат биттаси унга миннатдорчилик билдирган, холос. Нима учун сиз Исо Масиҳдан ҳам зиёд миннатдорчилик кутасиз?*

*Б. Эсингизда бўлсин, бахтга сазовор бўлишнинг ягона йўли — бу миннатдорчилик кутмаслик, балки хурсандчилик учун хайр-саховат кутишдир.*

*В. Ёддан чиқарманг: миннатдорчилик бу феъл-атворнинг шундай белгисидирки, у фақат тарбия натижасида юзага чиқади, шу сабабли, агар истасангиз, болаларингизга яхшиликни қадрлашни ўргатинг.*

**4-қоида:** *Ўз муваффақиятларингизни ҳисобга олиб боринг, кўнгилсизликларни эса мутлақо эсдан чиқаринг.*

**5-қоида:** *Бошқаларга тақлид қила кўрманг. Ўзингизни топинг ва ўз-ўзингиз билан бирга бўлинг. Ахир,* "нафрат — жаҳолат, тақлид эса ўз-ўзини ўлдиришдир".

**6-қоида:** *Агар тақдир сизга лимонни муяссар кўрган бўлса, сиз ундан лимонад ясанг.*

**7-қоида:** *Ўзингиздаги кўнгилсиз ҳодисаларни унутинг, бошқаларга бахт улашиш учун ҳаракат қилинг.* "Бошқаларга мурувват кўрсатар экансиз, биринчи навбатда сиз ўзингизга ёрдам берган бўласиз".

*БЕШИНЧИ ҚИСМ*

# ТАНҚИД ТУФАЙЛИ БЎЛАДИГАН БЕЗОВТАЛИКДАН ЎЗНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўн тўққизинчи бўлим*

## ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН, ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЛИК ИТНИ УРМАЙДИ

1929 йилда Америкада маориф соҳасидаги арбоблар орасида мисли кўрилмаган шов-шувли воқеа бўлиб ўтди. Бутун дунё олимлари мазкур воқеанинг шоҳиди бўлиш учун Чикагога ёпирилдилар. Бундан бир неча йил муқаддам Роберт Хатчинс номли ёш йигит Йель университети томон йўл олган эди, шунгача у официант, ўрмон кесувчи, репетитор ва кир ёядиган арқон сотувчиси бўлиб ишлаганди. Хатчинснинг фаолият бошланганига саккиз йил тўлганида, у Америкада университетлари орасида нуфузи жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган Чикаго университети президенти вазифасига тайинланди. Унинг ёши нечада эди? Ўттизда. Ишониш қийин! Ёши ўтган профессорлар бош чайқаб қолишди. Илм оламида "янги вундеркинд" билан боғлиқ эҳтирос қайнади. Уни ҳар жиҳатдан танқид қила бошладилар. Нималар дейишмади, у ниҳоятда ёш, тажрибаси кам, таълим соҳасидаги ғоялари арзимас ва ҳоказо. Унга бўлган ҳужумда, ҳатто газеталар ҳам иштирок этди.

Роберт Мейнард Хатчинснинг университет президенти вазифасини бажаришга киришган куни дўсти унинг отасига шундай деган эди: *"Мен бугун газетанинг бош мақоласида ўғлингизга бўлган хуружларни ўқиб, ғоятда таъсирландим"*.

*"Ҳа,* — деди Хатчинснинг отаси, — *бу ўта шафқатсизлик, аммо эсингизда бўлсин, ҳеч ким ҳеч қачон ўлган итни тепмайди"*.

Дарҳақиқат, одамларни таҳқирлаган кишилар кўпроқ қониқиш ҳосил қилганлар.

Уэллс шаҳзодаси, кейинчалик қирол Эдуард VIII *(сўнг Виндзор герцоги)* буни ўз ҳаётида чор-ночор синаб кўрди. У бир вақтлар Девонширдаги Дартмут коллежида таҳсил олганди. Коллеж Аннаполисдаги ҳарбий-денгиз академияси билан бир қаторда турарди. Шаҳзода ўн тўрт ёшларда эди. Бир куни денгиз офицерларидан бири уни йиғлаб турган ҳолда кўриб, сабабини сўради. Дастлаб бола жавоб беришни истамади, аммо тез ўтмай иқрор бўлди. Маълум бўлишича, уни гардемаринлар, яъни ҳарбий билим юртидаги юқори синф талабалари уришган экан. Коллеж коммодори *(бошлиғи)* уларни чақирди ва шаҳзода шикоят қилмаганини, аммо улар нима сабабдан таққирлаш учун шаҳзодани танлаб олишганини сўради.

Гардемаринлар бироз вақт гапни чайнаб, тиллари гапга келмай, ниманидир минғирладилар. Аммо ахийри бўйинларига олдилар. Улар келажакда ўзларини қирол флотида командир ва капитан сифатида тасаввур этиб, ёшликларида қиролни дўппослаганимизни айтиб юрамиз, деган гапни айтдилар!

Шундай қилиб, агар сизга ташланиб қолишса ёки ноҳақ танқид қилишса, эсингизда бўлсин, бу кўпинча сизни таҳқир этувчи кишининг шахсий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Яъни, сиз ниманидир қўлга киритдингиз ва кўпчиликнинг диққатини жалб этдингиз. Айрим кишилар маълумоти баланд ва ундан кўра кўпроқ иш қилиб қўйган кишини ҳақоратлаб, шундан шафқатсиз тарзда ҳузур қиладилар. Масалан, мен ушбу бўлимни ёза туриб, Халоскор Армия асосчиси генерал Уильям Бутни фош қилувчи бир аёлдан мактуб олдим. Мен генерал Бутни кўкларга кўтарувчи радиоэшиттиришлар уюштирган эдим. Бу аёл менга нималарни ёзмади, дейсиз?! У генерал Бутни камбағалларга ёрдам бериш учун йиғилган саккиз миллион долларни ўмарганликда айблади. Албатта, бу айблов бутунлай тутуриқсиз эди. Аммо аёл ҳақиқатни тан олгиси келмасди. У ўзидан анча баланд турган одамга туҳмат қилиб, шундан ғаразли тарзда лаззатланарди. Мен унинг туҳматдан иборат хатини ахлат қутисига улоқтирдим-у, худога минг бор шукрона келтирдим: яхшиям у менинг хотиним эмас. Хатидан генерал Бут ҳақида ҳеч нарса билолганим йўқ, аммо

унинг ўзи тўғрисида кўп нарсани билиб олдим. Шопенгауэр анча йиллар олдин шундай деган эди: *"Пасткаш одамлар буюк кишиларнинг камчиликлари ва ўйламай қилган хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлганларида, ҳаддан зиёд ҳузур-ҳаловатни ҳис этадилар"*.

Йель университетининг собиқ президентини тубан одам деб ҳисоблаш мумкинми? Аммо Тимоти Дуайт, шубҳасиз, АҚШ президентлигига номзод бўлган шахсга ташланиб, чиқишлар қилганида, баҳри-дили очилиб кетган эди. Йель университети президенти огоҳлантириб айтгандики, агар бу одамни президент этиб сайласак, *"хотин-қизларимиз қонунлашган фоҳишабозликнинг қурбонига айланади, улар совуққон равишда исноднга қолишади, қалблари аниқ равишда хўрланади, улар жиддийлик ва олийҳиммат ликдан маҳрум бўлади, худо ва одамларнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлади"*.

Бу худди Гитлерни фош этгандай гап, шундай эмасми? Ваҳоланки, мутлақо бошқа одам ҳақида айтилган. Бу Томас Жефферсон айбловидир. Қайси Томас Жефферсон? Наҳотки ўлмас Томас Жефферсон, мустақиллик декларацияси муаллифи, демократиянинг ҳомийси ҳақида бўлса?! Ҳа, тасаввур қиляпсизми, у худди шундай ҳамлаларга дучор бўлган эди.

Сиз нима деб ўйлайсиз? Қайси америкаликни "иккиюзламачи", "товламачи" ва "салкам қотил" деб аташган эди? Бир газетада унинг боши узра улкан тиғ кўрсатилган ҳолда гильотинада турган қиёфаси карикатура тарзида босилиб чиққан. У кўчадан отда ўтганида, одамлар орқасидан масхаралар, ҳуштак чалишар эди. Бу инсон ким эди? Жорж Вашингтон эди.

Аммо буларнинг бари кўп йиллар муқаддам бўлиб ўтганди. Балки шундан бери инсон табиати бироз мукаммаллашгандир. Нима ҳам қилардик, омон бўлсак, кўрармиз. Шимолий Қутб тадқиқотчиси *(уни 1909 йил 6 апрелда очган эди)* адмирал Пирини мисол келтириш мумкин. У мазкур саёҳатни кучуклар қўшилган нарта *(чанғи)*да амалга оширган эди. Бу жасоратни бутун дунё қувонч билан қарши олди. Асрлар давомида кўпгина жасур одамлар ушбу буюк мақсадни амалга ошириш йўлида чексиз азоб чеккан ва жон фидо қилгандилар. Пирининг ўзи совуқ ва очликдан ўлиб кетаёзган эди.

Оёғидаги саккиз бармоғини шунчалик совуқ урган эдики, кейинчалик уни қирқиб ташлашга тўғри келди. Пирига шу қадар бало-қазо ёпирилганидан у ақлдан озиб қоламан, деб қўрқди. Шу билан бирга юқори мартабали денгизчи амалдорлар аламзадаликдан ёниб кетай дерди, чунки Пири бутун дунёда эътироф ва олий унвонга сазовор бўлганди. Уни илмий экспедициялар ўтказиш учун пул йиғишда, аммо "ўзи Арктикада вақтихушлик билан вақтини чоғ қилиб юрган"ликда айблашди. Ҳар эҳтимолга қарши шундай деб ўйладилар, ахир нимани хоҳласангиз, шунга ўзингизни ишонтирасиз-да! Уларнинг Пирини камситишга ва халақит беришга интилишлари шу даражада кучли эдики, президент Мак-Кинли тўғридан-тўғри буйруқ бериб, унга Арктикада ўз фаолиятини давом эттиришига имкон берди.

Пири Вашингтонда ҳарбий-денгиз кучлари вазирлигининг бирор идора иши билан машғул бўлганида, шундай ҳақоратга дуч келармиди? Йўқ, албатта. Унинг фаолияти нафрат туғдирадиган даражада аҳамиятли бўлмас эди.

Адмирал Пирига нисбатан генерал Грант кўпроқ шафқатсизликка дуч келган. 1862 йилда у биринчи ҳал қилувчи буюк ғалабани қўлга киритди. Бу ғалаба бир кунда қўлга кирган, Шимол бирданига пешқадам бўлган эди, у Грантни тўсатдан қаҳрамон даражасига кўтарган, мазкур ғалаба, ҳатто узоқ Европада ҳам улкан акс-садо берган, бу зафарни олқишлаб Мэндан Миссисипи қирғоқларига қадар гулханлар ёқилган ҳамда черков қўнғироқлари тантанали равишда жаранглаган эди. Бу буюк ғалабадан сўнг олти ҳафта ўтгач, Грант, яъни Шимол қаҳрамони қамоққа олиниб, ўз армиясига қўмондон бўлишдан маҳрум бўлди. У бу камситиш ва умидсизликдан аччиқ кўз ёши тўккан эди.

Нима учун генерал У.С.Грант шуҳрат чўққисига чиққанида қамоққа олинди? Чунки у ўз такаббур бошлиқларининг шубҳа ва ҳасадини қўзғаган эди.

Агар сиз ноҳақ танқид туфайли безовта бўлишга мойил бўлсангиз, биринчи қоидани бажаринг.

*Эсингизда бўлсин, ноҳақ танқид баъзи ҳолларда ниқобланган хушомад ҳисобланади.*

*Ёддан чиқарманг, ҳеч ким ҳеч қачон ўлик итни дўппосламайди.*

*Йигирманчи бўлим*

## ЎЗИНГИЗНИ ШУНДАЙ ТУТИНГКИ, ТАНҚИД СИЗГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ РАНЖ-АЛАМ ЕТКАЗМАСИН

Бир куни генерал-майор Смедли Батлер билан суҳбатлашиб қолдим. Уни ҳамма гапдан воқиф кўзли қария деб айтишади. Шунингдек, "дўзах иблиси Батлер" деб ҳам таърифлайдилар. У бир вақтлар АҚШ денгиз пиёда қўшинларига қўмондонлик қилган, кўзга тез ташланадиган ва энг бепарво генерал эди.

Смедли Батлер менга ёшлигида машҳур бўлиш учун жонжаҳди билан уринганини сўзлаб берди. У барчада ёқимли таассурот қолдиришни истаган эди. Ўша пайтда, ҳатто бегараз танқид ҳам унга чуқур ғам-алам қўзғар эди. Аммо, ўзининг эътироф этишича, денгиз пиёда қўшинлари сафидаги 30 йиллик хизмат унинг терисини ниҳоятда "қалинлаштирган" эди. *"Мени қанчалик таҳқирлашган, қанчалик ҳақорат қилишганди, — деб эслайди Батлер, — разил, илон ва ярамас деб атардилар. Бу ишнинг устаси фаранглари сўкишар эди. Мени инглиз тилида айтиб бўлмайдиган барча ҳақоратлар билан тилга олишарди. Ўйлайсизки, бу гапларга эътибор бердимми? Ҳечам-да! Мени кимдир сўкаётганини эшитсам, ким экан, деб бурилиб ҳам қарамайман".*

Балки Батлер, яъни ҳар гапдан воқиф қария танқидга ўта бефарқдир, аммо бир нарса аниқ: кўпчилигимиз арзимас хафагарчилик ва ҳақоратни юракка ниҳоятда яқин оламиз. Эсимда, кўп йиллар муқаддам Нью-Йоркдаги "Сан" газетаси мухбири катталар учун ташкил қилинган машғулотларимда иштирок этган эди. У мен ва ишим ҳақида пасквиль *(ҳақоратнома)* ёзган эди. Ўшанда мен ғазабдан ўзимни йўқотиб қўйдимми? Буни шахсий ҳақорат сифатида қабул қилдим. "Сан" газетаси ижроия қўмитасининг раиси Жил Хожесга қўнғироқ қилдим ва бемаъни пасквиль ўрнига фаолиятимнинг аниқ далиллари билан мақола чоп этишни талаб қилдим. Жиноятга яраша тегишли жазо берилишига тўла равишда ишончим комил эди.

Бугун эса ўзимни шундай тутганимдан ниҳоятда хижолатдаман. Энди тушундимки, бу газетани сотиб олган ки-

шиларнинг ярми ушбу мақолани ўқиб чиқишга ҳам улгурмаган. Қолган ярми эса ўқиб, худди беғараз ҳазилдай унинг устидан кулгандир балки. Эҳтимол, ярми шу муносабат билан ғаразона хурсанд бўлса ҳамки, бир неча ҳафтадан сўнг уни бутунлай унутиб юборишгандир.

Энди англадимки, одамлар мен ҳақимда ҳам, сиз ҳақингизда ҳам ўйлашмайди, уларни сиз, мен тўғримдаги гаплар мутлақо қизиқтирмайди. Ўз-ўзлари билан банд бўлиб, нонушта пайтида ҳам, ундан кейин ҳам, ярим кечадан ўн дақиқа ўтгунча ҳам фақат ўзлари ҳақида ўйлашади. Уларни сиз ва менинг ўлимим ҳақидаги хабардан кўра салгина бош оғриғи минг карра кўпроқ безовта қилади.

Агар энг яқин олти нафар дўстларингиздан бири сизга туҳмат қилса, устингиздан масхаралаб кулса, алдаса, елкангизга пичоқ тираса, асло тушкунликка тушманг, ўзингизга раҳмингиз келмасин. Энг яхшиси, Исо Масиҳ билан нима воқеа бўлганини эсланг. Энг яқин ўн икки дўстидан бири уни порахўрликда айблайди, бу ҳозирги ҳисобда ўн тўққиз долларга тўғри келади. Бошқа 12 нафар энг яқин дўстларидан бири эса Исонинг бошига оғир кун тушганида, ундан юз ўгиради ва у билан ҳеч қачон таниш эмаслигини уч марта баён этади. Олтидан бири! Мана, Исо Масиҳ билан бўлган воқеа. Шундай экан, сиз ва биз нега яхши натижани кутар эканмиз?!

Кўп йиллар муқаддам мен ноҳақ танқидга нисбатан халақит бера олмаслигимни пайқаган бўлсам-да, бошқа муҳим нарсани: ноҳақ айбларга нисбатан муносабат билдира оламанми-йўқми, шуни аниқлаб олишим керак эди.

Очиғини айтай: ҳар қандай танқидни назар-писанд қилмаслик керак, деган фикрдан жуда узоқман. Мен фақат ноҳақ танқидни эътиборга олмаслик кераклиги ҳақида гапиряпман. Бир куни Элеонора Рузвельтдан ноҳақ танқидга қандай муносабатда бўлишини сўрадим. Худо билади, унинг бошига бундай танқидлар қанча ёғилган. Шубҳасиз, Оқ уйда қачондир яшаган ҳар бир аёл каби унинг ҳам кўплаб содиқ дўстлари ва шафқатсиз душманлари бор эди.

Унинг ҳикоя қилишига кўра, ёшлигида у жуда тортинчоқ бўлиб, доимо одамлар нима дер экан, деб хавотирланиб юрган. Танқиддан ҳам жуда қўрққан, шунинг учун холаси, Те-

одор Рузвельтнинг синглисидан маслаҳат сўраб, унга мурожаат қилган. Элеонора унга: *"Бай хола, мен шундай-шундай қилмоқчиман, аммо мени айблашади, деб қўрқаман"*, деган.

Тедди Рузвельтнинг синглиси унинг кўзларига тикилиб, шундай жавоб берди: *"Одамлар нима дейишаркан, деб хавотирланиб ўтирма, кунглингда тўғри иш қилаётганингга ишонч бўлса, бас"*. Элеонора Рузвельтнинг менга айтишича, бу маслаҳат унга бир неча йилдан сўнг Оқ уйда яшаган даврида мисоли Гибралтар чўққисидай бўлиб кўринган. У менга ҳар қандай танқиддан холи бўлиб туришнинг ягона йўли — дрездан чиннисидан қилинган ҳайкалча мисоли токчада туришдир, деган эди. *"Кунглинг майлига қараб иш тутсанг ҳамки сени барибир муҳокама этишади, қандай иш қилсанг ҳам барибир фарқи йўқ. Бу ишни қилсанг ҳам, қилмасанг ҳам, барибир сўкишади"*. Унинг маслаҳати ана шундай эди.

Марҳум Мэтью С.Брашдан, у халқаро Америка корпорацияси президенти бўлган пайтда, сиз танқиддан таъсирланасизми, деб сўрадим. Мана унинг менга гапириб берганлари: *"Ҳа, ёшлигимда мен танқидга ортиқ даражада куйиниб, муносабатда бўлардим. Ўшанда ташкилотимиз ходимлари мени мукаммал киши деб ҳисоблашларини жон-жаҳдим билан истар эдим. Улар буни айтмасалар, жудаям бетоқат бўлардим. Одатда ким менга биринчи бўлиб қарши чиқса, ўшани ўзимга оғдиришга ҳаракат қилардим, аммо шуниси аниқ эдики, у билан муносабатимни йўлга қўйганимда, бошқа ходимнинг ғазабига дучор бўлардим. Буниси билан ҳам муносабатни яхшилашга уринган пайтимда бошқа бадбин одамларнинг норозилиги қўзғалиб қоларди. Ниҳоят, шунга ишонч ҳосил қилдимки, мендан ранжиганларнинг кўнглини қанчалик овласам ёки тинчлантирмоқчи бўлсам, шу билан ўзимга нисбатан танқидлардан халос бўлмоқни истасам, шунга кўп душман орттирардим. Ниҳоят ўз-ўзимга: "Агар оломондан баланд кўтарилсанг ҳам, барибир, сени айблашаверади. Шундай экан, сен бунга кўникишинг керак", дедим. Бу фикр менга катта ёрдам берди. Шундан кейин кучим етгунича қоидага мувофиқ барча ишни қилишни одат қилиб олдим, сўнг эски соябонимни олиб, ўзимни ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилиб, унинг ёмғири томчилари ёқамга тушмасин, деб очиб қўйдим"*.

Димс Тейлор эса анча илгари кетди: у танқид ёмғири ёқасига киргунича индамади, сўнг очиқчасига унинг устидан кулди. Тейлор радио орқали Нью-Йорк филармоник-симфоник оркестрининг якшанбалик концертлари орасида эшиттиришлар олиб борганида, қандайдир аёлдан унга хат узатишди, хатда у *"фирибгар, хоин, шлон ва* аҳмоқ", деб аталган эди.

Келгуси ҳафтада жаноб Тейлор бу хатни миллионлаб радио эшитувчиларга ўқиб берди. У ўзининг "Одамлар ва мусиқа ҳақида" номли китобида ҳикоя қилишича, бир неча кундан сўнг яна ўша аёлдан мактуб олган. Хатда аёл ўзининг яна олдинги фикрини такрорлаб, уни *"фирибгар, хоин, илон ва аҳмоқ"* деб қатъий ишончини ифодалайди. *"Шубҳам бор эдики,* — деб қўшимча қилади жаноб Тейлор, — *у менинг радио орқали берган эшиттиришимда хатини эслатганимга мутлақо эътибор бермаган"*. Биз ҳақорат эшитаётган одамни, ўзини шундай тутган кишини беихтиёр олқишлаймиз, унинг вазминлигига, босиқлиги ва ҳазилкашлигига тан берамиз.

Чарлз Шваб Пристонда бир гуруҳ талабалар ҳузурида маъруза ўқиганида, ҳаётда энг муҳим сабоқлардан бирини ўзининг пўлат қуйиш заводида ишлаётган кекса немисдан олганини эътироф этган эди. Бир куни немис ҳарбий мавзуда бошқа ишчилар билан қизғин тортишаётган пайтда улар қарияни дарёга улоқтиришади. *"У менинг хонамга кирганида,* — деб ҳикоя қилади жаноб Шваб, — *бошдан-оёқ жиққа ҳўл ва чиркин эди. Мен ундан дарёга улоқтирган одамларга нима деганини сўрадим. "Мен фақат кулдим", деб жавоб берди у"*.

Жаноб Шваб кекса немиснинг сўзларини ўзига шиор қилиб олди: *"Фақат кулгин"*.

Бу шиор, айниқса, сиз ноҳақ муҳокама қурбони бўлган пайтда ниҳоятда фойдалидир. Сизга қўполлик қилган одамга жавоб бериш мумкин, аммо "фақат кулаётган" одамга нима деб айтса бўлади?

Линкольн фуқаролар уруши девридаги таранг вазиятда ўзининг шафқатсиз танқидчилари, яъни ўйламасдан иш қилувчиларга жавоб беришга уриниб ётганида, ҳаммасига бардош бера олармиди? У ниҳоят шундай дейди: *"Агар мен ўзимга нисбатан бўлган ҳамлаларни даф этиш билан ўра-*

*лашиб қолганимда, уларга жавоб бериш у ёқда турсин, бошқа ишлар билан шуғулланишни бутунлай йиғиштириб қўйишга тўғри келарди. Мен қўлимдан нимаики келса, барини амалга ошираман ва охирига қадар шундай ҳаракат қилишни мўлжаллаганман. Агар охири муваффақиятли бўлса, шунда менга нисбатан бўлган ташланишларнинг бари аҳамиятсиз бўлиб қолади. Мабодо мени мағлубият кутиб турган бўлса, ҳатто ўнлаб фаришта ҳақлигимга имон келтириб турганида ҳамки, ҳеч нарсани ўзгартира олмайман".*

Шундай қилиб, сиз ва мени ноҳақ равишда айблашса иккинчи қоидани эслаш зарур:

*Кучингиз етгунча, ҳаракат қилиб ишланг. Сўнг эски соябонингизни очинг, у сизни танқид ёмғиридан ҳимоя қилади. Шунингдек, совуқ вайсақиликлар ёқангизга асло тушмайди.*

*Йигирма биринчи бўлим*

## МЕН ЙЎЛ ҚЎЙГАН БЕМАЪНИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР

Шахсий архивимда "МЙҚБХҲ" деб ном қўйилган индексли бир жилдни сақлайман, у қисқартирилган тарзда "Мен йўл қўйган бемаъни хатти-ҳаракатлар" деб юритилади. Ушбу жилдларда ўз айбим билан йўл қўйган бемаъни хатти-ҳаракатларим ҳақидаги ёзувлар мавжуд. Баъзи ҳолларда мазкур эсдаликларни котибамга айтиб ёздираман, аммо улар шу даражада шахсий маънога ҳамда шу қадар бемаъниликка эгаки, ўқиб туриб ёздиришга уяламан, шу боис уларни ўз қўлим билан ёзиб қўяман.

Мен ҳозир ҳам ушбу жилддаги ўн беш йил муқаддам Дейл Карнеги ҳақида билдирилган танқидий мулоҳазаларни эслай оламан. Агар ўзимнинг виждонимга ишонсам, бемаъни хатти-ҳаракатларим ҳақидаги ёзувлар билан тўлган жилдим аллақачон чок-чокидан сўкилиб кетар эди. Мен бундан йигирма аср муқаддам: *"Бемаъниларча ҳаракат қилдим ва жуда кўп гуноҳларга йўл қўдим"*, деб айтган шоҳ Саулнинг сўзларини такрорлашга ўзимни ҳақли деб биламан.

Қачон мен ушбу жилдни қўлимга олиб, ўзим ҳақимдаги танқидий фикр-мулоҳазаларни ўқисам, улар зиммамда турган муҳим муаммо — Дейл Карнегини бошқариш муаммосини ечишга ёрдам беради.

Мен ўзим йўл қўйган ножўя хатти-ҳаракатлар учун кўпинча бошқаларни айблашни одат қилиб олган эдим, аммо улғайганим сари ва умид қилганимдек, ақлли бўлганим сайин шуни англадимки, охир-оқибатда барча бахтсизликлар менинг айбим билан рўй берар экан. Кўпчилик улғайганидан кейин шундай хулосага келади. *"Ўзимдан бошқа ҳеч ким,* — деган эди Наполеон Авлиё Елена оролида, — *менинг ҳалокатимга айбдор эмас. Қаттол душманим менинг ўзим — фожиали тақдирим сабабчиси ўша"*.

Ижозатингиз билан бир киши тўғрисида гапириб берай. Ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини бошқариш бобида у тенги йўқ моҳир уста ҳисобланади. Бу инсоннинг номи Х.П.Хауэлл. 1944 йил 31 июлда Нью-Йоркдаги "Амбассадор" меҳмонхонаси дорихонасида унинг тўсатдан вафот этгани ҳақида хабар тарқалганида, Уолл-стрит изтиробга тушди. Ахир у Америка молия дунёсининг энг машҳур арбобларидан бири, тижорат миллий банки ва компанияси бошқарувининг раиси, Уолл-Стритдаги 56-кўчада жойлашган ишончли вазифаларни бажарувчи, шунингдек, йирик корпорациялар директори ҳисобланар эди. Хауэлл ёшлигида деярли чуқур билим ололмади. Ўз фаолиятини қишлоқ дўконида сотувчи сифатида бошлади, сўнг "Ю.С.стил" номли йирик пўлат қуюв компаниясида кредитларни бошқарувчи бўлди ва ўз йўлини юқорига — юксак мансаб ва куч-қудрат томон давом эттирди.

*"Мен кўп йиллардан буён кун бўйи ҳузуримда ўтказилган учрашувларнинг ҳаммаси ҳақида битилган ёзувлар жамланмасини юритаман,* — деб ҳикоя қилиб берганди жаноб Хауэлл унинг муваффақиятлари сабабини сўраганимда. — *Оилам шанба оқшомида ҳеч қачон вақтимни олмайди, чунки бу вақтнинг бир қисмини мен ҳамиша ўз-ўзимни текшириш, хатти-ҳаракатларимни кўриб чиқиш ва баҳолашга сарф этишимни яхши билади. Тушликдан кейин ёлғиз қолиб, учрашувлар китобини очаман ва ҳафта давомида ўрин олган барча мулоқотлар, йиғилиш ва мажлислар ҳақида*

*ўйлаб кўраман. Ўзим-ўзимдан, қандай хатога йўл қўйдим экан, деб сўрайман. Мен қайси ўринларда тўғри иш қилдим ва қандай ҳолларда бундан ҳам яхши ҳаракат қилишим мумкин эди?*

*Бу таржибадан қандай сабоқ чиқариб олиш мумкин? Баъзан бу ҳафталик хатти-ҳаракатларни таҳлил қилиш мени мушкул аҳволга солиб қўяди. Баъзида ўзимнинг кўпол хатоларимдан ҳайрон қоламан. Албатта, бу камчиликлар йилма-йил тобора камайиб боради. Йилма-йил олиб борадиган мазкур тизим, ўз-ўзини таҳлил этиш усули ўзим қабул қилганларга нисбатан менга кўпроқ фойда берди".*

Балки, Хауэлл Бен Франклиннинг ўз-ўзини таҳлил этиш ғоясини ўзлаштиргандир? Фақат Франклин шанба оқшомигача кутмаган, у ҳар оқшом ўз устида унумли ишлаган. У ўзида ўн учта жиддий камчилик борлигини аниқлаган эди. Шулардан учтаси: бекордан-бекорга вақт сарфлашга мойиллик, беҳуда нарсаларга аччиқланиш, тортишиш ва қаршилик кўрсатишдир. Кекса донишманд Бен Франклин мазкур камчиликларни бартараф этмаса, ҳаётда муваффақият қозона олмаслигини яхши тушунди. Шунинг учун у ҳафта давомида ҳар куни ўзининг камчиликларидан бирини йўқотиш учун курашди ва кундалик юритиб, ким-кимни бартараф этганини батафсил ёзиб борди. Бошқа куни у камчиликларидан яна бирини танлаб, худди рингга чиққан боксчи каби гонг эшитилганида қўлқоп кийиб олди. Франклин ўзининг камчиликлари билан икки йил давомида шиддатли кураш олиб борди.

У Америка дунёга келтирган энг ҳурматли шахслардан бири бўлиб етишганига ажабланмаса ҳам бўлади!

Элберт Хаббард шундай деган эди: *"Ҳар бир одам бир кунда ҳеч бўлмаганда беш дақиқа қип-қизил аҳмоққа айланади. Бу чегарани оширмасликнинг ўзи донишмандликдир".*

Майдакаш одам арзимас ҳисобланган танқидлардан ҳам қаттиқ ғазабланади, доно эса унга "йўл бермай" таъна қиладиган ва уни ёмонлайдиган кишидан ҳам ниманидир ўрганади.

Уолт Уитмен бу фикрни қўйидагича таърифлаган: *"Сиз фақат сизни мақтайдиган, сизни ёқтирадиган ва сизга йўл берадиган кишидан бирор нарса ўрганасизми? Сизга қарши*

*чиқадиган, сизни кўра олмайдиган ва йўл бермайдиган кишилардан буюк сабоқлар чиқариб олишни синаб кўрмадингизми?"*

Душманларимиз бизни ва ишимизни танқид қилишларини нега кутиб ўтириш керак? Нега улардан олдинроқ ўтиб кетмаймиз? Келинг, ўз-ўзимиз учун шафқатсиз танқидчига айланайлик. Шундай қилсак, душманларимиздан олдин ўзимизнинг заиф томонларимизни аниқлаб ва тузатиб оламиз. Дарвин худди шундай қилди. Аниқроғи, у ўн беш йил танқид билан машғул бўлди. Бу воқеа шундай бўлган эди. Дарвин ўзининг ўлмас асари "Турларнинг келиб чиқиши" ҳақидаги асари қўлёзмасини тугатган пайтда тушундики, ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги инқилобий концепциясининг нашр этилиши интеллектуал ва диний дунёни ларзага соларди. Шунда у ўзининг шахсий танқидчисига айланди ва яна ўн беш йил давомида ўзи келтирган маълумотларни синчиклаб текширди, ўз мулоҳазаларини шубҳа остига олди, хулосаларини танқид қила борди.

Фараз қилайлик, кимдир сизни "лаънати аҳмоқ" деб ҳақорат қилди. Сиз нима қилардингиз? Хафа бўлармидингиз? Ғазабланармидингиз? Мана, Линкольн қандай йўл тутган? Линкольннинг ҳарбий вазири Эдвард М.Стэнтон уни "лаънати аҳмоқ" деб атаган эди бир куни. Стэнтон Линкольн унинг ишига аралашгани учун қаттиқ ғазабланган эди. Бир худбин сиёсатчининг кўнглини топиш учун Линкольн айрим полкларнинг ўрнини алмаштириш ҳақидаги буйруқни имзолаганди. Стэнтон нафақат Линкольннинг буйруқларини бажармади, балки Линкольн лаънати, аҳмоқ, деб қасам ичди, чунки у шундай буйруқларга имзо чекади. Оқибатда нима бўлди? Стэнтон нималар деганини Линкольнга етказганларида, у хотиржам ҳолатда шундай деган: *"Агар Стэнтон мени лаънати, аҳмоқ деган бўлса, шундай бўлиши мумкин, чунки у кўпинча ҳақ бўлиб чиқади. Ўзимга келганда эса буни кўриб чиқишим керак"*.

Линкольн Стэнтон ҳузурига йўл олди. Буйруғи хато эканлигига Стэнтон уни ишонтирди ва Линкольн амрни бекор қилди. Линкольн ўзининг хатти-ҳаракатига нисбатан бўлган танқидлар самимий, асосли ва дўстона бўлса, уни қўллаб-қувватлаган.

Шундай экан, сиз ҳам, мен ҳам шу тахлит танқидларни қутлашимиз керак, гарчи унинг тўртдан уч қисми тўғрилигига шубҳамиз бўлса ҳам умид қилаверишимиз мумкин. Теодор Рузвельт охир-оқибатда худди шундай деб ҳисоблаганди. Давримизнинг энг буюк мутафаккири Эйнштейн ўзининг тўқсон тўққиз фоиз хулосалари хатолардан иборат эканлигига иқрор бўлган эди!

*"Душманларимизнинг биз тўғримиздаги мулоҳазалари,* — деган эди Ларошфуко, — *ўз фикр-ўйларимиздан кўра ҳақиқатга жуда яқиндир".*

Биламанки, бу таъкид кўп ҳолларда тўғри ҳисобланади. Шу билан бирга кимдир мени танқид қилишни бошласа, мен ўзимга қарамай қўйсам, танқид қилувчига дарров нима дейиш ҳақида жиндай тасаввурга эга бўлмасам ҳамки, табиий равишда ўзимни ҳимоя қилишга ўтаман. Ҳар сафар шундай ҳолатга тушсам, ўз-ўзимдан норози бўламан. Бизнинг ҳаммамиз танқиддан ғазабланиш, мақтовдан ийиб кетишга жуда мойилмиз, шунга қарамай, танбеҳ ёки мақтовга арзиймизми? Мантиқ бизга хос эмас. Бизни ҳиссиёт чулғаб олади. Бизнинг мантиқ ҳиссиётлар денгизида ўзимизни у ёқ-бу ёққа улоқтирган қайиқни эслатади. Кўпчилигимиз ўзимиз тўғримизда ҳаддан зиёд юқори фикрдамиз *(шахсимизни юқори қўямиз).* Аммо орадан қирқ йил ўтгач, балки ҳозир қандай эканлигимизни ўйлаб кулгимиз қистаса керак.

Унча катта бўлмаган америкача шаҳардаги энг таниқли газета ноширн Уильям Аллен Уайт бир ёш йигитнинг эллик йил аввал қандай бўлганини эслаб, унга таъриф берган эди: *"...ўзига бино қўйган, куч-ғайрати жўшган аҳмоқ... димоғи баланд мурғак риёкор... мағрур реакционер..."* Балки йигирма-йилдан сўнг сиз ва мен ўзимизнинг ҳозирги пайтдаги ҳолатимизни таърифлаб, шундай сўзларни ишлатармиз? Эҳтимол... Ким билади дейсиз?

Олдинги бўлимларда мен, агар сизни ноҳақ танқид қилишса, ўзни қандай тутиш тўғрисида гапирган эдим. Яна қуйидагиларни қўшимча қилишни истайман: сизни ноҳақ айблаб турганларида, қаттиқ ранжиган пайтингизда нега ўз-ўзингизга: *"Бир дақиқа тўхта... Мен ҳар жиҳатдан пухта эмасман-у! Агар Эйнштейн тўқсон тўққиз фоиз хато*

*қилганини эътироф этган бўлса, балки мен энг кўпи билан саксон фоиз хатога йўл қўярман. Эҳтимол, бу хатога лойиқдирман. Агар шундай бўлса, бундан миннатдор бўлиб, ундан ўзимга фойдали хулосалар чиқариб олишим керак"*, демайсиз?

"Пепсодент" компанияси президенти Чарлз Лакман Боб Хоупнинг радио орқали чиқишларини молиялаштириш учун бир йилда миллион доллар сарфлайди. Бу дастурдан унга жуда кўп фикр-мулоҳазалар битилган хатлар келади. У мақтов битилган мактубларни кўрмай, балки танқид битилган хатлар асосида маъруза қилишни талаб қилади. Бундай мактубларда фойдали тавсиялар бўлишини яхши билади.

"Форд" компанияси раҳбарлари ўз фаолиятларидаги камчиликларни аниқлашга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда компания ходимлари билан яқинда сўров ўтказилди, уларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқа жабҳалари билан боғлиқ ишларни танқид қилиш тавсия қилинди.

Мен совун савдоси агенти билан танишман, у одати бўйича ўзини танқид қилишларини талаб қилиб олади. У "Колгейт" фирмаси учун совун сотишни бошлаган пайтда буюртмалар жуда кам эди. Шу боис ишсиз қолишдан жуда қўрққанди. У маҳсулот сифати олий даражада ҳамда нархи ҳам маъқул эканлигини билгани ҳолда, асосий сабаб ўзида эканлигини англади. Битим туза олмагач, кўпинча кварталлар орасида тентираб юрар, хато нимадан иборат эканлигини билишга тиришар эди. Балки ўз фикрини мужмал тарзда ифодалагандир? Ёки унда завқ-шавқ етишмагандир? У кўтара савдо билан шуғулланувчи ишончли харидор ҳузурига келганида, баъзан шундай дейди: *"Мен сизнинг ҳузурингизга яна бир бор совун олишни тавсия қилиш учун эмас, балки маслаҳат ва танқидларингизга муҳтож бўлиб келдим. Агар бир неча дақиқа олдин совун сотишга уринганимда, хатога йўл қўйганимни очиқ-ойдин айтсангиз, мингдан-минг миннатдор бўлур эдим. Сиз менга нисбатан бой тажрибага эгасиз ҳамда кўп нарсага эришгансиз. Марҳамат қилиб, ўз танқидий мулоҳазаларингизни айтсангиз. Самимий бўлсангиз. Фикрларингизни айтишдан асло тортинманг!"*

Шу тариқа у кўп дўстлар ва қимматли маслаҳатларга эга бўлди. Бу инсоннинг кейинги тақдири-чи? Ҳозирги пайтда у "Колгейт-полмалив-пит соуп" компанияси президенти ҳисобланади. Мазкур компания жаҳонда энг кўп совун ишлаб чиқаради. Уни Э.Х.Литтл деб номлашади. Ўтган йили у топган 240.141 доллардан ташқари АҚШда бор-йўғи ўн тўрт киши юқори даромад олди.

Худди Х.П.Хауэлл, Бен Франклин ва Э.К.Литтл каби иш кўриш учун катта киши бўлиш шартмикан? Ҳозир эса, сизни ҳеч ким кўрмайди, нега ойнага қараб ўз-ўзингиздан *"бу компанияга ярайсанми ўзи?"* деб сўрамайсиз?!

Танқид туфайли безовталикдан халос бўлиш учун учинчи қоидага риоя қилинг:

*Ўзингиз йўл қўйган бемаъни хатти-ҳаракатлар рўйхатини тузиб чиқинг-да, ўзингизни танқид қилинг. Мукаммалликдан шунчалик узоқ эканмиз, келинг, худди Э.Х.Литтлдай йўл тутайлик: бошқалардан беғараз, фойдали ва конструктив танқидни сўраб олайлик.*

## Қисқа хулосалар

**1-қоида:** *Ноҳақ танқид айрим ҳолларда ниқобланган хушомад ҳисобланади. У баъзан сиз туфайли қўзғалган нафрат ва ҳасадни ҳам англатади. Эсингизда бўлсин, ҳеч ким ҳеч қачон ўлик итни урмаган.*

**2-қоида:** *Кучингиз етган ишни қилинг, сўнг эски соябонингизни олинг, майли, танқид ёмғири унга ёғаверсин, фақит ёқангизга тушмаса бўлгани.*

**3-қоида:** *Ўзингиз йўл қўйган хатти-ҳаракатлар рўйхатини тузиб чиқинг-да, ўзингизни ўзингиз танқид қилинг. Ҳали баркамолликдан узоқ эканмиз, келинг, худди Э.Х.Литтл каби йўл тутайлик. Бошқалардан беғараз, фойдали ва конструктив танқидни сўраб олайлик.*

*ОЛТИНЧИ ҚИСМ*

# ЧАРЧАШ ВА БЕЗОВТАЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАМДА ЮҚОРИ ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ВА ЯХШИ КАЙФИЯТНИ САҚЛАБ ТУРИШГА РИОЯ ҚИЛИШНИНГ ОЛТИ ҚОИДАСИ

*Йигирма иккинчи бўлим*

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҲАЁТИНГИЗДАГИ ФАОЛЛИККА БИР СОАТДАН ҚЎШИШ МУМКИН?

Безовталикни бартараф этишга бағишланган ушбу китобда нима сабабдан чарчоққа барҳам беришга доир бобни ёзяпман? Жавоби жуда оддий: чунки чарчаш кўпинча безовталикка сабаб бўлади ёки охир-оқибатда бизнинг безовталикка мойиллигимизни англатиб туради. Ҳар қандай тиббиётчи талаба сизга ҳорғинлик организмнинг шамоллашга жисмоний қаршилигини пасайтиришини айтиб беради, ваҳоланки бошқа юзлаб касаллик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади ва ҳар қандай психиатр бизга чарчоқ қўрқув ва безовталик каби ҳиссиётларга қаршилигимизни пасайтиришини маълум қилади. Шу сабабли чарчоқни бартараф қилиш безовталикни бартараф этишга ёрдам беради.

Мен, "безовталикни бартараф қилишга ёрдам беради", дедим. Бу ниҳоятда юмшатиб айтиш демакдир. Доктор Эдмунд Жекобсон бўшашмоқ ҳақида иккита китоб ёзган: "Астасекин бўшашиш" ва "Сиз бўшашишингиз керак". Чикаго университети клиник физиология лаборатория директори сифатида у бир неча йиллар давомида бўшашишдан даволаш усули сифатида фойдаланишга доир тадқиқотлар ўтказди. У ҳар қандай асабий ёки ҳиссий зўриқиш "тўла бўшашиш оқибатида бартараф этилади", деб таъкидлаган. Бошқача айтганда, агар сиз бўшашсангиз, безовталик давом этмайди.

Шундай қилиб, чарчаш ва безовталикни бартараф этиш учун, биринчи қоидада айтилганидек, тез-тез дам олинг. Қачон чарчаганингизни ҳис этсангиз, дарров дам олинг.

Бу нима учун шунчалик зарур? Чунки чарчоқ мисли кўрилмаган тезликда тўпланади. Қўшма штатларнинг пиёда қўшинлари аскарлари билан ўтказилган кўп марталик тажрибалардан маълум бўлишича, ҳатто ёшлар, кўп йиллик пиёда қўшинлар сафида хизмат қилиб чиниққан ёшлар ҳам ўз сафархалталарини ташлаб, ҳар соатда ўн дақиқа дам олишса, узоқ масофани бемалол босиб ўтишади ва юқори бардошни намоён этишади. Армияда уларни бу ишни бажаришга мажбур қиладилар. Сизнинг юрагингиз ҳам худди америкача армия каби ақллидир. У ҳар куни жисмингизга шунчалик кўп қон ҳайдайдики, у билан темир йўлда турган бутун цистернани тўлдириш мумкин. Ҳар йигирма тўрт соатда шунчалик кўп энергияни сарфлайдики, у билан уч фут *(1 фут — 30,48 см)* баландликда турган платформадаги йигирма тонна кўмирни белкурак билан бемалол юклаш мумкин. Бу мислсиз ишни у эллик, етмиш, балки тўқсон йил давомида беминнат амалга оширади. Бундай оғирликни юрак қай тарзда кўтара олади? Гарвард университети тиббиёт факультети профессори доктор Уолтер Б.Кэннон буни шундай изоҳлайди: *"Кўпчилик юрак ҳамиша тўхтовсиз ишлайди, деб ўйлайди. Ҳақиқатда эса у ҳар қисқарганида, маълум даражада дам олиш мавжуд бўлади. Юрак ҳар дақиқада етмиш зарб билан урганида, ҳақиқатан ҳам йигирма тўрт соатдан фақат тўққиз соатида ишлайди. Унинг бир кундаги дам олишини миқдорий жиҳатдан ҳисобласак, ўн беш соатни ташкил этади"*.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Уинстон Черчилл етмиш ёшларда эди. Шунга қарамай, бир кунда ўн олти соатлаб ишларди, ўша йилларда у Британия империяси ҳарбий қувватига раҳбарлик қилган эди. Бу фавқулодда мўъжизали ҳодисадай кўринади. Сири нимада? У ҳар куни тўшакдан турмай соат ўн бирга қадар ишлар эди. Бу муддатда газета ўқиган, буйруқларни ёздирган, телефонда гаплашган ва муҳим кенгашларни ўтказган. Тушликдан сўнг у яна ётар ва бир соат чамаси ухларди. Оқшом яна ётар ва кечки соат 8 да бўладиган овқатдан олдин тағин икки соат ухлар-

ди. У ҳориб қолганидан асло даволанган эмас. Даволанишига ҳожат ҳам йўқ эди. Черчилл чарчоқни ана шундай баратараф этарди. Тез-тез дам олиши туфайли у дадил ва батартиб ва ярим кечагача ишлаш қобилиятига эга эди.

Машҳур Жон Д.Рокфеллер икки буюк кашфи билан машҳур эди. У жаҳонда энг кўп бойлик тўплади ва тўқсон саккиз ёшгача яшади. Бунга қандай эришди? Асосий сабаби, бизнинг фаразимизча, шундаки, узоқ умр кўриш уларнинг авлодида мавжуд эди. Иккинчи сабаби шуки, у туш пайтида ўз хизмат хонасида ҳар куни ярим соат ухлашни одат қилганди. Ўша ерда турган юмшоқ узун курсида мизғиганида ҳеч ким, ҳатто АҚШ президенти ҳам Жон Д.Рокфеллерни телефонда чақира олмасди!

Даниэл У.Жосселин ўзининг ажойиб китоби — "Нега чарчаш мумкин?"да: *"Дам олиш бутунлай бекорчиликни англатмайди. Дам олиш бу таъмирлаш демакдир"*, деган. Қисқа давом этган ҳордиқ шундай катта тиклаш қувватига эгаки, ҳатто беш дақиқалик уйқу ҳам чарчоқни бутунлай тарқатиб юбориши мумкин! Шуҳратларга бурканган бейсбол қироли Конни Макк менга, у агар ўйин олдидан ухламаганида, бешинчи марта тўп ирғитганидаёқ сулайиб қолиши мумкинлигини айтиб берган эди. Лекин ҳеч бўлмаганда, беш дақиқа ухлаб олса, бир кунда икки матч ўйнаганида ҳам чарчашни ҳис этмасди.

Мен Элеонора Рузвельтдан Оқ уйда йигирма йил давомида силлани қуритадиган фаолият олиб боришнинг уддасидан қандай чиқа олганини сўраганимда, у жавоб бериб айтдики, ҳар бир учрашув ёки чиқишдан олдин кўпинча оромкурсида ўтириб ёки юмшоқ узун курсида ётиб, йигирма дақиқа бутунлай жони-жисмини бўшаштирган.

Яқинда мен Жин Отри билан суҳбатлашдим. Биз унинг "Мэдисон-сквер-горден" номли хонасида учрашдик. Бу ерда у родео бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида оммани жалб қилиш учун хизматга жалб этилган эди. Хонасида сафар каравоти қўйилганига эътибор бердим. *"Мен бу ерда ҳар куни дам оламан*, — деди Жин Отри. — *Чиқишларим орасидаги соатда ухлаб оламан. Ҳолливудда суратга тушишда кўпинча катта юмшоқ оромкурсига ўтираман-да, ўзимни бутунлай бўшаштираман. Сўнг кун давомида ўн*

*дақиқадан икки-уч марта пинакка кетаман. Бу менинг ҳаётий фаолиятимни фавқулодда юқори даражага кўтаради".*

Эдисон ўзининг битмас-туганмас қуввати натижасини қачон хоҳласа, ўша пайтда ухлаб олиш қобилиятида, деб кўрсатган эди.

Генри Форд билан унинг саксон ёшлиги арафасида суҳбатлашган эдим. Мени Форднинг барқ урган ва навқирон кўриниши ҳайратга солганди. Бунинг сирини сўрадим. *"Мен ўтириш имконияти бўлганида ҳеч қачон тик турмайман, ётишни истаганимда ҳеч қачон ўтирмайман"*, деб жавоб берди у.

"Замонавий педагогиканинг отаси" бўлмиш Хорас Мэнн ёши ўтиб қолган пайтда худди шундай йўл тутди. Антиох коллежи президенти бўлган пайтда у одатда талабалар билан юмшоқ узун курсига қулай жойлашиб ўтириб суҳбатлашарди.

Мен Ҳолливудда бир режиссёрдан шу усулни синаб кўриш учун кўндирдим. Унинг эътироф этишича, натижалар мўъжизага тенг эди. Мен Жек Черток, яъни ҳозирги пайтда "Метро-Голдвин-Мейер" кинокомпаниясининг энг пешқадам режиссёрларидан бири ҳақида сўзлаяпман. Жек Черток бир неча йил муқаддам ҳузуримга келган пайтда "МГМ"нинг қисқа метражли фильмлар бўлими бошлиғи эди. У ҳолдан тояр даражада чарчаб қолар, куч-қуввати охирги нуқтага етиб борганди. Ўзида ҳаммасини: қувват берувчи воситалар, витаминлар, доривор препаратларни синаб кўрди. Аммо уларнинг ҳеч бири асло ёрдам бермади. Мен ҳар куни дам олишни маслаҳат бердим. Қандай қилиб? Хонада ўриндиқ *(кушетка)* қўйиб, унга ёта туриб, ўзининг сценарийнавислари билан йиғилиш ўтказаётганида, бўшатиб турмоқ...

Орадан икки йил ўтгач, яна кўрдим ва у шундай деди: *"Мўъжиза юз берди. Менинг шахсий шифокорларим шундай ҳисоблаяпти. Илгари ўзимизнинг қисқа метражли фильмларимиз мавзусини муҳокама этганимизда, курсига худди михлангандай, асабларим охирги даражага таранглашиб ўтирар эдим. Энди эса кенгашларни хонамда, кушеткада бўшашган ҳолда ўтказаман. Йигирма йил даво-*

*мида биринчи марта ўзимни инсон сифатида ҳис этдим. Ҳозир мен олдингига нисбатан икки соат зиёд ишлайман ва жуда кам чарчайман".*

Булар қай даражада қўлланиши мумкин? Фараз қилайлик, стефанографсиз ва худди Эдисон, Сэм Голдвин каби иш вақтида пинакка кета олмайсиз. Борди-ю, ҳисобчи бўлиб ишласангиз, бошлиғингиз билан молиявий ҳисоботни муҳокама эта туриб, кушеткада ағанашга ким рухсат берарди дейсиз? Аммо кичик шаҳарда истиқомат қилиб, уйга тушлик қилгани келганингизда, овқатдан сўнг ўн дақиқа ухлашга имконият топарсиз балки? Генерал Жорж С.Маршалл худди шундай йўл тутган эди. Уруш йилларида Қўшма штатлар армияси бош штабида бошлиқ бўлган пайтида у қанчалик банд бўлмасин, туш пайтида дам олишни зарур деб ҳисобларди. Агар сиз эллик ёшда бўлсангиз, дам олиш учун бирор дақиқа вақт топа олмасангиз, у ҳолда ҳаётингизни дарҳол суғурта қилдиринг. Дафн этиш ҳам анча қиммат, бизнинг даврда ногаҳонда содир бўлади, хотинчангиз эса, балки, сизнинг суғурта пулингизни олишни ва ёшгина эрга турмушга чиқишни хоҳлаб қолар!

Сиз тушликдан сўнг, ҳеч бўлмаса кечки овқат олдидан ярим соат ухлаб олишга ҳаракат қилинг. Бу сизга содали вискига нисбатан арзон тушади ҳамда узоқ муддат давомида 5467 марта фойда беради. Агар соат бешдан олтигача ёки кечқурун еттида ухлай олсангиз, шу тариқа ҳаётий фаоллигингизни бир соатга чўзган бўласиз. Нега? Қай тарзда? Чунки кечки овқат олдидаги бир соатлик уйқу қўшув олти соатлик тунги уйқу — буларнинг бари бирйўла саккиз соатлик уйқудан фойдалироқ.

Жисмоний меҳнат қилувчи киши дам олишга кўп вақт сарфласа, у катта ҳажмдаги ишни бажара олади. Фредерик Тейлор буни иш вақтида "Бетлехем стил" номли пўлат қуйиш компаниясида илмий бошқариш бўйича муҳандис бўлиб ишлаганида намойиш этган эди. У ҳар бир ишчи бир кунда юк машинасига тахминан 12,5 тонна чўянни юклашини ва туш пайтида барча ишчилар йиқилгудай чарчаб қолишларини аниқлади. Уларнинг чарчашига сабаб бўладиган барча омилларни илмий таҳлил қилиб, бир кунда 12,5 тонна эмас, балки 47 тонна юк орта олиши мумкинлигини асос-

лаб берди. Чарчамасдан тўрт баробардан зиёд юк ортишлари мумкинлигини ҳисоблаб берди. Сиз бунинг исботи қани деб сўрарсиз балки?

Тейлор тажриба учун Шмидт номли бир кишини танлади, унга секундомер билан ишлаш тавсия этилди. Шмидт ишлаётганда, унинг ёнида секундомер билан хронометрчи турар ва "команда" берарди: *"Ҳозир қуймани кўтаринг ва юринг... Энди ўтиринг ва дам олинг... Энди юринг... Энди дам олинг..."*

Нима бўлди дерсиз? Шмидт ҳар куни 47 тонна чўян ортар, бошқа ишчилар эса бу муддат ичида бор-йўғи 12,5 тонна юклай олишарди, холос. Шмидт шу тарзда уч йил ростакамига ишлади, токи Фредерик Тейлор компанияда ишлаган давргача. Шмидт бу натижага қачон чарчоқни ҳис этса, ўша пайтда ухлаш орқали эришди. У соатига тахминан 26 дақиқа ишлади, 34 дақиқа эса дам оларди. Ишлаганига нисбатан кўпроқ дам олар, меҳнат унумдорлиги эса бошқа ишчиларга нисбатан тўрт баробар кўп эди! Бу уйдирмами? Асло! Сиз ўзингиз Фредерик Уинислоу Тейлорнинг "Бошқаришнинг илмий асослари" китобида келтирилган маълумотлар билан танишиб олишингиз мумкин.

Такрорлашга изн беринг: *америкалик армия аскаридан намуна олинг — тез-тез дам олинг. Юрагингиз нима иш қилса, сиз ҳам шуни бажаринг — дам олинг, чарчашни кутманг, ўшанда ҳаётий фаоллигингизнинг бир кунига бир соат қўшган бўласиз.*

*Йигирма учинчи бўлим*

## СИЗ НЕГА ЧАРЧАЙСИЗ ВА ЧАРЧОҚНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАҚИДА

Мана сизга ҳайратланарли ва ғоят муҳим далил: ақлий фаолият ўз-ўзидан сизни асло толиқтирмайди. Бу бемаъниликдан бошқа тушунча эмас. Аммо бир неча йиллар муқаддам олимлар одам мияси "ишлаш қобилиятини сусайтирмасдан" *(бу чарчашнинг илмий таърифидир)* ишлаш даражасини қанча давом этишини тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Олимларни ҳайратга солгани шуки, мияда ўтувчи қон фаол ҳолатда бўлганида, у чарчоқни мутлақо ифода-

ламас экан! Агар сиз ишлаётган мардикорнинг венасидан қон олсангиз, унда кўп миқдорда ҳорғинлик токсини ва чарчаш белгиларини кўрасиз. Аммо, миядаги қон томчисини, масалан, Альберт Эйнштейндан олсангиз, унда кун охирида ҳеч қандай ҳорғинлик токсинлари мутлақо бўлмайди.

Шундай қилиб, бизнинг миямиз *"саккиз соатли ёки йигирма соатли иш куни охирида ҳам худди иш бошидагидек яхши ва тез ишлайди"*. Мия, умуман, чарчамайди... Хўш, сиз нега чарчайсиз?

Психиатрларнинг тасдиқлашича, кўпчилик ҳолларда чарчаш руҳий ва ҳиссий ҳолатлар натижаси ҳисобланади. Англиянинг энг машҳур психиатрларидан бири Ж.Э.Хедфилд ўзининг "Куч психологияси" номли китобида шундай деб ёзган эди: *"Одатда, биз руҳий жиҳатдан келиб чиққан чарчоқ туфайли азият чекамиз, жисмоний жиҳатдан дармон қуриши ҳодисаси жуда кам учрайди"*.

Американинг энг машҳур психиатрларидан бири доктор А.А.Брилл ундан анча олдин кетди. Брилл шундай деб таъкидлаган эди: *"Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи соғлом ходимнинг юз фоиз чарчоғи руҳий омиллар, бошқача айтганда, ҳиссий-эмоционал омиллар туфайли юзага чиқади"*.

Столда ўтирган ходимнинг толиқишига сабаб бўладиган эмоционал омиллар нималардан иборат? Шодликми? Қониқиш ҳиссими? Йўқ! Ҳеч қачон! Зерикиш, хафагарчилик, қадрсизланиш, ўз меҳнатининг маъносизлигини ҳис этиш, пала-партишлик, хавотирланиш, безовталик — айнан ана шу ҳиссий омиллар хизмат хонасида михланиб ўтирган ходимнинг силласини қуритади, унинг шамоллашга мойиллигини кучайтиради, иш унумдорлигини пасайтиради ва у бош оғриғидан азоб чекиб, уйига йўл олади. Аниқроғи, бизнинг салбий ҳиссиётларимиз жисмимизда асабий таранг вазиятни юзага чиқаради.

"Метрополитен лайф" суғурта компанияси чарчоқ тўғрисида рисола босиб чиқарди. *"Оғир меҳнат,* — дейилади ушбу қўлланмада, — *ўз-ўзидан жуда кам ҳолларда чарчоқни келтириб чиқаради, уни яхши уйқу ёки дам олиш билан даволаш қийин кечмайди... Безовталик, руҳий зўриқиш ва ҳиссий изтироб — ана уч омил чарчоқнинг сабабчисидир. Жисмоний ва ақлий меҳнат сабабли улар баъзан асосий айбдор.*

*Эсингизда бўлсин, таранг тортилган мушаклар ҳеч қачон дам олмайди. Ўзингизни бўшаштиринг. Куч-қувватингизни муҳим ишлар учун сақланг".*

Энди бир зум сабр қилинг, нимаики иш қилган бўлсангиз, ўз аҳволингизни текширишдан ўтказинг. Бу сатрларни ўқиб, қовоғингиз уйилиб кетмадими? Икки кўзингиз орасидаги тарангликни сездингизми? Оромкурсида ўтириб, ўзингизни бўш қўйдингизми? Ёки букчайиб қолдингизми? Агар танангиз қаттиқ ва бўш бўлмаса, шу пайтдан бошлаб худди эски латта қўғирчоқ мисоли асабий ва мушак таранглигини вужудга келтирган бўласиз. Сиз ўзингиз учун асабий таранглик ва асабий чарчоқни юзага чиқарган бўласиз!

Биз ақлий меҳнат жараёнида нима учун бундай беҳуда тарангликни яратамиз? Жосселин шундай деб ёзади: *"Менимча, асосий тўсиқ... умумий тушунча шундаки, гўё оғир меҳнат тарангликни талаб қилади, бошқача бўлганда, у муваффақиятли бажарилмайди".* Биз букчайиб, фикрларимизни бир жойга тўплаганда қовоқларимизни уйиб оламиз. Тўқималаримизни шундай мажбур этамизки, у миямиз фаолиятига ҳеч қандай ёрдам бермайди!

Ҳайратга соладиган ва фожиали ҳақиқатни эътироф этишга тўғри келади: миллионлаб одамлар беҳуда доллар сарфлашдан қўрқадилар, Сингапурдаги етти бадмаст денгизчи ўз куч-қувватини бекордан-бекорга сарфлайди.

Бундай асабий толиқишга қарши қандай курашмоқ керак? Ўзингизни бўш қўйинг! Ўзингизни бўш қўйинг! Ишингизни бажараётган пайтда ўзингизни бўш қўйишни ўрганинг!

Бу осонми? Йўқ, балки сиз йиллар давомида шаклланиб улгурган ўз хатти-ҳаракатларингизни ўзгартирарсиз? Аммо ҳаётингизда катта ўзгариш бўладиган инқилобга ҳаракат қилиш керак. Уильям Джеймс ўзининг "Бўшашиш ҳадиси" номли эссесида шундай деб ёзади: *"Туб америкаликларда ўта зўриқиш, асабийлик, шошқалоқлик, ҳаддан ортиқ қувват сарфлаш ва муомалалардаги азобли талаблар... булар оз-эмас, кўп эмас, беъмани хатти—ҳаракатлардир".* Тиғизлик, бу — одат. Бўшашиш қобилияти, бу ҳам одатдир. Бемаъни одатлардан халос бўлиш мумкин, яхши одатлар эса ҳосил қилинади.

Сиз қай тарзда бўшаша оласиз? Дастлаб миянгиз бўшашадими ёки асабларингизми? Униси ҳам эмас, буниси ҳам. Ҳаммасидан олдин пайларингиз бўшашади!

Энди буни бажаришга ҳаракат қиламиз. Марҳамат, биз бу ишни кўзни бўшаштиришдан бошлаймиз. Мазкур хатбошини охиригача ўқинг, сўнг орқага суяниб, кўзингизни чирт юмиб, фикран ўз-ўзингизга шундай денг: *"Хотиржам дам олинг, хотиржам ором олинг, зўриқманг, хўрайманг. Дам олинг, хотиржам дам олинг!"* Бу сўзларни бир дақиқа давомида оҳиста такрорланг...

Балки пайқагандирсиз, бир неча дақиқадан сўнг кўзларингиз тўқимаси ўзингизга бўйсуна бошлайди. Қандайдир меҳрибон қўл сизни зўриқишдан халос этганини ҳис этасиз. Балки ишонмассиз, аммо ана шу дақиқадан сиз бўшашишнинг умумий калити ва санъатининг сирини топдингиз. Шу тарзда жағ, юз, елка, бўйин ва бутун гавданинг пайлари билан мазкур амални бажаришингиз мумкин. Аммо организмда энг муҳими кўз ҳисобланади. Чикаго университети доктори Эдмунд Жекобсон дадиллик билан шуни айтадики, агар сиз кўз тўқималарини тўла бўшаштира олсангиз, бир йўла барча нохуш ҳодисаларни унута оласиз. Асабий таранглиқда кўзнинг ўрни шундаки, у асаб қувватининг организм ютадиган тўртдан бир қисмини сарфлайди. Шу боис меъёрида кўра оладиган одамларнинг аксарияти астенопия *(кўзнинг тезда чарчаб қолиши)* дарди билан азият чекади. Улар ўз кўзларини ўзлари зўриқтирадилар.

Таниқли романист аёл Викки Баум ёшлигида бир чолни учратиб, бу қария унга бир умрга татигулик сабоқ берганини хотирлайди. Бир куни у йиқилиб тиззасини шилиб юборади, билаги шикастланади. Чол уни кўтариб олади. Қачонлардир циркда масхарабоз бўлиб ишлаган бу қария унинг кўйлагини қоқиб қўяр экан, шундай дейди: *"Сен бўшашмоқни билмаганинг учун азоб единг. Гавдангни худди пайпоқ каби енгил ва юмшоқ деб тасаввур қилгин, ғижимланган пайпоқ мисоли. Юр, бу қандай бўлишини сенга кўрсатаман"*.

Чол Викки Баум ва бошқа болаларга қандай йиқилиш, сальто-мортало ва юмалашни кўрсатади. У ҳамиша: *"Тасаввур қилгинки, сен — эски ғижимланган пайпоқсан. Шунда, албатта, бўшашасан"*, дея такрорларди.

Сиз қаерда бўлманг, ҳатто иш ўртасида ҳам бўшаша оласиз. Фақат бўшашаман, деб ортиқча ҳаракат қилманг. Бўшашмоқ дегани, аслида барча ҳаракат ва зўриқишларнинг йўқ бўлиши демакдир. Қандайдир ёқимли нарса ва бўшашмоқ ҳақида ўйланг. Дастлаб кўзларингиз ва юз пайлари бўшашсин. *"Хотиржам дам олинг... Хотиржам ором олинг... Хотиржам дам олинг ва ўзингизни бўш қўйинг"*. Қувват юз пайларидан жисмингиз марказига томон йўналмоқда, деб фараз қилинг. Худди навқирон йигит каби ўзингизни барча зўриқишлардан озод деб ҳис этинг.

Буюк сопрано қўшиқчиси Галли—Курчи худди шундай йўл тутган эди. Элен Жепсон Галли-Курчини томоша кўрсатишидан олдин бир неча бор кузатганини гапириб берганди. У курсида ўтириб, барча мушакларини тўла равишда бўшаштирарди. Пастки жағи шунчалик бўшашардики, худди осилгандек бўлиб қоларди. Бу ажойиб одат унга саҳнага чиқишдан олдин асабийлашишига мутлақо йўл бермасди; у чарчоқни бартараф этар эди.

Бўшаштирувни ўргатишга ёрдам берадиган бешта тавсия:

1. Бу соҳада ёзилган энг яхши китоблардан бири — "Асосий зўриқишдан халос бўлиш"ни ўқиб чиқинг. Муаллифи Дэвид Гарольд Финк.

2. Мумкин бўлган пайтда бўшашинг. Майли гавдангиз эски пайпоқ сингари шалвираган бўлсин. Ишга киришдан олдин мен ёзув столига эски қора жигарранг пайпоқни ташлаб қўяман. У менга бўшашмоқ кераклигини эслатиб туради. Агар сизда пайпоқ бўлмаса, мушук ҳам ўрнини босади. Сиз бирор марта офтобда мудраб ётган мушукни қўлингизга олиб кўрганмисиз? Балки унинг боши ва думи худди ҳўл газетадай осилиб турганини пайқагандирсиз? Ҳатто, ҳинд йоглари ҳам бўшашмоқ санъатини ўрганмоқчи бўлганларга мушукка тақлид қилишни маслаҳат берадилар. Мен уйқуси бузилган ёки асаби чатоқ мушукни ҳеч қачон кўрган эмасман. Мушукларни ҳар қандай ташвиш ҳам, ошқозон яллиғланиши ҳам сира безовта қилмайди. Сиз ҳам мушукдек бўшашмоқни ўрганган сангиз, ўзингиздан ана шу фалокатларни бартараф этган бўласиз.

3. Бор куч-қувват билан ишланг, фақат қулай жойлашиб олинг. Эсингизда бўлсин, гавданинг зўриқиши елкаларга оғриқ беради ва асаб чарчоғини юзага келтиради.

4. Ўз-ўзингизни бир кунда тўрт ёки беш марта назорат қилинг ва *"Ишимни бажара туриб, ҳаддан зиёд куч сарфламаяпманми? Пайларимни, гарчи ишимга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳамки, зўриқтириб қўймаяпманми?"* деб ўзингиздан сўранг. Бу сизда бўшашиш тарзини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Доктор Дэвид Гарольд Финк ёзганидек, бу одат психология фанини жуда яхши билган кишилар орасида кенг тарқалган.

5. Ўзингизни иш куни охирида яна бир бор текшириб, ўз-ўзингиздан шундай деб сўранг: *"Жуда чарчадимми? Агар чарчаган бўлсам, бу ақлий меҳнат туфайли эмас, балки уни бажариш усуллари туфайлидир"*. *"Мен кун давомида унумли ишлаганимни*, — деб ёзади Даниэл У.Жосселин, — *чарчаганимга эмас, балки чарчамаганимга қараб баҳолайман"*. У яна шундай дейди: *"Иш куни охирида ҳориган ёки зўриққанимни пайқасам, асабларим чарчагани билинса, ҳеч иккиланишсиз биламанки, шу куни мен унумсиз ишлаганман; бу ҳам сон, ҳам сифат жиҳатига тегишлидир"*. Агар ҳар бир киши шу сабоқни ўзлаштирса, гипертониядан вафот этиш кескин пасайиб кетар эди. Ва санаторийларимиз ва ақли ноқислар уйи чарчоқ ва безовталикдан абгор бўлганлар билан бу даражада тўлиб қолмасди.

*Йигирма тўртинчи бўлим*

## УЙ БЕКАСИ ҲОРҒИНЛИКДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХАЛОС БЎЛИШИ ВА ШУ ТУФАЙЛИ ЁШ КЎРИНИШИ МУМКИН?

Ўтган куз кунларининг бирида ходимам Бостонга, дунёдаги энг ноодатий ҳисобланган тиббий курслар сессияси томон йўл олди. Тиббиёт дейсизми? Ҳа, маълум маънода шундай деса ҳам бўлади. У ерда машғулотлар ҳафтада бир марта Бостон поликлиника шифохонасида ўтказилади. Унга қатнайдиган беморлар жиддий равишда доимий кўрикдан ўтказилганидан кейингина машғулотларга қўйилади.

Ҳақиқатдан эса ушбу курслар ўзини психологик клиника сифатида намоён қилади, гарчи улар расмий равишда амалий психология курслари, деб юритилса-да *(илгари фикрлар устидан назорат курслари деб юритишган — бу номни уларнинг биринчи иштирокчиси тавсия этган эди)*; туб мақсад — безовталикдан хасталанган кишиларга ёрдам кўрсатишдир. Улар орасида ҳиссий жиҳатдан азият чеккан уй бекалари кўпчиликни ташкил этади.

Безовталикдан азоб чекаётганлар учун ушбу курслар қандай ташкил топди? Доктор Жозеф Х.Прэтт *(дарвоқе, у Уильям Ослернинг шогирди ҳисобланади)* 1930 йилда қайд этишича, Бостон шифохонасидаги амбулатор хасталари аслида жисмоний хаста эмасдилар. Аммо уларда у ёки бу касалликнинг барча белгилари бор эди. Бир аёлнинг қўли "атрит" туфайли шундай акашак бўлиб қолгандики, у қўлини мутлақо бошқара олмасди. Яна бир аёл мижоз эса "ошқозон раки"нинг азобли аломатлари туфайли бутунлай руҳий тушкунликка тушган эди. Бошқа хаста аёллар бел, бош оғриғи, сурункали чарчаб қолиш ва бошқа ноаниқ касалликлардан азоб, оғриқ чекишарди. Аммо энг жиддий тиббий кўриклар кўрсатдики, барча хасталар жисмоний жиҳатдан соппасоғ эди. Эскидан чиниққан кўпгина шифокорлар айтмоқчи, *"бу оддий тасаввур — "бари кўнглида эди"*.

Шу билан бирга доктор Прэтт тушунардики, уларга: *"уйларингизга боринг ва буларни унутинг"*, дейиш беҳуда. Аксарият аёллар оғриқни зўр иштиёқ билан орзу қилмасликларини у биларди, агар уларга бу кулфатни унутиш осон иш бўлганида, жон-жон деб амалга оширардилар; хўш, нима қилиш керак?

Доктор Прэтт спектик кайфиятдаги кўпгина тиббиёт арбобларининг эътирозларига қарамай, ўз курсларини ташкил этди. Ва у мўъжиза кўрсатиш бахтига муяссар бўлди! Курс очилгач, ўн саккиз йил давомида унга қатнайдиган минглаб одамларнинг дардига даво бўлди. Улардан баъзилари йиллар давомида худди черковга ибодатга борувчилар каби ихлос билан қатнар эдилар. Менинг ёрдамчим тўққиз йилдан бери бирор машғулотни канда қилмай қатнашган аёл билан суҳбатлашган эди. Унинг айтишича, биринчи марта клиникага борган пайтда ҳақиқатдан ҳам жигари ва

юраги қандайдир касаллик билан оғриган, деб қатъий ишонган. У шунчалик гангиган ва асаби таранг эдики, вақт ўтиши билан кўриш қобилиятини йўқотди, кўрлик хуружи бошланди. Энди эса қувноқ, ўзига ишонган, ўзини ажойиб ҳис этмоқда. Кўринишини қирқ ёшларда дейсиз, ваҳоланки, учрашган пайтимизда тиззасида невараларидан бирини олиб ўтирарди. *"Мен оиламиздаги оворагарчиликлардан шунчалик безовта эдимки, ўлимга ҳам рози эдим,* — деган эди у. — *Аммо клиникада безовталик беҳуда эканлигини англадим. Мен уни тўхтатишни ўргандим. Энди ростини айтсам, ҳаётим ҳозир барча ғалвадан холи".*

Курсларнинг тиббиёт маслаҳатчиси доктор Роза Хилфердинг айтишича, безовталикни енгиллаштиришнинг энг ажойиб усулларидан бири *"ўз кўнгилсизликларини ўзи ишонган кишига гапириб беришдир". "Биз буни катарсис деб атаймиз,* — дейди у, — *мижоз машғулотга келгач, нимадан безовта эканлигини батафсил баён этгунича тўлиқ имконият яратилади, бу ҳолат кўнгли тинчигунча давом этади. Ёлғизликдан сиқилиш, ўз кўнгилсизликларини бошқалардан яширишга уриниш ҳоллари юқори даражада асабий зўриқишга олиб келади. Биз ўз ташвишларимизни ким биландир баҳам кўришга эҳтиёж сезамиз. Безовталигимизни баҳам кўрамиз. Бу дунёда бизни кимдир тушунишга лойиқ ва тинглашга тайёр эканлигини ҳис этишимиз керак".*

Ёрдачимнинг кузатишига кўра, бир хаста аёл ўз муаммоларини гапириб бергач, ҳаддан зиёд енгил тортган. Хонадонида кетма-кет кўнгилсизликлар рўй бериб, у бу можаролар ҳақида сўзлаганида, худди пружина каби сиқилган эди. Сўнг аста-секин, ўзининг айтишича, меъёрида тинчлана бошлаган. Суҳбат охирида эса, ҳатто жилмайган ҳам. Хўш, аёлни ташвишга солган муаммо ечилдими? Йўқ, бу шунчаки оддий нарса эмас. Ўзгариш ким биландир дардлашиш, қандайдир маслаҳат олиш ёки озгина инсоний ҳамдардлик туфайли юзага келган эди. Ўзгаришнинг туб сабаби эса сўзларда жо этилган шифобахш кучдир.

Бу сўзларнинг шифобахш кучи маълум маънода психоанализ *(руҳий таҳлил)* асосига ўтади. Фрейд замонидан бери психоанализ бўйича мутахассислар биладиларки, мижозга ичида ётган дардларини айтиб бериш имкониятини

беришса, у енгил тортиши мумкин, фақат тўхтаб қолса бўлгани. Нега шу ҳолат рўй беради? Эҳтимол, биз сўзлаб бериш жараёнида ўзимизни тўлқинлантириб турган муаммоларни чуқур мушоҳада қилиб, уни асл ҳолича кўз ўнгимизда кўрармиз. Ҳеч ким тўлақонли жавобни билмайди. Аммо ҳаммамиз билишимизча, агар гапира бошласак, руҳ енгиллашади, сўнг бирдан енгил тортамиз.

Шундай қилиб, сизда ҳиссиётга доир муаммо пайдо бўлса, нима сабабдан уни баҳам кўриш учун бирор кишини излаб топмайсиз? Сўзсиз, мен атрофдагиларнинг барини ўз инжиқликлари ва йиғи-сиғилари билан безор қилиб юбориш мумкин, деб айта олмайман. Ўзингиз ишонган бировни топинг ва уни учрашувга таклиф этинг. Балки қариндошингиз, шифокор, ҳуқуқшунос ёки диндор киши бўлиши мумкин. Унга қуйидаги усулда мурожаат этишингиз мумкин: *"Сизнинг маслаҳатингизга жудаям муҳтожман. Менда бир муаммо пайдо бўлди ва шуни сиз эшитишингизни жуда истайман. Менга маслаҳат беришга иложингиз етар, эҳтимол. Сиз мен кўра олмаган томонларни кўришингиз мумкин. Борди-ю, муаммоларимни ҳал эта олмасангиз-да, шунчаки эшита туриб ҳам менга катта ёрдам қилган бўласиз"*.

Шу билан бирга бошқаларга мурожаат қилмасангиз ҳам асло қайғурманг, ҳаётни қутқарувчи махсус лига борки, у сизни мушкул аҳволда қолдирмайди. Унинг Бостон шифохонасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳаётни қутқариш лигаси дунёдаги бир-бирига сира ўхшамаган лигалардан биридир. Дастлаб у ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш мақсадида тузилган эди. Йиллар ўтди ва фаолият доираси доимий равишда кенгайиб борди. У бахтсиз ва ҳиссий ҳимояга муҳтож кишиларни маънавий қўллаб-қувватлай бошлади.

Мижозларнинг ўз кечинмаларини ҳикоя қилиб бериши — Бостон шифохонасидаги курсларда қўлланиладиган асосий терапевтик усуллардан биридир. Яна айрим ғоялар борки, шу курсларда ўзлаштирдик, агар сиз уй бекаси бўлсангиз, уни уйингизда қўллашингиз мумкин:

*1. "Руҳ берувчи" — ўқиш учун дафтар ва ён дафтар тутинг.* Унга ўзингизга ёққан ёки кайфиятингизни кўтарадиган шеърлар ёки кўчирмаларни ёпиштириб қўйишин-

гиз мумкин. Агар ёмғирли кунлардан бирида ғамгин бўлиб қолсангиз, балки бу дафтардан сиздаги туманли фикрларни қувадиган рецепт топилиб қолар. Бостон шифохонасидаги аксарият мижозлар бундай дафтарларни йиллаб тутишади. Ўзларининг айтишича, бу уларга қувват берадиган укол каби руҳий ҳолатларига ёрдам беради.

*2. Бошқаларнинг камчилигини ҳаддан зиёд ўйлаб ўтирманг.* Сўзсиз, эрингиз ўз камчиликларига эга! Агар у фариштa бўлганида, ҳеч қачон сизга уйланмаган бўларди! Шундай эмасми? Бир куни юз-кўзларидан дарғазаблиги кўриниб турган тингловчи аёлни тўхтатишди-да, агар эрингиз ўлиб қолса, нима қилардингиз, деб сўрашди. У бу саволдан шундай шошиб қолдики, дарров ўтириб, эрининг фазилатларини рўйхатга туза бошлади. Маълум бўлдики, улар оз эмас экан. Сизнинг каллангизга ўта хасис ҳукмдорга турмушга чиққанингиз келиб қолганида, нима учун шу аёлдан ибрат олмайсиз? Балки бу кишининг бир қатор фазилатлари ёзилган рўйхатни кўргач, у билан учрашишни сиз ҳам истаб қоларсиз!

*3. Қўшниларингизга эътибор билан қаранг!* Бир кўчада бирга истиқомат қилувчи одамлар билан жонли, дўстона муносабатни одатга айлантиринг. Курсларда битта мижоз аёл бўлиб, у ўзини ҳамиша "истисно", яъни, дўстларим йўқ, деб ҳисоблар эди. Машғулотлардан бирида унга илк дуч келган одам ҳақида ҳикоя тузиш топширилди. У трамвайда кета туриб, кўрган одамларининг таржимаи ҳоллари ва яшаш тарзи тўғрисида ўйлай бошлади. Уларнинг ҳаёти қандай кечишини ўзича тасаввур этишга уринди. Энди бу аёл қаерда бўлмасин, одамлар билан суҳбат ўтказади. Айни дамда у ўзига азоб бераётган дардлардан халос бўлган бахтли, дилкаш ва жозибали аёлга айланган.

*4. Уйқуга кетишдан олдин эртанги кун учун режа тузинг.* Курс машғулотларида маълум бўлишича, кўпгина аёллар ўзларини уй-рўзғор ташвишлари мажбуриятларидан силласи қуриган ва асаблари ишдан чиққан кишилар, деб ҳисоблашар экан. Уй ишларини ҳеч қачон тугата олмайдилар. Уларда ҳамиша вақт етишмайди. Доимий равишдаги саросималик ва безовталикдан халос бўлиш учун уларга ҳар куни кечқурун эртанги кун учун режа тайёрлаш тав-

сия этилди. Нима бўлди дейсизми? Улар жуда катта ҳажмдаги ишни бажарадиган, камроқ чарчайдиган уй бекаларига айланишди. Ўз ишидан фахрланиш ва қаноатланиш туйғусини ҳис этадиган бўлдилар. Уларда дам олиш ва ўзларига оро бериш учун вақт топилди.

*(Ҳар бир аёл кун бўйи ўзининг ташқи кўриниши учун шуғулланишга вақт топиши керак. Менга шахсан шуниси аниқки, агар аёл чиройли кўринишини пайқаса, асабийлашишни бас қилади).*

*5. Ва ниҳоят — асабий таранглик ва чарчоқдан ўзингизни четга олинг!* Ўзингизни бўшаштиринг! Ўзингизни бўш қўйинг! Асабий таранглик ва чарчоқдан бошқа нарса одамни тез қаритмайди. Ҳеч нарса ёшлик ва гўзаллигингизни қоронғилик каби хароб этмайди! Ёрдамчим Бостон шифохонасидаги фикрларни назорат қилиш курслари машғулотларида соатлаб ўтириб, профессор Пол Э.Жонсон *(курс раҳбари)* олдинги бўлимда тилга олинган — бўшашиш қоидалари ва унинг жуда кўп тамойиллари ҳақида гапириб берганининг шоҳиди бўлди. Бу бўшаштирувчи машқларни бажарувчилар билан бирга иштирок этган ёрдамчим орадан ўн дақиқа ўтгач, ўзи ўтирган курсида ухлаб қолади. Нима учун жисмоний жиҳатдан бўшашишга бу қадар катта аҳамият берилади? Шунинг учунки, Бостон шифохонаси шифокорлари, бошқа ҳамкасблари каби хасталарни безовталик хуружидан даволаш учун уларни ўзларини бўш қўйишга ўргатиш кераклигини яхши биладилар.

Ҳақиқатан ҳам, агар сиз уй бекаси бўлсангиз, бўшашингиз керак! Сизда жуда катта бир имконият бор — исталган пайтда ётишингиз мумкин, ҳатто полда ҳам. Қанчалик ғалати туюлмасин, дурустгина қаттиқ пол бўшаштирувчи машқлар учун кўрпа солинган пружинали каравотдан жуда қулайдир. Пол катта қаршилик кўрсатиш хусусиятига эга. Бу умуртқа поғонаси учун фойдали.

Шундай қилиб, мана сизга уйда бажаришингиз мумкин бўлган бир неча машқлар. Уларни ҳеч бўлмаганда, ҳафтада бир марта бажаришга ҳаракат қилинг, ана шунда кайфиятингиз ва ташқи кўринишингиз қанчалик яхши бўлганини кўрасиз!

А. Чарчаганингизни сезган ҳамоно яктагингиз билан полга ётинг. Бутун кучингиз билан, агар хоҳласангиз, у ёнбошдан бу ёнбошга думаланг. Ушбу машқни бир кунда икки марта бажаринг.

Б. Кўзларингизни юминг. Профессор Жонсон айтганидек, сиз қуйидаги бир гапни: *"Кўкда қуёш нур сочиб турибди. Тепамда мовий шаффоф осмон. Табиат тинч ва у оламда ҳукмрон. Мен бўлсам, табиат фарзанди сифатида коинот билан бирлашиб кетганман"*, деб айтишга ҳаракат қилинг.

В. Балки сизда ётиш учун имконият йўқдир, чунки газ печида қовурма тайёр бўляпти! Майли, ҳечқиси йўқ, курсида ўтирган пайтда худди шундай натижа юзага келиши мумкин эди. Қаттиқ курси тўғри ясалган суянчиғи билан бўшашишга ҳаммасидан кўпроқ мос келади. Худди Миср ҳайкали каби тўғри ўтириб қўлларингизни тиззадан пастга, сонларнинг юқори қисмига қўйинг.

Г. Энди оёқ панжаларини аста-секин таранг қилинг, сўнг уларни бўшаштиринг. Оёқ мушакларини таранглаштиринг, сўнг уларни бўш қўйинг. Оёқларни юқори кўтариб, аста-секин, бутун гавда мушаклари билан токи бўйинга боргунча бажаринг. Сўнг бошингизни мисоли футбол тўпи каби аста-секин айлантиринг. Ўз мушакларингизга қарата, олдинги бўлимдаги каби, "хотиржам дам олинг", "хотиржам дам олинг" дея такрорланг.

Д. Асабларингизни осойишта текис нафас олиш йўли билан тинчлантиринг. Ҳинд йоглари ҳақ: ритмик нафас олиш — асабларни тинчлантиришнинг энг яхши усулларидан бири, кашфиёти эди.

Е. Ажинларингиз ва юзингиздаги буришган жойларни унутманг, уларнинг барини силаб текисланг. Ҳўмрайганда, қошларингиз орасида пайдо бўлган бурмаларни ҳамда оғиз бурчагидаги бурмаларни текислаб тарқатинг. Буни бир кунда икки марта адо этинг, шунда сиз учун гўзаллик салонига боришнинг ҳожати қолмайди. Руҳий аҳволингизнинг яхшиланиши ташқи қиёфангизни ҳам тузатиши эҳтимолдан холи эмас.

*Йигирма бешинчи бўлим*

## ҲОРҒИНЛИК ВА БЕЗОВТАЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ТЎРТТА АЖАБТОВУР МЕҲНАТ КЎНИКМАСИ

*1. Яхши меҳнат кўникмаси: ўз иш столингизни ҳозир ҳал қиладиган муаммога алоқадор бўлмаган барча қоғозлардан бўшатинг.*

Чикаго ва Шимолий Ғарбий темир йўл компанияси президенти Роланд Л.Уильямс шундай дейди: *"Турли-туман масалаларга доир қоғозлар билан қалашиб ётган ёзув столини бўшатиб, фақат зудликда ҳал этилиши зарур бўлган қоғозларни қолдирган киши ўзини иши енгил ва самарали деб ҳисоблайди. Мен уни ажойиб рўзғоршунослик дейман ва бу самарадорлик сари биринчи қадамдир"*.

Агар сиз Вашингтондаги конгресс кутубхонасига кирсангиз, шифтда ёзилган сўзлар диққатингизни тортади. Бу сўзлар шоир Попга тегишлидир: *"Тартиб — коинотнинг биринчи қонуни"*. Тартиб шу тарзда иш фаолиятининг ҳам биринчи қонуни бўлиши керак. Аслида шундайми? Йўқ, ўртача ишбилармоннинг столида қоғозлар қалашиб ётади, ҳафта давомида унга бир бор қарашга ҳам фурсат топмайди. Ҳақиқатдан ҳам, Янги Орлеон газетаси ноширн менга бир пайтлар гапириб беришига кўра, унинг котибаси столлардан бирини тартибга келтира туриб, икки йил аввал йўқолган ёзув машинкасини топиб олган экан!

Жавобсиз хатлар, маъруза ва эсдалик ёзувлари билан тўлиб-тошган столнинг биргина кўриниши ҳам саросималик, асабий таранглик ва безовталикка сабаб бўлади. Лекин ҳали "миллионлаб ижро этилмаган ишлар ҳамда уларни бажариш учун вақт етишмаслиги ҳақида" ҳадеб эслайверишнинг ўзи сизда фақат руҳий таранглик ва чарчоқни эмас, балки қон босими ошиши, юрак фаолиятининг бузилиши ва ошқозон яллиғланишига сабаб бўлиши мумкин.

Пенсильвания университети тиббиёт факультети профессори доктор Жон Х.Стоукс Америка тиббиёт уюшмаси миллий съездида маъруза қилган эди. Маъруза "Функционал неврозлар органик касалликларнинг авж олдирувчилари сифатида" деб номланган.

Ушбу маърузада доктор Стоукс ўн бир ҳолатни қуйидагича сарлавҳаларда номлаб, санаб ўтган: "Мижознинг руҳий ҳолати қандай бўлиши мумкин?" Мазкур рўйхатнинг биринчи банди: "Доимий туйғумиз шундаки, одамзод нимани-дир қилиши керак ёки шунга мажбур; бажарилиши зарур бўлган навбатдаги ишларнинг охири навбатдаги қаторидир". Лекин ёзув столини тартибга келтириш ва қарор қабул қилишдек оддий иш тартиби қай усулда сизни юқори босимдан ҳамда "навбат кутиб турган қатор-қатор бажарилиши зарур бўлган ишларни доимий ҳис этишдан халос этиши мумкин? Таниқли психиатор доктор Уильям Л.Сэдлер ушбу оддий усулдан фойдаланиб, асаб бузилишининг олдини олган мижоз тўғрисида ҳикоя қилган эди. Гап Чикагодаги йирик фирма маъмури ҳақида боради. У доктор Сэдлер кабинетига кирган пайтда жуда дарғазаб, асабий ва безовта кўринишда эди. У билардики, ҳадемай "пастга шўнғишга тайёр", аммо у қандай бўлмасин ишини ташлай олмасди, ёрдамга муҳтож эди.

*"Бу одам менга ўз ҳаёти ҳақида гапириб бераётганида,* — деб ҳикоя қилади доктор Сэдлер, — *бирдан телефоним жиринглаб қолди. Шифохонадан экан; масалани қолдириш ўрнига мен ўша заҳоти қарорга келдим. Имкониятим борича бирдан масалани ҳал этаман. Ҳали гўшакни осмасимдан яна қўнғироқ жиринглади. Мен бир ишни шошилинч равишда муҳокама қилишим керак эди, бу эса вақтни талаб этарди. Хонамга ҳамкасабам оғир бир касаллик важидан маслаҳат сўрашга киргач, бизни учинчи марта суҳбатдан чалғитишди. У билан суҳбатни тугатгач, келган кишига юзланиб, куттириб қўйганим учун узр сўрадим. Шунда у бирдан қувониб кетди, юзи ҳам ўзгарди".*

*"Узр сўраманг, доктор,* — деди у Сэдлерга, — *мана шу ўн дақиқа ичида тушундимки, менда ундай эмас экан. Ишхонамга қайтиб боргач, ўз иш тамойилларимни қайтадан кўриб чиқаман... Аммо унгача ёзув столингизни кўриб чиқишимга рухсат беринг".*

Доктор Сэдлер столидаги барча тортма қутиларни чиқарди. Бари бўш — ҳеч вақо йўқ, фақат ҳозиргина келган почта бор эди, холос. *"Қани, айтинг-чи,* — деб сўради

мижоз, — *сиз тамомланмаган ишлар жилдини қаерда сақлайсиз?"*

*"Менда тугалланмаган ишлар йўқ"*, деб жавоб берди Сэдлер.

*"Жавоб беришга улгурмаган хатларни қаерда сақлайсиз?"*

*"Барча хатларга жавоб қайтарилган*, — жавоб берди унга Сэдлер. — *Одатим шуки, хатларга ўша заҳоти жавоб қайтараман. Дарҳол масъул котибга айтиб туриб ёздираман"*.

Орадан олти ҳафта ўтгач, ўша амалдор доктор Сэдлерни ўз идорасига таклиф этди. У ўзгариб кетганди. Иш столи кўриниши ҳам батартиб эди. Қутиларни чиқариб кўрсатди, охирига етмаган бирорта ҳам жилд кўринмасди. *"Олти ҳафта бурун*, — деди у, — *икки идорада учта ёзув столим бор эди, уларда ҳужжатлар тахлами тиқилиб кетганди. Мен ишни охирига етказа олмай хуноб эдим. Сиз билан гаплашгандан сўнг қайтиб келиб бир вагон маъруза ва эски ҳисоботларни улоқтириб юбордим. Энди битта столда ишлаяпман, масалаларни уларнинг юзага келишига қараб ҳал этаман. Шу тарзда охирига кетмаган ишлар дунёсидан қутилдим. Улар менга ёпирилиб ғазабимни қўзғар, безовта қиларди. Энди эса соғлигим айтгандан ҳам зиёда"*.

Қўшма Штатлар олий суди бош судьяси Чарльз Эванс Хьюз шундай деган эди: *"Одамлар ҳаддан зиёд иш туфайли ҳалок бўлишмайди. Улар мақсадсиз куч сарфлаш ва безовталик оқибатида ҳалок бўладилар"*. Ҳа, ўз ишини бажаришга кўзлари етмагач, улар мақсадсиз равишда куч сарфлайдилар ва безовта бўладилар.

*2-ажойиб меҳнат кўникмаси: ишни аҳамиятига қараб тартиб билан бажаринг.*

Шаҳарлараро хизмат кўрсатувчи умуммиллий компания асосчиси Генри Л.Дохерти айтганидек, қандай маош тўланмасин, икки қобилият унга деярли аниқланмайдигандай бўлиб туюлган.

Гап икки қимматли қобилият тўғрисида бормоқда: биринчидан, фикр юритиш қобилияти, иккинчидан, ишнинг зарурлигига қараб бажариш қобилияти.

Чарльз Лакман, бу йигит ҳеч нарсаси бўлмай туриб, ўн икки йил давомида "Пепсодент" компанияси президенти

лавозимигача кўтарилди. Ҳар йили юз минг доллар олади-ган, шу билан бирга яна миллион доллар ишлайдиган бу йигит айтадики, мазкур муваффақиятларнинг кўпига, Ген-ри Л.Дохерти сўзларига кўра, ҳеч қачон топиб бўлмайдиган ана шу икки қобилият туфайли эришган. Чарльз Локман шундай дейди: *"Мен анчадан бери ҳар куни эрталаб соат бешда туришни одат қилдим, чунки бу пайтда бошқа вақтга нисбатан яхшироқ ўйлайман, шу даврда мен яхши ўйлаб ва маъқул тарзда режалаштираман, ишнинг зарурлигига қараб режа тузаман"*.

Американинг энг пешқадам суғурта агентларидан бири ўз иш кунини режалаштириш учун соат бешни кутиб ўтир-майди. Кеч бўлмасдан тузади: ўз олдига маълум мақсад қўяди — эртаси қанчадир суғурта ҳужжатини сотмоқчи бўла-ди. Агар ўз режасини тўлиқ амалга оширишга муяссар бўлмаса, у сотилмай қолган суғурта ҳужжатларини эртаси куни сотиладиганларга қўшади ва ҳоказо.

Мен кўп йиллик тажрибамга суяниб, шуни биламанки, ишни зарурлигига қараб бажариш ҳар доим ҳам амалга ошa-вермайди, лекин яна шуни ҳам биламанки, ишларни навба-тига қараб тахминий режалаштириш ҳам ҳаракат йўнали-шини кўр-кўрона бажаришга нисбатан жуда фойдалидир.

Агар Жорж Бернард Шоу қатъий қоида, яъни биринчи навбатда энг зарур ишларни бажариш, адо этишни маҳкам тутмаганида, у ёзувчи бўлмай, бир умр банкда кассир бўлиб қолиши мумкин эди. Режаси талабига кўра, у ҳар куни беш саҳифа ёзиши керак эди. Ушбу режа ва ўз вазифасини бажаришдаги қатъият уни қутқариб қолди. Мазкур режа уни руҳлантирди, ҳеч нарсага қарамай ҳар куни беш саҳи-фадан тўққиз йил рўшносиз ҳар куни тер тўкиб ёзди, ваҳо-ланки, шунча йиллар давомида у бор-йўғи 300 доллар, яъни ҳар куни 1 пеннидан ишлади, холос.

*3-ажойиб меҳнат қуникмаси: агар олдингизда бирор му-аммо рўбарў келса, уни тезликда ҳал этинг, қарорни қабул қилиш учун далиллар етарли бўлса, қарорни орқага ташла-манг.*

Собиқ тингловчиларимдан бири, ҳозир марҳум Х.П.Ха-уэллнинг менга ҳикоя қилишига кўра, у "Ю.С.стил" пўлат

қуйиш компанияси бошқаруви аъзоси бўлган пайтида компания мажлислари кўпинча чўзилиб кетган. Унда жуда кўп муаммолар муҳокама этилган ва қарорлар кам қабул қилинган. Натижада бошқарув аъзоларининг ҳар бири кўриб чиқиш учун бир неча тахлам маърузаларни олиб кетишган.

Ахийри жаноб Хауэлл бошқарув аъзоларини ҳар сафар фақат битта муаммони кўриб чиқиш ва уни ҳал этишга ишонтирди. Ҳеч қандай пайсалга солиш, ҳеч қандай орқага ташлаш йўқ. Қарор қабул қилиш қўшимча далилларни излаб кўришни талаб этиши мумкин эди, қандайдир ҳаракатни белгилашни тақозо этар ёки ҳеч қандай чора қабул қилинмасди. Лекин бирор муаммо ҳам олдингисидан қарор қабул қилинмай кўрилмасди. Жаноб Хоуэлнинг менга айтишига кўра, натижалар ғоят диққатга сазовор ва самарали бўлган; муҳокамага қўйилган кун тартиби охирига етган. Муддати ўтиб кетган ҳужжатлар бўлмаган. Бошқарув аъзолари энди уйларига маърузалар тахламларини олиб кетмайдилар. Ва улар ечилмаган муаммолар бўйича таъкид этувчи безовталик ҳиссидан қутилганлар.

Мазкур қулай қоида фақат "Ю.С.стил" компанияси бошқаруви учун эмас, балки сиз ва мен учун ҳам жуда зарурдир.

*4-ажойиб меҳнат кўникмаси: ишни ташкил этишни, масъулиятни зиммага олишни ва назоратни амалга оширишни ўрганинг.*

Кўпгина ишбилармон кишиларнинг ажалидан беш кун бурун кетишларига сабаб шуки, улар масъулиятни тегишли кишиларга тақсимламай, барча ишни ўзлари амалга оширмоқчи бўладилар. Натижа-чи? Одам барча икир-чикирлар ичида гангиб қолади, чалкашлик пайдо бўлади. Уни доимий саросималик, безовталик, ваҳима ва зўриқиш эгаллаб олади. Масъулиятни зиммага олиш оғирлигини биламан, албатта. Бу мен учун очиқдан-очиқ оғир, жуда оғир. Шахсий тажрибамдан шуни биламанки, масъулият тасодифий кишилар зиммасига юкланганида, қандай фалокатларга олиб келгани маълум. Аммо ҳар қандай оғир бўлмасин, масъулиятни бировлар зиммасига юклашни маъмур ҳал этмоғи лозим, агар безовталик, асабийлик ва чарчоқдан халос бўлсин, деса.

Йирик корхона яратган киши унинг фаолиятини ташкил этиш, масъулиятни тақсимлаш ва назоратни ўрнатишни ўрганмас экан, одатда эллик-олтмиш ёшида юрак оғриғи касаллигига учрайди, асабийлик ва безовталикка гирифтор бўлади. Аниқ мисол керакми? Маҳаллий газетангиздан ўлим ҳақидаги хабарларни ўқиб чиқинг.

*Йигирма олтинчи бўлим*

## ЧАРЧАШ, БЕЗОВТАЛИК ВА РАНЖ-АЛАМ ҲИССИЁТЛАРИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ДИЛГИРЛИКДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН?

Чарчоқнинг биринчи бош сабабларидан бири диққатлиликдир. Бунинг ёрқин мисоли сифатида кўчамизда яшовчи Алисани кўрсатиш мумкин. Бир куни кечқурун Алиса уйига ишдан эзилиб қайтди. У азбаройи чарчаганидан оёқда зўрға турарди. Ҳақиқатдан ҳам ўша даражада ҳориган эди. Унинг боши оғрир эди. Яғрини қақшарди. Биргина хоҳиши — кечки овқатни кутмай ухлаш эди. Онаси ёлворди ва у дастурхонга ноилож ўтирди. Кутилмаганда телефон жиринглаб қолди. Унинг дўсти қўнғироқ қилган эди. Алисани рақсга таклиф этди! Қизнинг кўзлари чақнаб кетди. Бирдан кайфияти кўтарилди. У юқорига ўз хонасига югуриб чиқди, хушбичим мовий кўйлагини кийди. Кейин эса эрталаб соат учгача рақсга тушди. Уйга қайттанида, чарчоғи бутунлай ёзилган эди. Унинг вақти шунчалик чоғ эдики, ҳатто мизғиб ҳам олмади. Алиса ҳақиқатдан ҳам саккиз соат илгари эзилиб чарчаган ва ўзини шу аҳволга солган эдими? Шубҳасиз, Алиса ҳақиқатдан ҳам жуда эзилган, чунки иш уни зериктирган, ҳаёт уни роса ҳоритган эди. Алисага ўхшаганлар миллионлаб топилади. Балки сиз ҳам шуларнинг биридирсиз?

Барчага маълумки, жисмоний зўриқишдан кўра кўп ҳолларда бизни ҳиссий кайфият кўп даражада толиқтиради. Бир неча йил муқаддам Жозеф Э.Бармак "Психологик архивлар" номли журналда ўзининг айрим тажрибаларини, дилгирлик чарчашни келтириб чиқаришини кўрсатган маърузасини чоп этган эди. Доктор Берман бир гуруҳ талаба-

ларга қатор тестларни бажаришни тавсия этди. Булар талабаларни асло қизиқтирмаслигини билар эди. Натижа қандай бўлди? Талабалар чарчаш, мудрашни ҳис этиб, бош оғриғи ва кўзлари толиққанликдан шикоят қилиб, тез аччиқланадиган бўлдилар. Баъзи ҳолларда, ҳатто ошқозон ишдан чиққани кузатилди. Буларнинг бари "қуруқ хаёлми"? Йўқ. Бу талабалар билан метаболизм тадқиқоти ўтказилди. Натижалар кўрсатишича, диққатлилик туфайли организмда қон босими ва кислород ютилиши ҳақиқатан ҳам жуда пасайиб кетар экан. Аммо одамнинг ишга қизиқиши ортганида ва ундан қониқиш пайдо қилганида, унда модда алмашинуви зудлик билан яхшиланар экан! Агар биз қандайдир қизиқарли ва диққатга сазовор нарсалар билан овунсак, жуда кам чарчаймиз. Масалан, мен яқинда Канададаги Луиз кўли ёқасида дам олдим. Бир неча кун Коррал-Крик дарёсида форел балиғи овладим. Менга бўйимдан сал паст буталардан оралаб ўтиш, йиқилган дарахт шохларига қоқилиб, саккиз соатдан ортиқ юришга тўғри келса-да, мутлақо толиқмадим. Нега? Чунки кайфиятим яхши эди, кунни бинойидек ўтказдим, деб ҳис этдим. Ахир йирик-йирик олтита форел тутдим-да! Майли, балиқ ови мен учун зерикарли машғулот, дейлик, бу менинг жисмоний аҳволимда акс этади деб ўйлайсизми? Мен етти минг фут баландликдаги оғир ишдан ўзимни ҳолдан тойган деб ҳисоблар эдимми?

Ҳатто, спортнинг оғир тури ҳисобланган альпинизм билан машғул бўлган кишига ҳам диққатлилик юқори даражадаги чарчашни келтириб чиқаради, бошқа жисмоний зўриқишга нисбатан. Масалан, Миннеаполисдаги фермерлар ва механиклар омонат банки президенти жаноб С.Х.Кингмен менга бир воқеани гапириб берган эди. Бу менинг айтганларимга энг мос мисол бўла олади. 1943 йили Канада ҳукумати мамлакат альпинистлар клубига мурожаат қилиб, Уэльс шаҳзодаси номидаги диверсия-разведка полкига аскар альпинизми бўйича машқлар ўтказиш учун йўл бошловчилар сўраган эди. Жаноб Кингмен ана шу аскарлар билан машқ ўтказувчи йўл бошчилар таркибида эди. Менга ҳикоя қилишича, у ва бошқа йўл бошловчилар — қирқ икки ёшдан эллик тўққиз ёшгача бўлган эркаклар — ёш аскарлар учун музликлар ва қор

қоплаган далалар орқали узундан-узоқ йўл бошлаб, қирқ фут баландликдаги қиррали чўққиларга арқонлар ёрдамида ва қўлларига ҳамда оёқларига ишончсиз таянчлар билан тирмашардилар. Улар Майкл чўққисига, Вице-президент номидаги чўққига ҳамда Канададаги чўққили тоғларга кўтарилдилар. Ўн беш соатлаб тоғларга кўтарилиб юрган бу ёш йигитлар, дастлаб ихчам кўринса-да *(улар олти ойлик диверсант-десант аскарларини тайёрлаш курсини эндигина ўтаган эдилар)*, аслида ҳаддан зиёд ҳолдан тойишганди.

Улар курс машғулотлари пайтидаги машқни ўтамасдан мушакларига зўр берганлари учун чарчаб қолишдими? Диверсант-десант армияси лагерида тайёргарликдан ўтган ҳар бир аскар бу бемаъни саволдан кулиб юбориши мумкин эди! Йўқ, аскарлар шунинг учун ҳам ҳолдан тойган эдиларки, уларни тоғ ўнгирларида беҳуда тентираш зериктириб юборганди. Шу даражада чарчашгандики, ҳатто кечки овқатни кутмасдан ухлаб қолишарди. Йўл бошловчилар ўзларини қандай ҳис этдилар? Ахир уларнинг ёши аскарлардан икки ва, ҳатто уч баробар катта эди. Чарчаб қолишдими? Ҳа, лекин ҳолдан тойиб қолганлари йўқ. Кечки овқатни иштаҳа билан тановул қилдилар, сўнг бир неча соат кундалик ишларни муҳокама этдилар. Чарчоқни хаёлларига келтирмасликларига сабаб шуки, бу иш улар учун ғоят қизиқарли эди.

Колумбия университетидан доктор Эдвард Торндайк чарчоқни ўрганиш юзасидан тажрибалар ўтказганида, ёш йигитларга бир ҳафта давомида ухлаш учун рухсат бермаган, уларга фавқулодда қизиқтирадиган иш топширган эди. Узоқ тадқиқотлар ўтказганидан сўнг, хабар беришларига кўра, қуйидагича хулосага келган: *"Зерикиш иш унумдорлигининг пасайишига сабаб бўладиган ягона туб сабабдир"*.

Агар сиз ақлий меҳнат билан шуғуллансангиз, бажарилган иш миқдоридан жуда кам чарчайсиз. Сиз бажарилмаган иш туфайли чарчашингиз мумкин. Масалан, балки эсларсиз, ҳафтанинг бир кунида сизни ишдан тўхтовсиз равишда қолдиришди. Хатларга жавоб қайтара олмадингиз. Белгиланган учрашувлар ўтказилмай қолди. У ерда ҳам, бу ерда ҳам кўнгилсизликлар рўй бераверди. Ўша куни

ҳамма иш чаппасидан кетди. Сиз шу куни ҳеч иш қила олмай, ҳолдан тойиб, бошингиз оғриб уйга қайтдингиз.

Эртаси идорада ҳамма иш силлиқ кетди. Сиз илгарига нисбатан қирқ баробар иш бажардингиз. Уйга бардам тарзда ва худди арчилган тухумдай навқирон ҳолатда қайтдингиз. Сизда шу ҳол рўй берганмиди?.. Менда ҳам.

Бундан қандай хулоса келиб чиқади? Фақат битта: чарчаш иш туфайли эмас, кўпинча безовталик, руҳий тушкунлик ва ранж-алам ҳиссиётлари туфайли юзага келади.

Ушбу бўлим устида ишлаш жараёнида мен Жером Керннинг "Сузувчи театр" номли ажойиб мусиқали комедиясининг янгича талқинини кўришга бордим. Унда иштирок этувчи капитан Энди шундай дейди: *"Бахтли одамлар ўзларига ҳузур бағишлайдиган иш билан шуғулланадилар"*. Шунинг учун ҳам бахтлики, уларда куч-қувват кўп, қувонч етарли, безовталик кам, чарчаш камдир. Қизиқишингиз қайси томонга йўналтирилган бўлса, куч-қувватингиз ҳам ўша томонга йўналган бўлади. Сизни сидқидилдан севувчи гўзал билан ўн мил юрганга нисбатан мижғов хотин билан ўн квартал масофани босиб ўтиш азоб-уқубатдан иборат бўлар.

Хўш, нима бўпти? Шундай ҳолатда сиз нима қила оласиз? Мана, Оклахома штати Талсе нефть фирмасида хизмат қилувчи бир стенографчи аёл нима қилган? Ҳар ойнинг бир неча куни унга ниҳоятда зерикарли ишни бажаришга тўғри келган, тасаввур этяпсизми, янги топилган нефть жойларини ижарага бериш бўйича шартнома варақларини тўлдириш, унга рақамлар ва статистик маълумотлар қўшиш лозим эди. Иш шу даражада диққинафас эдики, бу аёл ўз-ўзини ҳимоя этиш мақсадида уни қизиқарли тарзда ташкил этишга қарор қилди.

Қандай қилиб жувон ҳар куни ўз-ўзи билан мусобақалаша бошлади. Ҳар куни эрталаб тўлдирилган варақаларни санаб чиқар, сўнг кун бўйи бу рақамларни оширишга ҳаракат қиларди. Иш куни охирида у яна тўлдирилган ҳужжатларнинг умумий сонини тағин санаб чиқар ва эртага янада кўпроқ иш ҳажмини бажаришга интилар эди.

Натижа-чи? Тезда у бўлимдаги бошқа стенографчиларга нисбатан бу диққинафас бланкаларни кўпроқ тўлдирадиган бўлди. Натижада нимага эга бўлди? Мақтовми? Йўқ...

Ташаккурми? Йўқ... Мансаби кўтарилдими? Йўқ... Унинг маошини оширдиларми? Йўқ... Аммо у зерикиши туфайли пайдо бўлган чарчоқдан қутилди. Унда руҳий қўзғатувчи омил пайдо бўлди. Зерикарли ишни қизиқарли машғулотга айлантиришга ҳаракат қилиш қувват ва завқ-шавқ бағишлади. У кўпроқ шодлик-қувончга ва ором олиш соатларига эга бўлди. Мазкур воқеа мен учун тасодиф бўлса-да, аммо ҳақиқат: ахир мен бу жувонга уйландим-да!

Ёки бошқа стенографчи аёлларнинг кечмишини кўрайлик. У ўз ишини янада қизиқарли ташкиллаштириш учун ҳаракат қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Илгари ишини бажаришига ниҳоятда кўп куч-қувват сарфлаганди. Энди эса аҳвол ўзгарди. Уни Вэлли Ж.Голден деб аташади. Мана унинг менга ёзганлари: *"Идорамизда тўртта стенографчи ишлар эди, ҳар биримизга бир неча ходимнинг ҳужжатларини ёзиб бориш топшириларди. Баъзида шундай топшириқлар билан кўмилиб қолар эдикки, бир куни бўлимимиз бошлиқ ўринбосари узундан-узоқ бир хатни қайта ёзиб чиқишни талаб қилиб туриб олганида, мен аччиқландим. Бу хатни қайта ёзиб чиққандан кўра уни шундоққина тузатиш ҳам мумкин, деб ишонтиришга ҳаракат қилдим. У агар мен кўнмасам, рози бўладиган кишини топа олишини айтди! Мен аччиқланганимдан ўзимни йўқотиб қўдим! Шу билан бирга бу хатни қайтадан ёзиб чиқа бошлаганимда кутилмаганда мен бажараётган ишни қабул қилганларида кўпчилик ўзини бахтли деб ҳис этишини тушуниб қолдим. Бунинг устига менга айнан шу иш учун ҳақ тўлашарди. Кайфиятим яхшилана бошлади. Ниҳоят, шундай ишлашга қарор қилдимки, ишим менга ҳузур бағишлайди, ваҳоланки ундан жирксансам ҳам, деган хаёлга бордим. Шунда муҳим нарсани кашф этдим: агар мен ишимни худди ундан ҳузур-ҳаловат олгандек бажарсам, ундан у ёки бу даражада қаноат ҳосил қиламан. Агар ишимдан қониқсам, тезроқ ишлашим мумкинлигини ҳам пайқадим. Шу боис менда ишдан кейин қолиб ишлаш зарурати камдан-кам бўлади. Ишга муносабат ўзгаргани сабабли мен ажойиб ишчи деган мартабага эга бўлдим. Бўлим раҳбарларидан бирига шахсий котиба зарур бўлиб қолганида, у айнан мени танлади, чунки ўзи айтганидек, мен қўшимча ишни рози бўлиб қабул қилар-*

*дим! Бу психологик йўл-йўриқнинг ўзгариши натижаси,* — деб ёзади Голден ходим, — *фавқулодда муҳим кашфиёт бўлди. У мўъжизалар яратди!"*

Балки ўз-ўзига ҳисоб берган Вэлли Голден хоним машҳур фалсафий тамойил — "худди шундек"дан фойдаланган-дир? Уильям Жеймс бизга ана шундай ҳаракат қилишни тавсия қилди. "Худди шундай, бамисоли" мардмиз, десак, биз ботир бўламиз, худди шундай ўз-ўзимизни бахтли деб ҳис этсак, бахтли кишилардай бўламиз ва ҳоказо.

Ўзингизни ишингиз жуда қизиқарли каби тутинг. Дастлаб бу ўйиндай туюлади, кейинчалик эса сизда ишингизга нисбатан ҳақиқий қизиқиш уйғонади. Шу билан бирга сиздаги чарчоқ, руҳий зўриқиш ва безовталикни камайтиради.

Бир неча йил муқаддам Харлан А.Хауард ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборувчи бир йўл тутди. У зерикарли юмушни қизиқарли машғулотга айлантирди. Иши ҳақиқатан ҳам тинкани қуритадиган даражада бир хил эди: у идиштовоқларни ювиши, пештахтани артиши ва мактаб ошхонасида музқаймоқ сотиши керак эди. Бу пайтда бошқа ўғил болалар копток ўйнашар ёки қиз болаларга илтифот кўрсатишарди. Харлан Хауард ўз ишидан нафратланар, лекин бу ишдан кетиш имконияти йўқ эди, шунда у музқаймоққа тегишли барча нарсани ўрганишга киришди — қандай тайёрлашади, нега бир нави бошқасига нисбатан яхши... У музқаймоқ ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологиясини ўрганди ва ўрта мактабда кимё курси бўйича энг яхши тингловчи бўлди. Бора-бора озиқ-овқат маҳсулотлари кимёсига шунчалик қизиқиб қолдики, натижада Массачусетс штатидаги коллежга кирди ва озиқ-овқат техникаси соҳасига ихтисослашди. Нью-Йоркдаги какао биржаси какао ва шоколаддан фойдаланиш бўйича энг яхши талабалар маърузаси учун очиқ танлов эълон қилинганида ҳамда юз доллар мукофот белгиланганида, ким ғолиб бўлди, деб ўйлайсиз?.. Ҳа, тўғри топдингиз, у Харлан Хауард эди.

Иш ахтариб, турли қийинчиликларга дуч келган Харлан Массачусетс штатининг Амхерстдаги уйи ертўласида хусусий лаборатория очди. Шундан кейин тез орада янги қонун чиқди. Сутдаги бактериялар сонини аниқлаш зарур эди. Харлан Хауард дарҳол Амхерстдаги ўн тўртта сут маҳсу-

лотлари фирмасининг бактерияларини ҳисобга олиш билан шуғуллана бошлади, ҳатто унга иккита лаборант қизни жалб этишга тўғри келди.

Нима деб ўйлайсиз, уни йигирма беш йилдан сўнг нима кутарди? Дарҳақиқат, озиқ-овқат кимёси соҳасидаги замонавий пешқадам арбоблар пенсияга кетар ёки нариги дунёга равона бўлар, уларнинг ўрнини ташаббускор ва кучғайратга тўла ёш йигитлар эгалларди. Шак-шубҳасиз, орадан йигирма беш йил ўтиб, Харлан Хауард ишда кўп нарсага улгурар ва ўз соҳасининг энг пешқадам етакчисига айланар, шунда бир пайтлар у музқаймоқ сотган синфдошлари ғамгин омадсизларга айланиб, ишсизлар сонини тўлдирар, ҳукуматни қарғаб, ҳаётларини ўзгартириш имконияти йўқлигини айтиб, оҳ-воҳ тортишар эди. Тўла равишда шуниси аниқки, агар зерикарли ишни қизиқарли машғулотга айлантирмаганида, Харлан А.Хауард ҳам худди шундай имкониятга сира муяссар бўлмасди.

Кўп йиллар муқаддам бир йигитни ҳам иш ҳаддан зиёд бездирган эди. У чилангарлик дастгоҳи ёнида туриб, заводда болт ясарди. Ёш йигитни Сэм деб атардилар. Сэм ишдан жон-жон деб кетишни истарди, аммо бошқа жойда ишга жойлай олмайман, деб қўрқди. Шу сабабдан мазкур зерикарли ишни бажаришга мажбур эди. Сэм бу юмушни қизиқарли қилишга қарор қилди. У қўшни дастгоҳда ишлаётган оператор билан мусобақа боғлади.

Улардан бири юқори нотекис қисмини қайта ишлаши, бири эса болтларга тегишли диаметр ўлчови бериши керак эди. Ким кўпроқ болт тайёрлашини кўриш учун вақти-вақти билан дастгоҳни алмаштирардилар. Беш уста Сэмнинг тезкорлиги ва орасталигини юқори баҳолади ва уни кўп ўтмай юқори малакали ишга ўтказишди. Бу унинг мансаб пиллапоялари томон кўтарилиши эди. Ўттиз йил ўтгач, Сэм, яъни Сэмюэл Воклейн "Болдуин локомотив уоркс" фирмаси президенти бўлди. Агар у зерикарли ишни мароқли машғулотга айлантиришга уринмаганида, бир умр оддий ишчилигича қолиб кетарди.

Х.В.Калтенборн — Америка радиосининг машҳур шарҳловчиси — бир куни меъдага тегадиган ишни мароқли ва қизиқарли қилишга муяссар бўлганини гапириб берди. У

йигирма икки ёшдалигида ўзининг кира ҳақини тўлаш учун Атлантика океанини кесиб ўтадиган, қорамол ортилган кемада ишлаган эди. Зиммасига буқаларни боқиш ва уларни суғориш юклатилган эди. Англия бўйлаб велосипедда саёҳат қилиб, Парижга оч-яланғоч кириб келди. Кейин ўз фотоаппаратини беш долларга гаровга қўйиш тўғри келди. У "Нью-Йорк геральд" газетасининг Париж нашрига иш ахтариб юрганлиги ҳақида эълон берди. Унга иш таклиф қилишди. Агар сиз қирқ ёшда бўлсангиз, балки эски стереоспкопларни эсларсиз, уларни кўзимизга яқин келтириб қарасак, иккита бир хил тасвирни кўрамиз. Биз кўришда давом этамиз ва тўсатдан мўъжиза юз беради. Стереоскопдаги икки линза икки тасвирни биттага жамлаб, учинчи ўлчовдаги эффектни ҳосил қилади. Биз масофани қабул қилдик. Истиқболдаги қизиқарли ҳиссиётга эга бўлдик.

Юқорида айтганимдек, Калтенборн Парижда бу ускуналарни сота бошлади. У бир эшикдан иккинчиси томон тентирар, лекин французча гапиришни билмасди. Шунга қарамай, воситачилик йўли билан биринчи йили беш минг доллар ишлашга муяссар бўлди ва ўша йили Франциядаги энг юқори иш ҳақи тўланадиган савдо агентига айланди. Калтенборннинг менга ҳикоя қилишича, мазкур тажриба унга Гарвардда ўқиган йилидан кўра кўпроқ билим берган. Бу ўз-ўзига ишончми? Ўзининг эътирофича, у, ҳатто француз уй бекаларига "конгресс баённомалари"ни сотишига бемалол қурби етарди.

Мазкур тажриба Калтенборнга французлар ҳаётини билишда шунчалик чуқур тушунча бердики, кейинчалик бу ҳол Европа воқеаларини радиода таҳлил этишда бебаҳо манба бўлди.

Француз тилини билмасдан туриб, у қандай қилиб биринчи даражали савдо агентига айланди? Калтенборн иш берувчидан ўз сотувчиларига мурожаат этадиган матнни француз тилида ёзиб беришни илтимос қилди.

Кейин ушбу матнни ёдлаб олди. Шундай бўлдики, Калтенборн уй қўнғироғини босади, уй бекаси эшикни очади ва у ёдлаган матнини худо урган шундай талаффузда такрорлайдики, кулмасликнинг сира иложи йўқ. Сўнг уй бекасига ўз суратларини кўрсатади. Агар бека савол берса,

елкаларини қисар ва "америкаликман", "америкаликман" дер эди. Кейин эса шляпасини ечиб, унда ёпиштирилган француз тилидаги ажабтовур матнни кўрсатарди. Бу ҳақда ҳикоя қилар экан, Х.В.Калтенборн иши енгил эмаслигини эътироф этди. Аммо унга бир хусусият ёрдам берди: қатъийлиги, чўрткесарлиги ишининг қизиқарли бўлишини таъминлади.

У ҳар куни ишга отланишда ойнага қарар экан, ўз-ўзини руҳлантирарди: *"Калтенборн, сен агар яхши яшашни истасанг, бу ишни бажаришинг керак. Демакки, буни бажаришинг шарт экан, нега уни ажойиб ва дилтортар қилмайсан? Ҳар сафар эшикни тақиллатганимда, ўзимни актёр мисоли худди омма олдига чиқаётгандай ҳис этаман. Ахир сен бажараётган иш ҳам худди саҳнадаги қандайдир кўриниш каби кулгили-ку! Шундай экан, нега ўз ўйинингга эҳтирос ва завқ-шавқ бахш этмайсан?»*

Жаноб Калтенборннинг менга ҳикоя қилишича, ана шундай руҳлантирувчи суҳбатлар дастлаб унда нафрат ва қўрқув уйғотган, кейин ишни саргузаштга айлантиришга ёрдам берган, катта даромад келтирган.

Мен жаноб Калтенборндан ҳаётда муваффақият қозонишга чанқоқ ёш америкаликларга берадиган бирор маслаҳат сўраганимда, у шундай деди: *"Ҳар куни эрталаб ўз устингизда ишланг. Биз жисмоний машқлар зарурлигини жуда кўп айтамиз, у аксариятимиз гирифтор бўлган ярим уйқудан уйғотади. Лекин кўпроқ маънавий ва ақлий машқларга зарурат сезамиз, улар ҳар куни эрталаб бизни фаолиятга чорлайди. Ўзингизни руҳлантирувчи сўзларни айтишдан эринманг"*.

Наҳотки, ўз-ўзи билан руҳлантирувчи кундалик гап-сўз бемаъни, енгилтаклик ва болаларча қилиқ бўлиб кўринса? Йўқ, аксинча, унда соғлом руҳий моҳият мавжуд. *"Бизнинг ҳаётимиз — бизнинг у ҳақдаги ўйларимиздан иборат"*. Бу сўзлар ҳозир ҳам, ўн саккиз аср олдингидан ҳам асло кам эмас. Буни Марк Аврелий ўзининг "Мулоҳазалар" китобида ёзган эди: *"Бизнинг ҳаётимиз — бизнинг у ҳақдаги ўйларимиздан иборат"*.

Ўз-ўзингиз билан ҳар соат суҳбатлаша туриб, сиз мардлик ва бахт, куч-қувват ва хотиржамлик ҳақида ўй суринг.

Ўз-ўзингиз билан ўзингизга маълум бўлган нарсалар хусусида гаплашар экансиз, қалбингизни забт этасиз ва қалбингиз куйлаб юборади.

Ўз фикр-ўйларингизни ижобий томонга йўналтиринг, ана шунда ҳар қандай иш сизга ёқимли туюлади. Бошлиғингиз ишга жуда қизиқиш билан муносабатда бўлишингизни хоҳлайди, чунки унинг даромади шунга боғлиқ. Аммо бошлиқ нима хоҳлаётганини унутамиз. Ўз ишингизга қизиқсангиз, шу қизиқишни ҳис этсангиз, фақат нималарга эга бўлишингизни ўйланг. Ёдингизда бўлсин, сизнинг маиший кундалик қувончингиз фаол ҳаётингизнинг ярми иш билан ўтганида, икки баробар ортади. Шу сабабли агар, сизга қувонч келтирмаса, балки уни ҳеч қачон ҳеч қаердан топа олмайсиз. Эсингизда турсин, ишга қизиқишингиз сизни безовталикдан халос этади, пировард натижада, мансабга кўтарилиш ва маошингиз ошиши аниқ бўлиб қолади. Ҳатто, бу рўй бермаса ҳам ишга бўлган қизиқишингиз чарчоқни энг қуйи даражага туширади ва сизнинг дам олиш соатларидан ҳузур-ҳаловат топишингизга ёрдам беради.

*Йигирма еттинчи бўлим*

## УЙҚУСИЗЛИК ТУФАЙЛИ ПАЙДО БЎЛГАН БЕЗОВТАЛИКДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН?

Ёмон ухлаганингизда безовта бўласизми? Унда, балки, бутун дунёга машҳур Сэмюэл Унтермейер ҳақида билиш сизга қизиқарли туюлар, у ҳаёти давомида бирор марта ҳам дуруст ухлай олмаган.

Сэм Унтермейер коллежга кирган пайтида уни икки кулфат — астма *(нафас қисиши)* ва уйқусизлик безовта қилди. У, афтидан, ушбу хасталиклардан бирортасини ҳам даволай олмади. Шу сабабли ҳеч нарса тенг келмайдиган ҳолат, яъни ўз бедорлигидан наф чиқаришга қарор қилди. Тун бўйи тўшакда ағдарилиб-тўнтарилиб, асабини бузилиш даражасига етгунчалик азоблаш ўрнига ўрнидан турар ва фақат ўқиш билан машғул бўларди. Натижа-чи? У барча

фанлардан пешқадам бўлиб, Нью-Йоркдаги коллеж юлдузларидан бирига айланди.

Ҳатто ҳуқуқ амалиётини бошлаганида ҳам у уйқусизликдан қутила олмади. Аммо Унтермейер руҳан тушкунликка тушмади. *"Табиатнинг ўзи,* — деди у, — *менга ғамхўрлик қилади"*. Дарҳақиқат, табиат унга қарашди. Уйқусизлик бўйича нуқсонга эга бўлишига қарамай, соғлиғи ёмонлашгани йўқ, у Нью-Йорк адвокатурасининг ҳар қандай ёш ҳуқуқшуносларидан ортда қолмай берилиб ишлаш қобилиятига эга эди; ҳатто улардан ҳам зиёд ишлар эди. Ахир ҳамкасблари донг қотиб ухлаганида, у тер тўкарди-да!

Сэм Унтермейер йигирма бир ёшга тўлганида, йилига етмиш беш минг доллар ишлади; бошқа ёш адвокатлар унинг иш усулларини ўрганиш учун судга шошар эдилар. 1931 йилда бир ишни кўриши учун — бу балки бутун тарихда адвокат учун энг юқори гонорар бўлса керак — унга нақд бир миллион доллар тўлаган эдилар, бочкага солинган пулларни.

Лекин Унтермейерда ҳануз уйқусизлик бор эди. Одатда, у ярим кечага қадар ўқир, сўнг эрталаб соат бешда турар ва хатларни айтиб туриб ёздирарди. Ўша пайтда кўпчилик кишилар иш кунини бошлаганида, уникининг ярми бажарилган бўларди. Бу инсон саксон бир ёшгача умр кечирди, лекин деярли ҳеч вақт дуруст, меъёрида ухламади. У уйқусизлик туфайли асабийлашиб, ташвиш торттанида, эҳтимол, ўз умрига ўзи зомин бўлар эди.

Биз ҳаётимизнинг учдан бир қисмини уйқу билан ўтказамиз. Аммо ҳеч ким уйқу ҳам аслида воқелик эканлигини англайвермайди. Биз биламизки, бу одатдан иборат ва дам олиш ҳолатидир, бу пайтда табиат ташвишлар билан тўлган талофатнинг ўрнини тўлдиради. Аммо биз ҳар бир кишига қанча миқдордаги уйқу талаб қилинишини билмаймиз. Ҳатто уйқу аслида керакми, йўқми, билмаймиз!

Бу хом хаёлми? Шундай қилиб, биринчи жаҳон уруши даврида венгер аскари Паул Керн нақ пешонасидан ўқ еган эди. Жароҳатланганидан сўнг тузалди, аммо шуниси ғалатики, у мутлақо ухлай олмасди. Шифокорлар қандай чоралар кўришмади дейсиз — улар седатив ва наркотик воситаларнинг барча турларини, ҳатто гипнозни ҳам қўллаб

кўрдилар — қани энди Паул Кернни ухлатиб бўлса, у, ҳатто зиғирча мудрамасди.

Шифокорлар, Керннинг саноқли кунлари қолди, дейишарди. Қарангки, Паул Керн уларни чув туширди. У бир неча йиллар давомида тинмай ишлади ва ўзини ҳамиша бардам ҳис этди. Одатда, у тўшакда ётар, кўзларини юмар ва дам олар, аммо уйқуси келмасди. Ушбу ҳодиса тиббиёт ходимлари учун жумбоқлигича қолаверди, шунингдек, уйқуга доир қарашларимизни ҳам ўзгартириб юборди.

Айрим кишиларнинг бошқаларга нисбатан кўпроқ ухлашига тўғри келади. Тосканини учун бир кеча-кундузда беш соат кифоя қилар эди, аммо Кэлвин Кулиж ундан икки баробар кўп ухларди. Кулиж йигирма тўрт соатнинг ўн бир соатини уйқу билан ўтказар эди. Бошқача сўзлар билан айтганда, Тосканини ўз умрининг бешдан бир қисмини, Кулиж эса деярли ярмини ухлаб ўтказган.

Уйқусизлик туфайли вужудга келган безовталик сизга уйқусизликдан кўра кўпроқ зарар келтиради. Масалан, тингловчиларимдан бири — Айра Сэнднер сурункали уйқусизлик туфайли сал бўлмаса, ўз-ўзини ўлдираёзганди.

*"Ҳақиқатан ҳам ақлдан озиб қолдим деб ўйлагандим,* — деб ҳикоя қилганди менга Айра Сэнднер. *— Ҳамма бало шундаки, мен дастлаб жуда қаттиқ ухлаб қолар эдим. Соат жиринглаганида ҳам мутлақо уйғона олмасдим, шу туфайли эрталаблари ишга кечикардим. Бундан жудаям қийналардим. Устига-устак бошлиғим мени огоҳлантириб, ишга ўз вақтида келишимни тайинлади. Агар яна илгаригидек кечикадиган бўлсам, бўшатиб юборишларини билар эдим.*

*Мен бу ҳақда дўстларимга гапириб бердим ва улардан бири бор диққатимни ухлашдан олдин уйғотувчи соатга қаратишни маслаҳат берди. Ана шундан кейин мендаги уйқусизлик бошланди! Энди мени лаънати соатнинг тўхтовсиз чиқиллаши таъқиб этарди. Уйқумни йўқотиб, тун бўйи у ёқдан-бу ёққа ағдарилардим! Эрталаб ўзимни касалдай ҳис этардим. Мени чарчоқ ва безовталик ҳолдан тойдирди. Бу ҳол саккиз ҳафта давом этди. Азобимни сўз билан бирма-бир ифодалаш қийин. Мен энди ақлдан озсам керак, деб ишонган эдим. Баъзан соатлаб хонада у ёқдан-*

*бу ёққа юрар ва деразадан ўзимни ташлаб, шу билан ҳаётимга нуқта қўйсам-чи, дея жиддий ўйлар ҳам эдим!*

*Ниҳоят мен шифокорга учрашдим, у бутун ҳаётимдан хабардор эди. Шифокор шундай деди: "Айра, сенга ёрдам беришга асло кучим етмайди. Сенга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Чунки сен ўзинг ўзингни шу аҳволга солдинг. Бугун тўшакка тунда киргин-у, хотиржам чўзилгин, агар уйқунг келмаса, буни бутунлай унутгин. Шунчаки ўз-ўзингга: "Агар уйқуга кетмасам, мени ҳеч нарса безовта қила олмайди; эрталабгача тетик ва бардам бўлишимга бутунлай розиман", дегин. Кўзларингни юмиб ётгин ва: "ҳозирча мен хотиржам ётибман ва асабийлашаётганим йўқ, мен у ёки бу тарзда дам оляпман", дегин.*

*"Мен унинг маслаҳатларига амал қилдим,* — дейди Сэндднер. — *Орадан икки ҳафта ўтгач, ухлай бошладим. Бир ой ҳам ўтмай яна саккиз соатлаб ухлайдиган бўлдим, асабларим ҳам тинчланди".*

Айра Сэнднерни уйқусизлик эмас, балки уйқусизлик туфайли вужудга келган безовталик ўлдираёзган эди.

Дунёда ҳеч ким уйқусизлик муаммоларини Чикаго университети профессори Натаниэль Клейтман каби чуқур тадқиқ этмаган. У жаҳонда уйқуни текширган энг йирик мутахассислардан бири ҳисобланади. Клейтманнинг исботлашига кўра, ҳали ҳеч ким уйқусизликдан ўлган эмас. Аслида эса одам уйқусизлик туфайли шу қадар безовта бўладики, организмидаги қаршилик кўрсатиши пасаяди ва у микроблар учун заиф жойга айланиб қолади. Бу зарарни уйқусизлик эмас, балки безовталик вужудга келтиради.

Доктор Клейтманнинг таъкидлашича, уйқусизликдан шикоят қилувчи кишилар ўзлари тасаввур қилгандан кўра кўпроқ ухлайдилар. Эҳтимол, зорланган одам гўё тун бўйи кўз юммагани, аслида эса кўп ухлаганидан шубҳаланади. Масалан, XX асрнинг энг машҳур мутафаккирларидан бири Герберт Спенсер кекса бўйдоқ бўлиб, пансионда яшар эди.

У уйқусизликдан шикоят қилавериб, ҳамманинг жонига тегди. Ҳатто, қулоқларига "тиқин" қўйиб, шовқиндан халос бўлмоқчи ҳамда асабларини тинчлантирмоқчи бўларди. Баъзан ухлаш учун афъюн истеъмол қиларди. Бир куни унга Оксфорд университети профессори Сейс билан бир хона-

да тунашга тўғри келди. Аслида эса профессор Сейс бутун кеча давомида кўз юммаган эди. Спенсер хуррак отгани учун у ухлай олмаган эди-да!

Энг яхши уйқу учун биринчи шарт хавфсизлик ҳисси ҳисобланади. Шунингдек, жисмоний машқлар воситасида ўзингизни бўшаштиришни ҳам ўрганишингиз лозим. "Асабий зўриқишдан озод бўлиш" номли китоб муаллифи доктор Дэвид Гарольд Финк бунинг учун энг яхши усул — ўз танаси билан мулоқот ўтказишдир, деб ҳисоблайди. Финк нуқтаи назарига кўра, сўз гипнознинг барча турлари учун калит вазифасини ўтайди; агар сиз сурункали равишда ухлай олмасангиз, уйқусизликка дучор бўлибман, деб ўз-ўзингизни ишонтирибсиз. Бундан халос бўлиш учун — ўзингизни қайта гипноз қилинг — буни бемалол бажара оласиз, танангиздаги мушакларга: *"хотиржам бўл, хотиржам бўл, ўзингни бўш қўй ва ором ол"*, денг.

Биз аллақачондан бери биламизки, мушакларимиз таранг тортилган пайтда мия ва асабларимиз асло бўшашмайди. Шу сабабли сиз ухламоқчи бўлсангиз, мушаклардан иш бошланг. Доктор Финкнинг тавсия қилишича *(бу амалиётда ҳам анча ёрдам беради)*, оёқнинг таранглигини камайтириш учун бир ёстиқни тиззанинг тагига қўйиш, иккита кичикроқ ёстиқни қўл остига худди шу тарзда жойлаштириш керак. Сўнг ўз жағларингизга гапиринг, у ёзилиб кетсин, кўзлар, қўллар ва оёқлар ҳам сўзланг — бўшашсин ва ўшанда ухлаб қолганингизни билмай қоласиз. Мен буни биламан — синаб кўрган эдим. Агар ухлай олмасангиз, доктор Финкнинг "Асабий зўриқишдан халос бўлиш" номли китобини кўриб чиқинг, уни юқорида сизга эслаттан эдим. Бу ўзимга маълум мароқли ўқишли ҳамда уйқусизликка даво бўладиган ягона машҳур китобдир.

Уйқусизликнинг энг яхши воситаларидан бири — боғда меҳнат қилиш, сувда сузиш, теннис, гольф ўйнаш, чанғида юриш ва оддий жисмоний чиниқтирадиган машғулотлардир. Теодор Драйзер худди шундай йўл тутди. Адабиётда ўз йўлини топиб олганида, уни уйқусизлик ҳаддан зиёд қийнаб юборган эди. Шунда Нью-Йорк марказий темир йўлига оддий ишчи бўлиб жойлашди. У кун бўйи рельсга қайрилма катта мих қоқар, белкурак билан шағал ётқизар, на-

тижада шу қадар чарчар эдики, бор куч-қувватини кечки овқатга ухлаб қолмаслик учун сарфлашига тўғри келарди.

Агар етарли даражада толиқсак, табиат бизни, ҳатто юриб турган пайтда ҳам пинакка кетишимизга мажбур этади. Мен буни шахсий тажрибамда синаб кўрганман. Ўн уч ёшимда отам чўчқалар ортилган вагонни Миссури штатидаги Сент-Жо манзилига жўнатган эди. Унга темир йўлда юриш учун иккита талон беришди, у мени ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олди. Мазкур сафаргача мен тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу шаҳарда асло бўлмаган эдим. Сент-Жода — олти юз минг аҳолига эга шаҳарда бўлар эканман, шошиб қолдим. Олти қаватли осмонўпар биноларни, мўъжизанинг энг каттаси — трамвайни кўрдим. Ҳозир ҳам кўзимни юмсам, ўша трамвайни кўраман, овозини эшитгандай бўламан. Ҳаётимдаги энг тўлқинлантирувчи дамлар шундаки, мен отам билан поездда Миссури штатидаги Рейнвенвудга қайтдик. Бу ерга тунги соат иккида тушдик, сўнг тўрт мил пиёда юриб, фермамизга етиб келдик. Мазкур воқеанинг туб моҳияти ана шунда. Шунчалик чарчаган эдимки, юра туриб, ухлаб қолганман. Кўриб турибсизки, мен тирикман ва бу ҳақда сизга гапира оляпман!

Ҳаддан зиёд чарчаган одамлар тўплар гумбурлаши, уруш даҳшатлари ва хавф-хатарга қарамай, ухлаб қолишган. Таниқли асабшунос доктор Фостер Кеннединиг менга гапириб беришича, 1918 йилда, 5-Британия армияси чекинаётган пайтда, у ҳаддан зиёд чарчаган бир неча аскарни кўрган, улар ўзларини ерга таппа ташлаб, тошдай қотиб ухлаб қолишган. Қовоқларини қўл билан очиб кўришганида ҳам мутлақо уйғонишмаган. Кеннединиг айтишига кўра, уларнинг кўз қорачиғи юқорига йўналган экан. *"Шундан кейин,* — деб ҳикоя қилади доктор Кеннеди, — *уйқум келмаган пайтда кўз қорачиғи соққасини шундай айлантирардимки, қорачиғ ҳам шундай йўналишда бўларди. Одатда бир неча сониядан сўнг эснай бошлаб, уйқум келаётганини ҳис этардим. Менда ўзим бошқара олмайдиган автоматик рефлекс ишлай бошлар эди".*

Ҳали ҳеч ким уйқусизлик туфайли ўз-ўзини ўлдирмаган, бундай қилишмайди ҳам. Табиат одамни унинг бутун ирода кучига қарамай ухлашга мажбур этади. Табиат биз-

ни озиқ-овқатсиз, сувсиз қолдириши мумкин, аммо уйқусиз қолдира олмайди.

Ўз-ўзини ўлдириш ҳақида гапира туриб, мен доктор Генри С.Линкнинг "Инсоннинг иккинчи кашфиёти" китобида битилган бир воқеани эсладим. Доктор Линк психологик корпорация вице-президенти, у руҳан безовта бўлган жуда кўп одамлар билан суҳбатлашади. Китобдаги "Қўрқув ва безовталикдан халос бўлиш" номли бўлимда у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган мижоз тўғрисида ҳикоя қилган. Доктор Линк бемор билан тортишиш беҳуда эканлигини, бундан унинг аҳволи фақат оғирлашиши мумкинлигини яхши билар эди. Ва унга: *"Агар ўз жонингизга барибир қасд қилмоқчи бўлсангиз, буни қаҳрамонларча амалга оширишингиз керак. Бунинг учун бутун квартал бўйлаб ўлиб қолгунингизга қадар югуринг"*, дер эди.

Мижоз буни бир неча бор синаб кўрди ва ҳар сафар ўзини жисмонан эмас, руҳий жиҳатдан анча енгил ҳис этди. Учинчи кеча доктор Линк кутган аҳвол юз берди. Бемор жисмоний жиҳатдан шунчалик чарчадики *(жисмонан бўшашди ҳам)*, худди ўликдай ухлаб қолди. Кейинчалик у атлетика клубига кирди ва спорт мусобақаларида қатнаша бошлади. Тезда ўзини ниҳоятда бардам ҳис этиб, энди абадий яшашни хоҳлаб қолди!

Шундай қилиб, сизга уйқусизлик туфайли юзага келадиган безовталикдан халос бўлишнинг тўрт қоидасини тавсия этаман:

**1.** *Агар сиз ухлай олмасангиз, Сэмюэл Унтермейердан намуна олинг. Ўрнингиздан туриб ишланг ёки уйқунгиз келгунга қадар ўқинг.*

**2.** *Эсингизда турсин, ҳали ҳеч ким уйқуси камлигидан ўлмаган. Одатда уйқусизликдан кўра ундан келадиган безовталик кўп зарар келтиради.*

**3.** *Ўз танангизни бўшаштиринг. "Асабий зўриқишдан халос бўлиш" номли китобни ўқинг.*

**4.** *Жисмоний машқларни амалга оширинг. Ўзингизни жисмоний толиқишдан шу даражага келтирингки, тетиклик даражасида бўлманг.*

## Қисқа хулосалар

**1-қоида:** *Чарчоқни кутмасдан дам олинг.*

**2-қоида:** *Ишда ўзингизни бўшаштиришни ўрганинг.*

**3-қоида:** *Агар сиз уй бекаси бўлсангиз, ўз соғлиғингиз ва ташқи кўринишингизни сақлашга уриниш, уйда ўзингизни бўшаштиринг.*

**4-қоида:** *Қуйидаги 4 та меҳнат кўникмасини қўлланг:*

а) *иш столингизни ҳозир ҳал этишингизга алоқадор бўлмаган барча қоғозлардан озод қилинг;*

б) *ишни унинг зарурлигига қараб ҳал этинг;*

в) *агар зиммангизда бирор муаммо пайдо бўлса, дарҳол ҳал этишга оид зарур далиллар етарли бўлса, тезда ҳал этинг;*

г) *ишни ташкил этиш, масъулиятни зиммага олиш ва назорат қилишни ўрганинг.*

**5-қоида:** *Безовталик ва чарчоқни бартараф этиш учун шижоат билан меҳнат қилинг.*

**6-қоида:** *Эсингизда тутинг: ҳали ҳеч ким уйқуси камлигидан ўлган эмас. Уйқусизлик туфайли пайдо бўлган безовталик уйқусизликдан кўп зарар келтиради.*

## МУНДАРИЖА

ТАКАЛЛУФЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ ..... 3

*БИРИНЧИ КИТОБ*
**ДЎСТ ОРТТИРИШ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА**

БУ КИТОБ ҚАНДАЙ ВА НИМА САБАБДАН ЁЗИЛДИ? ..... 8

**БИРИНЧИ ҚИСМ.** ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ
Биринчи бўлим. «Агар асал йиғмоқчи бўлсангиз, асалари қутисини улоқтирманг». ..... 16
Иккинчи бўлим. Одамлар билан муомаланинг катта сири тўғрисида ..... 28
Учинчи бўлим. «Кимки буни уддалай олса, бутун дунёни забт этади, кимки уддасидан чиқа олмаса, якка бўлиб қолаверади». ..... 38
Ушбу китобдан фойдаланишга оид тўққизта энг муҳим маслаҳат ..... 54

**ИККИНЧИ ҚИСМ.** ОДАМЛАРГА ЁҚИМТОЙ БЎЛИШГА ОИД ОЛТИ ҚОИДА
Биринчи бўлим. Ўзингизни шундай тутингки, ҳамма жойда сизни хушмуомалалик билан кутиб олишсин ..... 59
Иккинчи бўлим. Одамларда яхши таассурот қолдиришнинг оддий усуллари ..... 71
Учинчи бўлим. Агар буни бажармасангиз, сизни нохуш воқеалар кутади ..... 78
Тўртинчи бўлим. Ёқимли ҳамсуҳбат бўлишнинг оддий усуллари ..... 86
Бешинчи бўлим. Одамларни қандай қизиқтирмоқ мумкин? ..... 96
Олтинчи бўлим. Одамларда қисқа фурсатда рағбат уйғотиш тўғрисида ..... 100

**УЧИНЧИ ҚИСМ.** ОДАМЛАРНИ СИЗНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИНГИЗГА МОЙИЛ ЭТУВЧИ ЎН ИККИ ҚОИДА
Биринчи бўлим. Тортишувда мутлақо баланд келмаслик керак ..... 114

Иккинчи бўлим. Душманларга дучор бўлишнинг ва ундан халос бўлишнинг ишончли усули ..... 121
Учинчи бўлим. Агар сиз ноҳақ бўлсангиз, буни эътироф этинг ..... 133
Тўртинчи бўлим. Инсон ақл-идроки томон тўппа-тўғри йўл ..... 139
Бешинчи бўлим. Суқротнинг сири ..... 151
Олтинчи бўлим. Шикоятни кўриб чиқишнинг нажотбахш йўли ..... 156
Еттинчи бўлим. Ҳамкорликка қандай эришиш мумкин? ..... 162
Саккизинчи бўлим. Сиз учун муъжизалар бунёд этувчи формула ..... 170
Тўққизинчи бўлим. Ҳар бир киши нимани истайди? ..... 173
Ўнинчи бўлим. Ҳаммага маъқул келган чақириқ ..... 180
Ўн биринчи бўлим. Кино ва радиода шундай йўл тутишади, сиз нима учун уни қўлламаслигингиз керак? ..... 186
Ўн иккинчи бўлим. Агар бошқа бирортаси таъсир этмаса, буни синаб кўринг ..... 190

**ТЎРТИНЧИ ҚИСМ.** ОДАМЛАРНИНГ ИЗЗАТ-НАФСОНИЯТИГА ТЕГМАЙ, УЛАРНИ РАНЖИТМАЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ТЎҚҚИЗ ҚОИДАСИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи бўлим. Танбеҳ беришингиз лозим бўлиб қолса, гапни нимадан бошлаш ҳақида ..... 195
Иккинчи бўлим. Ўзингизга нисбатан нафрат уйғотмай, танқид қилиш ҳақида ..... 200
Учинчи бўлим. Энг аввало, ўзингизнинг шахсий хатоларингиз тўғрисида гапиринг ..... 202
Тўртинчи бўлим. Ҳеч ким ўзига буйруқ беришларини яхши кўрмайди ..... 206
Бешинчи бўлим. Одамларга ўз обрў-эътиборларини сақлаб қолишга имкон яратинг ..... 207
Олтинчи бўлим. Одамларни муваффақият қозонишга қандай илҳомлантирмоқ керак? ..... 210
Еттинчи бўлим. Одамларга яхши обрў-эътиборга эга бўлишлари учун имкон беринг ..... 214
Саккизинчи бўлим. Шундай йўл тутингки, хато осонгина ҳал бўлсин ..... 217
Тўққизинчи бўлим. Одамлар сиз хоҳлаган ишни бажариб, шундан қаноат туйғусини ҳосил этишига қандай эришиш мумкин? ..... 220

**БЕШИНЧИ ҚИСМ.** МЎЪЖИЗАЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ НАТИЖАЛАР БЕРГАН МАКТУБЛАР
Мактубларнинг мўъжизавий таъсири ... 226

**ОЛТИНЧИ ҚИСМ.** ОИЛАВИЙ ҲАЁТИНГИЗНИ ЯНАДА БАХТЛИ-САОДАТЛИ ҚИЛИШГА ИМКОН БЕРУВЧИ ЕТТИ ҚОИДА
Биринчи бўлим. Шахсий оилавий бахтни тезроқ қабрга тиқиш усули ... 236
Иккинчи бўлим. Севгин ва бошқаларнинг ҳам севишига имкон бергин ... 243
Учинчи бўлим. Агар ўзингизни бошқача тутсангиз, ажралиш учун Ринога боришга тўғри келади ... 246
Тўртинчи бўлим. Барчани бахтли қилишнинг тезкор усули ... 250
Бешинчи бўлим. Бу аёллар учун жуда кўп нарсани англатади ... 253
Олтинчи бўлим. Агар бахтли бўлишни истасангиз, мазкур қоидани диққатдан соқит қилманг ... 255
Еттинчи бўлим. Оилавий муносабатлар масаласида асло нодон бўлманг ... 259

*ИККИНЧИ КИТОБ.*
**ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ОММА ОЛДИДА СЎЗЛАШ САНЪАТИ**

Биринчи бўлим. ЎЗИГА НИСБАТАН ДАДИЛЛИК ВА ИШОНЧНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАҚИДА ... 266

Иккинчи бўлим. ЎЗИГА НИСБАТАН ИШОНЧ ТАЙЁРГАРЛИК ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛАДИ ... 282
Пухта тайёргарлик ... 283
Нишонга теккан нутқ ... 286
Ҳақиқий тайёргарлик нимадан иборат? ... 286
Йель мактаб декани Брауннинг ақлли маслаҳати ... 287
Линкольн ўз маърузаларига қандай тайёрланар эди? ... 290
Маърузага қандай тайёрланиш керак? ... 294
Захирадаги билимлар сири ... 298

Учинчи бўлим. МАШҲУР НОТИҚЛАР МАЪРУЗАГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНИШГАН? ... 302
Мукофотга сазовор бўлган нутқ қандай тузилган эди? ... 305
Доктор Конуэлл ўз нутқини қай тарзда тузарди? ... 310
Ёзувларингиздан фол очинг ... 315

Маъруза ўқилаётганда ёзувлардан фойдаланиш керакми? ..... 316
Мавзуни сўзма-сўз ёдламанг ..... 317
Генерал Грант Аппоматтокс қишлоғида ..... 318
Нима учун фермерлар Линкольнни "ҳаддан ортиқ дангаса" деб ўйлаган эдилар ..... 319

Тўртинчи бўлим. ХОТИРАНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН? ..... 322
Улар нега дарахтларни пайқашмади? ..... 324
Линкольн нима учун овоз чиқариб ўқир эди? ..... 325
Марк Твен ёзмасдан гапиришни қандай ўрганган? ..... 326
Бутун бошли китобни қандай ёд олиш мумкин? ..... 329
Қандай такрорлаш фойдали? ..... 330
Профессор Уильям Жеймс яхши хотиранинг сирларини очади ..... 331
Далилларни бир-бирига қандай боғлаш керак? ..... 333
Саналарни қандай эслаб қолиш керак? ..... 335
Ўз маърузасининг режасини қандай эслаш мумкин? ..... 336
Тўла муваффақиятсизлик пайтида нима қилиш керак? ..... 337
Барча турдаги дарсларни хотирада сақлашни яхшилашнинг иложи йўқ ..... 339

Бешинчи бўлим. ОММА ОЛДИДА МАЪРУЗА ЎҚИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ ..... 343
Сабот — матонат жуда зарур ..... 344
Қатъиятга эга бўлинг ..... 345
Сизнинг тиришқоқлигингиз тақдирланишга сазовордир ..... 346
Ёввойи Кайзер чўққисига кўтарилиш ..... 349
Ғалабага эришмоқ учун иродали бўлинг ..... 350

Олтинчи бўлим. ЯХШИ МАЪРУЗАНИНГ СИРЛАРИ ..... 354
Сўзга чиқиш йўсини нима? ..... 356
Ажойиб маърузанинг сири ..... 357
"Сиз доим мана шундай табиий қиёфада гапирасизми?" ..... 358
Генри Форд ўгитлари ..... 359
Кўпчилик олдида сўзга чиқишда сиз бу усуллардан фойдаланасизми? ..... 363
Биринчидан, асосий сўзларга урғу беринг ва уларга муҳим бўлмаган сўзларни бўйсундиринг ..... 364
Иккинчидан, товуш оҳангини ўзгартиринг ..... 365
Учинчидан, нутқ тезлигини ўзгартиринг ..... 366
Тўртинчидан, муҳим фикрлардан олдин ҳам, кейин ҳам тўхтаб олинг ..... 367

Еттинчи бўлим. МИНБАРДА ТУРИБ ЖАМОАТ ОЛДИДА СЎЗЛАШ ВА ШАХС ..... 372
Нега бир нотиқ бошқасига нисбатан яхшироқ чиқиш қилади? ..... 374
Кийим сизга қандай таъсир ўтказади? ..... 375
Биз гапира бошлаганимизда, танбеҳ беришадими ёки маъқуллашадими? ..... 376
Тингловчиларни бир жойга йиғинг ..... 378
Майор Понд ойнани чилпарчин қилар эди ..... 380
Юзингизни ёритадиган ёруғлик бўлсин ..... 380
Саҳнада... ортиқча нарса ..... 381
Саҳнада ҳеч қандай меҳмон бўлмасин ..... 382
Ўтириш санъати ..... 383
Оғир, вазминлик ..... 384
Табиий имо-ишоралар, ҳаракатларнинг ўрнини беўхшов ноз-карашмалар боса олмайди ..... 386
Фойдали бўлиши мумкин бўлган тавсиялар ..... 390

Саккизинчи бўлим. МАЪРУЗАНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК ..... 393
Маърузани бошлашда кулгили воқеани ҳикоя қилишдан эҳтиёт бўлинг ..... 395
Кечирим сўраш билан бошламанг ..... 399
Ҳавасмандликни қўзғанг ..... 400
Нима учун бирор воқеа билан сўзни бошлаш мумкин эмас? ..... 403
Қандайдир аниқ расм билан бошланг ..... 404
Қандайдир буюмдан фойдаланинг ..... 404
Савол беринг ..... 405
Маърузангиз мавзусини тингловчиларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжлари билан боғланг ..... 406
Ҳаяжонли далилларнинг жозибали кучи ..... 408
Одатий кўринган муқаддиманинг аҳамияти ..... 409

Тўққизинчи бўлим. МАЪРУЗАНИ ҚАНДАЙ ТУГАТИШ ЛОЗИМ ..... 412
Маърузангизнинг асосий мазмунини хулосаланг ..... 419
Ҳаракатга даъват қилиш ..... 420
Қисқача чин юракдан лутф кўрсатиш ..... 420
Мутойибага йўғрилган хотима ..... 421
Шеърий сатрли хотималар ..... 422
Инжилдан олинган кўчирманинг кучи ..... 424
Авж нуқтаси ..... 424

Вақт тамом бўлганда ..... 426

Ўнинчи бўлим. МАЪРУЗАНГИЗ МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АНИҚ, РАВШАН ИФОДАЛАШ МУМКИН ..... 429
Кўпроқ аниқлик учун ўхшатишлардан фойдаланинг ..... 432
Махсус атамаларга чап беринг ..... 437
Линкольн маърузаларидаги аниқлик сирлари ..... 439
Тингловчиларнинг кўриш қобилиятларидан фойдаланинг ..... 440
Рокфеллер столдан тангаларни сидириб ташлади ..... 442
Муҳим ғоя (фикрлар)ни ҳар хил сўзлар билан такрорланг ..... 443
Умумий даражалар ва аниқ мисоллардан фойдаланинг ..... 444
Тоғ эчкиси билан рақобатлашманг ..... 446

Ўн биринчи бўлим. ТИНГЛОВЧИЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН ..... 448
Сизга сульфат кислота қандай таъсир кўрсатади? ..... 450
Дунёдаги учта энг қизиқ нарса ..... 451
Қандай қилиб ёқимли суҳбатдош бўлиш мумкин? ..... 453
Икки миллион китобхонни жалб этган ғоя ..... 454
Маърузада диққатни ҳамиша тортадиган маълумот тўғрисида 455
Изчил, аниқ бўлинг ..... 458
Манзара яратувчи сўзлар ..... 461
Тингловчиларнинг қизиқишини уйғотиш учун қарама-қарши тушунчалардан фойдаланиш ..... 463
Қизиқиш "юқумли" бўлади ..... 463

Ўн иккинчи бўлим. ЎЗ УСЛУБИНГИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИНГ ..... 466
Марк Твеннинг сўздан фойдаланиш сири ..... 478
Ишлатадиган сўзларингизнинг романтик тарихи ..... 479
Бир гапни 104 марта ёзинг ..... 481
Ортиқча баландпарвоз гаплардан қочинг ..... 483

*УЧИНЧИ КИТОБ.*
**БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ СИРЛАРИ**

Бу китоб қай тариқа ва нима сабабдан ёзилди ..... 488

Биринчи қисм. БЕЗОВТАЛИК ҲАҚИДА БИЛИШ ЗАРУР БЎЛГАН АСОСИЙ ҲАҚИҚАТЛАР
Биринчи бўлим. Бугунги куннинг "оралиқ, бўш жойи"да яшанг ..... 494

Иккинчи бўлим. Безовталик билан боғлиқ вазиятдан чиқишнинг сеҳрли формуласи ..... 504
Учинчи бўлим. Безовталик қандай оқибатларга олиб келади .. 512

Иккинчи қисм. БЕЗОВТАЛИКНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ
Тўртинчи бўлим. Безовталик муаммоларини қандай таҳлил этмоқ ва ҳал қилмоқ керак? ..... 525
Бешинчи бўлим. Ишда содир этиладиган эллик фоиз безовталикни қандай бартараф этиш ҳақида ..... 533
Ушбу китобдан юқори даражада самара олишни таъминловчи тўққиз тавсия ..... 538

Учинчи қисм. БЕЗОВТАЛИК ОДАТИ СИЗНИ ЕНГМАСДАН ТУРИБ, УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА
Олтинчи бўлим. Кунглингиздан безовталикни қандай "сиқиб" чиқариш мумкин ..... 542
Еттинчи бўлим. Арзимас нарсалардан хафа бўлиб, ўзингизни абгор қилманг ..... 552
Саккизинчи бўлим. Сиздаги безовталикнинг муайян қисмини қонундан ташқари қўйган қонун ..... 560
Тўққизинчи бўлим. Муқаррар юз берадиган ҳодиса билан ҳисоблашинг ..... 567
Ўнинчи бўлим. Безовталигингизга "тўсиқ" ўрнатинг ..... 579
Ўн биринчи бўлим. Қипиқ учун арралашга уринманг ..... 585

Тўртинчи қисм. СИЗГА РУҲИЙ ХОТИРЖАМЛИК ВА ОМАД КЕЛТИРУВЧИ АҚЛИЙ ЙЎНАЛИШНИНГ ЕТТИ ҚОИДАСИ
Ўн иккинчи бўлим. Ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин бўлган тўққизта сўз ..... 592
Ўн учинчи бўлим. Ўч олишга интилиш жуда қимматга тушади ..... 603
Ўн тўртинчи бўлим. Агар сиз буни амалга оширсангиз, ҳеч қачон миннатдор бўлмаган кишидан ранжимайсиз ..... 611
Ўн бешинчи бўлим. Ўзингиз эга бўлган нарсани миллион долларга берармидингиз? ..... 618
Ўн олтинчи бўлим. Ўзлигингизни топинг ва ўзингиз билан бўлинг: Ёдингизда тутинг, ер юзида сизга ўхшаган одам йўқ ..... 626
Ўн еттинчи бўлим. Қўлингизга лимон тушса, ундан лимонад ясанг ..... 634

Ўн саккизинчи бўлим. Дилгир кишини қандай қилиб ўн тўрт кунда даволаш мумкин? ..... 643

Бешинчи қисм. ТАНҚИД ТУФАЙЛИ БЎЛАДИГАН БЕЗОВТАЛИКДАН ЎЗНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА
Ўн тўққизинчи бўлим. Эсингизда бўлсин, ҳеч ким ҳеч қачон ўлик итни урмайди ..... 658
Йигирманчи бўлим. Ўзингизни шундай тутингки, танқид сизга ҳеч қандай ранж-алам етказмасин ..... 662
Йигирма биринчи бўлим. Мен йўл қўйган бемаъни хатти-ҳаракатлар ..... 666

Олтинчи қисм. ЧАРЧАШ ВА БЕЗОВТАЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАМДА ЮҚОРИ ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ВА ЯХШИ КАЙФИЯТНИ САҚЛАБ ТУРИШГА РИОЯ ҚИЛИШНИНГ ОЛТИ ҚОИДАСИ
Йигирма иккинчи бўлим. Қандай қилиб ҳаётингиздаги фаолликка бир соатдан қўшиш мумкин ..... 673
Йигирма учинчи бўлим. Сиз нега чарчайсиз ва чарчоқни қандай қилиб бартараф этиш ҳақида ..... 678
Йигирма тўртинчи бўлим. Уй бекаси ҳорғинликдан қандай қилиб халос бўлиши ва шу туфайли ёш кўриниши мумкин ..... 683
Йигирма бешинчи бўлим. Сизга ҳорғинлик ва безовталикни бартараф этишга ёрдам берувчи тўртта ажабтовур меҳнат кўникмаси ..... 690
Йигирма олтинчи бўлим. Чарчаш, безовталик ва ранж-алам ҳиссиётларига сабаб бўлувчи дилгирликдан қандай халос бўлиш мумкин ..... 695
Йигирма еттинчи бўлим. Уйқусизлик туфайли пайдо бўлган безовталикдан қандай халос бўлиш мумкин ..... 704

*Оммабоп нашр*

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

**ДЎСТ ОРТТИРИШ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ОММА ОЛДИДА СЎЗЛАШ САНЪАТИ**

**БЕЗОВТАЛИҚДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ СИРЛАРИ**

*Тўплам*

Муҳаррирлар
Манзар АБДУЛХАЙР
Анвар НАМОЗОВ

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.
Босишга 11.11.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 22,5. Шартли босма тобоғи 37,80.
Гарнитура «Baltica Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 288.
Баҳоси келишилган нархда.
«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чор этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
***Мурожаат учун телефонлар:***
Нашр бўлими — (78) 147-00-14; (78) 129-09-72;
Маркетинг бўлими — (98) 128-78-43; (93) 397-10-87.
факс — (71) 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru.

**ДЎСТ ОРТТИРИШ ВА ОДАМЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА**

*Карнеги инсонларнинг ўзаро муомала маданияти, бошқаларни ҳурмат қилиш, ишларини юқори баҳолаш орқали обрў-эътибор топиш мумкинлигини таъкидлайди. Дўст орттириш ва ўзгаларда хуш таассурот қолдириш ҳар қандай кишини муваффақият сари элтишини ҳаётий мисоллар билан изоҳлайди...*

**ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА ОММА ОЛДИДА СЎЗЛАШ САНЪАТИ**

*Биз аксарият ҳолларда иккиланиб, фикр билдиришга ожизлик қиламиз. Омма олдида ҳаяжон босиб, ўз нуқтаи назарини ифодалай олмайдиганлар ҳам бор. Уларда жўяли фикр бўлса-да, кўпчилик ҳузурида баён этишга ожизлик қилишади. Дейл Карнеги ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш ҳақида сўз юритади.*

**БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАШ СИРЛАРИ**

*Кундалик ҳаётда ташвишлар борки, улар бизни безовталик, ранж-алам ва дилгирликка дучор қилади. Оқибатда ўзимизга касаллик орттирганимизни билмай қоламиз. Кучли сиқилиш бизни ич-ичимиздан кемира бошлайди. Дард чекамиз, бетобланиб қоламиз. Ваҳоланки, безовталикдан халос бўлишнинг ечимлари оддий...*

# Дейл КАРНЕГИ

ISBN 978-9943-08-473-5

9 789943 084735

ЯНГИ АСР АВЛОДИ